



ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТҶҲЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

10 32904/5
494

Н 473 (03)
4-16

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

БЕШИНЧИ ЖИЛД

Шукрона — Ҳ

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

81.293-4

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”

ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Н.Тухлиев.


Директорнинг биринчи ўринбосари – Д.А.Шораҳмедов.

Директор ўринбосарлари – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев, Р. Қиличев (етакчи илмий муҳаррирлар).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда булган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.



У 70105-071
358-2008

ISBN 978-9943-07-051-6

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти, 2008.

Ш

ШУКРОНА [а. + ф. شکرانه — миннатдор(чи)лик, ташаккур; раҳмат айтиш] Қаноат ва мамнунлик, шукур қилиш ифодаси. *Эртасига кампир бу севинч-қувончларнинг шукронасига хотин-халажни йиғиб, мушкулкушод ўқиттирди. Файратий. Довдириш. Кўнглингда икки унсур ҳукрон экан: бири — тақдири азал шукронаси, бири — қасди жон. С. Сиёев. Ёруғлик.*

ШУКРОНАЛИК Шукур қилиш, қаноатли ва мамнун ҳолат. *Ҳаёт шохлар орасида нигорон бўлиб ўтирган ёрини кўрди-ю, қалбида оғир чўккан дардлари тарқалгандай, шукроналик билан жилмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Оқила ва фозила аёлларнинг барчасида ажиб тароват, бахтидан шукроналик.. сезилиб туради. Газетадан.*

ШУКУР [а. شکور — «шукр» с. нинг кўпл.] 1 унд. с. Мамнунлик, қаноат ҳиссини билдиради. *Шунга ҳам шукур. -Соғлигингиз қалай? -Шукур, яхши! ■ Бор эканмиз, минг марта шукур.. дея она ёйди дастурхон. Х. Пўлат.*

Шукур қилмоқ Мамнун ва қаноатда бўлмоқ. [Ҳожина:] *Қизим.. Ҳожинадаёй тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бундай одам ҳар қандай шароитда ҳам шукур қилиб яшайди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 Шукур (эркаклар исми).

ШУКУҲ [ф. شکور — улуғ(вор)лик, даб-дабалилик, тантанаворлик; шавкат, савлат] кт. Тантана; улуғворлик; салобат. *Ҳар бир жойда байрам шукуҳи. ■ Моҳира пазанда,*

чаққон, саранжомли, режали келин эди. Унинг қутлуғ қадами билан Исоқ ота вақтидаги оиласининг эски шукуҳи қайтиб келгандай бўлди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Уттиз икки баҳор ўтди гулга кўмиб ўлкани, Ҳар бирида минг баҳорнинг шукуҳи бор, ҳусни бор. Уйғун. Кўз илғамас уфқ ҳам.. дала-қир ҳам бугун [Латофатнинг] назарида тамоман ўзга шукуҳ, ўзгача бир нафосат кашф этгандек эди. С. Кароматов, Ҳижрон.

ШУКУҲЛИ Шукуҳга эга, тантанавор, улуғвор; завқ-шавқ бағишловчи. *Ҳа, шукуҳли, руҳли баҳслар Худди қалбим қадар азизлар. М. Шайхзода. Нақадар шукуҳли дала йўллари.. яхлит-яхлит пахта пайкаларида тўп-тўп йигит-қизлар, ёш-яланг, хотин-халаж. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.*

ШУЛ эск. кт. айн. шу. Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман. Муқимий. ■ -Адолатингиздан бизнинг талабимиз шул! — деди [Отабек] ва қўрбошига қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШУЛОН Камбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат. *Шулон шўрва. Шулон пиширмоқ. Шулон тарқатмоқ. ■ Қорин кўп оч. На гўжа бор, шулон шўрва Ва на умоч. Ф. Фулом. Азимбой ҳам масжид қурдиргач, Гадоларга тарқатар шулон. М. Али.*

ШУЛҲА с.т. Шелуха. *Сигирга шулха бермоқ. Шулхани қопламоқ. ■ Ҳаммага маълумки, пахтадан турли-туман газлама, ёғ.. шулха олинади. Газетадан.*

ШУМ [а. شوم — бахтсизлик, мусибат; бало, офат] 1 Емон фикрдаги; нияти бузуқ; ёмон, ярамас. *Кеча шом вақтида бизникига*

иккита шум йигит келди. Танийман. Хужайин ҳалигиларни меҳмонхонага киргизиб, эшикларни тақа-тақ ёнди. Ойбек, Танланган асарлар Хушёр туриб, адашмай, Ҳар шарпани сезаман. Душман қаршилик қилса, Шум бошини эзаман. Уйгун. [Гуландом:] Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не балоларга гирифтор бўлдим. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бахтсизлик ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи. Шум бўрондан чайқалди денгиз, Кук ҳам аста томчи ташлади. Э. Қамбаров. [Ҳосият:] Эрларни қаърига тортди шум уруш, Эрларсиз уй файзи тамом йўқолди. Г. Жўраева.

Шум хабар Кишини ғоят хафа қиладиган, жуда қайғули хабар. Собиржон бу аҳволни кўрган кўзларига, бу шум хабарни эшитган қулоқларига сира ишонгиси келмасди. С. Шамсиев, Сепсиз келин.

3 Кўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган; айёр, маккор, қув, қилвир. Шум кампир. ■ -Ҳа, бу жуда ниҳи қайрилган шум халфа, — деди Давлатёр ва Турдивой халфанинг кирдикорини гапириб берди. П. Турсун, Ўқитувчи. Султонов жуда хушёр ва шум эдики, шамол қай томондан келаётганини дарҳол билиб, вазиятга қараб товланарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Ярамас қилиқлар қиладиган, ўта шўх, тўполончи. Ҳалиги шум йигит: жуда гап тополмасанг, бармоғингни мана бундай бигиз қил-да, «кўзингизга қўлимни тиқиб олайми?» дегин, кейин қиз кулиб юборади [деди]. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШУМЛИК 1 Шум кишига хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. Кўқондаги бир мактабда турк афандидан таълим кўриб, ўша афандидан анчагина шумликларни ўрганган экан. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўртоқ Умурзоқова, кўриб турибманки, сиз ҳам шумлик қилаётирсиз, марҳамат, жавоб беринг, нима мақсад билан келдингиз? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бу саҳроий болалар шумликни билмайди. Ўргатиб-ўргатиб, ишга сола берасиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёмонлик, қайғу-кулфат келтирувчи нарса. Унинг чарчоғи ҳам, уйқуси ҳам қочган, кўнгли бир шумликти сезгандай, кекса, ҳорғин юзини бетоқатлик кўлангаси қоплаган эди. А. Мухтор, Чинор.

ШУМОЁҚ Пойқадами бирор шикастликка, ёмонликка сабаб бўлувчи, фалокат, бахтсизлик келтирувчи. Гул, райҳонга тўлган қирғоғинг Шумоёқлар макони бўлди. Фашист деган одамхўр жаллод Соҳилингдан жой олди, тўлди. Файратий.

ШУМТАКА с.т. Ниҳоятда шўх, тўполончи бола. Ҳозир тўполон кўтаришади, миямни қоқиб, қўлимга беришади бу шумтакалар, эглаб бўлармиди уларни. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Қадимнинг одатига мувофиқ, ҳар икки томоннинг шумтака болалари кўчада бир-бирларини қорға думалатиб, бир нафас муштлашиб олдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

ШУМТОЛ Ёғочи қаттиқ, барги патга ўхшаш дарахт. Ўрмон зоналарида чинор, зоранг, шумтол, оқ қайин, дўлана учрайди. Газетадан.

ШУМУРТ Гули оқ, хушбўй бутасимон дарахт ва унинг қора, нордон меваси. Шумуртнинг гуллари оқ, баъзан пушти рангга эга бўлади. Газетадан.

ШУМШАЙМОҚ 1 Бўшашган, жунжиккан, эзгин ҳолатда бўлмоқ. Ичкари ҳовлида кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди. Мирмуҳсин, Меъмор. [Мингбошининг] Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кичрайди, нортундек нояча бўйи пасайди, ўзи эса совуқда қолган етим боладек шумшайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Степан болани кўтариб, тепага чиққанда, ярим яланғоч, шалаббо, совуқдан шумшайган, ҳолдан тойган одамларни кўрди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Бирор нарсдан хафа бўлиб, қовоғини солмоқ, тўрсаймоқ; уялиб тортинган ҳолатда бўлмоқ. Давронов рўпарада шумшайиб турган Фозиға қараб, унинг кўнглидаги безовталикини сездди. И. Раҳим, Ихлос. Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди. Ойбек, Куёш қораймас.

ШУМШУК 1 Қилмиши, ёмон хатти-ҳаракати билан кишига хунук кўриниб қолган, ёқимсиз ҳолатга тушган; ёқимсиз. Мендан ҳеч ким хабар олмай кўйди. Ҳаммага шумшук кўриниб қолдим. Ф. Фулом, Тирилган мурда. Вали бултур чўлдан беруҳсат жўнагани, тўғрироғи, қочворгани маълум бўлгач, таниш-билишлари олдидан шумшук бўлиб, ўз

районига сизмай қолган. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Тўнсиз карахт бўлиб келган Муқимий қайнана кўзига жуда шумшук кўринган эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Шундай ҳолатга нисбатли ҳақоратни билдиради. -Э, шумшук, «Домла-имом оч қолса, бозор кезади, сўфи оч қолса, мозор кезади», деган мақолни эшитганмисан? - деди мулла Мамасолиҳ Худҳуд сўфига. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ШУМШУКЛИК Шумшук ҳолат. Она-сиз етим - шум етим, деганларидек, Умид шумшуклик ҳақоратини ўбдон [обдан] тотган етим эди. Мирмуҳсин, Умид.

ШУМҚАДАМ айн. шумоёқ. -Бир марта шаҳардан сизга ўхшаган бир йигит келиб, қишлоқдаги шумқадамларни тўглаб, мажлис қилган эди, - деди мингбоши. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ШУМҒИЯ 1 бот. Бошқа экинлар илди-зидан озикланадиган текинхўр ёввойи ўт. Дўстим, нафсни ўз ҳолига қўяверсанг, худди шумғияга ўхшаб, тез ўсиб кетар экан. «Муштум». Тухуминг қуригур шумғия қовун-тарвузнинг заволи! Н. Сафаров, Наврўз.

2 кўчма Ўз манфаатини кўзлаб, ўзгалар ҳисобига яшовчи шахс; зараркунанда. Йўлимиздаги ғовларни ҳам илдиз олишига имкон бермай, ўз ўрнида ялиб ташлайлик! Шундагина дилмиз кўзлаган порлоқ манзилга шумғияларсиз етиб борамиз. Газетадан.

ШУНАҚА с.т. Шундай. Шунақа гаплар. Шунақа вақтда. ■ Киприк ҳам шунақа узун бўладими? С. Аҳмад, Лаъли Бадахшюн. Шунақа, Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган уада қаттиқ тегади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ШУНАҚАНГИ с.т. 1 Шу каби; шундай. Қишлоқда шунақанги чиройли қизлар кўп. ■ Бўйи етган қизлар йигитнинг мана шунақанги мардини ёқтиради. Мирмуҳсин, Мельмор.

2 Маънони кучайтиради; шу даражада, жуда. У шахматга шунақанги муккасидан кетганки, агар Фарғонада бу ўйинга жонини тикадиган одам иккита бўлса, шунинг биттаси Аҳмаджоноя. «Гулдаста».

ШУНАҚАСИ с.т. 1 Шунга ўхшаган, мана шу каби; шундай. Қаламнинг шунақаси топиладими?

2 Уша йўлдан, ўша томондан; йўл-йўлақай. Шунақаси уйга кетамиз. Шунақаси магазинга ҳам кирдик.

3 Шу тариқа, шу йўсинда. Сорахон шу куни кечқурун ҳам чиқмади ва шунақаси уч кун йўқ бўлиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ШУНГ айн. шумтол. Шунг барги.

ШУНДАЙ 1 кўрс. олам. Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, шунга ўхшаш, шу сингари. Шундай дўст қаерда бор? Шундай вақт келади. Қаҳқатан шундай бўлиб чиқди. Мен ҳам ёшлигимда шундай эдим. Қаламнинг шундайларидан учтасини танлаб олдим. ■ -Қалай? - деди Сулаймонов трубкани кўйиб, - умрингизда шундай қаймоқ еганмисиз? А. Қаҳҳор, Икки ёрти - бир бутун. Унда [Ғуломжонда] шундай нафратнинг туғилиши табиий эди. М. Исмолий, Фарғона т.о. Бу ишлар ичида шундайлари ҳам борки, шошилинч қилинмаса, бошқа ишга ҳам таъсир қилиши тайин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Маънони кучайтиради; шу қадар, шу даражада; шунақанги. У шундай тез юрар эдики. У ҳеч қачон шундай аҳволга тушмаган эди. ■ Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади. Ойбек, Танланган асарлар. Бўғунлари бўртиб турган узун бармоқларини тугун қилиб, пиджагининг чўнтагига шундай қаттиқ тиқдики, чоклари чирсилаб кетди. П. Қодиров, Уч илдиз.

3 рвш. Айтилган ёки кўзла тутилган бир тартибда, шу зайлда, ана шу тарзда. Хўжаликни шундай бошқариш керак. Сиз ҳам шундай ишласангиз бўлмайдими? ■ Ҳакимбойваччадек хушёр йигит қайда?.. Боёнларимизнинг бари хушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да. Шундай эмасми, Салимжон? Ойбек, Танланган асарлар. Шундай қилиб, ёз ҳам ўтди. Ниҳоят, Аҳмаджон аскарний хизматга чақирилди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Шундай бўлса ҳам Шунга қарамай. У касал эди, шундай бўлса ҳам, ишга келди.

4 Куйидагича, тубандагича. Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса - шунинг онаси, энди туғилса - шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса - шу хотиннинг ўзи. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

5 рвш. с.т. Одатлаги каби, одатлаги сингари, одатлагидек; оддий усулда. Ўзимиз шундай гаплашиб ўтирган эдик. ■ Вагондан энг кейин тушган ва милтиғини тиғидан ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб, шошмасдан келаётган Аҳмаджон: Строй [саф] бўлмасдан,

шундай кетаверсак бўлмасмикан? — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

6 Тасдиқловчи жавобни билдиради; ҳа, тўғри. - *Врачмисиз? - Шундай.* ■ [Эшон:] *Катталарни-чи, катталарни ҳам ўқитасизми? - Шундай, — деб жавоб берди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 кўм. өзф. Таъкид, кучайтирув ифода-лайди; худди, нақ. *Ишхонамиз театр биносининг шундай рўпарасида.*

ШУНДАЙИН шв. Шундай. *Ўлжа бўлиб кетди шундайин тулпор, Учар қушдан ўтар эди жонивор.* «Муродхон».

ШУНДАЙИЧА Қандай бўлса, худди ўша ҳолатда, ўзгармасдан, ўзгартирилмасдан. *Аҳмаджон бир сакраб, [фашистни] бўйнидан сиқиб олди ва шундайича судраб, настга олиб тушди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ШУНДАЙЛИГИЧА айн. шундайича.

ШУНДОҚ с.т. Шундай. *Шундоқ қилиш керак.* ■ *Қанақа уруш бўляпти ўзи? Қачонгача шундоқ давом этади? И. Раҳим, Чин муҳаббат.* - *Шундоқ, устоз, сиз қўяверинг, — деди Заврак.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўша хотинбознинг шундоқ шармандасини чиқарайки!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Болохонанинг шундоқ остида, ариқ бўйида буви си чўнқайиб ўтирарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ШУНИНГДЕК 1 Шунга ўхшаш, шу каби, шу сингари. *Халқ шунингдек гаплар билан юз ёқдан.. ҳужум қилиб, ҳатто адобсиз сўзлар билан ҳам сўкар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 мод. с. Бундан ташқари, бунинг устига, шу билан бир қаторда. *У довурак, шунингдек, билимдан киши эди.* ■ - *Шунингдек, раис мажлисни олиб боришда ҳам кўпчиликка ҳурматсизлик қилди.. — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШУНЧА 1 рвш. Шу қадар, шунчалик, шу даражада. *Шариат, хотинни қаттиқ тутуши керак, дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қолишингизни пойлайди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Ватан агар бўлса бир чаман, Сиз қўйида хандон ғунчалар; Ай, сиз, менинг кичик дўстларим, Ватанингиз севар шунчалар.* З. Диёр.

2 белг. о.м. Ноаниқ миқдорга ишора қилади; шу миқдорда. *Бир зумда шунча одам йиғилди. Дарров шунча иш ўтиб кетибди.*

Шунча ўйласам ҳам, эсимга келмади. Шунча вақтдан буён қаерда эдинг? ■ - [Ғофир:] Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ажаб, шунча невараси борми кампирнинг? «Гулдаста». Суюкли бўлсам, шунча балоларга гирифтор этиб, кўча-кўйда саргардон қилиб қўярмиди.. С. Сиёев, Ёруғлик. Кор қилмади шунча илм, этди қанча саргардон. А. Орипов.

ШУНЧАЙИКИ с.т. Шунчаки. *Саудий гарчи бу сўроқни шунчайики берган бўлса ҳам, Муҳаммадражабнинг жавобидан қаноатланмади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШУНЧАЙИН с.т. Шунчаки. *Мабодо Бобур шаҳарга қўшинсиз, шунчайин пойтахтни кўриш учун кирадиган бўлса, Бойсунқур мирзо уни туттириб, йўқ қилиб юбориши мумкин эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШУНЧАКИ 1 рвш. Жиддий мақсад билан эмас. *У фотография билан шунчаки шуғулланади.* ■ *Хафа бўлманг тағин, шунчаки айтаётирман-да.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Омон мени эски кеки юзасидан алдаган экан, мен уни шунчаки қизиқчилик қилиб алдаган эдим.* Ғ. Фулом, Шум бола.

2 Катта аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, оддий. *Шунчаки гап. У шунчаки бир ашулани эди.* ■ *Улар шунчаки актёргина эмас, балки.. вазият талаб қилса, душман билан юзма-юз олишадиган жангчи ҳам эдилар. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Улар шунчаки одамлар эмас, қасд қилиб, изингиздан тушган одамлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ШУНЧАЛИК 1 Шу қадар, шу даражада; шунча. *Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Асқар ота аввал қўрқди, кейин, жувоннинг от чо-пишини кўриб, шунчалик завқи келдики, отига устма-уст қамчи уранини ўзи ҳам сезмай қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. [Қодирқул:] *Ажаб одамсиз-да, домла! Битта савил бошни йўқ қилмоқ шунчалик мушкул эканми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 айн. шунчаки 1, 2. *Лекин буларни шунчалик айтиб қўйдим-да. Олдин қилинадиган бошқа иш бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсум Элмуроддан хафа эмаслигини, шунчалик ўзининг хўрлиги келиб йиғлаганини билдириш учун қайтиб кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шунчалик гап экан, ўзини ҳам диққат қилиб,*

хизматчиларини ҳам ортиқ бўлмаса. С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

ШУНҚОР 1 Лочинсинмонлар оиласига мансуб кучли йиртқич қуш. *Икки шунқор талашса, бир қаргага ем тушар.* Мақол. ■ *Шунқор қанча баланд учмасин, бари бир, ўз уясига қайтади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қарчиғай, лочин, шунқор сингари кичик йиртқич қушлар майда ҳайвонларни овлашга солинган.* «Фан ва турмуш».

2 кўчма Мард, жасоратли, ботир шахсга нисбатан қўлланади. *Дала шунқорлари бу ерга [клубга] кино кўриш, янгиликлар билан танишиш учун тўпланганлар.* Э. Охунова, Файзли оқшомлар. *Бахт деган келмайди оддий тугунда, Уни келтиради юртнинг шунқори.* Р. Бобожон. *Тез бориб, шунқорларимга айт, Бобурнинг бошини кесиб келган одамга боши баробарлик олтин берман!* [деди Шайбонийхон чопарга]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШУРУП [нем. Schraube — винт] Ёғоч ёки металл деталларни маҳкамлаш учун ишлатиладиган бурама мих. *Шурупни бураб киритмоқ.*

ШУРУ(Ъ) [а. شروع — киришиш, бошлаш]: **шуру(ъ) қилмоқ** эск. кт. Бирор нарсага қиришмоқ; бирор нарсани қила бошламоқ. *Мулла Абдурахмон бутун камолотини ишга қўйиб, имомат ва хатибликка шуруъ қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШУРФ [нем. Schurf] Ер ости бойликларини қидириш ёки тупроқни текшириш учун қовланган, ер юзасига чиқиш йўлига эга бўлган тик ёки қиялама қудуқ. *Ҳазратқулов трасса бўйлаб шурфлар қазилгани. эрта тонгда портлатиш бошланажagini айтди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Онахон тахта зинадан салмоқ билан юриб, котлован шурфига туша бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШУУР [а. شعور — англаш, сезиш, фаҳмлаш; кечинма, ҳис-туйғу; ақл, идрок] кт. Онг, тушунча. *Шоирларда зеҳн ва шуур ўткир, хаёл денгизи эса теран бўлади.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Майли, ўтмиш ун йил менга Шуур берди, онг берди.* Ф. Фулом, Менинг шуурим эса зиддиятлар осмонида кезар. С. Азимов, Камалак.

ШУУРИЙ [а. شعورى — ҳис-туйғуга, ақл-идрокка оид] кт. Шуурга, онгга оид, онг

билан боғлиқ. *Чунки мен ҳам ўзга оламларга шуурий саёҳат қиламан.* «Сирли олам».

ШУУРЛИ 1 кт. Маълум тушунчани ўзида мужассамлаштирган; онгли. *Ҳақиқатан ҳам Зебо шуурли, жўшқин юракли бўлиб етишди.* Р. Халилова, Ушалган орзу. *Энг иродали, мақсади аниқ кишилар.. нурли, шуурли жаҳон барпо этдилар.* Зулфия, Чўққилар.

2 ҳўқ. Ақли расо, эсли (ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бера оладиган).

ШУУРСИЗ кт. **1** Онгсиз ҳолда, гайришуурий. *Йигит тафаккурдан татом аж-ралиб, отга шуурсиз мўлтираб турар, тўриқ эса ер тепинар эди.* А. Ҳасанов, Чироқлар. *Навоий индамасдан орқага қайтди.* *Бошқа хонага кириб, қоғоз ва қалам олди-да, шуурсиз равишда фармон ёза бошлади.* Ойбек, Навоий.

2 ҳўқ. Ақлдан озган, руҳий касал (қилган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайдиган).

ШУУРСИЗЛИК ҳўқ. Айбдорни жиноий масъулиятдан халос қиладиган руҳий ҳолат. *Шуурсизлик ҳолатида бўлмоқ.*

ШУ-ШУ Ўша вақтдан бери, ўшандан бери. *Шу-шу у келмайди.* *Шу-шу тавба қилганман.* *Шу-шу соғайиб кетдим.* ■ *Шу-шу Раҳим Саидов қачон Кўқонга келмасин, Теракзорга келиб, битта ош қилдирмаса, кўнгли жойига тушмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Шу-шу мен мактабга бормай қўйдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШУЪБА [а. شعبه — соҳа, тармоқ; шохбча; бўлим, филиал] **1** эск. Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир қисми, бўлим; идора. *1919 йилдан бошлаб Тошкент мусулмон хотин-қизлар шўбасига раис бўлиб ишладим.* З. Юсупова, Оловли йиллар. *Шаҳар маориф шўбасининг вакили шу кўра-ни келиб кўриб, мактаб учун жуда мос, деб кетибди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Ер шўбасидан тракторни ҳозирдан сўраб қўйиш керак.* Ҳ. Шамс. Душман.

2 мус. Шашмақом таркибига кирувчи олти мақомдаги ҳар бир бўлимнинг номи.

ШУЪЛА [а. شعلة — олов, аланга; машъал] **1** Бирор жисмдан таралувчи нурли энергия; ёруғлик, нур. *Ой шўласи.* *Хатни чироқ шўласида ўқимоқ.* ■ *Аммо офтобнинг ўткир шўласи Кўксингни парчалаб ёрди беомон.* *Тарихнинг музаффар, нурли йўлидан*

Дадил бормоқдалар наслимиз ҳамон. Уйғун. Шох утиннинг учоқни тўлдириб ловуллаётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. ёлқин. *Ҳамон машъала шуъласи кўриниб турган ҳовлидан анча узоқлашгач, бир дарахтнинг панасига ўтирдилар. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ШУЪЛАЛАНМОҚ *поэт.* Шуъла, нур таратмоқ; ярқирамоқ, барқ урмоқ. *Қаердан тушайтгани номаълум бўлган кучли нур остида бу ердаги амакиларнинг кийимлари кўз олгудек шуълаланарди. «Ёшлик». Шуълаланиб, шарқираб ётар Кўк сувларда ой синиқлари. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. Унинг теңасида шуълаланиб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турадиган чироқ. Э. Самандар, Тангри қудуғи.*

ШУҒУЛЛАНМОҚ *Бирор иш билан овора бўлмоқ; машғул бўлмоқ; иш олиб бормоқ. Гимнастика билан шуғулланмоқ. У энди мусиқа билан шуғуллана бошлади. Талабалар билан шуғулланмоқ. ■ Девонга эрта билан кетиб, кеч қайтадиган отаси ўғлининг нима билан шуғулланаётганидан беҳабар эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Киши иш вақтида жамият учун фойдали бўлган ижтимоий меҳнат билан шуғулланади. «Фан ва турмуш».*

ШУҲРАТ [a. شهرت – машҳурлик, таниқлилиқ; шон, доврўқ] **1** Катта хизмат, талант, одамийлик ва ш.к. эвазига қозониладиган обрў; донг, доврўқ. *Бу артистнинг шуҳрати оламага кетган. Донога иш – шону шуҳрат, Нодонга иш – гаму кулфат. Мақол. ■ Авлод-аждодимиз шуҳрати меҳнат, Меҳнатсиз ҳеч кимса тополмас хурмат. Газетадан. Машҳур қизиқчи халқ орасида шуҳрат қозона бошлаган ёш Юсуфжонни кўрмоқчи бўлиб, унга одам юборади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

2 Шуҳрат (эркаклар исми).

ШУҲРАТЛАМОҚ *кам қўлл.* Шуҳрат-эътиборини қайд этмоқ, эътиборда тутмоқ, ўрнига қўймоқ. *У фуқаролар урушининг оғир кунларида халқ оммасини руҳлантириб турди.. зиёлиларнинг фронтлардаги ва фронт орқасидаги мислсиз қаҳрамонлигини шуҳратлади. Газетадан.*

ШУҲРАТЛИ Шуҳрат қозонган, шуҳрат топган. *Олтин пахта ифтихоринг, Шуҳратлидир пахтакоринг. Ё. Мирзо. Инсон ўз меҳ-*

нати, ўз ишлари, ўзи яратган нарсалари билан гўзал ва шуҳратлидир. Газетадан.

ШУҲРАТПАРАСТ [a. + ф. شهرتپرست – шуҳрат ишқивози, шуҳрат кетидан қувадиган] *Фақат ўз шон-шуҳратини ўйлайдиган ва доим шунга интиладиган. У талантли инженер. Аммо шуҳратпараст – фақат ўзини ўйлайди. Газетадан. Сиз билан бизнинг вазифамиз.. ивгогар, шуҳратпараст, мансабпараст шахсларни сунуриб ташлашдан иборат. О. Ёқубов, Ларза. Каптабин.. шуҳратпараст кўрқоқлар хиёнатга яқин туради. Шуҳрат, Шинелли йиллар.*

ШУҲРАТПАРАСТЛИК Шуҳратпарастга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Мени бевозта қилаётган нарса сизнинг шуҳратингиз эмас, балки шуҳратпарастлигингиз. Уйғун, Сўнгги пушаймон. Дарҳақиқат, бир қарашда иноқ, дўсара кўринган Қавомнинг мижозиди шуҳратпарастлик унсурлари йўқ эмасди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ШЧИ [р. ши – карам ва турли ошкўклар солинган шўрва] *Карам, шонул каби кўкатлар солиб пишириладиган шўрва. Шчи пиширмоқ. Шчи ичмоқ.*

ШЧИТ [р. шит – тепа; тўсиқ, ғов; ҳимоя, бошпана] **1** Бирор зарба, ўқ, учкун ва ш.к. дан сақланиш учун металлдан қилинган ёки бирор қуролга ўрнатилган тўсиқ; ҳимоя қалқони. *Замбарак шчитти. ■ Аҳмаджон пулемётнинг қабзасини маҳқам ушлаган ҳолда, шчитнинг тешигидан душманни кузатар, афтидан, шеригининг сўзини эшитмас эди. А. Қаҳқор, Олтин юлдуз. Эгнига комбинезон кийиб, қўлига электросварка шчитини ушлаб турган [Самад аканинг] юзи менга жуда таниш эди. С. Аҳмад, Иқбол чироқлари.*

2 *тех.* Гидротехника иншоотларида: тўғоннинг сув ўтказадиган, сурилиб очиладиган ёки ёпиладиган темир дарвозаси. *Энергетика ва автоматика институти ходимлари.. каналлардаги сув сатҳи ва ўтаётган сув миқдорини, ичит ва затворларнинг ҳолатини автоматик аниқловчи.. асбоблар яратди. Газетадан.*

3 *Намойиш қилиш учун бирор экспонат ўрнатилган ёки сурат солинган катта юпқа тахта. Ёш ичишлар.. газета саҳифаси тасвирланган катта ичитни кутариб олишган. Газетадан.*

4 махс. Бирор асбоб ёки нарса ўрнатилган тахта. *Электр сўтчигининг шчити. Ўт ўчирувчи асбоблар шчити.*

ШЎЛП тақл. с. Оғир нарса суюқликка тушганда, шунингдек, сув қирғоққа ёки бошқа нарсага урилганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Водийни иккига бўлиб ўтган катта сой шовуллар, қирғоққа шўл-шўл урилиши эшитилиб турарди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

Шўлп этмоқ «Шўлп» деган товуш чиқармоқ. *Боланинг қўлидаги тош шўлп этиб, сувга тушиб кетди. ■ Бу лаънати каламушлар бочкага шўлп этиб тушади-да, ёққа беланиб олади. С. Маҳкамов, Шогирд.*

ШЎЛТИ-ШЎРВА с.т. Шўрва-шўлти. *Яхшики Исоқ отанинг боғи бор. Ёзда ўрик-узумга оғизлари тегиб туради. Бўлмаса, шўлти-шўрва билан оёқ чўзиш мумкин. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.*

ШЎЛҚ тақл. с. Суюқлик ёпиқ идиш ичида чайқалганда ҳосил бўладиган товушни билдиради.

ШЎЛҚИЛЛАМОҚ «Шўлқ-шўлқ» қилмоқ.

ШЎНФИМОҚ I Сув ёки бошқа бир суюқлик ичига кириб ботиб кетмоқ; чўймоқ. *Бир шўнғиб чиқмоқ. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди. Мақол. ■ Сувонжон тол тагидаги камарга шўнғиб.. кетарди-да, анчадан кейин қўлида балиқ билан чиқиб келарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ундаги [ҳовуздаги] зогора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб, ташланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб, шўнғиб кетарди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 кўчма Бирор нарса орасига кириб, беркиниб, кўздан ғойиб бўлмоқ, кўринмай кетмоқ, кириб кетмоқ; яширинмоқ. *Қоронғиликка шўнғимоқ. ■ Бўрон ва тўс-тўполонда заха еган ой.. орқадан этиб келган туюдек каттакон булут тагига шўнғиди. О. Ёқубов, Ларза. Аҳмад Ҳусайн.. бозорга шўнғиб кетди. Ойбек, Нур қилириб.*

3 Катта тезлик билан пастга қараб отилмоқ, ниҳоятда тезлик билан ерга томон учмоқ. *Бургут бирдан пастга қараб шўнғиди. ■ Самолётлар қора бўрондай тепада гир айланиб, ажалкор қоида ва тартиб билан шўнғийдилар. Ойбек, Қуёш қораймас.*

4 кўчма Ўй, хаёл, қайғу каби ҳиссиётларга қаттиқ берилмоқ, чўймоқ. *Шу чоққа-*

ча мўлтайиб, хаёл ичига шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Узимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, аллақандай ваҳималарга шўнғийман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

5 кўчма Иш-ҳаракатга, машғулотга қаттиқ киришиб кетмоқ, берилмоқ. *Ҳакимжон ҳеч кимнинг сўзи, таклифини кутиб турмасдан, аввалгидек ишга шўнғиди-кетди. С. Зуннунова, Олов. Ўртага чамадон кўйиб, ўйинга шўнғиб кетдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ШЎП айн. шўлп. Шўп этиб сувга тушмоқ. ШЎППАЙМОҚ Бошқалардан ажралиб ёлғиз қолмоқ; мунгаймоқ; ўксиб қолмоқ, шумшаймоқ. *Шўппайиб ўтирмоқ. ■ Эртага, икки қўлингизни, кечирасиз, бурнингизга тиқиб, участкада битта ўзингиз шўппайиб қолсангиз, нима қиласиз? А. Мухтор, Туғилиш. Бирга ўқишган синфдошлари аллақачон жой-жойларини топишган эди. Қишлоқда ёлғиз Тошхонгина шўппайиб қолди. А. Мираҳмедов. Ўт юраклар. Етти бола туққанман. Ҳаммасини тупроққа бериб, биргина қизим билан шўппайиб қолганман. С. Аҳмад, Чевара.*

ШЎР I |ф. شور — тузли, тузи кўп] **I** Меъёридан ортиқ туз солинган, таъми ўткир (овқат, таом ҳақида). *Шўр овқат. Паловни шўр қилиб кўймоқ. Аччиқ-чучукни шўр қилиб юбормоқ. ■ [Қодиржон:] Ҳали ош вақтида, ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан, деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

2 Тузланган. *Шўр балиқ. Шўр карам.*

3 Таркибида туз моддаси кўп бўлган, шўр босган. *Шўр денгиз. Шўр қўл. Шўр тупроқ. Шўр сув. ■ Айниқса, эрта баҳорда бороналаш шўр ерларда катта фойда беради. Газетадан.*

4 от Тупроқ таркибида тузнинг кўплигидан ер бетида ҳосил бўлган туз моддаси. *Ернинг шўрини ювмоқ. ■ Ерда ҳали шўр кўп. Сотиболди отам ҳам менинг фикримни тасдиқлаяптилар. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. Ўрмонжон.. шўр босган ердан илон изи бўлиб ўтиб, тўқайга кириб кетган тупроқтепани қамчининг сопи билан кўрсатиб: -Канал! — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари.*

5 Тернинг уст-бошга тегишидан кийимда ҳосил бўладиган туз, оқ доғ. *Эртаю кеч тош майдалаб. елкаларини бир элик шўр босган йигитлар [дарвишга:] «Йўлингдан қолма!» дейишибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *От йўртириб Юсуф Мадёров келиб қолди. У ҳамон темирйўлчи кийимида — эғнида қора китель, тер(и)нинг шўри елкасида оқариб ётарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Шўр пахта Халқ табобатида: оғриқни ёки шишни қайтариш учун намақобга ботириб ишлатиладиган пахта. *Уч-тўрт [марта] оёғимга шўр пахта боғлаб, уйда ётдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЎР II [ф. شور — изтироб, ғалаён; тугён, жўшқинлик, эҳтирос] **I** фольк. Толеи паст, бахтсиз, бечора; шўрлик. *Қози, муфти — бари бойнинг чокари, Камбағал шўр азалдан хизматкори.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Илоҳим, қурисин подшонинг иши, Кўп бўлдику мендай шўрнинг койиши.* «Ширин билан Шакар».

2 Азоб-уқубат, кулфат; бахтсизлик. *Худо бандасини яратганда, пешонасига чоракор бўласан, деб ёзмасин.. Э-ҳа, камбағалнинг шўрини асти сўраманг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйласам, ҳар дам ҳамият ўти дилда мавж урар, Солғали душман бошига шўру савдо бораман.* Ҳабибий. *Хоним, тургин шу ваъдада ҳақиқат. Турмасанг, солурман шўру қиёмат.* Ислоом шоир.

Вой шўрим с.т. «Энди нима қиламан», «Бу қандай кулфат» каби маъноларни ифодалайди. *Вой шўрим, қўлингга нима қилди? С. Зуннунова, Гулхан.* **Пешонаси шўр** Қисмати ёмон, иқболи паст, бахтсиз. *Отасининг аччиқ ҳикоясини эшитган Полвон билан Бекжон ўз пешоналарининг шўр эканига ачиндилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Шўри қуриди** Бахтсизликка йўлиқди, хароб бўлди. *Ҳеч ким унинг сўзини қайтармади, қайтара олмайди-да. Нега десангиз, ким унинг айтганини қилмаса, шўри қурийдми деяверинг.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Шўри курсин** Аҳволига вой, ҳоли ҳароб. — *Улуснинг шўри курсин!* — деди Тоҳир. — *Касофат подшолар урушмай туролмаса.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Шўрига шўрва тўкилмоқ** Бахтсизликка йўлиқмоқ, иши, аҳволи ёмон бўлмоқ. — *Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликда қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак.*

Бўлмаса, шўримизга шўрва тўкилади, — деди Одил Эгамбердига. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Шўринг қургур** Бечора, шўрлик. [Фофир домлага:] *Ахир бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулдан, жафолардан биз шўринг қургурлар кимга дод деймиз? Кимга?!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шўрини қуритмоқ** Бахтсизликка дучор қилмоқ, хароб ёки расво қилмоқ. *Бир сартарош йигит ўзини, муаллимман, фалон мактабда дарс бераман, деб гулдек Кариманинг шўрини қуритгани ҳақиқат-ку!* Мирмуҳсин, Умид.

ШЎРА I [ф. شور — шўр ер, захоб ер] Ташландиқ ерларда, экин майдонларида ғовлаб ўсадиган, баргларининг усти ялтироқ, ости кулранг ёввойи ўт. *Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра, сассиқкапа, яна алақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётарди.* А. Мухтор, Опа-сингилар. *Эрта баҳор.. Ерқиной кўк териб юрибди. Қулидаги сирланган тоғорани у ердан бу ерга сурар, у ён-бу ёнига эланиб, отқулоқ, исмалоқ, жағ-жағ, момақаймоқ, ялпиз, шўра қидирарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШЎРА II Токнид (узумнинг) тўпгули, гунчаси. *Токлар шўра чиқариб қолибди.* ■ *Биринчи хомтоқни ток новдаларида шўра пайдо бўлишига қараб, апрель ойининг охирида.. ўтказиш маъқул.* М. Собиров, Хомтоқ.

ШЎРАЖРИҚ Шўр ерларда ўсадиган, бошоқяларга мансуб кўп йиллик ўсимлик.

ШЎРАЗОР [ф. شورزار — шўр ер, шўрланган тупроқ] Шўра кўп ўсадиган ер, шўра билан қопланган майдон. *Бу ер илгари ташландиқ шўразор эди.* ■ *Маст учун гулзор билан шўразор баравар — янчиб ўтаверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Униб гуллар, Ҳабибий, шўразор айланди гулзора, Жаҳонга бўлди ўрнак шавкату шоним каналлардан.* Ҳабибий.

ШЎРАК I [ф. شورک] **I** Тузли, шўр.

2 Баъзи овқат номларини билдирувчи қўшма сўзлар таркибида ишлатилади, мас., *нўхатшўрак.*

ШЎРАК II айн. қямғоқ.

ШЎРАЛАМОҚ I **I** Пўст ташламоқ, қуруқшамоқ (баланда, юз-кўзда ҳосил бўладиган енгил тери касаллиги ҳақида.) *Кичкинтойингизнинг юзи шўралаб ёки қуруқлашиб кетмасин десангиз, унинг юзини совун билан кўп ювманг.* Газетадан.

2 айн. шўрламоқ 1. Боланинг аззойи бадани шўралаб кетибди. ■ Пастдаги икки хонанинг ғиштлари захкашликдан шўралаб, оқариб кетган. Мирмуҳсин, Умид. [Рўзимат отанинг] Бор висотидаги битта чопонининг ҳам бари йиртиқ, дўпписининг жияги шўралаб кетган эди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

3 с.т. Шўра ўсимлиги билан қопланмоқ, шўразорга айланмоқ (ер ҳақида). Қаровсиз қолган дала шўралаб кетади.

ШЎРАЛАМОҚ II Гуллаш олдидан шўра, ғунча ҳосил қилмоқ, шўра чиқармоқ (ток ҳақида). Токлар зангидан баргигача шовул-шовул шўралапти, ўриқлар-чи, шохи ғўралапти.. Боғ меваси олган билан одош бўлмапти. Ё. Шуқуров, Уч савол. Токим шўралади, занги сув очиб, Барглар қўлтиғида илғичка нова. С. Ақбарий.

ШЎРВА [ф. شوروا / شوربا – гуруч, гўшти суюқ овқат; мастава] Гўшт, пиёз, картошка ва б. сабзавотлар солиб пиширилдиган суюқ овқат. Қайнатма шўрва. Қовурма шўрва. Товуқ шўрва. Шўрва пиширмақ. Шўрва ичмоқ. Эти – этга, шўрваси – бетга. Мақол. ■ Дастурхон устидаги косалардан иссиқ ва ёғлиқ шўрваларнинг ҳовури чиқиб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. -Ҳозир сизларга қулинг ўргилсин қайнатма товуқ шўрва қилиб бераман, – деди Аҳмад. Ф. Мусаёнов, Мехмонда. Бизникилар: «Карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади», дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Арзоннинг шўрваси татимас қ. татимоқ
2. Пул бўлса, чангалда шўрва Пул, бойлик етарли бўлса, ҳар қандай нарсага эришиш мумкин, деган маънони ифодаловчи мақол.
Шўрнига шўрва тўкилмоқ қ. шўр 2.

ШЎРВА-ШЎЛТИ Ёвгон суюқ овқатларнинг умумий номи (фақирона овқат ҳақида). Энг бемаза, энг арзон шўрва-шўлтини қайнатиш учун ҳам игна билан қудуқ қазиш керак бўлар экан. Ойбек, Танланган асарлар.

ШЎРДАНАК [шўр I + данак] Намакобга солиб олиб, кулга ўхшаш махсус тупроқда қовуриб тайёрланадиган данак. Султон қоғоз халтани тўлдириб харажат қилди: қайноқ патир, шўрданак, ҳолава. Х. Султонов, Онаминг юрти. [Ўриқнинг] Мағзидан ҳолава

қилиш, намакобга солиб олиш, нўчоғи билан қовуриб, самарқандча шўрданак тайёрлаш мумкин. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Самарқанднинг шўрданаги, нўхатини ҳам Дунё кезиб тополмайсиз, сўзим чин, иним. Н. Назруллаев.

ШЎРИ(Й)ДА [ф. شوریده – ҳаяжонланган, бесаранжом; жўшқин, эҳтиросли ошиқ; кўзғолон кўтарган] эск. кт. Бечора, шўрлик. Булбули шўрийдани ҳуснинг кўрарга этма зор, Дилни берганман сенга, рухсори олингни кўриб. К. Яшин, Ҳамза. Ҳар қайда ғарибу нотававону Шўрийдага меҳрибон Муқимий. С. Абдулла.

ШЎРИШ [ф. شورش – тузи кўплик, шўрланганлик; тугён, ҳаяжон; кўзғолон, исён] I қ. савдо II. Эрталабдан бери бошига тушган шўришларни бир-бир ўйлаб, дунёда шу бугунгичалик абгор бўлмаганлигини эслади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аҳмад мирзонинг номуносиб ҳаракати сабабли Хўқанд, Ахси-кент, Андижон вилояти устига тушадиган шўриш у зотнинг дилига алам берди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ёмон иш; жанжал, ғавғо. -Мени бирон машинада тезда Тошкентга жўрнатинг! Бу қизингиз тушқур бир шўришни бошлаганга ўхшайди, – деди Нафисахон Пўлатжон акага. Мирмуҳсин, Умид. -Ахир нега алдадинг мени, нега яширдинг бу шўришни-а?! – деди Ҳаққул ота. Х. Назир, Сув ғалоси – оқпадар.. Бу даҳшат олдидан рангимиз сомон! Деб шўриш солибди, лекин йўқ нафи. Миртемир.

ШЎРИШЛИ кам қўл. Шўриши бор, шўриш келтирувчи. Келиб шўришли бир ўт тушди жонга, Ўтиб жондан, туташмоққа жаҳонга. Ҳабибий.

ШЎРЛАМОҚ I Таркибидаги туз моддаси сиртига тепиб, тузли оқ доғлар ҳосил қилмоқ, шўр босмоқ. Пойдевор ғишти захдан шўрлаб кетибди. ■ [Қултойнинг] Азбаройи терлаганидан, чакмонининг елкаси шўрлаб-оқариб кетган эди. Газетадан.

2 айн. шўрланмоқ. Ерларимиз шўрлаб кетгани учун яхоб берялмиз.

ШЎРЛАНМОҚ Таркибида туз моддаси ҳосил бўлмоқ; ортиқ даражада шўр бўлмоқ. Сув ҳам шўрланиб, сифатини йўқотади. Газетадан. Шўрланган тупроқлар қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини кескин пайастириб юбориши ҳаммага маълум. «Фан ва турмуш».

ШҶРЛИ I Таркибида тузи бор, шўр босган. *Шўрли ерларни ювиш.*

ШҶРЛИ II айн. **шўрлик** 2. *Узоқларда жонсиз кўринган, Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган. Саҳар туриб шўрли хотинлар, «Тангрим» деган, тўлиб йиғлаган. Ҳ. Олимжон. Қалмоқ келар ўз ҳолидан беҳабар, Келиб, қирғин топмасин-да, шўрлилар. «Алпомиш».*

ШҶРЛИК I Шўр ҳолат, шўр эканлик. *Овқатнинг шўрлиги. ■ Яқинда [Чортоқда] қовланган қудўқдаги сувнинг шўрлик даражаси Қора денгиз сувига жуда ўқшаи. Ф. Сирожиддинов, Чортоқ ҳавоси.*

ШҶРЛИК II I Толеи паст, бахти қора; бечора. *Отам шўрлик бу мусибатга бардош беролмади, фарзанд доғи чинор қоматини букди, сўнг қулатди. Н. Сафаров, Оловли излар. Бойвачча ака, отамга шафқат қилинг, у шўрлик жўжабирдек жон, хонадонимизнинг ризқ-рўзи ўтиб турган бир парча еримизга кўз тикманг. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Ачиниш билдиради; бечора. *«Байт» туфайли юз берган кўнчилисликдан шоир шўрлик хабарсиз эди, албатта. Н. Аминов, Суварак. Отам шўрлик ўша жойда бекиниб ётиб, тонг оттирган экан. С. Нуров, Нарвон.*

3 айн. **шўриш**. *Бир кафт тупроқ билан барча фалокат, Барча шўрликлардан чиқмоқ бўлади. Ҳ. Олимжон.*

ШҶРО |а. شورى / شورى — маслаҳат; кенгаш| тар. I Совет ҳокимияти (советлар)нинг 20-аср 20–40-йиллариғача ўзбек ва б. туркий тилларда ишлатилган номи (1990 йиллар охирида ўзбек тилида яна қўллана бошлади). *Керенский ҳукумати ағдарилиб, шўролар ҳукумати тузилди. Н. Сафаров, Оловли излар. Шўролар ҳокимияти бойнинг мол-мулкларини мусодара қилди. Ҳ. Фулом, Замин қолдузлари.*

2 Ўша даврларда сайлаб ёки тайинлаб қўйиладиган бошқарув-раҳбарлик, давлат ёки жамоат органи ва у жойлашган жой. *Давлат план комиссияси ташкил қилиниб, унга нозирлар шўроси раиси муовини Турсунхўжаевни бошлиқ қилиб тайинлаиди. Ж. Шарипов, Хоразм. Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғига жойлашган. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ШҶРПЕШОНА [шўр I + пешона] айн. **пешонаси шўр қ. шўр** II. *Бу шўрпешоналарга раҳм қилувчи, уларга кийим-бош бергувчи, улардан ҳол сўрагувчи йўқ эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

ШҶРТАК Бироз шўр, шўрроқ. *Шўртак мағиз. Шўртак қурт. ■ «Дадажоним, меҳрибоним!» Бу сўзлар [Ёрқинийнинг] чарос кўзларидан лабиға юмалаб тушган шўртак ёшиға йўғирилиб чиқди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.*

ШҶРТАНГ с.т. Шўртак. *Туялар ўз ташналигини денгиз суви ва бошқа шўртангроқ сувлар билан қондира алади. «Фан ва турмуш».*

ШҶРТОБ |ф. شورتاب| айн. **шўрхоқ**. *Тупроқнинг шўртоб ҳиди, қуёшнинг тафти, эрта баҳорнинг юзларни ялаб қотирувчи шабадаси.. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.*

ШҶРТУМШУҚ Одамга эл бўлмайдиган, аралашмайдиган; одамови. *Мен тушунтириб кетаман шўртумшукқа; улар бизнинг тилни ўранишсин. А. Муҳтор, Давр менинг тақдиримда. Даф бўл, фалокат шўртумшук, Тегирмонда туз еган суқ. Ҳамза, Қузғунлар.*

ШҶРТУПРОҚ айн. **шўрхоқ**. *Беда, макка-жўхори каби озуқабон экинларга авваламбор камҳосилли, шўртупроқ ерлар ажратилган.. Газетадан.*

ШҶРХОҚ |ф. شورخاك — шўр тупроқ, шўр босган ер| Шўр билан қопланган, шўр босган ер. *Тупроқ шўрхоқ бўлганидан, ёзги шамол таъсирида осон кўчиб туради. «Фан ва турмуш». Даштнинг у ер-бу ерида олачалпоқ қор пағалари ётар, уни узоқдан киши оппоқ шўрхоқлардан ажрата олмасди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. ...шўрхоқ ерлардаги гўзани сўғориш учун сувчининг алоҳида усталиги керак. Газетадан.*

ШҶХ |ф. شوخ — ўйноқи; гўзал севгили| I Вақтини ўйин билан ўтказадиган, ўйинқароқ; тўполончи. *Эртадан кечгача яйлов далада тинмай ўйнаб чарчаган шўх болаларни бир лаҳзада ва бирдан уйқу олди. Ойбек, Танланган асарлар. Шўх болалар кўп, гилдирагига бирон нарса суқиб ёки ойнасини олиб кетса, йўлда сарсон бўлиб қолмайлик. С. Нуров, Нарвон.*

2 Ўйин-кулгини, ҳазил-хузудни яхши кўрадиган; хушчақчақ, қувноқ. **Шўх қиз. ■** -О, бизнинг йигитлар жуда шўх бўлади, — деди Муҳаррам ўтираётиб, — битта намунаси мана, қошингизда турибди. Шўхрат, Шинелли йиллар. *Темиржон қишлоқ қизларининг ниҳоятда шўх, ҳазил-мутуйиба гапларга чечан бўлишларини кўп эшитган эди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

3 Ўз қилиқлари, ишваси, ноз-карашмаси билан кишини ўзига мафтун қилдиган; ўйноқи. *Шўх кўзлар.* ■ *Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тарахҳум айласун, ул шўхи жонон бир келиб кетсун.* Ҳамза.

4 *кўчма* Ўйноқлаб тез ҳаракат қиладиган; ўйноқи. *Машина икки томони залворли тоғлар билан ўралган, илон изи бўлиб, шўх оқайтган сой бўйида тўхтади.* Н. Фозилов, Дийдор. *Мулла Фазлиддин уни шўх от устида чавандоз йигитлардай ўтирганидан ҳам таниди-ю, вужуди бирдан қизиб кетгандай бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *кўчма* Кишига шодлик бағишлайдиган, ҳазил-мутойиба аралаш, жўшқин; ўйноқи, шўхчан (кўшиқ, ўйин, мусиқа кабилар ҳақида). *Шўх куй. Шўх ўйин.* ■ *Бир-биридан шўх, бир-биридан ўйноқи оҳангларга ёш-яланглар рақсга тушишяпти.* Газетадан. *Фақат ўқтин-ўқтин уруш совуқ нафасини пуркаган кунларда шўх кулгилар фарёд билан алмашиб, даштни зир титратади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ШЎХЛИК 1 Шўх хатти-ҳаракат, хусусият, хислат. *Нотаниш бўлса-да, она-келиндан Кўксидан яшнаган шу фарзанд-чечак, Қийқириб, талпиниб, орттирди ихлос, Қилигин, шўхлигин севиб қолдим рост.* Ё. Мирзо. *Тўлқинжон.. ҳазил ва шўхликда, ҳар хил*

ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратарди. Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Ножўя одоб-ахлоқ чегарасидан чиқувчи хатти-ҳаракат, тўполон. *Мен қизлик вақтимда у хавфланди, мендан қочишга интилди. Бу яхши бўлди.. Шўхликка берилиб, ўзимни беҳуда шарманда қилган бўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШЎХЧАН 1 айн. шўх. Балки ғамгин бир зотдир у, балки шўхчан бир аёл. А. Орипов. *Муниранинг хатти-ҳаракатларида, шўхчан боқишларида назокат, жозиба бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Дарё шу ерга келганда анча торайиб, шўхчан оқади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..шўхчан ва босиқ тароналар ижодкорларидан бири — талантли ёш бастакор-созанда Салоҳиддин Тўхтасиновдир.* Газетадан.

2 *кўчма* Ранги кўзга ташланиб турадиган, очиқ рангли, рангдор (газмол ҳақида). *Шўхчан гулли юмшоқ пойандоз-гилам тўшалган зинапоядан тушаётганларида, Таманно Тўлани. ғ енгидан ушлаб: -Ҳоя ана, тоғамлар туриб илар, — деди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ШЎХ-ШАТИР Шўхлик билан иш тутадиган, гапирганда ёки бирор иш қилганда истиҳола қилиб ўтирмайдиган. *Шўхшатир «шум бола» бу ерда йўқ эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.



Э унд. с. 1 Ажабланиш, таажжуб, ҳайрат ҳис-туйғусини билдиради (бунда чўзиқ, такрор ҳолда қўлланиши мумкин). Э, ҳалиям турибсизми, суф сизга-е! «Гулдаста». Э, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради!.. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Э-э, отагинам, шундоқ улуғ айёмда йиғлайдим киши?! А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Кейин билганлик, энди эслаганлик маъносини алоҳида ҳис-туйғу билан ифодалайди. Нима қилсам экан? Э, бўлди, Нўғой холага ялиниб кўраман. С. Сиёев, Ёруғлик. -Э, - Мирзакаримбой бутун гавдаси билан бир қўзғалиб қўйди, - жияним Хушрўй-бибининг ўғлиман дегин. баракалла. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чақриш, мурожаатни билдиради. Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи! А. Қаҳҳор, Ўжар.

4 юкл. Баъзи сўзлар билан бирикиб, алоҳида таъкид билдиради. -Уялинг-е, ойи! - дедишлар дадам бир зум ҳайратда қотиб турган. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭБ қ. эп.

ЭВ қ. эп.

Эви билан Меъёр-чегара доирасида; йўли билан. Лекин-чи, яна бир оз семириш ғамида бўлинг. Эви билан, яна семираман деб тарсиллаб кетманг. «Муштум». Бой бўлгур, эзмалик ҳам эви билан-да.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЭВАЗ [а. عرض – ўрнини босувчи; ўрнини қоплаш; бадал] 1 Ўрнига, бадалига тўланадиган ёки олинадиган ҳақ, нарса; бадал. Кувёв, эвази нақд бўлмаган оғир меҳнатга тоб бера олмай, Кимсанойни олиб,

шаҳарга кетиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 (3-ш. эгалик ва ж.к. аффикслари билан – эвазига) кўм. вэф. Асос, сабаб каби муносабатни (шундай маънони) билдиради; бадалига. Мадрасаю ҳашамдор кўкўпар бинолар.. ўша халқлар қони эвазига тикланди. С. Кароматов, Олтин қум. Ол, дея тақдиринг бердинг қўлимга, Оҳ, нима сўрайсан эвазига ёр? Шуҳрат.

ЭВАКУАЦИЯ [лот. evacuare – бўшатмоқ, холи қилмоқ] 1 Одамлар, ташкилот, корхоналарни, бадий ва б. кадрийларни уруш, табиий офат кабилар хавфидан сақлаш мақсадида бир жойдан бошқа жойга кўчириш. Икки ҳафта давом этган эвакуация ҳеч қандай талафотсиз тугади. Газетадан. Минг-минг ярадорлар билан бир вақтда эвакуация қилинган завод-фабрикаларни қабул қилиб.. жой ҳозирлаш керак эди. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойлардан ярадорлар, асирларни, таъмирга муҳтож ва ортиқча асбоб-ускуна ва ҳарбий техникани фронт ортига жўнатиш.

ЭВАРА Неваранинг боласи (бобога, бувига нисбатан). Меъморнинг икки невараси ва бир эвараси бор. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭВЕН 1 қ. эвенлар. Эвен халқи.

2 Шу халққа тегишли, мансуб. Эвен тили.

ЭВЕНК 1 қ. эвенклар. Эвенк халқи.

2 Шу халққа тегишли, мансуб. Эвенк тили.

ЭВЕНКЛАР Россия Федерациясининг Красноярск ўлкасида ва Сибирнинг бошқа минтақаларида ҳамда Хитойда яшовчи кам сонли халқ.

ЭВЕНЛАР Россия Федерациясининг Саха Республикасида ва Охота денгизи соҳилларида – Магадан ва Камчатка вилоятлари. Хабаровск ўлкасида яшовчи кам сонли халқ.

ЭВИДА айн. эви билан қ. эв. Сафаров кўз ва қош ишораси билан Самандаровга: «Эвида-да! Бу гаплар, бу муомала ортиқча», дегандай қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари.

ЭВКАЛИПТ [юн. eu – яхши + kaluptos – қопланган, ўралган] Австралияда ўсадиган бўйи баланд, ёғочи қаттиқ ва мустаҳкам, барглари эфир мойига бой, доим яшил дарахт.

ЭВЛАМОҚ қ. эпламоқ. Баланддан келаверма. Бир хотинни эвлаб, йўлга солиб оломадинг. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. Ҳафиза яхши, аммо мана шу ўелингни эвлаш қийин бўляпти. Мирмуҳсин, Умид.

ЭВОЛЮЦИОН 1 Эволюцияга оид, узлуксиз тадрижий равишда ривожланадиган. Эволюцион жараён.

2 Эволюцияни ифодалайдиган, ўрганадиган. Эволюцион таълимот.

ЭВОЛЮЦИЯ [лот. evolutio – авж олдириш, кучайтириш] Узлуксиз тадрижий ривожланиш, ўзгариш; табиат ва жамиятда узлуксиз ва тадрижий равишда давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдор ўзгаришлари. Эволюция жараёни. ■ Бош қаҳрамон эволюцияси ҳам романдан маълум даражада ўрин олган. Газетадан. Ирсият туйфайли узоқ эволюция давомида пайдо бўлган асосий структуралар.. ҳамма турларда сақланиб қолади. «Фан ва турмуш».

ЭВОҲ унд. с. Қаттиқ афсус, изтироб, ўкинч билдиради. Қиздилар, эвоҳ, қирмиз қон. «Гулдаста». У ёлғиз вафони ёлғиз хоҳларди, Эвоҳ, жафо ундан минг карра кўпроқ. Э. Охунова.

ЭВРИЛМОҚ 1 Айланмоқ, ўгирилмоқ. Чархнинг мангу эврилишидан Еллар кезиб юрипти шодон. А. Исроилов.

2 Бирор мақсадга эришиш учун елиб югурмоқ, ҳаракат қилмоқ. Яшаш учун турли усулда эврила бошлади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. Бундай эврилиш фақат номига эканлигини.. у тушунарди. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.

ЭВТАНАЗИЯ [юн. eu – яхши + thanatos – ўлим, ўлиш] тиб. Беморнинг ўлим олди

азоб-оғриқларини енгиллаштириш; тузалиши қийин, оғриқ-азобдан қийналаётган беморларнинг ўлимини тезлаштириш.

ЭВФЕМИЗМ [юн. euphemismos < eu – яхши + phemi – гапираман] Бирор сабабга кўра қўлланиши тақиқланган ёки қўлланиши ноқулай бўлган қўпол, дағал сўз, ибора ўрнига бошқа юмшоқроқ сўз ёки ибора қўллаш. Мас., чаён сўзи ўрнида эшак, оти йўқ сўз ва иборасининг қўлланиши.


ЭВФОНИЯ [юн. euphonia < eu – яхши + phone – овоз] Оҳангдорлик; нутқда кучли оҳангдорлик туғдирувчи турли фонетик усуллар, ҳолатлар.

ЭГА 1 Уй-жой, мол-мулк ва ш.к. лар қарашли бўлган шахс; хўжайин, соҳиб. Уй эгаси. Боғнинг эгаси. Чиқаси келса, эгаси сабабчи бўлади. Мақол. Эшакка мугуз битса, эгасини сузади. Мақол. Итнинг феъли эгасига маълум. Мақол. ■ Дафтарни эгасига қайтариб юбориш керак эди-да. «Ёшлик». Боланинг топилгани уй эгаларининггина эмас, қўшинлар, ҳаммаҳалларнинг ҳам қувончига айланди. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Мана шу мулкнинг эгаси Утар бобони биларсиз? Шу зотнинг фарзандиман. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Юрт, эл каби сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган жойнинг бошқарувчиси, бошлиғи маъносини билдиради. Отажон, сендирсан юртнинг эгаси.. «Равшан». Шунда Чамбилнинг овини овлаб, Чамбилнинг эгаси бўлиб юрганда, Чамбилнинг депарасида Туркман деган бир юрт бор эди. «Ширин билан Шакар».

3 Шахс ёки нарасада ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсанинг бор, мавжуд эканини билдиради; бор, мавжуд. Тилсиз бўлиб келдим дунёга, Аммо тилга эгаман энди. «Гулдаста». Барча қулайликларга эга бўлган бинолар қад ростлади. Газетадан.

4 Мавҳум тушунчаларни билдирувчи айрим сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсанинг шу сўз англатган белги, хусусият кабига моликлигини билдиради; молик. Катта аҳамиятга эга. Юксак фазилатларга эга. ■ ..юксак технологик сифатларга эга бўлган чигитни экинч анча кўпайтирилади. Газетадан. Отасининг салтанат олдидан катта ҳурматга эга экани Бадиянинг қалбига ҳам фидойилик туйғуларини солган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.



5 Нарсани юзага келтириш, тайёрлаш ва ш.к. жиҳатдан қарашлилигини билдиради. -Йуқ, - деди Ўзбек ойим, - ош эгаси билан ширин. Ҳа, айтгандек, қудангизниқига юборган кишингиз келдими? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 с.т. (фақат 1-ш. эгалик аффикси билан) Тангри, худо. -Буни яратган эгамнинг ўзи биледи, - деди оқсоқол. П. Турсун, Ўқитувчи. Сизни эгам сўзга пичиб қўйган экан-да. Ойбек, Танланган асарлар.

7 тлш. Икки таркибли гапларда фикрнинг кимга, нимага қарашли эканини аңлатувчи, белгиси кесим томонидан аниқланадиган бош бўлак.

ЭГАЛИ Эгаси бор, эгалланган. Эгали ер. ■ Ўғли борнинг эгалидир қалъаси. «Эрали ва Шерали».

Эгали гап тлш. Эгаси бор, эгаси ифодаланган гап.

ЭГАЛИК 1 Эга бўлган ҳолат, эга эканлик. Эгалигини исбот қилмоқ.

2 Эга бўлиш, шундай қуқуқли ҳолат. Малмулкка эгалик.

Эгалик қилмоқ Эга бўлмоқ, (ўзини) эга сифатида тутмоқ, бошқармоқ. Ким эгалик қилар хазна-зарига. «Эрали ва Шерали». -Ўғлимга танноз-сатаңг ўқитувчи эмас, уйига эгалик қиладиган хотин керак, - деди қайнота Зебига. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Моликлик. Катта аҳамиятга эгалик. ■ Тошкент фестивалининг жаҳондаги бошқа киноанжуманлардан ўзига хос фарқи унинг гоят демократик руҳга эгалигидир. Газетадан.

Эгалик категорияси тлш. Отнинг предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини билдирувчи шакллари ва бу шаклларга хос маънолар бирлиги. **Эгалик шакли** тлш. Отнинг предметнинг уч шахсдан бирига оидлигини билдирувчи морфологик шакли. **Эгалик қўшимчалари (ёки аффикслари)** тлш. Отнинг эгалик шаклини ясовчи қўшимчалар: -м (укам), -нг (уканг), -си (укаси), -миз (укамиз), -нгиз (укангиз), -лари (укалари).

ЭГАЛЛАМОҚ 1 Эга бўлмоқ, ўзиники қилиб олмоқ. Уйдаги асл буюмларни ўзи эгаллаб олади, биз унда нима қиламиз? Ойбек, Танланган асарлар. Ҳа, муғамбир, менга ёмон кўрсатиб, ўзинг эгаллаб олмоқчисан шекилли. «Гулдаста». Иш битиб, эшак лойдан

ўтгандан кейин зўравонлар чиқиб, ерларни эгаллаб оладиган бўлса, бунинг оқибати ёмон бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор жой, сатҳ ва ш.к. ни банд этмоқ, унда жойлашмоқ, ўрнашмоқ. Минбарни.. юқори курс студентлари эгаллади. Ж. Абдуллахонов, Орият. Хон бошлиқ аркони давлат, дин пешволари тахтиравонни эгаллашди. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор сатҳ, юзани қопламоқ. Бутун айвоннинг бўй-этини эгаллайдиган гилам устидаги пастак стол одатдагидек безатиб қўйилган.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Гўё хотини ўлмагандай, қоп-қора қалин сочлари бутун ёстиқни эгаллаганча ҳамон ёнида ётгандай туюлди Камолитдинга. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Рўпарадаги икки қаватли уйнинг сояси ҳовлининг ярмини эгаллаб олибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Қамрамоқ, қамраб олмоқ, чулғамоқ, қоплаб олмоқ. Ёдгорнинг бутун вужудини ҳоргин, мудроқ бир кайфият эгаллади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Саодатхоннинг.. юзидаги жиддийлик ўрнини ғалати, кинояга ўхшаш табассум эгаллади. С. Зуннунова, Янги директор. Кечаги изғирин шамол ўрнини тўсатдан илиқ майин шабада эгаллади.. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

5 Забт этмоқ, ишғол қилмоқ. Взводга жанг билан.. муҳим тепаликни эгаллаш вазифаси топширилди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Ҳамма юксак маррани тезроқ эгаллаш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Газетадан.

6 кўчма Билиб, ўрганиб олмоқ; ўзлаштирмоқ. Бу йиллар мобайнида у пахтачиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллади. Газетадан. Дарс бериш, лекция пайтида аудиторияга жон киритиб юбориш санъатини эгаллади. Ж. Абдуллахонов, Орият. Болалар.. тўғарақларда иштирок этиб, дам олиш билан бирга, касб-ҳунар эгалламоқдалар. Газетадан.

7 Бирон ўрин, даража ва ш.к. ни қўлга киритмоқ. Мусобақада фигурачиларимиз бешта совринли ўринни эгаллашди. Газетадан.

8 Бирон даража, мавқе, ўринда бўлмоқ, турмоқ. Маънавий камолот босқичлари ичида хушмуомалалик, ширинсуханлик асосий ўринни эгаллайди. «Саодат». Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ЭГАР I От-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал. *От эгари.* ■ *Комил кумуш узангига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди қ. от. Аммо, «отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди», деганларидек, ҳамма ёқдан мосуво бўлса ҳамки, ҳали ҳавоси баланд. А. Муҳиддин, Характеристика. **Эгар урмоқ** Эгарни улов устига қўйиб маҳкамламоқ. *Бадиа отининг олдига келиб, уни эркалади, эгар, жабдуқ уриб, қайишларини маҳкам тортиб боғлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эгардан тушмоқ I** от-улов устидан тушмоқ. *Яхшиликча эгардан туш-у, қўлингни кўтар. Бўлмаса, от устидан телпақдай учираман.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма кибр-ҳавоси пасаймоқ, димоғдан тушмоқ. *Фақат Самадийгина ачитди: -Энди эгардан тушибсиз-да, доҳий.* А. Мухтор, Туғилиш; 3) лавозимдан бўшамоқ, мавқеини йўқотмоқ. *Оқлодшо отдан тушса ҳам, Саид Жалолхон эшон ҳали эгардан тушмаган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Калон-димоғлигинг қолмади-да, полвон! Ҳамон мусофирчиликни бўйнингга олдингми, эгардан сал тушгин-да!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Турли машиналарнинг одам ўтирадиган жойи, ўтиричи. *Велосипед эгари. Трактор эгари.*

ЭГАРЛАМОҚ Эгар урмоқ. *Отингизни эгарлаб беринг, шаҳарга тушиб чиқаман.* Ҳ. Фулом, Маъшал.

ЭГАРЛАНМОҚ Эгарламоқ фл. мажҳ. н. *У[от] гоҳ эгарланади, гоҳ ҳовлидаги фойтунга қўшилади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

Эгарланган отдай Тайёр, шай ҳолда. *Сен ҳали кўп яшайсан.. Мени-чи, шум ажал нақ остонада эгарланган отдай кутиб турибди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЭГАРЛОҒЛИҚ Эгар урилган, эгар уриб қўйилган. *Эрталаб хон саройидан шиговул эгарлоғлиқ бир от келтириб, таъзим билан элчини аркка чорлади.* М. Осим, Элчилар.

ЭГАРСИМОН Эгар шаклидаги, эгарга ўхшаган. *Эгарсимон тоғ.*

ЭГАРЧИ Эгар ясовчи уста.

ЭГАРЧИЛИК I Эгар ясаш касби. *Унинг асл касби эгарчилик бўлиб, кўчқор, эчки шохларини кўчамиздаги ариққа ташлаб қўяр эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 тар. Эгарчилар маҳалласи ёки растаси.

ЭГАСИЗ Бирор кимсага қарашли бўлмаган, эгаси йўқ; сабил. *Эгасиз мулк.* ■ *Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган қўриқлар кўп.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Фақат устига шелуха ортилган эгасиз ёлғиз арава турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Эгасиз гап тлш. Эгаси бўлмаган (ифодаланмаган) гап (қ. эга 7).

ЭГАСИЗЛИК I Эгасиз ҳолат.

2 айн. **хўжасизлик** *Хўжасизлик* — эгасизлик хавfli ижтимоий иллат. Газетадан.

ЭГАТ Шудгор ерда экин экиш учун тортилган узун ариқ.

Эгат очмоқ (ёки солмоқ) Ҳайдалган ерда эгатлар ҳосил қилмоқ, ариқ олмоқ. *Мавлумки, жами қишлоқ хўжалик ўсимликлари ҳар хил кенгликда олинган эгатлар орқали суғорилади.* «Фан ва турмуш». ..қишлоқда яшовчи борки, бари теримчига айланган, каттаю кичик эгат оралайди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЭГАЧИ I Бир ота-онандан туғилган қизлардан каттаси (кичигига нисбатан; тарихан ва баъзи шеваларда ўғил укага нисбатан ҳам қўлланади). *Зайнаб эгачиси Хушрудан етти ёш чамаси кичик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур Самарқандга кетишда ўз онаси ва эгачисига «Ўшдаги хўжарадан хабар олурсизлар», деб тайинлаб кетган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Аёл кишининг ўзидан катта ёшдаги (шунингдек, ҳурмат юзасидан кичик ёшдаги) аёлга мурожаат шакли. -*Туриб-туриб, мана шу норасидаларнинг бахтига сизга ўхшаш худо ярлақадан эгачим борлигидан қувониб кетаман, — деди Зоҳида Мехринисога.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ҳалима уни туғишган эгачисидай иссиқ қабул қилди.* Ж. Абдуллахонов, Гулчеҳра.

ЭГИЗ Иккаласи бирликда; бирга, қўш. *Уруш билан жудолик ҳам бир-бирига эгиз.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Қариндошим, туғишқоним, Улкан қозоқсан ўзинг, Тонг-отарда эгиз болқар Ўзбек билан юлдузинг.* Ғ. Фулом. *Бу четда ётган совлиқ.. ҳар йили эгиз туғади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭГИЗ(АК) I Бирга туғилган икки ёки ундан ортиқ бола. *Эгизак туғилган болалар.* ■ *Зухраҳон Лолахон билан бир онанинг қорнидан талашиб тушган эгизаклардай яқин бўлиб қолишди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

2 айн. эгиз. Садоқат — асл виждон! Бурчага эгизак! У юракка қадрдон, Ҳаётга безак. Ё. Мирзо. Қуёш ва пахта! Булар менинг диёримда эгизак туғилганлар. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Шодлик билан қайғу айни бир вақтда эгизак бўладиган шундай пайтлар ҳам бўлади. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЭГИК 1 Эгилган, қуйи солинган; букик. Эгик бўйин. Қадди эгик одам. ■ Ҳамза ёлғиз эди, у боқарди тик, Унинг тик қомати ҳеч бўлмас эгик. Ж. Жабборов. Ўзингни гуноҳкор деб сезмаганингдан кейин, нега бошинг эгик бўлсин?! И. Раҳим, Ихлос.

2 Эгилган, қайрилган; эгри, қийшиқ, қийшайган. Каттакон бурнининг учи бир оз эгик.. С. Нуров, Нарвон. ..толнинг эгик шохига қўнган қора қарға тинимсиз қағиллаб, қиш-ни чақиради. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЭГИЛИК 1 Яхшилик, фазилат, хислат. Ҳай, ўртоқлар!.. Коллективлик эгилиги бизга аён. Ф. Фулом.

2 Савобли иш; яхши, хайрли иш; эзгулик. Эгиликнинг кечи йўқ. Мақол. ■ Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, болачақасининг эгилигини кўрсатсин.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эгиликдан умидини узган Бува отларни тўқайга бошлади. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ЭГИЛМА Эгилган, қайрилма. Онанинг кўзлари унинг чиройли эгилма қошлари ўртасидаги ғам туғунчасига тикилди. Ойбек, Нур қидириб.

ЭГИЛМОҚ 1 Эгмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Бўйни эгилди. Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади. Мақол. Чивик тутган еридан синмайди, эгилган еридан сиғади. Мақол.

2 кўчма Бирор ишга қайишмоқ, бўйни ёр бермоқ. Уй ишига ҳам эгилсанг-чи!

3 Таъзим қилмоқ, бошни ҳам қилмоқ. Эгилган бошни қилич кесмас. Мақол. ■ Атрофдаги одамлар бари нулдор.. Уларга эгилсанг, бошингни силайдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Куллуқ қилмоқ, ўжарликни қўймоқ. Нобақор укангдан ҳеч хабар оляпсанми? Қийналиб кетса ҳам, эгилай демайди-я! Й. Шамшаров, Тошқин.

ЭГИЛУВЧАН Яхши эгилиш хусусиятига эга, эгилишга мойил. Майин шабада.. суяги қотмаган гўдакдек эгилувчан ниҳолларни аста тебратди. Газетадан. Сувчлар меҳнатининг ўрнини эгилувчан қувурлар босди. Газетадан.

ЭГИЛУВЧАНЛИК Яхши эгилиш хусусиятига эгалик. Инсон қадимдан асл металллар, уларнинг гўзаллиги, эгилувчанлиги, бошқа металллар билан бирикши хусусиятига эътиборини қаратган. Газетадан.

ЭГИН (3-ш. бирл. эгни) 1 Орқанинг елка ва бўйин орасидаги устки қисми. Энди эгнимни қисиб турмайин, қандоқ бўлса, буларга бир сўз айтайин, деб Ёдгор бир сўз айтаётир. «Ёдгор». Ўзи полвон сиёқли. Ҳар эгни қирдай, қараши тўқайдаги шердай. «Ойсулув».

2 Киши танаси (гавдаси)нинг кийим кийиладиган уст қисми. Мана ҳозир Муниҳон ётоқхонадан чиқиб келади. Эгнида оқ кўйлак. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Энгил, кийим-бош. Сувдан чиқдик, шоша-пиша эгнимизни кия бошлагандик, чорвоқ томондан биров кўринди-ю, нисиб олди. М. Жўра, Изтироб.

ЭГИН-БОШ с.т. Энгил-бош, кийим-бош. Фуломжонни шаҳарда кўпроқ ажаблантирган нарса шу бўлдики, у мадрасадан кетиб қолгандан бери гадоилар, тиланчилар, эгни-боши хароблар илгаригидан ҳам кўпайиб кетган эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭГМА Эгиб ясалган; эгилган, қайрилган. Эма трубалар. ■ Сирож эма кўприкдан ўтиб, кўл ўртасидаги чойхонага кирди. С. Зуннунова, Одамлар орасида.

ЭГМОҚ 1 Тўғри, тик ҳолатидан бирор томонга тортмоқ; қайирмоқ, букмоқ. Дарахт шохини эгмоқ. Новдани икки учидан ушлаб эгмоқ. ■ Дарё томондан ғириллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебрата эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. Этак тутиб, тик қаддимни эгармишман, Кунга куйиб, мен ҳам пахта терармишман. «Муштум».

2 Ўз измига бўйсундирмоқ, итоат эттирмоқ. Э нодон қиз, Тўлқинжон шунча қизларнинг ичда сени севиб қолгани учун шодлан! Майли, бари бир эгиб оламан! Ф. Мусажон, Ҳури. Нима қилса, ишёқмасларни эгиб олиш мумкин? «Ўзбекистон кўриқлари».

Бош эгмоқ 1) бошини куйи солмоқ. Бозорқул бундай пайтларда бош эгиб, хомуш ўтирарди. А. Мухтор, Чинор; 2) ўзини итоатли, таъзимда тутмоқ. Полвон ёш болага ўхшайди, кекни билмайди, бош эгиб борса, албатта, кечиради. С. Сиёев, Отлиқ аёл. ..жиндек тоқат қилинг, тоқатлига тоғ бош

эгармиш. К. Яшин, Ҳамза; 3) бўйсунмоқ, измидан чиқмаслик. *Жаҳолатга.. шафқат билмас золимларга ҳеч қачон бош эгмайман.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйин эгмоқ** 1) йўлига юрмоқ, айтганига юрмоқ; бўйсунмоқ. *Эски раислар бўйин эгармикин бу ёш жувонга. Ишласа ҳам бир йил ишлайди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) ишга қайишмоқ, кўнмоқ. *Ароқ-хўрликка муккасидан кетган Абдуҷаббор ижтимоий фойдали меҳнатга бўйин эгмай қўйибди.* «Муштум». *Ҳозир шунчалик паст ишга ҳам бўйин эгши зарурати бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭГОВ 1 Қаттиқ буюмни (темир, ёғоч ва ш.к. ни) кесиш, текислаш, ўткирлаш, пардозлаш учун ишлатиладиган, қирадиган тиши пўлатдан ясалган чилангарлик асбоби. *Уч қиррали эгов. Юмалоқ эгов. Ялоқ эгов. Йирик тишли эгов.* ■ *Кичикроқ эгов билан узангининг юзлари яна эговланиб силлиқланади.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *«Сиз занглаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўткир эговга чархлаш керак», деса-я юзсиз!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 кўчма Кишини жондан тўйдирадиган, унинг умрини қисқартирадиган кимса, нарса. *Ичкилик — ақлнинг эгови. Ёмон хотин — умрнинг эгови.* ■ *Ҳамма косиб шундай бўлади, жоним! Косибчилик — умрнинг эгови.* Ойбек, Танланган асрлар.

ЭГОВЛАМОҚ 1 Эгов билан ишлов бермоқ, эгов билан силлиқламоқ, ўткирламоқ. *Аррани эговламоқ. Кетмоннинг даммини эговламоқ.* ■ *Пўлат найза ер остида ётарми, Темир найза эговласа ўтарми.* «Ойсулув».

2 кўчма Руҳий азоб бермоқ, қийнамоқ, емирмоқ. [Дилбар:] *Ўзингизни ўзингиз эговлаясиз, Комилжон ака.* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим. *Ойим раҳматликнинг умрини уруш даврининг қийинчиликлари билан мана шу оғир кетмон ҳам эговлаган.* П. Қодиров, Юракдаги куёш. *Кечадан бери миямни эговлаган масалалардан сўз очдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЭГОВЛАНМОҚ 1 Эговламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Эговланган юза. Эговланган пўлат.*

2 кўчма Силлиқланмоқ, сайқал топмоқ. *Бир қолипга тушолмаган дурда-дурда фикрлар эговлансин.* Ф. Фулом.

ЭГОИЗМ [фр. egoïsme < лот. ego — мен] қ. худбинлик. ..ўзларининг ғаразли манфаат-

ларини кўзлаб.. яккалик ва эгоизмни зўр бериб авж олдирди бердилар. Газетадан.

ЭГОИСТ [фр. egoïste < лот. ego — мен] қ. худбин. *Эгоистлар — ёмон одамлар.. фақат ўзим бўлай дейишади. Ўзларинигина, ўз ҳаётларининг хузур-ҳаловатинигина уйлашади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭГОИСТИК Худбинликка, эгоизмга оид, худбинлик руҳида бўлган. *Олий мактаблардан чиқаятган баъзи кишилар.. жамият манфаатларини эмас, балки ўзларининг эгоистик, шахсий манфаатларини афзал кўраятганликларидан кўз юмиш мумкин эмас.* Газетадан.

ЭГОИСТЛИК қ. худбинлик. *Эгоистлик қилмоқ.* ■ ..унинг ҳар бир гапида, сўзининг оҳангида ўзини ардоқлаб вояга етказган Аширгул онага нисбатан бемехрлик, эгоистлик ҳислари ошқора сезилиб турарди. Н. Улуғҷонов, Энажонингни унутдингми?

ЭГОЦЕНТРИЗМ [лот. ego — мен + centrum — марказ, ўрта(лик)] Манманлик ва худбинлик (эгоизм)нинг учига чиққан шакли: шахснинг фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиши, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат ўз фикрлари ва шахсиятини юқори қўйишидан иборат ҳислати.

ЭГРИ 1 Тўғри чизиқ бўйлаб йўналмаган; қийшиқ, қинғир. *Эгри чизиқ. Эгри қилич. Эгри кўчадан юрсанг ҳам, тўғри юр.* Мақол. ■ *Азим тоғларнинг эгри шоҳларидаги шокила-шокила популар йўловчиларни салқинга чақира бошлади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Ҳақиқатга зид; нотўғри. - *Қийиқ иш қирқ йилдан кейин ҳам маълум бўлади, эгрисини қўйиб, тўғрисини гапираверинг, — деди.. Дўстмуродов.* «Муштум». *Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқариш одатингизни ташланг.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Дўстим, ҳаётга чуқурроқ қарасангиз, тўғри билан эгрини айира биласиз.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Хатти-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. жиҳатдан ахлоқ-одоб, қонун-қоида меъёрий талабларига зид бўлган, шундай иш тутадиган; номақбул, ножўя, чакки. *Бирорта одам савдо соҳасида ишласа, дарров мияларида эгри фикр келади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Эгри одам соясидан ҳам хавотирланаверар экан.* «Муштум». *Ўзи тўғри бўлмаган одам бошқаларга ҳам эгри кўз билан қарайди.* Газетадан.

ЭГРИ-БУГРИ Эгилган, букилган; қин-ғир-қийшиқ. *...эгри-бугри ариқларни кетмон билан текислай бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эгри-бугри шохлари бутун ҳовлини тутган катта нашивати дарахти тагида бир тўда болалар ўтиришибди.* Ф. Насриддинов, Артист ва режиссёр. *Ҳали кўмилмаган тоқлар эгри-бугри қизғиш танасини яширолмай, иймангандай осилиб ётарди.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭГРИЛИК 1 Эгри ҳолат, эгри эканлик. *Деворнинг эрилиги. Йўлнинг эрилиги.*

2 Эгри, ножўя иш, хатти-ҳаракат (қ. эгри 3). *Мен домаликда, эшонликда юравериб, хийла қўли эгриликка ўрганиб қолганман.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ЭДИ тўлиқсиз фл. Фетъл, шунингдек, бошқа туркумга оид сўзлар билан бирикиб, ўтган замон ва б. модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *Шу мактабда ўқиган эдик. Хабари бўлса келар эди. Бу ерлар илғари чакалақзорлар эди. Хўп десанг, кинога борар эдик.*

ЭЖИКИЛАМОҚ: эжикилаб Майда-чуйдасигача, ҳамма тафсилоти билан, батафсил; синчиклаб. - *Гапир, қани, отанг саломат юрибдими?.. — эжикилаб сўрай бошлади буювим.* Ойбек, Болалик.

ЭЗГИН Рухий эзилган; эзилган, тушкун ифодали. *Тутиқиз бошини аста кўтариб, кампирнинг ғамгин, эзгин юзига тикилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Сегоҳ»га ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўзларида ёш ҳалқаланди. Қим билсин, бу энг сўнги эзгин ёшлардир?! Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.*

ЭЗГИНЛИК Эзгин, тушкун ҳолат. *Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажарулик тугдирар, муомалада пардани кўтарарди.* М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

ЭЗГУ Яхшилик бахш этувчи; эгилик келтирувчи; хайрли. *Эзгу ният. Эзгу иш.* ■ *Озодлик ҳайкали қошига бу он Эзгу ўйларимни олиб келдим мен.* Х. Даврон. *Наврўз шамали хаёлни шундай олиб қочади, эзгу йўлларга чорлайди.* Газетадан.

ЭЗГУЛИК Хайрли, эзгу иш. *Жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб, уларга шариит яратиб берган одам эзгуликни ҳис этмаслиги мумкин эмас.* У. Ҳошимов, Қалбинг-

га қулоқ сол. *Эзгулик йўлида қилинган яхшилик умрга сайқал бериб боради.* Газетадан.

ЭЗИБИЧКИ этн. Дуо ёзилган, сув ёки чойга чайқаб эзиб ичиладиган, гўё даво бўладиган қоғоз. *Қиз, гўшангада кийилажак юпка оқ кўйлакни.. ва икки томоннинг кўнглига «ўлмас муҳаббат» солувчи «эзибички»ни бирга қўшиб, рўмолчага тугиб, эртага унутмаслик учун, белгили жойга қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни ҳайдайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭЗИК 1 кам қўлл. Эзилган; уваланган; янчилган. - *Отам ғирт оми бўлишига қарамай, ўта диндор эди.. Данақ чақса, эзигини ўзи еб, бутунини олло йўлига бағишлаган, — деди чол.* А. Муқимов, Қопқон.

2 кўча Эзилган, жабрланган, абгор бўлган; эзгин. *Алишгансан мени ўғлон болангга, Аламин кўп эзик юракларимда, «Орзигул». Мунг, алам билан учган бу эзик нола тоғтошларнинг қалбини тилгудай бўлди.* Миртемир.

ЭЗИЛИШМОҚ 1 Эзилмоқ фл. бирг. н.

2 с.т. Қониқиб, узоқ гаплашиб ўтирмоқ. *Махдум Анварнинг бирор камбағал билан эзилишиб ўтирганини кўрса, ичидан аччиғланиб.. паст ҳамиша пастлигини қилади, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЭЗИЛМОҚ 1 Эзмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Эзилган мева. Эзилиб пишган гуруч. Эзилган халқлар.*

2 Куйинмоқ, ачинмоқ; қийналмоқ, дили хун бўлмоқ; ташвиш тортмоқ. *Рўҳан эзилмоқ.* ■ *Бечора қиз отага муҳтож. Отасиз эзилиб битмаса яхши эди.* И. Раҳим, Ихлос. - *Кумуш ҳам менинг тепамда ўтириб, эзилиб йиғлар, бутун вужуди қалтирарди, — деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ЭЗМА Гапдан оғзи тинмайдиган, кўп гапирадиган; сергап. *Эзма чол. Эзма бўлмоқ.* ■ *Кўпчилик айтгандек, киши қариса, Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан.* Ғ. Фулом. *Оғзи чарчамайдиган эзма одам керак бунча гапиршига.* Э. Аъзамов, Шайтончалар кўчаси.

ЭЗМАЛАНМОҚ 1 Эзмалик қилмоқ, гапни чўзмоқ. *Бир неча фарсахдан кейин қудуқ келишини олдиндан айтар, қудуқни эзмаланиб тасвирлар, ҳаммаси тўғри чиқарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ортиқ эзмаланиб ўл-*

тиришга Эҳсоннинг фурсати йўқ эди. А. Қаҳ-
дор, Сароб.

2 с.т. Жуда секин, имиллаб иш қилмоқ;
ивирсимоқ, ивирсирамоқ, имилламоқ. Эз-
маланмай, тез кийинсанг-чи!

ЭЗМАЛАШМОҚ Эзилиб (эзмалик билан) гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ. *Ўз кўли билан Қурбоналига овқат олиб чиқди. У билан ўтган-кетганлардан эзмалашди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЭЗМАЛИК 1 Эзмага хос хислат, эзма эканлик *Мамарасул ака, сураткаш ҳам эзмалигингиздан хабардорга ўхшаб қолди дейман-а? Уйғун, Сайланма.*

2 Ортиқча ва унчалик керак бўлмаган тафсилотларга, майда-чуйдаларга берилиш. *У тўйлардан, азалардан.. эсига маҳкам жойлаб келган «миш-миш» ларни ҳар вақт эзмалик билан сўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭЗМА-ЧУРУК с. т. Ортиқ даражада эзма. *Нима қилиб бу эзма-чурукни судраб юрибсиз, бети қурсин.* С. Аҳмад, Сўнгги нусха.

ЭЗМОҚ 1 Босиб, сиқиб ва б. йўл билан юмшатмоқ, пачақламоқ, янчмоқ ва ҳ.к. *Оёғи билан сигаретани эзмоқ. Анорни эзмоқ. ■ Ёнида чумоли уясини кўриб, оёғи билан эзди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Чол бошқа чой чақириб, белбоғининг қатидан қуруқ чой олиб, кафтида эзди-да, пиёлага солиб қайтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эрталаб Шоқосим.. бир ўсимликнинг қовжироқ гулини келтириб, қайноқ сувда эзиб, қизга ичиришни буюрган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Киши аъзоси ёки унинг бирор жойини қаттиқ босим, сикувга олмоқ. *Оғир юк елкасини эзаяпти. ■ Оёғини қиздириб эзган этигини ечолмай ўтирган Ширмонхон Мақсуда келгандан кейин ўрнидан турди.* С. Зуннунова, Олов. *Манглайни эзиб юборди бу чўян қалтоқ.* Ойбек, Қўёш қораймас.

3 Оғир, қийин аҳволга солмоқ, шундай аҳволда сақламоқ. *Узоқ ва машаққатли йўлларни жуда эзиб ташлаган эди. ■ Халқларни қул қилиб эзиб келган подшо ҳукумати ағдарилди.* Т. Бекмуродов, Унутилмас воқеалар. *Кириб майдонда жавлон урди эрлар, Эзиб душманни ҳайқирмоқда шерлар.* Ҳабибий.

4 Рухан қийноққа солмоқ; қийнамоқ. *Раҳимжон ака, бўлди, ўзингизни эзманг.. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Орага оғир, эзиб*

юборувчи жимлик чўкди. К. Яшин, Ҳамза. *У билан талашиб-тортишиб ўтириб, ёлғизлигини ҳам унутган экан. Энди таҳлолик эза бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

5 Қойилмақом қилиб, жуда таъсирли тарзда ижро қилмоқ (асосан куй, кўшиқ ҳақида). *Шодмон ҳожи олдин дуторда майин эзиб, «Туя бўзлов» машқини чалиб, кейин танбурни олди.* С. Абдулла, Қувғунда. *Бобоси уни қувонтирадиган гап топганидан хурсанд, эзиб ҳикоя қила кетди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

Жағини эзмоқ Уриб мажақламоқ, абжағини чиқармоқ. *Ол қўлингни, жағингни эзиб қўяман!* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Жиғини эзмоқ қ. жиғ.** *Ҳа, Салим, Ҳакимларнинг жиғини эзман, ука.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эзиб ёғмоқ** Майдалаб тўхтовсиз ёғмоқ. *Уч кундан бери ёмғир эзиб ёғар, ҳашарчилар ишга чиқмай, зерикиб қолишган эди.* У. Ҳошимов, Бир томчи шудринг. **Юракни (ёки бағирни, қалбни, юрак-бағирни) эзмоқ** Рухий азоб бермоқ, рухан қийнамоқ. *Ўғли Турғунбой унинг юрагини эзиб юборди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ахир менда нима гуноҳки, муштипар онаизорнинг бағрини эзасан.* К. Яшин, Ҳамза. *Совлиқнинг фарёд уриб маврагани юрак-бағрини эзиб юборди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Опа хатосин сезди, Тўғри сўз қалбин эзди.* «Муштум».

ЭЗФИЛАМОҚ айн. эзмоқ 1. Тупроқни эзфиламоқ. *Папиросни эзфиламоқ. Хамирни эзфиламоқ. ■ Тошпўлат бир сиқим кесакни олиб, кафтида эзфилади.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ЭЙ унд. с. 1 Мурोजаат, чақирىқ маъносини билдиради. -*Тўхта, эй тўхта дейман!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эй, буни қара, лайлакнинг уяси.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Ачиниш, эътироз, қўшилмаслик маъноларини ифодалайди. *Эй, ҳаммаси баҳона.. Ойбек, Танланган асарлар. Эй, бас қилинг-эй!* Ҳамза, Танланган асарлар. *Эй, қаёқда!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

-*эй юк.* Таъкид, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. *Извошларинг шунақа юмшоқми-а? Нақ бахмал тушакдай, жоннинг ҳузур-эй.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оббо поинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларнинг барисини кўлга киргизиб олди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭЙВОҲ айн. **эвоҳ.**

ЭЙНШТЕЙНИЙ [лот. Einsteinium — машхур физик Альберт Эйнштейн шарафига шундай ном олган] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий равишда олинган радио-актив металл.

ЭЙФОРИЯ [юн. euforia < eu — яхши + rheo — бошдан кечираман, ўтказаман] Объектив ҳолат билан боғлиқ бўлмаган димоғчоғлик, ўз-ўзидан, гайриихтиёрий кўтаринки хурсанд ҳолат (асосан руҳий касалликларда, наркотик моддалар қабул қилганда кузатилади).

ЭКАН *тўлиқсиз фл.* Фезл, шунингдек, бошқа туркумга оид сўзларга бирикиб, кейин билганлик, шарт ва б. модал маъноларни билдиради. *Ҳеч ким эшитмаган экан. Қўшингиз жуда яхши одам экан. Кўришмоқчи экан, нега келмади? Йўлда давом этар экан, турли хаёлларга борди.*

ЭКВАТОР [лот. aequator < aequare — тенглаштирмақ, баробар қилмақ] Ер шарининг ҳар икки қутбидан тенг масофада жойлашган ва Ернинг айланиш ўқиға перпендикуляр бўлган ҳамда Ерни Шимолий ҳам Жанубий яримшарларга ажратадиган катта айлана, чизиқ. *Географик экватор. Ер экватори.* ■ *Кун бўйи ўчоқдаги лаҳча чўғдай ловуллаб ёнган экватор қуёшининг тафти ҳам энди хийла босилди. С. Абдуқаҳҳор. Очиқ дераза тагида. Экватор номи бу мамлакатнинг экватордан настда жойлашганлигини кўрсатади. «Фан ва турмуш».*

Осмон экватори Осмон гумбазининг олам ўқиға перпендикуляр бўлган ҳамда осмонни Шимолий ва Жанубий яримшарларга ажратадиган катта доира.

ЭКВАТОРИАЛ I *астр.* Иккита бир-бирига перпендикуляр бўлган ўқ атрофида айланадиган ва ҳар қандай осмон жисмининг осмон экваторига нисбатан вазиятини аниқлашга имкон берадиган линзали ёки кўзгули телескоп.

ЭКВАТОРИАЛ II Экваторга оид, экваторда ёки экваторга яқин жойлашган. *Экваториал минтақа.* ■ *Бир нафасда экваториал қоронғилик борлиқни босди-қолди. «Фан ва турмуш».*

ЭКВИВАЛЕНТ I [лот. aequivalens, aequivalentis — тенг кучли, тенг қийматли] *от* Бирор нарсага тенг ёки бирор жиҳатдан мос келадиган ва унинг ўрнини боса оладиган

бошқа нарса. *Иссиқликнинг механик эквиваленти. Кимёвий эквивалент.* ■ *Ҳар бир ҳикоядан сўнг шў ҳикояда учрайдиган қийин сўзлар ва ибораларнинг ўзбекча эквиваленти луғат тарзида берилган. Газетадан.*

ЭКВИВАЛЕНТ II *сфт.* Тенг, тенг бўлган; мос келадиган, ўрнини боса оладиган. *Эквивалент миқдорлар. Эквивалент сўзлар.*

ЭКЗЕМА [лот. eczema — тошма < ekzeo — қайнаб тошаман] *тиб.* Терининг нерв ва эндокрин система фаолиятининг бузилиши, организмда сурункали инфекция манбаи бўлиши, шунингдек, меъда-ичак касалликлари туфайли организм сезувчанлигининг ортиши билан кечадиган сурункали аллергия касаллиги. *Экзема организмда модда алмашилишининг бузилиши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин. Газетадан.*

ЭКЗЕМПЛЯР [лот. exemplar — нусха, намуна] *қ.* адал 1, нусха 4. *«Ўтган кунлар» китобидан ўн экземпляр сотиб олдим.*

ЭКЗОТИКА [юн. exotikos — бегона, ўзга ерли] Бир мамлакатга хос бўлиб, узоқдаги бошқа мамлакат халқига қизиқ, ғалати, гайриоддий бўлиб кўринадиган нарсалар, урф-одатлар. *-Қани ўша экзотика? — ҳайратга тушди хорижий журналист. Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари. Экзотика билан миллий руҳни сақлаш орасида катта фарқ бор. Ш. Шомуҳамедов, Бадий таржима ва адабий танқидчилиқ.*

ЭКИН Ҳосил олиш учун экилган ҳар қандай уруғдан униб-ўсган ўсимлик. *Экин майдони. Экинларни суғормақ.* ■ *Боғларни бир-бирдан айирган деворлар кўринмас; ишқомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Дала ва боғларда битадиган ўсимликларнинг тури, хили. *Ғалла экинлари. Полиэкинлари. Техника экинлари.* ■ *Унинг [Ботиралининг] айтишича, қишлоқнинг асосий экини бўлган шолидан бу йил мул ҳосил олинган. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

Қора экинлар шв. Полиэкинлари. *Қора экинлар билан жайдари пахтани ҳали ҳам камайтиришга маслаҳат бераман. Н. Сафаров, Уйғониш.*

ЭКИНЗОР Экин экилган, экин билан банд бўлган жой, дала. *Чўлни экинзорга айлантирмақ.* ■ *Орқада бепоев водийлар..*

экинзорлар, неча-неча обод қишлоқ ва шаҳарлар қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭКИНЛИ Экин экилган. Экинли ер.

ЭКИН-ТИКИН Ҳар хил экин; ҳар хил экинлар; экин экиш; экин экиш ишлари. ..экин-тикинлар йиғиб олингунча биз билан турсин. А. Ҳайитметов, Унсин хола. Тошкент халқи эркин нафас олди, савдо-сотиқ, экин-тикин ва касб-кор кўтарила бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аяжи экин-тикин даврида ер қақраб, тупроқ тўзиб турди. И. Раҳим, Ижод, маҳорат, жасорат.

ЭКИНЧИ эск. Экин экувчи, деҳқон. Баҳорнинг ҳиди ҳам кела бошлади.. экинчиларнинг ҳам кунни туғди дея беринг. «Муштум».

ЭКИНЧИЛИК эск. Экин экиш, деҳқончилик. Экинчилик қилмоқ.

ЭКИПАЖ I [фр. équipage|От қушиладиган, одам ташувчи енгил арава; фойтун.

ЭКИПАЖ II [фр. équipage — кема командаси, аслаҳа-анжомлари] Кема, самолёт, танк ва ш.к. ларнинг шахсий таркиби. Самолёт экипажи. ■ Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Исаевнинг танк экипажи жасурлик намунасини кўрсатиб, душман техникасига зарба берди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЭКЛЕКТИЗМ [юн. eklektikos — танловчи, сайлаб олувчи] флс. Ҳар турли, ҳатто бири-бирига қарама-қарши бўлган фикр, караш, ғоя ва назарияларни бирлаштиришга уриниш, принципсизларча қориштириб юбориш.

ЭКЛЕКТИК Эклектизм тарафдори.

ЭКЛЕКТИК Эклектизмга оид, унга асосланган. Бу бинолар эклектик архитектуранинг намуналарига ўхшаб қолган, давлатга жуда қимматга тушган. А. Бобоҳонов, Истикболни ўйлаб.

ЭКЛИПТИКА [юн. ekleiptike < ekleipsis — тутилиш (мас., қуёш)] астр. Осмон сферасининг Қуёшнинг кўринма йиллик ҳаракати кўчиб турадиган катта доираси; бу доира Ернинг Қуёш орбитаси бўйлаб ҳаракатини акс эттиради. Осмон сферасида Қуёш маркази йил давомида силжиб борадиган катта айлана эклиптика деб аталади. «Астрономия».

ЭКМА Экиб ўстириладиган. Бизнинг ўлкамизда гулхайрининг битта экма, еттига ёввойи тури бор. Газетадан.

ЭКМОҚ Ўсимлик уруғини, уруғликни ерга ташламоқ, сепмоқ, тикмоқ; ўсимлик тупини, кўчатини ўтқазмоқ. Чигит экмоқ. Картошка экмоқ. Гул экмоқ. Арпа эккан арпа олар, Бугдой эккан бугдой олар. Мақол. Бирни кессанг, ўнни эк! Мақол. Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк! Мақол.

ЭКОЛОГИК Экологияга оид, у билан боғлиқ. Экологик ҳолат. ■ Олимларнинг фикрича, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш учун туб чоралар кўриш талаб этилади. Газетадан.

Экологик система Тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитларидан ҳосил бўладиган яхлит комплекс.

ЭКОЛОГИЯ [юн. oikos — ватан, уй + logos — фан, таълимот] Биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан бўлган муносабатини, шунингдек, одам ва биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини ўрганувчи фан.

ЭКОНОМИЗМ сиёс. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида рус социал-демократиясида пайдо бўлган, ишчилар ҳаракатининг асосий вазифаси фақат иқтисодий талаблар доирасида (меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва б.) кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи керак, деб даъво қилган оқим.

ЭКОНОМИКА [юн. oikonomike — уй-рўзгор хўжалигини бошқариш санъати] қ. иқтисодиёт. Қуёшли Ўзбекистонимизда фақат пахтачилик эмас, экономиканинг бошқа тармоқлари ва маданият ҳам юксалмоқда. «Фан ва турмуш». Проблемаларни ҳал этиш хўжалик экономикасини юксалтиришнинг гаровидир. «Ўзбекистон кўриқлари».

ЭКОНОМИСТ I қ. иқтисодиётчи, иқтисодчи. Қишлоқ хўжалиги бўйича экономист. Экономист олим. Экономист инженер. Бош экономист.

2 Экономизм тарафдори.

ЭКОНОМИЯ [юн. oikonomia — хўжаликни бошқариш] I қ. иқтисод I.

2 тар. Капиталистик типдаги йирик помешчик хўжалиги.

ЭКРАН [фр. екран — тўсиқ, ғов; парда] I Тасвир тушириш учун мосланган сатҳ, юза; парда. Кино экрани. Телевизор экрани. ■ Бу ёруғ уйнинг деразаси худди кино экранига ўхшарди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *тех.* Турли энергетик нурланишларни ютадиган, қайтарадиган ёки нарса ва кишиларни улардан ҳимоя қиладиган қурилмаларнинг умумий номи. *Буг қозонининг экрани. Рентген аппаратининг экрани. Радиолампа экрани.*

3 *кўчма* Кино санъати.

ЭКРАНЛАМОҚ *тех.* Экран билан, ҳимоя тўсиғи билан таъмин қилмоқ; тўсмоқ. *Буг қозонини экранламоқ.*

ЭКРАНЛАШТИРМОҚ Бадий асарни кинофильмга ёки телефильмга айлантирмоқ, шу асар асосида кинофильм яратмоқ. *Романни экранлаштирмоқ.*

ЭКРАНЛИ Экрани бор, экранга эга бўлган. *Кенг экранли кинотеатр. Экранли радиолампа.*

ЭКС- [лот. ex — келиб чиқиш, манбани ифодаловчи олд қўшимча; -дан] Байналмилал ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, 1) бирор жойдан чиқиш, ажралиш, чиқариб олиш (мас., *эксгумация, экстерриториаллик*); 2) аввалги, собиқ (мас., *экс-президент, экс-чемпион*) маъноларини билдиради.

ЭКСГУМАЦИЯ [лот. ex — -дан, ичидан + humus — тупроқ, ер] *тиб.* ҳуқ. Суд-тиббий, криминалистик экспертиза, патологик-анатомик текшириш мақсадида мурдан кўмилган еридан қовлаб олиш.

ЭКСКАВАТОР [ингл. excavator < лот. exscavare — тешмоқ, ўймоқ] Ер қовлайдиган ва тупроқни чиқариб ташлайдиган, асосий ишчи қисми қовил бўлган ўзиюрар машина. *Бир қовилли экскаватор. Экскаватор заводи.* ■ *Зовур қазийтган полвон — экскаваторнинг оғир чўмичи фил хартумидай баландга кўтарилиб тушмоқда.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЭКСКАВАТОРЧИ Экскаваторни бошқарувчи машинист. *Моҳир экскаваторчи ўзининг баракали меҳнати билан кўпчиликка ўрнак бўлаётир.* Газетадан.

ЭКСКУРС [лот. excursus — (нутқда) четга чиқиш, мавзудан чекиниш] Асосий мавзу орасида шу мавзуга алоқаси бўлган бошқа бир масалага мурожаат қилиш, тўхташ, уни ёритиш. *Муаррихнинг асосий мақсади Хоразм шоҳларининг.. тарихини тиклашдан иборат бўлса-да, у ўз асарини узоқ ўтмишга экскурс қилишдан бошлайди.* «ЎТА».

ЭКСКУРСАНТ *айн. экскурсиячи.* *Павильондаги экспонатларни жуда кўплаб экскурсантлар ўрганмоқдалар.* Газетадан.

ЭКСКУРСИЯ [лот. excursio — бирор жойга сафар, саёҳат] 1 Музей, кўргазма, шаҳар ва ш. к. жойларни кўпчилик бўлиб бориб кўриш, шундай мақсаддаги сафар. *Экскурсияга чиқмоқ. Экскурсия автобуси.* ■ *Муаллимлари бошчилигида географиядан экскурсияга келишган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Экскурсия вақтида у ўзини жуда эркин тутиб, суҳбатни тарихий воқеаларга боғлаб, қизиқарли ўтказди.* Газетадан.

2 Экскурсия қатнашчилари гуруҳи; экскурсантлар. *Экскурсия Самарқанд шаҳрига жўнаб кетди.*

ЭКСКУРСИЯЧИ Экскурсия қатнашчиси.

ЭКСКУРСОВОД [экскурсия + р. водить — бошлаб (бош бўлиб) бормоқ] Экскурсиячиларни бошлаб юрувчи киши, экскурсия раҳбари. *Латофат автобуснинг деразасидан экскурсовод ҳикоя қилиб кетаётган эски черковга қаради.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЭКСПАНСИОНИСТ *айн. экспансиячи.*

ЭКСПАНСИОНИСТИК Экспансияга қаратилган, экспансия руҳидаги. *Экспансионистик сиёсат.*

ЭКСПАНСИЯ [лот. expansio — кенгайтириш, ерини кенгайтириб юбориш] Давлатларнинг, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотларнинг ўзга ҳудуд ва бозорлар, хомашё манбаларига нисбатан куч ишлатиш ёки бошқа воситалар орқали ўз сиёсий ва иқтисодий таъсир доирасини кенгайтириш йўлидаги ҳаракати.

ЭКСПАНСИЯЧИ Экспансия тарафдори, экспансия сиёсатини юритувчи.

ЭКСПЕДИТОР [лот. expeditōr < expedire — юбормоқ, жўнатмоқ] Корхона, муассаса ва ш. к. да мол, товар, газета-журнал, хат-хабарларни тегишли жойларга тарқатиш билан шуғулланувчи ходим. *Урганч район матлубот кооперациясининг экспедитори Қўзи Жумаев фактларни кўздан кечириётиб.. қарсақ чалиб юборди.* Газетадан.

ЭКСПЕДИТОРЛИК Экспедитор иши, вазифаси. *Шундан кейингина у нон ташиш бўйича экспедиторлик лавозимига тайинланган.* Газетадан.

ЭКСПЕДИЦИОН Экспедицияга оид, экспедицияга тааллуқли. *Экспедицион асбоб-ускуналар.*

ЭКСПЕДИЦИЯ [лот. *expeditio* – тартибга солиш; сафар, саёҳат < *expedire* – юбормоқ, жўнатмоқ] 1 Маълум гуруҳ кишиларнинг бирор мақсад билан (мас., илмий мақсадда) уюштирилган сафари. *Илмий экспедиция.* ■ *Экспедицияга чиқишдан олдин уй эгаси кириб, у ёқ-бу ёқдан гапириб, пировардида, одатича, нолиди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Шундай сафар қатнашчилари. *Экспедиция манзилга етди.* ■ *Аmmo ҳар гал экспедициялар бир-бирига қарама-қарши, чалкаш ахборотлар қолдиришган.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Муассасанинг хат-қоғозларни юбориш, тарқатиш билан шуғулланувчи бўлими. *Газета экспедицияси. Экспедиция бошлиғи.*

ЭКСПЕДИЦИЯЧИ Экспедиция қатнашчиси, экспедиция ишлари олиб борувчи шахс. *Экспедициячилар қанча-қанча оғирчиликларни енгиб, янги маршрут схемалари.. геологик маълумотларнинг хомаки нухчаларини қоғозга туширавердилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭКСПЕРИМЕНТ [лот. *experimentum* – синов, синаш; тажриба] Аниқлаш, синаш, текшириш мақсадида ўтказиладиган илмий тажриба, синов; синов ишлари. *Биологик эксперимент. Илмий эксперимент.* ■ *Туялар устида олиб борилган эксперимент шунки кўрсатдики.. улар бир неча ҳафта сувсиз яшай олади.* «Муштум».

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ 1 Экспериментга, эксперимент ўтказишга оид. *Экспериментал иш. Экспериментал метод. Илмий текшириш институтининг экспериментал базаси.*

2 Экспериментга асосланган, *Экспериментал биология. Экспериментал физика.*

ЭКСПЕРИМЕНТЧИ Эксперимент ўтказувчи, эксперимент асосида талқиқот олиб борувчи.

ЭКСПЕРТ [лот. *expertus* – тажрибали] Суд-тергов органлари, тиббий ёки илмий муассасалар томонидан экспертиза ўтказишга чақирилган шахс, муайян соҳа мутахассиси. *Суд экспертлари. Экспертлар комиссияси.* ■ *Эксперт иштирокида гўр очилди. Ундан йигирма ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, миқтигина ёшнинг гавдаси*

чиқди. Газетадан. *Экспертлар келиб, барча тафсилотларни аниқламоқчи бўлишди.* М. Ҳақимов, Бир фожианинг сири.

ЭКСПЕРТИЗА [фр. *expertise* < лот. *expertus* – тажрибали; синалган] Қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар ҳайъати. *Суд-тиббийёт экспертизаси. Экспертиза хулосаси.* ■ *Тошмат шимининг чўнтағидан тиббий экспертиза справкасини чиқариб берди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Экспертиза натижаси бўйича тузилган акт унга ўқиб берилди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЭКСПЛУАТАТОР [фр. *exploiteur*] Бошқаларнинг кучидан, меҳнатидан фойдаланувчи мулкдор шахс. *Эксплуаторлар синфи.* ■ *Балтабой қўл кўтарди.. Ўша мамлакатларда ҳукумат эксплуататорлар қўлида.* А. Қаҳқор, Кўшчинор чироқлари.

ЭКСПЛУАТАЦИЯ [фр. *exploitation* – ишлатиш, фойдаланиш; фойда олиш < лот. *explicare* – фойдаланоқ, ишлатмоқ] 1 Ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг ўзгалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши. *Эксплуатацияга асосланган.*

2 Табiiй бойликларни қазиб олиб, улардан фойдаланиш; ер, саноат корхоналари, транспорт воситалари, бинолар ва ш.к. дан фойдаланиш, уларни ишлатиш. *Водопроводни эксплуатацияга тайёрламоқ.* ■ *Мактабни.. эксплуатацияга топшириш учун.. конкрет чоралар кўрилди.* «Муштум».

ЭКСПЛУАТАЦИЯЧИ айн. эксплуататор.

ЭКСПОЗИЦИЯ [лот. *expositio* – кўргазма, томоша учун қўйиш; баён қилиш, тавсифлаш; тушунтириш] 1 *ад.* Бадий асар сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берадиган макон ва замон, асар қаҳрамонлари ҳақидаги муаллиф маълумотлари баён қилинади.

2 Мусиқа асарининг асосий мавзуини ёки мавзуларини тасвирловчи бошланғич қисми; муқаддима.

3 *махс.* Музей, кўргазма ва ш.к. да санъат асарлари, тарихий обидалар ва ш.к. нинг томошабинларга кўрсатиш учун маълум бир системада жойлаштирилиши ва шундай тартибда жойлаштирилган материаллар. *Музей экспозицияси ҳозирги замон талаби*

даражасида тузилган. Ф. Хусаинова, Қўқон адабиёт музейида.

4 Кино санъатида ва фотографияда: суратга олиш пайтида ёруғлик сезувчи материалларга тушадиган ёруғликнинг миқдори.

ЭКСПОНАТ [лот. exponatus — кўргазмага, томоша учун қўйилган] Музей ва кўргазмаларда намойиш қилинадиган, экспозицияга қўйилган нарса. *Музей экспонатлари, Қишлоқ хўжалик кўргазмасининг экспонатлари.* — Бу табарруқ даргоҳда адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ўн бир мингдан зиёд экспонат мавжуд. Газетадан.

ЭКСПОНОМЕТР [лот. exponere — қўймоқ, кўрсатмоқ + юн. metreo — ўлчайман] Фото-, кино аппаратида экспозицияни аниқлаш учун хизмат қиладиган асбоб. *Ҳар бир фотоҳаваскор фотоэлектрик экспонOMETРНИ яхши билади.* «Фан ва турмуш».

ЭКСПОРТ [ингл. export < лот. exportare — четга (ташқи бозорга) чиқармоқ] иқт. Сотиш ёки бошқа мақсадларда чет элларга мол ёки капитал чиқариш ва чиқарилган мол, капитал; зид. **импорт**. *Бир сўз билан айтганда, республикамиз импорт ўлкасидан экспорт ўлкасига айлланиб бормоқда.* Газетадан.

Экспорт қилмоқ Чет элга (мол) чиқармоқ. *Ҳозирги кунда завод маҳсулотлари йигирмадан ортиқ хорижий маҳкакатларга экспорт қилинмоқда.* Газетадан.

ЭКСПРЕСС [ингл. express < лот. expressus — кучайтирилган; ифодали, тасвирий] Йўлда кам тўхтайдиган, тез юрадиган поезд, автобус, кема ва ш.к. *Экспресс автобус.*

ЭКСПРОМТ [лот. expromptus — шай ҳолда бўлган; қўл остида тайёр турган] *айн. бадиҳа.*

ЭКСПРОПРИАТОР [фр. expropriateur < лот.] Экспроприация қатнашчиси, экспроприация қилувчи, уни амалга оширувчи.

ЭКСПРОПРИАЦИЯ [фр. expropriation < лот. ex — дан + proprius + шахсий, хусусий] *сиёс.* Давлат органлари томонидан мажбурий равишда (ҳақини тўлаб ёки текин) мулкдан маҳрум қилиш.

ЭКСТАЗ [юн. extasis — завқланиш] Ҳаддан ташқари (жазава даражасида) завқланиш, маҳлиё бўлиб қолиш.

ЭКСТЕРН [лот. externus — ташқи, сиртқи; чет, бегона] Ўқув юртида: ўқимасдан,

мустақил тайёрланиб, имтиҳон топширувчи киши. *Мактабни экстерн тариқасида тамомламоқ.*

ЭКСТЕРНАТ Экстерн тариқасида имтиҳондан ўтиб, ўқув юртини тамомлаш.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛ Экстерриториаллик ҳуқуқига эга бўлган.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК [лот. ex — дан, ташқари + territorialis — маълум ҳудудда жойлашган] *юр.* Халқаро ҳуқуқда: давлатлар томонидан дипломатик вакилларга ўзаро бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар: шахс ва тураржой дахлсизлиги, маҳаллий судлар томонидан суд қилинмаслик ва ш.к.

ЭКСТРА [лот. extra — меъёрдан юқори, фавқулодда, ўта] Энг яхши, аъло (мол, товар нави ҳақида). *Экстра чой.*

ЭКСТРАДИЦИЯ [фр. extradition < лот. ex — дан, ташқари + traditio — топшириш, бериш] Муайян чет давлат қонунларини бузган шахсни шу давлатга топшириш.

ЭКСТРАКТ [лот. extractus — чиқариб, тортиб, суғуриб олинган] Экстракция йўли билан олинган модда, маҳсул. *Олча экстракти.* — Японияда чуқур сув остида яшовчи ақула турларининг жигаридан.. «акулин» деган экстракт олинмоқда. «Фан ва турмуш».

ЭКСТРАКТИВ Экстракция йўли билан олинган. *Гўшт пиширилаётганда ивиб қолувчи ёки ажралиб чиқувчи моддалар экстрактив моддалар деб аталади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЭКСТРАКЦИЯ [лот. extractio — чиқармоқ] Спирт, бензол ва ш.к. эритувчи моддалар ёрдамида суюқ ёки қаттиқ моддалар аралашмасидан бирор керакли моддани ажратиб олиш. *Мойни экстракция қилиш. Мой-ёғ комбинатининг экстракция цехи.*

ЭКСТРАСЕНС [лот. extra — дан ташқари, -дан ортиқ + sensitivus — таъсирчан, сезгир] Атроф муҳитни, борлиқни (сезги аъзолари иштирокисиз) идрок қилиш ҳамда ўзга кишилар ва ҳайвонларга таъсир кўрсатишда ғайритабiiий қобилиятга эга бўлган шахс.

ЭКСТРЕМИЗМ [лот. extremus — энг охири; ўтакетган, ашаддий; кескин] Сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик.

ЭКСТРЕМИСТ Экстремизм тарафдори, кескин фикр ва чораларни ёқловчи, амалга оширувчи.

ЭКСТРЕМИСТИК Экстремизмга оид, экстремизмга мойил бўлган. *Экстремистик доиралар. Экстремистик талаблар.*

ЭКУВЛИ 1 Экин экилган, экинли. *Экувли ер.*

2 Экин экса бўладиган, деҳқончилик учун яроқли.

ЭКУВСИЗ Экин экилмай қолган, экилмаган. *Экувсиз ер.*

ЭЛ 1 Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; умуман, кўпчилик одам, халойиқ, ҳамма. *У эрининг қилмишидан эл олдида бошини ҳам қилиб юрарди. Т. Ашуров, Оқ от. Одамларнинг кўз ёшидан, қаҳридан қўрқмай, эл отаси бўлиб юрганингизга ёқа ушлайман, тақсир. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Бир юртга, қабилага мансуб одамлар; миллат, халқ. *Қипчоқ эли. Мангит эли. Қардош эллар. ■ Шифокорлик касбини улуғлаш, элга сидқидилдан хизмат қилиш, кишиларнинг дардига даво топиш олийжаноб ишдир. Газетадан.*

3 Юрт, диёр, мамлакат. *Чет эллар. Ҳар ким элида, ўрдак кўлида. Мақол. ■ Баҳор келди элимизга, Яшил тўн кийди дала. И. Муслим. Шу пайт хаёл узоқларга, она элимга олиб кетди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Яшил элларга томон учиб кетди қушчалар. А. Орипов.*

Эл бўлмоқ Кимса билан уз кишисидек яқин, дўст бўлмоқ; чиқишмоқ, *Асли душман эл бўлмас, Этакни кессанг, енг бўлмас. Мақол. Томчи сел бўлмас, Душман эл бўлмас. Мақол. ■ Бекнинг тўплаган одамлари аллақандай бир-бирига эл бўлмайдиган олчок одамлар экан. А. Мухтор, Чинор. Ёвга эл бўлмаган каби ҳеч замон, Ёвни эл қилмади фарғоналиклар. А. Обиджон.*

ЭЛАК Ун элаш учун ишлатиладиган, тўр қопланган ёғоч гардишдан иборат уй-рўзгор асбоби. *Сим элак. Қалин элак. Элакка кирган хотиннинг элик оғиз гапи бор. Мақол. ■ Зиёдаҳон. Элакдаги кепакни оғзи тор халтачага эҳтиёт билан солди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

Элак бўлмаслик Хизмат қила олмаслик, хизматга ярамаслик. *Қобилжон гап билмайди, гап билмагандан кейин, элга элак бўлмайди. Ў. Умарбеков, Юлдузлар. Элакдан*

ўтказмоқ 1) элаб тозаламоқ; эламоқ. Ҳом ёнғоқ нўстлогғини қуришиб, элакдан ўтказиб, хинанинг асилига келинг, деб яна пул топади. С. Аҳмад, Сайланма; 2) обдан текширувдан (синовдан) ўтказмоқ. Бу ернинг табиати шунақа, янги келганларни элагидан ўтказиб олади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛАКИШМОҚ 1 Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ. *Ҳафиза, негадир, бу гўзал шаҳарда ёлғизликдан зерика бошлади — кўшни қизлар билан элакишолмади. Мирмуҳсин, Умид. Кутиб олгани чиққан мактаб болалари.. бирпасда бир-бирларига элакишиб кетишди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

2 Тегажоғлик қилмоқ, ҳазиллашмоқ. *Мен билан элакишма.*

ЭЛАКЧИ Элак ясовчи уста.

ЭЛАК-ЭЛАК: элак-элак қилмоқ 1 Синчиклаб текширмоқ; бирма-бир қараб, текшириб чиқмоқ. *Иш элак-элак қилинган, Сафаровнинг сири очилди. «Муштум». Шунга асосан комбинатга келган учлик комиссия Қурбон Ориповни тоза элак-элак қилди. «Муштум».*

2 Элаганга ўхшаш ҳолатга, ҳаракатга солмоқ. *Ҳозиргина қумлар устини аста сийпалаб юрган шамол бирдан кучайиб, борлиқни элак-элак қила бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ЭЛАМОҚ 1 Элакдан ўтказмоқ, элакдан ўтказиб тозаламоқ. *Бостирмада Зиёдаҳон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Тўй арафасида куни билан қор ёғди, шундай элаб ёғдики, кўзларни очирмай кўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 (фақат бўлишсиз шаклда — эламаслик) Эътибор (аҳамият) бермаслик, назар-писанд қилмаслик. *Зебихон ўзига муносиб йигит изларди. Оёғи тағида уралашаётганларни писанд қилмас, йўлини тўсиб, йиғлаб, дардини айтадиганларни эламас эди. С. Аҳмад, Уфқ. Хола кўшнисининг гапини сиртдан эламаган бўлса ҳам, аммо ичидан зил кетди. Л. Маҳмудов, Вафо.*

3 кам қўл. айн. **тебратмоқ.** *Зубайда бошини элаб, «йўқ» ишорасини билдирди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЭЛАНМОҚ 1 Эламоқ 1 фл. мажх. ва ўзл. н. *Эланган ун. ■ Замон тебранган сайин у мислсиз зўр галвирда эланаётган бугдойнинг жиридай четга чиқади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 шв. Ялинмоқ ёлвормоқ, илтижо қилмоқ. *Пулат отадай нуроний кексаларнинг эланишлари наҳот сизнинг дилингизни юмшатоlmаса.* К. Яшин, Ҳамза. *Уйига милиционер юбориб.. юрагини пўкиллашиб кўярдим.. Ўзи оёғини қўлига олиб югуриб келарди эланиб!* С. Нуров, Нарвон.

ЭЛАН-ҚАРАН Шошилмай, аста, бафуржа. *Аравага қўшиладиган от, чарчаган эшакдай бошини осилтириб, элан-қаран қадам ташлайди: тап, тап, тап.. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. Солиа она халта-хуталарини ҳужрага жойлаб, элан-қаран уйга кирса, Роҳила конверт ичидаги хатни олиб ўқиб, юм-юм йиғлаяпти.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЭЛАС шв. Сал-пал, сезиларсиз даражада. *Дадақўзининг аянчли товуши қўлоғига элас чалинди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Чеча коридорда туриб, баланд каравотда.. ётган эрини элас таниди.* «Ёшлик».

ЭЛАСЛАБ шв. Гира-шира. *Узоқдаги қоралар кўринадди эласлаб.* «Тоҳир ва Зухра».

ЭЛАСТИК I [юн. elastikos — қайишқоқ, эгилувчан] Синтетик толалардан махсус тайёрланган чўзилувчан, эгилувчан, қайишқоқ модда, чўзиб қўйиб юборилганда, тез ўз ҳолига қайтадиган материал, мас., резинка.

ЭЛАСТИК II [юн. elastikos] Қайишқоқ, чўзилувчан, эгилувчан. *Эластик жисмлар. Эластик материал.*

ЭЛАС-ЭЛАС Гира-шира, билинар-билинемас даражада (асосан. кўриш, эшитиш, тасаввур қилиш ҳолатлари ҳақида). *Муқаддам беш-олти қадам орқада турар, қоронғиликда гавдаси элас-элас кўринадди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Номаълум томондан Матлубанинг овози элас-элас эшитилади.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси. *Ҳозир ўша кунларни, худди тушимда кўргандек, элас-элас эслайман.* О. Ҳусанов, Қамбарнинг камоли.

ЭЛАТ I Кишиларнинг миллат шаклига келмасдан олдинги тарихий бирлиги. *Кўндир мамлакатда элар, элатлар, Қадим ва ноқадим халқлар, миллатлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Эл, эл-халқ, қабила. *Қабила бошлиғи Олтиний ўз элатининг туқ, тинч бўлиши учун ҳаммаша қайғураркан.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Дорига тортди, деб қарвонлар айтди,*

Ҳамма элат ўлганини эшитди. «Юсуф ва Аҳмад».

3 Бир жойли ёки бир қабилага, уруққа мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *Бу киши менинг элатим.* ■ *Элатлар махорка ўраб, ҳузур билан торта бошладилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳа, элат, ётоққа ҳаммадан илгари кирадиган одадингиз йўқ эди, нима бўлди?* В. Ғофуров, Вафодор.

4 Юрт, диёр; мамлакат. *Эл севган киши элатга оқсоқол бўлади.* Мақол. ■ *Мен ўлсам, сеники Жамил элатим.* Ҳарна борим, бари аркон давлатим. «Равшан». *Борсанг, обод бўлар ўсган элатинг, Авж олади зиёда бўл давлатинг.* «Муродхон».

ЭЛАТДОШ айн. элат **3.** *Олтмиш тўртга кирганда қари ёшим, Ғамларга чулғанди қариган бошим, Ўлсам беҳисобдир у элатдошим.* «Эрали ва Шерали».

ЭЛАТЛИК Элатларча ҳамжиҳатлик; элатларга хос ўзаро муомала, муносабат, одат. *Баҳромгул пари Авазнинг каттакон ёри, унинг тарзига қараб, ғамгин бўлиб, кўзидан ёши оқиб, элатлик қилиб, бир сўз деди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ЭЛАТЧИЛИК айн. элатлик. *Ойжамол айтди: -Ўз элимизда бир одам «қиз меники», деб эшигимизни шунурган эди. Элатчилик — бировга беролмай, шунга бойланиб турибди.* «Ёлгор».

ЭЛАШИМЛИ Элакдан яхши ўтадиган, элаб бўладиган.

ЭЛБЕГИ эск. Эл, элат бошлиғи, сардор. *Ҳазина эшигин очинг, донолар, Элбегини, подшоларни жийинлар [йиғинлар].* «Юсуф ва Аҳмад».

ЭЛБУРУНДАН с. т. Ҳаммадан бурун, ҳаммадан олдин, биринчи бўлиб, элдан бурун. *Сен элбурундан жом қоқиб, ўз бошингни ўзинг балого қўйма!* Шухрат, Умр поғоналари. *Шуни кўра-била туриб, элбурундан чекингансан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛБУРУТДАН айн. элбурундан. *Элбурутдан айтмасанг, кейинчалик ўзи ҳам эшитиб қолади, кўникади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Кўзибой элбурутдан тизгинни тутиб, қарвонларча арава қиррасига қийшайиб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЭЛДОШ Бир жойли ёки бир элга, қабилага мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *Убайдуллаҳўжа ағлам шикоятчи бойларнинг.. элдошлари олдида обрў учун*

курашаётганларини англади. П. Турсун, Ўқитувчи. Мен бу ерга элдош оғайниларни кўрай деб келдим. М. Қўшжонов, Дийдор.

ЭЛЕВАТОР [лот. elevator — (юқорига) кўтарувчи] I Ғаллани қабул қилиш, тортиш, қуриштиш, элаш, юклаш механизмлари билан жиҳозланган махсус ғалла омбори. *Тошкент элеватори. Тегирмон элеватори.* ■ **Бизни сули қоплагани элеваторга олиб чиқадиغان бўлиб қолишди.** А. Раҳмат, Брест қаҳрамонлари.

2 тех. Сочилувчан ёки донали юкларни кўтарувчи машина, механизм ёки механизмнинг бир қисми. *Линотип элеватори. Ковшик элеватор.*

3 тех. Иситиш системаларида совиб қайтган сувни иссиқ сув билан аралаштириш учун хизмат киладиган мослама.

ЭЛЕКТР [юн. elektron — қаҳрабо; смола, қатрон] I Электрик зарядларнинг мавжудлиги, ўзаро таъсири ва ҳаракати натижасида рўй берган физик ҳодисалар мажмуи; шу ҳодисалар туфайли юзага келадиган энергия турларидан бири. *Мусбат электр. Манфий электр. Электр токи. Электр қуввати. Электр лампаси. Электр қўнғироқ.*

2 с. т. Электр оқими қуввати билан ёнадиган ёриткич ва ундан тарқалувчи нур, ёруғлик. *Қора чироқ ёқмайман, Электрлар турганда, Дангасага тегмайман, Зарбдорлар турганда.* «Қўшиқлар». *Кетмон ушлаган икки мўйсафид унинг ёнидаги электр устуни тагида гаплашиб турарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 сфт. Электр қуввати билан ишлайдиган. *Сартарошлик ёмон касб эмас. Электр машиналар ҳар қандай ошқовоқдай бошни ҳам бир зумда шилиб ташлайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭЛЕКТРИК I айн. **электротехник.** Кўпгина слесарлар, электриклар олий ўқув юрталарида сиртдан билим ола бошладилар. О. Жуманазаров, Қарвон келди.

ЭЛЕКТРИК II Электрга алоқадор, унга хос, электр билан ҳаракатга келтириладиган, электр ҳосил қиладиган, электр туфайли ишлайдиган. *Электрик таъсир. Электрик лампа. Электрик тебранишлар.*

ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯ [электр + лот. facere — қилмоқ] қ. **электрлаштириш.**

ЭЛЕКТРИЧКА Электр қуввати билан юрадиган поезд. *Бир ой ичида орттирган ош-*

на-оғайни ҳам электричкагача кузатиб чиқади. Ойдин, Суҳбати жонон.

ЭЛЕКТРЛАМОҚ Электр заряди бермоқ, зарядламоқ. *Ўтказгични электрламоқ.*

ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ Электр энергияси билан таъминлаш; ишлаб чиқариш ва бутун хўжаликни электр энергиясидан кенг миқёсда фойдаланишга ўтказиш. *Қишлоқни электрлаштириш. Саноатни электрлаштириш.* ■ *..ўқув дастурлари қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича бири-бирига уйғунлаштирилиши маъбулдир.* Газетадан.

ЭЛЕКТРЛИ Электр билан таъминланган. *Қирга кетди куйимиз, Қузда булар туйимиз. Жинчироқни иргитдик, Электрли уйимиз.* «Қўшиқлар».

ЭЛЕКТР(О)- [юн. elektron — қаҳрабо] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, электрга алоқадор, унга хос, электр билан ҳаракатга келтириладиган, электр ҳосил қиладиган, электр туфайли ишлайдиган каби маъноларни билдиради.

ЭЛЕКТРОВАЗ [электро.. + р. возить — тортмоқ; судрамоқ; ташимоқ] Электр кучи билан ишлайдиган локомотив. *Тезда электровозларни ишга туширишга қаратилган зарур тадбирлар кўрилди.* Газетадан.

ЭЛЕКТРОД [электр.. + юн. hodos — йўл] I физ. Суюқлик ёки газга электр ўтказиш учун ишлатиладиган, пластинка, стержень, шар ва ш.к. шаклидаги ўтказгич. *Мусбат электрод. Манфий электрод.* ■ *Агар эритма орқали ток ўтказилса, эритмага туширилган пластинкалар — электродлар газ нуфакчалари билан қоплана бошлайди.* «Кимё».

2 Электр билан пайвандлаш, эритиш ёки кесишда ишлатиладиган деталга электр оқими ўтказадиган мослама. *У электродни яхшилаб урнатди-да, детални учқунлар сачратиб пайвандлашга тушди.* Б. Пўлатов, Ихлос.

ЭЛЕКТРОДИНАМИК Электродинамикага оид. *Электродинамик ҳодиса.*

ЭЛЕКТРОДИНАМИКА [электро.. + динамика] Физиканинг ҳаракатланувчи электр зарядлари хоссаларини ва ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАММА [электро.. + кардиограмма] Юрак теппешининг элек-

трокардиограф воситасида ёзиб олинган график тасвири.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФ [электро.. + кардиограф] Электрокардиография усулида ишлатиладиган тиббий асбоб.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИЯ [электро.. + кардиография] Юракнинг тегиши натижасида ҳосил бўладиган электр импульсларни график тарзда қайд этиб, юракнинг аҳволини текшириш усули.

ЭЛЕКТРОКИМЁ [электро.. + кимё] Физик кимёнинг моддаларда электр оқими таъсирида содир бўладиган кимёвий ҳодисаларни, шунингдек, кимёвий жараёнлар натижасида электр оқимининг юзага келишини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОЛИЗ [электро.. + юн. lysis — эрувчан, парчаланувчан; ажралувчи] *ким.* Туз ёки кислоталарнинг эритмасидан ўзгармас электр оқими ўтаётганда, эритманинг таркибий қисмларга ажралиш жараёни. *Электролиз цехи. Электролиз усули билан соф металл ҳосил қилиш.*

ЭЛЕКТРОЛИТ [электро.. + lysis — эрувчан, парчаланувчан; ажралувчи] *ким.* Электр тоқини ўтказиш ионлар ҳаракати билан амалга ошадиган кимёвий модда.

ЭЛЕКТРОЛИТИК Электролизга оид; электролиз йўли билан олинадиган. *Электролитик жараён. Электролитик мис.*

ЭЛЕКТРОМАГНИТ [электро.. + магнит] Электр оқими ёрдамида магнит майдони ҳосил қиладиган, одатда сим ўралган пўлат ёки темир узак шаклидаги мослама; сунъий магнит.

ЭЛЕКТРОМЕТР [электро.. + юн. metreo — ўлчайман] *физ.* Кам зарядли ва кучсиз электр оқимлари потенциалларини ва улардаги тафовутларни ўлчайдиган асбоб.

ЭЛЕКТРОМЕТРИЯ *физ.* Электрга, электр ҳодисаларига оид катталикларни ўлчаш усуллари мажмуи.

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК Электромеханика мутахассиси.

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК Электрик ва механик таъсирга асосланган. *Электромеханик мослама.*

ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА [электро.. + механика] Электротехниканинг электр энергияси билан ишлайдиган электр двигателлар, электр машиналар ва механизмларни қуриш ва улардан фойдаланиш

назарияси ва амалиёти билан шуғулланадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОМОНТЁР [электро.. + монтёр] Электр тармоқлари ва асбоб-ускуналарини ўрнатиш, ишга солиш ҳамда назорат қилиб туриш билан шуғулланувчи ишчи-мутахассис. *..ўқув юртларида электромонтёр, монтажчи ва бошқа касбдаги ишчиларнинг кўлайтирилиши ҳам қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлаш масаласини бир-мунча ҳал қилган бўлар эди.* Газетадан.

ЭЛЕКТРОМОТОР [электро.. + мотор] Электр мотори, электр двигатели; электр энергиясини механик энергияга айлантирадиган машина.

ЭЛЕКТРОН I [юн. electron — қаҳрабо; смола, қатрон] Энг кичик манфий электр зарядига эга бўлган элементар заррача.

ЭЛЕКТРОН II Магнийга бир оз алюминий, рух ва марганец қўшилишидан ҳосил бўладиган энгил қайишқоқ қотишма.

ЭЛЕКТРОН III I Электронга оид (қ. электрон I). *Электрон қобиқ.*

2 Электронлар хусусиятидан фойдаланадиган. *Электрон лампа. Электрон ҳисоблаш машинаси.*

ЭЛЕКТРОН IV Электрондан қилинган, электронли (қ. электрон II). *Электрон деталь.*

ЭЛЕКТРОНИКА I Фан ва техниканинг турли муҳитларда рўй берадиган электрон ва ион ҳодисаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, электрон мосламалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган соҳаси.

2 Электрон техника, электрон асбоб-ускуналар.

ЭЛЕКТРОНЛИ *айн.* электрон IV.

ЭЛЕКТР(О)ПАЙВАНД I Металларни электр оқими ёрдамида пайвандлаш, бириктириш.

2 *айн.* электрод **2.** *Электропайвандлардан чиқаётган чарс-чарс олов кўзни қамаштиради.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ЭЛЕКТР(О)ПАЙВАНДЧИ Электропайванд билан шуғулланувчи ишчи-мутахассис. *Тўхтанг, нега кўзларингиз оқиб тўшар даражага бориб қопти, электропайвандчимисиз?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛЕКТРОСКОП [электро.. + юн. skopeo — қарайман; текшираман] Электр зарядларни аниқлаш ва ўлчаш учун ишлатиладиган содда асбоб.

ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ [электро.. + станция] Электр энергияси ишлаб чиқарадиган корхона. *Агар сизлар шуни электростанция қилсаларинг, уч колхоз чароғон бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЛЕКТРОСТАТИК Электростатикага оид, электростатика ҳодисаларидан фойдаланишга асосланган. *Электростатик майдон. Электростатик генератор.*

ЭЛЕКТРОСТАТИКА [электро.. + статика] Физиканинг барқарор, ҳаракатсиз электр зарядларнинг электр майдонини ва ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОТЕРАПИЯ [электро.. + терапия] *тиб.* Электр оқими, электр ва магнит майдонларини даволаш мақсадларида ишлатиш, қўллаш.

ЭЛЕКТРОТЕХНИК Электротехника мутахассиси.

ЭЛЕКТРОТЕХНИК Электротехникага оид; электр асбоб-ускуна ва машиналарни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш техникасига доир. *Электротехник саноат.*

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА [электро.. + техника] **1** Электр энергиясидан амалий мақсадларда фойдаланиш йўллари ва усуллари ҳақидаги фан. *Электротехникадан имтиҳон бермоқ.*

2 Техниканинг электр асбоб-ускуналар ва машиналар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғланган соҳаси. *Электротехника саноати.*

ЭЛЕКТРЧИ *с. т.* **1** Электромонтёр.

2 Электротехник.

ЭЛЕМЕНТ [лот. elementum – стихия, дастлабки, бошланғич модда] **1** ким. Кимёвий усуллар билан таркибий қисмларга ажралмайдиган, эркин ҳолатда энг содда модда (ҳозирги вақтда юздан ортиқ элемент маълум). *Нодир элементлар. Радиоактив элементлар.*

2 қ. **унсур 1.** *Иншоот элементлари. Пьесадаги драматизм элементлари.* ■ *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

3 қ. **унсур 3.** *Жамиятнинг прогрессив элементлари. Реакцион элементлар.* ■ *Бу материал таъсирида кўпгина ички душман элементлар жазосини олди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

4 Кимёвий реакция ҳисобига электр оқими ҳосил қиладиган энергия манбаи. *Гальвани элементи. Қуруқ элемент.*

ЭЛЕМЕНТАР [лот. elementarius – илк, ибтидоий, дастлабки; бирор нарсанинг асосига тааллуқли] **1** Ибтидоий, бошланғич. *Элементар математика. Элементар маълумот. Агротехниканинг элементар қоидалари.*

2 Содда; жуда осон, оддий. *Элементар масала.*

3 физ. Энг кичик, энг майда. *Элементар зарра.*

ЭЛИК *айн. ёгуна.* [Мунаввар]. *Оқ рўмол-чадаги қизил элик доғларини Йўлдошнинг тумшугининг тағига тутди: - Бу қайси оймачанинг лабидан юққан? С. Анорбоев, Меҳр. Қовоқлар яшил, лабларига қондай элик суртилган. С. Нуров, Нарвон.*

ЭЛИКИШМОҚ *айн. элакишмоқ.* *Бола-лар синфдан синфга ўтган, вояга етган сари бир-бирига эликишиб, ораларидан қил ҳам ўтмайдиган даражада иноқлашиб боришарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЭЛИКМОҚ **1** Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ, иноқлашмоқ. *Биз бора-бора бир-биримизга шу қадар эликиб, ўрганиб қолдикки, асло ажралгимиз келмасди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

2 Эргашмоқ, илакишмоқ. *Рўзимухаммад Зинаидага эликиб, унинг орқасидан гоҳ у хонага чопар, гоҳ бу хонага кирар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЭЛИМОҚ Уйқу тортгандай, бўшашган ҳолатга тушмоқ. *- Аблах, - деб шивирлади ва булут босиб турган дим ҳавода аста элиб, пинакка кетди.* А. Мухтор, Тугилиш. *Бешикдаги Учқун.. Тозагулнинг бешикни бир меъёрда равон тебратишига элиди-да, ниҳоят., кўзларини юмиб, пишиллаш бошлади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

ЭЛИТ [фр. elite – энг яхши, сара] Сара, энг яхши, сараланган. *Элит уруғлик. Элит қорамол.*

ЭЛИТА [фр. elite – энг яхши, сара] Селекция йўли билан олинган ва келажакда кўпайтириш учун мўлжалланган энг яхши, сараланган уруғ, ўсимлик ёки ҳайвон нави, тури.

Элита хўжалиги Энг яхши уруғлик ёки зотли молларни етиштириш билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалик муассасаси, станцияси.

ЭЛИТМОҚ **1** Элимоқ фл. орт. н. *Иссиқ, юмшоқ пахта қоплар, араванинг бешик син-*

гари тебратиши.. кеча уйқудан қолган Фулом-жонни элитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хей, дўстим, бу чекишингда мени элитиб қўясан-ку.. Шухрат, Олтин зангласмас.

2 кўчма Эс-хушини, ихтиёрини оғдирмоқ, шу ҳолатда ўзига жалб этмоқ. *Майнанинг гул баргига ўхшаш тиниқ юзи, қуюқ киприклари остидаги қора кўзлари навкарни элитиб қўйган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЭЛЛАМОҚ *шв.* Қопламоқ, босмоқ, тутмоқ. *Холвайтарнинг ҳиди бутун мадрасани элади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЭЛЛИК I 50 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, микдор. *Эллик яшар одам. Эллик гектар ер. Оғирлиги эллик килограмм келадиган юк. Беш карра ўн эллик бўлади. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор.* Мақол.

ЭЛЛИК II с. т. I Этли, сербар.

2 *айн. энли* 2. *Кўндан кутшган қор тўрт эллик ёғиб, томларни оқартирган эди.* Ойбек, Навоий. *Стулларни бир эллик чанг босиб кетибди.* «Муштум».

ЭЛЛИК III Бирор элга мансуб бўлган. *Чет эллик меҳмон.*

ЭЛЛИКБОШИ *тар.* I Ўрта асрларда: қирқ-эллик отлик аскар бошлиғи.

2 Ўрта Осиё хонликларида кичик амалдор, оқсоқол. *Бир куни маҳалламизнинг элликбошиси шаҳарга бориб келиб: -Аканг осилди, ўз кўзим билан кўрдим. - деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЭЛЛИПС [юн. ellipse – камчилиги, нуқсонли бор, қусурли] *мат.* Конус ёки цилиндрни унинг ўқиға қия бўлган текислик билан қирққанда ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизиқ ва шундай шаклдаги нарса. *Тажриба жараёнида Кеплерда, сайёраларнинг орбитаси эллипс шаклидан иборат, деган доҳиёна фараз тугилди.* «Фан ва турмуш».

ЭЛЛИПСИС [юн. ellipse – тушиш, туширилиш] *тлш.* Нутқ элементининг тушиб қолиши; эллипсис нутқда турли мақсадларда (мас., ихчамлик талаби билан) юз беради. Мас., *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* гапида «одам» сўзи эллипсисга учраган.

ЭЛЛИПСИД [юн. ellipse – камчилик, нуқсонли + eidos – кўриниш] *мат.* Эллипснинг ўз ўқларидан бири атрофида айланишидан ҳосил бўладиган ёпиқ геометрик сирт.

ЭЛЛИПТИК [юн. ellipse – эллипсга оид] Эллипсга оид; эллипс шаклидаги. *Эллиптик шакл. Эллиптик орбита.*

ЭЛНАВКАР *айн. навкар.*

ЭЛОВЛАМОҚ *шв. айн. эловсирамоқ.* Аламазон атрофга эловлаб боқди. «Шарқ юлдузи».

ЭЛОВСИЗ *шв.* Эътибор берилмай, эътибордан четда. *Кўндан эловсиз ётган Ҳайбатли чайир тўнка. Дадамнинг ҳам кучлари Етмаган экан унга.* Қ. Муҳаммадий.

ЭЛОВСИРАМОҚ *шв.* Уйқусирамоқ, довлдирамоқ. *Бўрибой ёнбошига ағдарилди-да, эловсираб, боққа кўз югуртирди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

ЭЛОМОН *шв.* Тунги қоровул, соқчи.

ЭЛПАРВАР *айн. халқпарвар.*

ЭЛСЕВАР I Элни, халқни севадиган, яхши кўрадиган, ватанпарвар.

2 Дўстликни яхши кўрадиган; дўстона. *Элсевар ўзбек халқи.*

ЭЛТМОҚ I *шв.* Олиб бормоқ; ташимоқ. *Унинг имоси билан Маҳдини залдан олиб чиқиб, ётоқхонага элтиб қўйдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..аяларингга бир лаганда мантисомса, икки чойнак аччиқ чой элтиб бер!* К. Яшин, Ҳамза. *Оила бошлиғи Зуннунхўжа. Сидиқжон далага уруғлик ва гўнг элтиб, ҳосил келтиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *шв.* Сигдирмоқ; кетмоқ. *Челак ўн литр сув элтади.* ■ *Илгари канал тўғрисида гап борганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 қ. элитмоқ I. *Асрорқул келиб ўтирди. Унинг чакка томirlлари чиққан, нафас олиши бежо эди.. Чилим элтгандир.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Иссиқ элтибди, ука. Энди тузалиб қоласиз.* С. Аҳмад, Таъзим. *Ўтирдилар бари, ёнбошида парқу, Бошин қўйса, кишини элтар уйқу.* М. Алавия, Севинчларим.

Ақлни элтмоқ Ақлни (эс-хушни) олмоқ. *Ширин ҳам ойдайн тўлган камоли, Ақлинг-ни элтар ҳусну жамоли.* «Баҳром ва Гуландом».

ЭЛФУРУШ Ўз элини, ватанини сотувчи; ватанфуруш, сотқин. *..мол-мулк тўпловчи элфурушларнинг қадами тинди.* А. Муҳтор, Азамат водий.

ЭЛЧИ I *дип.* Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги диплома-

тик вакилларининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Фавқуллодда ва мухтор элчи.* ■ *Аллақачонлардан бери бу давлатда элчимиз ҳам йўқ.* Газетадан.

2 тар. Шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши. *Хўжа Абдулло бошиқ элчилар ундан рад жавоби олиб қайтдилар.* П. Қодиров. Юлдузли тунлар. *Элчи пошшонинг чуқур маъноли гапига қойил қолиб, таъзим қилди.* «Латифалар».

3 кўчма Дарак берувчи нарса, белги. *Киш элчиси — қаргалар қағиллай бошлади.* ■ *Би-нафишалар очилди Баҳор элчиси бўлиб.* Ю. Ҳамдам.

4 кам қўл. Совчи. *Зебихонга элчи қўйиб юрилган вақтларда мингбоши бир сўз деган эмасмиди: Шунн қўлга келтирсам, бор-йўгимни тутаман..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Совчи бўлдим икковингга данакор, Элчи-совчи бўлмайдикан гуноҳкор.* «Гулихиромон».

5 ҳарб. Урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили. *Элчига ўлим йўқ.* Мақол.

ЭЛЧИЛИК I Элчи иши, вазифа-лавозими.

ЭЛЧИЛИК II Бирор элга, халққа хос расм-русум, тартиб-қоидалар. *Хафа бўлмай-сиз, элчилик.*

ЭЛЧИХОНА *дил.* I Элчи ёки бошқа биринчи даражали дипломатик вакил томонидан бошқариладиган дипломатик вакиллик. *Париждаги Ўзбекистон элчихонаси.* *Элчихона ходимлари.*

2 Шу вакиллик жойлашган бино. *Элчихонага бормоқ.*

ЭМ I Чечак ва баъзи бошқа касалликларнинг олдини олиш учун тери орқали юбориладиган зардоб ва уни тери орқали юбориш. *Тирсагидан юқорида олтинга босилган муҳрдек эм изи кўриниб турарди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч.

2 Дори, дори-дармон; умуман, шифобахш нарса. *Доктор сақлаб қолди ўлимдан, Эми билан соғайдим отдай.* О. Юнус.

Эм бўлмоқ (ёки тушмоқ) Кор қилмоқ, шифо бўлмоқ. *Дори эм бўлди.* ■ *Мол деган нозик бўлади.* *Ҳарна кинна эм тушган бўлсин.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ЭМАҚДОШ I *эск.* Ҳамкасб, касбдош. *Одатда, иш юзасидан елкадош бўлиши керак бўлган ўртоқлар бир-бирларини буткул*

таннмай, ўз эмақдоши қандай заҳмат чекаётганини билмай меҳнат қилади. Газетадан.

2 эск. Ходим. *Уша вақтларда Қориеқубов группа раҳбари, Ҳамза адабий эмақдош эди.* Т. Обидов. Юсуфжон қизик.

3 айн. **эмикдош.** *Мендан аввал ўлмасин эмақдошим..* *Жаллод, шудир сенга айтган нолишим.* «Ширин билан Шакар».

ЭМАКЛАМОҚ Икки қўл кафти ва икки тизза билан юрмоқ; ўрмаламоқ. *Бола эмаклаб юрибди.* *Солдатлар эмаклаб бориб, истеҳкомга яқинлашишди.* ■ *Баланд том устида эмаклаб юриб, тунукачилар тунука қоқардилар.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЭМАЛЬ [*фр.* email — сир, силлиқ сирт] **I** *айн.* **сир** II **2, 3.** *Эмали кўчган кастрюлька.* ■ *Эмаль ва лок цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати талабга жавоб бермайди.* Газетадан.

2 Тишнинг асосан минерал тузлардан ташкил топган қаттиқ ялтироқ қопламаси. *Эмаль тишни сақлайди.*

ЭМАН Ёғочи оқил ва жуда қаттиқ, кенг япроқли, жигарранг узунчоқ мевали дарахт; дуб. *Эман дарахтининг эгилгани — сингани,* *Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.* Мақол. *Эман стол.*

ЭМАНЗОР Эман дарахтлари билан банд бўлган ер.

ЭМАНСИПАЦИЯ [*лот.* emancipatio — озод бўлиш, озод қилиш] Озод бўлиш, озод қилиш, қутулиш; озодликка чиқиш, озодликка чиқариш; ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлиш. *Хотин-қизларни озод қилиш, яъни эмансипация деган гап Англияда ҳам, Францияда ҳам... барча мамлакатларда кўндан бери бор.* А. Мухтор, Асарлар.

ЭМАС *тўлиқсиз фл.* Инкор, рад маъносини билдиради. *Яхши эмас.* *Борган эмасман.* *Ҳеч гап эмас.* *Уша киши эмасмикин?* ■ *Хизматкор — қул эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭМБАРГО [*исп.* embargo — тақиқлаш, ман қилиш] **I** Чет эл товарларини ёки валюта бойликларини киритиш ёки шундай нарсаларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишни давлат томонидан тақиқлаш.

2 Чет давлатга қарашли кемаларнинг мамлакат портларига киришини давлат томонидан тақиқлаш ёки бошқа давлатга қарашли кемалар, юклар, қуро-яроғларни вақтинча тўхтатиб туриш.

ЭМБЛЕМА [юн. *emblemata* — бўртма нақш, безак] 1 Бирор гоё ёки тушунчанинг шартли ёки рамзий белгиси, рамзи. *Оқ каптар — тинчлик эмблемасидир.*

2 Бирор ташкилот, уюшма ва ш.к. нинг хос белгиси. *Ҳозирги ҳолида журнал эмблемаси, назаримда, кўнгалдагидек чиқмаган.* Газетадан.

ЭМБРИОЛОГ Эмбриология олими, му- тахассиси.

ЭМБРИОЛОГИК Эмбриологияга оид.

ЭМБРИОЛОГИЯ [юн. *embryon* — пушт, ҳомила; куртак + *logos* — фан, таълимот] Биологиянинг одам, ҳайвон ва ўсимлик эмбрионлари ўсишини ва ривожланишини ўрганадиган бўлими.

ЭМБРИОН [юн. *embryon* — пушт, ҳомила; куртак] биол. Одам, ҳайвон ёки ўсимликнинг илк ривожланиш давридаги ҳолати; пушт, куртак; гумона (бачадондаги); куртак (уруғдаги). *Товуқларнинг рационида А витамини етишмаса, тухумдаги эмбрионнинг ривожланиши секинлашади ва жўжа очирини узоққа чўзилади. «Ўзбекистон паррандачилиги».*

ЭМГАК эск. 1 айн. меҳнат. *Сен учун дала- нинг чокини сўқдик, Бола ўстиргандек эмгак- лар тўқдик.* Миртемир.

2 Заҳмат, қийинчилик. *Эмгак чекмоқ. ■ Ўтиб бир қанча ойлар, бошлаб эмгак, Яна юрмоққа бошлаб, чекди эмгак. Ҳабибий.*

ЭМГАКЛАМОҚ кам қўлл. қ. **эмгакламоқ.** *Бир куни бойваччалар мени эмгаклаптиб, ҳангра, дейишди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.*

ЭМГАКЧИ шв. Меҳнат қилувчи; меҳнатчи.

ЭМДИ с. т. Энди. - *Энди доиранинг сат- хини ўлчашни ўргатинг, — деди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

ЭМИГРАНТ [лот. *emigrans, emigrantis* — кўчувчи, кўчиб кетувчи] Ўз ватанини тарк этиб, бошқа мамлакатга кетиб қолган одам; муҳожир. *Сиёсий эмигрант. ■ Аксарияти эмигрантлардан иборат йўловчилар пароход сатҳига чиқиб, теварак-атрофга кўз таш- ладилар. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

ЭМИГРАЦИЯ [лот. *emigrare* — кўчиб бормоқ (кетмоқ), кўчмоқ] 1 Бошқа мамла- катга кўчиш, кўчиб кетиш.

2 Шу мамлакатдаги ҳаёт. *Эмиграцияда яшамоқ.*

3 Бошқа мамлакатда яшовчи муҳожир- лар, эмигрантлар.

ЭМИ-ДИМИ этн. Кинна солиш ва бошқа дуо. қоқиқ-суқуқлар билан даволаш. *Эми-дими қилмоқ. ■ Абдурасул тўрт то- монга зир югуриб, жийрон қашқани эми- дими қилдиради. Бироқ от от бўлмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЭМИЗАК айн. **эмизгич.** *Онаси шўрлик кечаси билан ухламай кўтариб, аллалаб чиқади. Эмизак билан оғзига сут қуяди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

ЭМИЗГИЧ Бола, кўзичоқ ва ш.к. ни эмизиш учун ишлатиладиган сўрғичли идиш. *Болага эмизгич билан сут бермоқ. Тойчани эмизгич билан боқмоқ.*

ЭМИЗИК Эмизгичнинг оғзига олиб сўриладиган резинка қисми. *Бузоқ эмар экан, тумшуғи билан эмизикни тортиб-тортиб кўяр эди. Н. Назаров, Замон.*

ЭМИЗИКЛИ 1 Бола эмизадиган, эма- диган боласи бор. *Эмизикли хотин. Эмизик- ли кўйларни парварини қилиш. ■ Эмизикли оналар оёғига горчицали ванна яхши ёрдам беради.* Газетадан.

2 Эмадиган, кўкракдан ажралмаган. *Янги туғилган чақалоқ ва эмизикли бола учун энг тўйимли ояқат она суги ҳисоб- ланади. «Фан ва турмуш».*

ЭМИКДОШ Бир онани эмишган (ака- ука, ака-сингил, опа-сингил). *Бир синглим бор — менинг билан эмикдош, Синглимга арзимни етказ, ёлғиз юз. «Алпомиш».* Эмик- дош акамга ўхшар юзларинг. «Эрали ва Шерали».

ЭМИН [а. *امين* — ишончли; пок, соф- дил; хавф-хатарсиз; сақловчи; нозир] кам қўлл. *Хавфсиз, омон, тинч. Деву парининг зиёндан эмин бўлиш учун ўзингни ўқитиб юр. «Муштум».*

ЭМИН-ЭРКИН Эркин, тинч ҳолатли; ўзини бемалол, тортинмай эркин тутган ҳолатда. *Бизнинг бояги эмин-эркин суҳбатимиз барҳам топди.* Газетадан. *Аям ўзини эмин-эркин тутар, бизнинг ортиқчалигимизни сез- дирмасликка ҳаракат қилар эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЭМИССИОН 1 мл. Эмиссияга оид (қ. **эмиссия** 1); қимматли қоғозлар, қоғоз пул- лар чиқарадиган ва уларни ишга соладиган. *Эмиссион банк.*

ЭМИССИОН II физ. Эмиссияга оид (қ. эмиссия II); эмиссия ҳодисаси билан боғлиқ бўлган. *Эмиссион жараён.*

ЭМИССИЯ I [лот. emissio — чиқариш] мл. Пул ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

ЭМИССИЯ II [лот. emissio — нур сочиш, ёйилиш, тарқалиш] физ. Қиздирилган ёки ташқи электр ва магнит майдонлар таъсири остидаги жисмлар сиртидан зарраларнинг отилиб чиқиши, чиқарилиши. *Термо-электрон эмиссия.*

ЭМИШ тўлиқсиз фл. От ва феъл шакллари билан келиб, бевосита ўзи кузатганлик, эшитиб билганлик каби маъноларни билдиради. *Тушимда бутун дунёни сув босган эмиш. Эртага меҳмонлар келар эмиш.* ■ Султон ҳазратларининг ўзлари ҳам оташнафас шоир эмишлар. Ойбек, Навоий.

ЭМЛАМОҚ I Юқумли касалликларнинг олдини олиш учун одам ёки ҳайвон организмга тери орқали зардоб юбормоқ. *Чечакка қарши эмламоқ. Тифга қарши эмламоқ.* ■ Кунни билан уйма-уй юзуриб касал боқар, мактаб болаларини эмлар, узоқ тоғ қишлоқларига отда бориб, касалларга ёрдам кўрсатар эди. А. Мухтор, Чинор.

2 эск. Кинна, дуо ва бошқа қоқиқ-суқуқлар билан даволамоқ. *Саройбон бир қайроқни унга булғаб олиб келиб, Некқадамнинг бошига суртиб, эмлаб: -Бой ака! Қулингизнинг боши тошдан бўлсин, — деди. С. Айний, Қулар.*

ЭММОҚ I Эмчакдан ёки сўргичдан сут сўриб ичмоқ. *Қузичоқ онасини эммай кўйди. Яхши бузоқ икка онани эмди. Мақол.* ■ Энангни ийдириб эмгин. *Бойчибор!* «Алпомиш». *Оч чақалоқ соғинган маммасини апил-тапил эма бошлади. Ҳ. Фулом, Машъал.*

2 кўчма Ўзига сингдирмоқ, олмоқ. *..ёмғир сувини эмиб тўйган ер эркин-эркин нафас оларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. ..гулларидан асаларилар бол эмаётган мевазор боғлар бошланди. «Гулдаста».*

Ит эмган қ. ит I. Хом сут эмган банда (ёки инсон) Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин, деган маъно билдирувчи ибора. *Лекин хом сут эмган банда хатосиз яшай олмас экан. Газетадан.*

ЭМОЦИОНАЛ Эмоция жиҳатдан бўлган, эмоцияга оид; эмоция, ҳис-туйғу ифодаловчи. *Ҳажвий қулги — танқиднинг эмо-*

ционал шаклидир. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси. Режиссёр спектаклнинг эмоционал ривожини бошқариш.. учун саҳна қисмларидан фойдаланади. Газетадан.

ЭМОЦИОНАЛЛИК Эмоционал белги, хусусият; шундай белги-хусусиятга эгалик. *Санъат бошқа фанлардан эмоционаллик билан ажралиб туради. «Саодат». Давр проблемасининг ўзига хос бадиий талқин этилиши.. тасвир услубининг содда ва эмоционаллиги билан роман китобхонлар қалбидан жой олган. О. Тоғаев, Олтин зангаламас.*

ЭМОЦИЯ [фр. emotion < лот. emovere — ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлантirmoқ] Ташқи ва ички қўзғатувчилар таъсири натижасида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган руҳий кечинма; ҳис, туйғу; ҳис-ҳаяжон; қўзғалиш. *Кучли эмоция. Эмоцияга берилмоқ.*

ЭМПИРИЗМ [юн. empeiria — тажриба] I флс. Тажрибага асосланган идрокни, яъни ҳиссий идрок ва тажрибани билишнинг бирдан-бир манбаи деб билалдиган ва назариянинг аҳамиятини инкор қиладиган фалсафий таълимот, йўналиш.

2 Назарияни камситиб, фақат амалий ишга, тажрибага берилиш, куруқ амалиётчилик.

ЭМПИРИК Эмпиризм тарафдори.

ЭМПИРИК I Эмпиризмга оид. *Эмпирик фалсафа.*

2 Тажрибага асосланган, тажрибадан олинган. *Эмпирик формула.*

ЭМПИРИОКРИТИК Эмпириокритицизм тарафдори.

ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ [юн. empeiria — тажриба + kritike (techne) — танқидий муҳокама қилиш санъати] флс. Фалсафада 19-аср охирида пайдо бўлган, моддий дунёнинг объективлигини инкор этиб, материяни онгининг маҳсули деб қарайдиган субъектив-идеалистик оқим.

ЭМРАНМОҚ шв. Бирон қайғули, кўнгилсиз воқеа, хабардан озор чекмоқ; ўртанмоқ. *Бошдан дават кетса, тувғон эмранар. Мақол.* ■ Кўргандан эмранди тандаги жоним. «Равшан». *Гул кетар бўлса, гулистон эмранар. «Алпомиш».*

ЭМУЛЬСИЯ [фр. emulsion < лот. emulgere — соғиб олмоқ (дастлаб ўрганилган эмульсиялардан бири сут бўлган)] I Бир-

бирида деярли эримайдиган икки суюқликнинг бири иккинчисида жуда майда томчилар ҳолида муаллақ сузиб юрадиган аралашмаси (мас., ёғ томчиларининг сувдаги қоринишмаси эмульсиядир). *Экинларга эмульсиялар пуркаш. Станокни эмульсия билан совитиш. — Ультратовуш тебранишлари ёрдами билан ҳар хил эмульсиялар ҳосил қилинади. «Физика».*

2 Фотоплёнка. фотоқоғоз ёки фотопластинка бетига суртилган ёруғлик сезувчи қатлам.

ЭМФАЗА [юн. emphasis — ифодалилик, тасвирийлик] Нутқда бирор гап ёки унинг бўлақларидан бирини таъкидлаб талаффуз қилиш.

ЭМФИЗЕМА [юн. emphysema — бўртиш, шишиш, қаппайиш] тиб. Киши организми тўқимасида ёки бирор аъзосида ҳавонинг тўпланиб қолиши натижасида шу аъзонинг шишувидан иборат касаллик. *Упка эмфиземаси.*

ЭМЧАК 1 Аёллар кўкрагидаги ҳар икки сут безлари ва уларнинг ҳар бири. *Эмчак уч.*

2 Сутэмизувчи ҳайвонлар сут безларининг эмиладиган, соғиладиган уч. *..тирсиллаб турган оппоқ елини сонларига шалоп-шалоп урилар, ўрта қўлдай йўғон-йўғон тарвақайлаб кетган эмчакларидан йўл-йўлакай сут тиз-тиз тирқирарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

Эмчакдан ажратмоқ (ёки айирмоқ, чиқармоқ) Гўдакни эмизмай, бошқа овқатлар билан боқа бошламоқ. *Эмчакдан ажралган бир неча болага қараб туриш учун.. рўзғордан бир хотин чопиқча чиқмаса ҳақлидир. А. Қодирий, Обид кетмон. Йўқ, бу совлиқларнинг қўзилари ўтга ўрганиши биланоқ эмчакдан ажратаман. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЭМЧАКДОШ айн. эмикдош. *Қавмим йўқ, Равшанжон, қариндошим йўқ. Сир айтийин десам, эмчакдошим йўқ. «Равшан».*

ЭМЧИ 1 Эмловчи табиб, врач, ҳамшира.

2 этн. Эми-дими, дуо, қоқиқ-суқуқлар билан даволловчи табиб. *Бир ман ўзим қоқимчи, ҳам эмчман, аласчи. Ҳамза.*

ЭН 1 Нарсаларнинг кўндаланг йўналишдаги катталиги; кенглиги. *Уйнинг бўйи ва эни. Эни бир метр, бўйи икки метр келадиган гилам. — Энига йигирма олчин жой олган ўн беш даричали каттакон чорхари уй ичида элик чоғли бек йигитлари гул-*

хан солиб ўтирар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бўйра эни Бир бўйра ҳажмига тенг ўлчов бирлигини (ҳажми) билдиради. *..уйнинг орқа девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўлиб, қорайиб кўрунар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўрт бўйра эни келадиган ҳовлисига ўн хилга яқин экин экади. «Муштум».* **Икки эн** Икки бўлак нарсдан энига улаб қилинган. *Икки эн кўрпа. Эн (ёки энига) тортмоқ* Кенгаймоқ, йўғонлашмоқ. *Умурзоқ ота нўстлоғи эн тортиб, танаси ковак бўлиб кетган кекса толга суяниб ўтирибди. Ҳ. Фулом, Машғал. У [Давронов] семириб, юзлари қизариб кетган, новча бўйи энига тортган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Бир кийимлик газлама. *Аҳмад ўзи учун бир жоди, бир тарғил сигир, бир кийимлик эн олди. Газетадан.*

3 Белги, тамға (адаштирмаслик учун қорамол ёки қўй қулоғида ҳосил қилинган кесик).

Эн солмоқ Молнинг ёки қўйнинг қулоғини кесиб, кертик қилиб қўймоқ.

ЭНА шв. Она. *Кейин бораман девдим, знам: -Қўй ўша ўқишингни. Биззи зотда олим чиқмаган сира, — деди. С. Нуров, Нарвон.*

ЭНАГА Кимсанинг боласини тарбиялаб катта қилган хотин. *Икки энага сарпюларини кўтариб, Зухра орқасидан кириб келдилар. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Келишувга бинонан, Йигитали қизчани ҳар кун соат бирлардан кейин янги энага қўлига келтириб берадиган бўлди. Д. Нурий, Осмон устун.*

ЭНАМОҚ шв. айн. эн солмоқ қ. эн 3.

ЭНАҒАР шв. Онағар. *Юрган йўлинг баланд тоғдир, энағар! Ошиқни биз билан ўйна, баччағар! «Гўрўғли».*

ЭНГ Белгининг юқори, ортиқ даражасини билдирувчи сўз. *Энг чиройли. Энг баланд. Энг муҳими. — Халқ кўзида бу — энг қора, энг мудҳиш, энг зolim маҳкама эди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЭНГАК айн. няк. *Ётоқхона олдида келганимизда, қулоқчинини энгагидан боғлаб олган бир бола қаршимиздан чиқиб қолди. Ў. Умарбеков, Шонли авлод. Икки-уч қадам илгарилаб, ўнг қўли билан энгагини силаб туриб ўйланиб қолди. С. Кароматов, Олтин қум.*

Энгак қоқмоқ Кўрсатиш, ишора қилиш мақсадида ияги билан им қоқмоқ, шу мақсадда иягини ҳаракатлантирмоқ. *Саидғози.. ёнида турган Зубайданинг тирсагидан ушлаб, олдимга туш, дегандай энгак қоқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭНГАШМОҚ 1 Белни букиб, тананинг юқори қисмини қуйи солмоқ; эгилмоқ. *Фуломжон чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энгашиб, палакларни титиб қарасанг, туғунак, сапча, хомаклар қийғос..* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Оғмоқ, қийшаймоқ. *Минора энгашиб қолибди.* ■ *Арава миниб келган Тожибой от устида, девордан энгашиб тушган гилос шохини қайириб турганида, Лутфихон чиқиб қолди.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

ЭНГИЛ айн. кийим. Энига энгил битмаган шўрнешона, тўпори, қашшоқ деҳқон.. К. Яшин, Ҳамза. *Болам, устингдаги ҳарбий кийимни ечиб, бошқаларини кийиб ол, узим сенга бирам чиройли энгиллар олиб қўйганман.* Газетадан.

ЭНГИЛ-БОШ Бир сидра кийим ва пойабзал; уст-бош. *Энгил-боши бут.* ■ *..бирин-кетин энгил-бошлари шалаббо ишончли йигитлар жам бўлдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Зорий Хиванинг атоқли уламоларидан.. энгил-бошига қарамас, аксар девонавор кийимда юрарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭНДИ рвш. **1** Сўз бораётган пайтда; ҳозир. *Энди дераза ортидан тол новдалари қудратли чинор каби тебраниб турарди назарида.* С. Кароматов, Олтин қум. *Навзамбилло! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўз бораётган пайдан кейин, бундан бўён. *Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю.. унут бўлаёзган эски дўконга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен сизнинг кўрпачангизга кўп ўтирганман, энди менга ортиқча такалдуфингизнинг ҳождати йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима деясан? – Рост, Мунис энди йўқ.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 (урғу биринчи бўғинда) Ҳаракат-ҳодисанинг ҳозиргина юз бериши, бошланишини, юз берганига (бўлганига) ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаганини билдиради. -Э, энди одамнинг бадани қизувди-да, - деб қўл

силтади. С. Сиёев, Ёруғлик. *Энди дераза ёнига етганида, куйга худди торларнинг ўзидай тиниқ бир овоз кўшилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Болани энди ерга қўймоқчи бўлиб турганда, Сабогул етиб келди.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Ҳаракат-ҳодисаларнинг давомлилиги, кетма-кетлигида сўнггисини, навбатдагисини билдиради. *Туғри топдинг, худонинг суюкли бандаси.. Мен шоир Авазман. Энди мендан тингла, йигит!* С. Сиёев, Ёруғлик. -*Ахир нега кетмаслигингиз керак? – Шерали энди шахдамроқ гапиря бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 юкл. вzf. Маънони кучайтиради, таъкидлайди. *Нега энди уларнинг бошларига тикилган балоларни, кулфатларни даф қилмаймиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Билмадим энди. Бир суриштириб кўриш керак, ёши нечада экан?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Қани энди Хоҳиш-истакни кучайтириб ифодалайди. *Қани энди ҳаётдаги саноксиз эҳтимолларнинг барчасига жавоб топиш мумкин бўлса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қани энди бунинг уддасидан чиқсанг.* Т. Ашуров, Оқ от.

ЭНДИГИ 1 Сўз бораётган пайтдаги, вақтдаги; шу пайтга тегишли; ҳозирги. *Мен энди дунёдан ўтаёзган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сўз бораётган пайдан кейин ёки шу пайт ҳозир бўладиган; навбатдаги, бундан кейингиси. *Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан, нусхага қараб ёздиришини кўнглидан ўтказди-да.. Содиққа деди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭНДИЛИКДА Ҳозир, ҳозирги вақтда; бугунги кунда; ҳозир ва бундан кейинги вақтларда. *Эндиликда она замин жавоҳиротларидан 92 турдаги минерал хомашёлар олинмоқда.* Газетадан. *Эндиликда биз, ёзувчилар ана шу талаблар асосида ижод қилмоғимиз керак.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ЭНДОКРИНОЛОГ Эндокринология мутахассиси, шу соҳадаги олим ёки ши-фокор.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ [юн. endon – ички, ичида + krino – ажратаман + logos – фан, таълимот] физиол. тиб. Эндокрин система аъзоларининг тузилиши ва вазифа-

ларини, ишлаб чиқарадиган гормонларини, шунингдек, уларнинг фаолияти бузилиши туфайли келиб чиқадиган касалликлар, уларнинг диагностикаси, даволаш усуллари ва олдини олишни ўрғанадиган клиник тиббиёт соҳаси.

ЭНДОСКОПИЯ [юн. endon — ички, ичида + skopeo — кўраман, қарайман] тиб. Махсус асбоб — эндоскоп ёрдамида бевосита кўриш орқали организмнинг ички ковак аъзоларини, тана бўшлиқларини ҳамда найчасимон тузилмаларини ўрганиш, текшириш усули.

ЭНДШПИЛЬ [нем. Endspiel < Ende — охир, ниҳоя + Spiel — ўйин] Шахмат ёки шашка партиясининг охириги қисми; қиёсланг: дебют. Пиёдали эндшпилларни ўрганиш мураккаб ҳисоблар юритишни осонлаштиради, шахмат ҳаваскорларининг ўйин маҳоратини оширади. М. Муҳиддинов, Пиёдали эндшпиллар.

ЭНЕОЛИТ [лот. aeneus — мис, бронза + юн. lithos — тош] Неолитдан бронза даврига ўтиш даври (бу даврда дастлабки мис асбоблар пайдо бўла бошлаган). *Калтаминор маданиятининг ёдгорликлари неолит ва энеолитга.. оид бўлиб, жуда ҳам кенг территорияга тарқалган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сўри.

ЭНЕРГЕТИК Энергетика мутахассиси. Ёш энергетиклар ҳам уларга тенглашиб.. астойдил меҳнат қилмоқдалар. Газетадан.

ЭНЕРГЕТИК Энергетикага оид; турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. *Энергетик ресурслар. Қишлоқ хўжалигининг энергетик базаси. ■ Нефть ва газ бизнинг асримизда энг зарурий энергетик хомашё бўлиб қолди. «Фан ва турмуш».*

ЭНЕРГЕТИКА [юн. energeia — ҳаракат, фаолият] Фан, техника, саноат ва умуман халқ хўжалигининг турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган соҳаси. *Қишлоқ хўжалиги энергетикаси. Мамлакат энергетикаси. ■ Энергетика — ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.* Ш. Рашидов, Дўстлик байроғи. *Эндиликда Андижон вилояти қудратли энергетика базасига эга.* Газетадан.

ЭНЕРГИЯ [юн. energeia — ҳаракат, фаолият] Материянинг асосий хоссаларидан бири, материянинг ҳаракатланиши, иш бажара олиш қобилиятининг мезони; қувват. *Механик энергия. Атом энергияси. ■ Инсон организмнинг яшаши учун маълум даражада энергия зарур. «Фан ва турмуш». Фарҳод ГЭСи Тошкент энергия системасига уланди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

ЭНЕРГОБЛОК [энергия + блок 4] Электр энергияси ишлаб чиқарадиган станциянинг ҳар бир мустақил қисми. *Навоий ГРЭСида ҳар бири 25 минг киловатт қувватли иккита дастлабки энергоблок фойдаланишга топширилди.* Газетадан.

ЭНИШ шв. 1 Энмоқ фл. ҳар. н. Тоғдан эниш.

2 Пастлик, чуқурлик. *Қурбон салласини ечиб қимирлатди ва энишга сакраб тушиб кетди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бир оздан сўнг Эрназар полвон неварасини энишдан чиқаверишда кўрди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЭНКАЙМОҚ Энгашмоқ, букчаймоқ, куйи солинмоқ. *Энкайган чол. Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка еткунча, Энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча.* Мақол. ■ [Гулнор] *Узун гўзал сочларини осилтириб, энкайиб, уйни супура бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди тарқалаётган оломон тўхтади, ерда энкайиб ётган девонага қаради.* К. Яшин, Ҳамза. *Ориқ.. кийимлари жулдур деҳқонлар омов ортида энкайиб, ҳорғин ер ҳайдайдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЭНКА-ТЕНКА: энка-тенкасини қуритмоқ (ёки чиқармоқ) айн. энка-тинкасини қуритмоқ (ёки чиқармоқ) қ энка-тинка. *Савол устига савол ёғдира бериб, энка-тенкамни қуритади.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *Эшининг таъига одам тўплай бериб, ўзининг ҳам энка-тенкасини чиқариб юбордик.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЭНКА-ТИНКА: энка-тинкасини қуритмоқ (ёки чиқармоқ) Жуда безовта қилмоқ, ҳолдан тойдирмоқ. *Кузак оёқлаган кезлари йиғим-терим кишиларнинг энка-тинкасини қуритиб юборади. «Ёшлик».* Шанба куни *Қутирдала томонда кўтарилган чанг одамларнинг энка-тинкасини чиқариб юборди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ЭНЛАМОҚ 1 Энини ўлчамоқ. *Атласни энлаб кўрди.*

2 Сатҳини, юзасини қопламоқ. *Фабрикадан чиқаётган гиламлар уйни энлаб, чўгдай ёниб турса, қайси кўз қувонмайди.* Г. Нуриллаев, Гўзаллик оламида. *У очик кўрагини энлаб турган оплоқ соқолини нанжалари билан таради.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЭНЛИ I Кенг; сербар. *Энли камар. Энли газлама.* ■ Унинг энли қошлари чимирилди, кўзларига ташвиш, жиддият чўкди. С. Анорбоев, Оқсой. *Терак бўйи келадиган девор жуда энли эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бармоқ кенглигидаги. *Пулат икки энли келмайдиган тор пешонасини тириштирди.* «Фунча». Бусагани тўрт энли тупроқ қоплаган. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭНЛИК I айн. энли **1.** *Козим белидаги энлик камарини ечиб, портфелини қўлига олди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 айн. энли **2.** *Шайхнинг чап юзида икки энлик чандиқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 айн. энлик. *Ҳаёт одатдагича пардозсиз эди. Кўзларида на сурма, бетларида на энлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭНМОҚ шв. I Паст (қуйи) томон йўналмоқ; тушмоқ. *Тарлон пастга знаётганда, олд оёқлари букилиб, йиқилиб кетайин деди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Келинчак чорраҳадан ўтиб, паст кўчага эниб кетди.* Ш. Холмирзаев, Оғир топш кучса. *Собир.. йигитча ортидан пастга энаркан, оёғи тортмаётганини ҳис этди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Тегмоқ, қўнмоқ, ўтирмақ. *...тўлқин зарралари соҳил устида учиб, садақайрағочларнинг яланғоч шох-бутоқларига знади.* Й. Шамшаров, Тошқин. *...лабларига энган кўз ёшларини ялаб, ув торти аёл.* Н. Қиличев, Устун.

3 Пайдо бўлмоқ, кирмоқ. *Қозигга мол боғлаган хонадонга барака знади.* С. Нуров, Нарвон. *Мезон шамолини еган сапчаларга ҳам шира знади.* С. Нуров, Нарвон. *Мама-саид эрмисан эрдай бўлиб, вужудига куч эниб. бахт қушининг бошига қўнмоқчи бўлаётганидан ўзида йўқ шод.* Т. Сулаймон, Интизор.

ЭНСА Одам бошининг орқа пастки қисми; энса суяги. *Чойхоначи дўпписини пешонасига суриб, энсасини қашиди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Энсаси қотмоқ Ёқимсиз гап, иш, хатти-ҳаракат, ҳолат ва ш.к. дан гаши, газаби кўзгамоқ; аччиғланмоқ. *Ойимнинг гапларига бувимнинг энсаси қотибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [Элмурод] *Мурзиннинг бу томонга келаетганини кўрди-ю, энсаси қотиб, қиздан ироқлашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У қилиб юрган ишларни кўрган одамлар энсаси қотар, бир тамагир.. расво эканлигидан газабланардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭНСАҚОТАР Энсани қотирадиган; ёқимсиз, бемаза. *Энсақотар гап.*

ЭНСИЗ Эни унча катта бўлмаган; камбар, тор. *Энсиз мато. Энсиз тахта. Энсиз тош йўл.* ■ *Эгнида тўқ зангори кўйлак, нозик белига энсиз тилла камар боғлаган.* С. Сиёев, Аваз.

ЭНТАК-ТЕНТАК Пойма-пой, тутуруқсиз. - *Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

Энтак-тентак юрмоқ (ёки қадам босмоқ) Нотекис қадам ташлаб юра бошламоқ, зўрға бир-икки одим ташлаб юрмоқ, атак-чечак қилмоқ.

ЭНТИКМОҚ I айн. хурсинмоқ. *Давлатёр қаттиқ энтикиб олди: — Йўқ, гаплашиш жуда қийин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кумуш кўзини юмди-да, энтикиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳаво етишмаётгандек қийналиб, тез-тез нафас олмақ, нафаси оғзига тиқилмоқ. *Наримон узоқ жойдан чопиб келган одамдай энтикар, бўғиқ овоз билан гапирар, кўзлари олазarak бўлиб, атрофга қарарди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Орқадан бировнинг бўғиқ нафаси, энтикиб ҳансирагани эшитилди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Жуда иштиёқда бўлмоқ; орзиқмоқ. *Тезроқ уйга етиб бориб, Жамил Каримович сўзларини эрига бирма-бир айтиб беришга энтикарди.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Биз баъзида хом-хатала шеър ёзиб.. газетада босиб чиқаришга энтикамиз.* Газетадан. *Лекин у барқ уриб, мангу очиладиган фурсат қачон келишини энтикиб кутарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЭНТОМОЛОГ Энтомология мутахассиси. *Очилнинг группасига ёзилган энтомолог ҳовлиқмароқ эканми, ваҳима қилиб юборди: сариқ офат [чигиртка] Каспийдан Тянь-Шан*

гача минглаб километр масофани эгаллаганмиш. А. Мухтор, Чинор.

ЭНТОМОЛОГИЯ [юн. entomon — ҳашарот + logos — фан, таълимот] Зоологиянинг ҳашаротларни ўрганувчи бўлими.

ЭНЦЕФАЛИТ [юн. enkephalos — мия + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи кўшимча] тиб. Бош миянинг яллиғланиши.

ЭНЦЕФАЛОГРАММА [юн. enkephalos — мия + лот. grapho — ёзаман] тиб. Бош мияни рентгенографик текшириш усули.

ЭНЦИКЛОПЕДИК Энциклопедияга оид; энциклопедия доирасидаги; ҳамма илм-фанларни ўз ичига оладиган; қомусий. *Энциклопедик луғат. Энциклопедик билимга эга булган одам.*

ЭНЦИКЛОПЕДИСТ [фр. encyclopediste < юн. enkyklios paideytes — кенг фанлар доираси бўйича мураббий] 1 тар. 18-асрда яшаган, илм-фаннинг кўп соҳаларини эгаллаган илғор француз олимлари, файласуфлари, ёзувчилари ва публицистлари гуруҳига мансуб киши (бу гуруҳ 1751–1780 йилларда «Энциклопедия» тузган ва нашр этган).

2 Энциклопедия тузиш ишлари мутахассиси; энциклопедиячи, қомусчи. *Бизда энциклопедист ихтисосини севадиган таланти ёшлар ишлайди. И. Мўминов, Ўлкамиз кўзгуси.*

3 айн. **энциклопедик, қомусий.** *Машхур энциклопедист олим Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий рисоалари, «Тиб қонунлари»дан ташқари, 31 тага етади. Газетадан.*

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ [фр. encyclopedie < юн. enkyklopeidia — кенг билимлар доираси] Илм-фаннинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий ёки илмий-оммабоп нашр, тўплам; қомус. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси.*

Жонли энциклопедия Ҳамма фанларга оид маълумотларга эга бўлган киши.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯЧИ қ. энциклопедист 1, 2.

ЭНЧИ Ота томонидан фарзандга ажратиб берилган жонивор, бош мол. *Унинг Алдомишга энчи бир тарлон бияси бор эди. «Алдомиш». Менинг ўзимнинг энчи отим ҳам Бойчибордан кам эмас. «Ёдгор».*

ЭП кам қўлл. Бажариш, удалаш қобилияти. *-Айтмоқчи, — деди Тешабой бирдан жонланиб, — Фулом қорини тушира қолсангиз қалай бўлади, эпи ҳам тузук. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

Эп билмоқ Ўзига маъқул, муносиб билмоқ (асосан бўлишсиз шаклда қўлланади). *Анвар ваъда бериб қўйишни эп билмаганликдан сўзсиз ўтирар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Индамай хонага кириб кетишни Ғайрат ўзига эп билмади. М. Ҳазратқулов, Журъат. Эп бўлмоқ* Маъқул, ўринли бўлмоқ, тўғри келмоқ. *Сизга бундай бепишна гаплар эп бўлмайди. Т. Мурод, От кишнагаб оқшом. Ўзига эп бўлса қизим, Зўрлик қилиб тортиб олсин. «Баҳром ва Гуландом». Эп келмоқ* Маъқул бўлмоқ, тўғри келмоқ. *Туркманнинг тўй қоида-расмини яхши биласиз, элга эп келгудай тўйни олиб бора беринг. «Бўтакўз». Шу йўлларнинг қайси бири маъқул? Қайси бири эп келади? Қайси бирини қилсам, ўзимга хайрият бўлади? Чўлпон, Кеча ва кундуз. Эп кўрмоқ айн. эп билмоқ. Ҳотам ортиқча ади-бади айтиб ўтиришни эп кўрмади. М. Ҳазратқулов, Журъат. Тўтиқиз, отаси ҳар қанча ёмон бўлганда ҳам, юзига нафрат ёғдиришни ўзига эп кўрмади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Эпга келмоқ* Дуруст, маъқул ҳолатга келмоқ; яхши бўлмоқ. *Автобуслар тушсин тартибга, Тўхтар жойлар келсин бир эпга. Ҳ. Рашид. Танбеҳ билан эпга келмаганларни идорага ёзиб топширадилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Эпга олмоқ (ёки солмоқ)* Мақбул, дуруст ҳолга келтирмоқ. *Поёнсиз қирларнинг.. уларнинг димоғига искатган даво ислари, ёқимли ҳидлари ҳар қандай ишдан чиқайдиган ҳаёт эгасини озгина бўлса ҳам эпга ола биладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эпи келмоқ* Уддасидан чиқмоқ; машқини олмоқ; ўрганмоқ; эплай оладиган бўлмоқ. *Отда юришга эпи келиб қолгандай эди — энди оғмаяпти ҳам, сурлмамаяпти ҳам. С. Анорбоев, Меҳр. Эпини қилмоқ* Йўл топа олмоқ, иложини қилмоқ. *Нимаики керак бўлса.. айтишаверсин. Бу орада эпини қилолмасам, шаҳар бор, хўпми? М. Исмоилий, Фаргона т.о. Аҳволимиз сизга равшан.. — Бир эпини қилса бўлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЭПАШАНГ Лапашанг, лаванг. *..марди майдонларни халқимиз чин юракдан табриклайди, фурсатни қўлдан бераётганларга,*

нўноқ, эпашангларга ўзининг нафратини билдиради. Газетадан.

ЭПАҚА: эпқага келмоқ (ёки тушмоқ) айн. эпга келмоқ қ. эп. Хўжалик эпқага келди. Бола шўхлигини ташлаб, анча эпқага келиб қолди. ■ Бир неча вақт ўтгандан кейин Фиёс эпқага тушиб, ҳақгўй, тўғри бўлиб қолди. Ф. Мусажонов, Ғамхўр. **Эпқага солмоқ** (ёки келтирмоқ, олмоқ) айн. эпга олмоқ (ёки солмоқ) қ. эп. Хўжаликни эпқага келтирмоқ. ■ Хуллас, мулла Обидни бошда эпқага олиш, одамшавонда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмайди. А. Қодирий, Обид кетмон. Йўқ, кейин танқид қила-қила, эпқага келтирдик. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЭПАҚАЛИ 1 айн. эпли 1. Эпқали бола. 2 Эпқага келадиган, белгили тартиб, талаб чегарасидаги, жўяли. Лолахон эпқали сўз топиш ҳаракатида эди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Энди Абдурахмон ўзининг.. истиқболда ҳам эпқали бир ҳол тасаввур қилолмас эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭПИГРАММА [юн. epigramma — уст(идаги) ёзув; кичик ҳажмли шеър] 1 Ҳайкал, ёдгорлик, бино, совға устига ёзилган ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтирадиган ёзув.

2 ад. Кичик ҳажмли, ўткир (аччиқ) ҳажвий шеър. Унинг ҳажвий ҳикоялари, шеърини фельетонлари, эпиграмма ва комедияларини китобхонларимиз яхши билишади. О. Шарафиддинов, Ижод самараси.

ЭПИГРАФ [юн. epigraphe — уст(идаги) ёзув] 1 айн. эпиграмма 1.

2 Бутун адабий асар ёки асар қисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган цитата, ибора, мақол ва ш.к. «Дўстлик» сўзи учрашувларимизнинг дебочаси, адабий кечаларимизнинг эпиграфи, ҳафталигимизнинг лейтмотивидир. Газетадан.

ЭПИГРАФИКА [юн. epigraphe — уст(идаги) ёзув] Тош тахталар, қояларда, металл, сопол ва б. буюмларда ўйиб қолдирилган қадимий ёзувларни ўрганувчи қўшимча (ёрламчи) тарих-филология фани.

ЭПИДЕМИК Эпидемияга оид, эпидемия характерида бўлган, ялпи, кенг тарқалган ёки тарқаладиган. Эпидемик касаллик.

ЭПИДЕМИОЛОГ Эпидемиология мутахассиси.

ЭПИДЕМИОЛОГИК Эпидемиологияга оид. Касалликларнинг эпидемиологик таснифи.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ [эпидемия + юн. logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш йўлларини ҳамда уларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш чораларини ўрганадиган бўлими.

ЭПИДЕМИЯ [юн. epidemia — ялпи, кенг тарқалган (касаллик)] Юқумли касалликларнинг муайян ҳудуд учун ғайриодатий тарзда ялпи, кенг тарқалиши. Вабо эпидемияси. ■ Шу сабабли грипн эпидемияси асосан шаҳар аҳолиси орасида кўп учрайди. Газетадан.

ЭПИЗОД [юн. epeisodion — қўшилган, уланган нарса, қўшимча] 1 Айрим ҳаётини воқеа, ҳодиса. Кураш йилларидаги эпизодлар. У жанг майдонидаги бир эпизодни сўзлаб берди. ■ Мен бўлиб ўтган воқеалардан икки эпизодни ҳикоя қилиб бермоқчиман. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Адабий асарда, пьеса, кинофильм ва ш.к. да маълум даражада тугал мазмунга эга булган парча, воқеа. Расмда тасвирланган эпизод. «Алиомиш» достонидаги эпизодлар. ■ -Аттанг, — деди бир оздан сўнг, — сценарийнинг энг яхши эпизодларидан биттаси шу эди. «Муштум».

ЭПИЗОДИК 1 Гоҳ-гоҳ бўлиб турадиган, кам бўладиган, тасодиқий. Эпизодик муваффақиятлар. ■ IX-XIV асрлар ёдгорликларида бу ҳодисанинг, эпизодик бўлса ҳам, мавжудлиги ҳаммага аёндыр. «ЎТА».

2 Айрим эпизодларда учрайдиган, кўринадиган, қатнашадиган. Эпизодик роль. Эпизодик персонаж.

3 Эпизод тарзидаги (қ. эпизод 2). У экранда кичик бир эпизодик лавҳа яратади, лекин томошабин қалбида эса катта тугён уйғотади. Газетадан.

ЭПИЗООТИЯ [юн. epi — устида, ёнида, кейин + zoon — ҳайвон, жонивор] Ҳайвонларда бирор юқумли касалликнинг муайян ҳудуд учун ғайриодатий тарзда кенг тарқалиши; ўлат.

ЭПИК [юн. epikos — эпосга хос, ҳикояга, қиссага оид] ад. Эпосга оид, эпосда бўладиган, эпосда тасвирланган. Эпик қаҳрамон. ■ Аммо тарихий романда эпик воқелик, эпик образ ўтмишдан олинади. «ЎТА». Масал — ҳажми унча катта бўлмаган.. мустақил сюжетга эга бўлган эпик асардыр. «ЎТА».

ЭПИКРИЗ [юн. ері — устида; кейин + krisis — қарор, тұхтам: сўнгги, ҳал қилувчи натижа] *тиб.* Касаллик тарихи охирида ёзиладиган асосий ва хулосавий маълумотлар: касалликнинг бошланиши, кечиши, ташхиси, асосий даво чоралари ва натижаси ҳамда келажакда касаллик қайтарилшининг олдини олиш бўйича шифокор тавсияларининг қисқача баёни.

ЭПИЛЕПСИЯ [юн. epilepsy — тутқаноқ] *тиб.* Тутқаноқ касаллиги: кўенчиқ. *Эпилепсия касаллигида бирдан бутун гавдада қалтироқ пайдо бўлади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЭПИЛОГ [юн. epilogos — хотима < ері — кейин(ги) + logos — сўз, нутқ] Адабий асарнинг хотимаси, асар қаҳрамонларининг асарда тасвирланган асосий воқеалардан кейинги тақдири ҳақидаги қисм, хотима; *зид. пролог. Романнинг эпилоги. ■ Оперда прологдан эпиллогача иштирок этадиган яна бир қаҳрамон мавжуд.* Т. Жумаев, Ойжамол.

ЭПИТЕЛИАЛ Эпителийга оид; эпителий хужайраларидан иборат бўлган.

Эпителиал тўқима *айн. эпителий I.*

ЭПИТЕЛИЙ [юн. ері — юқорида, устида, ёнида + thele — бўртиқ, гудда; эмчак учи] **I биол.** Кўп хужайрали организмларнинг баданини, ундаги бўшлиқларнинг ички-ташқи деворларини қопловчи тўқималар.

2 бот. Баъзи ўсимликларнинг бўшлиқларини қоплаган юпқа деворли хужайралар қатлами (бу хужайралар мой, қатрон, эфир моддалари ажратиб чиқаради).

ЭПИТЕТ [юн. epitheton — қўшилган, илова қилинган] *ад.* Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг сифат-фазилатларини яққол, жонли тасвирлаш ёки тасвирли қилиб кўрсатиш учун уларнинг номига қўшиб ишлатиладиган сифатловчи сўз. *Аёвсиз қоралов, фош этиш кучига эга бўлган «мазлумкуш» эпитети авторнинг объектга нисбатан кескин.. позициясини жуда равшан ифодалайди.* «ЎТА».

ЭПИЦЕНТР [юн. ері — устида, юқорида + лот. centrum — марказ] Ернинг зилзила, портлаш ва ш.к. ўчоғи, марказидаги устки қисми. *Зилзила кучи эпицентрда етти баллга етди.* ■ *Эпицентр — зилзила маркази бўлган бу маҳалла гўё бульдозерлар кириб чиққан кўрғонга ўхшаб ётарди.* И. Раҳим. Тинимсиз шаҳар.

ЭПКИН I Шамол, сув ва ш.к. нинг оқими. шу оқимдаги таъсири, уриниши. *Шаблада.. саратон йилловининг бошни айлантирадиган эпкинини олиб келади.* А. Мухтор, Чинор. *Эпкинга бардош беролмай, сув тагида бир-бирига урилайётган катта тошларнинг гулдур-гулдури кишини ваҳимага солади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Хирмончилар эпкин туриб қолса, кечалари ҳам дон шопириб чиқишарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Шу пайт унинг кўзи кечки эпкинда силкинаётган супа ёқасидаги бўйчан майсага тушиб қолди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Умуман, нарсанинг йўналиши, йўналишдаги уриниш кучи. *Бу зиддиятларнинг эпкини ўша биринчи учрашувдаёқ эсан эди.* П. Қодиров, Уч илди.

ЭПЛАМА кам қўлл. Эплаб-сеплаб қилинган, бир амаллаб ясалган; ясама. *Эплама ош. Эплама курси.* ■ *Эртага ҳамманинг бола-чақаси янги энгил кийиб, кўчага чиқса-ю, унинг болалари эплама қилиб туришса, хунук-да!* Қ. Кенжа, Нотаниш гул. *..у яхши кўриб қолган «қиз»нинг афт-анғори, ясама сўзларини, эплама ҳуснини кўз олдимга келтирсам, кўнглим ағдариладиган бўлди.* «Муштум».

ЭПЛАМОҚ I Удаламоқ, уддасидан чиқмоқ. *Ишни эпламоқ. Сен раис бўлсанг, эплайсан.* ■ *Бирон бошқа ҳунарнинг бошини тутса ҳам эплаб кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сенлар ҳали битта ўқишни ҳам эпломмай юрибсанлар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Тўғри, меъёрий ҳолга олмоқ, шундай ҳолда тутмоқ. *Гулнор бошига олган камзулини жўрттага эплай олмаган бўлиб, юзини бир зумгина йўлчига кўрсатиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аввал битта хотинни эплаб, кейин бошқасига қўл чўз!* А. Қаҳдор, Кўшчинор чироқлари.

3 Йўл-амалини қилмоқ, эпини қилмоқ. *Эскини эплагунча эсинг кетар.* Мақол. *Оз бўлса, эплаб кўр, Кўп бўлса, сеплаб кўр.* Мақол. ■ *..бир ўспирин укаси бор экан, бу ҳам бировда ишлар экан, ўзини эплаб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭПЛАШТИРМОҚ Эпини қилмоқ, амалламоқ. *Кечаси Ажиниёз чолни кўярда-қўймай уйғотиб, ярим шишагина майни зўрға эплаштириб, тонгда кампирниқига келди.* А. Мухтор, Чинор. - *Тихирлик билан ҳайто-*

вур кўнди, отаси! — ёлғонни эглаштирди шўрлик она. Ойбек, Нур қидириб.

ЭПЛИ 1 Кўлидан иш келадиган, уддали, шудли. [Ҳамқишлоқлари:] Бу келинимиз ҳам сепли, ҳам эплич чиқди, барака топсин! — дейишарди. Ф. Усмонова, Она қалби.

2 кам қўлл. айн. эпақали 2.

ЭПОПЕЯ [юн. ероройа — эпик шеърят; кўшиқлар, ривоятлар тўплами] 1 ад. Тарихий воқеалар тасвир этилган, эпик жанрдаги йирик асар. Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси.

2 Мардонавор, жасурона ишлар билан боғлиқ давомли воқеа-ҳодисалар. Қаҳрамонлик эпопеяси.

ЭПОС [юн. ерос — сўз, нутқ; ҳикоя; кўшиқ] 1 Бадиий адабиётнинг лирика ва драмадан ажралиб турадиган, баён тарзидаги учинчи тури. Воқеаларни кенг ҳикоя қилишга асосланган адабий асарлар гуруҳи эпик тур ёки эпос деб аталади. «Адабиёт назарияси».

2 Халқ оғзаки ижодиётида қаҳрамонлик ва қаҳрамонлар ҳақидаги дostonлар мажмуи. Қаҳрамонлик эпоси. Қирғиз халқининг «Манас» эпоси.

ЭПОХА [юн. ероше — тўхташ; тўхтаб қолиш] геол. Геологик даврнинг тоғ жинслари ҳосил бўлган муайян бир қисми. Тош тузи уюмлари энг қадимги геологик эпохаларда бўлган денгиз сувларининг қуриб қолишидан вужудга келгандир. «Кимё».

ЭПСИЗ Ҳеч нарсани эплай олмайдиган; ношуд, лапашанг. Ҳа.. пича ғижим рўмол олувдик, эпчиллар илиниб, эпсизлар қуруқ қолди. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЭПСИЗЛИК Уддалаш қобилиятига эга эмаслик; лапашанглик, ношудлик. Баъзан уларга ҳасад қилса, баъзан ўзининг эпсизлигидан газабланарди ҳам. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон.

ЭПЧИЛ 1 Ишни тез ва уддабуронлик билан бажариш қобилиятига эга; уддабурон. Бизда ҳушёр савдогарлар, эпчил бойлар бор, улар кўнаймоқда. Ойбек, Танланган асарлар. Қорачадан келган, эпчил Маҳкамбой ака маслаҳат ошлари тепасида тургани учун, ҳар бир тўй ва маърака рисоладагидек ўтарди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 Тез, чаққон ҳаракатли; шундай ҳаракат билан. Эпчил бир йигит дарҳол кино-аппаратини филофидан чиқариб, махсумни

суратга ола бошлади. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Ҳамма Назир ота каби шиддаткор, Гўё овга чиққан эпчил, зўр бургут. Р. Бобожон. Кейин эпчил ўрнидан туриб, электр устарида соқолини қиртишлади. Ф. Мусажонов, Қалб амри. Уктам.. чиройли саман отига эпчил минди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЭПЧИЛЛИК Эпчил иш тутиш, ҳаракатланиш қобилияти; шундай ҳаракатнинг ўзи. Жангларда ботирликдан кўра қувлик, моҳирлик, эпчиллик иш беради. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Унинг ҳар бир ҳаракатидан ҳарбийларга хос кескинлик.. ҳамда эпчиллик сезилиб турибди. К. Яшин, Ҳамза. Сўнгра эпчиллик билан Бойчиборга минди-ю, Олтинсойга қараб йўл олди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЭР 1 Эркак жинсига мансуб киши; эркак. Эр сийлаган ерда азиз. Мақол. Анғизли ерда от ўлмас, Йийрли ерда эр ўлмас. Мақол.

2 Хотин киши билан никоҳ аҳдида бўлган эркак киши; қаллик (ўз хотинига нисбатан). Эрга бермоқ. Эрга тегмоқ. Эр қилмоқ. Эрдан чиқмоқ. Эрдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ. Мақол. Яхши хотин эрни эр қилади, ёмон хотин — ер (қилади). Мақол. ■ Қизимнинг кўнглини ол, эрдан чиқариб, сенга бераман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Мард, олийжаноб, жасур киши. Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, От бошига иш тушса, сувлуқ билан сув ичар. Мақол. Эр йигит майдонда билинар. Мақол. ■ Эр йигит энаси ғариб ўларми, Энам деб, мастонга кўнгли берарми? «Рустамхон».

ЭРА [лот. аега — бошланғич берилган сон, сана] 1 Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи. Мусулмонлар эраси — ҳижрий йил ҳисоби Муҳаммад пайғамбар Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтдан ҳисобланади. Христианларнинг милодий йил ҳисоби Исо пайғамбар (Иисус Христос) туғилган кундан бошланади. ■ Йиллар ҳисобининг бошланган вақти календарь эраси деб аталади. «Астрономия».

2 Қандайдир тарихий ва ижтимоий хусусиятлари билан бошқаларидан (аввалгиларидан) тубдан фарқ қиладиган давр. Космик эра.

3 геол. Ер тарихида маълум тоғ жинсларининг пайдо бўлиши билан характерланадиган, бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат. Палеозой эраси. Кайнозой эраси.

ЭРАМ [а. ارم — Шарқ мифологиясида: Яманда подшоҳ Шадлод томонидан бунёд этилган афсонавий боғ]: **боғи эрам ёки эрам боғи қ. боғ I 1**. *Бир ёнда хаёлий эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг ватаним. А. Орипов. Боғи эрам менинг ёлғиз бошимга нима ҳам керак? Кўпчиликка бўлсин. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЭРАН-ҚАРАН *айн. элан-қаран. [Бола-нинг] Қадам олиши эран-қаран.. заранг таёғи чағир тошларга тегиб, енгил сакрайди. Э. Аъзамов, Олам ям-яшил. Улар эран-қаран ўринларидан туришиди. Ш. Холмирзаев, Сайланма. Тўдадан икки киши ажралиб, эран-қаран унинг ортидан юрдилар. Н. Норқобилов. Бе-катдаги оқ уйча.*

ЭРБИЙ [лот. Erbium < Швециядаги Итербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент: ялтироқ металл.

ЭРГАНАК *шв. Ўтов* (чодир)нинг эшиги.

ЭРГАШ I Эргашувчи, эргашиб борувчи, эргашиб юрувчи.

Эргаш бўлақлар *эск. тлш. Иккинчи даражали бўлақлар. Эргаш гап тлш. Эргашган қўшма гапдаги бош гапга эргашиб, бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаб келган гап.*

2 Эргаш (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭРГАШИШ I Эргашмоқ *фл. ҳар. н. Бировга эргашши.*

2 тлш. Тобе бўлиш, тобеланиш (бош гап билан эргаш гап ёки гап бўлақлари ўртасидаги тобелик муносабати). *Тенг эргашши.*

ЭРГАШМОҚ I Орқасидан бормоқ, изма-из юрмоқ, кетидан бормоқ. *Ҳаммалари Боисжоннинг орқасидан эргашиб, кўчага чиқишди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. Мадримбой билан Собирбойлар худди соя каби унга эргашиб борарди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Бирга бориш учун хархаша қилмоқ, интилмоқ (болалар ҳақида). *Бола онасига эргашиб, йиғлаб қолди. ■ Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб, қашқа бузоқ ҳам маъраб юборди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Бирор иш, ҳаракатда кимнингдир кетидан (унинг бошчилигида) бирга ҳаракат қилмоқ. *Кимдир.. Ҳамзанинг қўшиқларидан бирини бошлаб юборди. Қолганлар эса унга эргашшиди. К. Яшин, Ҳамза.*

4 Иш-фаолиятида кимнингдир йўлини тутмоқ, унга тақлид қилмоқ. *Кўп юрганга эргашма, кўп биланга эргаш. Мақол. ■ Олдин Камолиддин махдум, унга эргашиб Асадқори хихилаб кулди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Янгилик голиб чиқди. Ш. Холмирзаева тобора кўнроқ одамлар эргаша бошлади. Газетадан.*

5 тлш. Эргашуш муносабатида бўлмоқ, тобе бўлмоқ. *Гапнинг бошқа бўлақларига бўйсунмай, эргашмай, ўзаро мослашиб келган бўлақлар бош бўлақлар дейилади. «Ўзбек тили» дарслиги.*

Эргашган қўшма гап Ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ёрдами билан (баъзан боғловчисиз) боғланиб, эргаш ва бош гапдан тузилган қўшма гап.

ЭРДОНЧА *шв. Тирранча, тирмизак. Энди саккиз-тўққиз яшар эрдончалар парнар, куёв-куёв, ўпич-ўпич ўйнайди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

ЭРИМОҚ I Иссиқ таъсири натижасида қаттиқлигини йўқотмоқ, суюқ ҳолга ўтмоқ; юмшамоқ. *Эриган пўлат. Эриган чўян. Эриган сариёғ. ■ Ерлар эриб, ҳамма ёқ шилт-шилт лой, қўрғон кунгураларидаги қиролар бугга айланиб, кўкка кўтарилмоқда эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 кўчма Жисмонан бўшашган, «эриган» ҳолатга тушмоқ. *Йўл тортиб — чарчаб келаётган одам эмасми, сояда эриб, кўзи уйқуга бориб, ухлаб қолди. «Ёдгор». Тегирмончи, гўё эриб кетгандай, бошини қуйи солди. Ойбек. О. в. шабадалар. Унинг бутун вужуди эригандай бўлди; кўкрагининг аллақаеридан шув этиб кўтарилган бир нима томоғида лип-лип этди-ю, кўзига ёш олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 Иссиқлик ёки бошқа таъсир натижасида парчаланиб йўқ бўлмоқ, бошқа жисмга айланмоқ. *Мавжларга оқ капалаклардек кўнаётган қор учқунлари шу ондаёқ жимжит эрийди. Ҳ. Фулом, Машғал. Аллақаерда қарга қорлар эриб кетганидан зорланиб қағиллайди. Шухрат, Шинелли йиллар. Туз эдикки, эриб кетамизми? — Эриб-ку кетмаймиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳаҳ шумтакалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам, омайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 кўча Парчаланиб йўққа айланмоқ; йўқ бўлмақ. Сулув эсини йиғиб қараса, Эримбет жойида эриб кетгандай ғойиб бўлибди, ҳеч қаерда йўқ. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Агар йигит-қизни ҳақиқий севги бир-бирига боғласа, уни ҳеч қандай куч узолмайди, оилада юз берадиган баъзи бир келишмовчиликлар, хафаликлар ҳам севги-муҳаббат ҳароратида эриб кетаверади.* А. Эшонқулов, Оила бахти ҳақида.

5 кўча Рухан илиқлик, ёқимлилиқ ҳисси уйғонмоқ, хуш ёқмоқ; шундай ҳолатга тушмоқ. *Яхши гапларни тинглаб, эриб ўтирган Нуқра аввал ялт этиб Жалил Каримовичга қаради.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Бола кампирнинг сўзларини тушунмаса ҳам, унинг иссиқ оналик меҳридан эриди-да, қувончидан сакраб ўрнидан туриб, кампирни қучоқлаб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Мойиллик, меҳр, ҳиммат ҳисси уйғонмоқ; меҳри товланмоқ. *Ҳозир бўлинг, ўртоқ ефрейтор, гўзал кизлар ҳам анойи эмас, салгина гапга эриб кетавермайди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

7 кўча с.т. Харид қилинган нарса, янгилик, муваффақият ва ш.к. учун зиёфат қилиб бермоқ; сийламоқ, ювмоқ. *Нимага бу ерда турибмиз? Ошхонага олиб кириб, бир эрийин энди санга, жонгинам! Ж. Абдуллахонов, Тўфон. -Яримта эмас, ўнта яримтага эрийман! — капитан шундай деди-да.. кўлидан хатни юлиб олди.* О. Ёкубов, Излайман. *..бугун сал эрисангиз бўларди, охири ойда ўқиган лекцияларингизга 4,5 минг сўм эзиб қўйдим.* «Муштум».

ЭРИНМОҚ Ҳафсаласизлик қилмоқ, ҳафсаласи келмаслик, майли бўлмаслик. *Ганижон қайтиб келгани эринди-ю, кета берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Кунига совун ишлатишга эринадиган одам бугун узоқ совунлаб ювинди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Йигитнинг ҳаракатлари қовушимсиз, кабобни эринибгина китоб муқоваси билан елтиди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭРИНЧАК Эриниш хусусиятига эга, ишга эринадиган, кучсиз; ҳафсаласиз. *Эринчак бола.* *Эринчак икки ишлар, охири бармоғин тишлар.* Мақол. *Эринчакнинг иши битмас.* Мақол.

ЭРИНЧАКЛИК Эриниш хислатига эгалик, эринчак бўлиш; эриниш, эринган ҳолат. *Ҳорғинлик ва олов шу вақтда унда*

эринчакликни кучайтирган эди. Ойбек, Қуёш қораймас. *Сувонжон уйқу аримаган кўзларини ишқаб, эринчаклик билан эшикка қараб юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭРИНЧОҚ айн. эринчак.

ЭРИТКИЧ тех. 1 Металларни эритиш учун ишлатиладиган қурилма, печь.

2 Эритма ҳосил қилувчи, эритувчи суюқлик. *Намакоб тайёрлаш учун эриткич — сув ишлатилади.* *Ацетон — бўёқларни эритувчи яхши эриткичлардан биридир.*

ЭРИТМА I Бир ёки бир неча модданинг суюқликда жуда майда қисмларга (молекулаларга) ажралган ҳолдаги қоришмаси. *Сувдаги туз эритмаси.* *Тўйинган эритма.* ■ *Олма мевасига саккиз процентли кальций хлор эритмаси билан ишлов берилса, ундаги замбуруғларнинг ривожланиши тўхтайдди.* «Фан ва турмуш».

Қаттиқ эритма айн. қотишма.

2 тех. Металл эритиш печида бир йўла олинадиган металл миқдори, эритилган маҳсулот. *Пўлат эритиш жараёни қарийб уч соат қисқартирилди.* *Ҳозирда ҳар бир печдан суткасига тўрт марта эритма олиняпти.* Газетадан.

ЭРИТРОЦИТЛАР [юн. erythros — қизил + kytos — ҳужайра] Қизил қон таначалари; таркибида қонга қизил ранг берувчи гемоглобин моддаси бўлади.

ЭРИТУВЧИ I Эритмоқ фл. сфдш. *Юракни эритувчи гап.*

2 айн. эриткич 2. *Сув жуда кўп турли қаттиқ, суюқ, газсимон моддалар учун эритувчидир.*

3 Металлургия саноатининг ишчиси. *Пўлат эритувчилар.*

ЭРИШ I I Эримок фл. ҳар. н.

2 Иссиқлик таъсирида қаттиқ моддаларнинг суюқ ҳолга ўтиш ҳодисаси, жараёни. *Музнинг эриши.* *Металлнинг эриши.* *Эриш температураси.* ■ *Инсон қадимдан асл металллар, уларнинг.. бошқа металллар билан бирикиш хусусиятига эътиборини қаратган.* Газетадан.

ЭРИШ II Асл, одатдаги ҳолга тўғри келмайдиган; ғалати. *Кўзга эриш кўринмоқ.* *Қулоққа эриш эшитилмоқ.* ■ *Бу ўтириш бугун Юсупова жуда эриш, йўқ, ғоят оғир, қийин туюлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЭРИШМОҚ Муваффақ бўлмоқ, қўлга киритмоқ. *Мақсадга эришмоқ.* *Яхши нати-*

жага эришмоқ. Галабага эришмоқ. ■ Биз қанча яхши жанг қилсак, зафарга ҳам шунча тез эришамиз. Ойбек. Куйёш қораймас. Ёш авлод тарбиясида юқори самарага эришиш учун бир қатор шарт-шароитлар барқарор бўлиши лозим. Газетадан.

ЭРК 1 Кишининг ёки кишиларнинг ўз хоҳиши билан иш-ҳаракат қилиш ҳуқуқи; ихтиёр, майл. *Ҳар кимнинг эрки ўзида. Ўз эркига қўйиб бермоқ. Эркини бўғмоқ. Қўлингга, тилингга эрк берма.* ■ Санъаткорда куч ва ишонч, эрк ва дадиллик бўлмас экан, у ўз мақсадига эриша олмайди. Ф. Мусажонов. Ҳиммат.

2 Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик; эркинлик. *Эрк учун курашмоқ.* ■ Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун курашга отилмоқ керак. Ойбек. Нур қилириб.

Эрк бермоқ Ихтиёрни ўзига қўйиб қўймоқ; йўл қўймоқ. *Инсофсизга эрк берсанг, элни талар.* Мақол. ■ Абдиев нафси билан бирга қўлига ҳам эрк бериб қўйганга ўхшайди. «Муштум». У ҳеч қачон ҳаяжонга ҳам эрк бермас эди. А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат.

ЭРКА 1 Меҳр, суйиш ҳисси билан муносабатда бўлинадиган; суюкли. *Эрка қизча билан меҳрибон отанинг ўртасига раҳна солиш жоҳиллик.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Булғорнинг эркаси, болам, йўл бўлсин. «Эрали ва Шерали». *Сайр этайлик, кел, бирга, эркам, Роза кетсин биздан умрбод — Шодлик учун яралган олам.* Э. Воҳидов. Муҳаббатнома.

2 Кўнглига келган ишни қилиш учун ихтиёр бериб қўйилган, талтайтириб юборилган, тантиқ. *Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.* Мақол. ■ Мунис тенгқурларига ўхшамасди: жуда эрка эди, сержаҳл эди. Ў. Умарбеков. Ёз ёмғири. Фахриддин эрка ўсган тантиқ бола бўлгани учун Нисо буви: -Ҳа, ишқилиб, икковининг жони омон бўлсин, — деб қўя қолар эди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

3 Эркалик, суюмлик ифодаловчи. - Ёлғончи экансиз, — деди у яна эрка товушда. С. Сиёев, Ёруғлик. *Гулнор чиройли ва эрка табассум билан, хўп дегандай, бошини қимирлатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Эрка (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭРКАК 1 айн. эр 1, 2. *Эркак жинси.* *Эркаклар костюми.* ■ Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди. А.

Қодирий, Ўтган кунлар. *Билмадим, хотин тортингани учун эркак тегишгиси келадими, эркак тегишадиган бўлгани учун хотин тортинадими?* А. Қаҳҳор. Кўпчинор чироқлари.

2 Эр жинсидаги ҳайвон, жонивор. *Эркак мушук. Эркак қўй. Эркак ғоз.* ■ *Хотиним қиз тугди, деб хафа бўлма, шернинг эркак ва ургочиси баравар.* «Ёшлик».

Эркак новда Мевали дарахт, ўсимликнинг яхши ҳосил бермайдиган, ҳосилга яроқсиз новдаси. *Энсаси қотиб, узун бир эркак новдани шартта қайчилаб, шиддат билан суғуриб олди. Шу беҳосил новда Содир тўнмага ўхшаб кетди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Эркак сабзи** Ўзаги ёғочдай қотган, ишлатишга деярли яроқсиз сабзи; эркаклаган сабзи. - *Пули бор-ку ейди, пули йўқ-чи, — баланд овоз билан сўради, эркак сабзига ўхшаган бир эски чопон.* К. Яшин, Ҳамза. **Эркак супурги** шв. Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимлик ва ундан тайёрланадиган дағал супурги.

ЭРКАКЛАМОҚ Етилган, яроқли вақти ўтиб қотмоқ, яроқсиз ёки деярли яроқсиз ҳолга келмоқ, яхши ҳосил бермайдиган бўлиб ўсмоқ (баъзи ўсимлик ва уларнинг меваси ҳақида). *Эркаклаган сабзи.* ■ *Эркаклаб кетган пиёздек бу новча «ёш бек» оғзидан ҳеч қачон ширин гап чиқмаган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мана бу йўғон, бўғинлари бир-бирдан узоқ новда эркаклаб кетган, уни шартта олиб ташлаш керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ЭРКАКЛАШМОҚ Эркакка хос хатти-ҳаракат, қилиқ, хусусият кабиларга эга бўлмоқ. [*Меҳринисо*] *Ўзиям эркаклашиб кетган. Эри билан баб-баравар дам тортиб, босқон урармиш.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Биз ўзимизни йўқотиб, эркаклашиб кетдик.* *Эркаклар эса тобора заифлашиб боряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭРКАКЛИК Эркакларга хос нарса, белги-хусусият, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Қандайдир паривашнинг оловли жозибаси, хусн-малоҳати унинг эркаклик қонига ўт ташлаб юборган эди.* К. Яшин, Ҳамза. - *Хотинларим, — деди бой, — менда эркакликдан бирор нарса қолмаганини биладилар, уйланишимдан улар учун бирон зарар йўқ.* С. Айний, Қуллар.

ЭРКАКЧА Эркакларники каби, эркакларга ўхшаб. *Кимдир тез-тез гапиради, дам*

эркакча, дам хотинча сўзлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эркакларга хос, эркаклар учун белгиланган. *Эркакча кийим. Эркакча ўйин.* ■ Олдинда эркакча тўн ва бўрк кийган, белига камар боғлаб, ханжар осган Хонзода бегим. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЭРКАКЧАЛИШ 1 Эркакларга ўхшаган, эркаксимон. *Эртаги кун нима қилади бу эркакчалиш секретарда?!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эркакларча, эркакча. *Фақат чолгина Комиланинг «эркакчалиш қилиқлари»ни ёқтирмайди, йигит бўлса, каллакесар бўларди, деб юради.* А. Мухтор, Чинор.

ЭРКАКЧИЛИК айн. эркаклик.

ЭРКАКШОДА Эркакларга ўхшаш хатти-ҳаракатли. *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора зvenoга бошлиқ бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЭРКАКЎТ бот. Бошоқлиларга мансуб, чўлларда ўсадиган, баъзи турлари экиладиган кўп йиллик озуқабоп ўтсимон ўсимлик.

ЭРКАЛАМОҚ 1 Меҳр билан силаб-суйпамоқ, суймоқ. -*Ухла, ухла, айланай полвон боладан!* — эркалаб боланинг бошини силади Йулчи. Ойбек, Танланган асарлар. *Уни ёлғиз дадасигина эмас, бутун қишлоқ эркалар, ҳеч киши унга қаттиқ гапирмас эди.* С. Аҳмад, Уфқ, [Отабек] *Ухлаб кетар экан, ўзини гоҳ қонга белини ётган ҳолда, гоҳ Кумушни эркалаб турган ҳолда кўрар эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Кўнглига қараб, эрка қилиб ўстирмоқ; эрка, тантиқ қилиб юбормоқ.

ЭРКАЛИК 1 Эркага хос хусусият, ҳислат. *Эркалатган сари эркалиги ошади.*

2 Эрка одамларга хос қилиқ, иш, хатти-ҳаракат; ноз, эркалиниш. *Қизча бирдан Бектемир тиззасига бошини қўйиб, эркалик, ялнччоқлик билан деди: -Нон бер. Егим келаяпти.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Эркалик қилмоқ 1) ўзини эркаларча тутмоқ, эркаланмоқ; **2)** ҳадди сиғиб, бирор ишни қилмоқ, шу ишни қилишга ботинмоқ. *Бирор нарса етмаса, эркалик қилиб, олдига бораверамиз.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Эрка бўлган вақт, шароит. *Минг бора розиман она юртимдан, Кўрди у эркалик чоғларимни ҳам.* А. Орипов, Йиллар армони. *Эркаликда ўсган Отабекка бу хўрлик тур-*

мушдан биринчи зарба эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЭРКАН эск. айн. экан.

ЭРКАТОЙ Эркалик қилиш хоҳиш-ихтиёрини қозонган, шундай эрк-ихтиёрга эга. *Бу эр-хотинга.. тантиқ, эркатой қизлари яйраб-яшнаса бас!* Газетадан. *Қамар раис олдин секретарнинг эркатойи эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЭРКИН 1 Ҳар қандай тўсиқ, гов, монелик ва ш.к. дан холи бўлган, эрк-ихтиёри ўзида бўлган. *Эркин ҳаёт.* ■ *Наҳот чайқовчи ўзини шунча эркин сезса!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *У энди эркин қуш, боши оққан томонга учиши мумкин.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

2 Қийналмай, қийинчиликсиз, бемалол. *Машқларни эркин бажармоқ. Эркин ҳаракат қилмоқ.* ■ *Ўрта Осиё халқлари тилларида эркин сўзлайдиган Александр Васильевич Сидоров билимдон киши эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Очиқ-ойдин, бемалол тарзда. *Мазкур китобда фуқаро ҳуқуқи ҳақида бирмунча эркин фикрлар айтилганини сарой аҳли, жумладан, аҳли фузало билар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қисиниш, тортинишдан холи ҳолда; бемалол. *Улар билан кўндан танишдек эркин гаплашиб кетдим.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Солижон энди Тошпўлатов билан ийманиб эмас, эркин, ўртоғи билан гаплашаётгандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Аҳмаднинг ўзини эркин тутиши Толиб аканинг сал жигига тегди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

5 Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақилликка эга бўлган, озод, ҳур.

6 Эркин (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Эркин нафас олмақ Сиқилиш, танглик ҳолатидан қутулмоқ, эркин ҳолатли бўлмоқ. *Аҳмад кўчага чиқиб, сал эркин нафас олди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат. *Ш. Хамроев бойлар қўлида эркин нафас олишни, одамдек яшашни орзу қиларди.* Газетадан.

Эркин шеър ад. Қофияси бўлмаган шеър.

ЭРКИНЛИК 1 Бирор жиҳатдан чекланиш, тазйиқ ва ш.к. дан холилик; кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши. *Бул ерга келиб, эркинликнинг лаззатини ҳис этаётирман.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Уша куни оналар, кампирлар қиз ва невараларига эркинлик беришган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Эркин ҳаёт, шароит. *Эркинликда яшамок.*

3 Озодлик, мустақиллик; ҳуррият, эрк. *Эркинлик учун кураш. ■ Вақтли ҳукумат илгариги оз-моз берилган эркинликни ҳам қатағон қилди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЭРКЛИ Ўз эрки ўзида бўлган; озод, ҳур. *Эркли юрт. ■ Мен эрклиман, қувноқ қиз, Бахт чолғуси қўлимда. Файратий.*

ЭРКПАРВАР Эркининг барқарорлиги учун курашувчи, уни ардоқловчи. *Покистон халқи тинчлик тарафдоридир, аммо лига ва давлат эрқпарвар халқимизни бўғмоқчи. Ойбек, Нур қидириб.*

ЭРКСЕВАР Озодлик, эркинликни севувчи. *Эрксевар халқ. ■ Тан бердим эрксевар шу капалакка, Деразам қанотин очиб юбордим. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ЭРКСИЗ Ўз эрки ўзида бўлмаган, озодликдан маҳрум; эрки йўқ, ҳақ-ҳуқуқсиз, тобе. *Эрксизга эрк бермоқ. ■ Замоннинг зайли шу бўлса, ўзим эрксиз, кучсиз бир бечора бўлсам, нима қилай ахир, жон қизим! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Булар тағ-томири билан йўқ қилинмаса, халқ эрксиз яшай беради. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ЭРКСИЗЛИК 1 Эрксиз ҳолат, ўз эрки ўзида эмаслик.

2 Тобеликдаги ҳаёт, шароит, ҳақ-ҳуқуқсизлик.

ЭРЛИ Эри бор, эрга теккан, эри билан яшаб турган. *Эрли хотин. ■ Уйнашдан айниб, эрли бўлмоқчиман, мулла ака. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ЭРЛИК 1 Эрга хос ҳолат, эр эканлик (қ. эр II).

2 Мардлик, мардонаворлик, қаҳрамонлик, жасорат. *Ҳар ким бу кунги урушдаги ўзининг эрликлари билан, қўлга туширган олтин камари.. ва бошқа ўлжалари билан мақтанади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 айн. **эркаклик** 2.

ЭРМАК 1 Вақтни кўнгилчоғлик билан ёки зерикмай ўтказиш учун хизмат қиладиган нарса, машғулоти. *Болалар эрмаги. Бекорчиликка эрмак. Эрмак — эрмак. ■ Овқатдан кейин эрмак учун ўзининг ҳам ўзга шоирларнинг муаммоларидан бир нечасини ўқиб, яширилган исмлари топишни илтимос қилди. Ойбек, Навоий.*

2 Кўнгилга тасалли берадиган, овутадиган нарса, кимса; овунчоқ, юпанчиқ. *На-*

зотнинг бирдан-бир машғулоти ва эрмаги дутор эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёлғизликнинг дастлабки кунларида унинг эрмаги фақат Тўлқин билан Учқун бўлди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Масхара, кулги, мазах бўлган кимса, нарса. *Қизлар Салимахонни эрмак қилиб, кулишиб ўтирганларида, Хадичахон кириб келди. Н. Фозилов, Оқим.*

Эрмак қилмоқ 1) эрмак учун бирор нарса билан машғул бўлмоқ. *Муҳаммад Жамол урина-урина, ниҳоят, уйқуга кетди. Аҳмад Ҳусайн у-бу китобларни эрмак қилди. Ойбек, Нур қидириб. Ана, ҳар кун эрмак қилиб турадиган дўмбирасининг дастаси қамиш кули орасидан чиқиб ётибди. Н. Фозилов, Дийдор; 2) масхара қилмоқ, устидан кулмоқ, кулги қилмоқ. *Қиз эрмак қилаётгандек, орқасига қараб қичқирди: -Ҳой, Акбар, ўртоғинг келдилар, бу ёққа чиқ. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. Сайфи бўлса, ҳадеб тилини чиқариб, мени эрмак қилади. С. Аҳмад, Сайланма.**

ЭРМАКЛАМОҚ кам қўлл. айн. **эрмак қилмоқ** 1, 2. қ. **эрмак**. *Самоварчи келтириб қўйган чойни мен ҳам майдалаб эрмаклай бошладим. Ҳамза, Танланган асарлар. «Сенга ўқишни ким қўйибди», деб эрмаклаган ким эди? П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЭРМАКЛАБА Эрмак қилиш иштиёқида бўлган, эрмак иштовчи. *Йуловчилардек эрмакталаб халқ камдан-кам бўлади. С. Аҳмад, Хотин.*

ЭРМАКЧИ Эрмак қилувчи, кимсани мазах, масхара қилувчи одам. *Девонанинг ўпкаси шишиб кетди, эрмакчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЭРМАН Мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик, тўп бўлиб ўсадиган ўт (унинг ҳидли майда сарғиш-яшил, какра барглари дори тайёрлаш учун ишлатилади). *..қоя пойларида эса сап-сарик эрман гуллари тўлқини мавж уради. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.*

ЭРМАНА айн. **эрман**. *Эрманали уйда эр ўлмас, Дарманали уйда дард бўлмас. Мақол.*

ЭРМИШ эск. айн. **эмиш**.

ЭРМОҚ эск. айн. **эмоқ**.

ЭРОВУЛ тар. Отлиқ разведкачи, лашкарнинг олдинги қисмларидан илгари бо-рувчи отлиқ аскар.

ЭРОЗИЯ [лот. erosio — ўйиш, шилиш, емириш] 1 геол. Тупроқнинг, тоғ жинсларининг оқар сувлар ёки шамол таъсирида емирилиши, нураши. *Саҳродаги қудуқлар атрофида ўсимликлар пайҳон қилинганлиги сабабли, у жойларда шамол эрозияси жуда кучли бўлади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

Тупроқ эрозияси Тупроқнинг энг семиз устки қатламининг сув ва шамол таъсирида нураб ориқлаши. *Бодом илдизи сертармоқ бўлгани сабабли, тупроқ эрозиясига қаршилик қилади.* «Фан ва турмуш».

2 тех. Металл буюмлар сиртининг газ ёки сув оқими, шунингдек, электр заряди таъсирида аста-секин емирилиши.

3 тиб. Тери шиллиқ пардасининг ёки эпителийнинг яллиғланиши (шилиниши ва яраланиши).

ЭРОНИЙ [а. ایرانی — Эронга, эрон халқига мансуб; эронлик] 1 Эрон халқига мансуб шахс; эронлик. *Эронийлар жанговар қийқириқлар билан жазавага тушиб келишарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Эрон халқига тегишли; Эронда ишлаган. *Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний ғиламлар.. император ҳазратларига пешкаш қилинади.* С. Сиёев, Аваз.

ЭРОНЛИК Эрон халқига мансуб шахс; эроний.

ЭРОНЛИКЛАР 1 Эронда яшовчи халқлар; Эрон халқи.

2 Она тили эрон тиллари гуруҳига мансуб бўлган кишилар (форс, афғон, тожик ва б.).

ЭРОНШУНОС [ф. ایران — Эрон, эроний + شناس — ўрганувчи] Эроншунослик бўйича мутахассис, олим.

ЭРОНШУНОСЛИК Эроний халқларнинг (форс, тожик, афғон ва б. халқларнинг) тиллари, адабиёти ва маданиятини ўрганадиган фанлар мажмуи. *Шарқшунослик факультетининг эроншунослик бўлими.*

ЭРРАЙИМ Текин даромаддан босартусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттақонлик қилувчи одам; зўравон; валлакат. *Иккита эррайимнинг лунжига туғун солиш билан овра бўлиб қолди.. Иккаласи ҳам хўжайин, бутун Пархонада ном чиқарган зўравонлар эди.. «Шарқ юлдузи». Яллагиликнинг пулидан*

эргинамиз Раҳмат ҳожи бунчалик эррайим бўлиб юрибди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭРРАЙИМЛИК Эррайим одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; валлакатлик. — *Сен менга нега эррайимлик қилдингсан!* — *деди жаҳл билан Умарали, — раис раислигида, самоварчи самоварчилигида турсин.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЭРСА эск. айн. эса.

ЭРСИЗ Эри йўқ, эрга тегмаган ёки бева. *Эрсиз хотин. Уйнашга ишониб эрсиз қолмоқ.* Мақол. ■ *Моҳира ойим таънага тил очади: — Энди дунёдан эрсиз ўтасан, қизим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРСИРАМОҚ Эр истаб, эр талаб бўлиб қолмоқ; куйикмоқ. *Бу ҳийлакор қиз, жуда қув қиз. Мени севмайди юракдан. У ёлғиз эрсираб қолган. Унга ўйин керак. Ойбек, Танланган асарлар. [Шарофат:] Мен эрсираб келибманми?. Эрсираган бўлсам, бўйни йўғон сон мингта!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭРТА 1 рвш. Белгили, одатдаги, меъерий вақтдан анча ёки бирмунча олдин, барвақт, вақтли. *Эрта турмоқ. Эрта бориб, кеч қайтмоқ. Эрта қариган киши. Бу йил қиш эрта келди. Экинни эрта эккан ҳосилини эрта ўрар.* Мақол. *Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрарсан.* Мақол. ■ *Раъно сув салқинида бугун ҳам эрта ухлаб қолди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Вақт, фасл билдирувчи баъзи сўзлар билан бирикиб, шу вақт, фаслнинг энг (эндигина) бошланиш вақтини билдиради. *Эрта тонгданоқ ишга йўл оларкан.. қалбида ажиб ҳислар маяж ура бошлади.* Газетадан. *Икромжон, эрта баҳор Найманга кўчиб чиқётганларида, Азизхонга ёзилган хатга қўл қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрта наҳор чоғида, денгизнинг ёқимли промбахш майин шамоли эсиб турганда.. Каспий ажиб жилвагар кўринарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кесим взф. Бирор иш-ҳаракатни бажариш, амалга оширишга ҳали вақт борлигини, вақти келмаганлигини билдиради. *Уйга боришни истамади, лекин гапга боришга ҳали вақт эрта эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳали ётмоққа вақт эрта эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 от Тундан кунга ўтиш вақти, тонгдан сўнгги пайт; эрталаб. *Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нима қилибди юрагимга? Менга ўхшаб эр-*

тадан кечгача уйда ўтиринг-чи. А. Қаҳҳор. Асрор бобо.

5 от Келаси кун, суз бораётган кундан кейинги кун. Бу воқеанинг эртаси. Эсарнинг эртаси кўп. Мақол. Бугун бўлмаса, эрта. Бугунми, эртами, ўқини бошлаймиз. ■ Сизлар чиқинглар.. иш бўлмаса, ётинглар, эрта вақтлариқ туриб, ёвонга гўнг ташийсизлар. С. Айний, Куллар. Директоримиз эрта бор, индин бор, деб ишни чўзиб юбордилар. «Муштум».

Эрта билан Эрталаб. Шаҳид бўлган сарбозларни эртага эрта билан шу ерга кўмишни айтган карвонбоши.. отга қамчи босиб, Хўқанд сари чопди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Эрта бир кун** Иш-ҳаракат, ҳодисанинг келгусига оидлиги, келгусида бўлишини билдиради. Кимлар эса бугун голиб, Эрта бир кун забундир. Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. **Эрта кунда** Умуман; ҳар вақт, доим. Эрта кунда жанжал. ■ **Ҳиммат-ку эрта кунда йўқ, яна ўзи ўлгудек бахил..** «Муштум».

ЭРТАГА Сўз бораётган кундан кейинги кун. Эртага борамиз. Бугунги ишни эртага қўйма. Мақол. ■ **Эртага эрталаб бизни машина келиб олиб кетишини тушунтирдим.** С. Кароматов, Олтин қум.

ЭРТАГИ 1 Эртага бўладиган; эртанги. Эртаги мажлис. Эртаги иш. Эртаги думбадан бу кунги шалҳақ яхши. Мақол. Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор. Мақол. ■ **Эртаги машғулотлари ёдига тушиб, «Ётиш керак!» деди.** Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бошқа хилларга қараганда олдинроқ этиладиган, пишадиган; эртапишар, чиллаки. ..эртаги, ўртанги ва кечки сабзавот, картошка, полиз ва резавор экинлари экиш режаси тўла бажарилган. Газетадан.

Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги Эртақнинг бошланишида айтиладиган ибора. -Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги.. — деб бошлади бобом эртақни. Ойбек, Болалик.

ЭРТАК 1 Халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган, сеҳрли-саргузашт ва майший мазмундаги эпик бадий асар; чўпчак. Эртақ айтмоқ. ■ **Бир ариқда сут, иккинчи ариқда шарбат — эртақларда бўлади!** С. Анорбоев, Оқсой. **Илмий фантастик асарлар билан адабий эртақлар ўзаро яқин алоқададир.** «Фан ва турмуш».

2 Ҳикоя, қисса, воқеа. Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртақни кампирдан тўла эшитди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг эртақи, экиндаги муваффақияти оғиздан оғизга юриб кетди.** А. Қодирий, Обид кетмон.

ЭРТАКЧИ Эртаққа уста одам, эртақ айтувчи.

ЭРТАЛАБ Куннинг бошида, тонг отгандан кейин, эрта билан. **Эрталаб йўлга чиқдик.** Улар эрталаб бизниқига келишди. ■ **У бу хабарни эртага эрталаб қайси йўсин билан бекка билдириш йўлларини ўйлар эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРТАЛАБКИ Эрталаб бўладиган, эрта билан амалга ошириладиган, қилинадиган, бошланадиган, юз берадиган. **Эрталабки чой.** **Эрталабки воқеа.** **Эрталабки қуёш нури.** **Эрталабки гимнастика.** **Эрталабки туман.** **Эрталабки поезд.** **Эрталабки иш кўнгилни қилар хуш.** Мақол.

ЭРТАЛИК 1 Эрта билан ўтказиладиган йиғилиш (кўпинча болалар учун). **Навоийга бағишланган эрталик.** **Байрам шарафига боғчада эрталик ўтказмоқ.**

2 Эртаги кунга оид; эртага бўладиган. **Кунлик ишга яқун ясалиб, эрталик вазифалар белгилаб олинди.** Газетадан.

ЭРТАМАТАН шв. Эрта билан, эрталаб. -Кўп вайсамай, ечиниб ёт, эртаматан кўзингни очолмай қоласан тагин, — деди чол **Мардоновга.** Ж. Абдуллахонов, Йўл.

ЭРТА-МЕРТАН шв. Эрта билан, эрталаб. **Эрта-мертан жўнаб кетсам, говгум — ётарларда келиб қоларман.** «Муродхон».

ЭРТАН шв. 1 Эрталаб. **Оқшом палов, эртан чой.** «Равшан».

2 Эртага. **Шоҳим, бу мардуднинг тилини кесмасангиз, эртан сизга атаб ҳажв битмоқдан тоймас.** С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭРТАНГИ 1 Эртага бўладиган, эртаси кун. **Эртанги мажлис.** **Эртанги ишга бугун режа туз.** Мақол. ■ **Бу кунги фойда гўшт бўлса, эртангиси нуқул мой бўлиши аниқ.** Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эрталабки, эрталаб бўладиган. **Дастурхон ёзилиб, эртанги нонушта учун дамлаб қўйилган чой олиб келинди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Қани, марҳамат, эртанги

насиба, — деди нотаниш киши бизни анжирга таклиф қилиб. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Келаси, бўлгуси. У [онанг] ҳам доим руҳимни кўтариб, эртанги яхши кун билан овуларди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Эртанги раис ҳам, боғбону пахтакор ҳам ўқувчилар!* «Ўзбекистон кўриқлари».

4 қ. эртаги 2. Майда эгалларда сув ялти-раб оқар, рўмол танғиган хотинлар, чамаси, эртанги карам эжишарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭРУВ 1 Эримок фл. ҳар. н. Эрув вақтида ярим белдан лой кечишга тўғри келадиган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. эрувгарчилик.

ЭРУВГАРЧИЛИК Қиш ёки илк баҳор кунлари ҳаво исиб, қор-муз эрийдиган жараён, вақт. Бу сойнинг сув миқдори тоғдаги эрувгарчилик ва ёғин-сочинга боғлиқ. С. Кароматов, Олтин кум. *Гўё кўклам эрувгарчилигида дарё музи кўчгандай қасир-қусур бошланиб, кетидан.. қаттиқ гумбурлаш бошланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЭРУВЧАН Яхши эриш хусусиятига эга.

ЭРУВЧАНЛИК Модданинг эриш қобилияти, хоссаси. *Металларнинг эрувчанлиги.* ■ *Газларнинг сувда эрувчанлиги температуранинг кўтарилиши билан камаяди.* «Кимё» дарслиги.

ЭРУВЧИЛИК айн. эрувгарчилик.

ЭРУДИЦИЯ [лот. eruditio — ўқимишлилик, билимдонлик; билим, маълумот] Бирор соҳада кенг маълумотга эгалик, билимдонлик. *Очилнинг нутқи, эрудицияси яхши эди.* П. Қодиров, Уч илди.

ЭРУР эск. Тўлиқсиз феълнинг сифатдош шакли, боғлама вазифасини бажаради; =дир. *Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман. Муқимий.*

ЭС 1 Одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти; ақл, онг, мия. *Эси наст. Эси бутун. Эсинг борми (жойидами, ўзингдами)? Эсинг бориди эл тани, Кучинг бориди ер тани.* Мақол.

Эси кетган айн. эсини еган. Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади. «Қанотли сўзлар». **Эси кетди** 1) бирор ишнинг, гап-сўзнинг жуда иштиёқ билан, берилиб, давомли тарзда бажарилиши, айтилишини билдиради. *Дорим билан тузалиб кетганлар мени «доктор она», деб эслари кетишади.* М.

Исмоилий, Фарғона т. о. *Кимсан ҳам уч кундан бери нормани ошириб бажаряпти. Прораби мақтаб эси кетяпти.* А. Мухтор, Тўғилиш; 2) бирор иш билан қаттиқ, ҳолдан тойиш даражасида машғул бўлишни, ҳолдан тойиш даражасига келишни билдиради. *Эскини ямагунча эсинг кетади. Мақол.* ■ *Нозанин қиз.. нуқул илгариги бошлиқнинг бу кабинетни безатгунча эси кетганлиги ҳақида гапирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Эси кирар-чиқар бўлмоқ** Фикрлаш қобилияти бузилмоқ, бир меёрда фикрлай олмаслик. *Абдуллахон мағрурликка берилганиданми ёинки қартайиб, эси кирар-чиқар бўлиб қолганиданми, Россия подшоҳининг соғлигини сўрашни унутиб қўйди.* М. Осим, Элчилар. **Эси (ёки эсдан) оғмоқ** Эс-хушини йўқотиш даражасига тушмоқ. *Менинг бу ҳангамалардан эсим оғиб қолаётган эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Чарос билан охири марта кўришганидан буён ўтган бир ярим ой ичида эсдан оғиб қолмаганига.. ўзиям ҳайрон бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсим курсин** Бирор нарса эсга келмаганда ёки адашилганда айтиладиган ибора. -*Вой, эсим курсин!* — *Зулайҳо.. стулни чаққонлик билан олиб, Гавҳарнинг олдига сурди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсини еган, эсингни едингми** Ақл билан иш қилмаган, нотўғри, номақбул иш қилаётган одамга нисбатан қўлланади. *Бу ишга эсини еган одам аралашади.* ■ *Эсингни едингми, оч!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсини ганимоқ** Эс-хушли бўлмоқ, шундай ёшга етмоқ. *Эсини танибдики, одам бўлсам, нимадир яхши иш қилсам, дейди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ҳали эсимни таниб, бироя менинг шахтимни ҳам, илтимосимни ҳам қайтармаган.** Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Эсини топмоқ** Маълум ёшга етгач ёки бирор воқеа-ҳодисадан кейин ақли кирмоқ, ақли ва тўғри мулоҳаза юритадиган бўлиб қолмоқ.

2 Ёдда сақлаш, қайта тиклаш қобилияти; ёд, хотира. *Эсида бор. Эсимда йўқ. Эсида қолмади. Эсдан чиқармоқ. Эсда тутмоқ (сақламоқ).*

Эсга олмоқ 1) эсламоқ, эсга туширмоқ. *Хола Тошкентга кўчиб келгандан бери эсга олмаган Фарғонасини эслади шу кун.* «Гулдаста»; 2) ўйламоқ, ҳисобга олмоқ. *Ёрмат.. бошлаб сўкишни мўлжаллади-ю, лекин қаер-*

да, кимлар ўртасида турганини дарҳол эсига олиб, товушини ҳалқумида бўғди. Ойбек, Танланган асарлар. **Эсга солмоқ** (ёки **туширмоқ**) Эслатмоқ, хотирга келтирмоқ. *Шаҳзоданинг эри.. беш халта олтини йўқолган судхўр ҳиндини эсимга соляптими?* К. Яшин, Ҳамза. **Эси чиқиб кетмоқ** Ниҳоятда кўрқувга тушмоқ; кўрқмоқ. *Қаерлардадир даҳшатли бақирӣқ.. эси чиқиб кетган хотинларнинг хунук фарёди эшитиларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Эсига келмоқ** 1) эсида бўлмоқ, ўйламоқ. *Ҳой Шоди, бу кўмир эсинга келадими ўзи, уйда тирноқдай ҳам кўмир қолгани йўқ.* Э. Раимов. Ажаб қишлоқ; 2) хотирасига келмоқ, ёдига тушмоқ. *Кейин бир воқеа эсига тушиб, мийиғида қулиб қўйди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Эсига тушмоқ** Хотирани тикланмоқ. *Навбат Акмалга келганда, тўсатдан Эшмат ака воқеаси эсига тушиб, юраги шув этди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЭСА 1 Боғлама вазифасини бажаради: бўлса.. бурни бир оз беўхшовроқ эса-да, лекин унинг умуман юз бичими келишган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шахс, нарса, ҳодисалар кетма-кетлигида ўзи бирикиб келган сўз билдирган шахс, нарса ёки ҳодисани бошқаларига нисбатлаб, ажратиб қайд этади. *Мен эса уни овунтиришга, юпатишга уринардим.* «Гулдаста». *Қирқинчи йиллардан кейин эса умуман геологлар бормаган.* С. Кароматов, Олтин кум. *Мисрда рўй берган мана бу воқеа эса ҳаммасидан охиб тушади.* «Фан ва турмуш». *Ундан нарида эса «устод» Мирсалимов чала бўғизланган қўйдек пихиллаб хуррак отарди.* «Гулдаста».

3 шв. Ундай бўлса, у ҳолда. *Эса, Оққиз, бориб сен ҳам кўриб кел-чи.* «Равшан». *Чойхоначи юзига фотиҳа тортиб насиҳат қилди:* -Эса, бундайин ўтирма.. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭСАЙМОҚ шв. Эси кирмоқ, эс-хушли бўлмоқ, -Қизим буйига етган, эсайган, ўз эрки ўзида, чақириб сўранглар! - дебди. «Эртаклар».

ЭСАНКИРАМОҚ Довдирамоқ, ганги-моқ, саросимага тушмоқ, саросимада қолмоқ; эсини йўқотмоқ. *Қийинчиликлар олдидан эсанкирамаслик.* *Ютуқлардан эсанкирамоқ.* ■ *Укасининг мантиқи қаршисида Ҳакимбойвачча ҳам эсанкираб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Имтиҳонда оғир саволга*

дуч келгандай эсанкирадим. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЭСАР шв. Эси паст, тентактоб, овсар. *Эсарнинг эртаси кўп.* Мақол. ■ *Бир ўғлим эсар, бир қизим майиб туғилди.* Газетадан.

ЭСВОС Эси пастроқ, эси кирали-чиқали, чала жинни.

ЭСДАЛИК 1 Эсда қолган таассурот, хотира. *Отам шу мавзуда ўз эсдаликларидан бир воқеани нақл қилди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Асқар Аминовичнинг гаплари кўнглининг энг чуқурида ётган эсдаликларини яна қўзғаб, хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.* О. Ёқубов, Излайман.

Эсдалик дафтари 1) таассуротларни ёзиб қолдириш учун қўйилган дафтар (мас., музейда, кўрғазмада); 2) хотиралар ёзиб бориладиган кундалик дафтар. *Чанг босиб ётган эсдалик дафтаримни яқинда эски китоблар орасидан топиб олдим.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Хотира рамзи ёки хотира бўлиб қолган нарса; ёдгорлик. *Бободан қолган эсдалик.* *Эсдалик совғалар.* ■ *Бу жойларни расмга олиб қўйсангиз, яхши бўларди.* *Ҳаммамизга эсдалик бўлиб қоларди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Халқимиз, авлодларга эсдалик бўлсин, деб чинор экади.* Газетадан.

ЭСИЗ 1 унд. с. Ачиниш, афсусланишни билдиради; аттанг, афсус. *Шундай қилиб, ёзнинг бутун кўркамлиги иш билан ўтиб кетди.* Эсиз-эсиз. Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Сиз уйда экансиз, биссам, дафтаримни олиб келар эканман.. эсизгина..* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

2 мод. с. Афсус(ки). *Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер. Фақат кўндир, эсиз, кўп душманингиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Увол, хайф. *Эсиз шунча меҳнат. Қўшинга берсам — эсиз ошим, уйда турса — сасир ошим.* Мақол. ■ *Э, хотинчалиш бўлмай ўл, эсизгина буй-баст!* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЭСИРИК эск. Маст, маст-аласт.

ЭСИРИКМОҚ эск. Маст бўлмоқ, кайф қилмоқ.

ЭСИРМОҚ кам қўлл. айн. эсирикмоқ.

ЭСКАДРА [фр. escadre] 1 Бир ёки бир неча турдаги ҳарбий кемаларнинг йирик оператив-тактик қўшилмаси. *Миноносецлар эскадраси.*

2 Айрим хорижий мамлакатлар ҳарбий ҳаво кучларида самолётлар ва ракеталарнинг тактик қўшилмаси.

ЭСКАДРИЛЬЯ [фр. escadrille] Бир неча звено ёки отряддан иборат, асосан ҳарбий ҳаво флоти (10 тадан 30 тагача самолёт, вертолёт) бўлинмаси. *Бомбардимончилар эскадрильяси.* ■ *Штурман Жерар — француз. У «Нормандия-Неман» эскадрильясида менинг ҳалок бўлган акам билан бирга хизмат қилган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ЭСКАДРОН [фр. escadron] 20-аср ўрталаригача мавжуд бўлган, бир неча взводдан иборат отлик аскарлар бўлинмаси. *Жанговар эскадрон.* ■ *Ҳов узоқдан тўзон кўтарилиди. Туёқ товуши! Эскадрон чопар.* А. Мухтор.

ЭСКАЛАТОР [ингл. escalator — ҳаракатланувчи зинапоя < лот. scala — нарвон, зинапоя] Метро, катта магазин ва ш.к. да одамларни юқорига чиқариш ва пастга тушириш учун хизмат қиладиган, узлуксиз ҳаракатланувчи поғоналардан иборат қия зина. *Метро эскалатори.* ■ *Энг қувончлиси 3-қаватгача эскалаторда чиқасиз.* Газетадан.

ЭСКАЛАЦИЯ [ингл. escalation — зина билан юқорига кўтарилиш] Бирор нарса ёки ҳодисанинг аста-секин тадрижий равишда кучайиб, зўрайиб, кўпайиб бориши ёки бирор нарсани аста-секин зўрайтириш, кучайтириш, кўпайтириш.

ЭСКАРМОҚ эск. Эсламоқ.

ЭСКАРТИШ эск. 1 Эскартмоқ фл. ҳар. н. 2 айн. эскартма.

ЭСКАРТМА эск. айн. эслатма.

ЭСКАРТМОҚ кам қўлл. Эскартма бермоқ, эслатмоқ.

ЭСКИ 1 Янгилик сифати кетган, яроқлилик даражасини маълум даражада йўқотган. *Эски чопон. Эски этик. Эски кўрна. Эски кийимнинг иссиғи йўқ.* Мақол. *Олтин, кумушнинг эскиси бўлмас.* Мақол. *Янгини эски сақлар.* Мақол. ■ *Қозиққа осилган, чанг босган эски дўппидан бошқа ҳеч нима йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжон қайтиб келганда.. ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кўҳна, кўп вақтлардан бери маълум бўлган, кўп вақтдан бери турган (янгисига нисбатан). *Тошкентнинг эски ва янги шаҳарларида тўплаб [тўпи билан] сотувчи ик-*

ки газлама дўкони.. унга қарайди. Ойбек, Танланган асарлар. *Довон ошмаймиз. Айланма йўл билан олиб келиб, эски изига соламиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ўтган вақтга оид, аввалдан маълум; ўтган. *Эски йил.* ■ *Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Абдишукур] *Энг сўнги хабарлар билан эски хабарларни аралаштириб, бирмунча маълумот берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Аввал ҳам бўлган, эскидан маълум. *Авазинг эски қадрдони.. Ҳасан қайғичи хон амалдорлари ҳақида ичагузди ҳангомалар айтарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нима бўларди, домламиз Латиф Боқизоданинг эски дарди кўзгади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Латофатхон.. эски танишдай, Саодатхонни гапга сола бошлади.* С. Зуннунова, Янги директор.

5 Эски усулдаги; эскича. *Тўйнинг таърифини эшитдим. Эски тўйга боргани номус қиламан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бу маҳалланинг шумтака эркак болалари «келин чимчилаш» деган эски одатга жуда риоя қилишар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Бундан (ҳозиргидан) олдинги; аввалги, собиқ. *Эски директор.*

7 Истеъмолдан чиққан, эскирган ёки бекор қилинган. *Эски алифбо. Эски пул.* ■ *Зиёдаҳон баъзан эски сузларга тили келишмай ва баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангда ўқиб, тингловчиларга ўқтира олмагани учун, ҳикоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 Кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаларига эга бўлган, кўпдан маълум. *Сув мутахассиси, жуда эски мироблардан, ирригациянинг пири.* Газетадан. *Юрган жойи неча тоғу дашт экан, Эски киши кўп одамга бош экан.* «Юсуф ва Аҳмад».

Эски гап 1) маълум гап, ҳаммага маълум нарса, воқеа. *Эски гапни кўй.. Хоҳлайди, хоҳламай қаёққа борарди.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) ҳадеб такрорланадиган иш. *Ҳали ҳам эски гапми? Ҳей, менга қара, бола! Нега урасан Кўзибойни? Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эски тос, эски ҳаммом* Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

ЭСКИДАН Аллақачонлардан бери, узоқ вақтлардан буён; азалдан, қадимдан. *Улар*

эскидан қалин оғайни. Эскидан қолган эртақ. ■ Бу ерда эскидан пахта экилади. «Ўзбекистон кўриқлари».

ЭСКИДУЗ Эски оёқ кийимларини ямаб сотувчи; ямоқчи.

ЭСКИЗ [фр. esquisse — хомаки нарса] Бадий асар, иншоот, механизмнинг ёки унинг бирор қисмининг дастлабки, хомаки, қоралама нусхаси, чизмаси ёки режаси. *Портретнинг эскизи. Эскиз чизмоқ.* ■ Блокнотларнинг бирида Акромжоннинг қалам билан чизган эскизлари, этюдлари бор эди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Композициянинг бир неча вариантлари эскизларини яратдим.* Газетадан.

ЭСКИЛИК 1 Эски ҳолат, эски эқанлик. *Кийим тоза бўлса, эскилиги билинмайди.* ■ *Мойлагани билан, бари бир, эски эскилигини қилиб, йиртиғи билиниб турибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Ўтмишга, эски замонларга мансуб, урфдан чиққан, ҳозирги (янги) шароит талабларига жавоб бермайдиган, унга зид урф-одат, расм-русум, тартиб ва ш.к. *Эскилик сарқити. Эскиликдан юз ўғирмоқ.* ■ *Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилигига учрайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уйимизнинг орқаси қалин терак, ёр-ёр. Совчи деган эскилик кимга керак, ёр-ёр.* «Кўшиқлар».

ЭСКИМО [фр. esquimaу — эскимос халқи номидан] Шоколад қобиққа ўралган музқаймоқ. *Тарелкадаги эскимо секун-секин камай борди.* Н. Назаров, Замон.

ЭСКИМОС қ. эскимослар. *Эскимос аёл.*

ЭСКИМОСЛАР Осиёнинг шарқи-шимоли, Шимолий Америка ва Гренландияда яшовчи халқ.

ЭСКИМОҚ айн. эскирмоқ. *Кийган тўнинг эскийди, кийдирганинг эскимас.* Мақол. ■ *Вино қанча эскиса, мазаси шунча ошади.* Ойбек, Кўёш қораймас.

ЭСКИРМОҚ 1 Ишлатилиб, тутилиб эски бўлмоқ, тўзимок ёки яроқсиз ҳолга келмоқ. *Эскирган тўн. Эскирган машина.* ■ *Темирчининг икки хонадан иборат уйи эскириб кетган ва пастқам эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлар эскириб, ранги хиралашган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Давр талабларига мос келмайдиган бўлиб қолмоқ; истеъмолдан чиқмоқ, урфдан, моладан қолмоқ. *Эскирган дарслик.*

Эскирган сўз. ■ *Чўлнинг, йиллар ўтса ҳам, эскирмаган тартиб-қоидалари бор.. чўпон халқи.. унга бўйсунди.* Газетадан.

3 Яшаш, фаолият муддати узаймоқ. *Ойла эскирган сари эр-хотин олтин ва гавҳарга айланиб боради.* Газетадан.

ЭСКИ-ТУСКИ Ҳар хил эски, яроқсиз нарсалар. лаш-луш, қақир-қуқурлар. *Ҳовлидаги хоналарнинг.. дезазаларига эски-тускилар тутиб қўйилган.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. [Майрамхон] *Эски-туски темир-терсақларни бир симдан ўтказиб, бошига кийиб юрар эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ЭСКИФУРУШ Эски-туски нарсаларни олиб сотувчи. *Устида увада чопон, буни бозорда ёлғиз эскифурушлар олиши мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭСКИЧА Эски, илгариги вақтга мансуб булган, илгариги одат, расм, тартиб ва ш.к. га мос келадиган; қадимгича. *Эскича тўй. Эскича усул. Эскича гап. Эскича кийинмоқ. Эскича ишламоқ.* ■ *Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича шм.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 кам қўлл. Аввалгидек. *У онасининг бу киноясини кулгилик билан кечириб, яна эскича аразда қола берадир.* А. Қолирий, Ўтган кунлар. *..юқорига чиқишга қистаса ҳам, ковушини ечмай, эскича ўтира берди.* А. Қолирий, Ўтган кунлар.

ЭСКИЧАСИГА Эски урф-одатларга мос равишда; қадимгича, бурунгидек. *Янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса — уч талоқ қўйдим.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЭСКИЧИ айн. эскифуруш.

ЭСКУДО [исп.-порт. escudo — герб] Евро жорий қилингунга қадар Португалиянинг асосий пул бирлиги.

ЭСЛАМОҚ 1 Ёдида тутмоқ, хаёлидан утказмоқ, эсга олмоқ. *Унинг ишхонасига дадаси билан бир марта борган, йўлни эслаб қолган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Эсга келмоқ (келтирмоқ), эсга тушмоқ, хотирасида тикламоқ. *Мен уни аллақерда кўргандайман. Эслолмаянман.* С. Зуннунова, Янги директор. *Қизнинг кулдиргичига, лаби устидаги чиройли холига кўзи тушиб, Навоийнинг бир байтини ногоҳ эслади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭСЛАТМА 1 Матннинг алоҳида изоҳ талаб қилган ерига берилган тушунтириш.

Эслатмалар ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда бўлиши мумкин. Китобнинг охирида берилган эслатмалар.

2 Огоҳлантириш мазмунидаги, алоҳида қайд этувчи сўз, жумла; шундай мазмунли қоғоз, хат. *Яна янги буйруқ, анкет(а), кўрсатма, «Бажарилсин!» деган қаттиқ эслатма. Ҳаммасида «чорва» деган сўзлар бор.* А. Пўлат, Тасаддуқ.

ЭСЛАТМОҚ 1 Эсламоқ 1 фл. орт. н. *Ваъдани эслатмоқ. Утган гапни эслатмоқ.*

2 Ўхшашлиги билан ёки муайян боғлиқлик, қийёслаш орқали эсга туширмоқ, хотирага келтирмоқ. *Унинг эҳтиёткорлиги «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деган халқ мақолини эслатди. ■ Йўлдош Ойнисага кўп жиҳатдан Тоштемирни эслатади.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЭСЛИ Ақл-ҳуши жойида, ақли бутун. *Эсли қиз. ■ Бу болани, эсли деб, уйда қолдириб кетган эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акрам қилни қирқ ёрган эсли йиғитлардан эмасми.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭСЛИ-ҲУШЛИ айн. эс-хушли.

ЭСМИНЕЦ [р. «эскадренный миноносец» бирикмасининг қисқарган шакли] Эскадра миноносеци. *Битта эсминец пулига тўрт минг оила уй-жой қуриб олса бўлади.* А. Мухтор, Тугилиш.

ЭСМОҚ 1 Ҳаво оқими тарзида юрмоқ, урмоқ, ўтмоқ (шамол ҳақида). *Тоғ томондан қор изғирини эсмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Енгилгина эсган шамол димоққа турли ўт-ўлан исларини келтириб уради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Юзага келмоқ, юз бермоқ, пайдо бўлмоқ. *Эшик очилиб, Жўра кўрингач, Каримовда кичкинагина кўрқинч ҳолати эсди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЭСНАМОҚ Ихтиёрсиз ҳолда оғизни очиб, чуқур нафас олиб чиқармоқ; ҳомуза тортмоқ. *Оғзини катта очиб эснамоқ. ■ Олди одамлар уйқу босиб, кафтларига эснай бошлаган эдилар.* С. Аҳмад, Уфқ. *Анзираат хола.. оғзини катта очиб эснади..* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЭСНАШ 1 Эснамоқ фл. ҳар. н.

2 айн. эсноқ.

ЭСНОҚ Эснаш ҳолати; ҳомуза. *Вақт ўтиши билан бойлик мавзуси уни зериктира бошлади, келган эсноқни юта олмай, ҳомуза тортди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Эсноқ босмоқ Эснаш ҳолати хуруж қилмоқ. *Мени.. қўлимга қалам-қоғоз олдим дегунча эсноқ босади.* «Муштум».

ЭСОН 1 Соғ-саломат, соғ-омон. *Эсон-мисиз? ■ Масковдан нима олиб келай сенга? — Ўзингиз эсон қайтсангиз, бас.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эсон (эркаклар исми).

ЭСОНЛАШМОҚ Ҳол-аҳвол сўрашмоқ; саломлашмоқ, сўрашмоқ. *Мен билан ийманиброқ, бош қимирлатиб эсонлашиб қўя қолди.* Файратий, Узоқдаги ёр.

ЭСОНЛИК Эсон, соғ-саломат ҳолат. *Эсонликда давлат учун гап ема.* Пўлкан шоир. *Эсонлик бандага бир ганиматдир.. «Ойсулув». Соҳиб қори рюмкани кўлига олиб.. «Эсонлик бўлсин, тинчлик бўлсин», деб чўқиштирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭСОН-ОМОН 1 Соғ-саломат, соғ-омон. *Ҳамма эсон-омон. Эсон-омон бориб келинг.*

2 кўчма Бирор кор-қолсиз, ниятдагидек. *Райҳонбиби ишнинг эсон-омон битганидан енгил тортди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭСОНЧИЛИК с.т. Эсонлик, эсон-омонлик, эсон-соғлик. *Эсончилик бўлса — кўришармиз.*

ЭСПАНДЕР [лот. expandere — кенг очмоқ, кермоқ; чўзмоқ] Ўзаро бир неча резина чилвир ёки пружина билан бириктирилган иккита тутқич (даста)дан иборат, уни чўзиш билан қўл, кўкрак ва елка мускуллари чиниқтириладиган спорт анжومي.

ЭСПЕРАНТО [эсперанточа esperanto — ишонувчан] Варшавалик кўз шифокори ва таржимон Л. Заменгоф томонидан 1887 йилда яратилган сунъий халқаро тил (сўз асослари кенг тарқалган европа тилларидан олинган, лотин алифбосидан фойдаланади).

ЭССЕ [фр. essai — тажриба, машқ; ҳомаки нарса] ад. Адабий, фалсафий, ижтимоий, публицистик ва б. мавзуларда ёзилган, муаммолар систематик илмий тарзда эмас, балки эркин шаклда талқин қилинадиган насрий асар.

ЭССЕНЦИЯ [лот. essentia — энг муҳим, асосий; негиз, моҳият] Бирор модданинг ўткир, қуюқ эритмаси ёки дамламаси (ишлатишдан олдин суюлтирилади). *Сирка эссенцияси.*

ЭССИЗ 1 с.т. Эсиз. *Нодонга сўзлаган эссиз сўзим, Ўликка йиғлаган эссиз кўзим.* Мақол. ■ *Эссиз, эссиз.. халқ олдида тикка қи-*

либ қўйиб, суд қилинмади-да! П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭССИЗ II I Эс-хуши ўзида эмас. *Мухаммад Жамол маҳбубасидан айрилиб, эссиз, хушсиз қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хотираси суст, ҳеч нарсани эслаб қололмайдиган.

ЭСТАКАДА [фр. estacade — қозикларга ўрнатилган кўприк] *махс.* Транспорт воситалари ва пиёдалар ўтиши, алоқа линиялари, турли мақсадларга мўлжалланган қувурлар ўтказиш, юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун ер юзасидан маълум баландликда, дарёлар ва сойлар устида қуриладиган, бир неча устунлар устига ўрнатилган тўсинсимон конструкциялардан иборат кўприксимон иншоот. *Эстакадага гувуллаб кириб келган самосваллар суюқ бетонни бадяларга билқиллатиб тўқарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЭСТАФЕТА [фр. estafette — чопар, хабарчи < итал. staffa — узанги] I Енгил атлетика, сувда сузиш, чанги спорти кабиларда кўпинча тўрт кишидан иборат спорт жамоаси белгиланган масофани бир-бири билан алмашиб ва бир-бирига рамзий таёқчани узатиб босиб ўтишдан иборат пойга мусобақаси. *Чангичилар эстафетаси.* ■ *Эстафетада қўлига калтакча тегиши билан бирдан чопишни тезлатган чопқирдек, Содиқ автоматни илиб олган замон ўт очди.* Шуҳрат, Олтин зангласи.

2 Шундай мусобақала қўлдан қўлга узатиладиган нарса (одатда ёғоч таёқча). *Эстафета биринчи этапдан бошлаб, то охиригизгача қўлма-қўл узатилади.* ■ *Бизнинг штангачиларимиз мерганлар қўлидан олган эстафетани муваффақиятли олиб бордилар.* Газетадан.

3 *кўчма* Авлоддан авлодга ёки отадан болага ўтадиган фикр, ният, орзу, анъана ва ш.к. *Бу орзу [сув орзуси] бамисоли эстафета каби отадан ўғилга, ўғилдан набирага.. авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.* Ш. Рашидов, Дўстлик байроғи.

ЭСТАФЕТАЧИ Эстафета қатнашчиси. *...гуллар билан безанган майдонлар учради, саф тортган болалар, майкасида номери бор эстафетачи қизлар ўтиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

ЭСТЕТ [юн. aesthetes — ҳис қилувчи] Санъат ва адабиёт асарларига эстетизм

нуқтаи назаридан ёндашадиган, санъатнинг фақат ташқи шаклларигагина эътибор берадиган одам, эстетизм тарафдори (қ. эстетизм).

ЭСТЕТИЗМ I Санъатда мазмунни ва гоёвийликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ташқи шаклларга берилиш.

2 Эстетика талабларига жавоб берадиган нарсаларни, гўзалликни, нафис санъатни, етук бадий шаклларни севиш.

ЭСТЕТИК Эстетикага оид; эстетика талабларига мос келадиган. *Эстетик дид. Эстетик завқ. Эстетик тарбия.*

ЭСТЕТИКА [юн. aesthetikos — ҳиссий идрокка (билишга) оид] I Нафис санъат ва бадий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти ва шакллари, инсон ва олам ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганувчи фалсафий фан.

2 Бирор нарсанинг гўзаллиги, нафосати, латофати. *Техника эстетикаси.*

ЭСТОН I Эстония Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ(миллат)нинг номи. *Эстон халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Эстон тили.*

ЭСТОНЛАР Эстония халқи; угро-финн халқлари гуруҳига кирадиган халқ.

ЭСТОНЧА I Эстон халқи, тили, адабиётига ва маданиятига оид. *Эстонча рақс. Эстонча кийим.*

2 Эстон тили. *Эстонча(ни) биласизми? Эстонча сўзлашмоқ.*

ЭСТРАДА [фр. estrade < estrado — тахта супа, минбар] I Артистлар ва оркестр концерт-томошалари учун белгиланган сахна, баланд жой, супа. *Эстрадага чиқмоқ.*

2 Оммавий сахна санъатининг ашула, рақс, акробатика, бадий ўқиш, кичик-кичик драматик ва қўлиги асарлар ва ш.к. ни ўз ичига олган бир тури ҳамда шулар асосида ташкил этилган концерт-томошалар. *Ўзбек давлат эстрадаси. Эстрада оркестри.*

ЭСХОНА: эсхонаси чиқиб (ёки ўйнаб) кетмоқ Жуда ҳам қўрқиб кетмоқ, қаттиқ қўрқмоқ. *Чиндан ҳам ўғлининг шарпасини эшитиб, даҳлизда пайдо бўлган онасининг эсхонаси чиқиб кетди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Эсхонаси тескари бўлмоқ айн. эсхонаси чиқиб кетмоқ. Бай-бай, қўрққанамдан эсхонам тескари бўлиб кетаёзди-я!* К. Яшин, Ҳамза.

ЭС-ЭС: эс-эс билмоқ (ёки эсламоқ) Элас-элас билмоқ, гира-шира эсламоқ, ноаниқ, зўрга хотирага келтирмоқ. *Отамни эс-эс биламан.* ■ *Йулдош Рашидни эс-эс эсларди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЭС-ҲУШ 1 Эс ва ҳуш, ақл, мия. *Унинг эс-хуши жойида эмас.*

2 Фикр-зикр, ўй-хаёллар. *Нуринисанинг эс-хуши — эрга тегиш.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ерда уч-тўрт кундан буён.. э-хушим сизда.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭТ 1 айн. **гўшт 2, 3.** *Мол эти. Қўй эти. Хом эт. Шафтоли эти. Эти қизил қовун. Насия еманг этни, қизартиради бетни.* Мақол. ■ *Сиз мана шу пулга гузардан бир чорак эт келтириб, шўрва қилиб берсангиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Одамнинг бадани; одам баданининг юмшоқ жойи, мушаклари. *Эти увишмоқ.* Сўз суякдан, таёқ этдан ўтади. Мақол. ■ *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таёқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Бир парча эт Ҳали ҳеч нарсани билмайдиган, янги туғилган чақалоқ ҳақида. *Онажон! Бир парча эт эдим, Сен қилдинг одам.* Д. Файзий. **Бир қоп эт 1)** жуда семиз, турган-битгани гўшт; **2)** ҳеч нарса қила олмайдиган, ҳаракатсиз одам ҳақида. *Умидсиз одам — бир қоп эт.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. **Эт билан тирноқ** Бир-биридан ажралмайдиган, ўзаро жуда боғлиқ. *Театр билан драматургни эт билан тирноққа қиёс қилиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Эт олдириш Озмоқ. *Онажонининг анча эт олдириб қўйганини кўрган ўғли Ҳамидулла ҳам тунлари навбатчилик қиларди.* М. Қўшоқов, Катта хирмон жилғаси. **Эт олмоқ (ёки солмоқ)** Семирмоқ. *Жониворлар мен йўғимда салкам ўн килодан эт олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Булар эт солиб, танбаллашиб қолишган, уларни ишлашга мажбур қилиш керак.* А. Мухтор, Туғилиш. **Эти суягига (ёки устухонига) ёпишмоқ** Жуда озиб кетмоқ; суяги чиқмоқ. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёпишди.. пешонасида ажинлар пайдо бўлди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Самоварчи эти суягига ёпишган.. фирт кўса одам эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эти узилмоқ** Қаттиқ қалтис ейишдан мушаклари чўзилиб қолмоқ. *Кампир чўн-*

қайиб, ўғлининг оёғини кўздан кечирди, аста ушлаб кўрди — ҳартугул чиқмаган экан, эти узилган бўлса керак. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Эти ўлмоқ 1)** бадани сезмайдиган бўлиб қолмоқ; **2)** одатланиб, кўникиб қолмоқ. *Отабой бунақа нўписаларни эшитавериб, эти ўлиб қолганидан, писанд қилмади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Этига (ёки баданига) сув юқтирмаслик** Ўзига гап тегизмасликка, ўз иззат-ҳурмати, обрў-эътиборини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқ. *У этига сув юқтирмасликка уринди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. **Этидан тушмоқ** Озмоқ, этини йўқотмоқ. *Чолнинг кўзига ранги ўчиб.. бир қават этидан тушгандай кўринди.* «Шарқ юлдузи». **Этини ташламоқ айн. этидан тушмоқ.** *Мингбоши келувчига олайиб қаради.. Соли совуқ бирдан икки энлик этини ташлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭТАЖ [фр. etage — қават; поғона < лот. staticum — туриш] айн. **қават 2.** *Квартираимиз тўртинчи этажда.*

ЭТАЖЕРКА [фр. etagere — тиргак, устунча; пештахта < лот. staticum — туриш] Китоб териб қўйиш учун мосланган, бир неча қават токчали мебель тури. *Пулатжон этажеркадаги қатор китобларга бир кўз ташлаб олди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЭТАЖЛИ айн. **қаватли.** *Кўп этажли уйлар.*

ЭТАК 1 Кийимнинг пастки, осилиб тушиб турадиган кенг қисми. *Қўйлакнинг этаги. Тўннинг этаги* ■ *У гилваталик қўлини этаги барига артиб, Меъмор билан омонлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ота-бола чопонларининг этақларини бар уриб, қазувага жўнаб кетдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кўчма Баъзи нарсаларнинг этакка ўхшаш осилган пастки қисми. *Кўёш қишлоқ устидан этагини йиғиб олган, кеч кира бошлаган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Бир кун ҳамма ёқни рутубатли туман чулғайди, бир кун тунд борлиқ узра булут этагини судраб ўтади.* Газетадан

3 Матодан пахта териш учун махсус тикилган, бир томони бўйинга осиб, бир томони белга боғлаб олинадиган буюм. *Бир этак пахта.* ■ *Қўли этак билан чаноққа худди бўзчининг моксидай бориб келяпти.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Звено аъзолари сентябрнинг ўрталарида этак боғлаб, теримга тушдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 Баъзи нарсаларнинг, сатҳнинг чети, қуйи томони, охириги қисми. *Дала этаги. Саҳро этаги. Ҳовли этаги.* ■ *Шаҳарнинг ҳар иккала томонида экин майдони бўлиб, этаги ўрмонга бориб тақаларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Булоқдан эмас, этакда ҳайқириб оқаётган сойдан сув олиб келтирарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

5 Тоғ, адир, баландликларнинг пастки қисми; пастки қисмидаги жой, майдон. *Ёдгор оҳиста юриб, адир этагига тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тепаликнинг этагидан ҳар хил овозлар эшитилди.* «Ёшлик».

6 Ариқ, дарёнинг қуйи қисми; сувнинг қуйилиш жойи. *Зарафшоннинг этаги.* ■ *Кўчиш ҳаво билан чулганган жилға этагида бир қора пайдо бўлган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Вақт эътибори билан охириги қисм, охир, сўнг. *Февралнинг этакларида кун исиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Августнинг этакларига келиб, каналга сув очилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Бир этак бола Бирор аёл ёки оиланинг боласи кўпчилиги билдиради. *Отанг тирик ахир.. ортимда бир этак болам бор.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўзи далага чиққани билан уйдан ишга яроқсиз бир этак боласи бор.* С. Зуннунова, Олов. **Енгидан кириб, этагидан чиқадди** Ўта устомон, айёр одам ҳақида. **Эсинг боридан этагингни ёп** Номақбул иш, йўл ва ш.к. дан вақт-ганиматда қайтиш, мақбулига ўтиш керак, деган маънони билдиради. *-Йўқ, — деди полвон тўқайдан чиқаётиб, — эсинг боридан этагингни ёп, бу йўлингдан қайт!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Этаги очилмоқ** Сири очилмоқ, бирор айби, камчилиги маълум бўлиб қолмоқ. *Қўйинглар.. хотин йўлга чиқса, этаги очилди.* Кулги бўласизлар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Этагини тутмоқ (ёки ушламоқ)** 1) иш-фаолиятда бирор кимсага маҳкам суяниб, ундан қолмаслик. *Омон бува Ёдгоров каби ингичка толали нахта усталари бор.* Ана шу оқсоқолларнинг этагини тут. «Ўзбекистон қуриқлари»; 2) бирор иш, касб ва ш.к. нинг пайдан бўлмоқ, уни эгалламоқ. *Оталари касби этагидан тутаётган фарзандларимиз қандини урсин.* Газетадан. **Этагини тутқизмаслик** Тутқич бермаслик. *Лекин уйқу этагини тутқизмай кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўз-

лар. *Қидирув бўлими ходимларининг усталик билан ишламаётганликларидан фойдаланиб.. яна этак тутқизмай кетган.* И. Қаландаров, Шохидамас баргида. **Этагини ўпмоқ** Муте бўлмоқ, айтганини қиладиган ҳолда бўйсунмоқ. *Юрт беклари яшаб ўтган, Ўйиб ёвнинг этагин.* «Шарқ юлдузи». **Этак йиртиш этн.** Унашиш, унаштириш маросими. *Оёғинг келишмаган, шумпешона экансан!* *Этак йиртиш қилиб қўйган куёвнинг ҳаждан қайтмади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Этак силкимоқ** Бутунлай умид узмоқ, кечмоқ. *Этак силкиб, Андижонга кетай десам, руҳсат бермайдир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю.. унут бўлаёзган эски дўконга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Этак қоқмоқ айн.** **этак силкимоқ.** *Отаси.. телба тўнани тескари кийиб, этак қоқиб, уйдан чиқиб кетган.* «Муштум».

ЭТАКЛИ 1 Этакка эга бўлган, этаги бор. *Бурма этакли кўйлак.*

2 Этак тутган (қ. **этак 3**). *Далага бир нечта этакли талаба чиқди.*

ЭТАКСИЗ 1 Этаги, чети (чеки) йўқ (қ. **этак 4**). *Чўл, учсиз-этаксиз дашт.* Дазмоллагандай теп-текис. С. Нуров. Сув кўшиғи.

2 Этаги йўқ, безтак (қ. **этак 3**).

3 Этак тутмаган.

4 *кўчма* Тайини йўқ, бетайин; уятсиз, шарманда. *..акамга айтиб, адабингни бердириб қўймасамми, сен, этаксиз, шошмай тур..* К. Яшин, Ҳамза.

ЭТАЛОН [фр. etalon — намуна] Бирор нарсанинг идеал намунаси, ўлчови ёки тури; ўлчов бирликларини ҳозирги кундаги фан ва техника эришган энг юқори аниқлик билан қайд этиш, сақлаш ва тарқатиш учун хизмат қилади. *Метр эталони. Бирламчи эталон.* ■ *Ўтказгичларнинг қаршилигини ўлчаш учун, аввало, қаршилик намунаси, яъни қаршилик эталони танлаб олиниши керак.* «Физика».

ЭТАН [юн. aither — ҳаво, осмон; эфир] Нефть газлари ва табиий газлар таркибида учрайдиган рангсиз, ҳидсиз газ.

ЭТАП [фр. etape — ўтиш, тўхташ жойи] 1 Бирор нарса, ҳодиса, жараённинг алоҳида босқичи, даври. *Тараққиёт этаплари.*

2 *ҳарб.* Қўшинлар йўлидаги дам олиш, овқатланиш ва тиббий ёрдам олиш пункти.

3 тар. Сургунга олиб кетилаётган кишилар тўдаси, уларнинг йўлдаги қўниш жойи ва сургун жойигача бўлган йўл. *Икки ҳафтадан кейин Содиқни этап рўйхатига тиркадилар.* Шухрат, Олтин зангламас.

Этап қилмоқ Этап билан сургунга юбормоқ.

4 *спрт.* Югуриш мусобақалари, пойга ва эстафета йўлининг айрим қисми. *Биринчи этапни биринчи бўлиб француз спортчиси ўтди.*

ЭТДОР кам қўлл. 1 Этли, семиз, тўла, гўштдор. *Ҳожи хола узукни этдор синчалогига ўтказа туриб ҳиринглади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Эти қалин, серэт, этли. *Этдор шафтоли.*

ЭТИК Этикага оид; этика талабларига мос келадиган, ахлоқ меъёрларига жавоб берадиган; ахлоқий, маънавий. *Этик таълимот. Ахлоқнинг этик меъёрлари.*

ЭТИК Болдирни бекитиб турадиган узун қўнжли, пошнали пойабзал. *Амиркон этик. Ағдарма этик. Кирза этик. Хром этик. Этик мойи. Этик қўнжи. Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар.* Мақол. ■ *Йўлчи этиги билан унинг [бойваччанинг] думбасига яна бир тепди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Икки оёғини бир этикка тикмоқ (ёки суқмоқ) қ. оёқ 1.

ЭТИКА [лот. ethica < юн. ethos — урфодат, хулқ-атвор] 1 Ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шакллларини ўрганувчи фалсафий таълимот.

2 Бирор синф, ижтимоий гуруҳ ёки бирор касб эгаларига хос одоб-ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуи. *Тасаввуф этикаси. Касб этикаси.*

ЭТИКДЎЗ Этик тикувчи уста, касиб. *Этикдўз сомсапазлик қилса, хўрандаларнинг шўрига шўрва тўкилади, деган нақл бор.* «Муштум».

ЭТИКЕТ 1 [фр. etiquette — одоб-ахлоқ; маросим тартиби] Бирор жамиятда, ижтимоий гуруҳ ва ш.к. да қабул қилинган ўзаро муомала, одоб-ахлоқ; маросим тартиби, қоидалари. *Сарой аҳлига хос этикет. Дипломатик этикет.*

ЭТИКЕТ 11 кам қўлл. айн. **этикетка.**

ЭТИКЕТКА [фр. etiquette — ёрлиқ < etiqueter — ёрлиқ ёпиштирмақ] айн. **ёрлиқ** 2.

Раис энгашиб, булоқдан этикеткаси йўқ шишани олди. Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭТИКЧИ айн. **этикдўз.** *Бой тикувчини сўкиб, қолипланган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди. Этикчи бошини ҳам қилиб, бу ҳамлани рад қилди.* С. Айний, Қулар.

ЭТИМОЛОГИК Этимологияга оид. *Этимологик белги. Этимологик луғат.*

ЭТИМОЛОГИЯ [юн. etymon — ҳақиқат, ҳақиқий маъно + logos — фан, таълимот] 1 Тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини, манбаини ўрганадиган бўлими.

2 Сўзнинг манбаи, келиб чиқиши. «Пул» сўзининг **этимологияси.**

ЭТИОЛОГИЯ [юн. aitia — сабаб + logos — фан, таълимот] Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ҳақидаги таълимот.

ЭТЛИ 1 Этдор, семиз, тўла. *Этли бола.* ■ *Этлироқ йигитларнинг яқтак елкаларидан бирмунча тер нишонлари кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Эти қалин, гўштдор; ейишли. *Этли шафтоли.*

ЭТМОҚ 1 *ёрд. фл.* «Қилмоқ», «айламоқ» маъноларида қўшма феъл ясаш учун хизмат қилади. *Мас., давом этмоқ, ташкил этмоқ, касб этмоқ, лип этиб чиқмоқ, тап этиб тушмоқ, шув этмоқ, ялт этмоқ.*

ЭТМОҚ 11 *шв.* Айтмоқ. *Меҳмонга этмоқ.*

ЭТНИК [юн. ethnikos — қабиллага, халққа алоқадор] Келиб чиқиш ҳаётидан бирор халққа оид, мансуб, хос бўлган. *Аҳолининг этник таркиби.* ■ *Бу халқ ва миллатларнинг ўз тили.. ўзининг этник хусусиятлари бўлиб, ўлкамизда ягона дўстлик ва қардошлик оиласини ташкил этади.* Газетадан.

ЭТНОГЕНЕЗ [юн. ethnos — халқ + genesis — келиб чиқиш] Муайян халқнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлиши.

ЭТНОГРАФ Этнография мутахассиси. *..тарихчилар, этнографлар, археологлар.. Ўрта Осиёни ўрганиш билан шуғуланадилар.* Газетадан.

ЭТНОГРАФИК Этнографияга оид. *Этнографик материал. Этнографик очерк.* ■ *Ўзбекистон кашта санъати ва этнографик асарларда.. «зардевор»нинг «сардевор» шаклидаги талаффузи учрамади.* «ЎТА».

ЭТНОГРАФИЯ [юн. ethnos — қабил, халқ + grapho — ёзма] 1 Тарих фанининг

халқларнинг келиб чиқишини, таркибини, жойлашишини, турмушини, расм-русумларини, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини кўпинча бевосита кузатиш йўли билан ўрганадиган бўлими.

2 Бирор халқнинг ёки бир ҳудуддаги бир неча халқнинг турмуши, маданияти, урф-одатларига хос хусусиятлар мажмуи. *Ўрта Осиё этнографияси. Тарих-этнография кўргазмаси.*

ЭТНОНИМ [юн. *ethnos* — қабила, халқ + *опута* — ном] Халқ, қабила, уруғ ва б. хил этник уюшмалар номи. *Кўпгина этнонимларнинг ўтмишида уруғ ва қабила бошлиқларининг номидан олинган шубҳасиздир. «ЎТА».*

ЭТНОС [юн. *ethnos* — қабила, халқ] Халқ, қабила; этник бирлик, умумийлик. *Гарчи тил асосий этник белгилардан бири ҳисоблансада, бу этноснинг ягона характерли кўрсаткичи бўла олмайди. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.*

ЭТСИЗ 1 Эти, гўшти йўқ, гўшт солинмаган: гўштсиз. *Этсиз шўрва.*

2 Эти (гўшти) меъёрдагидан кам (бадан ёки ундаги бирор аъзонинг эти ҳақида). *У. билаклари йўғон, гавдаси этсиз киши эди. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг офтобда пишган, этсиз, йирик ёноқли юзида.. томчилар юмаланар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЭТХЎР 1 айн. гўштхўр.

2 кўчма Одамхўр, қонхўр.

ЭТЮД [фр. *etude* < лот. *studium* — ғайрат қилиш; иш, машғулот] 1 Тасвирий санъатда: бирор нарсанинг ўзига қараб ишланган дастлабки, хомаки расм, скульптура, чизма (этюд катта асар учун материал бўлиши, шунингдек, мустақил асар бўлиши ҳам мумкин). *Раъно этюдларини ошхона деворига суяб кўярди. Йигитлар бўлса, этюдларидан ҳам кўра, кўпроқ ўзини кўриш пайидан эдилар. А. Мухтор, Чинор.*

2 Мусиқа ёки бошқа санъат асарининг машқ учун ёки мустақил ижод тарихасида ёзилган, созанданинг маҳоратини оширишга ёрдам берадиган бир тури. *Программа ўзбек халқ уйинлари — дарбозлик, кураш.. аския, латифа, этюд ва яна бошқа оммавий санъат турларидан иборат бўлди. Газетадан.*

3 Бирор масалага бағишланган, унчалик катта бўлмаган илмий, танқидий руҳдаги асар тури.

4 Шахмат ва шашка ўйинида: кам сонли фигуралар билан ютиш ёки дуранг қилиш ечимини топиш учун бериладиган позиция, масала.

ЭФЕМЕР 1 [юн. *ephemerous* — бир кунли(к)] қ. эфемерлар.

Эфемер ўтлар айн. эфемерлар.

ЭФЕМЕР 2 Узоқ давом этмайдиган, вақтли, ўткинчи. *Агар иситма бир-икки кунгина чиқса, эфемер иситмалаш дейилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

ЭФЕМЕРЛАР Баҳорда униб чиқиб, тез (бир неча ҳафта давомида) уруғлайдиган ва ёзда қовжираб, қуриб қоладиган ўтларнинг умумий номи. *Баҳорда кўкариб, ёзда қуриб қоладиган ўтлардан эфемерлар шўрхок ерда кўп учрайди. «Ўзбекистон географияси».*

ЭФИР [юн. *aither* — ҳаво, эфир; ҳавонинг юқори, нурли қатлами] 1 эск. физ. 19-асрдан то 20-асрнинг 20-30-йилларигача ўтган физикларнинг тасаввурига кўра, юлдузлараро, планеталараро олам фазосини ва моддалардаги атомлараро, молекулалараро бўш жойларни тўлдирган қандайдир муҳит.

2 Осмоннинг, жаҳоннинг радиотўлқинлар тарқаладиган муҳитининг умумлашма номи. *Эфирга чиқмоқ. Эфирда эшиттирмоқ. Эфирдан келган хабар. ■ Сен эй, сарҳад билмас эфир мавжлари, Дунёга ёй: Бугун қутлуғ айём, де. Миртемир.*

3 ким. Кўшалоқ углеводород гуруҳдан иборат хушбуй суюқ органик моддаларнинг умумий номи (тиббийётда эт ўлдирувчи дори, техникада эритувчи сифатида ишлатилади). *Содда эфирлар. Этил эфир. ■ Кучли таъсир этадиган дориларнинг кўпи эфир ва алкоголь билан аралаш ҳолда тайёрланган бўлади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

ЭФИРЛИ Эфир берадиган, таркибида эфир бўлган. *Эфирли аралашма. Эфирли ўсимликлар.*

ЭФФЕКТ [лот. *effectus* — ҳаракат, фаолият; натижа] 1 Иш, фаолият ва ш.к. нинг натижаси. *Иқтисодий эффект. Даволанишдан олинган эффект.*

2 Мослама, қурилма ва ш.к. воситасида муайян таъсир, таассурот туғдирувчи восита, усул. *Шовқин эффекти (театрда).*

3 физ. Физик ҳодиса. *Фотоэлектрик эффект.*

ЭФФЕКТИВ [лот. *effectivus* — натижа берадиган, фойдали] Яхши амалий натижа,

эффект берадиган; унумли, фойдали. *Эффектив чоралар. Эффектив таъсир. Маблагдан эффектив фойдаланмоқ.*

ЭФФЕКТЛИ 1 айн. *эффектив.*

2 Кучли таъсир кўрсатадиган, эффекти бор. *Эффектли кўриниш. Эффектли усул.*

ЭХИНОКОКК лот. echinos — типратикан + kokkos — дон, уруғ: шарсимон бактерия | тиб. Ит, мушук, бўри ичакларида бўладиган, уруғи уй ҳайвонлари орқали одамга ўтса, мия, ўпка, жигар ва б. ички аъзоларга жойлашиб, ўсиб, гүмбака айланаиб, оғир касаликка, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўладиган тасмасимон гижжа. *Қизингизнинг ўпкасига эхинококк тушган, аҳволи анча оғир.* Ё. Шукуров, Хирург.

ЭХИНОКОККОЗ Одам ва ҳайвонларда эхинококклар кўзгатадиган гижжа касаллиги.

ЭЧКЕМАР 1 зоол. Калтакесакларнинг бўйи 1,5 метргача етадиган, турли жониворлар билан овқатланадиган энг катта тури. *Карасам, лўла болишдек баҳайбат бир махлуқ — эчкемар, ҳансираб ётибди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамоннинг йўли.

2 қ.ҳ. Узумнинг бир хили; қизил, ҳусайнига ўхшаш ўртапишар хўраки узум.

ЭЧКИ Қувур шохлилар оиласига мансуб, кавш қайтарувчи жуфт туёқли сут-эмизувчи ҳайвон. *Хонаки эчки. Тоғ эчкиси. Эчки сути. Эчки жуни. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.* Мақол. ■ *Эчкиларга ҳамма ҳайрон: нега Орифнинг эчкиси бир туққанда, иккита туғар экан-у, колхознинг эчкилари нуқул биттадан туғар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЧКИЧИ Эчки боқувчи, етиштирувчи чорвадор.

ЭЧКИЧИЛИК 1 Эчки боқиш иши, касби.

2 Чорвачиликнинг эчкиларни боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи тармоғи.

ЭЧКИЭМАР айн. *эчкемар.*

ЭШ 1 Ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик. *Кўп ўтмай, янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йиғитларидан дуст-эш орттирди.* А. Мухтор. Чинор. *Ҳасратига қулоқ сол, ҳасратига бўлгил эш.* Т. Тўла. *Кўпинча бу ҳазил-ҳузулларда улар бир-бирига эш бўлишарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 шв. Жуфт. *Бир эш маҳси.*

3 шв. Бола туғилгандан кейин тушадиган қобиқнинг қолдиғи; йўлдош.

4 Эш (эркаклар исми).

ЭШАК 1 Якка туёқлиларга мансуб, қулоқлари узун, сутэмизувчи, отдан кичик иш ҳайвони. *Эшак минганнинг оёғи тинмас.* Мақол. ■ *Бобоқул ҳам юкларини эшагига ортиб бўлган эди.* С. Анорбоев. *Оқсой. Қишлоқ деҳқонлари кўқон араваларда, эшак араваларда ўрик, тут, терак саржинлари.. юклаб бормоқда эдилар.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 кўчма Бефаҳм, ҳеч нарсага қизиқмайдиган одам ҳақида. *Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак.* Мақол.

3 (талаффузда кўпинча эшшак) Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради.

4 Тўрт ёки кўп оёқли узун скамейка, ўтиргич. *Мулла Обид жавоб ўрнига қўл силтаб, Берди татар ўтирган ёғоч эшакнинг иккинчи бошига келиб ўтиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 шв. Чаён.

6 с.т. Ҳарак. *Дутор эшаги.*

7 с.т. Гимнастика машқлари учун белгиланган тўрт оёқли узун, усти чарм билан қопланган мослама; козёл.

Кўп гап эшакка юк Ортиқча гап-сўзнинг фойдасизлиги ҳақида айтиладиган ибора. *Мулла минган эшакдай Жуда итоатли, ювош. Қамоқда эзилса, мулла минган эшакдай, бўйинини солиб, бир кунмас-бир кун балки чиқиб келар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭШАКВОЙ 1 фольк. Халқ эртакларининг эшак образли қаҳрамони, персонажи (одатда бу образда ўжарлик, аҳмоқлик хусусиятлари мужассамланади).

2 сўж. Тентак, аҳмоқ (кўпинча болаларга нисбатан айтилади).

ЭШАКЕМ, эшакеми с.т. Терига, баъзан шиллиқ қаватларга катта-кичик пуфакчали тошмалар тошиши, қаттиқ қичишиш билан кечадиган касаллик; организмнинг аллергия реакцияси. *Эшонийшларнинг битта-яримтасига эшакеми тошдимикан деган хаёллар билан бориб.. бир кишининг эшагини бир соатга ижарага олиб келтирдим.* Ғ. Ғуллом. Шум бола.

ЭШАКМИЯ бот. Дуккаклиларга мансуб, уруғи заҳарли кўп йиллик ёввойи ўт. *Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсадиган айрим ўсимликларда (эшакмия ва*

бошқаларда) заҳарли алкалоидлар мавжуд. «Фан ва турмуш». У вақтларда бу ерга сув чиқмаганда, эшакмиядан бўлак ўсимлик ҳам ўсмасди. Ш. Бўтаев, Қургонланган ой.

ЭШАКҚУРТ зоол. Тенгоёқли қисқичбақасимонлар туркумига мансуб, тўқ бинафша рангли, бир неча жуфт оёқли умуртқасиз жонивор.

Димоғидан эшакқурт ёғилмоқ қ. димоғ 3. Маъсуманинг эри димоғидан эшакқурт ёғилладиган, серзарда бойвачча эди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Ҳемирининг тайини йўғ-у, димоғидан эшакқурт ёғилади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭШВОЙ Ўзбек халқ ашула ва куйларидан бирининг номи. *Сухбатимга кўзи шаҳло, қоши ўқ-ёй истарам, Бошга нарқу, тингламоққа савти эшвой истарам.* «Муштум».

ЭШДОШ Эшлари бир, жуфт.

Эшдош ундошлар тлш. Бир жуфтликни ташкил қиладиган ундошлар (мас., п ва б, т ва д.)

ЭШЕЛОН [фр. echelon < echelle – зина, зинапоя; шкала] **1** ҳарб. Махсус юк, техника, артиллерия, танк ва қўшинлар ортилган поезд ёки автоколонна. *Ҳарбий эшелон.* ■ Бизлар бир эшелон солдат, бепоён даштга тушиб, сазгина дарё бўйида чодир тикиб ётардик. О. Ёқубов, Излайман.

2 ҳарб. Кетма-кет саф тортган, биринкетин жангга солинадиган қўшинларнинг навбатдаги гуруҳи. *Биринчи эшелон.* ■ Авиаразведканинг маълумотига қараганда, душман биз тарафга иккинчи эшелонини бурган. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Бир хил юк ортилган, бир мақсад билан жўнатилган поезд ёки автомобиллар қатори. *Пахта ортан эшелонлар кетма-кет ўтмоқда.* ■ Станциядан телефон қилишди. Эшелон келибди. Юкларни эртадан қолдирмай ташиб олмасак, штрафга кирар эмиш. С. Аҳмад, Қадрон далалар.

ЭШИК 1 Уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатиладиган, очиб-ёпиб туриладиган қурилиш буюми. *Икки табақали эшик. Уймакор эшик. Кабинет эшиги. Кўча эшиги. Ҳовли эшиги. Эшикни очмоқ. Эшикни тақиллатмоқ. Меҳмон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан. Мақол.* ■ Дилдор шарт ўрнидан турди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, одам, жонивор, нарсалар жойлашадиган қурилма, мосламаларнинг кириб-чиқиладиган, очилиб-ёпиладиган қисми. *Машинанинг эшиги. Самолётнинг эшиги. Қафаснинг эшиги.* ■ *Автобуснинг эшиги овозсиз очилди: –Марҳамат, чиқинглар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бу ўртада соат эшиги очилиб, какку қуш чиқди-да: «Какку! Какку!», деб яна кириб кетди.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 шв. Ҳовли, уй-жой; хонадон. [Мирзакаримбой:] *Эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган. Ойбек, Танланган асарлар. –Эшигини топа олдингизми? –Топдим. Айтганингиздек, унинг эшигини Тошкентда ҳар ким билар экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Эшик супурмоқ 1) ҳовли супурмоқ; **2)** хизматкор бўлиб ишламоқ, хизматкорлик ишларини бажармоқ. *Эшигимни супурсин бу кўмондон, Бўлсин барча қилганига пушаймон.* Х. Олимжон. [Жамила:] *Мен сизни ўлаўлунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Ташқари, ташқи майдон, кўча. *Эшик совуқ.*

Эшикка чиқмоқ 1) уйдан, хонадан ташқарига, ҳовлига чиқмоқ. *Кўрпача ёзиб, уни ўтқизгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Назарбой эшикка чиқиб қараса, бу чодирдан бошқа чодирлар кўп, одамлар сон-саноқсиз.* «Ой-сулув»; **2)** ҳожатга чиқмоқ, ёзилгани чиқмоқ, ёзилмоқ.

5 кўчма Бир мақсадга, ерга етишиш, эришиш йўли, имконият йўли. *Бахт эшиги кўриниб турибди.* Х. Гулом, Машъал. *Барча орзулар эшиги деярли ёпиқ эди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг тугилиши.

Эшик оға (ёки оғаси) Ўрта Осиё хонликларида хон саройидаги бош хизматкор; олий ҳукмдорнинг турли қабул маросимларини ўтказиш ишларига мутасадди бўлган шахс. *Эшик оға кириб, аркони давлатнинг ҳозир бўлганини билдиргач, Ҳусайн Бойқаро киришга ижозат берди.* Ойбек, Навоий. **Эшик қоқмоқ 1)** эшикни тақиллатмоқ; **2)** бирор вақт, фурсатнинг яқинлашиб, келиб турганини билдирувчи ибора. *Баҳор эшик қоқяпти.* ■ *Айниқса, эшик қоқиб ёз келди-ю, хаёл тўрт ёққа сочилиб, вақт етишмай қолди.* Х. Назир, Ёнар дарё.

ЭШИЛМОҚ I Эшмоқ I фл. ўзл ва мажҳ. н. *От белига торта берди сайислар Ипакдан эшилган майин айилди.* «Ойсулув».

2 кўчма Кокил каби таралмоқ, ипакдай майин осилиб сочилмоқ. *Қора зулфинг эшилгандир тол-тол.* «Муродхон». *Кахрабодек сап-сарик сабзи унинг пичоғи остида ипак сингари эшилиб, таралиб чиқар эди.* А. Мухтор, Чинор.

3 кўчма Мулойим ҳаракат, ҳолат касб этмоқ (шахс ҳақида). *-Тўхтаг! - деди жувон ноз билан эшиларкан.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Бунақа пайтда оғзимиздан бол томиб, ўзимиз ҳам эшилиб кетамиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЭШИТИШ I Эшитмоқ фл. ҳар. н. *Ҳикояни эшитиш асноси имомда бир гижиниш вазияти бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Одам ва ҳайвонларнинг эшитув аъзоси ва эшитув анализатори орқали товуш тўлқинларини қабул қилиш хусусияти.

ЭШИТМОҚ I Товушни эшитиш аъзоси орқали қабул қилмоқ; қўлоғига кирмоқ, чалинмоқ. *Кимнингдир инграганини эшитди.* *Отнинг кишнаганини эшитди.* ■ *Саодатхоннинг оёқ шарпасини эшитиб, секин кўзларини юмди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Отасининг хуррагини эшитиб, кўнгли равшан тортди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Диққат-эътибор билан, маъно, мазмунини ҳам англаш, ўзлаштириш мақсадида қулоқ бермоқ; тингламоқ. *У Меъморнинг гапларини эътироз билдирмай эшитар, бош қимирлатиб тасдиқларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўз умримда кўп одамларни кўрганман, кўпларнинг саргузаштларини эшитганман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, эшитиб билмоқ. *Достон битибди, деб эшитдик, оға. Қачон ўқийсиз?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чанғи сайлини ҳам ўзинг уйлаб топдинг. Билардинг, опанг эшитиб қолса, адабингни беришини.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Гап эшитмоқ Сўкиш, қарғиш ва ш.к. мазмундаги танбеҳ олмоқ. *Қилар ишни қилган Писмиқ-ку, мана энди мен гап эшитяман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭШИТТИРИШ I Эшиттирмоқ фл. ҳар. н.

2 Радио ёки телевидение орқали товушни узатиш, юбориш; радио ёки телевидение орқали узатиладиган концерт, маъруза ва

ш.к. Болалар учун эшиттириш. *Эшиттиришлар дастури.* *Бугунги эшиттиришимиз матом бўлди.*

ЭШИТУВЧИ I Эшитмоқ фл. сфдш.

2 айн. тингловчи. *Радио эшитувчилар.* ■ *..уйлаб қараса, ҳақиқатан ҳам яхши агитатор бўлиши учун аввало тингловчилардан кўпроқ нарса билиши, кўпроқ тажрибага эга бўлиши керак экан.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ЭШКАК Қайиқни (баъзан кемани ҳам) ҳаракатга келтириш ва бошқариш учун хизмат қиладиган узун дастали ёғоч курак. *..туну кун бақирик-чақирик, узун эшкакларнинг бетиним шалоплагани, кемачиларнинг сўкингани эшитилиб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Эшкак эшмоқ (ёки тормоқ) Эшкакни сувга уриб, қайиқни ҳаракатга келтирмоқ. *Ишчи ёшларимиз байдарка ва канозда эшкак эшиш.. билан шуғулланишни ёқтирадилар.* Газетадан. *У тезроқ соҳилга чиқиб олиш учун жон-жаҳди билан эшкак тортишга тушди.* «Ёшлик».

ЭШКАКЛИ Эшкаги, эшкаклари бўлган. *Саккиз эшкакли қайиқ.*

ЭШКАКЧИ I Одам ва юкларни дарёдан ўтказишни ўзига касб қилиб олган киши; қайиқчи. *Қайиқ соҳилга чиққач, эшкакчи қайиқни толнинг поясига боғлайди.* А. Эшоннов, Ҳикоялар.

2 Эшкак урувчи, эшкак тортиб, қайиқни ҳайдайдиган киши; қайиқ ҳайдовчиси. *Бизнинг қайиқда моҳир эшкакчи бўлмаган одам ортиқча юк.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

ЭШКИЛ-КИШАН Занжир, кишан. *Бир гуноҳкорни ёки гуноҳкор саналган бир кишини тутиб келтирадилар, уни қамаб, оёғига эшкил-кишан ёки кунда урадилар.* С. Айний, Жаллодлар.

ЭШЛИК I Эшга хос ҳолат, эш эканлик.

2 Эшларга хос муомала, муносабат; дўстлик, ўртоқлик муносабатлари. *Эшлик қилмоқ.* ■ *Қулунтой ҳам унга қилиб эски эшлик, Ўргатибдир Кўканчага жувонзашлик.* Ф. Фулом.

ЭШМА Эшиб ясалган, чийратма, пишиқ. *Эшма ип.*

ЭШМОҚ I I Айлантириб, бураб, товлаб пишиқ қилмоқ; пишитмоқ, чийрамоқ; йигирмоқ. *Қамиш эшмоқ.* *Белбоғни эшиб боғламоқ.* *Арқон эшмоқ.* ■ *Мен ҳам тек тур-*

масдим: пахтани чиғириқдан чиқарар, кала-ва ўрар, пахта савар, ҳатто пилта ҳам эшиб берардим. Ё. Шукуров. Қасос. Ҳаётхон бечора ип эшиб, марваридларни теришга ўтирди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 кўчма Ўрнига қўймоқ, ўринлатмоқ, қойил қилмоқ, қиймоқ. Ганни эшади-да. ■ Гоҳо Юсуф амаким қўлига доторини оларди-да, шундай эшиб чалардики, юрагимизни сув қилиб юборарди. У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

Ип эшолмайди қ. ип.

ЭШМОҚ II айн. эшкак эшмоқ қ. эшкак. Лаби чўччайган кичкинагина санитар қиз эшкак эшарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЭШОН [ф. айшан — 3-ш. кўпликдаги шахс олмоши: улар: мулла, шайх] Диндорлар орасида маълум обрў қозонган руҳоний, дин пешвоси. Бу эшон биров билан сузлашганда, ўзини худди кимга қайси жаннатдан ўрин бериш тўғрисида худо билан сузлашиб келгандай тутарди. А. Қаҳҳор, Тўй.

ЭШОНЗОДА [ф. айшанزاده — эшоннинг боласи] Отаси эшон бўлиб ўтган, эшонлардан таркаган шахс, эшон боласи, авлоди. — Ўзимиз тошкентлик бўламиз, эшонзодаларданмиз, мадраса кўрган муллойдир забардастлардан бўламиз, — деди домла. Ғ. Фулом, Шум бола.

ЭШОНОЙИМ (тўғриси эшон ойим) қ. ойим 2.

ЭШОНПАРАСТ [ф. айшанپرست — эшонни ҳурматловчи] Эшонларга қўл берган, уларга сизинувчи, ўтакетган диндор киши.

ЭЪЗОЗ [а. اعزاز — иззат, ҳурмат; меҳр, илтифот] ҳурмат-эътибор ҳис-сезгиси ва унинг ифодаси; эҳтиром. Отага қўйилган ҳайкал, районнинг унинг номидалиги — бу эъзозлар Отага халқнинг меҳр-оқибатини билдиради. «Ўзбекистон қўриқлари».

Эъзоз қилмоқ (ёки этмоқ) айн. эъзозламоқ. Хурлик деб туқилган бу қон рангини Юрак-юрагимдан қилгумдир эъзоз. Ж. Жабборов. Ҳар лаҳза фирибгарлик бобида бўлиб шоввоз, Ростгўйликни тарк айлаб, ёлғонни этдим эъзоз. «Муштум».

2 Эъзоз (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭЪЗОЗЛАМОҚ Меҳр-эътибор билан муносабатда бўлмоқ, эъзоз этмоқ. Дарҳақиқат, инсон тафаккур эта бошлаган даврлардан бери.. энг азиз зотни — онани

эъзозлайди. «Фан ва турмуш». Ерга алоҳида меҳр-муҳаббат қўйиб, уни эъзозлашни расм қилиб олган халқ Фарғонани харобачиликдан сақлаб қолди. Газетадан.

ЭЪЗОЗЛИ Эъзозлашга лойиқ, эъзозга сазовор; ҳурматли. Эъзозли меҳнат. Эъзозли меҳмон. Эъзозли муҳаббат.

ЭЪЛОН [а. اعلان — кўпчиликка маълум қилиш, билдириш; хабарнома] Кўпчиликка етказилиши зарур бўлган хабар, янгилик, буйруқ, фармон; шундай хабар ёзилган қоғоз, ҳужжат, билдириш. Газетадаги эълон. Эълон ёзмоқ. Эълон тахтаси. ■ Турли хил эълонлар ёпиштириб ташланган доска рўпарасидаги қоровулхонага югуриб бордим. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Эълон қилмоқ 1) ҳаммага маълум қилмоқ, билдирмоқ. Мажлис ҳақида эълон қилмоқ; 2) тантанали суратда билдирмоқ. ..кечга яқин тўполон босилгач, Ҳорун бўзчини Маймана ҳокими деб эълон қилишди. Мирмуҳсин. Меъмор; 3) бермоқ, билдирмоқ. Ҳайфсан эълон қилмоқ. ■ Армия кунда командир Элмуродга ташаккур ҳам эълон қилди. Шуҳрат, Шинелли йиллар; 4) босилмоқ, берилмоқ (матбуотда). Турсуной ҳақидаги очерким.. газетада эълон қилинди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЭЪЛОННОМА [эълон + нома] Ёзма эълон, билдириш; мурожаатнома. Ўрмон-жон.. бу эълонномани ўқиб, аввал хит бўлди, кейин кулгиси қистади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЭЪТИБОР [а. اعتبار — ҳурмат, иззат-икром; ҳисобга, назарга олиш; обрў, нуфуз] 1 Бирор кимса ёки нарсага қаратилган диққат-назар, фикр, ёд. Эътиборини жалб қилмоқ. Эътибор билан разм солмоқ. ■ Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб, жавоб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бир уй меҳмоннинг эътибори жажжигина Азизжонда. Газетадан.

Эътибор бермоқ Диққат-эътиборни қаратмоқ, эътиборини йўналтирмоқ. Бойваччанинг орқасида от қўйиб келаётган одамга эътибор беринг. К. Яшин, Ҳамза. Эътибор қилмоқ айн. эътибор бермоқ. Мастон унга эътибор қилмай, отнинг очик қолган кўзларига қаради. А. Қаҳҳор, Мастон. Эътиборга олмоқ Ҳисобга олмоқ, назарда тутмоқ. Сен айтган икки нарса илмга маълум эканлигини эътиборга олсак, сен ўтказадиган тажрибанинг

асосий вазифаси мана шу саволга жавоб бериши. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Ўзга томонидан бўлган ҳурмат ҳисси; қозонилган ҳурмат; обрў, нуфуз. *Эътибори кетди. Эътибори йўқолди.* ■ Низомиддиннинг кўз олдида бу нотаниш одамнинг эътибори янада ошди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Гарчанд баъзи жойда топдим эътибор, Кўксимда нелардир таратур зиё.* А. Орипов.

Эътибор қозонмоқ (ёки топмоқ) Обрў-ҳурматга эга бўлмоқ, яхши ном чиқармоқ. [Ҳожил] *Нормуҳаммад қушбеги олдида ундан ҳам юқориқ ва маъналийроқ эътибор қозонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тошкент чаманзор — Бутун халқ олдида топди эътибор.* Х. Расул. **Эътиборга тушмоқ** Кишилар эътиборини тортиб, ўзига жалб қилмоқ. *Кейинчалик устод Қавом эътиборига тушиб, унинг тавсияси билан Мирзодан иш олган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эътибордан қолмоқ** Кўпчиликнинг диққат-эътиборини йўқотмоқ. *Агар юлғичликни ташламансангиз, халқ эътиборидан қолиб, шарманда бўласиз.* «Муштум». **Эътибори билан Жиҳат(и)дан, кўра.** *Бадий таржима моҳият эътибори билан халқлар ўртасида олтин кўприқдир.* Х. Ёлгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

3 Эътибор (хотин-қизлар исми).

ЭЪТИБОРАН [а. *اعتبار* — ҳурмат ёки ишонч юзасидан; =дан бошлаб, ҳисоблаб] кўм. (ч.к. билан) Пайт ёки макон (жой) билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, пайт, макон муносабатини ифодалайди. *Ёнғоқдан эътиборан сойга тушгунча кўндаланг згати алоҳида тахта бошланади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ота-она фарзандини туғилган кунидан эътиборан парваришлаб, ювиб-тараб.. катта қилади.* Газетадан.

ЭЪТИБОРЛИ 1 Эътибори, обрўси, нуфузи бўлган, сўзи ўтадиган; нуфузли, ишончли, мўътабар. *Қишлоқнинг эътиборли кишилари.* ■ *Ашула тугагач, эътиборли бир одам келин билан куёвни қутлаб, бахт ва тотувлик, ували-жували бўлишни тилади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Эътиборга лойиқ; арзирли. *Шайх Ҳамзага бир ўқрайиб қаради-ю, лекин эътиборли гап айтишга ўзида куч тополмади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭЪТИБОРСИЗ 1 Назар-писанд қилмайдиган, бепарво; менсимайдиган. *Мен бу диссертация деб худбин бўлиб кетдим, сенга*

эътиборсиз бўла бошладим. А. Мухтор, Чинор. *Анвар ўлтирар экан, эътиборсиз қўл силтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Назар-эътибордан қолган, обрўсини йўқотган, нуфузи йўқ, обрўсиз. *Эл олдида эътиборсиз бўлиб қолмоқ.*

ЭЪТИБОРСИЗЛИК Эътиборсиз муносабат, эътиборсиз бўлиш, эътиборсиз ҳолат; бепарволик. *Қораилон ўз орқасида ўғил болача кийиниб, тик турган Бадийни пайқамади.* Бу Қораилоннинг биринчи эътиборсизлиги эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭЪТИДОЛ [а. *اعتدال* — хушқоматлик, адиллик; мўътадиллик, ўрта даража; бир текисдалик, мутаносиблик] эск. кт. Бир текисдаги, мўътадил ҳолат, мувозанат. *Анварнинг кўнглидаги қоронғилик ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан чиқиб, ўғри кишидек атрофга қарана бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭЪТИМОД [а. *اعتقاد* — таянч, суяниш; ишониш, ишонч] **1** Самимий, тўғри, одил деб ҳисоблаб, қаттиқ ишониш, шунга асосланган ишонч. *Агар ҳақиқатни айтилса, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга эътимод қилмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Кўз тутилган, ишонилган кимсадан қутилган, унга боғланган умид, ишонч. *Биз келажакка ишонган улуғ халқмиз. Шунинг учун ҳам ёшларга эътимодимиз катта.* ■ *Эндиликда чол-кампир топган-тутганини Топилга атаган, бутун эътимодини шу кенжа ўғилга қўйган.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

ЭЪТИМОДЛИ Эътимод қилса, ишонса бўладиган; ишончли. *Ҳусайн Бойқаро.. эътимодли саркардалар билан қуршалган ҳолда борар эди.* Ойбек, Навоий.

ЭЪТИМОДНОМА [эътимод + нома] эск. Ишонч ёрлиғи, ваколатнома, ваколат ҳақидаги расмий ҳужжат. *Эли эътимодномасини топширди.*

ЭЪТИРОЗ [а. *اعتراض* — йўлни тўсиб қўйиш; қарши ҳаракат; қаршилик, келиш-маслик] Бирор нарса, таклиф, иш-ҳаракат ва ш.к. га қарши фикр; қаршилик, норозилик. *Қатъий эътироз. Бу таклифга эътироз борми? Эътироз билдирмоқ. Эътироз қилмоқ.* ■ *Муҳаммад Расул хўжайиннинг кайфи ўзгаргани учун ўйлаган эътирозини айтишга ботинмай турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бемаслаҳат ҳеч кимнинг фикрига эътироз билдирмайди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭЪТИРОЗЛАНМОҚ кам қўлл. Эътироз билдирмоқ. -*Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ, — деди Ҳомид эътирозланиб.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЭЪТИРОЗСИЗ Эътироз билдирмай ёки билдирилмай; сўзсиз. *Эътирозсиз «хўп» деди. Кун тартиби эътирозсиз қабул қилинди.*

ЭЪТИРОФ [а. اعتراف — таниш, тан олиш; иқрор бўлиш, бўйнига олиш; тавба] Бирор гап, фикр, иш-ҳаракат ва ш.к. ни тўғри, ҳақиқат деб билиш, қабул қилиш. *Ҳақиқатни эътироф қилмоқ. ■ У бу эътирофни кўзлари билан, термилиб боқишлари билан жуда аниқ билдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Эътироф этмоқ (ёки қилмоқ) Тан олиб тасдиқламоқ. *«Кошинга шошадиған еримиз йўқ», деб корфармо жаноблари хато қилганлар, буни эътироф этамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..Миродилнинг табдилри ва оқил бир шахс эканлигини эътироф қилиб, унинг бутун талаб ва табдилларини тўғри топдилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЭЪТИҚОД [а. اعتقاد — ишонч, ишонини; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак] 1 Қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш. *Эътиқодга кўра, чинор мингга кирган соати ўзидан-ўзи ёниб кетиши керак экан.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди, дунёқарашни бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч; ишонч ва ихлос билан қараш. *Жўрабой отанинг командир йигитга эътиқоди ўн чандон ошди.* Ҳ. Ғулум, Машғал. *Омон отада билимга, илғор усулларга эътиқод жуда баланд.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Худого ёки умуман бирор ғайритабиий кучга ишонини; имон. *У ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозни ҳам канда қилмайди, рўзани ҳам.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Эътиқод қўймоқ Эътиқод билан муносабатда бўлмоқ, боғланмоқ. *Ерни севган, унга эътиқод қўйган деҳқон мўл ҳосил учун курашни эрта куздан бошлайди.* Газетадан. *Сиз у билан синашта эмассиз-ку, эътиқод қўйишингизни қаранг.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

ЭЪТИҚОДЛИ Ўз эътиқодига эга, эътиқодида мустаҳкам. *Эътиқодли кишилар.*

ЭЪТИҚОДСИЗ Эътиқоди йўқ, эътиқод қўймайдиган.

ЭЪТИҚОДСИЗЛИК Эътиқоди йўқлик, эътиқод қўймаслик. *Эътиқод Али Қушчини инсон ва олим сифатида улуғласа, эътиқодсизлик мавлоно Муҳиддинни тубанлик жарига ирғитади.* «ЎТА».

ЭҲ унд.с. 1 Завқ-шавқни, қувончни, шодликни билдиради. -*Эҳ! — деб юборди Сангин ўз ўйидан ўзи завқланиб.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ям-яшил ўтов ичра ясаб бир ҳужра, Қўйсанг агар патефон.* Эҳ. роҳатижон. Х. Салоҳ.

2 Афсусланиш, ачиниш, ўкинч ёки пушаймонни билдиради. *Эҳ, бу дунёнинг иши-я! На хотин! На кулба!* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Эҳ, аттанг, орзулар учди ҳавога.* Я. Курбон, Меҳрим ва қаҳрим.

ЭҲА унд.с. Ажабланиш, таажжуб ёки қувонч, шодликни билдиради. *Эҳа, олиб келдингизми, ниҳоят!* ■ *Эҳа, сиз ҳали хотинларнинг гапини кўтариб келдингизми бу ерга.* Қиҳ-қиҳ, э омон бўлинг-э! П. Турсун, Ўқи-тувчи.

ЭҲЕ айн. эҳа.

ЭҲЗОН [а. احزان — хафалик, маъюслик; қайғуриш, ғамга ботиш]: *кулбаи эҳзон поэт.* Ғамхона, ғам-ҳасрат уйи, қайғу ҳукм сурган кулба. *Бир боқмаганин ҳоли паришонима сўзлаб, Бир келмаганин кулбаи эҳзонима айтинг.* Ҳ. Ғулум, Машғал.

ЭҲРОМ I [а. احرام — мусулмонларнинг ҳаж даврида муқаддас ҳудудга кириши ва эҳром кийиши] 1 Маккага ҳаж сафарига отланган кишиларнинг маълум вақт давомида баъзи нарсалардан фойдаланишдан (мас., атир сепиш, соқол-мўйлов, тирноқ олиш ва б. дан) ўзини тийиши.

2 Ҳажга борувчиларнинг махсус кийими: нина тегирилмаган икки парча қалинроқ газлама (мас., бўз)дан иборат бўлиб, бири бўйин ва чап елкага, иккинчиси белдан пастга ўралади.

ЭҲРОМ II [а. اهرام — «пирамида» (هرم) с. нинг кўпл.] 1 айн. пирамида 1, 2.

Миср эҳромлари Қадимги Миср фиръавнларининг пирамида шаклида қурилган катта тош сағаналари. *Мисрнинг кўкўнар эҳромларини Қай куч қилди кекса Памирга йўлдош.* Зулфия.

2 Пирамида шаклидаги бино, иншоот, масжид, мақбара. *Замонлар ғубори чўкиб,*

бутун заъфарон тошлари қарая бошлаган Чашмаи Аюб эҳроми соясида эски шаҳар бозори жойлашган эди. О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЭҲСОН [a. احسان — яхшилиқ, самимийлик, мурувват; бирор нарсани ҳада қилиш; хайр-садақа] 1 Хайрли, савобли иш, кори хайр; эзгулик. Бахил эҳсондан қочар, хасис — меҳмондан (қочар). Мақол. ■ Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ чойи қурсин, Хайри йўқ, эҳсони йўқ бойи қурсин. «Фольклор».

2 дин. Худо йўлига бериладиган зиёфат, хайр-садақа, хайр-саховат, хайр-эҳсон, худойи. Кошки ул хайри эҳсон бергувчи зотлар берадиган бир парча читларини миннатсиз, озорсиз берсалар. К. Яшин, Ҳамза. Юзини соқол босиб кетган қаландар эҳсонни тезда кашкулага жойлаб.. узок дуо қилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Умуман, ҳада, инъом. Эҳсон бермоқ. ■ [Машшоқ] Отабекдан катта-катта эҳсонлар кўргани учун, вақтнинг кечлигига ҳам эътибор қилмай, кирган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёзнинг эҳсони, олинглари, азиз меҳмонлар! Ойбек, Улуғ йўл.

4 Эҳсон (эркаклар исми).

ЭҲСОНЛИ 1 Хайрли, савобли ишларга доим тайёр, шундай ишларни кўп қилиб турадиган.

2 дин. Кўп хайр-эҳсон, худойи қилиб турувчи; художўй.

3 Саховатли, қўли очиқ.

ЭҲТИДО [a. اهتمام — тўғри йўлни қидириб топиб олиш ва шу бўйича йўналиш, бориш] Тўғри йўл билан бориш; оғмаслик.

ЭҲТИЁЖ [a. احتياج — муҳтожлик; зарурият, талаб, ҳожат] Бирор нарсага бўлган талаб; ҳожат, зарурат, зарурият, муҳтожлик. Эҳтиёж сезмоқ. Маданий-маиший эҳтиёжларни қондирмоқ. Ортиқча изоҳга эҳтиёж йўқ. Унинг пулга эҳтиёжи йўқ. ■ Бора-бора чўл саҳрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи оша борди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Кўзларим айлар ҳамини Арзи муҳтожлик сенга, Айт-чи, жоним, борми сенда Кўз ёшимга эҳтиёж? Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЭҲТИЁТ [a. احتياط — сақланиш, эҳтиёткорлик; захира] Номақбул нарса, таъсир ва ш.к. дан сақлаш (сақланиш), унга йўл қўймасликка қаратилган чора, тадбир; хатти-ҳаракат. Ҳовлисида ёки эшигига яқин

очикроқ ерда эҳтиёт юзасидан оғзи тор, ичи кенг бошпана қовланган. Шухрат, Шинелли йиллар.

ЭҲТИЁТ БЎЛМОҚ 1) эҳтиёт чораларини кўриб иш тутмоқ, эҳтиёт ҳолатни сақламоқ. Ирода билан эҳтиёт бўлиб сўзлашиш.. кераклигини тушунарди Аҳмад. Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) огоҳлик, зийраклик билан, авайлаб сақламоқ. Укаларингга эҳтиёт бўл, доим кўз-қулоқ бўлиб тур. Эҳтиёт тутмоқ айн. эҳтиёт қилмоқ, эҳтиётламоқ. ..ўзингни эҳтиёт тут. Эҳтиёт қилмоқ 1) эҳтиёт чораларини кўриб сақламоқ, эҳтиётламоқ. Қиз — биллур қадаҳ, эҳтиёт қилмасанг, қўлингдан тушиб кетади. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) тежамор, тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қилмоқ. Ўқни эҳтиёт қил! Мўлжални аниқ ол! Ҳ. Фулом, Машғал; 3) авайлаб сақламоқ, бекитиб қўймоқ. Хужжатларни эҳтиёт қилмоқ. ■ Йигитлар тилло тангаларни кафтларига қўйиб томоша қилишди. Ундан кейин эҳтиёт қилиб, ёнларига солиб қўйишди. Мирмуҳсин, Меъмор. Эҳтиёти шарт Ҳар эҳтимолга қарши; эҳтиётдан. Сайфий, эҳтиёти шарт дегандай, қўйнига беш-олти газал қистириб келган. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭҲТИЁТДАН Эҳтиёт юзасидан, ҳар эҳтимолга қарши. Абдиларнинг бу томондан эшиги бўлмаса ҳам, Омил эҳтиётдан кузатиб турди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Пайти келганда Йўлчи бойларга.. қарши сўзлаб, мардикор бермасликка ундаб, эҳтиётдан яна қичқириб қўяди: —Сара нон! Ойбек, Танланган асарлар.

ЭҲТИЁТКОР [a. + ф. احتياطكار — эҳтиётли, эҳтиёткорлик билан иш қиладиган] 1 Олдиндан эҳтиёт чоралари кўриб, эҳтиёт бўлиб, олди-кетини ўйлаб иш қиладиган, эҳтиёткорона иш тутадиган. Эҳтиёткор одам. ■ Ҳа, Рустамбек ҳар ишда эҳтиёткор. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қиладиган, исрофгарчиликка йўл қўймайдиган; тежамкор, режали. Эҳтиёткор бичиқчилар.

ЭҲТИЁТКОРЛИК Эҳтиётлик билан, эҳтиёт чораларини кўриб иш тутиш; мулоҳазакорлик. Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди.. айёр, муғамбир.. у юраксиз эмас, балки ҳар ишда эҳтиёткорликни маъқул кўрар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЭХТИЁТКОРОНА |а. + ф. احتياطكارانه|
— охиринаи ўйлаб, мулоҳазакорлик билан, эҳтиёт қилган ҳолда| Эҳтиёткорлик билан. эҳтиётлик билан, эҳтиёт бўлиб ёки эҳтиёт қилиб. *Эҳтиёткорона иш тутмоқ. Эҳтиёткорона муомала қилмоқ.*

ЭХТИЁТЛАМОҚ Эҳтиёт ҳолда тутмоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Хужжатларни эҳтиётлаб қўй. Ярани эҳтиётлаб боғламоқ. ■ Каникулда ишлаб топган пулига олган бир сидирга уст-бошини беш йил эҳтиётлаб кийди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. У балиқларни эҳтиётлаб, хашак устига қўйди-да.. яна нари кетди. Н. Фозилов, Дийдор.*

ЭХТИЁТЛИК айн. эҳтиёткорлик. Саудий ҳаддан ошиб кетди. Ундан эҳтиётлик талаб қилган Ёқубжон билан уришиб, уни «сотқин» деди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ЭХТИЁТСИЗ 1 Эҳтиёт бўлмай ёки эҳтиёт қилмай иш тутувчи; тадбирсиз. *Эҳтиётсиз бола. ■ Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 кам қўлл. Эҳтиёт қилмай, пала-партиш сарф қилувчи; режасиз, исрофгар.

ЭХТИЁТСИЗЛИК Эҳтиётсиз ҳолда иш тутиш; бепарволик, мулоҳазасизлик. *Бахтсиз ҳодисалар, кўнгилсиз воқеалар кўпинча эҳтиётсизлик оқибатида юз беради. Газетадан.*

ЭХТИЁТЧАН кам қўлл. айн. эҳтиёткор 1.

ЭХТИМОЛ |а. احتمال — бардош бериш; чидамлик; эҳтимоллик, мумкинлик| 1 Рўёбга чиқиш, амалга ошиш, юз бериш имконияти; мумкинлик. *Қани энди, ҳаётдаги саноксиз эҳтимолларнинг барчасига жавоб топиш мумкин бўлса. С. Кароматов, Олтин кум. Уни энг қаттиқ кўрқитган нарса — бу суратнинг босқинчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 мод. с. Балки, =са керак, бўлиши мумкин. *Унинг келиши эҳтимол. ■ Шербек ўшанда ҳол сўраб, эҳтимол, хато қилгандир. С. Анорбоев, Оқсой. Эҳтимол, хон табибни истаган пайтда топиш осон бўлсин, деб шундай қилгандир. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Ҳар эҳтимолга қарши Эҳтимол юзасидан. *Бели синган сарбоз.. ҳар эҳтимолга қарши, ерда ётган ўтқир қилични олди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЭХТИМОЛКИ мод. с. айн. эҳтимол 2.

ЭХТИРОМ |а. احترام — ҳурматлаш; иззат-ҳурмат| Юксак ҳурмат, иззат-икром. *Эҳтиром қилмоқ. Эҳтиром билан салом бермоқ. Зўр эҳтиром билан тилга олмоқ. ■ Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда. Газетадан.*

ЭХТИРОС |а. احترام — кучли истак, интилиш; зўр талаб| Зўр ҳис-туйғу, завқ, шавқ; жўшқинлик. *Эҳтирос билан гапирмоқ. ■ Эҳтирос туғён урганда, ақл чироғи хиралашади. Т. Жалолов, Олтин қафас. Севишганларнинг қалблари ширин-ширин толпингани-толпинган. Кўзларидаги мастона эҳтирос тумани оша бир-бирларини кўрадилар, холос. А. Мухтор, Чинор. Алимардон кўндан буён шу қадар эҳтирос билан куйламаган эди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.*

ЭХТИРОСЛИ 1 Эҳтиросга тўлган, оташин. *Эҳтиросли публицист.*

2 Эҳтиросни ифодалайдиган, эҳтирос акс этувчи; жўшқин. *Эҳтиросли сўзлар. ■ Унинг чўзинчоқ оқиш юзи ҳам эҳтиросли кўзлари.. сингари ички кечинмаларини узлуксиз акс эттиради. П. Қодиров, Уч илди.*

ЭХТИРОССИЗ Эҳтироси йўқ, эҳтиросдан холи, ҳиссиз. *Муаллиф шеър техникаси қоидаларини бузиш билан бирга, эҳтироссиз, мавҳум фикрларга ўралашиб қолган. Газетадан.*

Ю

-ю (унлилардан кейин) 1 юкл. Таъкид, кучайтирув билдиради. *Шу ҳам иш бўлди-ю!* *Узи кап-катта бола-ю, қилаётган ишини қара!* ■ [Мозорни бузишаётганда] *Ма-читнинг катта домлаларию райисполкомлару [райижроком раиси]. ўша ерда бўлишди.* Э. Раимов. Ажаб қишлоқ. *Буни қамаган минг-боши-ю, бу ҳезалак махсум мендам доман-гир.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 бркт. боғл. Уюшиқ бўлақлар ва гапларни бир-бирига боғлаш, бириктириш учун хизмат қилади. *Кечаю кундуз ишладик.* ■ [Ғуломжон] *Мадрасада айтган гапларим учун қасос олаяпти, деб ўйлади-ю, минг-бошига бориб арз қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дадаси уни четлаб ўтди-ю, уч қадамча нарига бориб, қўлидаги зонтигини очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг хаёлига янги фикр келди-ю, ҳозирча институтга боришдан воз кечди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 зидл. боғл. Зид маъноли эргаш гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Ўқийди-ю, мазмунига тушунмайди.* *Ишни бошлади-ю, битирмади.* ■ *Эштади-ю, нима тўғрисида сўз бораётганини фаҳмламайди.* А. Умар, Мухтор. *Буни Убайдулла ака тўйдан кейин билди.* *Билди-ю, хуноб бўлмади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЮАНЬ [хит.] Хитой Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЮБИЛЕЙ [лат. jubilaeus < қад. яҳ. jubel – кўй шохи] Бирор шахснинг туғилган кuni ёки бирор ташкилот, муассаса ва ш.к. нинг муайян йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим. *Шоирнинг*

80 йиллик юбилеи. Университетнинг 50 йиллик юбилеи. Юбилей йили. ■ *Шу кунларда шаҳримизнинг улкан тўйи – шонли юбилейини муносиб нишонлашга катта таратдуд кўриляпти.* Газетадан. *Юбилей комиссиясининг раиси – бош инженер Умрзоқ минбарга чиқди.* С. Аҳмад, Поччажон.

ЮБИЛЯР Юбилейи нишонланаётган шахс, ташкилот, муассаса ва ш.к. *Нотиқ ўз сўзининг асосий қисмини юбиярнинг илмий-ижодий фаолиятини чуқур таҳлил қилишга бағишлади.* «ЎТА». *Қуёш ўзининг сахий нурларини аямасдан юбияр республикамизга сочмоқда.* Газетадан.

ЮБКА [р. юбка < пол. jurа – аёллар кўйлаги < а. حَبَّة – ип газламадан қилинган кенг энгли кийим] Хотин-қизларнинг белдан пастки уст кийими, шунингдек, аёллар европача кўйлагининг белдан пастки қисми. *Шерсть юбка. Калта юбка.* ■ У [Фоти-ма] энгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Юбка ва белгача тушадиган свитердан иборат комплект кенг тарқалди.* Газетадан.

ЮБОРМОҚ 1 Нарса ёки кимсани бирор томонга ёки жойга йўлламоқ, жўнатмоқ. *Хат юбормоқ. Совға юбормоқ. Пул юбормоқ. Вакил юбормоқ. Беморни касалхонага юбормоқ.* ■ *Сиз, шаҳаншоҳ, ўша соати музаффарни тайин айлаб, биз қулларига хабар юборсалар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шоҳ-рух.. вилояту ўлкаларга кўпроқ ўз ўғилларини юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Куймоқ, киритмоқ. *Врач беморнинг венасига дори юборди.*

3 кўм. фл. өзф. **-(и)б** шаклли етакчи феъл билан қўлланиб, ҳаракатнинг тугал, кучли тарзда, кўққисдан бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Қизитиб юборди. Қичқириб юборди. Қўққитиб юборди. Йиқитиб юборди. Унутиб юборди.*

Жаҳаннамга юбормоқ Нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ. *- Пашша талаятими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз, қорачам! — пашшаларни эзиб давом этди Жўра. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЮВИБ-ТАРАМОҚ Ювинтириб, тараб парвариш қилмоқ, шу жиҳатдан аҳволига қарамоқ. *Ота-она фарзандини туғилган кунидан эътиборан парваришлаб, ювиб-тараб, эркалаб-суйиб катта қилади. Газетадан. Қўшилар савоб учун Малакнинг сочини боқиб, ювиб-тараб қўярди. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.*

ЮВИНДИ I Ювмоқ фл. ўзл. н., ўтг. зам., 3-ш. бирл. шакли. *Муздек сувга ювинди.*

ЮВИНДИ II I Қозон-товоқ, идишларни ювишдан чиққан, таом қолдиқлари аралаш сув. *Бора-бора Тўрткўзнинг увуллашлари аста-секин камайиб, ўзи эса ҳамма чиқариб берган ювиндиларни ичавериб, салда семириб кетди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Ювиндиларни сигир-бузоқларга беради. Ойдин, Ҳикоялар.*

2 кўчма Худди ювинди каби, жуда сифатсиз суюқ овқат, сарқит. *Эшигида ювиндисига зор бўлган полвоннинг давлатини бир кўрсин, куйиб ўсин! С. Аҳмад. Қадрдон даладар.*

3 Ювиш, ювинишлардан чиққан сув. *Паст-баланд қурилган хоналардан оққан ювинди сувлар пишиқ ғишлардан равоксимон шаклда ясалган тазар [канализация қувури] орқали чуқур обрезага [кир ўрага] келиб қуйилган. Газетадан.*

ЮВИНДИХЎР Бировларнинг ювиндиси, сарқити эвазига хизматини қиладиган шахс. *Энди келиб-келиб бировнинг сарқитини ейдиган бўлиб қолдингми? Энди ювиндиҳўр бўлиб қолдингми? Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. Ўртоқларинг сени, сен ювиндиҳўрни ҳамқишлоғимиз дегани ор қилишади! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЮВИНМОҚ Бутун аъзоларини ёки маълум қисмини ювиб тозаламоқ. *Ваннада ювинмоқ. Душда ювинмоқ. — У ечиниб, энди ювинаётган эди, эшик тақиллади. А. Қаҳҳор,*

Қўшчинор чироқлари. Фуломжон буларнинг ҳаммасини кўтариб, ҳовлига ювингани кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮВМОҚ I Сув (баъзан спирт, керосин ва ш.к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кетказмоқ. *Бетни ювмоқ. Қўлни совун билан ювмоқ. Идишларни ювмоқ. Ярани спирт билан ювмоқ. Узумни ювиб емоқ. — Тўртинчи косани олиб кириб кетгандан сўнг, Ҳаёт қозонни ювди-ю, қопқоғини ёпиб, кириб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Баҳор ариқ бўйига ўтириб, помидор, бодринг ва пиёз ювди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. [Эрали] Отларни.. ювиб, тараб, эгарлаб, юганларди. «Эрали ва Шерали».*

Кир ювмоқ Кир бўлган кийим ҳамда дастурхон, сочиқ, чойшаб каби рўзгор буюмларини кир кетказувчи воситалар (совун ва ш.к.) билан сувда ишқаб тозаламоқ. *[Ойимхон] Очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақиқага бир коса кепак олиб, нон қилиб еган. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Оқизиб олиб кетмоқ, ўпириб ёки ўйиб кетмоқ. *Ёмғир девор сувақларини ювиб кетди. — Сув нов остини ювиб кетяпти. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб. Файратий.*

3 қ.х. Тупроқ шўрини кетказиш мақсадида далага сув қўймоқ; яхоб бермоқ. *Шўр ерларни қишда уч-тўрт марталаб ювдик. — Бу ерни текислашга ҳам, шўрини ювишга ҳам эҳтиёж йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

4 с.т. Эришилган ғалаба, муваффақият ёки бирор яхши нарсанинг қўлга киритилишини зиёфат билан нишонламоқ. *- Оғайнилар, энди.. кечирасизлар, — деди Сангин плашининг чўнтагидан яримта ароқ чиқариб, — бу келганларинг ҳисоб эмас, кватирани алоҳида ювамиз. А. Мухтор, Туғилиш. Бобо амаким ҳам олтмиш йиллик тўйларини қилиб беришлари керак. Пенсияни ювмасалар бўлмайди. И. Раҳим, Тақдир.*

Гуноҳини (ёки айбини, доғини ва ш.к.) ювмоқ Эзгу иш, яхшилик, ибратли хатти-ҳаракат ва ш.к. билан ўзини оқламоқ; гуноҳидан холи бўладиган иш қилмоқ. *Маҳдумнинг бу сўзи юқоридаги гуноҳини ювгандай бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Кир*

ювди қ. кирювди. Қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқ (ёки тиқмоқ) Бирор кимса ёки нарсадан кўнгли совимоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Офтоб ойим эридан ҳам қўлини ювиб, қўлтиғига урган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮВОШ 1 сфт. Шўхлик қилмайдиган, тинч ёки жим юрадиган; беозор. *Ювош бола.* *Ювош от.* ■ *Мусулмонқул.. қўй каби ювош Тошкент ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек зolimни белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дадам жуда ювош, ширинсўз чол эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрагингиз дарё-да, ойи! Ёки синфга нуқул ювош, ақллиларини териб олганмисиз-а!* Ҳ. Назир, Опахонимиз.

2 рвш. Беозор тарзда. *Зайнаб ювошигина кулиб, қизариб, чамадончасини кўча ўртасига қўйди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қамчи жаҳлидан тушиб, Мавлон акага яхши шогирдлардек ювош боқди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЮВОШЛАНМОҚ Ювош бўлиб қолмоқ, аччиғидан тушмоқ. *Бу от анча ювошланиб қолди.* ■ *-Чиқ, яқинроқ ўтир, гап кўп, — деди ювошланиб чол.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЮВОШЛАШМОҚ айн. ювошланмоқ. *От ювошлашди.*

ЮВОШЛИК Ювош хислатга эгалик; беозорлик. *Озгин, лекин бақувват уста Замоннинг ювошлиғи.. меҳнатсеварлиги солдатларга ёқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг тўғрилиғи, ювошлиғи Норбувининг онасига ёқиб қолиб, ўз қизини «арзон-гаровга» тўй қилиб берди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮВУҚЛИ Ювилган, тозаланган, тоза. *Ювуқли идишлар. Ювуқли кир. Косалар ювуқлими?*

ЮВУҚСИЗ 1 Ювилмаган, кир, ифлос. *Ювуқсиз идиш. Ювуқсиз сочиқ. Қўли ювуқсиз бола.* ■ *Укишининг [Бобохоннинг] зарбидан кўрққан баъзи муллаваччалар.. бетлари ювуқсиз ҳолда дарсларини такрор қила бошлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ерўчоқ алдида даста-даста ювуқсиз лаганлар ётарди.* С. Аҳмад, Пойқадам. *-Кир-чир ювуқсиз қолмасин, вақти бемаҳал иссиқ томоқсиз қийналмасин, деб раҳмим келганидан теккандим бунга, — деди Сабоҳон.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 кўчма Ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайдиган; попок. *Мана шунақа ювуқсизларнинг гапига ишониб, йўқ нарса учун билмасдан*

хафа бўлиб юрадим! Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

ЮВҒУЧИ Мурдани ювиб кафанловчи шахс; гассол, мурдашўй. *Наби ака Қодир-жоннинг иягини малла бўз белбоғи билан боғлаб, ювғучи Салоҳиддинхўжа ва Мамажон гўрковнинг уйига қараб жўнади.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

ЮГАН 1 От, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган, сувлиқ, тизгин ва қайиш тасмалардан ясалган абзал. *Ойқиз бўлса.. бир қўли билан юганни ушлаб, отни бошқарарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отларни оғилга боғладилар, юганларининг сувлиқларини чиқариб, олдиларига кўк беда солдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮГАН 2 Гули сарик, баланд ўсадиган кўп йиллик ўт.

ЮГАНЛАМОҚ 1 От, эшак каби уй ҳайвонларининг бошига юган солмоқ, юган урмоқ. *Тойни юганламоқ.* ■ [Эрали] *Отларни ювиб, тараб, эгарлаб, юганларди.* «Эрали ва Шерали».

2 кўчма Ўз измига бўйсундирмоқ, бошқармоқ. *Асов дарёларни юганламоқ.* ■ *Яйдоқ бўз ҳам маданий, Биз уни юганладик.* Ф. Фулом.

ЮГАНЛИ Югани бор; юганланган. *Юганли от.* ■ *Ҳукмдорнинг бир чокари Ибн Синога зар ёқали тўн кийгизиб, кумуш юганли арабий отни кўндаланг қилди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЮГУРГИЛАМОҚ с.т. Тез-тез югурмоқ, чопқилламоқ. *Йигитлар югургилаган боланинг орқасидан кичкина кўчага қайрилишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёрмат билан Нормат югургилаб, суюнчига чиқиб кетишди.* А. Мухтор, Чинор.

ЮГУРДАК 1 Бировга хизмат қилиб турадиган шахс; хизматкор, малай. *У [Йўлчи] сўрамаса ҳам, чойхоначининг югурдаги чой қўйиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ибодилла, бой боласи бўлгани билан, отасининг югурдаги, холос.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Ёрдамчи, дастёр. *Мана, ойим, сизга яна бир дастёр — югурдак топиб келдим.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

3 эск. Бирор идоранинг хат-хабарларини тегишли кишиларга ёки муассасаларга ташувчи ходим; хат ташувчи. *Мадраимни сельсовет [қишлоқ кенгаши]нинг ўша вақт-*

даги раиси районга олиб бориб, ижрокўм югурдаги қилиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 салб. Бировнинг буйруғини ёки топшириғини хушомадгўйлик билан бажарувчи; лаганбардор, малай. *Амалдорларнинг югурдаклари кўча-кўйларда одам ўлдиришга киришдилар.* С. Айний, Жаллодлар.

5 айн. югурик 2. Югурдак оёққа кавуш топилар. Мақол. ■ *Гулшан дегани шаккокроқ, тили югурдак, ўзи зийрак-туйғун.. эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮГУРДАКЛИК Югурдак иши, вази-фаси. *Йўлдаги азоб-уқубат, дастёрлик, югурдакликдан тинкаси қуриган Дўснат ака Кобулга етганда, қаттиқ касал бўлиб, тўсатдан вафот этди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Кўчада қолган.. бировнинг хизматида югурдаклик қилувчи болалар озмунча эмасди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

ЮГУРИК 1 Тез югурадиган, чопадиган; чопқир, чопағон. *Кепак еган от югурик бўлмас.* Мақол. ■ *Чўлоқ одам учун хизматкорлик қийин, боёқиш Қамбар бу камчиликни билдирмаслик учун югура-югура югурик бўлиб қолганди.* Ойбек, Танланган асарлар. *– Ҳаёт мисли бир югурик дарё, оқди-кетади, сурган кайфу сафонгиз қолади, – кув кўзларини сузиб илжайди Эшонхон.* Ойбек, Улуғ йўл. *Икков миниб тулпор отти, Чоғмоққа ҳаваси кетди, Кимнинг оти югурик, деб.* «Эрали ва Шерали».

2 Илдам, тез ҳаракат қиладиган; чаққон, тез (оёқ, қўл, тил ҳақида). *Югурик бармоқлар.* *Югурик оёқ.* *Қўл югуриги – ошга, Тил югуриги – бошга.* Мақол. ■ *У [Абдишукур] болалик чоғида дадаси билан бирга янги шаҳарда резавор сотиб юргандаёқ, русчага тили югурик бўлиб қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ақли югурик Бирор масалани тез тушунадиган, тез ҳал қила оладиган; фаҳмли. *– Не-не ақли югурик донишлар жон бермаган бу йўлни солгунча.. – деди бува.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЮГУРИШ 1 Югурмоқ фл. ҳар. н. *Сиз лол деса, ола қоп олиб югуриш ўрнига, ана шунақа иғвогарларни тутиб беришларингиз керак.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 срт. Йирик ва илдам қадам билан олға томон тез ҳаракат қилиш; чопиш. *Қис-*

қа масофага югуриш. Узоқ масофага югуриш. Югуриш мусобақаси.

3 с.т. Бирор ишни амалга ошириш ёки рўёбга чиқариш учун уриниш, югуриб-елиш, ҳаракат қилиш. *Шунча югуришлар бекорга кетди. Унинг югуришларидан бирор натижа чиқмади.*

ЮГУРМОҚ 1 Ирғишлаб, бирор йўналишда тез ҳаракат қилмоқ; чопмоқ. *Бор кучи билан югурмоқ. Бола югуриб, тепаликка чиқди.* ■ *Шу маҳал бир тўда бола чуғурлашиб, гузар томонга югуриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнор билан Унсин танчада ўтириб, бир-бирига меҳрибон эгачи-сингилдай сўзлашаркан, болалардан бири югуриб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 срт. Югуриш билан шуғулланмоқ; югуришда қатнашмоқ. *Қаердадир музыка янграр, майдон четидаги йўлчаларда майкачан қизлар югуришарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қўлоқ сол.

3 кўчма Бирор иш ёки мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқ; ҳаракатида бўлмоқ, уринмоқ. *Уқийнинг кетидан югурмоқ.* *Югурганники эмас, буюрганники.* Мақол. ■ *Раис Умурзоқ отага ўхшаш обрўли, тажрибакор пахтакорларни қўлга олиш ниятида озмунча югурмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Бирор жой, томонга ошиғич, тез ҳаракатда бўлмоқ, йўл олмоқ. *Бугун Гавҳарнинг телеграммасини олиш билан вокзалга югурди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қўлоқ сол. *Бу Отабекни Тошкентдан уйлантириб, бошини боғламасак, кун сайин унинг Марғилон югуришидан қутула олмасмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 кўчма Тезлик билан ҳаракатланмоқ (сув, шамол кабиларнинг ҳаракати ҳақида). *Қишлоқ ўртасидан ўтадиган икки сой тошлардан тошларга урилиб, кўпириб, узоқ пахта далаларига қараб югуради.* Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. *Мирзачўлнинг оч бағрига Югурганда Сирдарё ўйлаганми эди шундай Чаманлар яратишни.* Т. Тўла.

6 кўчма Пайдо бўлмоқ, намоён бўлмоқ, кўринмоқ (бирор хусусият, белги, ҳолат ва ш.к. ҳақида). *Унинг юзига қон югурди.* ■ *[Ибн Сино] Назари сатрлар оралаб йўргаларкан, ер остидан хазина топган кишидек, қўллари аста титрайди, юзига ғалати*

табассум югуради. М. Осим, Китобга ихлос. Малоҳат Каримованинг юзларига қизил югурди, юзидаги кулдиргичлар хуснига хусн кўшиди, кўзлари чарақлаб кетди. Ойдин, Асл ёр. Энди ҳар икковининг ҳам юзига жиддият югурди. Ҳ. Шамс, Душман.

ЮГУРТГИРМОҚ 1 Югурмоқ фл. орт. н. Бир оз шамоллаб юргани учун касалхонага одам югуртирди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 Ҳаракатлантирмоқ, юритмоқ. Бир эрта уйғониб, калламга қўл югуртирсам, сочларим остида яра-чақа уч берибди. «Ёшлик». Пахтакорлар эгатларга сув югуртириб, жуёқларни юмшатиб олдилар. «Ўзбекистон кўриқлари».

Ақл югуртирмоқ Ақлни ишлатмоқ. «Иштанларингиздан кўпининг моҳиятига ақл югуртириб кўрмаган бўлишингиз мумкин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўз югуртирмоқ** Қараб чиқмоқ, кўздан ўтказмоқ. У қуёшдан кўли билан кўзини тўсиб. болаларга кўз югуртириб чиқди. С. Зуннунова, Янги директор. —Шоирман денг?! — қоровул қизиқсиниб, унга қайта бошдан кўз югуртирди. Н. Фозилов, Шонли авлод.

3 Сиртига бирор нарса бермоқ; юритмоқ; таъминламоқ. Узукка олтин суви югуртирмоқ. ■ Дўппининг олдин ипак югуртирилган гуллари ўрнида турли ипаклар билан тикилган мукамал гуллар пайдо бўлган сайин, у ўз ишидан завқланарди. К. Яшин, Ҳамза.

ЮГУРТМОҚ айн. югуртирмоқ. Тозилар югуртиб, тоққа чиқардим.. «Муродхон». Қози домла қўлларини ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сартарош.. секин «бисмилло!» деганича, устарани Миркаримнинг бошдан чаққон югурта кетди. Ойбек, Болалик. Йўлчи атрофга кўз югуртиб, ошхонага кирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЮГУР-ЮГУР Бирор оғир ва шошилиш ишни амалга ошириш вақтида юз берадиган оворатарчилик, ҳовлиқиб у ёқдан бу ёққа чопиш; чоп-чоп. Шунча югур-югурдан ҳеч қандай натижа чиқмади. ■ Кўчада югур-югур, шовқин, итлар вангиллаган, товўқлар қийқиллаб қочган. А. Қаҳҳор, Башорат.

ЮЗ 1 1 Одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши; бет. Чўзиқ юз. Қизил юз. Қулча юз. Юзини юямоқ. ■ Бошқа-

лар бўлса, Ниёз қушбегининг сўзидан кейин.. ҳожининг юзига тикилган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизгин бўғувчи ҳаво юзга уради. Ойбек, Танланган асарлар. Канизак.. дуррасининг учи билан юзини бекитиб, тескари ўгирилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Инсон бетининг у ёки бу томони; ёноқ. Раъно супага оёқ солинтириб ўтириб олди. Кампир уни кўриб, аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юздан, бу юздан ўпди. А. Қаҳҳор, Кўк конверт. Унинг юзларида, дудоқларида йигитнинг юрагини эритувчи бир табассум ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. ..бу йигитнинг сурати.. ўнг юзидаги қора холи Шаҳзодага уйқу бермай қўйди. К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор нарсанинг устки томони, юзаси; сирт, сатҳ. Қир юзини лолалар қоплаган. Кўк юзини булут босди. Ойнинг юзида ҳам доғ бор. Мақол. ■ Мана, икки ойнинг ичида яйдоқ дала юзи ям-яшил ғўза ниҳоллари билан қопланди. Газетадан. Деразаларга урилган ёмғир парчалари ойна юзини ювиб.. пастга оқарди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. ..унинг қор юзида жимирлаб ўйнаши кўзни қамаштирарди. Ҳ. Шамс, Душман.

4 Айрим нарсаларнинг у ёки бу томони, тарафи, қирғоғи. Кўчанинг икки юзида қатор уйлар. ■ -Дарёнинг бул юзида қолиб, ул юзидаги ёрига етолмай қақшаган бадбахт ошиқ шўри бошимда, — деди Ғуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мусулмонқул Чирчиқ бўйига келиб етганда, қушбеги бошлиқ Тошкент йигитлари ҳам сувнинг бериги юзида кутиб турган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Обрў, эътибор; юз-хотир. Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар. Мақол. ■ [Юсуфбек ҳожи:] Ҳар ҳолда ҳурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Кесиш ёки чопиш асбобларининг тиғи. Пичоқнинг юзи. Болтанинг юзи. ■ Гўрков кетмон урса, ер нақ тошдай, кетмон юзини қайирибди. Ойбек, Танланган асарлар.

7 мат. Текислик ёки сиртнинг чизиқлар билан ўралган қисми; сатҳ. Доиранинг юзи. Учбурчак юзи.

Ер юзи 1) ернинг юзаси, сирти. Мама-тов билан Бобоёровлар бригадасида шудгор қилиш ўрнига фақат ер юзи тирмаланган,

халос. «Муштум»; 2) бутун олам; дунё, жаҳон. *Тошкент ер юзининг турли жойларидаги биродарлашган шаҳарлар билан мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатган.* Газетадан. **Ер юзини кўрмоқ** Дунёга келмоқ, пайдо бўлмоқ. - *Бунинг ўз оти ўзи билан. Етти ойда ер юзини кўрди. Еттивой бўлади-да, - дебдилар [бувиш].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ёруғ юз билан** Ҳеч қандай камчилик ёки айбисиз ҳолда. *Баракали юк билан декадага отланиб, Яшин ёруғ юз билан хушнуд қадам ташлади.* «Муштум». **Юз амри ширин** Бет бетга тушиб турганда, юз-хотирга бориш, бирор иш, хатти-ҳаракатдан ўзини тийишни билдирувчи ибора. - *Тўғри, юз амри ширин-да! - Турсун ака жаҳл билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.* «Муштум». **Юз бермоқ** Юзага келмоқ; бўлмоқ. *Бу шу қадар тез юз бердики, Ҳафиз ҳам, унинг ёнида турган одамлар ҳам йиқилганидагина кўриб қолишди.* Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Асосий қурилиш ишлари кенг қулоч оттирилган бўлса, нега бундай ҳол юз бериши мумкин?! «Ўзбекистон қўриқлари».* **Юз кўрар этн.** Никоҳнинг эртаси куни кўрмана билан келин кўриш маросими. **Юз кўрсатмоқ** Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Ҳаёл гирдобда чўмилиб ётар, Унда юз кўрсатар яшнаган сароб.* Р. Парфи, Кўзлар. **Юз очмоқ** Намоён бўлмоқ, ўзини кўрсатмоқ. *Янги бир китобни варақлагандай, Кунлар ўтади-ю, юз очар баҳор.* Ё. Мирзо. *Машина кўп юрмай, дўнгликдан ўтди-ю, тамомила бўлак манзара юз берди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Юз тутмоқ** Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарса, ҳаракат, ҳолат сари йўналишни билдиради. *Инқирозга юз тутмоқ. ■ Гулханий феодализм тузумининг тушқунликка юз тутган бир даврида Қўқон хонлигида яшади ва ижод этди.* «ЎТА». *Юракларни қаттиқ уйнатган ҳовлиқиш дамлари ўтди, энди нафас унгланишга қараб юз тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Юз ўғирмоқ** 1) *айн. юзини ўғирмоқ.* - *Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, - деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди.* А. Қодирий. *Ўтган кунлар;* 2) *алоқани узмоқ; кечмоқ. Агар яна бир оғиз сўз айтсанг, мен сендан юз ўғираман!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қариндошларимиз ҳам дадамдан юз ўғиришган. Пияниста дейишади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юзи ёруғ** Ишфаолият, хатти-ҳаракатида камчилиги ёки айби йўқ ҳолатли. *Хирмонимиз баракали бўл-*

са, давлатимиз, халқимиз олдига юзимиз ёруғ бўлади. Газетадан. *Эшитдим. Ҳайтовур, бечора қизнинг юзи ёруғ бўлди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Юзи йўқ** Орномуси, уяти йўқ; бетсиз. *Шу тобда Мирбадал кўзимга кўринармиди-я. Юзи йўқ экан!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Юзи чидамаслик** Орияти йўл қўймаслик. *Ҳадеб ишдан жавоб сўраб келаверишга юзим чидмай қолди.* «Муштум». *Содиқжон бойвачча «уч таноб ер, катакдек чорбоғ»ни анчадан бери кўз остига олиб юрар, лекин бунди Пулат отага айтишга юзи чидмай келарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Юзи шувут қ. шувут.** *Энди юзи шувут, нима қилишини билмай ўтирибди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина. **Юзи қора** Айбдор, гуноҳкор ҳолатли. *..ўз жони ва икки боласини деб, икки лочинни тутиб берса, юзи қора бўлиб, эл ичида қандай бош кўтариб юради кейин.* К. Яшин, Ҳамза. **Юзи курсин** Нафрат, ҳазар ифодаловчи ибора. *Ёмоннинг юзи курсин.. Юзига айтмоқ* Шаҳсан ўзига очиқ, рўйирост айтмоқ. *У. мажлисларда кимнинг айби бўлса, шартта юзига айтмаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳозир ўзлари бўлганда, юзларига айтар эдим.. Яхшиси, халақит бермасинлар.* Н. Сафаров. **Юзига ёпиқ** Қулф ёки бошқа нарса билан маҳкамланмай беркитиб (ёпиб) қўйилган (эшик, дераза кабилар ҳақида). *Бурчакда, ердан икки ярим газлар юксакликда кун ботишга қаратиб қурилган иккита кўримсиз бир бетли эшиклар юзларига ёпиқ ҳолда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юзига ёпмоқ** (ёки бекитмоқ) Қулфламай ёки бошқа нарса билан маҳкам (очилмайдиган) қилмай беркитмоқ (ёпмоқ). *Ювош гийқилатмасликка ҳаракат қилиб, деразани юзига ёпиб қўйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..тувоқни ёпиб, куча эшикни юзига бекитди-да, супага чиқиб, омонатгина ёнбошлади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Юзига оёқ қўймоқ** (ёки тирамоқ) қ. оёқ. **Юзига солмоқ** Таъна, миннат тарзида ўзича гапирмоқ. *Уни юз-хотир қилмай, золимлигини дангал юзига солишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ваҳолонки, одамлар эсида сақлаб юраркан. Йиғиб юриб, юзингга соларкан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Юзига қарамаслик** (ёки бормаслик) Ўзгага бериш, сарфлаш ва ш.к. да аяб, ҳисоблашиб ўтирмаслик. *Барака топ, айланай, йигит деган шунақа мард бўлса.*

Беш сўм, ўн сўмнинг юзига қарамаса! О. Ёқубов, Тилла узук. Булар бир тийин, икки тийин, беш тийиннинг юзига қарамай, чойга, нонга.. ортиқча пул тўлаб кетар эдилар. Ғ. Фулом, Шум бола. **Юзини ерга қаратмоқ** Юзи шувут ҳолга солмоқ, ор-номусдан хижолатли ҳолга туширмоқ. *Ватаннинг амри шу, бурчингни бажар, Охири юзимни ерга қаратма!* Ғайратий. *Ҳасан аканинг юзини ерга қаратадиган бўлдиқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юзини кўрмоқ** Ўзи бириқиб келган сўз аңлатган нарса, жой ва ш.к. да пайдо бўлмоқ, кўринмоқ маъносини билдиради. *Дунё юзини кўрмоқ.* ■ *Лермонтовнинг рус драматургиясининг ажойиб дурдоналари ҳисобланган сахна асарлари фақат бир неча ўн йилдан кейингина сахна юзини кўрди.* Газетадан. **Юзини ўғирмоқ** 1) юзини бошқа томонга бурмоқ. *-Сизнинг олдингизда ечинайми? -Уялсангиз, мен юзимни ўғириб турарай.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) айн. юз ўғирмоқ. *Авом улардан юзини ўғирган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фақат кечагина юзини ўғириб олган бу ситамкор бахт Мадумар оиласига тўлиб-тошиб, қучоқ очиб келди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Қайси юз билан** Уялмай-нетмай, қандай қилиб. *Энди қайси юз билан халққа қараймиз?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ундоқ бўлса, бу ерга қайси юз билан келади?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮЗ II снқ. сон I 100 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Юз қадам. Юз сўм. Юз дона қилам. Бундан юз йил илгари. Юз даражали термометр. Юздан бир қисм. Юзгача санамоқ. Мингни юзга бўлмоқ.* ■ *Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз. сўм ҳам пул.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. Кўп, кўп марта. *Мард бир ўйлар, номард юз ўйлар.* Мақол. ■ *Адолат юз изтиробда тўлганган қалбини енгди-ю, бошини кўтарди.* С. Зуннуова, Гулхан. *Йўлчи ўз онасидан юз марталаб эшитган гапларни Мирзакаримбой ҳикоя қила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮЗА I Бирор нарсанинг усти, устки қисми, юзи, бети; сирт, сатҳ. *Силлиқ юза. Сув юзаси.* ■ *Юзадан ярим метргача нам тупроқ, ярим метрдан кейин ботқоқ кўчади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кўшчиларнинг баланд иморатлари ҳовли юзасига ан-*

даккина офтоб туширарди, холос. Мирмуҳсин, Умид.

2 Атрофи очик, яланг; баҳаво. *Ҳожси уларнинг олдига — юзага чиққач, Офтоб ойим салом бериб, рўмоли билан томоқ остларини ўраб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Мана шу ёқ бир оз юзага ўхшайди, — деб аравакаш от бошини кўчанинг ўнг тарафига бурди.* Ойдин, Фонарь тагида.

3 рвш. Ер юзасига яқин, чуқур эмас. *Қизилқумнинг айрим ерларида тупроқ жуда юза ковланар, кўпинча агрегатлар харсанг тошларга дуч келиб, таққа тўхтаб қоларди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Кўпчилик майдонларимизда ер ости сувлари юза жойлашган.* Газетадан.

Юзага келмоқ 1) пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ; яралмоқ. *Камишқапада деворлари ганч сувоқ қилиб оқланган, қизил тунука томли бир бино юзага келди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) содир бўлмоқ, рўй бермоқ, келиб чиқмоқ. *Орада зиддият юзага келди.* ■ *Автобус ичида одамлар зич, ҳаво дим.. нафасни бўғадиган вазият юзага келган эди.* Газетадан. **Юзага чиқмоқ** 1) сиртида пайдо бўлмоқ, сиртга чиқмоқ. *Уларнинг ҳам жасадиди қум орасида ётади-да, бир кунни шамол бўлиб, уларнинг ҳам суяклари юзага чиқиб қолади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ер остида ётмасдан Юзага чиқсин конлар.* Қ. Муҳаммадий; 2) пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ; маълум бўлмоқ. *Атом энергияси ядро ичида яшириниб ётади ва фақат ўша ядро ёрилгандагина юзага чиқади.* «Фан ва турмуш»; 3) рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ. *Киши ҳақ бўлса, жонини ҳақиқат йўлида фидо қилса, унинг эзгу иши юзага чиқади.* Н. Сафаров, Олов излар. *..лекин, ука, ер олганимдан кейин ҳам ўша мўлжалларим юзага чиқмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 4) ўзига хос мавж билан маълум бўлмоқ, эътибор қозонмоқ; кўринмоқ. *Албатта, ҳақ жойида қарор топади, биз яна юзага чиқамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЮЗАКИ Асосли ва жиддий бўлмаган, енгил-елпи. *Дастлабки юзаки таассурот остида ўйламасдан дағал гапирди чоғи.* А. Мухтор, Тугилиш. *Акс ҳолда, ўқувчининг билими юзаки бўлиб қолаверади.* Газетадан. *Қурилиш бошқармаси бу ишга юзаки қаратганини танқид қилди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ЮЗАКИЧИЛИК Масалага енгил-елпи қараш, жиддий эътибор билан иш тутмаслик. Баъзи қурилиш раҳбарлари планинг бажарилишига берилиб кетиб, юзакичилик, қалбакичиликка йўл қўймоқдалар. «Муштум». Бу соҳада ҳамон юзакичилик, расмиятчилик давом этаётгани каби фактларга энди тоқат қилиб бўлмайди. Газетадан.

ЮЗАСИДАН кўм. Оидлик, сабаб каби муносабатларни ифодалайди; учун, ҳақида, бўйича. *Одоб юзасидан. Давлатга жун сотиш юзасидан олинган мажбурият бажарилди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.* ■ *Ҳовлисида ёки эшигига яқин очикроқ ерда эҳтиёт юзасидан оғзи тор, ичи кенг бошпана қовланган. Шухрат, Шинелли йиллар. Ахир, хизмат юзасидан чақирди — борди. Бир пиёла чойга таклиф этди.. йўқ демади. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Валихон ҳурмат юзасидан таъзим қилиб, унга ҳалиги қоғозни узатди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЮЗБОШИ тар. I Ўрта Осиё хонликларида (18-19-асрларда): юзта отлиқ аскарга кўмондонлик қилувчи ҳарбий бошлиқ. Сарбозларнинг юзбошилари катта ойлик олардилар. С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. *Миршаб ва юзбошилар фуқарога юқоридан қараб, дағал муомала қилар ва ўшқириб гапирардилар. М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. [Ўғрилар] Юзбошини ғалати қилишибди: бир сандиқ тилласи бор экан, олиб чиқиб, олдига қўйишибди, «Еганинча егин, қолганини олиб кетамиз», дейишибди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.*

ЮЗКЎРДИ этн. Никоҳнинг эртаси кунни кўрмана билан келин кўриш, шунингдек, янги чақалоқни кўриш (кўрсатиш) маросими. *Жасура туғилган йили, чақалоқ баҳона юзкўрди, яраш-яраш қилиб биринчи марта хотини билан қишлоққа борган эди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

ЮЗЛАНМОҚ I Бирор кимса ёки нарсага юзини қаратмоқ, унга томон ўғирилмоқ, қарамоқ. *Нормурод Шомуродов қандайдир тараддуд билан меҳмонга юзланди. О. Ёқубов, Диёнат. Директор бир неча варақ қоғозни стол устига қўйиб, залга юзланди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Ҳамма ўша томонга юзланди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Рўбарў (юзма-юз) бўлмоқ. *Бу лаҳза унинг кетидан келиб, ҳовлида турган Низомиддин билан Бадиа Зулфиқорга юзланишди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 Бирор томонга қараб юрмоқ, йўл олмақ. *Бундан икки ой илгари, йигирма беш ёшда [Тўғонбек] Ҳиротга юзланди. Ойбек, Навоий. Омади кетган немиснинг шапши қайтиб, шарқдан юз ўгириб, фарбага томон юзланиб кетди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

4 Юз бермоқ, келиб чиқмоқ. *Мен учун шу кунларда сознинг овози эшитилса бас! Қўрқаманки, бехудлик юзланмаса!.. С. Абдулла, Қувғунда.*

ЮЗЛАШМОҚ Бир-бирига рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ, учрашмоқ. *Ҳомид узоқ ўйлаб турмади, юзидаги совуқ бир ўзгариш ичиди: -Майли, башарти юзлашмоққа тўғри келганда ҳам, мен ҳозир, — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бўлмаса, ҳақиқат қилинг, Қодирбек Мансуровни чақиртиринг, мен билан юзлашсин. М. Қориев, Ойдин кечалар.*

ЮЗЛИ Аниқловчи орқали ифодаланган белгили (тахлит, тусдаги) юзга эга. *Лўппи юзли. Қизил юзли.* ■ *Бу икки кишининг иккинчиси узун бўйли, қора чўтир юзли, чағир кўзли.. ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЮЗЛИК кам қўлл. Юзга тутиладиган нарса (рўмол, тўр ва ш.к.). *Келиннинг юзлик рўмоллари хотинлар ўртасида талаш бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЮЗМА-ЮЗ рвш. Қарама-қарши, рўбарў, бетма-бет; тўқнаш. *Юзма-юз ўтирмоқ. Юзма-юз келмоқ. Юзма-юз қилмоқ.* ■ *Унга юзма-юз келиб, бундай кўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улар столнинг икки томонида бир-бирларига юзма-юз бўлиб ўтирдилар. Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.*

2 Бевосята алоқада, дуч ҳолатда; бақамти. *Меъмор билан юзма-юз гаплашмай туриб, бундай қарорга келиб бўлмайди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..асосий эътибор биринчи марта таржима билан юзма-юз келаётган олий мактаб талабаларига сўз санъатининг бу соҳасига оид зарур билим беришга қаратилди. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. Шабон Очилова келинчақлигидан яй-*

ловда. Танги, ўжар табиат билан юзма-юз яшайди. «Саодат».

ЮЗМОҚ шв. Сузмоқ. Дарёда юзган қайиқми.. Пўлкан шоир.

ЮЗПАНА: юзпана қилмоқ Бирор нарса билан юзини беркитмоқ, пана қилмоқ. Румоли билан юзпана қилиб, Гулнора келади. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ЮЗСИЗ Раъй-андишани билмайдиган. ор-номуссиз, уятсиз. *Юзсиз одам. Узи юзсиз — сўзи тузсиз.* Мақол. ■ *Эрим, деб туққан онангдан кечасанми, юзсиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юзсиз калиш Одатда этик ёки ботинка билан кийиладиган юзи қисқа калиш.

ЮЗСИЗЛИК Юзсизга хос иш, хатти-ҳаракат. *Юзсизлик қилмоқ.* ■ *Шербек йигитнинг юзсизлигидан нафратланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Моҳира ойим бу юзсизликдан ер ёрилса, ерга киргундек бўлади.* А. Қодирий. Утган кунлар.

ЮЗТА 1 Юз дона, юз нафар. *Юзта дафтар. Юзта одам.*

2 с.т. Юз грамм (ичкилик ҳақида). *Қани, юр, юзта-юзта отамиз, опаненинг ҳурмати..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЮЗТАЛИК 1 Юз донадан иборат. *Юзталик папирос.*

2 Қиймати юз сўмга тенг, юз сўмлик (пул, облигация ҳақида). *Туртта юзталик.* ■ *..мен мактабнинг юзини эмас, «юзталик» ларни кўриб турибман.* «Муштум».

ЮЗТУБАН Юзини пастга қаратиб. *..секин эшикни очиб, хўжрага қаради, юзтубан ётган Ҳамзанинг бошига борди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шарт қўймоқчи, юзтубан тиз чўқтирмоқчи.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

Юзтубан кетмоқ 1) юз ўгириб йўналмоқ. ..томон (қараб) кетмоқ. *Амирзодалар хунхорликлар, бемаъни ишлар қилиб қўйиб, салтанат таназзулга юзтубан кетаётганида, бу айбни бошқа бир одамга тўнкаб, «фарзин» айирбошлашадилар.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) тубанликка (пасткашлик, разилликка) юз тутмоқ. *..истиқболлари учун курашаётган халқларнинг умумий ишига қўшаётган жуда катта ҳиссамизни чипакка чиқаришга уринар эканлар, бу уларнинг юзтубан кетганликларини кўрсатади.* Газетадан.

ЮЗ-ХОТИР Андиша, риоя. -Сўзга чиққандан кейин ҳеч кимни юз-хотир қилмай, дадил танқид қилавериш, камчиликларни

очиб ташлаш керак, — деди Хўжаев. А. Муҳиддин, Юзга айтганнинг захри йук. *Эрнинг юз-хотирини қилмайдиган хотин пирга ҳам дўст бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЮЗХОТИРЧИЛИК Ҳурмат, андиша юзасидан иш тутиш. *Юзхотирчилик, келишувчиликни безакдан ҳам ёмон кўраман.* «Муштум».

ЮК 1 Бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик. *Оғир юк. Қўл юки. Юк ортмоқ. Юкни туширмоқ. Юки оғир эшак илдам юради.* Мақол. ■ *Тешабой араваларга юк ортаётган қаролларга меҳмонхона айвонидан қараб турган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бой шаҳарга бир оз юк туширган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Кишини уринтириб қуядиган. ташвишга соладиган ортиқча нарса; ташвиш, дахмаза. -*Бахтим қурсин — узоққа чўзилмади, қайтага укам, синглим менга юк бўлиб тушди: ҳар иккаласини боқшим керак, — деди Гулсара.* М. Жўра, Изтироб. *Моҳидилнинг.. бошида ғалати ўйлар, фикрлар тўлқин ура бошлади.. Борди-ю, тузалмаса-чи? Бу ердагиларга оғир юк бўлиб қолмасмикан тагин?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 с.т. Қориндаги бола; ҳомила. *Эрталаб доду фарёд билан юкимдан бўшадим [деди Ҳожжи хола].* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳиқичоқ хола алланима бало қилиб, болани туширди-ю, онанинг бошига етди. Маъсума юкидан озод бўлгач, оёғини судраб, аранг уйига етиб келди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

4 Диний эътиқодга кўра, азиз-авлиёларни ранжитиш туфайли юз берадиган касаллик. -*Агарда! — деди кўз ёши қилиб Холжон хола, — азиллар юки босса ё ажиналар чалиб кетса, гуноҳим сизнинг бўйингизда.* Файратий, Довдираш. *Нимжон бўлиб қолган бола қаттиқ иситмалаб, ёмон аҳволга тушгач, бола шайтонлабди, унга юк тушибди, «домлага ўқит», деб қўйишмайди.* Газетадан.

Юки ерда қолмайди Иши битмай қолмайди. *Сизнинг қанотингиз остида бўлсам, юким ерда қолмайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кўпчилик бор жойда юкингиз ерда қолмайди.* Ж. Шарипов, Саодат.

ЮККАШ 1 айн. юкчи 1. Юккаш бўлиб ишламоқ.

2 айн. юкчи 2. Юккаш автомобиль. Юккаш кема.

ЮКЛАМА тлш. Мустақил бўлак ёки гапга турли қўшимча маъно бериш, шунингдек, турли грамматик муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимча, мас. *наҳотки, холос, -чи, -ми*.

ЮКЛАМОҚ 1 Юк ортмоқ. *Машинага гишт юкламоқ. Эшакка ўтин юкламоқ.* ■ Шу ерда аравага шох юклайётган Абдусамад қори дарров йўргалаб чиқиб, жувонни гапга солди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

2 кўчма Вазифа ёки иш топширмақ, зиммасига қўймоқ; ортмоқ. *Ўз ишини бировга юклаб қўйди.* ■ Ҳамма ишни ўринбосаримга юклаб қўйдим. «Муштум». Ойнисага янги цех мудирлигини юклаб тўғри қилганига қаноат ҳосил қилди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЮКЛИ 1 Юк ортилган, юки бор. *Юкли машина.* ■ Ун икки қопқадан ун икки йўлга Жўнаб кетар экан юкли карвонлар. М. Шайхзода. *Тешабой юкли аравалар ёнида қўл қовуштириб турган қаролларга қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с.т. Ҳомилалор, ҳомиласи бор. *Юкли хотин.* ■ Пулимиз йўқлиги етмай, саргардон сарғайганимиз етмай, бунинг устига юкли бўлиб қолганим иккимизни қайғудан қайғуга отарди, — деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮКСАК кт. 1 Баланд, юқори. *Юксак бино.* ■ Сенинг режанг билан юксак тоғларнинг Ушатдик, қўзғатдик зўр бардошини. Файратий. *Фақат юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималардир тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 кўчма Юқори даражадаги, олий. *Юксак унвон. Юксак мартаба. Юксак малакали мутахассислар. Юксак ҳурмат.* ■ Бу юксак инсонийлик барқарор экан, бизни ҳеч қандай душман енголмайди. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЮКСАКЛИК 1 Юксак ҳолат. Уйнинг юксаклиги. ■ Бурчақда, ердан икки ярим газлар юксакликда кун ботишга қаратиб қурилган иккита кўримсиз бир бетли эшик-

лар юзларига ёпиқ ҳолда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ер сатҳидан жуда юқоридаги бўшлиқ, баландлик; осмон. *Ой юксакликка кўтарилган, бепоеъ пахтазор кумуш нур ичида чайқалади.* Х. Тўхтабоев, Фелбетондан сўнг.

ЮКСАЛИШ 1 Юксалмоқ фл. ҳар. н. *Хирмонимизнинг юксалишида илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта.* Газетадан.

2 Тараққий этиш, ўсиш, юксак даражага эришиш. *Маданий юксалиш.* ■ Юксалишимизнинг мезони ҳам, чароғбони ҳам шу биродарлигимиз, шу қардошлигимиз, шу улуғ дўстлигимиздир. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЮКСАЛМОҚ 1 Баланд кўтарила бормоқ, юқори томон ўрламоқ. *Ҳамманинг кўзи узоқдаги, осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли енғинда эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Чўққиларга кетсам юксалиб, Пастда қолиб кетар адирлар.* У. Қўчқоров.

2 кўчма Ўсмоқ, ривожланмоқ; камолотга эришмоқ. *Маданиятимиз тобора юксалмоқда.* ■ Асосий вазифалардан бири ёш ҳаваскор ёзувчиларнинг ижодий юксалишига ёрдам беришдир. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЮКУНМОҚ кам қўл. 1 Ўтиниб (бош эгиб, тиз чўкиб) мурожаат қилмоқ, илтижо қилмоқ, ёлвормоқ. *Ўртага она тушди. Кўзларидан ёшларини қуйиб, юкуниб, эрга ялинар, фақат инсоф, адолат тилар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Таъзим қилмоқ. *Шайхулислом юкуниб, қоғозни хон қўлидан олиб, унга кўз югуртирар экан, қолганлар ташвишга тушдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Шаҳзодалар бориб, юкуниб, айри-айри кўришдилар ва подшоҳнинг узатилган қўлини камоли эҳтиром билан ўндилар.* Ойбек, Навоий.

ЮКЧИ 1 Юк ташиш, ортиш, тушириш билан шуғулланувчи ишчи. *Степан душман қўлига ўтиб кетган кичик бир пароходга юкчи бўлиб кирди.* А. Мухтор. *Қорақалпоқ қиссаси. Ҳўжабеков куни билан елкасидан беш пудлик қоп тушмаган юкчидай, эшикнинг кесақисига сунди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юк ташишга мўлжалланган, юк ташийдиган. *Юкчи самолёт. Юкчи такси.* ■ -Йўқ, бу эмас, — деб қўйди Акбар ака, узоқлашаётган кумуш рангли самолётни кузатар экан, — Халилжонники юкчи. С. Акбаров, Отанинг хаёллари.

ЮЛДУЗ 1 Қизиган газ (плазма)лардан таркиб топган, табиатига кўра Қуёшга ўхшайдиган, кечаси нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган осмон жисми. *Ёруғ юлдуз. Хира юлдуз. Қутб юлдузи. Юлдузлар туркуми.* ■ *Оқшом чўкди Тошкент қўйнига, Милтиллашиб кўкларда юлдуз. Х. Салоҳ. Бу ерга қуёш оғди — салқин тушади, кечалари, тепамизда юлдуз тўла осмон. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.*

2 Бир неча ўткир учли геометрик шакл ҳамда шундай шаклга эга бўлган нарса. *Беш учли юлдуз. Юлдузнинг шаклини чизмоқ. Арчанинг тепасига юлдуз ўрнатмоқ.*

3 *кўчма* Машхур бўлиб танилган, шуҳрат қозонган шахс ҳақида. *Кино юлдузлари.* ■ *Донғи кетган теримчи ва шуҳрат юлдузидан, Лафзи ҳалол, юзи оқ Фарғонанинг қизидан. Уйғун. Йиғилганларни қизиқтирган нарса ўзбек адабиёти ва санъатининг юлдузлари, ўзбек жангчилари бўлди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

4 Юлдуз (хотин-қизлар исми).

Юлдуз кўрмай жон берди Узоқ турмади, барҳам топди, йўқ бўлиб кетди, ғойиб бўлди. *Юлдуз санаб ётмоқ айн. тоқи санаб ётмоқ қ. тоқи. Юлдузи иссиқ айн. истараси иссиқ қ. истара. У [Умид]. рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди. Мирмуҳсин, Умид. Юлдузи (юлдузига) тўғри келди* Харақтери, феъли-атвори бир-бирига мос тушди; севишди. *-Мен жиддий сўраяпман, нега Исомиддинов билан юлдузларинг тўғри келмапти? Бирор сир борми? — деди Норбуви Каримовга. Ҳ. Шамс, Душман. Аброр билан Чиннихоннинг юлдузи юлдузига тўғри келиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. Юлдуз-ни бенарвон урадиган (одам) қ. бенарвон.*

ЮЛДУЗЛИ 1 Юлдузлар кўриниб турган, юлдузи бор. *Юлдузли кеча. Юлдузли осмон.* ■ *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққади самолётлар учиб ўтди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Юлдуз сурати солинган, юлдуз тамгали. *Беш юлдузли коньяк.*

ЮЛДУЗСИМОН Юлдуз шаклли, юлдузга ўхшаган, юлдузнамо. *Юлдузсимон шакл.*

ЮЛДУЗЧА 1 Юлдуз с. кичр. *Қизил юлдузча.* ■ *Яланғоч дарахтлар майда юлдузчалар билан ёнган қора, ажиб, чиройли кўлклар ташлайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *плагрф.* Юлдузнамо босмаҳона белгиси. *Китобдаги изоҳлар юлдузчалар билан кўрсатилган.*

ЮЛДУЗШУНОС Юлдузлар ҳаракати ва уларнинг хусусиятларини текширувчи олим; мунажжим. *Бу фожиадан [Улуғбек ўлимидан] Улуғбекнинг энг яқин шоғирди, юлдузшунос Али Қўшчи ҳам кечқурун.. оғоҳ бўлди. С. Нуров, Туман тарқалди.*

ЮЛИШМОҚ 1 Юлмоқ фл. бирг. н. *Болалар ёввойи ўтларни юлишди.*

2 Бир-бири билан уришмоқ, бир-бирини юлмоқ, юмдаламоқ (аёллар ҳақида). *Икки кундош уйни холи топиб, тагин юлишманглар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу гапни фар ҳам кўтара олмас, тикка юлишар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЮЛМОҚ 1 Силтов билан тортиб узиб ёки суғуриб олмоқ. *Сочини юлмоқ. Товуқ патларини юлмоқ. Ортиқча ғўзаларни юлиб ташламоқ.* ■ *Ота.. семиз, бўяб қўйгандай қизил ўтни юлиб олди. С. Анорбоев. Оқсой. Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонаганини кўрган Бегимхон хахолаб кулиб юборди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ука — жигар, тош отай деса, жигарчилик, отмай деса, хон турипти; ниҳоят, тўнидан увада юлиб отибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Тирнаб жароҳатламоқ, тимдаламоқ. *Бировнинг бетини юлмоқ.* ■ *-У-у ҳаракат қилдим, тепдим, урдим, юлдим, тирнадим — бўлмади, — деди Ҳожиди хала. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сочин ёйиб, бетин юлиб, йўлга кирди чаққон бўлиб. «Муродхон».*

3 *кўчма* Бирор шахс ёки халқ мулкидан ўмармоқ, юлқиб олмоқ. *Юлғич юлиб тўймайди. Мақол.* ■ *[Бой:] Нонтепкилик қилма! Шу соқолим билан ёлғон гапирманми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Амалдорлар эса турли йўллар билан камбағал халқнинг бор-будини юлиб олар эдилар. «ЎТА».*

4 *кўчма* Ажратиб олмоқ. *Афсуски, факт ва далиллар, кўпинча, умумий контекстан юлиб олиб таҳлил қилинади. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. Ҳури ўз хаёлидан ўзи чўчиб, бошини ёстиқдан юлиб олди. Н. Фозилов, Дийдор.*

5 *кўчма* Бирор нарса ҳисобидан чегириб қолмоқ; тежамоқ. *Агар сизлар мана шу йўл билан бутун бир мавсумда ўн меҳнат кунини*

ни пилладан юлиб, пахтага бергани ёрдам қилсаларинг ҳам ҳарна. А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

Ғапини оғзидан юлмоқ Кимсани ғапидан тўхтатмоқ. *Одамнинг ғапини оғзидан юлиб олманг, киши ғапини айтиб бўлгунча сабр қилинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЮЛУҚ Юлиб ташланган, юлиб олинган, узилган. *Пати юлуқ хўроз.*

Думи юлуқ 1) думсиз. *Думи юлуқ товуқ;* 2) кўчма калта дум; чўлтоқ. - *Эй, бебош бола, сочи калта, думи юлуқ бир сатангага уйланиб олибсан-у, онанг беҳабар, — деди Каромат.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук; 3) тўлиқ бўлмаган, яқунсиз, якунига етмаган. *..ғапнинг ё боши йўқ, ё бели майиб, ё думи юлуқ бўлиб қолади.* «УТА».

ЮЛҚИЛАМОҚ I Ҳалеб юлқимоқ, такрор-такрор юлқимоқ. *Камолитдин иягини тиззасига тираб, нарироқда карракларнинг учини юлқилаб еяётган нортуюга, унинг ғамгин кўзларига тикилади.* С. Нуров, Сув қўшиғи. [Хури] *Телбаларча онасини юлқилай бошлади.* Н. Фозилов, Оқим.

2 айн. юлмоқ 3. *Торт-торт қилиб, тушум пуллардан юлқилаб, серхархаша жиғилдонини тинчитиб юрган Эргашев.. шофёрларнинг мушугини ништ деёлгани ҳам йўқ.* «Муштум». *Комбинатдан юлқилаган моллари туфайли гарданига тушган қарзлари бостибости бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.* А. Муҳиддинов, Ҳаля.

ЮЛҚИМОҚ I Тортқилаб узиб олмоқ, силтаб тортмоқ, юлиб ташламоқ, юлмоқ. *Муаллимиз телпагимни юлқиб олиб, деразадан отиб юборди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир маҳал аллақандай куч мени зарб билан юлқиб ўрнимдан турғазди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 айн. юлқиламоқ. *Юнг юлқимоқ.* ■ *Фуломжон бир сиқим пахтани қўлида юлқиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Умар юзини энгил шабадага тутиб хаёл суради. Ел майин сочларини юлқиб ўйнайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 айн. юлмоқ 3. *Ҳар маош тарқатганда, ўқитувчилардан 5-6 сўмдан юлқиб қолиши ҳам ҳола экан.* «Муштум». *..у сўнги уч-тўрт йилнинг ўзидагина ҳар кимлардан минг сўмлардан кўпроқ пулни юлқиган.* «Муштум».

ЮЛҒИЧ Шахс ёки жамоат мулкини (ҳақини) ўмариш, юлишга мойил, шундай

иш билан шуғулланувчи шахс. *Бундай сердабдаба тўйларни оддий меҳнат аҳллари эмас, балки айрим юлғичларгина қилишяпти.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. *Назорат бўш бўлган жойда юлғичларнинг пичоғи мойда, дейишади.* «Муштум».

ЮЛҒИЧЛИК Юлғичга хос иш, хатти-ҳаракат; юлиш иши, юлиш (қ. юлмоқ 3). *Юлғичлик кайфиятларига қарши кураш.* ■ *Унинг ғаплари ва ҳаракатларида юлғичлик ниятининг асорати ҳам сезилмайди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Агар юлғичликни ташламасангиз, халқ эътиборидан қолиб, шарманда бўласиз.* «Муштум».

ЮЛҒУН Гули майда, оқиш, майда баргли бута. *Узоқ-узоқларда.. саксовул, туранғи, юлғун ва янтоқ кўзга ташланиб турардики, буларнинг ҳаммаси саҳро қуёшининг сахий нурига чўмганди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЮЛҒУНЗОР Юлғун кўп ўсадиган ер, майдон. *Арава тебраниб, ғижирлаб, каттакичик қумтепалар, юлғунзорлар орасидан ўтиб, бепоеён қўриққа чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮМАЛАМОҚ I Айланиб, гилдираб кетмоқ; думаламоқ. *Ғўла юмалаб кетди.* ■ *Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси обрезага тушди.* А. Қаҳҳор, Анор. *Юсуфжон ҳазил қилиб, боланинг қўлидаги барабанини тушириб юборган эди, бола ҳам баландликдан барабан билан кетма-кет юмалаб кетди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *..йиқилганда то адирнинг этагигача юмалаб кетишига кўзи етар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 с.т. *Йиқилмоқ, қуламоқ.* *Бир ўқ билан душман отдан юмалади.* ■ *Жангчиларимиз узоқда дам юмалаб, дам туриб қочаётган фашистларни ўқ билан қулатиб.. югуришди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Ниҳоят, икковимиз бараварига настга юмалаб тушидик.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 с.т. *Ерга қулаган, чўзилган, ағнаган ҳолда бўлмоқ.* *Жангчиларнинг кўпи овқатланишни ҳам унутиб, қалин пичан устига юмалаб, ухлаб қолишди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Фуломжон ўз ерига қайтди. Гувоҳлар бири қоринни қучоқлаб, иккинчиси ерда беҳуш юмалаб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *Тўкилмоқ, оқмоқ (кўз ёши ҳақида).* *Аёлниг тош қотган кўзларини қайғу теш-*

ди. Юзларидан томчилар юмалади. Ойбек, Куёш қораймас.

5 *поэт.* Оғмоқ, ботишга яқинлашмоқ (куёш ҳақида). *Куёш юмалаб кетди футбол тўнидай, Лолаларга кўмишди уфқ қопқаси.* Ғ. Ғулوم.

Бир юмалаб Ҳийла-найранг билан тез амалга оширилган тadbир ҳақида. *Кампир бир юмалаб илонга айланди.* «Эртақлар». . . бир юмалаб яна ўша дўсти *Отажоновнинг соясида ҳозирги ишлаб турган мактабига директор бўлиб тайинланди.* «Муштум».

ЮМАЛАНМОҚ айн. юмаламоқ. Соқолли солдат от остида қолди, униси отдан учиб, юмалаб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Қизча ялт этиб қаради — унинг лўпни юзларидан томчилар юмаланарди. Ойбек, Куёш қораймас. *Қора Аҳмад ярим юмаланиб, остида қолган қўлини бўшатиб чиқарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮМАЛОҚ I Шар шаклига ўхшаш, шунга яқин шаклли; думалоқ. *Юмалоқ ёнғоқ.* Юмалоқ қанд. *Юмалоқ тарвуз.* ■ Ундан [зшиқдан] ёш боланинг, сочлари типратикан игналаридай юмалоқ боши кўринди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юмалоқланган нарса; думалоқ нарса; шар. *Қор юмалоғи.* ■ [Болалар] *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалатиб-думалатиб, ўз буйларидан баланд, катта курра ясаганлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Доира, тўгарак шаклидаги. *Юмалоқ стол.* *Юмалоқ майдон.* ■ *Ойсулув.. шошиб бориб, токчадан юмалоқ ойнани олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Жуда семиз, бақалоқ, гирдигум (одам ҳақида). *Йўлчи ўзидан бир неча қадам нарида хўмрайиб, ҳаммага разм солган шоп мўйлов, юмалоқ сариқ полиция бошлиғини кўриб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Паст бўйли, япалоқ юзли, гўладек юмалоқ Бозоровнинг лапанглаб югуриши Норматнинг кўзига узоқдан гўё тўнғак думалагандек бўлиб кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Ўлчов билдирувчи (нумератив) сўз вазифасида; дона, пачка. *Бир юмалоқ печенье. Уч юмалоқ чой.* ■ *Бўлмаса, бир юмалоқ қанд билан бир пиёла чой олиб чиқинг.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳаёт ерга қараб ўтирган эди, секин юзини кўтарди, кўзларидан икки юмалоқ гавҳар қулади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Юмалоқ хат с.т. айн. имзосиз хат қ. имзосиз. *Юмалоқ хат ёзишни касб этган тухматчи ифвогарларнинг касби кармонкесар киссавурлардан ҳам тубандир.* Р. Усмонов, Одобнома.

ЮМАЛОҚ-ЁСТИҚ: юмалоқ-ёстиқ қилмоқ *Тезда ва чалакам-чатти бажармоқ. Мана шу ўйсинда Паркент қишлоғида уч кунда ўттиз пара қуръонни юмалоқ-ёстиқ қилиб туширдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. - *Кўриб турибсан-ку, сен билан тезроқ дийдор кўришай деб, командировкани чала-чулпа, юмалоқ-ёстиқ қилиб қайтиб келдим, — деди Темир Роҳатга.* Б. Раҳмонов. *Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа. Бу мактабда ҳам иккита латифа айтиб, дарсни юмалоқ-ёстиқ қилади-ю, интернетга чопади.* «Муштум».

ЮМАЛОҚЛАМОҚ Юмалоқ қилмоқ, юмалоқ ҳолга олмоқ. *Дастурхонни юмалоқламоқ.* ■ [Салима] *Қордан бир чангал олиб, шоша-пиша юмалоқлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Хотин паранжи-чимматини юмалоқлаб, дераза олдида турган стол устига қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЮМАЛОҚЛИК Юмалоқ ҳолатга эгалик. *Ернинг юмалоқлиги. Соққанинг юмалоқлиги.*

ЮМАЛОҚ-ЯССИ айн. юмалоқ-ёстиқ. *Мен юklarимни шошиб-пишиб, юмалоқ-ясси ўраб, ҳамсафарларим, руслар билан қўл бериб хайрлашдим-да, вагондан тушдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЮМДАЛАМОҚ Чанг солиб тирнамоқ, тимдалаб юлмоқ. *Ширмонхон чорпоядан сакраб тушиб, Адолатни юмдалай кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Баъзилар ҳамон юзларини юмдалаб дод солаётган аёлга тасалли беришарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЮММА: юмма таламоқ *Ғазаб билан ташланиб, ёпишиб жанжал қилмоқ. Қомила ҳар кун гузарга чиқиб, кўнчиликнинг ўртасида, «Ёш умримни хазон қилдинг!» деб уни юмма талар, гапга нўноқ Кузибойнинг дилини сиёҳ қилишини қўймас эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. - *Анави Тожиҳон бор-ку, — дея кўпириб гапира бошлади Иқбол сатанг, — тақачининг қўшниси-чи, бирам юмма талаб берса бўладими.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЮММА-ЮММА: юмма-юмма йиғламоқ айн. юм-юм йиғламоқ қ. юм-юм.

ЮММОҚ Кўзни, оғизни ва ш.к. ни қисиб, сиқиб беркитмоқ. *Ашула бошланганда, домлалар кўзларини юмиб, чайқала бошладилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ис-мат соқов оғзини юмганича «хувв» деб кулди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўз очиб юмгунча Бир лаҳзада, бир зумда. *«Исфандиёр хон бўлибди!» деган сўзлар кўз очиб юмгунча шаҳарга тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўз юммаслик** Ухламаслик. *–Даҳшат! – деди меҳмон, – тунни билан кўзимни юммай чиқдим.* «Муштум». **Кўз юммоқ** 1) билиб туриб, ўзини билмасликка солмоқ; яширмоқ. *Янги ер очиш тўғрисида муттасил кекирдик чўзадиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юммоқдалар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) кўчма оламдан ўтмоқ, қазо қилмоқ, ўлмоқ. *Кошки эди сўнг қўлингда, Эркаланиб берсам жон. Сўнги нигоҳ сенда қолса, Мен кўз юмсам беармон.* Зулфия. **Оғзингни юм** Оғзингни очма, гапирма, жим бўл. *Оғзингни юм, бўлмаса, кекирдагингни узиб оламан.* М. Қориев. Ойдин кечалар.

ЮМОР [ингл. humor – хулқ, феъл-атвор, кайфият < лат. humor – намлик, ҳўллик] 1 Камчиликлар, айрим воқеа ва ҳодисаларни кулгили қилиб, ҳазиломуз тасвирлай билиш, уларни беғараз ҳажв қилиш. *Бутун ҳаракатлари юморга бой бўлган Наби Раҳимов яратган ҳар бир образ фавқуллодда ҳаётийлиги.. билан қалбларни мафтун этади.* Х. Тўхтабоев, Саҳнамиз юлдузи.

2 Шу йўсинда ёзилган адабий асар. *Сатира ва юмор. Муқимий юморлари.*

ЮМОРИСТ [ингл. humorist – юморчи] Юмористик асарлар ёзувчи адиб.

ЮМОРИСТИК Юморга асосланган; кулгили. *Юмористик ҳикоя.* ■ *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

ЮМРОН айн. юмронқозиқ. *Бир юмрон ҳадеб ғўза уватидаги ковакдан тупроқ чиқариб ташляпти.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЮМРОНҚОЗИҚ Ер остидаги инларда яшаб, экинларга зарар келтирувчи, тийинлар оиласига мансуб кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Онда-сонда чўл сичқонлари, юмронқозиқлар ўрмалаб, йўлни кесиб ўтиб қолади.* М. Мансуров, Ёмби.

ЮМУРТҚА шв. Тухум.

ЮМУШ (кўпроқ оддий сўзлашувга хос)

1 Иш, хизмат; меҳнат. *Оғир юмуш. Рўзгор юмушлари.* ■ *Қайната билан қайнананинг уйдаги юмушлари ҳар куни эрталабдан кечгача келинга ибратли ва инсофли хотин қандай бўлиши тўғрисида насиҳат қилиш эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Елкага баҳор офтоби тегиб, деҳқоннинг юмуши кўпайиб қолган.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

2 Вазифа, топшириқ. *Паст баҳо асло олма, Пок юзингга доғ солма. Уйингга берса юмуш, Лозимдир ёзиб қўйиш.* Қ. Муҳаммадий. *Оиланинг ҳар бир авзоси ўз иши, юмуши билан машғул.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Отабек меҳмонларни танчага ўтқазиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради: –Баъзи юмушлар буюрсам.. [Ҳасанали:] Буюрингиз, ўғлим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

ЮМУШКОР кам қўлл. Меҳнатқаш; ишчан. *Юмушкор йигит.* ■ *Қаюм Йўлдошев.. ювош, юмушқ сўзлигидан юмушкор, тўғри одамдек кўринган эди.* «Муштум».

ЮМУШЛИ Иш, юмуш билан машғул, иш билан банд, ишли. *Юмушли одам.*

ЮМУШСИЗ Ишсиз, иш қилмайдиган. *Юмушсиз одам. Бир кун ҳам юмушсиз туролмайман.*

ЮМУШЧИ с.т. Бирор иш билан шуғулланувчи, бирор вазифани бажарувчи; ишчи, хизматчи. *Ҳар ёқда питирлаб юрган юзларча юмушчилар, навкарлар уни жилла кўзга ташлатмас эди.* Ойбек, Навоий.

ЮМУҚ Очиқ эмас, юмилган (кўз, оғиз ҳақида); қисик. *Кўзи юмуқ киши.* ■ *–Не гап ўзи, жаноб? – сўради яна бир чўққи соқол, чўтир, бир кўзи юмуқ дўкандор, якка кўзини чақчайтиришга тиришиб.* Ойбек, Нур қидириб. *Қўрбошининг чап кўзи юмуқ, лекин ўнг кўзида аллақандай ёмон ўт ёниб турарди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЮМШАЛМОҚ кам қўлл. айн. юмшамоқ. *..кескинлик юмшалиш ўрнига кучайиб кетмаскикин, деб қўрқаман.* Газетадан.

ЮМШАМОҚ 1 Юмушқ ҳолга келмоқ, майинлашмоқ. *Мум юмшади. Азот билан ўғитланган ер юмшайди.* ■ *У [Йўлчи] бу ерга олдин сув бериб, ер юмшагандан сўнг ковлаш кераклигини англаса ҳам, вақтни йўқотмаслик.. учун метин жойни ковлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асфальт йўллар бўлса мумдек юмшаган.. Мирмуҳсин, Умид.*

2 кўчма Ҳовридан, ғазабдан тушмоқ; андиша, шафқат йўлига ўтмоқ; эримоқ. *Аразлаб турган Зиёдахон Шербекнинг гапига юмшаб:* - Болаликдаги шўхлигингиз ҳалиям қолмабди, — деди. С. Анорбоев, Оқсой. *Аммо ясовул бир қизнинг ялиниб-ёлворишидан юмшайдиган кишилардан эмас.* С. Айний, Дохунда. *Кампир неварасининг порлаб турган кўзларига тикилиб, бир оз юмшади.* Ж. Абдуллахонов. Тўйга келинлар.

3 кўчма Пасаймоқ, сусаймоқ, бўшашмоқ (совуқ, вазият ва ш.к. ҳақида). *Кескинлик анча юмшади.* ■ *Совуқ бир оз юмшаб тушган, қуёш очик ҳавода ҳаракат этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёниги тешила бошлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Сўзингиз тўғри, иним.. қумда ҳаво қизик бўлишига қарамай, нафас олиш қулай.* Асаблар ҳам юмшаб, киши кайфияти кўтарилади. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЮМШАРМОҚ айн. юмшамоқ. У | Жон-фиғон | ўпқасини туюлмай, йиғлаб юборди, Малаҳат уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган бўлса керак, юмшарди. А. Қаҳҳор, Жон-фиғон.

ЮМШАТИШ **1** Юмшатмоқ фл. ҳар. н. Терини юмшатиш. ■ *Алиқул харидорларнинг бирига новвот солинган чой, бирига чилим таклиф этиб, кўнглини юмшатишга жуда моҳир эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Чол, чармни кўва билан асабий равишда дўқиллатиб уриб, савдогарни яна юмшатишга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 қ.х. Ерни юза ҳайдаш, чопиқ қилиш. *Ерни ҳайдаш олдидан юмшатиш. Ғўза туплари остини юмшатиш.*

Юмшатиш белгиси тлш. «ь» ҳарфининг номи.

ЮМШАТМОҚ **1** Юмшамоқ фл. орт. н. Терини юмшатмоқ. ■ *Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган.* П. Қодиров, Уч илдиз. [Ғофир:] *Ахир, бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оҳу зорлари кўнглингизни юмшатмайдими? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 қ.х. Чопиш, ҳайдаш йўли билан тупроқни юмшоқ, ғовак ҳолга келтирмоқ. *Ўзимга ажратилган ерни ҳам юмшатиб, ҳам экиб олдим.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Ишладинг,*

юмшатдинг ёмби тупроқни, Ўзини кўрсатди шу асл пардоз. Ғайратий.

ЮМШОҚ **1** Кўл тегса ботадиган, осон эзиладиган; мулойим, майин. *Юмшоқ ёс-тиқ.* *Юмшоқ пат.* *Юмшоқ хамир.* ■ *Уй тўрида, юмшоқ кўрпа устида қарғашойи кўйлакли бир хотин.. ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У беихтиёр тўшакдай юмшоқ майсазорга ўтириб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нормат Адолатнинг юмшоқ кўли, нозик бармоқларини кафти билан силади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Осонликча турли шаклга кирадиган, ишлов берилиши осон, бўш. *Юмшоқ ёғон.* *Юмшоқ металл.* *Юмшоқ сим.*

3 Чайналиши, ейлиши осон; майин, мулойим (овқат ҳақида). *Юмшоқ шавла.* ■ *Мана, йигитча, юмшоқ нон ҳам олиб чиқдим.* Ҳ. Фулом, Мангъал. *Шу йигит менга уч ҳафта қаради, бир бурда нон топса, юмшоқ жойини менга бериб боқди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

4 кўчма Бировга қаттиқ гапирмайдиган, дағаллик қилмайдиган; мулойим. *Мунаввар «ўта интеллигент», юмшоқ бир одамга дағаллик қилиб, озор берганига ўксинди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Кампир кўпни кўрган, аччиқ-чучукни татиған, юмшоққина хотин эди.* С. Аҳмад, Ота. *Табиатан юмшоқ, кўнгличан одам, ёлғиз фарзандини уришишга тили бормасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Кўнгли юмшоқ ёки юмшоқ кўнгил Бировнинг гапига тез ишонадиган, тез кўнадиган; кўнгилчан, раҳмдил. *Очил қанчалик тез ва кўнгли юмшоқ бўлса, Маҳкам шунчалик вазмин эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

5 Ёқимли таъсирга эга; мулойим. *Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ, ҳаво худди баҳордай юмшоқ эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳозир унинг ҳорғин юзидаги юмшоқ жилмайиш бирдан сўнди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. - *Бирор соат ҳам ухлаганим йўқ, — деди-да, «сабабини ўзим ҳам билмайман», дегандек юмшоқ кулиб қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 Озор етказмайдиган; енгил. *Юмшоқ жазо.* ■ *Қутурмай ҳам нима қилсин, чай-қовчиликда айбланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳужм чиқарадики, билмайсан киши: жазо бердимми, насиҳат қилдимми? А. Қаҳҳор, Оғайнилар.*

Юмшоқ супурги қ. супурги.

ЮМШОҚЛАНМОҚ с.т. Юмшамоқ.

ЮМШОҚЛИК Бўш, юмшоқ ҳолатга эгалик; мулоимлик. - Аяжон, — деди Адолат юмшоқлик билан, — клубдан сира кўрқманг.. У ерда эркак киши бўлмайди. С. Зуннунова, Гулхан. *Кларкнинг юзида ғайрирасмий вақтларда камдан-кам кўринадиган юмшоқлик бор эди.* Шухрат, Жаннат кидирганлар.

ЮМ-ЮМ: юм-юм ёш Мўл-мўл, дувуллаб тўкилган ёш. Тўтихон мунгайиб ўтирар, оқшомлари ҳам кўзларига уйқу ўрнига юм-юм ёш келарди. Н. Аминов, Тилло табассумлар. *Гавҳарнинг кўзидан юм-юм ёш оқар.. йиглаб юборишдан ўзини зўрга тутарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Юм-юм йиғламоқ** Мўл-мўл ёш тўкиб йиғламоқ. *Меҳриниса Ботирни бағрига босиб, юм-юм йиғлайверди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Дадам келиб, ўзини каравотга отди, мени кучоқлаганича, юм-юм йиғлади.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЮНГ с.т. Жун. Туя юнги. *Юнг савамоқ.* *Юнг рўмол.* ■ *Юнглари қирқилиб, енгил бўлган кўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади.* О. Кўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. *Айиқдай бесўнақай, юнглари ҳурнайган оқ ит конверт тишлаб келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЮНГЛИ Юнги бор, юнги ўсган. *Раъно томорқада думбаси селкилаган, жингалак юнгли кўзичасига майса юлиб бераётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар.

ЮНДИ с.т. Ювинди. *Заҳар солмоқ бўлса тотли ошингга, Мажмақла, ҳаттоки бермагил юнди.* Ғайратий.

ЮНДИХҲҲҲ с.т. ЮвиндиҳҳҲҲ. *Муштум-зўрнинг юндиҳҳҲҲи домла, имом.* Ғ. Фулом.

ЮНКЕР [нем. Junker — йирик ер эгаси] 1 *Феодал Пруссияда йирик ер эгаси, дворян; умуман, немис помешчиги.*

2 *Чор Россиясида офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртининг ўқувчиси. Юнкерлар мактаби.*

3 19-асрнинг 60-йилларигача Россияда маълум муддат ҳарбий хизмат қилиб, имтиҳон топширгандан кейин офицер унвонини олиш ҳуқуқига эга бўлган дворян боласи.

ЮНОН айн. грек. *Қадимги юнон файласуфлари*

ЮПАНМОҚ 1 *Йиғлашдан тўхтамоқ; овуномқ (ғўдак ҳақида). Болалик экан, янги кийим дарагини эшитиб, юпаниб қолдим.* И. Раҳим, Оловкор. *Бир ярим яшар чамасидаги бола гоҳ йиғлар, гоҳ юпаниб, онани эмарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *Таскин топмоқ; овуномқ. Холмурод бу одамлар орасида бир оз юпанди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уйланмай ёши ўтиб кетаётган ўглининг гоҳи қизлар ҳақидаги гаплари Шарофат холага ҳамма вақт сирли бир қувонч бағишлар эди. Ҳозир ҳам шу фикр билан юпаниб.. ўз ишлари билан овора бўлди.* А. Мухтор, Чинор.

ЮПАНЧ 1 *Юпантирувчи, овунтирувчи сезги, ҳис-туйғу; тасалли, таскин. Бу товушлар, бу портлашлар унинг асабини негадир бузмади. Қайтага қандайдир ҳаловат, юпанч бераётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Қозоқ халқи ўз мунг-зорини, қувончи билан юпанчини, орзу ва муддаосини ўлан билан ифодалаб келди.* Газетадан.

2 *Юпантирувчи нарса, шахс; овуноққ. Кундузи шу дарахт, кечаси парёстиқ унинг юпанчи.* С. Нуров, Ёстиқ. *Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгли аллақандай юпанч изларди.* С. Аҳмад, Уфқ. У [Моҳидил] *онасини ниҳоятда севар, бир зумгина ажрашни истамас, юпанчи ҳам, қувончи ҳам — шу она.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЮПАНЧИҚ айн. юпанч 2. *Бола — унинг бирдан-бир юпанчиги.* ■ *Қани, дунё тор кўринганда, кўнглимни кўтарувчи юпанчиқларим? Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. - Ёлғиз ўғлимнинг жуфти, ўғлим йўғида юпанчиғим бўлар, деб ўйловдим, — деди Нуқра опоқи Солия опага.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЮПАНЧЛИ *Кишини юпатадиган, ову-тадиган; таскин ва осойишталик бағишлайдиган. Сўйламади юпанчли сўзлар, Одатдаги дўстлар сингари; Аммо енгил тортиб нафасим, Назаримда, ғам кетди нари.* Зулфия.

ЮПАТГУЛИК *Таскин бера оладиган; юпатадиган, овунтирадиган. Онаси ҳам боласининг, бахти қора жигаргўшасининг кўзларида шу зору муштоқлик оловини кўрар, лекин уни юпатгулик.. сўз тополмаганидан дилхун бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮПАТМОҚ 1 Йиғлашдан тўхтатмоқ; овутмоқ. *Болани юпатмоқ.* ■ «Муз тоғ»лардан чиқарди *Бир алла сози — Ёш гўдакни юпатган Она овози.* Ҳ. Олимжон.

2 Қайгу-аламини енгиллатишга уринмоқ, таскин бермоқ. *Қудратни юпатиш учун деди: — Жон болам, бекорга диққат бўлаверма! Мана, кўпи кетиб, ози қолибди-ку.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мени ғалаба ва халқимизнинг бахти юпатади.* Уйғун. *Хуршид аясини юпатиб, кўнглини овлашга ҳарчанд уринса ҳам, оловдек ёниб турган она тафтидан тушмади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЮПАТҚИЧ *айн. юпанч. Исмомл аканинг қўлида унинг кўнгли юпатқичи, бирдан-бир сунъичиги.. найи бор эди.* Туйғун. *Найчининг қалби.*

ЮПИТЕР 1 [лат. Jupiter — қадимги Рим мифологиясида: олий маъбуд, бош худо] (Ю — катта) *астр.* Кўёш системасидаги энг катта, Кўёшдан узоқлиги бўйича бешинчи сайёра; Муштарий.

ЮПИТЕР II Кинога олиш маҳалида ишлатиладиган жуда кучли электр ёритувчи асбобларнинг умумий номи.

ЮПУН 1 Танани яхши иситмайдиган, юпқа, енгил-елпи (кийим ҳақида). *Юпун чопон.* ■ *Қиш совуқ ва лойгарчилик келди. Менинг устим юпун, қаушимнинг бир жағи йиртилган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Камолнинг] *Соқол-мўйлови ўсган, кийим-боши юпунгина.* Ҳ. Назир, Кук-терақ шабадаси. *Йўқчиликдан бўлса керак, ҳар қалай, Дўст ёшлигида юпун кийинарди.* М. Жўра. Изтироб.

2 Уст-боши хароб, камбағал; қашшоқ. *Кир, юпун одамлар ҳансираб, каловланиб, букилиб боришарди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Меҳнат аҳли юпун, яланғоч, Чапатиға бўлдилар муҳтож.* Файратий.

3 *кўчма* Қийинчиликда қолган; ночор, хароб. *Болалик, ғариб ва юпун кунлардан бери дўст бўлган Охунбобоевнинг ишончига лойиқ иш қилолдимми, кексайганимда беобрў, шарманда бўлиб қоламанми?! С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Хароб, юпун, таланган қишлоқнинг изтироббахш манзараси гўё Полвоннинг кўксига ўз дардини кўярди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

ЮПҚА 1 Қалин эмас, кўндалангига ингичка; нозик. *Юпқа газлама. Юпқа тери.*

Юпқа қоғоз. Юпқа тунука. Юпқа шиша. ■ *У бир лаҳзада косани тушириб, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудек бўлиб турган шафтолига қўл урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тулават мўйлов юпқа лас чопон устидан қават-қават боғланган қийиқчаларга қўлини тиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Зич ёки қалин эмас, сийрак (туман, тутун, булут ва ш.к. ҳақида). *Дарё устини юпқа туман қоплаган.* ■ *Қор-ёмғирда бўкиб ётган ерлардан юпқагина буғ кўтарилди.* Ойдин, Ширинга мактуб. *Уфқдан кўтарилган қуёш чанг ва тутун орасидан юпқа булут босган тўлин ойдаи кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *от* Хамирни чалпақка ўхшатиб ёйиб, устига ёғда қовурилган қийма, сабзи солиб, қозонда пишириладиган таом; чўзма. *Юпқа пиширмоқ.* ■ *Уқишда толиқиб қолмасин, деб доим сомсами, уч-тўртта юпқами пишириб кўяман.* Ойдин. *Дўнликдан ҳам ёш экан.*

4 *кўчма* Фақирона; бой бўлмаган, оз миқдорда. *Мутриб дорифуруш отасидан қолган юпқагина мерос билан аранг тирикчилик ўтказарди.* С. Сиёев, Аваз.

Соясн юпқа қ. соя. Териси юпқа қ. тери. **Юпқа томоқ** Нозик ва чиройли бўйинли қиз ёки жувон ҳақида.

ЮПҚАЛАНМОҚ *айн. юпқалашмоқ.*

ЮПҚАЛАШМОҚ Юпқа бўлиб қолмоқ; юпқа тортмоқ. [Унсиннинг] *Бошида эски, тўзиган қизил шол рўмол, эғнида пахтаси юпқа солинган ёки ювила-ювила юпқалашган калтагина қора лас камзул, этаклари гижимланган, ранги айниган чит кўйлак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮПҚАРМОҚ *кам қўлл. айн. юпқалашмоқ.*

ЮРАК 1 *анат.* Одам ва ҳайвонлар кўрак қафаси ичида жойлашган, уларнинг қон айланиш системасидаги мускул қопчиққа ўхшаш марказий аъзо. *Соғлам юрак. Юракнинг уриши. Юрак касалиги. Юрак клапани.* ■ *Юрак бир-бири билан тушаш-тирдиган икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмлар бир-биридан яхлит тўсиқ билан ажралган.* «Анатомия». *Юрак — зарур нарса. Юрак бақувват бўлса, иш ҳам унумли бўлади, киши чарчамайди.* Уйғун, Сўнги пушаймон. [Кумушининг] *Ҳарорати кучли, юрак уриши фавқулудда тез эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча Кишининг ҳис-сезгиси, руҳи, кечинмаларининг рамзий маркази, улар сақланадиган жой; қалб, дил. *Пахтазорда бўлиб ўтган жанжал Ойқиз юрагида чуқур из қолдирди*. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қисман у [Зебо] ҳақли эди. Зотан асрлар фожиаси ва қувончи бўлган муҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир юракда мисли кўрилмаган ўзига хослик билан барқ уради. Шухрат, Шинелли йиллар. Хатолари, нуқсонлари кўп бўлса ҳам, юраги асл кўринади. Уйғун, Навбахор. Аҳмад ўртадаги адвокатни унутиб, юрагини очди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Юрагидагини дангал тўкиб солаётган қизнинг ҳаққоний сўзлари Шерзод Қамбаровичга огир ботарди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 Кўрқмаслик, жасорат ва ш.к. рамзи. *Оббо сиз-е, ҳали шу юрак билан юрибсизми.. «Муштум»*. Мен унинг *Ўтапбой қушбегига қилган муомаласини эшитиб, юрагингга балли, деган эдим*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юраги ачиюқ (ёки ачишмоқ) Ачинмоқ, куйинмоқ. *Отабекни бу аҳволда кўриб, Кумушининг юраги ачиди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ўсиши мужмал, алақандай касалсимон ғўзаларни кўрар, юраги ачишар эди*. Ойбек, О. в. шабадалар. **Юраги бетламаслик** Журъат қилмаслик, ботина олмаслик. *Шундан-шунга чопиб келиб, мактаб директориға учрагани юрагим бетламади*. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Юраги ёрилмоқ** 1) ниҳоятда кўрқмоқ. *Унинг ваҳимасидан юрагим ёрилай деди*; 2) жуда диққат бўлмоқ. *..баъзи вақт, Йўлчивой, юрагим тарс ёрилудай бўлади, дунё кўзимга қоронғи кўринади*. Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги жиз этмоқ** Қалбида кескин ҳолда ёқимли ҳис-туйғу кўзгалмоқ, шундай ҳисни туймоқ. *Эрталаб бу сўзлар гашини келтирган эди, ҳозир ҳам юрагини жиз эттиролмади*. О. Ёкубов, Излайман. **Юраги жиг этмоқ** 1) айн. юраги жиз этмоқ. *Шунда кўзлар кўзга тўқнашди, Ғуломжоннинг юраги жиг этиб кетди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) айн. юраги шув этмоқ. *..ҳар куни саломга кирадиган бўлиб қолади. Ҳар кирганда, «сўйиб келмадимикан», деб юрагим жиг этиб кетади*. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Юраги зир этмоқ** Кўркув, безовталиқ ҳиссини туймоқ. *Тантибойваччанинг юраги зир этиб кетди. Асабийланиб, ўзарган товуш билан бобиллади..* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги йўқ**

Кўрқоқ, юраксиз. **Юраги кенг қ. кенг.** *Юрагингиз мунча ҳам кенг бўлмаса, кўзингизга уйқу келмаганига ҳайронман*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Юраги куймоқ** 1) жуда ташна бўлмоқ. *Иссиқда узоқ йўл босиб, юрагим куйди*; 2) қаттиқ куйинмоқ. *Юраклари куйиб кетиб Темурхон, Во болам, деб майиб нордай йиғлайди. «Ҳасанхон»*. **Юраги орзиқмоқ қ. орзиқмоқ.** **Юраги орқасига тортмоқ** Қаттиқ чўчишдан кўркув ҳолатига тушмоқ. *Сарой мулозимини кўргач, унинг юраги орқасига тортиб, эти сесканиб кетган эди*. М. Осим, Аждолларимиз қиссаси. **Юраги пўкилламоқ** Кўркувда бўлмоқ; чўчиммоқ. *Ҳар йили жийда гули вақтида, «Сой тошиб, йўл бекиладиган бўлди», деб юракларимиз пўкиллаб туради. «Муштум»*. **Юраги яна пўкиллади.** *«Тошкентнинг тўрт даҳаси» танийдиган давлатманд бу кишининг олдига қандай киради? Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги сиқилмоқ** Диққат бўлмоқ, диққати ошмоқ. *..орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Бухорода юраги сиқилиб, «ёлғизлик» азобини торта бошлади*. Мирмуҳсин. Меймор. **Юраги така-пука бўлмоқ** Ваҳима, кўркув, хавотир ҳолатида бўлмоқ; безовталанмоқ. *Шу капаларга яқинлашган сайин Сидиқжоннинг юраги така-пука бўла бошлади*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Юраги гипирчиламоқ** Тезлашиш ҳаракатида, иштиёқида бўлмоқ. *Азиза юраги типирчилаб кийинди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Юраги тор** Арзимас нарсага сиқилаверадиган, тажанглиги тутадиган. *Анзираг ҳола ҳам юраги торгина бир кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қиладиган*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Юраги тошмоқ** Ғам, ҳасрат, ҳаяжон ва ш.к. ичига сиғмай кетган ҳолат. *Баъзан юраги тошиб, бутун дардини Унсинга очишни истайди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги тутдай тўкилмоқ** Интизорликда изтироб чекмоқ, дили бесаранжом бўлмоқ. *Худди биров: «Э, ўл-а, шунақа-да, чиройли йигитни кўрсанг, юрагинг тутдай тўкилади» — деб тавна қиладигандай қизарди*. А. Қаҳҳор, Сароб. **Юраги увушмоқ** Маъюс, эзгин ҳолатни туймоқ. *Мана шуни уйласам, алақандай бўлиб кетаман, юрагим увушади*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Юраги чиқмоқ** 1) ниҳоятда кўрқмоқ; эси чиқмоқ. *-От опқочди, — деди**

Бадиа. -*Юрагимиз чиқиб кетди-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) ниҳоятда тўлқинланмоқ. *Бу хабарни эшитиб, хурсандликдан юраги чиқиб кетди. Юраги чопмоқ* Ишонч билан ботинмоқ. *Аммо адреси тайинсиз бу келинга ҳам юрак чопмай турибди.* «Муштум». **Юраги шув этмоқ** (ёки **шиғ этмоқ**, **шувулламоқ**, **шиғилламоқ**) Чўчиш, кўрқув ҳис этмоқ. *Баширжоннинг юраги шув этиб, кайфи учди.* Н. Аминов, Суварак. *Бир одамнинг тўнкарилиб ётганини кўрди. Юраги шиг этиб, орқасига тортиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Саодатхоннинг юраги шувуллаб кетди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Биров Қумриниса, деса кампирнинг юраги шигиллаб кетади.* Мирмуҳсин. Бир хумча тилла. **Юраги ўйнамоқ** 1) юраги тез ва кучли урмоқ. *Отини қутидорнинг йўлагига етаклар экан, негадир юраги ўйнаб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма ваҳима босмоқ, кўрқмоқ, ҳовлиқмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: Борди-ю шу бўлса-чи.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ваҳима қилаверманглар, юрагим ўйнаб кетяпти.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Юраги қинидан чиқмоқ** Ниҳоятда ҳаяжонли, талвасали ҳолатга тушмоқ. *..Марғилон дарвозасидан кириши билан унинг ҳоли ўзгара бошлар, юраги қинидан чиқар даражада.* эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юраги қон** Жуда диққат, хуноб ҳолатли. *Эртадан бери тўппи, қийшқча, жияк тика бериб, юраги қон бўлган қизлар.* Ойдин, Ҳикоялар. **Юрагига сифмаслик** Маъқул келмаслик, ёқмаслик. *Юрагимга сифмайди, сифмайди юрагимга ҳеч нарса!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Юрагига қўл солмоқ** Синаш, билиш мақсадида бир гапсўз айтмоқ. *Бир куни у шу артелдаги Масъуда деган қизнинг юрагига қўл солиб кўрди.* «Муштум». **Юрагида кири йўқ** Бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, дили пок, дали-ғули. **Юрагини бўшатмоқ** Бор дардини тўкиб солмоқ. *Урмонжон кўп ҳам тўлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юрагини ёрмоқ** 1) бировни қаттиқ кўрқитмоқ, чўчитмоқ. *Чернецов жангчилар олдидан узоқлашгач, Эмин Норматга: -Нега юрагимни ёрган эдингиз, комиссар индамади-ку, - деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) айн. юрагини очмоқ. **Юрагини очмоқ** Дилидагини маълум

қилмоқ, айтмоқ. *Албатта, у ўз юрагини ҳеч кимга оча олмаган. Дардини ўз ичига ютган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асқар полвон ҳам юрагини очди - ёлғизгина қизчасини соғинганини.. сўзлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Юрагини тирнамоқ** Безовта ҳолатга солмоқ. *Ўзини қаяққа қўйишини билмай, юрагини тирнаган кечинмалари.. билан ҳовлида кезди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юрагини чангалламоқ** Бирор нарса ҳақида ўта ташвишланмоқ, кўрқмоқ. *Ҳаёт қозонни твди-ю, қопқоғини ёпиб, кириб кетди. Энди бўш саҳну, унинг этагида юрагини чангаллаб ўтирган Фуломжонгина қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Юрагини эзмоқ** Рухий азоб бермоқ. *Кумушнинг бу ҳоли бечора онанинг юрагини эзар, юз хил насвасаларга солар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юрагини ҳовучлаб** Кўрқа-писа, безиллаган ҳолатда. *Доим ойим бечора юракларини ҳовучлаб ўтирардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юрак олдиrhoқ** Кўрқиб, чўчиб қолмоқ. *Бир дўққа шунчалик юрак олдирибсиз, яшанг-е, раис ака!* С. Анорбоев, Оқсой. **Юрак тепиши** Юрак фаолиятининг тезлашиш ёки заифлашиш ҳолати. *Жаннат опа эшикни очиб, уйга кирганда, у оҳистагина замбил остидан чиқди, унинг юрак тепиши ҳали ҳам шиддатли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юрак ютиб** Тап тортмай, кўрқмай. *Наҳот сиз.. бу ишга бош қўшиб, юрак ютиб, менинг остонамга келсангиз?* К. Яшин, Ҳамза. **Юрак ўйноғи** Юракнинг безовта бўлиши. *Бир куни уйда ётиб, яхши уйқуси келмай, юрак ўйноғиси қўзиб чиққан экан.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ёвзозхоннинг юрак ўйноғи ҳадеганда босила бермади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

4 кўчма Бирор нарсанинг асоси, маркази. *Ахир Пекин шаҳри янги халқ Хитойининг.. қудратли ва улкан мамлакатнинг юраги-ку.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда. *Ҳа, улар Тошкент темир йўл устахонаси Туркистонда қўзғолоннинг юраги эканини тушундилар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

5 с.т. Қорин, ошқозон. *Унинг юраги ғижимлаб оғрияпти.*

Юрак буруқ айн. юракбуруғ. Соғлиқни сақлаш бўлиmidан чўпонлар ўртасида юрак буруққа қарши профилактика ўтказиш тўғрисида кўрсатма бор. С. Анорбоев, Оқсой. **Юрак оғриғи** с.т. 1) ич бузрилиши, қорин оғриғи; 2) кўчма қатъиятсиз, мужмал.

ЮРАКБУРУҒ с.т. айн. ичбуруғ. - Қимор-боз билан олти йил умр қилдим. Уч бола кўрдик, лекин биттаси ҳам турмади. Бирини қизамиқ, бирини кўкйўтал, кичигини юракбуруғ олиб кетди, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЮРАКДОШ поэт. Фикр-ёди, ўйи, мақсади бир хил бўлган; ҳамнафас, дўст. Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳамиша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош. С. Абдулла.

ЮРАКЗАДА Юрагини олдирган, чўчиб қолган. Балки улар — бу томондаги қушлар ҳали юракзада бўлишмаган. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Колхозчилар сўнгги йилларда нобон раисларни кўравериб, юракзада бўлиб қолган эдилар. Й. Шамшаров, Юксалиш.

ЮРАКЛИ 1 Юрагида ўти бор; кўрқмас. жасур. Юракли йигит. ■ Зебихон опангиз сизни жуда мақтади. Юракли қиз экан, деди. С. Зуннунова, Гулхан. Амирбек.. эли, ҳимматли, юракли эди.. «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ўзи боғланиб келган сўз билдирган (шундай белгили) юракка эгаликни билдиради. Йўлчи шу тонда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқлариغا бош қўйишга тайёр. Ойбек, Танланган асарлар. Аммо арслон юракли Отабек ҳам бадбахтни шундоғ янчиб ташладики, бу жуда оз кишилар қўлидан келадиган ишдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮРАКСИЗ Бирор нарсага ботинолмай-диган; кўрқоқ. Юраксиз бола. ■ -Жудаям юраксиз одамсиз-да, Юсуфбек, — деди муфти. А. Ҳакимов, Илон изидан. Ёнбошлаб ётганлар туриб, ўнгланиб ўтирдилар, баъзи юраксизлар орқа-ўнгларига қараб ҳам олдилар. Ҳ. Шамс, Душман.

ЮРАКСИЗЛИК Юраги дов бермаслик, кўрқоқлик. Эҳтиёткорлик юраксизлик эмас. ■ Ҳошим муштумини кўрсатди-ю, аммо туширишга келганда юраксизлик қилди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ҳали унчалик оғир гап ўтгани йўқ, юраксизлик қилиб, бу машинани ташлаб кетса, ўшанда шарманда бўлади. Й. Шамшаров, Доврук.

ЮРАКСИНМОҚ кам қўл. Юраги бетламоқ, ботинмоқ. [Офтоб ойим] Кумушга оғиз очишга юраксина олмай, азобланар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮРАМОЛ 1 шв. Тез юрадиган, юришга моҳир; юрагон. Юрамол от.

2 айн. юримсак.

ЮРАҒОН Яхши, тез юрадиган. Жонивор жуда юрагон чиқиб қолди. Узангига оёқ қўйганимдан бери бирон марта «чуҳ» деганим йўқ. М. Хайруллаев, Меҳр кўзда.

ЮРГИЗИЛМОҚ Юргизмоқ фл. мажҳ. н. Машина аранг юргизилди. Динга қарши ташвиқот юргизилди.

ЮРГИЗМОҚ 1 Юрмоқ 1, 2, 4, 7, 10, 12, 13 фл. орт. н. Тракторни юргизмоқ. Соатни юргизмоқ. ■ [Йўлчи] Гулбоғчадаги у пари кўздан ғойиб бўлгунча, отни секин юргизиб.. ширин ўйларга ботган ҳолда кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маълум иш олиб бормоқ, бирор иш ёки фаолият билан шугулланмоқ. У [Абдишукур] ўзини энг «кўзи очиқ ва янги фикрли» мусулмонлардан ҳисоблаб, «усули жаҳид» мактабларини очишга ташвиқот юргиза бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Алексей — хўжайиннинг заводини юргизадиган уста. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўчма Бирор нарса билан чизмоқ, бўямоқ. Тушъ устидан қизил қалам юргизмоқ. Пиёла четлариغا тилла суви юргизмоқ. ■ Қошининг ўз қораси қаноатлантирмади шекли, устидан қора қалам юргизди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

[Бировнинг] Бошида тегирмон тоши юргизмоқ қ. тегирмон. Кўз юргизмоқ Қараб чиқмоқ, назар ташламоқ. Йўлчи атрофга кўз юргизиб, сўнг мулоимлик билан жавоб берди. Ойбек, Танланган асарлар. Фикр юргизмоқ қ. фикр 1. Ўз сўзига юргизмоқ Ўз айтганини қилдирмоқ, ўз томонига олдирмоқ. Ёв тинч ётмас.. [баъзиларни] алдаб-сулдаб, ўз йўлига юргизмоқда. Ғ. Фулом, Шум бола.

ЮРГИЛИК: юргилиги қолмади Элга кўшила олмай қолди, эл ичида юролмай қолди. Фикр қилиб ўйладим, хўб бўлмади, Оқтош элда юргилигим қолмади. «Муродхон». Ер босиб, кўз очиб юргилигим қолмади. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ЮРИДИК [лот. juridicus — суд ва судловга оид] Ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид; ҳуқуқий. Юридик консультация. Юридик факультет. Юридик жавобгарлик.

Юридик шахс Турли мулкчиликка асосланган, мустақил иш юритувчи, қонунга кўра фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари субъекти бўлган корхона, ташкилот, муассаса.

ЮРИМСАК с.т. 1 Кўп юришни, масалан, меҳмондорчиликни яхши кўрадиган (аёллар ҳақида). *Юримсак жувон.*

2 Тез тарқаладиган, оғиздан оғизга кўчаверадиган. *Бу юримсак миш-мишларнинг айримлари қўлоғига етиб келди.* Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

ЮРИСДИКЦИЯ [лот. *jurisdictio* — суд қилиш, суд жараёни] 1 Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи.

2 Муайян давлат органи ваколатлари доирасидаги ҳуқуқ соҳаси.

ЮРИСКОНСУЛЪТ [лот. *juris consultus* — ҳуқуқшунос; ҳуқуқ маслаҳатчиси] Бирор муассасанинг ҳуқуқий масалалар бўйича доимий маслаҳатчиси; шу муассаса манфаатларини суд ва б. ташкилотларда ҳимоя қилувчи шахс. *Наширётнинг юрисконсулти.*

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ [лот. *jurisprudentia* — ҳуқуқшунослик] Ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ нормаларининг амалий суратда қўлланиши билан алоқадор бўлган билимлар мажмуи.

ЮРИСТ [лот. *jurista* — ҳуқуқшунос] Юридик маълумотга эга бўлган шахс; ҳуқуқ соҳасининг амалий вакили. *Моддаси моддасига тўғриланди. Пихини ёрган юрист ҳам материалдан хато тополмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЮРИСТЛИК 1 Юрист иши, вазифаси. *Юристлик қилмоқ.*

2 Юристларга, ҳуқуқшуносларга хос. Унинг эғнида ёқасига юристлик белгилари тақилган оқ каламенка китель, бошида фуражка. О. Ёқубов, Ларза.

ЮРИТИЛМОҚ 1 Юритмоқ фл. мажҳ. н. *Машина бугун юритиладими? — Бу тўғрида юритилган фикр, ўқилган мақолалар унинг [Элмуроднинг] кўзини янада каттароқ очиб, мулоҳазасини чуқурлаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 ..деб айтилмоқ ёки аталмоқ. *Предметни билдирувчи сўзлар от деб юритилади.*

ЮРИТМОҚ айн. юргизмоқ. [Шоқосим] *Яна жувозни юритиб.. қичқирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу икки [киши] қоғозга михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қирр-қирр қоғоз устида юритиб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Фикр юритмоқ** қ. **фикр** 1.

ЮРИШ 1 **Юрмоқ** фл. ҳар. н. *Поезднинг юриши. Соатнинг юриши. — Йигит уни мўъжаз қоматидан, чаққон юришидан дарҳол таниди: «Ҳаёт, Ҳаётим!» деб юборди у.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Меҳмондорчилик, кино, театр, сафар ва ш.к. га бориш; сайр қилиш, томоша қилиш. *Юришни яхши кўрадиган хотин. — Ўзлари тўйма-тўй юришни, ярқироқ чопонлар кийишни яхши кўрадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *ҳарб.* Душманга, ёвга қарши кўшин тортиш, жангга отланиш. *Юриш қилмоқ. — Рота командири старший лейтенант Годин шу ергача бўлган юришга яқун ясади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Бирор кимсага қарши ёки бирор мақсадга эришиш учун ташкилий равишда кўтарилиш, оммавий ҳаракат. *Эртасига муштумзўр хўжаликларни тугатиш учун юриш бошланди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Халқ юриш бошлади. Бу бир бурда нон учун, инсоний ном учун бошланган юриш эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Шахмат, қарта каби уйинларда ўйновчининг навбатдаги ҳаракати, тадбири. *Бу юриш ютқишиққа олиб боради. Юриш кимдан? Юриш мендан. Филни юриш.*

6 с.т. *Ҳаёт кечириб, яшап. — Ана гап! — деди Султонали, — балки умр бўйи шу вазифада қолиб кетарсиз. Шу ҳолда бутун умр хотинсиз юриш.. хах-хах!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мен ўз юртимда кўрагимни кўтариб юришга ўрганиб қолган йигитман. Мен ўз юртимда мусофир итдай думимни қисиб юришни хоҳламайман.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

7 айн. **юриш-туриш.** *Бир оздан сўнг Шоқосим отларни тўхтатиб, Йўлчига қичқирди: — Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап? Янги кийим кийган етимчадай кўзларинг така-пука, юришларинг инчунин бежо? Ойбек, Танланган асарлар. Бу юриши ўз бошига балоди(р), Бировнинг қўлида тайин ўлади.* Фозил Йўлдош ўғли.

Кун юриш томон с.т. Жануб. *Кишлоқнинг кун юриш томони.*

ЮРИШЛИ 1 Тез ва яхши юрадиган. *Юришли айғир. — Салимбойвачча, яхши ва юришли бўлса ҳам.. бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жунашга қарор қилар, дам яна айнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сайр ёки томоша қилса арзийдиган. *Йўқса, жоним, юринг. Янги шаҳарга чиқайлик, кечқурун юришли жойлар бор.. айланиб келамиз.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЮРИШМОҚ 1 Юрмоқ фл. бирг. н. Улар анча жойгача ниёда юришди. ■ Жангчилар кийим-бошларини ечиб чиқишар, исимоқ учун у ёқдан бу ёққа юришар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Балалар ҳали ҳам кучада туполон қилиб юришарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Авжланиш, равнақ томон юз тутмоқ. *Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. ■ *Ҳавога устун каби кўтарилган чанг-тўзон, қий-чув овозлар ишнинг юришиб кетганидан далолат берар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бу ишда фақат менинг омадим туришмади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ҳаво (ёки кун) юришиб кетди Ҳаво очилиб, кун исиб қолди. *Ҳаво юришиб кетгунча анча траншея қазиб оламиз.* И. Раҳим, Ихлос.

ЮРИШ-ТУРИШ Иш, хатти-ҳаракат ва ш.к. да ўзини тутиш ҳолати, аҳволи. *Унинг юзи-кўзи ва юриш-туришида бошқа жангчиларникидан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *У Шакархоннинг ҳозирги юриш-туришидан шубҳаланган эди, шубҳаси тўғри чиқди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Рост, бу ўғлингиз серғайрат ва зеҳнли эканлиги юриш-туриши, вазоҳатидан билиниб турибди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Уларнинг гаплари, муомалалари, юриш-туришлари йўлчига тамом бегона туйилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮРМОҚ 1 Қадам ташлаб олга босмоқ, қадамлаб жилмоқ. *Тез юрмоқ. Секин юрмоқ. Оқсаб юрмоқ. От юрмай тураверди.* Юрган — дарё, ўтирган — бўйра. Мақол. ■ *Кампир юрганда, ҳеч қанақа овоз чиқмасди.. Оёғи худди пардек ерга беззор тегарди.* С. Аҳмад, Ота. *Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Чол от жиловини силтади. Отлар юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, бормоқ ёки кетмоқ (асосан транспорт воситаси ҳақида). *Машина чап томонга юрди. Трактор бедазорга қараб юрди. Катта арава қай*

йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради. Мақол. ■ *Шаҳарда кўнкани илғари от сургар эди. Мана энди кўнка отсиз юрибди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поезд бир неча соат йўл юргандан кейин ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Умуман, бир жойдан жилмоқ, силжимоқ (сузмоқ, судралмоқ, ўрмаламоқ ва ш.к.). *Ҳовузчада ўнтача балиқ юрипти. Дастурхон устида чумоли юрипти. Қурт новаддан юриб, гулга етди.*

4 Кезиш, айланиш, саёҳат ва ш.к. да бўлмоқ. *Шаҳарма-шаҳар юрмоқ. Эшикмазшик юрмоқ.* ■ *Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан, Гап билмасанг, гап сўрагин билгандан.* Н. Назаров, Замон. *Андижоннинг сувин ичганмон, Шарбат десам, қилмайман хато. Пахтазорин кезганман роса, Қирларида юрганман ҳатто!* Ё. Мирзо.

5 Ҳаёт кечирмоқ, яшамоқ. *Жияним уч йил бизникида юрди. Руслар орасида юриб, тил ўргандим.* ■ *Жамоа сизнинг бу ёқларда юганингизни ҳали билмайди [деди Шарофат Сидиқжонга].* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. [Мирзакаримбой:] *Ёшим етмишда. Элик йил мол қайғусида юрдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен Тошкентда юрарман, аммо кўз ўнгимда сизнинг ҳайкалингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Иш-фаолият ва ш.к. да бирга бўлмоқ. *Ёмон билан юрдим — қолдим уятга. Яхши билан юрдим — етдим муродга.* Мақол. *Нодон билан юрма, номусингни букма.* Мақол. ■ *Бирга ишлайди, бирга юради, бирга туради; бир-бирига жуда муносиб.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Мен далада ҳар кун қизлар, келинчақлар орасида юрардим. Ёш бўлсам ҳам, севганим бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Қатнамоқ. *Марказдан қишлоғимизга автобус юради.*

8 Давом этмоқ (ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳолатда). *Эсон-омон юрибсизларми?* ■ *Сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Маърифатхон воқеасини эшитганидан бери унинг қабрини зиёрат қилиш ниятида юрган эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Хомиднинг бундай ишлари бор эканидан хабарсиз юрганимизга ҳайрон қоламан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Шахмат, қарта, домино каби ўйинларда ўз навбатида, навбати келганда ҳаракат қилмоқ, ўйнамоқ; юриш қилмоқ. *Пиёдадан юрмоқ. Тузни юрмоқ.*

10 Ҳаракатга келмоқ, ишлаб турмоқ, ишламоқ (механизмлар ҳақида). *Соатим яхши юряпти. Машина кечгача юриб турди.* ■ *Ҳа, айтгандай, бу орада.. «трактор чўчқанинг ёғи билан юрар эмиш», «гүрситондан товуш чиқипти», деган гаплар чиқиб қолди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

11 *с.т.* Суйган ёр билан вақт ўтказмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ. [Дилнавоз:] *Ўша кунни Жўранинг юрадиган қизи Бибигул менинг атлас кўйлагим билан ҳаворанг дуррачамни олган эди. С. Кароматов. Бир томчи қон. Биласиз-ку, иш кўп. Ҳар хил мажлислар ҳам кўп. Шулар билан юрсам, у мени хотинлар билан юрган, деб гумон қилади. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. Айт, қачондан буён юрдинг.. Тўғи парронга учрагур! Йўлчи билан қачон топшидинг? Ойбек, Танланган асарлар.*

12 Рози бўлмоқ, кўнмоқ, унамоқ. *У бировнинг айтганига юрадиган одаммас.* ■ *Тўғри, ихтиёр ўзларида, лекин сизга маслаҳат соладилар, маслаҳатингизга юрадиларда, яхши маслаҳат берсангиз, юрмайдиларми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Оз бўлса ҳам, пешона терим билан топаман, суқтойлик, мўлтониликка сира юрмайман. Ойбек, Танланган асарлар.*

Йўлига юрмоқ Бировнинг айтганини қилмоқ, айтганини бажо келтирмоқ. *Нурматжон, «Бу очиқ аёллардан чиққан гап, қиз шуларнинг йўлига юрган бўлса, жазосини тортсин», деб жўрттага иккинчи оғиз очмади. А. Қаҳҳор, Қизлар. Ё мен бошлаган йўлга юрсан, ё жонингдан умидингни узасан. С. Аҳмад, Ҳукм.*

13 Ёйилиб кетмоқ, ёйилмоқ; тарқалмоқ (гап-сўз, хабар ҳақида). *Эл оғзида юрган миш-мишлар.* ■ *«Кечадан бери бир ярим минги қирилган!» деган хабар юриб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

14 *кўм. фл. взф. -(н)б* қўшимчали равишдошга бирикиб, ҳаракатнинг давомчилигини билдиради. *Томоша қилиб юрмоқ. Нима қилиб юрибсиз? Мен ўғлимни ахтариб юрибман.* ■ *Низомиддиновнинг қўлидаги папиросидан сизиб чиқаётган тутун уй ичида ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрибди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

15 (*3-ш. бўйр. м. шаклида – юр*) Бирор томонга жўнаш, кетишга ундашни билдиради. *Юр, кеч қоламиз!* ■ *Ҳа, баракалла, жумбоқ ўша ерда ечилади, юринглар! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Бош кўтариб юрмоқ қ. бош.

ЮРТ 1 Маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой; ўлка, мамлакат, ватан. *Тугилиб ўсган юртим. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл. Мақол.* ■ *Баҳор! Ўзига хос ёқимли виқор билан юрт узра одим ташлайди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

2 Бирор мамлакат ёки ўлкада яшовчи халқ; эл; аҳоли. *Юрт нуфласа, шамол туради. Мақол.* ■ *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туюнинг думи ерга тегибди-ку. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Юрт сўрамоқ Юртни, мамлакатни бошқармоқ, ҳукмдорлик қилмоқ, ҳоким бўлмоқ. *Агарда менинг юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга – сенга маълум бўлмасмиди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Билим юрти Ўрта махсус ўқув, таълим-тарбия муассасаси. *Педагогика билим юрти.* ■ *Муборакхон билим юртида ўқиб юрган пайтларидаёқ тарбиячи бўлиб ишлай бошлаган эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Ўқув юрти* Умуман, ўқув муассасаси. *Олий ўқув юрти.*

ЮРТБОШИ 1 Эл-юрт бошлиғи, сардори, ҳукмдор; оқсоқол.

2 Мустақил Ўзбекистонда: Президентга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланади. *Юртбошимизнинг нутқида кўтарилган ҳар бир масаланинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка атрофлича тушунтиришда университет жамоаси.. олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Газетадан. Юртбошимиз бошлаган шарафли ишга бутун бир халқ қўшилди, юрагида ўти бор инсонлар Президент атрофида бирлашдилар. «Мулоқот». Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган.. янги авлод кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Газетадан.*

ЮРТГАРЧИЛИК Юртда бўладиган турли таомил, муносабат, урф-одат ва ш.к. -*Ҳар ҳолда [ароқлар] кўздан йироқ турга-*

ни яхши, *юртгарчилик-да*, яна бирон киши.. — ярим чин, ярим ҳазил аралаш гапирди *Халлоқбердиев*. Т. Тула. Ҳожи ҳисобчининг ҳикоялари.

ЮРТДОШ Бир юртда яшовчи ёки яшаган кишиларнинг ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Қудратнинг ҳам жанговар хизмати юртдош ёру дўстларининг хизматидай арзигулик бўлса*. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Юртдошлар армияга чақирилувчиларни кузатгани шу ерга келдилар*. Газетадан.

ЮРТФУРУШ Ўз юрти ёки ватанига хиёнат қилувчи; ватанфуруш, хоин. *Ора-мизда йўқ бизнинг Юртфуруш, кўрқоқ!* Шухрат, Мангулик.

ЮРТЧИЛИК айн. *юртгарчилик*. *Ахир, юртчилик, қарашиб туришим керак-ку*. Уйғун.

ЮРУВСИЗ айн. *юруқсиз*. *Ошна, сен мени юрувсиз қилдинг*. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ЮРУМ шв. Бирор иш, нарсa, гап-сўз ва ш.к. нинг тартиб билан давом этиши, йўналиши, бориши, оқими. *Ишимизнинг юрими шундай бўлди*. ■ *Ҳожи хола, қўлидан тушган косани сундирмай ушлаб қолган кишидай, гап юрумани тўғрилаб кетди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮРУМСАК айн. *юримсак*. *Унақа юрум-сак бўлма, тентираш қизларга ярашмайди*. Ойбек, Улуғ йўл.

ЮРУҚ шв. айн. *юриш* 2.

ЮРУҚСИЗ: *юруқсиз бўлмоқ* Бош кўтариб юролмайдиган бўлмоқ. *Шарманда бўлдим, тенгқурларим орасида юруқсиз бўлдим*. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Ўзингни икки нафсдан тий*. Акс ҳолда, эл-юрт олдида *юруқсиз бўлиб қоласан*. Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар. **Юруқсиз қилмоқ** Бош кўтариб юролмайдиган қилмоқ. *Ҳали қўлингдан от ўғирлаш ҳам келадими, қон ют-кур! Мени элда юруқсиз қилдинг-ку!* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЮРҒУСИЗ айн. *юруқсиз*. *Ёмонга яқин юрсанг, қораси юқар*. *Каримга яқин юриб, юртга юрғусиз қилдинг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЮСТИЦИЯ [лат. justitia — адолат, одиллик; қонунийлик] 1 Олий суд; суд органлари фаолияти; суд, адлия.

2 Суд муассасалари тизими; суд идораси.

ЮТ 1 Дон-ғалла унмаган йил; очарчилик, қаҳатчилик.

2 Чорва очарчилиги; ўлат. *Увоқ моллар кўтарам бўлиб, ют бошланди*. *Асабий текширишлар кетди; ахир қирилиб кетган моллар учун кимдир жавоб бериши керак-ку*. С. Анорбоев, Оқсой.

ЮТАМОҚ айн. *ютоқмоқ*.

ЮТИНМОҚ 1 Томоққа яқин суюқликни ютмоқ, ютгандек ҳаракат қилмоқ. *Чол қулт этиб ютинди*. *Уйчан кўзларини найга қадаб, тикилиб қолди*. Ў. Ҳошимов, Кўприк. *Лоланинг кўзига ёш келди, лекин йиғламади*. *Қуруқ ютиниб, кўз ёшини қайтариб юборди*. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

2 Ичкиси, егиси келиб, томоғида ютиш ҳаракатини қилмоқ. *Чойхоначи келтириб қўйган чойни қайтараётган эди, димоғига ош ҳиди урилиб, ютинди*. Ш. Холмирзаев, Милтиқ отилди. *Меливой ҳақиқатда чўллаган экан, ютиниб, пиёлага қаради*. Ф. Мусажонов, Нозик масала.

ЮТИШМОҚ 1 Ютмоқ 1 фл. бирг. н. *Беморлар иккитадан дори ютишди*. ■ *Фуломжонлар у ерга этиб боргунча қинғирқийшиқ кўчаларда.. роса тузу тупроқ ютишди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮТИШМОҚ II Ютмоқ фл. бирг. н. *Бу галги ўйинда фарғоналик қизлар ютишди*.

ЮТМОҚ 1 1 Бўғиз мускуллари кўмагида оғиздаги бирор нарсани томоқдан ўтказмоқ; ичмоқ; емоқ. *Дори ютмоқ*. *Сув ютмоқ*. *Дўстинг учун заҳар ют*. Мақол. *Ютганим — ўзимники, чайнаганим — гумон*. Мақол. ■ *Эр бечора худди қаттиқ ётган касалдек майни қулт-қулт ютибди*. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Эйтибор опа.. иштаҳа билан толқон ямлаб ютаётган Тўлқинжоннинг тим қора жингалак сочини силади*. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Ичига тортмоқ, сўрмоқ. *Папирос тутунини ютмоқ*. ■ *Болалигидан савағич чангини ютиб, қирққа кирмай, ўпкаси тешилиб ўлган оталар, бўзчи тақдирини била туриб, болаларига ҳамон шу касбни мерос қолдирар эдилар*. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Кўчма Бирор нима дейишдан ўзини тиймоқ, ошкор қилмаслик. *Эргаш ака аввалги шахтидан тушди.. нимадир демоқчи эди, гапини ютди*. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Тўсатдан келиб қолган Фотимани кўриб, йиғитлар нафратларини ютдилар*. П.

Турсун, Ўқитувчи. *Гамни ютди, ютди аламини. Дард қуритди кўздаги намни.* Э. Раҳим. |*Бибиқатча*| *Ғира-шира тонгда изтиробини ичига ютиб, қўрадан чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. -*Маҳкам ака, — деди Гавҳар, — кўнглингизга келган ҳамма нарсани айтдинг, ўтган йилдагидай ичингизга ютиб юрманг.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Ўз қаърига тортмоқ, йўқ қилмоқ. *Нега худонинг қаҳри келмас экан? Нега бу аблаҳ бойни ер ютиб юбормасикин-а?* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Уруш она ардоқлаб тарбиялаган фарзандларни балодай ютади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Хода ютгандай Ҳеч нарсага эгилмай, қайишмай, гўдайган ҳолдаги шахсга нисбатан қўлланади. *Худододбек отининг жинловини ушлаганча, хода ютгандек гўдайиб турар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳой, шумоёқ, нима қилиб турибсан хода ютгандай.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ютаман дейди** Жуда ваҳимали, қўрқинчли (бўш уй ёки ҳовли ҳақида). *Хувуллаб қолган уйда ёлғиз яшаш қийин. Ҳовли ютаман дейди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Катта уй, ҳамма ёқ сукунат, нақ ютиб юборай дейди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Қон ютмоқ** Ниҳоятда азоб чекмоқ, хуноб бўлмоқ. *Дехқон ерига чиғириқдан сув чиқариш учун навбат етгунча қон ютарди.* Н. Сафаров, Оловли излар

ЮТМОҚ II I Бирор иш, мусобақа, спорт ва ш.к. да ғалабага эришмоқ, муваффақият қозонмоқ. *Шахмат ўйинида ютмоқ. Курашда ютиб чиқмоқ.* ■ Арслон деган бир йигит курашда тенгқурларини ютди. А. Эшонов, Бир оғиз сўз. *Табрик қиламан, бригадангиз бу чопиқда ҳам ютиб чиқди.* Уйгун, Ҳаёт қўшиғи.

2 Лотерея, қимор ва ш.к. ўйинида пул ёки бирор нарсани қўлга киритмоқ. *Заёмга ютмоқ. Лотерея билетига машина ютиб олди.* ■ -*Эрим ютган пулларни, қимматбахо буюмларни бирга олиб жўнадим, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Фойдаланмоқ, наф кўрмоқ. *Бу ишдан мен ҳеч нарса ютмайман.* ■ *Душман ўз кучларининг ичкариликдаги позициясига мустаҳкам ўрнашиб олиши учун вақтдан ютиш пайида эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Хўп, хатни одамларга кўрсатарсиз, улар хотиним иккиталигини биларлар.* Бундан сиз нима ютасиз? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЮТОҚ I Фоят сувсираган, чанқоқ. *Ютоқ дала, оч дала, Оч даладан қоч дала.* Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи. *У [Яйра] чўли маликка, бир вақтлардаги ютоқ, сангин чўлга тикилиб турарди.* С. Акбарий, У ҳаётни севади.

2 айн. ютоқи.

ЮТОҚИ Очкўз, ебтўймас.

ЮТОҚМОҚ I Ниҳоятда сувсамоқ, чанқамоқ. *Очил акалар яна ярим тунда қайтишди. Ҳаммалари кела солиб, ютоқиб сув ичишди-да, таппа ташлаб, тошдек қотишди.* А. Мухтор, Чинор. *Кампир.. манний крупа билан шакар солиб сут пиширди. Уни шишага солиб берган эди, бола худди она кўкрагига ютоқиб ёпишгандай, икки қўли билан идишни чангаллаб, миқ-миқ шмира кетди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 Фоят очқамоқ, очлик ҳис этмоқ. *Умида.. қўлидаги зоғора нонни ютоқиб кавшарди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.

3 Умуман, бирор нарсага ўта талаб бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ. *Деразани очиб ташлайлик, Уй ютоқиб олади нафас.* У. Қўчқоров, Арслон каби тутоқиб, Лев сингари ютоқиб.. 3. Диёр. *Бобур ютоқиб, олдинга интилди.. навкарлар қуршовини ёриб чиққанда, юзига шабада тегиб, хиёл енгиллашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЮТУМ I Ичишдаги ҳар бир ютиш, томоқдан ўтказиш. *У, чанқовдан оғилни бузиб чиқиб, дуч келган ариқни очкўзлик билан симирган буқачадай, катта ютумлар билан ичаверди.* Ойбек, Навоий.

2 Ўлчов билдирувчи (нумератив) сўз; қултум, ҳўплам. *Бир ютум сув.* ■ *Почамир билан Жума тоға бир четдан ҳовузга яқинлашдилар; лойқаланган сувдан бир-икки ютум олиб ичдилар.* Фитрат, Қиёмат.

3 Ютиш, ичишдаги таъм; ютиш, ичим. *Ютуми яхши вино.*

ЮТУҚ I Иш, фаолиятда эришилган муваффақият; ғалаба. *Илм-фан ютуқлари.* ■ *Мен.. ўзбек халқининг пахтачилик соҳасида бу йил эришган катта ютуғини кўриб, беҳад қувондим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ютуқлар замирида доимо катта меҳнат, изланиш ўрин олган бўлади.* Газетадан. -*Ҳа-да, ишни бўшаштирмай, ураверайлик, битта тош жилдирсак ҳам, ютуғимиз, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Заём, лотерея каби ўйинлар тиражида қўлга киритиладиган, ютиб олинадиган нарса. *Заёмга беш минг сўм ютуқ чиқди. Ютуқни олмоқ.* ■ *Жўравой билетларни қўлга олгач, мажбурлаб берилган лотереяга кўпинча ютуқ чиқади, деган миш-мишларни эслаб, кўнг. ча қандайдир умид учкунни йилт этди.* Газетадан.

3 Баҳс, беллашув кабиларда эришилган ғалаба ва шу ғалаба учун берил(ади)ган нарса. *Йирик-йирик мусобақаларда ажойиб ютуқларни қўлга киритган.* ■ *-Енгилдим.. -Енгилган бўлсангиз, ютуғимни беринг.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЮТУҚЛИ Ютуқ чиқиши мумкин бўлган, ютуқ чиқадиган. *Ютуқли заём.*

ЮТУҚСИЗ Ютуқ чиқмайдиган, ютуқ чиқиши мумкин бўлмаган. *Ютуқсиз иш.*

ЮТҚИЗИШ айн. **ютқизиқ.** *Вақтдан ютқизиш.* ■ *Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютуқда Бир-бирин англари олиқ-сотикда. М. Шайхзода. [Қамбар:] Хўжайиннинг кармони ўпирилганга ўхшайди, толеи йўқ-да. Шу бу йил ютқизишдан боши чиқмай қолди. Нуқул бой беради. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЮТҚИЗИҚ Бирор соҳада юз берган муваффақиятсизлик, зарар кўриш; зиён. *Бу шахмат партиясини мен ютқизиқ деб биламан.*

ЮТҚИЗИҚСИЗ Бирор соҳада зарар келтирмайдиган. *Ютқизиқсиз иш. Ютқизиқсиз ўйин.*

ЮТҚИЗМОҚ I Ютмоқ I фл. орт. н. *Бола шу овқатни ҳам хархашасиз ютқизмади.*

ЮТҚИЗМОҚ II Ютмоқ II фл. орт. н. *Гапимга кирсанг, ютқизмайсан. Чемпион шахматда олти партияни ютқизиб қўйди. Футболчиларимиз бу гал ҳам ютқизмадилар. Ошиқ ўйнаб, бор-йўғини ютқизиб қўйибди. Жаҳлни кечиктирган ютар, ишни кечиктирган ютқизар.* Мақол. ■ *Тўқилган шоналарни тўлатиб олмасак, ютқизиб қўямиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ЮТҚИНМОҚ айн. **ютинмоқ.** *Ютқиниб олган ўпишларнинг йўқотдим салмоғин. Ф. Булом.*

ЮҚ I Бирор нарсада қолган асар, қолдиқ. *Сут юқи. Қаймоқ юқи. Ун юқи халта. Қатиқ тўқилса, юқи қолади, Айрон тўқилса, неси қолади.* Мақол. ■ *Лабларига сутга тўғралган нон юқи ёпишган чинни идишлар, пилалар ҳам йиғиштириб олинмабди. Ж.*

Абдуллахонов, Тўфон. Ойим келганларида, ҳовлидаги қон юқларини кўриб, қўрқиб кетдилар. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. Қосимбек мўйловига теккан қимиз юқларини кафти билан артиб, сўз бошлади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 (3-ш. бирл. шаклида — юқи) Ўзи бирикиб келган сўз аңглатган нарсага эғалик (шу нарса текканлик) маъносини билдиради; юқли. *Ёғ юқи сув ичида қозонсочиқ ивиб ётарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Хотини кириб, қўллари хамир юқи бўлгандан, тушиб кетган енгини шимариб қўйишни сўради. Х. Икромов, Булутли тонг. Аҳмад афт-ангори кир, қўллари мой юқи. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

Чап ичакка ҳам юқ бўлмайди қ. чап I. Юқ (ҳам) бўлмайди Ниҳоятда оз, кам. *-Халқ жонини фидо қилиб ишласа-ю, унга косага юқ бўлмайдиган овқат берса, — деди Анвар. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Юқ бўлмоқ* Танасига сингмоқ. *Совлиқнинг егани ўзига юқ бўлади: кузгача семиради. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЮҚА шв. айн. **юпка I.**

ЮҚМА кам қўлл. айн. **юқумли.** *Юқма касал.*

ЮҚМОҚ I Бирор нарсадан ёпишмоқ, тегмоқ. *Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар. Мақол. ■ У [Турсуной] йўлни ҳам жуда танлаб юрарди, шунча йўл юриб, почасининг жия-гига гард юққан эмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Унинг тупроқ юққан юзларида из қолдириб, тўхтовсиз ёш оқарди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

2 Бировга ўтмоқ (асосан касаллик ҳақида). *Грипп — юқадиган касаллик. Менинг касалим сенга ҳам юқмасин.*

3 кўчма Ўз таъсирига олмоқ, таъсир қилмоқ, бошқага ўтмоқ. *Эшон ҳам, отинойи ҳам иккиюзлама, ёлғончи ва сассиқ гап одамлар эди, уларнинг бу одатлари болаларига ҳам юққан. П. Турсун, Ўқитувчи. Эҳтимол, Элмуроднинг шодлиги унга юққандир. Шухрат, Шинелли йиллар.*

Гап юқмайди Гап кор қилмайди, гапни қулоғига олмайди. *Унча-мунча гап манга юқмайди-да. Чунки терим пўст ташлайвериб, чармга айланиб кетган. М. Иброҳимов, Эгасига тегмаган мактув.*

4 (асосан инкор шаклида) Яхши ҳазм бўлмоқ, танасига сингимоқ. *Ўғирлик ош баданга юқмас. Мақол.* ■ *Бир еринг санчиб, бошинг айланиб турса, еган-ичганинг юқмас экан. «Муштум».*

Сув юқмас, сувюқмас Гап таъсир қилмайдиган, безбет. -*Бошлиғимиз феълига сира тушуниб етмадим. Узиям хўи сув юқмас экан-да. Кишига сира эл бўлай демайди-я.. — деди Остонақул. С. Абдуқаҳҳор. Санамай саккиз дема.*

ЮҚОРИ 1 Бирор нарсанинг энг устки қисмида жойлашган; тепадаги, баланддаги, устки. *Бинонинг юқори қавати. Булутнинг энг юқори қатламлари.* ■ [Мулладўст:] *Пастки жағи юқори жағи билан эртадан кечгача муштлашгани-муштлашган. Ҳамза, Майсаранинг иши. [Қиз] Белини қизил камар билан шундай сиқиб боғлабдики, икки бўлак одамга ўхшайди. Агар жиндек эгилса, юқориси тушиб кетадигандек. С. Аҳмад, Мўтти. Заврак билан Зулфиқор юқорида нист теришарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Бинонинг ёки бирор иншоотнинг устки қавати; болохона. *Қори ўрнидан турди, бошқа ҳеч нарса демай, бошини қуйи солганича, битта-битта қадам босиб, юқорига чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 Бирор ерга нисбатан баланд ўрнашган жойлар; баланд томон; баландлик. *Аҳмаджон.. ҳеч нарсага қарамай, полизма-полиз юқорига қараб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. - Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади, — деди [Амин бува]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Катта ер юқорида, шу ердан бир соат мўлроқ юрасиз, у ерда нуқул пахта унади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Ер, шахс ёки нарса устидаги бўшлиқ; тепа. *Қуюқ тутун юқорига ўрляпти.* ■ *Қайтиши ҳамон юқоридан учиб ўтган бир-икки мошак қушининг «чев-чев» деган товушини эшитиб, кўкка қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шар дақиқа сайин катталашар, юқорига кўтарилар эди. Газетадан. Олатасир бошланди, юқоридан дўлдек ёғилаётган ўқдан душман ўзига келди. Газетадан.*

5 Хонанинг эшикка нисбатан қарама-қарши томони; одатда ҳурматли кишилар ўтирадиган томони; тўр. *Сидиқжон пойгакка бир оз силжиб, уни [Зуннунхўжани] тўр-*

га таклиф қилди: -Қани.. юқорига. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Меҳмонни юқорига ўтқазиб, дарҳол ўзига дастурхон ёзишни буюрди. Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Миқдор, сифат ва ш.к. жиҳатдан меъёрдан, мавжуд ҳолатдан ортиқ, ортиқ даражали. *Юқори баҳо. Юқори босим (тиб., физ.) Юқори маданият. Юқори малака. Юқори сифатли моллар. Юқори наъ пахта. Юқори ҳарорат. Юқори ҳосил.* ■ *Қиш бўлишига қарамай, ҳавонинг тафти юқори, осмон мусаффо. Газетадан. Мактаб ислоҳоти ўқитувчилик касбининг обрў-эътиборини юқори кўтарди. Газетадан.*

7 Нисбатан устун. [Отабек] *Унинг хусндагини эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини ўйлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йирик заминдорлар, сармоядорлар учун ўз манфаати, ўз фойдасидан юқори нарса йўқ. Ойбек, Нур қидириб. Бизнинг жамиятимизда инсон нурдек покиза, нондек азиз, у ҳар қандай бойликдан юқори туради. Газетадан.*

8 с.т. Вазифа, мавқе ва ш.к. жиҳатдан юқори, етакчи бўлган (ташкилот, орган ва б.). *Юқоридан олинган буйруққа биноан иш кўрмоқ. Юқоридан берилган топшириқ. Юқоридан келган вакиллар.* ■ -*Қани.. ҳа, ундан кейин ўртоқлар, — деб яна изоҳ берди Алимқул, — қўл қўйиш масаласида менга юқоридан ҳам, настандан ҳам бир оз гап тегиб қолаётибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Сизга кичик офицер унвонини бериш ҳақида юқорига ёзма хабар берганимиз.. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

9 Ўқувчилари ўқиш муддатини битиришга яқинлашиб қолган, ўқиш муддатининг сўнгги йилларидаги (синф, курс ва ш.к. ҳақида). *Юқори курс талабалари.* ■ *Фақат юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималардир тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар. Ойбек, Нур қидириб.*

10 (ў.-п. к. шаклида — юқорида). Воқеалар баёнининг олд (юқори) қисмида. *Юқорида биз ёш Хушрўй билан ўқувчини бир даража таништирган эдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЮҚОРИГИ Бирор жой ёки нарсанинг юқори, устки қисмига жойлашган. *Мудофелар қўрғоннинг энг юқориги поғонасида*

ўзларининг турли тус ва бичиқдаги кийимлари билан.. кўрғон кунгурасига суяниб, бошларини қуёшга бериб ўтирардилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шербек чамадончасини юқориги полкага қўйди-да, ўзи пастки полкага, янги ҳамроҳлари қаршисига ечинмасданоқ ўтира қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЮҚОРИЛАМОҚ Тепа томонга, юқорига кўтарилмоқ, юқорилашмоқ. Самолёт тобора юқорилаб кетди. Юқорилаб учмоқ. ■ Юқорилаганимиз сари арчалар ҳам сийраклаша боради. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ЮҚОРИЛАНМОҚ кам қўлл. айн. юқорилашмоқ 4. Азизбекни қўлга тушириб бериш билан қипчоқлар ҳузурда ҳам Юсуфбек ҳожининг қадру қиймати юқориланган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮҚОРИЛАШМОҚ Юқориламоқ фл. бирг. н. Улар тобора юқорилашди.

2 айн. юқориламоқ. Шар юқорилаша бориб, кўздан йўқолди.

3 кўчма Авжига чиқмоқ; кучаймоқ. Касалнинг иссиғи юқорилашиб кетди. ■ Орадан ўн беш дақиқа чамаси фурсат ўтиб, товушлар бир оз юқорилашиб келмакка бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўчма Юқори даражадаги лавозимни эгалламоқ; мартабаси ва обрўси орта бормоқ. Ҳали ёш йигитсиз.. мансаб поясида балки юқорилашурсиз. Ойбек, Навоий.

ЮҚОРИЛИК 1 Юқори ҳолат, юқори эканлик. Баҳонинг юқорилиги. Иссиқлик даражасининг юқорилиги. Мансабнинг юқорилиги. ■ Ўзбек ойимнинг бўлса олатурган келинига эътиמודи юқорилигидан ўйлаб-нетиб турмади.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нисбатан юқори, баланд жой; тепалик. Белгача совуқ суя ичида, ботқоқликда пуд-пудлаб лойни жуда юқориликка отиш керак. Ж. Шарипов, Хоразм. Кўчанинг нариги томони яна юқорилик бўлиб, унда 159-полк анчадан буён туради. Шухрат, Шинелли йиллар.

ЮҚТИРМОҚ Юқмоқ фл. орт. н. Озода киши энига гард юқтирмайди. Касаллик юқтириб олмоқ. ■ [Муаттар:] Вой, вой.. Қорақуяни қаердан юқтирдинг? Н. Сафаров, Шарқ тонги.

Сиртига сув юқтирмаслик қ. сирт.

ЮҚУВЧАН Осонлик билан, тез юқадиган. Грипп юқувчан касалликдир.

ЮҚУМЛИ 1 Юқиш хусусиятига эга; юқадиган (касаллик ҳақида). Юқумли касаллик. ■ Бу чора ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймасликни таъминлайди. Газетадан.

2 кўчма Умуман, юқадиган нарса ҳақида; юқиш хусусиятига эга. Ёмон одат юқумли бўлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Рисолатнинг кулгиси шу қадар ёқимли ва «юқумли» эдики, бошқалар ҳам беихтиёр жиймайишди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЮҚУМСИЗ Бошқаларга юқмайдиган, юқумли эмас. Юқумсиз касаллик.

ЮҚУМСИЗЛАНТИРМОҚ Юқишнинг олдини олмоқ, юқмайдиган қилмоқ. Касалликни юқумсизлантирмоқ. Уруғликни юқумсизлантирмоқ.

ЮҚУМЧИЛ кам қўлл. айн. юқумли. Юқумчил касаллик. ■ Касалини билмадик. Юқумчил бўлса, тагин юқмасин. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу фалокатли юқумчил дард эрур инсон учун.. Ҳабибий.

ЮҚ-ЮРУН айн. юқ. Мендан ғалла олсалар ҳам, қолган юқ-юрунлари билан ўзимни очликдан сақлай оламан. С. Айний, Докунда.

ЮГУРМА Бадийий асарлар йиғиндиси, мажмуа; тўплам.

ЮҶО 1 Барча жониворларни аралаш еб, ютиб юборадиган афсонавий махлуқ.

2 кўчма Ебтўймас, очофат. Мавжуд қонун-қоидаларни топташ эвазига бўлса ҳам, кўпроқ бойлик орттириш пайига тушган юҳолар ҳам йўқ эмас. А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл. Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юҳо чиқиб қолди: пахтани пахтада ютади, мевани — мевада. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Я

-я юкл. (унлилардан кейин) айн. -я. Таъкид, таажжуб каби маъноларни билдиради. -Саксонта қовунга-я! Уч сўм! — деҳқон тескари бурилди. Ойбек, Танланган асарлар. *Тавба! Шу кичкинагина орзуси ҳам ушалмади-я!* Р. Раҳмонов, Келин. -Раҳимжон, — деди Эҳсон чой маҳалида, — рафиқангиз кирмайди-я! *Шунақа уятчанми?* А. Қаҳҳор, Сароб. *У шу сўзларни айтди-ю, юраги шув этиб кетди: онаси жеркиб ташласа-я!* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Фирромлик қилишмаса майли-я.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳай-ҳай, жонивор сув муздек. Баданга мойдай ёқади-я.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. *Қилгиликни қилиб қўйиб, тагин талмовсирайди-я бу хотин.* Р. Раҳмонов, Келин.

ЯГАНА [ф. *يگانه* — якка, битта, биргина] қ.х. Экин тупининг яхши ривожланиши учун ёш вақтида ортиқчасини юлиб ташлаш, керакли миқдорда қолдириш, сийраклатиш. *Ғўза қаторларини ягана қилмоқ.* ■ *Бу пахта семиргани қўядими! Чигит ташлайсан — эгиласан, ягана, ўтоқ, чопиқ қиласан — эгиласан.. терасан — эгиласан.* С. Нуров, Нарвон. *Илгари чопиқ, яганаю чеканка ҳам ўқувчиларсиз битмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЯГНАЛАМОҚ қ.х. Яганалаш ишини бажармоқ; ягана қилмоқ. *Ғўзани яганалаш, озиклантириш.. ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.* Газетадан.

ЯГАНАЧИ қ.х. Яганалаш ишини бажарувчи.

ЯГОНА [ф. *يگانه* — якка, битта, биргина] I Бор-йўғи битта, якка-ёлғиз; бирдан-бир, биттаю битта. *Оиланинг ягона фарзанди.*

■ *Бу дардли ҳаётда Гулнорга ягона бахт — Йўлчининг синглиси Унсин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *«Эшак» деб аталадиган уч кишилик ягона, оёқлари тарвайган скамейкада Абдурасул билан Ойимхон ўтиришибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғарбий Буғ дарёси устидаги ягона кўприк.. Тез бориб, уни албатта эгаллаш зарур эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Бошқа тенги йўқ, биттаю битта ҳисобланувчи. *У ўттиз ҳунарда ягона.* Ойбек, Навоий. *Ҳа, Нажмиддин Бухорий ҳазратлари билан отангиз устод Қавом ҳазратларини Хуросону Мовароуннаҳрда ягона, десак хато бўлмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ҳамма учун умумий, бирлашган, бирдан-бир. *Ягона давлат нархлари.* ■ *Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшамоқдалар.* Газетадан.

4 кам қўлл. юкл. Фақат, биргина. *Ширин афсоналар айтиб юлдузлар, Ёнига чорлайди мени ягона.* Р. Парфи.

ЯДРО [р. ядро < юн. *hadros* — куч, қувват; кучли, мустаҳкам] I *спрт.* Итқитиш учун ишлатиладиган думалоқ оғир спорт куроли. *Спортчи ядрони 20 метрга иргитди.*

2 махс. Бирор нарсанинг ички марказий қисми; ўзаги, мағзи. *Ернинг ядроси. Атом ядроси. Ядронинг бўлиниши.* ■ *Ядро эса ҳужайрадаги барча жараёнларни бошқариб турадиган марказдир.* «Фан ва турмуш»

3 кўчма Бирор жамоа, гуруҳ, ташкилот ва ш.к. нинг асосий қисми, муҳим қисми; таянч. *Шу сабабли миллий тил ономасти-*

каси ва топонимикаси фондининг асосий — ядро қисмини халқ шеваларидаги ономастик материаллар ташкил этади.. «ЎТА».

4 айн. ядровий. Ядро уруши. Ядро қуроли.

■ Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир. Газетадан.

ЯДРОВИЙ Ядрога, атом ядросида рўй берадиган жараёнларга оид, ядро қуроли билан бўладиган. Ядровий қурол. Ядровий уруш. Ядровий физика. Ядровий фалокат.

ЯЁВ с.т. айн. пиёда. Икковга биров ботолмас, отличқа яёв етолмас. Мақол. ■ Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда. Ҳ. Олимжон. Марднинг иши элда шундай бўларми? Отидан айрилиб, яёв қоларми? «Алпомиш». Зиёдиланинг тахминича, Комил дарёдан ўтган, Қумқишлоқ гузаригача яёв келган. Ҳ. Фулом, Машъал.

ЯЁВЛАМОҚ фольк. Пиёда юрмоқ. Яёв-лаб чиқдингми ўсган элингдан? «Муродхон».

ЯЗДОН [ф. *یزدان* — худо, тангри] Худо, тангри. Ҳазрати шери яздон, йигитлар пири ҳазрати Али камарбандини боғласинлар. Ф. Фулом, Шум бола.

ЯЗНА шв. Почча. Ўктамбой язнасининг кетмонини ҳам узоқ ишлатолмай, ўзи олиб келган расмий кетмонни ишлатишга мажбур бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. Райим язнамиз сал фирром куёвлардан чиқиб қолди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЯЙДОВ айн. яйдоқ 1. Олисларда яйдов отлар кишнайди.

ЯЙДОҚ 1 Эгар-жабдуқсиз, яланғоч (от ҳақида). Яйдоқ отни етаклаб олган баланд бўйли хушмўйлов йигит анҳор томонга ўтиб кетди. С. Аҳмад. Қадрдон далалар. Ярим соатдан кейин ҳалиги йигит, яйдоқ от устида ўқдай учиб ўтди. А. Мухтор, Опасингиллар. Йигитлар отларни яйдоқ миниб, уй анжомларини тепаликларга ташимоқдалар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринилари.

2 кўчма Ўсимлик ўсмайдиган, ўт-ўлансиз, дов-дарахтсиз; яп-яланғоч. Яйдоқ чўл. ■ Яйдоқ Бўз ҳам маданий, Биз уни юганладик. Ф. Фулом. Тўрткўл десам, Нукус қалъам соғинтирар, Чимбойдаги яйдоқ далам соғинтирар. С. Акбарий.

3 кўчма Ҳеч нарсаи йўқ; қашшоқ. Буни ҳайданг, сира қўйманг, Иши савдою харид,

Олти кунда ҳаммани Яйдоғу яксон қиладир. Ҳамза.

ЯЙЛАМОҚ фольк. Ёйилмоқ, ёйилиб ўтлаб юрмоқ. Отинг яйлаб бу чорбоғда юрибди, Қанча бир гулларни нобуд қилибди. «Нурали».

ЯЙЛОВ Чорва моллари эркин ўтлайдиган, ёйилиб боқиладиган кенг дала, майдон; ўтлоқ. Моллар билан ёз яйловда бўламиз, Қиш совуқда ферма билан келамиз. Фозил Йўлдош ўғли. Мисрбойнинг яйловда минглаб зотли йилқиси, от заводи, шаҳармашаҳар юриб от сотувчи аспжаллоб одамлари бор. С. Абдулла, Ўғрини қароқчи урибди.

ЯЙЛОҚ шв. айн. яйлов. ..булар ҳам келиб, Урганчининг Боғотида яйлоқ тепанинг устига чодир тикиб ётар эди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЯЙРАМОҚ 1 Ўзини эркин ҳис қилган, ўйнаб-кулган ҳолатда бўлмоқ; ёзилмоқ, маза қилмоқ. Дунёга келгандан кейин юр, кул, яйра, кўр, маишат қил. Шўҳрат, Шинелли йиллар. Боёқиш хотинлар ҳам бир яйраб келсин-да. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсадан гоят мамнун бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ; севинмоқ. Гўдакдай яйраб кетди. ■ Розик мўйловини бураб, тилла тишини йилтиратиб, яйраб, илжайиб турарди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯЙРАТМОҚ 1 Яйрамоқ фл. орт. н. Бу бахт Паризод дилини яйратар, чехрасини гулгул яшнатарди. Х. Аҳророва. Орифнинг давлати. Саидғани. овқатни зўр иштаҳа билан еди. Иссиқ овқат танасини яйратди. Н. Юсуфий, Хатдаги доғ.

2 Ҳайвон ва паррандаларни кенг майдонга ёйиб юбориб ўтлатмоқ, сайр қилдирмоқ. Қўйларни яйратмоқ.

ЯЙРАШМОҚ Яйрамоқ фл. бирг. н. Болалар боғчада ўйнаб-кулиб яйрашади. ■ Бир оз яйрашамизми, деб келган эдим, шу ерда ҳам тинчлик бермадингиз! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЯК [ф. *ك* — бир, битта, якка, ягона] кам қўлл. Бир, якка, ягона. Олма, анорингга балли, Як донна холингга балли. Ҳамза, Майсаранинг иши.

Як жилов қилмоқ Жиловнинг бир томонини тортмоқ; шу тарзда от бошини ўнгга ёки сўлга бурмоқ. Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи, Икки қўллаб як жилов қиб бурсанг-чи. «Алпомиш».

ЯКАН 1 бот. Зах ва серсоя ерларда, тўқайларда тола-тола бўлиб ўсадиган бир

ёки кўп йиллик ўсимлик (толаси пишиқ бўлганлигидан, одатда, боғдорчиликда ток боғлаш учун ишлатилади) *Якан ўрмоқ. Токни якан билан боғламоқ.* ■ Кўлнинг саёз жойларида одам бўйи қамишлар, яканлар ўсиб.. ётарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 жарг. Пул. Эсинг борида этагингни ёп, деган машҳур нақлга амал қилмасак бўлмас. Бир ёқдан яканнинг қўри қочяпти. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Гапни айланторманг. Ёғлиқ жой. Якан қатта бўлади!.. «Муштум».

ЯКАНДОЗ [ф. *يگانداز* — бир хил, тенг; ўхшаш] Узун бир қават кўрпача. *Тошхон тахмондан якандоз олиб тўшади.* Р. Раҳмонов, Келин. — *Мингбоши мени юқорига — икки қават якандозга таклиф қилди, — деди Шокарим.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ЯКАНЧИ Эски-туски нарсалар билан савдо қилувчи; ёймачи. *Шаҳарнинг Ожар кўчасидаги узун тор бозор ҳам ўзига хос, қизиқ.. Мискар-кулолчилар ҳам, яканчилар ҳам.. маддоҳлар ҳам — ҳаммаси шунда.* Х. Қодирий, Қоҳира лавҳалари.

ЯКБОРА [ф. *يکباره* — бирдан, тўсатдан; бир йўла; тамомила, бутунлай] *кт.* Ҳамма барабар, бир вақтнинг ўзида, бир йўла, ёппасига. *Якбора ҳамма ўрнидан турди.* ■ *Якбора «Агар эртага уруш бўлса» деган ашулани айтмоққа бошладик.* М. Муҳамедов, Машқ.

ЯКДИЛ [ф. *يکدل* — ҳамжиҳат(лик), бир хил фикрли(лик)] Фикри, мақсади бир, бир хил; иноқ, аҳил, ҳамнафас. — *Қурилишни тез бошлаб юбориш учун ҳамма яктан, якдил.. — деди Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар. — *Жамоа, Асқар оқсоқол қандай одам эди? — Раҳматли яхши одам эди.. Якдил бу жавоб оқсоқол умрининг ўзига хос яқуни, ўзига хос баҳси эди.* «Ёшлик».

ЯКДИЛЛИК Якдил ҳолат, бир жон-бир тан бўлиш. *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб. *Конференция охирида унинг қатнашчилари якдиллик билан тавсиялар қабул қилдилар.* «ЎТА».

ЯКДОНА [ф. *يگانه* — якка, ягона; севимли, арзанда] **1** Донаси йирик, боши сийрак узум тури. .. *Якдона узумнинг олтин доналарини оғзига бир-бир отиб..* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 кам кўлл. Бир донагина; якка, ягона. *У [Патила] ҳеч кўрмагандай, яна бир карра*

Ҳафизанинг лаби остидаги якдона холига, кўзларига рашик билан қараб кўйди. Мирмуҳсин, Умид.

ЯККА [ф. *يکک* — бир, битта; ягона, ноёб; тенги, ўхшаши йўқ; ёлғиз] **1 айн.** *ягона 1.* *Якка туп ўрик. Якка ўзим келаман. Якка бортли костюм.* ■ *Мунисхон онанинг якка қизи эди.* С. Зуннунова, Меҳнат ва турмуш. *Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка от туёқларининг тарақ-туруқи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-юлт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бирон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг якка тортасан.* А. Қаҳҳор, Олгин юлдуз.

Якка кифт бўлиб Бир кифтини олдин чиқариб, бир кифти билан. *Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ орасини ёриб, олдинга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Яккаю ягона 1)** бирдан-бир, ёлғиз, ягона; **2)** *кўчма энг яхши, тенги йўқ, мисли кўрилмаган.* *Бу ҳофиз бутун оламга танилган яккаю ягона овоз.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳеч кимсиз; ёлғиз, кимсасиз. *Зайнаб қолди бечора якка.. На бир сирдош, на-да бир йўлдош.* Х. Олимжон. *Нима бўлса ҳам яккаман.. Кўза кунда эмас, кунда синади.* «Ойсулув». *Бир қояда гариллаб чақиради, Добили ярқиллаб, бир одам якка.* «Нурали».

3 айн. *ягона 2.* *Эзгулик бобида фақат у якка, Фақат у барчага тенг ва баробар.* А. Орипов.

4 Бошқаларга қўшилмасдан, ўзи алоҳида бўлган. *Якка хунарманд. Якка деҳқон.* ■ *Гапнинг боши шуки, ўша сен пул қистаб борганда, у Ҳайдар ҳожидан ажраб, ўзи якка дўкон очиш ҳаракатида юрган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Якка хўжалик эск. Колхоз ёки совхозга кирмаган, жамоа хўжалигига қўшилмаган хонадон, оила. *Билиб қўйинг, якка хўжаликнинг колхозга бирлашиши муқаррар.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

4 кўм. *взф. кам кўлл.* Фақат. *Ёлғиз мени ўйла интизор, Уйларингда мен яшай якка.* Р. Парфи.

ЯККАБОШ Ҳеч кими йўқ, сўққабош, кимсасиз, ёлғиз. *Яккабош йигит.* ■ *Отанасидан айрилиб, яккабош саргардон бўлиб юрганидан буён, бирон одам у билан одам қатори гаплашмаган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯККАБОШЧИЛИК Бошқаларга қўшилмаслик, ўзи ёлғиз, якка тартибда ҳаракат қилиш.

ЯККА-ДУККА Унда-бунда, сийрак. *Якка-дукка сочлари силлиқ таралган.* ■ Сўл томонда.. *якка-дукка дарахтлардан нари азим дарё оқариб кўринади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, якка-дукка итлар ҳуригани эшитиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯККА-ЁЛҒИЗ 1 Биттагина, фақат битта, яккаю ягона, ягона. *Батальонда якка-ёлғиз бўлган қизни ўқситиш яхши эмаслигини имкони борича ётиғи билан гапириб чиқди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бошқалардан ажралган ҳолда; ёлғиз. *Якка-ёлғиз қорайган уйлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯККАЛАМОҚ Бир ўзини бошқалардан ажратиб қўймоқ, ёлғиз қолдирмоқ; ажратиб ташламоқ, ёлғизламоқ. *..шафқатсиз, беомон тақдир ёшлигидан қийноққа солди. Севгилиси Зубайдадан жудо қилиб, яккалаб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЯККАЛИК Якка ҳолат, якка бўлиш. *Уватларни увалатиб, Яккалик чекин бузиб [жамоа хўжалигининг] Учинчи қўши чиқди.* Ғ. Фулом.

ЯККАМА-ЯККА Бир киши билан бир киши, бир кишига қарши бир киши; биттага битта. *Яккама-якка суҳбат.* ■ *[Рус-там] Яккама-якка жангларда сак уруғининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Хон, вазири акбар билан яккама-якка суҳбатлашгани чўчигандек, ҳамиша аъёнларини икки биқинига йиғиб ўтиради.* С. Сиёев, Аваз.

ЯККАМ-ДУККАМ *айн. якка-дукка.* *Узоқдаги тупроқ йўлдан ўтаётган яккам-дуккам.. аравалар кўринади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Жонизоқ отанинг яккам-дуккам бир тутамгина соқоли титраб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯККАМОХОВ Эл-юртга қўшила олмайдиган, жамоатдан ажралиб қолган. *Одамови, яккамохов бўлиб яшайди.* «Гулдаста».

Яккамохов қилиб қўймоқ Эл-юртга қўшмай, жамоатдан ажратиб, ёлғизлаб қўймоқ. *Бу одати учун [Қоплонбекни] болалар «яккамохов» қилиб қўйса, ойисининг қутисидан ҳовуч-ҳовуч мевалар ўғирлаб чиқиб,*

улашарди-да, «ярашиб» оларди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЯККАХОН [ф. *يگهخوان* – ёлғиз, бир ўзи куйловчи] **1** Якка ижро этувчи (қўшиқни); солист. *Яккахон ашулачилар танлови.* ■ *Ўтиб санъатда Юсуф Андижоний, Навоийнинг севикли яккахони.* Ҳабибий. *Шоирлар хорида яккахон бўлиб, Баралла янграйди сенинг овозинг.* Уйғун.

2 Бир ўзи, ёлғиз. *Яккахон бедана жуфтини чорлаб питпиллади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Қуюқ дарахтлар шоҳида макон тутган яккахон булбул бирам ёқимли хониш қилдики.. иложсиз тўхтаб, ҳузур қилиб тинглайсан киши.* Р. Раҳмонов, Восил ака.

ЯККАЧЎП [ф. *يگهچوب* – битта, ягона тахта, хода] Ариқ ёки анҳор устидан ўтиш учун қўйилган узун хода. *Йигит ўғирлиб қараган эди, яккачўп устида қошига энлик қилиб ўсма қўйиб олган, кўкракбурма кўйлакли қизни кўрди.* С. Аҳмад, Муҳаббат. *Ногаҳон ўзимни катта дарё устига ташланган яккачўп олдидан чиқиб қолгандай ҳис қилдим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЯККАШ [ф. *يگهش* – якка, ягона, бир ўзи, ёлғиз] *рвш. с.т. 1* Нуқул, ҳамиша; доим. *Бир, кўнгли бўшгина аёл эса Абдуладан кўзини узолмай, яккаш йиғларди.* Ф. Усмонов, Қора ният. *Ҳар баҳорга чиққанда яккаш: «Бахтим борми?» дея сўрайман.* Ҳ. Олимжон.

2 кам қўл. *айн. якка 1.* *Дарё бир севги жоми.. Ойдаи хуснда яккаш.* С. Акбарий. *Сени ким дер илми толиб, Халойиқни ўйлатмасанг, Қалам билан яккаш қолиб, Қоғозингни сўйлатмасанг.* Б. Бойқобилов.

ЯККА-ЯРИМ Оз миқдорда, битта-яримта. *Катта ҳовлида якка-ярим навкарлар от қашлаб, жул-жубба ямаб, ивирсиб юрар.* А. Ҳақимов, Илон изидан. *Дам ўтмай.. якка-ярим чакиллаб турган ёмғир худди челақлаб қуйгандек шаррос қуя кетди.* Ш. Фуломов, Қалб ундайди.

ЯККАҚЎЛ Оила-рўзгор ишида асосий (касбий) ишни фақат ўзи бажарадиган, биргалашадиган кишиси йўқ. *Яккақўл касиб.* ■ *Жамоадан.. баъзи яккақўл ўртаҳол деҳқонлар бу ишга [ёппа колхозлашишга] аввал совуққонлик билан қараб, у қадар қаршилик кўрсатмаган эдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЯККАҲОЛ: яккаҳол деҳқон эск. Жамоага қўшилмай, ўзига алоҳида, ҳўжалиги алоҳида бўлган деҳқон. *Олахўжа ён-верига қараб, кўзи тушган ўрта деҳқон ва ҳатто яккаҳол деҳқонларни ҳам Абдуракулга қарши гижгимжлата бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯКОРЬ [р. якорь < қад. исландча ankari < лот. апсога – лангар, якорь] *тех.* Электр машинанинг айланма ҳаракат қиладиган қисми. *Генератор якори.*

ЯКРҮЯ [ф. якرويё – самимий, очиқ, тўғри; «бир юзлама», бир томонлама] *кам қўлл.* Бир томонига пардоз берилган, бир томонлама. *Якрўя газлама. Якрўя рўмол.*

ЯКСОН [ф. يكسان – тенг, бир хил, ўхшаш] *эск. кт.* Бир, бирга, бирликда. *Кимники инсон десанг, инсон эмас. Шаклда ҳам феълда яксон эмас.* Алишер Навоий. *О, она табиат! Сен билан яксонман.. Жоним ширинлиги.. тириклиги сендан.* А. Мухтор.

Яксон бўлмоқ ёки ер билан яксон бўлмоқ Бутунлай йўқ бўлмоқ, тугатилмоқ (бузиб, емириб ва ҳ.). *Чангал солган бало яксон бўлди.* Ойбек. О.в.шабадалар. *Иккинчи, учинчи бомба хаталарга тушди. Бир неча уй ер билан яксон бўлди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. (**Ер билан**) **яксон қилмоқ (ёки этмоқ)** Бутунлай йўқ қилмоқ, тугатмоқ. *Уруш Украинанинг не не асрий гўзал ва шинам шаҳар ва қишлоқлари, нодир маданият ёдгорликларини яксон қилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Белорусиянинг шаҳар, қишлоқлари ер билан яксон қилинган эди. Лекин тезда шаҳарлар тикланиб олинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЯКСОНЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн. яксон қилмоқ қ. яксон.*

2 Пайҳон қилмоқ.

ЯКТАК [ф. يكتە – бир қават, астарсиз кийим] Узун, кўкрак олди очиқ, эркаклар кўйлаги. *Бўз ятак қичитар, Яхши хотин тинчитар.* Мақол. ■ *Ятак ва чопонини очиқ ёқасидан кўришиб турган кенг кўкраги совуқ таъсиридан қизарган эди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Чанг ва тердан ҳосил бўлган кирни ятак этаги билан юзидан сидириб ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ятак тўн шв. айн. ятак. *Оёғига кун этик, эгнига чий алакдан ятак тўн, қалами иштон берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯКТАКЧАН Фақат ятак кийган, ятак билан. *Куз кириб, ҳаво салқинланганига*

қарамай, Тешабой ташқарисида ятакчан, сарпойчан юрган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯКТАН [ф. يكتن – яккаю ягона; ёлғиз, ноёб] Фикри, мақсади бир хил, бир тан-бир жон; ҳамжиҳат, аҳил. [*Тантубойвачча:*] *Шарт шу: бундан кейин ҳар хусусда мен билан яктан бўлиб ишласангиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯКТО [ф. يكتا – бир, биргина, ёлғиз; тенги, ўхшаш ийўқ] *кт. кам қўлл.* Ҳеч ким, ҳеч нарса тенглашолмайдиган, тенги йўқ, мисли кўрилмаган; ягона. *Ёш Ниёзни севибди бир қиз – Қизларнинг энг яктоси ёлғиз.* Ҳ. Пўлат. [*Ўзбек ойим Зайнабни*] *Чиройлиликда танҳо, ақллиликда якто топиб.. ўғлига «хотин бу бўлибди!» деган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ёр, дедим.. Мана мен, деб шеърдан боқди якто юрак.* У. Азим.

ЯКУН [а. يگون – сўнг, охир; натижа] **1** Бирон нарсанинг охири, тугаш, охирига етиш қисми. *Мусобақа якунида ғолибларни шарафлаш маросими бўлди.* Газетадан.

2 Хулоса, натижа. *Ўқув йилининг якунлари. Мунозараларнинг якуни. Ишинг якуни.* ■ *Ҳар бир туп ғўзани ўстирдиг силаб, Етмоқ ниятида порлоқ якунга.* Э. Раҳим. *Сенинг севгинг ҳам, менинг ошам ҳам, бутун халқимиз бахти ҳам шу урушнинг якунига боғлиқ.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

Якун топмоқ Натижаланмоқ, натижага етмоқ; охирига етмоқ; йўқ бўлмоқ. *Мазмунки, олам-олам зўр бойлик топди якун.* Ғайратий. **Якун ясамоқ** Хулоса чиқармоқ, якунламоқ. *Умматали уйқудан ногоҳ уйғотилган кишидек гангиб турар экан, майор аниқроқ қилиб якун ясади: –Терговингиз тугади. Бугундан бошлаб озодсиз!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯКУНЛАМОҚ 1 Хулоса, натижа чиқармоқ, хулосаламоқ. *Маош олмаса ҳам, кечакундуз ўтириб, тажрибаларини якунлади.* *Натижасини директорга ёзиб берди.* С. Нуоров, Нарвон. *Мусобақа ишимизга юқори суръат ва сифат бағишламоқда.* *Мусобақани ҳар куни якунлаймиз.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Муайян натижа ёки хулоса билан адо этмоқ, тамомламоқ. *Ўқув йилини юқори кўрсаткичлар билан якунламоқ.* ■ *Фабрика квартал ишлаб чиқаришини муваффақият билан якунлаганини, маҳсулот сифати кў-*

тарилганини гоҳ шжайиб, гоҳ писанда қилиб ўқиб берди. С. Аҳмад, Сайланма.

ЯКШАНБА [ф. *يکشنبه* – бир(инчи) шанба; ҳафта куни] Ҳафтанинг сўнги, еттинчи куни; умумий дам олиш куни; бозор куни.

ЯКШАНБАЛИК Бир якшанба куни жамоа бўлиб, ихтиёрий равишда бажариладиган ижтимоий иш. *Якшанбалик қатнашчилари барвақт тўпланишди.* ■ *Якшанбалик куни ҳаммамиз машина залини тартибга келтирдик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЯКҚАЛАМ [ф. + а. *يک قلم* – қалами, ёзуви бир: бутунича, бутунлай, тўлиқ; бирдан]: **якқалам қилмоқ** (ёки **этмоқ**, **айламоқ**) *эск. кт.* Ялписита қўлга олмоқ; бирлаштирмоқ. *Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам.* Алишер Навоий. *Самарқанд кечмишин айлаб якқалам.* Бир мактуб йўлладим Сизга сўнгида. Б. Бойқобил, Мени кутинг, юлдузлар.

ЯЛАБ-ЮЛҚАМОҚ 1 Кўп яламоқ, кўп ялаб тозаламоқ (баъзи ҳайвонлар ҳақида). *Говмиш бузоғини ялаб-юлқади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

2 *кўчма* Ниҳоятда яхшилаб тозаламоқ (хона, ҳовли, асбоб кабиларни). *Нозимахон.. атрофни чинни-чироқ қилиб ялаб-юлқаш билан овора.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

3 Ута эъзоз билан, айланиб-ўргилиб, жуда эътибор билан қарамоқ, шундай муносабатда бўлмоқ. *Куёвдан ёлчиган қайнона уни ялаб-юлқарди. Тўй-ҳашамларга, лозимандаларга олиб борарди.* С. Аҳмад, Ҳикоялар. «Маликам, гўзалим, жоним», деб ялаб-юлқашларингиз ёлғон экан-да.. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЯЛАКАТ: **ялакати мағиз** Баъзан бир данак ичида ҳосил бўладиган иккита мағиз, эгизак мағиз, қўш мағиз. *Анорхон билан Собир юмшоқ ва шик қанорлар орасига ялакати мағиздай ўрнашиб олиб, суҳбатлашар эдилар.* Ойбек, О.в.шабадалар.

ЯЛАМ Бир, икки каби санок сонлар билан қўлланиб, нарсани шу сон билдирган микдорда, шунча ялашлик маъносини билдиради. *Бир ялам асал. Икки ялам қаймоқ.*

ЯЛАМА: **ялама туз** Йирик, майдаланмаган туз (чорва ҳайвонларига ялатиш учун ишлатилади).

ЯЛАМОҚ 1 Ейиш ёки мазасини тотиш мақсадида бирор нарсага тилини тегизмоқ; тил воситасида оғизга олмоқ. *Асал яламоқ.*

Бол ушлаган бармоғини ялайди. Мақол. ■ *Табиб косадан бармоғига бир оз илаштириб ялади ва дарров туфлаб ташлади:* -Заҳар ичибди! А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лаган бўшагач, Йўлчи қўлини тортди. Қамбар лаганга бармоқларини ишқаб ялади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Камолхонов.. қошиқдаги юкни ялаб, узоқ тамини олди – ҳақиқатан қатиққа ўхшайди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун.

2 Тозалаш, ҳўллаш ва ш.к. мақсадда тилини суртмоқ. *Янги бўшанган совдақ кўзисини яларди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Ниҳоят, гапир-гапир қакраган лабларини тили билан ялаб, Лутфинисо жим бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Тегиб, урилиб таъсир қилмоқ (шамол, совуқ, иссиқ ва ш.к. ҳақида). *Ҳаво булут. Изғирин бет ялайди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Юзни, кўзни, баданни иссиқ шамол ялайди.* Й. Муқимов, Шарофат. *Пода кетидан юравериб, офтоб ялаган бундойранг юзлари бир оз тўлишгандай..* Н. Фозилов, Дийдор.

4 Ўз йўналишида нарсанинг сирт қисмини узиб, юлқиб кетмоқ (шамол, сув ва ш.к. ҳақида). *Пойариқнинг ёқасидаги карталарни сел сал қиялаб ялаб кетибди, холос.* И. Мирзаев, Тўйбошилар. *Шамол қумларни учириб, тепаликларни ялаб кетган..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чап тирсаги ачишиб оғриди: ўқ ялаб кетган бўлиши мумкин.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

Ёғ (ёки **мой**) **тулса** (ёки **томса**) **ялағундай қ. ёғ.** **Илоннинг ёғини ялаган қ. ёғ.** **Оёғини** (ёки **товонини**) **яламоқ** Бирор шахсга лаганбардорлик қилмоқ. *Ўзидан кучли кимсанинг товонини ялаб, ўзидан ожиз бечорани хўрлаш, риёкорлик..* С. Сиёев, Аваз.

ЯЛАМСИҚ Очкўз, ебтўймас, очофат. *Яламсиқ бола.*

ЯЛАМУР *шв.* Яламсиқ. *Яламур сизирлар бўлса, иштаҳаси очилиб, ҳаш-паш дегунча хашакни тугатишибди.* «Муштум». ..қонунбузарлик қилиб юрган бу яламурларнинг кирдикорлари фож этилди. «Муштум».

ЯЛАНГ 1 1 Дов-дарахтсиз, иморатсиз; очиқ, бўш. *Яланг ер. Яланг майдон. Яланг қир.* ■ *Ҳамманглар ҳам яланг далада туғилганмисизлар?* Шухрат, Шинелли йиллар. *Атроф яланг, қум саҳроси.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қумли дўнгликнинг олди ден-*

гиз томон пасайиб, кети яланг текисликка туташади. «Фан ва турмуш».

2 айн. яланглик. Аҳмаджон синчиклаб қараса, эҳе.. шунча одам кеча кечаси қаерда экан? Ялангларга, йўлчаларга одам сиғишмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. - Меҳмонларни кутиб ол, қизим. Мана бу ерга жой қил, — деди.. Абдували ота, чайла ёнидаги ялангни кўрсатиб. Ҳ. Иброҳимов, Оддий кечада.

3 Кийимсиз, яланғоч. Эғнида бир егни тирсақдан, бир бари тамоман йўқ илматешик буз яктак.. бош-оёғи яланг.. чолни кўриб, Фуломжоннинг юраги эзилиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эғнида отигина қолган жулдур яктак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Бир қават, енгил, юпқа кийимда. Ой-нисанинг юраги уриб, совуққа яланг чиққандай, эти увишиб кетди. Уруш!. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

5 айн. яланг қават 2. Шоирнинг устида яланг қўнғир мовут чакмон. Ойбек, Навоий.

6 Қиндан чиқарилган; яланғоч. Қирқ азамат, бўл ҳа-бўл деб, Қилич яланг келаётир. «Хушкелди».

Яланг қават 1) бир толадан иборат, бир қават. Яланг қават ип; **2)** фақат аврадан иборат, астарсиз. Яланг қават тўни тағидан икки қўлини орқасидан ўтказиб, қадам санаб бораётган Маҳкам тақачи кўринди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯЛАНГ II Ҳамма вақт; ҳамиша, доим, нуқул. Яланг кулади. Яланг бир хил овқат пиширади. Сиз билан яланг шу ерда учрашиб қоламиз. ■ Катта амалда ишлайдиган одамларнинг болалари ёмон ўқишса ҳам, яланг аъло баҳо қўяди.. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЯЛАНГЛАМОҚ айн. яланғочламоқ 2. Райшбек додхоҳ қилич яланглаб, сипоҳилар олдида оломонга қараб югурди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯЛАНГЛИК Дов-дарахтсиз кенг, иморат қурилмаган; очиқ, бўш ер; текислик. Кенг ва совуқ ялангликда пахта ташийдиган ўн ғилдиракли юк машиналари қаторлашиб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш. Шомга яқин колхозчилар правление олдидаги ялангликка тўпланишди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Серёжа тонг ёришаётган пайтда ўрмон ичидаги ялангликни кесиб ўтди. А. Раҳмат, Соқов бола.

ЯЛАНГТЎШ I Кўкраги (тўши) очиқ. Хўмрайган ялангтўш чоллар, бурнининг суви оқиб йиғламсираган бола-бақралар. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Жўра мингбошининг мусодара бўлган ҳовлиси яктакчопон кийган ялангтўш деҳқонларга лиқ тўлди. Р. Раҳмон, Изидан тул унган.

2 Кўкраги кенг, ягриндор; мард, жасур. Ялангтўш йигит. Ялангтўш, ижодкор мағрур ўзбекман — Меҳнатим туфайли кўрсатдим жамол! Шухрат. Гулчехранинг ашуласи ялангтўш ва серяғрин одамлар баданини жимирлатар эди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол, Барваста, меҳрибон, ялангтўш, танти. Ф. Фулом.

3 кўчма Сатҳи, бағри бўш; яланг. Ялангтўш ерлар оппоқ қорларни «тиш»га босиб шимяпти. Ш. Убайдуллаев, Қишлоқ улуғлари. Картани ялангтўш қилиб юборганимиз чакки бўлмади-а. Ш. Фуломов, Қалб ундайди. Хайр, қоронғи чангалзорлар, зумрад далалар, ялангтўш тоғлар. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ЯЛАНМОҚ Яламоқ фл. ўзл. н. Тўлқин гоҳ-гоҳ қирғоққа сапчиди, ости яланиб, илдиши очилиб қолган дарахтларни кўпориб, юлиб-юлқиб кетади. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Ит нонни ютди-ю, ердаги увоқларини ялаб, миннатдор бўлиб, болага тикилди, тилини чиқариб, яланиб тураверди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Ичи яланмоқ Ичи сидирилмоқ, очқамоқ. [Кампир:] Бай-бай-ей, чолим бечора, ичи яланиб, оч келди-я.. Ойбек, Улуғ йўл.

ЯЛАНСИМОҚ Ёғли, кучли овқатга эҳтиёж сезмоқ, талаб бўлмоқ; ёвғонсирамоқ.

ЯЛАНҒОЧ I Кийим киймаган, уст-бошсиз, кийимсиз. Яланғоч гўдак. ■ Нон қадрини оч билар, Кийим қадрини — яланғоч. Газетадан. Фосиҳ афанди, музга яланғоч ўтириб олгандай, сесканиб тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унинг оёқ яланг, ярим яланғоч шўҳ болалари.. шовқин-сурон билан ўйнашар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Баргсиз, барги йўқ; барги тўкилган. Сув ёқалаб ўсган яланғоч дарахтларнинг бутоқ-новдаларида совуқ шамол шувуллайди. Ойбек, Танланган асарлар. Қуёш новча теракларнинг яланғоч новдаларини чўғдек қизартириб, адир орқасига чўкди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *кўчма* Дов-дарахтсиз, иморатсиз, гиёҳсиз; яланг. *Яланғоч ер янги чўмилтирилган чақалоқдай буғланади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 *кўчма* Устига бирор нарса тўшалмаган: палоссиз. *Нури олдинроқ юриб, саҳни яланғоч, эни бир бўйра қадар айвонга яқинлашгач.. катта паҳмоқ кучук ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мендан бошқа одам турмайди шекилли, каравотлар яланғоч, матраслар йиғиштирилмаган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *кўчма* Кийишга кийими йўқ; уст-боши хароб; камбағал, қашшоқ. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкаси, ба-да, шунча ўрлаганингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Қинсиз, ғилофсиз; қин, ғилофдан чиқарилган (баъзи қурол-яроғлар ҳақида). *Хон Ҳасаннинг қиличи қўлида яланғоч.. «Ҳасанхон». Бир қўлида яланғоч наган, бир қўлида фонарь. «Гулдаста».*

ЯЛАНҒОЧЛАМОҚ 1 Уст-бошини бутунлай ечиб олмоқ, яланғоч қилмоқ, ечинтирмоқ. *Болани яланғочламоқ. ■ Йигит белигача яланғочланиб олганидан хижолат бўлиб, қизга гуноҳкорона кўз ташлади.* Э. Самандаров, Тангри қудуғи.

2 Эгар-жабдуғини, абзалини ечиб олмоқ, *Отни яланғочламоқ. ■ Аваз қараса, кўса Чўлтоқни яланғочлаб, офтобга ўзини солиб ётибди.* «Авазхон».

3 Шох-шаббасини, шох-бутоқларини кесиб ташламоқ; очмоқ. *Йўлчи катта тўнқани яланғочлаб, илдизларини, йўғон томирларини 6. та билан уриб, ердан айирар экан, ўздан 3.. беш-йигирма қадам нарида турган бир қизга кўзи тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Қинидан, ғилофидан чиқармоқ, уриш, чопиш ёки отишга шайламоқ (баъзи қурол-яроғлар ҳақида). *Қилич(ни) яланғочламоқ. ■ Илгари очиқчасига пичоқ яланғочлаб юрганлар энди пичоғини енг ичига олган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Майна маузерни яланғочлаб, йўлда тўхтатган эски извош ёнида от бошини тортиб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Шипшийдам қилмоқ, бўшатмоқ. *Уйни яланғочламоқ.*

ЯЛАНҒОЧЛИК 1 Яланғоч ҳолат. *Биз, санъаткорлар, яланғоч хотиннинг суратиغا*

қарар эканмиз, хотиннинг яланғочлигидан эмас, унинг тасвир қилинишидан завқ оламиз. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кийими йўқлик. *Очлик кўчага чиқарар, Яланғочлик уйга киритар.* Мақол.

3 Қашшоқлик, очлик, муҳтожлик. *Нега булар [пулли] ўз билгиларича бермайдилар? Қишлоқда ўз жиянларининг оч, яланғочлигини билса керак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯЛАТМА Жуда юпқа қилиб солинган. *Тўнга ялатма қилиб пахта солинди.*

ЯЛИНМОҚ Ўтиниб, илтимос билан сўрамоқ, илтимос қилмоқ; ёлвормоқ. *Яна қаттиқроқ йиғлаб юборди Шоқосим ва йиғи аралаш Ёрматга ялинди: -Энди хўжайиндан бир оз пул қарз келтириб беринг.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Ғофир:] Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ЯЛИНЧОҚ 1 Ялиниш ҳис-хусусияти кучли, ялинаверадиган. *Ялинчоқ бола. ■ Бу ерга келганларнинг ҳаммаси ялинчоқ, дуо-гўй бўлиб қолганликлари сабабли, иккала адвокат ҳам бу «дуо»ларга парво қилишмади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 Ялиниш ифодали. *У [Шаҳзода] дуо-насининг қўлини қисиб, ёлғиз қолдириб кетаётганидан кечирим сўрагандек, ялинчоқ назар билан унга бир тикилди-да, одамлар орасига шўнғиди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *-Бир илтимос, тўрт қаторгина, - деб ялинчоқ овозда такрорлади у.* Н. Аминов, Суварак.

ЯЛИНЧОҚЛИК Ҳадеб ялинавериш, шундай одатга, хислатга эгалик, ялинчоққа хос хатти-ҳаракат. *Танзила бу сўзларни шу қадар мулоҳимлик, ялинчоқлик билан айтдики, Шерали беихтиёр тўхтаб, қиз томон ўгирилди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Амма ялинчоқлик билан Шокирга: «Гапир, гапир!» деб турган бўлишига қарамай, у гапирмади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЯЛЛА [ф. *ياللى* (ялали, яллали) — бекорчилик; хурсандчилик, айшу ишрат чоғидаги оҳ уриш] **1** Рақс билан ижро этиладиган энгил ва шўх кўшиқ, ашула. *Уйнашиб, тўйтўйлашиб, айтиб қўшиқлар, яллалар, Қилгали аҳду никоҳни келди меҳмонлар букун.* Ҳабибий. *Ичкари ҳовлида эса бой хотин-*

ларининг дутор чалиб, ялла айтаётганлари эшитилар эди. С. Аҳмад, Оқпадар. Араваларда, отларда, пиеда кетиб бораётган ёшу яланг, қаршо қартанглар суюнчлари ичларига сиғмай, ялла айтишади.. кулишади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Базм авжида. Халқ ҳофизлари Ж. Султонюв, М. Узоқов, Халқ-махоним ялласига Мукаррамахоним ва Тама-рахонимлар рақсга тушарди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Ялла қилмоқ 1) енгил ва шўх қўшиқ айтмоқ. *Урмонжон Қурбон ота билан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган дав-радан топди.* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқ-лари; 2) кўчма вақтини ўйин-кулги билан ўтказмоқ, беғам ва бепарво юрмоқ. *Алла, жоним, алла, ҳозир ишлашга палла, Йиғим-теримларни олиб, сўнра қиламиз ялла.* «Қў-шиқлар».

ЯЛЛА-БЕПАРВО Ҳеч нарса ташвишини қилмайдиган; беғам. *Ялла-бепарво одам.*

ЯЛЛАЧИ Тўй-томошаларда қўшиқ ай-тиб, ўйинга тушиб юришни касб қилиб олган шахс (асосан аёллар ҳақида). *Тош-кентнинг донг чиқарган яллагчилари шўх, жонли қўшиқ — «Олмача, анорингга балли. Боғу бўстонингга балли»ни куйлаб, гулхан теварагида рақс этадилар.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

ЯЛЛАҚАМОҚ с.т. Ёрлақамоқ. *Дамирнинг стипендијаси яллақаганда уч-тўрт кунга етарди.* «Шарқ юлдузи». *От кишнайдди алла-қайда, Турсун турди апил-тапил.* -Худо ўзи яллақайди, — деди момо, гўё қафил. Т. Тўла.

ЯЛЛИҒ 1 Аланга, ёлқин. *Лампанинг кучсизгина яллиғи шабадада лип-лип этиб, айвон олдинигина ёритиб турди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар. *Сал ўтмай душман му-дофаасининг уфқида устма-уст яллиғ кў-тарилди, кейин гўмбурлаш эшитилди.* Шух-рат, Шинелли йиллар.

2 Бирор иссиқлик манбаидан уфурувчи ҳарорат; тафт. *Саратон жазирамасида тандирдек қизиган ернинг яллиғи гупиллаб юза урилади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Тандирдан чиқаётган яллиғ унинг ҳам бет-ларини қизартириб юборган.* С. Аҳмад, Сай-ланма.

3 кўчма Тафт, ҳарорат. *Қўчқорнинг ҳа-зин куйи, юрасининг яллиғи теккан сўзлари [Шербек] қулоғига аниқ эшитилаётгандек туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Қизариш, шишиш. *Томоғининг яллиғи батамом қайтганини кўриб, профессор унга томоқ безини олдириш учун ўз клиникасига йўлланма берди.* Л. Тожиева, Мехрим сизга, одамлар.

ЯЛЛИҒЛАМОҚ айн. яллиғланмоқ. *Кўмир яллиғлади. Печка яллиғлади. Чипқон яллиғ-лаб турибди.*

ЯЛЛИҒЛАНИШ 1 Яллиғланмоқ фл. ҳар. н.

2 Организмнинг зарарланган (лат еган, жароҳатланган..) жойида қизиш, қизариш, шишишдан иборат оғриқли жараён. *Ичак яллиғланиши. Ўпка яллиғланиши.* ■ -*Док-тор назоратида, кунлар ўтган сари жаро-ҳатдаги яллиғланиш қайтиб, оёғим ердан енгил кўчадиган бўлиб қолди, — деди Ҳамро.* Н. Сафаров, Тирилган одам.

ЯЛЛИҒЛАНМОҚ 1 Аланга чиқармоқ, тарқатмоқ; алангаланмоқ. *Аллоннинг мойли кўзи қоронғида Сулувни қидирар, ўчоқда олов яллиғланганда уни топиб, билагига, тўшига тармашар эди.* А. Мухтор. Қорақалпоқ қис-саси. *Дарвоза олдиди турганлардан бири.. мисдай яллиғланиб турган қуёш айланасига ишора қилди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Чўғдай қизариб турмоқ, ёнаётгандай кўринмоқ. *Лекин машғала ёлқинидан қи-зарган парда ҳамма томондан яллиғланиб кўриниб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингил-лар.

2 Қизиб, қизариб шишмоқ.

Яраси (ёки жароҳати) яллиғланди 1) яра-си, жароҳати газак олди; 2) кўчма дард-лаами зўрайди. *Бугун унинг [Адолатнинг] бутун эски жароҳатлари яллиғланадиган кун, у бунга тайёр бўлиб, жинчироққа ти-килиб ўтирарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЯЛЛО 1 айн. ялла. *Девсифат киши ял-лосини тўхтатди-ю, жамоатга қараб ҳай-қирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Сав-латингга, ғайратингга қойилман!* — деган яллони айтиб қўяди, гўё бу билан ўзининг муваффақиятига жар солади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ўйин-кулги, хурсандчилик. *Биласиз-ку ишимни. Ҳамма вақт ялло, ўзим хон, кў-ланкам майдон.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Ялло қилиб юрмоқ Ҳеч бир иш қилмай, ҳеч нарсага қарамай, вақтини ўйин-кулги, хурсандчилик билан ўтказмоқ. [Холмирза] *Валининг анчадан бери хотинини ташлаб қўйиб, касалманд онасига сув ҳам томиз-*

май, боши оққан томонда ялло қилиб юрганини эшитганди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЯЛМОН шв. Каламуш.

ЯЛМОҒИЗ 1 миф. Халқ оғзаки поэтик ижодида кенг тарқалган. Ўта хунук қари кампир сифатида тасвирланадиган, дуч келган ҳамма нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлук; жодугар. *Ялмоғиз кампир*. ■ *Кунботарда бир ёвуз Дев бор эмиш, ялмоғиз*. Ҳ. Олимжон.

2 кўчма Ҳамма нарсани еб-ютадиган, қуритадиган; юҳо. *Долларга топинган ялмоғизларнинг Қонли хуружига чек қўйинг тезроқ*. Уйғун. *Бу ялмоғиз қашшоқликнинг захарли томирлари ўз ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯЛОВ кт. Байроқ, туғ. *Зафар яловини олиб келишингизга ишончим комил, дўстим Абдурахмон*. С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ҳазрат, яловни кўтариб олсакми?* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *..баланд нештоқда қўндирилган сербар-узун ялов саросима оғушидаги меҳмонларни хушвақтлик билан ичкарига чорлади*. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ЯЛОВБАРДОР кт. **1** Байроқ кўтариб борувчи; байроқдор. [*Моҳидил*] *Ҳақиқий яловбардор сингари ўзи сафнинг қоқ марказида туриб, икки қанотни баб-баравар жангга бошлади*. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 кўчма Бирор соҳада ёки ишда бошқаларни бошлаб борувчи илғор шахс. *Усмон Носир ўз сафдошлари.. ишон адабиётимизнинг олдинги сафларида яловбардор бўлди*. Т. Тўла, Фавқуллода талант соҳиби.

ЯЛОВДОР айн. яловбардор.

ЯЛОВКАШ эск. айн. яловбардор.

ЯЛОҚ 1 Ит, мушук каби ҳайвонларнинг овқат ейиши учун белгиланган идиш. *Ит ялоғи*. ■ *Ҳалиги тўртта ит сурувдан нарироқда тилларини чапиллатиб, ялоқдан овқат ичмоқда*. С. Анорбоев, Оқсой. *Уша куни у [ит] ҳовлига қайтиб, ялоқдаги ювиндини шалоплатиб ичди*. Н. Норқолиев, Бекатдаги оқ уйча.

2 Оғзи кенг (баъзи идишлар ҳақида). *Тоғора, жом, шунақа оғзи ялоқ идишларда у ер-бу ерега сув қўй*. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Усубали ёғоч ялоқда сув келтириб ичирди, юзига сув сенди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 айн. ялоқи. *Ўпка, жигар, буйрак, талоқ, Ҳаммадан ҳам Ҳамид ялоқ*. «Бойчечак».

4 шв. Чуғурчуқ, қораялоқ.

ЯЛОҚИ Кишиларнинг сарқити билан кун кечирадиган; ювиндихўр, текинхўр. *Сен ўша маккор ялоқи эшон кетидан юриб, нима каромат кўрдинг?* Ҳ. Назир, Сув галоси — оқпадар. *Ташвишим сенга тушмай қўя қолсин. Тегсам ҳам, сендақа ялоқиға тегмайман*. Ойбек, Танланган асарлар. *Бу муттаҳам ялоқилардан унинг ўлса ўлиги ортиқ!* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЯЛОҚХЎР айн. ялоқи. *Аммо чор ҳукумати ва унинг маҳаллий ялоқхўрлари.. унинг бу ишлариға тиш-тирноқлари билан қарши чиқишди*. К. Яшин, Ҳамза.

ЯЛПАЙМОҚ 1 Ёйилиб япалоқланмоқ, япалоқ бўлмоқ. *Боғга зарби билан темир ялпайди*. ■ *Темирнинг бир учи ялпайиб, кулчадай бўлади*. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 (-б, -иб қўшимчали рвдш. шаклида — ялпайиб) Ўзини эркин, «ёйилиб» тутган ҳолда. *Бир хил йигитлар от устида ялпайиб.. ияги титраб, ўзи қалтираяпти*. «Нурали» Лўлининг эркагидай ялпайиб ётаверасизми. Н. Аминов, Суварак. *Салласининг ранги ўчиб кетган.. заҳил юзли бақалоқ мулла наमतда ялпайиб ўтирибди*. С. Сиёев, Аваз.

ЯЛПАНГЛАМОҚ шв. Ялинмоқ, ялиниб-ёлвормоқ; лаганбардорлик қилмоқ. *Очил ўзининг унга муштоқ эканини билдирмайди, ўзини ерга урмайди, ялпангламайди*. П. Қодиров, Уч илдиз.

ЯЛПИ 1 Ҳаммага тегишли, умумий. *Ялпи сафарбарлик*. ■ *Баъзан жамоа шўроси ҳам ялпи мажлисларини шу ерда ўтказарди*. Ҳ. Шамс, Душман. *Авзоси бўлди бу ҳам Ялпи ҳаётнинг, Ишга солди, ростлади Синган қанотни*. Файратий.

2 Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, бутунича; ҳамма, умумий. *Бирлашма квартал планини ялпи маҳсулот бўйича анча ошириб бажарди*. «Ёшлик» *..йиғим-терим якунлари, яқин ўтмишда бўлганидек, ялпи натижа бўйича эмас, балки олинган толаннинг сифати бўйича баҳоланади*. Газетадан.

3 айн. ялписига. *Халқни ялпи кўтариш керак*. Ойбек, О. в. шабадалар. *Сарбозлар ялпи ўқ узиб келмоқдалар*. «Шарқ юлдузи».

ЯЛПИЗ Тиббиёт, атторлик ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган, сербарг хушбўй кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Ёв-*

войи ялпиз. ■ *Рисолат отин.* боғдан бир этак кўкат: кашнич, жамбил, райхон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, кўк шўрвага уринди. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

ЯЛПИЗЛАМОҚ 1 Ялпиз солмоқ (суюқ таомга). *Маставани ялпизламоқ.*

2 *кўча* Ўзини оқлашга, айбини ювишга уринмоқ; ҳолатни юмшатиш, текислашга уринмоқ. -*Хайр, қарилик қурсин, қизим, хафа бўлма, майли, қаҳрамонча иш тут, — деб ялпизлай бошлади Зокир ота Зебога.* А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси. *Унинг кўзлари катта очилиб, бутун умидлари пучга чиққан одамдай, бўшашиб ўтириб қолди, уни бу аҳволда кўриб, шошиб қолдим, кейин ялпизлашга тушдим.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЯЛПИСИГА айн. ёппасига. -*Лекин, ука, Туркистон ўлкаси қоронғида, ҳаммамиз ялписига саводсизмиз, бунинг чорасини излаш керак, — деди Умарали чойдан ҳўлаб.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ялписига пахтага муккасидан кетиш оқибатида яйловлар, мева-сабзавотлар экиладиган майдонлар камайиб кетган.* Газетадан.

ЯЛПОҚ Ясси, ёйиқ, япалоқ. *Халилийнинг рапидадек ялоқ, қорамтир бетига кулги ёйилди.* Газетадан. *Назар ялоқ куракни қўлига олиб, илжайганча, Ҳайдарга қараб им қокди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЯЛПОҚЛАМОҚ Уриб ёки босиб, ясси, ялоқ ҳолга келтирмоқ, япалоқламоқ. *Металл парчани ялпоқламоқ.*

ЯЛПОҚЛАНМОҚ 1 Ялпоқламоқ фл. мажҳ. н.

2 *кўча* кам қўлл. Ёлвормоқ. *Букун тагин йиғиси ошиб тушди. Ҳайтовур, ялиниб, ялпоқланиб, аранг ҳаммомга юбордик.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЯЛТ тақл. с. Бир маротаба, қўққисдан юз берган (кўринган) нурни (ёруғликни) билдиради.

Ялт этиб 1) кутилмаганда, бирдан нур чиқариб, ярқираб; ялтираб, товланиб. *Чирок ялт этиб ёнди. Чақмоқ ялт этиб сўнди;* 2) *кўча* кутилмаганда, кескин, бирдан. *Маҳбуба ялт этиб юзимга қаради.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Ниҳоят, хаёлига ялт этиб бир фикр келиб қолди. «Гулдаста».* **Ялт этмоқ** Бирдан нур пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Қоронғликда бир нарса ялт этди.* ■ *Ой нурида ялт этар-у, Ҳуштак чалар ҳавода.* Ҳ. Даврон.

ЯЛТИЛЛАМОҚ с.т. Ялтирамоқ. *Скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтиллади.* П. Қодиров, Уч илди. *Деворлар оқланган, поллар ойнадай ялтилла, бўёқ хиди анқиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЯЛТИРАМОҚ Ялт-ялт қилмоқ, ярқирамоқ. *Шамширдек ялтираган чақин чўлнинг олисларигача ёритади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кенг яйловда тўшалиб ётган қор уюмлари.. ой шуғласида ялтираб туради.* О. Кўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. *Қум зарралари қуёш нурида товланиб ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯЛТИРБОШ 1 с.т. Сочи тўкилиб кетган, сийқабош, тепакал. *Ҳамро Раҳимов тўладан келган, ўрта буй, ялтирбош, бугдойранг, қирқ ёшлардан ошган киши эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *бот.* Асосан қумли чўлларда ўсадиган, барглари қуёшда ялтираб қўринадиган бир йиллик бегона ўт. *Офтоб тиғида эрта тонгдан шомгача силкиниб, ярқираб товланган ялтирбош, ялтироқ тусини ўзгартиб, қизғимтир нурга кўмилди.* Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони.

ЯЛТИРОҚ 1 Ялт-ялт қиладиган, шу даражада тиниқ. *Ялтироқ шиша. Ялтироқ танга. Ялтироқ нарса олтин бўлавермайди.* Мақол. ■ *Икки қулоғига офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирак таққан бир қиз кирди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Элмуроднинг назарида, бу ялтироқ кўзларда бутун бир алам ёниб турганга ўхшади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пичоқнинг қора сопи ялтилар эди, тиғи эса қотиб қолган қон билан ўз ялтироғини йўқотган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *кўча* Бўёқли, бежама, юзаки. *У [Машҳадий] султонларни, бекларни пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир.* Ойбек, Навоӣ. *Чунки сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Усти (ёки сирти) ялтироқ — ичи қалтироқ қ. уст. *Сирти ялтироқ — ичи қалтироқ бу уйлардаги камчиликларни бартараф этиш илнжиди устаси фаранг қурувчилар бошлиғига учрайвериб, оёқларимизда дармон қолмади.* «Муштум».

ЯЛТОҚ Лаганбардор, хушомадгўй; тилёғламачи. *Садр ялтоқ кейинги кунларда ти-*

лини шу қадар ширин қилган эдики.. Й. Шамшаров, Тошқин.

ЯЛТОҚЛАНМОҚ Лаганбардор бўлмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ. *Раиснинг эрталаб менга ялтоқланиб, «акаларча» меҳрибонлик қилишларидан мақсади эса оғриқнинг олдини олиш, босиб келаётган тошқинни тўсиб қолиш экан. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Карима опа.. гуноҳкор кишидай, ялтоқлана бошлади. М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

ЯЛТОҚЛИК Ялтоқ шахсга хос хатти-ҳаракат. *У ўрнидан андак кўзгалди ва ялтоқлик билан ўзини оқлай бошлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ЯЛТ-ЮЛТ тақл.с. «Ялт» ва шунга яқин нур, ёруғликни билдиради. *Осмонда юлдузлар минг-минг, лиқ тўла.. Бир хили баъзида учайди бирдан, Чақмоқлар сингари ялт-юлт ўйноқлаб. Қ. Мухаммадий. Ялт-юлт қуёш кузак чечакларидеги, қаҳраб чиройга нарқ чинор баргларидаги шабнам — марварид доналарини симириб улгурмаган ҳам эдики.. С. Азимов, Икки дил — икки олам.*

Ялт-юлт қилмоқ Ялт-юлт нур чиқармоқ, таратмоқ. *Пиёлалар ўн икки шамлик кумуш қандил ёруғида ялт-юлт қилар эди. М. Осим, Элчилар. ..қишлоқ тепасида ялт-юлт қилиб чақмоқ чақди-ю, бир оздан кейин момақалдироқ гумбуради. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

ЯЛЧИМОҚ шв. Ёлчимоқ. *Чучварани хом санама, мендан ялчиб алимент оломайсан! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

ЯЛ-ЯЛ Нур сочиб; товланиб; жилоланиб. *Атлас кўйлақлар машғалдек ёнарди ял-ял. Шукрулло, Икки ҳикоя. Бўстон, устида ял-ял учиб ўтаётган сунъий ер йўлдошига қарар, юраги дук-дук урарди. Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка. — Эртага ҳаво очиқ келар экан. — деб кўйди Ҳайитбой ота, ял-ял товланаётган шафаққа тикилиб. Газетадан.*

ЯЛҚАМСИҚ Бирор ишга астойдил ёпишмайдиган, ялқовлик билан ҳаракат қиладиган; эринчол. *Ялқамсиқ одам.*

ЯЛҚОВ 1 Ишлашни ёқтирмайдиган; ишқмас; дангаса. *Ялқов ва ғирром ё қўли эгри бўлса, силлиқлик билан ҳайдайман. Ойбек, Танланган асарлар. Бўлма ялқов, оч кўзингни, орқада қолмоқ уят. Ҳабибий. Улар [болалар] ялқов, йиғлоқи, серуйқу эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 зоол. Марказий ва Жанубий Америкада тарқалган, даратда яшайдиган, кам ҳаракат кичик сүтэмизувчи ҳайвон.

ЯЛҚОВЛАНМОҚ 1 Бирор ишни бажаргиси келмай турмоқ, ялқовлик билан ҳаракат қилмоқ. *[Нури] Худди меҳмонга келган такаббур келиндек, ялқовланиб [ҳовлида] кезди. Ойбек, Танланган асарлар. Кучук секин бир «ҳов» билан жим бўлди, ялқовланиб, яна ётди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 айн. **ялқовлашмоқ.** *Чунки Маҳдум мактаб ишида ялқовланиб, Анварга суяним қолди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Шунинг учун ялқовланиб кетган бу яшшамагур, овқатини ҳам олиб келиб бериш керак. А. Мухтор, Кумуш тола.*

ЯЛҚОВЛАШМОҚ Бутунлай ялқов бўлиб қолмоқ, ялқовлик касб этмоқ. *Жуда ялқовлашиб кетибсан, оғайни..*

ЯЛҚОВЛИК Ялқовга хос хислат, хатти-ҳаракат; кайфият. *Ялқовликнинг охири хўрлик. Мақол. Меҳнат кишини боқар, ялқовлик ўтга ёқар. Мақол. ■ Башорат хола қаршисида уй ишига ялқовлиги билан онасини хуноб қилаётган енгилтак Олимжон эмас, балки оғир табиатли, мўмин бир бола тургандай эди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.*

Ялқовлик қилмоқ Ялқов ҳолатида бўлмоқ, дангасалик қилмоқ. *Бош тортиб ўқишдан, қилсанг ялқовлик, Сўнгра, болам, кўп пушаймон қиласан. Фозил Йўлдош ўғли.*

ЯЛҒАРС шв. Йирик, беўхшов, қўпол. *Жўра ошнасининг ялғарс гавдаси, шоп мўйловига нафрати кўзларини узоқ қадаб турди. Ҳ. Назир, Онаизор.*

ЯЛҲАК шв. Соддадил, хуштабиат, хушфеъл; ёқимли. *Ялҳак бола. ■ Норқўзи бува.. Шавкатжон билан Низомжоннинг ниҳоятда билимдон, ялҳак, шалдиршулдур, лекин қизлардай майин йигитлар эканини.. сўзлаб берди. А. Муқимов, Ғалати одамлар. Устанинг.. очиқ, ялҳак муомаласидан, тўғриси, эриб кетдим. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

ЯЛҲАКЛИК Ялҳакка хос хатти-ҳаракат; соддадиллик; хушфеъллик. *[Кумуш] Юзини четга турди: -Ялҳакликни қўйинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЯМАБ-ЯСҚАБ Йиртиқ, узук, камтик ва ш.к. жойларни бутлаб, яроқли ҳолга келтириб. *Кампир эса кўйлақ-иштонимни ямаб-ясқаб берди. Файратий, Ёшлигимиз. Ғайрат*

қилиб тешик новни Ямаб-ясқаб тузатмас-лар. Ш. Раҳмон. *Асли, алмисоқдан қолган бу шалоқ араванинг соғ жойи йўқ.. Бердибой у ёқ-бу ёғини ямаб-ясқаб, бозор-ўчаргаю, қозон-товоқ орасида миниб юрар эди. «Гулдаста».*

ЯМАМОҚ Бирор нарсанинг йиртилган, узилган, тешилган жойини бутунламоқ; уламоқ, ямоқ солмоқ. *Ботинкани ямамоқ. Ямасанг, янги бўлар, янгининг тенги бўлар. Мақол. ■ Йўлчибой ўлгурни яхши дейишарди, ўзим ҳам яхши кўрардим. Кирини ювдим, ямоғини ямадим. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЯМАШМОҚ I Ямамоқ фл. бирг. н. *Балиқчилар кун бўйи елкан ва тўрларни ямашди.*

2 *кўчма* Кўшилмоқ, бирлашмоқ. *Бир-бирига ямашган бинолар. ■ Кўча-кўчаларга тушиб, Кўпаяверди ямашиб.. «Гулшанбоғ».*

ЯМЛАМОҚ I Чайнамай, оғиз ичида айлантирмоқ, милки билан эзмоқ. *Овқатни ямлаб ютмоқ. ■ -Икки юз таноб! — дея Полвонга қаради нон ямлаётган Иброҳим ота. Ж. Шарипов, Хоразм. Эътибор опа.. ёнида иштаҳа билан толқон ялаб ютаётган Тўлқиннинг тимқора сочини силади. Ҳ. Фулом, Машғал. Янга охурдаги емини ямлаб ютаётган сизирга қаради. С. Нуров, Нарвон.*

2 Лаб, милклар орасига олмоқ. *Абдуқодир қаттиқ ғазабланди, бир неча минут тутақиб, дағал қизғиш мўйловининг учини ямлаб, бошини тебратди. Ойбек, Нур қидириб. Ойшабону бошламоқчи бўлган гапдан чолнинг ҳам хабари бўлса керак, соқолининг учини ямлаб туриб, бир ижирганди. Ҳ. Фулом, Машғал. Санобар газетанинг бир четини ямлаганча, хаёл суриб қолди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.*

3 *кўчма* Домига тортмоқ; ютмоқ. *Олов ёниб, ямлайди ўтин, Декча тинмай биқирлар, тошар. З. Обидов. Орқасида қора кул қолдириб ўт-аланга юмалайди, янтоқларни ямлайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. ..машина лентани тортиб ямлай бошлайди, кейин пилта ўраб чиқаради. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.*

Гапни (ёки сўзни) ямламоқ Гапни (фикрни) тўла ва аниқ айтмай, узуқ-юлуқ ифодаламоқ, чайналмоқ. *-Гапни ямламанг, — деди Уктам ҳосилотга тикилиб. Ойбек, О.в. шабадалар. У сўзини ямлаб, ўғлига қараб қўйди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Икки*

ямлаб, бир ютмоқ Чайнамай ютиб юбормоқ, йўқ қилиб юбормоқ. *Лайлаквой: -Ҳақ саломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим. «Эртақлар». Ямламай ютадиган салб. Ўринлатадиган, қойил қиладиган. -Вой Тўламаст тушмагур-эй, ёлғонни ямламай ютасан-а! — ичаги узилгудек қотарди кекса ўроқчи. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЯМЛАНМОҚ I Ямламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Лекин у.. заҳар-заққумга тўлган илон оғзида бир-икки ямланиб, суяклари мажақланган чумчуқдай бир нарсага ўхшарди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Гапни очиқ-аниқ айтмай, узуқ-юлуқ ифодаламоқ; чайнамоқ. *-Чекканим ғанимат, — деди Али тажанг ямланиб, сўлагини оқи-зиб. Ойбек, Қуёш қораймас. ..домла, гапнинг учини йўқотиб қўйдими ё фикридаги ошкор зиддиятдан хижолат тортдимни, ямланиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ЯМОҚ I Бирор нарсанинг йиртилган, тешилган, узилган жойини ямаш, бутунлаш учун мўлжалланган бир парча мато, чарм ва ш.к. *Шимининг тиззаси билан ўнг чўнтагининг тагига ямоқ солинган эди. С. Кароматов, Олтин қум. Плансиз, муваққат уйлар, зар либосга бўз ямоқ сингари, қалъа ҳуснини бузиб турибди. Газетадан.*

2 Ямоқ солинган, ямоқли жой. *Шерали, жилла бўлмаса, битта ямоқни бекитмоқчи бўлиб, кўйлагини шимининг устидан туширди. С. Кароматов, Олтин қум. У отасининг чанг босган бўйнига, чопонининг елкасидаги ямоқларга назар солди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

3 Ямаш талаб этадиган, ямаладиган нарса, буюм. *У энди вақтининг кўпини ҳар ким келтирган ямоқларни ямаш билан ўткази бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Ямаш, ямашга оид. *Ямоқ ишлари сийраклашган, ювилган кийимларга дазмол босишди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

5 Ямоқ солинган, ямаб тикилган; ямалган, ямоқли. *Ямоқ кўрпа. Ямоқ тўн. Ямоқ этик. ■ Айвон устунига суяниб турган олабула ямоқ чопонли бир бола келиб, унинг олдига тушди: -Қани, юринг, муллака! П. Турсун, Ўқитувчи. Тиззаси ямоқ шимни торлик қилиб қолгунча кийиб юрди. У. Икромов, Унутилмас хотиралар.*

6 *кўчма* Тузалган яранинг изи, чандиқ. *Юзнинг ямоғи. ■ Меҳмоннинг бошида қан-*

дайди тиртиқ, ямоқ доғлар, соч чиқмаган жойлар ҳам бор эди. У. Исмоилов, Сайланма.

7 кўчма Кам-кўстни, камчиликни тўлдирган нарса. *Ёмонга ёмон бўл, Яхшига ямоқ бўл.* Мақол. ■ *Пахтадан келган ҳаён чорвага ямоқ бўлиб кетарди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЯМОҚЧИ Оёқ кийимларини тузатиш, ямаш иши билан шуғулланувчи касиб. *Уста Абдурахмон: -Ҳа, Розик ямоқчининг қизлари ўқиб, шаҳар сўрармиди!.. - деб уришиб берди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Дукчи ёнида ямоқчи касиблар, бирор кимса тиртиқ маҳсими, чурук чорикми кўтариб келармикан, деган умид билан сарғайиб ўтирар эдилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЯМОҚЧИЛИК Ямоқчи иши, касби. - *У шаҳардами? Ямоқчиликни билар эканми? - деди Нури.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болтабой қотиб-қотиб кулди-да.. ямоқчилик қилаётган Маллавоё акани кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЯМОҚ-ЯСҚОҚ 1 Ямалган-чатилган; эски, чурук. *Ямоқ-ясқоқ кўрпалар.* ■ *Ямоқ-ясқоқ олача ятаклар.* Ойбек, Навоий.

2 Ямаш, тиқиш, тузатиш ишлари. - *Онам яқин ва узоқ маҳалладаги ўзига тўқ кишилар уйига бориб, кир ювиб, ямоқ-ясқоқ қилиб, бизларни боқишга киришди, - деди Пулат.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ЯНА 1 Аввал бўлган иш-ҳаракат, нарса-ҳодисанинг такрор юз беришини, бошланиши ва давом этишини билдиради; такрор ҳолда; қайтадан, тагин. *Ёмғир яна ёга бошлади.* ■ *Лектор.. хатга қараб, жаҳл билан яна бир марта «Ўртоқлар» деди-ю, лекцияни бошлаб юборди.* А. Қаҳҳор, Куюшқон. *Уста Фарфи уни яна бир қат кўздан кечириб олгач, чўккалашини бузиб, чордана қуриб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз дўконда яна бирпас китоб муталаа қилиб ўтирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сентябрь тонготарига яқин қолди, яна синфларда ўқувчиларнинг шодон овози жаранглайди.* Газетадан.

2 Бундан ташқари, бунинг устига. *Яна бир сават нон бор.* ■ *Чойни ичинг, яна олиб чиқаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Масаланинг яна бир нозик томони бор.* Бўғоз совлиқни узоқ ётқизиб бўлмайди: *бола ташлайди.* Газетадан. *Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

[Мирзакаримбой] *Бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлкавоё қўшиб, Йўлчига ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 (одатда «бир», «бирор» сўзи билан бирга) Илгаригилардан бошқа; бошқа бир; янги, бошқа. *Яна бир масала чиқиб қолди.* *Яна бирор гап йўқми?* ■ *Хон мактубнинг яна бир жойида шеър битган эди: «Мен Самарқандни сенсиз нетайин..»* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. - *Қариган чоғида хўрозқанд яламай домла ҳам ўлсин! - деди яна бири.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

4 айн. янада. *Шунинг учун қўрбошининг бояги шубҳаси яна кучайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ашула ниҳоясига етди.* *Лекин бир зумдан кейин яна айнаи товуш парвоз қилди.* *Аммо ўзга мақомда, яна чуқурроқ мавжланишлар, жилвалар билан, кўнгилни яна қаттиқроқ сеҳрловчи ингичка титрамалар ва ранглар билан..* Ойбек, Танланган асарлар.

5 юкл. Таъкид билдиради; тагин. *Яна шўхлик қилиб юрмагин!* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Сиз ҳам, эски муаллимга ўхшаб, кетиб қолманг яна!* П. Турсун, Ўқитувчи. *..сен супада ўтир, ўткинчилар яна бир нарсани илиб кетмасин!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯНАГИ Бундан кейин келадиган; келаси, навбатдаги. *Янаги ҳафта.* *Янаги сафар.* ■ *Янаги йил баҳорда икки йиллик отпускани бир қилиб.. борамиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯНАДА Белгининг аввалги ҳолатига нисбатан кучли, ортиқ эканини, шундай бўлишини билдиради; яна ҳам. *Абдусаттор устозига етиб олиши учун техникани янада пухта эгаллаб олиши лозим эди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Ҳовлининг ичкарисиси янада бефайз эди.* Н. Аминов, Суварак.

ЯНВАРЬ [лот. januarius < Janus — қуёш маъбуди номи (Янус)дан] Янгича йил ҳисобида, яъни Григорий тақвимида 31 кундан иборат биринчи ойнинг номи.

ЯНГА 1 Аканинг хотини (ука ва сингилга нисбатан); келиноий. - *Мен билет олиб бораман, - дейди акаси билан янгасига.* «Гулдаста». «Янгамнинг ошини мазали қилган акамнинг масаллиғи», *демоқчисиз-да.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

2 Ёши ўзига нисбатан катта бўлган аёлга (ўзга аёлга) нисбатан қўлланади. *Бугдой-*

зорда бир кўринг Санам янга кучини. «Шарқ юлдузи». Сотувчи теллакни олиб, бир пуфлади-ю, чўзди: -Марҳамат. Олинг, амаки, янгам қувонади. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 этн. Никоҳнинг иккинчи кўни кечаси келин билан куёв хизматида қолувчи икки хотиндан бири. Янгалар келинни ичкари киритиб, тўй эгалари рўпарасига турғизишди. Сўзамол янга маросимни бошлади. Р. Раҳмонов, Келин. Янгалар Кумушни қизларга топшириб кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯНГИ I I Илгари бўлмаган, энди юзага келган (келаётган, келадиган). Янги ариқ. Янги технология. Янги девор. Янги завод. Янги йўл. Янги илмий йўналиш. Янги корхона. Янги уй. Янги шаҳар. Янги нав. ■ Тинчлик-омонлик бўлса, бир кун келиб, янги данғиллама иморатлар солиб ҳам, ҳозиргидай, «шунчалик гап экан-ку», деймиз. А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари. У дўстларига тунов кунги янги шеърини маъқул қилолганига қувонарди. С. Сиёев, Ёруғлик. У Мирмуродовни ҳар кўрганда: -Янгиси борми, эшитайлик, — деб сўрайдиган бўлди. «Гулдаста».

2 Ҳали тутилмаган ёки жуда кам ишлатилган, асл ҳолатини йўқотмаган; зид эски. Янги кийим. Янги машина. ■ Душанба кўни янги банорас тўн ва янги яшил бахмал дўппимни кийиб, идорага бордим. «Гулдаста».

3 Иш-фаолияти, ҳаёти энди бошланган, бошланганига ҳали кўп бўлмаган; янги қилинган. Бу ишда у янги, ёрдам бериш керак. ■ У — янги ҳисобчимиз Оқпўлат аканинг яккаю ягона арзанда ўғли. С. Сиёев, Ёруғлик. Сатторқул янги раис бўлса ҳам, шошмасдан кўкламни тизгинлаб олди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ниҳоят, отаси ўз муддаосига етди — қизини янги куёвга топшириб тинчланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ўзаро навбатда аввалгисидан кейингиси; навбатдагиси, эндигиси. Янги директор. Янги лавозим. ■ Билим масканларида янги ўқув йили бошланди. Газетадан. Ҳа, тонгни қаршилаб олса-да такрор, Янги деб атайди ҳар кунни одам. А. Орипов.

5 Шу йил, шу мавсумга тегишли; шу йилга оид; дастлабки. Шўрвага янги картошка солинди. Янги буғдойнинг нони. ■ Янги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиш ва ундан

сифатли тола ажратиб олишга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Газетадан.

ЯНГИ II (урғу олдинги бўғинда) рвш. Яқиндагина, ҳозиргина У янги шу ерда эди. Тандирдан янги узилган нонлар. ■ Янги бўшанган совлиқ кўзисини ялайди. С. Аҳмад, Юлдуз.

ЯНГИДАН рвш. Қайтадан, қайта бошдан, бошқатдан, янгитдан. Мақолани янгидан таҳрир қилиш керак. ■ Гўё бўлиб ўтган можаро янгидан бошланиб, энди Абдурашул даъвогар бўладиганга ўхшар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кўм-кўк осмон худди артилган шишадек тиниқ. Гўё олам янгидан яратилган. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯНГИЛАМОҚ I Айнан бир нарсанинг эскисини янгисига алмаштирмақ, янги қилмоқ. Соат пружинасини янгиламоқ. ■ Зеби қайната ва қайнанага вақтида чилим тутиши, шилмининг суянин тез-тез янгилаб, сархонасини тозалашни лозим эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Меҳриниса, эри идорага бориб келаман, деб чиқиб кетгач, дастурхонни йиғиб, самоварнинг кулини қоқди, сув тўлдириб, оловини янгилади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Борини бошқаси билан алмаштирмақ; ўзгартирмоқ. Кафедра мудирини янгиламоқ. Иш жойини янгиламоқ. ■ Ношуд раисни янгилаш зарур бўлиб қолганида, балогардон бизнинг Абдуллажон отага ёпишиб оладилар. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Аввалгиси (эскиси) ҳам тургани ҳолда янгисини олмоқ. Кийимларини янгиламоқ. ■ Хулласи калом, ишларим чакки эмас, дўппим яримта. Фақат менда бир армон бор. У ҳам бўлса, хотинни янгилаб олсам. «Муштум».

Ярасини (ёки дардини) янгиламоқ Тузалган, битган (йўқ бўлган) ғам-ташвиш, нохушликни, дардни қайта қўзғамоқ. .унинг ярасини янгилаб қўйишдан қўрқиб, ярим йўлгача индамай борди. К. Яшин, Ҳамза. Нотиқлар орасида эски дардимни янгилаган молдован ёзувчиси Павел Петрович Бацу бўлди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЯНГИЛИК I Янги ҳолат, янги эканлик. Кийимнинг янгилиги. Раҳбарнинг янгилиги.

2 Илгари маълум бўлмаган, яқиндагина пайдо бўлган нарса ёки ҳодиса; янги хабар, маълумот. Фан ва техника янгиликлари. ■ Кандай қилиб бўларди, иш унумини ошира-

диган янгилик уйлаб чиқдингиз-ку, яна бир янгилик киритсангиз, анча одам бўшаб қолиши табиий. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Зорқишлоқда ҳар кун бир янгилик, ҳар кун бир мўъжиза юз берарди. С. Аҳмад, Ҳукм. Сизнинг ана шу янгилик тарафдори эканингизга ҳамма қойил. Ж. Шарипов, Саодат. Акрам Адолатни яхши кўради. Қани, марҳамат этиб, мана бу янгиликни эшитинг-чи, ёқармикан сизга. С. Анорбоев, Оқсой. Сайфулла кун сайин бир янгилик топиб келарди: -Домла Тоҳирни, Мансурга кўтартириб қўйиб, қамчи билан қуймичига хўп савалади. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯНГИТДАН с.т. Янгидан. Иш янгитдан бошланди. ■ Уша пайтларда янгитдан расм бўлган примус, занжирига тош бойланган осма соатларни Максим бемалол тузата оларди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯНГИТГА шв. Ҳозиргина, янгигина; яқиндагина. Сидиқжон янгитта чиқиб кетибди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Омон-эсон мен ҳам янгитта келдим. Фозил Йўлдош ўғли.

ЯНГИЧА I рвш. Илгаригиларга ўхшамаган ҳолда, янги усулда, янги тартибда. Биз янгича ишлаймиз, янгича яшаймиз. ■ Янги супурги янгича супуради, деб тўғри айтарканлар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. У бутунлай янгича кийинган: оёғида ғарчли сариқ ботинка, эғнида кулранг костюм, сочини жуда силлиқлаб, орқасига тараган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 сфт. Илгаригиларга ўхшамайдиган, янги урф бўлган. Янгича турмуш. Янгича кийиниш. Янгича муносабат. ■ Абдишукурнинг тили қичиб, янгича тўй ҳақида.. муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳакимбойвачча илиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар. [Абдусамодқори:] Мен бир оз эскича ўқиганман, янгичага ҳали машқим роса бўлган эмас. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЯНГИЧАСИГА рвш. Янги йўл, янги усул билан, янги урф-одатларга мос равишда. [Сидиқжон:] Қуллуқ!.. Биз ит бўлсак, бўйиниздаги тилла занжирингиз ўзингизга, янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса — уч талоқ қўйдим! А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЯНГЛИШ I Ҳақиқатга ёки бирор қоидага тўғри келмайдиган ҳолда; нотўғри, ха-

то. Янглиш гапирмоқ. Янглиш ёзмоқ. Янглиш ҳисобламоқ. Янглиш хулоса. ■ Одамлар бирма-бир патнис олдига келиб: «Номингиз, фамилиянгиз, жойингиз, молингиз» каби сўроқларга, гўё янглиш айтиб қўйишдан кўрққандай, уйланиб жавоб қайтара бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Танқиднинг чиққани ҳам, газетанинг янглиш келтирилгани ҳам рост. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 Хато иш; хатолик. Агрономиядаги янглиш гоҳо дўл, сел, бўрон, қурғоқчиликдан ҳам катта зарар етказиши мумкин хўжалikka. С. Нуров, Нарвон.

ЯНГЛИШМОҚ I Ҳақиқатга ёки бирор қонун-қоидага килоф иш тутмоқ; хато қилмоқ, адашмоқ. Ҳисобда янглишмоқ. Бу ҳовлига янглишиб кириб қолибман. ■ -Жияним сўзларидан янглишиб кетсалар, нима бўладир? -Нега янглишсинлар, улар билганларидан ортиқни, албатта, сўзламаслар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш-фаолиятда, ҳаётда нотўғри йўл тутмоқ. Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутманг. Ойбек, Танланган асарлар. Якка қолган Саодат қадрининг поймол этилганидан, янглишганидан тўйиб-тўйиб йиғлади. «Ёшлик».

ЯНГЛИФ кўм. эск. Сингари, каби. Лола янглиф. Олов янглиф. Шер янглиф курашди. ■ Рангим сомон янглиф дард ила ғамдан, Жудодикдан тушган ҳажру аламдан. Ҳамза. Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик, бу янглиф вафосизлик кўрдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯНГРАМОҚ Кучли овоз таратмоқ, жаранглаб ёйилмоқ, жарангламоқ. Залда «ура» садолари янгради. ■ Яна узун ва ваҳшатли жанг карнайи янгради. Мирмуҳсин, Темури Малик. Ғала-говур ичида аллакимнинг баланд овози янгради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯНГРОҚ Янграб эшитиладиган, янграб чиқадиغان; янграган. Янгроқ қўшиқ. ■ Марям тирсиллаган олма сингари, кулгиси кумушдек янгроқ, сапчиб турадиган олов қиз эди. А. Мухтор, Чинор. Юксаларкан давримиз янгроқ куйи, Эркин руҳим ўзга куйни қучолмас. Файратий. Алиохун.. янгроқ овозини

баланд күйиб, бирдан куйлаб юборди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЯНМОҚ Айбситувчи тап-сўз айтмоқ. *Сардоров, шахсан берган кўрсатмасини вақтида бажармай, комиссия олдида уятга қолдиргани учун, раисни яниб кўйган.* Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадаси. *Соливой қулоғини секин олиб келса, кексалар ҳадеб икковини янишайтган экан.* Ж. Шарипов, Саодат.

ЯНТОҚ Чўлларда ўсалиган, дуккаклиларга мансуб, тиканли кўп йиллик бегона ўт. *Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.* Мақол.

ЯНТОҚЗОР Янтоқ ўстан, янтоқ билан қопланган ер.

ЯНЧМОҚ 1 Ўрилган ғалла бошоқларини босиб, уриб, эзиб, донни ажратиб олмақ. *Бугдой янчмоқ. Шоли янчмоқ. Янчиш машинаси.*

2 Зарб билан уриб эзмоқ; майдаламоқ, кукунга айлантирмоқ. *Мурч янчмоқ. Толқон янчмоқ.* ■ *Чу, десанг тоғларни чоғлар димоғи, Тошни янчар нўлат, асил тугғи.* «Равшан». *Илонни куйругидан эмас, бошидан янчадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Оёғости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, эзиб ташламоқ. *Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидаги тиккайган нарсани букиб-янчиб ташламоқчи бўлгандек нишқирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янчиб ўтар ҳар бир танка бало тоғини, Самолётлар ёғдиради самодан олов.* Файратий.

ЯПАЛОҚ Ялпайган, ялпоқ, ясси. *Япалоқ темир. Япалоқ тош. Япалоқ юз.* ■ *Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ ғишт билан кўтарилган.. қадимий айвонда ўтириб.. хомчўт қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Азмиддин Талъатбекнинг серташвиш юзига, япалоқ бурнидаги тиғ изига, совуқ кўзларига қараб, ўйга толди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

Ёмоннинг кучи япалоққа етар Ўзидан кичик ёки кучсизга озор берувчи кишига нисбатан айтиладиган ибора.

ЯПАЛОҚЛАМОҚ Япалоқ қилмоқ, ялпоқламоқ. *Михнинг учини япалоқламоқ.*

ЯПАЛОҚҚУШ Бойўғли, бойқуш.

ЯПАСҚИ Паст бўйли, пастак, пакана. *Япасқи одам. Япасқи сигир. Япасқи дарахтлар.* ■ *Анча-мунча юрилгач, чап тарафдаги ясси тоғлар этагида япасқи битта оқ уй кўринди.* Файратий. *Узоқдаги ёр. Япасқи олмаларнинг ёмғирда чўмилган хўл барг-*

лари гўё «ҳой, уятсиз» деб шивирлар ва юзларига шаппатилар эди. С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлдошбойнинг япасқиси ҳам ҳозир унча қамчи талаб қилмайди, жийрондан қолишмай одимлаб боради.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯПАСҚИЛАМОҚ айн. ялпоқламоқ. *Абгор бу одам дўпписи жияяни ҳимариб, тарелкасимон япасқилаб, ўтган-кетганлардан.. садақа сўрайди.* Н. Ёқубов, Жон.

ЯПОН 1 Япония асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Япон халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Япон тили. Япон йиғити.*

ЯПОНЛАР Японияда аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган халқ, Япониянинг туб аҳолиси.

ЯПОНЧА 1 Японияга, япон халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Японча рақс. Японча кўшиқ. Японча ёзув.*

2 Япон тили. *Сиз японча(ни) биласизми? Японча гапирмоқ.*

ЯПРОҚ 1 Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиш ва газ алмашиниш учун хизмат қилувчи, одатда юпқа варақча шаклидаги асосий вегетатив аъзоларидан бири; барг. *Яшил япроқлар. Кузги япроқ. Гуллар япроқ чиқарди. Дарахт — япроғи билан кўркам, одам — меҳнати билан.* Мақол. ■ *Ҳадемай карнайгуллар.. ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор. *Кўшчинор чироқлари. Куздан дарак берувчи сарғайган япроқлар йўл устида, ариқ бўйида ётарди.* Ж. Шарипов, Саодат.

2 Бир бўлак юпқа нарса ҳақида. *Бир япроқ қази.* ■ *Ҳолвафуруш.. токчадаги қалин бир китобни очиб, унинг орасидан бир неча япроқ яп-янги, шалдиروق қоғоз олиб.. узатди.* Ойбек, Навоий.

ЯПРОҚЛАМОҚ 1 Барг чиқармоқ, япроқ ёзмоқ. *Баҳор келиб, дарахтлар япроқлай бошлади.*

2 Юпқа-юпқа қилиб кесмоқ, парракламоқ. *Гўштни япроқламоқ. Япроқлаб кесмоқ.* ■ *У қазини ҳар япроқлаганда, пиёлни бўшатган кишининг оғзига ўзи солиб кўяди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Оқсоч рюмка билан унга керак бўладиган закуска [газак] ҳам олиб келди: япроқланиб, бетига шакар сепилган лимон, қовурилган хурмо мағзи.* Шўҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯРА I тиб. Тери ёки шиллиқ парданинг, шунингдек, тери ости тўқималарининг турли сабабларга кўра нобуд бўлган қисми кўчиб, унинг ўрнида ҳосил бўладиган нуқсон.

2 Тиг, зарб ва ш.к. таъсирида ҳосил бўладиган шикаст; жароҳат. *Ёмон яра. Тиг яраси. Ярани даволамақ.* ■ У. граната осколкиси ўнг оёғини ёриб юборган, оқон деворига суяниб типирчилаётган солдат ёнига бориб, ярасини боғлай бошлади. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди. Яра кўкракда, юракка яқин: ундан қуюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Кучли қайғу, руҳий азоб, алам берувчи нарса; шикаст. *Тиг яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.* Мақол. ■ Фуломжон Эрбўтани калака қилиш учун эмас, ўз қалбида фасод боғлаб ўтган боласизлик ярасига малҳам босиш учун ўйнашиб эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Баъзан [Гулнорнинг] юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсинга очишни истайди. Ойбек, Танланган асарлар. Ақли кирди. Болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг боғлаб, фасод йиға бошлади. С. Зуннунова, Гулхан.

Яра устига чипқон Дард устига дард, қайғу-алам устига яна оғирроғи. *Бир маломат шубҳаси ҳали юрагидан кетмай туриб, буниси яра устига чипқон бўлмасин.* Р. Раҳмонов, Келин. **Ярасига тегмоқ** Бирор гап-сўз, хатти-ҳаракат билан кимсанинг унутилаёзган ғам-аламини, дардини янгиламақ. **Ярасига туз сепмоқ қ. сепмоқ.** **Ярасини ёрмоқ** Дардини айтмоқ, дилагини ошкор қилмоқ. *Азизбек, халққа ташаккур айтиб, ярасини ёрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Яраси енгил** Қийин эмас, осон; ҳеч гап эмас.

ЯРАДОР Жароҳат олган, жароҳати бор; ярали. *Ярадор солдат. Енгил ярадор. Оғир ярадор.* ■ Улган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тошбўрон»ни кучайтирди. Ойбек, Танланган асарлар. **Қайилма атрофидаги окопларда ҳам уч киши ярадор бўлди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳадемай шу батальондан ярадорлар кела бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЯРАЛАМОҚ кам қўлл. Яра, жароҳат етказмоқ. *Елкасини яралади.* ■ *Дилингни яралаб, дунёни кўзингга қоронғи қилиб қўяди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЯРАЛИ I Бирор жойига яра чиққан, яраси бор; ярадор. *Ярали киши. Юзи ярали. Қўли ярали.*

2 кўчма Қаттиқ руҳий азоб берувчи ҳолатли, руҳиятида шундай азоб берувчи нарса бор. *Кўнгли ярали одам.* ■ *Зайнабнинг ҳам юраги ярали эди, унинг тўйи яқинлашган вақтда, севиқли куёв йигит икки кўнгина хасталаниб ўлган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯРАЛМОҚ Дунёга келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Ҳамма нарса севишиб куйлар, Яралгандек олам севинчдан.* Р. Парфи. *Қайта яралдим бу кўҳна дунё.* «Гулдаста».

ЯРАМАЙДИ I Ярамоқ фл. ҳоз.-кел. зам. шакли. *Булар ҳеч нарсага ярамайди. Чап қўли ишга ярамайди.*

2 Дуруст эмас, маъқул эмас. *Энди адолатга қарши хиёнат қилиш ярамайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунақа оёғости қилиш ярамайди.* «Гулдаста». *Биз қишлоқларни обод қилиш билан хотиржам бўлиб қолишимиз ярамайди.* «Гулдаста».

ЯРАМАС I Ярамоқ фл. сфдш. Бўйнидан бойланган ит овга ярамас. Мақол.

2 Ахлоқ-одоб, қоида, тартиб меъёрларига тўғри келмайдиган; бўлмағур. *Кайф таъсирида шундай ярамас ишлар қилинадики, терининг қалинлигига қарамай, титрашга тўғри келади.* Газетадан. *Хўш, тарбия ўчоғида қачонгача бу ярамас ҳолат давом этади.* «Муштум»

3 Иши, феъл-атвори ахлоқ-одоб меъёрларига тўғри келмайдиган; ахлоқан нобоп, бузуқ. *Шубҳаю бад олиш, ярамас кимсаларнинг фитнаси бизни подшо қаҳрига гирифторм қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳой, қанақа ярамас боласан, туш томдан. Ҳе, ахлоқсиз!* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Шундай хулқ, хислатга эга бўлган шахсга нисбатли ҳақорат учун қўлланади. *Тўхта, деяпман сенга, ярамас! Ҳозир мушукдай деразадан отиб юбораман!* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кўзимга кўринма, ярамас.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЯРАМАСЛИК I Ярамас иш, хатти-ҳаракат. *Балки улар бўлганида, бу ярамасликка йўл қўйилмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шунча кишининг итмосини ерда қолдириши — ўзи ярамаслик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ярамас, ярамайдиган эканлик. *Сенинг ярамаслигинг ана шу сўзларингдан билиниб турипти. С. Айний, Қуллар. Раҳматулла Обидий домлаликка ярамаслиги кўп ўртоқларга маълум бўлса керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЯРАМОҚ I Истеъмол учун, ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. учун мумкин, яроқли бўлмоқ. *Бу сув ичишга ярайдими? Қурилишга ярайдиган ёғоч. Бу этиклар кийишга ярамайди.*

2 Бирон ишни бажаришга лойиқ бўлмоқ, ишлатишга хизмат қила олмақ. *Бу асбобларнинг кўпи ишга ярамайди. ■ Мурғоб отлари қумга ярамайди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 Бирор ишга яроқли бўлмоқ, қўлидан келмоқ, бажара олмақ. *Самоварчиликка яраятими, ахир? А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Қора йигит столда ётган бир даста пул, тилла соатни олиб, хотинига отди: -Биз бунақа соат олиб беришга ярамаймизми? С. Аҳмад, Сайланма.*

4 Бирор талаб, эҳтиёж учун керак бўлмоқ; асқатмоқ, иш бермоқ. *Кўчада ётган эски тақа, занглаган мих, шунга ўхшаш бало-баттарга кўзи тушса, дарров олар эди. Коримга ярайди бир кун, дер экан. Ойбек, Танланган асарлар. Кўп бўлмаса, озроқ бўлар: рўзғорга, невараларга яраб турса бўлида. С. Нуров, Нарвон. Яхши ҳам Назиржон бор экан, шу бечора кунимга яраб турибди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ЯРАТГАН I Яратмоқ фл. сфдш. *Ахир, мени тўраларнинг тўраси қилиб яратган худо нажот қўлини чўзади. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Худо, тангри. *Дардмандларга шифо топиб беради, Таваккални яратганга қилади. «Баҳром ва Гуландом». Яратгандан ҳам айланай. Бандасини доим бир томондан қисиб қўяди-да! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ЯРАТМОҚ I Ярамоқ фл. орт. н. *Бирор кунига яратмоқ.*

ЯРАТМОҚ II Вужудга келтирмоқ, бунёд этмоқ, барпо қилмоқ. *Пахтадан хирмон яратмоқ. Шароит яратмоқ. Имкон яратмоқ. Боғлар яратмоқ. ■ Худо бутун жониворларни яратиб бўлиб, ҳар қайсисига умр*

улашадиган бўлибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Қирқ кун канал қазиб, водийнинг белига белбоғ бўладиган азим дарё яратдилар. «Ўзбекистон қўриқлари».

ЯРАТУВЧИ I Яратмоқ фл. сфдш. *Тарих яратувчилар. ■ Қуртдан гул, гулдан баҳор, япроқдан асал Яратувчи моҳир боғбон йўқдир онадан ўзга. Ё. Мирзо.*

2 дин. Худо, оллоҳ, тангри.

ЯРАТУВЧИЛИК Яратиш, бунёд этиш, вужудга келтириш. *..давримиз кишининг буюк яратувчилик жасоратини улуғлаш ижодий интеллигенциямизнинг шарафли вазифасидир. Газетадан. Зиммага олинган улғувор марраларни эгаллаш орзусида яши яйловларда яратувчилик меҳнати жўш урмоқда. Газетадан.*

ЯРА-ЧАҚА Кўп ва турли яралар. Булар орасида яра-чақаси камроғи Барот полвон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳожи табиб. *яра-чақани малҳам билан даволашини айтди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЯРАШ I Ярамоқ фл. ҳар. н. *Дўст оғир кунда яраши керак. ■ Ҳамшираликка яраш ҳам гапми? А. Қаҳҳор. Кўк конверт.*

2 Уруш-жанжални тўхтатиш; ярашиш. *Бу жанжал яраш билан тугади. Яраш аҳди тузилди. ■ Иккала ҳукмдор яраш битими тузибдилар. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Олдин уришиб, кейин ярашадиганлар, одатда, бир майизни иккига бўлиб ейдиган жуда қалин дўст бўлиб кетишади. Қани, Нусратжон, тушинг, Аҳмаджоннинг яраш ошини еб келайлик бўлмаса. С. Нуров, Нарвон. Бу сайлов миллий яраш сиёсати, янги сиёсий йўлнинг галабасидир. Газетадан.*

3 Яраш (эркаклар исми).

ЯРАША I (ж.к. билан) кўм. Мос келадиган, мувофиқ, лойиқ. *Кучига яраша. Сўзига яраша. Эшагига яраша тушови. Мақол. ■ Аҳли растага ва бойваччаларга яраша дурустгина кийнади. Ойбек, Танланган асарлар. Тўйда ўзингиз бош бўласиз, худо хоҳласа. Аввал ўзига яраша бир қиз топилсин. П. Турсун, Ўқитувчи. -Бизда илғорлар ишига яраша ҳурматдалигини яхши биласан, — деди Йўлдош Саидга. А. Мухтор, Чинор.*

2 Қиёс, нисбатлаш билан инкор мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. *Беш фарзандим бор. Дарслиги этишмаганига яраша дафтари бўлсайди. Газетадан.*

Ўзига яраша Фақат ўзига тегишли бўлган; ўзига хос. *Зиёбекнинг ҳам ўзига яраша дарди, севгиси, орзуси бор эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Бундай тунда яёв кетишининг ҳам ўзига яраша гашти бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЯРАШИШ I Ярашмоқ фл. ҳар. н.

2 айн. яраш 2.

ЯРАШИҚ Мос келадиган, муносиб, ярашадиган; мос. *Юбилей йилига ярашиқ ишлар. Ярашиқ кийим. Исми жисмига ярашиқ. Давримизга ярашиқ одатлар.* ■ *Ҳа, эгаси ҳам номига ярашиқ эди [деди Сафарали].* М. Исмоилий, Қарс икки қўлдан. [Комилжоннинг] *Бежирим лаблари ҳам ўзига ярашиқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ҳали у замонамизга ярашиқ кўп образлар яратиб, томошабинларни беҳад мамнун этади.* В. Саъдулла, Саҳнамиз фаҳри.

ЯРАШИҚЛИ айн. ярашиқ. *Қора шириндан келган бу қизнинг лаблари қалин ва ярашиқли эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЯРАШМОҚ I Ўзаро уриш-жанжални тўхтатмоқ, урушиқсиз ҳолатга ўтмоқ. [Кумуш:] *Мен ҳали урушиқлик ҳолдаман, ярашганим йўқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келганми? Уй кўргани келганми?* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Соли сингиллари билан ярашди. Ўртада узилиб қолган алоқа тикланди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЯРАШМОҚ II I Кўриниш, қад-қомат ва ш.к. жиҳатдан чиройини очадиган бўлиб турмоқ; ёқимлилиқ, кўркамлик бахш этмоқ. *Бу либос сизга жуда ҳам ярашибди.* ■ *..Оптоқ соқоли хуш қоматига жуда ярашган, ярашгангина эмас, балки унга аллақандай салобат бахш этиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унга ҳарбий кийим жуда ҳам ярашган ва бутунлай ўзгартириб юборган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гул ҳам ярашганга ярашар экан. Сизга ярашмабди.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

2 Муносиб тушмоқ (кишининг иш-ҳаракат, қилиқ-қилмишлари ҳақида). *Бахиллик иқтидорсиз одамларга ярашади.* С. Сиёев, Аваз. *..ўзини кўрган кишининг кўзи қувнайди, шўхлиги, қўйинг-чи, барча қилиқлари ўзига ярашади.* К. Яшин, Ҳамза. *Фуломжон севги васвасасига учганини, шаънига ярашмаган қилиқ қилганини энди англади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯРАҚ тақл.с. Жуда ёруғ, ялтироқ нур аксини билдиради.

Ярақ-ярақ қилмоқ Шундай нур чиқармоқ, акслантирмоқ. *Ҳаммаси яп-янги.. офтобда ярақ-ярақ қилади.* Ҳ. Назир, *Бир туп гўза.*

ЯРАҚЛАМОҚ I Ярақ-ярақ қилмоқ; ялтирамоқ. *Бепоеън қор даласи олмос каби ярақлайди.* ■ *Бухоро устида энди кўтаририлган офтоб, мансабдорларнинг камарига ўрнаштирилган рангли тошларга тушиб ярақларди.* Ф. Расул, Адолат. *Ҳозиргина ёмғир ёғиб ўтгани учун, дов-дарахт япроқлари ярақлайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Ёруғ-равшан бўлиб кетмоқ, порламоқ; равшан кўринмоқ. *Чироқ ёниши билан уй ярақлаб кетди.*

ЯРИМ I Бирор нарсанинг икки тенг қисмидан биттаси, иккидан бир бўлаги, иккидан бири. *Йилнинг ярми. Ноннинг ярми. Қишнинг ярми тугади. Ишнинг ярми битди.* ■ *Ёни-верги билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради. Кейин яхшилаб чопасан. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб, ер юзига мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бутуннинг иккидан бирига тенг миқдор; 0,5. *Ярим йил. Ярим литр ёғ. Ярим метр лас. Ярим килограмм шоколад. Ярим соат суҳбат.*

3 Бир нарсанинг ўртаси, ўрта бели. *Йўлнинг ярмига етганда, машина бузилиб қолди. У ярим кечада етиб келди. Бу тоғнинг ярмига аранг чиқдик.* ■ *Холисанинг норози овози эшитилди: -Ярим кеча бўлди-ку!* С. Нуров, Нарвон. *Вақт ярим тундан ошган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Тўлиқ эмас, нотўлиқ; чала. *Ярим шаффоф. Ярим қоронғилик. Ярим жиддий. Ярим ҳазил.* ■ *Унинг оғзи ярим очиқ, сариқ мўйлови юнқа лабининг икки чеккасидан осилиб турарди.* Н. Аминов, Суварак. *Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари ҳурпайган бир йигит ҳам ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

5 Икки хил нарса, модда, ҳодиса ва ш.к. дан ташқил топган, аралаш. *Ярим жун мато. Ярим ипак шоҳи.*

Кўнгли ярим айн. кўнгли яримта қ. кўнгли. **Ярим подшо (ёки пошшо) с.т. тар.** Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни бошқариш учун

тайинлаган, катта маъмурий имтиёзларга эга бўлган ҳокими; губернатор. *Қишлоқда «Бу одамларни сўроқ қилгани ярим пошшонинг ўзи келар эмиш», деган овоза тарқалди.* А. Қаҳҳор. Қўшчинон чироқлари.

ЯРИМАВТОМАТ Бирор туркум ишни киши иштирокисиз ўзи мустақил бажара олмайдиган, тўла автоматлашмаган механизм.

ЯРИМ-ЁРТИ *рвш.* Охирига етказилмаган ҳолда; чала. *Ишни ярим-ёрти қилиб ташлаб кетишдан ёмони йўқ. Бироқ кўпчилик бир овоздан экспедицияни давом эттиришни маъқуллашди.* Ж. Абдуллахонов. Тўфон. *Бўлган воқеани Ҳафиза бувисига ярим-ёрти айтиб берди, кампир таҳоратини ҳам унутиб, бақрайиб ўтириб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЯРИМЖОН Куч-қувватдан кетган; заиф, нимжон. *У [маҳбус] яримжон гавдасини деворга тираб.. узун бармоқлари билан тасбеҳ ўғирарди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

ЯРИМЛАМОҚ Ярмига ёки ўртасига етмоқ; ярми кетиб, ярми қолмоқ, ярим бўлиб қолмоқ. *Ҳовуз суви яримлаб қолди.* ■ *Шу тариқа қиш ҳам яримлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Дастурхонда] Бир шиша ароқ бўшатилган, иккинчиси яримлаган, нон билан мевадан бошқа егулик нарса кўринмасди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Дарс яримлаганда, ўқитувчи бирдан қулоқ солиб қолди.* Алаккимнинг пишллаётгани баралла эшитилди. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЯРИМОРОЛ *геогр.* Ҳар учала томони сув билан ўралган ва фақат бир томондан қуруқликка туташган орол.

ЯРИМТА I Бутуннинг иккидан бир қисми, қоқ ярми. *Яримта нон. Яримта тарвуз.* ■ *Йигит елқадан қопчасини ечиб, яримта ғиштдай нон, икки катта чақмоқ қанд, бир қаричча йўғон колбасани олди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 с.т. Ярим литр ичкилиги бор бутилка; яримталиқ. *Маннон каттакон бархан салқинида ёнбошлаб ётар, «яримта»ни бўшатай деб қолган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Олой бозоридан мастава масаллиқ харид қилишди. Зойиржон яримта ароқ олди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Дўпписи яримта қ. дўппи. Кўнгли яримта қ. кўнгли.

ЯРИМТАКИ *шв.* Ярми синиқ, ярми ейилган, яримта бўлиб қолган. *Яримтаки калиш. Яримтаки ғишт.*

ЯРИМТАЛИК I Яримга тенг, ярим ҳолатли.

2 айн. яримта 2.

ЯРИМТА-ЮРИМТА Бутун эмас; яримта ва ундан кичик (синиқ) нарсалар. *Яримта-юримта ғиштлар.*

ЯРИМФАБРИКАТ Чала тайёрланган, яна, сўнгги марта қайта ишланиши керак бўлган маҳсулот.

ЯРИМЧИЛИК *шв. эск.* Ҳосилни тенг бўлиб олиш шарти билан шерикчиликка қилинган деҳқончилик. *Тўранинг «илтифоти» билан Иброҳим ота янги очилган ердан икки танобчасини ижарага — яримчиликка олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР Одатий (хонаки) температурада электр ўтказувчанлиги металлларга қараганда кам, диэлектрикларга қараганда кўп бўлган моддалар.

ЯРЛАҚАМОҚ *айн. ёрлақамоқ. Ўтган йил, худо ярлақаб, ўзимга маҳси тиккан эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯРМАРКА *[нем. Jahrmarkt — йиллик савдо < Jahr — йил + Markt — савдо]* I Айни бир жойда ва бир вақтда мунтазам ўтказиладиган катта савдо, бозор. *Фабриканинг ранго-ранг сўзаналари.. дўппиларини.. жуда кўп халқаро ярмаркаларда кўриб, ўзбек халқининг ажойиб санъатига таҳсин ўқишади.* Г. Нуруллаева, Гўзаллик оламида.

2 Савдо ва саноат ташкилотлари, тижоратчилар, ишлаб чиқарувчилар, матлуботчиларнинг асосан кўرғазмага қўйилган товарларни улгуржи сотиш ва сотиб олиш мақсадида даврий равишда ўтказиладиган йиғини, қурултойи. *Бу йил ўнинчи майдан ўн бешинчи майгача республикамиз пойтахтида.. улгуржи китоб ярмаркаси ўтказиладиган бўлди.* Газетадан.

ЯРОҚЛИ I Муайян талабларга жавоб берадиган, бирор нарсага ёки бирор мақсадда ишлатса бўладиган; ярайдиган. *Экишга яроқли ер. Ичишга яроқли сув. Яроқли асбоб-ускуналаримиз бор.* ■ *Текиширув натижаси тупроқнинг дамба учун яроқли эканини кўрсатиб турибди-ю, лекин у бари бир лаборатория хулосаси эмас-да.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Бирор ишни қилиш қўлидан келадиган, бажара оладиган, бажаришга ярайдиган; лаёқатли. *Ишга яроқли кишилар.* ■ *Бибинургина бу ердаги ўзга меҳмонлар орасида таржимонликка яроқли эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Яқинда уни [Эркинни] ҳарбий комиссарлик чақириб, комиссиядан ўтказибди, врачлар уни хизматга яроқли топшибди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЯРОҚСИЗ 1 Бирор талабга жавоб беролмайдиган, бирор мақсадда ишлатиб бўлмайдиган, бирор нарсага ярамайдиган. *Ишга яроқсиз материал.* *Экишга яроқсиз уруғ.* *Яроқсиз асбоб.* *Кўчат вақтида экилмаса, яроқсиз бўлиб қолади.* ■ *300 килограмм нон, хом-хатала пиширилганлиги учун, яроқсизга чиқарилди.* Газетадан.

2 Бирор иш бажаришга қурбсиз; лаёқатсиз. *Аъзамнинг иша яроқсиз бўлиб қолганини билган хўжайинлари аллақачон унинг думини туккан.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Комиссия уни армия хизматида яроқсиз деб топди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯРОҒ Ҳужум ёки ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган асбоб; қурол, аслаҳа. *Ботирнинг мушти ҳам яроғ.* Мақол. ■ *Тинтув вақтида уйингиздан яроғ чиқса, бекорга ўлиб кетасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эр йигитни шердил қилади пўлат Яроғи ярқиллаб турса қўлида.* «Муродхон».

ЯРОҒЛАНМОҚ Қуролни қўлга олмоқ, қуролланмоқ. *Яроғланган йигитлар иргиб туриб, кўчага чиқиб кетдилар.* С. Айний, Қуллар. *Барча яроғланганлар урушга ҳозир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯРОҒЛИ Қўлида қуроли, яроғи бор, қуролланган; қуролли. *Ёвга чиқсанг, яроғли чиқ, ёлғиз чиқма, ҳамроҳли чиқ.* Мақол. ■ *Ҳовли ўртасида буларни бир тўда яроғли кишилар ўраб олдилар.* С. Айний, Қуллар. *Қушбеги яроғли йигитларни қайтишга буюриб, гуноҳкорларни ювошига қилиб, ўз олдига қақирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯРОҒСИЗ Яроғи, қуроли, аслаҳаси йўқ; қуролсиз. *Яроғсиз одам.* *Яроғсиз отряд.*

ЯРОҒСИЗЛАНМОҚ Қурол-асбобларни ташламоқ, қуролсизланмоқ.

ЯРОҒСОЗ Қурол-асбоб ясовчи уста.

ЯРОҒСОЗЛИК Қурол-асбоб ясаш. *Яроғсозлик устахонаси.* *Яроғсозлик заводи.*

ЯРОҒХОНА Қурол-асбоб, ўқ-дори сақланадиган жой; арсенал.

ЯРУС [лот. arcus — букик жой, гумбаз, меҳроб] Томоша залидаги ўрта ёки юқори қаватлардан бири.

ЯРҚ тақл.с. Бирдан юз берган ёруғлик аксини билдиради.

Ярқ этмоқ Шундай нур юз бермоқ, ифодаланмоқ. *Баҳор келди, Тун бағрида ярқ этгандай бўлди нур.* Э. Воҳидов.

ЯРҚИЛЛАМОҚ айн **ярқирамоқ.** *Ўзи экан ярқиллаган кенг сарой, Одам тушса, бир томоша қилгудай.* «Рустам». *Белида ярқиллар кескир пўлати.* «Маликаи айёр».

ЯРҚИРАМОҚ Нур сочиб, порлаб турмоқ, ярқ-ярқ қилмоқ. *Осмонда тўлин ой ярқираб турибди.* ■ *Отабек ярқираб чиқиб келган қуёшга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Одатда Мирзакаримбой ўтирадиган меҳмонхонанинг деразаларида чироқ ярқиради эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нурматовнинг қўлидаги ўткир болтаси офтобда ярқираб кетар эди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Янтоқлар қорайиб, чақмоқ тошлар ойдинда ярқираб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Пешонаси ярқираган Омади келган, бахти очилган, бахтли.

ЯРҚИРОҚ 1 Нур сочиб, порлаб, чақнаб турадиган; ярқ-ярқ қиладиган. *Ярқироқ юлдузлар.* ■ *Тип-тиниқ зангори осмон, ер юзи оппоқ, ҳаддан ташқари ярқироқ қуёш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. **ялтироқ.** *Ярқироқ шиша.* *Ярқироқ идиш.* ■ *Ўзлари тўйма-тўй юришни, ярқироқ чопонлар кийишни яхши кўрадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чиннидай ярқироқ, ҳаётдай тоза.* Ю. Ҳамдам.

ЯРҒИЧОҚ шв. Ёргичоқ. *Миршаб Абрайқулнинг уйига саҳарлаб борса, бечора ярғичоқда бугдой тортаётган экан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЯРҒОҚ 1 Жунни тўкилган, ошланган (тери ҳақида). *Шу пайт эгнига ярғоқ теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ-ёй осган наमत қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отнинг жиловини ушлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Онаси садақайрағочнинг соясига пўстакнинг ярғоғини ташлаб берган эди.* Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар.

2 Туки (жуни) тўкилган, тўкилиб ятираб қолган. Уримда кўрмаган бир одам келди.. бошида жуни тўкилиб кетган яроғқ телпак, оёғида чориқ.. Ш. Холмирзаев, Йўллар, Йўлдошлар. Шу чоқ уларнинг тепасида барвастақомат, қизғиш яроғқ боши чироқ нурида ялт-юлт қилаётган дароз бир йигит пайдо бўлди. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

ЯСАДОҚ шв. Ясамол, ясоғлик. -Бизни-кидақа кичкина, ғарибона эмас, катта, чиройли, ясадоқ уй экан, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯСАМА 1 Қўлда ясалган; хонаки. Ясама ничоқна. Ясама радиоприёмник. Ясама стол.

2 Асли ўзиники эмас, тайёрланган; но-табий, сунъий. Ясама тиш. ■ -Сизга бир оғиз сўз айтиб қўйишимни буюрдилар, — деди ясама соқол-мўйлов ёпиштириб олган Қора Қоплон.. К. Яшин, Ҳамза.

3 Ҳақиқий бўлмаган; ғайритабий. Ясама кулги. Ясама ноз. Ясама табассум. ■ Боя жуда самимий туюлган хушчақчақлиги эса энди қандайдир ясама бўлиб кўринди Жабборга. О. Ёқубов, Учрашув. Буларнинг ҳаммаси укүвсиз ёш артист томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажарилган ролдай ясама чиқди. А. Қаҳҳор, Сароб. Асарнинг ясама сюжети, сунъий тили Набижонни ранжитди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

4 айн. қалбаки. Газеталаримиз балан-парвоз, сунъий ва ясама материалларга мутлақо ўрин бермасликлари зарур. Газетадан.. йиғилишларнинг ҳаммасини ўтказиш мумкин бўлмаганлиги учун, ясама қарорлар ёзиб қўйиш балангина чекланил-моқда. Газетадан.

5 тли. Ясовчи қўшимчалар воситасида ҳосил қилинган, ясалган. Ясама от. Ясама сифат. Ясама равиш. Ясама феъл. ■ Содда терминлар ўз ўрни билан иккига бўлинади: туб ва ясама терминлар. «ЎТА».

ЯСАМАЛИК Ясама, сунъий ҳолат. Яхши дид.. ҳар қандай қалбакилик ва ясамалик-дан нафратланишга даъват этади. Й. Абдуллаев, Дид-фаросат — фазилат. Дадамат аканинг сўзлашида.. ясамаликдан нишон ҳам йўқ. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЯСАМОҚ 1 Иш-фаолият, ўйин ва ш.к. га оид нарса (курол, буюм кабилар) тайёрламоқ, ишламоқ. Ҳуштак ясамоқ. Арава ясамоқ. Дутор ясамоқ. Тандир ясамоқ. Кет-

мон ясамоқ. ■ Сизлар учун ясадик жажжи уйчалар. И. Муслим. Деҳқончилик машиналарин бу ясаб, Пўлатга зўрлик қиб, йўлга солади. Фозил Йўлдош ўғли. Уроз.. ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди. Ойбек, Танланган асарлар. Бобожоним кўғирчоқлар ясаб берарди.. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 айн. тузамоқ. Шолча устига эса кўр-началарни солиб, дастурхон тузабди. «Эр-таклар». Жондор вагончи шу уйга ёпишган иккинчи бир кичик уйдан патнис ясаб чиқди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳосил қилмоқ (кўриниш, шакл ва ш.к. ҳақида). Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган. Ойбек, Қуёш қораймас. Катта майдонда юзлаб аравалар давра ясаган. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

4 Безатмоқ, ясантормоқ. Нима учун ҳамма ёқни палаклар, сўзаналар билан ясама-динлар? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 с.т. Пиширмоқ, тайёрламоқ, Куркадан иккитасини сўй, бир қобили қилиб димлама яса. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Лолахон, боплаб битта палов ясай қол. С. Зуннунова, Янги директор.

6 с.т. кам қўл. Ўзи бирикиб келган сўз билдирган иш-ҳаракатни қилмоқ, амалга оширмоқ маъносини билдиради. Бу ҳодиса ўзбек халқи ҳаётида туб бурилиш ясади. ■ Чўлга қарши бир атака ясайлик. Ойбек, Танланган асарлар. Қумуш гўё Зайнаб устига ҳужум ясадиандек ҳурпайди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

7 с.т. Гап-сўз ва ш.к. билан бопламоқ, адабини бермоқ. Қуруқ аравани олиб қоча-верган эди, кўпчилик олдида роса ясади. «Ёшлик».

Пашшадан фил ясамоқ айн. пашшани фил қилмоқ қ. пашша. Яқун ясамоқ қ. яқун.

ЯСАНМОҚ 1 Ясан-тусан нарсалари билан безанмоқ. Тўйга борадиган хотинлардек ясанмоқ. Кўча ясанган одамлар билан тўлган. ■ У жуда ясанган, билакларида қўш-қўш олтин билагузуклар, бармоқларида бриллиант кўзли узуклар. Ойбек, Танланган асарлар. Ойша хола менинг ясениб олганимни пайқайди шекилли, сўраб қолди: -Бир ёққа бормоқчимисиз, ўғлим? О. Ёқубов, Тилла узук.

2 кўчма Гўзал, яшнаган кўриниш касб этмоқ; гўзаллик, чиройга бурканмоқ. Қуёш-

нинг зар кокили билан Ясанибди кенг пахтазоринг. Файратий. Олам бирданига ясанди-ю, чамандек яшнаб, нурга кўмилди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯСАН-ТУСАН 1 Янги кийим, турли тақинчоқ, безак кабилар билан ясаниш, безаниш. -Эрга тегаётган Гулсум деган ўртоғим-у, ўсма-тасма, ясан-тусанни биз қилдик, - деди Меҳри опа. А. Эшонов, Дутор. Гулдай юм-юмалоқ, семиз бўлса ҳам, ясан-тусанни жойига қўйган.. аёл ичкари кириб келди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Ясанган-тусанган. Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, ранг-баранг чироқлар.. билан тўлиб, жуда катта кўринар экан шекилли, кундузи офтобда алланечук кичрайиб қолганга ўхшарди. П. Қодиров, Уч илдиз. Олдинги «Волга»нинг ойнасидан ясан-тусан аёлларнинг шодон чеҳралари.. кўринди. С. Нуров, Нарвон.

ЯСАНЧОҚ кам қўлл. Ясан-тусан ҳолатли, ясан-тусанга берилган. Мармар зинапояларнинг учтасини бир қилиб чопқиллаб тушишлар, ясанчоқ, серган қизларнинг чулдирашш.. бари, бари йўқ. Мирмуҳсин, Умид.

ЯСАТИҚ айн. ясатиғлиқ.

ЯСАТИҒЛИҚ 1 Ясатиш жиҳозлари билан безатиб, жиҳозлаб қўйилган; ясатилган. Ясатиғлиқ хона. Ясатиғлиқ от. ■ Кундузлари Тошхон ясатиғлиқ уйда ёлғиз қолар. Р. Раҳмонов, Келин.

2 айн. ясоғлиқ. [Ёрқиной] Куёв йиғит билан ясатиғлиқ стол ёнига келиб ўтирганларидан бери, ичиш у ёқда турсин, туз ҳам тотгани йўқ. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. [Салима] Меҳринисанинг «қўйинг, овора бўлманг», деб жаврашига қарамай, дастурхон ёзди, ясатиғлиқ патнисни қўйди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯСАТМОҚ 1 Ясамоқ фл. орт. н. Устага китоб жавони ясатмоқ. ■ Иссиқ қушларда салқинлаш, малика хонимлар билан ишрат қуриш учун «боғи эрам» ясатдик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Чиройли буюм, безак ва ш.к. билан жиҳозламоқ. Отни ясатмоқ. Болаларни байрамга ясатдик. ■ Мен бориб, Тупанисо опамга айтмай, у ёқ-бу ёқдан нарса топиб, уйини ясатайлик. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 айн. ясамоқ **2**. Чой қайнатиб, столни ясата бошладим. Газетадан.

ЯСЛАНМОҚ айн. ястанмоқ. Отабек ҳордиқ чиқариб ясланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизнинг чеҳраси ёришди. «Хайрият!» деди-ю, трубкини илиб, мамнун ҳолда стулга ясланди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЯСЛИ [р. ясли, ясла - охур; болалар муассасаси] Уч ёшгача бўлган гўдакларни сақлаб боқувчи тарбиявий муассаса. Келинлар далада, неваралар боғчада ва яслида; ҳовли жимжит. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЯСМИН [ф. ياسمن] қ. ёсуман **1**. Биз Нил ёқаларида шлуфарлардай очилиб, ясминлардай гуллаб турган бир юракни кўрдикки, бу Мисрнинг қалбидир. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

ЯСМИҚ Дуккакдилар оиласига мансуб ўсимлик ва унинг дони. Ясмиқ шавла.

ЯСОВ эск. Саф, қатор. Улар энди удайчининг «ясовингни сақла!» деб бақаришига қулоқ солмай.. ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қилардилар. С. Айний, Эсдалиқлар.

Ясов тортмоқ эск. Сафга тизилмоқ, саф тортмоқ. Ҳой, кўрғон устидаги азаматлар! Ҳозир бўлингиз, ясов тортингиз, бек келадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қуёш ёруғида мўғуллар ясов тортаётган эдилар. М. Осим, Ўттор.

ЯСОВУЛ тар. Ўрта Осиё хонликлари даврида: юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуроли соқчи, посбон. Тоҳир хонга қараб югурди, ясовулар унинг орқасидан келиб, бўйнига сиртмоқ ташлаб, боғладилар. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

ЯСОВУЛБОШИ тар. Ясовулар бошлиғи. Подшо доно вазирлари, ясовулбошиларига подшо ўтирган жойга «ўтиринглар», деб жой кўрсатди. «Юсуф ва Аҳмад»

ЯСОВУЛХОНА тар. Ясовулар, соқчилар ва қурол-яроғ турадиган бино ёки махсус хона. У ясовулхонага кирганда, у ерда ўтирган азиз дўсти Ашир маҳрамни кўриб, ўпкасини босиб олди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯСОВЧИ 1 Ясамоқ фл. сфдш. Стол ясовчи. Гувала ясовчи. Пул ясовчи.

2 тлш. Сўз ясалиш асосига қўшилиб, янги сўз ҳосил қиладиган. Сўз ясовчи қўшимчалар (мас, ишчи сўзидаги -чи қўшимчаси). Фейл ясовчи қўшимчалар (мас., ишла сўзидаги -ла қўшимчаси).

3 мат. Айланма сирт ҳосил қилувчи чиқиқ. Конус ясовчиси.

ЯСОҚ тар. 1 Қонунлар мажмуи; қонун. *Чингизхон ясоғи. Хоразм хонлиги жазо қонунлари ясоғи.* ■ *Уфадаги Мадрасаи олияда шогирдларга ҳар куни бир соат, жума кунлари кечгача кўчада юришга рухсат этилар, бошқа вақтларда кўчага чиқиш «қатағон ясоқ» эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Жазо. *Сийёсат учун майдонда ясоққа етказиш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! — деди Узун Ҳасан. «Ясоққа етказиш» халойиқ олдида бошини олиш, деган гап эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЯСОҒЛИҚ Ноз-неъматлар билан тuzалган; безатилган. *Ясоғлиқ хона. Ясоғлиқ стол. Ясоғлиқ патнис.* ■ *Хизматкор чол дарҳол дастурхон ёзиб, даҳлиздан ясоғлиқ баркаш олиб кирди.* М. Осим, Ўттор. *Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлиқ уйларда ўтиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯССИ 1 Юза, ёйиқ, ялпоқ. *Ясси тарелка. Ясси қайиқ.* ■ *Акрамхон йигитни зимдан кузатди: кенг юзи заҳил, кўзлари нурсиз, бурни ясси, қулоғи остидаги ямоғида тиг ўрни сезилиб турарди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Ўнқир-чўнқирсиз, текис; юза. *Бригада ерининг бир бўлаги ясси тепаликдан иборат эди.* Туйғун, Йўлдош акани эслаб. *Мана, айланма йўллар ҳам орқада қолди. Ягриндор ясси қир бошланди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯССИЛАМОҚ Бирор нарсени уриб ёймоқ, япалоқламоқ. *Уста темирни чўққа солиб болғалайди, чўзади, яссилайди.* Ойбек, Болалик.

ЯССИЛИК 1 Ясси эканлик, ясси ҳолат. *Тошнинг яссилиги. Ликопчанинг яссилиги. Ернинг яссилиги.*

2 Ясси, текис ер сатҳи. *Таалимаржон йўл устидаги кичик, кўрмисизгина шаҳарча бўлиб, тақир ва яссиликларга жойлашган.* Мирмуҳсин, Меъмр.

ЯСТАНМОҚ 1 Оёқ-қулни узатиб, ётган ёки ўтирган ҳолда ўзини эркин тутмоқ; ясланмоқ. *Кампир диванда ястаниб ётарди.* ■ *Майсага ястаниб ётган Сувонжон Нигорага ён томондан келиб қўшилган жилганинг лабини кўрсатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мана букун қулинг ўргилсин бир хиёбонки, кўланкасида ястангинг келади.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Кули креслонинг ён суюнчигига ястанган Латифжоннинг иссиқ*

билагига.. тегай-тегай деб турарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Ернинг маълум сатҳини қоплаб, эгаллаб ётмоқ, чўзилиб ёйилиб ётмоқ. *Нариги томонда эса, кун нурида қизиган оқ-сарик қумлар ястаниб ётарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Буларнинг орқасида шакарқамиш, каноп, жўхори ва ҳар нав сабзавотлар билан қопланган кўм-кўк далалар ястанган.* Ойбек, Нур қидириб.

ЯСҚОҚ қ. ямоқ-ясқоқ.

ЯТИМА |а. يتيم — ота-онасиз қиз| кт. *Етим қиз. Ятима қизлар оғзидан биринчи марта эшитган.. шу бир калима сўз унинг қалбини меҳр билан тўлдириб, тўлқинлантириб юборди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯХ |ф. یخ — муз| айн. муз. *Яхда тойганмоқ. Айронга ях солмоқ.* ■ *Ариқ бўйларига атайлаб гўё Яхдан маржон ясаб тақибди биров.* Т. Тўла. *Бизнинг чашмамизнинг сувиданам ширин-а.. кўринглар, ях!* К. Яшин, Ҳамза.

Ях бўлиб (ёки яхман деб) туриб олмақ Бирор маслаҳат, йўл-йўриққа кўнмасдан ўжарлик қилмоқ, безрайиб туравермоқ. *-Мен салкам 30 йилдан буён пахтанинг ичидаман. Менга машинанг керак эмас, — деди-ю, яхман деб туриб олди [Ҳожибой ака].* Газетадан.

ЯХАКИЖОН шв. Муз қириндисига шинни қўшиб тайёрланган ширинлик. *Баъзан шиннидан яхакижон қиларди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *..ҳайитлик пулларига обакидандон, нўхатиўрак, яхакижон олиб, мазза қилиб ейишади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯХДАЙ айн. муздай. *Бор, ариқдан яхдай лой олиб сурт..* С. Нуров, Нарвон. *Ма, ич, яхдай экан.* С. Нуров, Нарвон.

ЯХДОН |ф. یخدان — музхона; музли сув солиналитан идиш; чарм сандиқ| эск. Устига гул ва баҳя тикилган қизил чарм сандиқ. *Бойга Зубайда эмас, Аҳмадохуннинг қашқар саройи, яхдондаги олтинлари керак!* К. Яшин, Ҳамза.

ЯХЛАМОҚ 1 Музга айланмоқ, музламоқ. *Ана, айтмадимми, бутун қилган ишинг шунақа. Қишда сабзи яхлаб қолиши билан иши йўқ.* Ойдин, Ўзи монанд. *Қиш чиллада ўрик гуллабди-ю, Саратонда яхлаб қопти сув!* Ойбек.

2 с.т. Қаттиқ совуқ емоқ, совқотмоқ; совиб қолмоқ. *Оёқ-қўлим яхлаб кетди. Чой яхлаб қолибди.*

ЯХЛИТ I Қисмларга бўлинмаган; бир бутун ҳолда(ги). *Яхлит муз массаси. Яхлит ойнали деразалар. Яхлит найкал.* ■ *Яхлит картадаги чигитлар бир текисда униб чиққан. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Нутқимиз яхлит бир оқимдан иборат бўлмай, балки мазмун билан боғлиқ ҳолда бўлиниб-бўлиниб туради. «ЎТА». Бир танишим меҳнат отпускасини ҳеч вақт яхлит олмасди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

2 Ягона бир, бир умумий; ягона. *Халқ хўжалигининг яхлит давлат режаси.* ■ *Султон Журанинг «Қалдирғоч» эртақ-дostonида.. тинчлик барча эл-элатларнинг осойишталиги ва бахтли тақдирини белгилловчи энг асосий омил, деган яхлит ғоя илгари сурилади. «Фан ва турмуш»*

3 Йирик (катта) қисмдан иборат; йирик. *Муз қатламларига урилиб, яхлит-яхлит муз парчаларини баландга иргитаётган снаряд ва бомбаларнинг гумбуралиши тобора даҳшатли. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозор-ўчар тараддудига тушди. Э. Аъзамов, Жавоб.*

4 Касрсиз, бутун, йирик. *Яхлит рақамлар.*

ЯХЛИТЛАМОҚ Майда бўлақларни бир бутун ҳолга келтирмоқ; йирикламоқ. *Пулни яхлитламоқ. Рақамларни яхлитламоқ.*

ЯХЛИТЛИК Яхлит ҳолга эғалик. *Обид Жалилов образнинг бадиий яхлитлиги учун унинг бошқа қиёфасини тўғри ва ҳаққоний ифодалаш қанчалик муҳим эканлигини яхши тушунади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

ЯХМАЛАК [ф. يخماله — силлиқ, текис муз: музда сирпаниб ўйнаш] Муз билан қопланган; тойғаноқ, сирпанчиқ. *Болалар чана учишган бўлса керак, анҳор устидаги кўприк яхмалак бўлиб кетибди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

Яхмалак отмоқ Муз устида сирпаниб ўйнамоқ. *Менинг бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

ЯХНА [ф. يخنى — гўшти қайнатма шўрва; пишириб совитилган гўшт] Тайёрлаб совитиб қўйилган; совуқ, муздай. *Қори муллаваччаларнинг йўл учун пишириб олган яхна*

гўшларидан оз-моз еб, қувватга кириб қолдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Олис йўл босиб, чўл қувиб келаятган «улуғ»лар ҳам шу чойхонага кўниб, битта яхна кўк чой ичмасдан ўтолмасдилар. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. Дастурхон ёзилиб, бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди. Ойбек, Навоий.

ЯХОБ [ф. يخاب — музли сув; ўта совуқ сув] I қ.х. *Ҳосилдорликни ошириш, шўр ювиш, ерни зарарли ҳашаротлардан тозалаш учун экин майдонига қишда, эрта баҳорда қўйиладиган сув; қавс суви. Ҳадемай ерларга яхоб суви бериш палласи бошланади. Шурни ювиш турибди олдимизда. С. Кароматов, Сўнги бархан.*

Яхоб бермоқ Яхоб (суви) оқизмоқ, яхоб сувига бостирмоқ. *Ер ҳайда, совуқ тушди дегунча машиналарнинг ремонтини бошла, ерга яхоб бер.. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Боғлар ва тоқзорларга қишда яхоб берилиши жуда яхши натижалар беради. Газетадан.*

2 шв. Музли сув; муздай сув.

ЯХТА [ингл. yacht < голл. jacht < jagen — ҳайдамоқ, бошқармоқ] I сирт. Катта ва енгил, елканли ёки елкан-моторли спорт қайиғи.

2 Саёҳат ва спорт ишлари учун мўлжалланган, унча катта бўлмаган кема.

ЯХТАК с.т. Яктак.

ЯХТАЧИ қ. яхтсмен.

ЯХТСМЕН [ингл. yachtsman — яхта ҳайдовчи] Асосан яхтада елканли спорт билан шуғулланувчи спортчи.

ЯХШИ I Ижобий сифатга эга бўлган, бирор талабга тўла жавоб берадиган, кишига ёқадиган, маъқул бўладиган. *Яхши киши. Яхши от. Яхши баҳр. Яхши гап. Яхши ғоя. Яхши тилақлар Яхши емоқ. Яхши киймоқ. Ўзини яхши тутмоқ. Яхши сўз — жон озиғи, Ёмон сўз — бош қозиғи. Мақол. Яхши ошини ер, ёмон — бошини. Мақол. Яхшига ёндаш, ёмондан қоч. Мақол. Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга. Мақол. ■ [Кумуш] Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англари эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Яхши гапириб ҳам кўрди, ёмон гапириб ҳам кўрди, фойдаси бўлмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Гулнор, сиз яхши ўйланг, ихтиёр сизда. Ойбек, Танлан-*

ган асарлар. *Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Яхши кўрмоқ 1) бирор нарсани, кишини ёқтирмоқ, маъқул кўрмоқ. *Сухбатни яхши кўради. Озода кийинини яхши кўраман.* ■ *Бу камбағал хаста йигитни Йўлчи яхши кўрар, аҳволига кўнгилдан қайғурар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. 2) муҳаббат қўймоқ, севмоқ. *Бир-бирини яхши кўрмоқ.* ■ *-Рости ни айт, муаллим болани яхши кўрасанми? — деб сўради Тожибой кўққисдан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зулфиқор устоднинг қизини ниҳоятда яхши кўриб қолганини дўстига айтиб қўйган эди.* Мирмуҳсин. Меъмор.

2 мод. с. Розилик, маъқуллаш маъноси ни билдиради; ҳўп бўлади, дуруст, маъқул. *Яхши, ҳозир этиб бораман. Яхши, мен яна ўйлаб кўраман.* ■ [Юсуфбек ҳожии:] *Яхши. Ваъда ҳам берайин, аммо сен унашмай тур!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Оқсоқол] *Ўрнидан турди ва қаттиқ овоз билан: -Яхши.. Бу кишига ҳам «форма»дан берасан, — деди ва шошганича чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯХШИКИ мод. с. Ўзи таркибида бўлган гап билдирган нарса, ҳодиса бошқа бир иш, ҳодисанинг юз бериши ёки юз бермаслигига сабаб эканини қайд этади; хайрият, хайриятки. *Яхшики, бизнинг можаролардан қайин отам жуда сийрак хабардор бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯХШИЛАБ 1 **Яхшиламоқ** фл. рвдш.

2 Аъло даражада, бекам-кўст, жуда боплаб. *Яхшилаб ёзмоқ. Бу гапларни яхшилаб тушуниб ол! Яхшилаб дам олмоқ. Яхшилаб текширинг.* ■ *Кумушнинг кўнглини яхшилаб очинлар, қизлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёрмат челақ билан аравага жуда кўп сув сенди, яхшилаб супурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Боплабсизлар. Яхшилаб таъзирини бериш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин!* — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯХШИЛАМОҚ 1 Бирор нарсанинг сифатини, ҳолатини юқори даражага кўтармоқ, илгаригидан яхшироқ ҳолга келтирмоқ; тузатмоқ. *Ёзувни яхшиламоқ. Ишларни яхшиламоқ. Меҳнат интизомини яхшиламоқ. Экин навларини яхшиламоқ.* ■ *Уғли уйлангандан кейин рўзғорни яхшилаб, овқатларни мўл-кўл қилибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яхши сифатлар билан баҳоламоқ, гапирмоқ. *У сизни доим яхшилаб юради. Бировни орқасидан ёмонлаш ўрнига яхшилаган маъқул.*

ЯХШИЛАНМОҚ **Яхшиламоқ** фл. ўзл. ва мажҳ.н. *Иш сифати яхшиланди. Йўллар яхшиланди. Касалнинг аҳволи яхшиланди.* ■ *Гулнор ҳозир Нурининг меҳрибончилигига севинди, Эрга тегиб, феъли анча яхшиланибди шекилли, деб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯХШИЛИК 1 Яхши хислат, хулқ-атвор кабиларга эгалик. *Ҳикоя алоҳида шахсларнинг яхшилиги ё ёмонлиги ҳақида, ё бўлмаса, турмушдаги бирор тасодиф устида ёзилмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тошкентга қайтишда мени ҳам олиб жўнадилар. Чунки яхшилигимни, тўғри, ҳалол ишлаганимни билар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ихтиёрни равишда бирор кишининг манфаатини кўзлаб иш тутиш, бирор манфаат етказиш; меҳрибонлик; хайрли иш, эзгулик. *Яхшилик қилмоқ. Яхшиликни унутма. Сизга яхшилик хоҳлайман. Яхшиликнинг кечи йўқ.* Матал. *Ёмондан яхшилик кутма. Мақол. Яхши одамнинг яхшилиги тегар тор ерда, Ёмон одамнинг зарари тегар ҳар ерда. Мақол. ■ Яхши одамлар ҳамма жойда топилади. Лекин бу бечораларнинг қўлларидан бировга яхшилик қилиш келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўқ, худди шундай! Лекин мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўрганман. Бу яхшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жой олган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Яхши эканлик.

ЯХШИЛИКЧА рвш. Бирор кўнглисиз ҳодиса юз бермасдан яхшилик билан, уриш-жанжалсиз. *Яхшиликча бу ердан жўнаб қол.* ■ *-Яхшиликча эгардан туш-у, қўлингни кўтар. Бўлмаса, от устидан телпақдай учираман, — деди Абдуракул.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қани, тур бўлмаса, чиқиб кет! Яхшиликча жойингни топ!* Ф. Фулом, Шум бола. *Ана шунақа-да, ака, биз бир-биримиз билан яхшиликча гаплаша олмаймиз.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

ЯХШИСИ мод.с. Энг қулайи, мувофиқи, маъқул бўлгани, тўғриси. *Яхшиси, менинг маслаҳатимга киринг.* ■ *Сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унақа деманг,*

яхшиси, соқолим кўксимга тўкилсин, деб кўя қолинг. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯХШИЯМ [асли яхши ҳам] с.т. Яхшики. *Яхшиям, ўзи келмабди.*

ЯША 1 Яшамок фл. 2-ш. буйруқ шакли. *Узоқ яша.*

2 унд. с. Мақтов-маъқуллашни билдиради; балли, баракалла. *Яшанг, ўғлим, кам бўлманг! А. Қаҳҳор, Асарлар.*

ЯШАВОР с.т. айн. **яша 2.** -*Яшавор!* — Тўла ўртоғининг юпун пальто тагидан суяги туртиб чиққан елкасига попиллатиб урди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ЯШАМОҚ 1 Маълум муҳлат умр кўрмоқ; ҳаёт кечирмоқ; тирик юрмоқ. *Кўп яшаган билмас, Кўпни кўрган билар. Мақол. ■ Маллахондан бери яшайман, болам, не-не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўрганман. Не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Ойбек, Танланган асарлар. Ғуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Бирор йўсинда ҳаёт кечирмоқ, бирор тарзда тирикчилик ўтказмоқ; умргузаронлик қилмоқ. *Азобда яшамок. Ёлғиз яшамок. Ота-онасиз яшамок. Роҳатланиб яшамок. Тутқунликда яшамок. Қул бўлиб яшамок. Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлган яхши. Мақол. ■ Масалан, тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Содиқлар ўз овқатларини ҳам ўтказолмаган ҳолда фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-моз ерларидан сотиб, тириклик қилар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Ҳаётини бирор жойда ўтказмоқ; бирор жойда истиқомат қилмоқ, турмоқ. *Шаҳарда яшамок. Қишлоқда яшамок. Мусофирчиликда яшамок. Чет элда яшамок. ■ Мана ҳозир уч кундан бери бу ерда, опасининг боғида яшайди. Ойбек, Танланган асарлар. Шу қишлоқларда, кўрғончаларда одам яшаганлиги, хурсандчилик, тўй-томоша қилганлиги узоқ ўтмиш тўғрисидаги эртақдай туйилар эди. А. Қаҳҳор. Олтин юлдуз. [Абдишукур] Бу ерда бир татар савдогарнинг хизматига ўтиб, Қозонга кетди. Қозонда уч йил яшади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Бирор кимса билан бир жойда бирга (яқини, қариндоши, эри ёки хотини сифатида) истиқомат қилмоқ. *Мен билан яшай-*

диган кампир бозорчи хотин эди. Ойбек, Танланган асарлар. Биз икков ёшлиқдан бирга яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мана, уч ойга яқиндир, Нуруниса ўзи кўрмаган, билмаган, ҳатто исмини тўй арафасида келинойисидан эшитган эри билан яшайди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 кўчма Сақланмоқ. *Мангу яшар шухратимиз-шонимиз. ■ Бир неча юз йиллардан бери яшаб, фавқуллодда зўрайиб кетган «Хўжа Маъвоз» мазорининг чакалаги бу қоронғиликка бир манба каби эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ғазаб ичра ўртаб инсонни, Қирғоғига тўкилган қонни Юволмайди! Яшайди бу қон, Унутилмас бу кураш, қурбон. Э. Раҳим.*

ЯШАР Санок сонлар ёки «ўрта» сўзи билан қўлланиб, одам ёки ҳайвоннинг шу сўз билдирган ёшда эканини билдиради; ёшли. *Ярим яшар бола. Уч яшар қиз. Олтмиш яшар чол. Урта яшар хотин. Беш яшар от. Икки яшар тана. Бу гапни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади. ■ Устанинг шогирди — ўн тўрт яшар Йўлдош — дераза олдида ўтирарди. Ойбек, Танланган асарлар. Бир кун Қудрат сув селиб тургани устига ўзидан бир яшар катта бўласи ичкаридан ёғоч от миниб чиқиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ЯШАРМОҚ қ. ёшармоқ. *Шаҳримиз кундан-кунга яшармоқда. ■ Ўз элига содиқ киши яшаради, Ишласа, иш сургатин оширади. «Кўшиқлар». Сув шимиб яшарайтган ғўзалар яйрарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ЯШАШ 1 Яшамок фл. ҳар. н. *Бу тоқати тоқ, жони темирдан инсоннинг тузалиб кетишини, яшашини, узоқ умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.*

2 Ҳаёт тарзи, турмуш, тирикчилик. *Яшаш йўли. Яшаши қандай?*

ЯШИК [р. ящик < яск — корзина] Нарса солиш, сақлаш учун фойдаланиладиган, одатда тўрт бурчак шаклидаги буюм. *Ёғоч яшик. Темир яшик. Снаряд яшиклари. Чой яшиги. ■ Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қопни ё яшикларни тешар, чўнтақларига қўрқа-писа мева соладилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЯШИЛ 1 Сарик билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўл-

ган ранг. *Яшил баргли ўсимликлар. Яшил парда. Яшил бўёқ.* ■ Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртада қишлоқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ яшили ичидан жонли найларини тинликка қуярди. Ойбек, Навоий.

2 Яшил рангли ёш майсалар ва ўсимликлар билан қопланган. *Яшил водий. Яшил дала. Яшил қирлар.* ■ Унгроқда, яшил тепа устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ЯШИЛЛАНМОҚ Яшил тустга кирмоқ, яшил барг, майса ва ш.к. билан қопланмоқ. *Сал кун ўтмай баҳор жалалари бошланади. Қамишзорлар яшилланади, қирларда лолақизғалдоқлар гулхани ёнади.* С. Аҳмад, Уфқ. Соҳилдаги қатор кулранг жийдалар таги, илон изи сўқмоқ ҳам яшилланди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Ҳақим сувчининг даштга эккан маккажўхориси бир қарич бўлиб яшилланади.* Газетадан.

ЯШИЛЛИК 1 Яшил ҳолат, яшил рангли ҳолат. *Ҳовлида жаладан кейинги манзара бошқача: дарахтлар яшиллиги яна ортган.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

2 Яшил ранг. *Яшиллик югурган дарахтларнинг учларида илк баҳор кўёшининг олтин шуғалари товланарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЯШИН 1 Атмосферада булутлараро ёки булутлар билан ер сирти орасида пайдо бўладиган жуда кучли оний электр учқуни; чақмоқ. *Яшиннинг кўкимтир ёруғида рўпарадаги ўйлар ва ёмгирдан жимир-жимир бўлиб ётган ҳовли бир кўринди-ю, кўздан йўқолди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Бир ерда туриб қолсак, совқотиб ёки яшин уриб ўлишимиз аниқдир.* С. Айний, Қуллар.

2 Яшин (эркаклар исми)

ЯШИНМАЧОҚ шв. Бекинмачоқ. *Яшинмачоқ ўйнашмоқда гулзорда Бир барно қиз билан жиддий бўз ўғлон.* Р. Бекниёз. *Болаларни излади. Бу, яшинмачоқ ўйини бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЯШИН-ТОПАЛОҚ шв. Бекинмачоқ. [Каримов:] *Ҳаяллаб ўтиришининг ўрни йўқ, ука, биз ҳоким эканмиз, истаганимизни амалга оширамиз. Етар энди «яшин-топалоқ» ўйи-*

ни, энди улар билан астойдил гаплашмоқ керак. Ҳ. Шамс, Душман.

ЯШИРИН 1 сфт. Бошқаларга маълум бўлмаган, бошқалардан сир тугилган; махфий. *Яширин йўл. Яширин гап. Яширин қочмоқ.* ■ *..йўл-йўлакай унга бу яширин тўғарак ҳақида баъзи гапларни айтиб берди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ҳали маълум бўлмаган, белги бермаган. *Грипп билан касалланишнинг яширин даври икки-уч кун бўлиб, кейин ўткир даври бошланади.* «Саодат».

3 Аниқ ифодага эга бўлмаган. *Айниқса, нутқий вазият, шароитга қараб қахрамонлар тилидан айтилган яширин маъноли сўзлар, луқмалар драма тилида алоҳида ўрин тутади.* «ЎТА». *Бу хушхол ва очиқкўнги аёлда кўзга яққол ташланмайдиган кучли ирода ва мустақиллик яширин эди.* Ф. Музажонов, Ҳиммат.

4 Ҳеч ким билмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган. *Сизни кутиб турар оппоқ пахтанинг Бағрида яширин қанча сирли ранг.* А. Орипов. *Бу томонда бор экан яширин сўқмоқ йўллар.* «Ёшлик».

5 айн. **яшириқча.** У ўтирганларга яширин бир назар ташларди. Газетадан.

ЯШИРИНМОҚ 1 Яширмоқ фл. ўзл. н. *Овчи дарахт орқасига яширинди.* ■ *Гулнор кўрпанинг бир чеккасини бошига тортиб яширинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кўздан холи, номаълум ҳолда бўлмоқ. *Инсон унинг [тоғнинг] метин бағрида яширинган хазиналарга қўл солган.* С. Аҳмад, Тоғларда. *Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЯШИРИНЧА рвш. Бошқаларга билдирмасдан, сездирмасдан, махфий равишда; пинҳона. *Яширинча термилмоқ. Яширинча кўз қисмоқ. Яширинча иш тутмоқ. Яширинча қараш.* ■ *Мастура секингина йўргалаб, уйга борди-да, онасидан яширинча бир сиким чувилган пахтани қўйнига тиқиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нури палак остида, ёш аёллар билан қўришган ҳолда турар. баъзан яллагиларга яширинча мўралаб қўяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯШИРИҚ айн. **яширинча.** *Бир вақтлар Нурининг ўртага отган тухмати орқасида Гулсунбиби эри Ёрматдан яшириқ қизнинг*

феъли-атворини, юриш-туришини очик ва бекитиқ равишда узоқ таъқиб этди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЯШИРИҚЛИК шв. айн. яширин. *Ширин сўз билан бола ичида яшириқлик ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

ЯШИРИҚЧА айн. яширинча. [Шарофат хола] Айниқса, ўғлининг ундан яшириқча ича бошлаганини пайқағач, у сўнги илн-жини ҳам йўқотгандек бўлди. А. Мухтор, Чинор. *Ўзлари, яшириқча гапим бор, деб кўймадилар-ку. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ЯШИРМОҚ 1 Биров билмайдиган, кўрмайдиган ёки топа олмайдиган жойга қўймоқ, беркитиб қўймоқ. *Калитни яширмоқ. Пулни яширмоқ. ■ Йўлчи учун келтирилган тугунчак ёдига тушди. Уни паранжига ўраб, тахмоннинг бурчагига яшириб қўйган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Одамлар молини яширса, биз.. мана, кўриб турибсизлар, бир дона гугурт чўпини ҳам остонадан ташқарига чиқармадик. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Қушбеги жавоб бериш ўрнига, мактубни олиб, кўрпача остига яширди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Кўринмайдиган ҳолатга олмоқ; пана қилмоқ, беркитмоқ. *Бировдан юзини яширмоқ. Рўмол учи билан оғзини яширмоқ. Бир қўлини орқасига яширмоқ. ■ Равно ўзига қараб келгувчи Анварга ер остидан кулумсираб олгач, бир оз кўриниб турган оёқ учларини сариқ атлас кўйлаги билан яширди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Яширай деб кўзда ёшини, Қучиб олди қизнинг бошини. Э. Раҳим. Эллиқбоши оломонга қайрилиб, бир қўли билан шийи кўзларини яширган ҳолда, иккинчи қўлини мушт қилиб, дўқ урди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Махфий сақламоқ, сир тутмоқ. *Исини яширмоқ. Мақсадини яширмоқ. Севгисини яширмоқ. Ҳазабини яширмоқ. Сирини яширмоқ. ■ Улар ҳар икковлари ҳам ҳаяжонларини яшира олмай, бир-бирларига тикилиб қолишди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ. Жонфиғон буни [ишамаслигини], албатта, талай вақтгача хотинидан яшириб юрибди. А. Қаҳҳор, Жонфиғон. Касалингни яширсанг, ўртоқжон, иситмаси ошкор қилади. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

ЯШНАМОҚ 1 Барқ уриб ўсмоқ, гулламоқ, гули очилмоқ. *Олдин экилган гўза-*

ларимиз эса кун сайин яшнапти. Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла. Юз очмиш, яшнамиш сумбул ва лала. Ғайратий.

2 Ўзига тортадиган гўзал ҳолга келмоқ; ёрқинлик, кўркамлиқ касб этмоқ; гўзаллашмоқ. *Баҳор келиши билан дала яшнар. ■ Эл келтириб ёйди пойандоз, Яшнаб кетди ҳовуз бўйлари. Э. Раҳим. Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди. Ойбек, Танланган асарлар. У [Асрора] кирган уй яшнаб кетади. С. Аҳмад, Уфқ.*

3 кўчма Ривож топмоқ, камолга эришмоқ; авж олмоқ. [Йўлчи:] *Халқ борган сари пачақланаверади, бойлар яшнаиверади, негаки илдизи кучимизни сўради-да. Ойбек, Танланган асарлар. Одамларда ғайрат ва ташаббус яшнаб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Саидийнинг қалбидаги сўна бошлаган муҳаббат чўғи яшнаб бошлади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

4 Порлаб, чақнаб, яшнаб кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Юлдузлар чароғон бўлиб яшнамоқда. ■ Кўша-қўша гиламлар яшнаган бу уй, Унсин ёлғиз қоларкан, аллақандай совуқ туюлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

5 кўчма Яйрамоқ, ёзилмоқ. *Янги турмуш боғларинда Ёш кўнгишлар яшнасин!* Ҳамза. *Ҳар замон бўл билим ўчоғида, Яшнаган маърифат қучоғида. Ғайратий. Паранжини ўт-оташга Ташлаганим-ташлаган, Давлат қуши қўнган бошга, Яшнаганим-яшнаган. З. Диёр.*

ЯШНАТМОҚ Яшнамоқ фл. орт. н. *Яхши парвариш қилиб, кечки гўзаларни ҳам яшнатиб юбордик. ■ Яшнатдим бўз қирлар, бепоён даштни. Ғайратий. Бу бахт Паризод дилини яйратар, чеҳрасини гул-гул яшнатарди. Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.*

ЯШНОҚ кам қўлл. *Яшнаб турган, гўзал, жозибали. Яшноқ боғлар. Яшноқ дала-лар. ■ Сурма тортилган чақноқ кўзлари, гулгун яшноқ юзлари, бежирим кийимларидан тортиб, баланд пошнали қора туфлисигача Моҳидил кузатиб чиқди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ЯШОВЧАН Яшаш қобилияти кучли, яшаб турадиган. *Яшовчан микроблар. Яшовчан ўсимликлар.*

ЯШШАМАГУР қарғ. Умринг қисқа бўлгур, ўлгур. -Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ

бўйнингни узаман, — деб ўшқирди амакиси. — Қоч! Яшшамагур, қоч! — деб такрорлади шақилдоқ келинойиси. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳа, яшшамагурлар! Бола эмас, бало булар! Тегма гулларга! С. Нуров. Нарвон.

ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ [а. *ياجوج ماجوج*] — Куръонда зикр этилган бузғунчи қавм(лар) номи| Диний эътиқодга кўра, қиёмат кунида ўз маконидан чиқиб, оламни босиб олиб, учраган кимса ва нарсаларни ютиб, йўқ қилиб юборадиган икки ёввойи, ваҳший халқнинг номи; афсонавий зўр куч, енгилмас бало. *Билмадим, буюқчининг нили бузилганми ё охир замон яқинлашиб, яъжуж-маъжуж хуруж қилганми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Яъжуж-маъжужлардек ёпирилиб келган мўғуллар.. [қалғаларга] мўр-малаҳдай ёпирилиб кирадилар.* Мирмуҳсин. Меймор.

ЯЪНИ [а. *يعنى* — яъни; тўғрироғи, аниқроғи] *боғл.* Гап ёки гап бўлагини унга изоҳ берувчи бошқа жумла билан боғлаш учун ишлатилади. *Мен эртадан кейин, яъни шанба куни, уйда бўламан.* ■ *Ота-онам орзуси ушалиб, илгариги Назирқул энди Назир афанди, яъни ўқитувчи бўлиб қолган эдим.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ЯҚИН [а. *يقين* — ҳақиқий билим, қатъий ишонч] 1 Оралиқ масофа унча катта бўлмаган, узоқ эмас. *Энг яқин йўл — шу. Шаҳарга яқин бир қишлоқда яшаймиз. Бир-бирига яқин уйлар. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар.* Мақол. ■ *Қирғоққа яқин ерда тўрт қозик устида каттакон бир қайиқ турар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Тункалар жуда кўп, ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Нутқ сўзланаётган пайтдан вақт ораллиги унча катта бўлмаган. *Яқин фурсатда дийдор кўришмоқни орзу қиламиз. Яқин келажакда бу ерлар шаҳарга айланади.* ■ *Ҳа, айтгандай, устоз шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 Бирор ҳодиса ёки воқеа юз беришига оз фурсат қолганда, маълум бир вақт келиши олди. *Кечга яқин меҳмонлар келишди. Саҳарга яқин йўлга тушдилар. Иш битишига яқин қолди.* ■ *У энди, иложи бўлса, муносиб кишига Гулнорни ҳозирдан унаштириб, фотиҳа ўқиб, тўй-никоҳни баҳорга яқин ўтказмоқчи.* Ойбек, Танлан-

ган асарлар. *Тўйга яқин қолганда, келин кўчанинг бошидаги ательега кўйлак буюргани келган экан.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Яқин ўртада (ёки орада) 1) шу ердан узоқ бўлмаган жойларда, шу атрофда. *Яқин ўртада чойхона борми?*; 2) кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгач. [Йўлчи:] *Тоҳир ака, кўйинг сиз табибларни. Менга қолса, маслаҳат шу: мана яқин ўртада баҳор, сиз қирга чиқинг, кўкрагингизга тоза шамол тегди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Дўстона муносабатда бўлган, қадрдон, меҳрибон. *Яқин ўртоқ. Яқин дўст.* ■ «Қизиқ одам экансиз», дедингиз. Аммо дўстингдан, яқин бир одамингдан тўсатдан шундай гап эшитиш менга, албатта, оғир. П. Турсун, Ўқитувчи. *Назариди, нотаниш йигит аллакимга, жуда-жуда яқин одамга ўхшатаётгандек.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Меҳмонларни тўй эгасининг яқинлари хурмат ва сертакаллуфлик билан кутиб олишарди.* О. Хусанов, Шинаванда.

Ўзини [бировга] яқин олмоқ (ёки тутмоқ) Кимса билан дўстона муносабат сақламоқ, ўзини шундай ҳолатда тутмоқ. *Мени севадими? Чиндан севадими ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрибдими?* Шухрат, Шинелли йиллар.

5 Нимаси биландир ўхшаш ёки деярли бир хил. *Ҳавоси бир-бирига яқин. Маъноси бир-бирига яқин сўзлар.* ■ 1287 йилнинг сунбула ойи, яъни эрта кузнинг кўклам ҳавосига яқин бир куни. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 Тахминан, қарийб. *Орадан яқин икки йил ўтгандан кейин Авлиёотага Бувайдадан бир одам бориб қолди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Бир куни икки кишининг сўроғи яқин тўрт соат вақтни олди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 (3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к. ва ч.к. шаклида — **яқинига, яқинида, яқинидан**) Кўмакчи вазифасида қўлланади ва макон муносабатларини билдиради. *Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилгандек, Анварнинг яқинига бориб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу икки хоналик уй янги қурилаётган мактаб яқинида..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЯҚИНДА *рвш.* 1 Бундан бир оз аввал. *Яқинда таътилдан қайтдим. Ораларига*

яқинда совуқчилик тушди. ■ *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан, аллақандай шаҳарга бадарга бўлиб, яқинда келди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш. Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар.*

2 Яқин вақт, яқин кунлар ичида. *У яқинда диссертация ёқлайди. Яқинда бошқа ишга ўтмоқчи. ■ Мусабекларникидан яқинда совчи келармиш. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Бу ердан узоқ бўлмаган жойда, шу атрофда. *Яқинда магазин борми? ■ [Мутал:] Яқинда одам йўқми? - Йўқ, қиҳ. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЯҚИНДАГИ 1 Бу ердан узоқ бўлмаган жойдаги, шу атрофдаги. *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Мақол. ■ Шу яқиндаги гулзор хушбўйини ўғирлаб келган шабада гуп этиб димоғига урилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. У [Шербек] саргузашт излаб, неча марта уйдан қочган, шўрлик онаси гоҳ шаҳардан, гоҳ яқиндаги темир йўл станциясидан топиб келган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Бундан бир оз аввал юз берган ёки бўлиб ўтган. *Яқиндаги гап. Яқиндаги воқеа.*

ЯҚИНДАН рвш. Яқин масофадан ёки яқин вақт (лар)дан. *Яқиндан бери. Яқиндан бошлаб. ■ Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учиб тушди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

Яқиндан ёрдам (ёки кўмак) бермоқ Амалий ёрдам кўрсатмоқ, бевосита ёрдам қилмоқ. *..ишимизга яқиндан кўмак бериш учун ёрдамчи белгилашди. Файратий, Узоқдаги ёр.*

ЯҚИНЛАМОҚ айн. яқинлашмоқ. *Бир-бир босиб, илгари елди, Сой бўйига яқинлаб келди. Ҳ. Олимжон. Белидан қўлини олмай яқинлаб келди техник. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.*

ЯҚИНЛАШМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарса яқинига бормоқ ёки келмоқ. *Тоққа яқинлашмоқ. Шаҳарга яқинлашиб қолдик. ■ Зайнаб ҳам кулумсираган ҳолда Кумушга яқинлашиб келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У шундай уйчан, паришон ҳолатда булоққа яқинлашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Отлар турган жойга яқинлашганда, отларга қоровуллик қилиб турган икки одам ҳам кўринди. С. Айний, Қуллар.

2 Бирор иш, ҳодиса ёки воқеанинг юз беришига оз вақт қолмоқ, вақт жиҳатидан яқин келмоқ. *Янги йил яқинлашиб қолди. ■ Вақт хуфтонга яқинлашган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Даҳшатли минутлар нафас сари яқинлашиб қолмоқда эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Ой-куни яқинлашмоқ Туғишига оз вақт қолмоқ. *Фанижон хотини ҳомиладор бўлганда ҳам, болани кўтариб юрганда ҳам, ой-куни яқинлашиб қолганда ҳам, бунга қишлоқда ҳар куни, ҳар ерда бўлаётган ва бўладиган ҳодиса деб қараган эди. А. Қаҳҳор, Каравот.*

3 Миқдор билдирувчи сўзлардан кейин келиб, ўша миқдорга етишга озгина фурсат қолганлигини билдиради. *[Олимжоннинг] Ёши олтмишга яқинлашган бўлса ҳам, одамлар эликдан ортиқ беролмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Мана, институтни битириб, шу қишлоққа келиб ишлай бошлаганига уч йилга яқинлашди. С. Анорбоев, Оқсой.*

4 Дўстона, яқин муносабатда бўлмоқ, дўстлашмоқ. *Сержант Сакен Рамзатовнинг қиз билан яқинлашиб қолиши унинг гашини келтирди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

ЯҚИНЛАШТИРМОҚ Яқинлашмоқ фл. орт. н. *Тошни кўндаланг ушлаб, мен айтганда, бир мартаба чайқаб, бекнинг кўзларига яқинлаштирасиз. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Деҳқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ораларида большевикларнинг тилчилари бўлса. С. Айний, Қуллар.*

ЯҚИНЛИК 1 Яқин ҳолатдалик. *Ғалабанинг яқинлиги. Бозорнинг яқинлиги. Иш жойининг яқинлиги. ■ Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-ҳўйлаши манзилнинг яқинлигини билдирар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Дўстона муносабат, яқин муносабатда бўлиш (қ. **яқин 4**). *Умиднинг «сен» дегани Ҳафизага жуда ёқди — бу жуда яқинлик белгиси. Мирмуҳсин, Умид. Бу ҳаммаси менинг Элмуродга яқинлигим туфайли. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

3 Яқин эканлик (қ. **яқин 4**). *У билан яқинлигини биламан.*

ЯҚҚОЛ рвш. Аниқ, равшан; ошқора, рўйирост. баралла. Тоғлар яққол кўриниб турибди. Нуқсон кўзга яққол ташланади. Яққол мисол. ■ «Йигитлар» орасига кирганда эса, у ўз тақдирининг бутун даҳшатини яққол кўрди. А. Мухтор. Опа-сингиллар. Ҳар дам яққол сезиб тураман Маъналарнинг қанотланганин. Ф. Фулом.

ЯҒИР I От, эшак, туя сингари ҳайвонлар устида терининг огир юкдан эзилиши, ишқаланиши туфайли юз берадиган йирингли яра, жароҳат. Ёли қуюқ эшакдан, яғир бўлган от яхши. Мақол. Туя қанча катта бўлса, яғри ҳам шунча катта. Мақол. ■ Йунғичқапояларга қўйиб юборилган эшакларнинг яғирларини қаргалар чўқимоқда. С. Айний, Қуллар.

2 кўчма Оғир юк ёки зарба туфайли киши елкасида ҳосил бўлган жароҳат, яра. Яғир этди арқон елкамини. Бадан куйиб, тош бўлди товон. Э. Раҳим. Оғир юкда яғир бўлди Оппоқ, нозик елкалар. Ҳамза. -Хусан — мўмин, қобил бола. Елкаси Самсоқбойнинг қамчисидан яғир бўлган, — деди Арслонқул. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

3 кўчма Жуда ифлос, исқирт (уст-бош ҳақида). Тўппинг мунча яғир бўлиб кетибди. ■ -Яғир ёстиғингизни ерга қўйинг, — деди Холнисо, — байталмонни мунча қучоқлайсиз. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Яғри чиқмоқ Яғир бўлмоқ (қ. **яғир 2, 3**). -Вой-бў, — деди Умиднинг кенг кўксига ёлига, кифтларига ялт этиб қараб қўйган Жанна, — майкангизнинг яғри чиқиб кетибди. Мирмуҳсин, Умид. ..кеча-кундуз ишлашинг, ишлаганда ҳам елкангнинг яғри чиқиб ишлашинг керак бўлади. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

ЯҒМО I эск. Талон-торож, бузғунлик. ..Маъмулар тўплаган олтин-қумушларни яғмо этгаймиз. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЯҒМО II эск. Шаҳар, мамлакат, қабила номи.

ЯҒРИН Тананинг икки елка оралиғидаги орқа қисми; курак усти. Яғрини кенг йигит. ■ Каравот четига ўтириб кийинди, ко-

ридорда қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тептирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Кун қизиқ. Офтоб яғридан уриб туради. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Ҳайвонларда белнинг юқори қисми, икки елка оралиғи. От. яғринини талаётган чивинларни думи билан тўзитиб юборар. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Яғринига офтоб тегмоқ Бахти очилмоқ, омади келмоқ. -Э, хотин, мана бизнинг ҳам қўлимиз узун бўлиб қолди. Ошиғимиз олчи. Пешонамиз ялтираб, яғринимизга офтоб тегадиган бўлди, — деди Остонақул. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ЯҒРИНДОР I Яғрини кенг. Амина опа.. ёши қирқлардан ошиб қолган, эркакнамо, новча, яғриндор хотин эди. О. Ёқубов. Бир фельетон қиссаси. Баланд бўйли, яғриндор, каллахум йигитча кирди. Ойбек, О.в. шабадалар.

2 кўчма Кенг қулоч ёйган, бағри кенг. -Ана бу паканага боқинг, паканага, — ота пастаккина, аммо яғриндор олма дарахтига ишора қилди. Й. Муқимов, Қўшбулоқ. Бағри кенг жилғалар, яғриндор қўшларда яшовчи жониворлар жимгина писиб, йўловчини кузатардилар. С. Анорбоев, Оқсой.

ЯҒРИНЛИ: кенг яғринли айн. яғриндор. У [Рустам] бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли, паҳлавон эди. М. Осим, Аждолларимиз қиссаси. Кенг яғринли адирлар, полизларда сой тошидай юмалаб ётган қовун-тарвузлар, фарқ пишган мевали боғларни кўмсаб, кўнгил қуши туғилиб ўсган қадрдон қишлоғига қараб талпинарди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЯҲУДИЙ [а., яҳ. **יהודי** **هود** — бани Исроил, яъни Исроил авлоди; еврейлар] Тарихан қадимий сомий қабилалардан келиб чиққан, бутун дунёга кенг тарқалган халқнинг номи. Яҳудий халқи. Яҳудий миллати.

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. Яҳудий тили. Яҳудий аёл.

ЯҲУДИЙЛАР Тарихан қадимий сомий қабилалардан келиб чиққан, бутун дунёга тарқалган халқ.



Ў унд. с. 1 Бировга мурожаат қилганда, унинг диққатини ўзига жалб этишни билдиради; «хой», «ҳей», «эй». - *Ў, телба хотин, нега зарда қиласан, — деди орқасига суюниб, кўзини юмиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 (турли даражадаги чўзиқлик билан) Хурсандлик, миннатдорлик ёки афсусланиш, нафратланиш, ҳайратланиш ҳис-туйғусини билдиради. - *Ў, бу ёрдамингизни сира унутмайман, дўстим. ■ -Раҳмат, ў, раҳмат! — деди Элмурод бойчечакларни олар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. - *Ў, нақадар ваҳшийлик, — деди Саидий.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎББЎ айн. оббо. *Ўббў сен-эй, боглабсан-ку.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Ўббў, дардисар сумалаг-эй.* Н. Мақсудий, Лайлатул-кадр.

ЎБДАН шв. Обдан. *Бир ярим товоқ мастава, икки чойнак кўк чойни ўбдан ичгандан кейин.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди.

ЎГАЙ 1 Олдинги эр ёки хотиндан бўлган фарзандлар ҳозирги эр ёки хотинга ҳамда уларнинг қариндошларига нисбатан, шунингдек, ҳозирги эр ёки хотин ва уларнинг қариндошлари олдинги эр ёки хотиндан бўлган болаларга нисбатан. *Ўгай набира. Ўгай ота. Ўгай хола. ■ Ҳафсалам нир бўлиб: -Пешонамнинг шўри қурсин, ўгай бола ҳам насиб қилмаса, — деб йиғлаб-йиғлаб қайтдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чап томондагиси Юсвали тоғанинг ўгай ўғли Аваз, унг томондаги Давлатёр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Марасул:] *Ўз холам бўла туриб, тўйга келмадингиз-а? Ўгай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Ўгай қайнана ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир онадан туғилмаган ёки бир отадан бўлмаган, отаси ёки онаси бошқа, туғишмаган фарзандлар (бир-бирига нисбатан). *Ўгай ака. ■ [Дилбар:] Ботиржон акамнинг ўгай синглиси бор, оти Адолатхон, шу ўғил туғибди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 кўчма Ўзиники бўлмаган; ёт, бегона. *Бобур ўзига улуғ бир мураббий топдим, деб суюниб юганида, ўгай тақдир уни бу мадақоридан ҳам жудо қилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. «Ўгай» экинларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмади. Газетадан. *Булбул ўгай эрур зоғлар орасида, Югурик сув ўгай тоғлар орасида.* А. Орипов, Руҳим.

Ўгай кўрмоқ (ёки қарамоқ) ёки ўгай кўз билан қарамоқ Бегона қаби муносабатда бўлмоқ. *Мустамлакачи чор маъмурлари маҳаллий меҳнаткашларни ўзларига ўгай кўрардилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Дангалини айтавериш керак. авваллари бу машинага одамларимиз ўгайроқ қаради.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Дангал айтишим керак, ўртоқлар, машинага ўгай кўз билан қаровчилар йўлимизга кўндаланг туришиб олдилар.* Газетадан.

ЎГАЙЛАМОҚ Ўгай қарамоқ, ўгайларча муносабатда бўлмоқ. *Уни [келинни] камситишга, ўгайлашга уринган баъзи қайнана, шубҳасиз, келгуси кўнглисизликларга замин яратади.* Т. Фуломов, Қайнанаг яхши бўлса. *Шифобахш мева берадиган қимматли дарахтларни ўгайлаб қўймаслигимиз керак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎГАЙЛИК 1 Ўгай ҳолат, ўгай эканлик. *Қиз билан бола ўгайликни билмай.. иноқ бўлиб ўйнаб юришибди.* «Олтин бешик».

2 Ўгай кишига нисбатан бўладиган муносабат. *Жувонмарглар ўгайликни билдирди, Душманлик қиб [қилиб], бағрим қонга тўлдирди.* «Ширин билан Шакар».

ЎГИРИҒЛИҚ Бирор тарафга қаратиб ўгириб қўйилган; терс. *Кўча тарафга орқаси ўгириғлиқ пастаккина бир уй, бир айвонимиз бор.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЎГИРМА Каштачиликда: безак — гул тикишининг бир усули. *Тикиши силлиқ эмас: Ўгирмаси чакмага, Санамаси йўрмага Кундош бўлиб тургандай.* Ғ. Фулом.

ЎГИРМОҚ 1 Асл (турган) ҳолатидан бирор томонга қаратмоқ, бурмоқ. *Раъно юзини четга ўгириб, бошидаги рўмоли билан юзини артди, узун энтикди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У киргач, хотин бошини ўгириб қаради-да, шу қараганича кўзлари хиралашиб, секин юмилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Баширжон дарҳол хотинига орқа ўгириб, бармоғини қалин лабларида ҳўллаб олиб, санашга тушди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Ҳайвонда: ошиқ, гугурт каби нарсаларни (бирор ҳолатда, мас, тикка туришини мўлжаллаб) думалатиб, ерга ташламоқ. *Бола ошиқ ўғирди.*

3 Тўй-ҳашам ва ш.к. да қўшиқчи, ўйинчи бошидан пул айлантириб ташламоқ, пул қистирмоқ. *Пулдор хотинлар бир-бирларидан қолмасликка тиришиб, пул ўғирдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 дин. Азиз-авлиёларга атаб боши ёки устидан пул ёки бирор буюмни айлантириб садақа қилмоқ (бирор эзгу тилакка эришиш учун ёки бирор бахтли ҳодиса муносабати билан). *Маҳалладаги қушноч хотин беморнинг бошидан бир қора товуқни ўгириб.. бир эчкини сўйиб, худойи қилишни буюрди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Офтоб ойим эрининг бу сўзини эшитиши билан Хўжа Баҳовуддин йўлига ўгириб қўйган етти танга пулини Тўйбекага бериб, дарров эшонни кига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Таржима қилмоқ. *..оригиналдаги асар лейтмотивини ифодалайдиган дўстлик, қўшиқ, рақс, висол.. сўз ва ибораларни қойиб қилиб ўгирган.* «ЎТА». *Асадулла хаёлидаги ўзбекча шеърни форсийга ўгириб ёзди.* «Шарқ юлдузи».

Бошидан сув ўгириб ичмоқ Ўта кадрламоқ, гоаят эъзозламоқ. *Пахтакор билан механизатор ҳар бир янги машинанинг бошидан сув ўгириб ичгудай.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Калима ўгирмоқ айн. калима келтирмоқ қ. калима.** *Бурун замонда буларга ўхшаган қарилар эмас, ҳатто ёшлар ҳам калима ўгириб ётар эди, яъни айтмоқчи бўламанки, яшашдан кўра кўпроқ ўлиш тўғрисида ўйлар эди.* А. Қаҳҳор, Йиллар. **Юз ўгирмоқ қ. юз 1.**

ЎГИТ Йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган гап; насиҳат. *Зеҳни тез, тиришқоқ Собир, отасининг ўғитини бажаришга интилиб, «Машраб», «Сўфи Оллоёр» каби китобларни тезда шариллатиб ўқийдиган бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кейин ўзидан-ўзи мамнун бўлиб, ўғит оҳангига ўтди:* -Ёшларнинг тарбияси билан шуғулланиш кўп савоб иш, албатта.. А. Мухтор, Туғилиш.

ЎГИТЛАМОҚ кам қўлл. Насиҳат қилмоқ. *Жумақул ота ўзининг бугунги бахтли кунларини ўйлаб, ниҳоятда қувонди.* Кампирини ўғитлади. Ш. Сулаймон, Ота ўғил.

ЎДАҒА фольк. Бошлиқ, саркор. *Йигитлар ичида менман ўдаға..* «Равшан».

ЎДАҒАЙЛАМОҚ Баланд овоз билан дўқурмоқ, таҳдид ёки пўписа қилмоқ. *Жўра ҳам Замонга ўдағайлаб гапира бошлади.* Н. Назаров, Замон. *Фосиҳ афанди.. гўдак боланикига ўхшаш кичкина муштини торгина кўкраги олдига силкитиб ўдағалайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎДАҒАЙЛАНМОҚ Ўдағайламоқ фл. ўзл. н. айн. ўдағайламоқ.

ЎЖАР 1 Тўғри, мақбул маслаҳат, гап-сўзга ҳам қулоқ солмай, ён бермай, ўз фикрини маъқуллайверадиган; гап уқмайдиган, қайсар. *У қанча сўзламасин, бу китобнинг динга зиёнсиз эканини ўжар мусулмонга тушунтира олмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзи бир ўжар, фойдали ишдан бўйин товловчи кишилар унинг маслаҳати, ёрдами туфайли ҳаётда ўз йўлини топиб олди.* Газетадан. -*Эртага вожатийдан сўраймиз, — деди Қудрат гап уқмас, ўжар синглисини тинчитиб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ялиниб-ёлвориш, илтимос кабиларга қўнавермайдиган, ўз сўзидан, фикридан қайтмайдиган; бир сўзли. *Унга камоли эҳтиром билан салом берди.* Дилидаги гапларни

астойдил тушунтириб тўқди. Ўн бешинчи тушмагур бир сўзли ўжар одам экан. Кўнмади. С. Аҳмад, Сайланма.

3 кўчма Бошқанинг измига юрмайдиган; бўйсунмас. *Ўжар дарё. Ўжар табиат.* ■ Фуломжоннинг миясига яна қон югурди, баяги таниш ўжар ҳис яна бутун вужудини қамради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сув ўжар, уни тизгинлаш осон эмаслигини Пўлатжон билади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 кўчма Қайтариб, ўзгартириб бўлмай диган нарса ҳақида. *Ҳақиқат – ўжар нарса. Кишларнинг кимлиги, қайси вазифада ишлашини юз-хотир қилмайди.* А. Набихўжаев. Ўжарнинг қисмати. *Фирибгар ҳар қанча айёрлик қилмасин, ўжар фактлар олдида қилмишига иқрор бўлди.* Газетадан.

ЎЖАРЛИК Ўз билганидан қолмаслик; ўжарларга хос хусусият, муомала; қайсарлик. *Айтувдим-а, қийналиб қоласан, деб! Ўжарлик қилдинг-да, дўстим.* О. Ёқубов, Излайман. *Ўжарликни қўйиб, гапимга қулоқ солсанг.. оғаннинг ёнига олиб кираман.* Мирмуҳсин, Меъморг.

ЎЖАРОНА *рвш. кам қўлл.* Ўжарлик билан. *У диннинг талабларига қаттиқ, ўжарона риоя қиларди.* Ойбек, Улуғ йўл. *У қиёфасини ўзгартирмай, ўжарона оҳангда яна такрорлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЖАРЧАСИГА *айн. ўжарона.* Йўлчи бошини қўйи солиб, жим ўтирди. Аммо чолнинг ялиншилари, савдогарнинг ўжарчасига оёқ тираб туриши йигитнинг газабини ошира бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗ *ўзл. олл.* I Эгалик қўшимчасини олган от олдидан келганда, кимса ёки нарсанинг эгалик қўшимчасидан англашилган шахсга (1-, 2- ёки 3-шахсга) қарашли экани ифодаланади. Бунда шахс маъноси шахс қўшимчаси орқали воқеланади, ўз сўзи таъкидлаш учун қўлланади. *Ўз ватани. Ўз дўстинг. Ўз мулкимиз. Ўз уйим. Ўз хоҳишим билан рухсат бердим.* ■ *Бой ўз умрида кўпни кўрган..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳошимжон ака бу билан ўз журъатсизлигини яширмоқчи эканига ҳамманинг имони комил эди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

2 Эгалик қўшимчаси билан келганда: I) иш-ҳаракат шу қўшимча билдирган шахсга оидлигини билдиради. *Ўзим сўрадим. Ўзинг сўра. Ўзи сўради. Бу шеърни ўзим ёздим. Масалани унинг ўзи ечди.* ■ *Ўзи тўғради*

пиёз, Ачиса ҳамки кўзи. Ю. Шомансур. [*Каромат опа!*] *Тенгини қиз боланинг ўзи танлагани маъқул-да, холажон.* Т. Алимов, Совчи. *Ўзинг ишлаб топганингга ўзинг эга бўлмасанг!* С. Аҳмад, Ҳасрат; 2) 3-ш. шаклида (ўзи) иш-ҳаракат ҳеч кимнинг иштирокисиз бўлиши, бажарилишини билдиради; ўзича, ўзидан-ўзи. *Девор ўзи йиқилиб тушди. Машина ўзи юриб кетди. Чироқ ўзи ўчиб қолди.* ■ «*Уч-тўрт кун одамларнинг ҳожатини чиқариб юра турай, тузук иш ўзи чиқиб қолади*», деган ўйда юра берди. А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) сўроқ мазмунли гапларда таъкид, кучайтириш учун қўлланади (бунда шахс маъноси бўлмайди). *Мен ўзи қаерга келиб қолдим?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ўзи нима ишлар бўлаётибди?* Мирмуҳсин, Меъморг. *Сенда уят, одамгарчилик деган нарса борми ўзи?* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирон сабаб, мақсад билан эмас, шунчаки. -*Нимага хафасан? Мана, ман соғсаломат қайтдим.* -*Ҳеч нима, – ерга қараб деди Унсин, – ўзим, шундай..* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўзига хос. *Кузда балиқ овлашнинг ҳам ўз гапши бор.* Газетадан.

5 Қаратқич келишигидаги сўз билан қўлланиб, ўхшашликни алоҳида таъкид, қайд билан билдиради. *Катта ўғли отасининг ўзи.* ■ *Ўзиям Роҳилагинанинг ўзи-да..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЎЗ ГАЗИ БИЛАН ЎЛЧАМОҚ Қ. ГАЗ I. ЎЗ ЁГИГА ЎЗИ ҚОВУРИЛМОҚ Қ. ЁГ. *Онам ўз ёғига ўзи қовурилиб, кимнидир қарғади.* Т. Алимов, Тўй қолди. **ЎЗ ЙЎЛИДА** *Ўз иш-фаолияти давомида. Ҳар ким ўз йўлида матонат билан курашмаса, фожиага йўлиқмаган тақдирда ҳам, ярим йўлда қолиб кетиши мумкин.* С. Кароматов, Олтин қум. **ЎЗ НАВБАТИДА** *Навбати билан, ўрни билан (ўрни келганда).* *Омон кўп масалаларда Шерали билан маслаҳатлашар, ўз навбатида Шерали ҳам ночор қолган дамларда у билан суҳбатлашиб, кўнгил чигилини ёзарди.* С. Кароматов, Олтин қум. **ЎЗ СЎЗЛИ Қ. СЎЗЛИ.** **ЎЗ-ЎЗИДАН АЙН. ЎЗИДАН-ЎЗИ.** *Панжаларим ўз-ўзидан очилиб, замбилни тўқ эткизиб ташлаб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **ЎЗИ БЎЛАДИМИ ЁКИ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ** *Осон эмас, осонгина амалга ошадиган иш эмас. Мактаб зиналаридан чиқа беришининг ўзи бўладими? Ж. Шарипов, Хоразм. ЎЗИГА КЕЛМОҚ* *Эс-ҳуши, ҳолати меъёрий ҳолга*

тушмоқ, ростланмоқ. У, қулоғига гап кирмай, гаранг бир аҳволда ўтирганда, бирдан қозон бошида кўтарилган шов-шувни эшитиб, ўзига келди. Н. Фозилов, Дийдор. Худододбек Бадиадан шапалоқ егач, анча ўзига келиб, мулойим бўлиб қолди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Ўзига урсин** (ёки кўринсин) Қилмиши ажрини ўзи кўрсин, ажри ўзига тегсин. Касофатинг ўзингга урсин! К. Яшин, Ҳамза. Илоҳо, қилмишларинг, нобакор ишларинг ўзингга кўринсин! К. Яшин, Ҳамза. **Ўзида йўқ** Белгининг кучли даражасини билдиради; ниҳоятда, жуда ҳам. *Матчон тўра ўзида йўқ хурсанд бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ўзидан кетмоқ** Эс-ҳуши, меъёрий ҳолатини йўқотмоқ. У мактубни ўзининг сўнги томчи кучи билан ўқиб тамом қилди-да, ерга йиқилиб, ўзидан кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзидан-ўзи** 1) сабабасоси номаълум ҳолда. *Эшик ўзидан-ўзи очилиб кетди.* ■ .ўзимдан-ўзим терлаб кетавердим. Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб; 2) ўзича. *Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар эди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Ўзингдан қолар гап йўқ** Ҳаммасини ўзинг биласан, ўзинг тушунасан. Буларни айтиб ўтиришнинг нима ҳожати бор, ўзингдан қолар гап йўқ. **Ўзини босмоқ қ. босмоқ** 16. **Ўзини йўқотмоқ қ. йўқотмоқ.**

ЎЗАК 1 Ўсимлик пояси ва илдизининг кўпинча юмшоқ тўқимадан иборат бўладиган ички қисми. *Толнинг ўзаги.*

2 *шв.* Дарахт, бута кабиларнинг танаси; поя. *Фуломжон ўрикнинг кекса, йўғон ўзагини ушлаб туриб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сумба қилдим иргайнинг ўзагидан.* «Оқ олма, қизил олма».

3 Илдизмеванинг (ёғоч ўзагига ўхшаш) ўрта қисми. *Сабзининг ўзаги.*

4 *тех.* Электромагнит ва ш.к. нинг ичига, ўртасига ўрнатилган қисм; стержень. *Электромагнит ўзаги.*

5 *тлш.* Сўзнинг асл маъносини билдириб, янги сўз ясалишига асос бўладиган, сўз ясовчи қўшиладиган энг кичик қисм; сўз ясалиш асоси.

6 *кўчма* Бирор нарсанинг энг муҳим, асосий қисми; асос, моҳият. *Улар [аёллар] оиланинг ўзаги ва файзигина эмас, балки жамоатчилик ҳаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллайдилар.* Газетадан. *Менинг назаримда, ўртоқ Мардиев, биз қилаётган ишнинг ўзаги*

битта! Умумхалқ, умумдават манфаати. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ЎЗАН 1 Сув оқиб ўтадиган узун чуқурлик; сув йўли. *Энди ўзандан бу ёққа ариқ чиқариш ва ҳовуз қазиш керак эди.* П. Қодиров, Қадрим. [Жамолнинг] *Кўз олдида эгри-бугри Чирчиқ ўзани.* *Ундан нарида — каттакон Тошкент.* С. Анорбоев, Меҳр. *Зарафшон дарёсининг эски ўзанлари кўп.* П. Гуломов, Зарафшон этакларида. *У сув ювган тақир ўзандан борар экан, чакалакзордаги.. буталардан асар қолмаганига гумон қилмасди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Йиғинимиз оддий кунда эмас, канал ўзанига биринчи кетмон урилган куннинг ўттиз йиллиги арафасида бўлди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 *кўчма* Бирор давомли нарсанинг муайян йўли. *Йўқ, ҳаётни жўнлаштириб бўлмайди.* У ўзининг чигал, мураккаб ўзанлари бўйлаб оқади. А. Мухтор, Чинор. *Ашурмирзо нарво қилмай, гап ўзанидан чиқмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЗАРО Икки ёки бир неча шахс ўртасида ёки томонлар орасидаги. *Ўзаро суҳбат.* *Ўзаро келишув.* *Ўзаро мусобақа.* *Ўзаро текширув.* *Ўзаро низолар.* ■ *Ўзаро қирғин, ҳарбий юришлар.. раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қурутди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Умри менинг бу гапларимни ўзаро маслаҳат деб тушунди, шекилли, югуриб уйдан бир қоғоз олиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ЎЗАҒОН Ҳаммадан тез югурадиган, ўзиб кетадиган, ўзгир. *Ўзағон бола.* *Ўзағон от.*

ЎЗБЕК 1 Ўзбекистон Республикаси туб аҳолиси (халқи)нинг номи. *Ўзбек халқи.* *Ўзбек миллати.*

2 Шу халқ (миллат)га тегишли, мансуб. *Ўзбек хонадони.* *Ўзбек тили.* *Ўзбек лотин алифбоси.*

ЎЗБЕКЛАР Ўзбекистон Республикаси туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ.

ЎЗБЕКЛИК Ўзбек халқи (миллати)га мансублик, ўзбек эканлик. *Мен ўз ўзбекигим билан фахрланаман.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЗБЕКЧА 1 Ўзбекларга хос; ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданияти ва ш.к. га оид. *Ўзбекча кийим.* *Ўзбекча одат.* *Ўзбекча таом.* *Ўзбекча кийинмоқ.*

2 Ўзбек тили. *Ўзбекча(ни) биласизми? Ўзбекча сўзлашмоқ.* ■ Соқолли солдат чалачулпа ўзбекча билар экан. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЎЗБЕКЧАЛАМОҚ с. т. Ўзбек тилида гапирмоқ. *Иккови бир-бирининг муддаосини сира тушунолмади. Охири хотин ўзбекчалаб тушунтиришга тиришди.* А. Қаҳҳор, Сароб. -Йўқ, — деди милтиқли киши, узоқдан ўзбекчалаб. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎЗБЕКЧАЛАШТИРМОҚ Ўзбек тилига таржима қилмоқ, ўтирмоқ. *Дастлаб кинотомошабинлар ўзбекчалаштирилган фильмларни кўриб ҳайрон бўлишган.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЎЗБЕКЧАСИГА рвш. 1 Ўзбекча, ўзбекларга хос ҳолда; ўзбекча қилиб. -*Ҳа, элатлар, аҳвол қалай? — деди лейтенант кулиб ва кўришгани кўлини узатди. Жангчилар ўзбекчасига кенг қучоқ очиб кўришдилар.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Ўзбек тилида. *Ўзбекчасига бу нарса қандай аталади?*

ЎЗБЕКЧИЛИК Ўзбекча хос анъана, урф-одатлар. -*Ўзбекчилик, тўй қилмасам бўлмайди. Янгича тўйларда нима хосият бор? Замонани қаранг: ҳамма нарса тўкин-сочин бўлса, ҳар уйда бешта-унтадан кўй, мол боқилса-ю, тўйларимизни қурумсоқнинг нонуштасига ўхшатиб кўйсак. Ахир ўзбекчиликка ярашадиган ишми бу?! — деди Азизга Пирназар.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЎЗБИЛАРМОН 1 Ҳамма нарсани ўзим биламан, деб ўйловчи. ўзига ортиқча баҳо берувчи; манман. *Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрадиган бу ўзбилармон одам, бу гал жиндай ён беришга мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзи билганича иш тутадиган, бошқалар фикрига қулоқ солмайдиган; ўжар, қайсар. *Мана шу шаддод, ўзбилармон қиз эрталабдан бери уйда.* Шўҳрат, Шинелли йиллар.

ЎЗБИЛАРМОНЛИК Ўзбилармонга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг, ўзбилармонликни кўтармайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗБОШИМЧА 1 Бошқалар билан ҳисоблашмасдан, фақат ўз эрки, ўз хоҳиши билан иш тутадиган ва шу тарзда амалга оширилган. *Ўзбошимча одам.* ■ *Бунга Собировнинг ўзбошимча ҳаракати келиб қў-*

шилгач, Берди татарнинг тутуни осмонга чиқди. А. Қодирий, Обид кетмон. *Менки шу Қамишқапанинг раиси эканман, ҳеч ким менадан бемаслаҳат, ўзбошимча иш қилмаслиги керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳеч кимга бўйин эгмайдиган, ахлоқодоб талабларига риоя қилмайдиган; бебош. *Сен уялмай, ўзбошимча жувонмарг, Кўчаларда ашула қиб юрибсан. «Ойсулув». Унинг кўз олдига Ҳафизаси дам ақли, иффатли, дам бебош, ўзбошимча бўлиб кўрина бошлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЗБОШИМЧАЛИК Ўзбошимча иш, хатти-ҳаракат (*ўзбошимча* ҳар икки маъносидан). *Луқмончанинг бевақт ўлиб кетишига участкадаги ўзбошимчаликлар зомин бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ўзбошимчаликни бошлайдиган аввал ўзинг! Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

ЎЗГА 1 Қариндошлик, туғишганлик ва ш.к. жиҳатдан алоқаси йўқ одам; бегона. -*Демак, Худойқул ўз жигарингиз бўлгани учун, ўзгалардан кўра кўпроқ эзиб, уни оғир бир аҳволга солишга ҳақли экансиз-да? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзгага боқса кўзим, кўр бўлсин, оқсин гавҳари, Косаси тупроқ била тўлсин, кўмилган яхшироқ! Ҳабибий.*

2 Сўзловчи ёки сўзловчи ва тингловчидан бошқа одам. *Ўзингда йўқ — ўзада йўқ.* Мақол. *Ёмон ўзини билмас, ўзгани кўзга илмас.* Мақол. ■ *Кўёв томондан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади. Ўзгалар — ёшқари ҳаммаси шу икки аёлнинг белбоғига, этакларига ёпишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзингизни билинг, ўзга билан нима ишингиз бор?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўзи ёки ўзига мансуб бўлмаган; нотаниш, ёт. *Ўзга тилда сўзлашмоқ.* ■ *Одамзод бир сабаб билан ўзга юрт, ўзга шаҳарларни ихтиёр этади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 (ч. к. с. билан) Ўзи боғланиб келган сўз билдирган шахс ёки нарсадан бошқасига ишора қилади; -дан бошқа. ..*Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай.. орзу-ҳавасимиз, умид-ҳадафимиз фақат шу Отабекдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бандамиз — тақдирга тан беришдан ўзга иложимиз йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 Одатдагидан бошқача, ўзгача. *Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тут-*

ган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади. Ойбек, Танланган асарлар.

4 тлш. Учинчи шахс.

ЎЗГАЛИК I Ўзга ҳолат, ўзга эканлик.

2 Фарқ қиладиган белги, хислат, хусусият. *Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам [Кумушининг] катта ўзгаликлари бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЗГАРИШ I Ўзгача ҳолат юз бериш.

Ундаги ўзгаришни кўриб, *Хулқар ўзини тез ўнглаб олди.* П. Қодиоров, Қора кўзлар. *Қизда ҳам қандайдир ўзгариш бўлди.* Т. Расулов, Марҳамат. *Йўлчидаги бу ўзгариш унинг аввали фикрини таъкидлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тараққиёт тарихида юз берадиган кескин бурилиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш; ўзгача, бошқача бўлиш. *Ижтимоий тузумнинг ўзгариши.* ■ *Биз катта ишлар, улуғ ўзгаришлар арафасида турибмиз.* Газетадан. *Дарҳақиқат, биз Ўзбекистоннинг қишлоқларида юз берган ўзгаришларнинг шоҳиди, иштирокчиларимиз.* «Ўзбекистон кўриқлари».

3 эск. айн. инқилоб. *Ўзгаришнинг 9 йили давомида.. хотин-қизлар масаласига келганда, жуда ҳам оз ишлаганимиз маълумдир.* Газетадан.

ЎЗГАРИШСИЗ Ҳеч қандай ўзгариш юз бермаган ҳолда; одатдагидай, эскича. *Гулдур-шалдир, тарақ-туруқ ўзгаришсиз давом этади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎЗГАРМАС Ҳамма вақт бир хил турадиган, ўзгармайдиган, доимий, турғун. *Ўзгармас ғоя.* *Ўзгармас электр оқими.*

ЎЗГАРМОҚ Қиёфа, ҳолат ва ш.к. да маълум ўзгариш юз бермоқ; бошқача бўлмоқ. *Авзойи ўзгарди.* *Товуши ўзгарди.* *Кайфияти ўзгарди.* *Ҳаво ўзгарди.* *Баҳор келиб, табиат ўзгарди.* ■ *Башорат сингисининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Боғлардаги чиллакилар чумак уриб, олма, ноклар, тиллақўнғиз ёпишган шафтоли ва олхўрилар ранги соат сайин ўзгарарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Отанг нуқул мени кўрса ўзгариб кетади.* П. Қодиоров, Қора кўзлар.

2 Моҳият жиҳатдан аввалгисига ўхшамаган ҳолатга ўтмоқ, мазмунан бошқача бўлмоқ. *Вазият ўзгарди.* *Ижтимоий тузум*

ўзгара боради. ■ *Бахтимизга замон ўзгариб, Бундай яхши кунларга етдик.* Э. Раҳим.

3 Ўрни, вазифаси, мақоми ва б. жиҳати янги бўлмоқ; алмашмоқ, бошқа бўлмоқ. *Ўқитувчи ўзгарди.* *Бошлиғимиз ўзгарди.* *Ўзбек ёзуви бир неча марта ўзгарди.* *Адресимиз ўзгарди.* *Иш жойимиз ўзгарди.* *Маршрут ўзгарди.* *Амударё оқими тез-тез ўзгариб туради.* ■ *Шамол ўзгариб, ўнг томондан эсиб қолди.* П. Қодиоров, Қора кўзлар.

ЎЗГАРУВЧАН Бир ҳолатда турмайдиган, ўзгариб турадиган; беқарор. *Ўзгарувчан ҳаво.* *Ўзгарувчан миқдорлар.* *Табиат ўзгарувчандир.* ■ *Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик кўпгина ҳодисалар, табиийки, ўзгарувчан бўлади.* «Фан ва турмуш».

ЎЗГАРУВЧАНЛИК I Ўзгарувчан ҳолат, хусусият. *Иқлимнинг ўзгарувчанлиги.* ■ *Осмон ўзининг бутун ёритқичлари билан бирликда доим ўзгарувчанлик намунасидир.* «Астрономия». *Бобурдаги бу ўзгарувчанликни Қосимбек ёшлик гўрлигидан кўрарди.* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

2 тиб. Барча тирик организмлардаги кимёвий, морфологик ва физиологик хоссаларнинг хилма-хиллиги, шундай хоссаларни ўзгартира олиш хусусияти.

ЎЗГАЧА I Тамомила бошқа, бутунлай фарқли. *Аҳвол тамомила ўзгачадир.* «ЎТА». *Бугунги куннинг реалликлари уруш ва тинчлик масалаларига бутунлай ўзгача ёндашувни талаб этади.* Газетадан.

2 Одатлагидан бошқача, ўзича алоҳида, ўзига хос. *Бу қоядан қараганда водий ўзгача бир манзара касб этар эди.* ■ *Баҳор келиши жангчиларимизга ўзгача кайфият бағишлади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК Ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш; беғамлик, бепарволик. *Раяшанки, ўзибўларчилик говлаб кетган жойда бутун куч ва ғайрат йиғим-теримга сафарбар қилинмаган.* «Муштум».

ЎЗИДАН-ЎЗИ *рвш.* Бировнинг таъсирисиз, кўриниб турган бирор сабаб бўлмаган ҳолда; беихтиёр. *Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар эди.* С. Аҳмад, Лочин. *Турсуной бўлса, у судраган сари, оғирлигини солиб, осмонга, узоқ-узоқларга қараганча, ўзидан-ўзи гапирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎЗИЧА *рвш. I* Мавжуд ҳолатини сақлаб, қандай бўлса шундайлигича, ўзгармасдан

ёки ўзгартирмасдан; аслича. *Лойиҳа ўзича қолди. Матни ўзича қолдирмоқ.*

2 Ўз ақли доирасида, ўз тушунчасига мувофиқ. *Ҳовлида кезиб юрган маст Салимбойвачча ўзича фурсатни ва тасодифни жуда қулай топди. Ойбек, Танланган асарлар. Қумринисо бу қарашга ўзича маъно бериб, қизаргандай бўлди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Ҳар ким ўзича ҳикоянинг маъзани чаққандай жимиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Биров билан келишмасдан, ўз хоҳиши билан; мустақил равишда. *Бундан йигирма кунлар бурун уста Олимнинг устакор билан нима учундир уришганлиги ва шундан сўнг ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлай бошлаганлиги англашлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Петька, душман бостириб келаятганда, ўт очгани команда бермаган командирни хоин гужон қилиб, ўзича ўт очган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

4 Ўздан-ўзи; ўз ҳолича. *У шунда алланечук шавқланиб, ўзича кулумсирар эди. Н. Мақсудий, Юксалиш. [Йигит] Қамчини кўтарди-ю, яна секин ёнига туширди. Чол буни сездим, ё ўзичами: -Чопкингиз келди-ми, ўлим? — деб сўради. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

5 Шунчаки ўзи. *Ҳа, баракалла! Ундан кейин, хотининг ўзича келганмикин? Йўқ!.. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.*

6 Ўзига хос, алоҳида. *Яхши қиз билан «суҳбат» қилишининг ҳам ўзича бир гашти бўлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЎЗИШМАЧОҚ Бирор нарса, масала юзасидан баҳслашув, ким ўзар, мусобақа. *Агар қовун ейшладиган бўлса, Сайфулла билан Мастура ўзишмачоқ ўйнардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЎЗИЮРАР Ўзига ўрнатилган мотор кучи билан юрадиган. *Бобоевнинг батареяси душманнинг.. иккита ўзиюрар тўпи ва бир батальон газандани йўқ қилиб ташлади. А. Раҳмат, Элик бир баҳодир.*

ЎЗЛАШМА Ўзлашиш, ўзлаштириш йўли билан пайдо бўлган. *Ўзлашма терминлар.*

ЎЗЛАШМОҚ 1 Ўз кишиси бўлиб қолмоқ, ўзиникидек яқин, иноқ бўлмоқ. *Ўзбек ойшмининг дили-ғулишигидан Офтоб ойим ва Кумуш унга жуда ўзлашиб олганлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Онгига етиб бормоқ, тушунарли бўлмоқ; сингмоқ. *Маъруза тингловчиларга яхши ўзлашди ми?*

3 қ. х. Ишлатиш, фойдаланишга туширилмоқ. *Абдусаммад насос станцияси қурилиши билан Сирдарё ёқасида неча минг гектар ерлар ўзлашиб кетди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

4 тлш. Ўзга тилдан қабул қилинмоқ. *Ҳозирги кунда ўзбек адабий тилида ўзлашган сўзлар жуда кўп миқдордадир.*

ЎЗЛАШТИРМА: ўзлаштирма гап тлш. Ўзгаларнинг шаклан ўзгартириб берилган гапи. *Ўзлаштирма сўз* Айни тилга бошқа тиллардан кириб келган сўз.

ЎЗЛАШТИРМОВЧИ Дарсларни тушуниб, ўзига сингдириб ололмаган, ёмон ўқийдиган; улгурмовчи. *Ўзлаштирмовчи ўқувчи. Ўзлаштирмовчилар билан қўшимча машғулот ўтказиш.*

ЎЗЛАШТИРМОҚ 1 Ўзлашмоқ 2-4 фл. орт. н. *Дарсни ўзлаштирмоқ. Дастур материалларини ўзлаштирмоқ. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирмоқ.*

2 Бошқага қарашли нарсани ўзиники қилиб олмоқ, эгаллаб олмоқ. *Бировнинг китобини ўзлаштириб олмоқ. ■ Кейинчалик маълум бўлишича, Собиржоннинг чала қолган илмий ишини Салимхон ўз ишида ўзлаштириб юборган. Мирмуҳсин, Умид.*

ЎЗЛИК Кишининг ўз шахсияти, табиий ҳолати, вужуди, борлиғи. *Йигит бир он тикилди-да, кўзларини юмди; гўё унинг бутун ўзлигини Гулнор хаёли қучди. Ойбек, Танланган асарлар. Келди очилур чоғи, ўзлигининг намоён қил. Ҳамза. Наволарнинг дардли авжи дилларни тилкалар, одамлар эса бу жароҳатдан лаззат топиб, ўзлигини унутар эдилар. А. Мухтор, Чинор.*

Ўзлик нисбати тлш. Ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилганлигини ёки субъектнинг ўзи доирасида юз бериши маъноси ва шундай маънони билдирувчи феъл шакли. Мас., *ювинмоқ, мақтанмоқ, қийналмоқ. Ўзлик олмоши* Аниқ (муайян) яқкаликни белгиловчи, кишилик олмоши ёки от билан келиб, уни таъкидлаб кўрсатувчи олмош — ўз. *Сен ўзинг. Укамнинг ўзи.*

ЎЗМОҚ 1 Тез юриб ёки югуриб, олдиндаги ёки тенг кетаётган киши ёки нарсадан ўтиб кетмоқ, уни орқада қолдир-

моқ. *Озгина юргандан кейин, тўнқатар яёвлардан ўзди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Болалардан кичикроқлари чопқиллашиб, Саодатхондан ўзиб кетишди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Холматнинг оти чинакам чопгудек бўлса, шамолдан ҳам ўзади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 кўча Бирор соҳа, иш. мусобақа ва ш. к. да бошқалардан олдинда бўлмоқ, голиб келмоқ. *Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.* Мақол. ■ *Хидир ота ҳозир йигитлардан ўзиб, ҳамқишлоқларини изза қиляпти.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЎЗОР: ўзаг(и) йили Бултурдан аввалги йил. [Уста Олим:] *Мен сизга ўзаги йили бир йигитнинг.. мен билан бирга ҳовлига келиб, бир кун ётиб кетганлигини сўзлаб эдим, шекилли? А.* Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЗ-ЎЗИГА Фақат ўзига қарата. *Шокир ота ишдан айрилмай, гўё ўз-ўзига дегандай, лекин асабий равишда сўзлай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамза тик боқади ўлим кўзига, «Сен ёлғиз эмассан», дер ўз-ўзига.* Ж. Жабборов.

ЎЗ-ЎЗИДАН 1 Ўзидан, ўзи ўзидан. *Бир зум қараш билан юракка нақшланган унинг чеҳрасини яна кўз олдида жонлантиришга тиришди |Йўлчи| ва: «Кимнинг қизи у? Яна кўрармикан?» – деб ўз-ўзидан сўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Биров аралашмасдан, ёрдам бермасдан; бирор кимса ёки нарсанинг иштирокисиз, ўзидан-ўзи. *Ўз-ўзидан юрмайди карвон. Пул керак, пул – дасталаб червон.* Э. Раҳим.

ЎЗФИР 1 Ҳаммадан ўзиб кетувчи, ўзагон. *Ўзфир от.*

2 кўча Илғор, зарбдор. *Бирдай сулув сиз икковлон, Пахтазорим ўзфирлари.* Миртемир.

ЎЙ 1 Хаёлан фикр, мулоҳаза юритиш жараёни ва унинг натижаси; фикр, мулоҳаза. Унинг [Бектемирнинг] *мардона очиқ пешонаси, қўтқ эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. «*Балки муғамбирлик қилаётгандир*», деган ўйлар *Латофатга уйқу бермас эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Машинада бораётган одамлар хаёлга берилиб кетишган, ҳар ким ўз ўйи билан банд.* «Ўзбекистон кўриқлари».

Ўй сурмоқ Ўйлаш жараёнида бўлмоқ, узоқ ўйламоқ. *Санобар жавон олдида кўйлақ танлар экан, яна ўй суриб кетди.* М.

Хайруллаев, Кўнгил. **Ўйга берилмоқ** (ёки ботмоқ, чўммоқ, толмоқ) Бутунлай ўйлашга берилмоқ, ўйлаб қолмоқ. *..ўзини бир бурчакка ҳорғин ташлади-да, ўйга берилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Одамлар ўйга ботиб, уй-ўйларига тарқалишди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Замира ўйга чўмиб, мажлисининг қандай давом этаётганини ҳам сезмади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Отақўзи.. чойи совиб қолган пиёлани қўлида айлантирганича ўйга толди.* О. Ёқубов, Диёнат. **Ўйига етмаслик** Ҳар қанча ўйлаб, қатъий ҳукм, хулосага келмаслик. *Қанча ўйлаган билан етолмади ўйига.* «Ойсулув».

2 Фикран мўлжалланган режа, ният, мақсад. *Ишимдан хурсандман, энди битта-яримта насибаси қўшилган хотин чиқиб қолса, уйлансам, деган ўйим ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни, Айтгин, болам, борадиган жойингни.* «Равшан».

3 Фикрлаш қобилияти; ақл. *Бўйимиз етса ҳам, ўйимиз етмайди.* ■ *Туядай буй берибди-ю, тугмадай ўй бермабди сенга!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Тўғри, у илгариги Муса, бироқ бўйи жойида бўлгани билан, ўйи жойида эмас.* Н. Фозилов, Оқим.

4 Ўйла(н)ган нарса. Ҳамма.. сув чиқаришни ўйларди. *Ҳозир ҳаммининг ўйи сув эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЎЙДИМ-ЧУҚУР айн. ўнқир-чўнқир. *Фуломжон алақачон қишлоқдан чиқиб, ўйдим-чуқур шаҳар йўлида ёлғиз борар эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Тревога эълон қилиниши билан, солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мана шу кучларнинг узоқ муддат ҳаракат қилиши натижасида тоғлар емирилди. Даралар, жарликлар, ўйдим-чуқурлар пайдо бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИН 1 Кўнгил очиш, дам олиш, тарбиялаш мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулот. *Болалар ўйини.* ■ *Кўча туташ балчиқ бўлганидан болаларнинг ўйини тугул, юришига ҳам имкон йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..кенг майдонда шовқин-суронли қиш ўйинлари: баланд тепадан сирпанишлар, думалашлар, ченаларда учишлар..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қоидалар асосида ўтказиладиган

машгулот. *Футбол ўйини. Шахмат ўйини. Эстафета ўйинида қизлар командаси ютиб чиқди.* ■ *Жон-диллим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб, бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди.* Газетадан.

3 Ўртага пул ёки нарса тикиб ўтказиладиган машгулот; қимор. *Отам ўйин қизигида ютқазибга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди, йиғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат; рақс. *Оёқ ўйини. Шўх ўйин. Кавказча ўйин.* ■ *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунбиби йўргалай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўйинга тушмоқ Бирор рақсни ижро этмоқ. *Хаваскор ҳофизлар қўшиқ айтди, шўх йигитлар ўйинга тушди.* С. Юнусов, Қўтилмаган ҳазина.

5 кўчма Парвоз вақтида шох уриб (ташлаб) қилинадиган енгил, ёқимли ҳаракат. *Кабутар ўйини.*

6 с. т. Спектакль, концерт, цирк томошаси ва ш.к. *Булар театрнинг олдига келганларида, ўйин бошланишига учинчи кўнғирок ҳам берилган эди.* Ойдин, Фонарь тагида.

7 кўчма Бетартиб, бироқ ўзига хос жозибали ҳаракат (ҳайвон ва нарсалар ҳақида). *Шабада ўйини.* ■ *Ҳазаб билан ҳайқириб бўрон, Балки қилар минг турли ўйин. Файратий. Балиқларнинг бундай ўйинини энди кўриб тургани!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 кўчма Эрмак тарзидаги ҳаракат, қилиқ ва ш.к. *Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар.* Мақол. ■ *Ҳар ҳолда, тақдирнинг бунчалик ўйинлари турган бир замонда биз нима ҳам қила олар эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У муҳаббатни ўйин деб ҳисоблайди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Хат сенга ўйин бўлиб қолдими?!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ўйин қилмоқ Ўйин, мазах тарзидаги ҳаракат, қилиқ қилмоқ. *-Вой юрагим, вой-вой, — деб атай ерга ағнаб, оғздан оқ кўпик чиқара бошлади. Унинг ўйин қилаётганини Меъмор сезиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

9 с. т. Унчалик қийин, мушкул бўлмаган иш ҳақида. *Қизники — қийин билан, ўғилники ўйин билан битар.* Мақол.

10 с. т. Суюгоёқ, бузук аёл ҳақида.

ЎЙИНБОЗ с. т. Бирор кўнғил очиш машгулотига, ўйинга қаттиқ берилувчи;

ўйинчи. *Бир ёқда қизлар, сатта терилган сарвинозлар, ясанган таннозлар, ҳадсиз ўйинбозлар.* «Фольклор».

ЎЙИНБУЗУҚИ 1 Ўйиннинг боришига ҳалақит берувчи, уни бузишга уринувчи. *Мактабда танаффуслар пайтлари шашка ёки волейбол ўйинларида фирромлар, ўйинбузуқилар ҳам бўларди.* Газетадан.

2 айн. ишбузуқи. Аҳмаджон сўраб оладиган нарсалари бор эди-да: қай бола қандай ишляпти, энг яхшиси ким, ўйинбузуқиси ким.. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИН-КУЛГИ Кўнғил очиш йиғини, базм; хурсандчилик. *Шу одамлар ҳам ўйин-кулгини билар, шу одамларга ҳам ўйин-кулги ярашар экан-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аммо Унсиннинг кўнғил ўйин-кулгини кўтармас, шодлик унга бегона эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЙИН-МАЗАХ Кўнғил очиш воситаси; эрмак, ўйинчоқ. *Шаббодада ўйноқлаган шўх пирпиракдай, Унга ўйин-мазах экан бунда ҳар нима.* Ф. Фулом.

ЎЙИНХОНА эск. с. т. Бирор ўйин ёки томоша кўрсатиладиган жой (театр, цирк, кино ва ш.к.).

ЎЙИНЧИ 1 Ўйин с. сфдш; ўйинга тушувчи, ўйнаётган, яхши ўйнайдиган. *Ўйинчи йигит четга чиқishi билан киприкларига сурма қўйган.. йўғон бир жувон ўртага чиқиб, йўргалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёшигина бўлса ҳам, шўх, ўйинчи қиз экан-да.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 Рақсга тушувчи шахс; раққос ёки раққоса. *Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, қийқиришар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлиснинг шоирлари, ўйинчилари, чилдирмачи ва думорчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб, Кумушбигина ҳаммомдан қайтмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юсуфжон ака Фарғона водийсининг энг ўткир ўйинчи устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 кўчма Яхши ўйнайдиган (қ. **ўйин 5**). *Яна қандай денг, энг ўйинчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Футбол, шахмат каби ўйинларда иштирок этувчи; спорт мусобақасидаги бирор жамоа аъзоси. *«Пахтакор» ўйинчилари. Уста ўйинчи. Ўйинчилар хужумга ўтишди.*

ЎЙИНЧИҚ с. т. Ўйинчоқ. Хусайн Бойқаро набираси Мўмин мирзони тиззасига олди, белида камарга тақилган ўйинчиқ ханжарчасини томоша қилди. Ойбек, Навоий. *Марҳамат опангиз тўғри айтяпти..* деҳқончилик ўйинчиқ эмас. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИНЧОҚ 1 Болаларнинг ўйнаши, овуниши учун хизмат қиладиган нарса ёки буюм. *Ўйинчоқ сотиб олмоқ. Ўйинчоқ машина.* ■ Буваси унга дадасига ўхшаб кўғирчоқлар, ўйинчоқлар, ҳар хил ҳайвонларнинг расми солинган китоблар олиб келиб бермасди. С. Анорбоев, Оқсой. *Чиқарманг қурол, оқмасин қонлар. Китоб, ўйинчоқ беринг бизларга!* И. Муслим.

2 кўчма Бировнинг кўнгил очиш воқитаси; эрмак. *Ташландиқ бу қизингиз, қўлма-қўл юрувчи бу ўйинчоқ қизингиз ким-у, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатган ким?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кимларнинг соф ҳаёти Қўлда ўйинчоқ.* Файратий.

3 кўчма Бировнинг хоҳишини сўзсиз, кўр-кўрона бажарувчи, итоатгўй; кўғирчоқ. *Мўғуллар ва уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлган..* амир Бурҳониддин ташвишга тушиб, бу даҳшатли халқ кўзғолонини бостириш ҳаракатига тушиб қолдилар. М. Осим, Маҳмуд Торобий.

ЎЙИНҚАРОҚ 1 Вақтини доимо турли ўйинлар билан ўтказадиган, ўйинга берилган; шўх (болалар ҳақида). *Кинотеатрнинг деворлари баланд бўлса ҳам, ўйинқароқ болаларга асло халал бермасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қуда бўлмишимиз остонамизни супуриб, ҳол-жонимизга қўймаяпти; узатиб, ўйинқароқ қизи тушма-гурдан тинчиб қўя қолсакмикан, деган ўйим бор.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *-Жўра деган бола сал ўйинқароқ чиқиб қолди, гўзага сувни ҳам ўша тошириб юборган, — деди Шокиров.* Н. Назаров, Замон.

2 Ўйин-қулги, шўхлик билан ўтадиган. *Ботиралининг бу ўйинқароқ йиллари узоқ чўзилмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎЙИНҚАРОҚЛИК 1 Ўйинқароқ бўлиш, ўйинқароқ хислатга эгалик. *..дам олишни тўғри ташкил қила билмаслик ҳам ёшларни ўйинқароқликка.. саёқ юришга олиб боради.* Шукрулло, Сайланма.

2 Ўйинқароқ эканлик. *Унинг ўйинқароқлигини ҳамма билади.*

ЎЙИҚ Ўйилган жой; чуқурлик. *Ана шу ўйиқнинг охирига етиб, бир тўда ёввойи чўчқага дуч келдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Форондара — «ғорлар дараси» маъносида бўлиб, бу ерда қадимий ўйиқлар жуда сероб эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЎЙЛАМОҚ 1 Фикр-мулоҳаза юритмоқ; фикрламоқ. *Ўйлаб тузилган режа. Кўп ўйла, оз сўзла.* Мақол. *Ўйламай қилинган иш — бошга келтирар ташвиш.* Мақол. ■ *У ҳар қанча ўйласа-да, Асқар ака ҳақида ёмон фикрга ботинолмас эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Тоқайгача шу кенатада юрасан, болам, ахир менга ҳам жон керак, ўйласанг бўлмайдим?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Хаёлидан кечмоқ (кечирмоқ), хаёл қилмоқ. *У баъзан ўғлининг соғ-саломат жангдан қайтишини тилаб.. юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб беришини ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *«Икки қўллаб қандай терар экан-а?» деб ўйлайман ичимда.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Ёдга олмоқ, эсга келтирмоқ; хотирламоқ. *Лекин мен баянги йиғитни ўйлаб, юрагим эзилиб кетяпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Аксинча, ҳар куни минг яшаб, қуванаб, Сен қилган ишларни ўйлайман, ўғлим.* Файратий. *Ҳар куни дадамни бир ўйлаб қўяман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 Бирор кимса ёки нарса манфаати юзасидан иш тутмоқ; шунинг дардида бўлмоқ. *Эл-юрт тинчлигини ўйламоқ.* ■ *Сут соғувчи ҳам, энг аввало, инсон соғлигини ўйлайди.* Газетадан. *Кўзим очиклигида қизимнинг тўйини кўрай, деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйлабман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ўзингиз биласиз, Усмон ака.. биз иқтисодчимиз, даромадни кўп ўйлаймиз.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 Хаёл қилмоқ, тахмин қилмоқ, ..деб ҳисобламоқ, тушунмоқ. *Бу ишга раҳбарлик қилсангиз, мен ўйлайман, яна бир хайрли ишни юзага чиқарган бўласиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Менинг дўқимдан кейин Одил қизларга хат ёзмайди, деб ўйлайсизми?* С. Зуннунова, Янги директор. *Зайнаб сиз ўйлаган келинлардан эмас.. худоба шукур, ақл-хуши жойида.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қадамни ўйлаб босмоқ Фикр-мулоҳаза билан, ҳар томонини ўйлаб иш тутмоқ. *Мен сизга ёмонликни раво кўрмайман. Қадамин-*

гизни ўйлаб босинг, ука! С. Анорбоев, Оқсой. Адашиш ёмон нарса. Адашиб қолмаслик учун эса қадамни ўйлаб босиш керак. Газетадан.

ЎЙЛАМСИРАМОҚ Бирор нарса ўйлаётгандай бўлиб кўринмоқ, ўйлаб хаёл сурмоқ. Алижон ўйламсираб, [Холнисо холага] қараб турган эди. Мирмуҳсин, Чиниқиш. Файзи бир дақиқа ўйламсираб, кейин таваккал қилиб, электр моторга ток улади. Газетадан.

ЎЙЛАНМОҚ 1 Ўйламоқ фл. ўзл. н. «Тушунамани», дегандай имо қилди-да, яна жим, ўйланиб ётаверди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу товуш менга жуда чуқур ўйланган қарор жарчисидек эшитилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мулоҳаза юритмоқ, хаёл билан банд бўлмоқ. Бу ишлар давомида у ҳам Авазни қийнаб юрган нарсалар тўғрисида ўйланар эди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Мактабни очмасдан аввал ҳам.. бу тўғрида кўп ўйланди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЙЛИ кам қўлл. Ўй-мулоҳаза билан иш юритадиган; фикр-мулоҳазали. Рустам эси кириб қолган.. ҳар гапнинг маъносини тушунадиган бўлган, ўйли, ақли кўп йигит эди. «Муродхон».

ЎЙМА 1 Ўйиб ишланган, ясалган. Ўртада, ўйма ўчоқда катта ҳўл тўнка уйни тутунга тўлдириб, бурқсиб ётади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўйиб, қириб, зарб қилиб безак ишлаш усули ва шу усулда ишланган безак, нақш. Гавҳар ойна устига солинган катта бир ўйма нақш олдига Маҳкамни тўхтатди. П. Қодиров, Уч илдиз. Қоғозни усти ўйма гулли чарм жуздонга тиқиб, қалин китобни варақлашга бошлади. Ойбек, Навоий.

ЎЙМАКОР 1 Тахта, ганч, мармар ва ш.к. га ўйиб, гул, нақш ишловчи уста. Бу [эшик] қалин, бақувват тахталардан ясалган бўлиб, моҳир ўймакорлар бегаган, уста бўёқчилар нақш берганди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Ўйиб, зарб қилиб ишланган; ўйма. Олтин қуббачалар, ўймакор гуллар билан безанган эшикни очиб, кичикроқ, лекин серҳашам бир хонага кирди. Ойбек, Навоий. Унинг [Абдулла Болтаевнинг] қўли билан қилинган ўймакор нақшлар эскизи 1937 йили Парижда очилган санъат виставкасида ҳам юксак баҳо олди. С. Қодиров, Қирқ китобнинг тўрт

саҳифаси. Табақалари кенг, очиқ турган ўймакор шамшод дарвоза Ҳасан овчини қаърига тортиб, ютиб юбормоқчидай. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎЙМАКОРЛИК 1 Ёғоч, ганч, металл, тош ва б. ни ўйиш, йўниш йўли билан гул, нақш кабилар ишлаш; ўймакор қасби. Ўймакорлик билан шуғулланмоқ. Ўймакорлик тўғраги. ■ Ўймакорликнинг чўққисига чиққан Худойберган муҳркани ҳам албатта эслашади. Ж. Шарипов, Хоразм. Уста Усмон ёғоч ўймакорлигини биринчи бўлиб дунтор, танбур, рубобга татбиқ этиб, асбобнинг гузал бўлишига эришди. Т. Баҳромов, Оҳанг хазиначиси.

2 Бирор нарсага ўйиб ишланган нақш, тасвир ва ш.к. Болалар чизган суратдай соддагина ўймакорликларда.. ҳайвонлар.. одамлар тасвирланган. П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎЙМАЛАМОҚ 1 Ўйиб ташламоқ, ўйиб, чуқурчалар ҳосил қилмоқ. Болалар ҳовли юзини ўймалаб ташлашибди.

2 Устма-уст, давомли тарзда ўймоқ, чимчиламоқ. Умид ўз йўлида давом этди-ю, юрагини яна ногаҳоний бир алам ўймаларди. Мирмуҳсин, Умид.

ЎЙМОҚ 1 1 Бирор нарса билан қовлаб, чуқур ҳосил қилмоқ; қовламоқ. Ерни ўймоқ. Деворни ўймоқ. ■ Тирноқ-ла ер ўйиб, сувлар оқизган Ғариблар аҳволи қоларди тангга. Файратий. Аваз учи тирсакка ўхшаш силлиқ тош топиб, бўзни ўйиб, икки қатор чуқурчалар ясади. П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Чуқурча ҳосил қиладиган қисмини ажратиб олмоқ. Мен ҳам лип этиб ҳужрага кириб, хумчадан ёғ ўйиб олдим. Ф. Фулом, Шум бола. Мана шу ёлғиз қўлим билан малъун Жапақнинг кўзини ўймак. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Нақш, гул, тасвир ва ш. к. ишлаш учун бирор сиртга из, ўйиқ туширмоқ. Супачада бир парча ганчга Наққош ўяр сўнги нақшини. Э. Раҳим. Исломхўжа усталар билан саломлашиб, мармар тошга Огаҳий шеърларини ўяётган Худойберган муҳркани олдига борди. Ж. Шарипов, Хоразм. [Солижон] Такрорлайди дарсларин, Кўздан тугал ўтказар, Тошга ўйган хат каби Пухталаб дилга ёзар. Қ. Муҳаммадий.

4 Емириб, ювиб, чуқур ҳосил қилмоқ. Ойқиз бутун кучини йигиб, Погодинни сув

уйган чуқурлик қирғоғига судраб келди.. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 кўчма Қаттиқ чимчиламоқ. *Роҳила* [қизнини] биқинини уйиб олди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

6 кўчма Қаттиқ руҳий азоб бермоқ. *Юрак-бағримни уйдинг, Мени номусга қўйдинг*. Ҳ. Олимжон.

Уйиб олмақ Қаттиқ таъсирли, таъзирли гап қилмоқ. *Алим бува мингбошини уйиб олди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *...бирор нарсани баҳона қилиб, гап билан уйиб-уйиб олади*. О. Ҳусанов, Най.

УЙМОҚ II 1 Унча катта бўлмаган чуқурлик; чуқурча.

2 Кичкина, тор, бежирим. *Қизнинг қошлари ингичка, кўзлари мастона, сузукдан-сузук, бурни бежирим. Оғзи уймоқ, Лаблари лоларанг*. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

УЙМОҚ III шв. Ангишвона. Унинг нозик қирра бурни, уймоқдаккина оғзи.. биринчи қарашдаёқ Мунавварни ўзига тортди. С. Анорбоев, Меҳр.

УЙНАМОҚ I Дам олиш, кўнгил очиш мақсадидаги бирор эркин иш, машғулот, ўйин билан шугулланмоқ (қ. **ўйин I**). *Беккинмачоқ уйнамоқ. Қорбўрон уйнамоқ. ■ Шу чоқ кўчада уйнаб юрган қўшнисининг боласи Асад келиб қолди. «Муштум».*

2 Расмий иш-вазифалардан холи ҳолда дам олиш, сайр этиш каби ҳолатларда вақт ўтказмоқ. *Собираҳон, Баҳрини ҳам олиб боринглар, уйнаб келсин.. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Эрталаб Ёдгор Чарос билан тоққа чиқмоқчи эканини айтганда, Зойиржон қувонган эди.. «Яхши уйнаб келинглар», деганини эслаб, баттар ўсал бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.*

3 Мусобақа тарзидаги спорт ўйини билан шугулланмоқ, шундай ўйинда қатнашмоқ (қ. **ўйин 2**). *Шахмат уйнамоқ. Бильярд уйнамоқ. Футбол уйнамоқ. ■ Мирмуродов дастлабки икки ўйинни, атайлаб қилдими ё бўш ўйнадими, ютқизди. «Гулдаста».*

4 Қимор ўйинида қатнашмоқ (қ. **ўйин 3**). *— Сиз билан уйнамаса, ким билан ҳам ўйнайди, — деди гап оҳангини ўзгартириб [Турдимат чўтал], — товва пуккани ейди, олчи чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз. А. Мухтор, Опасингиллар. Кеча бир оз қарта уйнаб.. Масковдан келган бир фавуркончи [фабрикант]*

ўриснинг тўрт минг сўмини ютибман. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Тана, оёқ, қўл ва қош-кўзларни куйга муқобил ҳолда ҳаракатлантирмоқ; рақс тушмоқ (қ. **ўйин 4**). *Бу жувон тановарга жуда яхши ўйнайди. ■ Раис шавқ-завқ билан уйнаб, даврани бир неча марта марта кезиб чиққач, пилдираб бир айланди-ю, бехосдан Ўрмонжонга ташланди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

6 Саҳна асарида бирор ролни ижро этмоқ. *Гулсун куёв ролини ўйнаб, Хонимбиби Кумуш роланда, иккисининг бир-бирисига қараб ўқишган лапарлари барчани кулдириб, ичакларни узар даражада. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

7 Ниманидир қўлда ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ ва ш.к. *Фотима ерга қараб, рўмоли учини ўйнаб ўтирарди. Т. Ашуров, Оқ от. Шарифжон терган пахтасини чангалида ўйнаб, гоҳ у, гоҳ бу қизга совға қиларди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. Усмонжон, қўлида ниманидир эзгилаб ўйнаб ўтирган Адолатга қаради. С. Зуннунова, Гулхан. Ёрмат.. носқовоғини ўйнаб, ерга тикилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

8 Бировга гап, сўз билан тегишмоқ; ҳазил қилмоқ. *Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир! Мақол. ■ Бугун бўлса [Кумушини] ўйнаб айтган сўзи жавобсиз ҳам қолдирилиб, бу ҳол яна унинг миясини қотирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

9 кўчма Турли-туман, шўх, ёқимли ҳаракат қилмоқ (жонивор ва нарсалар ҳақида). *Ҳовузда балиқлар тиниқ сувни тўлқинлатиб ўйнайди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Чайқалади денгиз беором.. Оқ чечакдек кўпиклар ўйнаб. Файратий. Духоба гулларга дудоқ тегизиб, Ҳар саҳар шабада ўйнаб ётади. Уйғун. Беланчак бошида ўйнаб нарча нур. А. Орипов.*

10 кўчма Кўрк, гўзаллик акс эттириб ҳаракатланмоқ, пирпирамоқ, диркилламоқ. *Қизнинг қош-қовоқлари ўйнайди. ■ Унинг [Инобатнини].. озиб, кичкина бўлиб қолган юзи, узун киприклари ҳаяжон билан ўйнаб эди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. Лавли паранжи-чачвонини оппоқ билагига ташлаб, севганига термилиб қолган; қора атлас кўйлагини туртиб чиққан қабариқ кўкраги бекни телба қилар даражада ўйнаб турибди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

11 Ирғишлаш, шох ташлаш ва ш.к. тарздаги ўйноқи ҳаракат қилмоқ. *Осмонда озод қушлар ўйнаб-ўйнаб парвоз қилади. С. Сиёев, Ёруғлик. Эллигида айғир отдай ўйнайди.. «Ойсулув».*

12 *кўча* Қабариб, бўртиб чиқмоқ (мушак, томир қабилар ҳақида). *Териб қўйилган япалоқ ғишлар устига чўкиб, томирлари ўйнаган, қалтироқ қўлига мўлгина нос тўкиб, тил тагига отди. Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. Машқ қиламан ҳар куни, Мускулларим ўйнайди. Ю. Ҳамдам.*

[Бировнинг] *ноғорасига ўйнамоқ қ. ноғора. Тупроғи ўйнамоқ* Тупроғи кўп миқдорда чиқиб ётмоқ. *Ётоққа кираверишдаги тупроғи ўйнаб кетган энсиз йўлакнинг бурчагида тагига занглаган челақ қўйилган дастшўй жами уч хонада истиқомат қилувчилар учун хизмат қиларди. С. Кароматов, Олтин кум. Юраги ўйнамоқ қ. юрак 1. Қаллиқ ўйнамоқ этн.* Расмий никоҳ тўйдан аввал бўлажак келин билан яширин учрашиб турмоқ.

ЎЙНАШ 1 *Ўйнамоқ* фл. ҳар. н. *У жуда зеркиби, нима ўйин ўйнашни, ким билан ўйнашни билмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *кўча* Никоҳсиз яқин муносабатда бўлувчи эр киши ёки аёл (бир-бирига нисбатан). *Ўйнашга ишониб, эрсиз қолдим. Мақол. ■ Расми, қиз бузишса, уни ўз ўйнашига беришади. Ойбек, Танланган асарлар. Бўронбек ўйнашининг чинакам гўзаллигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, отига қаради. Ҳ. Ғулом, Машъал.*

ЎЙНАШЛИК *Ўйнаш* билан бўладиган муносабат, алоқа. *Одамнинг шундай хотини бўлса, боласи бўлса-ю, бировларнинг хотини билан ўйнашлик қилса-я. И. Ақром, Адолат.*

ЎЙНАШМОҚ 1 *Ўйнамоқ* фл. бирг. н. *Кетишдилар қувлашиб, Ўйнашиб кула-кула. Т. Тўла. Болалар ҳар кунгидақа ошиқ ўйнашмади.. китобчаларни томоша қила бошлашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Жиддий эмас, ҳазил-хузул муносабатда бўлмоқ, менсимай муомалада бўлмоқ. *Ўйнашмагин арбооб билан, арбооб урар ҳар боб билан. Мақол. ■ Бу — бир кишининг чорак умри деган гап. Ҳа, қонун билан ўйнашиб бўладими! С. Анорбоев, Оқсой.*

3 Ўз никоҳида бўлмаган шахс билан яқин алоқада бўлмоқ. *Хуморхонни олмасдан, шундай ўйнашиб юраверсангиз бўлмасмиди? А.*

Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Ўша Холмат жик-какка ҳам ўйнашиб теккан. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ЎЙНОҚ *поэт. 1* Тез ва енгил ҳаракат қиладиган; шўх. *Шаҳарнинг қалби Тўлқин бошлайди. Ўйноқ сувлардек. Уйғун.*

2 Завқ-шавқ бахш этадиган; енгил, шўх. *Куллар келар, ўйноқ созингиз Севгиларни қилур тарона. Файратий.*

Юрак ўйноғи қ. юрак 1.

ЎЙНОҚИ 1 Тинч турмайдиган, серҳаракат; шўх. *Сойтўпининг аёллари хушрўй, ўйноқи бўлади. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Махсус мулозимлар.. ўйноқи отни етаклаб келтирдилар. Ойбек, Навоий.*

2 *кўча* Енгил ва ёқимли; шўх. *Баҳорнинг ўйноқи еллари. ■ Машинанинг дарчасидан кираётган ўйноқи шабада дилларни қитиқлайди. Т. Расулов, Марҳамат.*

3 Завқ-шавқ бахш этадиган; шўх. *Сафарда ҳамроҳларига латифалар, ўйноқи қўшиқлар айтиб, кулдириб юради. М. Осим, Элчилар. Бир оздан сўнг Хоразмнинг ўйноқи куйлари чалиниб, шўх лазғи бошланди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

4 *кўча* Оёғи енгил, суюқ. -*Поччангнинг феъли-атворини биласан-ку, ўлғудай енгил, ўйноқи, — деди Ҳалима. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Жамшид базмини қурдик денглар. Жонон ж-жа ўйноқиға ўхшайди, сизни ҳам илиб кетибди-да! С. Анорбоев, Оқсой.*

ЎЙНОҚЛАМОҚ 1 Тинч турмай, турли ҳаракатлар қилвермоқ, ўйнаб кетмоқ, ирғишламоқ. *Кўзичоқлар ўйноқлайди. ■ Кўён боласи ўйноқлаб, оёқларини осмонга отиб югурар эди. Х. Тўхтабоев, Шошқалоқ. [Балиқ] Гоҳ ўйноқлар, гоҳ орқаси билан ётар, билтангларди. Ж. Шарипов, Хоразм. «Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқлаб кетаверди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 *кўча* Шўх ҳаракат қилмоқ, ўйнамоқ. *Шеърда Чирчиқ дарёсининг ўйноқлаб оқиши, табиат манзарасининг тасвири ортиқча. Э. Охунова, Пахтазор куйлари.*

3 *айн. ўйнамоқ 12.* Бирдан кўк томирлари ўйноқлаб чиққан.. *Бектемир ака кўз олдиға келди. А. Мухтор, Чинор.*

ЎЙПАРАСТ *Ўй* суришга мойил, кўп ўй сурадиган. *Мен хаёлни шеърға солдим, Ўйпараст бўлма ва лек, Бесамар бўлса сени*

Бир кун хароб айлар хаёл. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ЎЙЧАН 1 Ўй билан банд булган, ўйга чўмган. У шундай ўйчан, паришон ҳолатда булоққа яқинлашди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Нигора юлдузларга ўйчан тикиларкан, киприкларидан ўша юлдузлардек жиялаланувчи ёш томчилари қотди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ўйга, хаёлга кўп бериладиган; ўй, хаёл билан доимо банд бўладиган. *Ўйчан қиз.* ■ Бу ёлғиз ҳорғинликдан эмас, икки кун ичида кўрганлари уни қандайдир ўйчан, камгап қилиб қўйганди. Ойбек, Куёш қораймас.

3 Ўйга чўмганлигини акс эттириб турган. Чол ўғлининг ўйчан кўзларига термилиб, Ботиралидан гапира кетди. Ҳ. Фулом, Маъна. *Исроил Норматнинг ўйчан юзига қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 кўчма Тинч ва сокин; худди хаёл сургандай. *Ўйчан оқшомлар! Салқин оқшомлар! Наъбага элтар.* М. Шайхзода. *Ўйчан кеча, тун ичра танҳо, Рауф Парфи, қолдик икковлон.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЎЙЧАНЛИК Ўйчан ҳолат. -*Лекин, — деди Адолат ўйчанлик билан, — дадамга ҳали кўринганим йўқ.* С. Зуннунова, Гулхан. *Унинг нозик қирмизи юзида хафалик.. кўзларида чуқур ўйчанлик бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎЙЧИ Ўйга, хаёлга кўп бериладиган ёки кўп ўйлайдиган киши. *Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади.* Мақол.

ЎКИЛ [а. *وكيل* — ишончли, ваколатли шахс] шв. этн. Никоҳ пайтида йигит ёки қиз томонидан қафилликка ўтувчи, вакиллик қилувчи киши; вакил. *Ўкил ота. Ўкил она.* ■ [Аваз:] *Мен сизни бўлак одам деб туриб эдим, мен гапу авзойингиздан билдим: отамнинг ўкил энаси экансиз.* «Балогардон».

ЎКИН: ўкинга тушмоқ Ўкинмоқ, афсусланмоқ. *Тракторчилар Анор ака келганда, ҳазиломуз кутиб олган бўлсалар, унинг бу гапидан кейин хонадагилар бир-бирига қараб қўйишди.* -Ўкинига тушганки, келган-да, — деди кимдир ёнидаги шеригига пичирлаб. С. Маҳкамов, Катта ролда.

ЎКИНИШ 1 Ўкинмоқ фл. ҳар. н. Бунарсани илгари ўйламагани учун афсус қилди. *Лекин энди ўкинишининг фойдаси йўқ эди.* Ойбек, Таңланган асарлар.

2 айн. ўкинч. *Элмурод уни яхшигина кузатиб, ундан бирор ўкиниш изларини кўрмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЎКИНМОҚ 1 Пушаймон бўлмоқ, афсус қилмоқ (асосан, ўз иши, қилмишидан). *Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўкинар, лекин иш ўтган эди.* М. Жалолидинова, Кейинроқ. У [Умурзоқ], иш билан овора бўлиб кетиб, кечадан бери ўйга келолмаганидан ўкинди, ўз-ўзини бепарволикда койиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўкинар эдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 Умуман, хафа бўлмоқ, куйинмоқ. *Адолат фронтдан хат келганига хурсанд бўлди. Хурсанд бўлди-ю, Норматни, Олимжонни эслаб ўкинди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Унинг ҳазиллашиб бирон сўз айтмаганига қиз хурсанд бўлди, лекин шу билан баробар, кутилмаган бепарволигига ўкинди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЎКИНЧ Номақбул, кўнгилсиз иш, ҳодиса ва уни тузатиб бўлмаслик туйғуси туфайли юз берадиган ғамгинлик, хафалик; афсусланиш, афсус. -*Кувончми, ўкинчми, билиб бўлмайдиган аллақандай бир ҳис ичми тимдалайди, — деди йигит.* С. Аҳмад, Таъзим. *Зумрад бу сўзларни шу қадар ўкинч, ажабланиш ва даҳшат билан айтдики, Самандарнинг кўзларидан дув ёш чиқиб кетишига оз қолди.* С. Кароматов, Қалбимда куёш. *Ёрмат ёшли кўзларини йилтиратиб, ўкинч билан бошини тебратиб турди.* Ойбек, Таңланган асарлар.

ЎКИНЧЛИ Ўкинч ёки афсусланиш ҳисси сезилиб турадиган, ўкинч ифодаловчи. -*Мен бечора.. — деди Исқандаро ўкинчли товуш билан.* Ойбек, Нур қидириб.

ЎКИРИК Қаттиқ йиғи овози. *Ойимбиби бу ўкирикдан бир чўчиб тушди, кейин шошилиб ўрнидан турди-да, ошхонага кириб кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. [Ҳаққул ота] *Юрагининг бир парчаси узилгандай, сийнасидан қаттиқ ўкирик чиқаркан, Зухра буви кўрқувдан эсини йўқотгандай бўларди.* Ҳ. Назир, Сув галоси — оқпадар..

ЎКИРМОҚ 1 Кучли овоз чиқармоқ (йиғи овози ҳақида); хўнграмоқ. *Кутилмаганда Рихси холанинг кўнгли юмшади-ю, ўкириб йиғлаб юборди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Бақирмоқ, бўқирмоқ (инсон ва баъзи йирик ҳайвонлар товуши ҳақида). *Ҳоким халққа минг аллозда ўқириб, ҳаммани ҳақорат қилиб. уйига қайтди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Оғир юкли туялар бўйинларини осмонга кўтариб ўқирарди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Жадал келаётган катта айқ жуда хунук ўқирарди.* Газетадан.

3 кўчма Қаттиқ овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Ташқарида шамол ҳамон ўқирар.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Ўқириб тўхтади сўнгги замбарак, Жаҳаннам худоси қаҳ-қаҳдан тинди.* Ф. Фулом.

ЎКРАМОҚ айн. ўқирмоқ 1. -*Эй худо, нима гуноҳ қилдим мен сенга!* – бошини столга қўйиб, ўкраб йиғлаб юборди Адолат. С. Зуннунова, Гулхан. *Марзия бўш стулларга тикилиб.. ўкраб йиғлабди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЎКРАНМОҚ шв. Эркаланиб босиқ овоз чиқармоқ; пишқирмоқ (от ҳақида). *Қашлагани отга ёқиб қолибди, Украини у гир айланиб турибди.* «Алпомиш». *Куйни тушунаетгандай отлар ҳам жим, ўкранмас, ҳўкизлар ҳам кавш қайтармай.. пиш-пиш нафас олиб, жим турардилар.* Н. Фозилов, Оқим.

ЎКСИЗ 1 Ота-онасиз, етим. *Ўксиз болалар.*

2 Бирор ёрдам берадиган кишиси йўқ; ҳимоясиз, бахтсиз, бечора, ўксик. [Маҳкам:] *Бу қандай зўравонлик! Қўл-оёғимизда кишан! Ўксиз она! Бахтсиз Иқболой. Миршаддан калтак еди-я!* Н. Сафаров, Уйғониш.

3 Ғам ва ҳасратни ифодалайдиган; ғамгин. *Умидсизлик, ўксиз руҳ уни [Маиҳадийни] бир зум ҳам тарк этмайди.* Ойбек, Навоий.

ЎКСИЗЛАНМОҚ Ачиниб афсусланмоқ, хафа бўлиб қолмоқ; ўксинмоқ. У [Бектемир] *дадаси кетидан томошага.. боролмай қолган боладек, ўксизланди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

ЎКСИК 1 сфм. Бирор нарсадан афсусланиб хафа бўлган; эзилган; ғамгин, қайғули. *Ўксик кўнгли.* ■ *Гудакнинг ўксик йиғиси Ойша опага қаттиқ таъсир этди.* М. Исмоилий, Озодлик гулини ҳидлаган киши.

2 от Бирор нарсадан афсусланиб хафа бўлиш туйғуси; хафалик, ғам, қайғу. У [Хури] *кўкрагини тўлдириб хўрсинди.* Қалбида зўр ўксик бор эди. Н. Фозилов, Оқим.

ЎКСИКЛИК Ачиниб афсусланиш; хафалик, ғам, қайғу. *Ой нуридай кўзинг порлар яшин аралаш, Варақлар ўксикликнинг дафтарин қати.* Ф. Фулом.

ЎКСИМОҚ Бирор нарсага эриша олмаганлиги, бебаҳралиги, камситилганлиги ва ш. к. учун афсусланмоқ, хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ. *Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, у бегонасирад, сал нарсани кўнглига олиб ўксир эди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Бу гапларни эшитиб, Полвоннинг яримта кўнгли яна баттар ўксиди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЎКСИНМОҚ айн. ўксимоқ. *Элмурод, унинг [Гулсумнинг] бу қадар ўпкаси тўлиб, ўксиниб йиғлашининг сабабини суриштиришдан илғари, уни юпатиш лозим, деб ўйлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Хулкар:] *Ойим раҳматли мени қиз туққанларидан ўксинар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎКТАМ 1 Бошқаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган; шижоатли, ўткир. *Маҳалланинг ўктам йигити.* ■ *Ўрмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин ва бошқа ўктамроқ одамлар миршаб билан бирга даҳлизга қараб югурдилар.* С. Айний, Қуллар. *Шокарнинг димоғи баланд, айтгани айтган, дегани деган.. тенқурлари ичида ўктам бўлиб, башанг кийиниб юрарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 Ҳиммати улуғ, олийжаноб, ҳотам, сахий. *Бўрихўжа уйида ҳам ўктам: сингалисига дашном беришдан ўзини тиярди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ўша барно йигит – ўктам бир аскар Юртини асрайди ёмон кўзлардан.* Б. Бойқобилов.

3 кўчма Ёқимли, хуш ифодали. *Энди унинг ўктам гаплари, қисқа, муайян буйруқларидан мамнун эди.* О. Ёқубов, Ларза. *Авазнинг қадди расо, бир мўйи қилт этмай, тахт томонга ўктам боқиб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

4 Ўктам (эркаклар ва хотин-қизлар исми). **ЎКТАМЛИК** Ўктам шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. [Мутал] *Шундай ишонч, шундай ўктамлик билан гапирдики, гўё уч кун давом этган тергов унинг фойдасига ҳал бўлган!* О. Ёқубов, Ларза. *Ғайратнинг юрагида кучли бир шиддат, ўктамлик, йигитларга хос ғурур борлигини Иқлима сезарди.* М. Ҳазратқулов, Журғат.

ЎКЧА *шв.* Оёқ кийимининг товони остига қоқилган қалин чарм; пошна. *Оёғида укчаси баланд қизил этик, елкасида милтиқ.* С. Сиёев, Аваз.

ЎКЧАЛИ *шв.* Пошнаги, баланд пошнаги. *Тўғайсари уларга тил учида салом бериб, ўкчали этигини суғурди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЎЛ-А *унд. с.* Бирор кимса ўз қилмишига яраша жазо олганда ёки унинг қилмишлари ўйлаганидек натижа бермаган ҳолатда унга таъна сифатида айтиладиган ибора. *Ўл-а, қўлга тушинг-ку! Ўл-а, аҳволинг шу экан-ку!*

ЎЛАЙ: **вой ўлай** *унд. с.* Бирор нотўғри иш ёки хатти-ҳаракат туфайли ҳаяжонга тушганликни ифодалаш учун қўлланади (одатда хотин-қизлар нутқида). *Вой ўлай, нима иш қилиб қўйдинг!* ■ *Вой ўлай, мен қандай қилиб айтаман?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЛАКСА 1 Ўлган нарса; ўлик. *Баъзан хуриб қолади Ўлакса қидирган ит.* Файратий. *Девор ковагида моғор босиб ётган ўлаксага қўл уриб нима қиласиз.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ўлар ҳолатга етган, ўта заиф, ўлимтик. *Ўлакса от. Ўлакса товуқ.*

3 Шундай ҳолатли нарсага нисбатли ҳақоратни билдиради. *..солиқни тўламайсан, йиғим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 с. т. ўлаксахўр. *Мен бу софликка ўлак-са қузғунлар қўнишини истамайман.* А. Мухтор, Чинор.

ЎЛАКСАХЎР 1 Ўлган жониворларни ейдиган, ўлимтик билан овқатланадиган. *Ўлак-сахўр, сен мени ея олмайсан.* С. Азимова, О. Лайло.

2 айн. тасқара 1. *Богда бургут, лочин, қарчигай, қирғий, калхат, бойқуш, ўлаксахўр-дан тортиб олатўғаноққача.. томоша қилишди.* Н. Назаров, Замон.

3 кўчма Ишламай, бошқалар ҳисобига яшайдиган; текинхўр. *-Сабаби маълум, — деди отам, — агар ҳашар тамом бўлса, бу икки юз ўлаксахўр текин овқатни қаердан топади ва отлари учун бепул ем, беда қаердан келади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎЛАМСА *шв. айн. ўлакса 1.* *Бу бўрилар ушанинг битта-яримта ўламсасини еб.. юришади.* Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар.

ЎЛАН 1 *айн. ўт 11.* *Кўм-кўк ўланлар ва уларнинг орасидан илон изи бўлиб, қуёшнинг нурида кумуш тасмадай ярқираб турган ариқ ва ариқчалар кўриниб туради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Енгилгина эсган шамол димоққа турли ўлан исларини келтириб урар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЛАН 2 Халқ оғзаки ижодида, одатда тўй, гап-гаштак ва ш.к. да ижро этиладиган ашула, кўшиқ. *Ўлан айтмоқ.* ■ *Қора-қора қўзилар Қўйни бошлар, ёр-ёр. Қалам қошли янгалар Ўлан бошлар, ёр-ёр.* М. Алавия. *Шўх-шўх парвоз этар ўлан овози, Бахшининг қўбизи, созанда сози.* С. Жўра. *Тенгдошлар қўшиғи — дўстлик ўлани Қуёш йўлларида кетсин жаранглаб.* С. Акбарий.

ЎЛАНЗОР Турли ўт-ўланлар ўсган майдон; ўтзор. *Дарё, ўша ўланзор қирғоғу.. ёввойи жийда кундасидан бўлак ҳеч нима йўқ эди.* Р. Бекниёз.

ЎЛАНЧИ Ўлан айтувчи, кўшиқчи. *Жуда сулув қиз, ўланчи қиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшигида неча қўшчи, қўлончи, Бари — полвон, бари — чечан ўланчи.* М. Алавия.

ЎЛАРДАЙ *айн. ўларча.* *Ўлардай зикна. Ўлардай ўжар. Ўлардай ишламоқ. Ўлардай чарчмоқ.* ■ *Заргаров Қутбиддиновни ўлардай калака қилиб, тоза аламини олди.* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ЎЛАРМОН 1 Нафсини тия олмайдиган; очкўз. *Ўлармон ҳўкиз болтадан тоймас. Мақол. Ёмон отга ёл битмас, Ўлармонга мол битмас.* Мақол.

2 Ўта берилган; муккасидан кетган. *Ичкиликка ўлармон одам.* ■ *Ишратга ўлармон, нафси ёмонлар Хун дея, қул дея, пул дея босди.* М. Шайхзода.

ЎЛАРМОНЛИК Ўлармонга хос хислат, хатти-ҳаракат. *..устоз Қавомнинг «ўлармонлиги», беш қўлини баробар оғзига тиқиши ҳақида.. турли гаплар юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎЛАРОҚ *кт.* Гапда ўзидан олдинги сўз ёки ибора маъносини таъкидлаш ва уни гапнинг кейинги бўлаги билан боғлаш учун қўлланадиган сўз. *У [Юсуфбек ҳожи] биринчи мартаба ўлароқ ўзининг ички касалини Нормуҳаммад қушбегига очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ерда ер ислоҳотининг фойдасига ўлароқ бирмунча сўзлар бўлиб ўтди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎЛАРЧА Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўлгудай, *Ўларча очкўз. Ўларча ичи қора.* ■ [Ойқиз хола:] *Ёлғиз болам ўксимасин, яхши ўссин, деб мушук боладай папалаб катта қилдим. У бўлса ўларча ўжар, биркесар бола чиқди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЎЛАСИ: *ўласи қилмоқ* Ўлар ҳолатга келтирмоқ, чала ўлик қилиб ташламоқ. *Ўласи қилиб урмоқ.* ■ *Мардон уларнинг [жаллобларнинг] гапига унамаганда, товонига беҳи таёқ билан уриб ўласи қилдилар.* М. Осим, Элчилар.

ЎЛАТ Одам ва ҳайвонларда ўлат таёқчиси кўзғатадиган ўткир юқумли касаллик; кўплаб ёки ёппасига ўлимга сабаб бўладиган касаллик, мас., вабо. *Қишлоқлар узоқ давом этган ўлат ёки уруш натижаларида хароб бўлгандай вайронликка юз тутган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу аҳвол умумий вабо ва ўлат эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

Ўлат тегмоқ Ўлатга дучор бўлмоқ. *Чиндан ҳам у ўзини танмаслик даражасида олдирган, ўлат теккан кишилардек, кўзлари ичига чўкиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЛГАНДА с. т. 1 **Феълнинг тасдиқ шакли** билан қўлланиб, инкор маъносини ифодалайди; ҳеч қачон. *Ўлганда ақл киради сенга! Ўлганда одам бўлади!*

2 **Энг камида, кам деганда, ҳеч бўлмаса.** *Бу чамадон ўлганда йигирма кило келади.*

ЎЛГУ(Н)ДАЙ, -дек 1 **Ўладиган даражада, ўласи қилиб.** *Бек хирмонда бекиниб ётган деҳқонни ўлгудай калтаклади.* Ф. Расул, Адолат. *Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси, ўзига келармикан деб, ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига суя сепиб эди, қимир этмади.* А. Қодирий, Улоқда.

2 **Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўларча.** *Кўринишда мутавозе, лексин аксарии ҳақиқатда ўлгудай кибрили, димоғдор мусулмон бойларини кўриш мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўлгундай безбет экансан-да, Набиғул!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Каримжон бўш-баёвгина, ўлгудек содда, бўшаган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЎЛГУНЧА 1 **Ўлмоқ фл. чегара шакли.** *То ўлгунча шу ўлкада қол.* Ҳ. Олимжон.

2 **айн. ўлгу(н)дай.** *Ўлгунча бахил. Ўлгунча инжиқ. Ўлгунча калтакламоқ.* ■ *Махдум уларни ўлгунча ёмон кўриб.. эшикдан қай-*

таришга тиришар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎЛДА-ЖЎЛДА *рвш. 1* Тартибсиз сочилган ҳолда, ҳар қаерларда. [Зухра:] *-Идора-сида тартиб йўқ, хўжалиги ўлда-жўлда деса-санг-чи! - деб жаҳли чиқар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чарчаб қолишди йўлда, Қанчаси қолиб кетди, Етомай, ўлда-жўлда.* Т. Тўла.

2 **Охиригача етказилмаган, чала ҳолда.** *Энди биз бу ишни ўлда-жўлда ташлаб кетмаймиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЎЛЖА 1 **Душман устидан ғалаба қилиш туфайли қўлга киритилган нарс.** *«Ҳозилар» эрталаб соат ўнларда уйқудан уйғондилар, сўнгра ўлжа ва тутқунларни бўлиш иши бошланди.* С. Айний, Қуллар. *Элмурод кечаёқ раисга вағда қилган, қишлоқда қўлга туширилган ўлжа қурооларни топширди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Сафарқул ўлжа миттиқларни ўз одамларига кўтартириб, кўчага чиқди.* С. Айний, Қуллар.

Ўлжа қилмоқ (ёки олмоқ) 1) **куч ишла-тиб қўлга киритмоқ.** *Ёш экан, жон ширин, ваҳи олади. Номард бўлса, отни ўлжа қилади.* «Ширин билан Шакар»; 2) **кўчма кест.** қулай фурсатдан фойдаланиб, бирор нарсани текинга олмоқ, ўзлаштирмоқ; ўғирламоқ.

2 **Овда қўлга тушириладиган, тутиб ёки отиб олинadиган нарс.** ов. *Ўрмон қатларидан шиддатли овоз, Ўлжасини титар ёввойи махлуқ..* С. Акбарий. *Пастлаб келиб, энди ўз ўлжалари устига қўнмоқчи бўлаётган қора қушлар бирдан баландлашди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кечки пайт улар қармоқларни соҳилга боғлаб қўйиб, каттагина ўлжа билан қайтдилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЎЛИБ-НЕТИБ: **ўлиб-нетиб қолмоқ** Ўлиб қолмоқ ёки бошқа бир фалокат юз бермоқ. *Киши молини сақлаш бениҳоят қийин, ука.. Ўлиб-нетиб қолса, балога мен қоламан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЛИБ-ТИРИЛИБ **Бутун кучни сарфлаб, астойдил ҳаракат қилиб, тиришиб; тиш-тирноғи билан.** [Норбой ота:] *Ўлиб-тирилиб ҳисор зотини хиллаганман, юз йигирмадан қўзи олганман.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бизлар кўчага чиққанамизда, фашистлар ўлиб-тирилиб қаршилик кўрсатишарди, баъзилари машиналарда қочишарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЎЛИК 1 Ҳаёти тугаган; ўлган, жонсиз; зид. **тирик**. *Солдилар бир наъшга [тобутга] икковни — Жонсиз келину ўлик куёвни. Алишер Навоий. Жой олди қучоғингдан Сонсиз ўлик тан. Ким не қилди кимларга, Билмайсан, недан? Ғайратий.*

2 от Жонсиз тана; жасад, мурда. *Кейинги вақтларда жаноза ўқиб, ўлик кўмиш ода-ти ҳам барҳам еди. С. Айний, Қуллар. Кучалар тўла ўлик.. Куйиб бўлган бинолардан тутун бурқсайди. Шухрат, Шинелли йиллар. Аваз ветвраччи чақирган эди, қўйларнинг ўлигини кўриб: -Ёндириб, кўмиб ташланглар, — деди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

3 кўчма Ўз хусусиятини (сифатини) йўқотган, қотиб, яроқсиз ҳолга келган. *Ўлик оҳак. Ўлик цемент. Ўлик чигит. — Оҳак қиёми кетса, Қотиб бўлар ўлик ганж. К. Муҳаммадий.*

4 кўчма Жон асари йўқ, мурданики сингари. *Ўртада ўн тўртта минглик қоғоз уюмини кўргандагина, Қулматқоранинг ўлик кўзларига нича жон кирди, ўрнидан кўзғалиб, чўкка тушиб ўтирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. ..Мастуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилгандай, ҳаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.*

5 кўчма Ҳаётдан нишона йўқ; кимсасиз, ҳаракатсиз. *Ушандай ўлик қишлоқда бой-қушга ухшаб кимдир истиқомат қилади. С. Анорбоев, Оқсой. Кимсасиз, ўлик кўринган дашт одамлар билан жонланиб кетди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

6 кўчма Таъсирсиз, ҳис-ҳаяжон уйғотмайдиган, зериктирадиган. *Кундалик ҳаётимизда шунақа ўлик нутқларни озми эшитамиз! А. Қаҳҳор, Қуюшқон. Заруратсиз, ички дардсиз, эҳтироссиз ёзилган асар ўлик бўлади. Газетадан.*

7 Бисотда сақланидиган, ишлатилмайдиган мол ҳақида (маблағга нисбатан қўлланади). *Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки пул бекор банд бўлиб, ўлик ҳолда қолади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

Ўлик табиат Ҳайвонот ва ўсимлик оламига мансуб бўлмаган нарсалар; тирик организмлардан бошқа жисмлар мажмуи. **Ўлик тиллар** Ёзма манбалардан маълум бўлган, ҳозир кундалик ҳаётда қўлланмайдиган тиллар. **Ўлик уйқу қ. уйқу 1.** **Ўлик эт** Тирик организмнинг касаллик ёки қариш туфай-

ли ўсиш, ривожланишдан тўхтаган, кўпинча кўчиб, тушиб кетадиган қисми. **Яранинг ўлиги** Яра ичида қотиб қолган фасод. **Ўлса, ўлиги ортиқ** Бир неча марта яхши. *..ўзи кўчиб кирган уйнинг ҳам эски кўрғончасидан «ўлса, ўлиги ортиқ» бўлиб, бола-чақаси яйраб қолганини мақтай кетди. Ҳ. Назир, Сув гадо-си — оқпадар..*

ЎЛИКХОНА Мурда сақланидиган, ёриб текшириладиган ва кўмиш учун бериладиган махсус бино.

ЎЛИМ 1 биол. Организм ҳаёт фаолиятининг бутунлай тўхташи, тугаши; ортга қайтмас жараён, ҳужайра ва тўқималарда физиологик жараёнлар тўхтаб, ортга қайтмас ҳолат содир бўлиши.

2 Инсон ёки ҳайвон ҳаётининг тўхташи; вафот, қазо. *Отнинг ўлими — отнинг байрами. Мақол. — Гулнор ўлимининг учинчи куни Самарқанддан уларнинг бир қариндоши.. келган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Белбоғ олиб келган одам ўлим олдидан марҳумнинг нималар дегани ва қайси самоварда учратгани, бировни кўп тилга олганини сўзлади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Жон таслим қилиш, жон бериш жараёни, вақти. *Майли, сиз учун ўлимга ҳам тайёрман. П. Қодиров, Қора кўзлар. Лекин, Гулнорнинг ўлими олдида айтган сўзларини Гулсумбиби ўз эрига уқтирган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Хайрият, ўлим чекинди, икки ойдан сўнг бемор оёққа турди. Газетадан.*

4 с. т. Ўлим юз бериши ва у билан боғлиқ ҳолат, шароит, жараён. *Ўзингиз биласиз, бултур падар марҳум бўлган эдилар, бугун бошимизга яна ўлим тушадиган бўлиб қолди, тоғам Ҳомидни аллакимлар чавоқлаб кетибдилар! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўлим — туй эмас, борнинг пулини сочади, йўқнинг сирини очади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

Ўлим жазоси Айбдорни ўлдириш кўзда тутилган жазо чораси. *Бу ярамаслар ўлим жазосига ҳукм этилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Ўлим тўшагида ётибди Ўлими жуда яқин, ўлим ҳолатида. Ўлим тўшагида ётганида ҳам ҳазилини қўймаган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан (ёки нарсадан) хабарим йўқ* Бирор нарсадан хабарсизликни алоҳида таъкид билан ифодаловчи ибора. *Бекор гап!*

Ўлимдан хабарим бор, бу гандан хабарим йўқ.. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЎЛИМ-ЙИТИМ Ўлим ёки бошқа бир сабаб билан ажраб қолиш, абадий йўқотиш. Ҳар нарса бўлса бўлсин — ўлим-йитим бўлмасин. ■ *Илҳомжон, уз одатига кўра, яна бахтсиз ҳодисалар, ўлим-йитим ҳақида гапирга бошлади.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЎЛИМЛИК этн. Кимсанинг ўз дафн маросимлари учун олдиндан ажратиб, сақлаб қўйган буюмлари ёки пули. 68 ёшли кампир Ҳамро хола машина ҳайдашни билмайдиган ўғлига «Москвич» олиб берибди. Бу машина кампирнинг ўлимлиги эмиш. И. Қаландаров, Шохиламас, баргида. *Меҳрибон буви.. эски пешонабоғига тугилган бир даста пулни чолига узатди: — Мана буни қўшиб қўйинг, буваси, ўлимлигимга йиғувдим.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЎЛИМНОМА кам қўл. Бирор кимсани ўлдириш, йўқ қилиш ҳақидаги ёзма ҳукм ёки буйруқ. *Зарба бердик беомон бир яшин каби.* Ўлимнома бўлмишиди халқнинг ғазоби. Уйғун.

ЎЛИМСА шв. айн. ўлакса I. — *Меҳмонлари ўлимса бўлса, ўзи ўлимсахўр, — деди.. бири.* С. Айний, Қуллар.

ЎЛИМСАХЎР шв. айн. ўлаксахўр I. Сен ўлимсахўр, мурдахўр бир ҳайвонсан. С. Айний, Жаллодлар.

ЎЛИМТИК I Ўлган жонивор, ўлик, ўлакса. *Қузғун, қорақуш, тасқара каби қушлар ўлимтик билан оқиқланади.*

2 Ўлар ҳолатга етган; ўлакса. *Бу ўша абжағи чиққан жаҳонгир. Бу ўша, ўлимтик жодугар, айёр.* Уйғун. *Бу ўлимтикни қаердан топиб келдингиз. Биз берган зотли сигирнинг учдан бирига ҳам тўғри келмайди-ку.* «Муштум».

3 Заиф, кучсиз. *Чиммат орқасидан ўлимтик товуш эшитилди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Девордаги кўкиш тун чироғи ўлимтик нур сочади..* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

4 *кўчма* Очкўз, қурумсоқ, Ўлимтик одам.

ЎЛИМТИКЛИК Очкўзлик, қурумсоқлик. *Ўзининг ўтакетган ўлимтиклиги билан, пайтини топганда, оғиздаги ошга ҳам чанг сола бошлаган Махзумнинг хатти-ҳаракати мурид ва мухлисларнинг асабига теғди.* Файратий, Довдираш.

ЎЛИМТИКХЎР айн. ўлаксахўр. *Кўзини очиб, осмонда самолётлар ўрнида настлаб чарх урган ўлимтикхўрларни кўрди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЎЛКА I айн. мамлакат I. *Бир сўз билан айтганда, республикамиз импорт ўлкасидан экспорт ўлкасига айланиб бормоқда.* Газетадан.

2 Мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликка эга бўлган бирор қисми. *Хоразм кўп узоқ ўлка, «Муштум» тоға чиқар йўлга..* «Муштум». *Шохрух мамлакат бутунлигини сақлаш ва ўзига содиқ амирзодаларни ўрни-ўрнига қўйиш мақсадида.. вилояту ўлкаларга кўпроқ ўз ўғилларини юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Бирор нарса, ҳодиса кўп бўлган, ишғол этган, қоплаган. *Чўпон қўбизининг мунгли куйлари эл кўрмаган қизалоқни афсоналар ўлкасига олиб кетарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Бир мамлакат — кекса, жафокаш, Қадим давлат, қумлар ўлкаси.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Нурхона Бекобод шаҳридан бир неча чақирим йироқликда, «шамоллар ўлкаси» — Фарҳод қоялари яқинида барпо этила бошланди.* Газетадан.

ЎЛКАШУНОС Ўлкани ўрганувчи. *Ўлкашунослар тўғараги.*

ЎЛКАШУНОСЛИК I Ўлкани ўрганишиши; ўлкашунос касби. *Ўлкашунослик — қизиқарли машғулот.*

2 Ўлкани ўрганиш ҳақидаги фан; мамлакатнинг бирор ҳудуди ҳақидаги тарихий, географик ва ш.к. билимлар мажмуи. *Машҳур табиатшунос А. Федченко юрган йўллар, у очган музликлар, ўлкашунослик фанига қўшган ҳиссаси бизни қойил қолдирмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎЛМАС I Ўлмоқ фл. бўлишсиз ефдш. *Ҳунарли ўлмас, ҳунарсиз кун кўрмас.* Мақол. *Бир кунга ҳўкиз ўлмас, Икки кунга эгаси бермас.* Мақол.

2 Кишилар хотирасида доим сақланадиган, унутилмайдиган, ҳамиша тилга олинадиган. *Ўлмас асар. Ўлмас кашфиёт.* ■ *Кимсасиз кўринган кечада, хилват, баҳайбат тоғда.. киши хаёлига ўлмас афсоналар келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўз қадри, қимматини йўқотмайдиган, ҳамиша керак бўладиган. *Ўлмас мол. Ўлмас буюм. Ўлмас ҳунар.*

4 Ўлмас (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЎЛМОҚ I 1 Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ. *Ўз ажали билан ўлмоқ. Йиқилиб ўлмоқ. Ботир ўлса, номи қолар, Номард ўлса, неси қолар.* Мақол. ■ *Кечга яқин йўл устида ярадор лейтенант ўлди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Бунинг устига кутилмаганда бир сурувдан устма-уст икита кўй касалланиб ўлди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Йўқ бўлмоқ, барҳам топмоқ. *Ҳаваси ўлмоқ. Иштаҳаси ўлмоқ.* ■ *Муҳташам саройларнинг зиёси кетган, Ўлаётган синфдек зиёси кетган.* Файратий. *Ер юзида ўлмасин, номингни сақлаб қолгин.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 Бирор сифати, хусусияти ва ш.к. ни йўқотмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Ўлган оҳак.* ■ *Робия хола қайноғи ўлиб қолган чойдизига ўт қалаб юборди.* С. Зуннунова, Олов.

4 Бирор ҳаракат-ҳолат таъсирида жуда ночор, оғир аҳволда қолганликни билдиради. *Мирмуродов соатни бир амаллаб олти қилгунча ўлаётди.* «Гулдаста». Э. вокзалнинг олдида ўлдим-чарчадим, афтимнинг куясини кўр. Ойбек, Болалик.

5 кўм. фл. вэф. Етакчи феъл билдирган ҳаракатни кучайтириб ифодалайди, ортиқ даражасини қайд этади. [Тўйбека:] *Мени эрга берганларида, сенга ўхшаш мен ҳам йиғлаган эдим, аммо ичимда никоҳ кунининг тезроқ келишини кута-кута ўлган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Қимматхон ҳар келганида, она сизирдай ялаб-юлқаб ўлади.* Шухрат, Жаннат қилдирганлар.

Ажалидан беш кун бурун ўлмоқ Ўз ажалидан илгарироқ, бевақт дунёдан ўтмоқ. [Кумуш:] *Ўғрилар тешиб, олдимга чиққанларида, мен нима қилар эдим? Оҳ, отажон! Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Уятга (ёки номусга) ўлмоқ** Қаттиқ ҳижолат чекмоқ, изза бўлмоқ, уялиб ўсал бўлмоқ. *Сидиқжон номусга ўлиб, ғазабидан кўзига қон тўлиб, нима қилишини билмай, хийла туриб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Эти ўлмоқ** 1) бадани сезмайдиган, ҳис қилмайдиган бўлиб қолмоқ. *Дарра келгунча этим ўлиб, дарра еганим билинмайди.* «Латифалар»; 2) таъсирланмайдиган бўлиб қолмоқ; кўникиб, одатдагидай қабул қиладиган бўлмоқ. *Ё гирт содда, ё анойи.. ёки аёлларни кўравериб.. Поччаев аччиқ ҳазил, кинояли гаплар, ҳат-*

то калака қилишлар ҳам кор қилмайдиган бўлиб, эти ўлиб қолган эди. А. Мухтор, Туғилиш. **Ўлай агар** Иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш. к. нинг чинлигини алоҳида таъкиллайди. *Ўлай агар, кўрганым йўқ.* ■ *..ўлай агар, бор-йўқ пулим шу, мен мусофирман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **Ўлганнинг кунидан** Бошқа иложи бўлмаганидан. *Ўлганнинг кунидан рози бўлдим.* ■ *Ўлганнинг кунидан чолга тегиб бораман.* «Кўшиқлар». **Ўлганнинг устига кўмган** Бир кўнгилсизлик устига бошқасининг юз беришини ифодаловчи ибора. *Буниси ўлганнинг устига кўмган бўлди.* «Муштум». **Ўлганнинг устига (чиқиб) тепмоқ айн.** *Ўлганнинг устига кўмган.* *Худойга шукур, кўлингда хатинг бор, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек хат-хабарсиз қўйма!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўлиб бўлдим ёки ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим** Бирор нарса ҳаракатида, таъсирида жуда ҳолдан тойганликни, ўлар ҳолатга етганликни билдиради. *Уҳ, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз кўйни ҳайдаш нуқул азоб!* Ойбек, Танланган асарлар. *Юпатгунимизча эр-хотин ўлиб бўлдик.* С. Зуннунова, Янги директор. *Шарифжон, ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим.* *Бу поччанг мени адо қилди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ўлиб турган (ёки юрган) экан** Жуда хоҳлар, жуда иштиёқманд экан. *..дундиқчангни муҳайё қилиб берайлик, дедим.* *Жонкелди ўлиб турган экан, қулоқ қоқмай, хўп, деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам, деб томоғи қақраб ўлиб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўлмаган менинг жоним (ёки сенинг жонинг)** «Мен бундан баттарига ҳам чидаганман»; «фақат сен чидайсан, шунча чидабсан» маъносига ибора. *Вой, Марасул ака-ей, ўлмаган сизнинг жонингиз!* *Бу шаллақи билан қанақа умр қилиб келатибсиз?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Ўлса ҳам** Қатъий инкорни билдиради. *Ўз отасини сийламаган, ўлса ҳам бизни одам ўрнида кўрмас!* «Ёдгор».

ЎЛМОҚ II эск. Бўлмоқ. *Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса, ажаб эрмас.* Завқий. *Лутфу карамингиз ила кўнгилларимиз чарогон ўлиб.. дуои жонингизни қилмоқ ила хурраммиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЎЛПОН тар. Ердан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ; ер солиғи. *Бир кун хоннинг ўлпон йиғувчилари қишлоққа чиққанларида, Ботирали уларни қаттиқ ҳақо-*

рат қилибди. *Ф. Расул, Тўнғич ўғил. [Жайноқ:] Хўжайиннинг подшоликка ўлпон тўлаганда, биз тўламабмизми? Н. Сафаров, Уйғониш. Сенларга неча қур айтдим-а: қарзларингни тўлаб қўй, ўлпонни бер, деб. Қулақ солдинларми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ЎЛПОНЧИ *тар.* Ўлпон йиғувчи. *Кузга бориб ошлик ҳам, пахта ҳам ёлчитмади. Бир ёқдан ўлпончилар зуғум қилади. С. Сиев, Аваз.*

ЎЛТАНГ *шв.* Сув тақсимловчи тўгон. сув тақсимлагич. *Тошсоқа магистрал каналининг ҳам қути учиб қолган — сув ўлтангда шилдираяпти. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.*

ЎЛТИРИШ *эск. айн. ўтириш 1.* Энди Раённинг, ҳар ҳолда, чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас, шунга биноан бир хуроз чақирғи ўтегунча қутиб ўлтиришини чамалар эди. *А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ЎЛТИРМОҚ *эск. айн. ўтирмоқ.* Тўғри сўзламайсиз, *Отабек, бу кунгача меним кўрпачамда ўлтириб юрган Шокирбек отли бир йигит эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЎЛЧАГИЧ *Нарсаннинг ўлчамини белгилаш, ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб. Ўлчагич билан тегириб кўрмоқ. Ўлчагич воситасида аниқланмоқ. Ўлчагич асбоб. ■ У ерда лабораториядагидай эгри-бугри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчагичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар. С. Анорбоев, Оқсой. Вақт ўлчагич — соат кашф этган Ҳожи Муҳаммадга Темурхон бир хуржун олтин инъом этган экан. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЎЛЧАК *шв.* Ўлчов, ўлчам. *Амлоқдор уларга [деҳқонларга] ҳам илгаридан экилиб келган ерлар қаторида бир ўлчакдан солиқ солди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

ЎЛЧАМ *Нарсаннинг ҳажми ёки каттакичилигини ифодалайдиган рақам кўрсаткичи; ўлчов; размер. Ўлчами 3 м бўлган хона. 500 см ўлчамдаги идиш. Бош кийим ўлчами. ■ Қадимги юнон олимлари Ернинг шаклини аниқлаш билан бирга, ўлчамларини топиш билан ҳам шуғулланишган. «Фан ва турмуш».*

ЎЛЧАМЛИ *Ўлчамга хос бўлган; ўлчамдаги. Қисқа ўлчамли кабеллар проценти меъёридан анча камайди. Газетадан.*

ЎЛЧАМОҚ 1 *Ўлчов асбоби воситасида нарсанинг узунлиги, ўлчамини белгиламоқ.*

Ёгочнинг узунлигини ўлчамоқ. Майдон сатҳини ўлчамоқ. Оқаётган сув миқдорини ўлчамоқ. Етти ўлчаб, бир кес. Мақол. ■ Қани, яхши қиз, ўрнингиздан туринг, бўйингизни ўлчаймиз. И. Раҳим, Ихлос. Сотувчилардан бири сут ўлчамоқда. «Муштум».

2 *Фикр-мулоҳаза билан чамасини, ҳисобини қилмоқ, белгилашга ҳаракат қилмоқ. -Кечаси бир маҳалгача гаплашиб, ҳамма бўладиган гапни ўлчаб, чамалаб кўрдик, — деди чол. П. Турсун, Ўқитувчи. [Ҳасанали] Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Ўз гази билан ўлчамоқ қ. газ 1.

ЎЛЧОВ 1 *айн. ўлчагич. Ақлнинг ўлчови — идрок. Мақол. ■ Хонанинг бурчагида Меъморнинг асбоблари: ўлчовлар.. андоза, курак, теша, табар, чўқморлар ҳам тўнлаб қўйилган. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 айн. ўлчам. *Сочларини чамбар қилиб олган навбатчи қиз, бир ўлчовда кесилиб, патнисда терилган қора нонларни Элмуродга тутуди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Ўлчов бирлиги *Муайян катталиқни миқдоран баҳолаш учун асос қилиб олинadиган катталиқ.*

ЎЛЧОВЛИ 1 *Муайян ўлчовдаги, белгили ўлчовга эга (бўлган). Озиқ-овқат ўлчовли. ■ Гоҳи озроқ, гоҳ зиёда — Ўлчовли фурсат берилар, Ким суворий, ким пиёда — Умри омонат берилар. Б. Бойқобилов.*

2 *Муайян бир ўлчовда, бир хилда, бир текисда содир бўладиган; бир хил. Кўкрагига автоматлар осган, ўлчовли одимлар отиб, қора булутдек масофани қамраган, қалин фашист тўлқини келмоқда. Ойбек, Куёш қораймас.*

ЎЛЧОВСИЗ 1 *Ўлчами аниқ бўлмаган, ўлчанмаган. Ўлчовсиз ҳосил. Ўлчовсиз мато. Ўлчовсиз ер.*

2 *Ўлчаб бўлмайдиган даражада; кўп, беўлчов. Бир онда у [Йўлчи] ўз кучининг ўлчовсиз даражада ўсганини сездди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЎЛЧОВЛИ *айн. ўлчовли. Азизим, вақт жуда ўлчовли. Ишни бир оз жадаллаштириб юборасиз. Мирмуҳсин, Меъмор. Биттагина взвод, қурол, ўқ-дори ҳам ўлчовли. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

ЎМАРМОҚ *с. т. Яшириқча олиб кетмоқ, ўзлаштирмоқ; ўғирламоқ. Сават-са-*

ват пачақ тухумларни пулловчи қаллоб одамлар.. бу ердан анча пулни ўмариб кетар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўғил деди: - Шу фурсат қўлай: Отам йўғ-у, пулни ўмарай.* С. Абдуқаҳҳор. *Чойдан ур, деса майдан ҳам ўмариб қоладиган баъзи ходимларига кўз югуртириб чиқиб, сирли овоз билан шундай деди.. «Муштум».*

ЎМБАЛАМОҚ шв. Мункимоқ, мункиб йиқилмоқ. *Зиёбекнинг оти бирдан шудгорга келиб ўмбалаб қолди.* Н. Фозилов, Оқим.

ЎМБАЛОҚ; ўмбалоқ ошмоқ 1) бошини қуйи ёки орқага ташлаб ағнамоқ, айланма ҳаракат қилмоқ. *Дарвоз узун лангарни ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда, ўмбалоқ ошиб ўйнамоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

..бир тўда каптар катта даврада парвоз этар, учиб бораётган ерида ўмбалоқ ошиб ўйнарди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар; 2) худди шу тарзда қуламоқ. *Кенжа жон ҳолатда отни қамчиларкан, от.. мункиб кетди. Кенжа тошга ўмбалоқ ошиб тушиди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ЎМБОҚ-ДЎМБОҚ Сирти тепалар ёки чуқурликлар билан қопланган; баланд-паст, нотекис. *Ўнқир-чўнқир, ўмбоқ-дўмбоқ жойлар текислангач, чўлга анча файз кирди.* М. Назаров, Сирли хат.

ЎМГАК с. т. Ўмган. *Худоёр, чарчаган кишидек, стол қиррасига ўмгагини тираб олди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *От мункиб кетиб, ўмгаги билан шағалга қадалди-да, ағнаб, бир неча минутнинг ичида ўла қолди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ЎМГАН Кўкрак. тўш. *Ўтқир сўз ўмганни тешар.* Мақол. ■ *Бериб ўмганни ерга, гоҳ эмаклаб, Тикиб кўз, ун чиқармай, лабни тишлаб.* Ҳабибий. *Ниҳоят, Пўлат Қосимий аста ўмганини кўтарди.* А. Дилмурод. *Фано даштидаги қуш. Тирноқча ножўя сўз.. унинг таъбири билан айтганда, ўмганини тешиб ўтарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎМГАНЛАМОҚ Кўкрак кучи билан ўзига йўл очмоқ, кўкрак кериб, олға интилмоқ; бор кучи билан олға интилмоқ. *Бош кўтармасмиз теримни дўндириб, қойил қилиб, Интилиб, ўмганлаб, олға сурмаслик то бошқача.* Ҳабибий.

ЎМИЗ 1 Елканнинг қўл билан туташган қисми. *У менинг ўмизимдан Бир отадай ушлади.* Миртемир.

2 махс. Кийимнинг енг ўтказиш учун ўйиладиган жойи.

ЎМИЛДИРИҚ Икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчи учини отнинг ўмови орқали ўтказиб, айилга бириктириб қўйиладиган безакли қайиш тасма (эгарнинг орқага сурилиб кетмаслиги учун хизмат қилади). *Қўшиннинг икки ёни ва орқа томони ни ҳимоя қилиб турган отлиқлар сувлигини чайнаб, тилла ўмилдириқларини офтобда ярқиратиб турган сафсиз арғумоқларнинг бошини қўйиб юборадилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бошида кумуш юган, кўксидаги ўмилдириқларида ҳам кумуш қуб-бачалар бор.* Ш. Холмирзаев. Қил кўприк.

ЎМРОВ айн. **кўкрак.** *Иброҳимбек попуқли лўла болишни тортиб, тиззасига қўйди.* Унга ўмовини тираб олди. Ш. Холмирзаев. Қил кўприк. *Сув гунчакдан ошиб, отнинг ўмовига чиқди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎМРОВДОР айн. ўмовли.

ЎМРОВЛАМОҚ кам қўлл. Ўмовни ишга солиб, ўмов билан олға интилмоқ, ўмганламоқ. *Бульдозерлар дўнглари ўмовлаб сурди.* Й. Шамшаров, Енгиш.

ЎМРОВЛИ Ўмови кенг; кўкракдор. *Арслонқул барваста қомат, ўмовли, содда, ун саккиз яшар йиғитча эди.* Ойбек, Навоий. *Ўмовли не полвонлар Йиқилди майдон ичинда.* «Равшан».

ЎН 10 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Иккита беш ўн бўлади. Ун километр. Ун киши. Ун марта. Бирни кессанг, ўнни эк.* Мақол. ■ *Бир савдогар ўн той молни олиб, бир зумда қорасини ўчирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо қиз узоқ кетмади, ўн қадамча нарида тўхтаб, бошидаги чопони ичидан бир қиё боқиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ўн гулидан биттаси ҳам очилмаган қ. гул 1.

ЎНАҚАЙ 1 Ишни ўнг қўли билан бажарадиган; зид. **чапақай.** *Ўнақай бола.*

2 Ўнг, қулай бўлган ҳолат, фурсат. *Аммо энди унга Марғилон бориш ўнақайи сира келмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизга фақат ишнинг ўнақайини топиб, хондан тасдиқ эттиришигина қолган!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кимса ёки нарсанинг ўнг томонида бўладиган, ўнг томонга оид. *Ўнақай этик.*

Ўнақай қўлқоп. Ўнақай ошиқ (хайвоннинг ўнг оёғидан олинган ошиқ).

ЎНБОШИ 1 Ҳарбий ўнвон; ўн кишидан иборат энг кичик ҳарбий бўлинма бошлиғи. -*Қўлингни тушир, қийшайма!* - Сарбоз дўқ урди. - *Навқар ёшулли билан қандай мулоқотда бўлмоғини ўнбоши айтмадими?* Мирмуҳсин, Чўри.

2 эск. Бригадир, бригада бошлиғи.

ЎНБОШИЛИК Ўнбоши иши, лавозими, Анали. *Ҳаҳ, оти нимаиди? Болаларга ўнбошлик қилиб турган ўртоғинг-чи?* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ташкил қилинадиган кетмончиларга ўнбошлик вазифасини Берди татар ўзига сўраб олди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎНГ 1 1 Гавданинг юрак ўрнашган томони а қарама-қарши тарафида жойлашган; *зид. чап, сўл. Ўнг қўл. Ўнг оёқ. Ўнг бетида холи бор. Ўнг елка. Ўнг биқин.* ■ *Гоҳ чап оёқ, гоҳ ўнг оёқда туриб, аранг ўнгача санадим.* С. Сиёсий, Ёруғлик.

2 Худди киши гавдаси олд томонига нисбатан бўлганидек, нарсаларнинг олд йўналишдаги, олдга қараган ҳолатдаги ўнг томон қисми; *зид. чап, сўл. Йўлнинг ўнг бети.* ■ *Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғида ўнлаб янги шаҳарчалар, посёлкалар бор.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Бу орада танкларимиз жилғадан бирин-кетин чиқиб, тепаликнинг ўнг ёнбағридан ўрмалай кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ўнг томон. *Хотин.. асл ўрданинг улуғ мухташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўнгдаги янги йўлга бурилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Душман гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёғилган ўққа учрар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 от Қулай, мувофиқ ҳолат, фурсат; *яна қ. ўнақай 2.* *У қочиб кетишнинг ўнгини тополмай, қайрағочга суяниб ўтириб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Иш ўнгидан келмоқ Иш кўнгилдагидек бўлмоқ, юришмоқ. *Ишимиз ўнгидан келди, Полвон, хон ҳазратлари икки юз таноб ер ингом қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўз ўнги хиралашмоқ** (ёки қоронғилашмоқ) Кўз қаршисида ҳеч нарса кўринмайдиган ҳолат юз бермоқ. *Фуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шигиллаб, кўз ўнги хиралашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мансур тишини тишига қўйиб, ўрнидан турди. Кўз ўнги қоронғилашса ҳам,*

чидади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ўнгига келмоқ** Назарида гавдаланмоқ. *Онасининг вафотидан кейин ҳувуллаб қолган ҳовли кўз ўнгига келди шекилли, Мансур қуруққина шивирлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ўнгида** Кўриб, кузатиб турган ҳолатда; олдида, рўпарасида. *Унинг кўз ўнгида чопиб, жар солиб, Шовқин-сурон билан оқар бир дарё.* Ҳ. Олимжон. *Ҳозиргида кўз ўнгимда: чойхонанинг орқа томонида кичкина хужра бор..* Газетадан. **Ўнг келмоқ** Қулай, муносиб ҳолат, шароит юз бермоқ. *Ўғрида инсоф бўладими? У уйда ҳам, кўчада ҳам — ўнг келган жойда бировнинг молига қўлини чўзаверади.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. **Ўнг қўл 1)** ўнг томон. *Ўнг қўлдаги қатор тутлар панасидан Гулсум опа чиқди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса; 2) раҳбар, бошлиқ ва ш. к. нинг энг биринчи, энг ишонган ёрдамчиси. *..раиснинг ўнг қўли бўлгандан кейин, шу билиниб турмасе бўладими..* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Соли совуқ мингбошининг ўнг қўли бўлса, Жуман писмиқ Соли совуқнинг ўнг қўли.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги илғор оқимга, тараққиётга душман; консерватор, реакцион. *Ўнг партия. Ўнг лейбористлар. Ўнг социалистлар.*

ЎНГ 2 Амалда, ҳақиқатда содир бўладиган воқеа ёки ҳодиса, воқеа ҳолат. *Қудрат севгилиси ёнида, унинг ҳусн-жамолини ўз кўзи билан кўриб турибди. Бу туш эмас, ўнг, ҳақиқат.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Қани энди, ҳозир шу тушим ўнг бўлиб қолса.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Туш ўнг келмоқ Тушида кўргани ҳаётда ҳам юз бермоқ, туши тўғри бўлиб чиқмоқ. *Кўрадиган тушларининг барчаси ўнг келаверади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Мен бир ваҳимали туш кўрдим.. Илоҳим, тушим ўнг келмасин.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЎНГ 3 1 Нарсанинг одатда кўриниб турадиган томони, сирти. *зид. терс, тесқари. Барғнинг ўнги. Газламанинг ўнги. Кўйлак ўнги.*

2 Нарсанинг фойдаланишга қулай бўлган томони, тўғри тutilган ҳолати. *Газетанинг ўнги. Китобнинг ўнги. Пичоқнинг ўнги. (тиғи). Китобни ўнг ушламоқ.*

ЎНГАРМОҚ 1 Елкага ёки улов устига кўндаланг қўймоқ, олмоқ. *У энгашиб, кат-*

тагина боғ машоқни елкага ўнгариб келар эди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? [Мусавой:] Жон ака, айтинг, бўри қандай бўлади? Қўйни бирдан бўғиб, ўнгариб кетармиш-а? Ойбек, Болалик. Саломатни отга ўнгариб олиб қочган, уни қўрбошига пешкаш қилган ким? С. Аҳмад, Хукм.

2 айн. ўнгламоқ (тўғри ва кўчма маънода). -Бизнинг туман бойлари.. ўз ишларини озгина вақтда ўнгариб оладилар. - деди бой. С. Айний, Қуллар. ..ўз рақибини чунонам урдик, у «гун» этиб ера йиқилди, аммо ўзини дарҳол ўнгариб олди. Ж. Шарипов, Хоразм. «Пахтакор» футбол командаси ўзини сал ўнгариб олди. «Муштум». Онаси ҳовлиққанидан калишларини ўнгариб киёлмасди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЎНГИМОҚ Ранги йўқолмоқ, асл ранги ўзгармоқ, туси ўчмоқ. Бундай бўёқ билан бўялган мато ўнгиб кетмайди. «Фан ва турмуш». Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎНГИР Ўйилган, чуқур жой; ўйиқ. Йигитлар дарахларда, тоғ ўнгирларида туриб, сонқон отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўнаё берибди. Ойдин, Олтмиш газ арқон. Сўнги қор ҳали тамом эриб битмаган, ўқтин-ўқтин жойда, настқамлар ва дўнгликларнинг кунга тескари ўнгирларида лахтаклахтак бўлиб ётибди. Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ЎНГЛАМОҚ 1 Қулай, ўнг ҳолатга олмақ, келтирмақ; тўғриламақ. Аҳмадjon шошмасдан милтиғини ўнглади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қўзибой.. папкасини ўнглаб олиб, Қудратни бошлаб бораркан, гап орасида сўраб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўчма Меъёрий ҳолатга келтирмақ; яхшиламоқ. Ишини ўнгламоқ. ■ Селдан, дўлдан зарарланган гўзаларнинг ўнглаб олиш осон бўлмади. Газетадан. Сафарали бир нафасга каловланиб қолди-ю, ўзини тезда ўнглаб олди. Н. Фозилов, Дийдор.

ЎНГМОҚ Ўнганмоқ, дуруст бўлмоқ. Бошқалари у ёқда турсин-а, пахтанинг ўзи билан ҳам ишимиз ўнгмасди. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЎНГ-СЎЛ, ўнгу сўл 1 Ўнг ва чап томон. Ўнг-сўлга (ўнгу сўлга) назар ташламоқ.

2 Ўраб турган томонлар; атроф. Ўнг-сўл кўчаламзор. ■ Салимбоев ўнг-сўлига қарамасдан, ишга киришди. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. Тўхта, болам, бир насиҳат айлайин, Душманларинг бордир ўнгу сўлингда. «Нурали».

3 кўчма Ўраб турган шароит; вазият. Йўлларим порлоқ, тўсиқ бўлмагай, Аниқлаб олдим мен ўнгу сўлимни. Файратий.

ЎНГ-ТЕРС 1 Бирор нарсанинг ўнг ва тескари томони, ўнги ва терси. Газламанинг ўнг-терси. Ноннинг ўнг-терси. ■ Бизнинг итурмчиларимизнинг ҳаракатидан сўнг фашист солдат ва офицерлари кийимларининг ўнг-терсини тополмай қолдилар. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 кўчма Бирор нарсанинг ҳар томони, ҳар жиҳати. [Ҳасанали] Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўнг-терсига қараб Ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўриб, ҳар жиҳатини ҳисобга олиб. -Худога шукур. Лаби-даҳанимизга чипқон чиққан эмас, тоға, гапнинг ўнг-терсига қараб гапириш лозим бўлса, бир одамчалик гапира олармиз, дейман, - деди Бозорбой. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўнг-терсига қарамай ёки ўнг-терс** Фарқига бормаё, эътиборсизлик билан; пала-партиш. **Ўнг-терсига қарамай ишламоқ.** ■ Зайнаб бу ёлғонлаш натижасидан кўрқиб, ўнгу терс ишига ёпишди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎНГЧИЛИК эск. Ўнг оқимдагиларга хос маслақ, ўнглик; консерватизм.

ЎНЛАР : ўнлар хонаси мат. Кўп хонали сонларда охиридан иккинчи хонадаги рақам номи ва унинг ўрни.

ЎНЛИ мат. Ўнлаб ҳисоблашга асосланган. Ўнли саноқ системаси.

Ўнли каср Маҳражи ўн, юз, минг ва ҳ.к. рақамлар билан ифодаланган каср. **Ўнли тарози** Тортиладиган нарсанинг оғирлиги ундан ўн марта енгил тошлар воситасида ўлчанадиган тарози.

ЎНЛИК 1 Ўнни ифодаловчи рақам.

2 Ўнта холи бўлган домино, қарта ва ш.к. Таппоннинг ўнлиги. Доминонинг ўнлик тоши.

ЎНТАЛИК с. т. 1 Ўнта бир хил нарсадан иборат. Ўнталик папирос.

2 с. т. Ўн сўмлик қоғоз пул; червон. Ўнталикларни чўнтакка жойламоқ. Ўнталик пуллар.

ЎНҚИР Ўйилган, чуқур жой: *Ўнқирларга солинган қамиш, похоллардан эҳтиёт бўлиб ўтиш керак. Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши. . . тўлқин борган сари кучайиб, ўша сув остида юрган нарсаларни ўнқирларга суриб ташлар, ўзининг тўғри йўлида давом этарди. «Муштум».*

ЎНҚИР-ЧЎНҚИР Юзасини чуқурликлар ва дўнгликлар қоплаган; баланд-паст, нотекис, ўйдим-чуқур. *Фойтун Тозабоб дарвозасига қараб яна тез-тез паст-баланд, ўнқир-чўнқир йўллардан ўтиб борарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Йўлнинг кўпи қир ва сойлик, ўнқир-чўнқир бўлгани учун, туялар чайқалиб-чайқалиб борар, бундан менинг бошим айланиб, кўнглим озар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Қоялар остида, тепалар тагида, ўнқир-чўнқирларда яшириниб қолган қор нарчалари баҳор кўёшининг иссиқ нафаси билан қозонга тушган ёғдек эриб, кўз шғамас жилғаларни тўлдирган ҳолда, сой тубига равона бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ЎНҚИР-ЧЎНҚИРЛИК Ернинг паст-баланд жойи; ўнқир-чўнқир жой. *Набижон отни жадаллаб ҳайдаб борар, йўлнинг ўнқир-чўнқирлигидан тинмай силкиниб бораётган бу йўловчилар индашмас эди. С. Зуннуова, Гулхан.*

ЎНҚОВ с. т. Имконли, қулай ҳолат; имконият. *Қандай бўлса ҳам, бир ўнқовини топиб.. орзу-ҳавасли тўй ўтказиш ниятида эдилар. Ф. Фулом, Эшон. Бугунча ишнинг ўнқовини қилолмадим, кечқурун яна суриштириб кўраман. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. У кабинетига келиб энди ўтириши билан раис чақиртирди. «Бу ёқдан ҳам бир ўнқови келиб қолганга ўхшайди», деб кабинетга кирган эди.. А. Муҳиддин, Характеристика.*

ЎНҒАЙ 1 Бирор жиҳатдан мос келадиган, фойдаланиш учун қулай, боп, яхши. *Яёв юриш учун бу йўл жуда ўнғай. ■ У серсоқол, тунд рус жангчиси яқинида ўзига ўнғай ўрин танлаб, писиб ётди. Ойбек, Кўёш қораймас. Кейин [Нури] бир неча кун ўйлаб, Йўлчи билан маҳфий учрашувга қарор қилди. Бу орзу кундан-кунга кучайса ҳам, ўнғай фурсатни кутди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Осон бажариладиган; осон, енгил. *Бегонанинг қонига қўл уриб, ярасига малҳам*

бўлиш, унинг азоб чекаётган юз-кўзига қараш ўнғай ишми! Шухрат, Шинелли йиллар. Кишининг дилини билиш ўнғай эмас.. ман ғарибга йўл кўрсатинг [деди Ёрмат] Ойбек, Танланган асарлар. [Навоий:] Ёдгорнинг пойтахтга тез ва ўнғай кирганлиги гоят таажжуб. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ЎНҒАЙЛАШМОҚ Қулай ҳолга келмоқ; осонлашмоқ. *Иш анча ўнғайлашди.*

ЎНҒАЙЛИК 1 Ўнғай, қулай шароит. *Ишга ўнғайлик туғдирмоқ. ■ Мен уни бир ойга қолмай расвосини чиқараман. Унинг енгил табиатли бўлиши менинг ишимга анча ўнғайлик беради. Ҳ. Шамс, Душман.*

2 Осонлик, енгиллик. [*Сокина:*] *Мен бунини ўнғайлик билан боқиб ўстираётганим йўқ. И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор?*

ЎНҒАЙСИЗ 1 Хижолатга соладиган; хижолатли, ноқулай. *Ҳар иккиси ҳам бир-бирининг авзойини кўриб, ўнғайсиз ҳолатда қолдилар. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Орага ўнғайсиз жимлик чўкди. С. Маҳкамов, Шогирд. Элмурод.. бу ўнғайсиз савола дағалроқ қилиб жавоб берди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 с. т. кам қўлл. Бир иш-ҳаракат учун яхши имкон бермайдиган; ноқулай. *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб.. бу тепа, кўрғонсиз ҳам, душмanning хужумига ўнғайсиз эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЎНҒАЙСИЗЛАНМОҚ Ўнғайсиз ҳолга тушмоқ, хижолат тортмоқ. *Аваз отасига тик гапирганидан энди бир оз ўнғайсизланди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Асқар ота шунча хотиннинг ичиди якка ўзи бўлганлигидан нечुकдир ўнғайсизланар ва ҳар қайсига алоҳида-алоҳида «яхшимисиз», дер ва дуо қилар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

ЎНҒАЙСИЗЛИК Ўнғайсиз ҳолат, ноқулай аҳвол. [*Анварнинг*] *Раънога айтмоқчи бўлган сўзи, эҳтимол, унинг ўзига ҳам ўнғайсизлик берар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -Ўйларида кимлар бор экан? - деди Саодатхон ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун. С. Зуннуова, Янги директор.*

ЎНҒАЛМАС Тузатиб бўлмайдиган, яшиланмайдиган; ривож топмайдиган, ўнганлмайдиган. *Ўнғалмас иш.*

ЎНҒАРМОҚ с. т. Ўнгламоқ.

ЎПИРИЛИШ 1 Ўпирилмоқ фл. ҳар. н. *Дарё қирғоғининг ўпирилиши.*

2 кўчма Барбод бўлиш, орқата кетиш, бузилиш. Хўжалик ишларида ўпирилишга йўл қўймаслик. ■ Графикдан орқада қолиб кетдик. Ишда ўпирилиш юз бериши аниқ бўлиб қолди. Газетадан.

ЎПИРИЛМОҚ Ўпирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Қиш, тўхтамай қор ёғади. Қадам босган ерингиз ўрадек ўпирилиб қолади. Ойдин, Суҳбати жонон. Чошиб кетяпман-у, бир маҳал оёғимнинг таги гул этиб ўпирилиб тушса бўладими?! Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЎПИРМА кам қўлл. Ўпирлидан жой, чуқурлик. Кенг, чуқур ўпирма ичидан кишилар юк билан худди тоққа кўтарилгандай тирмашар эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЎПИРМОҚ 1 Ўйиб, бузиб юбормоқ; маълум қисмини учуриб ёки оқизиб, юлиб кетмоқ; емирмоқ. Сув тўғонни ўпириб юборди. ■ Дарё қайнар, тошар, кўпирар, Тўнка остин ялаб ўпирар. «Муштум». Эргаш тўп снаряди ўпирган чуқурга тушиб ётди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Тўп ўқлари қалъанинг пештоқларини ўпириб тушса ҳам, қалъа устига ўрмалаб чиқувчи азамат бўлмади. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кўчма Кўп қисмини ёки бутунлай ўзини йўқ қилмоқ; ўмармоқ, ўзлаштирмоқ. Хирмондаги буғдойни ўпириб юборишибди. ■ Бутун бошли қурилишнинг бир ёғини ўпириб олган Владимир Чекмаров, қараса бўлмайдиган, илиқ-иссиғида ўзини паранага олмақчи бўлди. «Муштум». Дадаҳўжаев бир йилгина ишлаганда, колхознинг бутун молмулкни ўпириши турган гап эди. Газетадан.

ЎПИЧ Севиш, эркалаш ифодаси сифатида лаб тегизиш; бўса. Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англадида: -Ўпичми? Ҳеч бўлмаса, шун тўғри айта қолсангиз, нима бўлар экан! — деди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ЎПИШ 1 Ўпмоқ фл. ҳар. н. [Хотини:] Садқаи эркаклик кетинг, хилватга тортиб ўпишни ҳам билмайсиз! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 айн. ўпич. Унинг эркалашларини.. аёл кишини беҳуш қиладиган қайноқ ўпишларини бегона қилишни истамас экан-да бўлмаса?! К. Яшин, Ҳамза.

ЎПИШМОҚ 1 Ўпшмоқ фл. бирг. н. Бу гап эл-юрт олдига ошкор, тортинмай узоқ ўпишдилар. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Кўришиб, ўпишиб, обдан йиғлашиб бўлганимиз-

дан кейин. ҳаммамиз.. чувуллашиб йўлга тушдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Оғиз-бурун ўпишмоқ Жуда аҳил муносабатда бўлмоқ, иноқлашиб кетмоқ. Фиёсиддин тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Пахтаси ўн беш кун олдин очилди-ю, уни мақтаси ўн беш кун олдин очилди-ю, уни мақтасинми? Аммо ўзи ҳам академик билан нақ оғиз-бурун ўпишиб қолди-да! О. Ёқубов, Диёнат.

2 кўчма Бир-бири билан туташмоқ, бир-бирига уланиб турмоқ. Олдимизда Олой тоғининг чўққилари уфқ билан ўпишиб ётибди. Н. Сафаров, Оловли излар. Ёшларнинг тиниқ овози кўк билан ўпишган азим дарахтлар оралаб ўтиб, кенг атрофга таралмоқда эди. Газетадан.

ЎПКА 1 1 анат. Одам ва қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонларнинг кўкрак қафаси ичига жойлашган бир жуфт, конус шаклидаги нафас олиш аъзоси. Ўпка касаллиги, Ўпканинг яллиғланиши. ■ Ўпкасига ҳаво тўлди, кўзлари ҳам ёришиб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўпкаси йўқ Ўта ҳовлиқма, фикр-мулоҳаза билан иш юритмайдиган. Ишқилиб, юртимиз иши мана бундай ўз қадрини билмаган, ўпкаси йўқ тойлоқчаларга қолмасин-да.. Мирмуҳсин. Супургига сажда. **Ўпкаси кўринмоқ** Бирор нарса дардида ниҳоят даражага етганлик, жуда ҳолдан тойганликни билдирувчи ибора. Маликаҳон деса, ўпкангиз кўринадиган бўлибди-ю, сир бой бермаганингизга ўлайми?! Ф. Зоҳид, Ошиқ ва маъшуқ. Бир тирноқ кўрсам, деб оҳ урса, ўпкаси кўринади. К. Яшин, Ҳамза. **Ўпкаси (оғзига) тиқилмоқ** Ниҳоятда ҳаяжонли, ҳовлиққан, ҳатто гап-сўз айтиш қийин бўлган ҳолатта тушмоқ. Ҳовлиққаннимдан ҳаллослаб, ўпкам тиқилиб қолган экан, бувим жон ҳолатда дивандан туриб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. -Тинчлик эмас, — дедим ўпкам оғзимга тиқилиб. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **Ўпкаси тўлмоқ** Йиғлаш даражасига келмоқ, йиғиси томоғига келмоқ. Чолнинг товуши ўзгарди, ўпкаси тўлди шекилли, бирпас тек қолиб, кейин гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Тоҳир]

Негадир ўпкаси тўлиб, кўзига ёш келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. - *Азизим Ҳаётим, нима бўлди? — деди Фуломжон ўпкаси тўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўпкаси шишмоқ қ. шишмоқ.** Барчаси чарчади, ўпкаси шишди. «Баҳром ва Гуландом». **Ўпкасини босмоқ** Ҳовлиқиш, жаҳл кабидан ўзини тиймоқ. У кули бир энлик сигаретини жаҳл билан чертиб ташлади-ю, ўпкасини босиброқ давом этди. С. Сиёев, Ёруғлик. *Кузингни шира босмасин, акаси, ўпкангни босиб олгин-у ақлингга ривож бер.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ҳў, сал ўпкангизни босиб олинг, тинчликми ўзи?* «Муштум». **Ўпкасини тутолмаслик** Йиғини тия олмаслик ҳолатига келмоқ. *Нормат ҳам ўпкасини тутолмади, аммо [она] бағридан чиқиб, сафга бориб кўшилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. - *Отангдан сўра, болам, — дея ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди Жаҳонбуви.* К. Яшин, Ҳамза. **Ўпкасини қўлтиқламоқ** Ҳовлиқмоқ, бирор нарса дардида ҳолдан кетар даражада юрмоқ. *Шу пайт куёв стол остидан эмаклар ўтди-ю, ўпкасини қўлтиқлаганча қуён бўлди.* «Муштум». *Искирт бўлиб, лақиллаб юраманми, дедим-да, орқамдан ўпкасини қўлтиқлаб юрган Махзумовга турмушга чиқиб олдим.* Файратий. Довдираш.

2 с. т. кўчма Ўзини босолмайдиган, ҳовлиқма шахсларга нисбатан, одатда, уларнинг исмига қўшиб (тиркаб) ишлатиллади. *Жумабой ўпкадан ҳар балони кутса бўлади.* *Агар ўпкализи қўзиб, камар билан.. Суяркулининг миясига солиб қолса борми..* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Ҳайвонларнинг шу аъзоси (овқат сифатида). *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги (олдиндаги) ўпка яхши.* Мақол.

ЎПКА II Ўзига нисбатан бўлган номақбул иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ранжиш ҳолати, хафалик ва уни билдирувчи гап-сўз; гина. *Тешабойнинг юрагида бош кўтарган гумон деви Тўраҳоннинг.. ўпкаларидан кейин ёта қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лолахон қўлидаги булка ва шоколад ўроғлик қоғозни авайлаб скамейкага қўяркан, ўпка ва эркаланиш аралаш Алижонга қаради.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Ўпка қилмоқ айн. ўпкаламоқ. - *Шунча йшлардан бери, нима бўлди, деб йўқламадингиз! — деди ўпка қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Она ўғлининг тўйига ҳам кел-*

маган эди, неварасини кўргани ҳам.. Араз қилиб, ўпка қилиб юрибди чамаси. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЎПКА-ГИНА Ўпкалаш, кек сақлаш; гинахонлик. [*Расулов*] *Қишлоқларда юриб, анча ўпка-гиналарни йиғиб қўйган экан.* И. Султон, Бургутнинг парвози.

ЎПКАЛАМОҚ Ўпка, гина ифодаловчи гап-сўз айтмоқ, ўзини ўпка-гинали ҳолатда тутмоқ. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!* Мақол. ■ *Элмурод Турдиевнинг «разведкага юбормайди», деб ўпкалаб юрганини бир неча марта эшитган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. У [*Ҳамида*] *ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб қараб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

ЎПКАЛИ I Ўпка қилган (сақлаган) ҳолатли. *Ўпкали дўстига аҳволни тушунтирди.*

2 Ўпка (гина) ифодали (ифодаловчи). *Станокнинг бошида Қумрининг ўзи.* *Ўқтин-ўқтин қарайди Ўпкали кўзи.* Файратий. *Софья Борисовна эрига ўпкали назар солди, нима қилишини билмай, шошиб-пишиб, яна вино қўя бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎПКАСИЗ I Бирор ранжимайдиган, аразламайдиган, аччиқ-тирсиқсиз. *Тўй ўпкасиз бўлмас.* Мақол.

2 *кўчма айн. ўпкаси йўқ қ. ўпка I 1.*

ЎПКАЧИ с. т. Салга ўпкалайверадиган, гиначи. *Ўпкачи хотин.*

ЎПМОҚ I Эркалаш ёки севги-муҳаббат ифодаси сифатида кимсанинг бирор ерига лабларини тегизмоқ, ўпич олмоқ. *Болани ўпмоқ.* *Пешонасидан ўпмоқ.* ■ *Аваз хотинини боладай қўлларига кўтариб олди-да, кўзларидан, қошларидан ўпди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Нормат онасини қучоқлаб ўпди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ҳурмат, садоқат ёки эъозлаш ифодаси сифатида муқаддас, азиз саналган нарсага лабларини тегизиб қўймоқ. *Она-Ватан тупроғини ўпмоқ.* *Байроқни ўпмоқ.*

3 *кўчма* Бирор нарсага енгил-енгил тегмоқ, урилмоқ. [*Кумушинг*] *Бу кунги совуққа қарши кийиб олган савсар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб, нафис бақбақаларини ўпиб ётар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ел қитиқлаб, ўпиб қочди Чечакларнинг япроғидан.* Файратий.

Онаси ўлмаган Ифбатли, соф. Пулинг бўлса.. онаси ўлмаган малика қизлар сенга кучоқ очади. Ойбек, Танланган асарлар.

ЎПОҚ: ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ димоқ Ҳар бир ҳаракатидан айб топмоқ, айб топиб камситавермоқ. Шунинг учун ҳам улар бу ўзича бахтиёр қайнонага ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб кун кўрсатишмади. К. Яшин, Ҳамза. Кўчқор бечорани ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб ораларига совуқлик солди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЎПОҚ-СЎПОҚ Нотўғри шаклдаги, қинғир-қийшиқ, кўрimsиз, хунук. Ўпоқ-сўпоқ пиёдалар. Ўпоқ-сўпоқ нонлар.

ЎПҚИН 1 Бирор табиий куч восита-сида ҳосил бўладиган уярма; гирдоб. Дарё ўпқини. ■ [Низомжон] Қўлидаги қоғозни ғижимлаб, электр лампаси атрофида капалакдек айланаётган қор ўпқинларига тикилганча туриб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 айн. ўпқон. [Навоийга] Ўлим билан ҳаёт орасидаги қора ўпқин оддий ва яқин нарса каби сезила борди. Ойбек, Навоий.

ЎПҚИНЛИК Тубсиз чоҳ, ўпқон. Бу ерда ариқ доимо куйламаса, ҳаёт.. бир ўпқинликдир. Ойбек, О.в. шабадалар.

ЎПҚОН 1 Сувни тортиб кетадиган, ер остидаги кўринмас чуқурлик, ғовак, бўш жой. Ариқнинг тагидан ўпқон чиққан экан, каттариб-каттариб, устидаги тунроқни ҳам қўлатиб туширибди. П. Қодиров, Яхшилик. Харсанглар тагидан ўзига йўл топган сув бетида ўпқоннинг воронкага ўхшаш гирдоби айланар.. эди. С. Аҳмад, Қадрлон далалар. Оқсойнинг таги тубсиз, ўпқонлари бор. Уни тўхтатиб бўлмайди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Гирдоб, исканжа; қамров, қуршов. Хотинлар пайдо бўлиши билан қайта бошдан куч олган жанжал ўпқони уни тобора ўз заптига торта бошлади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Нафси (ёки жиғилдони) ўпқон Ҳеч тўймайдиган. Оғайнилар, айтган сўзим лоф эмас, Нафсим ўпқон, қоп эмас.. «Муштум». Бу йил ўпқонга айланган жиғилдоннинг мўриси келаси йил янада кенгайтириб, ғорга айлантирмоқчи. «Муштум».

ЎПҚОНЛИК Тубсиз жарлик; ўпқон. Алишер Навоий! Ўпқонликка қўлаб кетаётган тоғни ёлғиз тўтиб қола билади. Ойбек, Навоий.

ЎР 1 1 Жарлик, чуқурлик; ўра. Ўрға тушиб кетмоқ. ■ Фронт орқасида ўр қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Тепалик, баландлик. Қияда қилпиллатди, Ўр келса, ўмганлатди [отни]. «Рустамхон». Лолақизғалдоқлар ўру қирларга қипқизил гилам-пойандоз тўшаган. «Ёшлик». Ўзига қолса, шаҳар деб, қир ошиб, ўр ошиб ўтирмасди-ю.. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Ўр тортмоқ Баландлик томон йўналмоқ; ўрламоқ. Арқнинг икки ёнида бурама йўл билан юқорига ўр тортиб кетган пиллапоялар: улар мезаналарга олиб чиқади. К. Мирзо, Олам гўзал. Йўл борган сари оғирлашиб ва тоғ тарафга қараб ўр тортиб борар эди. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

3 кўчма Юқори, баланд. Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади! Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЎР 11 фольк. Ўжар; жоҳил. Ҳали бу бола ёш бўлса ҳам, ёмон ўр бола экан. Ўзбек ўр бўлади-да, дейишаёттирлар. «Равшан».

ЎРА 1 Сабзавот, дон ва ш. к. ни кўмиш учун махсус қазилган, олатда ости кенгроқ бўладиган чуқурлик. Картошка ўра. Сабзи ўра. Бир ўра турп. ■ Уста Олим ҳам қайнисини туришга ишорат қилди ва ўрадан сабзи олиб тўғрашга буюрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Менда-ку ўрадаги беш-ўн пуд галла билан оғилдаги беш-ўнта қорамолдан бошқа нарса йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Умуман, бирор мақсадда қазилган чуқурлик. Уранинг ичи гувала катталигиданги тошлар билан айлантириб уриб чиқилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Иккала йигит ҳам [жаллод ничоғидан кейин] букчайганича, чуқурга қўлаб тушди. Мирмуҳсин, Меъмор. Э, бормисан, ука, ўра-пўрага тушиб кетмадингми, ҳайтовур? А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЎРАБ-ЧИРМАБ Бир амаллаб мол, кийим-кечакларини қилиб, шулар билан таъминлаб (узатиладиган қиз, унинг тўйи ҳақида). Мана, баҳор ўтиб, ёз келаётганда, тўйини қилиб, ўраб-чирмаб узатиш ўрнига бу гапни чиқариб ўтирибсиз.. С. Кароматов, Ҳижрон.

ЎРАЛАМОҚ 1 айн. ўрламоқ. *Шинга яна ҳам гуруллаб тутун ўралайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Дахл қилмоқ, ўз таъсирига олмоқ. *Кучли аланга ўрмонга ўралади. Партизанлар қаерда-ю, гитлерчилар қаерда — билиб бўлмайди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЎРАЛАШМОҚ 1 Бирор жойда уймалашмоқ, тентимоқ; изғимоқ. *Қодиров ўзи ҳам коридорда ўралашиб юрарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Гажак қўйган келинчаклар, гижим рўмол ўраган қизлар фотография олдига ўралашиб қолишади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қурилиш кетаётган бир пайтда участка атрофида бир киши ўралашиб қолди.* «Муштум».

2 Ўралмоқ, ўранмоқ. *У [хотин] эски парпаша паранжи ичида ўралашиб, юриб эмас, югургандай тезлаб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Бирор иш билан банд бўлмоқ, овра бўлмоқ; куйманмоқ. *У ўн болани ўстираман, деб уйда ўралашиб қолди.* ■ *Касби билан ўралашиб кетармикин, деб касалхона ҳам очиб берди.* Йўқ, бўлмади. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Кампир ипак қуртлари билан ўз-ўзидан ўралашиб қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎРАЛИШМОҚ 1 Ўралмоқ фл. бирг. н. *Болалар кўрпага ўралишди. Қизлар атласга ўралишибди..*

2 айн. ўралашмоқ 3. *Борсам, чўти олдиди. Ойнак тақиб олибди. Ҳисобига етолмай, ўралашиб қолибди.* Т. Тўла. *Шу орада Қоралион ўралашиб юрганини.. пайқайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎРАЛМОҚ 1 Ўрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Фолбин оғзини йиғиштириб, латтага чандиб ўралган, катталиги данакдай бир нимани енг учидан чиқариб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. ўралашмоқ 3. *Албатта, хўжайинники — ноҳақ. Боласи билан ўралиб қолди, энди ишлай олмайди, деб ўйласа керак у.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Айланиб ёпишмоқ, чирмашмоқ; ўрашмоқ. *Карнайгул ипга ўралиб ўсади.* ■ *Даладаги шўрлар Оёғимга ўралар.* «Оқ олма, қизил олма»

4 Ип, арқон, сим, тўр каби нарсаларга илиниб, чулганиб ҳаракат қилолмай қолмоқ; ўралашмоқ. *Қўй арқонга ўралиб қолмасин.*

ЎРАМ 1 1 Ўралган ҳолга келтирилган, ўраб қўйилган. *Икки ўрам ип.* ■ *Ойша трактор орқасидаги бир ўрам арқонни олиб, унга улоқтирди.* С. Аҳмад, Икки ҳикоя. *Бир ўрам қоғоз олди яна. Бу майда ҳарфлар билан қора сиёҳда кўчирилган ғазаллар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хива заргарлари зийнатлаган тилла буюмлар, той-той ипак ўрамлари император жанобларига пешкаш қилинади.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўралган нарсанинг ҳар бир қавати. *Беморни каравотга ётқизишди. Икки ҳамшира бирин-сирин дока ўрамларини еча бошлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Ўрам қилмоқ Ўрам ҳолатига олмоқ. *Ўрам қилинган қоғоз.* ■ *Арқонга осилиб туриб, тошда нимадир чизаётган йигит қўлидаги оқ нарсани ўрам қила бошлади.* П. Қодиров. *Қора кўзлар. Тоҳирнинг шериги хуржундан ўрам қилинган арқон олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Тахлаб бирор нарса билан ўралган, ўраб тугилган. *Дастурхонга бир ўрам қоғоз пул қўйди.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Эртасига Амаджон Тўлғаноийнинг қолган-қутган сепини, уч-тўрт кўрпа-ёстиқ, бир ўрам идиш-товоқ олиб келиб берди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 Бир ўрашга етарли, бир марта ўраса бўладиган. *Бир ўрам махорка.*

5 Бирор нималар билан ўралган, ораликда бўлган жой. *Икки қўшин бир-бири билан аралашиб, қилич солишарди.. Яраланган отлар ўрам ичида чўлоқланиб, кишнаб юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 эск. Ижтимоий, ҳудудий ва ш.к. жиҳатдан алоҳида, мустақил бўлган жой, маҳалла, хўжалик ва ш.к. *Ўрамларга тарқалдилар ул гуруҳ, Бўлиб мавжи дарё каби кўҳкўҳ.* С. Хондайлиқий. *Айёр экан шу ўрамнинг қизлари, Яхши ёрим ёмон йўлга солибди.* «Оқ олма, қизил олма». *Аслида бу икки шикоятчининг арзи, район у ёқда турсин, хўжалик ўрамидан ташқарига чиққулик эмасди.* «Муштум».

ЎРАМА 1 сфт. Бир неча марта айлан-тириб ўралган, ўраб боғланган. [*Жонузоқ ота*] *Ўрама белбоғига қистириғлиқ турган ирғай дастали қамчисини ўйнай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 сфт. с. т. Буралиб-буралиб кетган. *Олқор шохи ўрама, гапни сочдай бурама.* «Кўшиқлар».

3 *от* Ёйилган юпқа хамирни кесиб, ўзига хос шаклда ёғда қовуриб тайёрланган таом, пишириқ. *Бундай мўрт хамирдан печенье, чакчак, ўрама каби таомлар тайёрланса, оғизда уқаланиб туради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

4 *айн.* **Ўрам I.** *Бу (ич) маҳсулотларнинг ҳар биридан ҳар хил яхна овқатлар.. нўстдумба ўрамаси каби қатор тансиқ таомлар пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *У майда-чуйдаларни қаламдон ичига солиб, уни қоғоз орасига қўйиб, ўраб, лос билан боғлади, мени хуржунсиз эшакка миндириб, ўрамани олдимга қўйиб, Соктарегга жўнатди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ЎРАМАЛАМОҚ Бирор нарса билан ўраб беркитмоқ, ёпмоқ. *Отни ўрамаламоқ. ■ Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар, у [Отабек] чалқанча ётган кўйи оғзини ўрамалаб, кўмак кутган каби, кўкка кўзини тиккан эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРАМЛАМОҚ Ўрам ҳолатига келтирмоқ; ўрам қилмоқ. *Газетани ўрамламоқ. Газламани ўрамламоқ.*

ЎРАМОҚ I Ўрам, калава қилиш учун айлантирмоқ, ўрам, калава ҳосил қилмоқ. *Газетани ўрамоқ. Картонни ўрамоқ. ■ Овқатдан сўнг энам хира чироқ ёруғида, ўзларича қандайдир қадимий ашулани хиргойи қилиб, калава ўрардилар. «Саодат».*

2 *Ип, сим ва ш.к. ни бирор нарса устидан айлантириб, ўрам ҳолига келтирмоқ. Ипни чиллакка ўрамоқ. Арқонни белга ўрамоқ. ■ Ипакларни найчага ўрайдиган, калавалайдиган дастгоҳлар бир маромда ишлагоқда.* Газетадан. *Баъзан йиғитлар белларига йўғон симни уч-тўрт қават қилиб ўраб келадилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *Бошни беркитмоқ, бошга ёпмоқ, тангимоқ. Дуррача ўрамоқ. ■ Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *Айлантириб, айланиб, атрофини тўсмоқ. Ҳовлини тахта девор билан ўрамоқ. Богни панжара билан ўрамоқ. ■ Зирklar тўрт тарафни девордек ўраб турар.. эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Атрофни осмонўпар тоғлар ўраб олган.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *Атрофидан, устидан айлантириб банд қилмоқ. ичига олмоқ, беркитмоқ. Бўйинга шарф ўрамоқ. Ярани бинт билан ўрамоқ.*

Пайтава ўрамоқ. ■ Адолат.. индамай ётар, бош ва юзлари дока билан ўраб ташланган эди. С. Зуннунова, Олов. *Писмиқ қоғочқининг ичидан терига ўраб қўйилган бир туғунни олди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 *Устидан бирор нарса билан маҳкамлаб боғламоқ, ичига олмоқ. Нарсаларни қоғозга ўрамоқ. ■ Аҳён-аҳёнда тамаки ўраш учун ҳам қоғоз тополмай, диққинафас бўлади киши.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

7 *Қопламоқ, куршамоқ. Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тўс-тўсга бўлиниб, ай ҳам қора нарда ичидан ярим юзини очиб, ер юзига мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..шамол энди бўронга айланиб, арваларни сариқ чанг ўрай бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

8 *кўчма* Ишғол қилмоқ, банд этмоқ, эгалламоқ; босмоқ. *Ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг юрагини қарама-қарши ҳислар, кечинмалар ўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пилла ўрамоқ Пилла ҳосил қилмоқ (ипак қурти ҳақида). *Қурт пилла ўради. Оқ пилла ўрайдиган ипак қурти.*

ЎРАШМОҚ I Ўрамоқ фл. бирг. н. *Қизлар рўмол ўрашади. Кампирлар ип ўрашади.*

2 *Ўралмоқ, чирмашмоқ, илашмоқ. Зебиҳон ариқ бўйида толга ўрашиб чиққан чирмовуқнинг карнай гулидан биттасини узиб, кўкрагига, настга қаратиб тақиб олди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эгасиз отлар эгарлари қийшайган, жиловлари оёқларига ўрашган ҳолда.. пароканда кезардилар.* Ойбек, Навоий.

ЎРГАМЧИ шв. Ўргимчак.

ЎРГАМЧИК I Ўрганиш, тажриба учун қилинган (қилинаётган); дастлабки. *Ўргамчик иш. ■ Муҳаммад Жамол эндигина шеър ёзишга уринар ва ўргамчик тарзда ёзар, қиз эса иштиёқ ва мароқ билан тинглар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Адабий танқидчиликнинг биринчи ўргамчик асарлари вақтли матбуот саҳифаларида пайдо бўлди.* «ЎТА».

2 *Бирор ҳунар ёки касбни энди ўзлаштириб келаётган. Ўргамчик шофёр. ■ Тажрибали тракторчи, универсалчилар жуда оз, Ишимизнинг бир қисми янги ўргамчикларга қолди.* И. Раҳим, Ҳилола

ЎРГАНИШ I Ўрганмоқ фл. ҳар. н. *Сузишни ўрганиш. Ўқишни ўрганиш. ■ Ҳунарни*

ўрганиш пайдан бўлгин, болам. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 айн. одат 1. *Ҳечқиси йўқ, аввал шунақа қийин бўлади, кейин ўрганиш бўлиб кетар. А. Мухтор, Чинор. Бадианинг йигитона кийиниб юрганини қўшнилар ҳам кўриб тааж-жубланишгани йўқ, чунки бу шаддод қиздан ҳайқишар ва бу ўрганиш бўлиб қолган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЎРГАНМОҚ 1 Билим, касб, иш ва ш.к. ни ўзлаштирмақ, эгалламақ, билиб олмақ. *Бировдан иш ўрганмоқ. Шахмат ўйинини ўрганмоқ. Хунар ўрганмоқ. Оз-оздан ўрганиб олим бўлар. Мақол. ■ Ишни оддий бетончиликдан бошлаган ўсмир аста-секин керак-ли касбларнинг ҳаммасини ўрганиб олди. Газетадан. Утган ярим асрлик мураббийлик даври мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим. Газетадан.*

2 Сири, моҳияти, мазмуни ва ш.к. ни аниқлаш, белгилаш мақсадида текширув, кузатув, таҳлилдан ўтказмоқ. *Бу далиллари синчиклаб ўрганиб, Қуёшнинг нисбатан тинч пайтида космик нурланиш ердан узоқ жойларда киши учун хавфли бўлмаслиги керак, деган хулосага келиш мумкин. «Фан ва турмуш». Сибирлик археологлар трасса бўйлаб қазималар чоғида чиққан тош аср қуролларини ўргандилар. Газетадан. .. республика-миздаги қадимий конларга доир адабиётларни икки-уч йилдан буён синчиклаб ўрганаётган эди. С. Кароматов, Олтин қум.*

3 Файритабий, ноқулай каби туйилмайдиган ҳолга айланмоқ, шундай сезилмоқ, қабул қилмоқ. *Халқ бунга ҳақли эди, чунки бундай тинчсизликларни кўра-кўра жуда ўрганиб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Булар орасидаги бетакаллуф муомала ва муносабатга одамлар ўрганиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

4 Одат қилмоқ *Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Мақол. ■ Тўққизинчига ўтгунча ичишни, чекишни ўргандим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

5 Ўзини яхши алоқада тутмоқ, мослашмоқ, боғланиб («ўзиники бўлиб») қолмоқ. *Бу тўриқ менга жуда ўрганган. Мирмуҳсин, Меъмор. Хола бир-икки кун ичида янги шароитга ўрганди, қўшнилар билан танишди. «Гулдаста».*

ЎРГАТМОҚ 1 Бирор иш, касб ва ш.к. ни бажаришни, қилишни тушунтириб бил-

дирмоқ, ўзи бажара оладиган қилмоқ; малака ҳосил қилдирмоқ. *Рақс тушишга ўргатмоқ. Касб-хунар ўргатмоқ. ■ Бугунги кунда илғор ишчи ўзининг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга кўнт билан ўргатмоқда. Газетадан. Баъзида унинг кунлари менга бичиш-тикишни ўргатишдан кўра кўпроқ панд-насихат бериш билан ўтади. «Гулдаста».*

2 Бирор иш, амалга йўлламоқ; йўлга солмоқ. *Менга қара дейман! Ким ўргатди сенга ёлгон гапиришни? А. Қаҳҳор, Асарлар. Икки оғиз нордон гап айтмай десам, унда [кампирда] нима айб. Унга ўргатишган. «Муштум».*

3 Илм, одоб ва ш.к. дан таълим бермоқ, *Демак, сенинча.. уша миршабларни ҳам маърифатдан баҳраманд қилиш керак, илм ўргатиш керак, шундайми? К. Яшин, Ҳамза. Улар Қудратга бу хунарни ўргатиш билан бирга, ҳақсизликка қарши курашни ҳам ўргатдилар. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Шокир юқори курсда бўлгани учун қизларга ёрдам беради, кўпинча физика қондаларини ўргатади. «Гулдаста».*

4 Бирор нарса ёки иш-ҳаракат билан доим шуғулланадиган қилмоқ, шунга одатлантирмақ. *Болани эрта туришга, салом беришга ўргатмоқ. ■ Оқсоқол аввалги тилмочни ҳам уйига ўргатиб олган эмиш. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳа, бошидан қаттиқ туриб, ўргатиб олмасанг, кейин қийин бўлади. Ф. Мусажонов, Нозик масала.*

5 Бирор ишни бажаришга кўникма, малака ҳосил қилдирмоқ (асосан, ҳайвонлар ҳақида). *Итни ов қилишга ўргатмоқ. ■ .. князь учта отдан иккитасини бериб юборди, қолган битта отни коляскага ўргатгин, деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ЎРГИЛМОҚ 1 Юксак ҳурмат, садоқат ва севги туфайли бутун борлиғини бахш этмоқ, фидо қилмоқ, қурбон қилмоқ. *Зарари йўқ, Махсум, шариаатдан ўргилсақ ҳам арзийди. Сиз билан менга ўхшаш аҳли мўминларга истаганимизча йўл топиб беради. «Муштум».*

Айланиб ўргилмоқ Бирор нарсанинг шайдоси, мафтунни бўлиб қолмоқ, парвона бўлмоқ. *Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб, нима учундир, ишлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 (буёр. м. шаклида – ўргилай, ўргилсин) Ниҳоятда ёқтириш. меҳрибонликни ифодалайди. *Вой, қоматингдан онанг ўргилсин!* ■ *Оёгингга нима қилди? Кир, кир тезроқ! Бу ёққа, ўргилай.. А. Қаҳҳор, Асарлар. Юзинг ёруғ бўлибди, болам, вой, ўргилай сендан.* Газетадан. *Сенга етолмай оҳ урганлар қанча, амманг ўргилсин!* «Ёшлик».

3 (1-ш. бирл. шакли – ўргилдим) Ёқтирмаслик, эътироз каби муносабатни ифодалайди. *Э, ўргилдим ўша зарур ишдан, нима, биз бекорчимизми?* «Муштум». - *Э, савлатингдан ўргилдим!* – дедим ичимда. *Бу касалхонанинг сартарошики шу қадар нўрим бўлса, профессори қанақайкин?* Н. Аминов, Суварак.

Қулинг ўргилсин қ. қул. *Ёзда анави толининг тагида қулинг ўргилсин битта чойхона очиб, турли овқатлар ташкил қиламиз.* Н. Аминов, Суварак.

ЎРГИМЧАК Ўзига овқат бўладиган ҳашаротларни тутиш учун тўр(ин) тўқийдиган бўғимоёқли йиртқич ҳашарот. *Ўргимчак уяси.* ■ *Шифтда ўргимчак тўрига илиниб, бир мақомда ғинғиллаб турган нашша Низомиддиновнинг ғашига тегди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎРГИМЧАККАНА Ўргимчаксимонларга мансуб, ўсимлик ширасини сўриб яшайдиган кана, майда ҳашарот. *Ширани, ўргимчакканани қийратгунча қанча оворай сарсон бўлган эдик.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎРДА тар. 1 Туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа. *Юсуфбек ҳожи бошлиқ еру кўкка сиғмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуршаб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муллажон ёшлигида Қўқон хони ўрдаси олдидаги казарма майдонида отда машқ қилаётган солдатларни кўриб, солдат бўлишни орзу.. қиларди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 Кўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ. *Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўрда атрофи хандақ билан ўралган.* «ЎЗМЭ».

Олтин Ўрда 13-асрнинг 40-йилларидан 16-аср бошларигача мавжуд бўлган, пойтахти турли даврларда турли шаҳарларда жойлашган, асосан туркий ва мўғул кўчманчи қабиалари иттифоқидан иборат йирик давлат.

ЎРДАК Ўрдаксимонлар оиласига мансуб, бўйни калта, оёқлари қисқа кураксимон, сувда сузиб юришга мосланган, ялпоқ тумшукли парранда. *Ёввойи ўрдак. Хонаки ўрдак. Ўрдак тухуми. Ўрдак овламоқ. Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу? Мақол. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди.* Мақол. ■ *Соҳилида чайқалар қамиш, Учиб ўтар баъзан ўрдак, ғоз.* Ё. Мирзо.

ЎРДАЛИК Ўрлада яшайдиган: ўрлада хизмат қиладиган, амалдор. *Ўрдаликка гап уқтириш қиёматдан қийин, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎРДУ эск. Кўшин, лашкар. *Ғалаба кўшини, меҳнат ўрдуси, дейди бизни тарих!.. Тўлқинларда ўсдик ўктам бўлиб.* Миртемир.

ЎРДУГОҲ Кўшин қўнадиган ёки турадиган жой, лагеръ. *Кўп беклар ва йигитлар ўрдугоҳдан қоча бошлаган эдилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишёр Навоий. *Ярим кечанда, бутун ўрдугоҳ уйқуга кетганда, у [Спитамен] ташқарига чиқиб, бир айланиб келди.* М. Осим, Исқандар ва Спитамен.

ЎРИК 1 Гули оқ ва пушти, меваси эса оқиш, сарғиш, қизғиш рангларда бўладиган йирик дарахт. *Ўрик гули. Ўрик кўчати.*

2 Шу дарахтнинг данакли меваси. *Оқ ўрик. Ўрик мураббоси.* ■ *Мен гўшт-ёғни ташиб бўлиб, ҳовлининг тўрига ўрик тергани бордим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жувон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик ташлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЎРИКЗОР Ўрик дарахтлари ўсган ер, майдон. *Ўрикзорда қизил кўйлакли бир аёл кўринди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРИКФУРУШ Ўрик савдоси, ўрик сотиш билан шуғулланувчи киши. *Шаҳардан қайтаётган ўрикфуруш ҳам, майизфуруш ҳам, донфуруш ҳам, эндиликда унинг карвонсаройида тунаб, қовоқхонасида кайф қилиб кетади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЎРИМ 1 1 Бугдой, беда каби экинларни ёки ўт-ўланларни пояси тагидан ёппасига чалғи, ўроқ ва комбайнда қирқиб олиш; ўриш. *Ғалла ўрими. Биринчи ўрим. Ўрим асбоблари.* ■ *Пастдаги бўлимларнинг экинни ўримга келмай, мол қўйиб юборишди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бетоб экан. Кун иссиқ, яна ўримга чиқибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Шундай ишлар мавсуми. *Нусратбек пичан ўримига вакил бўлиб, чорвадор районга бориб, Аҳмад бригадирниқига ўтди.* С. Нуоров, Нарвон.

ЎРИМ II Толасини ёки бир неча тутамини бирга қўшиб ўрилган ҳар бир бўлак; ўриб тайёрланган нарса. *Соч ўрими. Арқон ўрими.* ■ Эшоннинг аччиғи келиб, қамчининг ўрмидан ушлаб.. бир калнинг калласига қўйиб юборди. «Зулфизар билан Авазхон». *Ашурхон қошларини бир оз чимирганича, бир ўрим сочининг учини ўйнаб, индамай ўтирарди.* С. Зуннунова, Олов. *Баланд пешонасининг икки четини сочлари бекитган, ўримга кирмай қолган ингичка соч толаларига шабада тегиб, мулоийм қимирлаб туради.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

ЎРИМ-ЙИҒИМ Деҳқончилик ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари, шундай ишлар жараёни, мавсуми. *Ёз бор, куз бор, пишиқчилик, ўрим-йиғим бор, худо хоҳласа.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эндиги муҳим вазифа — ўрим-йиғимни гоятда қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймасликдан иборат.* Газетадан.

ЎРИН (3-ш. бирл. — ўрни) 1 Бирор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ёки ишғол қилиши мумкин бўлган ер, сатҳ ёки фазо; жой. *Тошни ўрнидан қўзғатиб бўлмади. Утирган ўрин топади.* Мақол. ■ Баъзилари ўтирган ўринларида мудраб қолишибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мақтаб қишлоқнинг қоқ ўртасида бўлади. Ҳу, ана у ерга идора, клуб тушади. Мана бу тўқайнинг ўрни боғ бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сафар бузичи турган ўрнидан. силжимади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Ухлаш, ётиб дам олиш учун тўшаб қўйилган кўрпа, ёстиқ ва ш. к. мажмуи; жой. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.* Мақол. ■ *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Камил кетгандан кейин Бўронбдек уйига кириб, чинни косада тўлдириб бўза симирди-да, ўрин солиб ётди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ўрин йиғилмаган, тош-ойна олдидаги курсида Мунисхоннинг ички қўйлаги ётарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Яшаш учун бошпана, тураржой, маскан. [Қутидор:] *Уятсизга менинг уйимда ўрин йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Кишининг, нарсанинг ҳаётда ўзига хос фазилат, мавқе ва ш. к. билан белгиланувчи ҳолати, мавжудлик мақоми. *Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнин той олар.* Мақол. ■ *-Бу қиздан бир бало чиқади. Ўнта ўғилнинг ўрнини босади, — дейишарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тушуниб турибман, ўлганларнинг ўрни мана шунақа улуғ айёмда йўқланади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор нарсанинг маълум бир жойи, қисми, бўлаги. *Эртақнинг баъзи ўринларини қолдириб кетмоқ. Мақоланинг айрим ўринларига тузатиш киритилди.* ■ *Кумушбиби хатнинг бу ўрнига етганда қизариниб, бир оз ўқишдан тўхтаб олди ва давом этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Иш-ҳаракат, фаолият ва ш.к. нинг белги-даражаси жиҳатидан кўрсаткичи, банд этган ҳолати, даражаси. *Бир вақтлар Тошкент шаҳри дов-дарахтлар бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турарди.* Газетадан. *Уйлаймизки, йигитлар совринли ўринлардан бирини олишга ҳаракат қилишади.* Газетадан.

7 Вазифа, лавозим. *Ўрнини эгалламоқ. Ўрнидан бекор қилмоқ. Эски раиснинг ўрнига янгиси сайланди.* ■ *Халқ иши бўлгандан кейин ўриннинг катта-кичиги бўлмас экан, Эргашвой.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Асқар ота эркалар қошида кўп муҳтарам хотинларни кўрган, лекин буларнинг кўпчилиги раис, мудар, директор дегандай раҳбарлик ўриндаги хотинлар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

8 (3-ш. эгалик шаклида) Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун қулай фурсат, пайт, маврид; хонаси. *Ўрни келса, отангни ҳам аяма.* Мақол. ■ *Бўлак гапларни ўрни билан гаплашармиз. Биз томонларга ҳам боринг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўрни келмаганда, мен ҳам гапирмас эдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ҳозир иноднинг ўрни эмаслигини ҳарчанд ўқтирмақчи бўлдим, кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Бирор иш, ҳаракат учун зарурат, асос; ҳожат, эҳтиёж. *Меҳнатсиз пул топиш йўлига тушгач, чўнтакни қаппайтириб олгандан сўнг, ишни ҳам, коллективни ҳам ҳурмат қилишга ўрин қолармиди? «Муштум».* *Вас-васаланишнинг ўрни йўқ, мундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга муштоқман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 (бу, шу сўзи билан) Муайян фурсат. ҳолат маъносини билдиради. *Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратмоқчиман. ■ Рафиқам Мукамбархоннинг тадбиркорлиги бу ўринда ҳам жонимга ора кирди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

11 Муайян мавқе, ҳолат. *Шахснинг ҳазил-мутойиба, юморга мойиллиги ҳам муҳим ўрин тутди. «ЎТА». Утмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Бу оддий тракторчи жувонга бўлган эҳтиром уни айрим ўринга қўяр эди. А. Қаҳор, Асарлар.*

12 Макон маъноли грамматик терминлар таркибида қўлланади: *Ўрин келишиги. Ўрин ҳоли. Ўрин эргаш гап.*

13 (3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-н. к. шаклида — **ўрнига, ўрнида**) кўм өзф. Зидлик, қиёс каби муносабатларни, каби, эваз, кўра кўмакчиларига хос маънони билдиради. *Лекин ечиниш ўрнига шошилиб портфелини олди. С. Зуннунова, Янги директор. Сенинг ўрнингга ит боқсам бўлмасиди! С. Аҳмад, Уфқ. Бу кунки қорачопон ва қипчоқ низоларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин.. А. Қодирий. Ўтган кунлар. -Нима қилди? — деган эди, отаси ўрнига сингилси жавоб берди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.*

14 **Ўрин** (эркаклар исми).

Иссиқ ўринни совитмоқ (ёки ташламоқ, кечмоқ) Мавжуд қулай, яхши шароит-имкониятидан, жойидан кечмоқ, уни ташламоқ. *...ҳе йўқ, бе йўқ иссиқ ўрнимни совитиб, ишимдан олиб ташласанг.. Газетадан. Сабабики бўлмаса, ким иссиқ ўрнини ташлаб, кўм тепаликлари орасида саргардан бўлиб юради?! Мирмуҳсин, Меъмор. Кўнгли ўрнига (ёки жойига) тушмоқ* Кўнгли таскин топмоқ, хотиржам бўлмоқ. *Хўш, кўнглинг жойига тушдими? О. Ёкубов, Чин муҳаббат. Ўрин йўқ* Кераги йўқ, ортиқча. *Кўнгли яқин жойда бундай гапларга ўрин йўқ. С. Зуннунова, Янги директор. Ўрнига келтирмоқ айн. ўрнига қўймоқ. [Қодиров] Колхозчилар йўл-йўлакай қўл қовуштириб салон беришларини, иззат-ҳурматини ҳамиша ўрнига келтиришларини истайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ўрнига ўтмайди* Ўрнини босмайди, мурод ҳосил бўлмайди. *Мамажон полвон ишга тушишдан олдин патефонни бир қўйиб, музика эшитиб олмаса, ўрнига*

ўтмайди. Газетадан. Ўрнига қўймоқ Кўнгиладигдек, қойил қилиб, жуда яхши бажармоқ; ўринлатмоқ. *Тошкент халқаро анжуманларни ўрнига қўйиб ўтказишда бой тажрибага эга. Газетадан. Фулом ака унга иш буюриб қолгудек бўлса, боши осмонга етар, севинганидан чопқиллаб бориб, дастёрчиликни ўрнига қўярди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ўрнида кўрмоқ* Қаторига қўшмоқ; ҳисобламоқ, *Мардикорни, хизматкорни, кошибни одам ўрнида кўришмайди бу замонда. Ойбек, Танланган асарлар. Шу икки йилдан бери менга бўлган алоқангиз бир зарра ҳам ўзгарган эмас.. мени хотин ўрнида кўрмайсиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЎРИНБОСАР 1 Бирор кимсанинг ишини давом эттирадиган, мавқеини эгалладиган шахс; шогирд. *Сохта олимларнинг ёмон иши — улар ўз ўрнига ҳам сохта ўринбосарлар тайёрлашиди. Р. Усмонов, Одобнома. Муносиб ўринбосарлар вояга етаётганидан хурсандман. «Ўзбекистон қўриқлари».*

2 Бошлиқ ёки раҳбарнинг вазифасини бажариш ҳуқуқига эга бўлган расмий ёрдамчи; муовин. *Директорнинг ўринбосари. ■ Сизни ўзимга ўринбосар қилиб олганимда, умидим катта эди. С. Анорбоев, Оксой.*

ЎРИНДИҚ 1 Ўтириш учун мўлжалланган махсус мослама (мас., стул, кресло, диван ва ш. к.). *Ўриндиқда ўтирган қиз сакраб ерга тушди. М. Назаров, Сирли хат. Меҳрихон опа инграганича «Москвич»нинг орқа ўриндиғида ётарди. Н. Қобил, Беморлар. -Хизмат? — деди Каримий дарвоза оғзидаги тахта ўриндиққа пуфлаб ва Баширжонни ўтиришга таклиф этди. Н. Аминов, Суварак.*

2 Шундай нарсаларнинг орқа (кўт) қўйиб ўтириладиган жойи, қисми. *Ёдгорнинг кўз ўнги қоронғилашди-ю, йиқилиб қолмаслик учун, стул ўриндиғини чангаллаб олди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ЎРИНДИҚЛИ Ўриндиғи бор. *Анвар юшоқ ўриндиқли креслони Алимардоннинг олди-га сурди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ЎРИНДОШ 1 айн. ўринбосар. *Уни тахтдан маҳрум этмоқчи бўларди. Аммо Исфандиёрнинг ўрнига ўриндош тополмай иккиланарди. С. Сиёев, Аваз.*

2 Ўриндошлик йўли билан ишловчи шахс.

ЎРИНДОШЛИК Асосий лавозими билан бир вақтда бошқа маошли лавозимни ҳам эгаллаб туриш. *Вазифани ўриндошлик йўли билан бажармоқ.* ■ .. шаҳар поликлиникасига ярим ставка билан ўриндошликка ишга жойлашиб олди. Газетадан.

ЎРИНЛАМОҚ 1 кам қўлл. Адо этмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ. *Устахонада ҳар ким маъсумий ишларини барвақт ўринлаб қўйишга шошиларди.* Газетадан.

2 Амалга ошмоқ; ижобий натижа бермоқ. [*Сафар бўзи:*] *Ариза ўринласа, яна хизмат қилармиз, мирзабоши.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎРИНЛАТМОҚ Яхшилаб, кўнгилдагидек қилиб бажармоқ, ўрнига қўймоқ, дўндирмоқ. *Шерназарбой ўзини мақташга уста бўлиб, гапни жуда ўринлатар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу йил звеноликни ўринлатинг, келаси йили, албатта, бригадир бўласиз.* Уйғун, Дўстлар. *Қачон менинг айтганимдек қилиб ўринлатувдингки, энди ўринлатасан!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЎРИНЛАШМОҚ айн. ўрнишмоқ. *Отлик меҳмон ўринлашиб олган.* Зокирбой ўтирганларга кибр-ҳаво билан уни таништира бошлади. С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бора-бора бу фикр унинг бошига жиддий ўринлашиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРИНЛИ 1 Миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, шу сўзлар билдирган миқдорда ўринга эгалликни билдиради; ўринга эга, ўрни бор. *Тўрт ўринли енгил машина.* *Олти юз ўринли зал.* *Икки юз ўринли касалхона.* ■ *Шерзод ётган еттинчи палата икки ўринли эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 Ҳақиқатни ифодалайдиган, адолатли; асосли, тўғри. *Ўринли мулоҳаза.* *Ўринли фикр.* *Ўринли маслаҳат.* ■ *Ҳасан сўфи билан Алим бува Қудратнинг ўринли гапларини жон қулоқлари билан тинглашди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

3 Жоиз, муносиб. *Шуни айтиб ўтиш ўринлики, бу муносабатнинг моҳияти ҳақида ўзбек тилшунослигида фикр баён қилинмаган.* «ЎТА».

4 Ўз жойида, ўрни билан, заруриятга кўра; тўғри. *Ўринли харажат.* *Ўринли сарф.* *Минерал ўғитларни ўринли ишлатмоқ.*

ЎРИНСИЗ 1 Асоссиз, бесабаб, беҳуда, ортиқча, нотўғри. *Ўринсиз ғазаб.* *Ўринсиз араз.* *Ўринсиз койимоқ.* ■ *Аваз қозининг*

шикояти ўринсиз топилиб, мол-мулки мусодара қилинди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Қўрқманғиз, ҳожил!* *Марғилон ҳокими ўринсиз қон тўкувчи эмасдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ярим кечага борганда, Оқилахон қуруқ тўхмат, ўринсиз таъналардан қутулиш йўллариини ўйлай-ўйлай, диванга суянганича ухлаб қолди.* Р. Раҳмонов, Талваса.

2 Муайян вазиятга тўғри келмайдиган, ёпишмайдиган; ноўрин. *Убай, директорнинг ўринсиз ҳазилдан шартта орқасига ўгирилди-ю, кабинетдан чиқиб кетди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Муҳаммаджон ҳозир гапиришни ўринсиз деб билди ва қовоғини солиб, юзини Зокирдан ўгириб олди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Бирор заруратсиз қилинган; фойдасиз, нотўғри, беҳуда, чакки. *Бир бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси маишатпараст, серхаражат, пулни ўринсиз сарф қиладиган экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандғи.

ЎРИС эск. с. т. Рус. *Ўрис хотин.* ■ *Ўрис амалдорга тегажоглик қилишни унга ким қўйибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРИСЧА эск. с. т. Русча. *Қани энди, мен ҳам ўрисчани шариллатиб ўқийдган бўлсам.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎРИШ 1 **Ўрмоқ 1** фл. ҳар. н. *Даавлатбеков.. пичан ўриш графигини ошириб бажаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎРИШ 2 **Ўрмоқ 2** фл. ҳар. н. *Сочларини қирқ кокил ўришларини айтинг.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *тех.* Тўқиманинг, матонинг узунасига ўтган иплари. *Уриш ва арқоқдай Текис зеҳнимда Тўқилишга тайёр Янги қўшиқлар.* Ғ. Фулом.

ЎРКАЧ 1 Туянинг орқа сиртида битта ёки иккита бўладиган, қалин ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта. *Уни [туяни] ҳеч ким қистамайди, етакламайди ҳам, худди машинадай, ўз ишини ўзи билади: ўркачларини диркиллайтиб лўкилаганича, бир йўлдан тинмай бориб-келиб туради.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Нор ўркачин туширар эсга Дарё бўйидаги тепалар.* Э. Раҳим.

2 *кўчма* Тепалик, тоғ ва ш. к. нинг ўркачга ўхшаш жойи. *Қирнинг ўркачи нари четда юксалган тоғнинг белига етиб турар.. эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Узоқдан қорайиб кўриниб турган тоғ ўркачига тўлин ой*

миниб олди. Ҳ. Фулом, Машғал. *Мавзе чети ўрқач қирларга туташ.* А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.

ЎРҚАЧДОР Йирик, катта ўрқачли. Бахмал, кимҳоб ёпишган ўрқачдор туяларга ёки каттакон зар дўппиларга ўхшаб кетган барханлар унга дош беролмай чекинардилар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Дараю дововонлардан ошиб, ёш-яланг йўловчилар «Қиз сийна» деб аталган ўрқачдор тепаликка кўтарилдик.* Й. Муқимов, Қўшбулоқ.

ЎРҚАЧЛАНМОҚ Ўрқачга ўхшаб кўтарилмоқ. Сувнинг ўрқачланишини қаранг, ҳар қандай отни ҳам эсанкиртади. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎРҚАЧЛИ Ўрқачи бор. Ўрқачли туя. Икки ўрқачли туя.

ЎРЛАМОҚ 1 Юқорига, тепаликка томон юрмоқ, йўналмоқ, чиқмоқ. *Тоққа ўрлаб Очи кетиб боради.* Фозил Йўлдош ўғли. *Аёли ёш боладай унинг қўлидан тутуди.* *Етаклашиб, юқорига ўрлайдилар.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Қирга ўрлаб кетадиган сўқмоқда бир эшакли боряпти.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

2 Кўкка (осмонга) кўтарилмоқ; юқориламоқ. *Султон улардан [қуюнлардан] қочиб, машинани дам чапга, дам ўнгга бурди, ниҳоят, қутулдик деганимизда, яна биттаси рўпарамиздан осмонга ўрлаб қолди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Уиларнинг мўрисидан кўтарилган тутун осмонга ўрлайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЎРЛИК шв. Ўжарлик. *Ўрлик қилса, айтган сўзга кўндириб, Мусофирга зўрлигимиз билдириб.* «Ёдгор». *Одамлар чолни ўрликда қанчалик айбламасин, лекин у жўн турмушга кўниқиб кетолмади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎРМА Ўриб, эшиб тайёрланган. *Ўрма арқон.* ■ *Сувонжон нақ елкасига тушай деган ўрма қамчига чап берди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎРМАК Шолча ёки гилам тўқийдиган маҳаллий дастгоҳ. *Уйнинг соя томонига Санам хола узун қилиб ўрмак қурган.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Эндигина қурила бошлаган ўрмак атрофида уймалашаётган келинларига, невараларига тикиларкан.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Уйнинг ичига ўрмак тикиб, фронт учун пайтава тўқийди.* Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар.

Ўрмак қўймоқ айн. танда қўймоқ **2** қ. танда. *Мана, бир йилдирки, у [Нусрат] тагин Тошкентга ўрмак қўйиб қолди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ЎРМАЛАМОҚ 1 Юрмоқ (ҳашаротлар ҳақида). *Кўнғиз ўрмалайди.* *Қирқоёқ ўрмалаб кетмоқда.* *Даҳадан турган қуртлар барг қидириб ўрмаламоқда.* ■ *Адирда бир чумоли ўрмаласа, у [бобо] сезар.* Қ. Муҳаммадий.

2 Худди шундай юриш қилмоқ, судралиб юрмоқ; эмакламоқ. *Танклар далага ёйилиб, ўт нишқириб, ҳар ёқдан ўрмалаб келарди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Бектемир душман мудофаасига яқин жойдан ўрмалаб келган бир танкистнинг бетига қарашга ботина олмади.* Ойбек, Куёш қораймас. *Узоқдаги адирнинг ёнбағрида бир нима ўрмалаб келяпти.* О. Ёқубов, Излайман.

3 Юқорига томон тирмашмоқ, ёпишиб чиқмоқ, кўтарилмоқ. *Элмурод қалбига милтиқ товушлари билан кираётган қувонч тавсиридан ҳовлиқиб, том устига ўрмалади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Болалар] Гоҳ тик қояга ўрмалар, гоҳ илон изи бўлиб кетган сўқмоқдан пастликка — дарага тизилишиб тушиб боришарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Милдираб оқмоқ, жилдираб ўтмоқ (сув, томчи ҳақида). *Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп гўза тирилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ота чуқур тин олди.* *Ич-ичига ботиб кетган кўзларидан ёш ўрмалайди.* А. Қуронбоев, Ориятсиз ўғил.

ЎРМОН Бир-бирига ва ўсиш шароитига таъсир этувчи ва географик ландшафт элементини ҳосил қилувчи дарахтсимон ўсимликлар мажмуи, дарахтлар гуж ўсган жой. *Қалин ўрмон.* *Ўрмон хўжалиги.* ■ *Петербург остонасидаги ўрмонларда дарахт қулатади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Улар фақат кечга яқин қалин ўрмон билан ўралган кичкинагина бир қишлоққа етиб келишди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

ЎРМОНЗОР Ўрмонли жой; ўрмон, дарахтзор. *Бир ёни сой, бир ёни қалин ўрмонзор эди.* Уйғун.

ЎРМОНЛИ Ўрмони бор; ўрмон билан қопланган. *Ўрмонли тоғ.* *Ўрмонли жой.*

ЎРМОНЛИК айн. ўрмонзор. *Кўзларидан ўт сочди.* *Ўрмонликдан тун қочди.* Ҳ. Олимжон.

ЎРМОНЧИЛИК Халқ хўжалигининг ўрмон ҳосил қилиш ва ўрмон маҳсулотини тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳаси (ўрмоншуносликнинг бир тармоғи). *Ўрмончилик хўжалиги. Ўрмончилик sanoати.*

ЎРМОНШУНОС Ўрмончилик мутахассиси. *Ўрмоншунос олим. Ўрмоншунослар тайёрламоқ.*

ЎРМОНШУНОСЛИК Ўрмон ҳаёти, ўрмонлар яратиш ва ўрмон маҳсулотидан фойдаланиш ҳақидаги фан.

ЎРМОҚ I Ғалла ўсимлиги, ўт, беда ва б. ўсимликни чалғи, ўроқ, комбайн ва ш. к. билан қирқиб олмоқ. *Арпа ўроқ. Қамиш ўроқ. Янтоқ ўроқ.* ■ [Бекбой:] *Ўроқ яса-тиб беринг, мен ҳам бундай ўраман, деб жони-ҳошимга кўйдими бу қизча.* Н. Сафаров, Дон. *Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тиқа бошлади.* «Ёшлик».

Арпангни хом ўрдими? қ. арпа. Ўроқ ўроқ Ўроқ билан ўроқ, ўроқ билан ишламоқ. *Машираб индамай, ўроқ ўраётган жойига қараб кетди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сизнинг молларингизга қараган, ўроқингизни ўрган, хирмонингизни янчган.. бир инсонни биламан..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРМОҚ II Толаларни ёки уларнинг бир неча тутамини бир-бирига чалмаштириб тўқимоқ, эшмоқ. *Сочни ўроқ. Қамчи ўроқ.* ■ *Ҳафиза оқ батис(т) кўйлагини.. кийиб, сочини битта қилиб ўрган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Отга чиганоқли асбобларни тақиб, ёлини қизил латталар билан ўриб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРМОҚ III шв. Ўрламоқ; ўрмаламоқ. *Ёлғизоёқ йўлдан қирга томон ўриб чиқаётган бир тўда аёлларни ўз оғзига қаратиб бораётган Маъсумаойнинг сўзини кимдир бўлди.* Н. Сафаров, Дон. *Дасталарга чиққан қуртлар, пилла ўраш ўрнига ўриб юрар, якка-якка ўраганлари ҳам пиллани тешиб, яна чиқиб кетган эди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

ЎРНАК Бошқалар эргашса, тақлид қилса арзийдиган иш ёки ҳаракат намунаси. *Ўрнак бўлмоқ (кўрсатмоқ). Ўрнак олмоқ.* ■ *Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб, далага чиқиши — бошқаларга ўрнак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шундай оғир, масбулиятли пайтларда командирнинг шахсий жасорати ва ўрнаги бир онда юзларча одамларни қаноатлантиради-*

ган қандайдир сеҳрли бир кучга эга эканига асло шубҳа қилмасди. Ойбек, Куёш қораймас. *Сержант меҳнатда қандай ўрнак бўлган бўлса, жангда ҳам жангчиларга ўрнак бўляпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎРНАКЛИ Ўрнак бўладиган, бошқалар тақлид қилса арзийдиган; ибратли. *Ўрнакли иш. Ўрнакли жасорат.* ■ *Мудир жадал қадам ташлаган ҳолда тўхтовсиз гапирар, унинг сўзлари ҳам ўрнакли, ҳам қизиқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРНАМОҚ кам қўлл. Ўринлашмоқ, ўрнашмоқ. *Стол яхши ўради.* ■ *Саудий — жўн студент, ёзувчиликка ўрнаб, ҳамиша муваффақиятсизликка учраб юрган бир йигит.* А. Қаҳҳор, Сароб

ЎРНАТМОҚ I Муайян бир ҳолатда ўрнига мослаб кўймоқ, жойламоқ, ўрнаштирмоқ. *Йўлчи шамни қизнинг теңасидаги тоқчага ўрнатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон чакалакзордан ўтиб, пулемётни снаряддан ҳосил бўлган бир чуқур бўйига ўрнатди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бунёд қилмоқ, ясамоқ, қурмоқ. *Ҳайкал ўрнатмоқ. Стенд ўрнатмоқ. Майдон ўртасига монумент ўрнатмоқ.* ■ *Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатиш расм бўлди.* Газетадан.

3 Бирор ҳолатни юзага келтирмоқ, жорий қилмоқ. *Тинчлик ўрнатмоқ. Интизом ўрнатмоқ.* ■ *Ғуломжон дастлабки кундан тортиб мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ахир, адолатни қон тўқмай ўрнатса бўлмайдими? К. Яшин, Ҳамза.*

4 Ишга, ўқишга ва ш. к. га киритмоқ, жойлаштириб кўймоқ. *Мана, Қодиров номига ёзилган хат, сизни ишга ўрнатиб кўяди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЎРНАШМОҚ I Бирон ўринни ёки жойни эгалламоқ, эгаллаб ўтирмоқ, ўринлашмоқ. *У креслога қулай ўрнашиб олди. Ўрнашиб ўтиринг. Жой нотекис бўлгани учун стол ўрнашмади.* ■ *Ҳалиги шох арқоннинг орасига бутоқ-мутоқлари билан кириб, маҳкам ўрнашиб олибди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жилловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 кўчма Бир жой, ўринда мавжуд бўлмоқ, унда жой олмоқ. *Кўзларига ўрнашган, сингилган ғам кетмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бирор жойни ишғол қилмоқ, бирор жойда яшамоқ; ҳаёт кечирмоқ, турмоқ. *Ётоққа ўрнашмоқ. Квартирага ўрнашмоқ. У шаҳарга ўрнашиб қолди.* ■ Янги ерларга жасур ёшлар кўчиб боришиб, ўрнашиб қолмоқдалар. Газетадан. Душман муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган станцияда жуда маҳкам ўрнашган ва ҳар қандай қурбон бадалига бўлса-да, уни қўлдан чиқармасликка тиришарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Бирор иш-фаолият, лавозим ва ш.к. да ўрин эгалламоқ, унда муқим бўлмоқ. *Директорликка ўрнашмоқ. Институтга ўрнашмоқ.* ■ У вилоят газетасига масъул котиб бўлиб ўрнашди. А. Қаҳҳор, Сароб. Аммо Холмирзаев ҳеч ерда муқим ўрнашолмади. «Муштум».

5 Кўчма Эс, хаёл ва ш. к. да жой эгалламоқ. Бу лавҳанинг ҳаммаси унинг хаёлига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. *...майин товуши, нуқрадек совуш ва ясамароқ жилмайиши хотирамга ўрнашиб қолди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Бақиргандан кўра, мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади. Газетадан.

ЎРОВ Ўралган, қуршалган ҳолат; қуршов. *Талаасага тушган душман, ўровда қолган бўлса ҳам, осонликча жон бермай, қаттиқ олишарди.* Файратий, Унутилмас кунлар.

ЎРОЛ фольк. Гап ёки нутқнинг боши, бошланиш; муқаддима. *Ўзбекча «йўл бўлсин» деган сўз гапнинг ўроли бўлади.* «Равшан». *Ўзбекнинг қизи ҳар сўзининг ўролида айтади: -Эр Алпомиш ёрим бордир, Элда зўраворим бордир..* «Алпомиш».

ЎРОҚ 1 Турли бошоқли экинлар, беда, пичан ва ўтларни қўлда ўриш учун ишлатиладиган, бели букик, ўткир тигли меҳнат қуроли; қўл ўроқ. *Йўлчи ўроққа диққат билан тикилиб қаради ва энкайиб ўра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Даштдаги бугдой асосан ўроқ билан ўрилгани учун, машоқ фақат янтоқ қалин жойлардагина кўпроқ учрарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Чалғи ўроқ с. т. Чалғи. Эҳе, машина лик тўла темир асбоб. Бир хили чалғи ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Ўроқ ўрмоқ** с. т. қ. **ўрмоқ 1.** *Очил омонча бўйи етиб-етмай қўш ҳайдаган, ёз ойларида отасига қўшилиб ўроқ ўрган, тоғларда қўй боққан.* П. Қодиров, Уч илдиш. **Қўл ўроқ** айн.

Ўроқ 1. [Соволди:] *Айтгандай, бир қўл ўроқ, бир чалғи, кетмондан иккита.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Ўриш иши; ўриш жараёни. *Авжи ўроқ пайти. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда — ҳозир.* Мақол. ■ *Қирдаги бугдойлари, қўриқлардаги деҳқончиликларини саранжомлагандан кейин Бердибой тўқайга шоли ўроққа кетади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Ўтганнынг ўроғини, кетганнынг кетмони олмоқ Дуч келган кишига озор бермоқ, безорилик қилмоқ. -*Уша кезлари Бургут босар-тусарини билмай, медалларини жаранглатиб, ўтганнынг ўроғини, кетганнынг кетмонини олиб юрди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ЎРОҚ-БОЛҒА тар. Ишчилар ва деҳқонларнинг бирлиги, иттифоқи рамзи сифатида бирининг устига бирини қўйиб, чалмаштириб туширилган ўроқ ва болға сурати. *Унинг [танганинг] бугдой бошоқ қўшилган ўроқ-болға тамғаси суя остида Саодатнинг кўзига ўзгача ярқирамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

ЎРОҚЧИ 1 Ўроқ ясовчи уста, темирчи.

2 Ўриш иши билан шуғулланувчи, ўрувчи киши. *Ўроқчининг ёмони ўроқ танлар.* Мақол. ■ *Эртасига ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзини чапдаст-эпчил ўроқчи ҳисоблаган Ёрмат.. Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик топа олмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРОҚЧИЛИК 1 Ўроқ (ўриш) иши. *Мен қараб турмадим: пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 эск. Бозорда ўроқчилар растаси, қатори.

ЎРОҒЛИҚ Ўраб, беркитиб қўйилган; ўралган. *Қудратни қўлтиқлаб, сўри остидаги стулга бориб ўтирди ва газетага ўроғлик блокнотини очди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳури қўлидаги қоғозга ўроғлик нарсани Насимага тутқазиб, самимият билан гапирди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Эсонбобо.. ўроғлик турган дастурхонни ёзиб, бойваччанинг олдида сурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЎРП шв. Елин. *Биянинг ўришга сутлар келади. Бунни кўриб Ҳаким отдан қўнади.* «Алпомиш».

ЎРТ шв. Олов, ўт, аланга. *Шубҳа қовураб эди Базиларни мисли ўрт.* Миртемир.

ЎРТА 1 Сатҳнинг четларидан марказига томон тенг узоқликда бўлган қисми. нуқтаси; марказ. *Ноннинг ўртаси. Газетанинг ўртаси. Хонанинг ўртаси. Ҳовузнинг ўртаси. Тарвузнинг ўртаси.* ■ У [Сувонжон] девордан бир сакрашда ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди. *Богнинг ўртасида Ойсулувга етди. С. Анорбоев, Оқсой. Шаҳарнинг ўртасида данғиллама ҳовлим бор!* О. Ёқубов. Учрашув. *Тўхта хола ҳовли ўртасидаги сўрига келиб, оппоқ ёстиққа энгашиди. И. Раҳим. Чин муҳаббат.*

2 Узун нарсанинг икки учидан тенг узоқликда бўлган нуқтаси, жойи. *Арқонни ўртасидан кесмоқ.* ■ Уш билан Андижон йўлининг ўртасида шумшайиб ётган Қорабулоқ қишлоғи бирварақасига уйғониб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Икки ёки ундан ортиқ нарсаларнинг оралиқ қисми; оралиқ. *Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртасида қишлоқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шарқу ғарб ўртасида катта бир манзил, Чин-Мочиндан толиқиб келган карвонлар.* М. Шайхзода.

4 Кишилар ёки бир жойдаги нарсалар ораси; қуршов, давра. *Ўртада бир неча қизлар рақс тушмоқда – жонли, шўх, тетик рақс. Ойбек, Қуёш қораймас. Оломон ичидан Мамажон ўртага чиқди. А. Мухтор, Опасингиллар. Санам хола билан қандай ярашганини айтди-ю, қайнаси нишириб берган варақи сомсаларни ўртага қўйди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

5 сфт. Оралиқ (ўрта)да бўлган; ўртадаги. *Ўрта бармоқ. Ўрта эшик. Ўрта ҳовли.*

6 Бошланишидан ва охиридан тахминан тенг узоқликда бўлган вақт. *Куннинг ўртаси. Йилнинг ўртаси.* ■ *Саратон ўтган, кузнинг ўртаси – меҳржон [кузги ҳосил байрами] палласи эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

7 (асосан ў.-п. к. шаклида – **ўртада**) Ҳамма ёки бир неча киши учун умумий, тенг, бир хилда тегишли бўлган. *Ўртада машиналар, Ўртада бу гараж ҳам, Дўст бўламиз чинакам. Қ. Муҳаммадий. [Низомиддинов:] Колхоз эмиш-а, ҳамма нарса ўртада: Бутун бир қишлоқ бир кўрпада. Ер ўртада, мол-жон ўртада. С. Аҳмад, Ҳукм.*

8 Меъёрий даражали; ўртача. *Ошининг тузи баланд ҳам, паст ҳам эмас – ўрта. Ўрта бўйли йигит. Ўрта ёшли аёл.* ■ *Дехқон.*

Ўртадан кўра пастроқ, пастдан кўра юқорироқ хўжалиги бор. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Беш балли баҳо тизимида «яхши»дан паст, «ёмон»дан юқори даражадаги баҳо; ўртача, қониқарли. *Уқувчининг билимига «ўрта» қўймоқ. Иншодан «ўрта» олмоқ.* ■ *Хўп, ҳозир кўрамиз.. «Яхши!».. «ўрта».. «ўрта». «Қани аёло?» А. Қаҳҳор, Айб кимда?*

10 (макон келишиклари шаклида – **ўртага, ўртада, ўртадан**) кўм. өзф. Макон, пайт ёки объект муносабатини билдиради. *Гавҳар шошилмай ўтиб, Зулайҳо билан Абдухалилнинг ўртасига ўтирди.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Отанг билан ўртамизда шундай гаплар ўтган.. М. Ҳазратқулов, Журъат. ..икки кундош ўртасидан анча гаплар ўтгани бир даража маълум бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ширмонжон оломон ўртасидан суғурилиб чиқди. С. Зуннунова, Олов.*

Икки ўртада Томонлар тортишуви оқибатида. *Икки ўртада қизимга жабр бўлма-са гўрга эди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ўрта йўлда қолмоқ айн.** *арасотда қолмоқ қ. арасот.* *У ўрта йўлда сўптайиб қолган эди. Изма-из жазони ўтаб чиққан «устоз»нинг этагидан маҳкам тутди. «Муштум». Ўртага олмоқ* Бирор нарса юзасидан кўпчилик бўлиб панд-насиҳат қилмоқ, таъсир ўтказмоқ. *«Йиғи»дан сўнг икки овсин дарвор Нурини ўртага олиб, шивир-шивир билан «фалокат»ни тушунтира бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Ўртага солмоқ айн.* **ўртага ташламоқ.** *Умумий мажлис қиламиз, ўртага соламиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ўртага ташламоқ* Кўпчилик муҳокамасига тақдим этмоқ. *Иброҳимов.. ўртага ташланган фикрларни ва буларнинг тўғри ё нотўғри эканлигини исбот қилиш учун кўрсатилган далилларни ўлчаб, салмоқлаб кўрди.. ёзиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ўртага тушмоқ айн.* **орага гушмоқ қ. ора.** *-Битта гапдан қол, Умар, аччиғингни ют, – деди Бўронбой ўртага тушиб. К. Яшин, Ҳамза. Аммо хўжайин ўртага тушса, у вақт иш силлиқ бўлиб чиқса керак, деб ўйлайман. Ойбек, Танланган асарлар. Ўртада қолмоқ айн.* **орада қолмоқ қ. ора.** [*Эримбет:*] *Элгелди оға, воқеа ўртамизда қолсин. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ўртадан кўтармоқ* Йўқ қилмоқ. *Ноқулай вазиятни ўртадан кўтармоқ.*

Гина-кудуратни ўртадан кўтармоқ. ■ Му- сулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кў- тариб, юртга осовиш берганда, унга ким ни- ма дея олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРТАСРЧИЛИК Ўрта асрга хос хусу- сият, ҳолат.

ЎРТАКАШ с.т. Тўй, зиёфат, ўтириш ва ш.к. маросимларда даврани олиб борувчи, маросимни бошқарувчи киши, тамада. *Ўр- такашнинг «Тўй — тўйдаи бўлсин!» деб қич- қирганларини эслаган бўламин.* Газетадан.

ЎРТАЛИК кам қўл. Ўрта ер, ўрта жой; ўрта, оралиқ. *Вақт кечикиб бормоқда, ўрта- лик қоронғилашмоқда эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ҳамма жим туриб қулоқ солди. Ҳеч қандай овоз йўқ эди. Демак, ўрталик ҳали катта, кўп кунлар, балки ойлар қозишга тўғри келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўрталикда жой бормикан? Йўқ, ўртада жой йўқ.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЎРТАМИЁНА Ўрта даражадаги; ўртача. *Ўртамиёна уй. Ўртамиёна хўжалик. Ўрта- миёна асар.* ■ *Мен ўртамиёна баҳоларни ёмон кўраман. Менга ё «беш», ё «икки» қў- йинг!* Ғ. Мусажонов, Ғамхўр. *Лоф бўлса ҳам, дадамнинг ишонасини ўртамиёна кутубхо- на, деса бўлади.* Газетадан. *Зайнаблар ўрта- миёна яшашарди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Аксинча, ўртамиёна актёр бўлсанг, режиссёр- нинг олдига сен борасан.* Газетадан.

ЎРТАМОҚ 1 Ўт олмоқ; ёнмоқ, ёндир- моқ. *Уйларимиз ўртаб ёнарди, Иссиғига исинарди ёв..* Т. Тўла. *Халойиқ.. қизил аскар- лар хонумонимизни ўртаб вайрон қилди..* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

2 кўчма Ниҳоят даражада қиздирмоқ; куйдирмоқ. *Куйшдан оққан олов сели гав- жум шаҳар кўчаларини ўртайдди.* Ж. Аб- дуллахонов, Орият.

3 кўчма Руҳий алам-изтиробга солмоқ; куйдирмоқ. *Юракни ўртамоқ. Жонни ўрта- моқ.* ■ *Нега индамайсан, йиғлайсан, Юрак- бағрим ўртаб тилгайсан.* Э. Раҳим. *Остингда юз алвон уйнайди отинг, Душманни ўртайдди шавни-шавкатинг.* «Алпомиш». *Акроннинг қулоғига карнай-сурнай садоси чалинса, ҳеч қачон ушалмас орзуси алам бўлиб, вужудини ўртайдди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЎРТАНЧА Ака-ука, опа-сингиллар (фар- зандлар), шунингдек, куёв ёки келинлар ва ш.к. қаторида энг каттасидан кейинги, энг

кичигидан каттаси; ўртадагиси. *Энг катта- си — борса келарга, ўртанчаси — борса кел- масга, кичиги — борса хатарга кетибди.* «Эртаклар». *Чала бино орқасидаги янги уйда мўйсафиднинг ўртанча ўғли яшайди.* Ў. Ус- монов, Сирли соҳил. *..ўртанча қизи Ойша бегимни унаштириб қўйишган эди.* П. Қо- диров, Юлдузли тунлар. *Кампир у ёқ-бу ёқ- қа кетганида, бу ишларни фақат ўртанча келинига ишонарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЎРТАПИШАР Мавсум ўрталарида пи- шадиган. *Ўртапишар олма. Ўртапишар пахта навлари.* ■ *Ҳар меванинг ўз участкаси бор, ҳар бир участканинг ўз бўлимлари бор: эртапишар, ўртапишар, кечпишар.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЎРТАЧА Ўрта даражага эга бўлган, ўрта даражадаги; юқори (ортиқ) ҳам, паст ҳам эмас. *Ўртача оғирликдаги тарвуз. Ўртача ҳарорат. Ўртача тезлик. Ўртача ривож- ланмоқ. Ўртача исимоқ.* ■ *Қашқа жийрон устида малла чарм тўнли, тулки телпакли, ўртача жуссали бир кимса калта тақилган узангига оёқларини тираб ўтирарди.* П. Тур- сун, Ўқитувчи. *Ўртача гўшти ишчи отлар келган-кетганларга нарвосиз, анғиздан бош кўтармайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Дала бизнинг боғчадан кенг, ҳавоси ёқимли- роқ эди, ўртача эсаётган ёқимли шамол кишининг юзини сийпалаб, димоққа латиф хуш ҳидларни келтирарди.* С. Айний, Эсла- ликлар.

ЎРТАҲОЛ эск. Яшаш, турмуш даража- си ўртача бўлган; бой эмас, лекин камба- галдан дурустроқ ҳаёт кечирувчи. *Орада яна камбағал, ўртаҳол.. деган гаплар келиб чи- қади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Содиқ таранг ўзига тўқ ўртаҳол деҳқонлардан эди.* С. Аҳ- мад, Сайланма.

ЎРТОҚ 1 Ёши тенг ёки яқин бўлиб, ўзаро яхши алоқада бўлган тенгдошлар (бир- бирига нисбатан); бирга ўсган; тенгдош, дўст, ошна. *Укамнинг ўртоғи. Қалин ўртоқ.* ■ *Хайр, онажон! Менинг учун бувимни қу- чоқлаб қўйинг, ўртоқларимга салом айтинг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар, ўртоғининг ҳусну латофатига маҳлиё эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шу хотиннинг ўртоғи бор эди. Яхши жонон..* Ойбек, Танланган асар- лар. *Бугун стипендия олишгани учун икки*

ўртоқ қўлбола ош қилишмоқчи эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Дунёқарашини, фаолияти, яшаш шароити ва ш.к. жиҳатидан бир, ғоявий жиҳатдан яқин киши; ҳамфирқ, ҳамғоя. Қўдрат.. ҳокимнинг қон тўлиб кетган кўзларидан яширинмади, аксинча, ўртоқлари билан гузарда ярим кечагача жилмай ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эски ўртоқларингдан айрилгансан, янги ўртоқ орттиролмадинг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 расм. Кишиларга мурожаатда, одатда уларнинг фамилияси, касби, унвони ва ш. к. билдирувчи сўзга қўшиб ишлатилади. *Ўртоқ директор. Ўртоқ майор.* ■ Қани, ўртоқ бемор, оёқларингизни узатинг-чи. С. Кароматов, Олтин қум. Рўзимат саҳнадан чиқиб кетди-ю, ҳаял ўтмай залда пайдо бўлди ва Канизакнинг олдига келиб, қулоғига секин: -*Ўртоқ Аҳмедов йўқлаётибдилар, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 с. т. айн. турмуш ўртоғи; эр ёки хотин, рафиқ ёки рафиқа. Ҳалимаҳон, ўртоғингиз қаерда ишлайдилар? ■ Эркаклар ҳам рўзғор ишини яхши билиши, ўртоғига яқиндан ёрдам бериши керак. Газетадан.

Турмуш ўртоғи қ. турмуш. Ҳошимжон, биринчидан, жонажон дугонамнинг турмуш ўртоғи, иккинчидан, ўз акамдай кўраман уни. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

5 Бирор иш-фаолиятда бирга бўлувчи, бирор нарсани баҳам кўрувчи; шерик. Ошга ўртоқ — бошга тўқмоқ. Матал. ■ Дам бўламан олтин қуёш Ҳуснига ўртоқ. Дам тераман этак-этак Гуллар: пушти, оқ. Ғайратий.

Ўртоқ бўлмоқ айн. ўртоқлашмоқ. Ғирромликни билмайдиган ҳалол бола кўринади. Ўртоқ бўлсанг арзийди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎРТОҚЛАШМОҚ 1 Ўртоқ бўлмоқ, ўртоқлик муносабатини тутмоқ. Йўлчи улар билан содда ва очиқ кўнгли билан сўзлашиб, бирпасда апок-чапок ўртоқлашиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Фақат икковларинг дўстлашиб, ўртоқлашиб кетишларингни хоҳлардим. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 кўчма Хурсандчилик, қайғу-ҳасрат ва ш. к. га шерик қилмоқ. Ҳадичахон Аҳророва ҳам қурултой минбаридан туриб нутқ сўзлади. Вакиллар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди. Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. У

ҳикоя жуда қизиқ бўлганидан ҳозиргача эсимдан чиқмаган ва уни нақл қилиб, китоб-хонлар билан ўртоқлашсам, зарар қилмаса керак. С. Айний, Эсдаликлар.

ЎРТОҚЛИК Ўртоқчиликка хос муносабат; дўстлик; Ҳожига тенг бўлмаса, Абулбарак билан ўртоқлиги бўлмаса.. Албатта, Таманнинг илинжида елиб-югурадида! Шўҳрат, Жаннат қидирганлар. Боболаримиз ҳам, «Кўрғон қурма, бойлик тўплама, дўст орттир», деганлар. Ҳақиқатан ҳам дўстликдан гўзалроқ, ўртоқликдан кучлироқ нарса йўқ оламда. М. Салом, Кечирим.

Ўртоқлик учрашуви сирт. Расмий бўлмаган учрашув. ..Мойлисув шахрининг баскетболчилари наманганлик спортчилар билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Газетадан.

ЎРТОҚЧИЛИК айн. ўртоқлик. [Суннат:] Ахир дунёда ўртоқчилик, таниш-билишлик ҳам бор. Сенингча, ёлғиз муҳаббат бор-у, бошқа ҳеч нарса йўқ. Шўҳрат, Шинелли йиллар.

ЎР-ҚИР Рельеф шакли, ер юзаси но текис, чуқурлик билан қирлар алмашилиб келадиган жойлар.

ЎСАЛ 1 Беморнинг ниҳоятда оғир, ҳеч нарсани билмайдиган ҳолати, тузалишига умид қолмаган оғир касал.

Ўсал бўлмоқ 1) оғирлашиб қолмоқ, ўлим олдида ётмоқ. Кампир ўсал бўлиб қолибди. ■ Бемор кундан-кун баттар бўлиб, охири ўсал бўлди. А. Қаҳҳор, Бемор; 2) ўта хижолат бўлмоқ, шарманда бўлмоқ. Ёлғончининг ўзи ўсал бўлди. ■ У лом-мим дея олмади, ўсал бўлиб, ерга қаради. Мирмуҳсин, Қизил дурралар. Ўсал тортмоқ Ноқулай, хижолатли ҳолатда қолмоқ, қаттиқ хижолат бўлмоқ. Оғир дашномлардан ўсал тортиб, сувга тушган мушукдай бўлиб ўтирган Силин бирдан санчиб турди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Ўсал қилмоқ Қаттиқ уялтирмоқ, шарманда қилмоқ. Борса, ё уришиб берар, ё.. шоир бўлмаган бир сен қолган эдинг, яқиндан ариза ва қарорлар ҳам шеър билан ёзиладиган бўлади! — деб кўпчилик ичида ўсал қилар. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ярамас, ёмон; бемаъни. Ўсал ишни қилиб бўлган гуноҳкор. Ундайин фарзанднинг ўлмоғи даркор. «Ширин билан Шакар». Аҳмад ўсал бир кайфиятда ўрнидан турди, қўлёмани олиб, хонадан чиқди. Ф. Муса-

жонов, Ҳиммат. *Бегижон, бу ишинг ўсал бўлибди, Бойчиборни, билдим, қалмоқ минибди.* «Алпомиш».

ЎСАЛЛАШМОҚ Касали оғирлашмоқ, ўсал бўлиб қолмоқ. *Касал ўсалашди.*

ЎСАЛЛИК I Касалнинг оғирлашган, ўлим олди ҳолати.

2 Уят, шармандалик.

ЎСИМ эск. кам қўлл. I Ўсиш, кўпайиш; ортиш.

2 Бирор мажбуриятни ўз вақтида тўламаганлик учун олинадиган жарима ёки фоиз ҳисобида қўшимча тўлов; пеня.

ЎСИМЛИК Ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озикланадиган, анорганик моддаларни органик моддаларга айлантириш хусусиятига эга бўлган, одатда, бирор жойга ўрнашган ҳолда ривожланадиган организм. *Ёввойи ўсимлик. Маданий ўсимлик. Хонаки ўсимлик. Кўп йиллик ўсимлик.* ■ *Гиёҳлар орасида кўкнор, наша каби заҳарли ўсимликлар борки, булардан истеъмол қилинганда, организм қаттиқ заҳарланади.* Газетадан. *Бодринг иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ЎСИМЛИКШУНОС Ўсимликшунослик билан шугулланувчи мутахассис, олим.

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК Маданий ўсимликларни етиштириш усуллари ҳақидаги фан. *Ўсимликшунослик институти.*

ЎСИМТА Одам, ҳайвон ёки ўсимлик танасидан ўсиб, бўртиб ёки туртиб чиққан қисм. *Кўричак ўсимтаси. Муртак (чигит) ўсимтаси.* ■ *Нерв тўқимаси нерв хужайраларидан, яъни нейронлардан ҳосил бўлади, нейронлар эса тана ва ўсимталардан иборат.* «Анатомия». *Куён миячасининг биргина хужайрасида олтинмиш микдан кўп ўсимта бор.* Н. Ёқубов, Жон.

ЎСИШ I Ўсмоқ фл. ҳар. н. *Дарахтнинг ўсиши.*

2 биол. Хужайралар, шунингдек, хужайра бўлмаган тузилмалар сони ва массасининг ортиши ҳисобига организм ёки тана аъзолари ҳажми ва массасининг ошиб бориши.

3 иқт. Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар яратиш ҳажмининг олдинги йил (давр)ларга нисбатан кўпайган миқдорда тақрорланиши.

ЎСИҚ Меъёрдагидан ортиқ ўсган, яхши ўсган. *Ўсиқ қош. Ўсиқ киприklar.* ■

Тўриқ яна бир кишнади-ю, ўсиқ ёлини тўзғитиб елганча кетди. М. Осим, Ўтрор. *Ўсиқ гўза туплари уни бўйнигача кўмиб юборган..* С. Анорбоев, Оқсой. *Фақат ўсиқ анжир буталарининг нари ёғида Маҳкам ҳар куни зарядка қиладиган пана жой ҳали сояга чўмиб ётарди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ЎСИҚЧА айн. ўсимта. *Кўричакдан илгичка чувалчангсимон ўсиқча чиққан бўлиб, унинг деворида жуда кўп лимфатик тугунчалар жойлашган.* «Физиология».

ЎСМА I I Узун чўзинчоқ тўқ яшил баргли, крестгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўтсимон ўсимлик. *Қиш бошланишида ҳамма ток кўмса, Маликаҳон ўсмасини кўмар, чиллада ҳам унинг ҳовлисида ўсма баҳордагидек кўкариб ётарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Шундай ўсимликнинг баргидан сиқиб олиниб, қош ва киприklarга қўйиш (суртиш) учун ишлатиладиган қора-яшил рангли суюқлик. *Унинг ҳозиргина қўйган ўсмаси чаккасига оқиб тушган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎСМА II тиб. Организмдаги ўзгарган ва ўзининг одатдаги шакли ҳамда вазифасини йўқотган хужайралардан иборат тўқималарнинг зўр бериб ўсиб кетиши. *Жигар ўсмаси. Мия ўсмаси.* ■ *Тажрибалардан маълум бўлдики, кобранинг заҳари ҳатто рақ ўсмасини ҳам ўсишдан тўхтата олар экан.* «Фан ва турмуш».

ЎСМАЛИ Ўсма қўйилган, ўсма суртилган. *Бегимхон гўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чимириб, бобиллаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎСМИР Болаликдан балоғат ёшига ўтиш давридаги, 12-16 ёшдаги бола. *Атрофида — унинг латифаларига, қизиқ-қизиқ ҳангомаларига муштоқ бўлган беш-олтита ўсмирлар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаётган ўсмир алоҳида муомалага, кўпроқ эътиборга муҳтож бўлади.* Газетадан.

ЎСМИРЛИК Ўсмир ёшидаги давр. *Ўсмирлигимда у билан чирииб баҳслашиб эдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЎСМОҚ I Ривожланиб бўйига ёки узунасига ўзини қўймоқ, чўзилмоқ, ривожланмоқ. *Бола яхши ўсди. Катта майдондаги гўзалар барқ уриб ўсяпти.* ■ *Бодом дарахти ер танламайди, тошлоқ, қумлоқ*

жойларда ҳам ўсаверади. Газетадан. ..жуда ўсиб кетибсиз-ку, Ойтўти, мана қаранг-а, менга етиб қолибсиз. Ойдин, Фонарь тагида.

2 Кўқарган (ўсган) ҳолда бўлмақ (дарахт, ўсимлик ҳақида). *Кучамизнинг муюлишида ўсган сада тагига қўйилган каравотда икки кампир дам олиб ўтиришибди.* Газетадан. *Яси қирга чиқиб қарасам, ҳақиқатан ҳам ялангликда катта садақайрағоч ўсиб турибди.* Газетадан.

3 Катта бўлмақ, балоғатга етмоқ; улғаймоқ. *У туғилиб ўсган қишлоғининг ҳар бир деворига, таниш дарахтларда яшнаб турган кўм-кўк япроқларга суқ билан тикилиб борарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У [Аваз] чорвадор оиладда ўсиб, мол сўйишларни кичиклигидан кўп кўрган эди.* П. Қодиров. *Қора кўзлар. Оҳ, она тупроғим, ўсган жойларим, Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг.* Миртемир.

4 Сон-миқдор, даража ва ш. к. жиҳати ортмоқ, кучаймоқ. *Ўтган йили жамият авзоларининг сони бирмунча ўсди.* Газетадан. *Чорва комплекслари ва фермаларига техникавий хизмат кўрсатиш тобора ўсмоқда.* Газетадан.

Кўнгли ўсмоқ Кўнгли кўтарилмоқ, кўтаринки руҳга эга бўлмақ, руҳланмоқ. *Аваз ўзининг чўпонлик қобилиятидан гурур қилиб, кўнгли тоғдай ўсиб юрган пайтларини эслади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎСМОҚЛАМОҚ кам қўлл. айн. **ўсмоқчилламоқ.**

ЎСМОҚЧИЛАМОҚ Ўзи билган ёки тахмин қилган нарсани янада суриштириб аниқлашга уринмоқ, шу мақсадда гап-сўз ташламоқ. *Пишиқ, сўзамол кампир.. келинларни ўсмоқчилаб ганга солар, эшитганларини дарров Қоратойга етказар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Қаёқда юрибсиз бемаҳалда? - худди эрининг «қирдикори»дан хабардор бўлгандай ўсмоқчилади Шакархон. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. У Муҳаррамдан кўп нарсани ўсмоқчилаб сўради. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ЎСПИРИН Балоғат ёшига етмаган ёш йигит. *Бу йигитни танийман кўпдан, Самарқандда ўсган ўспирин. Ё. Мирзо. Бундан саккиз йил аввал, у [Ўроз] ўн етти яшар ўспирин экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, улғам лаби устида Қалдирғочнинг майин қаноти. Ўспириним тоза кўксиди Кунда ошар янги ҳис тоти.* Зулфия.

ЎСПИРИНЛИК 1 Ўспирин ёшидаги давр; ёшлик. *Ўспиринлик йилларим. ■ Энди болалик бўстонидан ҳатлаб ўтиб, ўспиринлик даврига қадам қўйгансиз, ҳаёт учун керакли касб-ҳунар орттириш лозим.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Ўспиринга хос ҳолат, хислат. *Шунинг учун Ҳайдар чўққи саксонда Ўспиринлик даво қилса ҳаққи бор.* Ф. Фулом.

ЎСУВЧАН Тез ўсадиган. *Ўсувчан бута.*
ЎСУВЧАНЛИК Яхши, тез ўсиш белгиси, хусусияти.

ЎТ 1 1 Ёниш жараёни; олов, оташ. *Ер тўйдирар, ўт куйдирар.* Мақол. *Ерга тушган гул бўлур, Ўтга тушган кул бўлур.* Мақол. ■ *Бу орада майдончада ўт ловулади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқётган тутун эса нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Ҳовли ўртасидаги бир бузоқ билан икки кўй гўшти солинган дошқозон тагида ҳамон ўт ёнар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Икки ўт орасида (ёки ўртасида) қолмоқ Бирини деб, бошқасидан кечиб бўламайдиган, кечиш қийин ҳолатга тушмоқ. *Бобур ўзини икки ўт орасида қолгандай сезди. Беклару навкарларнинг кўнглига қарай деса, бу ёқда раият очарчиликдан ўляпти. Раиятни очлик чаналидан кутқазай деса, беклар, навкарлар дод солади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Авзам икки ўт орасида эди: ё чиройли хотину ўзинг учун ўл етимлик ёки чиллак оёқ совуқ хотину обрўй ва амал.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Тўқайга (ёки ўрмонга) ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнади** Кўпчиликка тегишли бир иш, ҳодиса ҳеч кимни четлаб ўтмайди, деган маънода қўлланувчи ибора. *Тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнганидай, димогдор, одамлардан жирканиб, ўзини улуғ тутадиган бек анчадан буён кишилар газабини кўзгаб, тоқатини тоқ қилиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнар экан.. Ҳозир ҳам шундай бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Ўзини ўтга, сувга урмоқ** Бирор мақсад йўлида ҳар қандай, ҳатто бир-бирига зид ишга ҳам қўл урмоқ. *Ўзини ўтга урди, сувга урди, ишқилиб, участка тақсимловчи техник бўлиб олди.* «Муштум». **Ўт билан сувдек** Бир-бирига қарама-қарши муносабатли. *Илга-*

рилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўт кўймоқ** Ёндирмоқ, ёқмоқ. Ўзбек ойим ҳашарчи хотиндан бирига тандирга ўт кўйишни буюрди-да, ўзи Зайнабнинг олдига келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тоҳирнинг мўлжали қирқ-эллик қадам ичкарироққа бориб, кўприкнинг ўртасидан ўт кўйиш эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Аланга, ёлқин. Соининг у бетидеги тоғларда соққадек-соққадек ўт ялтирарди. С. Анорбоев, Оқсой. *Шу он унинг ўнг томонидаги тепаликда ят этиб ўт кўринди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

3 Оловнинг алангаси сўнган (тўхтаган) ҳолати; чўғ. *Танчага ўт солмоқ.* ■ *Ўчоқдаги ўтни аста-секин кул босди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Куёшнинг ўт яллиғи каби қаттиқ қиздирадиган, куйдирадиган ҳолати; тафт. *Айни туш чоғи-ку, келинойимжон. Куёш ўз ўтидан беҳал бўлган пайт.* Қ. Раҳимбекова, Юрагимда кўрганларим.

5 *кўчма* Киши руҳиятидаги, қалбидаги аланга, олов каби «ёнувчи» («ёндирувчи»), «куйдирадиган» ҳолат; «олов». *Ишиқ ўти. Ҳижрон ўти.* ■ *..кўзларида ғазаб, нафрат ўтлари чақнаган аёлнинг сурати туширилган плакатлар ёпиштирилган.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *У жаҳл ўтида ёниб, «Сендай тоғам йўқ», дея қичқиради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У кишилар қалбида ғайрат ўтини ёқа олади.* Газетадан. *Кайҳусравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг руҳи тушиб кетди, уларнинг ғалабага бўлган ишончларига путур этиб, юракдаги ўтлари сўна бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бу ўт [интиқом ўти] оғирни енгил, узокни яқин қилади; нўлатни эритади, ўлимга даҳшат солади.* Аҳмаджон кўрган ҳамма жангининг қалбида мана шундай ўт ёнар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Юрагига ўт ёқмоқ Бирор нарсага завқ-иштиёқ, интилиш ҳиссини кўзғатмоқ, уйғотмоқ. *Аммо ҳеч бири юрагида нотаниш қиз ёқиб кетган ўтни пасайтира олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Водийнинг манман деган раислари юрагига ўт ёққан киши — Полянов ака Қозоқов бўлади.* «Ўзбекистон кўриқлари». **Ўт олмоқ** Алангаланмоқ, алангаланиб кучаймоқ. *Унинг Ўрмонжонга қар-*

ши юрагидаги адовати ўт ола борди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Араббойнинг ётоқхонага кириб кетаётганини кўргач, кўнглида ҳозиргина бир оз сусайган норозилик янгидан ўт олади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 *кўчма* Киши қалби (руҳи)даги жўшқин ҳолат; жўшқинлик, ҳарорат. *Фуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *кўчма* Қалбида шундай ўти бор; ўтли. *Ҳой, ўт йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди, аммо ҳар кимга сўзлайверма.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Отиш қуролларида ялпи, тўхтовсиз узилган ўқлар. *Душманнинг ўтидан бир-икки қайиққа шикаст етди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Тепалик ҳар хил турдаги тўплар, миномётлар, пулемётлар ўти остида қаттиқ ҳимоя қилиб турилибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

9 махс. Электр заряди.

Ўт бермоқ ёки ўт олдирмоқ Зарядламоқ, зарядлаб ишлатмоқ. *У дарҳол мотоцикл моторига ўт бериб.. сув ҳовузи томон шамолдай учиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бозор Ҳамроевич машина моторини ўт олдирди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЎТ I Пояси ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий озуқа бўладиган яшил ўсимлик; алаф. *Ёввойи ўтлар. Доривор ўтлар. Чорвабоп ўтлар. Сув ўтлари.* ■ *Барра ўтларга хўп тўй, Ҳеч ким бермайди халал.* И. Муслим. [Хулқарнинг] *Қадди-қомати нозик кўринса ҳам, ўзи йигитлардай запт билан ўт ўрар.. эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кўйлар ўтдан бошини кўтармайди.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

ЎТ II Жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш-яшил рангли аччиқ суюқлик. *Кимгадир ёввойи эчкининг терисими, айиқнинг ўтими керак экан.* Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар.

Ўт пуфаги Жигарнинг пастки юзасидаги махсус чуқурчада жойлашган, ҳажми 50-60 см³, шакли нокка ўхшаш пуфакча (унда ортиқча ўт сақланади). **Ўти ёрилмоқ айн. ўтакасн ёрилмоқ қ. ўтака.**

ЎТА I **Ўтмоқ** фл. рвдш. *Мудҳиш жанглар кўз олдидан ўта бошлади.* *Жарликдан ўта олмади.*

2 Белгининг ортиқ даражасини билдиради; ниҳоят, гоят, жуда. *Ўта айёр. Ўта*

доно. *Ўта золим. Ўта иссиқ. Ўта сахий. Ўта совуқ. Ўта қисқа. Ўта қизитилган.* ■ *Ижрочининг серифода кўзлари, ярашиб тушган ҳаракатлари, қилиқлари ўта табиийлиги билан ҳаммага маъқул эди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ, Олимжон ана шу қадрдон ерларни неча ойлаб кўрмай, ўта соғинган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Активацион таҳлил усулида тоза ва ўта тоза металллар олиш учун улардаги аралашма элементларнинг миқдорлари аниқланмоқда. «Фан ва турмуш».*

ЎТАКА: *ўтақаси ёрилмоқ* Ниҳоятда кўрқмоқ. *Онасининг маънодор қарашларидан бир нима уққандай, Раҳимнинг ўтақаси ёрилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Майна наганни ёнига суқди.. Ўтақаси ёрилаёзган Нарзи тоға кўзларини юмганича, қимир этмай эшакда ўтирар эди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

ЎТАКЕТГАН Белгининг ниҳоят ортиқ даражасини билдиради (асосан салбий маъноли сўзлар билан қўлланади). *Ўтакетган жоҳил. Ўтакетган аҳмоқ. Ўтакетган ғирром.* ■ *Мана, бир вақтлар мактаб учун ўзининг меҳмонхонасини инъом қилган Турдибой халфа билан ўтакетган мунофиқ Олахўжа махсум ҳам аста тебранишиб, томошага келишди. П. Турсун, Ўқитувчи. Даф бўлгандан кейин унинг ўтакетган хотинбоз эканлиги аниқланди. «Муштум».*

ЎТАМОҚ I Бегона ўтларни юлиб ташламоқ, ўтоқ қилмоқ. [*Бувим*] *Томорқада сабзи-пиёз ўтайди. П. Қодиров. Қора кўзлар. Чўлқуварлар ёз бўйи ғўзанинг ичидан чиқишмади, чопиқ қилишди, ўташди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

ЎТАМОҚ II I Адо этмоқ, бажармоқ. *Директорлик вазифасини ўтамоқ.* ■ *Ота билан ақаси унинг бу истагини ҳам ўтамай қўйишмади. «Муштум». Дўстликнинг негизи садоқат ва самимиятдир. Содиқ одам бурчини виждони билан ўтайди. М. Алавия, Болаларимнинг отаси.*

2 Бирор вазифа, жазо ва ш. к. муддатини тугатмоқ. *Қамоқ муддатини ўтамоқ.* ■ *Саттор армия сафида хизмат муддатини ўтаб қайтди. «Ўзбекистон кўриқлари». Алимжон шогирдлик муддатини ўтаганича йўқ. Газетадан.*

3 Бирор нарсага хос вазифани бажармоқ, шу вазифада қўлланмоқ, фойдаланилмоқ.

..ойхона ҳали бу ерга кўчмаган, бино ҳозирча клуб вазифасини ўтаб турарди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Султоновнинг икки капаси бор эди: биттасида тунашса, иккинчиси ошхона вазифасини ўтарди. «Ўзбекистон кўриқлари».

ЎТАР I **Ўтмоқ** I фл. сфдш. *Дарё ўтар — тош қолар, Ўсма кетар — қош қолар. Мақол.*

Ўзингиздан ўтар (ёки қолар) гап йўқ «Хаммасини ўзингиз биласиз, ўргатадиган жойи йўқ» маъносигадаги ибора. *Ўзингиздан ўтар гап йўқ, тоға. Кўз ўзоқ бўлгани билан кўнгил яқин.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЎТАР II с. т. айн. отар II. *Яйловга ёйилганда ҳам, қўрага қайтишда ҳам ўтарни ўз майлига қўйиш керак. «Ёшлик».*

ЎТГАН I **Ўтмоқ** I фл. сфдш. *Ўтган ишга ўкинма!* Мақол. ■ *У [деҳқон] тағ-томири билан туғилган ҳовлисига боғланган, бу ҳовли ота-бобоси ўтган муқаддас жойдир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 Бундан аввалги (вақт ҳақида). *Ўтган йил. Ўтган ҳафта. Ўтган асрнинг 60-йиллари.* ■ *Мана, ўтган ойда 30 тонна материал ўрнига 7 тонна бердингиз. «Муштум».*

Ўтган кун(и) Кечадан аввалги кун. *Бу ўринни ўтган кун кечаси келиб кўриб кетгани учун қайтадан қараб турмади. А. Қодирий. Ўтган кунлар. Ўтган кунни отланиб, Андижонга кетган мулла Фазлиддин бугун.. Қувага қайтди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ЎТЗОР Ўт-алаф билан қопланган ер, ўтлар ўсиб турган майдон; ўтлоқ. *Ўтзорга ёйилган пода. Ўтзорда пичан тайёрламоқ.* ■ *Ўтзорлар ичидан жонажон қишлоқ яққол кўришиб турибди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ЎТИМЛИ: *ўтимли феъл тлш.* Тушум келишигидаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *китобни ўқиди, уни танийман.*

ЎТИМСИЗ: *ўтимсиз феъл тлш.* Тушум келишигидан бошқа келишикдаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *мактабдан келди. мактабга борди.*

ЎТИН Ёқиш учун ишлатиладиган ёғоч, тахта, поя, шох ва ш. к. *Ўл ўтин. Ўрик ўтин. Саржин ўтин. Ҳашак ўтин. Ўтин термоқ. Ўтин ёрмоқ. Тандирга ўтин қаламоқ.* ■ *Саратон кўрган ўтин шатирлаб ёна бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Ёқай десам, ўл ўтин, Буралиб чиқар тутун. «Кўшиқлар».*

Ўтин бўлмоқ с. т. Пугурдан кетмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ (асосан аёл киши ҳақида). -Хузур, хузур сеники-да, Мехриниса, — деди Иқбол сатанг. -Кўйинг, опа, шу гапларни. Хотин киши ўттиздан ошди — ўтин бўлади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Сен кўрпада ҳам гўзани ўйлайсан. Ўттизга кирибоқ, ўтин бўлиб қолдингми? И. Раҳим, Ихлос.

ЎТИНКАШ айн. ўтинчи. Шароф ўтинкашни худойи ошга ҳам йўлатмайдилар. С. Айний, Куллар.

ЎТИНКАШЛИК Ўтин териш иши. Қиш бўйи ўтинкашлик қилиб йиққан бир пуд-ярим пуд бугдой, арпа, жўхори, тарих каби галлаларимизни суғуриб, сийириб олиб кетдилар. С. Айний, Куллар.

ЎТИНМОҚ I Ёлвориб, илтижо билан илтимос қилмоқ; сўрамоқ. Ҳаммасини бажо келтираман, фақат мени ўлдирманг, ўтинман. Т. Рустамов, Мангу жасорат. -Йўқ, йўқ, сингелим, — ялинди Раҳим Саидов. — Ўтинаман, ҳозир беринг, жуда зарур. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Афв этишни, кечиришни илтимос қилмоқ. У пичоқни ташлаб, бир қўлини кўксига қўйиб ўтинди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЎТИНФУРУШ Ўтин сотувчи. Қамбар деган ўтинфуруш чол. мой, биринч сотиб, баққолик қилиб ўтирар эди. «Эрали ва Шерали».

ЎТИНХОНА Ўтин-кўмир сақланадиган усти ёпиқ жой; хона. Ўтинхона энди саранжом эди. Фақат бир бурчакда тўкилган ниста кўмирнинг тагидан шибаланган тупроқ кўриниб турарди. С. Зуннунова, Гулҳан.

ЎТИНЧ Қаттиқ илтимос. [Ҳомид:] Жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдиргувчи мен бўлган-лигимни ўзларидан бошқа кимса билмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўтинчим бор, халоскор жангчи: Эсдаликка бир нима қолдир! Ё. Мирзо.

ЎТИНЧИ Ўтин тайёрлаб сотиш билан шуғулланадиган шахс. Утинчи чол. Отаси ўтинчи эди. ■ Бир ўтинчи меҳнаткашман, билсанглар. Меҳнат қилиб, ўз кунимни кўрганман. «Муродхон».

ЎТИРГИЧ, ўтиргич Ўтириш учун мосланган нарса (стол, курси, скамейка ва ш. к.). Вагон олдидаги қоровулнинг бош суяги пачақланиб, ўтиргич ёнида чўзилганди. Ш.

Тошматов, Эрк қуши. Утирсагимдан тутиб, балиқхонасига етаклади. Қозондан олисроқдаги учун ўтиргичга чўкдик. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Бир лаҳзадан кейин ён томондаги ўтиргичга таклиф қилди. М. Қўшжонов, Дийдор.

ЎТИРИК қ. ўтрук. Ў, болам, ростми, ўтирикми, Гўрўғлибек мажлисда ўтирганида айтар эди.. «Хушкелди». Мана, қиблага қараб айтаман: агар ўтирик айтсам, кўр бўлайин. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. Етти, десам ўтирик бўлар, лекин олти пуштимни яхши биламан. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎТИРИКЧИ қ. ўтрукчи. Ўғлим ё ўтирикчи, ё ўзим ҳеч балони тушунмайман. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎТИРИШ I Ўтирмақ фл. ҳар. н. Ерда ўтириш. Стулда ўтириш.

2 Яқин кишилар, дўстлар ўртасида ташкил қилинадиган суҳбат; меҳмондорчилик, зиёфат. Яйлов билан кўйдан бошқа нарсани ҳам кўрмаган чўпонлар дилкаш ўтиришларга, шаҳарлик меҳмонларнинг суҳбатига жуда иштиёқманд эдилар. П. Қодиров, Қора кўзлар. Ўтириш жуда қизик, жуда хушчақчақ, базм жуда қийқириқли бўлишини билиб.. саман йўрғани эгарлатиб кўйган эди у. Ойбек, Танланган асарлар. Сиз шу ердалигингизда кичкинагина ўтириш қиламиз. Ҳ. Гулом, Сенга интиламан.

Бир ўтиришда Бир тамадди давомида. Унинг бир ўтиришда 7 та товук гўштини паққос туширганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. «Муштум».

ЎТИРМОҚ I Кетни бирор жойга қўйиб, бирор жойни ишғол этиб ўринлашмоқ; чўкмоқ. Чордана қуриб ўтирмақ. Чўкка тушиб ўтирмақ. Оёқ узатиб ўтирмақ. Диванда ўтирмақ. Кўрпачада ўтирмақ. Стулда ўтирмақ. ■ Бу ҳолдан аччиғансан Қаюм ёнимга келиб ўтирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гулнор дераза остига кўрпача солиб, қизни ўтқазди ва ўзи яқин ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Асосан шундай (ўтирган) ҳолда бирор жой, маконда бўлмоқ. Чойхонада узоқ ўтирмақ. ■ Саодатхон олдинги қаторда ўтирган Лолахонга қаради. С. Зуннунова, Янги директор. Йулчи бу ерда икки соат қадар ўтириб, юкка илинмагач, бозор айланиш учун туриб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўтириб бажариладиган бирор ишга уннамоқ, шу ишни бажарадиган вазиятни эгалламоқ. *Фотиҳадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Офтоб ойим Тўйбекани меҳмонхонага буюрди ва ўзи хамир қилишга ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Файзулла ўзига хос мулойимлик билан кулиб, аста бош силкиди-ю, рулга ўтирди.* Газетадан.

4 Транспорт воситасига тушмоқ, чиқмоқ; минмоқ. *Самолётга ўтирмоқ. Трамвайга ўтирмоқ.* ■ *Кеча у [Абдишукур] хўжайини билан извошга ўтириб, бу ерга меҳмон бўлиб келган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Биринчи аравага Меъмор оила аъзолари билан чиқиб, иккинчи ва учинчи арваларга Зулфиқор, Завак, Ғаявслар ўтириши керак эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

5 с. т. Бирор лавозимни эгалламоқ, бўлиб ишламоқ, тайинланмоқ. *У ректор бўлиб ўтирибди. У раислик лавозимига ўтирди.* ■ *Хон икки мартаба тахтдан ҳайдалиб. Учунчи мартаба тахтга ўтириши рус истибдодининг Тошкентни олиб, Хўжандга қўл узатган саналарига тўғри келган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

6 с. т. Бирор жойда маълум вақт бўлмоқ; турмоқ, яшамоқ. *Узоқ йиллар уларга кўшни бўлиб ўтирдик.* ■ *Сартарошлик ёмон касб эмас. Оппоқ халатларни кийиб. озода хонада ўтирасан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уриниб боқарди: «Аяжонимнинг бағрида ўтирибман-да, шошмасалар ҳам бўлар эди».* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Жазо муддатини ўтамоқ. *Турмада ўтирмоқ. Қамоқда ўтирмоқ. Зиндонда ўтирмоқ.* ■ *Шўхлиги бошига етиб, бир-икки йил ўтириб ҳам чиқибди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ғаразли манфаат, нафс балоси йўлида орттирган ҳамотвоқларининг йўриғига юрган Содирнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи марта ўтириб чиқишига тўғри келди.* Газетадан.

8 Инмоқ, ёпишмоқ, ўрнамоқ. *Китобларга чанг ўтирибди. Қиш келди-ю, новдаларга ўтирди қиров.* ■ *Йигитнинг узоққина йўлдан келганлиги унинг киприк ва қошларига, ҳам эндигина чиқа бошлаган соқол-муртларига ўтирган тўзонлардан белгили эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Иссиқ куннинг ўтли ҳароратини пасайтириб, тоғ шабадаси эсиб турар, ҳар томондан атиргул, райҳон, жам-*

билларнинг ёқимли ислари димоққа ўтирарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

9 с. т. Мос бўлиб тушмоқ; ярашмоқ. *Бу костюм сизга жуда ўтирди.* ■ *Оёғидаги қизил сахтиён этиги ўзига жуда ўтирган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Зухра Каримовнанинг. кўйлаги ўзига жуда ўтирган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

10 Хуш келмоқ, ёқмоқ. *Инспектор Ориф Саидоя унинг [Очиловнинг] дидига ўтирмай қолган.* А. Муҳиддин, Ҳаля. *Кеча мажлисда жияним тўғрисидаги ўтиб кетган гапни пардозлаганингиз менга унча ўтирмади.* «Муптум».

11 Тараққиёт юз бермай, паст, қуйи даражада тўхтаб қолмоқ. *Уруш тўғрисида колхозимиз анча ўтириб қолган экан, шундай бўлиши ҳам табиий.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ўтириб қолган с. т. Турмушга чиқмай, ёши анча ўтиб қолган. *Ўтириб қолган қиз.*

12 кўм. фл. вазф. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, маъқул кўрилмаслиги каби маъноларни билдиради. *Чой дамлаб, кутиб ўтирибман. Кап-катта бола чойнакни синдириб ўтирибди-я! Арзимаган гапга аразлаб ўтирибсанми?* ■ *Қассоб лабини бурди: -Бе! Биз нимани тушунамиз. Тушунсак, сиздан сўраб ўтирармидик. П. Турсун, Ўқитувчи. -Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди-қўяди, - деди. А. Қаҳҳор, Кўшчи нор чироқлари. Менинг уйим сизнинг ҳам уйингиз. Айттириб юборишимни кутиб ўтирмай, бор-йўғимда ҳам келиб туринг. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ЎТКАЗГИЧ физ. Ўздан иссиқлик, тебраниш, электр оқими ва ш. к. ни яхши ўтказадиган модда. *Ярим ўтказгич. Электр ўтказгич.* ■ *Радиоактив нурланиш ҳавони ионлаштиради, уни электр ўтказгич қилади.* «Қизиқарли геохимия».

ЎТКАЗМОҚ 1 Ўтмоқ фл. орт. н. Машинани кўприкдан ўтказмоқ. *Унни элакдан ўтказмоқ. Металл электрни ва иссиқликни яхши ўтказади. Мажлис ўтказмоқ. Вақтни иш билан ўтказмоқ. Ўз номига ўтказмоқ. Хаёлидан ўтказмоқ. Тўйни ўтказмоқ. Алам ўтказмоқ.*

2 Экмоқ (кўчат, қаламча ҳақида). *Кўчат ўтказиб, боғ қилиш — улуғ савоб.* Газетадан. *Бири ариқ қазир, ер ҳайдар, Бири гул ўтказар боғига. Ҳ. Олимжон.*

3 Ўтирғизмоқ, чўктирмоқ. *Бектемир ўз олдига Зинани ўтказди. Ўзи ҳам чордана қурди.* Ойбек, Қуёш қораймас. Юсуфбек *ҳожии.. кундош ораси бузилиб, ўртадан сўз чиққанини эшитса, иккала келини ўз олди-га чақиртириб, уларни қатор ўтказар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз билдирган иш-амални амалга оширмоқ, олиб бормоқ, қилмоқ маъносини билдиради. *Машғулот ўтказмоқ. Шанбалик ўтказмоқ. Мажлис ўтказмоқ. Тажриба ўтказмоқ.* ■ *Уруш ветеранлари йиғилишиб, кенгаш ўтказиб, Хуррамовни ўз кенгашларининг раиси қилиб сайладилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Бурнидан ип (ёки сим) ўтказиб олмоқ қ. бурун 1. Қиличдан ўтказмоқ қ. қилич 1.

ЎТКАЗУВЧАН физ. Ўздан иссиқлик, тебраниш, электр оқими ва ш.к. ни яхши ўтказадиган ва чиқарадиган.

ЎТКАЗУВЧАНЛИК Жисмининг тебраниш, иссиқлик, электр оқими ва ш.к. ни ўтказиш қобилияти. *Жисмининг товуш ўтказувчанлиги.* ■ *Қолаверса, янги материалнинг юқори ҳароратларда ўта ўтказувчанлик хусусиятига эгалиги техника ва sanoat учун муҳим аҳамият касб этади.* «Фан ва турмуш».

ЎТКАРМОҚ эск. айн. ўтказмоқ. Э, синглим, на савдоларни кўрдинг, на ишларни бошингдан ўткардинг. «Эрали ва Шерали».

ЎТКИНМОҚ қ. ўтказмоқ.

ЎТКИНЧИ 1 Ўтиб бораётган, ўтиб борувчи; йўловчи. *Йўлда битта-яримта ўткинчи учраб туради.* Ойбек, Болалик. *Низомжон.. тонг ёриши билан Олтиариқ йўлига чиқди-ю, ўткинчи машинага қўл кўтарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Тезда ўтиб кетадиган, оз фурсат ичида йўқ бўладиган, вақтинчалик. *Ўткинчи ҳавас.* ■ *Ҳозиргина тинган ўткинчи ёмғир кундузи тинимсиз ҳаракатдан кўтарилган чангни босган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кишининг ташидаги ғазаб ўткинчи бўлади, юрагидаги нафрат эса даҳшатли ва мудҳиш бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЎТКИР 1 Яхши кесадиган; кескир. *Ўткир қайчи. Ўткир устара. Ўткир пичоқ.* ■ *Али тажангининг кўзлари яна уйнаб кетди. Қани, кўлида ўткир болтаси бўлса-ю, энг адил бир дарахтни кесиб, елкага олиб жўна-*

са! Ойбек, Қуёш қораймас. *Муталнинг биринчи ҳаракати бўшга кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар ғарчча ботирилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Учи найзаланган; учли. *Ўткир бигиз. Ўткир найза. Ўткир учли қалам.*

3 Таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш ва б. сезги аъзоларига кучли таъсир этадиган, кучли. *Ўткир овоз. Тузи ўткир овқат. Қуёшнинг ўткир нури куйдирмоқда.* ■ *Бу ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир ялпизлар.. ўсган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аччиқ, ўткир тамакидан боши гир айланиб, кўзлари ёшланди-да, йўтала-йўтала юриб кетди.* Ойбек, Нур қидириб. *Оч қоринга тушган ўткир май виз эттириб, меъдани қайнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўчма Руҳий ва б. жиҳатдан таъсир даражаси, кучи юқори; кучли. *Ўткир асар.* ■ *Ўткир ҳажвий кулги билан суғоришган бу гаплар.. «ЎТА». Шариф Ризаев ўзининг ўткир, танқидий, ҳужумкор мақолаларида эскилик сарқитларини.. аёвсиз танқид қилди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

5 Қобилиятли, имконияти юқори даражали. *Ақли ўткир. Зеҳни ўткир.* ■ *Гишамларга ўзгача жозиба бағишлаган қизларнинг чевар қўллари, ўткир кўзлари, нозик дидлари.. «Саодат». Низомиддиновнинг қулоғи ўткир эди. Теварак атрофни бутун вужудини қулоқ қилиб эшитар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Касб-ҳуна, билим ва ш.к. да юқори даражага эга бўлган, юқори савияли; кучли. *Юсуфжон ака Фаргона водийсининг энг ўткир ўйинчи устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ботирали тўқай оралаб борар экан, гарчанд ўзи ўткир овчи бўлса ҳам, ана шундай ов гаштини ўйламади.* Х. Фулом, Машъал. *-Бу мастеровойларинг жуда ўткир халқ бўлар экан-да? — деди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўткир (эркаклар исми).

ЎТКИРЛАМОҚ Чархлаб, қайраб, яхши кесадиган қилмоқ; ўткир қилмоқ. *Саховатли, одил ва дилкаш темирчи унинг дурадгорлик асбоб-ускуналарини ясаб ёки ўткирлаб берарди, ҳақ сўрамасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎТКИРЛАШМОҚ 1 Яхши кесадиган ёки яхши ўтадиган ҳолга келмоқ; ўткир

бўлмоқ. *Пичоқ ўткирлашди. Бигиз ўткирлашди.*

2 Даражаси ортмоқ, кучаймоқ. *Аччиқ аёз кўрсатар кучин, Ўткирлашди совуқнинг қаҳри. Д. Файзий. Гўё зеҳни боягидан ҳам ўткирлашиб, тили биёнлашиб кетгандай, шўх, кулги гаплар [Мирзанин] хаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келарди. О. Ёқубов, Мирзатерак. ..истеҳзо-кесатиқ, заҳарханда ўткирлашган сайин юмор ҳажвга яқинлашади. «УТА».*

ЎТКИРЛИК Ўткир ҳолат, ўткир эканлик. *Пичоқнинг ўткирлиги. Овознинг ўткирлиги. Зеҳннинг ўткирлиги. — Ўзбек ойимнинг ўткирлиги эрлар томонидан ҳам тасдиқ этилганлигини иқрор қилишга тўғри келади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЎТЛАМОҚ 1 Ўсиб ётган ўт-кўкатдан емоқ (ҳайвон ҳақида). *Анҳор ёқасидаги толлар орасида иккита оқ эчки ўтлаб юради. Ойбек, Танланган асарлар. Узоқда, тоғ ёнбағирларида, беҳисоб қорақўл қўйлари ўтлайди. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда.*

2 *кўчма* Мавзуга оид бўлмаган, керакли-кераксиз, оғзига келган гапларни гапирмоқ. *Майли энди, кўйинг, ота. Кўпам гани чўзмаг, ўтлаб кетдингиз. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳўш, кинани ташлаган бўлсангиз.. нега уларнинг олдида оғзига келганини ўтладингиз? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ЎТЛИ 1 1 Ёниб, нур сочиб турадиган. *Булутиларга ўраган Қуёш ўтли юзини. Файратий. Узоқда қоп-қорайиб, ярим осмонни тўсиб турган адирнинг устида, уфқда ўтли из қолдириб, юлдузлар учади. А. Қаҳҳор, Мастон.*

2 *кўчма* Олов пуркайдиган; оловли. *Жураҳон хотирасини ўтли фронт йўлларида жанг қилган командирлари ва жангчи дўстлари ҳам унутганлари йўқ. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

3 *кўчма* Зўр ҳароратли; қайноқ. *Иссиқ қучоқ, ўтли бўсадан Томирингда жўш урганда қон.. Уйғун. ..боя шу эшик ойнасидан изтироб билан қараганини эслаб, баданига ўтли ҳаяжон югурди. П. Қодиров, Уч илдиш. Олимжоннинг ўтли нафаси Ойқизнинг юзини иситарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

4 *кўчма* Файрат-шижоатли, юрагида ўти бор. *Ўтли йигит. — Айниқса.. Ҳасан Раҳмат ажойиб ўтли бир ёшдир. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ЎТЛИ 11 Ўт, кўкат билан қопланган. *Ўтли далалар. Ўтли соҳил.*

ЎТЛИ-ШУДЛИ Серҳаракат ва меҳнатсевар, тиниб-тинчимас; уддали. *Башорат.. ўтли-шудли хотин экан, ўзини эглаб кетади. С. Аҳмад, Муллажон. Баъзи ўтли-шудли студентлар уни «писмиқ» дейишарди. С. Анорбоев, Оқсой. Раисимиз ўтли-шудли одамга ўхшайди, нафасини ростламай, иш бошлаб юборди. «Муштум».*

ЎТЛОВ айн. **Ўтлоқ**. *Қўрада бандилардан бошқа жонзот қолмаган, қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар. С. Айний, Қуллар.*

ЎТЛОҚ Ўт-алаф ўсиб ётган, чорва ўтлатиладиган жой, дала. *У [Бўронбек] кўчадаги, гузардаги одамларга кўринишга ҳам журъат қилолмай, йўлни чўрт кесиш ўтдида, далага чиқиб, ўтлоқ оралаб кетган сўқмоқдан борди. Ҳ. Фулом, Машғал. Элмурод мол боқиш учун ўтлоқ қидириб, кун сайин узоқроққа кетиб қолар.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЎТМАС Яхши кесмайдиган, дами қайтган, ўтмайдиган. *Ўтмас пичоқ қўл кесар. Мақол. — Унинг [Сотволдининг] юзи қаттиқ, серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Ақли (ёки зеҳни, фикри) ўтмас Дарров англаб, тушуниб етолмайдиган; анқов, қовоқбош. *Ўтмас мол Биров сотиб олмайдиган, сотилмай қолган, паст сифатли буюм ёки нарса.*

ЎТМАСЛАНМОҚ қ. **Ўтмаслашмоқ**.

ЎТМАСЛАШМОҚ Ўтмас бўлиб қолмоқ (*ўтмас тўғри ва кўчма маънода*) *Пичоқ ўтмаслашди. — Инсон курашмоғи керак. Акс ҳолда, ақл-заковати йиллар ўтиши билан ўтмаслашади, заяол топади. С. Кароматов, Бир томчи қон. Энди унинг хаёли паришон, нигоҳлари ўтмаслашган эди. М. Қўшжонов, Дийдор.*

ЎТМИШ 1 Киши, халқ ҳаётининг ўтган қисми, шу ўтган давридаги ҳаёти. *Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.. қишлоғимизда мактаб ҳам йўқ эди. «Ёшлик». Ўтмишни хотирларкан, Йўлчи оғир хўрсинди. Ойбек, Танланган асарлар. Гоҳ ўлтириб, гоҳи ётиб, бемалол Сўзлар эди ўтмишидан кекса чол. Ҳабибий. Музейдаги экспонатларда белорус халқининг ўтмишини кўрдик ва яқиндан танишдик. Н. Сафаров, Оловли излар.*

2 Ўтган давр; кечмиш, мозий ва шу даврдаги кишилар (аждодлар) ҳаёти. *Ўтмишда ота-боболаримиз озмунча тоғ қазиганми, биз ҳам қазиймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа, Ойбек ака айтгандай, Фафур Фулом ўтмишга қараб бугунни, бугуннинг хулосасидан эртасини кўра оладиган одамлардан эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. *Мақтамасман мозийни, бироқ Ўтмишингни ўйлайман бир зум.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ЎТМИШДОШ Ўтмиш ҳаёти бирга бўлган шахс. *У ўзининг ўтмишдошларига тақлид қилади, холос.* Газетадан.

ЎТМОҚ | | Маълум йўналишда ҳаракатда бўлмоқ (юрмоқ, учмоқ, оқмоқ ва ҳ.к.) *Ит ҳурар, карвон ўтар.* Мақол. ■ *Кўчадан ўтаётган ёшу қари кўлини кўксига кўйиб, отахонга салом беради, ҳол-аҳвал сўрайди.* Газетадан. *Дала йўллари физ-ғиз ўтиб турган машиналардан гавжум, автобуслар серкатнов.* Ҳ. Фулом, Бинафша атри. *Бу қуш ҳар замон бир томоқ қоқиб, кўкда арғимчоқ солиб ўтаётган турналарни кузатиб қолади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Сатҳ ёки бошқа маконда маълум йўналишдаги ҳаракатни таъминлайдиган нарса йўналган (чўзилган, ётқизилган) бўлмоқ. *Ер остидан газ қувурлари ўтган.* ■ *Тол ўсган ердан кўча ўтгани учун, дарахт кесиб ташланди.* Газетадан. *Дарчанинг орқаси анорзор, унинг этагидан анҳор ўтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..демак, шу бута остидан телефон сими ўтган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Маълум жой, сатҳ ва ш.к. оралигида (бирор томонга қараб) ҳаракатланмоқ, шундай ҳаракат билан уни орқада қолдириб, ундан кейинги жойда мавжуд бўлмоқ. *Гуллар юзида ханда, бу боғдан ёр ўтдимиз?* С. Зуннунова. *Қиз бедаяндан ўтиб, сўл ёқдаги дарахтлар орасида ғойиб бўлган, Йўлчи.. яна ишга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон бир чордевордан ўтиб, кичкина майдонга чиққанида, рўпарада пулемёт тариллади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Қарама-қарши томонлари (боши ва охири, икки чети) бўлган йўл, очиқ жой, тешик ва ш.к. нинг томонлари оралигида ҳаракатланмоқ (йўналмоқ) ва шу йўналишда бир томонини қолдириб, иккинчисида ҳозир бўлмоқ. *Дарёдан ўта бошлади. Зовур-*

дан сакраб ўтди. Тешикдан нариги ҳовлига ўтмоқ. ■ *Йулнинг нариги юзига, автобус бекатига ўтмоқчи бўлди-ю, ўша заҳоти бу фикридан қайтди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

5 Юриб ёки бошқа ҳаракат билан (йўналиб) маълум жой, ўринда мавжуд бўлмоқ; ўрин олмоқ, жойлашмоқ. *Олдинги қаторга ўтмоқ. Меҳмонлар махсус ҳозирланган хонага ўтишди.* ■ *Муслимжон, қани, тўрға ўтинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Иш-фаолият кўрсатаётган жойини ўзгартириб, бошқасига кўчмоқ. *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим.. яхши қилибсан.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Аҳмад Акмалхоннинг кўп жойларда ишлаб чиққанини эшитганди, «иккинчи программа» деяпти, демак, радиого ўтибди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

7 Иш-фаолиятини ёки ундаги усул ва ш.к. ни ўзгартирмоқ, бошқасига кўчмоқ. *Конвейер усулига ўтмоқ. Савдо ишига ўтмоқ. Пудрат усулида ишлашга ўтмоқ.* ■ *«Сегоҳ»га ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Ўз жойини ўзгартирмоқ, бирдан бошқасига кўчмоқ. *Мен бир турмадан иккинчи турмага ўтаётиман, нега йиғлайсан!* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

9 Эгалик, тасарруф ўрни ўзгармоқ. *Бу ерлар қорхона иштиёрига ўтди.* ■ *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ, янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текинга ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

10 Кимда ёки нимададир бўлган нарса, хусусият ва ш. к. бошқасига ҳам кўчмоқ, унда ҳам пайдо бўлмоқ. *Ҳоким йиғирма беш солдатнинг кучи ўзига ўтиб қолгандек, кучана бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уларнинг бирдаги шўхлик ва завқ иккинчисига тез ўтар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кумуш тўй ўзбеклар учун янги одат бўлиб, Европа халқларидан ўтган.* Газетадан.

11 Таъсир этмоқ, таъсири юзага келмоқ. *Қалтак ўтмайди. Оёғидан совуқ ўтди.* ■ *Бир ёш йигитнинг икки оғиз гапи Салим Гаффорнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди.* «Муштум».

12 Ўз йўналишида муайян жой (нуқта)дан илгари йўналмоқ, узоқлашмоқ. *Сафар бўзчи Абдураҳмоннинг тўхтаганидан*

хабарсиз икки-уч қадам нарига ўтган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Энка-тинкаси чиқиб кетганидан, Валижон тушадиган бекатидан ўтиб кетганини энди сездим*. Газетадан.

13 Бир хил йўналишдаги ҳаракатда (юриш, югуриш, сузиш ва б.) ортда қолдирмоқ, ундан ўзмоқ, ўзиб кетмоқ. *Маррага яқинлашганда, барча пойгачилардан ўтиб, марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.* ■ *Гоҳ афанди эшакдан, гоҳ эшак афандидан ўтиб, уйга етдилар.* «Латифалар».

14 *кўчма* Бирор хусусият, белги, хатти-ҳаракат ва ш.к. да бошқаларини ортда қолдирмоқ; устун, юқори бўлмоқ. *Қамиш-капада бундан ўтадиган юзи қора йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ичимизда Юовшдан ўтадиган теримчи йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Қовунлар ғарқ нишган. Бир-бировидан ўтаман дерди.* «Муштум».

15 Мазмунидан иш-ҳаракат англашувчи отлар, шунингдек, **-(и)ш** кўшимчали ҳаракат номи билан қўлланиб, шу сўз билдирган иш, ҳаракат қилишни бошлаш, шунга киришиш маъносини билдиради. *Охири йиғлашга ўтди. Бирор натижа чиқмагач, дўқ-пўписага ўтди. Хужумга ўтмоқ.*

16 Кечмоқ (бирор иш, воқеа, ҳодиса жараёни ҳақида). *Кенгаш яхши ўтган эди чамаси, Фиёсиддиновнинг вақти чоғ эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Давра суҳбати савол-жавоб тарзида ўтди.* Газетадан. *Гарчи операция муваффақиятли ўтган, хирург роппароса тўрт соат ўлим билан олишган бўлсада, бироқ башоратга ҳали эрта эди.* Газетадан.

17 Юз бермоқ, бўлиб ўтмоқ; кечмоқ. *..ўзимдан қандоқ камчилик ўтганига ҳайронман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Абдурашул билан қассоб ўртасида ўтган гаплар эсига тушди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

18 Кейинда қолмоқ; кечмоқ (вақт ҳақида). *Йиллар ўтди, бир оз улғайдик, бу кун – Ватан хизматиغا бир қадар дастёр.* А. Орипов. *Олтин кузнинг олтин дамлари ўтиб бормоқда.* Газетадан.

19 Шахснинг шу феъл боғланган сўз англатган рақамдаги ёши бошланиши, шу ёшга қадам қўйиши маъносини билдиради. *Олти (ёш)га ўтди.* ■ *Қизимизнинг бўйи чўзилиб, ўн тўртдан ўн бешга ўтиб қолди.* «Муштум».

20 Умрнинг ёки маълум қисмининг шу феъл боғланган сўз англатган иш, ҳолат билан кечишини билдиради. *Ёшим қирққа етди. На хотин, на бола-чақа. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонумонимдан кечаман, дунёдан портфелсиз, пальтосиз ўтаман, аммо бу ишни очмасдан қўймайман.* А. Қаҳҳор, Бек. *..Умри машинада ўтган кишини консерватор деганларига ҳайронман.* «Муштум». *Мана, умрим ўтди, нуқул азоб ичида ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

21 Барҳам топмоқ. *Бўроннинг тезда ўтиб кетишига кўзим етмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Азим бойвачча, «Шўро ҳукумати баҳор ёмғиридек тез ўтиб кетади», деб ўйлар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шамоллагансиз, хафа бўлманг, ўтиб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

22 Бирор иш, мансаб, ташкилот ва ш. к. га кирмоқ, тайинланмоқ, қабул қилинмоқ. *Партияга ўтмоқ. Депутатликка ўтмоқ.* ■ *Оқибат, Воҳидов айтган номзод ўтди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бўта раисликка ўтмаса, мен хижолат бўлиб қоламан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

23 Харид қилинмоқ, сотилмоқ. *Бу матолар яхши ўтмаяпти.* ■ *Корхона хўжайини эрталаб домлага: – Агар магазинларда ўтмай ётган моллардан бир оз олмасалар, буюртма бажарилмайди, – дебди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

24 *кўм, фл. өзф.* Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги каби грамматик ва модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *Сен ҳовлига бор, жой тайёрла. Бир йўла магазинга ҳам кириб ўт.* Н. Сафаров, Оловли излар.

25 Бирор масалага оид мавзу, асар ва ш.к. ни ўқиш, ўрганиш, тинглаш амалиётини ўтказмоқ; ўқитмоқ, ўргатмоқ (ўқимоқ, ўрганмоқ). *–Ўқиганмисиз? – деди унинг сўзини кесиб бойвачча. –Ўқиганман. Навоий, Фузулийни ҳам ўтганман.. – жавоб берди Гуландом.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқув йилида яна нималар ўтилажagini сўзлаб берди..* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

Баҳридан ўтмоқ Алоқани узмоқ; кечмоқ. *..боши олтиндан бўлса ҳам, шу одамнинг баҳридан ўтинг.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳалиям бўлса, бунинг баҳридан ўт.* П. Қо-

диров, Қора кўзлар. **Бошидан ўтмоқ** Ҳаётда кечирмоқ. *Ким табиб – бошидан ўтган табиб, дейишар эди, илмсизлик бошингиздан ўта туриб, шу гапни гапирасиз-а?! А. Қаҳҳор, Огриқ тишлар. Бошимдан ўтган гапларни бировга айтиш қаяқда, эсимга тушса, ўзим чўчиб кетаман. П. Турсун, Ўқитувчи. Жонидан ўтмоқ* Азоб берадиган даражада қаттиқ таъсир қилмоқ. *Бояги гаплар Умматалининг ёнидан ўтган бўлса, буниси жонидан ўтиб кетди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Кунин ўтмоқ* 1) кунин кечмоқ. *Меҳнат кунингдан ҳам кечиб, Кунинг ўтар ароқ ичиб. «Муштум»;* 2) тирикчилиги юришмоқ. *Ука, бор – борича, йўқ – ҳолича, ишқилиб, бир кунимиз ўтиб турибди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўз ўнгидан ўтмоқ* Кўз билан кўргандай гавдаланмоқ, аксланмоқ. *Қорақалпоқ элининг Аму тўлқинларидек сокин, жўшқин ҳаёт лавқалари кўз ўнгимдан ўтди. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. Кўзи ўтмоқ* Кўра олмоқ, яхши кўрмоқ (асосан, майда, кичик нарсалар ҳақида). *Мана, ўқи, кўзинг ўтса, комиссар буйруғини. Миртемир. Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим.. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўнглидан ўтмоқ* Ҳаёлидан, ақлидан кечмоқ. *«Ҳамма гапни эшитиб олган экан писмиқ чол», деган фикр ҳар иккала ёшнинг ҳам кўнглидан ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи. Сўзи ўтмоқ* Сўзи инобатга олинмоқ. *Унинг тоғаси амалдор, амалдор бўлганда ҳам, қарга узатса, кўли етади, нима деса, сўзи ўтади. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ўзинг(из)дан ўтар гап йўқ* Ўзингиз ҳаммасига тушунасиз, ҳаммасини биласиз. *Бу иш кечаси бўлгани маъқул. Кундузи бўлса, ўзингдан ўтар гап йўқ, хунукроқ кўринади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ўтиб тушмоқ* Бошқаларидан жуда устун бўлмоқ, бошқаларни орқада қолдирмоқ. *Бу ишда, айниқса, Жунаидхоннинг содиқ сардори Матчан тўра ҳаммасидан ўтиб тушди. Ж. Шарипов, Хоразм. Қадри ўтмоқ қ. кадр. Охир вақт бола қадри ўтиб, ҳар бир шахрдан ўғил олиб келиб боқиб, қирқта ўғил боқиб олди. «Бўтакўз». Қаторга ўтмоқ (ёки кирмоқ, қўшилмоқ) 1) сафга кирмоқ, қўшилмоқ. «Қаторга киролмаган» деҳқонларга бошқачароқ тadbир қўлланади. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) бирор гуруҳга мансуб кишилар қаторидан, сафидан ўрин олмоқ. *Унинг [Сидиқ-**

жоннинг] номи чиқмаганлигига ҳеч ким эътибор қилмаган бўлса ҳам, назарида, ҳамма унга: «Хафа бўлманг, ахир бир кунин қаторга кириб қоласиз», дейётгандай бўлар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Қўлидан ўтмоқ Муайян шахс ёки шахсларнинг синови, хизмати ва ш. к. да бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ. *..не-не бекарнинг отларини кўрганман, не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЎТМОҚ II 1 Кесмоқ, қирқмоқ. *Қаттиқ ёғочга болта яхши ўтмаяпти. Сабзига ўтмайди* пичоқни ёнингда олиб юрибсанми.

2 Ичига ботиб, ўйиб кирмоқ; тешмоқ, санчилмоқ. *Ўқ ўтмайди. Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди, Харсангга қоққан билан миҳ ўтмайди. Мақол.*

ЎТОВ Марказий ва Ўрта Осиё, шунингдек, Жанубий Сибирь кўчманчиларида: енгил материал, кигиз кабилардан конуссимон шаклда ясалган кўчма уй, тураржой. *Иккинчи машинада кетма-кет брезент ўтовлар, қамиш деворлар ҳам етиб келибди. Ш. Фуломов, Қурбоналининг дадаси. Қудуқ атрофида ўттиз-қирқта қапа, тўрт-бешта кигиз ўтовдан ташкил топган овул бор. «Ўзбекистон қўриқлари». Оқбурасой бўйларида ҳам, Чилмаҳрам тоғининг этакларидаги кўкаламзорларда ҳам юзлаб чодирлар ва ўтовлар пайдо бўлди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ЎТ-ОЛОВ I Ўт ва олов, оташ, аланга, чўғ.

2 кўчма айн. ўт I 7. *Кунларнинг бирида Ўктамхон қишлоқнинг ўт-олов йиғити.. Сидиқжоннинг Мирзачўлга муҳим топшириқ билан кетганини эшитиб қолди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.*

ЎТОМОЧ эск. Трактор. *Қирларимда уйнаган ўт омочлар.. Миртемир.*

ЎТОҚ I Экин ва кўчатлар орасидаги бегона ўтларни юлиб ташлаш. *Сабзи ўтоғи. Шоли ўтоқ. — Ғўза ўтоғига чиққан Ойшахон кечки пайт бошига бир боғ ўт қўйиб, уйларига қайтди. П. Қодиров, Эрк. Ҳар йили пахтага ҳам, яганага ҳам, пиллага ҳам, ўтоққа ҳам олиб чиқишаверади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

ЎТОҚ қилмоқ Ўташ ишини бажармоқ. *Деҳқончилик қилиб, пахта ҳам экканман. Ўтоқ қилганман, ғўза чопанман, пахта терганман. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

ЎТОҚ II кам қўл. Бирор хислати билан бошқалардан ўтадиган, юқори турадиган; афзал, аъло. *Мана, мажлис аъзолари шунақанги бир-биридан ўтоқ малаклар, нарилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎТОҚЧИ Ўтоқ қилувчи киши. *Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, газеталар етказиб бериб туриши, улар дам олганда, кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎТОҒАСИ I Маълум тўда ёки гуруҳ ичида бошқаларга гапи ўтадиган, обрўли киши, тўда етакчиси; сардор. *Сўнгра буларни ўрдага олиб бориб, оймларга ўтоғаси қилиб қўйдилар.* «Муродхон». *Қари-қартанг ва ўтоғасилар орага тушиб, қизни қочирган янгани зўрға ажратиб олдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Шундай шахсларга мурожаат шакли. *Сувонжон чолнинг жим бўлиб қолганини жаҳлдан тушдига йўйиб: -Ўтоғаси, қўч-қорларни ҳайдаб кетаверайми? - деб сўради секин.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Ассалом алайкум, ўтоғаси! - деб салом беришади [мол боқиб юрган эркалар, аёллар, болалар] دادамни кўриб.* Ойбек, Болалик.

ЎТПАРАСТ тар. Ўтни худо деб билувчи, ўтга сигинувчи; оташпараст.

ЎТПАРАСТЛИК тар. Ўтпарастлар дини; оташпарастлик.

ЎТРИК қ. **ЎТРУК**. *Ҳали ҳам, бек ога, қайтгин элингга, Ўтрик сўз сўзламагин синглинга.* «Муродхон».

ЎТРОҚ Маълум бир жойда доимий яшайдиган; турғун. *Агар бу водийда узоқ ўтмишдан буён деҳқончилик қилиб келаётган донишманд ўтроқ халқ бўлмаганда, ҳосилдор ерлар сақланиб қолмаган бўларди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎТРОҚЛАШМОҚ Ўтроқ ҳаёт кечирिशга ўтмоқ; тургунлашмоқ. *Кўчманчи чорвадорлар ўтроқлашиб қолдилар.* ■ *Отаси Жомрот ўзбекининг кўпроқ ўтроқлашган «қатағон» уруғидан, чаласавод деҳқон эди.* «Фольклор».

ЎТРОҚЛИК Маълум бир ҳудудда узоқ вақт турғун яшаш, турғун ҳаёт кечирिश тарзи.

ЎТРУ эск. Муқобил, қарши (томон), рўпара. *Ўлтирар сочин тараб ёр Чашманинг ўтрусида.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Бахмал танли тунни зулмат эзар бемалол, Ва ўт-*

румда ёлғиз юрак хаста, бемажол. А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ЎТРУК эск. Ёлғон. *Ўтрук сўзламоқ.* ■ *Сафарга бу баландпарвоз ўтрук голлари ёқмади.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ЎТРУКЧИ эск. Ёлғончи.

ЎТСОЧАР ҳарб. Душманга ёниб турган суюқлик сочадиган қурол.

ЎТТИЗ 30 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Ўттиз метр чит. Икки ўн беш - бир ўттиз.* Мақол. *Оларда - ҳисоби тўққиз, берарда - саноғи ўттиз.* Мақол. ■ *-Мана энди ишонгандирсиз! - дедим унинг қўлтиғидаги портфелига кўз қиримни ташлаб, - санамай саккиз, ўйламай ўттиз дема, деб шуни айтадилар.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Эрка-аёл - жами ўттизга яқин одам тор кўчага гуж бўлган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎТХОНА Нарсанинг ўт ёкиш учун хизмат қиладиган жойи. *Паровознинг ўтхонаси.* *Ҳаммомнинг ўтхонаси.* ■ *Очил мана шуни ҳис қилиб, ўтхонага тушгандай чўғланиб кетган эди.* П. Қодиоров, Уч илдиш. [Рамазон] *Самоварнинг кулдони ингичка сим билан атрофлаб ковлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тошқўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фаслар.

ЎТХҲР Ўт, кўкатни суйиб ейдиган. *Ўтхўр ҳайвонлар.*

ЎТ-ЎЛАН Ҳар хил ўтлар, кўкатлар. *Рота бир қатор бўлиб сўқмоқдан, баланд ўсган ўт-ўланлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЎТҚАЗМОҚ I Кимсанинг ўтириши учун жой бермоқ, ўтиришга кўмаклашмоқ. *Гуламга ўтқазмоқ. Диванга ўтқазмоқ. Машина кабинасига ўтқазмоқ.* ■ *Зайнаб оёғи олти, қўли етти ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта парёстиқни уйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўтқазгани жой топмаслик Ниҳоятда яхши қабул қилмоқ, эъозламоқ. *Офтоб оймни бўлса Ўзбек ойим ўтқазгани жой топмас, қуда сўзи ўрнига, синглим, деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раёйини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Жойлаб қўймоқ, ўрнатмоқ. *Йўлчи тоқчада ётган шамни ёқиб, бир пиёлани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Бурҳон*

оптоқ доқа саллани қозықдан охиста олди, кимхоб түппига ұтқазди ва бошига күйди. М. Жұрабоев, М. Б. мартабаси.

3 Экмоқ (күчат, қаламча қақида).

4 Ұринлаштирмоқ, жойламоқ; күймоқ. *Квартиранти ұтқазмоқ.*

Бошига ұтқазмоқ 1) ортиқ даражалада хурмат қилмоқ, эъозламоқ; 2) бош хўжайин қилиб күймоқ. *Еш, чиройли хотинга ёқиш, унинг кўнглини кўтариш учун, уни ҳаммамизнинг бошимизга ұтқазиб кўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҰХЧИМОҚ Кўнгил айниб йўталган-симон, ғайриихтиёрий товуш чиқармоқ; қусмоқ. *Салимбойвачча қоронғида дарахтни кучоқлаб, узоқ ўхчиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қонни кўришим билан яна кўз олдимдан қизил доғлар ўта бошлади, кўнглим беҳузур бўлиб, ўхчий бошладим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҰХЧИҚ Ұхчиш ҳолати; ўхчиш. *Ұхчиқ тўхтади.* ■ *Санобар ўхчиқ тутиб, ҳовлига югурди.* Ұ. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ҰХШАЛМОҚ ай. ўхшамоқ 3. *Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, маҳдум Нигор ойимни тақдир этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҰХШАМАГАН 1 Ұхшамоқ фл. бўлишсиз шаклдаги сфдш. *Укалари ўзига ўхшамаган, жуда ўжар.* ■ *Фолбин узоқ вайсади.. одам кулгисига ўхшамаган бир йўсинда қийқириб кўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с. т. Хунук кўринадиган, ярашмаган. *Ўхшамаган кийим. Ўхшамаган қилиқ.*

3 Эҳтимол тутилмаган, кутилмаган, бемаврид. *Ўхшамаган ерда бир хотиннинг арзга келиши кўрбошининг кўнглига шубҳа солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҰХШАМОҚ 1 Хусусият, хислат, тузилиш ва б. белгиси билан бир хилликка (ўхшашликка) эга бўлмоқ; ўхшаш бўлмоқ. *Бола отасига ўхшайди. Бу суюқлик мойга ўхшайди. Улар бир-бирига ўхшамайди. Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади.* Мақол. ■ *Чирчиқ бўйи қишлоқларидаги уйлар бир-бирига ўхшайди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *..домла сочларини бўятибдилар!.. Азбаройи худо, куя тушган нўстакка ўхшайди.* А. Қахҳор, Тўйла аза.

2 Ж. к. шаклидаги сўз билан шу сўз аңлатган нарса ҳақидаги тахминни, тахминий тасавурни билдиради; бўлиб кў-

ринмоқ. *Аҳволи чатоққа ўхшайди. Юр, бир айланиб келамиз, зерикканга ўхшайсан. Бугун кун қаттиқ исийдиганга ўхшайди.* ■ *Гапига қараганда, хурсандга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 с. т. Кўнгилдагидек бўлмоқ, ўринламоқ. *Иш унча ўхшамади. Ош жуда ўхшабди.*

4 (редш. сфдш. ҳар. н. шаклида — ўхшаб, ўхшаган, ўхшаш) кўм. взф. Қиёс, ўхшатиш муносабатларини ифодалайди; каби, сингар. *Подадан қочган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошингни тиқаверасанми?! Ойбек, Танланган асарлар. Яқинроқ бориб қараса, унинг боши қийшайган, чеккасида увадага ўхшаган бир нарса чиқиб турибди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Эрлар севингандан кулсалар, сизга ўхшаш қизлар йиғлайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎХШАТИШ 1 Ұхшагмоқ фл. ҳар. н. *Аҳмадга ўзининг ўхшатиши наъба қилиб, кулумсираб кўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 ад. Икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдан иборат бадиий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури.

ЎХШАТМА 1 ай. ўхшатиш 1. *Бизнинг бу ўхшатмамиз ҳам унча тузук эмас.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Ұхшатиш асосида яратилган, қилинган иш, нарса. *Ўтмиш адабиётда машҳур шоирларнинг шеърларига ўхшатма яратиш бир одат бўлган.* Н. Маллаев, Улуғ зуллисонайн шоир.

ЎХШАТМОҚ 1 Ұхшамоқ фл. орт. н. (қ. ўхшамоқ 1, 3). *Укасига ўхшатдим. Ошни жуда ўхшатибди.* ■ *Лекин жуда муғамбир, мўлтони одамга ўхшатаман.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Бирор кимса ёки нарсага қиёс қилмоқ, шунга ўхшаш, худди ўзи деб билмоқ. *Ҳаммани ўзингга ўхшатасан-а!..* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Унинг кулиши, юришини Рустам аллаккимга ўхшатди.* «Муштум».

3 Қойилмақом қилмоқ; бопламоқ. *Ёшига монанд ва озода кийим кияди, сочини ўхшатиб тарайди.* М. Жўра, Изтироб. *Бу етмагандек, ўхшатиб ҳақорат қилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 (-и)б қўшимчали рвдш. — ўхшатиб) кўм. вэф. Қиёс, ўхшатиш муносабатини билдиради; каби, сингари. *Энди мен сизларни гўдак болаларга ўхшатиб, алдаб овқат едираманми?! Мирмуҳсин, Меъмор. Йигит.. чакмоннинг икки енгини хуржунга ўхшатиб, елкасига ташлади-да, орқага қайтди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

5 (ўтг. зам. бирл. шаклида — ўхшатдим) Аскиянинг бир жанри, йўли. *Аскиянинг бир қатор жанрлари мавжуд: қофия.. ўхшатдим, бўласизми.. «ЎТА».*

ЎХШАШ I Ўхшамоқ фл. ҳар. н. *Табиат билан одам боласи қиёс қилинса, бир-бирига ўхшаш ақлни ҳайратга солади.* Газетадан. *Чўл одами худди янтоққа ўхшаш керак.* Газетадан.

2 Ўзаро бир хил, бир-бирига ўхшайдиган. *Унинг ёнида, укалари бўлса керак, бир-бирига жуда ўхшаш икки бола..* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларнинг ички дунёси кўп жиҳатдан ўхшаш эди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Сиз билан бизнинг қисматимиз жуда ўхшаш..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 кўм. вэф. Каби, сингари (қ. ўхшамоқ 4). *У жилмайганида, қизларникига ўхшаш текис тишлари ярқ этиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.*

ЎХШАШЛИК Ўхшаш белги, ўхшаш белгига эгалик, ўхшаш ҳолат. *Боланинг онасига кўпроқ ўхшашлиги аниқ эди. Ташқи ўхшашлик. ■ Тутуқиз билан Дилшодда чиндан ҳам ўхшашлик, умумий жозибга бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ЎХШАШСИЗ кам қўлл. Тенги йўқ даражада, жуда ҳам, ғоят. *-Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш! А. Қодирий, Ўтган кўнлар.*

ЎХШОВСИЗ Кўриниши хунук, меъёрга номуносиб, ярашмаган. *Сатанг хотинларнинг мўйчинакда терилиб, қора сурилган қошларидай ингичка мўйлови унинг афт-ангорини ўхшовсиз бир қиёфага солиб қўйган эди. С. Кароматов, Бир томчи қон. Пешонасида ажинлар қаторлашиб ётган қари кувёв, худди жуфти билан энди танишган бўйдоқдай, ўхшовсиз қилиқлар қилади. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.*

ЎЧ I Ҳақорат, алам ўтказганлик, умуман, ёмонлик учун қилинадиган жавоб

тарзидаги иш. ҳаракат, ёмонлик; қасд. *Йўқ, Нусратилла уни ёмон кўради, бу одамларнинг ҳаммасида алами, ўчи бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Элмурод юзини кўтарди ва ялтироқ пешона, гўё бир ўчи бордай ғазабли кулги ифодаси билан хўмрайган кўзларни кўрди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёвни барбод этмай қўймайман! Юрак ёнар ўч аламида.. Р. Бобожон.*

ЎЧ олмоқ 1) зиён етказгани, таҳқирлагани ва ш.к. учун жавоб тарзидаги ишни қилмоқ. *Онажон, йиғламанг, мен ўғлимни ўлдирганлардан ўч оламан! Мирмуҳсин, Меъмор; 2) умуман, аламини йўқотиш, тарқатиш учун бирор иш қилмоқ. Сен бўлсанг, бугун ароқдан ўчингни олмоқчи бўлганга ўхшайсан. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ЎЧ II Ниҳоятда берилган, ҳирс қўйган. *Ширинликка ўч бола. Пулга ўч. ■ Латофат ёшлигидан қўшиққа ўч эди. С. Кароматов, Ҳижрон. Айниқса, хўжайиннинг катта ўғли Ҳакимбойвачча пахтага жуда ўч одам. Ойбек, Танланган асарлар. Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

ЎЧАКИШ Аччиқ-алам, ўч олиш каби зид иш тутиш, зиддига бориш, шундай мақсадда бўлиш. *Бундай мижозлар билан ўчакишни Ҳазархўжа ишга зарар беради, деб ҳисоблайди. «Муштум».*

ЎЧАКИШГАНДАЙ, -дек I **Ўчакишмоқ** фл. сфдш. нинг ўхшатиш шакли; ўчакишган каби. *Улар бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришади..* Ойбек, Танланган асарлар. *Изғирин ўчакишгандек.. оёқларга урилиб, йиқитмоққа жазм қилди. «Ўзбекистон қўриқлари».*

2 Аксига олиб, бахтга қарши. *Ўчакишгандай, айна терим олдиан Темиржоннинг тоби қочиб қолди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Ўчакишгандек, Воҳидовнинг отпуска вақтига тўғри келди. Бугун бориб, яна тополмадим. С. Зуннунова, Янги директор.*

ЎЧАКИШМОҚ Аччиқ-алам, ўч олиш каби ният билан зид иш тутмоқ, шундай мақсадда бўлмоқ. *Ашуур одамга бир ўчакишиб қолгандан кейин, то енгиб олмагунча қўймас экан. П. Қодиров, Уч илдиш. Отам бейора нафаси ичига тушиб мингирлайди, халфани инсофга, муросага чақиради, дам ўчакишиб, қаттиқроқ гапирди. П. Турсун,*

Ўқитувчи. Сиз Толиб акага гап қайтарманг, ўчакишманг. Кек сақлайдиган одам у. Ф. Музажонов, Ҳиммат. Агар ораларингга совуқчилик туширадиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! А. Қодирий. Ўтган кунлар.

ЎЧИНҚИРАМОҚ Сал ўчмоқ, бўзармоқ, оқармоқ (ранг-рўй ҳақида). Унинг ранги бир оз ўчинқираб кетди.

ЎЧИРГИЧ 1: ўт ўчиргич Ёнғинни ўчириш асбоби.

2 Ёзув ва ш.к. ни ўчириш учун ишлатиладиган махсус резинка. Бу ёққа кел, болам, ўчиргични ҳозир топамиз. Мирмуҳсин. Умид.

ЎЧИҚ 1 Ўчган, ўчирилган. Иккинчи қаватдаги чироқлари ўчиқ хона деразаларига ички бир армон билан тикиламан. Газетадан.

2 Қизиллиги йўқолган; бўзарган (ранг-тус ҳақида). Юзлари пачақланган, ҳамма ёғи моматалоқ, сочлари тўзғиган, ранги ўчиқ Жўрахон ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳайдар совуқ, ўчиқ юзини терс бурган подшоҳга таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқди. Ойбек, Навоий.

ЎЧЛИК Ўч бўлиш, ўч эканлик. Пулга ўчлик. ■ Бири вилоятнинг тинчлигини ўйлар, Урушнинг қонларга ўчлигини ўйлар. М. Шайхзода. Маҳаллада Ориф отанинг райҳонга ишқибозлиги, ўчлигини ёшу қари биларди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЎЧМОҚ 1 Ёнишдан, ёлқин беришдан тўхтамоқ; сўнмоқ. Ўтни қовласанг — ўчади, Қўшинингни қовласанг — кўчади. Мақол. ■ Шу чоқда на учундир тоқчада ёниб турган шам ҳам лип-лип қилди-да, ўчди. А. Қодирий. Ўтган кунлар. Самандаров бир қоши наст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган махоркасини чироқдан тутатиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Асл тусини йўқотмоқ; хиралашмоқ, ўнгмоқ. Читнинг ранги ўчибди. Қадимий минора нақшларининг бўёғи ҳамон ўчмаган. ■ Фафур тобора асабийлашар эди, бунинг оқибатида кўзлари хиралашиб, лаблари пирпирар, ранглари ўчиб, қўллари титрарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Кўздан гойиб бўлмоқ, кўринмай қолмоқ, йўқолмоқ. Гуллар, яшилликлар орасида унинг адил — келишган қомати, шаффоф

бир хаёл каби гоҳ ялт этиб кўринар, гоҳ ўчар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Водийни ярим доира шаклида ўраган баланд-наст тоғлар аста ўча бошлаган. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 кўчма Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ. Уйқуси ўчмоқ. Тарихдан номи ўчмоқ. ■ Саҳронинг номи ўчар, Ўзгаради қумлоқлар. Қ. Муҳаммадий. Ундаги улуғ зотлик аломатлари бирданига ўчди. Н. Сафаров, Оловли излар. Оқподшонинг тахти куйсин, қораси ўчсин! Ойбек, Танланган асарлар. [Таннозхон:] Дийдоринг ўчсин сенинг! З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 Тўхтамоқ, тинмоқ; эшитилмай қолмоқ. Ҳозиргина сўзлашиб ўтирган Кумуш билан онасининг товушлари ўчган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Саидғозининг момақалдироқ қалдирашидек асабий кулгиси қандай бошланган бўлса, ўшандай тўсатдан ўчди. С. Анорбоев, Оқсой. Извош кўнғироғи, от тўёқларининг овозлари бора-бора ўчади. Н. Сафаров, Уйғониш.

Нафаси ўчмоқ Овози чиқмай қолмоқ, жим қолмоқ. Элмурод салом бериб, зишқдан кириши билан, унинг нафаси ўчиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Салқинда чирилдоқнинг ҳам нафаси ўчганди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

6 кўчма Хотирадан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. Номи ўчиб кетган Боқи мирзо кўп вақт утмай «инобатлик мирзо» номи билан бош кўтарди. А. Қаҳҳор, Мирзо. Шоир сўзи мрамар тошга ўйилган — Уй-ма хатдек турар, дунёда ўчмас. Қ. Муҳаммадий.

7 с.т. Сафдан ёки ҳисобдан чиқмоқ. Ёзувчилар уюшмаси авзолигидан ўчган киши. Рўйхатдан ўчганлар.

ЎЧОҚ 1 Орқа ва ён томонлари ёпиқ бўлиб, ичига ўт ёқилдиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатилдиган қурилма. Лой ўчоқ. Ер ўчоқ. Темир ўчоқ. ■ Тош ўчоқда арча чўғи яллиғланиб турибди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Бригада булоққа яқинроқ жойдан ўчоқ қовлаб, қозонни ўрнатди. С. Анорбоев, Оқсой. Кунчиқар томонда катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди. «Эртақлар». Ҳиммат. ўчоқда ловуллаб ёнаётган ўтга қосовни тутиб.. папиросини тутатиб олди. М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат.

Ўчоқ боши 1) таом пишириш учун ўчоқ қурилган жой. *Синдирилди тез зоғора нон, Севган қизи, кўз нури — Ойхон Қушдай учди ўчоқ бошида.* Ҳ. Пўлат; 2) қ. **ўчоқбоши**. *Ўчоқ бошида керосин билан шишасиз ёнаётган жинчироқни олиб, ташқари чиқди.* С. Айний, Қуллар. *...қуртга барг кесгани борамиз. У киши келсалар, овқат ўчоқбошида.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 **кўчма** Бирор нарса пайдо бўладиган, амалга ошадиган, тарқаладиган жой; манба, марказ. *Билим ўчоғи. Маърифат ўчоғи. Тарбия ўчоғи.* ■ [Элмурод] *Агар ўзи бу ердан кетганда ҳам, дастлабки маданият ўчоғининг абадий қолишини ўйлаб, ўздан ўзи гурурланди.* П. Турсун. *Ўқитувчи. Хуллас, Шероз қадимдан адабиёт, санъат ўчоқларидан бири бўлган, у ерда миниатюра мактаби ҳам ривожланган.* Газетадан. *Мамлакатнинг марказий ва шимолий туманларида ёнғин ўчоқлари сони ортиб бормоқда.* Газетадан. *Қумқишлоқ деҳқонларини қадимдан қийнаб келган ботқоқларни.. иситма-безгак ўчоқларини қуриштиш учун бир неча чақирим узунликда зовур қазииш керак.* Ҳ. Фулом, Машъал.

ЎЧОҚБОШИ Таом тайёрлаш учун ўчоқ-қозони бўлган ва овқатланиш учун керакли асбоб, идиш ва б. билан жиҳозланувчи хоналари бўлган жой. *Ҳужра ёнида кичкинагина ўчоқбоши қўнқайган.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Кампир икки йилча тинч, хотиржам яшади. Чевараларини суяр, шулар билан овунар, эндиликда ўчоқбошига яқин бормасди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЎША *кўрс. олм.* Узоқдаги, аввал тилга олинган кимса ёки нарсани, ўрин, пайтнни кўрсатиш, айтиб ўтилган, аввалдан маълум бўлган бирор ҳодисани эслатиш, унга ишора қилиш учун хизмат қилади. *Ўша йил. Ўша кундан бошлаб. Ўша одам ёдингиздами? Ўша жойда учрашамиз.* ■ *Бу шоду хуррамликни тугдирган яна ўша сув эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Биз ўша ерга бориб туришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Яқинроқ борсак, яна ўша эрталабки ёш эрхотинлар.* Ҳ. Қодирий, Йўлда. *Ўша жилва ва ўша оташ, Ўша кўзки, сузгин, хаёлкаш, Ўша имо, ўша ишора Эта бошлар юракни пора.* Ҳ. Олимжон.

ЎШАЛ *эск. айн. ўша.* Севганимдан айрилсам, Ўлганим ўшал кундир. «Кўшиқлар».

Ўшал кишининг ўғиллариман дегин. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЎШАНАҚА *айн. ўшандай.* *Ўшанақа ишлардан биттаси пилла қурти.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

ЎШАНАҚАНГИ *с. т.* *Ўшанақа. Онахон оқпошнинг тахтдан туширилганини, аллакимлар тахтга бошқа бир ўшанақанги пошшони ўтқазиммоқчи бўлиб уринганини Собиржондан эшитди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎШАНАҚАСИ Ўша йўл билан, ўша томондан. *Умар акам ўшанақаси шаҳарга жўнаган бўлса керак..* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

ЎШАНДАЙ Айтиб ўтилган кимса ёки нарсага ўхшаган, ўшанга ўхшаш. *Сен ҳам — ўшандай кишилардан бири. Ўшандай қилиқ сенга ярашмайди.* ■ *Ўшандай дағал, қалин, узун, чўндай ингичка суяк бармоқлари билан эшик ҳалқасини ушлаб.. олдинга юрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўшандай тепки ҳали эс-ҳушини ўнглаб ололмаган Ҳамроқулнинг ҳам кўкрагига тушди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Ўшандай шошилиш билан варақлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎШАНДАЙИЧА *с. т.* Ўшандайлигича.

ЎШАНДАЙЛИГИЧА *рвш.* Қандай бўлса, шундайлигича; илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ўшандай ҳолатда. *Бу минора юз йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандайлигича сақланиб турибди.*

ЎШАНЧА *рвш.* 1 Айтиб ўтилган миқдорда; ўша даражада; шунча. *Қанча кўп ишласанг, ўшанча кўп ҳақ оласан.*

2 Айтиб ўтилган киши ёки нарсага ўхшаш ёки тенг. *У бола 50 кило пахта терди, сен ўшанча ҳам бўлмадинг.*

ЎШАНЧАЛИК *рвш.* Айтиб ўтилган даражада. *Водокачкалардан бирини тиклашда, тайёр сувга ариқ чиқаришда ўшанчалик ноаҳил бўлган капсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎША-ЎША *рвш.* 1 Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ўзгармаган, ўша ҳолатда, ўшандайлигича. *У анча кексайиб қолибди, аммо феъл-атвори ўша-ўша.* ■ *Уйда тирикчилик ўша-ўша-ю, лекин вофурушлар домидан қутулганига Собиржон минг марта рози эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Ўшандан буён; шу-шу. *У уч йил аввал аразлаб кетган эди, ўша-ўша келмайди.*

ЎШШАЙМОҚ Қовоқ-тумшуғи солиниб, хўмрайиб турмоқ. *Бошқаларга ўшшайиб, Қовоғингни уясан. «Муштум». Ҳали шунақа тилларинг борми сенинг, дегандай она қизига ўшшайди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Мухбирнинг бу саволи.. китоб савдоси ходимларига ёқмади, бирдан ўшшайиб олишди. «Муштум».*

ЎШҚИРМОҚ Дўқ, пўписа қилмоқ, жаҳл билан қаттиқ гапирмоқ, газаб билан бақирмоқ. *Муса кўса Бўтага қараб турган хотинига ўшқирди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бегимхон икки чаккасидаги гажагини силкитиб, мушларини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ЎЮВЧИ 1 Ўймоқ фл. сфдш. *Ер ўювчи киши.*

2 махс. Кимёвий реакцияга киришиб, тана тўқимасини бузадиган, емирадиган. *Ўювчи кислота. Ўювчи ишқорлар. ■ Агар бундай чангнинг таркибига ўювчи ёки заҳарли моддалар кирса, у вақтда бу чанг жуда зарарли бўлади. «Физиология».*

ЎҚ 1 1 Ёйга қўйиб отиладиган, учи найзасимон узун, ингичка таёқча; тир. *Садоқдаги ўқ. ■ У камонга чаптастик билан ўқ ўрнатди ва чолиб бораётган от устида нишонга отди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 Милтиқ, тўппонча, пулемёт каби қуролларга жойлаб отиладиган кичкина снаряд; патрон. *Душман пулемёти бирдан жимиб қолди, ўқи тугаган пулемётчи эса қоча бошлади. Н. Сафаров, Оловли излар. Ўқ овозига одам тўпланганда, мис кўза қорни пачақланиб, тупроққа ағнаб ётар эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

3 Шундай снаряд, патроннинг отилганда оғзидан чиқиб учадиган, мўлжалга йўналтириладиган қисми (қўрғошин, питра каби). *Оқилхонтўра Бўтабойни мўлжаллаб отган ўқ Тиллабувага теккан экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ортиқ гилам тўшалган уйда, ойнаванд шкаф қаршисига айиқ терисини ёйиб, ўқ тешган жойларини кўздан кечираётган эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

ЎҚҚА ТУТМОҚ Кетма-кет, узлуксиз ўқ йўлламоқ. *..ҳар қалай, сен айтгандай, граната ташламабди-ю, самолётни ўққа тутибди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. ..душманнинг учта*

транспортёри йўлда дарахт кесаётган жангчиларни ўққа тутиб, қайтиб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Миномёт, реактив артиллерия ва ш.к. қуроллардан отиладиган ўқ-дори; снаряд. *Фронт орқасида ўра қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилди. А. Қодиров, Обид кетмон.*

ЎҚ 1 1 Икки учига филдирак ўрнатиладиган, ёғоч ёки металлдан ясалган гўла. *Автомобилнинг ўқи. Трамвайнинг ўқи. Ўқ ясамоқ. ■ Бир нима десалар, мой сурмасанг, араванинг ўқи ҳам фирчиллайди, деймиз. «Муштум».*

2 Дастгоҳ, машина ва ш.к. нинг айланиб турадиган ўқсимон узун қисми. *Зиёбек қандайдир бир ўланни хиргойи қилиб, кунжаранинг четини синдириб, ўқ тагига ташлайди. Н. Фозилов, Дийдор. Вишканинг тепасидаги нишангнинг ўқи сал қийшайиб қолган экан. П. Қодиров, Эрк.*

3 Бирор жисм ёки фазонинг марказидан ўтади, деб фараз қилинадиган тўғри чизиқ. *Айланиш ўқи. Симметрия ўқи. Ер ўз ўқи атрофида айланади. ■ ..ланнинг бош ўқи шаҳарнинг шимолидан жанубига қараб адил ўтказилган. Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.*

ЎҚАЛОҚ Бўка (сўна) қурти (асосан, сутэмизувчи ҳайвонлар танасида бўлади).

ЎҚАЛОҚЛАМОҚ 1 Шундай қурт чиқармоқ. *Ҳа, ака, ўқалоқлайдиган сўна қаёқда!*

2 Шу қурт терини тешиб чиқаётганида, ирғишлаб, шаталоқ отмоқ. *Сигир ўқалоқлади.*

ЎҚАРИҚ Пайкал эгатларига ёки умуман пайкалга шохариқдан сув олиб таратиш учун хизмат қиладиган муваққат ариқ. *Бир оздан кейин сув таралган картанинг ўқариғи бошига келиб тўхтади. Газетадан. Ўқариқ ёқаларида кета-кетгунча тут дарахтлари. Пайкаллардаги ҳар бир эгат илга чизиб қўйгандай текис. С. Нуров, Нарвон. Насим бугдойпояда ўқариқ қазийшдан эрта қайтди. Т. Мурод Кўшиқ.*

ЎҚДАЙ, -дек 1 Ўқ сўзининг ўхшатиш шакли; ўқ сингари, ўқ каби. *Сипарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди. М. Осим, Тўмарис.*

2 *кучма* Жуда тез. *..қора терга тушиб, оқ кўпикка ботган тўриқ.. тунроқ йўлдан ўқдек учиб борарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кучма* Тўғри, тик, адил. *Ўқдай ёғоч. Ўқдек йўл.*

ЎҚДОН 1 айн. садоқ.

2 *Ўқ*, патрон солиб, кўпинча белга осиб юриладиган чарм қутича; патронташ. *У [Мадамин] қора тўни устидан елкасига қадимги ўқдонларини осган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўқдон-камар эск. Сиртига ўқлар жойлаштириш учун мосланган қайиш лента. *Белига ҳам, елкасидан ошириб кўкрагига ҳам кенг ўқдон-камар тақиб олган қора мўйловли, новча бир одам она-болани.. ичкарига етаклади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *махс.* Ствол коробкасининг ўқ жойланадиган қисми. *Милтиқнинг ўқдони. ■ Қора Қоплон иккита қирқма бешотар милтиқ.. иккита тўппончани кўйиб, ўқдонларини бирма-бир кўздан кечириб, отишга шай қилиб кўйди-да.. хуржунларга жойлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЎҚ-ДОРИ Снаряд, патрон, мина, граната каби портловчи моддалар, жанг буюмлари мажмуи. [*Али тажанг:*] *Ўқ-дорининг бари фашист занғарда экан, гўмбурлатгани-гўмбурлатган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўқ-дори юкланган араваларнинг кўплари ўрмон балчиқларида қолиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У.. бу йил қанча милтиқ, тўп, ўқ-дори келтирилганини айтди..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мана, ўқ-дорилар ҳам отларга ортиб бўлинди..* К. Яшин, Ҳамза.

ЎҚ-ЁЙ 1 Ёй ва ўқ (ов ва ҳарбий мақсадларда ишлатиладиган отиш қуроли); камон. *Пошшо Кимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўнг ёнидан жой, чинакам қилич, чинакам от ва чинакам ўқ-ёй ҳада қилди.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. *Қўлимда ўқ-ёй бўлганда ҳам, отмас эдим бу гўзал жониворни.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *шв.* Камалак. *Ёмғирдан сўнг осмонда ўқ-ёй кўринди.*

ЎҚИГАН 1 Ўқимоқ фл. сфдш. Бундаги фарқни Юсуф-Зулайҳо қиссаларини ўқиган киши биладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *Ўқимишли.* *Ўқиган қиз. ■ Ўқиган бўлса ҳам, уқмаган йиситга ўхшайди, йўқса, Насибанинг ўқишини ора йўлда қолдириб,*

мактабидан юлиб олмақчи бўлмас эди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЎҚИЛОН Сувилонлар оиласига мансуб, гавдаси ингичка, узунлиги тўқсон см. гача бўлган, танасининг орқа томонида тўртта бўйлама қорамтир йўли бор илон.

ЎҚИМАГАН 1 Ўқимоқ фл. бўлишсиз сфдш. шакли. *Газета ўқимаган одам ҳаётдан орқада қолади. ■ Биз ўқимаган, оми одам бўлсак ҳам, сиздан аҳмоқроқ эмасдирмиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 *с. т.* Арзимас (оддий) нарсанинг фаҳмига етмайдиган одам ҳақида, шундай шахсга нисбатан қўлланади. *Шуни ҳам билмайсанми, ўқимаган.*

ЎҚИМИШЛИ 1 Ўқиб, маълум маълумотга эга бўлган, онг, саводи яхши. *Аваллари эрини «ўқимишли одам, ёрдам берар, унингчини битирганимча қолиб кетмасман», деб юрган хаёллари ҳам охири пучга чиқди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *Унга хат-савод ўргатишга, жамоанинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боришга сиздай ўқимишли кишилар керак.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 *кам қўл.* Яхши савод билан ёзилган; ўқишли. *Бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган муаллиф бу китобда энг гўзал инсоний фазилатларни ҳаётий лаҳзаларда ўқимишли баён қилган.* Газетадан.

ЎҚИМОҚ 1 Сўз, жумла, гап, матн ва ш.к. нинг ёзма шаклини ичда ёки оғзаки ифодаламоқ. *Мақолани ўқимоқ. Қадимий ёзувни ўқимоқ. Товуш чиқариб ўқимоқ. Ўқиб эшиттирмоқ. Рўйхатни ўқимоқ. Нотўғри ўқимоқ. Қийналиб ўқимоқ. Биринчи саволни ўқиди. ■ Кўп ўтмай, у дурустгина ўқийдиган ва унча-мунча ёзадиган бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шеърый ёки насрий матнни ёддан айтмоқ. *Йигит форсча бир байт ўқиди. - Бобо Урёний бу, биламан! - деди Аваз. - Бошқа ўқи! С. Сиёев, Ёруғлик. Чойхонада.. узун кулоқли қаландар кўзларини юмиб, янгроқ овозини баланд кўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бувижон, дуоларингизни ўзимизнинг тилимизда ўқийверсангиз, худо тушунмасмикин-а? «Гулдаста».*

3 Диққат билан, таҳлил қилиб назардан ўтказмоқ; мутолаа қилмоқ. *Диққат билан қайта-қайта ўқимоқ. ■ Кўп ўқигансиз, лекин кам биласиз, синглим! Ў. Ҳошимов,*

Қалбингга кулоқ сол. *Фузулийни яхшилаб ўқиш керак!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ўзи бирикиб келган сўзни ёки унга хос маънони (мазмунни) билдирувчи сўзларни, ибораларни айтмоқ. *Лаънат ўқимоқ. Тасаннолар ўқимоқ.* ■ *Бу ерда ишлаётган экскурсоводлар ҳамда қайиқчилар маҳорати ва матонатига офаринлар ўқидик.* Газетадан. *..бугун Эрбўта билан йўлда келаётмиб, болани эсдан чиқариб қўйганда ҳам, Ҳаёти дилрозини ўқиётганда ҳам шу ўй миясида, тилининг учида эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

5 Диний тушунчаларни ифодаловчи баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз иштирокидаги жумла, гап ва ш.к. ни айтмоқ, унга оид ҳолат, маросимни ўтамоқ маъносини билдиради. *Никоҳ ўқимоқ. Фотиҳа ўқимоқ. Дуо ўқимоқ. Намоз ўқимоқ.* ■ *-Шариат бўйича никоҳ хутбаси ўқилган, - деди шайх..* К. Яшин, Ҳамза. *..Мансур онасининг қабри тепасида узоқ утирди. Қоровул чол қуръон ўқиганидан кейин ҳувуллаб қолган ҳовлига қайтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

6 кўчма «Ўз тилида сўзламоқ» (шахсдан бошқа нарсаларга нисбатан). *Тонг ёришгани, дунёга нур тўлгани учун қувонаётгандек, осмонда тўрғайлар ҳамду сано ўқийдилар..* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Бир неча қалдирғоч Салор оқими бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажри» ўқир эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Шахс ёки нарсанинг қиёфа, ҳолатидан бирор маънони англамоқ, билмоқ, тушунмоқ, уқмоқ. *Гўё бу сеҳргар чол ҳамма сирни бетдан ўқиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг кўзларида, сени суйганимдан жўрттага ноз қиялпман, дегандай бир маъно ўқиди Комила.* Ойбек, Танланган асарлар. *Табиат ўз тилида роз айтиб шувуллаб экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

8 Ўқув юртларида таҳсил олмоқ. *Мактабда ўқимоқ. Лицейда ўқимоқ. Мадрасада ўқимоқ. Бешинчи курсда ўқимоқ.* ■ *Қунт билан ўқиди. Олий маълумотли бўлди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Бўлди! Театр-рассомчилик институтида ўқийдиган қиз. Худди ўшанинг ўзи!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

9 кўчма Бирор мақсадга кўндирувчи, оғдирувчи гапларни қилмоқ, миясига қуймоқ. *Биз ҳам анойи эмасмиз, ахир. Мухбирни ўртага олиб, роса ўқиймиз..* «Муштум». *Кейин аста устидан сув сочдим, тушунган.. хотинлар тугун кўтариб юрмайди, бир килоикки кило ширинлик ёки бирор кийимлик олади-қўяди, деб роса ўқидим.* Т. Алимов, Дашшў.

ЎҚИТМОҚ 1 Ўқимоқ фл. орт. н. *Чиқиб, почтальон бериб кетган мактубни қўшинининг ўғли Азимхонга ўқитди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар. *Сиз бир неча кишини ёрдам учун юборсангиз, улар ўз қўшнилариини ўқитиб ўргатадилар, қандай қилиб қуриш зарурлигини амалда кўрсатиб қайтадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Отабекка] *Бу савол берилиб, Ҳомид билан бояги учрашишини унга хотирлатган ва энди ҳам кулиб қарамаган бахтига лаънат ўқитган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сотиболди касални ўқитди - бўлмади..* А. Қаҳҳор, Бемор.

2 с. т. *Ўргатмоқ. Менга ўқитасанми бу ишларни, ўзим сендан яхши биламан. Ўқитма менга, ёшлик қиласан.*

ЎҚИТУВЧИ 1 Ўқитмоқ фл. сфдш. *Қадимий ёзувларни ўқитувчи киши.*

2 Фан, тарбия асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган киши; муаллим. *Адабиёт ўқитувчиси. География ўқитувчиси. Университет ўқитувчиси.* ■ *Оқкўлга ўхшаган узоқ қишлоқларга ўқитувчи етишмас эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Жисмоний тарбия ўқитувчиси унга «сендан яхши спортчи чиқади», деган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ЎҚИТУВЧИЛИК Ўқитувчи иши, касби; ўқитувчи эканлик. *Ўқитувчилик - шарафли касб. Ўқитувчилик қилмоқ.* ■ *Жаҳл устида акасининг ўқитувчилигини унутиб, шу ишни қилган Аваз энди.. ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси келмас эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎҚИШ 1 Ўқимоқ фл. ҳар. н. *Буларнинг ёшида биз ўқини билардик.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Қуръон ўқишга ҳеч кимда мажол йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамкасабасига таҳсин ўқишдан ўзини сақлаб қололмади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Ой ёруғида киши чехрасини ўқиш қийин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ўқув машғулоти: дарс. *Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.* ■ *Олдинги ҳафтада бир-икки кун ўқишга бормай юрдим.* С. Сиёев, Ёруглик. *Ҳар кун маълум соатларда ўқиш бўларди, турли машғулот ўтказиларди.* А. Қаҳҳор. Олтин юлдуз.

3 Маълум бир ўқув юртида таҳсил олиш: таҳсил жараёни, муддати. *Энди мактаб бор, бемалол ўқишларингиз мумкин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўқишни битирганимдан сўнг тақсимот бўйича юборишганди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ўғлимнинг ўқишига халақит берманглар, ўғлим دادасининг, менинг орзумни рўёбга чиқариши керак.* «Гулдаста». *Ўқишининг охири кун ҳам келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎҚИШ-ЎЗИШ Ўқиш ва ўзиш; савод. [Фулмонжонни] *Катта ёшдагиларга хос усул билан ўқитиб, икки-уч ой ичида русча ўқиш-ўзишга ўргатиб қўйди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЎҚЛАМОҚ Ўқдонга ўқ жойламоқ, отиш учун ҳозирламоқ, *Тўппончани ўқламоқ.* ■ *Аваз милтиқ ўқлаётган эди: айиқ қўшни сурувга ҳужум қилганини у ҳам эшитган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎҚЛИ I Ўқи бор; ўқ жойланадиган; ўқланган. *Ўқли милтиқ. Етти ўқли тўппонча.*

ЎҚЛИ II Ўққа ўрнатилган; ўқи бўлган. *Тўрт ўқли вагон.*

ЎҚЛОВ I Ўқламоқ фл. ҳар. н.

ЎҚЛОВ II Ўқлоғи. -*Ойим қўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

ЎҚЛОҚ айн. ўқлоғи. ..*овози хасталанган, ориқлаб, қўл томирлари ўқлоқдай ирғиган эди.* Ҳ. Назир, Сув галоси — оқпадар..

ЎҚЛОҒИ Ошхамир ёйиш учун ишлатиладиган узун силлиқ таёқча. *Мен бу боққа фақат бир кинначи сифатида кирган эдимки, бузоқ йўқотган эгачим ўқлоғи кўтариб қаршилади.* А. Қолирий, Кичик асарлар.

ЎҚРА айн. ўқалоқ. -[Сигирнинг] *Ўқраси ҳам бор экан, — деди сутчи бобо.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ЎҚРАЙМОҚ Жаҳл, ғазаб билан қарамоқ, чақчаймоқ; хўмраймоқ. *Низомжон шердек бўкириб, ўрндан туриб кетди. У қалтқалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб, опасига ўқрайиб қарар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

[Фозилжон] *Хотинига ўқрайиб бир қарадида, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ичкари уйга кириб кетди.* С. Зуннунова, Узилган ип.

Кўзлари ўқрайди I хўмрайиб қаради; 2) озиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетди. *Беш ой ичида унинг қизил юзи сўлишиб, кўзлари ўқрайиб қолган эди.* М. Осим, Элчилар.

ЎҚРАНМОҚ Томоғидан гулдураганга ўхшаш бўғиқ товуш чиқармоқ (от, сигир ҳақида). *Соқибулбул бориб вақтин хушлади, Фирқук бедов бир ўқраниб кишнади.* «Ҳасанхон». [Отхонада] *Ҳўкизлар пишқирир, отлар одам товушини эшитиб ўқранар эди.* Н. Фозилов, Оқим. *У бузоққа яқин келиши билан говмиш қизганиб ўқранарди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ЎҚСОЧАР с.т. эск. Автомат, пулемёт. *Лаънати, ўқсочари билан баримизни тутдай тўкиб ташлайди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЎҚТАЛМОҚ Мушт, таёқ, милтиқ ва ш.к. ни уриш, отиш таҳдиди билан кўтармоқ, тўғриламоқ. *Калтак ўқталганга чўқмор кўтар.* ■ *Ердан думалоқ тош олиб, менга ўқталди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Қорабоев тўппонча ўқталиб, оқсоқолга ханжарни узатди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Халфа ўрндан ирғиб туриб, менга мушт ўқталди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полвон қўрбошига орқасини ўгириб, йигитларга — милтиқ ўқталиб турганларга қаради.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

ЎҚТАМОҚ Бирор томонга йўналтирмоқ, ниқтамоқ, қадармоқ. *Афанди эса, бунинг аксини қилди ва бармоқларини ерга ўқтади.* «Латифалар».

ЎҚТИН-ЎҚТИН рвш. Бирмунча вақт оралатиб; баъзан-баъзан, гоҳо-гоҳо. *Зиебек ўқтин-ўқтин орқага қарайди.* Н. Фозилов, Оқим. *Олисдаги тракторнинг овози ўқтин-ўқтин эшитилиб қўярди.* Т. Расулов, Шонли авлод. *Ўқтин-ўқтин тўхтаб, айрим туплардаги шоналарни эринмай санарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЎҚУВ I Ўқимоқ фл. ҳар. н.: ўқиш.

2 Ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган, ўқиш ва ўқитишга тааллуқли. *Ўқув соати. Ўқув йили. Ўқув режаси.* ■ *Илк кўк-лам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Куз келиб, янги ўқув йили бошланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўқув юрти қ. юрт 2.

ЎҚУВЧИ 1 Ўқимок 1 фл. сфдш. *Китоб ўқувчи бола. Бир оздан кейин ёнидаги журнал ўқувчи йигитга мурожаат қилди.*

2 Бирор ўқув юртида (асосан, мактабда) таълим олаётган шахс. *Етти йиллик мактаб ўқувчилари.* ■ *Мактабнинг очилганига икки ҳафта бўлмай, ўқувчиларнинг сони ўттиздан ошиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ёш-ёш қизлар, ўқувчи болалар сафдаги йигитларга гулдасталар узатмоқдалар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Вақтли матбуот ёки адабиётнинг маълум бир турини мунтазам ўқиб турадиган шахс. *«Муштум» ўқувчилари.* ■ *Газета ўз хатосини очиқ айтиб, ўқувчиларидан узр сўраса, обрўи тушар эмиши?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам бу гиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎҚЧИ 1 тар. Ёй ўқи тайёрлаш билан шуғулланувчи ҳунарманд, косиб.

2 Пиёда қўшинларнинг милтик, пулемёт, автомат билан қуролланган жангчиси, солдати. *Ўқчилар ротаси.* ■ *Ўнг қанотда турган автоматчилар, ўқчилар бирдан кўтарилиб, олдинга ташландилар.* А. Убайдуллаев. Қонли издан.

ЎҚЧИМОҚ айн. ўхчимок.

ЎҒИЛ 1 Эр жинсидаги бола. *Бола ўғлими, қизми?* ■ *Бу қиздан бир бало чиқади. Ўнта ўғилнинг ўрнини босади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ўғил бола 1) айн. **ЎҒИЛ 1.** Ҳовли эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувуллашиб чиқшиди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма с. т.* сахий, танги, мард, олийжаноб киши. *Тўрабой ака, гапимизни ерда қолдирмай келибсиз, бўлди! Ўғил бола экансиз, бошқа гап йўқ!* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. **Ўғил тўйи этн.** Ўғил болани тантана ва зиёфат билан суннат қилиш маросими. *Тўламат ўғил тўйи қилганда, у ҳам бел боғлаб, хизматини аямаган.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эр жинсидаги фарзанд (ўз ота-оналарига нисбатан). *Ўқиган ўғил — отадан улуғ.* Мақол. *Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор.* Мақол. ■ *Комшнинг ўғли ота-онасини Тошкентга кўчириб кетибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Меҳмонни юқори ўтқазиб, дарҳол ўғлига дастурхон ёзишни буюрди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 (фақат 1-ш. эғалик қўшимчаси билан) Фарзанди тенги шахсга нисбатан мурожаат шакли. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, қайтадан сўради: -Хўш, ўғлим, нима арзинг бор? Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Ўғил (хотин-қизлар исми).

Ғанининг ўғил боласи ёки **ўғил бола гап** Энг маъқул тушган, энг тўғри, ҳаққоний гап. *Ғанининг ўғил боласини айтдингиз, оқсоқол. Мавлон ака сизгирнинг сўзини ичмайди-ган одам, бузоқнинг ҳақи бор деб.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЎҒИЛЛИ Ўғли бор, ўғли бўлган. *Икки ўғилли ота.* ■ *Маҳалламда уч ўғиллилар, беш ўғиллилар бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎҒИЛЛИК Ўғилга хос хислат, хусусият. *Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб, йўлчи товушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўғиллик қилмоқ 1) ўғилга хос бурчни ўтамоқ, фарзандлик бурчини адо этмоқ; 2) бировга ўғил ўрнида хизмат қилмоқ, ўғил ўрнини босмоқ.

ЎҒИЛСИЗ Ўғли йўқ. *Ўғилсиз киши.*

ЎҒИЛСИЗЛИК Ўғил туғмаганлик ёки кўрмаганлик, ўғли йўқлик. *Мадамин фақат ўғилсизликдан нолир, бўлмаса, гап нима, ҳасрат нима — билмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎҒИЛ-ҚИЗ 1 Фарзандлар, болалар. [Ўзбек ойим] *Ҳатто ўғил-қиз ўстиришни билмагувчи Юсуфбек ҳожидан аллақанча юқориларда юрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёш авлод, ёшлар. *Ғизиллашиб ўтишар, Ўғил-қизлар қувнашиб.* И. Муслим. *Баҳодир ўғил-қизлар отланибди сафарга.* Ё. Мирзо.

ЎҒИР Ўртасида кўл билан тутадиган тешиги бор даста ҳамда донни уриб туйиш, эзиб майдалаш учун ишлатиладиган ичи ўйиқ ғўладан иборат рўзғор буюми; кели. *Ўғир даста. Ўғирда бугдой янчмоқ.* ■ *Баҳри ҳовли этагида, ўз хужраси олдида ўғир янчаётган эди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЎҒИРЛАМОҚ 1 Ўзганинг нарсасини хуфиёна олмоқ, олиб кетмоқ; қонунга ҳилоф равишда ўзлаштирмоқ. *Ўғли.. рўзғорни яхшилаб, овқатларни мўл-кўл қила бошлабди. Отасининг пулини ўғирлаб, харажат қилаверибди-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

Зухр амаким складдан тахта ўғирлаб, қамалиб кетганлар. «Муштум».

2 Кимсани бошқаларга билдирмасдан, зўрлаб олиб қочмоқ. *Ҳасаналини болалик вақтида Эрондан киши ўғирлаб келувчи бир одам қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тилла баробарига сотиб олган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 *кўчма* Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсани «хуфийна олмоқ», ундан айирмоқ, уни йўқ қилмоқ. *Жаҳолат ёмон нарса, айланай, одамнинг ақлини ўғирлаб, фожиага етаклайди. «Муштум». Алифдек қоматини сен букдинг, юзларига ажинларни сен солдинг, кўзларидан ажинларни сен ўғирладинг.. С. Аҳмад, Уфқ. Домлага қўл уриш билан маҳалланинг файзини ўғирлаган.. бу аёлни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам.. бир ғазаб билан ёмон кўрар эди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

Ғап ўғирламоқ Бошқаларнинг ғапини тинглаб, билиб олмоқ, эслаб қолмоқ. *Ҳо-о, қачондан буён инсоф тарозисининг носангисига қараб тош босадиган бўла қолдингиз? Ёқмас, бу ерда туриб ғап ўғирлаб нима қиласиз? С. Кароматов, Ҳижрон. Жой ўғирламоқ* Керакли жойни банд қилмоқ, меъёрдан ортиқ жой эгалламоқ. **Фикр ўғирламоқ** 1) бировнинг мулоҳазасини ўзиники қилиб олмоқ; 2) бировнинг мулоҳаза юртишига халал бермоқ. *Анвар Раънога ўнглашиб ўтирди: -Фойдаси йўқ, энди фикрни ўғирладинг. [Раъно:] Мен фикр ўғриси эмасман. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ЎҒИРЛИҚ 1 Ўғирлаб қўлга киритилган, жиноий йўл билан ўзлаштирилган. *Ўғирлиқ мол. Ўғирлиқ ош баданга юқмас. Мақол. ■ [Тўраҳон] Ўғирлиқ пулларини бир неча йил маишатга, бузқўчиликка сарфлаган. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 *айн. ўғрилиқ. [Ермат:] Уғирлиқдан бошқа ишни — жамки хунарни қилиб кўрдим. Ойбек, Танланган асарлар. Нега айб менда бўлади, хола, мен ўғирлиқ қилибманми? Одам ўлдирибманми? И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ЎҒИРЛИҚЧА айн. ўғринча. У [Салимхон] қачон бўлса ҳам, ўғирлиқча кўришга жазм қилди. А. Қаҳҳор, Сароб. Норматнинг дадаси Соҳиб қорига ёзган хатини чўнтагидан топиб, ўғирлиқча ўқиган ва яна ўз жойига қўйган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎҒИТ Ернинг кучини, ҳосилдорлигини орттириш учун солинадиган, таркибида

ўсимликлар учун зарур озиқ элементлар бўлган моддалар. *Минерал ўғит. ■ Дехқонлар бўрондан сўнг ғўзаларни диққат билан кўздан кечирдилар-у, дарҳол ўғит солиб, культивация қилиб, суғориш лозим, деган қарорга келдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Пахта учун ҳаммаси ҳам зарур.. ўғит ҳам зарур. Уйғун, Навбахор.*

Маҳаллий ўғит Ғўнг ва чиқиндилардан иборат ўғит. *..чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплашиб, далага ташиб турдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Юрагида ўғити бор кам қўл. *Ғайратшижоатли, ишчан одам ҳақида. Юрагида ўғити бор йигит. ■ Юрагингда Ўринбой отанинг ўғити бор-да! Ойбек, Қуёш қораймас.*

ЎҒИТЛАГИЧ қ. х. Ўғит сочувчи мослама. *Экиш вақти келганда эса тракторга культиватор-ўғитлагич агрегати билан сеялкани тиркадим. Ш. Фуломов, Ташаббус.*

ЎҒИТЛАМОҚ Ерни ўғит билан таъминламоқ, ўғит солмоқ. *Карталарни кетма-кет ўғитлаб, культивация қилаверинг, изма-из суғоринг. Ҳ. Фулом, Сенга интиланман.*

ЎҒЛОН кт. 1 Эр бола, ўғил; фарзанд. *-Ўғлоним, ўс, яйра! — дер. Қ. Муҳаммадий. Безга қилибди Булғор элини. Энди кесар икки ўғлон сарини. «Эрали ва Шерали».*

2 Ёш ва жасур йигит: *кўрқмас, ботир. Душман чиқса мендай ўғлон йўлига, Аямасдан бошин боғдай чаларман. «Ёлғор». Халқимиз ўзининг фидойи ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

3 *тар. Атоқли отлар билан келиб, шахснинг шоҳ, султон авлодидан эканлигини билдиради.*

ЎҒОН эск. Худо, тангри. *..ўғоним гувоҳ, тилимни қимирлатмадим. Ойбек, Навоий.*

ЎҒРИ Ўғирловчи, ўғрилиқ билан шуғулланувчи шахс. *Ўғрини қароқчи урди. Мақол. ■ Бир кеча.. кўрага иккита ўғри тушиб, қоровулнинг оёқ-қўлини боғлаб, оғзига тўппи текиб, учта сигир, иккита от, тўртта қўйни ҳайдаб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ўғрилари ўлдирганда, Отабекнинг ёнида неча кишиси бўлган? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Ғап ўғриси Ғаразли ниятда бошқаларнинг нима деяётганини билиб олишга, эс-

лаб қолишга тиришадиган шахс. - *Данос, гап ўғриси!* - деди Мели полвон. - *Чап кўзинг ўнг кўзингга дўст бўлмайди-ю, кўпчиликка эл бўлармидинг?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўғри тутмоқ** Ўғри деб билмоқ, ўғри ҳисобламоқ. *Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшинингни ўғри тутма.* Мақол. **Ўғри қараш** Сездирмай, пинҳона қараш, ўғрилар каби назар ташлаш. *Атрофга ўғри қараш қилгандан кейин, бошқа эшикларни маҳкамлаб, секин ўрта эшикка қўл чўзди.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЎҒРИБОШИ Ўғрилар тўдасининг бошлиғи. - *Асл зоти ўғри, ўғрибоши дегин, - деб илова қилди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎҒРИВАЧЧА сўк. Ўғрининг боласи. ўғри авлоди.

ЎҒРИЛИК I Ўғри иши, ўғирлаш. *Ўғрилик қилмоқ.* ■ *Ўғрилик қилган учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўғирлаш иши билан шуғулланиш. [*Ҳайдар:*] *Бу ўғриликкина эмас, қароқчилик - кундузлай халқнинг кўзи олдида йўлбосарлик.* С. Айний, Қуллар. *Ўғриликка ўрганган бўлманг тағин, яйловда юриб.* А. Мухтор, Чинор.

ЎҒРИНЧА рвш. Ҳеч кимга сездирмасдан, яширинча. *Шербек йўғон, ичи ковак толни паналаб тўхтади. Атрофга ўғринча назар ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мурзин эса ҳамон ўша тепалик орқасидан ўғринча қараб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Муллавачча чистонларни ўғринча ёзиб олганига Авазнинг гумони қолмади.* С. Сиёев, Аваз. *Чодир ичида бўлаётган гапларни ўғринча тинглаётган Маждиддин.. ўзини четга олади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Умуман,*

Абулбарака ичкиликни ёмон кўрмас эди. То Парижга ўқишга кетгунча отасининг таъқибида бўлиб, ичса ҳам ўғринча ичиб юрди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЎҒРИНЧАСИГА кам қўлл. айн. ўғринча. *Баъзи расво овчилар ўғринчасига иш тутмоқдалар.* «Мунтум».

ЎҒРИНЧИ айн. ўғринча. *Таябга, ўз уста-хонамиз бўлсин-у, кўчама-кўча тиланчилик қилиб, ўғринчи материал қидирайлик..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Йигитлар бўлса, қизлар билан юзма-юз гаплашиш у ёқда турсин, ўғринчи туйнукдан, девор тирқишидан мўралаб қарашдан ҳам кўрқишарди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎҒРИХОНА Ўғрилар яшайдиган, тўпланадиган, кўп оралайдиган жой. *Ахир, деворсиз ҳовли ўғрихона бўлиб кетди-ю.* Уйгун.

ЎҒУЗ Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бирининг номи; шу қабилга аҳолисига мансуб. *Ўзбек тилининг ўғуз шеваси.*

ЎҲ унд. с. Кўрқув, оғриқ, ачиниш, нафратланиш каби ҳисларни ифодалаш учун қўлланади. *Ўҳ, биқиним ёмон санчди-ку!*

ЎҲЎ I унд. с. Таажжуб, ҳайрат каби ҳисларни ифодалайди. - *Ўҳў.. Культивацияни қойил қилиб юборибсиз-ку, Собиржон ака, - деди Сабохон.* А. Муҳиддин, Ҳадя. - *Ўҳў, - деди Сидиқжон, - жуда ўпириб ташлабсиз-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎҲЎ II тақл. с. Йўтал товушини ифодалайди. [*Ўроз:*] *Шошманг, бу дарди ҳарина оз-моз тутақсин. Пуф-пуф... Ўҳў, ўҳў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎҲҲЎ айн. ўҳў I.



ҚАБАРИНҚИ айн. қаваринқи.

ҚАБАРИҚ айн. қавариқ. Қора атлас кўйлагини туртиб чиққан қабариқ кўкраги бекни телба қилар даражада ўйнаб турибди. Ҳ. Фулом, Машғал. Ҳис овлаган хотирам гўё Нур тўпловчи қабариқ шиша. Ҳ. Шарипов.

ҚАБАРМОҚ айн. қавармоқ. Унинг ингичка бели, чинни каптар кўксидек қабариб чиққан кўкси, йўғон сочлари шундай кўриниб турарди. Мирмуҳсин, Умид. Раҳматилланнинг оёқлари қабариб, қонталаш бўлиб кетибди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Кўзларининг милки бир оз қабарган. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ҚАБАРЧИМОҚ айн. қабармоқ. Ишладик, ишладик тўкиб маржон тер, Қўллар қабарчиди ва бўлди қадоқ. Қўллар қабарчиси.. қилма хавотир, Меҳнат билан кетар юракдаги доғ. Х. Салоҳ, Тошкент билан суҳбат.

ҚАБЗ [а. قبض — олиш; туттиш; сиқимлаш, тутамлаш; тўхтатиб қолиш] айн. қабзият 2. Қабз ўлмоғимга боис ҳажринг ҳужуми эрмиш. Увайсий.

ҚАБЗА [а. قبضة — чангал; ҳовуч; тутқич, даста; қўлга киритиш] 1 Тутқич, даста. Маҳкам дарҳол ичкарига кириб, эшикнинг қабзасидан тортди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Аҳмаджон пулемётнинг қабзасини маҳкам ушлаган ҳолда.. душманни кузатар, афтидан, шеригининг сўзини эшитмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бир кафт тутимига тенг узунлик улчови. Теша сопи одатда 4–5 қабза, кетмон сопи эса 12–15 қабза бўлади.

3 Тутам, даста. Бир қабза пиёз. ■ Ойни-са бедадан бирор қабза олиш у ёқда турсин, ҳатто назар солгани кўрқарди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚАБЗИЯТ [а. قابض — қисилиш; тўхтаб қолиш; ич қотиш] 1 Ич қотиши, узоқ вақт ич келмаслиги ёки қийинчилик билан келиши. Эчки гўшти ҳам парҳез, уни қабзият бўлганда ейилса, ични суради. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Қабзият вақтида истеъмол қилинган овқат моддалари ичакларда узоқ — бир неча кун туриб қолади. Н. Исмоилов, Касалларни парварниш қилиш.

2 эск. Диққат ошган, юрак сиқилган ҳолат; дилгирлик. Тошкент Ўрта Осиёнинг энг жонли бир шаҳри.. томоша қилиб, вақтинги чоғ қилиш мумкин, бироқ менда нимадан-дир диққатлик, қабзият ҳамма ёғимни ўраб олган. «Муштум». Мен аламзада шўрликни оғир қабзиятда кўрган кампир.. «турқтароватингизни кўриб, ҳар кун чорак этдан тушяпман», деб мени бисёр тангликка солди. Файратий, Довдираш.

ҚАБЗИЯТЛАНМОҚ эск. Диққат бўлмоқ, диққатчилиги ошмоқ. Ортиқ даражада қабзиятланган Ёқуб ота ҳаммани койиб ташлади.. Ҳ. Шамс, Душман.

ҚАБЗЛАНМОҚ айн. қабзиятланмоқ. [Онаси қабзланиб:] Э болам, кўнглингиэ эр тилар ўхшар, ошиқман, ошиққан қиз эрга ёлчмас. Гулханий, Зарбулмасал.

ҚАБИЛ [а. قبيل — нав, хил; тарз, йўсин] Ў.-п. к. ва ч.к. шаклида кўмакчи вазифасида қўлланади: қабилда Қиёс, ўхшатиш муносабатини билдиради; тарзида, йўсинда.

Раиснинг «Кўрққан олдин мушт кўтарар» қабилда қилган ҳозирги ҳаракати ўтирганларга ёқмади. С. Маҳкамов, Шогирд. *Ақли бор одам, фақир киши панада, қабилда ўзини бир четга олиб, ишини ўхшатиб юр-веради.* В. Ғофуров, Вафодор. *Сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилда иш тутуш — энг хавфли мараз.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Қабилдан** 1) кам қўлл. айн. **қабилда.** *Еган оғиз уялар, қабилдан Ўзбек ойм ҳам муомалани қудаларга қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу том ва деворлар гўё. «бўлса — бўлар, бўлмаса — говлаб кетар» қабилдан қилиб, омонатгина қўн-қайтириб қўйилгандек кўринади.* Ҳ. Шамс, Душман; 2) от ёки отлашган сўзлар билан қўлланиб, ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради; каби, сингари. *Қоровой полвон улар қабилдан эмас, сиёсатдан ҳам оз-моз баҳслашар.* эди. Й. Шамшаров, Тошқин. *Қобил ака ўзини сенсираб, тракторини сизсирайдиганлар қабилдан.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ҚАБИЛА [а. قبيلة — авлод, насл; уруғ] 1 Уруғ-аймоқ, бир ота-онадан тарқаган бир неча гуруҳ уюшмаси, этник бирлик. *Турк қабилалари.* ■ *..шаман ва мажусий қабилалари кўп обидаларни ер билан яксон қилганликларини устоздан суҳбатда эшитган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тарихий маълумотларга қараганда, бу ердаги қабилалар Америкага европаликлар боришидан анча илгари картошка экиб, ҳосил олишган.* «Фан ва турмуш».

2 Насл-насаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гуруҳи. *Ҳўжалар қабилла жиҳатидан тўртга бўлинадилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАБИЛАВИЙ [а. قبيلوى / قبيلى — қабиллага оид, алоқадор] Қабиллага оид, қабилаларга хос бўлган (қ. **қабилла** 1, 2). *Қабилавий низолар. Қабилавий урф-одатлар.*

ҚАБИЛАДОШ Бир қабиллага мансуб бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Жанобларига хайрихоҳ бўлганим учун қабилдошларимдан қаттиқ ситам кўрдим.* М. Осим, Аждолларимиз қиссаси.

ҚАБИЛАЧИЛИК Кишилар қабилла-қабилла бўлиб яшаган жамият; кишиларнинг қабилаларга бўлиниб яшашига асосланган ижтимоий тузум. *Қабилачилик даврини ўт-*

казаётган халқларда динлар ҳам бошқача, қурбонликлар ҳам ўзгарадир. Газетадан.

ҚАБИҲ [а. قبيح — жирканч, ярамас; дағал; кўпол; ахлоқсиз] Ахлоқ-одоб, инсонийлик қоидалари талабига зид; жирканч, разил, ярамас. *Қабих иш. Қабих одам.* ■ *Ғуломжон бу қабих найрангбозликдан қаттиқ ғазабга келса-да, ўзини оғир тутиб, оғир сўзлашга ҳаракат қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкиликбозлик кўплаб қабих жиноятлар манбаидир.* Газетадан.

ҚАБИҲЛАШМОҚ Тобора қабих, разил бўлиб бормоқ, қабихлик, разиллик йўлига ўтмоқ; разиллашмоқ.

ҚАБИҲЛИК Қабих, ярамас иш, хатти-ҳаракат, қилмиш. *Ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган одам.* ■ *Мақсад — юракларга солишдир раҳна Мудҳиш қабихликнинг кирдикоридан.* Ж. Жабборов. *Ўзингиз биласиз, [Бергер] ҳеч қандай қабихликдан қайтмайдиган одам.* А. Мухтор, Чинор.

ҚАБЛ қ. қабил. *Саломатми? Тетикми? Руҳи қалай? Дилшод ҳам худди шу қаблда жавоб қилди: саломат, тетик, руҳи жуда баланд.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАБЛАЛМИЛОД [а. قبل الميلاد — милоддан аввал(ги)] эск. кт. Милодгача, янги эрагача, милоддан олдинги.

ҚАБЛАТТАРИХ [а. قبل التاريخ — тарихдан аввал(ги), қадимий] эск. кт. Жуда қадимий, ёзув ва ёзма ёдгорликлар, ёзма асарлар майдонга келмаган даврга оид.

ҚАБО [а. قباء — устки кийим, чакмон] эск. Узун ва кенг устки кийим. *Хонзода бегимнинг нафис қадди-қомати, ипак матодан кийган камалакдай товланувчи қабоси Аҳмад Танбалга бугун ҳар қачонгидан ҳам жозибали кўринади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАБОҚ эск. қ. **қовоқ** II. Сўз сўзласа, қабоқингни уясан.. «Муродхон». *Қабоқлари кенг-кенг, оғизлари тор.* Лутфий.

ҚАБОҲАТ [а. قباح — қабих иш, қабихлик, разиллик; беадаблик] 1 *от* Қабих иш, ярамас хатти-ҳаракат; қабихлик. *«Қандай насткашлик, қандай ярамас қабоҳат! Шу маҳалгача сезмаганимга ҳайронман!» деб ўйлади Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Интизор ҳар уй диловар, Дилкушлар базмига, Гар оёқ қўйса қабоҳат, Йиғлагай остона ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 сфт. Қабоҳатли, разил, қабиҳ. Қабоҳат иш. ■ Бозорнинг устини туман олибди, Одамларга қабоҳат кун бўлибди. «Очилдов». Бу қабоҳат қирғин поёнига етмай, давлатпаноҳ аъёнлари қуршовида жар ёқасида қатор тизилган ўлим дорлари томон юрди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАБОҲАТЛИ Қабоҳат билан тўлиб-тошган; қабиҳ, разил, ифлос. Неча вақтлар бўлди, тентираб юрган, Қабоҳатли қаттиқ кунлар кечирган. «Ойсулув».

ҚАБР [а. قبر – гўр] Одам ўлиги (мурдаси) кўмиладиган ёки кўмилган махсус жой; гўр. Чинорли мазорда хўп меҳрибон, хўп дилкаш одам – Бобоқул отанинг қабри бор. С. Анорбоев, Оқсой. Бу қабрларда дорга осилган Низомиддин ва унинг олти ўртоғи.. ётгандай бўлиб кўринарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАБРИСТОН [а. + ф. قبرستان – қабрлар, гўрлар макони; мазор, гўристон] Марҳумлар дафн қилинадиган махсус жой; гўристон. Шу кун отасининг мазорига бориб, шам ёқди, қабристондаги шайхларга назр берди. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

ҚАБРТОШ Қабр устига ўрнатиладиган, мрамор, харсангтош ва б. материалдан тайёрланадиган ёдгорлик. Борса-келмас эврилди – Эримадинг сен. Қабртошлар тирилди – Эримадинг сен. Э. Шукур, Ҳамал айвони.

ҚАБУЛ [а. قبول – маъқуллаш; ижозат бериш; битишув, розилик] 1 Таклиф, илтимос ва ш.к. га билдирилган розилик, маъқуллаш. Қабул жавоби. ■ Кумуш қабул ифодасини бергандан сўнг, қўшбеги даҳлизда қараб турган кўрбошига: -Кирсинлар, – деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Завқ-сафони тезроқ тотишига интилган Мирзакаримбой эътироз қилса ҳам, ниҳоят, қабулга [никоҳни кечиктиришига] мажбур бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бериладиган, тақдим этиладиган, топшириладиган нарсани олиш; қабул қилиш. Хирмонлар донга тўлиб, ғалла ортган автомашиналар карвони қабул пунктлари томон шошилмоқда. Газетадан. Бойсунқур мирзо мадраса қурилишини ниҳоясига етказиш ва тантанали қабул маросимларини ўтказишларига раҳбарлик қилишни устод Қавомдан илтимос қилди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ишга, ўқишга, аъзоликка, сафга, қаторга ва ш.к. га олиш, ўтказиш, қўйиш. Институтга қабул бошланди. Курсга қабул тўхтатилди. Қабул имтиҳонлари муваффақиятли ўтди. Қабул комиссияси ишга тушди. ■ -Бу йилги қабулга менинг ҳам бир оз алоқам бор, – деди у.. – ҳаракат қилиб кўришим мумкин. П. Қодиров, Уч илдиэ.

4 Сўхбатлашиш, арз ёки шикоятни тинглаш, кўриш ва ш. к. мақсадларда кимса ҳузурида бўлиш, ҳузурига чақирриш ёки қўйиш. Қабул маросими. Қабул соатлари. Бошлиқ қабулида бўлмоқ. ■ Фаттоҳ Ўлмасбеков бугунги қабулни бир амаллаб тугатди-ю, аммо ўзи ҳам букчайиб қолгандай бўлди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Куннинг иккинчи ярмида Ойқизнинг қабул вақти эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Врач қабулга биринчи бўлиб ёзилай, деб хўроз қичқирмасдан келгандим. «Муштум».

5 Эфир тўлқинларини ўзига олиш, ушлаш, тутиш. Қабул қилувчи аппарат. Радиостанция маълумотларни бериб бўлгач, қабулга ўтди.

Даргоҳида қабул қилмоқ эск. кт. 1) ҳузурига киритмоқ, қўймоқ; 2) дин. ижобат қилмоқ. Бемор.. кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади: -Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳида қабул қилди. А. Қаҳҳор, Бемор. **Қабул қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) рози бўлмоқ, кўнмоқ; маъқул деб топмоқ, қўшилмоқ. Таклифни қабул қилмоқ. Шартини қабул қилмоқ. Узрни қабул қилмоқ. ■ .бизларнинг бу раъъимизга қарши тушиб, ҳарчанд рад қилса ҳам, ниҳоятда онасининг сўзини ерда қолдирмаслик учун қабул қилган эрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) олмоқ (тақдим этилган, топширилган нарсани). Қиз гулдастани қабул қиларкан, мастона кўзларини йигитга тикди. Газетадан. Пахтани ўз вақтида қабул қилиш, тозалаш, авайлаб-асраш.. ниҳоятда зўр маъсулятни талаб қилади. Газетадан; 3) ўз қаторига, сафига олмоқ. Партияга қабул қилмоқ. ■ Азизим.. Сиз санъаткорлар оиласига қабул қилиндингиз. «Муштум»; 4) ҳузурида бўлишга рухсат бермоқ, киритмоқ. ..бу оғирлик бурундан сармунший бўлган кишининг устидаги қонуний вазифа бўлиб келганликдан кишиларни уйда қабул қилишига Анвар мажбур эди. А. Қодирий, Меҳрбодан чаён; 5) муҳокама этилган масала юзаси-

дан якуний, хулосавий тўхтамни белгиламоқ, шундай тўхтамга келмоқ. *Қарор қабул қилмоқ. Резолюция қабул қилмоқ. Табрикнома қабул қилмоқ.* ■ Бу масала юзасидан қарор қабул қилингандан кейин, иккинчи масалага ўтиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари; б) эфир тўлқинларини тутмоқ. *Космик кема локатори ҳаракатга келиб, тезгина тўғриланиб олди-да, радиодан берилаётган сигналларни қабул қила бошлади.* Газетадан; 7) бирор гап ёки нарсани ўзи бирикиб келган сўз ёки жумла билдирган маънода инobatга олмоқ, тан олмоқ маъносини билдиради. *Ҳазратим, берган ўғитингизни бебаҳо гавҳар ўрнида қабул қилурмиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг мақтовини ишга оид оддий гаплардек қабул қилмаса, кўнглидаги нозик ҳисларни сездириб қўйса, ўн жонидан бири ҳам омон қолмаслигини сазди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 8) бирор мазҳаб ёки динга кирмоқ, ўтмоқ. *Исломи динини қабул қилган халқлар.*

ҚАБУЛХОНА [қабул + хона] 1 Расмий идораларда иш билан келувчилар навбат кутиб ўтирадиган ёки қабул қилинадиган хона. *Фаттоҳ Ўлмасбеков йўлакдагилар олдида қошларини чимириб ўтди-ю, қабулхонага кирди.* У. Усмонов, Сирли соҳил. *Шербек суриштириб юриб, Зоология институтини топиб олди. Тўғри директор қабулхонасига кириб борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 тар. Қаровсиз қолган болалар уйи; етимхона.

ҚАВАРИЛМОҚ кам қўлл. айн. қавармоқ. *Салим баққолнинг қора, чўтир юзлари.. думалоқланиб, қаварилиб чиққан бурни.. ҳеч кимга ёқмайди.* Уйғун, Турсуной.

ҚАВАРИНҚИ кам қўлл. айн. қавариқ 3. *Бир томони қаваринқи линза.*

ҚАВАРИШ Турли механик таъсирлар натижасида баданнинг бирор соҳаси терисига шикаст етиши (кўпинча оёқ бармоқлари, товони, қўлнинг кафти ва панжаларида юз беради).

ҚАВАРИҚ 1 от Узоқ ишлаш, ишқаланиш ва б. сабаб билан терида ҳосил бўлган шиш, пуфак. *Қўлдаги қавариқлар.*

2 сфт. Шиш, пуфак ҳосил бўлган; қаварган. *Дарё қизга эркалангандек, тўлқин кўтариб қирғоққа чиқар ва унинг қавариқ оёқларини ялаб кетар эди.* «Ёшлик».

3 Гумбазсимон бўртган; бўртиб чиққан. *Қордай оппоқ яктагининг ёқасидан ҳабашларникидек қора қавариқ кўкраги бўртиб чиқиб турарди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ҚАВАРИҚЛИ Қавариғи, қавариқлари бўлган, қавариқлар билан қопланган. *Қавариқли темирлатки. Қавариқли шиш.*

ҚАВАРМОҚ 1 Ишлаш, ишқаланиш ёки куйиш натижасида қавариқ ҳосил бўлмоқ. *Кун бўйи кетмон чопиб, қўлим қаварди.* ■ *Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб, оёғим қаварди.* Ойдин, Фонарь тагида. *Бетон қориш машинасини айлантириш вақтида қавариб кетган қўллари зирқирарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 Туртиб чиқмоқ, бўртиб турмоқ. *Иккинсининг.. бўйин томирлари арқондай қаварган, билак пайлари темирга айланган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Етилиб, пишиб, яққол сезилиб бўртиб турмоқ. *Меҳмонни кузатиб қўйганидан сўнг Ганжанинг кўнглида қавариб турган ўт бирданга ловуллаб кетди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Кўкси (ёки юрак-бағри, кўнгли) қаварди с. т. Қаттиқ хафа бўлди, ранжиди, кўнгли ўксиди, оғринди. *Гапи курсин, юрак-бағрим қаварди, Гўрўғлига бориб, бергил хабарди.* «Гўрўғли». *Зақот деди, ўн тўрт маҳрам буюрди, Маҳрам келиб, менга берди хабарди, Зақот деган гапга кўнглим қаварди.* «Ал-помош». **Оёғи қавармоқ** Юравериб, қатнайвериб чарчамоқ. **Тили қавармоқ** Гапиравериб чарчамоқ. *Йигит қўлини силтади: -Запчасть [эхтиёт қисмлар] деявериб, тилларимиз қавариб кетди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ҚАВАРТИРМОҚ 1 Қавармоқ фл. орт. н. Юравериб, оёқни қавартирмоқ. ■ *Замбил қўлингизни қавартирган бўлса, қонда орқала.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Эркаларнинг кўзлари ғазабдан чақчайган, бўйин томирларини қавартириб, бўғилиб бақиршади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Муболаға қилмоқ; бўрттирмоқ. *Нури эрдан кўнглисиз эди. Айниқса, кейинги кунларда эрининг қусурини ўз хаёлида ғоят қавартириб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАВАРТМА айн. қавариқ 1. *Агар ташқи томондан қаралса, ўпка пуфакчалари ярим*

доира кўринишидаги қавартмалар билан қопланган бўлиб кўринади. «Анатомия».

ҚАВАРЧИҚ Майда қавариқ.

ҚАВАТ 1 Қат-қат нарсаларнинг ҳар бир қати, қатлами ва уларнинг ораси. У дўппини тахлаб, кўрпанинг қаватиغا қўйди. ■ Қават-қават мрамрни кўрганмисан? Гушти ушандай бир қават ёғ, бир қават гўшт бўлади. С. Анорбоев, Оқсой. Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб, далага чиқиши бошқаларга ўртак. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ахир у [Майна] игнанинг тешигидан етти қават осмонни кўрадиган мерган. Элу юрт орасида унинг таърифи зўр. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Хоналари устма-уст солинган биноларнинг бир баландликдаги хоналардан иборат қисми, қатори. Бинонинг бешинчи қавати. Остки қаватда яшамоқ. ■ Боширжон қават навбатчисидан калитни олиб, ўз номерига кирди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Устма-уст жойлашган тоқча, полка ва ш.к. нинг ҳар бир поғонаси. Муниҳон жавонлардан бирини очиб, унинг юқориги қаватидан бир тўп сурат олди. А. Қаҳқор, Сароб.

4 с. т. Ён, қатор, саф. Отамиз бизни қаватларига олиб, деҳқончилик қилдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. Мана, йигитлардан сўра, даштда денгиз яратаётганлар шулар. Ўғлинг ҳам шулар қаватида. Ҳ. Назир, Сувгалоси — оқпадар. Ун учга кирган акам Солижон онам қаватларига кириб қолди. Газетадан.

5 Ип ва ш.к. га тизилган нарсаларнинг ҳар бир тизими; шода. Маржон шодасининг уч-тўрт қавати узилиб кетган, ўша узук шодалардан марварид доналари худди кўз ёшидай ерга томиб турарди. К. Яшин, Ҳамза.

6 кам қўлл. Марта, карра. [Холиҳон:] Ҳаммаси эсимдан чиқиб, минг қават тағин ғайратландим. Ҳамза, Паранжи сирлари.

7 Сидра. Шоҳим бир-икки қават эски кўйлак-иштондан бошқа нарсаси бўлмаган бўқчани устига керосин тўкиб ёндирмоқда эди. С. Айний, Қуллар.

ҚАВАТИГА рвш. с.т. Қаторасига, ара-лаш. Қаватиға ҳаммани койийвермоқ.

ҚАВАТЛАМОҚ 1 Қават-қават қилиб термоқ, тахламоқ ёки букмоқ. Кўрпани қаватламоқ. Чалтакни қаватламоқ. Газеталарни қаватлаб тахламоқ. ■ Арабхон бегим шоҳи-

атлас кўрпачалардан иккитасини танча тўрига қаватлаб солди. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ип, каноп ва ш.к. нарсаларнинг бўлакларини, қатларини ёнма-ён тизиб, ёндаштириб ёки букиб йўғонлаштирмоқ. Канопни қаватлаб эшмоқ. ■ Сафархалтадан йўл учун олинган ипни олти қаватлаб пишитиб, кўрпа қавиқ нина билан каллани ўз жойига қўйиб тика бошладик. Ф. Фулом, Шум бола.

ҚАВАТ-ҚАВАТ 1 Бир неча қаватдан, қатламдан ташкил топган, бир неча қаватга эга бўлган; қат-қат. Қават-қават тоғжинси. ■ Дурагайларда думба ёғи бада-нига уриб кетади. Қават-қават мрамрни кўрганмисан? Гушти ушандай бир қават ёғ, бир қават гўшт бўлади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Қаватлаб тахланган, терилган ёки букланган. Қават-қават кўрпа. ■ -Неча марта кўргансан, келган кунни кўрсатдим-ку, — деди Эрали қават-қават қилиб букланган хатни сержантга узатаркан. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қатор-қатор тизилган, тортилган, ёнма-ён турган, қўйилган (узун ва ингичка нарса ёки чизиқлар ҳақида). Қават-қават қилиб пишитилган ип. ■ У йўлда бораркан, қават-қават тиканли симлар билан ўралган цехларнинг қўриқчилари ундан пропуска сўрай бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАВИМА Орасига пахта солиб қавилган. Қавима кўрпа. Қавима шим.

ҚАВИМОҚ Авра-астари орасига пахта солинган нарсаларни икки томонга ипни ўтказиб тикиб чиқмоқ. Тўнни қавимоқ. Пахтали шимни қавимоқ. ■ [Қосимжон] Уйга келганда, ойиси айвонда кўрпа қавиб ўлтирарди. Ў. Умарбеков, Она.

ҚАВИҚ 1 Чок тури; қавиладиган нарсалар (тўн, дўппи, кўрпа ва ш.к.)нинг икки томонига ўтказиб тикилган чоки. Йирик қавиқ. Гулдор қавиқ. ■ Ўзбозхон паранжи ичидан бошини кўтариб қаради, Раззоқнинг ихчам кирза этигини, майда қавиқ пахталик шимини кўрди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Қавиш иши. Қавиқни ўрганмоқ. ■ Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қоплаб, қавиқдан чиқарди. А. Ҳайитметов, Унсин хола. Қўлига игна киргани баҳона бўлдию, юрагига сиймаётган қавиқни ҳам йиштириб қўйди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КАВИҚЧИ Кавиш иши билан шуғулланувчи одам. *Моҳир қавиқчи.*

КАВЛ [а. قول — сўз, гап; мулоҳаза, фикр] 1 кам қўл. Лафз, сўз. *Қавли йўқ одам.* ■ *Ўламан деб мард қавлидан тоярми?* «Равшан».

2 эск. айн. эътиқод.

КАВМ [а. قوم — халқ, миллат; кишилар тўдаси, гуруҳи] 1 Бир авлоддан тарқалган, ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар бирлашмаси; уруғ, аймок, қабила. *Гарчи сизнинг қипчоқ қавмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унутилмаслик.. хизматлар қилдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 дин. Бир масжидда ибодат қилувчи кишилар, бир масжиднинг намозхонлари ва уларнинг ҳар бири. *Жиловхонада намоз кутиб ўтирган қавмлар ичида Самод бўқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..хатна тўйига етти мачит қавмини таклиф қилган бўлса, маҳалла учун жонқулар Маҳкамбой терисига сигмай қоларди.* М. Осир, Тилсиз гувоҳ.

3 Кишиларнинг маълум бир иш ва б. жиҳатдан бўлган бирлиги, гуруҳи; тоифа. *Ҳалиги қавмдаги муаллифлар энди ошқора ошина-оғайнигарчилик, лўттибозлик, гуруҳбозлик.. йўлига ўтиб олдилар.* Газетадан. — *Мен бир ожиз фуқаронгизман, — деди у дарҳол, — аҳли шуаро ила фузало қавмига кўрсатган иноятларингиз таҳсинга сазовордир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 (3-ш. эгаллик ва ў.-п. к. шаклида — қавмида) «Қаторида» маъносини билдиради. *Менга-ку жаноза ўқийдиганлар топилади. Аммо сенлар тўнғиз қавмида кетасанлар.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *Зокир темирчи ғозийнинг қиличидан ўлган, шунинг учун ҳам у кофир қавмида кетган эмиш.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАВМ-ҚАРИНДОШ, қавму қариндош Узоқ-яқин қариндош-уруғ, хеш-ақрабо. *Ўрмонжон.. Баҳрободдаги уй-жойини, қавм-қариндошини, ёр-дўстини ташлаб келиб, биз билан жафо чекиб ўтирибдими, баракалла!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

КАВОМ [а. قوام — мадад, таянч; маъно, моҳият; қавмлар] 1 Қавм; қавмлар. *Хумсон ҳам расво бўлди дегин.. у манзилларнинг қавми инсофли эди-ку?!* Ойбек, Болалик.

2 Қавом (эркаklar исми).

КАВРАК Қир-адирларда эрта баҳорда униб чиқадиган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик ва унинг ёш пайтида ейиладиган ўзаги. *Ҳар ер-ҳар ерда қаврак ўсимлиги танаси бошқа ўсимликлардан баланд кўтарилиб туради.* П. Фуломов, Зарафшон этакларида.

КАВС I [а. قوس — камон, ёй; равоқ; тиниш белгиси] Ўзбек тилида кент қўлланилган, икки элементли (қўшалок), асосан, гап ўртасида ва охирида ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси. *Кичик қавс. Ўрта қавс. Катта қавс. Қавсга олмоқ. Қавсдан чиқармоқ. Қавс ичида берилган изоҳ. Қавс ичидаги математик ифода.*

КАВС II [а. قوس — ўқ-ёй буржи] 1 (А — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири. Ақраб ва Жад(и)й буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябрь — 21 декабрь орасидаги даврга тўғри келади). *Қавс суви — дардга даво, Қуёш, ҳаво — танга даво. Мақол.* ■ *Бизда мезон, ақраб ва қавс ойлари қуруқ бўлиши керак, бўлмаса, кузги ҳосилни, айниқса, ғўза-пахтани йиғиштириб ололмайсиз.* С. Айний, Қуллар.

КАВСОБ [а. + ф. قوساب — қавс суви] Қавс ойида, яъни ноябрь охири — декабрь бошларида ерни сугориш учун бериладиган сув; қавс суви. — *У ҳам, — деди бригадир, — кузда шудгор қилинган, қавсоб, чиллаоб берилган, гўнгли тупроқ солинган.* С. Айний, Қуллар.

КАВЧИН Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. *Қишлоқ одамлари олчин, паритўп, қавчин.. дея аталмиш уруғ-аймоқларга бўлиниб олишади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚАД(Д) [а. قَد — бел, қомат; ўлчам, миқдор; ўлчов] 1 Бўй-баст, гавда бичими; қомат, сумбат. *Қадди келишган одам. Қадди букилган чол.* ■ *Фуломжон.. чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Соқолининг оқлигига қарамасдан, унинг қаддида кексалик аломати сезилмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олимов.. қадди барвааста, семизгина киши эди.* Ҳ. Назир, Сўнгги чақмоқлар.

2 Тананинг оёқлардан юқори қисми, гавда. *Костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенлик қилди, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди.*

П. Қодиров, Уч илди. *Бек қаддини ёстиқ устидан кўтариб, Комилга жилмайиб қаради.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Киши ва нарсаларнинг бўйи, баландлиги. *Ун кунлик меҳнат орқасида ҳар томони беш газли ва қадди уч ярим газли бир хужра ҳосил бўлади.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Энди у озди, соқоллари ўсди, юзи қорайди.. қадди чўзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хирмонлар қаддини кўкдан оширинг..* Ф. Фулом.

Қад кўтармоқ 1) бўй чўзмоқ, ўсмоқ, *Райҳонлар қад кўтариб, ҳид сочди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Муроталининг ҳовлисида қад кўтарган ўрик бутун қишлоқда мавжуд бўлган дарахтларнинг энг каттаси ва чиройлиси эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) тикланмоқ, қурилмоқ, *Клуб деворлари кун эмас, соат сайин қад кўтара борди.* «Муштум». *Уч ҳафта ичида гиштин сардоба ердан икки-уч газ қад кўтариб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланадиган бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳар ер-ҳар ерда.. кабоб, сомса, палов пиширадиган ошхоналар тезда қад кўтариб, ишга тушди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қад ростламоқ** айн. **қаддини ростламоқ** 2. *Бинокор қадами етган жой тез бо бўлади, улкан завод-фабрикалар қад ростлайди.* Газетадан. **Қадди расо** 1) қ. **расо.** *Қадди расо йигит;* 2) тик ўсган, адил. *Қадди расо тераклар.* **Қаддини кўтармоқ** айн. **қаддини ростламоқ.** *Супада ёнбошлаб етган йигит қаддини кўтариб, атрофга қаради.* ■ -*Қаддини кўтаргунча, заводчи бойлардан солиқ олинмасин, — деди.. Ёлмонбой.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қаддини ростламоқ** 1) қаддини тик, меъерий ҳолатга олмоқ. *Қурбон ота энгашиб, самоварнинг остига сим тикаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..пуларни кўрпачага узала тушиб, ҳузур қилиб хаёлан санаб ётган Пошша хола Лаълига кўзи тушиди-да, қаддини ростлади.* Д. Нурий, Осмон устунӣ; 2) кўчма ўзини тутиб олмоқ. *Гарчи қаддини ростлаб олган бўлса ҳам, ҳали ёш, ёмғирда қолган гўзалар Муҳиддиннинг кўз ўнгидан ўтарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди; 3) иш, аҳволшароитни яхшиламоқ, дуруст ҳолга келтирмоқ. *Шаҳар бозорида отаси берган пулни сармоя қилиб, дўкон очган Тожи савдо-*

сотиқни авж олдириб, қаддини ростлай бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАДАЛМОҚ 1 **Қаламоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бу йил уруғ барвақт қадалди.* *Кўкракка қадалган қатор орденлар.* ■ *Ҳамманинг кўзи қора чарм қопланган эшикка қадалган.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

2 Кўзини тикмоқ; тикилмоқ. *Сочларини ёйиб, ўқдай қадалди..* К. Яшин, Ҳамза. *Чол ўғлига қадалиб олганди..* «Шарқ юлдузи». *Валижон.. биллур тошлар орасидан қайнаб чиқаётган тиниқ сувга қадалиб, хиёл жим қолди.* О. Ёкубов, Ларза.

3 **Юрмоқ, турмоқ** каби баъзи сўзлар билан қўланиб, қимирламай шу сўзлар англатган ҳолатда бўлиш маъносини билдиради. *..бу ерда қолган кишилар стулларга михлаб қўйилгандай қадалиб ўтиришларидан шахсий ишлари кўриладиган кишилар эди.* И. Раҳим, Ихлос. *..мажҳул киши юзини ойдинга бериб, хароба уй остида қадалиб турганликдан унинг ким эканлигини таниш осон эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Бемор бир оздан сўнг чой сўради.* *Кейин яна қадалиб ётаверди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ҚАДАМ |а. قدم — оёқ кафти, товон; оёқ, одим| 1 **Юриш жараёнидаги ҳар бир оёқ ташлаш, оёқ босиш; одим.** *Илдам қадам.* *Шаҳдам қадам.* ■ *Очил «бу гапларнинг менга алоқаси йўқ», дегандай қилиб, қадамини тезлаштирди.* П. Қодиров, Уч илди. *Ёнидаги қорабайир буни сезди шекилли, бир неча одим ўтиб, қадамини секинлаштирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шу вақт болохона нарвониди гурс-гурс қадам товуши эшитилди.* Ҳ. Фулом, Машғал. -*Мардонқул ака, — деди у бошлиқнинг юришига қадамини мослаб..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Саодатхон бир-икки қадам босиб, яна орқасига қайтди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 **Ҳар бир қадам оралиғига тенг масофа, оралиқ масофа.** -*Ассалому алайкум, — дедим остонадан бир қадам нарида туриб.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Содиқ аминнинг капаси унғурдан юз қадамча ғарбда, тоғнинг соябон бўлиб осилиб тушган каттакон тоши остида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 **кўчма** **Иш-фаолият, ривожланиш** ва ш.к. да олға силжиш, илгарилаш. *Ўртоқ Аҳмедов, бу тажриба пахта агротехникасида олға қўшилган катта қадам, дейди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 кўчма Бирор жой, томонга қаратилган, йўналган юриш; ташриф. Унинг бу ердан қадами узилди (кесилди). У бизникига қадам босмай кўйди. ■ Агар қадамни бой сезиб қолса, Гулнорнинг аҳволи оғирлашмайди? Ойбек, Танланган асарлар. Хайрият, хайрият, Абдурасул!. Сенинг ҳам қадаминг биз томонларга тушар экан. П. Турсун, Ҳуқитувчи. Сенинг учун келди совчи қадами.. «Баҳром ва Гуландом».

5 кўчма Иш-фаолиятдаги ҳар бир хатти-ҳаракат; амал. Одам баъзан бир марта нотўғри босиб кўйган қадами учун умрбод жавоб беради. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ахир, кам гапириб, қадамни билиб босса, ишини билиб қилса ва зимдан қора ниятлар йўлидан кета берса, уни дарҳол билиш осонми, ахир? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Бир қадам 1) айн. қадам 2. Бир қадам нарида турибди; 2) жуда қисқа оралиқ, оралиқ масофа ҳақида. Ҳизингиз кўрдингиз, бугун гузардан бир қадам ҳам жилганим йўқ, гувоҳ бўларсиз дейман-да. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қадам босмоқ** 1) қадамлаб юрмоқ. ..Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди. А. Қаҳҳор, Мастон; 2) бирор жой, маконга бормоқ, келмоқ; ташриф буюрмоқ. Йўқ, амаки, уйга энди бир умр қадам босмайман. С. Аҳмад, Уфқ. Бугун саккиз кун бўлди, қадам босмайсиз-а? С. Сиёев, Ёруғлик; 3) иш-фаолиятда муайян тарзда иш тутмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ. ..ўша босган ноҳўя қадами бошига бало бўладиган бўлди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қадам олиш** Иш-фаолиятда, ҳаётда ўзини тутиш, бундаги ўзига хос хатти-ҳаракат, ҳолат. Иккаласининг кайфлари баландми ё Опа келтирган хушxabар эсанкиратиб кўйганми, ишқилиб. қадам олишлари бошқача. О. Ёкубов, Ларза. ..Абдусамадқорининг сўнги кунлардаги қадам олиши Ҳўмонжоннинг ҳар иккала тахмини ҳам тўғри эканини аниқ кўрсатиб турар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қадам отмоқ** (ёки ташламоқ) 1) қадам босиб юрмоқ, одим отмоқ. Иккала от бир қиёсда баравар қадам ташлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) кўчма силжимоқ, юрмоқ, бормоқ. *Куюш ташлар ғарб сари қадам.* Ғайратий. **Қадам ранжида қилмоқ қ. ранжида.** Устоз ёзувчи хотирасини эъзозлаш учун қалам соҳиблари, олимлар.. музейга қадам ранжида қилдилар. Газетадан. **Қадам таш-**

ламоқ айн. қадам босмоқ 1; қадам кўймоқ. *Мақсадсиз ташланган қадам — ўқсиз милтиқ билан овга чиқишдек гап.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ўтган йил билан ҳам хайрлашдик. Янги йилнинг бўсағасига қадам ташладик.* Н. Сафаров, Оловли изгар. **Қадам кўймоқ** 1) айн. қадам босмоқ 1, 2. У уйнинг зинасига энди қадам кўйганда, похол остидан чиққан кампир: *—Ҳой, болам, немис бор! — деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дўст билан обод уйинг, Гар бўлса у вайрона ҳам.* Дўст қадам кўймас эса, вайронадур қошона ҳам. Э. Воҳидов; 2) журъат қилмоқ; киришмоқ, бошламоқ. *Бу ишга қадам кўймасдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни билишига тўғри келди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) бирор ёшга тўлиб, кейингисига ўтмоқ. *Ун иккига қадам кўймоқ.* ■ *О, учга қадам кўйиб қолди-ку. Тили бирам ширин бўлиб чиққанки, сира кўя берасиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қадамни узмоқ** Бормайдиган, келмайдиган бўлмоқ. *Нега бизникидан қадам узиб кетдингиз, ё кўнгли қоларлик иш ўтдими биздан?* К. Яшин, Ҳамза. **Ҳар қадамда** 1) ҳар бир қадамга тенг масофада. *Ҳар қадамда белги кўйиб борарди;* 2) жуда кўп, оралари жуда қисқа, тигиз жойлашган нарсалар ҳақида. «*Масжиди жомий*» буйлаб ҳар қадамда гадоё, қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар.. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАДАМА 1 Қадаб, тўғнаб ёки тикиб, чатиб кўйиладиган. *Қадама жияк. Қадама ёқа.*

2 Безак яратиш, безатиш, ясатиш ва ш.к. учун қадалган нарса. *Ўша чолғуларни ўйладим бу гал, Чиройда беқиёс, кўзни олади. Садаф қадамалар ёнар мукаммал..* А. Исроилов.

ҚАДАМ-БАҚАДАМ айн. қадамма-қадам. Саломатнинг қонини Низомиддинов қадам-бақадам босиб борарди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚАДАМГОҲ [а. + ф. قدمگاه — (авлиёлар) қадами изи] кам қўлл. айн. қадамжо(й) 2. *Моҳир меъмор ва наққошларга қадамгоҳ бўлган кўҳна Хиванинг архитектура ёдгорликларини томоша қилиш нақадар завқли.* Газетадан.

ҚАДАМЖО(Й) [а. + ф. قدمجاي — (авлиёлар) қадами теккан жой] 1 дин. Зиёрат қилиш, сигиниш учун бориладиган, мўъжизали, муқаддас деб саналувчи жой; зиё-

раттоҳ. *Резидент ўрнидан туриб, харита олдига келди*: -*Руслар мусулмонларга қадамжоларни зиёрат қилиш учун тўсқинлик қилишмайди. К. Яшин, Ҳамза. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу муқаддас қадамжо [Чашмаи Айюб] чиндан ҳам мўъжизадир. Газетадан. Имом Бухорий қадамжосида барпо этилган муҳташам меъморий обида қурилишига ҳам бир оз ҳисса қўшганман. Газетадан.*

2 *кўчма* Кўриш, бирор нарса ўрганиш, намуна олиш учун бориладиган серфайз ёки азиз жой. *Тошкент қадамжойдир. Азиз жой экан. М. Шайхзода. Бу жойларни очиб, қадамжо қилишга эса бирмунча азият чекиш керак. С. Кароматов, Олтин кум.*

ҚАДАМЛАМОҚ 1 Қадам ташлаб юрмоқ; одимламоқ. *Майна олдинга қадамлади. Ҳамма унинг чиройли юзига, келишган қомати, ҳарбий кийимига ҳавас билан боқди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 (-иб қўшимчали рвдш. шаклида - қадамлаб) Қадам ташлаб, қадам билан. *Извош муқолишга яқинлашиб қолганда, йўртиб келаётган от тўсатдан қадамлаб юра бошлади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Туроб чодирга жой чамалаб, қадамлаб қозик ўринларини белгилаб олди. С. Кароматов, Олтин кум.*

ҚАДАМЛИ Қадам чамасидаги; ..қадам келадиган. *Юз қадамли масофа. Икки қадамли жой.*

ҚАДАМЛОВЧИ Қадамламоқ фл. сфдш.

Қадамловчи экскаватор *айн. одимловчи экскаватор қ. одимловчи.*

ҚАДАММА-ҚАДАМ рвш. Изма-из, кетидан қолмай, из қувиб; бирин-кетин. *Мен келдим, (кетимдан) қадамма-қадам у ҳам келди. ■ Унда устозининг ортидан қадамма-қадам юриб, у босиб ўтган йўлдан бориш, ўшанинг ўзидай бўлиш орзуси ҳам кундан-кунга улғаярди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ҚАДАМОҚ 1 Тирамоқ, тақамоқ. *Тахта-нинг бир учини деворга қадамоқ. ■ -Бу яшамай ўлгурнинг ўзи ёмон, - деди опа муштини ерга қадаб. А. Қаҳҳор, Сароб. [Бектемир] Иккита танкни кўрди, бири қийшайган, иккинчиси эса тумшугини ерга қадаган. Ойбек, Куёш қораймас.*

2 Санчмоқ, суқмоқ. *Ханжар қадамоқ. ■ Пичоқчанинг учини консерва банкасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бошлади. Н. Аминов, Суварак.*

3 Тўғнамоқ, тақмоқ. *Тўғноғич қадамоқ. Тўғноғич билан қадаб қўймоқ. ■ Мен бирон қоғозни ўқимасдан қўл қўйсам, сен бирон қўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавобгар бўламиз. А. Қаҳҳор, Айб кимда? Дасторпеч. гавҳарларни Ботирнинг.. салласига қадаб қўйди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

4 Ўрнига тушириб бириктирмоқ; солмоқ, тақмоқ (тугма, пистон ва ш.к. ни). *Гимнастёркасининг ёқасига қўл юборди-ю, тугмасини қадашга улгуролмай, яна сўзида давом қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

5 Ўрнатмоқ, тикмоқ; босиб, суқиб, ўрнига жойлаштирмоқ. *Глухов пичоқ билан бирпасда беўхшовгина юлдуз ясади, бармоқдай қизил қалам билан уни бўяди-да, ёғочга бириктириб, қабрга қадади. Ойбек, Куёш қораймас.*

6 *кўчма* Экмoқ, тикмоқ. [Бўтабой] *Шудгорни кесиб, чигит қадаётганлар олдига борди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

Кўзларини (ёки килригини) қадамoқ Тикилиб қарамoқ, боқмоқ, тикилмоқ. *У [Комилжон] шофёрга бошқа савол бермай, икки кўзини машина ойнасига қадаб борди. И. Раҳим, Ихлос.*

ҚАДАР 1 [а. قدر - миқдор, ўлчам, даража] кўм. **1** (б. к. билан) Таққослаш, ухшатиш, даража муносабатларини, маъноларини билдиради; каби, ўхшаш, -дек. *Косани олиб, катта қошиқ билан шошиб-пишиб ичди. Косада ош уч элик қадар озайдди. Ойбек, Танланган асарлар. Дунё қадар мардлик сиққан кенг қучоғинга, Яширинган миллион халқнинг ғазабли саси. Ҳ. Пўлат. Биз ўзимизни ичкарига олгач, дарвозабон ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга тўнғиллайдир-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 (ж. к. билан) Чегара муносабатини, маъносини билдиради; довур, -гача. *Уйдан вокзалга қадар. Етти яшардан етмиш яшарга қадар. ■ Дарвоза остини то ҳамсоялар эшигига қадар супуриб кириб ўлтириб, оналари билан чой ичмоққа машғул бўлар эрди. Ҳамза, Танланган асарлар. Шу йилнинг охирига қадар корхонада бешта дастгоҳ тайёрланади. Газетадан.*

Бир қадар Маълум даражада, бир оз, бирмунча, сал. *Бу ишлар бир қадар битган-*

дан кейин. Сидиқжон онасини олиб келгани Баҳрободга борди. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. Икки оға-ини бир қадар саросимага тушиб, ўринларидан туришди. Ойбек, Танланган асарлар. Мумкин қадар Имкони борича, иложи борича. Қамбар маҳаланинг номини айтиб, у ердаги тор кўча, боши берк кўчаларни, эшикларни мумкин қадар синчиклаб тушунтирди. Ойбек, Танланган асарлар. Бўлиб ўтган воқеага мумкин қадар бёзор баҳо бериб, қизни унутиб, тинчишни истар.. эди. «Шарқ юлдузи». У қадар 1) унга тенг келадиган, унчалик. Масалани у қадар ечолмасам керак; 2) айтишга арзигудек, деярли. Унинг нимаси мени ўзига тортар экан? У қадар гўзаллиги ҳам, бошқа одамлардан ортиқлиги ҳам йўқ-ку! П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАДАР II [а. قدر – тақдир, ёзмиш] эск. кт. Тақдир, қисмат, ёзмиш.

ҚАДАРЛИ с. т. Қадар, довер, -гача.

ҚАДАҚ шв. Оловкурак; хокандоз.

ҚАДАҲ [а. قداح – пиёла, жом, май идиши] Май ичиладиган идиш; жом. Биллур қадаҳ. Олтин қадаҳ. Бир қадаҳ вино. ■ Мударрисов бўшаган қадаҳни дастурхон четига қўяр экан, кампир.. «дуруст-ку», дегандай қош қоқиб, Йигиталига қараб кўйди. Д. Нурий, Осмон устунни. Ароқдан қилқиллатиб кўйиб, ўрнидан турди.. Қадаҳнинг бирини бошлиққа узатди. Н. Аминов, Суварак.

ҚАДДИ-БАСТ айн. қадди-қомат. Қаддибастни келишган, чайир билакларидан куч ёғлиб турган.. йигитлар ўтганларида, «Ким экан у?» деб сўз қотмайдиган сулув бормикин?! Газетадан.

ҚАДДИ-ҚОМАТ Бўй-баст, сумбат, қомат. Қадди-қомати келишган йигит. ■ У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ҚАДИМ [а. قديم – ўтган, илгариги, кўҳна, эски] 1 от Узоқ ўтмиш, қадимги замон, узоқ ўтмиш давр. Қадимдан қолган одат. ■ Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қадимнинг қондасига мувофиқ, ҳар икки томоннинг шумтака болалари бир-бирларини қорга думалатиб, бир нафас муштлашиб олдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

2 сфт. Узоқ ўтмишдаги; қадимий, кўҳна. Қадим замон. ■ Бу йўллар кўп қадим йўллардир. Ғ. Гулом. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши катта савдо йўлидаги қадим шаҳарнинг бошқа узоқ музофоту ўлкалар билан алоқасини авж олдирди. К. Яшин, Ҳамза.

3 Илгарилари, қадимда. Ҳовлиларга кираверишдаги катта ва сервиқор дарвозаларни айтмайсизми, қадим бундай дарвозаларни Орифхўжабойлар қурарди. Мирмуҳсин, Умид.

ҚАДИМГИ I Узоқ, ўтмиш замонларда ёки узоқ замонлардан бери мавжуд бўлган, узоқ ўтмишга оид; қадимий, кўҳна. Қадимги туркий тиллар. Қадимги форс ёзуви. ■ Ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаган қадимги халқлар ўзларининг мустақил, бой маданиятларига эга бўлганлар. К. Яшин, Ҳамза.

2 Илгариги, аввалги. Фарғона водийсидан Тошкентга қатнайвериб, довол ошиб, товонлари тош бўлган қадимги батрак Абдурусул бу кунларда ўз муддаосининг амалга ошаётганини ҳис этар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАДИМГИЛАР Қадимда, анча аввал яшаб ўтган одамлар, ота-боболар. Бундай ёзилибгина бир гаплашса-чи. Қаёқда! Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада – қадимгилар хўп топиб гапиришган-да. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАДИМГИЧА I Қадим қандай бўлса ўшандай, ўзгаришсиз, илгаригидай. Ўғлининг қабри қадимгича турмоқда эди. Ғ. Расул, Тўнгич ўғил.

2 Эски одат бўйича; эскича. Қадимгича тўй.

ҚАДИМДА Қадим вақтларда, илгарилари. Ривоятларга қараганда, қадимда Маккага борган диндорлар хурмо олиб келишиб, яқинларига улашар эканлар. «Ўзбекистон кўриқлари». Қадимда Ургут қишлоқларига боқинчилар тез-тез ҳужум қилар экан. «Саодат».

ҚАДИМДАН рвш. Узоқ ўтмишдан, қадимги замонлардан. Қадимдан қолган урф-одатлар. ■ Товуш тўлқинларини тутғич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум. «Фан ва турмуш».

ҚАДИМИЙ [а. قديمى – қадимга, ўтмишга оид] Қадимга оид, қадимдан бор, ўтмишдан сақланиб келаётган. *Қадимий урф-одатлар. Қадимий шаҳар. Қадимий анъаналар.* ■ *Қадимий Хоразм ўзининг бетакрор маданий обидалари билан машҳур. «Саодат». Тупроғи серунум, иқлими мўътадил, аммо суви камчи Қашқа воҳасини боғ-роғларга айлантириш қадимий орзу эди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

ҚАДИМОНА Қадимги урф-одат, анъана ва ш.к. га хос, мос. *Тансиққа ҳам бурмасиз, ҳашамсиз, узун ва жуда кенг қадимона кўйлак кийишни буюрар эди. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ҚАДИМЧА кам қўли. айн. қадимгича 2. *Болохона бўғот тоғли, кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим – қадимча эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАДИМШУНОС [а. + ф. قديمشناس – қадимиятни, ўтмишни ўрганувчи] кам қўли. айн. археолог. *Эндиликда қадимшунослар ихтиёрида тадқиқотлар учун 7 та археологик топилма бор. Газетадан.*

ҚАДОҚ I Қиймат жиҳатдан I фунтга тенг бўлган қадимги оғирлик ўлчов бирлиги (I фунт = 409, 512 г.). *Бир қадоқ чой.* ■ *Афанди ишонмай, мушугини тортиб кўрса, тўрт қадоқ чиқибди. «Латифалар».*

Қадоқ тош, қадоқтош Нарсаларни тарозида тортишда тарози палласига қўйиладиган ўлчовли тош. *Ҳар бир сўзи қадоқ тошдай вазмин бу киши кейинги кунларда янада камгапроқ бўлиб қолган. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

ҚАДОҚ II I айн. чега. Битта қадоқ билан бутун бўладиган ликопча.

2 *сфм.* Қадоқланган, чегаланган. *Салтонбу.. қадоқ ниёлага [шилпилдоқ] солиб берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚАДОҚ III: қадоқ чой, қадоқ қанд Қоғоз ёки бошқа нарсага жойлаб маҳкамланган, маълум миқдордаги чой, қанд.

ҚАДОҚ IV Одам терисидаги кўп ишқаланадиган ва қисиладиган жойнинг қалинлашуви, қаттиқ қавариқ (кўпроқ оёқ панжалари, товон, кафт, баъзан қўл панжаларида учрайди). *Вали ака.. қўлининг қадоқлари озор беришидан кўрқаятгандек, хотинининг пешонасини авайлаб силади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Собир ака.. оғир меҳнатдан эзилган, қўллари қадоқ, мушаклари*

чайир бўлиб кетган эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

Қадоқ қўл(ли) ёки қўли қадоқ 1) қўли қадоқ бўлган, қўлини қадоқ босган; 2) *кўчма* ўз кучи билан тирикчилик қиладиган, бировнинг кучидан фойдаланмайдиган; меҳнаткаш. *Қадоқ қўлли миллионлар Янчи зулм тахтини, Барно этиб бўстонлар, Топди кувонч, бахтини. З. Диёр. Бойларга қарши курашни Ниёзга ўхшаш айрим кишилар эмас, ҳамма қўли қадоқлар олиб бориши керак. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.*

ҚАДОҚЛАМОҚ I I Оғирликни қадоқ билан ўлчамоқ, тортмоқ. *Қадоқлаб бозордан мева олиб, санаб еб, ёзни ўтказасизлар. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

2 Тортиб, маълум оғирликда ёки миқдорда ўлчаб пачкаламоқ. *Чой(ни) қадоқламоқ. Қанд(ни) қадоқламоқ. Унни қадоқламоқ.* ■ *Шўрсув қонида майдаланган олтин-гугуртни полиэтилен халтачаларга қадоқлаш йўлга қўйилган. Газетадан.*

ҚАДОҚЛАМОҚ II айн. чегаламоқ. *Тожибой қадоқчилик «дўқони»ни ёяди, мезбонларнинг синиқ идиш-товоқларини тўплаб, қадоқлашга тушади. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

ҚАДОҚЛАНМОҚ I Қадоқламоқ I фл. мажж. н. *Чой қадоқланадиган фабрика.*

ҚАДОҚЛАНМОҚ II Қадоқламоқ II фл. мажж. н.; чега билан бириктирмоқ. *Салтонбу уч еридан қадоқланган.. эски ниёлада намакоб қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚАДОҚЛАНМОҚ III Қадоқ бўлмоқ (қ. қадоқ IV). *Қўллари қадоқланган, кўзлари ўтдай ёнган.. Ф. Фулом.*

ҚАДОҚЛИ I Қадоқ оғирлигидаги. *Беш қадоқли тош.* ■ *Кетмончиларнинг энг катта деб билган ўн қадоқли кетмонлари ҳам мулла Обидга ёқмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ҚАДОҚЛИ II Қадоқланган, синган жойи ямалган, чегаланган. *Қадоқли ниёла.*

ҚАДОҚЛИ III Қадоғи бор, қавариб, қадоққа айланган, қадоқ босган. *Қадоқли қўллар.*

ҚАДОҚЛОВЧИ I Қадоқламоқ фл. сфдш. *Қадоқловчи цех. Қадоқловчи дастгоҳ.*

2 Касби қадоқлаш бўлган шахс. *Чой қадоқловчи.*

ҚАДОҚЧИ айн. чегачи. *Илкинга қўндириб қуш, ул сенга номуносиб, Боқиб ўзинг-*

га иш қил, касбинг қадоқчи, ҳожим. Муқимий.

ҚАДОҚЧИЛИК Қадоқчи иши, касби. Қирғиз ҳожии тирик эмиш, Андижоннинг узум бозорида қадоқчилик қияпти экан. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҚАДОҚЧОЙ Ўраб юмалоқланган маълум миқдордаги чой, қадоқланган чой. [Муҳаммадсаиднинг] Ўзи ё афғонистонлик, ё ҳиндистонлик мусулмон бўлиб.. узоқ мамлакатлардан қадоқчой, тахтачой келтириб сотар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАДР [a. قدر – миқдор, ўлчов; даража, мартаба; тақдир, қисмат] 1 Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, ўзга(лар) томонидан бўлган ҳурмат, эътибор. *Ўз қадрини билмаган бировнинг қадрини билмайди. Мақол. Дарё сувини баҳор тоширар. Одам қадрини меҳнат оширар. Мақол. Оҳ, она тунроғим, ўсган жойларим.. Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг. Миртемир. Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Офтоб ойим.. қизининг қадрини бунчалик аршларга-ча кўтармоқда бўлган йигитга ўзида йўқ чексиз муҳаббат, поёнсиз эҳтиром сезмоқда. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Ҳаётда тутган ўрин; аҳамият, муҳимлик ҳолати. *Зар қадрини заргар билар. Мақол. Газламанинг қадри жуда ошиб кетди. Эрталабки нарх кечга тўғри келмайди. Ойбек, Танланган асарлар. У томонларда меванинг қадри баланд дейишади, ростми? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Биз ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолгандан кейин биламиз. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.*

Қадр қилмоқ, қадрига етмоқ ёки қадрини билмоқ 1) обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-ҳурмат қилмоқ, қадрламоқ. *Бола қадрига етмаган она қадрига етмайди. С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар;* 2) аҳамияти нақадар азиз, аҳамиятли, қийматли эканлигини билмоқ, аҳамиятига, қимматига яраша эъзозламоқ. *Саломатликнинг қадрига етмоқ. Гул қадрини булбул билар. Мақол. Кулликни сезмаган ҳурлик қадрига ета олурми?! Ҳамза. Қадрни ўтмоқ* Аҳамияти, ўрни сезилмоқ, ўрни билинмоқ, йўқлиги сезилмоқ. *Дўстимнинг қадрни ўтди, у бўлса, бунчалик қийналмас эдим. Исроил Аҳме-*

довнинг қадри, айниқса, ҳозир ўтяпти. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАДРДОН [a. + ф. قدردان – қадрини билувчи, баҳо берувчи; яхшиликни билувчи] 1 Ўзаро қадр-эътиборли, бир-бирини жуда қадрлайдиган. *Бу киши бизга жуда қадрдон. Иккаламиз эски қадрдонмиз. Шуми ҳали қирқ йиллик қадрдондан чиққан гап? А. Қаҳҳор, Янги ер. Ултармалик Асрорқул Ҳайдар отанинг қадрдон ошнаси бўлади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

2 Кўпдан бери таниш, ўрганиш бўлган, ўрганиб қолинган, қадрли бўлган. *Қадрдон болалар. Қадрдон қишлоғим. Нормат қадрдон батальонига келиб, ошна-оғайнилари билан учрашаркан, севинчини юрагига сирдиролмай, жуда гандон бўлиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Ота қадрдоним Отамни танийдиган қадрдоним, отамнинг дўсти. *Ота қадрдонларим билан таништирганнгиз учун раҳмат, амаки. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАДРДОНЛАШМОҚ Ўзаро қадр-эътиборли муносабатда бўлмоқ; қадрдон бўлмоқ. *Феруза, чўл қишлоғидаги бегона кишиларнинг бир она қорнидан талашиб тушгандек қадрдонлашиб кетганини ўз кўзи билан кўрди, ишонди. Ҳ. Фулом, Сента интиламан. Уктам техника фанлари доктори Ўрмонов билан қадрдонлашиб қолди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ҚАДРДОНЛИК Қадрдонларга хос муносабат, ҳолат. *Сиз олийжанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига, кўнгли учун кулиб боқарсиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..андишасиз кишининг муомаласини қилса, ўттиз йилдан ортиқроқ умр кўрган қадрдонлик ўйламаздан айтилган бир оғиз сўз қурбони бўлур эди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

ҚАДРИЯТ [a. قدریت – қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги] Воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас., эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва б. қадрият ҳисобланади. *Аммо ошкоралик дегани хоҳлаган кимсанинг хоҳлаган пайтда қадриятларимизни оёғости қилиши дегани эмас. Газетадан. Бутун бир миллат-*

нинг қадриятлари топталса, йўқола бошла-са, бу ўша халқнинг фожияси эмасми? Га-зетадан. Бу қадриятларнинг бари айнан мил-лий қадриятлар билан уйғунлашган ҳолдаги-на намоён бўла олади. «Тафаккур».

ҚАДРЛАМОҚ 1 Обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-ҳурмат кўрсатмоқ, қадр қилмоқ. Устозларини қадрламоқ. ■ Созандаларни, устозларимизни қадрланг, ҳур-матланг. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Аҳамиятига, қимматига яраша эътибор бермоқ, шунга яраша муносабатда бўлмоқ. Инсоний фазилатлардан бири — дўстлик ва ўртоқликни қадрлашдир. Газетадан. Йўлдош ота ерни қадрлаб, пахтаги фарзандидай кўрадиган одамларни Мирзачўлга чорлаган экан. «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚАДРЛИ 1 Қадр-эътиборга лойиқ; ҳур-матли. Қадрли ўртоқ. Қадрли ўқитувчи. ■ Ҳамма уни гўё узоқ вақтдан бери кутилган қадрли бир меҳмондай қувончли юз билан қаршилади. Р. Файзий, Уч қиз. Нарзи, узоқда-ги ота-онаси каби, бу ердагилар учун ҳам азиз ва қадрли жигарбанддир. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Қадри, қиммати юқори. қадр-қимма-тини йўқотмаган. ..меҳнатинг қадрли, ҳаё-тинг файзли. Газетадан.

3 кам қўлл. айн. қадрдон 2. -«Фарҳод» бизга қадрли жой, — деди кулиб Мирҳай-дар. Ойбек, О.в. шабадалар. Сўйла, ўртоғим, менга, Сўйла менга, қадрлим. Ҳ. Олимжон.

ҚАДРСИЗ 1 Қадр-эътибори йўқ, ҳеч ким ҳурмат қилмайдиган, назарга илмайдиган. Қадрсиз киши. Қадрласанг, қадринг ошар, қадрсиздан ҳамма қочар. Мақол.

2 Ҳеч қандай қиммати, аҳамияти, қадри йўқ, ҳеч нарсага арзимайдиган. Қадрсиз нар-са. ■ Хотинларнинг меҳнати айниқса қадр-сиз, сув текин бўлишини ўшанда билдим. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАДРСИЗЛАНМОҚ 1 Обрў-эътибори-ни, қадрини йўқотмоқ, назардан қолмоқ. Энди сенга қадрсизланган бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадру қиммат-лари юқори. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қийматини, аҳамиятини йўқотмоқ. Пулнинг қадрсизланиши. Валютанинг қадр-сизланиши.

ҚАДРШУНОС [қадр + ф. شناس — би-лувчи, ўрганувчи] эск. кам қўлл. Киши ёки

нарсанинг қадр-қийматини биладиган, қадрига ета оладиган, қадрлайдиган.

ҚАДРШУНОСЛИК эск. Қадрлаш, қад-рига етиш хислати, хусусияти. -Қадршунос-ликларингга раҳмат, ўртоқ! — дейди, — мул-ла Обиднинг қадрига етдинг, менга шу бас. А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚАЕР [асли қай ер] сўр. оlm. Қайси ер?, қайси жой?; қайси томон?, қаёқ? Қаер сизга ёқади? Бу қаернинг анори? Қаеринг оғрияпти? ■ Ҳали ҳеч қаерни кўрганимча йўқ. А. Қаҳҳор, Янги ер. Аҳмаджон. ўзига келгач, разм солиб қараса, ҳеч қаери майиб бўлмабди, фақат билагидан қон оқар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҚАЕРГА [асли қай ерга] сўр. оlm. Қайси ерга?, қайси жойга?; қайси томонга?, қа-ёққа? Китобни қаерга қўйдинг? У қаерга кетди?

ҚАЕРГАДИР [асли қай ергади] гум. оlm. Номаълум (бир) жойга, номаълум (бир) томонга; бирор жойга; бирор томонга. Хат-ни қаергадир қўйган эдим, топа олмаяпман. ■ Қоровул кўчанинг у юзига ўтиб, қаергадир кириб чиқди. А. Қаҳҳор, Картина. Унинг ҳа-ракати гўё қаергадир шошилаётгандай эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАЕРДА [асли қай ерда] сўр. оlm. 1 Қай-си ерда?, қайси жойда?; қайси томонда? Қаерда ишлайсиз? ■ -Мен ўраман бедани, бедаларингиз қаерда? — Ёрматга қараб деди Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. қаёқда 2, 3.

ҚАЕРДАГИ [асли қай ердаги] сўр. оlm. 1 Қайси ердаги?, қайси жойдаги?; қайси то-мондаги? Қаердаги китобни олай?

2 Риторик сўроқларда: ҳеч ким ўйла-маган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, қа-ёқдаги каби маъноларни билдиради. Қаердаги гапларни ўйлаб топасан.

ҚАЕРДАДИР [асли қай ердадир] гум. оlm. Номаълум (бир) ерда, жойда; номаълум (бир) томонда; бирор ерда, жойда; бирор томонда. Биз сиз билан қаердадир учраш-ганмиз. ■ Қаердадир қизилиштон қарилла-ди, попишак «пу-пу-пуш-пиш» деб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЕРДАН [асли қай ердан] сўр. оlm. 1 Қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси то-мондан?, қаёқдан? Сувни қаердан олиш мум-кин? Меҳмонлар қаердан келишиди?

2 Қандай қилиб?, қаёқдан? *Сен қаердан ўравон бўлиб қолдинг?*

3 Кимдан?, ким орқали? *Бу гапни қаердан эшитдинг?* ■ *А, севаман? Бу ёмон гапни қаердан ўргандинг?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЕРДАНДИР [асли қай ердандир] *гум. олм.* Номаълум (бир) ердан, жойдан; номаълум (бир) томондан. *Йўлчи «мавқул» деди. Ўроз, қаердандир, катта тарвуз келтириб, уртага қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЕРЛИК [асли қай ерлик] *сўр. олм.* Асли қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси жойда туғилиб ўсган? *Она, сўрамоқнинг айби йўқ, сиз бу томонларнинг одамларига ўхшамай-сиз, қаерлик бўласиз?* С. Айний, Қултар.

ҚАЁН [асли қай ён] *эск. кт айн. қаерга.* Бахт этагин тутқизмас, *Ғам кутар, борса қаён.* Миртемир. *Адашган кимсадек Фурқат қаён боргум билолмасман..* Фурқат.

ҚАЁҚ [асли қай ёқ] *айн. қаер.*

ҚАЁҚДА [асли қай ёқда] **1 айн. қаерда 1.** *У қаёқда? Ўрда қаёқда?*

2 Инкорни, акс ҳолат мавжудлигини билдиради. - *Энди тамом бўшатдиларми сени?* - *Бўшатиш қаёқда!* Қочдик. Ойбек, Танланган асарлар. *Камбағалга мактаб, ўқиш қаёқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Қиёслаш, таққослаш маъносини билдиради. *Бўта қаёқда-ю, Низомиддин қаёқда.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тракторист танқид қилганига санъаткор асти чидай олмас эди; трактор қаёқда-ю, масалан, «чорзарб» қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда!* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

ҚАЁҚДАГИ 1 [асли қай ёқдаги] *айн. қаердаги.* *Қаёқдаги уй яхши.*

2 Хаёлга келмаган, йўқ ердаги. *Қаёқдаги ўйни ўйлайсиз. Ултон бек бўлган бўлса, бунти-да.* «Ёдгор». *..қаёқдаги гапларни топиб, бошини оғрита бошлади.* «Гулласта».

ҚАЁҚДАДИР [асли қай ёқдадир] *айн. қаердадир.*

ҚАЁҚДАН [асли қай ёқдан] *айн. қаердан.* *Сен буни қаёқдан олдинг? Қаёқдан билмаган бўлиб чиқдинг?* ■ *-Ассалому алайкум!* - *деди раисга рўпара бўлиб. Раис товуш қаёқдан келганини билмай аланглади.* А. Қаҳҳор, Башорат.

ҚАЁҚДАНДИР [асли қай ёқдандир] *айн. қаердандир.*

ҚАЁҚҚА [асли қай ёққа] *айн. қаерга.* *Қаёққа қарасанг, қовун.* ■ *От кўчанинг айрилишига етиб, «энди қаёққа юрамыз», дегандек тўхтаган эди, эгаси яна «чуҳ», деб жавоб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЁҚҚАДИР [асли қай ёққадир] *айн. қаергадир.* *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЗИ Отнинг тўш ва пешноп гўшти; шундай гўштдан отнинг йўғон ичагига тикиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти. *Янги қазидир. Бир йиллик сур қазидир.* ■ *Ўн етти отнинг эти, мойи, қазиси дегандек, икки юз саксон пуд ораларида тош беради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қазидир пишади. Иккинчи қозонда қўй этидан шўрва қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЗИЛИ Қазидир солинган, қазидир солиб пиширилган. *Мен ўзимга тўқ, ҳар кун қазидир ош ейман.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАЗИЛМА 1 *геол.* Ер остидан қазиб олинган нарсалар (кўмир, нефть, руда ва ш.к.). *Фойдали қазилмалардан олинган минерал ўғитлар..* Газетадан.

2 *археол.* Ер остидан қолиб кетган ва қазиб топиладиган қадимий ёдгорликлар ёки уларнинг қолдиқлари; топилма, топилдиқ.

3 Қадимий ёдгорликларни ёки уларнинг қолдиқларини топиш ва текшириш юзасидан олиб бориладиган қазидир ишлари. *Қадимги Тошкент ўрнида археология қазилмалари ўтказилмоқда.* Газетадан.

ҚАЗИМОҚ 1 Ерни қовлаб, ўйиб, бирор нарсани тайёрламоқ. *Ариқ қазимоқ. Оқол қазимоқ. Қудуқ қазимоқ. Бировга чоқ қазисанг, ўзинг йиқиласанг.* Мақол. ■ *Заранг ерларни лўм билан уриб, шундай қазидир, ҳамма ҳайрон қолади.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. *Халқимиз катта-катта каналлар қазиб, дарёларни бўғди.* «Муштум».

2 Ерости бойликларини қовлаб чиқармоқ, олмоқ. *Қазидир қазимоқ. Руда қазимоқ.* ■ *Сиз дарров шу олтинларни қазиб олиб, кунингизга яратинг.* «Эртақлар».

ҚАЗИШ 1 Қазидир фл. ҳар. н. *Демак, ўрталик ҳали катта, кўп кунлар, балки ойлари қазидир тўғри келади.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

2 *айн. қазув.* *Эрта билан фотиҳа бера-сиз.. қазидир ишларини бошлаб юборамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАЗИШМА Ерости қазув ишлари. Сибирлик археологлар трасса бўйлаб қазиишмалар чоғида тош аср қуролларини ўргандилар. Газетадан.

ҚАЗМОҚ с. т. Қазимоқ, ковламоқ. Қазган билан туганмас кўмир.. Ҳ. Олимжон.

ҚАЗНА Дағал ипак, пилла чиқитидан ҳамда яроқсиз пиллалардан олинган паст сифатли ипак. ..қиш кунлари гўза чувиш, ип йиғириш, пилла қайнатиб қазна қилиш каби ишлар билан шуғулланар эди. Ҳ. Шамс, Душман.

ҚАЗНОҚ Омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра. Шу уй ёнида кичик, қоронғи бир зах қазноқ бўлиб, бу омбор эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Бу йилги ғалласи йиғирма пудга базўр етган эди. Уни қоплаб, қазноқда кўз қорачиғидай асраб ўтирганди. С. Сиёев, Аваз.

ҚАЗО [а. قضاء — ҳуқуқшунослик, суд ишлари; қозихона; ижро, ҳукм; тақдир, қисмат] Ўлим; вафот; ўлиш, вафот этиш; ўлим соати, ажал. Қазоси етди. Жон бор ерда қазо бор. Матал. ■ Куним битиб, қазо-йим яқинлашиб қолди шекилли.. Ойбек, Улуғ йўл. Зағчақўз.. Қамишқападаги ҳар бир воқеадан беҳабар қолмас, тўй ёки қазога дарров етиб келар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Худойга топширдим, Кумуш, қазом етиб, кўрولмай ўлсам, мендан рози бўл! А. Қодирий, Утган кунлар.

Қазо қилмоқ 1) ўлмоқ, вафот этмоқ. Ораддан икки йил ўтгач, онаси қазо қилди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) дин. вақтида ижро қилмай ўтказиб юбормоқ, вақтида бажармай, ижро қилмай қолдирмоқ. Элмурод биринчи кунни беш вақт намозни тугал ўқиди. Иккинчи кунни учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кимки танжоним соғ, умрим узок, кайфим чоғ бўлсин деса, намоз, рўзани қазо қилса қилсин, аммо чах-чахни қазо қилмасин. К. Яшин, Ҳамза. **Қазову қадар** [а. بالقضاء والقدر — тақдир тақозоси билан, тасодифан] Тақдир, қисмат. Жониворларнинг бир жойда муқим турганини камдан-кам одам кўрган: доимо типирчилаб юришади. Қазову қадар уларнинг гавдасиниям шунга муносиб яратган. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚАЗОЙИ [а. قضائي — қазога, тақдирга оид; ҳуқуқий]: қазойи муаллақ 1) муқаррар ўлим, ажал. Булар бахтига қазойи муаллақ

Баззоз ҳожининг бошига етиб, унинг бутун мол-мулки билан хотинини Мировилнинг қўйнига солиб қўйди. У. Исмоилов, Сайланма; 2) кўчма балохўр, ҳаромхўр. Домла поччангиз билан.. аълам, муфти, ҳоказо қазойи муаллақлар зўр бериб қўйруқ ғажийдилрлар. «Муштум».

ҚАЗУВ 1 Қазииш ишлари.

2 Хива хонлигида канал (ёп) ва ариқларни ҳар йили тозалаш таомили. Туркманлар қадим замонлардан бери қазувдан озод этилган эса-да, Исфандиёр уларни қазувга солди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАЗУВЧИ 1 Қазимоқ фл. сфлш. Ариқ қазувчи ёшлар..

2 Қазииш ишларини бажарувчи шахс, мутахассис. ..қишлоқнинг этагидаги, қазувчилар манзил қурган бу пастак тоғ.. Музлок тоғ деб аталарди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ҚАЗҒОҚ 1 Бошнинг сочли қисмида пайдо бўладиган майда қипиқлар. Қазғоқ бош териси қуриганда пайдо бўлиб, кўпинча соч тўкилишининг асосий белгиси ҳисобланади. Газетадан.

2 Ипак қурти, ёп бузоқ ва ш.к. нинг нишхўрт аралаш ахлати.

ҚАЙ сўр. олм. Қайси?; қандай? Қай вақтда ўқийсиз? Қай маҳалда келдингиз? Қай даражада? Қай аҳволда? ■ Бир ошно излайдир девона дилим, Қай тараф қарасам — туман, заюлат. Э. Шуқур, Ҳамал айвони. Бувим сўзлар хўрсиниб, Утмишидан ўксиниб: -Ут ўрдим, машоқ тердим, Қай иш дуч келса қилдим. Қ. Муҳаммадий. Тонгла маҳшарда қай юз билан сенга боқаман? Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙБИР 1 Баъзи, айрим. Қайбир кунларда? Қайбир кишилар. ■ Улардан қайбири фароғатда, қайбири эса азоб-уқубатда эканини чуқур тушунди. Газетадан.

2 Ҳар қандай, қайси бир. Бобом бир сўз десалар-чи, Сўз устидан чиқарканлар. Қайбир ишга қўл урсалар, Кечиктирмай қиларканлар. Қ. Муҳаммадий.

ҚАЙГА сўр. олм. с. т. Қаерга?, қаёққа? Қайга кетмоқдасан бунчалар шошиб? А. Орипов.

ҚАЙД [а. قيد — кишан; тугун; ўлчам, масофа; рўйхатга киритиш, ёзиб қўйиш] кт. 1 Таъкидлаш; таъкид. Иккинчи дафтарни қўлга оламан. Бу эса театр тарихининг қим-

матли хазинаси — унутилмас саналар, ноёб фикрлар, қайдлар, таклифлар жамламаси. А. Юнусов, Чинор ва ниҳол.

Қайд қилмоқ (ёки этмоқ) Таъкид билан айтмоқ, тилга олмоқ. *Сиз мени жаҳонгашта, деб тўғри қайд қилдингиз.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *..тарбиявий ишлар дуруст йўлга қўйилмаганлигидан аянчли аҳволлар содир бўлаётганлиги қайд қилиб ўтилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Академик Отабоев.. бу ёш олим ҳам тиришиб ишлаётганини қайд этган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ёзиш, ёзиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш; рўйхат. *Қайд дафтари.*

Қайд қилмоқ (ёки этмоқ) Ёзиб қўймоқ, акс эттирмоқ (маълумот сифатида). *Заррабинда ҳар хил ҳашарот, қурт-қумурсқа, илдишларни синчиклаб кўради, янги тutilган кундалигига қайд қилади.* С. Нуров, Нарвон. *-Кимнинг нима дарди борлиги дафтаримда қайд этилган, — деди врач.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚАЙДА сўр. оlm. с. т. 1 Қаерда?, қайси ерда?, қайси жойда?; қайси томонда? *Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар.* Мақол. ■ *Салим қайда? Чақиринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. қаёқда 2, 3. *..узоқ сафарга пул керак. Текин қимиз, эт қайда?* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамни уялтирманг, сиз айтган санъаткорлар қайда-ю, мен қайда?!* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАЙДАМ с. т. Билмадим, билмасам, қаердан билай. *-Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми? — деди Давлатёр. -Қайдам? Қамиш-кападанман, деб юрарди, ишқилиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАЙДАН сўр. оlm. с. т. 1 Қаердан?, қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси томондан?; кимдан? *Қайдан келдинг? Бу гапни қайдан эшитдинг? Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади.* Мақол. ■ *Йўлчи ишга разм солиб, қайдан бошлаш кераклигини ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаёқдан?, қай сабабдан?, қандай қилиб? *Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди! Танамга ўт тушиб, жоним туташди.* «Кўшиқлар».

ҚАЙИЛИШ 1 Қайилмоқ фл. ҳар. н.

2 Кўча, йўл, сув ва ш.к. нинг бурилиш жойи; муюлиш, қайрилиш, бурилиш. *У қа-*

йилишга етганда, орқасига бир қараб қўйди. *Дарёнинг қайилиш жойи.*

ҚАЙИЛМА кам қўлл. Қайилган жой, бурилиш жойи. *Эминжон, мана энди, қайилма атрофини кўриқлаб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЙИЛМОҚ с. т. Қайрилмоқ. *Мих қайилиб кетди.* *Йўловчи чап томонга қайилди.* ■ *Томдан сакрашда қайилиб, тўпниги ўйнаб кетган оёғи ҳадеганда тузала бермай, кейинчалик Бўришўжа чап оёғини терсроқ босадиган бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚАЙИН I «Ота», «она», «эгачи», «сингил» сўзлари олдидан келиб, шу сўзлар билан ифодаланган қариндошларнинг эр ёки хотинга қариндошлик муносабатини билдиради. *Куёвнинг қайин отаси.* *Келиннинг қайин онаси.* *Қайин оғам.* ■ *Улар менинг қайин иниларим, камбағал, уятчан кишилар, ўзлари келишдан уялиб, аризаларини мендан юбордилар.* С. Айний, Қуллар.

ҚАЙИН II Шимол томонда ўсадиган, тераксимон тик, пўсти оқ дарахт. *Қадрдон дублар, арчалар, қайинлар гамгинлик билан бош эгиб, орқада қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЙИН III: қайин анор Доналари тўқ қизил, ўртача нордон анор (асосан Фарғона водийсида бўлади). *Серсув қайин анорнинг шарбатлари энгагимдан тирқираб оқиб кетмоқда.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҚАЙИНБЎЙИН Эрнинг яқин қариндошлари (унинг хотинига нисбатан) ёки хотиннинг яқин қариндошлари (унинг эрига нисбатан).

ҚАЙИНЗОР Қайин дарахтлари билан банд ер, жой, майдон.

ҚАЙИР [a. قعير — чуқур, теран] Водий тубининг, дарё тармоқлари ва сунъий каналлар этаклари (қирғоқлари)нинг дарё тошганда сув босадиган жойлари; ерости суви юқори (юза) бўлган ерлар. *Зарафшон дарёси қайирида, яъни дарё суви босадиган ўтлоқ ерларда ҳам ботқоқликлар бор.* П. Фуломов, Зарафшон этакларида. *Ибтидоий суғориш деҳқончилиги билан бир қаторда қадимги хоразмликлар қайирларда.. деҳқончилик қилганлар.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бу — дарё ўртасидаги оролчами? Биз бу ерларни ўрта қайир деймиз.* Газетадан.

ҚАЙИР II шв. Қовун экиладиган бӯз ер.

ҚАЙИРМА I Қайириладиган, қайтариладиган; букиладиган; буклама. *Қайирма ничоқ.* ■ *Қайирма ёқа кўйлак устидан Ки-йиб олган янги чопонни.* Э. Раҳим, Янги қадам.

2 Этилган, букилган, қайрилган. *Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўткир темир ойдаида ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Тепки (милтиқ, тўппонча ва ш.к. да).

ҚАЙИРМОҚ I Букиб қаватламоқ, букиб қаватлаб қўймоқ, қайтармоқ. *Гилямни қайириб қўймоқ. Дастурхоннинг четини қайириб босмоқ.* ■ *Этиги лой бўлганидан, Йўлчи танчага ўтирмай, наमतнинг учини қайириб, пастроққа чўккалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Енглари шимарилган Комилжон, этагининг пешини қайириб олган Давронов энг олдинда борарди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Эгмоқ, букмоқ, эгиб, букиб қийшайтирмоқ. *Михни қайирмоқ. Дарахтнинг шохини қайирмоқ.* ■ *Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб муздади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Фуломжон кўрди-ю, шарпа ваҳимини ҳам унутиб, шохларни икки ёнга қайирди-да, орасидан суқилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Эгиб, букиб ёки буриб, бирор томонга қайтармоқ ёки синдирмоқ. *Кўлларини қайирмоқ.* ■ *Жўхорини амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб келтириб берди.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

4 Бурмоқ, буриб бирор томонга йўлламоқ, бошламоқ, янги изга солмоқ. [*Очил ака:*] -*Бу ҳазил гапми?* — *деди-да, бригадаси томон отининг бошини қайирди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. *Оқбўранинг ярмини эмас, тўртдан бирини қайириб келганимиздаям, қишлоғимиз — кўл, ўзимиз — ўрдак бўлардик-ку!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Кўчма Ёмон йўлдан қайтармоқ; ўз йўлига солмоқ. *Ҳой, калла.. Эр деганни хотин қайириб олиши керак. Ҳозир қайириб олмасанг, кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Баъзи бир амал эгаларининг оғзини мойлар, агар.. райондан чиққан бирортасини шундай сийлай олса, «Қайирдим, бу энди ўзимизнинг одам», деб кўп талтаяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Қайтариб олмоқ, олиб, ушлаб, чегириб қолмоқ. *Қарзимни қайириб қолди.* ■

Булар [қосиббаччалар].. чойга, нонга, ўтинга, туз-қалампирга ортиқча пул тўлаб кетар эдилар. Албатта, мен уларни ўз чўнтагимга қайириб қолар эдим. Ғ. Фулом, Шум бола.

Шохини қайирмоқ (ёки синдирмоқ) Бирор ёмон ниятдан воз кечишга мажбур қилмоқ; таъзирини, адабини бермоқ. [*Муттар:*] *Бир ялангоёқ Пўлатнинг шохини қайиролмаган йигит осмондаги юлдузга қўл чўзса, қизиқ бўлар экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Қайириб ташламоқ** 1) жеркиб, силтаб ташламоқ, қаттиқ ўшқириб, гапини бўлмоқ. -*Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ! Ёқма!* — *деди Фуломжон. Лекин қозини қайириб ташлади:* -*Оғзингни юм, бетавфиқ!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) баланд келиб, (бировнинг гапини, фикрини ва ш.к. ни) рад қилмоқ, беҳудага чиқармоқ. **Қанотини қайирмоқ** қ. қанот I.

ҚАЙИШ I I Пардозланмаган, яхши ишлов берилмаган хом чарм; паст навли чарм. [*Синоҳлар*] *Оқ қайишдан камар, сўлга қилич осилиб, ўнг томонига тўппонча қистирилган, ҳар қаторда тўрттадан отлиқ келмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Давидбой узун қайиш қамчисини ҳавога кўтариб, жиловни бўшатди, отлар олдинга интилиб, тарақ-туруқ билан йўртиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Турли мақсадлар учун ишлатиладиган узун чарм тасма (камар, тиркиш, боғич ва ш.к.). *Уктам этининг аскарча кунт билан тозалаб, қайишни бўшатиб, кўрпачага ўтирди.* Ойбек, О.в. шабадалар. -*Улар бир-бирларини қўллашади: ясовулбошини қозикалон, қозикалонни хон, — деди [Аваз] устарасини қайишга қайраб туриб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бадиа отининг олдига келиб, уни эркалади, эгар, жабдуқ уриб, қайишларини маҳкамлаб боғлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 айн. тасма 3. *Вентильатор қайиши.*

ҚАЙИШ II шв. Хамир овқатнинг бир тури: сувда пиширилган хамирни сузма ёки қатик билан аралаштириб ейилади.

ҚАЙИШМОҚ I айн. **майишмоқ.** Отнинг ингичка бели сал қайишиб, унинг устидаги чавандоз аста чайқалди. Ҳ. Фулом, Машғал. *Мингбошининг буйруғи, эрининг газабли ҳайқириғи билан қадди букилиб, оёқлари қайиша бошлаган Жўрахон бир неча*

зум ўзини йўқотиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бели қайишмоқ 1) айн. майишмоқ. Кўзларингиз хираланиб, белингиздан куч кетганда, елкангиз букчайиб, белингиз қайишганда, оғир ишга буюрганлари тўғрими, ахир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) бели толиб увушиб, қотиб қолмоқ. *Нигора.. эгарда энгашиб ўтирганидан қайишиб қолган белини энди ростлаган ҳам эдики, қаршидаги буталар орқасидан бир кўпнак отилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 3) кўчма меҳнат қилмоқ, тер тўкмоқ. *Ерни белингиз қайишиб топганингизда, жонингиз ачир эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Тоб ташламоқ, букилмоқ. *Тахта қайишиб қолибди.*

3 кўчма Бирор ишга бўй бермоқ, эгилмоқ. *Бас энди, ёта берма. Сал меҳнатга ҳам қайиш.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда. *..астасекин уй юмушларига қайишяпти бечора.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

4 кўчма Жон куйдирмоқ; бўлишмоқ. *Мансурқори ака камбағал оиладан бўлгани учун, албатта, ўз камбағалига қайишарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир хил қизлар бор, қийин аҳволга тушган йигитга кўпроқ қайишади.* П. Қодиров, Қадрим.

Қовурғаси қайишмоқ Ачинмоқ, куйинмоқ. *Синглим учун қовурғам Қайишади, ёр-ёр. «Оқ олма, қизил олма». Йигитсан, қовурғам сенга қайишади.. «Муродхон».*

ҚАЙИШҚОҚ Эгилувчан, эгилса ҳам синмайдиган; эластик. *Қайишқоқ металл. Қайишқоқ ёғоч.* ■ *..кичик ва ўрта ёшдаги мактаб болалари гавдасининг суяклари таркибида органик моддалар жуда кўп бўлади, шунинг учун ҳам қайишқоқ бўлади. «Фан ва турмуш».*

ҚАЙИҚ Дарё, кўл ва б. сув ҳавзалари учун мўлжалланган сузиш воситаси. *Эшакли қайиқ. Моторли қайиқ. Қайиқ ҳайдамоқ.* ■ *Мени дарёдан Умурзоқ ота деган чол қайиқда ўтказиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Қайиқлар кўприкка етар-етмас тўхтади. Талабалар қирғоққа чиқишди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАЙИҚСОЗ Қайиқ ясовчи уста.

ҚАЙИҚСОЗЛИК 1 Қайиқ ясаш иши, касби. *Қайиқсозлик қилмоқ.*

2 Халқ хўжалигининг қайиқ ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоғи. *Қайиқсозлик корхонаси.*

ҚАЙИҚЧИ 1 Қайиқни юргизувчи, бошқарувчи, қайиқ ҳайдовчи. *Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, қайиқчини чақирибди. Қайиқчи пул сўраса, полвон муштини кўрсатибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 айн. қайиқсоз.

ҚАЙЛА 1 Майда тўғралган гўшт ва сабзавотдан қовуриб тайёрланадиган, сўнгра тайёр овқат устига солинадиган қўшимча масаллиқ. *..пиёзлари қип-қизил қовурилган қайлалари мошкичиридан кўзга илинар-илимас ҳовур кўтарилади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 шв. Овқатга солиб пиширилган шاپалоқ-шاپалоқ ҳолдаги хамир, шундай хамирли таом. *Аммам боёқиш ёғли қайла қилди. Иштаҳа билан едим.* Ойбек, Болалик.

3 махс. Майда чарм резгилари билан сирачдан тайёрланган қуюқ, бўтқасимон қоришма (пойабзалдўзликда ишлатилади).

ҚАЙЛИҚ шв. Қаллиқ. *Қайлиқнинг қани? Ё сен ҳам паранжи ёпинтириб қўйдингми? П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚАЙМОҚ 1 Бир неча вақт турган, сақланган сут бетидан пайдо бўладиган ёки сутдан сепаратор ёрдамида ёки бошқа йўл билан ажратиб олинган қуюқ, ёғли маҳсулот. *Қуюқ қаймоқ. Яхши сутнинг қаймоғи сермой бўлади.* ■ *Сутдан қаймоқ, қатик, сариёғ тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Қаймоқ боғламоқ 1) бетидан қаймоқ қатлами ҳосил бўлмоқ; 2) кўчма бети қаймоқ каби парда билан қопланмоқ. *Сув қаймоқ боғлабди (яъни юпқа муз билан қопланибди). Мураббо қотиб, қаймоқ боғлабди. Қаймоқ чой* Қаймоқ солинган чой, қаймоқли чой. *Шодимат.. асалга аралаштирилган сариёғқа нонни ботириб, қаймоқ чой билан роса туширди.* А. Муҳиддин, Ошналар. **Қаймоқдек ёқли** Жуда маъқул тушди, жуда ёқди. *Унинг бу сўзлари менга қаймоқдек ёқди.*

2 кўчма Киши ёки нарсаларнинг энг яхши қисми, сараси, асиллари. *Йигитларнинг қаймоғи фронтда.. Лекин иш сустлашгани йўқ.* С. Зуннунова, Олов. *–Жуда соз, – қичқирди Ўсаржон. – Сўзнинг қаймоғи – танқид!* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 кўчма Бирор иш, нарса ва ш.к. нинг натижаси, ҳосили, хулласи. *Ернинг қаймоғи – меҳнат қилганники.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Қаймоғини олмоқ 1) сутнинг қаймоғини ажратмоқ; 2) кўчма натижасини ёки хулласини олмоқ. *Бир йиллик меҳнатимизнинг қаймоғини оладиган вақт келди.*

4 с.т. Сув бетига ялпоқ тош ёки бошқа нарсани отганда, унинг бир неча бор сув бетига тегиши, шу тегишдан ҳосил бўладиган ҳолат. *Нодир билан Музаффар пастроқда ким кўп «қаймоқ» қилиш уйнашарди. Нодир.. яссироқ тош олиб, сув оқимига қарата отар, тош эса сув юзиде сакрай-сакрай, беш-олти «қаймоқ» ҳосил қиларди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ҚАЙМОҚДОН Қаймоқ солинган, солинадиган идиш. *Беш тийинга ярим қаймоқдон қаймоқ, икки тийинга битта обинон олиб, бир чеккага чўнқайиб, қаймоқ ея бошладим. Ф. Фулом, Шум бола.*

ҚАЙМОҚЛАНМОҚ 1 Қаймоқ боғламоқ (сут ҳақида).

2 кам қўлл. Қаймоқ тегиб мойланмоқ.

Лаби (ёки оғзи) қаймоқланди Лабига қаймоқ тегди; қаймоқ еди. *Бойвуччанинг қизил лаби қаймоқлансин деб, Илк сахардан оқшомгача пода боқасан. Ф. Фулом.*

ҚАЙМОҚЛАШМОҚ с. т. 1 Куюқ суҳбатлашмоқ, гурунглашмоқ, куюқ суҳбат билан вақт ўтказмоқ. *Муроджоннинг буваси у билан қаймоқлашгани-қаймоқлашган. Н. Мақсудий, Умидли бола. Икки дўст то пешингача қаймоқлашиб ўтирдилар. С. Сийев, Аваз. ..Ўзи бир жонон билан қаймоқлашиб турарди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

2 кўчма Куюқлашмоқ; кучаймоқ; кўнгилли, ёқимли тус олмоқ. *Ўртада гап қаймоқлашиб, Иброҳимхўжанинг тузоғига Муҳаббатхон, Муҳаббатнинг тузоғига Иброҳимхўжа илинган экан. «Муштум». Тоштемурнинг Иван ака билан дўстлиги тағин ҳам қаймоқлашди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

ҚАЙМОҚЛИ Қаймоғи бор; қаймоқ солинган. *Қаймоқли нон.*

ҚАЙМОҚХҲҮР Қаймоқ ейишни яхши кўрадиган; қаймоқни кўп ейдиган. *Қаймоқхўр одам.*

ҚАЙМОҚХҲҮРЛИК Мириқиб, тўйиб қаймоқ ейиш, қаймоққа тўйиш. *Қаймоқхўрлик қилмоқ. ■ -Бахтимизга бобо фермада эканлар, юр, қаймоқхўрлик қиладиган бўлдиқ, — дедим Муродга. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.*

ҚАЙНАМА 1 Катта сой, дарё ва ш.к.нинг сув уюрмаланиб, қайнагандай варақлаб турадиган жойи; гирдоб. *Амударёда тош йўқ ҳисоб. Аммо гирдоб — қайнамалар жуда-жуда кўп. Газетадан.*

2 махс. Ариқ сувини йўл остидан ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти. [Сув] *Қайнама — бетон ҳовузчалар орқали ерости қувурларига қуйилиб, дала ёқалаб югура кетди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. Қайнама қуришда ёгин сувлари ҳам ҳисобга олинади. «ЎЗМЭ».*

ҚАЙНАМОҚ 1 Кучли иссиқдан кўпириб, буғланиб вақирлаб турмоқ. *Юз градус иссиқликда сув қайнайди. Қозонда шўрва қайнамоқда. ■ Бақирлаб қайнаётган дорини биров қошиқ билан шопириб турди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.*

2 кўчма Қайнаган ҳолатни билдирувчи товуш чиқармоқ (ичида сув, суюқлик бўлган идиш ҳақида). *Самовар қайнади. Тикилган қозон қайнамас. Мақол. ■ Печка устида учта котелок [қозонча] буғ бурқтириб, шақирлаб қайнарди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

3 кўчма Худди қайнаган кўринишли ҳолатда бўлмоқ; отилиб чиқмоқ (булоқ, дарё кабилар ҳақида). *Аммо дарё қайнар, кўпирар — Тўнка остин ялаб ўпирар. «Муштум». Қадимий чинор тагида чойхона, унинг ҳовлисида биллурдек тиниқ чашмалар қайнаб ётади. Газетадан. Қайнаб тошсин нефть булоқлари. Ё. Мирзо. ..уларнинг ҳозирги ҳолатини сезиб ётган Кумушнинг-да қайнаб чиққан кўз ёшлари икки чеккасидан ёстиққа оқиб туша бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Пишмоқ, пишиб ейишли ҳолга келмоқ. *Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Мақол. ■ Декчада сабзи-пиез ҳам мириқиб қайнади. Ҳ. Фулом, Машғал. [Пулдорларнинг] Қоринлари тўқ. Бола-чақалари роҳатда, уйларида қазм-қарта қайнайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

5 кўчма Ачимоқ, бижғимоқ, ачиб-бижғиб бижирламоқ; шу тариқа етилмоқ. *Бочкага босилган узум қайнай бошлади. ■ Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тириклик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

6 кўчма Кучли хатти-ҳаракатли, кўзгалган, тўлқинланган ҳолатда бўлмоқ (кўпчилик одамлар ҳақида). *Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди. Ойбек, Навоий. Кун совуқ, лекин бозор қайнарди. Ойбек, Улуғ йўл.*

7 кўчма Кучли, қизгин тус олмоқ. *Далаларда иш қайнайди: кимлар пахта теради, кимлар беда ўради, кимлар шудгор қилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уста Ҳазратқулнинг қурилиш майдончасида ҳам меҳнат қайнайди. Ш. Рашидов. Бўрондан кучли.*

8 кўчма Жаҳли, асаби кучли кўзгалмоқ. *Телефон дастасини қўпол ҳаракат билан, пешонасидан тер чиққунча айлантиради-да, жавоб оломай қайнаб кетади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

9 кўчма Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўзлар англлатган нарсанинг кучли, ортиқ даражада бўлишини билдиради. *Ичида қайнаган ҳислар булоғи қўлига қалам олдириди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мен унча мунчага бепарво қизлардан, деб юрсам, ичида шунақа фикрлар қайнаб ётган экан. П. Турсун. Ўқитувчи. Жапақнинг миясида саволлар қайнаб тошди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

10 кўчма Ниҳоятда исимоқ; «ёнмоқ». *Кун қайнаб кетган. Тўрт томонни ёндириб ётган саратон оловининг тафти чайла ичкарисига дам-бадам урилади. «Ёшлик».*

11 кўчма Кўп миқдорда текилиб кетмоқ. *Булоқда балиқ қайнаб ётибди. — Бу коридорда танаффус вақтида одам қайнайди. П. Қодиров, Уч илдиз. Ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Ичи қайнамоқ Диққати ошмоқ, асаби кўзгамоқ. *Қаршибой ота.. саломатлигини йўқотган онасига озор беришни истамаса ҳам, ичи қайнаб кетди. Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар.. Унинг ишига разм соларкан, ичи қайнаб кетгудай бўларди-да, жаҳли чиқиб: -Ё ҳайдаб юбораман, ё чаққон ишлашни ўргатиб қўяман, — дерди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шўри қайнади айн, шўри қуриди қ, шўр. -Яна камбағалларнинг шўри қайнайди денг.. — деди Йўлчи ғазабланиб. Ойбек, Танланган асарлар. Қони қайнамоқ 1) қони жўш урмоқ. Томирларда қони қай-*

наб, кўзларидан ўт чақнарди, мушак гўштлари нўлатдай қотиб кетган эди. Ш. Рашидов. Бўрондан кучли; 2) қаттиқ жаҳли чиқмоқ, тутақмоқ. Самандаровнинг қони қайнаб кетди: -Мундай гапирсангиз-чи. Забон борми!? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЙНАНА Қайин она (эрнинг онаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг онаси унинг эрига нисбатан). *Фотиҳа ўқилиб, куёв қайнанага узр айтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАЙНАТА Қайин ота (эрнинг отаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг отаси унинг эрига нисбатан). *Эри ва нодон қайнатасидан туҳматга қолганида, Жўраҳон уни [Ҳафизани] ҳимоя қилиб, судда бир соат гапирган. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Сидиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг «Сиз менинг ҳам куёвим, ҳам ўғлимсиз», деганини эслаб, кулиб кўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ҚАЙНАТМА I Қайнатиб, яъни қовурмасдан пиширилган, тайёрланган (асосан таом ҳақида). *Қайнатма шўрва.*

2 маҳс. Қайнатиб тайёрланган нарса, дори. *Қадимдан гулхайрининг қайнатмаси билан кўкйўтал, ўпка шамоллаши.. каби касалликлар даволанган. Газетадан.*

ҚАЙНАТМОҚ Қайнамоқ **1, 2, 4, 5, 8, 9** фл. орт. н. *Сув қайнатмоқ. Чой қайнатмоқ. Шўрва қайнатмоқ. Самовар қайнатмоқ. Қонини қайнатмоқ. — Назаровнинг муваффақиятлари унга тинчлик бермади, ғазабини қайнатарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ҚАЙНАҒА Қайин оға (эрнинг акаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг акаси унинг эрига нисбатан). *Ишқ завқидан чала маст бўлган Лаъли чўзиқ-чўзиқ хуррак тортаётган эрини алақачон унутиб юборганидек, қайнағасининг айвондан текилиб турганини ҳам сезмади. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ҚАЙНИ Қайин ини (эрнинг укаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг укаси унинг эрига нисбатан). *Эрталабки чойдан сўнг уста Олим ўзининг қайниси билан.. ипакка оҳор бериш ила овора эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАЙНОВ Қайнамоқ фл. ҳар. н. *Қайнови тиниб ётган қозон.*

Бир қайнови ичида (ёки кам) Ақли пастроқ, етишмайдиган; думбул.

ҚАЙНОҚ 1 Қайнаган, қайнаб турган; куйдирадиган даражада иссиқ. *Қайноқ сув. Қайноқ шўрва. Қайноқ чой.*

2 Ҳарорати баланд; ҳароратли, иссиқ. *Қизининг ҳасратини тушунган она унинг қалин сочларини, қайноқ пешонасини силай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шербекнинг қайноқ нафаси урилганиданми, Нигоранинг юзлари ловуллаб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.*

3 кўчма Жўш урган, авж олган; қизғин, жўшқин. *Қайноқ иш. Қайноқ меҳнат. Қайноқ жанг. ■ Тўғонбек.. қайноқ сиёсий курашларга.. боши билан шўнғиди. Ойбек, Навоий. Шу қайноқ вақтда чўққайиб, бир пивёй чойни юз қултум қилади. Ойбек, О. в. шабадалар.*

4 кўчма Кучли, кучайган, тўлиб-тошган, ошиб-тошган. *Қайноқ ғазаб. Қайноқ қасос ҳисси. ■ Ҳозир уларнинг дийдор кўришлари, биринчи марта бошларидан кечираётган қайноқ туйғулари.. ҳар қандай ўпичлардан кўра баландроқ, софроқ эди. П. Қодиров, Уч илди.*

5 кўчма Куч-ғайратга тўлган, куч-ғайрати тўлиб-тошган; оловли, ўтли, оташин. *Қайноқ ёшлик. Қайноқ юрак. ■ Бу қайноқ ёшлар.. Шодлик ёши, учрашув ёши. Иккимизнинг қалбимизни ҳам Қиздирарди зафар куёши. Уйғун.*

6 кўчма Одамлар билан тўлиб-тошган, одамлар ғужгон ўйнаган. *[Йўлчи] Икки қулоч арқонни белбоғ устидан бойлаб, ҳаммоллик қилиш учун бозорнинг энг қайноқ жойига борди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАЙНСИНГИЛ Қайин сингил (эрнинг синглиси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг синглиси унинг эрига нисбатан). *Улар [Нурининг келинойилари] шошиб-пишиб ўринларидан туришди-да, қайнсингилни қарши олиш учун ҳовлига тушишди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАЙНЭГАЧИ Қайин эгачи (эрнинг опаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг опаси унинг эрига нисбатан).

ҚАЙРАЛМОҚ 1 Қайрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Яхши қайралган пичоқ.*

2 Тобланмоқ, чиниқмоқ. *Меҳнатда қайралган йигит.*

ҚАЙРАМОҚ 1 Тош ёки бошқа нарсага ишқаб ўткирламоқ, чархлаб, ўткир, кескир қилмоқ. *Устарани қайрамоқ. Пичоқ қайра-*

моқ. ■ Этигининг кўнжидан пичоқ чиқариб, пивёланинг орқасига қайрай бошлади. Т. Алимов, Одамсиз уйлар.

2 кўчма Пешламоқ, ўткирлаштирамоқ. *Иродани қайрамоқ. Онгни қайрамоқ. ■ Кўпчилик уртасида гапира оласанми? Лабдаҳанни бир қайраб, ишга солгин бўлмаса, ука. П. Турсун, Ўқитувчи. А. Қодирий юқорида номлари саналган газета-журналларда фаол иштирок этиб, қаламини қайрайди. Газетадан.*

3 кўчма Бирор кимса, ташкилот, мамлакат ва ш.к. ни бошқасига қарши гиж-гижламоқ, тезламоқ, хезламоқ, оёқлантирамоқ. *[Сухсуров:] Идорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. Ҳаммани раисга қарши қайраб қўйиб, энди ётиғи билан гаплашмоқчимисиз?! «Муштум».*

Тишини қайрамоқ 1) ейиш-ичишга тайёрланмоқ, дам сақламоқ. *Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб берман. Атайлаб битта хумга чаросни босиб қўйдим! Ойбек, О.в. шабадалар;* 2) ўч олиш мақсадида ёки умуман ёмонлик қилиш ҳаракатида бўлмоқ, шунинг пайида бўлмоқ. *Душманлар писиб юрган бўлсалар ҳам, алам ичида тишларини қайраб юрибдилар. П. Турсун, Ўқитувчи;* 3) умуман, бирор нарса хатти-ҳаракатида, илинжида, истагида бўлмоқ. *Йигитларнинг сараси қўлга қайраган тишин. Р. Бобожон. Янги машинада мунча пахта терман деб, пул, орден, мукофотларга тишини қайраб юрганлар ундан кўп. С. Нуров, Нарвон;* 4) кам қўлл. ғазаб билан тишларини гижирлатмоқ. *Арслонқул тишини қайраб, Тўғонбекка ўқрайди-да, тез юриб кетди. Ойбек, Навоий.*

ҚАЙРАҒОЧ Ёғочи қаттиқ, шохлари тигиз жойлашган, барги майда ва тўқ рангли, қалин соя берадиган, сувсизликка чидамли дарахт. *Бир боғ жўҳорипоя аравага ўқ бўлмайти, лекин битта қайрағоч бўлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Қурғоқчиликка чидамли дарахтлардан яна бири майда баргли қайрағочдир. Ж. Абдуллахонов, Орият. Тут ёғочдай мевали онам, Қайрағочдай мевали онам.. «Оқ олма, қизил олма». Яқиндагина уст-бошини тузатиб, қорамтир кўк тусга кирган қайрағоч дарахтлари.. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ҚАЙРИЛИШ 1 Қайрилмоқ фл. ҳар. н.

2 Йўл, ариқ, дарё ва ш.к. нинг бурилиб, ўз йўналишини ўзгартирадиган жойи; қайрилиш, бурилиш. *Маҳаллага қайрилишда, гўё уни кутиб турган каби, элликбоши Олимхон учраб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Шарқдан узоқ йўл босиб келган поезд.. разъезд қайрилишига етганда.. тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

ҚАЙРИЛМА 1 Ёйсимон эгилган, ёйсимон эгилиб, қайрилиб турадиган. *Усмонжонни кўрган Адолат секин кўзини настга олди. Узун қайрилма киприklar соя ташлади. С. Зуннунова, Гулхан. Чакка сочларини кўнғир қилиб, пешонаси устига ярим ойдек қайрилма гажак тушириб юради. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

2 Қайриладиган, қайтариладиган, йнма. *Қайрилма сопи пичоқ.*

3 Қайтариб қўйиладиган, қайтарма. *Мирза Баҳром қайрилма ёқа жужунча камзулининг қўйин чўнтагидан кичкина дафтарча чиқариб, Тавҳидийга берди. А. Қаҳҳор. Миллатчилар.*

ҚАЙРИЛМОҚ 1 Қайирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Китобнинг варағи қайрилиб қолибди. Мих қайрилиб кетяпти. ■ Эҳе, машина лиқ тўла темир асбоб. Бир хили ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. [Саодат] Ҳосили кўплигидан шохи ерга қайрилиб тушган олма дарахтларига узоқ тикилди, нималарнидир уйлади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Булбули гўё эдим, синди қанотим қайрилиб, Не гуноҳим бор эди — қолдим онамдан айрилиб. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.*

2 Бурилмоқ, ўтирилмоқ. *Эркак тўнига яхшироқ ўранди-да, орқасига қайрилиб, уй томон йўл олди. Н. Аминов, Суварак. Қутидор ҳовлисига қайрилар экан, бек билан хайрлашди. А. Қодирий, Утган кунлар. Тозилар қайрилди келган йўлига, Офтобой эргашди тозиларига. «Рустамхон». Фуломжон тўхтаб, орқасига қайрилди. Мадаминхўжа етиб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Букилмоқ, букчаймоқ; мункаймоқ. *Бағри тош қайрилма қош менга насиб қилгаймикин, Ёки қаддим қошидек ҳажрида қайрилгаймикин. С. Аҳмад, Ҳукм.*

4 кўчма Эътибор бериб қарамоқ, парво қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ. *Қайрилма-*

ганга қайишма. Мақол. ■ Сен қайрилсанг мендай мунглиғ ҳолига, Билмайман кетдими Оқтош элига. «Рустамхон». Ким бизга қайрилди, Очлик, қаҳат тўрт томон. Миртемир. [Рокия:] Вой, юртда нима кўп, қиз кўп. [Турғун:] Кўп бўлган билан биронтаёси қайрилиб қарамаса. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Пихи қайрилган қ. пих 1. *Пихи қайрилган тафтишчилар ҳам бирон марта камомад тополмаганлар. Й. Шамшаров, Тошқин.*

ҚАЙРОҚ 1 Кесувчи асбобларнинг тигини ўткир қилиш учун ишлатиладиган, одатда, узунчоқ ва япалоқроқ силлиқ ёки махсус ишланган тош. *Тош туз туйиладиган ўғир ичидан узун қайроқни олиб, пичоқни қайрай бошлади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Касбим — сартарошлик. Битта қайроғу битта устара дастмоя.. Газетадан.*

2 Жисми садоланувчи урма чолғу; раққос(а)лар қўлда шиқирлатиб ўйнайдиган бир жуфт чўзинчоқ (қайроққа ўхшаш) тош. *Шермат билан Алишернинг ёғочоёқда туриб, қайроқ билан уфориға ўйнашини айтмайсизми?! М. Қодиров, Асака дорбозлари. Хоразм қайроқлари яна қайси халқ қўлида шундай жаранглаши мумкин? «Шарқ юлдузи».*

3 (3-ш. эгалик шаклида — қайроғи) кўчма Умуман, ўткирловчи, чархловчи нарса. *Китоб — ақл қайроғи. Қўлнинг кучи бирни енгса, билимнинг кучи мингни енгади. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

4 айн. қайроқи. *У қайроқ буғдой унидан ёғли патир, сомса ёнди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ҚАЙРОҚБОЗ Қайроқ шиқирлатиб ўйновчи раққос(а).

ҚАЙРОҚБОЗЛИК Қайроқ шиқирлатиб ўйнаш, қайроқ билан рақс тушиш

ҚАЙРОҚИ 1: қайроқи ер (ёки тупроқ) Тоғ этакларида тош қатлама устида пайдо бўлган, соз тупроқли, леҳқончилик учун яроқли ер. *Тоғлик районларда ва тоғ этакларидаги районларда, қайроқи ерларда богдорчилик, узумчиликни, полизчиликни ривожлантирамаиз. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. Қайроқи экин Шундай ерларга экиладиган экинлар.*

2 Шундай ерларда, Ўзбекистонда ва умуман Ўрта Осиёда етиштириладиган йирик буғдой нави. *Қайроқи буғдой. ■ Мана, Элгелди бовур, қизинг супрасига яратиб тур-*

син, қайроқи ун. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *кўчма с.т.* Юқори сифатли, ишлов берилган нарсаларга нисбатан қўлланади. *Катта тажрибаси, кенг билими.. халқ мақоллари ва маталларидан, қайроқи сўз ва ибораларидан моҳирлик билан фойдаланишига имкон бермоқда.* Газетадан. *Анави нақшинкор, қайроқи балқонларни айтмай-сизми! Гулпанжаралари ипакдан тўқилган каби.* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. *Иккала ҳамдарад, Пирзоданинг таъбирича, қайроқи қорадоридан данак миқдоридан отишиб, кейинидан чойхўрликка тутинишди.* «Шарқ юлдузи».

ҚАЙРОҚТОШ 1 айн. қайроқ 1. Ёрмат қизидан хурсанд бўлди. *Пичоқ, қайроқтошни ва гўшт-мой солиши учун тоғораларни тозалаб, тайёр қилишни буюрди.* Ойбек. Танланган асарлар.

2 Силлиқ ёки қайраб, чархлаб, махсус шакл берилган тош. *У гапирар экан, Петербург шаҳрининг майда қайроқ тошлар терилган кенг-кенг кўчалари.. кўз олдидан ўтарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚАЙСА Бутунлигича данаксиз қуритилган ўрик. *Қайса тайёрлаш учун яхши пишган ўрик, данаги билан 2-3 кун сўлитилгач, данаги мева банди ўрnidан сиқиб чиқарилади ва.. қуритилади.* «ЎзМЭ».

ҚАЙСАР [a. *قيصر* – подшоҳ < лот. *caesar* < *Caesar* – Рим императори Гай Юлий Цезар номидан] 1 *от* Рум подшоси; умуман, подшо, ҳоқон. *Жаҳоннинг фотиҳи Искандар, Рум қайсари, қотил Чингиз.* Ғ. Фулом. *Урушга кирганда – қоплон юрагинг, Қайсар сифат болам, қайдин бўласан?* «Рус-тамхон».

2 *сфт.* Тутган ерини кесадиған; ўжар, тихир, терс. *Қайсар бола.* ■ *Тура қолинг, энди жуда пайти, одам бунчалик қайсар бўлмайди.* *Узр сўранг, узр.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Қайсар Зухрага гап уқтириш қийинлигини билган Йўлдош юк халтасини елкасигина осди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

3 *кўчма* Киши иродасига бўйсунмайдиган; ўжар, асов. *Қайсар табиат.* ■ *Қайсар сув яна кўтарилса бошлади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Лекин фактлар қайсар нарса, уни хаспўшлаб бўлмайди.* А. Эшонов, Ҳ. Умаров, Одамларни ўйлаб.

ҚАЙСАРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Қайсарлик қилмоқ. *-Сиздақанги раисдан-чи тўққизтасини шу столда, ҳа, шу столда кўрдим, – деб Денисенко қайсарланди.* И. Ўктамов. Сирли қотиллик.

ҚАЙСАРЛИК Ўз билганидан, тутганидан қайтмаслик; ўжарлик. *-Нима десангиз дегн, ойижон, бари бир унга [Холдорга] тегмайман, – деди қайсарлик билан Малика.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

Қайсарлик қилмоқ Ўз билганида, тутганида туриб олмоқ, ўзганинг айтганига, йўлига юрмаслик. *Дастлабки кунлардаги сўроқлардан натижа чиқмади. Қобил қайсарлик қилиб, ўз сўзида туриб олди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Терговчи, гапи мўлжалга теканини сезди, энди бобо қайсарлик қилиш фойдасизлигини тушуниб, ҳамма гапни айтиб беради, деб кутган эди.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

ҚАЙСИ *сўр. олл.* 1 Бир неча киши ёки нарсадан биттасини аниқлаш учун берилдиган сўроқни ифодалайди. *Отабек гангиб, шошиб сўради: -Қайси қизига унашиб келдингиз? -Қутидорнинг ёлғиз қизига! – деди Ҳасанали.* А. Қодирий. *Ўтган кунлар. Қаймоқни бир ялаб, қайси шаҳарнинг қаймоғи эканини айта оласизми? Мен дарров айтаман.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун.

2 Киши ёки нарса белгиси, хусусияти, сифати ҳақидаги сўроқни ифодалайди: қандай, қанақа. *Иккинчи эҳтимол: Гулнорни олиб қочганлар. Жиноятчи чиркин қўллар бор! Улар ким? Қайси мақсад билан бу жиноятни бажарадилар? Бунга билмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Сен қайси йўлдан бошласанг, шу йўлдан юраман.*

Қайси бир гўм. олл. Кимлиги, қандай, қаерда ёки қачонлиги номаълум; аллақайси, аллақандай, аллақаерда(ғи). *Қайси бир кун.* *Қайси бир шаҳарда.* ■ *Қайси бир ковда чумчуқ болалари чиққилайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..беш-олти йил бурун қайси бир идоранинг извошини минар экан..* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Қайси кун** Бундан бир неча кун аввал; тунов кун. *Қайси кун Худойқулнинг янги кўйлак-иштонда қувончи ичига сиғмай юрганини кўриб, кўзларимдан ёш чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қайси кун отаси, «Иккинчи теримга туша-*

миз», дегандек бўлиб эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЙСИКИ 1 боғл. Бош гапдаги бирор отни (кўпинча эгани) аниқлаб келадиган эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Бешкапа қишлоғидаги бирдан-бир аёл, қайсики юз процент тушунмаган.. Тўфанисо Мелиева қишлоқнинг отидан норози бўлиб шундай деган эди. А. Қаҳҳор, Кўшчи-нор чироқлари.*

2 кам қўлл. айн. қайси 1. *Қайсики қишлоққа тушар отидин, Элни йиғиб, воқиф этар зотидин. Муқимий.*

ҚАЙТ |а. قىت – қусиш; қусуқ|: **қайт қилмоқ** с. т. Кўнгил айниб, еган-ичганини қайтариб ташламоқ; қусмоқ. *Пиёз ҳидиданми, оғзидан кўпик чиқа бошлади, сал ўтмай қайт қилиб юборди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Қиз ўпкаси оғзига келгандек, нафаси бўғилиб, қайт қилолмай тўлгана бошлади. А. Мухтор, Чинор.*

ҚАЙТА 1 Янгидан, бошқатдан, яна (аввал мавжуд бўлган ҳаракат, ҳолатнинг давоми, янгидан юз бериши маъносидан). *-Саодатхон эндигина ёнган зонтини қайта очди. С. Зуннунова, Янги директор. Муяссар қабристондаги бойўғлининг ваҳимали «хув-хув»лашидан уйғониб кетди-да, қайта ухлай олмади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Лолалар бир оз уринқираган, аммо вазадаги сув унга қайта ҳаёт бахш этган эди. «Гулдаста».*

2 Такрор ҳолда, такроран, яна. *Фафур Фулом билан бир кўришганимча, қайта учрашишга журъат қилолмай юрардим. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Темиржон кетишни ҳам, қайта кўнгироқ тугмасини босишни ҳам билмасди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

3 Анвалгисидан фарқли ҳолда, маълум ўзгаришлар билан; бошқатдан. *Навоий бу бинони қайта ишлатган: биринчи маротаба шарқ наққошлигига хос ранг-баранг нақшин гуллар билан безатган. Мирмуҳсин, Меъмор. Карниз фақат тўрт энлик чиқарилганлиги учун ёмғир-чочин девор сувоқларини ювиб кетади, деб томини қайта ёпар эмишимиз. «Муштум». Коридорлар.. фан кабинетлари юксак дид билан қайта жиҳозланди. Газетадан.*

4 (снқ. сонлар билан) Марта, карра. *Пулни икки қайта санамоқ. ■ У чоқларнинг лаззатини шунда яна бир қайта ялагандек,*

лаблари титради, юраги урди. Ойбек, Танланган асарлар. Отабек тўғрисидаги ташвиш боягидан ўн қайта ортган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 айн. қайтага. *Қайта бизниқига бора қолайлик. ■ Кутилган пайт келди. Лекин ёмғир ва шамол бўлгани қайта яхши бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи. Гапиринг, изза қилинг. Болалар мактабда ўқиб, қайта бевош бўлиб кетяпти. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

Қайта ишлаш 1) ишлаб, тузатиш, ўзгартишлар киритиш, шу мақсадда ишлов бериш. *Асарни қайта ишлаш. Мақолани қайта ишлаш. ■ Ўғирлиш ишида киностудиянинг монтаж, овоз, фильмини қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш; 2)* янги маҳсулот олиш мақсадидаги иш(лар)ни амалга ошириш. *Хомашёни қайта ишлаш. Нефтни қайта ишлаш. ■ Бир грамм соф радий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади. «Фан ва турмуш». Қайта қуриш 1)* маълум ўзгаришлар киритиб, қайтадан қуриш. *Бинони қайта қуриш; 2)* бирор системани янгилик асосида ўзгартиш, ўзгаришлар билан қайтадан тузиш. *Урта ва олий мактабларни қайта қуриш учун маълум вақт ва катта иш талаб қилинади. Газетадан.*

ҚАЙТАГА 1 Аксинча, билъакс. *Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чехраси очилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Мен сиздан ҳеч гинам йўқ. Қайтага бошогриқдан қутулдим. С. Нуров, Нарвон.*

2 Яхшииси, ундан кўра. *Бизники мана шу бурчакдаги эшик.. Қайтага буюн бизникида қолсангиз бўлмасми-а? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАЙТАДАН рөш. Янгидан, бошқатдан. *Қайтадан ёзмоқ. Қайтадан ишламоқ. Қайтадан тикламоқ. Қайтадан қурмоқ. ■ Мактуб унинг [Кумушининг] юрак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Терговни қайтадан бошлаймиз, қишлоқдан кетиб қолманг, — деди терговчи. С. Анорбоев, Оқсой. Бектемир чувалган пайтаясини ечиб, болдирларини ишқалаб, қайтадан аскарчасига ихчам ўради. Ойбек, Куёш қораймас.*

ҚАЙТАЙ(ИН) шв. Нима қилай, қандай қилай, қўлимдан нима келарди, иложим қанча. *Қайтай, хафа қилдим сендай қўзим-*

ни. «Рустамхон». Қайтайин, бошима бўлди қиёмат, Кеча-кундуз ишим оҳу надомат. «Равшан».

ҚАЙТАЛАБ айн. *марталаб*. Уч қайталаб кир ювди. Газетадан. Сиз билан отамга муддаомни неча қайталаб айтдим-ку.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙТАЛАМОҚ 1 Такрор айтмоқ ёки қилмоқ; такрорламоқ, қайтармоқ. - Уч кишига танҳо ўзи? — қутидор ишонмаган эди. - Азаматнинг ёлғиз ўзи, — деб уста Олим илгариги сўзини қайталади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Такрорланмоқ, қайта содир бўлмоқ. Касали яна қайталади. Қайталайдиган касаллик.

ҚАЙТАЛАНМОҚ айн. *қайталамоқ 2*. Қайталанадиган терлама. Касалликнинг қайталаши.

ҚАЙТАМАН шв. Қандай қиламан, нима қиламан. Так-так-а ҳо-ҳо, ўзбекни(нг) оти, йиқилиб тушсам, қайтаман. «Эртаклар».

ҚАЙТАНГА с. т. Қайтага. Жанжал камаймади. Қайтанга кўпайди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ҚАЙТАРГИЧ махс. Ўзига келиб урилган тўлқин, нур ва ш.к. ни қайтарувчи ёки зарарсизлантирувчи асбоб. Нур қайтаргич. Овоз қайтаргич. Яшин қайтаргич.

ҚАЙТАРИШ 1 Қайтармоқ фл. ҳар. н. Саволга жавоб қайтариш. Молни эгасига қайтариш.

2 Қайтариқ, такрор. Тўртинчи кўринишда ортиқча қайтаришлар бўлмади. С. Кароматов, Ҳижрон.

ҚАЙТАРИҚ 1 Такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап ва ш.к. Бундан ташқари, спектаклда қайтариқлар ҳам кўзга ташланади. Газетадан. Ҳар қалай, қуруқ мақтовлар, қайтариқлар ўрни.. ҳаётий шеърлар олмоқда. Миртемир, Тоғдай таянчим.

2 Қайтариш, такрорлаш, такрор. Дарсни қанча қайтариқ қилсанг, шунча пухта ўзлашади.

3 кам қўл. айн. *қайтим*. Пул тўлаб, қайтариғини олмоқ.

4 Эски эътиқодга кўра, касаллик, фалокат ва ш.к. ни даф қилиш, иситилган кишидан совитиш ва ш.к. мақсадларда дуо ўқиш, дам солиш ва шундай дуо ўқиб дам солинган нарса. Қаердан бўлса ҳам, ўша ҳиндини топсан ва назрини бериб, яхшилаб

қайтариқ қилдирасан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошимиздан бало-қазоларни қайтариқ қилиб ҳайдаман. К. Яшин, Ҳамза.

ҚАЙТАРМА 1 Қайтариб, қайриб, буқлаб қўйиладиган, қайирма. У [Аваз] уйига етиб бориб, чироқни ёқди, қайтарма ёқа камзулини ечди. Ж. Шарипов, Хоразм. Тилма зовурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сакраб ўтган Алижон қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 шв. айн. *қайтариқ 4*. Азайимхонларга юборинг, тумор қилдириб тақсин, дами ўтқирларга юборинг, дам солдирсин, қайтарма қилдириб ичсин, сиз ҳам ичинг. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Канизак Сидиқжонни] Ўзига иситиб олган. Эсизгина, буни билганимда, ўша ердан қайтарма қилдириб келар эканман. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Аёлларнинг билгани — ирим, билгани — қайтарма, билгани — азайимхон. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Халқ куйларидан бирининг номи.

4 с.т. Пул муомаласида унинг маълум қисмини ўзига (ўғринча) уриб қолиш. Кассир Давронов ишчиларга маош бераётган вақтида.. ўнталиқдан бир-иккитасини қайтарма қилиб, тишининг оқини кўрсатиб қўяди. «Муштум».

ҚАЙТАРМОҚ 1 Қайтмоқ фл. орт. н. Коптокни тепиб, орқага қайтармоқ. Подани изига қайтармоқ. Тракторни ўннга қайтармоқ. Аслига қайтармоқ. Ҳаётга қайтармоқ. Хатга жавоб қайтармоқ. Тешанинг юзини қайтарадиган ёғоч. Нур қайтарадиган ойна. Яхшиликка яхшилик қайтармоқ. ■ Гулнор боғда ишлашга югурар экан, Гулсумбиби қайтарди. Ойбек, Танланган асарлар. [Ўзбек ойим:] Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормай, аравани бўш қайтардим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хафа бўлма. Онани қайтариб бўлмайди.. Синглингни қидириб топамиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Олинган нарсани жойига қўймоқ ёки эгасига келтириб бермоқ, юбормоқ. Қарзни қайтармоқ. Китобни кутубхонага қайтармоқ. Ишлатилган асбобларни жой-жойига қайтариб қўймоқ. ■ Тўлаган аканинг аризасини, оти билан сигирини қайтариб бериш — эртага яна бир неча ариза тушувига

йўл очиб демакдир. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Салтонбу ичилмаган сувни кўрага қайтариб тўкди-ю, шошиб келиб, ун ёнига чўнқайди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

Чойни қайтармоқ Чойни бир неча бор пиёлага, ундан яна чойнакка қуймоқ. *Тозагул чойни пиёлада шопириб қайтара бошладди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Такрор қилмоқ, такрор этмоқ, такрорламоқ. Саволни қайтармоқ. Хатони қайтармоқ. Дарсни қайтармоқ. Хатни қайтариб ўқимоқ. ■ [Ашулани] *Иккинчи қайтариб айтишда унга Хонимбиби қўшилишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Раис Низомиддиновга танбех қилди: -Гапирилган гапларни қайтарманг-да, ҳатто ўзингиз айтган гапларни такрорлаётирсиз! Конкрет фактларга ўтинг.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

4 Букмоқ, қайирмоқ. Этакни қайтармоқ. Ёқани қайтармоқ. Дастурхоннинг четини қайтариб тикмоқ. ■ *Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача қайтарган ва учини бир қўли билан ияги остидан ушлаган, бировни кутган вазиятда турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 Кимсани бирор номақбул ёки ноҳўя ишдан, хатти-ҳаракатдан тийилишга ундамоқ, тиймоқ. Ичкиликдан қайтармоқ. Чекишдан қайтармоқ. ■ *Менга шунча яхшилик қилдингиз.. янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Даф қилмоқ, йўқ қилмоқ, йўққа чиқармоқ. Ҳужумни қайтармоқ. Бирлашган ёвни қайтарар. Мақол. ■ *Батальон шу кунни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

7 этн. Қайтариқ қилмоқ, қайтариқ қилиб даф этмоқ, йўқ қилмоқ. *Марғилонликнинг домласи жужуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас. Ҳиндиларнинг ҳам ҳанноси, бас, ҳанноснинг сеҳрини на мусулмон домласи қайтарсин-у, на жужуд.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Рад этмоқ, йўқ демоқ, қабул қилмаслик. Раёини қайтармоқ. Илтимосини қайтармоқ. ■ *Ақлли, номусли қиз ўз дадасининг гапини ҳеч вақт қайтармайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дадамга менинг арзимни айтсангиз, албатта, қайтармас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гап қайтармоқ Айтганини қилишдан, бажаришдан бўйин товлаб айтишмоқ, баҳслашмоқ, тортишмоқ. [Ақбархўжа:] *Агар боланинг руҳи синса, шунақа бетгачонар, каттага сўз қайтарадиган қайсар бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўлни қайтармоқ** Бирор нарса узатган, тутган кишининг қўлидан узатилган, тутилган нарсани олмаслик. *Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди, қўлимни қайтарманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Қусмоқ, қайт қилмоқ. Урнимдан турсам, бошим айланади, овқат есам, қайтариб ташлайман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

Кавш қайтармоқ қ. кавш. Тутун қайтармоқ қ. тутун. Шахтини (ёки шаштини) қайтармоқ 1) астойдил киришилган иш-ҳаракатдан қайтармоқ, ҳафсаласини пир қилмоқ, кўнглини совитмоқ. [Умурзоқ:] *Майли, болакайларнинг шахтини қайтарма, ҳарна ёрдам беришгани.* «Ҳайт» деган туяга мадор. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) ғазабдан туширмоқ, мулозим, ювош қилиб қўймоқ. *Тантибойвачча Йўлчининг шахтини қайтариш ва ўзига муте қилиб олиш ниятида унга пул узатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙТАРУВЧИ 1 Қайтармоқ фл. сфдш. *Йўлчи [йўлдан] қайтарувчи кишига кўзини ёмон олайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 махс. Аслига келтирувчи, тикловчи нарса, модда. *Қайтарилиш реакциясига ёрдам берадиган моддалар қайтарувчилар деб аталади.* «Кимё» дарслиги.

ҚАЙТАСАН шв. Нима қиласан, қандай қиласан, қўлингдан нима келади, на чора. *Томирингни мақтама, ёмон чиқса қайтасан?* Мақол.

ҚАЙТИБ 1 Қайтмоқ фл. рвдш. *Изига қайтиб, кабинетига кирди.*

2 Бошқа, қайта, яна. *Низомжон сувга қайтиб тушмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хоннинг ишораси билан олқишлар тинди, ҳамма жойига қайтиб ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб ҳандалакка қўл урмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЙТИМ Тўловдан ортган ва эгасига қайтариб бериладиган пул. *Бир аёл шошилиб, газ сув ичди-да, қайтимига сотувчидан икки тийинлик чақа беришни сўради.* Газетадан.

ҚАЙТИШ 1 Қайтмоқ фл. ҳар н. *Қудаларнинг қайтиши чинга айлангандан кейин,*

йўл тараддуди бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Куннинг қайтиши ҳамон молларни ёйишин. С. Анорбоев, Оқсой.

2 шв. Ўлиш, вафот қилиш; ўлим. -Яна кимдир қайтиш қилибди-да, - деди мол қадоқ қўлларини жуфтлиб, юзига фотиҳа тортаркан. Газетадан.

ҚАЙТМАС 1 **Қайтмоқ** фл. бўлишсиз сфдш. Йигит сўзидан қайтмас, йўлбарс - узидан. Мақол.

2 Ҳайқмайдиған, кўркмайдиған; ботир.

ҚАЙТМОҚ 1 Келган ёки келаётган томонига йўналмоқ, юрмоқ; айланиб дастлабки ерига келмоқ. *Орқасига қайтмоқ. Саёҳатдан қайтиб келмоқ. Изига қайтиб кетмоқ. Автобус шу ердан қайтади.* ■ У [Сидиқжон] уйга хийла таъби очилиб қайтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 кўчма Яна олдин бўлган ишга, айтилган гап, фикр ва ш.к. га келмоқ. *Лирик чекиншидан кейин асосий мавзуга қайтмоқ.* ■ ..ажойиб замондошимизнинг достони узун. Вақти билан унга яна қайтармиз. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Аввалги ҳолати, даражаси ва ш.к. га келмоқ, уни эгалламоқ. *Мана, йиқилдим, деб ит азобини кўрган мингбоши мана эндигина аслига қайтиб, эркин нафас олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 махс. Тўсиққа урилиб, йўналишини ўзгартирмоқ. *Оқ сиртдан нур яхши қайтади.*

5 кўчма Воз кечмоқ, тарк этмоқ, чекинмоқ. *Фикридан қайтмоқ. Сўзидан қайтмоқ. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт!* Мақол. ■ Уни, худодан қайтган, деб таёқ билан саваладилар. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

6 (асосан бўлишсиз шаклда) Ўзини тиймоқ; тийинмоқ. *У ҳеч нарсадан қайтмайди. Сен учун ўлимдан ҳам қайтмайман.* ■ Ҳомид бу тўхматдан ҳам қайтмас ва ўз тўхматини маҳкама олдиде мантикий равишда исбот ҳам қила олур эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..улардан пул ундириб олиш, бензинни талон-торож қилишдан ҳам қайтмайди. Газетадан.

7 Даражаси, кучи пасайиш, сўниш томонга йўналмоқ. *Беморнинг иситмаси қайтди. Совуқ қайтди. Бозор қайтди. Ундан ихлосим қайтди.* ■ Кеч кириб, қуёшнинг тапти қайтганда, вагон-ремонт заводининг ёшлари.. «сахна» ясадилар. А. Мухтор, Опа-

сингиллар. *Низомиддиновнинг титроги қайтгандек бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Ёши қайтмоқ Ҳаёти кексалик томон юз тутмоқ *Ёши қайтиб, соқолига оқ оралаган бўлса-да, йигитлардек бақувват эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

8 Қабул қилинмай, ўтмай ёки ортиб қолиб қайтарилмоқ, қайтариб берилмоқ ёки қайтариб юборилмоқ. *Мол бозордан қайтди. Пул ортиб, юз сўми қайтиб келди. Ун сўмдан уч сўм қайтди.* ■ *Бўлмаса, бу ёққа ола қолинг, қайтган мол ўзимизга тан!* «Ёшлик».

9 Эвази тегмоқ, эвази эгасига келмоқ. *Боланг туфайли ҳар қанча огирчилик бўлса, устинга ол. Бу қарз болангдан қайтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу яхшиликларингиз биздан бўлмаса, худодан қайтсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Тўтмоқ, ўтмас бўлиб қолмоқ (нарсаларнинг учи ёки тиги ҳақида). *Пичоқнинг юзи қайтибди.*

11 кам қўлл. Бурилмоқ, қайрилмоқ. *Ана шу йўл билан тўғри бориб, чапга қайтасиз.* «Гулдаста».

12 с.т. Кексалик ҳолатида бўлмоқ, шу ҳолатда (ёшда) ўзини бардам тутмоқ. *Баъзи одамлар кексайганда яхши қайтади.* ■ *Кексайганда Акбар акадек қайтиш бошқаларга ҳам насиб бўлса эди.* Й. Шамшаров, ўурумсаройликлар.

13 шв. Ўлмоқ, вафот қилмоқ.

ҚАЙТОҚ(И) кам қўлл. Қайтарилиб турадиган, қайтарилган; қайтарма, қайтарилма. *Бодом гули оқ экан, Барглари қайтоқ экан. Наврўз насими билан Чиройли порлоқ экан.* Т. Тўла. *Тўламат мўйловини силаб, жияғи қайтоқи дўппини чеккасига қўндириб, қўш белбоғини суриб, чопонининг карнайнусха узун енгини силтаб ташлаб, даврага тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Дўпписи қайтоқи айн. дўпписи яримта қ. дўппи. ..дом дўпписи қайтоқи, чеккасида холи бор. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚАЙЧИ Юпқа нарсаларни, мато, қоғоз ва ш.к. ни кесиш учун ишлатиладиган, ўрта еридан бир-бирига винт билан бириктирилган икки тигдан иборат дастали асбоб. *Ўтқир қайчи. Ток қайчи.* ■ *Кампирнинг қўлидаги конвертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини кесди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қайчи билан чимдиб қирқилган*

мўйлови тагига яширинган лаблари пичирлар..
С. Анорбоев, Оқсой.

Қайчи куда *айн. қарши куда қ. қарши.*

ҚАЙЧИБАРГ Қайчисимон керилган узун-узун учли барг (мас., баъзи ғўзаларнинг ёки чинорнинг барги). Соғлом ғўзанинг.. барги қорайиб, қайчибарг бўлиб қолади. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ҚАЙЧИЛАМОҚ Қайчи билан кесмоқ, қайчи билан кесиб ишлов бермоқ, тузатмоқ. Гулларни қайчиламоқ. ■ Уста яна банд. Бир мўйсафид кишининг мўйловини қайчилаб қўймоқда эди. Ғ. Фулом, Шум бола. Сочимни қайчилаб ташладим-да, чўлиқ бола бўлиб кийиниб бордим.. А. Мухтор, Чинор.

ҚАЙҚАЙМОҚ *шв. Қаққаймоқ.* Бу ёлғиз маконда сенга нима бор, телпагинг қайқаймай ўлеур қаландар. «Муродхон».

ҚАЙҚИ *шв. Қайилган,* эгрибугри. Қайқи ўроқ. ■ Қултой Алпомишни кўриб, кўнглини хушлаб, йилқи боқадиған қайқи таёғини ушлаб.. бир сўз айтиб турган экан. «Алпомиш».

ҚАЙҒУ I Бошга тушган руҳий азоб; ғам, мусибат. Оғир қайғу. Чуқур қайғу. Қайғу тортмоқ. ■ Жўраҳоннинг нобуд бўлиши юрт қайғусига айланди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Тўғри, |Шоҳиста| баъзи вақтларда нималарнидир ўйлаб, бир оз маъюсланар.. аммо бунчалик қайғуга ботмасди. М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. Ҳасратли хужрамда қайғудан бўлак ҳамма кетиб бўлди бирма-бир.. Э. Шукур, Ҳамал айвони.

2 Кўзланган мақсад йўлидаги безовталик хатти-ҳаракати, ўй-фикр; ташвиш, ғам. Эчкига — жон қайғуси, қассобга — мой қайғуси. Мақол. ■ Йигитлар ўз истиқболлари қайғусида янги бино, янги рўзгор тугайдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАЙҒУДОШ Кимсанинг қайғусига шерик бўладиган киши, ҳамдард; дард-каш. Унга [Унсинга] дардларини ўртоқлашувчи сирдош — қайғудош бўлмоқчи бўлиб, ҳол-аҳволини сўради. Мирмуҳсин, Созанда. Азангда қайғудош, тўйингда ўртоқ. Т. Тўла.

ҚАЙҒУЛАНМОҚ кам қўлл. *айн. қайғурмоқ.* Қўқонга боргач, биринчи ишим ўглингизни қутқазиб бўлсин, жойсиз қайғуланмангиз, ҳожми! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙҒУЛИ I Қайғу-алам чекаётган. Қайғули киши. ■ Унсин севикли ва қайғули ягона дўсти.. бўлган акасини кучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қайғу-аламга эга; қайғуга соладиган; мусибатли, аламли; ғамгин, маъюс. Қайғули кунлар. ■ Нега қайғули кўринасан, Офтоб? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бугунги қайғули ҳодиса уни бу уйга эртaroқ келтириб қўйди. Ҳ. Фулом, Машъал. Санъаткорни яқиндан билган ёки томошаларини кўрган киши бу қайғули хабарга асло ишонгиси келмасди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚАЙҒУРМОҚ I Қайғу-алам чекмоқ; куймоқ. Қайғурманг, опаажон. Қора кунлар ўтар, ёруғликка чиқармиз. Ойбек, Танланган асарлар. Қаҳрамон қизнинг фожиали ўлимини эшитганлар ҳаммаси қайғуриб йиғладилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор кимса, нарса, иш ва ш.к. ҳақида ўйламоқ, унинг хатти-ҳаракати, ташвишида бўлмоқ. Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силади, ювиб таради ва Анварнинг истиқболи учун қайғурди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мўл-кўл ем-хашак — кўп гўшт, сун, ёғ демакдир. Шунга кўра молларнинг қишқи озуқаси ҳақида ҳозирдан қайғурайлик. Газетадан.

ҚАЙҒУСИЗ I Қайғу-аламдан холи, тинч, хотиржам, осуда. Қайғусиз ҳаёт.

2 Ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ, ҳеч нарсани ўйламайдиган; беғам, беташвиш. Қайғусиз одам.

ҚАЛА *шв. Шаҳар, қалъа.*

ҚАЛАЙ I *сўр. олм. с. т. I* Қандай?, қанақа? Бола қалай экан? Оёқ-қўли чаққонми? П. Турсун, Ўқитувчи. Бу ерда ҳайрон бўлиб тургандан кўра гузарга борсанг, қалай бўларкин? М. Исмоилий, Фаргона т. о.

Қалайсан ёки қалайсиз? 1) аҳволинг (аҳволингиз) қандай?, яхшимисан (яхшимисиз)?; 2) кест. хўш, энди аҳволинг (аҳволингиз) нима бўлди?; ҳорма(нг) энди! Энди қалайсан, қўлга тушдинг-ку.

2 Сўроқ гап олдидан кириш сўз вазифасида ишлатилади. Қалай, нонвойликдан бир нима ортадимми? Ойбек, Танланган асарлар. Қалай, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдимми? П. Турсун Ўқитувчи.

ҚАЛАЙ II |*а. قلى , قلى — эритиб ажратиб олиш; қалай ёки قلى . قلى — ишқор*| I

Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент; болғалаганда тез яссиланадиган, юмшоқ, кумушсимон оқ рангли металл. *Соф қалай. Қалай қотишмаси.*

2 Идишларнинг бетини қоплаш, оқартириш учун югуртирилган шундай металл қатлами. *Қалайи кўчган идиш.*

ҚАЛАЙИ эск. айн. қалай. Буларнинг 24 таси калий, кальций, рубидий, қалайи каби элементларнинг узоқ яшовчи радиоизотопларидир. «Фан ва турмуш».

ҚАЛАЙЛАМОҚ 1 айн. кавшарламоқ. Самоварнинг тешигини қалайламоқ.

2 Қалай югуртирмоқ, қалай билан қоплаб оқартирмоқ. *Идишларни қалайламоқ.*

ҚАЛАЙЛИ Таркибида қалай бўлган. *Қалайли баббит.*

ҚАЛАМ [а. قلم — қамиш перо; услуб; хат, дастхат] 1 Ўртасига ингичка, узун графит жойланган чўп шаклидаги, хат ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган ёзув, чизув асбоби. *Қора қалам. Рангли қаламлар.* ■ *Чернецов кўк ва қизил қаламлар билан безаб ташланган харитага қаради.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

Мўй қалам ёки қалами мўй қ. мўйқалам. **Тош қалам** айн. грифель.

2 Пероси ўзидан чиқарилган ручка. *Савағич қалам.* ■ *Кейин бир парча қоғоз олиб, қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу иккиси қоғозга михлангандек гап-сўзсиз қаламни қир-қирр қоғоз устида юритиб турар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

Пўлат қалам эск. айн. перо.

3 Умуман, ёзиш, ижод қилиш қуроли. *У кўлимга тутқазиб қалам, Кўзларимдан олди уйқуни.* Э. Воҳидов. *Усмон Носир ўтган йўлларида чаман унган, қалами Пушкин, Лермонтовларни ўзбек тилида гапиртирган.* Газетадан.

4 *кўча* Ёзма асар ижод этиш; ёзма ижод, ижод. *Яхши йигит, сизнинг қалам кучингиз жуда ҳам зўр экан-ку.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Унинг қаламига мансуб шеърый асарлар.. таъсирчанлиги билан кишини ўзига мафтун этади.* Газетадан.

Қалам учи (ёки ҳақи) Ёзилган нарса учун бериладиган ҳақ; гонорар. *Дуо қилиб, қалам учисига бўзни узатдим — олмайди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Бир ой ўтгач, га-*

зетада босилган илк ҳикоясига қалам ҳақи келди. «Ёшлик». **Қалам юргизмоқ** (ёки тебратмоқ, сурмоқ) 1) ёзмоқ, хат машқ қилмоқ. *Уларнинг зеҳни ўтқирроқлари ҳозир бемалол хат манийдиган, қалам юргизадиган бўлиб қолишди.* Х. Фулом, Машғал; 2) адабий асар ёзмоқ, ижод этмоқ. *У шеърнинг турли навларида қалам юритади.* Ойбек, Навоий. *Маъруф Назаров.. қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. **Қалами ўткир** Ижод, ёзиш қобилияти даражаси юқори. *Фазлиддин эса, қалами ўткир журналист эди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Аҳмаднинг бўлимга кўп фойдаси тегиши мумкин, қобилияти бола, қалами ўткир.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Қаламга олмоқ** Бирор асар, мақола ва ш.к. ни ёзишга киришмоқ; ёзмоқ. *Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам, ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб кетишга мажбурман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..вафодорликни улуғлаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик.* Газетадан. **Қулрат қалами** Худо томонидан битилган, белгиланган. *Ҳар банда қудрат қалами билан ёзилганни кўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қошни қора қилиш учун суртиладиган қора модда ва уни қошга суртиш учун ишлатиладиган чўпсимон асбоб. *Сени ҳарамда яхшилаб ясантираман, қошларингга қалам, кўзларингга сурма тортаман.* Мирмуҳсин, Чўри.

6 махс. Тош, тахта каби қаттиқ жисмларни ўйиш, кесиш ва гул солиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Ҳайкалтарош қалами.*

7 шв. Тилим, тилик. *Бир қалам гўшт.*

Қалам қош 1) унча эгилмаган қоп-қора чиройли қош. *Тўғри, қалам қошга ўсма кўйилса бузармиш.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) шундай қошли киши. *Кўп йигит айрилди қалам қошидан.* Файратий. **Қоши қалам айн. қалам қош** 2. *Бирдан қоши қаламим Пайдо бўлди ниҳоят.* Ё. Мирзо.

ҚАЛАМА Қалаб, устма-уст териб ясалган. *Тошлоқ йўл овулни четлаб ўтади.* Йўлнинг ўнг томонида пастак қалама тошдевор чўзилиб кетган. Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Болохона деганлари дарвозахонанинг устига қурилган, сал қийшайиброқ турган*

қалама бир хонали уй экан. И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚАЛАМДОН [а. + ф. قلمدان — қалам ва ш.к. ёзиш қуроллари сақланадиган идиш] Ичига қалам, ручка солиб қўйиладиган қутича. [Акрам] Қаламдондан йўғон қизил қаламни қўлига олиб айлантирди-да, жойига солиб қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛАМДОШ Бирор соҳада ёзма асар ёзувчиларнинг бири (бошқасига нисбатан) ёки умуман, ёзувчи ва шоирлар (бир-бирига нисбатан). Мен ўз қаламдошларимга мурожаат қилмоқчиман.. Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

ҚАЛАМИ I [а. + ф. قلمى — қаламга алоқадор; қаламга ўхшаш; қаламда бажарилган] Қўлда тўқилган, таги оқ йўл-йўл гулли ип мато. Бир қўйлақлик қалами. ■ Оёғига кўн этик, эғнига чий алакдан яқтак тўн, қалами иштон берди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Қалами дўкон Қалами тўқиладиган дўкон, дастоҳ. *Норматпаранг ўзи косиб, лекин уни қалами дўкондан эмас, кўкноридан бойи-ган дейишади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАЛАМИ II Сопол буюмларга қалам ёрдамида чизиб, безак ишлаш усули ҳамда шу усулда яратилган безак, нақш.

ҚАЛАМКАШ [а. + ф. قلمكش — қалам чекувчи, қаламда чизувчи: ёзувчи, шоир] Қалам тебратувчи, ёзувчи (шоир, ёзувчи, журналист, таржимон ва ш.к. ҳақида). *Малика Мирзаева шеърят чаманига ўзига хос овоз билан кириб келган қаламкашлардан.* Газетадан.

ҚАЛАМОҚ I Устма-уст, ёнма-ён ёки тартибсиз равишда тиқиштириб, тўлдириб тахламоқ, термоқ. *Газламаларни араваларга тоғ-тоғ қалаб, олиб кетадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ёқиш, ёндириш учун ўчоқ ва ш.к. га жойламоқ, тиқиб ташламоқ. *Ўчоққа ўтин қаламоқ.* ■ [Бектемир] *Ўтинни майдалаб, роса диққат билан чайла ўртасига қалади.* Ойбек. Күёш қораймас. *Нонвой чол пешонасини бойлаб, тандирга ўт қалаяпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

Гўрига ғишт қаламоқ қ. гўр.

ҚАЛАМПИР айн. гармдори. *Аччиқ қалампир.* Туйилган қалампир.

ҚАЛАМПИРГУЛ Хушбўй гулли бир йиллик ўтсимон боғ ўсимлиги ва унинг гули.

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ Бир турли тропик доим яшил дарахт ва унинг доривор ва зирavor сифатида ишлатиладиган шонаси. *Қандайдир сирли, ғойибона куч мени қалампирмунчоқ ҳиди анқиб турадиган ўша қадрдон гўшага чорлайверади.* «Саодат». ...*ҳар қандай ярага дори бўлган балзаммой, қалампирмунчоқ, томирдори — қўйинг-чи, ҳамма нарса бор.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҚАЛАМРАВ [а. + ф. قلمرو — қалами юривчи; таъсир доираси, ҳокимият чегараси] эск. кт. Бирор ҳукмдорнинг ҳукми юрадиган ҳудуди ва унинг қўл остида бўлган ерлар. *Қаламравидаги барча шаҳарлар ва қишлоқларга саркорлар тарқатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАЛАМТАРОШ [а. + ф. قلمتراش — қаламни тарашловчи] Тиғи сопи ичига қайириб, ёпиб қўйиладиган пичоқча; пақки. *Икки тиғли қаламтарош.* ■ [Саримсоқ ота] *Сарғиш белбоғига қирғий бурнига ўхшаш қаламтарош, соқолтароқ ҳам осиб олган.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚАЛАМЧА I Кичкина қалам; қолдиқ қалам. [Петров] *Йўлчини саводли қилишга астойдил уринди.* Қўлга базўр илинадиган кичкина қалам билан (у бу қаламчани еркўкка ишонмас эди) махорка қоғозларига ёзиб, йўлчига русча ҳарфларни танитди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 қ. х. Пайвандлаш ёки кўкартириб кўчат қилиш учун кесиб олинган новдача. *Анор, узум, тол, терак, атиргул кабиларни қаламчадан кўпайтириш мумкин.* ■ *Олимпаримизнинг берган маълумотларига қараганда, лимонни экиб, қаламча.. қилиб кўпайтирилади.* Газетадан.

ҚАЛАМҚОШ (тўғриси қалам қош) қ. қалам.

ҚАЛАНДАР [а. قلندر — дунё ташвишларидан кечиб, дайдиб юривчи дарвеш] I Диний ғазаллар ўқиб, мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи, таркидунё қилган, гўшанишинликка берилган суфий. *Чойхонада узун бўйли, узун кулоҳли қаландар кўзларини юмиб, янғроқ овозини баланд қўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Дунёдан воз кечган, таркидунё қилган киши; зоҳид. *Бизлар ҳозир юрт устида қаландар, Бемакон, бенаво бўлган дарбадар.* «Ширин билан Шакар».

3 Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

4 Қаландар (эркаклар исми).

ҚАЛАНДАРБАЧЧА [ф. قلندر بچه — қаландарнинг боласи, фарзанди] Қаландарнинг шогирди.

ҚАЛАНДАРЛИК Суфийлик-зоҳидлик ҳаракати.

ҚАЛАНДАРХОНА [қаландар + хона] тар. Қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой. Эшоннинг уйлари зикр тушадиган хонагога туташган эди. Қаландархона ҳам шу ерда эди. Ғ. Ғулум, Шум бола.

ҚАЛАНМОҚ 1 Қаламоқ фл. мажҳ. н. Печкага қаланган ўтин шитирлаб ёнмоқда. — Ҳайдар токчага қаланган китобларни кўздан кечирди. Ойбек, Навоий.

2 Жуда кўп йиғилган, тўпланган ҳолда бўлмоқ; қалашиб ётмоқ. Тонгга яқин тўплар, машиналар, танклар қаланган, жангчилар қайнаган катта манзилнинг қўйнига кирди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЛАНҒИ кам қўлл. Бетайин, дайди (шахс ҳақида). -Бузун ҳам уйга келмабди, қаланғи, — деб ромни қаттиқ бир муштлиди-ю, гандираклар жўнади. С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИ айн. қаланғи ва қасанғи; ҳар хил бўлмағур, бетайин одамлар, саёқлар. Жуда кўп қаланғи-қасанғиларга мадад қўлини чўзди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Шокирвой гулдек хотини ва фарзандлари бўла туриб, текин машишат кетидан қувган қаланғи-қасанғилар билан топшиб олди. Газетадан.

ҚАЛАЧА эск. Шаҳарга хос; шаҳарча. Куз, дехқон бозорини мўлжаллаб, беш юз парамирон, хиром заифона маҳси ва юз пар қалача кавуш ғамлаган эдим. С. Абдулла, Мавлавий Мирсидиқнинг ижодлари.

ҚАЛАЧИ қ. қалъачи. Қаладан қалампир юклар қалачи. «Алпомиш».

ҚАЛАШМОҚ 1 Қаламоқ фл. бирг. н. Уч киши чорчўп атрофига ўтириб, ўт қалашди. Саратон кўрган қуруқ ўтин шитирлаб ёна бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўп-тўп, уйилган ва кўп миқдорда бўлмоқ. Ҳовлида парталар, скамейка, стуллар қалашиб кетган. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 кўчма Кўп бўлмоқ, йиғилиб қолмоқ. -Раҳмат, — деди у [Ўқтам] ошиқиб. — Отдан тушдим-у, бу ёққа юрдим. Ишларим қа-

лашиб ётибди. Ойбек, О.в. шабадалар. Пастда йиғитнинг ҳароратли шивир-шивири эшитилади: тўйдан бери айтиб тугатолмаган, юрагида қалашиб ётган дардини, чеккан изтиробларини, қувончини сўзлаётгандир? С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛБ 1 [а. قلب — юрак, дил; ўрталик, марказ; лашкарнинг ўртаси] 1 Юрак. Мен узок вақтгача ухлай олмай ётдим, нафасим қислиб, қалбим нотинч тепарди. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Мирзакаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Кишининг руҳий ёки маънавий дунёси, ички ҳис-туйғулари маркази рамзи; юрак, дил, кўнгил. Қалби пок одам. Қалб амри. Қалб ҳарорати. Қалби қувончга тўла. Қалбига йўл топмоқ. — Қиз ўз қалбини Йўлчига бағишлаган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Бобур юқори қаватга қайтиб чиқар экан, қалбини тўлдирган шодликлар орасида сурнай навосидек жарангли ва ёқимли бир туйғу янграб эшитилаётганини сизди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАЛБ 11 [а. قلب — айланиш, бурилиш, ўзгариш; ўзгартириш; ҳукуматни ағдариш] 1 Алдам-қалдам, қинғир ишлар қиладиган, қаллоб, нопок. Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас. Мақол.

2 Нопок, эгри, қинғир. Қалб ишга қўл урмоқ. — Ҳижмати-ку.. йўқ, яна ўзи ҳам ўлгудек бахил, нияти қалб йиғит. «Муштум».

ҚАЛБАКИ [а. + ф. قايكي — ўзгарган, сохта] Ҳақиқий эмас; сохта, ясама; ёлғондакам. Қалбаки пул. Қалбаки хужжат. Қалбаки имзо. Қалбаки табассум. — Тоза тиллами, қалбаки тиллами — кўрпэмиз! С. Анорбоев, Оқсой. Шаҳар банкида ёнғин бошланганлиги ҳақидаги қалбаки маълумотни ўт ўчириш қисмига Ҳасановнинг ўзи хабар қилган эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҚАЛБАКИЛАШТИРМОҚ Сохталаштирмоқ, қалбаки ҳолатга солмоқ. Хужжатларни қалбакилаштирмоқ.

ҚАЛБАКИЛИК 1 Қалбаки эканлик. Хужжатнинг қалбакилиги билиниб қолди.

2 Қалбаки иш, хатти-ҳаракат, риёкорлик. -Руҳонийларнинг макри, қалбакилиги ҳақиқатан чегарани билмайди, — деди Муҳаммад Жамол жирканиб. Ойбек, Нур қидириб. Қалбакилик инсонни бебурд қилади, тақсир.

Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Азиз қалбингни пок эт, қалбакиликдан ҳазар даркор. Ҳабибий.*

ҚАЛБАКИЧИ кам қўлл. Қалбаки иш қилувчи; сохтагар. *Мана шуларнинг ҳаммаси қалбакичиларни хилма-хил тухматларни ўйлаб чиқаришга.. мажбур қилмоқда. Газетадан.*

ҚАЛБАКИЧИЛИК Ишдаги қалбаки ҳолат, қалбаки иш. *Баъзи қурилиш раҳбарлари.. юзакичилик, қалбакичиликка йўл қўймоқдалар. «Муштум». Эртага текширишда Журанинг қалбакичиликлари албатта очилади. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

ҚАЛБАН [а. قلاب — чин юракдан, самимий] рвш. кт. Бутун юракдан, қалбдан, дил билан. *Аваз Мутрибни пинҳоний ифодасиз бир меҳр билан суюди, унга ҳамиша қалбан интилади. С. Сиёев, Ёруғлик. Уста Журжоний, мен сизнинг изтиробларингизни қалбан сезиб турибман. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚАЛБДОШ кт. кам қўлл. Бутун руҳи, дунёқараши, орзу-истаги ва ш.к. бир хил бўлган, қалби бир (қ. қалб 2). *Кўпчиликнинг меҳрибон, қалбдош саркардалари бўлган раисларимиз ўзларига билдирилган ишонччи ҳамиша юксак тутадилар. Газетадан.*

ҚАЛБИЙ [а. قلبى — юракка алоқадор; самимий] кам қўлл. Қалбдан бўлган, қалбга оид. *Бунда унинг қалбий нигоҳи тобора чуқурлашиб боради, онгли камолотнинг янги қопқаларини очади. И. Фафуров, Шарқ Прометейи.*

ҚАЛБЛИК Қалб эканлик (қ. қалб II). Қўли қалблик. ■ *Қалбликка қалбку-я, лекин қўлга тушириб бўлсан. «Муштум».*

ҚАЛДИРАМОҚ Қалдир-қулдур овоз чиқармоқ. *Момақалдироқ қалдиради. ■ Оёғимиз тагида ётган узун темир қувур қалдирад эди. Ш. Фуломов, Инсон қўли гул.*

Тили қалдирамоқ Меъёрида гапиролмай қолмоқ; гулдурармоқ. [Солижон] *Яна бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ тили оғзида қалдирад: -Мени кечиринг, — деб кўя қолди. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглр. Рузвон хола кўз ўнгига қуръон келди-ю, тили қалдирад қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚАЛДИРОҚ I сфт. Қалдир-қулдур қиладиган, қалдираган. -*Тур ўрнингдан, амалдор! — деди банги қалдироқ овозда. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.*

2 от Кучли қалдир-қулдур овоз. *Вазмин тўнлардан ерда, самода учган қалдироқларга қулоқ солди. Ойбек, Қуёш қораймас. Сурон солса агар зўр қалдироқлар. Яшин тегса агар, Юз йиллик чинорга ларза тушадди. Миртемир. Ерни, кўкни қамрагандай титратган бу садо олдида табиатнинг ҳар қандай даҳшатли қалдироғи ҳам ожиз бўлиб қолади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ҚАЛДИР-ҚУЛДУР Гулдурарган, қалдираган узлуксиз овоз. *Ичим қалдир-қулдур қилляпти.*

ҚАЛДИРҒОЧ I Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласини ташкил этадиган, қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичкина қушча. *Туя қалдирғоч. Шаҳар қалдирғочи. Тоғ қалдирғочи. ■ Бир неча қалдирғоч Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажр» ўқир эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 кўчма Бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси; бошлаб берувчи, даракчи. *Ҳа, кампир, севиниб қолдингизми? Эшитиб хурсанд бўлдим. Рустам қалдирғочини юборибди, ажабмас, кетидан ўзи ҳам қанот қоқиб келиб қолса. В. Фофуров, Вафодор. Чегарадош ерларда Жиззах чўлини қалдирғоч хўжалиги ташкил топди. «Ўзбекистон кўриқлари». Жамоамизда янги ва улуг ишининг.. қалдирғочлари бўласиз. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. ..Ҳожиакбар Шайхонни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири, деб атаса бўлади. Газетадан.*

ҚАЛИН I I Кўндаланг ўлчами катта (одатда ясси-ёйиқ нарсалар ҳақида). *Қалин китоб. Қалин тахта. Қалин қоғоз. Қалин намат. Пўчоғи қалин қовун. ■ У дафтарнинг қолган ёзувларини ҳам ўқир экан, қалин лабларига титроқ кирди. «Муштум».*

2 Бир неча қаватли ёки орасига нарса солиб ишланган (асосан, кийим, кўрпа ва ш.к. буюмлар ҳақида). *Қалин кўрпа. Қалин тўн. Қалин кийинмоқ. ■ [Фосих афанди] Қалин кўрпача устида савол-жавобга қулоқ солиб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..эски қалин чопон.. лозиму кўйлак олиб чиқди. Мирмуҳсин, Меъмор. [Қутидор:] Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, терласанг ёришасан, қизим? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; зич, тигиз. *Қалин соч. Қалин майса. Қалин ўрмон.* ■ *Қуёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. ...қалин ўт устида ўтириб, атрофни кўздан кечирди. А. Раҳмат, Соқов бола.*

4 Туташ ҳолатли; қуюқ. *Уларнинг ҳовлисидан қошига қалин ўсма қўйган, қомати барваста, чехраси қувноқ аёл чиқиб келяпти. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Икки ўртоқ.. қатор дарахтлар қалин соя ташлаб турган кўчага бурилишди. С. Кароматов, Олтин қум. «Жинчирик» ҳам кўринмайди, уй ичи қалин тутун. Ойбек, Танланган асарлар. Йўлни кўзлаб ўтирган эдим, у ёқдан.. қалин чанг кўтарилганини кўрдим. С. Айний, Қуллар.*

5 Кўп, мўл. *Қалин қор.* ■ *Бозор куни бўлганидан, расталарда одам қалин. Ойбек, Танланган асарлар. Туй эгаси йирик қўшма корхона раҳбари бўлгани учунми, одам жуда қалин эди. Газетадан. Ташқари супуриб-сидирилган, қалин қилиб сув урилган бўлиши керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

6 кам қўлл. Йўғон. *Наридан келади қалин бир овоз. М. Шайхзода. Соқолли кампир бир қўлини Нурининг бошига енгил қўйиб, баланд, қалин товуш билан.. сўзларни оҳангдор чўзиб қичқирди. Ойбек, Танланган асарлар.*

7 кўчма Яхши ва мустаҳкам алоқали; қадрдон, яқин, жонажон. *Уменинг қалин ўртоғим. ■ Низомжоннинг энг қалин ошнасиди Каримжон ҳам фронтга кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Тантибойвачча у билан бир йилдан буён қалин дўстлашиб, ҳар ҳафта улфатчилик қилишга бошлаган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Олимлар саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари билан қалин ҳамкорликда.. бир қанча ишларни бажардилар. Газетадан.*

Териси (ёки бети) қалин қ. тери I.

ҚАЛИН II этн. Никоҳ тўйида куёв томондан келин томонга бериладиган, тўланадиган пул, мол ва ш.к. *Утуй шарту шариитлари устида, қалин устида савдолашиб ўтирмай, фотиҳага қўл кўтарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бизга ҳеч нарса — данғиллама туй ҳам, қалин ҳам, сеп ҳам керак эмас, деб уқтиришди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Чиқиб олиб берай шохнинг қизини,*

Қалинни берганча қараб тураман. «Алпомиш».

ҚАЛИНЛАМОҚ кам қўлл. айн. **қалинлашмоқ I-3.** *Оломон борган сари қалинланиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАЛИНЛАТМОҚ *Қалинроқ қилмоқ, қалинлаштирмоқ.*

ҚАЛИНЛАШМОҚ I *Кўндаланг ўлчами ошиб, йўғон, қалин тортмоқ, қалин бўлмоқ. Қоғоз қалин бўлса, китоб қалинлашиб кетади. ■ Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Бир-бирига яқин жойлашмоқ, тигизлашмоқ, зичлашмоқ. *Суғорилган майса қалинлашди. Шойи ювилгач, қалинлашди. Ўрмон тобора қалинлашмоқда. Осмондаги булутлар қалинлашмоқда.*

3 Мўл бўлмоқ, кўпаймоқ. *Кўчада одам қалинлашди.*

4 кўчма *Қалин дўст, яқин ўртоқ бўлмоқ, яқинлашмоқ, дўстлашмоқ. Шу кунларда улар жуда қалинлашган. ■ Солдатлар йўл-йўлакай бир-бири билан жуда қалинлашиб кетди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

ҚАЛИНЛАШТИРМОҚ *Қалинлашмоқ* фл. орт. н. *Сочни қалинлаштирадиган дори. Сувоқ деворни қалинлаштиради.*

ҚАЛИНЛИК *Қалин ҳолат; қалин ҳолат, муносабатга эгалик. Тахтанинг қалинлиги. Деворнинг қалинлиги. ■ Ҳар бирининг [понанинг] узунлиги бир газ, қалинлиги гугурт қутисининг буйидай, эни ярим қаричча бўлиб, то нариги учигача икки томони бир зайлда юпқаланиб борарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ахир у менинг Анна билан қалинлигимни биларди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ҚАЛИНЧИ этн. *Кимса эшигида хўжайин томонидан тўланган қалинни қоплаш учун ишлаб турган хизматкор, қарол. Бошига қозоқи тумоқ кийган подачи йигит ҳаммадан айрилиб, четга чиқди-да, ёшигина хотинини эргаштириб кета бошлади. Бу Аллонбийнинг қалинчиларидан бири эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

ҚАЛЛИҚ I *Бирор йигитга унаштирилган қиз (шу йигитга нисбатан). Фотиманинг Тошкентдан ёзги таътилга келишини сабрсизлик билан кутиб турган Матёқуб қаллиғи келиши биланоқ тўйни бошламоқчи. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Қаллиқ ўйнаш этн. Никоҳгача (шариатга хилоф равишда) унашилган қиз – бўлажак келин билан махфий учрашиш.

2 Эрли ёш жувон, ёш хотин. *Абдуваҳоб бўлса.. ўз эрки билан ишлайди, қора кўз қаллиқчаси билан чиқиб экин экади, дарахт ўтқазади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 с. т. Куёв бўлмиш йигит (унаштирилган қизга ёки хотинига нисбатан). *Маликанинг ишораси билан бир қиз Ойқиз ва унинг қаллиғига мевали патнисни тутди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҚАЛЛОБ [а. قلاب – ҳаракатчан; беқарор, ўзгарувчан] Ўз манфаати йўлида турли найранглар ишлатувчи, алдам-қалдам, қинғир, қалб ишлар қилувчи; фирибгар. *Ширин қизлар, қаллоб ошиқ қўлин олманг, Даврон суринг ҳур меҳнатда, асли толманг.* А. Пўлат. *У қаллоб сизни йўлдан оздирмасин.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚАЛЛОБЛИК 1 Қалб ишлар билан шуғулланиш. *Қўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири – ёлғон билан қаллоблик.* *Ҳеч ким ўз-ўзидан ёлғончи бўлмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Қинғир, қалб иш. *Қаллоблик қилмоқ.* ■ *Сиз бундай қаллобликни илгари ҳам қилган эдингиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАЛЛОБЧИЛИК с.т. айн. қаллоблик **2.** *Шофёрлар ўртасида қаллобчилик авжига минган.* «Муштум».

ҚАЛМОҚ 1 қ. қалмоқлар. *Қалмоқ тили. Қалмоқ халқи. Қалмоқ қиз.*

ҚАЛМОҚ II с.т. Қармоқ, Дарёга қалмоқ ташлаган киши илинганини олади-да. *Қайси бир балиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЛМОҚИ Қалмоқларда бўладиган, қалмоқларга хос; қалмоқча. [Ўзбек ойим] *Иккита рўмолига ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўралмай қолган қалмоқи саллачасини қўшган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қалмоқи мол Қорамолнинг иссиққа чидамсиз бир тури, нави.

ҚАЛМОҚЛАР Россия Федерацияси таркибидаги Қалмоғистон Республикасининг туб аҳолиси, туркий тилларнинг бирида сўзлашуви халқ, қалмоқ халқи.

ҚАЛМОҚЧА 1 Қалмоқ халқига, маданиятига, урф-одатига, тилига оид. *Қалмоқча рақс.*

2 Қалмоқ тили. *Қалмоқча(ни) биласизми? Қалмоқча суҳбатлашмоқ.*

ҚАЛОВ 1 Қаламоқ фл. ҳар. н.

2 айн. тутантириқ. *Жапак ўтов ўртасидаги ўчоқда қаловига қамиш солиб, тезак тутатди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Қаловини топмоқ 1) тўғри қаламоқ; **2)** кўчма йўлини, иложини топмоқ; ишнинг кўзини билиб иш тутмоқ. *Қаловини топса, қор ёнар.* Мақол. ■ *Гап айланиб-айланиб, қишлоқ хўжалик техникасига бориб тақалди.* *Қалови топшиб қолди шекилли, Икромжон бирдан очилиб кетди.* И. Раҳим, Хислат.

ҚАЛОҚ I Бурунда қоғиб қолган мишиқ.

ҚАЛОҚ II шв. Чилтўп.

ҚАЛПОҚ 1 Юпқа наматдан қилинган бош кийими. *Бахмал жиякли оқ қалпоқ.* ■ *У.. эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қалпоқ кийган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳар қандай тўқима ёки матодан тикилган бош кийим. *Болалар қалпоғи. Похол қалпоқ.* ■ *Ошпаз оқ қалпоғини пешонасидан юқори кўтарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Таманно эртасига магазиндан шалвар, офтобдан яхши сақлайдиган оқ қалпоқ.. сотиб олди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно. *Дарвоза олдида.. бошига учли қалпоқ кийган давангирдай қаландар турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 с. т. Каска. *Мис қалпоқ. Пўлат қалпоқ.* ■ *Асқар полвон ҳансираб ва бошидан каскасини олиб, ерга тўнтарди: манглайни эзиб юборди бу чўян қалпоқ!* Ойбек, Куёш қораймас.

4 шв. Дўппи, каллапўш.

5 Нарсалар устини қоплаб, беркитиб турадиган соябон ёки қопқоқ. *Шинга осиллиқ қирқинчи чироқнинг қалпоғи уй деворларининг тепа ёғига чўзиқ соя солган.* Ҳ. Гулом, Машъал.

6 Бирор нарсанинг қалпоқли қисми, каллаги; каллак. *Мих қалпоғи. Замбуруғ қалпоғи.*

Қалпоқ қилиб киймоқ Бирор нарсани қойил қилиб бажарувчи, бирор иш-фаолиятнинг жуда устаси бўлган шахсга нисбатан қўлланади. *-Ишни қалпоқ қилиб кийиб қўямиз, – дея жавоб қайтардик.* Ҳ. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат. *Ўртоқ Солибоев кўзбўямачиликни қалпоқ қилиб*

кийиб юрган кунлардан бирида.. митинг бўлиб қолди. «Муштум».

ҚАЛПОҚДОР айн. қалпоқли 3.

ҚАЛПОҚДЎЗ Қалпоқ ва умуман бош кийим тикувчи уста, ҳунарманд.

ҚАЛПОҚЛИ 1 Қалпоқ кийган, бошида қалпоғи бор. *Отлиқ.. беҳшардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қалпоқсимон қопқоқ билан ёпилган, қалпоқ кийдирилган. *Барак шипининг ўртагоғига осилди тунука қалпоқли қирқинчи лампа хира нур сочиб турибди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

3 Каллакли, каллакдор, қалпоқдор. *Қалпоқли замбуруғ.*

ҚАЛПОҚЧИ айн. қалпоқдўз.

ҚАЛТИЛЛАМОҚ с. т. Қалтирамоқ, титрамоқ; силкиниб қўймоқ. *Ёлғизоёқ кўприк қадам босганда қалтиллаб турар эди.* ■ Саидхоннинг. *учбурчак шаклидаги мошгуруч соқоли қалтиллаб олди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ҚАЛТИРАМА 1 Қалтираб, тебраниб турадиган, қалтироқ, титроқ.

2 тиб. Ихтиёрсиз қалтирашдан, аъзонинг бирор ери ихтиёрсиз учиб туришидан иборат касаллик.

3 шв. айн. қоқшол II.

ҚАЛТИРАМОҚ 1 Кучли тарзда титрамоқ; қалт-қалт қилмоқ. *Совуқдан қалтирамоқ.* *Бўйнида илати борнинг оёғи қалтирайди.* Мақол. ■ *Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Охири мадори кетаётганини сезди, тиззалари қалтиради.* С. Сиёев, Ёруглик. *Қўрққанларидан дағ-дағ қалтираб туришибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 кўчма Шундай ҳаракатни эслатувчи, шунга ўхшаш ҳолатга нисбатан қўлланади (нарсалар ҳақида). *Чўлнинг у ер-бу ерида қовжираб турган шувоқ муттасил кезиб юрган чўл шабадасида қалтираб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қоғоз қўлимда шамолдаги баргдек қалтирар, ҳарфлар сакраб, сўзлар тутқич бермасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Баширжоннинг овози қалтираб, томоғи қуруқшаб кетди.* Н. Аминов, Суварак.

Тили қалтирамоқ кам қўлл. айн. тили қалдирамоқ қ. қалдирамоқ. *Сатторқул.. ҳарчанд гапиришга уринса ҳам бўлмади, тили қалтираб қолаверди.* «Муштум».

ҚАЛТИРАНМОҚ кам қўлл. айн. қалтирамоқ 1. [Анвар:] *Сени.. сенга мумкинми, Раъно! -Мумкин! — деб қалтиранди Раъно.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҚАЛТИРОҚ 1 Кучли тарздаги титроқ (қ. титроқ 1). *Уни қалтироқ босди. Бутун аъзойи баданига қалтироқ кирди.* ■ *Бекнинг вужудини қоплаб олган қалтироқ тобора кучаяр, қалбининг дукиллаб уриши ўзига эшитилиб турарди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Бу зах хонада Адолатни қалтироқ босди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бозор қалтироқдан, қўрқувдан тамоман толиб, мудраб кетган экан, кўз очиб қараса, тонг отибди.* А. Муҳтор, Чинор.

2 сфт. Қалтираган ҳолатли. *Бой аъзойи баданидаги яраларнинг аламини тортаётгандай безовталаниб, яна қалтироқ қўллари билан чилимга ёпишибди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *-Яхшимисиз, Ҳаётхон? — деди қалтироқ товуш билан йигит.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЛТИС 1 Алоҳида эҳтиёткорлик талаб қиладиган, нозик. *Қалтис савол.* ■ [Раъшан полвон] *Масала жуда қалтис эканини Жамоловдан ҳам яхшироқ тушуниб қолди.* О. Ёқубов, Ларза. *Ёш бўлса-да, дадаси сингарни дадил тушади, курашнинг кўп қалтис ҳунарларини отасидан ўрганиб олган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хавф-хатар билан боғлиқ бўлган, оқибати ёмон бўлиш эҳтимоли бор, хатарли. *Қалтис қадам. Қалтис тажриба. Қалтис ҳазил. Қалтис ҳунар. Қалтис сиёсат.* ■ [Майна] *Бу хатарли, қалтис сафардан асло чўчимасди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Аҳмаджон ака, жуда қалтис иш-да.. Бир чувингиз чиқса борми..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Самарқандга таваккал қилиб бораётган Бобур жуда қалтис ишга бел боғлаганини сезарди.* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

3 Ўйламай, билмай, ихтиёрсиз қилинган; ноқулай. *Терговчи ганни қалтис бошлаб қўйганидан пушаймон бўлди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Қалтис йиқилиб, бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғриғини уша тобда эмас, кейин билганидек, Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳшатини.. кейин билди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қалтис емоқ айн. шикастланмоқ. *Ушан-да оёғи қалтис еган, лекин табиблар уни чиққан деб қайта-қайта шиқирлатиб сола берганларидан, бир оёғи калта бўлиб қолган.* Ойдин, Хикоялар. **Қалтис кетмоқ** Эҳтиёт-сизлик билан оқибати ёмон бўлиши мумкин бўлган иш, гап-сўз қилмоқ. *Сиз жуда қалтис кетдингиз-да. Бирдан «мўътабар» одамларнинг ёқасига ёпишдингиз..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚАЛТ-ҚАЛТ: қалт-қалт титрамоқ Каттиқ, зир-зир титрамоқ. *Замира кутилмаган жанжалдан қалт-қалт титрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиш. **Қалт-қалт қилмоқ айн. қалтирамоқ.** *Қўйлар.. очлик ва совуқдан қалт-қалт қилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛЪА [a. قلعة — девор билан ўралган кўрғон, шаҳар] **I тар.** Душман ҳужумига қарши мустаҳкам девор ва хандақ билан ўралган, мудофаа воситалари, истеҳкомлар билан таъминланган шаҳар. *Андижон қалъаси мустаҳкам. Бобур мирзо у ерда бўлса, қалъа янада мустаҳкам бўлур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Катта бой, ер эгаларининг сарой кўрғони; қаср, арк. *Туроббийнинг қалъасида тўққиз от чоптирим ердан кўринадиган битта терак бўларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 шв. Шаҳар. *Канизларнинг кўпи турли қалъалардан олиб келинган ёш гўзаллар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мингта қалъадан далам яхши, Охун. Бизнинг қизларимиз ҳам жуда шўх бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Узим қишлоқиман, қалъадан нарида тураман..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЛЪАЧИ тар. Шаҳарларга, хусусан, Россия шаҳарларига бориб савдо-сотик қилувчи йирик маҳаллий савдогар. [Йўлдошбой] «Қалъачи» савдогар бўлиб, майиз, ўрик ва буз пахталик чопонларни Оренбург, Қазали ва Оқмачит каби шаҳарларга олиб бориб сотиб, у томонлардан Россия молларини олиб келиб сотарди. С. Айний, Эслаликлар.

ҚАЛҚИМОҚ I Суюқликнинг бетида чайқалмоқ, тебранмоқ. *Қайиқ сувда қалқиб турибди. ■ Сув юзида қамиш ғарамлар қалқиб сузар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Юзада, бирор нарса устида лапангламоқ; у ён-бу ён чайқалмоқ, силкинмоқ.

Ердан кўтарилган чанг-тўзон оғир-оғир қалқиди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Ўртада устига қора гулдор жойнамоз ёпилган тобут.. елкама-елка қалқиб ўтади.* Т. Ашуров, Марварид тут. *Назокат қора хонатлас кўйлак кийиб олган, қизил духоба нимчаси остида тўла кўкраги қалқиб турарди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Ихтиёрсиз, қандайдир таъсир билан бирор томонга силтанмоқ. *Трамвай кўзгалганда, бир мўйсафид қалқиб кетиб, икки йигитга тегиб кетди.* «Муштум». *Малоҳат юрак олдириб қўйгани учунми ёки чўчидими, ўтирган стулида бир қалқиб кетди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

4 кўчма Нотинч ҳолатда, ҳаракатда бўлмоқ. *Замона қалқиб турибди, бек туғул амирнинг ўзи ҳам қутқуда эмиш.* А. Мухтор, Чинор. *Икки ўртада сўз қочиб, вазият қалқиб турганда, ёшгина йигит сўз сўради..* С. Маҳкамов, Гина.

5 Бирор нарса остидан, ортидан, тубидан сиртга (юқорига) чиқмоқ. *Улар, башарти, биронтаси сув юзига қалқиб чиқиб қолса, яна ўқ отишарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Дарахтлар ортидан ой қалқиб, секин сузиб кўтарила бошлади.* Ойбек, Нур қидириб. *Мамажоннинг ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қалқиди.* С. Нуров, Нарвон.

6 Ўтирган, ётган ўрнидан турмоқ, қўпмоқ. *Оппоқ дала, қир, Ой нури балқир, Тонг отар-отмас Битта қиз қалқир.* М. Алавия. *Хон ўрнидан қалқиб туриб, ҳеч кимга қарамай, ҳеч нарса демай, ўқдай отилиб, ичкарига кириб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Оёққа қалқимоқ Ўтирган жойидан тикланмоқ, тик турмоқ. *Юзбошилар ҳам оёққа қалқиб, қўл қовуштиришди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ҳамма оёққа қалқиб, саломлашди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Юраги қалқимоқ** Қалбида кучли нохуш ҳис-сезги кўзгалмоқ. *Ёдгорнинг юраги қалқиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

7 Пайдо бўлмоқ, чиқмоқ, тошмоқ. *Унинг баданига алақандай қора доғлар қалқиган, иситмаси чиқиб ётибди.* А. Мухтор, Туғилиш.

8 кўчма Намоён бўлмоқ, акс этмоқ. *Ойна она чехрасидаги жиддийлик йўқолмаган бўлса-да, лабларининг бир четида табассум қалқиди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Чехрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга*

уришиб, бурлиб қаради. Ҷ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

9 *кўчма* Иккилик бўлиб, на у ёқли, на бу ёқли бўлмай турмоқ; иккиланмоқ. *Мингбошининг бу тилёғламалиги мажлисининг қалқиб турган қисмини ҳам унинг томонига буриб юборди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

10 *айн. ўқчимок.* Қандолат буви чой хўлаб туриб, пиқ этиб кулиб юборган эди, қалқиб кетди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Томоғимдан ош ўтмай, қалқиб кетдим.* Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла.

ҚАЛҚМОҚ *айн. қалқимок.*

ҚАЛҚОВУЧ *тех.* Суюқликка ботирилган ҳолатда кўтарилиш кучи ва сузувчанлик хоссасига эга бўлган, суюқлик сиртига қалқиб чиқадиган, энгил материаллардан тайёрланадиган мослама.

ҚАЛҚОН 1 Жангчининг танасини қилич, найза ва ш.к. тигли қуроллар зарбидан ҳимоя қилувчи, турли материаллардан ясалган мослама. *Бадиа сири фош бўлиб — қиличи синиб, қалқони тешилган сарбозолардай, лол бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳаммадан олдинда бошдан-оёқ зирҳли кийим кийиб, қўлида қалқон тутган Аҳмад Танбал келмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Офат, бало, кўнгилсиз ҳодисалар ва ш.к. дан сақловчи восита; тўсиқ, ғов. *Қум балосига, гармсел балосига нима қалқон — дарахт қалқон.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Низомулмулк.. сизнинг зарбангизга қалқон қидириб, ўзини у томонга яқинроқ олиб юрибди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Ҳимоячи. *Матҳасан оғам ёнимда бўлса, кўчада қўрқмай юраман. Бу менинг қалқоним-да.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўкрагини (*ёки* **кўксини**, **бағрини**, **ўзини**) **қалқон қилмоқ** Жонини ҳам аямай кўриқламоқ, кўксини тутиб ҳимоя қилмоқ, даф этмоқ. *Ана шу йилларда Холмат Ражабов.. душманларга кўкрагини қалқон қилганлардан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *У кўксини қалқон қилиб, юртини ҳимоя қилди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя. *Бир тўда одамни.. тасирлатиб ўққа туттишганда, бир чол, болани орқасига олиб, ўзини қалқон қилган экан-да.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҚАЛҚОНЧА 1 Қалқон с. кичр.

2 *зоол.* Кўнгиз ва ш.к. ҳашаротлар қанотининг қаттиқ қобиғи.

ҚАЛҚУВЧАН Ботирилганда қалқиб чиқаверадиган, қалқиб турадиган, ботмайдиган.

ҚАМАЛ 1 Шаҳар, қалъа, армия ва ш.к. ни таслим бўлишга мажбур этиш мақсадида душман кўшинларини қуршаб олиш ва шундай ҳолатда сақлаш; қуршов, муҳосара. *Қамал ҳолати.* *Шаҳарни қамал қилмоқ.* *Душманни қамалга олмоқ.* *Қамалда қолмоқ.* *Қамалдан чиқмоқ.* ■ *Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва энг ози қишлоқлардан муносабатни узиб туриш, албатта, Тошкентни бўлдириб қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳси қалъасининг қамалда қолиши мирзога энди муқаррардек туюлди. У эшик оғага олти ойлик захира тайёрлашни буюрди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Бирор давлатни сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан яқкалаб қўйиш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар мажмуи. *Иқтисодий қамал.*

Қамал қилмоқ Қамал ҳолатига олмоқ, шундай ҳолатда сақламоқ. *Шаҳар қамал қилингани бу ваҳимани яна ҳам кучайтириб юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бобур ўтган дафъа Самарқандни етти ой қамал қилганда, шаҳар халқи очликдан нечоғли азоб тортганини Навоий ҳам эшитган бўлса керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кўчма* Ўраб олинган, чиқолмайдиган кўринишли ҳолат ҳақида. *Ой булутлар қамалидан чиқиш учун югурарди.* «Ёшлик».

ҚАМАЛИШМОҚ Қамалмоқ фл. бирг. н. *Полициялар, миршаблар яна уйларига қамалишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАМАЛМОҚ 1 Қамамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бир йилга қамалди.* *Моллар қўрага қамалди.*

2 Ташқи муҳит билан алоқада бўлмай, ўзини маълум бир муҳит, жойда босим тутмоқ, босим шу ҳолатда бўлмоқ. *Қарлик орқасида кўздан қолиб, икки-уч йилдан буён уй ичига қамалган қайнатаси Нажмиддинбойнинг давлати зўр.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишдан бўшатишган Баширжон ун кунча уйда қамалиб ётди.* Н. Аминов, Суварак.

3 Ичкари кириб ёки илиниб, тутилиб, чиқа олмай қолмоқ, тутилмоқ, тушмоқ. *У ичига катта оқ қаламуш қамалган қоп-*

қонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек ғўнғиллади, оёғи қалтираб мажолсизланди. С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Атрофи ўралган жойга кириб, тўпланиб қолмоқ. *Уйга қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда.* ■ *Чор атрофдаги тунука томлардан чиққан ҳарорат ҳовли ичига қамалиб қолгандай туюларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАМАМОҚ I Озодликдан маҳрум қилиб, қамоқхонага ёки бошқа бирор қамоқ жойга ташламоқ, қамоққа олмоқ. *Турмага қамамоқ. Авахтага қамамоқ. Беш йилга (беш йил муддат билан) қамамоқ.* ■ *Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса, Қудрат акани қамаманган бўлса, аҳolini кўрқитмаслик, шидан совиқмаслик учун қамаманган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нима қилсин, милицияга бориб, ё мени қаманглар, ё оқланглар, десинми?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор чиқолмайдиган жой, хона ёки ҳолатга олмоқ. *Фулом қори Азимбойваччанинг болаларини ҳужрасига қамаб олиб, хафа қилаётган экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Авазни кичкина ҳўжрага олиб кириб қамаб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Атрофи ўралган (одатда, доим сақланадиган, маҳсус) жойга ҳайдаб киритмоқ, ҳайдаб киритиб, бекитиб қўймоқ; тутқунликка солмоқ. *Қўйларни қўрага қамамоқ. Товуқларни товуқхонага қамамоқ.* ■ *Ёйишга жойи бўлмаган ҳўжаликларгина молларини оғилхоналарга қамаб боқади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сорахон пашшани кафтига қамаб, муштини Саидийнинг қулоғига тутди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 с. т. Берк жойга тиқиб қўймоқ, берк жойга тиқиштириб сақламоқ. *Нарсаларни амборга қамамоқ.*

5 с. т. Дам бермоқ, дамламоқ. *Камерага ҳаво қамамоқ.*

ҚАМАР [а. *قمر* – ой; йўлдош (сайёраларда)] *I кт. айн. ой I. Букун коинотда Шамс – подшо, Қамар вазирдир.* Ойбек, Навоий.

2 Қамар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҚАМАРИЯ [а. *قمرية* – ойга оид, тааллуқли] *кт. Мусулмон оламида ойнинг иккита бир хил фазаси, мас., Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби (Қамария ҳисобидаги йил, шамсия ҳисоби-*

дагилан деярли I I сутка қисқа. Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, рабиулаввал, рабиуссоний, жумодилаввал, жумодиссоний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқайда, зулҳижжа).

ҚАМАШМОҚ I **Қамамоқ** фл. бирг. н. [Баҳром:] *Мендан кейин онам чи қамашибди. Кампир турмада.. қазо қилибди Синглим домдараксиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Эртасига Раҳимчани ҳам.. ўн беш кунга қамашибди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ҚАМАШМОҚ II: **кўз қамашди** 1) ўткир ёруғлик таъсирида кўз тинди, кўз кўрмайдиган, ажратолмайдиган бўлиб қолди. *Прожекторларга қараб кўзим қамашди.* ■ *Тик қуёш тилларидан кўзи қамашган чол.. чавандозлар келаятган томонга югурди.* Ҳ. Фулом, Машғал; 2) кўз жимирлашди; кўриб ақл шошди. *Табиий, ҳаммадан Нурунинг уйи ҳашаматли, қимматли жиҳозлар билан магазиндай ясалган; кўрган одамнинг кўзи қамашади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тиш қамашди** Нордон нарса чайнаш натижасида тишлар безиллаб қолди. *Кўксултон еб, тишим қамашиб қолди.*

ҚАМИЧ с. т. Қамиш.

ҚАМИШ I Бошқоқларга мансуб, сувда, ботқоқликда, тўқайзорда ўсадиган, бўғим-бўғим узун пояли ўсимлик; шу ўсимликнинг ўрилган пояси ва унинг чўпи. *Қамиш ўрмоқ. Қамишдан бўйра тўқимоқ.* ■ *Улар қамишларни шалдирашиб, сувга яқин келганларида, ўзлари ҳам балчиққа ботиб кета бошлашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Уч томони қамиш билан ўралган ҳовлига аввал Сидиқжон кирган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шу ўсимлик пояси билан ўралган, ёпилган; шундан ясалган. *Қамиш девор. Қамиш том. Қамиш най.* ■ *Кейин бир парча қоғоз олиб, қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қамишдан бел боғлаб Сидқидил билан, астойдил. *Тўйларингизга қамишдан бел боғлаб хизмат қилайин, укажон.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚАМИШЗОР Қамиш ўсадиган (ўстан) жой, тўқай, тўқайзор. *Ушалоқлатиб сув олар экан, қамишзорларнинг нариги четидан қақағлаган товуш эшитилди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚАМИШЗОРЛИК кам қўлл. Қамишзор жой, қамишзор.

КАМИШҚУЛОҚ Қулоқлари узун ва чи-мирилиб, диккайиб турадиган (от ҳақида).

ҚАМОҚ I Озодликдан маҳрум этилган кишилар, маҳбуслар, жиноятчи ва ш.к. қамаладиган жой; қамоқхона, турма. *Қамоқдаги қарияларга бир қултум сув, бир бурда нон ҳам беришмабди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Қамоқ ҳукмини (жазосини) ўташ жараёни. *Қамоқ деподаги ишидан айирган бўлса ҳам, лекин у ерда орттирган дўстларидан айиролмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уша кўнгилсиз сафари — қамоқдан қайтиб келгандан кейин маҳаллада кичкина сартарошхона очди.* Шукрулло, Сайланма. *Бу қўшиқ ажойиб қўшиқдир, сўзлари куйдираар томоқни.* Улимни назарга сўзлайсан, сезмайсан сургуну қамоқни. Ш. Раҳмон.

ҚАМОҚХОНА Қамоқ жойи; қамоқ, турма. *Қамоқхонада ётмоқ.* ■ *Обхоналар.. Бухоронинг энг мустаҳкам қамоқхонаси эди.* С. Айний, Дохунда. *Уларни шаҳар қамоқхонасига тиқиш учун олиб кетишгандан сўнг..* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАМРАМОҚ I Атрофлаб ўраб олмоқ, қуршамоқ. *Шаҳар атрофини ўрмон қамраган.* *Душман истеҳкомини қамраб олмоқ.* ■ *Коса кўтарган хотин-халаж қозон атрофини қамраб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёйилиб, тарқалиб, маълум жойни эгалламоқ; босмоқ, тутмоқ, қопламоқ. *Ёнгин бутун уйни қамраб олди.* ■ *Кеча гупилаб қор ташлади, бугун унинг қора совуғи ҳамма ёқни қамраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Розикнинг авзойи баданини яна ўлим даҳшати қамради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бутун борлиқни қамраб олган чириллаш мана шу митти жониворларникилигига ишонгинг келмайди.* «Ёшлик».

3 Ўзида мужассамлантирмоқ, акс эттирмоқ, ифодаламоқ; ўз ичига олмоқ. *Жуда катта давр тарихини қамраб олган асар.* ■ *У [Навоий] мингларча йилги маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди.* Ойбек, Навоий. *У тиниқ дарё, мусаффо осмон, чексиз кенгликлар ҳақида ўйланар ва хаёли шундай улкан нарсаларни бемалол қамраб олаётганидан ҳайрон бўларди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ҚАМРОВ I Иш-фаолият, ижод доирасини ўз ичига олиш, сиғдира олиш, қамраш имконияти. *Ҳоди Зариф — қамрови кенг*

олим. М. Афзалов, Жонкуяр олим. *Идроки-миздан кўра кўзларимизнинг қамрови кенгроқ бўлса не ажаб.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 айн. *қуршов, оғуш.* *Инженерлар бу жойнинг гардсимон қизғиш тупроғини қўллариди эзгилаб, хаёл қамровида ўтиришар.. эди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

3 Бирор нарсанинг фаолият доираси, чегараси. *Румия гап қамровини асосий мақсадга бурган сари, Афанасий Васильевич уета мергандек ёйни узоқроққа мўлжаллаб отарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАМТИ рвш. Юзма-юз, бақамти. *Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди, уч киши қамти ўтириб, манти тановул қилдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Қамти келмоқ Бетма-бет бўлмоқ, дуч келмоқ. *Ана шу оқпадарга қамти келиб қолсам бўладими!* Ойбек, Болалик. **Қамти қилмоқ (ёки қўймоқ)** Юзма-юз, бақамти қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ. *Мақтабдаги одатимни қилиб, болани ота-онасига қамти қилиб сўзлашдим.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҚАМЧИ От-уловни уриб, юришга ундаш, тезлатиш учун ишлатиладиган дастали, кўпинча қайиш тасма шаклидаги асбоб. *Ўрма қамчи. От ўйнатадиган узун қамчи.* ■ *Раис отига қамчи уриб, идора томон кетди.* Ойдин, Юрагида ўти бор. *У ҳар замонда қамчисини кўтариб қўяр, от эса, сагрисига қамчи тушувини кутмасдан олға интилар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Қамчи босмоқ (ёки солмоқ, бермоқ) Қамчи билан урмоқ. *Йўлчининг юз-кўзи аралаш яна қамчи солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асқар ота беихтиёр отига қамчи босди, яна бошини тортди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Қамчи берса, бедов от ўйнаб кетиб боради.* «Нурали». **Қамчи ўйнатмоқ** Қамчисини ҳаволатиб силкитмоқ, қамчи билан пўписа қилмоқ. **Қамчисидан қон томган (ёки томадиган, томяди)** Жуда ҳам зolim, шафқатсиз. *Қамчисидан қон томмаган бой — бой эмас.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсанинг калтагини билдиради. *Шоир савдогарларни ҳам сатира қамчиси остига*

олди. Газетадан. *Эрк-адолат йўлида жаҳолат қамчисидан, ҳатто қўрқинчли таҳликадан қўрқмаган Аваз.* Газетадан.

ҚАМЧИЛАМОҚ I Қамчи билан урмоқ. *Гузор томондан оқ саллали кимдир биров от қамчилаб, шитоб билан келарди. Ш. Тошматов. Эрк қуши. Арслон.. тўригини қамчилаб, узоқлашиб қолган отлиқларни қувиб кетди. О. Ёқубов, Излайман.*

2 *кўчма* Сўз билан «урмоқ», қаттиқ танқид қилмоқ, пўстагини қоқмоқ. *Машхур фитначи Муҳаммад Жамол чиқиб, хўп қамчилади сизни ва бизни. Ойбек, Нур қидириб. Фурқат, Завқий.. ўзларининг ҳажвий шеърларида порахўр амалдорларни шафқатсиз қамчилаган эдилар. «Шарқ юлдузи».*

3 *кўчма* Қистамоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ. *Тангриқул ҳожи қўлидаги бутун воситалар билан ерни қамчилаб, кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Одамни жиловлаб, қамчилаб турадиган, тоблаб чиниқтирадиган нарса — ташвиш. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

Отни қамчиламоқ Зудлик билан, фурсатни қўлдан бермай ҳаракат қилмоқ; ҳаракатни тезламоқ, тезлатмоқ. *Иш кўп, вақт оз — отингни қамчила. ■ Ана шу тигиз кунларда отини қамчилаган пахтакор асти доғда қолмайди.* Газетадан. *«отни қамчилаш керак, бўлмаса кечикасиз», деган гапи Мадинани оёққа турғизди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.*

ҚАМЧИЛАШМОҚ I Қамчиламоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бирини қамчи билан урмоқ, ўзаро қамчи солиб савашмоқ. *Қорахон қайтмайди навбат олади, Гоҳ ерларда қамчилашиб савашиб, Кўп хархаша қилар ақли шошиб. «Алпомиш».*

ҚАМЧИН қ. қамчи. *Бошқаси бўлса, қамчин билан солар эдим, лекин соқалинг оқини хурмат қилдим. Ойбек, Танланган асарлар. Урмонжон.. тўқайга кириб кетган тупроқтепани қамчинининг сопи билан кўрсатиб: -Канал, — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ҚАМЧИНЛАМОҚ қ. қамчиламоқ. *Юк ортиб, отни қамчинлаб.. Хадрага келганда, у бирдан отни тўхтатди.. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАМҒОҚ Шарсимон юмалоқ ўсадиган, уруғи пишганда, илдиэ бўғзидан узилиб,

шамол билан узоқ-узоқларга думалаб кетадиган майда тиканли чўл ўсимлиги; шўрак. *Янтоқ ўзини боғ билади, Қамғоқ ўзини тоғ билади. Мақол.*

ҚАНАҚА с. т. Қандай. *Бу қанақа гап? ■ Отини эшитаман холос, қанақа одам, билмайман. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚАНАҚАНГИ с. т. Қандай. *Сен ўзинг қанақанги одамсан?*

ҚАНАҚАСИ с. т. сўр. о.лм. Қайси бири?, қайси хили?, қандай? *Бу газмоллардан қанақаси сенга ёқади?*

Бу қанақаси (бўлди)?! Таажжуб воқеа, ҳодиса ва ш.к. юз берганда айтиладиган ибора (кўпинча истехзо билан айтилади). *Сўрамай кетаверибсиз, бу қанақаси бўлди? Ёз чилласида ёмғир ёғяпти, бу қанақаси бўлди?*

ҚАНАҚАСИГА рвш. с. т. Қандай, қандай қилиб, қай йўсинда. *Қанақасига яшасанг, яшайвер. У дарёдан қанақасига ўтади?!*

■ *Пешонамга ёзган бўлса, сизларга нима! [Ҳожар:] Ҳа, қанақасига ёзар экан у қулваччани. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ҚАНД [а. قند — шакар, обакидандон] I Соф шакар моддасидан, шакардан тайёрланадиган маҳсулот; ширинлик. *Чақмоқ қанд. Қанд заводи. Қанд ушатмоқ. Қанд билан чой ичмоқ. Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал топганинг. Мақол.*

Қанд касаллиги с. т. Диабет. **Қандингни ур!** **Қандини урсин ёки қандингни е!** Таҳсин-офарин маъноларини ифодалайдиган ибора; балли, баракалла. *Қандингни ур, юлдузларинг жуфт тушган бўлса-чи, одам боласи сенларни ажрата олмас!* Ойбек, Танланган асарлар. [ўофир ака] *Кўпчиликка етакчи, катта-кичikka баравар, қандини есин!* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Биров: «Янги ер обод қилса, қандини урсин» деса, яна биров: «Бу ерда иш топилмайдими?» дерди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

2 қ. қандлар.

ҚАНДА эск. кт. Қаерда, қаёқда. *Ухлаб қолиб бўлдим банди, Қолдим юз туман армонда. Банди бўлмадим майдонда, Мендай банди бўлди қанда? «Равшан».*

ҚАНДАЙ I сўр. о.лм. Белги, сифат, хусусият ҳақидаги сўроқни билдиради; қанақа? *Бу қандай китоб? Қандай овқатни хоҳлайсиз? У қандай иш билан банд?* ■ [Ёрмат:] *Қандай беда денг, боғи кучоққа сит-*

майди. Ойбек, Танланган асарлар. *Айт-чи ўзинг, Зарифа, ахир кеча қандай туш кўрдинг?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Сўроқ гаплардан трансформацияланган гаплар таркибида сўроқ англатмай, фақат нисбий белгини билдиради. *Куёв учун қандай кийим ярашмоғи ҳам баҳс қилинар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Капитан жангчиларни ном-баном чақириб, ким қандай қуролни ўрганмоқчи эканини сўради.* А. Қаҳҳор. *Олтин юлдуз. Э, онажонгинам, қани энди сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлингни қандай одам бўлганини кўрсанг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Махсус оҳанг ёрдамида белги-даражани кучайтириб ифодалайди; нақадар. *Ҳаёт қандай гўзал!* ■ *Оҳ, инсонга таъзим қилиш, қад букиш қандай оғир, қандай ҳақорат.* К. Яшин, Ҳамза. *Унсин учун — бечора қиз учун бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам!* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Сотиб олинган қул қандай бўлса, у ҳам бизга шундай эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *рвш.* Қай тарзда, қай йўсинда. *Луғат қандай тузилади? Бу перо қандай ёзади? Шунча ишни бир ўзинг қандай бажарасан?*

Қандай қилиб Қайси йўл билан, қай тарзда, қайси йўсинда. *Қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз? ■ Сиз Олтин юлдузни қандай қилиб олгансиз? Шунга айтиб берсангиз.* А. Қаҳҳор. *Олтин юлдуз. Биз радио-актив моддаларнинг ғўзалардаги тирик тўқималарга қандай қилиб таъсир қилишини аниқлашга муяссар бўлдик.* «Фан ва турмуш».

6 -ганда қўшимчасини олган феъллардан кейин келиб, берилган саволга ижобий жавобни бўрттириб, таъкидлаб ифодалайди. *Бу фильмни кўрганмисиз? -Кўрганда қандай. Шу китоб қизиқми? -Қизиқ бўлганда қандай дейсиз!*

Қандай бўлмасин (ёки бўлса ҳам) 1) қандайдир, қанақа бўлмасин, бари бир. *Энди у [Нури] Фазилидиннинг ҳамма сифатларида, қандай бўлмасин, бир камчилик кўра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) қанчалик оғир, қийин бўлса ҳам; нима (қилиб) бўлса ҳам, илож топиб. *Қандай бўлмасин, эртага келишинг керак. Қандай қилай* Нима қила олар эдим, нима қилай, на чора. *Энди*

қандай қилай, бўлар иш бўлган. ■ Қандай қилай, ўртоқжон, ўзимга қолса, шундоқ бўлсин дебманми. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ҚАНДАЙДИР *гум. олм.* 1 Қандайлиги ёки кимлиги номаълум, белгиси, сифати, хусусияти у қадар аниқ бўлмаган; аллақандай. *Қандайдир шаҳар. Унинг қандайдир иши чиқиб қолибди. Қандайдир бир киши сизни сўраб келди. ■ Бир парча қоғознинг юзига қора, қуюқ сиёҳ билан ўнг-тескари, қандайдир ҳарфлар ёзилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қайсилиги номаълум, қайси бирилиги у қадар аниқ бўлмаган; аллақайси. *Ҳа-кимбойваччанинг яқин дўстларидан бир киши, қандайдир бир ўтиришда Мирзакарим-бойга орқаворатдан тил тегизганини эшитиб, у билан узоқ замон олишган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАНДАК [а. + ф. قندک — олманинг ширин тури] 1 *Урик, жийда* каби сўзларга қўшилиб, уларнинг у қадар йирик бўлмайдиган, камсув, аммо сершира навини билдиради. *Болагинамнинг боласи — қандак ўрикнинг донаси.* Мақол. ■ *Оғзиларига биттадан қандак жийда солгач, суҳбат яна қилиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Столниги усти оқ-сарик майиз, қандак ўрик, баргакларга тўлиб кетди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Халқ селекциясида чиқарилган маҳаллий эртапишар ўрик нави.

ҚАНДАЛАЛАР Қон сўрувчи ҳашаротлар туркуми. *Қандала қон сўрган вақтда кишини қаттиқ безовта қилади.* «Фан ва турмуш».

ҚАНДАЛАТ *с.т.* Қандолат.

ҚАНДАҚА *с.т.* Қандай, қанақа. *Э, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚАНДАҒОЧ Оқ қайинлар оиласига мансуб бўлган баргли дарахт ёки бута.

ҚАНДАЙ, -дек 1 Қанд каби, қандга ўхшаш. *Қанддай ширин мева. Қовун қанддай чиқди.*

2 *кўчма с. т.* Жуда яхши, кўнгилагдай. *Икки танобгина ер олсам, оз бўлсин, саз бўлсин дегандай, қанддай иш қилар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Айниқса, Фарҳодни қўшганинг қанддек бўлибди.* А. Обиджон. *Аканг қарағай Гулмат.*

3 *рвш. кўчма с. т.* Нақд, мўмай қилиб; қуртдай. *Пулни қанддай (санаб) олди.*

ҚАНДОН [а. + ф. *قنددان* — қанд идиши] Қанд, шакар солиб қўйиладиган махсус идиш. *Қўлимдаги зарҳал патнисда чойнак, пиёла ва қанддон.* «Саодат».

ҚАНДИЛ I [а. *قنديل* — чироқ, чилчироқ, люстра < юн. *kandela* — шам, шамчироқ < лот. *capdela* — шам] Бир неча шам ёки лампочка қўйиладиган оёқли ёки осма чироқ; чилчироқ, люстра. *Деворий қандил. Осма қандил.* ■ *Олтин қандилдаги элликлаб шамларнинг нури.. уйга бир хаёлийлик берар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрнидан туриб, девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампали қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Катта долон, ҳар бир уйда қий-чув, ерда чироқ, қандиллар осиглик.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАНДИЛ II Олма навларидан бирининг номи. *Қандил, симиренко.. олмалар серҳосиллигидан кўзингиз қувониб, дилингиз равшан бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАНДИМ Қумда ўсадиган бута, ўсимлик. *Улар кун ёйилган бир пайтда қандим буталари билан қопланган қумтепадан ёнлаб ўтаётиб, бир ўтов, бир чайлага дуч келишди.* С. Анорбоев, Мехр.

ҚАНДИН [а. + ф. *قندين* — қандли, ширин] Сершира, сершакар, ширин. *Қуюқ қандин нишолда ликопчалар, жонон пиёлаларда.. ичкарига, ташқарига кета бошлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАНДЛАР Углеводлар синфининг қуйи молекулали вакили. Қандлар биринчи қайси манбадан олинган бўлса, ўшанинг номи билан аталади. Мас., глюкоза — узум қанди, сахароза — лавлаги қанди ва б. *Шифобахш ўсимликлар витамин.. ва қандларга бой бўлади.* Газетадан.

ҚАНДЛИ Қанди бор, қанд солинган, ширин. *Қандли чой.*

Қандли диабет Организмда инсулин етишмаслиги ва моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик. *Сўнги 20 йил ичида қандли диабет билан оғриган беморлар сони деярли уч баробар кўнайди.* «Сихат-саломатлик».

ҚАНДОЛАТ I Ун ва қиёмдан ўртасига мағиз ёки қовурилган нўхат солиб тайёрланган юмалоқ-юмалоқ ширинлик. *..хилма-хил анорлар, қандолат, парварда, пашмак.. саримойдан тортиб тандирдан янги узил-*

ган пармуда сомсаларгача бор. К. Яшин, Ҳамза.

2 Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари, маҳаллий ширинликлар, қанд-қурслар. *Узум кислотаси.. турли қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланади.* «Фан ва турмуш».

ҚАНДОЛАТФУРУШ Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкондор. *Дўкондорлар савдо бўлмагани учун қўшниси билан эринибгина суҳбатлашиб ўтиришади, қандолатфуруш хира пашшаларни ҳафсаласизлик билан кўриydi.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚАНДОЛАТЧИ Қандолатлар ва умуман маҳаллий ширинликлар тайёрловчи хунароманд, шакарпаз. *Шаҳарда машҳур бўлган бир қандолатчи.. ўз қўли билан тўйга нишолда ҳозирлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАНДОЛАТЧИЛИК Қандолат етиштириш, тайёрлаш; шакарпазлик (қ. **қандолат 2**). *Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қандолатчилик маҳсулотлари мутлақо йўқ.* Газетадан.

ҚАНДОҚ с. т. Қандай. *Қандоқ қилай, энди не чора? З. Диёр. Хотиржам бўлганда қандоқ, тақсир!* Ғ. Фулом, Машъал.

ҚАНДЧОЙ Қанд ёки шакар қўшилган ширин чой. *Палатамизга қайтдик. Ҳожи ака каравотида ёнбошлаб, қандчой ичиб, ўзини елиб ётар эди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ҚАНД-ҚУРС Қанд, новвот, пашмак, конфет каби ширинликлар. *Расталарда ёнғоқ-майизлар, қанд-қурслар тоғ-тоғ уйиб ташланган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Темиртош ҳам кеча қаллиғи Менглиойнинг янгасига иккита ироқи совун, упа-элик олиб, янги рўмолчасига қанд-қурс тугиб, қош қорайганда борган эди.* М. Осим, Ўтрор.

ҚАНЖИР Қўнғирлар туркумига мансуб, дарё, кўл ва ш.к. сув ҳавзаларида яшовчи қуш.

ҚАНЖИ(P)FA Юк ва б. нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган тасма, боғич ёки илгак. *Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итти адашиб кетишидан қўрқиб, эшакнинг қанжиғасига боғлаб олган экан, бўлмаса, пок титигимни чиқарар экан.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ҚАНЖИҚ I Урғочи ит.

2 Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Ҳақорат қилди сени.. унақанги*

қанжиқ ҳар муюшда топилади, — деди [Кимсан]. А. Мухтор, Туғилиш.

ҚАНЗИМОҚ Обу тобидан ўтиб, қотиб қолмоқ (хамир ҳақида). *Кўлингизни ювиб, бир оз қарашворинг, хамир қанзиб қолмасин..* Газетадан.

ҚАНИ 1 сўр. олам. Кўз олдида йўқ шахс ёки нарсанинг қаерда экани, мавжуд ўрни ҳақидаги сўроқни билдиради. *Болалар қани? Портфелинг қани? ■ Нега вақтсиз келдинг? Отабек қани?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эътиборни жалб этиш, ундаш, даъват билдиради. *Қани, бек отаси, кўрманани беринг-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қани, қирғизим, дўмбирангни ол.. ўланингни чўз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қани, тўшакка ўтиринг, Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Истак-хоҳиш маъносига алоҳида таъкид, урғу беради; қани энди. *Қани бир най бўлса, Йўлчи ҳам чалса-да, бутун кўнги қайғуларини.. кечанинг сукут тўла оғушига қуйса..* Ойбек, Танланган асарлар. *..қани шундоқ яхши соатларда унинг ёнида ўғли Низомиддин ҳам бўлса!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қани ҳамма хотин ҳам сиздай бўлса!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қани энди айн. қани 3. *Қани энди, ҳар банди мўминга Деҳқонбойдай кўёву сиздай қайнана насиб қилса.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Қани энди, вақтим ва имкониятим бўлса. Анави тоқчаларни ҳам китоб билан тўлдирар эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАНОАТ [а. *قناعت* — мамнунлик, бориға шукур қилиш; қаноатлилик, камсуқумлик] 1 Озга ёки борга кўниш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик билан кўпга, ортиқчаликка интилмаслик ҳисси. *Камбағални сабру қаноат асрайди. ■ Қаноат қилмаса, шармандалиги ортади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Муталга раисликни бериб, ўзи муовинликка қаноат билдирган чоғларда, Равшан полвон Муталдан умиди бошқа эди.* О. Ёқубов, Ларза.

2 Мамнунлик, қониқиш ҳисси; мамнуният, қониқиш. *Почтаев ҳамманинг фақат ўзига қараб қолганини ичида қаноат билан қайд қилиб, Жуманга ер остидан «қалайсан?» дегандай бир назар ташлаб қўйди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қаноат ахлоқий, иродавий фазилатлар жумласига киради.* «Фан ва

турмуш». *Қаноат йўқ ерда мурувват йўқ, мурувват йўқ ерда имон йўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Ишонч, ишониш. *-Бу сиригизни менадан яширмоқчи бўласиз, — деди татом қаноат билан Ҳасанали, чунки энди ўз кашфига жуда ишонган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қаноат қилмоқ Ўзини қаноатда тутмоқ, борига сабр қилмоқ, бори билан кифояланмоқ. *Овқат устида бошини эгиб, олдига суриб қўйишганига қаноат қиларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Нусратбекнинг қўшимча даромад қидирмай, маошга қаноат қилиб юрганига ҳали ҳам тушуна олмасди.* С. Нуров, Нарвон. *Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай, ўрндан туриб ўйинга тушди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Қаноат ҳосил қилмоқ** 1) қониқиш ҳосил қилмоқ; кифояланмоқ, чекланмоқ. *Лекин Ибн Сино бу қиссани ёзишда Куръонда келтирилган нақл билан қаноат ҳосил қилмаган кўринади.* Газетадан; 2) рози бўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ. *Унинг гапидан ҳаётга тўймаганлик, ўтган умрдан қаноат ҳосил этмаганлик кўриниб туради.* Шухрат, Шинелли йиллар; 3) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ. *Бояги сўзларни тушида эмас, ўнгида эшитганига қаноат ҳосил қилгандан кейин сўради: -Сиз Раззоқни биласизми, ўғлим?* Ҳ. Фулом, Машғал. *Истат бибининг ухлаб ётганига қаноат ҳосил қилгач, ҳовли бурчагидаги дарчадан чорбоққа ўтди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАНОАТЛАНАРЛИ Қаноат ҳосил қилса бўладиган, қаноатлантирадиган, қониқарли. *Қаноатланарли жавоб. ■ Эътироф қилиш керакки, районларга бўлган раҳбарлигимиз қаноатланарли эмас.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАНОАТЛАНАРСИЗ Қаноатланиб бўлмайдиган, қаноатлантириб бўлмайдиган; қониқарсиз. *Қаноатланарсиз жавоб. Қаноатланарсиз ишламоқ.*

ҚАНОАТЛАНМОҚ 1 Озга, бориға қаноат қилмоқ, бори билан кифояланмоқ, қониқмоқ. *Кичкина декча қайнатиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўкондорлар орасида у сал кунда «хўрда махсум» деб лақабланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаноат ҳосил қилмоқ, мамнун бўлмоқ, қониқмоқ. *Ишнинг унумидан қаноатланмади шекилли, чолга зуғум қила кетди.* К. Яшин,

Ҳамза. Ўринни солиб битиргандан кейин Зайнаб қаноатланиб, уйдан чиқмоқчи бўлган эди, уни Кумуш тўхтатди. А. Қодирий. Ўтган кунлар.

3 Чекланмоқ, кифояланмоқ. Элмурод эшон билан оқсоқол ўртасидаги диний муносабатга аралашини лозим кўрмади. Фақат завқли кулги билан қаноатланди. П. Турсун. Ўқитувчи. Агар биз шу бугунни ўйлар эканмиз ва бугунги ишимиз билан қаноатланиб қолар эканмиз, эртага ҳам худди шу бугунги иш такрорланаверади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҚАНОАТЛАНТИРАРЛИ Қаноатлантирадиган, қониқтирадиган, мамнун қилдиган. Турдиев қанча ўйламасин, охирига етмади. Узини қаноатлантирарли жавоб тополмади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАНОАТЛИ Озга, бориға қаноат қилдиган, кўп талаб қилмайдиган; сабрли. Қаноатли киши. ■ Афанди, «эшак ҳам қаноатли бўлар экан», деб унга ем бермай қўйди. «Латифалар». Исоқ ота ва унинг ўғиллари кўл меҳнати билан кун кечиришга одатланиб қолган, қаноатли, кўнгли бўш одамлар эди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҚАНОАТСИЗ Озга, бориға қаноат қилмайдиган, кўп талаб қилмайдиган; чидамсиз.

ҚАНОР, қанор қоп Катта қоп. Маҳкам тўлиб кетган этагини қанорга бўшатиб келди. П. Қодиров, Уч илдиш. Катта қанор қопларга тиқиб солинган пахталар арваларда ўрлаб ётарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАНОРА [ф. قناره — илмоқлар ўрнатилган тахта ёки тўсин] Гўшт осиб қўйиладиган бир неча илғакли мослама; чангак. Семиз қўй ўзини қанорада кўрар. Мақол. ■ Қанораларга осиб қўйилган нимта-нимта қўй, мол. гўшлари кўзни қамаштиради. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ҚАНОРЛАМОҚ Қанорга солмоқ, жойламоқ. Қанорланди дегунча арваларга ортиб жўната бериш керак. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ҚАНОТ 1 Қуш ва ҳашаротларнинг учиб аъзоси. Фознинг қаноти. Қалдирғочнинг қаноти. Капалакнинг қаноти. Пашшанинг қаноти. Қуш қаноти билан учиб, қўйруғи билан кўнар. Мақол. ■ Марғилон ва Қўқонга учадиган махсус кабутар келтирилди. Найча қилинган қисқа хатлар уларнинг

қанотлари тагига маҳкамланди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Нозик ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини шишага уриб типирчилар, гиламга енгилгина қулаб, тинар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

Қанот қоқмоқ (ёки силкимоқ) 1) такрор ҳолда қанотларини кўтариб, ёнига урмоқ. Том орқасида хўроз қанот қоқиб, қичқирди. А. Қаҳҳор, Анор; 2) қанотларини силки-тиб учмоқ, қанотларини силкиган ҳолда парвоз қилмоқ. Шийпоннинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар гўнғиллар, аллақерда гуррак гуриллар эди. А. Қаҳҳор, Картина. Ундан нарироқда қора калхат ўз санъатини намойиш қилаётгандай, қанот силкимай, бир текис сузиб юрибди. Н. Фозилов, Дийдор.

2 кўчма Шахс ёки нарсанинг «учиш»и, «парвоз»ига хизмат қилувчи аъзосининг рамзи маъносини билдиради. От — йигитнинг қаноти. ■ Янгиликнинг қаноти бор. Оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалади. Газетадан. Ҳамза бўлса, ҳаёл қанотида ўтмишни бирма-бир кезиб чиқди. К. Яшин, Ҳамза. Шундоқ деб Илҳомнинг нозик ва майин Қанотларин Ҳасад юлиб ташлади. А. Орипов, Йиллар армони. Умулхалқ жонкуярлиги ўқитувчиларга қанот бахш этяпти. Газетадан.

Қанот бағишламоқ «Учиш», «парвоз»га имкон яратмоқ, шундай имкон билан таъминламоқ; мадад бермоқ. ..юрагининг аллақериди учқунланаётган умид унга қанот бағишлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қанот ёзмоқ** 1) қанот пайдо қилмоқ, қанот чиқармоқ, юзага келмоқ, ..қалбимда янги бир орзу — Шерободга отланиш орзуси қанот ёзди. Газетадан; 2) тарқалмоқ, ёйилмоқ. Илгор тажриба, ибратли ташаббус ҳамиша қўллаб-қувватланади, кенг қанот ёзади. Газетадан. **Қанот ёймоқ айн. қанот ёзмоқ 2.** Чўлда янги ҳаёт қанот ёймоқда. «Ўзбекистон кўриқлари». **Қанот қоқмоқ** 1) шайланган, интилган ҳолатда бўлмоқ. Сиздан билимдан топилиб қоларди юборишга. Ўзингиз элбурутдан қанот қоқиб қолдингиз. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда; 2) учмоқ. У дунёга десангиз ҳам, қанот қоқиб борардим.. С. Кароматов, Олтин кум. **Қанотини қайирмоқ** (ёки синдирмоқ) Иш-ҳаракат, фао-

лият воситаси (имконияти)дан маҳрум қилмоқ, мажруҳ ҳолга келтирмоқ. [Жамила:] *Қуш эдим — қанотимни қайирдилар. Гул эдим — булбулимдан айирдилар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қанотимни қайириб, Туққан элдан айириб, Ташладилар зиндонга, Бошладилар ҳижронга.* Ё. Мирзо.

3 Самолётнинг ердан кўтарилиб, ҳавода муаллақ туриши учун хизмат қиладиган қанотсимон ёйиқ қисми.

4 Автомобиль, велосипед каби машиналар ғилдираги устига лойдан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган мослама. [Йигит] *Олдинги қаноти синиб қолган «Зиф» велосипедини секингина ҳайдаб келяпти.* Ш. Отамуродов, Кўнгил. *Автомобил қаноти.. алюминийдан ишланади.* «Фан ва турмуш».

5 Эшик, дераза ва ш.к. нинг табақаси. *Юнусов деразанинг қанотларини очиб, кесакисига қулочини ёзганча туриб қолди.* Н. Мақсудий, Мажлисдан сўнг. *Узоқдан Ботирнинг устма-уст берган сигнали эшитилгандан кейин катта дарвозанинг қанотлари кенг очилди.* И. Раҳим, Ихлос.

6 Ёйиқ, чўзиқ нарсаларнинг бирор томони, ёни, чеккаси. *Бинонинг сўл қаноти — эшик олди баланд айвон.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Кўчалар қанотидаги ариқларда зилол сувлар шарқираб оқиб турибди.* Л. Эргашев, Гулбулоқ.

7 Зина, кўприк ва ш.к. нинг ёнига ўрнатилган тўсиқ; панжара. *Маҳкам зина-пояга қараб чопди ва унинг силлиқ ёғоч қанотидан ушлаб, учинчи қаватга югуриб чиқди.* П. Қодиров, Уч илди. *Тоҳир кўприкнинг қанотидан настега эгилиб қараб, шу тиргаклардан бирини мўлжалга олди-ю, тўхтади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 Ҳарб. Ёйиқ жойлашган кўшинларнинг, фронтнинг ўнг ёки сўл томони, шу томон қисми. *Мирзо Ёдгорнинг ўнг ва сўл қанотлари қаттиқ шикаст еб, бутунлай бебош-бетартиб қочишга юз тутган эди.* Ойбек, Навоий. *Бобур қўшини ёв билан юзма-юз тўқнашиши учун ўнг қанотини олдинроқ чиқариб, дарёга орқа ўғирди-ю, жанубга томон бурила бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

9 кўчма Суянчиқ, кўмакчи. *Ёрим бўлса, қанотим, дейман.* Сайёр. У [Низомжон] *Икромжонга ўғил бўлди. Унинг қўш қаноти бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

10 кўчма Дикқат-эйтиборда бўлиш ҳолати; ҳимоя, ҳомийлик, паноҳ. *Устозлар қанотида, уларнинг кўмаги ва йўл-йўриқлари асосида илғорлар тажрибасини ўргандим.* Газетадан. *Унинг қанотида кўндан-кўп ёш талантлар таржимонлик, таҳрирчилик сингари мураккаб ишнинг сир-асорини билиб олдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Қанот ости (ёки таги) айн. қанот 10. *Қаноти остида сақламоқ. — Бу хатарли аснода мен сени қанотим остидан чиқармагайман.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..мана энди у сизнинг қанотингиз тагида жон сақлаб юрган экан..* С. Маҳкамов, Шогирд. *Сидиқжон.. Собиржон қорига қарол бўлиб юрган вақтларида Хадича хола уни ўз қаноти остида ҳисоблар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қаноти остига (ёки тагига) олмоқ 1)** ўз паноҳига, ҳимоясига ёки қарамоғига олмоқ. *Етимларни қаноти остига олибди; 2) салб. ёнига, атрофига тўпламоқ.* Қодиров оғзи *катта эркакларни қаноти остига олиш йўли билан ўз мавқеини кучайтиришга интиланганини сезиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қаноти остида бўлмоқ** Кимсанинг паноҳида, ҳимоясида ёки қарамоғида бўлмоқ. [Майсара:] *Энди, тақсирим, давлатни ҳам кўрганман, ишқилиб, сизнинг қанотингиз остида бўлсак бўлади-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚАНОТЛАНМОҚ 1 Қанот пайдо қилмоқ, қанот чиқармоқ. *Ҳавасларим қанотланиб, кўкка учади.* Ф. Фулом.

2 кўчма Кучли иштиёқ билан шайланмоқ; интилмоқ. *Қишлоққа учиги қанотланиб ўтирганымда, дадам билан маҳалла эликбошиси офатдай, бирдан босиб келишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Кучаймоқ. *Тошбулоқ яқинида тиканак ва арча чўкиртақларидан гулхан ёқилгач, балаларнинг қувончи яна қанотланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар. *Командирнинг шахсий жасорати ва ўрнаги бир онда юзларча одамларни қанотлантирадиган қандайдир сеҳрли кучга эга эканига асло шубҳа қилмайди..* Ойбек, Куёш қораймас. *Йигит ҳозир ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг беғараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қанотлантирар эди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ҚАНОТЛИ Қаноти бор, қанотга эга бўлган (қ. қанот 1-5). *Узун қанотли қуш. Тўрт қанотли капалак. Ақлли иш — қанотли қуш. Мақол. ■ Билгани шўхлик унинг, Гул қанотли капалак. Ғайратий.*

ҚАНОТ-ҚҮЙРУҚ 1 Қанот ва қуйруқ. *Қанот-қуйруғи юлинган товук.*

2 *кўчма* Суянчиқ, кўмакчи; ҳимоячи. *Биронта тузук таниш-билиш, қариндош-уруғ борми? .. Кенг қирдаги яккаёёқ йўлдек ёлғизман. Одамларга ўхшаб қанот-қуйруғим йўқ. С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас. Ҳали унга қанот-қуйруқ бўлиб юрганлар кўп. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚАНТАР: қантар оғди Қишнинг ярми ўтди, иккинчи ярми бошланди. *Булунғур туманидаги.. Ҳ. Муҳаммадқуловнинг айтишича, одатда, давнинг 2-3-кунни қантар оғади, яъни ер тагига иссиқ киради. Газетадан. Қантарга олмоқ шв. Қантарилиб, қиш уйқусига кетмоқ (қишда ухлаб, карахт бўлиб ётадиган ҳайвонлар ҳақида).*

ҚАНТАРИҚ Қантариб қўйиш, қантариғлиқ ҳолатда тутиш ва шундай ҳолатнинг ўзи. *Ориқ хўкиз қантариқдан кўтармас бел. Ф. Фулом.*

ҚАНТАРИҒЛИҚ 1 Қантарилган, қантариб қўйилган. *Жонизоқ қантариғлиқ турган отини қозикдан ечиб минди-ю, Нигоранинг орқасидан от қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *кўчма* Фойдаланилмай, ишсиз, бекор турган. *Қантариғлиқ терим машиналари.*

ҚАНТАРЛАМОҚ шв. Қантармоқ.

ҚАНТАРМОҚ 1 Овқатга, ем-хашакка ета олмайдиган қилиб, арқонни калта қилиб боғламоқ (асосан от ҳақида). *Отряд.. отдан тушди, ҳар ким ўз отини у ердаги дарахтлар шохига қантариб боғлади. С. Айний, Қуллар. [Қудалар] Келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир гўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Озиқ-овқат, сув бермай сириб қўймоқ, овқатдан, сувдан қисмоқ, оч қолдирмоқ. *-Бизни ишга юбормай, очликда қантарадилар, — деди Турсун. А. Раҳмат, Брест қаҳрамони.*

3 *кўчма с. т.* Ишлатмай бекор, бўш қолдирмоқ; фойдаланмай дам бериб қўймоқ. *-Нега универсални қантариб қўйдинг, Содиқ? — деди Комилжон шотут тагида ўтирган универсалчига қараб. И. Раҳим,*

Ихлос. Қантариб қўйилган машиналар ишга тушди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҚАНЧА 1 сўр. олм. Миқдор, кўлам, ўлчам кабилар ҳақида сўроқни билдиради; қай миқдорда? *Тўйга қанча одам келди? Бугун қанча пахта терилди? Ошга қанча гуруч солдингиз? Намакоб тайёрлаш учун бир литр сувга қанча туз солинади? Кечгача қанча йўл юрдик? Қанчадан бери учрашмадинглар?*

2 Риторик сўроқ гапларда миқдор, ўлчам ва ш.к. нинг ортиқ даражасини, кўплигини қайд этади. *Ўйлаб қара, эртадан кечгача қанча одам билан муомала қилади! Ойбек, Танланган асарлар. Мирзажон ака.. қишлоқ қурилишида лойиҳачилар, архитекторлар, қурувчилар билан қанча курашмади! «Ўзбекистон қўриқлари». Бошидан қанча хўрликлар ўтказди, лекин ўғлига бир оғиз ёмон гапирмади. К. Яшин, Ҳамза.*

3 Сўроқ гапдан трансформацияланган гапларда сўроқ аңглатмай, фақат нисбий белги билдиради. *Қанча ётдим — билмайман, секин кўзимни очсам, ўша торгина хонада ётибман. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Бу жанг қанча вақт давом этганлиги Аҳмаджоннинг эсида йўқ.. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бир кунда қанча сабзи-пиёз сотади — буни ҳеч кимга, уй ичидагиларга ҳам айтмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 *рвш.* Ҳар қанча, нечоғли, нақадар. *Бир хизматкорнинг қизига уйланиши, қиз қанча чиройли бўлмасин, ўз обрўси учун катта нуқсон деб билган эди. Ойбек, Танланган асарлар. У қанча уйласа ҳам, Асқар ака ҳақида ёмон фикрга ботинолмас эди. Н. Фозилов, Дийдор.*

5 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Товуқ билан одам орасида қанча фарқ бўлса, бу икки жониворнинг муҳаббати орасида ҳам шунча фарқ бор. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА Номатълум (мавхум) миқдордаги кўпликни билдиради; бир талай, аллақанча. *Унинг [Асрорнинг] юрагида қанчадан-қанча орзулари бор. У шу орзуларга албатта етади. С. Аҳмад, Уфқ, Ўзи билан бирга етмиш мингга яқин одам, қанчадан-қанча от-улов, озиқ-овқат, асбоб-*

усқуналар келтирибди. Ойдин, Ширинга мактуб.

ҚАНЧАЛИК Қай даражада, нақадар. Раҳим Саидовга бу қанчалик оғир ботмасин, у Мунисхоннинг шу ерда тун бўйи ёлғиз қолишини естамас эди.. Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири. Эртага унинг устига ёғиладиган тошларнинг оғриги қанчалик даҳшатли бўларкин? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАНШАР 1 Буруннинг икки қош ўртасидаги юқори қисми. Қаншари наст. ■ Қаншарида кўзойнак ҳам пайдо бўлиб қолибди. С. Анорбоев, Гулдаста. Ойна опа ички бир титроқ товуш билан ингранди. Қаншарида икки қат ажин бўртди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Бутоқларга қаншарини урсинми, пешонасиними? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма кам қўлл. Нарсаларнинг «пешонаси», олдинга туртиб чиққан жойи. Юзаки қараганда, бу кашфиёт дизель тракторининг қаншарига улаб қўйилган қандайдир ортиқча дахмазадан ҳеч фарқи йўқ. Ж. Абдуллахонов, Йўл. Кўзга ташланадиган бир тепаликнинг қаншарини тушириб юборди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАНҚАЙМОҚ с.т. Қаққаймоқ, серраймоқ. «..очгин дарвозангни», деб узангига оёгини тираб, қанқайиб турибди. «Тоҳир ва Зухра».

ҚАНҚИМОҚ шв. Дайдимоқ, санқимоқ. Унда-мунда душмандан қочиб, ўрмонларда қанқиб юрган хонавайрон одамлар.. вазиятни тушунтирадидилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди.. кўп таранг қилмай, нархини гапиришаверинг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚАПИШМОҚ 1 Зич тегмоқ, ёпишмоқ. Йигитнинг қўллари қизнинг белларига чирмашди, кўкраклари бир-бирига қапишди. Ойбек, Танланган асарлар. Гоҳ деворларга қапишиб, бир кўчадан иккинчисига чопиб ўтишарди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ичига ботмоқ, пучаймоқ. Ориқлаб, қорни қапишиб кетибди. Қорни қапишган от. ■ Шербек бир қарашда уларнинг биқини қапишиб ётганини пайқади. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАППАЙМОҚ Шишиб, тўлиб, тўлишиб кўтарилмоқ, олдинга туртиб, дўплайиб чиқмоқ; дўппаймоқ. Қорни қаппайган одам. ■ У [Хайри] қаппайган эски портфелини ҳовуз

бўйидаги сунага қўйди-да, уйга кириб, Пулатнинг ниджагини олиб чиқди ва елкасига ташлаб қўйди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Чўнтаги (ёки ҳамёни) қаппаймоқ Пули кўпаймоқ, бойимоқ. Мўмай фойдадан тегсиз чўнтак анча қаппайиб қолди. «Муштум». Айрим одамларнинг ҳамёни қаппайса, босартусарини билмай қолади. «Муштум».

ҚАПЧИМОҚ шв. 1 Зарб билан урилиб, бирор томонга отилмоқ, учмоқ. Ботир отган ўқ қалқонга тегиб, қапчиб кетди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Азим Тошевчи ҳам ўзини эшикка урди. Бироқ коптокдек қапчиб кетди. «Муштум».

2 Ирғимоқ, сакрамоқ, сапчимоқ (ўтирган еридан). Сидиқжон унинг чап ёнига ўтирди-да, орқасидан қўлини узатиб, елкасини ушлади. Жувон қапчиб, ўрнидан турди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРАБ 1 Қарамоқ фл. рвдш. Ўзбек ойим эрига анқайганча қараб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўм. вэф. (ж.к. билан) Нисбат, қиёс, шунингдек, макон, йўналиш каби муносабатларни билдиради. Шароитга қараб иш тутмоқ. Даромад — қилинган меҳнатга қараб тақсимланади. Жанубга қараб йўл олмоқ. ■ Қутидор билан Офтоб ойимнинг бу жавоблари ўзларича эмас, балки Кумушнинг кўнглига қараб берилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бўта ўрнидан туриб, чигит экилган ерга қараб кетди. С. Аҳмад, Ҳукм. Уйдан бўғчалар олиб чиқади ва Холнисага қараб улоқтиради. А. Қаҳҳор, Янги ер.

ҚАРАГАНДА кўм. (ж. к. билан) Нисбатлаш, қиёс, шунингдек, сабаб, асос муносабатларини билдиради. Сизга қараганда у ёш кўрунади. Кумушга қараганда олтин оғир. Бу йил пахта ўтган йилгига қараганда анча кўп бўлди. Одамларнинг айтишига қараганда. Гапига қараганда, хурсандга ўхшайди. ■ Бу икки ўрим соч қирқ кокилга қараганда жуда ҳам ўзига келишиб, унга яна бир қайта улуғворлик ва олийжаноблик бағишлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ҳужжатларга қараганда, қизингиз эрдан чиқаётгани йўқ. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. Космосга юборган элчиларимизнинг маълумотларига қараганда, Ер атрофини ўраб олган бундай заррачаларнинг сони беҳад кўпдир. «Фан ва турмуш».

ҚАРАИМ қ. қараимлар. *Қараим тили. Қараим халқи. Қараим йигит.*

ҚАРАИМЛАР Украина, Литва, Россия ва б. хуудларда яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ (лаҳжалари уларнинг яшаш жойларига қараб бир-биридан анчагина фарқ қилади), қараим халқи.

ҚАРАЛМИШ тш. Қаратқич келишигидаги сўзга боғланиб келадиган тобе сўз (мас., *укамнинг китоби, бизнинг бурчимиз бирикмаларидаги китоби, бурчимиз сўзлари*).

ҚАРАМ 1 Ихтиёри, эрки-хуқуқи ўзида бўлмаган, бошқага тобе мавқели. *Қарам мамлакат.* ■ *Фабрика- заводлар, корхоналар, ер-сувлар яна ўша хужайинлар қўлида. Ишчилар, чоракор, қароллар яна уларга қарам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сиз, яхшиларим, бу қисқа ўйлашингиз билан ўз оёгингизга ўзингиз болта уриб, яна қипчоқларга қарам бўласиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Юқори ташкилот томонидан бошқариладиган, унга итоат қиладиган; қарашли. *Шаҳар ва район ҳокимликларига тушган анчагина шикоят, аризалар текишириш учун қарам ташкилотларга юборилган.* Газетадан.

3 Кимсанинг таъминотида, қарамоғида бўлган. *Касал ўғил, хотин, боз худо берган набира. Ҳаммаси шу чолга қарам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пошшахоннинг эри энди ишга яроқсиз, хотинига қарам..* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚАРАМАЙ 1 Қарамоқ фл. бўлишсиз рвдш. *Эсини йўқотиб қўйган қайин отасига қарамай: -Сизми, Кумуш? — деб сўради [Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўм. (ж.к. билан) Тўсиқсизлик, зидлик муносабатини билдиради; =са-да. *Декабрь бўлишига қарамай, кун иссиқ.* ■ *Аҳвол мураккаблашганига қарамай, илғор бўлимлар хужумни давом эттиришди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб, бурилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАРАМАСДАН айн. қарамай. Бундан унинг хабари бормиди, йўқми, лекин у бу томонга қарамасдан, отини эгарлаш билан машғул эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йуталининг азоб беришига қарамасдан, Турғуноининг чехраси очиқ, иштаҳа билан нон ер эди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ҚАРАМА-ҚАРШИ 1 Бир-бирига тўғри келмайдиган, хилоф, бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига зид, хилоф. *Қарама-қарши фикрлар. Қарама-қарши талаблар.* ■ *Фуломжон шу хил қарама-қарши ўйлар билан этини еб, узоқ ўтирди. Кетмай деса, илнж қўймайди, кетмай деса — ўкинч.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аммо ҳар гал экспедициялар бир-бирига қарама-қарши, чалкаш ахборотлар қолдиришган.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Мақсад, мавқе ва ш.к. жиҳатдан ўзаро тескари, қарши ҳолатда бўлган; мухолиф. *Қарама-қарши кучлар.*

3 Бири иккинчисининг рўпарасида бўлган, бир-бирига қараб турган, рўбарў. *Қарама-қарши бинолар. Қарама-қарши жойлаштирмақ.*

4 Бири иккинчисига қарши йўналган, қарши йўналишдаги. *Қарама-қарши шамол.* ■ *Одамлар ҳамон кети узилмай, бир қисми хиёбон томон, бошқа қисми қарама-қарши томонга ошиқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Йўлнинг четидан катта сой оқиб ётарди. У йўлга қарама-қарши оқарди.* К. Яшин. Ҳамза.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК Қарама-қарши ҳолат; зиддият. *Ички қарама-қаршиликлар.* ■ *У буюк шоирнинг қарама-қаршиликларга тўла қалбини англай ва ёрқин ифодалай олган.* Газетадан.

ҚАРАМЛИК Қарам ҳолат; тобелик; эрксизлик. *Тунис халқи эндиликда.. иқтисодий қарамликдан қутулишни истайди.* Газетадан.

ҚАРАМОҚ 1 Кўриш учун кўзни бирор томонга, нарса ёки кимсага йўналтирмақ, кўз ташламоқ, назар солмоқ; боқмоқ. *Атрофга қарамоқ. Соатга қарамоқ. Булутларга қарамоқ. Тикилиб қарамоқ. Кулиб қарамоқ. Хўмрайиб қарамоқ.* ■ *Ҳақимбойвачча ялт этиб укасига қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамдам دادасига қараганича, узоқ туриб қолди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *-Менга қара, хотин! — деди ҳожси жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Фикран назар ташламоқ, кўз тикмоқ, боқмоқ, кўз олдига келтирмақ. *Ўтмишига бир қаранг. Келажакка ишонч билан қарамоқ.*

3 Кўздан кечирмоқ, назар солмоқ, текширмақ. *Хатни қараб чиқдим, айтилган*

гапларда жон бор. «Шарқ юлдузи». [Ҳомид:] Эшикнинг занжирига бир қараб келингизчи, имон топкур Жаннат опа. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Улар бир неча кўчани қунт билан қараб чиқиб, чойхона тополмадилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Қизинг қани, дедим. «Уйда эди, қаёққа борарди», деди. У ёқни қарадик, бу ёқни қарадик, йўқ. Шу қоронғида қаёққа боради? Ойбек, Танланган асарлар.

4 Юзланмоқ, юзини (бетини) бир томонга қаратмоқ. Уялиб, ерга қаради. ■ Дадам индамай, тескари қараб олдилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Нури деразага қараб, ҳовлида Ёрматнинг қораси учар-ўчмас, Гулнорга деди. Ойбек, Танланган асарлар. Йигит кўкка қараб, тинч ухлар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Эътиборда, муносабатда бўлмоқ, ёндашмоқ. Аммо энг катта нуқсони шунда эдики.. ўқиганларига танқидий ёндашиб, ўз нуқтаи назаридан қарамасди. С. Кароматов, Олтин кум. Сиз бу эҳтишолга қандай қарайсизлар? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нима учун бола тарбиясига совуққонлик билан қараган ўқитувчига қонун йўқ, чақир бу ёққа Ҳамдамни! А. Қаҳҳор, Асарлар.

6 Иш-машғулот, кимса ёки нарсанинг тарбияси ва ш.к. билан машғул бўлмоқ; шуғулланмоқ; кўз-қулоқ бўлмоқ; даволамоқ, парвариш қилмоқ. Отга қарамоқ. Экинга қарамоқ. Болага қараб турмоқ. ■ Мана, сиз, битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар экансиз. А. Қаҳҳор, Йиллар. Энди ишингга қара, болам.. С. Сиёев, Ёруғлик. Саидмурод ака уч кун ҳам хотинининг тепасидан жилмади, ҳўл-қуруғига ўзи қаради. Н. Қобил, Беморлар. - Энди менинг ҳолим йўқ сенларга қарайдиган, — деб бувим йиғлаб юбордилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Ҳамма қўли бушаганда йиғлайди, сен йиғидан бўшамайсан. На ўзингга қарайсан, на уйга. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

7 Эътибор бермоқ, назарда тутмоқ, ҳисобга олмоқ. Бировнинг раъйига қарамоқ. Қош-қовоғига қарамоқ. ■ Уй қиладиган бўлсангиз, менинг ҳам ихтиёримга қаранг-да. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ўзинг нега онамизнинг розилиқларига қарамаган эдинг? А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Эри унга [Зайнабга] ойлаб, йиллаб қарамай қўйганида ҳам,

у «иҳ» деб товуш чиқармади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 с. т. Еб-ичмоқ, олмоқ. Меҳмонлар, овқатга қараб ўтиринглар. ■ Қани, нон ол, узумга қара. Ойбек, Танланган асарлар.

9 Боғлиқ бўлмоқ, аҳамияти бўлмоқ. Ақл ёшига қарамайди. ■ -Ҳа, уч ярим меҳнат ишлайдиган одамга ўхшамайдимми? - Жуссага қарамас экан-да. - Нега, жуссага ҳам қарайди. Жуссаси ёмонми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Яхши эр-хотин бўлиш қўлнинг қаттиқ-юмшоқлигига ҳам қарамас экан-ку! А. Қаҳҳор, Мастон.

10 Кимсага эргашмоқ, тақлид қилмоқ, унга боқиб, унинг белги-хусусиятлари бўйича иш тутмоқ. Сизга қараб ўзини сипоҳ тутаяпти. Одамнинг ҳуснига қарама, ақлига қара. ■ Бошқаларга қараш керакмас, бошқалар бизга қарасин, кўрсин, ўйласин. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

11 Юзи, беткай томони билан бирор нарсага ёки томонга рўбарў турмоқ. Деразалари жанубга қараган уй. Тоққа қараган шийпон.

12 Ихтиёрида бўлмоқ (тасарруфи, боқими ва ш.к. жиҳатдан). Бу боғлар қўшни туманга қарайди. ■ Бедапоянинг нарёғи учинчи бригадага қарайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Етти болам бор. Онам бор, хотиним — ҳаммаси бўлиб ун киши менга қарайди. Ж. Шарипов, Хоразм.

13 Муҳокамасини ташкил этмоқ, муҳокамасини ўтказмоқ; кўрмоқ. Суд сизнинг ишингизни эртага қарайди.

14 Кутмоқ, пойламоқ, кўз тутмоқ. Биз сизга икки соатча қарадик. ■ Сенинг чиқаришингга қараб, қўш маҳалини ўтказиб юборайми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

15 (деб сўзи билан қўлланади) ..деб тўшунмоқ, билмоқ, ҳисобламоқ, ўйламоқ. Ҳаммани ўзига дўст деб қарамоқ. ■ Қози ҳам, Асад қори ҳам жаҳид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг гўркови деб қарар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касб-корига сабаби тирикчилик деб қарамайди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

16 (2-ш. буйр. м. шаклида — қаранг, қара) Ажабланиш, ўйламаганлик, кутмаганлик маъносини (эътироз, норозилик ёки мам-

нунлик маъноси билан) билдиради. Аксига бугун ёмғир ёққанини қаранг. ■ Хоинлик қилиб қўйиб, яна мунофиқлик қилганини қаранг-а! Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Хаёлни қаранг, ахир сизга парафин олиб келган эдим-ку! С. Кароматов, Олтин қум. Барака топкурни қаранг, тақсир.. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Найрангбозликни қара, эви билан бўлади-да! Ойбек, Танланган асарлар.

17 (1-ва 3-ш. шарт майли шаклида – қарасам, қараса) «Эътибор берсам», «диққат қилсам» маъносини билдиради. Бир маҳал қарасам, темир йўлда кетаяпман. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Шунақа қилиб, қарасак, элиқбоши қўймайдиган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Жонфигон унинг ўқишига «нотавон кўнгул.. орзуга айб ўўқ» деган назар билан қараб юрар экан, бир вақт қарасаки, Малоҳат курсни битириб, грузовой [юк машинаси] миниб юрибди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

18 кўм. фл. өзф. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг синаб кўриш, билиш, тажриба, синовдан ўтказиш ҳаракати эканини билдиради. Табиб.. товоқдаги қусуқни ҳидлаб қаради.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўрмонжон бу йилларни суриштириб қараса, тошқин тахминан ҳар ўн-ўн икки йилда бир мартаба бўлар экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳушёр пайтларида у ўзининг аҳолини ўйлаб қарар, назарида, даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Ер остидан (ёки тагидан) қарамоқ Юзини ерга қаратган ҳолда қарамоқ. Унинг олдидаги ҳаммол, ёмон назар билан ер остидан қараб, юзини тескари бурди. Ойбек, Танланган асарлар. Ерга қарамоқ Ноқулай, хижолатли ҳолга тушмоқ. ..битта-яримта эшитгудек бўлса, биз ерга қарарлик бўлмайлик, ўлтиришинг катта илтимоси сиздан – шу! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўзингга қара қ. кўз 3. Ола қарамоқ қ. ола. Оғзига қарамоқ қ. оғиз. Тик қарамоқ Тап тортмай, дадил юзланмоқ, қарамоқ. Дилфуза салом ҳам бермай, унинг кўзига тик қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. ..умрида биринчи марта эрига тик қараб: -Ким сизни тушунган одам дейди! – деди. Мирмуҳсин, Топилган хусн. Қараб тур Дўқ-пўписа, жазолаш ҳақидаги таъкидний бил-

диради. Қараб тур, даданг келсин! Шундай танобингни торттирайки.. Н. Сафаров, Оловли излар. Маҳалладагилардан бирига: -Ҳали қараб турсин! – деди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Қараб турмоқ 1) кўз-қулоқ бўлиб, назорат қилиб турмоқ. Мен бозорга бориб келгунча, болаларимга қараб туринг, кўшини; 2) кутмоқ, кутиб турмоқ. Пулингиз ўўқ бўлса, нега неварангизни пул топгунча кўймай, қараб турмадингиз. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси; 3) фаолиятсиз, ҳеч қандай муносабатсиз ҳолда бўлмоқ. -Она шўрлик боласи учун ўзини утга ташлайди. Мен ҳам қараб турмайман, – деди Фуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Олимжон ака, сиз чора кўраверинг, қараб турманг. Ойбек, Танланган асарлар. Подшоҳ бизнинг дўстларимизни ўққа тутса ҳам, қараб тура берамизми? «Ёшлик».

ҚАРАМОҒ Тарбия, боқиш, тасарруф ва ш.к. жиҳатдан мансублик, ихтиёрида бўлиш, қарамлик. Ун ёшимгача онамнинг қарамоғида тарбияландим. ■ Азизбек Туркистон хонлигининг энг золим.. бекларидан ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага дoston. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эшмат ака.. қарамоғидаги болалари тўғрисида справка келса, уйга қайтаришлари лозимлигини ёзарди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ҚАРАНМОҚ 1 Қарамоқ 1 фл. ўзл. н.

2 Қарамоқ, боқмоқ; синчиклаб қараб чиқмоқ. [Отабек] Жавоб ўрнига ҳовли томонга қаранди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гулчеҳра худди уйқудан бош кўтарган киши каби атрофга қаранди-да.. ташқарига отилди. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

ҚАРАТА кўм. (ж. к. билан) 1 Қаратиб, тўғрилаб, йўналтириб. Канални бўйлаб ўтган кўчанинг кун юриш томонига паркка қарата солинган.. клуб одамга лиқ тўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. ..миномётчиларимиз ҳам душман марралари ва ўт очини нуқталарига қарата ўт очди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Кимсани кўзда тутиб ёки унга атаб, мурожаат қилиб. Сизга қарата айтилган гап. ■ Полковник.. ҳаммага қарата нутқ сўзлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАРАТИЛМОҚ Қаратмоқ фл. мажҳ. н. Ҳамманинг диққати бир масалага қаратилган. ■ У [Мирзакаримбой] боғнинг таш-

қарига қаратилган эшигига кирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРАТМОҚ I Қарамоқ фл. орт. н. Уҳам-мани ўзи томонга қаратди. Бемор вақтида докторга қаратмади. Шимолга қаратиб солинган айвон.

2 Жалб этмоқ, тортмоқ. Мағрузачи ҳам-манинг диққатини бир масалага қаратди. ■ У биров билан шахмат ўйнар ва айни вақтда йигирмага яқин одамни оғзига қаратиб, кулдириб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Кушқон.

Ўзига қаратмоқ 1) кимсани ўзига қарашга мажбур қилмоқ, эътиборни тортмоқ. Бу чечак қирлари ўз бағрида борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ўзига оғдирмоқ, ўзига мойил, тарафдор қилиб олмақ ёки бўйсундирмоқ. Уҳаммани ўзига қаратиб олди; 3) ўзиники қилиб эгаллаб олмақ, ўзлаштирмоқ. Соддадил одамларнинг ҳовли-жойларини ўзига қаратиш сингари ҳаром ишларнинг пири эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРАТҚИ шв. Қўриқчи (экинларга зарар етказувчи жониворларни қўрқитиш, ҳайдаш учун, баъзан кишиларни чалғитиш, алдаш мақсадида қўлланади). Назарҳожиди қаратқиди миндирилган отларни баланд тепаликда қолдириб, ўзи жанг майдонига келди. Э. Самандар, Тангри қудуги.

ҚАРАТҚИЧ тлш. Қаратиш йўли билан аниқлаб келиб, киши ёки нарсаларнинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини кўрсатувчи сўз шакли, сўз бирикмасининг шундай қисми. Мас., Менинг китобим бирикмасидаги менинг сўзи.

Қаратқич келишиги Қаралмишдан англашилган нарсанинг шу келишикдаги сўз англаган предметга қарашли эканини, хослигини ифодаловчи келишик. Бу келишикнинг қўшимчаси билан шаклланади. Шу куннинг вазифалари. Олимларнинг изланишлари.

ҚАРАШ I Қарамоқ фл. ҳар. н. Тикилиб қараш. Хўмрайиб қараш. Кулиб қараш. ■ Қиладиган ишим — отларга қараш, кечқурунлари ҳалиги икки қизни отлиқ саёҳат қилдириш. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қўз ташлаш, боқиш йўсини; назар, нигоҳ. Аёлниг шу биргина қарашиди Низо-

миддиновнинг ҳаётини таҳликага солиб қўйди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Бирор тарздаги, бирор маъноли нигоҳ, боқиш. Ёя қараш. Ит қараш. ■ Назаров, эшитдингизми, дегандай қараш қилди. Назаровнинг шу боқиши Шербекка оғир ботди. С. Анорбоев, Оқсой. Латифий Элмуродга ит қараш қилгани ҳолда, унинг олдидан узоқлашди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қосим отанинг диққати ошиб, йигитга настандан қуш қараш қилди. «Муштум».

4 Факт ва ҳодисаларни тушуниш системаси; нуқтаи назар. Турли сиёсий қарашлар. Тил ва тафаккур муаммоларига оид қарашлар. ■ ..инсон улғайиб боргани сари унинг ҳаёт, дунё ҳақидаги қарашлари ҳам.. ўзгариб бораверади. Газетадан.

ҚАРАШЛИ I Бошқарувида, тасарруфида бўлган; бўйсунадиган. Маданият вазирлигига қарашли муассасалар. Олий таълим вазирлигига қарашли уқув юртлари. ■ Набиев марказ йўлланмаси билан бизнинг бошқармага қарашли.. янги очилган шахтага ўтган экан. Файратий, Узоқдаги ёр.

2 Бирор худудий бутунлик таркибига кирувчи, унинг таркибидаги. Қўшни вилоятга қарашли ерлар. ■ Капсанчилар қишлоғига қарашли Қўғазор маҳалласида турувчи Муҳиддин Муҳаммадсолиҳ ўғли.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бирор гуруҳ, оила ва ш.к. таркибидаги, унга оид. Ўзимизга қарашли йигитлар, бирортасига айтаммиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Унга қарашли икки муттаҳам йигит кеча кеч Салимнинг кўмаги билан қизни.. қулайгина ўғирлаб чиқди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Муайян кимсаники бўлган, унга тегишли. ..бу йил баҳорда устига янги шийпон қилинган эскигина бир уй Мирзакаримбойга қарашли бўлиб.. Ойбек, Танланган асарлар. Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 кам қўл. Тааллуқли, оид. Мамажон ялқовнинг кундалик дафтариди турли йилларга қарашли бир неча саҳифаларни ялқовнинг ўз дастхати, ўз оғзи билан айтмоқчи бўламан. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

ҚАРАШМОҚ I Қарамоқ фл. бирг. н. Болалар ялт этиб Фуломжонга қарашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қизлар бир-бири-

га қарашиб олдилар. Ойдин, Юрагида ўти бор.

2 Ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ. Қизча онасининг ишларига қараша бошлади. ■ Оқжарда олимларга қарашиб юрганини била туриб, унинг кўзини шамғалат қилиб, қизга ишқибозлик қилишади-я, тавба. М. Мансуров, Ёмби. *Бой ота, менга ҳам бир нуд уруғликдан қарашиб турсангиз, савоб бўларди.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

ҚАРАҒАЙ, қора қарағай Игнабаргли, майда тўнгиз ёнғоғи бўладиган, тик, доимо яшил дарахт. *Қарағай ёғоч. Қарағай тахта.* ■ *..қопчигининг оғзини очиб, хатларни қарағай тагига ағдарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Аканг қарағай с.т. Ўз ёки ўзга шахсини бўрттириб кўрсатиш, юқорилаш учун ишлатилдиган ибора. *Аканг қарағай ошни қийиб юбораман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. «Аканг қарағай Гулмат» (А. Обиджон асари).

ҚАРАҒАЙЗОР Қарағайлар билан банд бўлган жой, ер. *Аэродром шу ердан уч юз қадамча нарида, қарағайзор ўртасидаги сайҳонликда.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ҚАРДОШ 1 Дўстлик, биродарлик алоқлари билан боғланган, бир-бирига жуда яқин; дўст, биродар. *Қардош халқлар.* ■ *Келар дўстлар, қардошлар Марказий Фарғонага.* А. Пўлат. *Усмон Серивелли шеърларида дўстимиз, қардошимиз озарбайжон халқининг бахтиёр қалби жаранглар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Қариндош, қариндош-уруғ. *Акам сутэмар бола вақтда онам касал бўлгани учун, Эргашнинг онаси акамни эмизган, у бизга сут қардош эди.* С. Айний. Эсдаликлар. *Оғани, қардошимдан — Барчасидан жуда бўлдим.* «Равшан».

3 Ўзига тенг кишига мурожаат шакли; ошна, оғайни, биродар, ўртоқ. *Юрагингда нима дард бор, қардош?* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚАРДОШЛАРЧА *рвн.* Дўстона, биродарларча. *Қардошларча салом. Қардошларча ҳамкорлик.* ■ [Аҳмадқул] *Оддий деҳқонлар билан қардошларча суҳбатдош бўлади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАРДОШЛИК Қардошларга хос ҳолат, муносабат. *Дўстлик, қардошлик, биродарлик биз этиб келган порлоқ манзилларнинг, юк-*

сак довларнинг тамал тоши бўлиб қолди. Ҳ. Ёлгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда адабиёт — китоб айниқса муҳим роль ўйнайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАРЗ [а. *قرض* — қарз; насия] 1 Маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса (пул, буюм, галла ва ш. к.). *Қарз(га) олмоқ. Қарз кўтармоқ. Қарз(га) бермоқ. Қарзни тўламоқ. Қарздан қутулмоқ. Мен сиздан юз сўм қарзман.* ■ *Афандининг бир баққолдан элик уч танга қарзи бор эди.* «Латифалар».

2 Ишлатганлик, фойдаланганлик учун тўланадиган нарса (асосан пул). *Тўлов қарзлари. Солиқ қарзлари.*

3 *кўчма* Кимсанинг зиммасидаги вазифа, мажбурият, бурч. *Ёшнинг ҳурмати — қарз, Қарининг ҳурмати — фарз.* Мақол. ■ *Ўғил онасидан қарзин узгандай, Тоғ ҳам оқлаёттир она сутини.* «Гулдаста». *Адабиёт ва санъат арбобларининг талабчан китобхонлар ва томошабинлар олдига ҳали қарзи кўп.* Газетадан.

Қарзга ботмоқ Зиммасидаги қарзи жуда ҳам кўпаймоқ, кўп бўлмоқ. *Кечагина кимсан — Шомурод бойваччанинг ўғлиман, деб керилиб юрган Нормурод қулоғигача қарзга ботиб, кафангадо бир йигитга айланди-қолди.* О. Ёкубов, Диёнат. **Қарзи қиёмат, қиёмат қарзи ёки қиёмати қарз** Тирикликда тўланиши ёки адо этилиши шарт бўлган қарз. **Қарзи ҳасана қ. ҳасана.** Ҳам фарз, ҳам қарз Албатта қилиниши, бажарилиши шарт, деган маънодаги ибора. *Ҳазили йўқ. Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 *кўчма* Адо этилиши, бажарилиши шарт бўлган иш, вазифа. *..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан қарзи борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сен ҳумпарни қанча сўксам, яна бўйнимда қарз қолади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРЗДОР [а. + ф. *قرضدار* — қарзи бор, қарзли] 1 Зиммасида қарзи бор (шахс). *Афанди бир судхўрдан қарздор эди.* «Латифалар». *Хўп, бу нарсаларни олсак, сиздан неча пул қарздор бўламиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Маҳалла одамларидан бир камбағал биздан қарздор эди, уч юз сўмга яқин..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Бировнинг яхшилиги, хизмати ёки, умуман, ким (лар)дир олдида бурчли; бурчли бўлган шахс. *Пулатжон акамлар. бизни мактабда ўқитганлар. У кишидан умр бўйи қарздормиз. Мирмуҳсин, Умид. Ижодий ходимлар ўқитувчилар олдида қарздордир.* Газетадан.

ҚАРЗ-ҚАВОЛА [қарз + *ا. قباله* — кафолат, жавобгарлик; шартнома] Ёрдам тариқасида олинган қарз, қарз-қурз. *Боёқиш Дўсанов қарз-қавола қилиб, инспекторга минг сўм тўғрида берди.* «Муштум».

ҚАРЗ-ҚУРЗ [қарз + *ا. قروض* — «қарз» с.нинг кўпл.] Ундан-бундан олинган қарз; ҳар хил майда-чуйда қарзлар. *Қарз-қурз билан амал-тақал қилиб, чит, тик, тринка олади.* Ойбек, Болалик.

ҚАРИ I I Анча ёшга борган, қартайган; кекса. *Қари киши. Қари от. Қари тол. Ёшу қари(лар). Қари билганини пари билмас.* Мақол. ■ *Қари ҳам, ёш ҳам унинг олдида одоб сақлаётгандек, аскияга ортиқ оғиз очмади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

Кекса қари Катта одамлардек фикр юритувчи бола, маҳмадона. **Қари қиз** Эрга чиқмасдан ёши улғайиб, ўтириб қолган қиз. *Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари, катта ишонч ва зўр мамнуният билан гапириши унча ботмади, шунинг учун эрдан қолган қари қиз бўлса керак, деган хаёлга борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 кўча Узоқ ўтмишга эга. *Етиб келар муздай шабада. Қари тоғнинг хўрсиниқлари.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Ёзди қари тарих саҳифасига Тарихни титратган бир сўз — ларзакор.* Миртемир.

ҚАРИ II тар. Ўрта Осийнинг турли худудларида турлича миқдорни ифодалаган, ип, ипакаан тайёрланган газламаларни, баъзан масофани ўлчаш учун қўлланган узунлик ўлчови бирлиги: Хоразмда 149 см га, Тошкентда 189 см га, Фарғонада 164 см га, Бухорода 320 см га тенг бўлган. *Иштонсизнинг тушига икки қари бўз кирибди.* Матал. ■ *Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси, Шундоқ қалмоқ айланади майдонда.* «Алпомиш».

ҚАРИЙБ [*ا. قرييب* — яқин, яқиндаги; қариндош] *рвш.* Тахминан, деярли, яқин. *Қарийб бир километрча масофа.* ■ *Танк қирқэлик метр яқин келганда, Аҳмаджон ўша чакалакзордан чиққан қарийб бир рота не-*

мис пиёда аскарини кўриб қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *У қарийб доимо хушсиз ётар, ҳеч бир нарса емас; фақат гоҳ-гоҳ сув сўраб ичарди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Троллейбус қарийб бўш бўлгани учун, Аъзамжонни бемалол саволга тутди.* А. Обиджон, Аканг қарагай Гулмат.

ҚАРИЛИК Қари эканлик. *Унинг қарилги билинмайди.* ■ *Жоним бобо, қарилгинг хурмати, Кўя бергин энди отнинг жиловин.* «Рустамхон».

2 Организм ҳаётининг ёшга боғлиқ муайян бир даври; умрнинг сўнги, ёши қайтган ҳолати, даври; кексалик. *Қарилликни донолик безайди.* ■ *«Тик» этса, бирор хушxabар кутиш, ҳамеухбат ёки соғинган киши кириб келармикан, дея кўз тикишдек қарилликка хос одат атада ҳам мужассам эди.* «Муштум».

ҚАРИЛЛАМОҚ «Қарр» этган товуш чиқармоқ, «қарр-қарр» сайрамоқ. *Қаердадир қизилиштон қариллади, попишак «пу-пу-пупиш» деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРИМОҚ I Ёши улғайиб, қариллик даврига ўтмоқ; кексаймоқ, қартаймоқ. *Қариган хотин. Қариган дарахт. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса — қариганини.* Мақол. ■ *-Сиз нечага кирдингиз? -Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қариб қолишган, оғир мусибатни кўтариша олмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Жисмонан қариллик даврига хос ҳолатга тушмоқ. *Ҳадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қалб кўрини эл хизматида бахшида қилган, юртини яшнатиб-яшартирган киши қаримайди.* Газетадан.

3 кўча Эскириб, ўз умрини тугатмоқ, тугатиш босқичига ўтмоқ. *Асрлардан асрларга улашган Асл санъат қаримайди.* Қ. Муҳаммадий.

4 кўча Ҳазон бўлмоқ, сўлмоқ. *Боғимизга зоғу хазон доримасин, Гул ила гулзоримиз қаримасин.* Уйғун.

5 кўча Ўз муддатининг тугаш палласига ўтмоқ, тугаш жараёнида бўлмоқ. *-Баҳорнинг дараги бу, — деди Унсин майин оҳангда осмонга қараб, — қиш қариб қолди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Хувуллаган сариқ водий-*

да Қариган куз ётади беҳол. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

Сафар қариди 1) маълум жойда ёки сафарда бўлиш муддати тугади, қайтиш вақти келди. *Сафар қариди. Фуломжон ака юртини шунчалик соғинган эдики, ҳар эслганда, юрак-бағри эзилиб кетарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон;* 2) умри оз қолди, ўлимига яқин қолди. *Маъмура синглим, менга олам уйдан жой қолмади, сафарим қариди, муддатим битди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

ҚАРИМСИҚ Қарига ўхшаб кўринадиган, қарилик белгилари акс этган (асосан юз ҳақида). *Унинг қаримсиқ ва сўниқ.. тиришиб кетган юзида ачиниш ифодаси зоҳир бўлди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Шунинг учун башарасини ҳалитдан ажин босиб, қаримсиқ бўлиб кетган. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

ҚАРИМТА 1 Бирор нарса ўрнига, балалига бўладиган (қайтадиган) нарса; қайтим, эваз. *Қиш шароитида йирик бетон ишлари икки ойга тўхтатилади. Аммо март ойининг ўзидаёқ қаримтаси қайтади. А. Мухтор, Туғилиш.*

2 Қасос, интиқом, ўч.

Қаримтаси қайтди 1) яхшилик қайтди; 2) қилмишига яраша жазосини тортди, қасос қайтди.

ҚАРИМТАЛИ: қаримтали дунё айн. қасосли (ёки қайтар) дунё қ. қасосли. *Қаримтали дунё. Қариганимизда, Асқаржон ҳам бизларни яккалаб қўйса, нима қиламиз. А. Исомиддинов, Гулдаста. Қаримтали дунёни қаранг, кулганим ҳам йўқ эди-ю, қирқ кун тугул, қирқ соат ҳам ўтмай, ўзимнинг бошимга тушиб турса-я. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

ҚАРИНДОШ 1 Бир авлод-аждодга мансуб бўлган кишилар, ота ва она томонидан бўлган шахслар (бири бошқасига нисбатан). *Ота томондан қариндош. Она томондан қариндош. Узоқ қариндош. Яқин қариндош. Чатишган қариндош. Қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши. Мақол. ■ Туй, маърака — барисига аралашаман. Меҳмонларини ҳам, қариндошларини ҳам танийман. Ойбек, Танланган асарлар. Аввал кўни-кўшнлар, кейин узоқ-яқин қариндошлар етиб келишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Келиб чиқиш манбаи бир бўлган, бирибирига яқин. *Турк ва мўғул тиллари қариндош тиллар эканлигини баъзи мутахассислар.. исботламоқчи бўладилар. Газетадан.*

ҚАРИНДОШЛИК 1 Қариндош эканлик. *Она томондан қариндошлик. Кўшнимизга қариндошлигини биламан.*

2 Қариндошларга хос боғланиш, муносабат; инсонлар ўртасида қон жиҳатдан боғланиш. *Тожибой гўлдираб, жавоб берди: -Олахўжа махсум менинг тоғам бўлади. Илғари қариндошлик йўли билан унча-мунча борди-келдим бор эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 айн. қариндошчилик 1. *Эринга айтиб қўй: қариндошчилик қилмаганимда, ҳаммаларинг ётардиларинг.. ётадиган жойларингда. Т. Малик, Ажаб дунё.*

ҚАРИНДОШ-УРУҒ Узоқ-яқин қариндошлар, хеш-ақраболар, уруғлар. *Қариндош-уруғи кўп одам. ■ Эралининг ҳам қариндош-уруғлари ташвишда эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ҚАРИНДОШЧИЛИК 1 Қариндошлик муносабатлари; қариндошларнинг бирибирига оқибати. *Шу кўрдан нима қариндошчилик чиқар эди. «Гўрўғли». Қани энди шунақа қариндошчилик кўпроқ бўлса. «Муштум».*

2 айн. қариндошлик 1. *Унинг гапи ғирт ёлғон.. менинг унга ҳеч қандай қариндошчилигим йўқ. «Муштум».*

ҚАРИЧ Ёзилган панжанинг бош бармоғи учидан жимжилоқнинг учигача бўлган масофа; шу масофага тенг эски узунлик ўлчови. *Киприк улай қаричдай.. Э. Охунова. Тоғдан эсган шабада ердан бир ярим қарич кўтарилган ғўзаларнинг баргларини шивирлатди. П. Турсун, Ўқитувчи. Саидий.. Салимхоннинг ўзидан бир қарич нарига жилишини хоҳламайди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

Бир қарич Баъзи сўзлар билан қўлланиб, белги, ҳолатни кучайтиради. *Шу қизни бир қаричлигидан тарбиялаб, едириб, кийдириб, мана вояга етказдим. Н. Сафаров, Оловли излар. Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронман. Ойбек, Танланган асарлар. [Кумуш] Зайнабнинг бир қарич осилиб кетган қовоқ-дудоғига истеҳзоланиб, томоша қилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тили бир қарич Тили узун, оғзи ботир, гап билан мақтанадиган. Ҳой, ўғлим! Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин нега ти-*

лингни бир қарич қиласан? Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Тили бир қарич бўлиб, «ундоқ қилдим, мундоқ қилдим», дея кўкрагига уради. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚАРИЧЛАМОҚ Қарич билан ўлчамоқ. ..у тўсинларни бирма-бир қаричлаб ўлчаб чиқди. Т. Алимов, Жоним ҳўқилдоғимга келди.

ҚАРИШ Ёш улғая бориши билан организмнинг аъзо ва системаларида пайдо бўладиган салбий ўзгаришлар. Улар организмнинг ҳаётга мослашув имкониятларининг сусайишига, қаришига олиб келади. Газетадан.

ҚАРИШҚУЛ с. т. Бўри, қашқир.

ҚАРИЯ Қари(ган) киши; кекса, мўйсафил, чол. Нуруний қариялар. Қариялар чойхонаси. ■ Қариялар дастурхонга фотиҳа ўқишгач, ҳамма ўрнидан турди. С. Аҳмад, Уфқ. - Тағин нима бўлди, қария? — ҳар нарса-ни лўнда қилиб гапиришини севган Қоратой чидамсизлик билан сўради. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРИ-ҚАРТАНГ Турли ёшдаги қариялар, чоллар, кекса одамлар. Катта сув бўйига қурилган чойхонадаги қари-қартанг ҳам.. ашула тингламоқда. С. Азимов, Оплоқ тонг кўшиғи.

ҚАРИҚИЗ I бот. Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, зах ва соя ерларда, йўл ёқаларида ўсадиган икки йиллик бегона ўт (халқ табобатида ва чорвачиликда ишлатилади).

ҚАРИҚИЗ II бот. Қора тусли, бўртма йўллари бор, чўзинчоқроқ, кам этли кузги қовун. Қовун-тарвуз растасидаги бир сотувчи.. хариддорга қариқизни мақтар эди. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚАРЛУҚЛАР Ўзбек халқи таркибига кирган, тарихан уч қабиладан ташкил топган этник уюшма.

ҚАРМАМОҚ шв. Қамрамоқ, ўраб олмоқ. Мард Ҳасаннинг гирдини Қармаб олаёттирди. «Равшан».

ҚАРМОҚ I Балиқ овлаш учун ипга боғлаб, сувга ташланадиган ўткир учли махсус илгак; учига шундай илгакли ип боғланган узун таёқ шаклидаги балиқ овлаш асбоби. Ерни қазимасанг, олтин чиқмас, Қармоқ солмасанг, балиқ чиқмас. Мақол. ■ Қодир балиқни қармоқдан чиқариб, майса устига ташлади. Э. Усмонов, Ёлқин.

2 кўчма Бирор киши ёки нарсани қўлга олиш, илантириш учун ишлатиладиган

восита, тадбир, макр ва ш.к.; тузоқ, дом. Бировнинг қармоғига илинмоқ (тушмоқ). ■ Пайғамов Нусратбекнинг боши айланиб, тили каловланаётганини сизди, қармоқ ташлаб кўрди. С. Нуоров, Нарвон. Тўсатдан оилада совуқлик пайдо бўлиб қолди. Бунда ё хотинга бирор бошқа эркак қармоқ кўйди, ё эрга бошқа хотин қўл узатди. Газетадан.

ҚАРО эск. кт. Қора. |Мансур:| Пирим, афв айлангиз бахти қарони, ўарибу хастадил мотамсарони. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ҚАРОБАТ [а. قرابت — яқинлик, қариндошлик; тахминийлик] эск. кт. Яқинлик, қариндошлик. Вазир аъзам ҳазратларига қаробатим бор. Ойбек, Навоий. Аммо у, хонга қаробат ҳосил қилиш учун астаҳидил [астойдил] Анварнинг қасдига тушганки, бунда шубҳа йўқ. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАРОВ кам қўлл. **1 Қарамоқ** фл. ҳар. н.

2 Назорат, текширув. У ҳозир ҳам врачнинг қаровида. ■ [Тракторларни] Ремонтдан чиқариб, техник қаровдан ўтказиб, тайёргарлик чизигига қўйганмиз. Газетадан. Тиббий қаров ўтказилганда, уларнинг бз нафарида таносил касалликлари борлиги аниқланди. Газетадан.

ҚАРОВСИЗ Қарамай, парвариш қилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган; боқимсиз, ташландиқ. Қаровсиз экин. Қаровсиз ер. ■ У [Эргаш] ҳовли-жойнинг бу хилда қаровсиз ётишига бир кун ҳам чидаёлмас эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қаровсиз узумларга ёппасига кул тушган эди. А. Мухтор, Чинор.

ҚАРОВСИЗЛИК Қаровсиз ҳолат, қарамай ташлаб қўйилганлик. Маккажўхоримиз қаровсизликдан ёзнинг жазирама иссиғида қовжираб кетибди. «Муштум». Қаровсизликдан занг босган, сўлоғи ўйнаб ётган машиналар.. «Муштум».

ҚАРОЛ тар. I айн. қул I.

2 Хизматкор; батрак. Ерлари бойга ўтиб кетган камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги шу бойнинг эшигида қарол бўлиб қолаверар эканлар. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда. Қандай қилиб Олахўжабой билан унинг жабр-зулмини кўрган собиқ қарол Абдурасулнинг дили бир бўлсин? П. Турсун, Ўқитувчи. Қарол, келишувга биноан, хўжаликда молларга қараш, юк ташиш, далага ўғит чиқариш, сув келтириш, ўтин тайёрлаш, қор кураш каби бир

қатор юмушларни бажарган. «Фан ва турмуш».

ҚАРОЛЛИК Қарол хизмати, вазифаси, иши. *Қароллик унинг жонига теккан эди. ■ Рўзиматнинг отаси.. Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди. Туйғун, Шoir ҳақида ҳақиқатлар.*

ҚАРОР [a. قرار — тўхтам, ҳукм, хулоса; туб, асос; тинчлик, ором; манзилгоҳ, тураржой] **1** Бирор иш, масала ва ш. к. юзасидан қабул қилинган хулоса; амалга ошириш лозим топилган қатъий фикр; аҳд, тўхтам. *Аёлниг истаги зўр, қарори қатъий эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. [Ҳасанали:] Мен сизни қутидорнинг қизига уйлантиришга қарор қилиб, қароримни букун кечаси Зиё шоҳичи билан амалга оширдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Қарор бермоқ кам қўлл. айн. **қарор қилмоқ**. *Кўп уйлаш натижасида.. Пошша ҳам ўз қарорини бериб, дарҳол ишга киришган эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Мен ўз жоним учун сенинг ҳаётингни қурбон қилмасликка қарор бердим. К. Яшин, Ҳамза. Қарор қилмоқ* Маълум (ёки қатъий) фикрга (тўхтамга) келмоқ. *Нури фурсатни қочирмаслик учун ҳийлани ишлатишга қарор қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Шароф Рашидов Мирзачўлда бўлганида, қашқадарёлик чўлқуварларни зиёрат қилиб ўтишга қарор қилди. Газетадан. Қарорга келмоқ* Бирор фикр, тўхтамга келмоқ, қарор қилмоқ. *У Аваздан ҳар не кутган, аммо бунчалик қарорга келар, деб ўйламаган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Расмий орган, ташкилот, мажлис, мансабдор шахс ва ш.к. нинг бирор иш, масала юзасидан бамаслаҳат қабул қилган тўхтама, ҳукми. *Транспорт бўйича қабул қилинган барча қарорлар ҳаракатдаги саставлардан тўла ва яхши фойдаланишга қаратилган. Газетадан. ..пахтага бормаган бир болани.. институтдан ҳайдашга қарор чиқаришган.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Қарорнинг лойиҳаси ҳам бор. Ж. Шарипов, Хоразм.*

3 Осойишта, безовта бўлмаган ҳол, осойишталик; ором. *Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳар дам куярман, ёдимга тушсанг, Бир кўрмагунча йўқдир қарорим. Муқимий.*

Қарор топмоқ **1)** тинчимоқ, ором топмоқ. *Сиз каби нодир шахсни амирлик рутбаи олийси билан сарафроз қилмагунча, кўнглимиз қарор топмас. Ойбек, Навоий; 2) ўрнашмоқ, ўрин олмоқ. *Турмушлари яхши бўлган жойларда эса қарор топиб қолаверганлар. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди. Ойбек, Навоий; 3) юзага чиқмоқ (келмоқ), амалга ошмоқ. *Санъатда миллий шакл тарихан қарор топди.. Газетадан. Кўп ўтмай даштда ҳам янги-ча тартиблар қарор топа бошлади. Газетадан. Қарори йўқ **1)** тинчи-ҳаловати йўқ. *Қарорим йўқ борай десам..; 2)* сабр-тоқати йўқ; беқарор; **3)** бир иш ёки жойда кўним билмайдиган; беқарор; **4)** гап-ваъдасида тайинсиз; субутсиз, тутуриги йўқ.***

4 кт. *Тураржой, тўхтайдиган жой. Ҳали мунда не манзилда қароринг? Мусофир меҳмоним, қайдан бўласан? «Равшан».*

ҚАРОРБОЗЛИК Бўлар-бўлмас қарорлар чиқариш, қабул қилиш ишларига зўр бериш. *Мажлисбозлик, қарорбозлик ҳам барҳам топди. «Муштум».*

ҚАРОРГОҲ [a. + ф. قرارگاه — манзилгоҳ, ўрнашган жой, макон] **1** Вақтинча истиқомат қилиш ёки кўниш жойи. *Чўпонлар қароргоҳи. ■ Шаҳрисабз узоқ ўтмишда савдо карвонларининг сеvimли қароргоҳи бўлганлиги тарихдан маълум. Газетадан.*

2 Умуман, яшаш жойи; маскан. *Шанба кунларининг бирида эшон қароргоҳи одатдагидек гавжум бўлди. Ё. Шукуров, Қасос. Зумрад ўзи ўсган маскани билан видолашаётган кимсадек, хароб қароргоҳ олдида бир нафас бош эгиб турди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

3 Давлат бошлиғи, ҳукумат ёки бирор давлат арбобининг доимий ёки вақтинча турадиган жойи, саройи. *Жунаидхондан чопар келиши амримахол, унинг ҳам тайин қароргоҳи йўқ. Ж. Шарипов, Хоразм. Хон урушни тезроқ бошлашининг чорасини излаб, Бобур қароргоҳида мунажжимлик қилиб юрган яширин кишисига хабар юборди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ҚАРОРСИЗ айн. **беқарор**. *Қарорсиз одам. ■ Йўл жимжит, фақат тўполончи шамолчангни тўзитиб, қарорсиз елади. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

ҚАРОРСИЗЛАНМОҚ Қарорини, оромини йўқотмоқ, беқарор, бетоқат бўлмоқ.

[Нури] Юрагига тиркаган кечинмалари, сирли умидлари билан қарорсизланган, маст бўлган каби, ҳовлида кезди, ошхонага кирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРОҚЧИ эск. Йўлтўсар, босқинчи (одатда тўда, гуруҳ бўлиб юрадиган босқинчи, ўғрилар ҳақида). *Ривоятларга кўра, қароқчилар тўдаси шу атрофга ўрнашиб олиб, карвонларга ҳужум қиларкан. Газетадан. -Дод! Войдод! Қароқчилар босди!!* — до-вон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Етти қароқчи айн. Етти оғайни қ. етти. **Кичик етти қароқчи айн.** Кичик етти оғайни қ. етти.

ҚАРОҚЧИЛИК 1 Қароқчи иши; босқинчилик. *Тирикчиликнинг осон йўли қароқчилик деб билган Дурди.. деҳқончилигини йиғиштириб қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм. -Бу ўғрилиқкина эмас, қароқчилик, кундузлай халқнинг кўзи олдига йўлбосарлик, — деди Ҳайдар. С. Айний, Қуллар.*

2 ҳуқ. Очиқ денгизда савдо ёки фуқаро кемаларини ҳусусий ёки давлат кемалари томонидан гайриқонуний равишда эгаллаш, талон-торож қилиш ёки чўктириш.

ҚАРОҒ 1 эск. Кўз қорачиғи: кўз. Ёки асил инжу бўлиб кўзинг уйнатолсам, Қаратолсам қора чўғдай қароғинг. Миртемир. *Тўйиб боққил бу юрт ҳуснигақим Кўнелинени чоғ этгин, Ватан ҳар зарра тупроғин Кўзингга сен қароғ этгин. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Ўғли вужудига жамланган завқ-шавқ, қароғларидан ёғлаётган нозиккина туйғунлик.. бор эди. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.*

2 (1-ш. эгалик шаклида — қароғим) Ўзидан ёш шахсга мурожаатда яқин муносабатни билдириш учун қўлланади; нури дийдам, чироғим. *Сенга қийин.. Аммо бошқаларга ҳам осон эмас, қароғим. О. Ёқубов, Ларза. Тила тилагингни, қароғим, деди, Камали эҳтиром билан Орзу. Т. Тўла.*

ҚАРР тақл. с. Қарға ва баъзи бошқа қушларнинг товушини билдиради. *Зерикдими, нега «қарр, қарр» Демайди қарға, қаранг. Ф. Фулом.*

ҚАРС 1 тақл. с. Нарсаларнинг бир-бирига қаттиқ урилишидан, синишидан ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *У тишида қарс этиб ёнғоқ чақди. Шиша қарс этиб ёрилиб кетди. Қарс этган милтиқ овози эшитилди. ■ Мадаминҳўжа дастурхон*

солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскетдини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. От олдинга интилди, тириштириша аравани кўприкка олиб чиқди. Лекин шу онда нимадир «қарс» этди. Ойбек, Танланган асарлар. Раис ўрнидан туриб, шофёрни чақирди, кўк «Волга»га ўтириб.. эшигини қарс бекитди-да, «кетдик», деди шофёрга. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

2 Қарсак, чапак. *Қарс урмоқ. ■ Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс — чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди. Ойбек, Қуёш қораймас. Кишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқириб, оғиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай, ўйинни давом эттираман. А. Қодирий, Жинлар базми.*

Қарс икки қўлдан чиқади айн. **қарсак** икки қўлдан чиқади қ. **қарсак.** *Баробар учинг, фақат баробар учсангизгина, муҳаббат сизга қанот. Қанот жуфт бўлади, қарс икки қўлдан чиқади. А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади.*

ҚАРСАК айн. чапак. *Қарсак чалмоқ. Қарсак урмоқ. Давомли гулдурос қарсақлар. ■ Оломоннинг қарсағи остида Нарзи тоға дастурхон кўтариб, вагонга чиқиб борди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Зални гурр қарсак босди, ҳамма ўрнидан турди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

Қарсак икки қўлдан чиқади Икки томонга дахлдор иш иккала томоннинг ҳаракати билан бўлади. *Халқ қараб турмаса, мен ҳам қараб турмайман. Қарсак, албатта, икки қўлдан чиқади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қарсак чалмоқ (ёки урмоқ) Олқишламоқ, табрикламоқ; маъқуллаш, қойил қолиш, тан беришни чапак билан изҳор қилмоқ. Ҳамон Ота писмчи қўшиқ айтиб ўйнар, Балалар қарсак чалиб кулишарди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Йиғилганлар бир неча дақиқа, саҳнадаги нарсаларга маҳлиё бўлиб қолгандай, жимгина ўтирдилар, ногаҳон қарсак уриб юбордилар. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Бу қарорни маъқуллаб мажлис, Тикка туриб қарсак чалади. Э. Раҳим.*

ҚАРСАКБОЗЛИК Ҳадеб, берилиб, давомли, такрор-такрор қарсак чалиш; чапакбозлик. *Ашула тугар-тугамас, қарсакбозлик бошланиб кетди. ■ Зойиржон чап*

қўлини орқа белидан ўтказганча, ўнг қўли билан қошини чимчилаб, «Андижон полкаси»га шундай муқом қилиб ўйнадики, қарсақбозлик бўлиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

ҚАРСАКЧИ Қарсақ чалувчи одам. *Қарсақчи қизлар қарсақ уриб.. неча ўйинчи барнолар қўл қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турбди. «Равшан». - Жим тулинг, кўшни, - деди ҳалиги қарсақчининг ёнида ўтирган киши, - кафтингизнинг қаваргани қолиб, чапагингиз ҳайф кетади. «Муштум».*

ҚАРСИЛЛАМОҚ «Қарс» этган овоз чиқармоқ, «қарс» этмоқ. *Эшик қарсиллаб ёпишди. Дарахтнинг شوхи қарсиллаб синиб тушди. Милтиқ қарсиллаб отилди. ■ Йирик томчилар билан том ва бўғотларни қамчилаб, ёмғир ноғора чала бошлади, яна қарсиллаб, гулдураб чақмоқ чақди. «Ёшлик». Узоқ ёқда музлар қарсиллар.. А. Орипов, Йиллар армони.*

ҚАРСИЛЛАТМОҚ I Қарсилламоқ фл. орт. н. *Эшикни қарсиллатиб ёнди.*

2 (асосан, -иб қўшимчали рвдш. шаклида - қарсиллатиб) кўчма с.т. Ҳаракатнинг белгисини кучайтиради. *Саидмуродов «давр келганда, суриб қол», деб бу материаллардан олганини олиб, қолганини қарсиллатиб пуллайверди. «Муштум».*

ҚАРСОҚ Тулкига ўхшаш, лекин ундан кичикроқ йиртқич ҳайвон. *Тулки, қарсоқ уни бир. Фар, ўғрининг тили бир. Мақол. ■ «Борса-келмас» оролида йиртқиқлардан тулки, қарсоқ, сивосин бор. «Фан ва турмуш».*

ҚАРТ шв. Қари, кекса. *Шу пайт олисдан йўтал эшитилди, бир-бир босиб келаётган икки қарт киши кўринди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ҚАРТА I Отнинг ёгли йўгон ичаги ва ундан махсус тайёрланган, кўпинча яхна қилиб ейиладиган таом. *Шойи кийдим, кимхоб кийдим, устимда йўқ, Қазилан билан қарта едим, қорнимда йўқ. Мақол. ■ Қазилан, қарта, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар эса қиш ойларида тановул қилинади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ҚАРТА II [р. карта < лот. charta < юн. kartis - папирус барги, қоғоз] I Сурати ёки холлари билан бир-биридан фарқ қиладиган бир тўп махсус ўйин варақчалари ва унинг ҳар бир варақчаси. *36 варақли қарта. Қарта ўйини. Қартани бўлмоқ. ■ Қарта чийлаб ўтирган одамни кўрсатиб: -Маишур*

Йўлдош қарвон шу одам бўладилар, - деди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Эскаваторчилар.. стол атрофини ўраб, папирос тутуни ичида қарта ўйнашаётган экан. А. Мухтор, Тугилиш.

2 с.т. қ.х. Яхлит бир бўлак ер ёки экин майдони. *Мажлиснинг охири шу хилдаги гўзалар кўпроқ бўлган Қамбарали ака бригадасининг учинчи қартасига кўчирилди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ҳали сиз кузни гапирасиз, ҳозиргисини айтинг, уватини ўт босмаган қартамиз жуда оз. Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.*

ҚАРТАБОЗ [қарта + ф. باز - ўйновчи] Қарта ўйинига ишқибоз одам. *Даданг ўтакетган.. қартабоз бир киши эди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

ҚАРТАБОЗЛИК Берилиб қарта ўйнаш, қарта ўйини. *Қартабозлик узоққа чўзилмади. «Шарқ юлдузи».*

ҚАРТАЙМОҚ айн. қаримоқ I. *Қартайиб қолган одам. ■ Қартайсангиз ҳам қуюлмайсиз. Ҳ. Назир, Яхши исм. Қартайганда хўр бўп қолган ўзимди(р), Сен англагин гулдай сўлган тарзимди. «Алпомиш». ..мен ҳам биологик жон сифатида улғаяман, қартайман ва, охир-оқибат, бир кун вафот этман. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

ҚАРТАНГ кам қўлл. Қартайган одам, қари киши. *Асам чол деган бир қартанг хотин-қизларга қарши ташвиқот юргизиб, бир қават терисини ташлабди. «Муштум».*

ҚАРТ-ҚУРТ тақл. с. Молларнинг хашак чайнашидан чиқадиغان товушни билдиради. *Бу тинчликни сарой отхонасидаги отларнинг қарт-қурт хашак чайнашлари.. бузар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАРЧИҒАЙ Калта қайрилма тумшукли, тирноқлари узун ва ўткир, овга солинадиган йиртқич қуш. [Поччам] *Ёнига тозисини ҳам қарчиғайини олиб, матран кўтариб, уч-тўрт кун далага чиқиб кетди. Ф. Фулом, Шум бола.*

ҚАРШИ I Тарафдор бўлмаган, тарафдор эмас, маъқул деб билмайдиган, зид фикрдаги. *Иккинчи уйланишга Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу қудаларнинггина ишларидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шанбаликка кўп одам келишига қаршисан.. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. ..мен ҳам Кумушни Тошкент юбормоқча қаршиман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Хилоф, зиддига иш тутувчи; мухалиф ёки душман. *Қарши томонлар. Қарши кучлар.* ■ *Устоз Қавом.. шундай мўътабар зотнинг фарзанди салтанатга қарши бўлгани, нобакор чиққанига афсусланади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бошқасини инкор этадиган, унинг зидди бўлган. *Бир-бирига қарши фикрлар. Қонунга қарши хатти-ҳаракатлар.* ■ *Бўтабой акамга қарши гапирсам ҳам майлигами?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Рўбарў жойлашган ёки йўналган; қарама-қарши, рўбарў. *Қарши оқим. Қарши шамол. Кўчанинг қарши томони. Қаршида турган одам. Қаршидаги боғ.* ■ *Ойқиз қарши томондан келган шамол-тўполонни ёриб, ҳамон олдинга интиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ётоқхона олдига келганимизда.. бир бола қаршимиздан чиқиб қолди.* Ў. Умарбеков, Шонли авлод. *Отабек учун энг нозик саналган бу масала қаршидаги жавоб кутиб ўтиргувчиларни ниҳоят зериктирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 (ж.к. билан — ...га қарши) кўм. вzf. 1) зидлик (зидлаш) муносабатини билдиради; зид (хилоф) ҳолда. *Унинг овози истагига қарши баланд жарангламади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қутидор, одатига қарши, бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди адолатга қарши хиёнат қилиш ярашмайди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ўзи бирикиб келган сўз аңлатган нарсани даф этиш, йўқ қилиш, олдини олиш ва ш.к. га қаратилганлик маъносини билдиради. *Ичкиликбозликка қарши кураш. Ҳашаротларга қарши дори сепмоқ.* ■ *Касалнинг олдини олиш чораларидан энг муҳими вақтида тепкига қарши эмлатишдир.* «Саодат».

6 (3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида, б.к. билан — қаршисила) кўм. вzf. эск. айн. олдида қ. олд. *Шунинг учун кутмаган ҳол қаршисиди бир оз довдираб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Инобатхон кутилмаган бу аччиқ муомала қаршисиди борлиқ-йўқлиқ ҳолда қолди.* «Муштум».

Бахтга қарши қ. бахт. **Қарни атака қ.** қарши ҳужум. *Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қарши бормоқ** Қарши иш тутмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ. *Умримда биринчи мартаба кўнгил орзусига қарши бор-*

дим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрининг раъйига қарши боришдан фойда йўқлигини билди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши келмоқ**

1) зид бўлмоқ, хилоф бўлиб тушмоқ. *Уларнинг жавоблари кечаги сизнинг оқлашингизга сира қарши келмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) дуч келмоқ, рўбарў келмоқ, юзма-юз учрашмоқ. *Улар боғдан чиқиш олдида бир йигитга қарши келдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши олмоқ** 1) кутиб олмоқ, қаршиламоқ (ташриф буюрувчини). *Бироя тунд, биров очиқ чехра билан қарши олди меҳмонларни.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) бирор иш, тadbир, таклиф ва ш.к. га нисбатан ўз муносабатини билдирмоқ. *Гулнор бу хабарни жуда совуқ қарши олди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши турмоқ** Қарши чиқиб, монелик кўрсатмоқ, тўсқинлик қилмоқ. *Дадасининг уйланишига қарши туриш учун ҳеч қандай асос топа олмади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши тушмоқ** эск. айн. **қарши турмоқ.** *Унинг [Ҳасаналининг] бу фикрига Кумуш билан онаси қарши тушдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қарши чиқмоқ** 1) пешвоз чиқмоқ, кутиб олмоқ; 2) қаршилиқ билдирмоқ, қарши бўлмоқ. *Механизацияга қарши чиқишлар бўлиб турадимиз, бўлса — қарши чиққан одамларнинг далил ва исботлари нималардан иборат?* А. Қаҳҳор, Картина. **Қарши куда** Ўзаро қиз бериб, қиз олишган қудалар (бир-бирига нисбатан). **Қарши қўймоқ** 1) бирини иккинчисига қарама-қарши, мухалиф, зид қилиб қўймоқ. *Ёрмат.. Йўлчини ўз қўлтигига олиб, бошқаларга қарши қўйишни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бирини иккинчисига қаратиб, рўбарў қилиб қўймоқ. **Қарши ҳужум** Душманнинг ҳужумини даф қилиш, унга жавобан қилинадиган ҳужум. *Душман жон ҳолатда бор кучини қарши ҳужумга ташлади.* Газетадан. **Ҳар эҳтимолга қарши қ.** эҳтимол.

ҚАРШИЛАМОҚ I Кутиб олмоқ, қарши олмоқ (ташриф буюрувчини). *Меҳмонларни қаршилаб олмоқ.* ■ *Бошлиқ Қиёмхонни ўрнidan туриб, жуда хушчақчақ қаршилади.* Н. Аминов, Суварак. *Улар ҳужрага келиб кирдилар. Отабек келувчиларни улуғлаб қаршилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча Бирор маросим, тadbир, таклиф ва ш.к. ни қарши олмоқ. *Мен шу ҳовлида тўрт фаслни кузатиб, тўрт фаслни қарши*

олардим. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ҚАРШИЛАШМОҚ 1 Қаршиламоқ фл. бирг. н. *Ўқувчилар муаллимни тикка туриб қаршилашди.* ■ Бу фавқулодда севинч хабарни бекнинг қайси йўсунда қаршилашини ўйлар эди. А. Қодирий. Ўтган кунлар.

2 кам қўлл. Қарши келмоқ, рўбарў бўлмоқ. *Салимбойвачча зинадан энди тушган чоқда Гулнор билан қаршилашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кам қўлл. Бир-бирига қарши, тескари бўлиб қолмоқ, зидлашмоқ.

ҚАРШИЛИК 1 Қарши эканлик. *Сенинг бу ишга қаршилигингни биламан.* ■ Ул ҳар нарса деса, фақат Марғилондан уйланганингга қаршилигидан айтадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қарши фикр, норозилик, эътироз. *Қаршилик билдирмоқ.* ■ *Қаршилик йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр.* Файратий. *Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб, бурилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қарши ҳаракат, акс таъсир. *Душман қаршилигини енгмоқ. Қаршиликка дуч келмоқ.* ■ *Фақат яхши ўйлаб тузилган манёвр билангина душман қаршилигини синдира олдик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилигига учрайди, бу — қонуний.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қаршилик қилмоқ Қаршилик билдирмоқ, тўсқинлик қилмоқ, қаршилик кўрсатмоқ (қ. **қаршилик 2, 3**). *Ҳаёт қўлини секин тортиб олди.* Фуломжон *қаршилик қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аваз қаршилик қилай деса, қўли кишанда.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАРШИМА-ҚАРШИ кам қўлл. айн. қарама-қарши.

ҚАРҚАРА Бўйни, тумшуғи ва оёқлари узун, тик қоматли, турнага ўхшаш, оппоқ, чиройли ботқоқлик қуши; кўтонларнинг бир тури.

Қарқара бўлмоқ Барқ урмоқ. - *Бу йил хўб ишладик, — дейди Хайрихон, — Яшанади гўзалар бўлиб қарқара.* Х. Расул. *Суя очилиши тезлашмаса, қарқара бўлиб ўсаётган гўзалар қуриб қолиши аниқ.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ҚАРҚУНОҚ Чумчуқлар туркумига мансуб, тумшуғи эгилган, ҳашарот, майда парранда ва ҳайвонлар билан озиқланадиган қуш. *Сой ёқасидан ялпиз ҳиди келарди, маст*

бўлиб қарқуноқлар сайрарди. А. Мухтор. Чинор. *Булбуллар, зарғалдоқлар, қарқуноқлар боғларни ташлаб қочди.* Н. Ёқубов, Жон.

ҚАРҒА 1 Патлари тим қора (қора қарға) ёки қора билан кулранг аралаш (ола қарға) кўчманчи қуш (Ўзбекистонда қиш ойларида бўлади). *Бир қарға билан қиш келмас.* Мақол. *Қарға қарғанинг кўзини чуқимас.* Мақол.

Гўнг қарға қ. гўнгқарға. Кўк қарға қ. кўкқарға. Қарға жийда қ. қаргажийда.

2 Ўйин қартасининг найза учига ўхшаш қора холли тури. *Қарғанинг саккизлиги.*

ҚАРҒАЖИЙДА Меваси майдароқ бўладиган ёввойи жийда.

ҚАРҒАМОҚ Бировга ёмонлик, бахтсизлик ёки ўлим тилаб, қарғиш сўзларини айтмоқ. *Қиз Мирзакаримбойларни, ҳокимларни, тўраларни қарғайди, уларга ўлим тилайди.* Ойбек, Танланган асарлар. «*Худо кўтарсин Оқилхон билан Муродхонни, ўлимингни бергурлар!*» деб қарғаб ўтирди. «Муродхон».

ҚАРҒАНМОҚ 1 Қарғамоқ фл. ўзл. н.

2 Ўзича норозилик, қарғиш сўзларни айтмоқ. *Электрнинг тилига тушунадиган бир маст бир бўш патронга пичоқ тикди-да, бутун чироқларни учирди ва то монтер келиб тузатмагунча, хотинларнинг қарғанган, сўкинган товушлари ушлмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ажралдилар. Чол-кампир қарғандилар: - Садқайи сенга берган панду ўгим! «Муштум».*

ҚАРҒАШ Қарғамоқ фл. ҳар. н. - *Қарғашнинг ҳеч кераги йўқ, — деди Марҳамат. — Лекин бунақа талтайтириш ҳам яхшимас-да.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚАРҒАШМОҚ 1 Қарғамоқ фл. бирг. н. Қизлар уруши.. Бошлаганларни титраб қарғашарди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев. Оташ қалбли қиз.

2 Бир-бирини қарғамоқ.

ҚАРҒАШОЙИ Шойининг қора, сарик, кўк гулли тури. *Бир кийимлик қарғашойи. Қарғашойи қўйлак.*

ҚАРҒИШ Қарғаш ибораси, қарғиш ифодали гап, сўз. *Ёмон қарғиш. Енгил қарғиш. Қарғиш эшитмоқ.* ■ *Ўзлари отин бўлсалар ҳам, оғизларидан қарғиш тушмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [Кумуш:] *Аммо.. севганингиз — кенжангизнинг жеркишларидан, қарғишларидан беҳад қўрқаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қарғишга қолмоқ (ёки учрамоқ) Қилмишига яраша қарғиш эшитмоқ, лаънат остида қолмоқ. *Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртнинг қарғишига қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Аммо, бола, олди-кетинга қараб иш тут, халқнинг қарғишига учрайсан.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ҚАРҒИШЛАМОҚ шв. Қарғамоқ. Қиз берганни қарғишлаб.. *Хон ўртанди тобора.* Ҳ. Олимжон.

ҚАСАВА [а. *قصاب* – тилла ёки кумуш ип; зар уқа; кимхоб, зарбоф] 1 Узун докадан аёллар бошига баланд қилиб ўраш учун куйиладиган картон тутқич ва унга ўралган рўмол; дакана. *Эшик олдида бизни оқ докадан баланд қилиб қасава ўраган қотма, бўйдор аёл кутиб олди.* Газетадан. *Саллага ўхшатиб, лекин кунгурадор қасава шаклида бошига ўралган қора дурра.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

2 шв. Бешиқнинг кўприги.

ҚАСАМ [а. *قسم* – онт, қасамёд; ваъда] 1 Ўзининг ҳақлиги, сўзининг тўғрилиги ва ш.к.ни тасдиқлаш, унга бошқаларни ишонтириш учун муқалдас нарсалар, кимсалар номини оғизга олиб айтиладиган масъулиятли сўз; онт. *Қасам(и)дан қайтмоқ. Қасам(и)ни бузмоқ.* ■ [Сафар:] *Шу кавбатуллонинг ичиди ўлтириб ёлгон гапирган одам мусурмон эмас. Кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўмин эмас!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *...ҳеч кимга айтмаслик учун оғзига келган қасамларни валдирай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Содиқлик ҳақида расмий равишда бериладиган тантанали ваъда, қасамёд. *Майли, ёмғир, қор ёғсин, ўз постимдан кетмайман. Аскарлик қасамига ҳеч хиёнат этмайман.* Уйғун. *Юсуфжон ака умрининг охиригача ўз қасамига содиқ қолди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

Қасам бермоқ Расво қилмоқ, ёмон ҳолатга солмоқ. *«1-сорт» сўзига юмуқ кўз билан қараб, шамни босавериши маҳсулотга қасам берапти.* О. Юнус, Қочинг, телефон жиринглаяпти. *Ўғлим, шу таъбир оз эмас.. Ҳовли юзига чиқаргандан кейин, қасам бериб бўшатурмиз.* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Қасам ичмоқ** Қасам сўзларини айтмоқ (қасам – ҳар икки маъносиди). *Жонфигон қасамнинг ҳар хилидан ичди, кейин бизнинг кафил бўлишимизни сўради.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз

читтак. *Каломулло беринг, қасам ичман!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қурилишни тезда тамомлашга қасам ичганмиз. Ишлар ванг!* «Муштум».

ҚАСАМЁД [а. + ф. *قسم يادکردن* – «қасам сўзларини айтмоқ» бирикмасининг қисқарган шакли] 1 Қатъий ваъда, онт. *Олимжон ва Ойқиз, гўзаларни бўрон зарбидан сақлаймиз, деб қасамёд қилган экан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Халқимизнинг бахти учун жон-таним билан курашаман, душманга раҳмсиз бўламан, деб қасамёд этдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

2 Содиқлик ҳақидаги расмий ваъда, қасам. *Кечагина Бобур мирзога содиқмиз, деб қасамёд этганлар бугун унга шунчалар ёмонлик қилмоқдасиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАСАМХҲР [а. + ф. *قسمخور* – қасам ичувчи] Бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, қасам ичиб, ундан қайтаверадиган, қасамининг бурди йўқ. *Қасамхўр одам.* ■ *Одамлар қасамхўр бўлиб кетди. Бир кафт жўғари, бир сариқ танга илинжида қурьон қучоқлаб қасам ичадилар.* С. Сиёев, Аваз. *Кетма-кет қасам ичаётган азамат.. машхўр қасамхўр Мадраҳим Адамбоев бўлади.* «Муштум».

ҚАСАНҒИ кам қўл. Бетайин, арзимас. *Бева боши билан шунчалик ўстирса-ю [қизни], у юзига тик қараса?! Тағин, келиб-келиб аллақанақа бир қасанғи йигит деб-а!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҚАСД [а. *قصد* – мақсад, ният; интилиш, иштиёқ; ғараз] 1 Албатта амалга ошириш кўзда тутилган, жазм этилган қатъий ният; азм-қарор, аҳд. *Уйдан чиқишданоқ унинг [Отабекнинг] қасди бу кунни далада ўтказмоқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У Мунисхондан уни советиш қасдида эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Қасд қилмоқ Бирор ниятда бўлмоқ, мақсадни кўзда тутмоқ. *Эртдан бошлаб бепарвороқ бўлишга қасд қилдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Агар Гуломшер қасд қилса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишига ҳамма ишонар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ҳақорат, ёмонлик учун жавоб қайтариш (ҳисоблашиш) нияти; адоват, ўч, алам. *Қасд қилмоқ. Бировга қасд қилма.* ■ *Сен жинни бўлдингми? Ё менда бошқа бир қасдинг борми?* «Латифалар». *Менинг фа-*

шизмдан бўлак ҳеч кимда қасдим йўқ. Уй-ғун. *Шермухаммаднинг эса хотин жўнидан менда қасди бор.* К. Яшин, Ҳамза.

Жонига қасд қилмоқ (ёки этмоқ) Ўлдириш, йўқ қилиш учун ҳаракат қилмоқ, суиқасд қилмоқ. *Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртнинг қарғишига қолди.* Ҳ. Фулом Машғал. **Жонингда қасдинг борми?** Жонингдан тўйдингми? Жондан безор бўлдингми? Ўлгинг келдими? *Жонингда қасдинг борми, бунча ароқнинг кетидан қувмасанг.* «Муштум». **Қасдига тушмоқ** Пайига тушмоқ, ўч олиш, йўқ қилиш ва ш.к. учун ҳаракат қилмоқ. *Душман тушар давлатининг қасдига.* «Ойсулув». **Қасдида бўлмоқ** 1) бирор мақсадда, ниятда бўлмоқ; 2) ўч олиш, йўқ қилиш, ўлдириш ёки қўлга тушириш ва ш.к. ниятда бўлмоқ. *Уйингиз орқасини тешиб, Кумуш қасдида бўлувчи.. ҳам шу баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАС(Д)ДАН [а. *قصدًا* – муайян ният, мақсад билан] *рвш.* Маълум бир мақсад билан, жўрттага, атайлаб. *Асида у турли баҳоналар билан усталарни қасдан шошилта турмаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Гўё мен.. ундан қутулиш учун қасддан чоғга итарган эмишман.* О. Ёқубов, Излайман.

ҚАСДДОР [а. + ф. *قصددار* – қасди, гарази бор] Қасди бўлган, ёвуз ниятли. *Қасддор ёвларга Чегара бекик!* Туйғун.

ҚАСДЛАНМОҚ кам қўлл. 1 Қасд қилмоқ. *..қайнасагиз гап қайтаришга қасдланди-ю, тагин охирига уйлаб, кар-соқов бўлиб юраверди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Йўқ қилиш пайига тушмоқ; суиқасд қилмоқ.

ҚАСДЛАШМОҚ Қасд, душман бўлмоқ, қаршилашмоқ, ўчакишмоқ. *Насиҳатимизни қулоғига олмади, танқидимизни ғалати тушунди, қасдлашиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАСДМА-ҚАСД(И)ГА *рвш* Кимса билан қасдлашиб, ўчакишиб. *Қасдма-қасдга бел олишмоқ.* ■ *Уғай она ёлғон гапиргани учун, қасдма-қасдига шу ёнғоқдан олиб кетмоқчи бўлди.* «Ёшлик».

ҚАСИДА [а. *قصيده* – назмий асар тури] Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърый жанрлардан бири, кўпинча бирор шахсинг (одатда ҳукмдор ёки олий мартабали кишининг) мадҳига бағишланадиган, шунингдек, фалсафий, ахлоқий-дидактик,

ижтимоий мазмундаги, кўтаринки, тантанавор оҳангли, ғазалга ўхшаб қофиялансада, ҳажми 20 байтдан 200 байтгача бўладиган шеърый асар. *Туйинг бўлди қасидамга баҳона, Қасидам, тонг эмас, бўлса тўёна.* Ҳабибий. *Бу қасидам сенга, халқим, Оқ суту туз ҳурмати, Эркин ўғлингман, қабул эт, Ўзбегим, жон ўзбегим.* Э. Воҳидов, Ўзбегим.

ҚАСИДАГҲЙ [а. + ф. *قصيدهگوي* – қасида айтувчи] 1 Қасида ёзувчи шоир, қасиданавис.

2 *кўчма салб.* Хушомағўйлик билан кўкка кўтариб мақтовчи; мадҳиягўй, мадлоҳ. *Қасидагўйлиги афтидан билиниб турган шоир Абу Мансур тахт рўпарасига келиб таъзим қилди.* М. Осим, Карвон йўлларига.

ҚАСИДАНАВИС [а. + ф. *قصيدهنويس* – қасида ёзувчи] *айн.* қасидагўй 1.

ҚАСИДАЧИ *айн.* қасидагўй 1.

ҚАСИР 1 *тақл. с.* Ёғоч ва шунга ўхшаш нарсаларнинг чатнашидан ёки синишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шамолда бақатерак қасир этиб синиб тушди.*

ҚАСИР II [а. *قصور* – қисқа, калта; паст]: **ақли қасир** *эск. кт.* Ақли қисқа, ақли етук бўлмаган; қисқа ақл. *Башарти сиз киромлар ул бепарҳез золимнинг мингбошилиқ вази-фасидан.. [бекор қилишга] бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақирларнинг ақли қасиримизга бир андиша келади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАСИРА-ҚУСУР *айн.* қасир-қусур.

ҚАСИРЛАМОҚ «Қасир» этган овоз чиқармоқ, қасир этмоқ, қарсилламоқ. *Ер қимирлаганда, синч деворлар қасирлаб кетди.*

■ *Орқада миналар гўмбурлади. Қаердадир ўрмонлар қасирлади.* Ойбек, Куёш қораймас. *От боради асирлаб, Отган ўқдай тасирлаб, Тилла узанги, маҳси-кавуш Телсинганда қасирлаб.* «Равшан».

ҚАСИР-ҚУСУР «Қасир» ва шунга яқин (ўхшаш) товушларни билдиради. *Отларнинг туёғи тошларга урилиб, қасир-қусур овозлар даштни қоплаб боряпти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Юк вагонлари қасир-қусур қилиб, у ёқдан бу ёққа ўтиб турибди.* С. Аҳмад, Таъзим.

ҚАСИРҒА *кт.* Уюрма, қуюн. *Туфон, қасирғани зўримиз энгиб, Ваҳшат ғалаёни топди асойиш.* Ҳ. Фулом. *Туфон, қасирғалар кечар-ку ҳали..* А. Орипов, Ҳайрат.

ҚАСМОҚ I Уст-бошга ўтирган қалин кир қатлами, қатирма кир. *Енглари бир элик қасмоқ. Қасмоқ сочиқ. — Шунча юриб, нима орттирдинг? Мана шу жулдур чопон билан қасмоқ дўппиними? С. Аҳмад, Қадрдон далалар. ..ёрғоқ бошига ёғ босган қасмоқ дўппини бостириб кийиб юрадиган бу одам.. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.*

2 айн. қазғоқ I. *Болалигимда Оптон деган бир ўртоғим бўларди. Сира бошидан қасмоқ аримасди. С. Аҳмад, Сайланма. Бошлари қасмоқ боғлаган, оёқ яланг болалар.. сопол косаларда қаймоқ олиб ўтадилар. Ф. Расул, Адолат.*

3 Бирор нарсанинг қотиб қолган устки қатлами; қатқалоқ. *Шўри қалин қасмоқ бўлиб ётган бу ер ўтган йили баҳорда инсон қадами тегмагандай эди. Й. Шамшаров, Ойдин кўллар.*

ҚАСМОҚЛАМОҚ Қалин кир билан қопланмоқ, қасмоқ боғламоқ. *Қасмоқлаган лунги.*

ҚАСОС [а. *قصاص* — ўч олиш; ўч, интиқом; жазо(лаш)] Ёмон, номақбул иш, қилмиш учун жавоб қайтариш мақсади, шунга қаратилган ният; шу мақсаддаги иш, ҳаракатнинг ўзи; ўч. *У қасос ўтида ёнаётган кишиларни базўр тўхтатиб қолди. Ҳ. Гулом, Машъал. Йўқ, мен таъна қилмайман. Кўрсин, қушиб ўлсин. Шунинг ўзи қасос бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

Қасос олмоқ Қасос тарзидаги иш, ҳаракатни амалга оширмоқ. *Шунча кўргиликлари учун эридан қасос олишга аҳд қилди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ёвларимдан қасос олдим. Уйга ғалаба билан қайтиб келдим. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Зумрад, сенинг ҳар томчи ёшинг учун Ширмонхонга ўхшаганлардан қасос оламан. С. Зуннунова, Гулхан.*

ҚАСОСКОР [а. + ф. *قصاصکار* — қасос, ўч олувчи] Қасос олиш ниятида бўлган, қасос олувчи. *Бобурнинг икки юзу қирқ кишиси ёнига беш-олти минг кишилик қасоскор оломон қўшилди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Халқ қасоскорлари сув остидан бориб, кўприк тагига портловчи модда кўмдилар. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ҚАСОСЛИ Ҳар ким қилмишига яраша жазо тортадиган, қасос, қаримта қайтарадиган; қаримтали.

Қасосли дунё. Қасос, қаримта қайтадиган дунё. *Сабр қил, ўғлим. Бу қасосли дунё қайтади. Н. Сафаров, Уйғониш.*

ҚАСОСЧИ айн. қасоскор. *Халқ қасосчиларининг муқаддас бурчи шу! Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча, биз ундан ўч оламиз! И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ҚАСР [а. *قصر* — сарой, кошона, арк; кўрган] **1** Подшолар, хонлар ёки мулкдорларнинг ҳашаматли саройи. *Хўжа Абдулла ўнга, Мазидбек чанда юриб, Бобурни арк тўридаги қишлоқ қасрга бошлаб келдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Регистон майдони подшо қасрининг олдидаги майдонга эмас, ифлосликлар билан тўлдирилган қишлоқ бозорлари майдонига ўхшарди. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 кўчма Ҳар қандай муҳташам бино, данғиллама уй, тоқ-равоқ, кошона. *Тўрт томони гумбазли қасрлар билан ўралган қалъанинг темир дарвозаси ланг очилиб.. Исфара чиқиб келди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. ..баландликдаги сарой ичидаги қасрларда ҳокимлар базм қуриб, ҳозир сархуш ухлаб ётишибди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚАССОБ [а. *قصاب* — қўй-мол сўювчи] Мол сўювчи ва гўшт билан савдо қилувчи шахс. *Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин. Мақол. Эчкига — жон қайғуси, қассобга — ёғ қайғуси. Мақол. — Ҳовли четида қўл-оёқлари боғлоғлиқ қўй тепасида турган қассоб Меъморга қараб: -Фотиҳа беринг, — деди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚАССОБЛИК I Қассоб иши, касби. *Қассоблик қилмоқ.*

2 Бозорда қассоб дўқонлари жойлашган раста, гўшт растаси.

ҚАССОБЧИЛИК Қассоб касби, қассоблик. [Жонфигоннинг] *Шундан кейин қилмаган иши қолмабди деса бўлади: гулфуршулик дейсизми, том шuvoқ дейсизми, қассобчилик дейсизми.. бир-икки ҳафта бозорда қовун тилиб ҳам сотибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.*

ҚАҚҚОН I Фалвир, элак, чирманда ва ш.к. буюмларнинг гардиши, чамбарак. *Чирманданинг қасқони, Банди борми осгани. Уйнасанг уйнаб олгин, Ёринг борми тўсгани? М. Алавия.*

2 Манти, хоним кабилар териладиган махсус патнислари бўлган, шундай таомлар пишириладиган ошхона асбоб-буюми.

Юзта манти элтадиган қасқон. ■ Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб, қозонга уяр, Раёно бўлса, кичкина укалари орасида ўтирар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қасқонга димланиб, устига сариёғ суртилган ошқовоқ жуда хуштаъм бўлади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚАТ I I Қават-қават ёки қатлам-қатлам нарсаларнинг ҳар бир қавати, қатлами. *Тўрт қат букланган кўрпача. ■ Азмиддин бир варақ қоғоздаги бир неча қат букланган хатни олиб, чироқ шугласига тутиб, кўздан кечирди. Ҳ. Фулом, Маишғал. Имонимни асрайман десанг, бу ерлардан бош олиб кетиш керак. Бўлмаса, етти қат ер тағида ёниб турган дўзахда қовурилсан. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Тахланган, букланган нарсаларнинг ораси. *Кўрпанинг қати. ■ Ҳожимат белбоғининг қатидан қоғоз чиқазиб ташлади. С. Аҳмад, Қадрдон даладар. Меҳри она биринчи конвертни очди.. Иккинчисини очди-ю, хатнинг қатидаги расмга кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди. Р. Файзий, Она.*

3 Маълум қалинликдаги ёйиқ нарсалар қатлами, қават. *Бир бечоранинг чеккан хўрлигини ўйлаб, ҳар куни бир қат этдан тушаман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мана, мен геолог, неча йилдири, Тинмай ўрганаман тупроқ қатини. Зулфия.*

4 кам қўлл. Саҳифа, варақ. *Варақларанг етимликнинг дафтарин қати. Ф. Фулом.*

5 кам қўлл. айн. **қатор I.** *Ойна она ички бир титроқ товуш билан ингранди. Қаншаарида икки қат ажин бўртди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.*

6 Марта, карра, қатла. *Бироқ унинг ташвиши икки қат ошди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Айниқса, кейинги пайтларда иш чалкашиб, ўн қат оғирлашиб кетди. Ойбек, О.в. шабадалар. Нега, кўнглим, бўлдинг бептоқат? Тинчман, дедим сенга неча қат. Миртемир.*

ҚАТ II шв. сўр. олм. Қаер?, қайси ер?, қайси жой? [*Шербек:*] *Узоқлиги қатга борарди? Кўпи билан тўрт-беш кунлик йўл. С. Анорбоев, Оқсой.*

ҚАТ III эск. Устига қамиш қалам учини қўйиб туриб, пичоқ билан кесиш учун суюқдан ясалган тахтача.

ҚАТ IV |а. *قطع* — кесиш, қирқиш; узиш, узилиш]: **қат этмоқ** с. т. айн. **қать этмоқ** қ. **қат(ъ).**

КАТАЛОҚ шв. Ўқалоқ. *Қоя ёнбағрига ёйилиб кетадиган эчкиларни қария ит азобиди қайтариб тушар, қаталоқ пайтида эса ҳаллосланганча, тили бўғзига тикилиб, адоий тамом бўларди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Ундан кейин тонг отгунча тилла камарли.. беклар қоровул бўлиб, қаталоқ бўлган хўкиздай чопиб ётар эди. «Юсуф ва Аҳмад».*

Қаталоғи тутмоқ Ўқалоғи тутмоқ; ўқалоқламоқ. *Қаталоғи тутган мол борки, қишлоқ кўриниб турган сойлик томон ўзини урар ва подачиларнинг ирғай таёғига дучор бўларди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.*

ҚАТАҒОН I эск. Тақиқ, ман. *Жума кунлари кечгача кўчада юришга рухсат этилар, бошқа вақтларда кўчага чиқиш «қатағон ясоқ» эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Қадимги халқлар орасида кенг тарқалган табу — қатағон одати бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топган. «Фан ва турмуш».*

Қатағон қилмоқ (ёки этмоқ) 1) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Вақтли ҳужумат илгариги оз-оз берилган эркинликни ҳам қатағон қилди. К. Яшин, Ҳамза; 2) қувғун қилмоқ. Анварнинг ватандан қатағон этилиши! Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

2 тар. қ. репрессия. *30-йиллардаги қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар.*

ҚАТИМ I Иш тикишда: тикиш асбоби — игна, сўзан ва ш.к. га бир марта ўтказиладиган ёки ўтказилган ўлчамдаги (ип, ипак ва ш.к. ҳақида). *Қудажон, бемалол бўлса, ўша ҳаворанг ипакдан бир қатим беринг. А. Қаҳҳор, Янги ер. ..чўнтагига солиб олган ипакларни чиқариб, калта-култа қатимлардан бошқасини қайтариб олди. Ойдин, Ҳикоялар. Ип қатимини узиб, игнани кўкрак чўнтаги қопқоғига тўғнади. С. Аҳмад, Сайланма.*

2 Тикишда: игна ёки сўзандаги ип ёки ипакни ҳар бир ўтказиш. *Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар бир қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб кўяди. Ойбек, Танланган асарлар. Мунча ҳам бежирим қўл хунарингиз.. Ҳар*

қатим, ҳар чокда катта маҳорат. Файратий.

Қатим тортмоқ Қатимламоқ (қ. қатим 2). Онахон бўлса жинчирикда туни билан ўтириб дўппи тикар, энди олти ёшга кирган Башоратни зўр бериб қатим тортишга ўргатар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. У шартта-шартта қатим тортиб.. маҳси тикиб ўтирарди. Ойбек, Болалик.

3 Тиқиш асбобига ўтказиладиган ип, ипак. Кўпол ип узилади, майин ип чўзилади. Нозик қатим игнадан силлиқ ўтади, оғайни. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ҚАТИМЛАМОҚ 1 Ип, ипак ва ш.к. ни қатим-қатим қилмоқ. Онам хурсанд бўлиб гапирди.. ипакни қатимлаб. Ойбек, Болалик.

2 Қатим тортмоқ.

ҚАТИРМА 1 Оширилмаган хамирдан қозонда ёғсиз пиширилган юпқа нон. *Отасига деб, хурмачага солинган ошининг устига битта қатирмани ёпиб, рўмолчага тугди-да, чиқиб кетди.* Ойдин, Гулсанам.

2 Кийим ёқаси, елкаси, кўкраги текис турсин учун авра билан астар орасига қўйиладиган крахмалланган мато. *Кўкрагига қатирма қўйиб тикилган костюм.*

3 *кўчма с. т.* Қалин кир, қасмоқ. *Умрида ҳаммом ва совун кўрмагандан бўлса керак, икки юзи қатирма бўлиб кетган, қўй кўзли бола келиб, рўпарамда тўхтади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ҚАТИРМАЛАНМОҚ Қатирма кир бўлмоқ, қасмоқ босмоқ, қасмоқланмоқ. *Муйсафид сартарош унц бақувват шалоқ курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига шиб, бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАТИРМОЧ шв. 1 Кир, ифлос. *Кўйлагининг ёқаси қатирмоч бўлиб кетибди.*

2 Товада пишган нон; қатирма.

ҚАТИҚ Сутдан томизғи солиб ивитиб тайёрланган парҳез маҳсулот. *Янги ивитишган қатиқ. Қатиқ тўқилса, юқи қолар, айрон тўқилса, неси қолар.* Мақол. *Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади.* Мақол. — *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор.

Миянинг қатиғи с. т. Мия. *Шер яна Шерзоднинг устига ташланишга ўзини чоғлаб кўрди, лекин миясининг қатиғи чиқиб ҳолсизлангани учун мажболи келмади.* «Эртак-

лар». **Мошхўрдага қатиқ бўлмоқ** Орага тушмоқ; аралашмоқ, суқилмоқ. *Мошхўрдага қатиқ бўлиб, Очилни аранг суяб қолдим-у, совхознинг бир бўлимига агроном қилиб қўйдим..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Офтобда** (ёки **офтобшувокда**) қатиқ ичишган (ёки ялашган) Доим бирга бўлган; ҳамтовоқ, улфат. *Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликка қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. **Директор Салимов билан офтобшувокда қатиқ ялашганмиз. Наҳотки, игна ўз тешигини тикса.** «Муштум».

ҚАТИҚЛАМОҚ 1 Қатиқ қўшмоқ, қатиқ аралаштирмоқ. *Жаҳон биби ярим-ярим қилиб уч коса мастава келтирди. Уни қатиқлаб, кашничу райҳон сенган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Қатиқ суртмоқ, қатиқ билан ҳўлламоқ. [Кумуш] *Сочини қатиқлаб, совунлаб ювгач.. иккита қилиб ўрдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАТИҚЛИ Қатиқ қўшилган; қатиқ солинган, қатиғи бор. *Қатиқли хурмача.* — [Меҳмонлар] *Олдиларига қўйилган бир косадан қатиқли гўжани ёғоч қошиқ билан ича бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТИҚСИЗ Қатиқ қўшилмаган, солинмаган, қатиғи йўқ, беқатиқ. *Куюқ ёки суюқ, ёғли ёки ёвғон, қатиқли ёки қатиқсиз, ишқилиб, ҳар қайси оила ўз топантутганни дастурхонга қўйиб баҳам кўрадиган муқаддас пайт.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАТИҚФУРУШ айн. қатиқчи.

ҚАТИҚЧИ Қатиқ билан савдо қилувчи, қатиқ сотувчи. *Ёдгор кўзларини ярим юмганча.. узоқ ётди. Йўлакдан қатиқчи боланинг овози келди: Иссиқ нон.. ёғли қатиқ..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҚАТЛ [а. قتل — ўлдириш, қатл қилиш; қотиллик] кт. Буйруқ билан расмий тарзда ўлдириш, ўлдирилиш. *Бечора ўғлининг қатлидан кейин девона бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тирағи эди. Унинг қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қатл қилмоқ (ёки **этмоқ**) Шундай ўлдиришни (ўлимни) бажармоқ, амалга оширмоқ. *Ўғлимни қатл қилишдан олиб қолишни*

сўраган эдим. Мирмуҳсин, Меъмор. Мўмин мирзосини қатл этди жаллод, Тулиқ мақсадга Мажиддин этиб шод. Ҳабибий. **Қатли бедод** Омонсиз ўлдириш. *Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг менинг аҳволима, Қатли бедодингдин энди қилуқол айлаб кетай.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Қатли нафс** Ўз-ўзини ўлдириш. **Қатли ом** Ёппасига ўлдириш, қириш; қиргин. *Улғубек мирзо тузган сиёсату салтанат вайрон бўлади, содиқ кишилар, уламою фузало қатли ом этилар экан-да!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қатли ом дегани** етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одамларнинг қиличдан ўтказилишидир. «Шарқ юлдузи».

ҚАТЛА кам қўлл. Марта, қарра. *Дутов Оренбургни иккинчи қатла босиб олиб, Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўли яна кесди.* А. Ҳақимов, Илон изидан. [Роҳила:] *Шукур, худога минг қатла шукур, кўзим очиқлигида қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚАТЛАМ 1 Маълум қалинликдаги ёки қат-қат ёйиқ нарсалар қавати; қат. *Шағал қатлами. Атмосферанинг юқори қатлами. Тупроқнинг устки қатлами.* ■ *Даранинг икки ёни жуда тик; неча терак бўйи баланд тош қатлами девордай юксалиб, худди зангори кўлдай жимирлаган осмонни кўтариб турганга ўхшарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Таркиби асосан бир хил бўлган жинсларнинг ёйиқ қавати. *Оҳақ қатлами. Тошкўмир қатлами.* ■ *Маргимушни биласиз, учувчи унсур, у олтинли қатламлар тепа-сида нурдай таралиб, ҳовурдай жимирлаб ётади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Қалин қор қатлами ҳамма нарсани, шу жумладан, полиция фаолиятини ҳам тўхта-тиб қўйди.* Газетадан.

3 *кўчма* Кишиларнинг айрим белгилар билан бирлашган гуруҳи; табақа.

4 *кўчма* Ҳар қандай нарсанинг айрим белгиларига кўра бирлашган гуруҳи. *Тилнинг луғавий қатламлари.*

5 *кам қўлл. айн. қават.* *Бир неча қатлам қилиб ўралган чит рўмолни бўйнига ташлаб олган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҚАТЛАМА Оддий хамирдан юпқа ёйиб, ёгда пишириладиган таом (бошқа шу каби пишириқлардан қатламлилиги билан ажралиб туради). *Патнисларда, тоғораларда,*

саватларда кулча, қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАТЛАМЛАМОҚ 1 Қатлам-қатлам қилиб тахламоқ, термоқ. *Олма яшикка қатламлаб жойланди.*

2 Алоҳида қатламга ёки айрим қатламларга айирмоқ.

ҚАТЛАМЛИ Бир ёки бир неча қатламдан иборат бўлган; қатлам-қатлам. *Қатламли булутлар.*

ҚАТЛАМОҚ Юпқа нарсаларни буклаб ёки устма-уст қилиб қаватламоқ, букламоқ, тахламоқ. *Қоғозни иккига қатламоқ. Кўрпачани тўрт қатлаб солмоқ. Фанерларни қатламоқ.*

ҚАТЛАМ-ҚАТЛАМ 1 Бир неча қатламдан иборат бўлган; устма-уст ёки ёнма-ён жойлашган, терилган. *Қатлам-қатлам тоғ жинслари. Қатлам-қатлам булутлар.* ■ *Пастда кичкина тоғ ирмоғи қатлам-қатлам бўлиб ётган зинасимон тошларда сакраб ўйнайди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 Ажин босиб бурушган, бурушиқ [Қудратиллахўжа] *Қотма, серсуяк бўлса ҳам, қатлам-қатлам пешонаси ва, айниқса, бурни жуда гўштор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАТЛАНМОҚ 1 Қатламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қат-қатгина қатламалар Қатланади, ёр-ёр. Қизни олиб янгалари Отланади, ёр-ёр. «Кўшиқлар».*

2 Тиришмоқ, бурушмоқ. *Уфққача борар дашт, Бағзиларнинг кўнели ғаш, Тушди қўлтиқдан тарвуз, Қатланди гунчадек юз.* Ё. Мирзо.

ҚАТЛГОҲ [а. + ф. قتلگاه — қатл (қилиш) жойи, майдони] Қатл этиладиган жой. *Ҳамма қалъа тағига бораверди, бозордагилар, кўча-кўйдагилар ҳам қатлгоҳга равона бўлдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАТМА-ҚАТ 1 Қават-қават, қат-қат ёки бирин-кетин жойлашган. *Душмanning қатма-қат мудофаа линияларига бўлган умидлари пучга чиқди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 *кўчма* Тахланиб, йиғилиб ётган, жуда кўп. *Бугун бутун олам шундай кўҳликки, Қарайман, юракда севинч қатма-қат.* Ж. Жабборов. *Сидиқжон.. бу жойларни ҳазин бир қўшиқни хиргойи қилиб кезар экан, назарида, кўп замондан бери кўкрагида қатма-қат бўлиб ётган дард-ҳасрати шу қўшиқ билан*

чиқиб кетаётгандай бўлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАТНАМОҚ 1 Мунтазам равишда, белгили пайтларда бориб келмоқ, юриб турмоқ. *Фарғонага самолёт ҳар куни уч марта қатнайди. Автобуслар кечгача қатнайди.*

2 Умуман, бирор жойга кўп ёки маълум марта бориб келмоқ. *Шаҳарга ёзи билан қатнадим. Қатнаб оёқдан қолдим. ■ Полвон ҳам қумларни яхши билади, саратоннинг жазирама иссиғида қанча-қанча марта ўтинга қатнаган эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Шахсий уй-жой қурувчилар йиллар давомида район ижроия комитетларида қатнайвериш, оёқларида оёқ қолмади. «Муштум».*

3 Ўқиш, машғулот ва ш.к. га мунтазам бориб-келиб турмоқ. *Ўқишга қатнамоқ. Тўгаракка қатнамоқ. Богчага қатнамоқ. Қатнаб ўқимоқ. ■ Кечагина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йиғит бўлиб кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Келин докторга қатнапти. Эсон-омон қутулсин. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

КАТНАШМОҚ 1 Қатнамоқ фл. бирг. н. Улар йил бўйи шаҳарга қатнашади.

2 Бирор иш-ҳаракатда иштирок этмоқ, фаолият кўрсатмоқ. *Мажлисда қатнашмоқ. Пахта теримида қатнашмоқ. Сайловларда қатнашмоқ. Спектаклда қатнашмоқ. ■ Мана шу «Ажаб қишлоқ»нинг ўзидан урушга бир юз ўттиздан ортиқ оталаримиз, акаларимиз қатнашган. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

3 Аралашмоқ, қотишмоқ. *Мулла Абдусалом ва унинг ошдошлари.. мулла Туробнинг кавуш жанжалига қатнашмаган эдилар. С. Айний, Эсдалиқлар.*

КАТНАШУВЧИ 1 Қатнашмоқ фл. сфдш. Танловда қатнашувчи талабалар.

2 айн. қатнашчи. *Мажлис қизиш кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

КАТНАШЧИ Иштирок этувчи шахс; иштирокчи. *Кенгаш қатнашчиси. Уруш қатнашчиси. Конференция қатнашчилари. ■ Декада қатнашчилари қаторида, ҳурматли меҳмонлар сифатида, Юсуфжон ака ҳам бор эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

КАТНОВ 1 Қатнамоқ фл. ҳар. н. *Шундан бошлаб Ойсулувнинг ҳар куни кунботарда Кўзёшибулоқ томонга қатнови бошланди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Транспорт воситаларининг мунтазам бориб-келиб туриши, юриши; умуман, транспорт ва йўловчилар ҳаракати, кўча ҳаракати. *Автобуслар қатнови. Қатнов йўли. ■ Шаҳарда қатнов тўхтади, дўконлар ёпилди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Боку осмони тинч. Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўнайдди. Шўҳрат, Шинелли йиллар. Аста тонг ёришиб келар, ҳали кўчаларда қатнов бошланмаган. С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.*

КАТОР |ا. قطار – туя қарвони; поезд| **1** Нарса ёки кишиларнинг бир йўл (чизик)да жойлашган ҳолати; шундай жойлашган тизими. *Қатор уйлар. Қатор тераклар. ■ Нонвойлик растасига келсалар, қатор дўконларнинг ҳаммаси ёпиқ. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Андижон деган катта юрт, Тевараги қатор тут. «Кўшиқлар». Тутларнинг қатор ораларига ишлов берилмоқда. Газетадан. Саодатхон олдинги қаторда ўтирган Лолахонга қаради. С. Зуннунова, Янги директор.*

2 айн. саф **1**. *Қаторда катта-катта одимлар отиб бораётган Элмурод шикоятланди. П. Турсун, Ўқитувчи. Душман қайта-қайта атакага ўтиб, қаторларимизни ёриб ўтишга ҳаракат қилмоқда. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Рота бир қатор бўлиб, сўқмоқдан.. кетмоқда эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

3 Бирор ижтимоий гуруҳ, ташкилот ва ш.к. га мансуб кишилар мажмуи; саф. *Илғорлар қатори кенгаймоқда. Қатордан қолгунча хатардан қол. Мақол. ■ Бу йиғитни Чилимаҳрам тоғи этагида аскарний машқ ўтказётган навкарлар қаторига кўшинг. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Шериклари қаторига кўшиб, уни ўқитамиз. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

4 Бир қанча, бир талай, анча кўп. *Аҳоли орасида жисмоний тарбияни ривожлантириш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Газетадан. Романдаги қатор образларнинг замирида конкрет тарихий шахслар ётади. Газетадан.*

5 мат. Маълум тартибда жойлашган катталиклар сираси. *Бутун сонлар қатори. Фурье қаторлари. Қаторлар назарияси.*

6 ким. Ўзаро маълум муносабатда боғланган кимёвий бирикмалар гуруҳи.

7 (3-ш. эгалик шаклида — қатори) кўм. *взф.* Ўшшатиш, қиёс муносабатини («каби», «тенги» каби маъноларни) билдиради. *Ма-на энди, у одамлар қатори эрталаб ишга бориб, кечки пайт, эл-юрт қатори, уйга қайтади.* Т. Ашуров, Оқ от. *..кечаю кундуз ўшанинг жувозида, яйловида ишлашади. Биз ҳам шулар қаторимиз-ку!?! Нимамиз ортиқ?! А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман. Шулар қатори мен ҳам гуноҳқорман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

8 (3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида — қаторида) айн. қатор 7. Агар менга хурмат лозим бўлса, муболаға билан эмас, яна тақрор айтман, бир қариндошингиз қаторида тақаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин!. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу қаторида бадиий адабиёт ва санъат ҳам бир қадар эътибор топади. «Фан ва турмуш». Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўтқарди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚАТОРАСИГА *рвш.* 1 Бирин-кетин, бир-варакайига, бирйўла, бир ҳаракат билан. *Уч самоварга қаторасига сув солиб, кўмир ташлаб қўйди. Ойдин, Ҳазил эмиш. Қамчи, охириги марта қаторасига ўқ отилган жойини тахминан мўлжалла олган бўлса ҳам, тўқайга кирганда, мўлжалдан адашди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 Бир қатор қилиб, ёнма-ён, қатор. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча. Ойбек, Танланган асарлар. Деҳқонлар дарё бўйидаги қаторасига кетган катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Капсанчилар қишлоғи деб аталар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ҚАТОРЛАМОҚ Қатор қилмоқ, қатор қилиб тизмоқ, жойлаштирмақ, термоқ. *Стулларни қаторлаб қўймоқ. Қаторлаб экомқ. Қаторлаб экадиган сеялка.*

ҚАТОРЛАШМОҚ 1 Қатор бўлмоқ, қатор бўлиб тизилмоқ, жойлашмоқ. *Симда қалдирғочлар қаторлашиб ўтирибди. Машиналар қаторлашиб ўтмоқда. ■ Фермада*

сут тўла бидонлар қаторлашиб турибди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. Қаторлашиб ётган кексалар ва гўдакларнинг юзида неча кунлик азоб ва уқубат.. ғамнинг доғи кўриниб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўп бўлмоқ, кўплигидан тикилиб, қалашиб ётмоқ. *Нуротанинг тарвузи қаторлашиб, зумраддай ўйждувон узумлари, серсув тукли шафтолилари тахланиб ётардилар. М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.*

ҚАТОРЛАШТИРМОҚ Қаторлашмоқ фл. орт. н. Саволларни қаторлаштириб ташламоқ. ■ *У болаларни орқама-орқа тўрт сирадан қаторлаштириб, ҳар хил машқлар қилдирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚАТОРМА-ҚАТОР *рвш.* 1 Қатор қилиб, қаторлаштириб. *Қаторма-қатор қилиб солинган бинолар.*

2 Қаторлар бўйлаб, қатордан қаторга ўтиб. *Чипталарни қаторма-қатор текширмоқ.*

ҚАТОР-ҚАТОР Бир неча қатордан иборат бўлган; ёнма-ён, кетма-кет қаторлар. *Қатор-қатор турналар. Қатор-қатор машиналар. Қатор-қатор стуллар. ■ Элмурод.. худди чўғдай ёниб турган қатор-қатор сўзларни ўқиди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина яроққич қарган эдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ҚАТРА [a. قطره — томчи, зарра; томизги (дори)] 1 Суюқликнинг зарралари тортишуви натижасида шарча шаклини олган алоҳида кичик бўлаги; томчи. *Бир қатра сув. Қатра қолдирмай ичмоқ. Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур, Қатрадан кўпайиб, дарё бўлур. Мақол. ■ У оҳу кўзлар.. Анбар ҳидли қатралар тўкди, Юзда қолиб биллурун излар, Чаманларга олмослар чўкди. М. Шайхзода. Хирург стакандан чой хўплар, унинг пешонасида майда тер қатралари йилтирар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

2 Кўчма Оз миқдор, озгина, жиндай. *Қатра ҳам уни йўқ экан, олдимга ярим стакан қатиқ қўйди. О. Ҳусанов, Чўлда. Эй дунёйи бевафо!. Қаҳриндан ҳамманинг бағри қон, кўнгли паришон. Шу йигитдан бир қатра бахтни олдингми? Ойбек, Танланган асарлар. Унда нуқул салобат билан қаҳрамонлик қайнайди-ю, назокатдан қатра йўқ. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ҚАТРОН I |а. قطران – суюқ смола; қорамой, чирк; гудрон|: **қатрон қилмоқ** 1) обдан ювиб, қиздириб ёки куйдириб тозаламоқ. *Қозонни қатрон қилмоқ.* ■ *Түй ҳам тугади. Олти овсин уч кун идиш-товоқларни қатрон қилишди.* С. Аҳмад, Келинлар қузғолони; 2) обдан тозаламоқ. *Нозимахон каталакдек хужрада яшаганда ҳам, ҳамма ёқни қатрон қилиб ётарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Биз соч оладиган бўлсак, устара билан теп-текис қатрон қилиб оламиз.* Т. Мурод, Кўшиқ; 3) дезинфекция қилмоқ. *Шунинг учун Тождор инни тозалаб бўлиб, шамоллатди. Остига газандаўт тўшаб қатрон қилгач, уларни ҳам чиқариб ташлади.* С. Нуров, Нарвон.

ҚАТРОН II Ёғоч, торф, тошқўмир ва ш.к. дан ҳавосиз қиздириб олинадиган қора қуюқ модда. *Тошқўмир қатрони.* ■ *Завод битгандан кейин мамлакатингиз бензин, керосин, эфир, қорамой, қатрон.* – ҳаммаси бўлиб 250 хил қимматбаҳо маҳсулотга эга бўлади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚАТРОНЛАМОҚ Қатрон қилмоқ, обдан ювиб, қиздириб ёки куйдириб тозаламоқ. *Қозонни қатронламоқ.*

ҚАТТИҚ I физ. Одатдаги шаронгта ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган. *Қаттиқ жисм. Қаттиқ модда. Қаттиқ ва суюқ ёқилғилар.*

2 Умуман, шакл ўзгаришларига, ташқи таъсирга яхши қаршилиқ кўрсатадиган; синдириш, ушатиш, кесиш қийин бўлган. *Қаттиқ ёғоч.* ■ *Бу ёқнинг тоши у ерники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғураша эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Шу тош қурутни талашасизлар. Мана, кўрдингларми, қаттиқ – тишларингни ушатади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдай қаттиқ ерни, қоялардаги ёриқларни ёриб, ўсиб чиқади.* Газетадан.

3 Баданга, қўлга ботадиган; салга эзилмайдиган, босилмайдиган. *Қаттиқ ўрин. Қаттиқ хамир.* ■ *У|Тўлаган ака| тикандай қаттиқ соқолини Сидиқжоннинг юзига ишқаб.. пичирлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

4 Маҳкам, мустаҳкам, пишиқ. *Белбоғни қаттиқ боғламоқ.* ■ *Холиқов ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди ва қаттиқ қўл қисиб кўришиб, креслога таклиф қилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Энди гап шу: оёқни*

қаттиқ тиранг.. насияни тезроқ ундириг. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Белги даражаси юқори (ортиқ) бўлган; кучли, зўр, жуда. *Қаттиқ товуш. Қаттиқ оғриқ. Қаттиқ изтироб. Қаттиқ шамол. Қаттиқ совуқ. Қаттиқ зарба. Қаттиқ хўрматламоқ. Қаттиқ азоб чекмоқ. Қаттиқ чарчмоқ.* ■ *Гулнор Йўлчини қаттиқ севди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Неъмат Ҳайдарович, хотиним қаттиқ касал..* Н. Қобил, Беморлар. *Касалнинг қаттиқ илтимоси ва талабига кўра, кабинетдаги телефонни каравот ёнига ўрнатдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўзбек ойим ўғлининг бунчалик қатъий кетишини кутмаган эди ва бу йўсин қаттиқ муомалани-да Отабекдан биринчи мартаба кўрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу овозни ким эшитарди, қаттиқроқ чақирсанг-чи!* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Кечки пайт ёға бошлаган ёмғир ярим кечага борганда чақмоқ, момақалдиروқ аралаш қаттиқ қуйди.* С. Зуннунова, Гулхан.

6 Қийинчилик, машаққат билан бўладиган, куч, меҳнат, машаққат талаб этадиган; оғир, қийин, машаққатли. *Қаттиқ меҳнат.* ■ *Бу уйдаги хотинлар Унсинни қаттиқ юмушларга сола бошладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаттиқ кундан бизларни халос этган отамдир, Мен шу мусофир отамдан хабар оламан.* «Зулфизор билан Авазхон».

7 с.т. Сарф-харажат, умуман, чиқимга тоби йўқ, унга чидамайдиган. *Ундан бирон нарса сўраш керак эмас, ўлгундай қаттиқ одам.*

Бети (ёки юзи) қаттиқ қ. бет. Қаттиқ ботмоқ (ёки тегмоқ) Хафа қиларли, ранжитадиган даражада таъсир қилмоқ. *Бу гап Тухта холага қаттиқ ботди. Кампир Бозоровнинг юзига газабли кўзларини тикди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Даминжоннинг «Машинаминг ақли бултурдан бери сизникига қараганда кўпроқ кирганга ўхшайди», дегани Шермат акага жуда қаттиқ теккан эди.* А. Ҳайитметов, Шонли авлод. **Қаттиқ гап айн. оғир гап қ. оғир.** *Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг?* К. Яшин, Ҳамза. **Қаттиқ олмоқ** Қаттиқ ботадиган даражада қабул қилмоқ. *– Қанақа хато экан? – кўнелига қаттиқ олгандек секретарга қаради раис.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қаттиқ турмоқ** Гап-сўздан, азм-

қароридан қайтмаган ҳолда ўзини тутмоқ. *Мен ўнинчи синфни тамомлаганимча эрга тегмайман, деб қаттиқ туриб олдим.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. **Қаттиқ тутмоқ** 1) қаттиқ роя қилмоқ, амал қилмоқ. *Урф-одатларни қаттиқ тутмоқ;* 2) ўз измида (ҳукмида) сақламоқ, измида бўлишга мажбур қилмоқ. *Шариат хотинни қаттиқ тутиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қоласиз.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚАТТИҚЛАМОҚ с. т. 1 Қаттиқ қилмоқ, қотирмоқ.

2 Маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ, маҳкам қилиб боғламоқ ёки тортмоқ.

ҚАТТИҚЛАШМОҚ 1 Қаттиқ бўлмоқ, қотмоқ. *Бола ўсган сари, суяклари анча қаттиқлашади.* ■ *Кафтда сиқила-сиқила қаттиқлашган, тухумдай қор «ёвга» тегмай, адашиб, йулчининг бошини ялаб, дўпписини қийшайтириб ўтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ. *Шамол қаттиқлашди.* ■ *Назирбой, уруш қаттиқлашди-ку.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 с. т. Оғирлашмоқ қийинлашмоқ. *Иш қаттиқлашиб кетди. Тирикчилик қаттиқлашди.*

4 Шафқатсиз, аёвсиз бўла бормоқ; қатъийлашмоқ, жиддийлашмоқ. *Муртазонинг нигоҳи сўнги пайтларда анча дағаллашиб, қаттиқлашиб қолди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

5 Қаттиқ, зикна бўлиб бормоқ.

ҚАТТИҚЛИК 1 Қаттиқ эканлик. *Тошнинг қаттиқлиги. Ишнинг қаттиқлиги. Ироданинг қаттиқлиги. Интизомнинг қаттиқлиги. Оғриқнинг қаттиқлиги.* ■ *Эртага қиёмат деса, ишониш мумкин эди-ю, лекин ўлғудай қаттиқлиги, хасислиги билан донг чиқарган Болта кўпаснинг ўғлидан бундай сахийлик келишига ишониш мумкин эмасди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ирода, матонат, қатъият. *Қийинчиликларни енгиш учун қаттиқлик ва чидам зарур.*

3 Қийинчилик оғирлик; қаттиқчилик. *—Мен ўзимни камбағал деймайман, — деди бой, — лекин замонанинг қаттиқлиги мени ҳам камбағалларга яқинлаштирган.* С. Айний, Куллар.

4 Қаттиққўллик, талабчанлик. *Қаттиқлик билан қўл остида сақламоқ.*

5 Металлургияда: бирор жисм (мас., металлнинг) қаттиқ жисмнинг ботишига кўрсатадиган қаршилиги; жисмнинг механик хоссаларидан бири.

ҚАТТИҚЧИЛИК Азоб-уқубатли, оғир аҳвол, машаққатли ҳолат; оғирчилик, қийинчилик. *Қаттиқчиликка чидамоқ.* ■ *Сен ўзимизнинг болалардан. Етим ўсиб, қаттиқчиликни кўргансан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Беш-ўн кун қаттиқчиликни устимизга олиб, шу оз улов билан кўкламни енгиб олсак, кўп одамларнинг кўзи очилиб кетади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

ҚАТТИҚ-ҚУРУМ айн. қаттиқ-қуруқ.

ҚАТТИҚ-ҚУРУҚ 1 Қуриб, қотиб қолган, қотган-қутган. [Гулжон:] *Қир-чирларингизни ювиб бераман, қаттиқ-қуруқ наларингиз бўлса беринг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 кўчма Кишига қаттиқ тегадиган; оғир, қаттиқ. *Қаттиқ-қуруқ гап.* ■ *Мадумар Фуломжоннинг далилларини кунт билан эшитди, қаттиқ-қуруқ гапирмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ойша билан Раҳима ҳеч вақт бир-бирининг кўзига тик қарашмаган, қаттиқ-қуруқ гапиршмаган.* Х. Нуъмон, Меҳр.

ҚАТТИҚҚҮЛ 1 Тартиб-интизомни яхши ушлайдиган; қаттиқ, талабчан. *Қаттиққўл раҳбар.* ■ [Комилжоннинг] *Илми ва билими бор, қаттиққўл.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Шафқатсиз, бераҳм. *Ҳожи унга нисбатан жуда қаттиққўл, кўп сўқади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАТТИҚҚҮЛЛИК Қаттиққўл бўлиш, қаттиққўлга хос иш тутиш. *Иброҳим Султоннинг қаттиққўллиги подшоҳга ёқарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кўчқоровнинг жиноятчига нисбатан олийжаноблик қилишини қувватлаб бўлмайди.. битта қонхўрнинг баҳридан ўтиш керак.. Баъзан қаттиққўллик ҳам керак, ўртоқлар!* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАТТОЛ [а. قاتل — қотил, ўлдирувчи] 1 Одам ўлдирувчи, хунхўр, қотил. *У тошдек оғир гавдасини куч билан Мардонбек томон ташлаган замоноқ, қаттол бирин-кетин икки ўқ узди.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиги. *Ана, камоннинг қаттол ўқи дов ўмровга санчилади!* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

2 кўчма Ашаддий, ёвуз. *Қаттол душман.* ■ *Қалбимда ғазабнинг ўти тутақиб, Энг қаттол ёвларни қаттиқ қоралаб..* Ф. Фулом.

3 кўчма Жуда ҳам қаттиқ, кескин. *Вазир жаноблари хазина сарф-харажатларини қаттол назорат остига олмоқни таклиф этадир.* С. Сиёев, Аваз.

ҚАТ(Ъ) [а. *قطع* — кесиш, қирқиш, узиш, узилиш; муайян масофани босиб утиш]: **қат(ъ) этмоқ** эск. *кт.* 1) босиб ўтмоқ. *Бир масофани қатъ этиш учун, аввало, унинг ярмини, ярмини қатъ этиш учун унинг тўртдан бири, саккиздан бири ва ҳоказодан бирини қатъ этиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) кўчма кескин узмоқ. *Алоқани қатъ этмоқ.* -дан **қатъи назар қ. назар.** *Сен ихтиёр қиласанми, қилмайсанми, бундан қатъи назар, мен сени бахтиёр қилмасдан туролмайман.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАТЪАН [а. *قطآن* — асло, қатъиян] эск. *айн.* **қатъиян.** *Ҳукумат ишчиси бўла туриб, ҳукуматнинг обрўсини бир пул қилмоқлари қатъан жоиз эмас.* «Муштум».

ҚАТЪИЙ [а. *قطعی* — узил-кесил, энг охириги; тўла, тўлиқ] 1 **Узил-кесил белгилаб қўйилган, ўзгармайдиган; мустаҳкам, барқарор. Қатъий баҳолар. Қатъий режа. Қатъий муддат.** ■ *У ерда батальон командири билан бирга қатъий жадвал асосида машғулот ўтказадилар.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бинокорлик ишларини шундай йўлга қўямизки, ғўза парваришига сира халал бермайди.* *Фақат қатъий тартиб ўрнатишимиз керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 **Қайта кўриш, ўзгартириш, шарт, писанда, эътироз ва ш.к. га йўл қўймайдиган; узил-кесил. Қатъий жавоб. Қатъий фикр. Қатъий қарор.** ■ *Қуръони шариф майни макруҳ деб қатъий тақиқлаган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сув исрофгарчилиги, сугоришни сифатсиз ўтказишга қатъий барҳам бериш керак.* Газетадан.

3 **Мустаҳкам, шак-шубҳасиз, қаттиқ. Қатъий вавда. Қатъий риюя қилмоқ. Қатъий ишонч.** ■ *Мен сени ғолиблар қўлида кўриб, Озод келажакка қатъий ишондим.* Уйғун. *Ҳайдар ўз фикрида қатъий туриб олди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

4 **Астойдил, жилдий, қаттиқ. У. қатъий товуш билан интизом ҳақида гапирди.** Ойбек, Қуёш қораймас. *Қутидорнинг бу сўзи жуда ҳам қатъий эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..сувсиз ётган ер борки, ҳаммасини ўзлаштиришга қатъий бел боғлаганмиз.* «Ўз-

бекистон кўриқлари». *Хўжаев раис кабинетидан ранги ўчган ҳолда чиқди.* *Аммо ҳақиқатдан кўз юма олмаслигини қатъий туриб айтди.* «Муштум».

ҚАТЪИЙЛАШМОҚ 1 **Қатъий тус, ҳолат касб этмоқ; барқарорлашмоқ. Бўтабойнинг хаёллари борган сари қатъийлашди.** С. Аҳмад, Хукм. *Маҳмудов жим қолди, нималарнидир ўйлаб кетди, излаган нарсасини топгандай, фикри энди қатъийлашди, кўзлари чарақлаб ёнди.* *Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. Гап пишиб, қарор қатъийлашганда, Шодмонбек Хуснияларниқига одам юбормоқчи бўлган эди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ҚАТЪИЙЛИК 1 **Қатъий ҳолат, қатъий ҳолатга эгалик, қатъий эканлик. Фикрнинг қатъийлиги. Ишончнинг қатъийлиги. Мақсаднинг қатъийлиги.** ■ *Тартибнинг эркинлиги нисбий бўлганлиги каби, тартибнинг қатъийлиги ҳам нисбийдир.* Газетадан. *Ҳафиза ўз ниятида қатъийлиги, маъсум, беғубор севгиси билан гўзалдир.* О. Тоғаев, «Умид» романи ҳақида.

2 *айн.* **қатъият 1.** -*Ҳамма иш муҳим, — деди Адолат қатъийлик билан, — аммо сув муҳимроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг бутун вужудида ўзига ишонч, қатъийлик сезилиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ҚАТЪИЯН [а. *قطيآن* — қатъий равишда, узил-кесил, батамом] *рвш.* 1 **Қатъий равишда, бутунлай. Қатъиян рад қилмоқ. Қатъиян ман қилмоқ.** ■ *Шу минутдан бошлаб [Элмурод] ўз қароридан қатъиян кечмоқчи ва ҳаммасини бирийўла кўнглидан чиқариб ташламоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундай эътиборсизликка қатъиян барҳам бериш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 **Сира ҳам, ҳеч, мутлақо. Уларнинг ҳаракатларидан, нъларидан бениҳоят чарчаганликлари сезилиб турса ҳам, лекин доддираш, ҳовлиқиш, наришонлик қатъиян кўринмасди.** Ойбек, Қуёш қораймас.

3 **кам қўлл. айн. қатъий 4. Отинойи бу сафар ўз қоидасини бузиб, қатъиян тайинлади.** П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТЪИЯТ [а. *قطيأت* — қатъийлик, узил-кесиллик; дадиллик, матонат, сабот] *кт.* 1 **Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қаттиқ туриш; қатъийлик. Қатъият кўрсатмоқ.** ■ *Тўлқинжон анқайиб қолди.* *У Ҳуридан бундай қатъиятни ва иродани сира кутмаган эди.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Унинг чехрасида, юпқа*

лабларида аллақандай бир қатъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди. О. Ёқубов, Излайман.

2 Сабр-тоқат, матонат, ирода. *Ҳарбий хизмат ўз характерида кўра йиғитлардан қатъиятни талаб қилади.* «Саодат».

ҚАТЪИЯТЛИ 1 Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қатъият билан турадиган; азмкор. *Қатъиятли ходим.* ■ *Аввалига Ҳошим Латифжонга анча қатъиятли, ростгўй ўртоқ сифатида танилган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Меҳрибон устоз Муҳсин Қодиров ўта талабчан, изланувчан ва қатъиятли мураббий.* Газетадан.

2 Матонатли, иродали.

ҚАТЪИЯТСИЗ 1 Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қатъият билан туrolмайдиган; беқарор.

2 Ноаниқ, бетайин. *Бу тўғрида қатъиятсиз, мужмал жавоблар беришдан.. тўйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан қаён.

ҚАТЪИЯТСИЗЛИК Қатъиятга зид иш, хатти-ҳаракат. *Жуда кўп ҳолларда.. йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қатъиятсизлик, журъатсизлик қилди.* Газетадан.

ҚАТҚАЛОҚ 1 Кучли ёғинлар ва суғоришдан сўнг нам тупроқ бетида ҳосил бўладиган қаттиқ қатлам. *Уруғ экилгандан сўнг устига кучли ёмғир ёғса, тупроқ бети қотиб қолади, биз шуни қатқалоқ деймиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бугун звено авзолари далага чиқиб, қатқалоқ ерларни юмшатиб, ғўза ниҳолларининг тагини бўшатиш билан банд.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ер, қор ва ш.к. нинг музлаб, қотиб қолган устки қатлами. *Кўча музлаб, қатқалоқ ва тойғоқ ҳосил бўлибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бектемир қатқалоқларга қоқиниб-суқиниб, штабга келди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Қатқалоқ совуқ Ҳамма нарсани музлатиб, қотириб қўядиган қаттиқ совуқ. *Одамлар «чийшлаган чилла» деб таърифлаган кунларда шундай қатқалоқ совуқ роса бир ҳафта давом этди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТҚАЛОҚЛАНМОҚ 1 Қатқалоққа айланмоқ; қатқалоқ билан қопланмоқ.

2 Яхлаб қотмоқ. *Эрув вақтида ярим белидан лой кечишга тўғри келадиган кўча-*

ларнинг лойи қатқалоқланган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАТ-ҚАТ 1 Бир неча қават ёки қатламдан иборат бўлган; қават-қават, қатлам-қатлам. *Қат-қат кўрпалар.* ■ *Қат-қат булутни беҳол ёриб чиққан қуёш ўз аксини сувга туширган эди.* Й. Шамшаров, Ойдин кўллар. *Токчалар қадимча — ганчдан ишланган қат-қат катакчалардан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаватлари букланиб очиладиган ёки шундай йўсинда тахланган. *Оёғида шпорли яхши хром этик, унинг қўнжини манглай ажинидай қат-қат қилиб, бири устига бирини қалаштирган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Қаторлашиб тахланиб ётган; жуда кўп, чексиз. *Сен ўқийсан, мен ишда, Дилда умидлар қат-қат.* Зулфия. *Дўстим билан қувнаб, кулишиб, Биз қайтамиз, севинчлар қат-қат.* Х. Салоҳ.

4 *кўчма кам қўлл.* Такрор-такрор, қайта-қайта. *Мени бутун дунё тингласин, Чевар қиз, деб мақтасин қат-қат.* Уйғун. *Умр тилаб мард ўғли учун, Она қат-қат қарар юлдузга.* Ҳ. Фулом.

ҚАТҚОРИН анат. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонининг қат-қат қисми.

ҚАФАС [a. قفص — катак, каталак; сават, кажава; кўкрак қафаси] 1 Қуш ёки ҳайвонларни сақлаш учун махсус ясаладиган хонача. *Темир қафас. Қафасда саъва боқмоқ. Қафасдаги шер.* ■ *Қафас яшириб қўйилган арча тагида бир каклик патиллаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Каттагина бир қафасдаги чиябўри, чет одам келганидан, норози иржайиб қўйди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Кўкрак қафаси анат. Гавданинг қовурғалар билан ўралган, юрак жойлашган қисми. *Юрагини эзиб, кўкрак қафасини ёриб юборгудай бўлаётган алам ва фарёдга чидай олмай, секин боққа чиқдим.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *кўчма* Қафасга нисбатли нарса, ҳолатни билдиради. *Мана икки йилдирки, у Содиджон бойваччанинг олтин қафасида қон йиғлаб, кундошлик жафосини тортади.* К. Яшин, Ҳамза. *Етти ўғлон қутқарганда ёрни жинлар қафасидан..* М. Шайхзода.

3 *кўчма* Саноқ сон билан қўлланиб, айрим қушларни уриштиришда ўтадиган маълум вақт доирасини (бирлигини) бил-

диради. Тешабой бўқоқ Раҳимберди калнинг туллаги билан жўжасини уриштирган эди, икки қафасдаёқ Раҳимбердининг беданаси.. чийишлар чикиб кетди. «Муштум». ..икки муллани бир қафас уриштириб, томоша қилмоқчи бўлибдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚАЧОН сўр. олим. 1 Қай(си) вақтда? Қачон келасиз? Мажлис қачон бошланади? ■ Қачон керак бўлсам, айт, югуриб келаман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 бркт. боғл. вазф. Қачонки. Қачон унинг паранжисини кўрса, қачон овозини тўсатдан эшитса, йиғит қалтирайди, ранги оқаради. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЧОНГИ 1 сўр. олим. Қайси вақтга таллуқли?; қайси вақтда бўлган? Бу қачонги воқеа?

2 сфм. Узоқ ўтмишга оид, анча вақт илгари, қачонлардир юз берган; эски. Хў, бу қачонги одам. Қачонги ишларни суриштириб юрибди.

ҚАЧОНДИР 1 Тарихи аниқ бўлмаган узоқ ўтмишда, ўтган замонда. Бу ерлар қачондир тўқайзор бўлган. ■ У [Абдулла] асли хўжандлик тожик бўлиб, Қамишқапага қачондир кўчиб келган, сартарошлиги учун ҳамма уни «уста» дер эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Келажак кунларнинг бирида, қачон бўлмасин бир кун, бир кун эмас бир кун. Унинг [Тўлаганининг] бу гаплари керакли, ҳозир бўлмаса, қачондир айтилиши керак гаплар бўлгани учун Бўтабой ҳам қўйиб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЧОНКИ бркт. боғл. Бирор воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини ёки шартини ифодалайди; «агар», «башарти» маъноларида қўлланади.

ҚАЧОНЛАР рвш. Бундан анча вақт аввал; аллақачон. Халқлар ичида кўндан овоза — донғи кетган, Дунёнинг ҳаммасига қачонлар бориб етган. Қ. Муҳаммадий.

ҚАШИМОҚ Бирор жойнинг қичишини энгиллаштириш ёки босиш учун нарса ёки тирноқ ва ш. к. билан тирнамоқ, қичимоқ. У [Қудрат] кўзини қисиб, рўчканинг думи билан пешонасини қашиб, узоқ ўйлади. Х. Назир. Сўнмас чақмоқлар. Баққол.. харидор кутиб, оппоқ соқолини қашиб ўтиради, кўзлари ўтган-кетганда. «Шарқ юлдузи». -Қийин.. Оғайни, қийин, — деди ияги-

ни қашиб ошпаз солдат. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Улар [чумчуқлар] бир-бирларини қувишиб ўйнашар.. патларини, қанот тағларини қашиб-қашиб қўяр эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бош қашишга (ёки қашигани) вақт йўқ ёки бош қашигани қўл тегмайди Жуда банд, озгина ҳам бўш вақт йўқ. *Мартенчиларнинг бош қашигани вақтлари йўқ: улар кўндан кутилган машиналарни монтаж қилишлари, уларни тездан ишга солишлари керак* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Майли, эканлар экиб, тикканлар тикаверсин, бошимизни қашишга қўл тегмайди-ю..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бошини қашимоқ** Хиждолатли, ноқулай шароитга тушганда ёки бирор хаёлга борганда, ўй сурганда, қўлни бошга юбориб, қашишга ўхшаш ҳаракатлантириш ҳолатини билдиради. *Машраб хижолат чекиб, бошини қашиди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ган шу ерга келганда, Берди Аминовичнинг нафаслари ичларига тушиб, кўрсаткич бармоқлари билан бошларини қашиб қолдилар.* «Муштум». *Бошин қашиб бир нафас, Ботди оғир хаёлга.* Файратий.

ҚАШЛАМОҚ 1 айн. қашимоқ. *Ҳамроқул бекка қараб ва қўлини тўни ичига олиб, қорнини қиртиллатиб қашлай бошлади.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Зиёхонов Тўлаганга қараб, тақир бошини қашлади.* А. Мухтор, Чинор.

2 Қашлағич билан тозаласмоқ. *Қашлағич олдим-да, қора қашқани у ёқ-бу ёғини қашлаб чиқдим.* А. Қодирий, Улоқда.

3 *кўчма кам қўлл.* Алдаб-сулдаб, силаб-сийпаб, бирор ишга кўндирмоқ. [Мастура:] *Ахир сиз қизиқсиз! Беш кун сабр қилинг, куёв-пуювга чиқсин, бир ой-ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-аста қашлаб, ишга солашлик-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мен сенга ёмонликни кўзласам, орқангни қашлаб гапирар эдим.* И. Раҳим, Ихлос.

4 *кўчма* Шилиб, юлиб-юлқиб олмоқ. *Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди, Ёмон билан ўртоқ бўлсанг, бор-йўгингни қашлайди.* Мақол.

ҚАШЛАҒИЧ Отни қашлаб тозалаш учун ишлатиладиган, қатор тишли темир асбоб. *Тўра от устини бир сидра ювиб, сўнг қашлағич билан бўйниларини, ўмровини қашлай бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

ҚАШОВ *шв.* Қашлағич. *Тилла қашов, гулдан жүрөб [супурги] қүлида. Торта берди уиркүкнинг баданига. «Хушкелди».*

ҚАШШАНГ *шв.* 1 Уяти йўқ, сурбет, суллоқ. *Қашшанг одам. ■ Қуёш, бошлиқ бевақт ишга қўзғаган қашшанг каби, тажангларча нур сочмоқда. «Шарқ юлдузи».*

2 Бўй бермайдиган, асов. *Қашшанг от.*

ҚАШШОҚ *Ўта камбағал, фақир; фақирона. Қизик экансан.. бу ердагилар ҳаммаса гадойдан нон тилайдиган қашшоқлар.. Ойбек, Танланган асарлар. Ушининг баланднаст лой томлари шаҳардаги қашшоқ ҳаётнинг гувоҳидек мунғайиб турибди. С. Кароматов, Олтин қум. Рўзиматнинг отаси жуда қашшоқ яшар, мешкобчилик билан кун кўриб, оиласини боқолмас эди. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.*

ҚАШШОҚЛАНМОҚ *айн. қашшоқлашмоқ.*

ҚАШШОҚЛАШМОҚ Қашшоқ ҳолатга тушмоқ, камбағаллашмоқ. *Кейинги пайтларда деҳқонлар қашшоқлашган, ерсизлик балоси жонларига тегиб кетган эди. К. Яшин. Ҳамза.*

ҚАШШОҚЛИК Қашшоқ ҳолат, қашшоқ турмуш. *Очлик, қашшоқлик — уруш дарахтининг аччиқ мевалари. Т. Малик, Ажаб дунё.*

ҚАШҚА 1 От ёки мол пешонасидаги оқ жой, оқ нишона; шундай нишонли от, мол. *Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор, Усти қора, бағри оптоқ қор. Ф. Фулом. От келар яшнаб борлиқ, Қашқаси гўё ёрлиқ. Т. Тўла. Ўртароқда анчадан бери бир-бирига ўқрайганча елкалашиб келаётган қашқа буқача билан тарғил буқача тўсатдан сузишиб қолиб, поданинг тўс-тўполонини чиқарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *кўча* Бетнинг кўринадиган ерида урилишдан қолган нишона, мас., яра, чақа. *Сапчиб ўрнимдан турсам.. пешоналари қашқа, кийимлари тупроқ.. дадам кириб келаяптилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [Мавлон] Ҳозир афти-башарасини қашқа қилиб мушлашишдан, бировларнинг таъбини хира қилишдан бошқа иш қилмайди. Ш. Шухратов, Безорилар.*

Отнинг қашқаси салб. Ҳамма биладиган, танийдиган. *Луқмонбек маҳаллада отнинг қашқаси. С. Аҳмад, Сайланма.*

ҚАШҚАЛДОҚ Сувмошақлар туркумининг қамишзор қўлларда яшайдиган, бошида қашқаси бор бир тури; ўрдакдан кичикроқ ёввойи ов қуши. *Тўнғизларнинг бесаранжом хур-хури, ўрдак ва қашқалдоқларнинг ғақ-ғуқи оламни тутган. С. Аҳмад, Уфқ.*

ҚАШҚАЛИ Пешонасида қашқаси бор. *Майна яна бир қарра извош ва отларни кўздан кечирди.. Отнинг бири қизил, четдагиси оқ қашқали тўриқ. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

ҚАШҚАРБЕДА Дуккаклилар оиласига мансуб, оқ ёки сариқ гулли, ўқилдизли икки йиллик бегона ўт.

ҚАШҚАРБОЛДОҚ Исирғанинг 18-асрда Фарғона водийсига қашқарликлар келтирган, ҳалқа шаклидаги тури. *Қашқарболдоқнинг маҳаллий анъаналарга яқинлиги унинг тез тарқалишини таъминлаган. «ЎЗМЭ».*

ҚАШҚАРГУЛ *айн. кўқонгул.*

ҚАШҚАРИ Қашқарда бўладиган; Қашқарда ясалган. *Ҳаётхон ўрндан турди, онам умид билан унга тиктириб қўйган.. қашқари қундуз телпакни кийгизди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚАШҚАРЧА 1 *сфт.* Қашқарга ва қашқарликларга оид; уйғурча. *Қашқарча уйин. Қашқарча овқатлар.*

2 *от* Олди ромлар билан ўралган айвон. *У «тиқ» этган овоз келса, кўзларини беихтиёр кўча эшикка тикиб, қашқарчада ўтирибди. А. Ёқубов ва Ш. Шодиев, Топилган қиз.*

3 *от* эск. Уйғур тили. *Қашқарча(ни) биласизми? Қашқарча сўзлашмоқ.*

4 *от* Келиб чиқиши уйғур мусиқаси билан боғлиқ куй ёки ашула номи. *Одамларнинг кўзлари гулхан ёруғида ўртада «қашқарча»га муқом қилувчи, беқасам тўн устидан белбоғ боғлаган қора қош йиғитда. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚАШҚИР *айн. бўри 1.* Қашқир ўзининг уяси олдидаги қўйларга тегмай, узоқдаги бошқа қўйларга боради. *О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. Мен кетган сўнг ўзинг ёлғиз қолмагин, Қашқир-қобонларга емиш бўлмагин. «Ширин билан Шакар».*

ҚАЪДА [a. قعدة — ўтириш, вазият, ҳолат] *эти.* Киши вафотидан кейин унинг кейинги маросимларидан бирини, мас., «йигирма»си ёки «қирқ»ини бирор яқин

қариндошиникида ўтказиш одати, таомили. *Қаъда қилмоқ.*

Қаъда қаримас Қилиниши лозим, аммо шошилич бўлмаган иш ҳақида. *Халқимизда «Олтин чиримас, қаъда қаримас» мақоли бежиз дунёга келмаган. «Фан ва турмуш».*

ҚАЪР [a. قعر — чуқурлик, чуқур жой; таг, туб] Бирор нарсанинг сиртидан анча чуқур ери. ости, ичи. *Ернинг қаъри. Дарёнинг қаъри.* ■ *Бир ярим соат ичида денгиз даҳшатли юкни бутунлай қаърига ютиб юборди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Негадир шундай баҳайбат тоғлар ҳам кўринмас, улар ҳам худди тун қаърига сингиб кетгандай эди.* К. Яшин, Ҳамза.

КАҚАЖОН шв. Қақилдоқ. *Қандолатхон Барнони яхши билар эди: ёлғиз ўсган қақажон қиз.* И. Раҳим, Барно. *Бирам қақажон, кўҳлик, Бирам бийрон ва айёр.* Миртемир.

ҚАҚАНОҚ Кўй ёки эчкининг оғиз сугидан пиширилган овқат. [*Жонгул*] *Йигитга ҳар гал яйловдан қайтганида, албатта, ёғоч косада қатиқ, кўй сугидан ясалган қақаноқ ёки ивитилган қурут олиб чиқар эди.* О. Хусанов, Ҳаёт ишқи. *Онаси эчкининг янги сугидан қақаноқ қилиб берарди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ҚАҚАС шв. Кишилардан ёки кишилар яшайдиган жойдан узоқ, чекка ер; овлоқ. *Қақас жойда учрашмоқ.* ■ *Лўлилар колхозга аъзо бўлиб киришга қарор берганларида, биринчи шарт қилиб, қишлоқдан қақасроқ ерни талаб қилган эдилар.* Н. Сафаров, Лўлилар.

ҚАҚА(Қ)ЛАМОҚ «Қақ-қақ» овоз чиқармоқ; қақилламоқ (товуқлар ҳақида). *Чипор товуқ ҳам зўр ташвиш билан қақақлаб, таралиб юрган жўжаларини қаноти остига чақирарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ калбли қиз.

ҚАҚИЛДОҚ Ўзини билагон санаб, ҳадеб гапираверадиган; гапдон, маҳмадона (кўпинча қизлар ҳақида). -*О, мунча қақилдоқ экан бу қиз, — олифта хоним юзини тескари бурди, — ташвиқот қиляпти бизни.* Ойбек, Нур қидириб. *Бошқа бирор кўзлагани бордир қақилдоқнинг.* Н. Аминов, Муяссар.

ҚАҚИЛЛАМОҚ I айн. қақа(қ)ламоқ. *Чипор товуқ шу кунларда етилган.. қақиллаб юрибди.* С. Айний, Куллар.

2 кўчма Ҳадеб гапиравермоқ, маҳмадоналик қилмоқ. *Хўп, хўп. Бунча қақиллай-*

сан? Ў. Умарбеков, Юлдузлар. Эшонни ҳам, қорини ҳам оғзига қаратиб, анчагача қақиллади. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАҚИР Сувсиз, қақраб ётган қоқ ер, қақроқ жой. *Бўз ерларга суя чиқади, қишлоқ атрофи, қақир бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ташналаб ётган қақир чўлларни ҳосилдор этиб, Боғу бўстону экинзор этгали имкон сув. Ҳабибий.*

ҚАҚИРЛАМОҚ айн. қақилламоқ. *Қақирлаб кулмоқ. Қақирлаб сайрамоқ.* ■ *Қори Маҳмуд қақирлаб кулгандан кейин, жиддий бир вазият олиб: -Менимча, — деди, — ҳар бир киши ва ҳар бир нарса учун бир ном керак.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ҚАҚИР-ҚУҚУР Ҳар хил майда-чуйда нарсалар; ашқол-дашқол. лаш-луш. *Бу машина, араваларга тирбанд қилиб.. аллақандай қақир-қуқурлар ортилган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ерматнинг қақир-қуқури оз бўлгани учун, араванинг олдинги қисмида Гулнор ва онаси бемалол жойлашган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАҚОЛАМОҚ айн. қақа(қ)ламоқ. *Тухум қуймаган товуқ кўп қақолайди.* Мақол.

ҚАҚРАМОҚ Нами қочиб ёки сувсизликдан, ташналикдан куриб қолмоқ; қуруқшамоқ. *Қақраган чўл. Томоғим қақраб кетяпти. Беморнинг лаблари қақради.* ■ *Кимсасиз чўл. Қуёшнинг жазирама иссиғидан ҳамма ёқ қақраб кетган.* Газетадан.

ҚАҚРОҚ Қақраган, қақир. *Қақроқ чўллар. Қақроқ лаблар.* ■ *Сув — анқога шафе. Ҳамма ёқ қум, қизиб, ёниб ётган қақроқ қум.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоқул ота томоғининг қақроғини босиш учун ҳовуздан оқиб чиқаётган ариқдаги зилот сувдан ҳовучини тўлдириб ичиб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚАҚИШЛАМОҚ I Оғриқли зирқироқ тутмоқ, сирқирамоқ. *Аъзойи баданим қақшайпти.* ■ *Луқ-лўқ қақшайтган чаккаларидаги оғриқ босилди..* С. Нуоров, Нарвон. *Оёқлари зир қақшар, бир қадам босишга ҳам мадори келмас эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 кўчма Азоб-уқубатли, машаққатли ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатни кечирмоқ. *У бечора, ёшлиги минг хил азоблар билан қақшаган, хўрланган, бечора халқнинг бу қадар ишонч ва эҳтиромини ҳеч вақт ҳаёлига келтирганмикин?* А. Мухтор, Қорақалпоқ

қиссаси. Эзилган, қақшаган, очу яланғоч, Ҳамиша бир ғарибтарварга муҳтож. Ҳабибий.

3 Зир-зир титрамоқ, қалтироқ тутмоқ; қалтирамоқ. ..лаби лабига тегмай титрар, аъзойи бадани безгак тутгандай қақшарди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

4 Қуриб, қақраб қолмоқ, қуриб қоқ бўлмоқ. Бочка қуриб, қақшаб кетибди. ■ Қоракўл дарёси қуриб, қақшаб ётибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

5 кўчма Ачиниб, ёлвориб ёки хафа бўлиб, кўп гапирмоқ. Қақшаб гапирмоқ. Кўп қақшадим, сўзимга кирмади. ■ Хадича буви ичкарига кирди-ю.. ўша ерда қақшаб, қарғаб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ачинарли, зор ҳолатга тушмоқ. Қон қора қақшамоқ. ■ Карима она қақшаб йиғлаётган ўглини ётоғига олиб кириб ётқизди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Жуда хунук иш бўлди-да. [Қизнинг] Онаси зор қақшаб, қидириб юргандир. С. Аҳмад, Лочин. Бечора увол кетибди. Ота-онаси қақшаб қолибди-да, аттанг, аттанг! Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ҚАҚШАТМОҚ Қақшамоқ фл. орт. н. Осмонни қоплаб олган чодирдек булут қулоқ-бурунни кўкартириб, суякни қақшатувачи аччиқ изгириб қор бошлаб келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Беғуноҳ онани қон қақшатиб, эрини тортиб олаётган эканман-ку. А. Муҳиддин, Кувё қочди.

ҚАҚШАТҚИЧ Қақшатувчи, ўнглиниши қийин аҳволга солувчи, яксон қилувчи, йўқ қилиб юборадиган. Қақшатқич зарба. Қақшатқич жанг. Қақшатқич танқид. ■ Нушратилла рўпарасида чўяндай қорайиб ўтирган душманнинг ҳақоратларига қарши қақшатқич бир гап тополмай, ҳамон ёнади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. ..тўрт-беш баравар кўп кучга эга бўлган душман атакаси қақшатқич ўқ довули билан рад этилиши керак. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚАҚШОҚ Қуруқ ва қаттиқ; қотган. Она қақшоқ қўлларини қизининг юрагига қўйди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАҚҚАЙМОҚ Тикка қотиб турмоқ, тик ҳолатда бўлмоқ. Мочалов билан бирга унинг каби погонли, яроғ-аслаҳали икки тўра зинада қаққайди. Ойбек, Танланган асарлар. Баъзан қизғиш-қўнғир бир шлон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юмронқозиққа ташланади. М. Осим, Тўмарис. Қиш оппоқ кўр-

пасин тўшаган ерда Қаққайиб турибди бир туп оқ қайин. Х. Салоҳ.

ҚАҚ-ҚАҚ тақл. с. Товуқларнинг ўзига хос овозини билдиради. Товуқлар қақ-қақ қилиб қочишди.

ҚАҒ тақл. с. Қарға, зағча, қузғун ва ш.к.нинг товушини билдиради. Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади. Мақол.

ҚАҒАНОҚ айн. қақаноқ.

ҚАФИЛЛАМОҚ «Қар-қағ» овоз чиқармоқ; қағқағламоқ. Қиру сой, дарахтлар қорга ботибди, Қарғалар қағиллар бўлиб миннатдор. Шухрат. ..баланд теракнинг айри шохида қағиллаб турган олаҳақкага анграйиб қолган эди. Н. Аминов, Суварак.

ҚАҲАТ [а. قهط – ёмғирсизлик, қурғоқчилик; очарчилик] **1** Топилмайдиган, йўқ ҳолат. Бир кафт дон-дун экишга ҳам қурбим етмади.. Ер ориқ, гўнг ҳам қаҳат. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Наҳот шунча қаттиқ табиат қаҳри, Наҳотки илож йўқ, бир чора қаҳат. С. Зуннунова. Бу ерда ҳатто пайпоқ, носки ҳам қаҳат экан. Газетадан.

Ўғрига мол қаҳатми? Удлабуррога ҳамма нарса топилади, деган маъноли ибора. –Ўғрига мол қаҳатми, ҳасса йўқолса, сен учун топилмайдиган матоҳмас-ку, – дедим. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 айн. қаҳатчилик. Ким бизга қайрилади, Очиқ, қаҳат тўрт томон. Миртемир.

ҚАҲАТЛИК Топилмаслик, етишмаслик; йўқлик.

ҚАҲАТЧИЛИК 1 Уруш ёки бирор табиий офат натижасида ёки экин-тикин битмай қолганлиги сабабли кундалик эҳтиёжларга зарур нарсаларнинг топилмаслиги, топилиши жуда қийинлиги юз берган ҳолат. Нарх-наво кўтарилиб кетди. Қимматчилик ҳадемай пулга нон топилмайдиган қаҳатчиликка айланади. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар. ..ғалла камайиб, пахта майдонлари қисқариб, чорва турли офатларга учраб, юртда очарчилик ва қаҳатчилик бошланди.. К. Яшин, Ҳамза.

ҚАҲВА [а. قهوه – кофе дарахти ва меваси; кофе; кафе] айн. кофе **1-3**. Қаҳва майдонлари. Бир стакан қаҳва. Қаҳва ичмоқ. ■ Хизматчи қаҳва келтирди, Анвар Мурод дастурхонга меҳмонларни ундади. Ойбек, Нур қидириб.

ҚАҲВАХОНА [қаҳва + хона] Чой, қаҳва, энгил таом ва ш.к. сотиладиган кичик

ресторан. *Биноларнинг насткн қавати хил-ма-хил дўконлар, ошхоналар, қаҳвахоналар ва турли муассасалар билан банд.* Х. Қодирий, Қоҳира лавҳалари.

ҚАҲВАЧИ 1 Қаҳва билан савдо қилувчи, қаҳва сотувчи. *Қаҳвачи чол қайтиб кирганида, Озод бошини хонтахтага қўйиб, донг қотиб ухларди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Қаҳвахонанинг хўжайини, эгаси.

ҚАҲР [а. *قهر* — бўйсундириш, мажбурлаш, зўрлаш; хафалик, алам, қайғу] 1 Қаттиқ аччиқланиш, жаҳл туйғуси; ғазаб. *Замиранинг қаҳрдан ёнаётган кўзлари, аччиқланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди шекилли, йиғит ширин илжайди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Кўзғолончи халқнинг.. қаҳри ҳар лаҳзада кучайди, ҳайқириғи кўкни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг сўзлашув оҳанги мулозим бўлса-да, аммо узиб олгудек қаҳр ва аччиқ киноя сезилиб турарди.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 *кўча* Баъзи табиий ҳодисаларнинг «аламли» кучи, таъсирига нисбатан қўлланади. *Қиш қаҳридан қарсиллайди қайрағочлар.* А. Мухтор. *Аччиқ аёз кўрсатар кучин, Уткирлашар совуқнинг қаҳри.* Д. Файзий.

Қаҳри келмоқ айн. қаҳрланмоқ. *Олимпжоннинг қаҳри келди, кўмир чўғидай кўзларидан ўт чақнади.* «Мушгум». *Қаҳри келганда, ҳеч кимни аяб ўтирмайди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Қаҳри қаттиқ** *Меҳр-шафқати йўқ. Ҳа, ана шундай бемеҳр, қаҳри қаттиқ кимсалар ҳам бор.* Газетадан. **Қаҳрига олмоқ** *Қаҳрини ўтказмоқ; жабрламоқ. Эй худованди карим, мен бечорани нега бунча қаҳринга олдинг.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАҲРАМОН [ф. *قهرمان* — ботир, жасур; чемпион] 1 Шижоати, довораклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб, ўзини кўрсатган шахс. *Ўлимдан қўрққан киши қаҳрамон бўлолмайди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўшиғимга илҳом берган қиз Олам-олам ҳайдаб қўйди ер. Ким кўрса ҳам уни, шубҳасиз, Пахтазорнинг қаҳрамони дер.* Т. Тўла.

Ўзбекистон Қаҳрамони *Ўзбекистон Республикасида алоҳида хизматлари учун бериладиган олий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.*

2 ад. *Бадий асарнинг бош иштирокчиси. Роман қаҳрамони. Фильм қаҳрамонлари.* ■ *Ҳамма, биринчи навбатда, ҳикоямизнинг қаҳрамони Ёдгорни табриклар эди.* С. Айний, Дохунда.

3 Умуман, бирор воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг содир бўлишига сабаб бўлган ёки унда асосий роль ўйнаган шахс. *Юқорида Отабек томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқувчини таништирамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Қаҳрамон (эркаклар исми).

ҚАҲРАМОНЛИК 1 Мардлик, ботирлик; довораклик. *Жангчининг қаҳрамонлиги.* Қаҳрамонлик *кўрсатмоқ.* ■ *Иш «номардларча» милтиқ урушидан, эски қаҳрамонлик дostonларидагидек, «мардларча» қилич билан чопиш.. ханжар ва найза билан суқшишга ўтди.* С. Айний, Қуллар.

2 Қаҳрамонларга хос иш, ҳаракат, мардлик, жасорат намуналари. *Газета хабарлари, каналдаги бўлган қаҳрамонликлар, мардликлар Жумақул отанинг диққатини жалб қилди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҚАҲРАМОНОНА [ф. *قهرمانانه* — қаҳрамонларча, ботирона, мардонавор] Қаҳрамонларга хос равишда; қаҳрамонлик билан, қаҳрамонларча. *Қаҳрамонона жанг қилмоқ. Қаҳрамонона кураш.*

ҚАҲРАТОН *Жуда қаттиқ, жуда ҳам шилдатли, ортиқ даражада совуқ. Қаҳратон қиш. Қаҳратон совуқ.* ■ *Қиш фаслида қаҳратон изғирин, бўрон, Қора булут, қора туман, тонги йўқ тунлар. Ҳабибий. Мукаррама Самадова ёзнинг жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонларида ҳам пахтакорлар, чорвадорлар.. орасида бўлди.* Газетадан.

ҚАҲРЛАНМОҚ *Ортиқ даражада аччиқланмоқ, қаҳри келмоқ; ғазабланмоқ. Ҳоким пича қаҳрланиб турди, кейин қўлини силтаб, ясовулни қайтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қаҳрлансам, армон билан ўласан.. «Муродхон». Булутларки кўкартирар ерларни, Қаҳрланса, чақмоқ-яшин сочади.* М. Шайхзода.

ҚАҲРЛИ 1 Қаҳру ғазабга тўлган, қаҳру ғазаб ифодаловчи; ғазабли. *Асқар полвон сарғайган, кир, лекин қаҳрли юзидан терини артди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Мударриснинг қаҳрли вазоҳати суратни йиртиб таи-*

лашдан ҳам тоймаслигини кўрсатар эди. П. Кодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўчма Жуда ҳам қаттиқ, шиддатли, аёвсиз. Қахрли киши. Қахрли совуқ. ■ Шу содда йигитнинг юрагини заҳарлаган қахрли, мудҳиш ҳаётни қарғади. Ойбек, Навоий. Шақиқатан ҳам куз этагийёқ киши қахрли келишидан дарак бера бошлади. Д. Нурий, Осмон устунни.

ҚАҲ-ҚАҲ: қаҳ-қаҳ урмоқ (ёки отмоқ, солмоқ) Қаҳқаҳламоқ. Шунақа қаҳ-қаҳ солиб, бегубор кулишардики, дарахтларда тунаган қушлар чўчиб қанот қоқади. Шухрат, Шинелли йиллар. Қайрилиб қаҳ-қаҳ урадир бир киши. «Оқ олма, қизил олма». Шудгорларда бригадалар қатор-қатор, Ялангликда лаблари шўх қаҳ-қаҳ отар. Ф. Фулом.

ҚАҲҚАҲА [а. قهقهه — хахолаб кулиш; қаттиқ кулги] 1 Қаттиқ хушчақчақ кулги. Шербекнинг қаҳқаҳаси Сувонжонга тепасида бехосдан чақмоқ чаққандек бўлиб туюлди. С. Анорбоев, Оқсой.

Қаҳқаҳа урмоқ (ёки отмоқ, солмоқ), **қаҳқаҳа уриб** (ёки отиб, солиб) кулмоқ айн. **қаҳ-қаҳ урмоқ** (ёки отмоқ, солмоқ) қ. **қаҳ-қаҳ**. [Нигора] Бирдан қаҳқаҳа уриб куларкан, булоққа қўлини тиқиб, чалпитиб юборди. С. Анорбоев, Оқсой. Хўш, хотин, хафа кўринасан. Болаларнинг бахтига уйнаб-кулиб, келинчақлардай қаҳқаҳа отиб юрмайсанми? Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

2 кўчма Давомли қичқариш, қағиллаш ва шу сингари товушлари билдиради. Бойқушининг шум қаҳқаҳаси. ■ Қаердадир, қум ичида, ургочи оқчорлоқнинг хунук қаҳқаҳаси эшитилар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚАҲҚАҲ(А)ЛАМОҚ «Қаҳ-қаҳ»га ўхшаш товуш чиқармоқ; хахоламоқ. [Холиқов] Гоҳо баралла қаҳқаҳлайди, баъзан: «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дундирдим», деб осмондан келади. А. Муҳиддин, Тўғри савол. Ҳа, йигитлар ютқизиб қўймасалар яхши эди [деди кимдир]. Ҳамма қаҳқаҳлаб кулди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ҚАҲҚАҲ(А)ЛАШМОҚ 1 **Қаҳқаҳ(а)ламоқ** фл. бирг. н. Солдатлар қаҳқаҳлашиб юборишди. Айниқса, қора қошли, юзлари қуёшда пишган йигит силласи қуриб куларди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Хушчақчақ суҳбат қуриб, биргаликда вақт ўтказмоқ, чақчақлашмоқ.

ҚИБЛА [а. قبله — рўпарада турган нарс; намоз пайтида юз қаратиладиган томон (Макка томони); меҳроб; жануб] 1 дин. Мусулмонлар намоз ўқийтган пайтда юзни қаратиб, ўгириб турадиган томон, Макка шаҳри жойлашган томон. Қиблага қараб фотиҳа ўқимоқ. ■ [Отамнинг] Кўп вақтлари тасбеҳ ўгириш.. кечалари қиблага қараб, тиз букиб ўтириб, худога йиғлаш билан ўтар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Меъмор дасторини бошига қўндириб, қиблага юзини тўғрилади.. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 эск. Ғарб, кунботиш томон. Қибладан эсган шамол.

Тўрт томонинг қибля! Қаёққа кетсанг кета бер, ихтиёринг ўзингда. -Иккисидан бирини таъланг, — деди Ойқиз қатъият билан, — ё кетмон, ё тўрт томонингиз қибля, бошингиз қаёққа оғса, ўша томонга жунанг. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИБЛАГОҲ [а. + ф. قبله گاه — қибля сингари жой] 1 дин. Қибля томон, қибля.

2 кўчма маж. Ўта ҳурматга лойиқ киши (мас., ота, она) ҳақида; унга мурожаат шакли. Минг мартаба шуқр бўлсин парвардигорга, Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим. А. Орипов, Жаннатга йўл. Қиблагоҳим, валламатим, қулоқ сол. Энди сиздан оқ фотиҳа тилайман. «Равшан».

ҚИБЛАНАМО [а. + ф. قبله نامو — қиблани кўрсатувчи] эск. айн. **компас**. Командирниқига ўхшаб қибланимонг борми? Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳорунбек қуёшга қарар, ундан сўнг пешмат ёнидаги қибланимони олиб, кафтига қўяди. Мирмуҳсин, Меъмор. Энди менадан кетди ихтиёр! Юрагимни қўйиб кафтимга, Шивирлайман бесабр, такрор: Қибланимом, йўл кўрсат менга. У. Азим.

ҚИДИРИШ 1 **Қидирмоқ** фл. ҳар. н. Йўқолган нарсани қидириш. ■ Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чехрасидаги гамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. **қидирув**. Геологик қидиришлар. Жиноят-қидириш ишлари.

3 кам қўлл. айн. **изланиш**. Менинг барча ижодий қидиришларим, уринишларим, мушкулотларимни бу шоир ҳал этди. Ойбек, Нур қидириб.

ҚИДИРИШМОҚ Қидирмоқ фл. бирг. н. Туғилган кунимда дадам билан бувим ном қидиришиб, ахир Адолат қўйишибди. Ғ. Расул, Адолат. Улар бир-бирларининг кўзидан маъно қидиришди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИДИРМОҚ I Топиш учун уринмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ; ахтармоқ, изламоқ. Йўқолган китобни қидирмоқ. Дўстини қидирмоқ. ■ *Ҳаёт шохларга тикилиб қаради. У овоз эгасини таниган, таниганини қидира бошлаган эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Қутбиддин тўхтаб, шу атрофда тунаб қолишга ярайдиган жой қидира бошлади.* С. Кароматов, Олтин кум. *Ҳури.. гапни чўзиш учун ҳовлиқиб, мавзу қидира бошлади.* Ф. Мусахонов, Ҳури.

2 Қидириш, излаш ишлари олиб бормоқ, тадқиқ этмоқ. Янги конлар қидирмоқ. Космосни забт этиш йўлларини қидирмоқ.

3 Топиш, эришиш ўй-хаёлида, иштиёқда, йўлида бўлмоқ. Бахт қидирибсанми, уни фақат меҳнатдан топасан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳалиги мен айтган ўртоғимнинг ота-оналари.. орзу-ҳавас қидириб, бечора қизларини қаритиб қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 шв. Сайр-саёҳат қилмоқ. Сайр этиб-қидириб, дунёни кезиб, Сўз айтиб, Москвада юрган Жамбулди. Фозил Йўлдош ўғли.

Из қидирмоқ айн. изига тушмоқ 2, 3. қ. из. Кампир из қидириб, боғма-боғ бориб, баланд девор олдида тўхтади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тирноқ остидан кир қидирмоқ қ. тирноқ.

ҚИДИРУВ I Қидирмоқ фл. ҳар. н.

2 Қидириш иши. Археологик қидирув. Геологик қидирув. ■ *..қидирув отряди қийинчиликларга дуч келар, биронта жасадни топишолмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қидирув давомида мўмийи аслга тоғда яшовчи ҳайвонлар, қушлар ва ҳаттоки айрим ҳашаротлар ҳам ўч бўлиши аниқланди.* А. Шокиров, 3. Ҳакимов, Мўмийи асл.

3 ҳуқ. Судгача дастлабки тергов: жиноятга доир қўшимча далиллар тўплаш. Жиноят-қидирув бўлими.

ҚИЁ I айн. қия. *..қоронғи тушишига яқинлашганидан, қиё ёпилиб турган дарбозани кимдир ичкаридан зичлаб ёнди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. қиялик, қия. *Тоғ оралаб юрар эмиш Утиб қиру қиёдан.* Т. Тўла. *Қиё тепасида бир*

йигит турар — Кенг водий устида ўйчан боқиши. Миртемир.

Қиё боқмоқ (ёки қарамоқ) айн. қия қарамоқ (ёки боқмоқ) қ. қия.

ҚИЁЛАМОҚ кт. айн. қияламоқ. *Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди.* Чархий.

ҚИЁМ I [а. قيام — тик туриш, қойим туриш; жўнаб кетиш; мавжудлик] 1 Куёш тикка кўтарилган пайт, туш пайти; пешин. Қиёмда чопиқчилар дам олгани чиқишди. Кун қиёмдан оғди. ■ *Қиём вақтида бир қанча болалар «тўй келди, тўй келди», деб бақириб-чақириб югуришди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кун қиёмга келиб, пешин намози ўқилгандан кейин кўшкнинг ич-таши жимжит бўлиб қолди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Меъёр. маром. *Шавла қиёмга этиб пишган эди. Алижон иштаҳа билан ҳузур қилиб еди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Фикр баҳсда қиёмга етади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Кетмон деганни бир қиёмда чопади киши.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Охири нуқта, тамом бўлиш пайти, охири. *Соч олдириш қиёмга етай деганда, саррочлик — эгар-жабдуқ растаси томондан қийғос тўполон овоз кўтарилиб қолди.* Ғ. Ғулум, Шум бола. *Тўйлари ғариброқ бошланди-ю, қиёмда қизиб кетди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Канал қурилиши қиёмга ета бошлагач, Андижонга қайтдим.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚИЁМ II I Шакарни сувда қайнатиб тайёрланган қуюқ шарбат. Кампир.. ўнг қўлига дастурхондан бир бурда жиззали нонни олди-да, ниёладаги қиёмга ботирди. Ибохон, Феруза кўзли исирға.

2 айн. мураббо. Олча қиёми. Олма қиёми. Анжир қиёми.

ҚИЁМАТ [а. قيامат — диний эътиқодга кўра, инсонларнинг қайта тирилиш куни; тик туриш; кўзғолон, ғавғо, тўполон] 1 Диний эътиқодларга кўра, гўё бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпладиган кун; охираат, маҳшар. *Афандим, ким қурбонликка қўй сўйса, қиёмат куни қил кўприкдан ўша қўйни миниб ўтар эмиш, шу ростми?* «Латифалар». *Агарда ҳаққингизни олмасангиз, мен бир кекса одамни қиёматгача қийнаган бўласиз, олинг, иним.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Қий-чув, тўполон, ур-йиқит; жанжал. *Эрталаб кўча қўққисдан қий-чув,*

қиёмат бўлиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Айланай, сизларнинг қораларингизни кўриши билан: «Раисга Жалил ўлгур етказган. Бўлмаса, нега келяпти?» деб қилди қиёматти, қилди қиёматти. С. Анорбоев, Оқсой. Мана энди нима бўлди. Ҳали эшикдан киришим билан келин қиёмат кўтаради. Ойдин, Келин ўғил туғибди.

3 кўчма с.т. Жуда ажойиб, киши қойил қоладиган. Қиёмат этик. ■ *Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота билан Усмон Юсупов ҳам шу ерда [бош тўғонда] эдилар. Кўп участкалардан одам йиғилган, қиёмат базм бўлди. Ғ. Ғулом, Ҳамидни эслаб.*

Қиёмати қарз қ. қарз 2. Қиёматда Ҳеч қачон; охирадта, ўлганда. Қарзингни ундан қиёматда ҳам ололмайсан. Қирқида кўлига соз олган, қиёматда қулоғини бурар. Мақол. **Қиёматдан қийин** Ниҳоятда қийин, жуда ҳам қийин. Уни кўндириш қиёматдан қийин. ■ *Айниқса, Тўлқиннинг ухлаши қиёматдан қийин, кўзи уйқуда бўлса ҳам, тили тинмайди. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

ҚИЁМАТГАЧА с.т. 1 Ўла-ўлгунча, бир умр; абадий. *Энди сендан қиёматгача ажралмайман.*

2 Ҳеч қачон. *Ўт шу бўлса, ошинг қиёматгача ҳам пишмайди.*

ҚИЁМАТЛИ Ажралмас, абадий. *Қиёматли дўст. Қиёматли қўшниллар. ■ Мен сизнинг қиёматли синглингиз бўлай. П. Турсун, Ўқитувчи. Сен ҳам бўлгин қиёматли фарзандим. «Равшан».*

ҚИЁМАТ-ҚОЙИМ Қиёмат кун, рўзи қиёмат, маҳшир. *Қиёмат-қойим бўлади, яқинда ҳаммани ер ютади. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ҚИЁС [а. قياس — солиштириш, ўхшатиш; андоза, ўлчов] 1 Ўзаро чоғиштириш, солиштириш, таққослаш; муқояса, таққос. *Таржима сифатини аниқлашнинг асосий воситаси қиёсдир. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. У нотиқлик санъатини эринмай ўрганиши, оддий қиёслардан катта хулосалар чиқариш кўникмасини ҳосил қилмоғи лозим. Газетадан.*

2 Ўхшаш, тенг, мисл. *Онамиз кўкрагин йўқдир қиёси, Шундан оқиб чиқар меҳр дарёси. Ё. Мирзо. Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло. А. Орипов, Руҳим.*

Ўзингдан (ўзимдан) қиёс Бунга ўзинг (ўзим) мисол бўласан (бўламан), ўзингга (менга) қараб хулоса қилавер, мазмунидаги

ибора. *Мана, ўзимдан қиёс. Кечагина ҳаммангга кулги бўлиб юрган бир солдат эдим. Мана энди, худога шукур, жир битиб, одам бўлиб қолдик.. О. Ёқубов, Излайман.*

ҚИЁСАН [а. قياس — қиёсланган ҳолда, таққослаш асосида] Қиёсий равишда, қиёс билан қараганда; қиёсланганда, нисбатан. *Қиёсан ўрганиш. Қиёсан олганда. ■ Урданинг теварак масофасини чамалаб кўрган эдик, шунинг учун ўрданинг қай даража кен бўлиши ҳам бизга қиёсан маълум. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

ҚИЁСИЙ [а. قياسى — қиёслашга асосланган, қиёсан] Ўзаро таққослашга, қиёслашга асосланган. *Қиёсий метод. Қиёсий грамматика. Сифатнинг қиёсий даражаси (тлш.). ■ Уларнинг [ёшларнинг] биланлари тахминий ва қиёсий бўлиб, кўпинча тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. С. Айний, Эсдаликлар.*

ҚИЁСЛАМОҚ Нисбат бермоқ, ўхшатмоқ; ўзаро таққосламоқ. *Ёшликни баҳор фаслига қиёслайдилар. Газетадан. Равон йўлдан борарканмиз, бу бепоён даштни беихтиёр шахмат тахтасига қиёслаймиз. Газетадан. Бухгалтер корхонанинг ўтмиши ва ҳозирги турмуши, ҳўжалигини қиёслаб, чўтга сола кетди. Газетадан.*

ҚИЁССИЗ айн. беқиёс. *Қиёссиз жисмоний куч. ■ Чорвачиликда тенгсиз Фориш ва узумчиликда қиёссиз Боғишамол боғларигача қулоч отган Жиззах вилоятида бугун катта шодиёна. Газетадан.*

ҚИЁТ тар. этн. Ўғузлар таркибига кирган қадимий қабилалардан бирининг номи. *Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб асло насаб. Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт. Алишер Навоӣ.*

ҚИЁФА [а. قیافه — ташқи кўриниш, юз, афт; қадди-қомат; ўзини тутиш] 1 Ташқи кўриниш, тус. *Шаҳримизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. ■ Гўё улуғ бир ҳодиса содир бўлиши кутилаётгандек еру кўк тантанали қиёфа олди. С. Анорбоев, Оқсой. Замоннинг оёғида Қудрат берган эски чорик, қўлида ёш баланинг калласидай гурзи.. юзида ғайрат ўти — у шу қиёфада Фарҳодни эсга солади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўша Элгелдимисан, томир? Соб бўлибсан-ку! Байбай-бай.. Одамни ҳам шундай аянчли қиёфага солса бўлар экан-да. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

2 Юз ифодаси. Унинг қиёфасидан хурсанд эканлиги кўринади. ■ Негадир, ҳамманинг қиёфаси бирдан жиддий тус олган. Анварнинг кўзларида ҳатто кўрқув. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Қиёфамда ранж аломати бўлди шекилли, ҳамхонам дарҳол гапни бошқа томонга буриб юборди. Н. Аминов, Қалтис хато.

3 кўчма Кишининг маънавий, руҳий ва ахлоқий хусусиятлари, онги, дунёқараши, билим-савияси ва ш.к. мажмуи. Кишининг маънавий қиёфаси. ■ Ёшларнинг қилаётган ишлари уларнинг қиёфасини белгилаб беради. Газетадан.

ҚИЁФАЛИ Бирон қиёфада бўлган; кўринишдаги. ..деҳқонларча камтар, содда қиёфали рус йигити кичик сержант эди. Ойбек, Кўёш қораймас.

ҚИЁФАТ [а. *قیافه* — ташқи кўриниш, юз, афт; қадди-қомат; ўзини тутиш] *кт. кам қўлл. айн. қиёфа*. ..қорадорининг хуморгарчилиги қиёфатимга анча тағйир [ўзгарши, бошқача тус олиш] бериб, хуснимга нутур етказган эди. Ғайратий, Довдираш. Уй эгаси Отабекнинг қиёфат ва уст-бошидан савдогарга ўхшатган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИЁФАТЛИ *кт. кам қўлл. айн. қиёфали*. Биз бепоен Ватанимизга тумшуқ суқмоқ орзусини қилган, одам қиёфатли бир махлуққа ўз кучимизни кўрсатмоқчи бўлдик. А. Умар, Мухтор.

ҚИЁҚ 1 Интичка, узун-узун кескир баргли кўп йиллик ўт. Кекса подачи ботқоққа ҳам, юзига урилган кескир қиёқ баргларига ҳам эътибор қилмай, олға интилар эди. А. Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси. Кўк-орол пахтазори ғумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўлаёзди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Баъзи ўт-ўсимликларнинг қиёқ баргига ўхшаш, кескир барги. Майсалар қиёқ чўзиб қолди. Қамшининг қиёғи қўлни кесиб кетди. ■ Уқ товуши тинганда, савағчининг қуриган қиёқлари тўзғиб кетганини кўрди. С. Аҳмад, Уфқ.

ҚИЁҚЗОР Қиёқ босган ер. Чўл.. қаёққа қараманг, жингил, ўт-ўлан, қамишу қиёқзор. «Ўзбекистон кўриқлари».

ҚИЗ 1 Балоғат ёшига етмаган аёл. Қиз бола. Ёш қиз. Ўқувчи қиз.

2 Хотин жинсига мансуб фарзанд (ўз отонасига нисбатан). Унинг уч ўғил, икки қизи

бор. Қиз чиқармоқ. Қиз узатмоқ. Қизи борнинг нози бор. Мақол. ■ Фарзанд ўғилми, қизми — бари бир, ота-онасининг юраги бўлар экан. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Балоғатга етган, ammo ҳали эрга тегмаган аёл; маъсума, бокира. -Қизми, жувонми, Гулнорми — бари бир, ман дадамнинг ёш хотин олишини хоҳламайман, — деди Салим. Ойбек, Танланган асарлар.

Қари қиз қ. қари 1.

4 Қизларга ёки ёш жувонларга нисбатан мурожаатда ишлатилиб, ҳурмат, эр-калаш, ўзини яқин олиш сингари маъноларни ифодалайди. Отга жуда энчил экансан-ку, қизим! Баракалла-е. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Ёзиб беринг, айланай पोшша қиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИЗАЛОҚ Қиз бола, ёш қиз. Уйимизда яна битта қизалоқ туғилди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. ..йўлакда юзуриб кетётган бир қизалоқнинг қўлида гунафша кўриб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЗАМИҚ Асосан болаларда айрим аъзоларнинг яллиғланиши, баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли касаллик. Онанинг назарида, қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бирйўла уч қизини тутдай тўкиб кетди. Д. Нурий, Осмон устун.

ҚИЗАРИНМОҚ Қизармоқ фл. ўзл. н. Ҳалима она қизариниб қолди. О. Ёқубов. Бир фелъетон қиссаси. ..қизлар гуруҳида ўтирган Нафиса ўрнидан турди, қизариниб, Элчибекка қаради. А. Мухтор, Туғилиш.

ҚИЗАРИНҚИРАМОҚ Бир оз қизармоқ, қизаринмоқ. Адолат.. ўз ҳаракатидан ўзи ўнғайсизланиб кетдимиз, бир оз қизаринқиради-ю, бирдан қулиб юборди. С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИЗАРИШМОҚ 1 Қизармоқ фл. бирг. н.

2 Сану манга бормоқ; айтишмоқ, аччиқлашмоқ. Ислохмўжа Шерназарбой билан қизаришиб олди. Ж. Шарипов, Хоразм. Йўқчилик ўлсин, икковининг ҳам тори таранг, сал насага қизаришиб қолади. «Муштум».

ҚИЗАРМОҚ 1 Қизил ёки шунга яқин тус олмоқ, қизил тусга кирмоқ. Осмон қизарди. Қулундай қизара бошлади. Бети совуқдан қизариб кетди. Нон қизариб пишиди. ■

Жуда чиройли бизнинг боғчамиз, Қизариб қолди гилос, олчамиз. Қ. Ҳикмат. Шарқ уфқи қон нураклагандек қизарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Ножўя, номақбул хатти-ҳаракати, қилмиши, айби, камчилиги ва ш.к. учун кимса олдида хижолат тортмоқ, изза ҳолатга тушмоқ. *Модомики мандан гуноҳ содир бўлмади, текширсалар, ҳақиқат олдида ўзлари қизариб қоладилар, шундай эмасми?* Ойбек, Нур қидириб. *Текин томоқ бизларга ёт; Меҳнат билан ширин ҳаёт. Ё эл билан бўлмақ керак, Ё қизариб ўлмақ керак.* С. Акбарий.

ҚИЗАРТ(ИР)МОҚ Қизармоқ фл. орт. н. Товуқни қизартириб пиширмақ. *Ўзлаш-тирмовчи ўқувчини ўз ўртоқлари олдида қизартирмоқ.* — *Ботаётган кўшининг ҳорғин нури рўпарадаги қорни, тоғ чўққисини.. булутни бир лаҳза қизартирди-да, сўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Салимни қизартиш яхши эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗДИРГИЧ тех. Иситиш, қиздириш учун ишлатиладиган асбоб, мослама, аппарат ва ш.к. *Лампали қиздиргич.*

ҚИЗДИРИЛМОҚ Қиздирмоқ фл. мажҳ. н. Қиздирилган дазмол. *Қиздирилган думба ёғи.* — *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янграмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗДИРМОҚ I Қаттиқ иситмоқ, иситиб қайноқ, қуядиган ёки куйдирадиган ҳолга келтирмақ; қиздирмоқ. *Дазмолни қиздирмоқ. Тандириш қиздирмоқ. Ёз қуёши ер юзини қиздирмоқда.* — *Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

2 Доғ қилмоқ (ёғни, мойни). *Пахта ёғини қиздирмоқ.*

3 Ҳароратини, иситмасини оширмақ; иситма чиқармоқ. *Безгак аъзойи баданни қақшатиб қиздирмоқда эди.*

4 Қонни юриштирмақ, қонни юриштириб ортиқ иситмоқ, қизитиб юбормоқ. *Асал кўп ейлса, баданни қиздиради. Одамни пўстин эмас, иш қиздиради.* Мақол.

ҚИЗ-ЖУВОНЛАР Ёш аёллар. *Йигит-қизлар, қиз-жувонлар чорвоқларнинг деворларидан сакраб ўтиб, ариқлардан ҳатлаб, югуриб борардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЗИЛ I Қон рангидаги; қирмизи, алвон. *Қизил муқовали китоб. Қизил кўйлак.*

Қизил қалам. Қизил олма. — *Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва бир бош қуш чўқиган қандайдир оқ узум бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қизил ари айн. қовоғари. **Қизил гул I**) қизил рангда очиладиган ҳар қандай гул; 2) атиргулнинг қизил очиладиган алоҳида бир тури. *Ёз гулшани қизил гул, Халқим қилур намойиш.* С. Абдулла; 3) шундай гуллар очилган пайтда ўтказиладиган халқ сайили. **Қизил китоб** Йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд қилувчи давлат хужжати. *Халқаро қизил китоб. Ўзбекистон қизил китоби.* **Қизил лавлағи айн. қизилча I.**

2 от Юзнинг, баданнинг шу тусга мойил ранги; қизиллик. *Унинг юзидаги қизилга яна қизил қўшилди.* Ойдин, Ўздан кўрсин. *Ширинзабоннинг юзига қизил югурди.* «Муштум».

3 кўчма с.т. Вино. *Сиз ҳар вақт Жамолбой акам билан чўқштирасиз, бизга жўра бўлинг, қизил ичинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма эск. Октябрь инқилоби, шўро тузуми, армиясига оидликни билдирадиган сўз сифатида қўлланган. *Қизил армия. Қизил шарқ. Қизил аскар. Қизил тўй. Қизил матбуот. Қизил чойхона. Қизил карвон. Қизил гвардия.*

ҚИЗИЛБОШ I бот. Ўрдаклар кенжа оиласининг шўнгувчилар уруғига мансуб ёввойи ўрдак.

ҚИЗИЛБОШ II тар. I Сафавийлар даврида Озарбайжон ва Шимолий Эрондаги туркий қабилалардан эрон қўшинида хизмат қилган аскар.

2 Ана шу даврда суннийларга қарши диний жангларда қатнашган шиъа жангчиларига уларнинг бош кийимларига қараб турклар томонидан берилган ном.

ҚИЗИЛИШТОН Оёғи қалта, тумшуғи бакуват ва узун, ўрмонда яшовчи қуш.

ҚИЗИЛЛИК Қизил ранг, тус. *Қоннинг қизиллиги. Шафақнинг қизиллиги.* — *Гулсумнинг юзидан қизиллик қочиб бўзарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гап ким устида кетаётганини билиб, Гулшоднинг юзига қизиллик югурди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҚИЗИЛМАҒИЗ Юзи тўладан келган ва қизил рангли. *Саман отини йўрғалатиб, қизилмағиз, басавлат бир чол ўтиб кетди.* С.

Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Омонқул амаки ай-ниқса менга маъқул бўлди: қизилмағиз, бар-васта, юрт кўрган одамлиги кўриниб туриб-ди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚИЗИЛМИЯ *айн. ширинмия.* Моҳандарон водийсида юлғун.. қизилмия, ажриқ ўса-ди. П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ҚИЗИЛОЁҚ Сув бўйларида яшайдиган узун оёқли балчиқчи қуш.

ҚИЗИЛУРУҒ Қовунинг эти ва уруғи қизил бўладиган ўртапешар тури. *..думига пичоқ қўйиш билан тарсиллаб, неча бўлакка ажралаб кетадиган қизилуруғ, шакарпалак-ларни уйиб ташлаганлар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚИЗИЛЧА I бот. I шв. Эти ва барг сава-ги қизил, овқатга солинадиган лавлаги; қизил лавлаги.

2 Чўлларда ва қуруқ тошлоқли тоғ ён-бағирларида ўсадиган буталар туркуми (тиббиётда қўлланади).

ҚИЗИЛЧА II Баданга қизил тошиши ва иситма билан кечадиган, кўпинча болалар-да бўладиган, қизамиққа ўхшаш ўткир юқумли касаллик.

ҚИЗИЛЎНГАЧ Одам ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш йўлининг ҳалқум билан меъда ўртасидаги бир қисми (истеъмол қилинган овқат массаси у орқали меъдага йўналади).

ҚИЗИЛҚУЙРУҚ бот. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида ҳамда си-лосбоп кўкпояси учун ўстириладиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

ҚИЗИМОҚ I Ҳарорати кўтарилмоқ, баланд бўлмоқ; исимоқ (асосан ҳаво ҳаро-рати ҳақида). *Ҳаво ниҳоятда қизиган, отлар ҳаллослаб терлар..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрталабданоқ кун қизий бошлайди-да, чош-гоҳга борганда қуёшдан олов ёмғири ёғила-ди.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

2 Бирор нарса (олов ва б.) таъсирида тана ҳарорати ошмоқ, кўтарилмоқ (жисм, тана ҳақида). *Бадани қизиди. Тандир қизиди. Темир қизиди. ■ Отабекнинг манглайида турган қўли қизиб кетиб, иккинчи қўлини алмаштиришига мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма ёқ қум, қизиб, ёниб ётган қум..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 айн. қизишмоқ. [Содиқ:] *Қизиб кетган эканман, қаранг, мингбошини ҳам чўзил-тирмоқчи эдим-у, бироқ орқадан келиб, қў-*

лимни боғлаганларини билиб қолдим. Н. Са-фаров, Уйғониш.

4 кўчма Қизғин тус олмоқ. *Сухбат қизи-ди. Мунозара қизиди. ■ У саҳна чеккасида суриб қўйилган парда олдига борганида, концерт қизиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу кун чоршанба бўл-ганидан бозор айниқса қизиган.* Ойбек, Улғ йўл. *Иш қизиб кетган пайтда қишлоқ то-мондан кўчани чангитиб келаётган машина кўринди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳозир овнинг авжи қизиган пайти, кўлда ўрдак, қашқалдоқ кўп.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Боши қизиди 1) боши қон тепгандек оғирлашди. *Қоратой бир оз ўйланиб, боши қизиган каби, дўпписини курсига олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) кайфдан, мастликдан боши оғирлашган ҳолга тушди. *Қодирнинг саломатлигига.. бир неча марта қадаҳ кўтарилди. Қодирнинг боши қизиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Ичи қи-зимоқ айн. ичи пишмоқ қ. ич. Сентябрь келишини кутиб, ичи қизиб кетяпти Тош-бибининг.** Газетадан. **Қулоғи қизимоқ с.т.** Гўё қулоқнинг бир оз қизиши кимса ҳақида бирор гап бўлаётганидан (бўлганидан) бел-ги, хабар беришини қайд этувчи ибора. *Сен ҳақингда ҳам кўп гаплар бўлди, роса қуло-ғинг қизигандир. ■ Ўзи йўқларнинг ҳам қу-лоғи қизиб турармиш.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚИЗИТАЛОҚ Баччаталоқ, лаънати (ен-гил сўкиш сўзи). *Қизиталоқнинг боласи, аҳ-воли мушкул демайсан, нуқул қизига тики-ласан?!* Н. Фозилов, Дийдор.

ҚИЗИТМОҚ Қизимоқ **1, 2, 4** фл. орт. н. айн. қиздирмоқ. *Тандирни қизитмоқ. Қуёш тошу қумларни қизитиб юборди. Чилдирма-ни қизитмоқ. Сухбатни қизитмоқ.*

ҚИЗИШМОҚ I Қизимоқ фл. бирг. н. **2** Ҳарорати бир оз кўтарилмоқ; қизимоқ. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишиди.* К. Раҳим, Шонли авлод. *Меҳмон-ларга шўрва билан ароқ тортилди. Йигитлар «қизишиб» олишгач, келин хонадонига йўл олинди.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

3 Жуда қизиқиб, астойдил берилмоқ. *Даврадагилар қизишиб кетиб, бир-бирлари-га гап маъқуллашар.. икки гапириб, бир ку-лишар эди. «Ўзбекистон қўриқлари». Кет-монни бир меъёрда чопади киши. Ундан ке-йин, чарчагунингча чопма, айни қизишган*

вақтингда.. дам ол! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Қизиққонликка берилмоқ; тутақмоқ. Аъзамжон ўжар, сал гандан қизишиб кетадиганлардан эди. С. Аҳмад, Уфқ. Қачон, нима масалада гап кетмасин, Бурҳонов раис билан қизишиб ўтирмайди, ётиги билан тушунтиради. М. Ҳазратқулов, Журъат. -Ўзи нима гап? — чол яна қизишиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗИҚ I I Кишини ҳайрон қолдирадиган, ажаблантирадиган. Табиат жуда қизиқ, ўз саховатини заминнинг барча ерига бирдек инъом этаверади. Газетадан. Хаёл.. қизиқ нарса, у ўзининг тутқич бермас қанотларида баъзан кишини узоқ-узоқларга олиб учади. С. Зуннунова, Янги директор.

2 Қизиқиш уйғотадиган, диққатни тортадиган; қизиқарли. Қизиқ ҳикоя. Қизиқ эртак. Қизиқ томоша. ■ Бунда ҳолдан тойгунча ишлашиб, участканинг умумий геологик схемасини тузишди, баъзи бир қизиқ жойларнинг суратини олишди. С. Кароматов, Олтин қум. Етти-саккиз ёшдаги болалар учун чиллак ўйинидан қизиғи борми? Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 Завқ, кулги кўзгатадиган. Улар бирига гап бермай, алақандай воқеани гапиришиб келишяпти. Жуда қизиқ жойига келишган бўлса керак, ҳаммалари бирдан хахолаб кулиб юборишди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 Кўнгил очадиган, мароқли, қизиқарли. Базм жуда қизиқ, жуда кўнгилли эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Салимбойвачча] Утириш қизиқ, жуда хушчақчақ, базм жуда қийқириқли бўлишини билиб.. саман йўргани эгарлатиб қўйган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 ўйриоддий, ажаблантирарли, ғалати. Уни бекордан-бекорга қамаб қўйиши қизиқку! Мирмуҳсин, Меъмор. Ўзимам қизиқманда.. Шу ёмғирдан кўрқиб, мактабдан қолиб ўтирсам. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Бу ўғрилар қизиқ: «Ойда, йилда бир келган меҳмонидан айрилмасин», деб ашула айтади.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Таажжуб, ҳайронликни билдиради. Қизиқ, бирдан ойим, бояги гаплар эсига тушдим, қовоғини солиб олади. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. -Қизиқ, нима қилиб юрибди ярим кечада? Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

Қизиқ, кечагина денгиз эди тинч, Қағрига олмоқда бугун zilzila. Г. Жўраева, Иқбол.

7 айн. қизиқчи. Юсуф(жон) қизиқ. Охун қизиқ. ■ Улуғбек ўтказган катта бир тўйда қизиқлар, чолғучилар, аскиячилардан ташқари, бир аёл ашула айтиб.. ҳаммани масту шайдо қилган экан. К. Яшин, Ҳамза. Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар, бу киши Худоёрнинг энг яхши қизиғи Зокир гов эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚИЗИҚ II I Жуда иссиқ пайт, ҳолат; қизиб турган, қизиган. Қуёш янгигина ботгани учун куннинг қизиғи ҳали қайтмаган эди. С. Зуннунова, Гулхан. Тандир каби чўл қизиғида Қизарибсан мисоли ширмон.. Р. Бобожон.

2 Қизғин тус олган, авжига чиққан, қизгин. Мажлис анча қизиқ бўлди.

Темирни қизигида бос қ. темир. Қизиқ устида Қизишиб турган пайтда. Аҳмад баҳслашишини яхши кўрарди ва гоҳида қизиқ устида, ўзи сезмаган ҳолда, қалтис гапираверарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. ..болангиз бор экан.. Ҳозир қизиқ устида билинмаску, кейин чидалмайсиэ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қизигида 1)** авжга чиққан, қизиб кетган пайтида. Ишинг айна қизигида ёмғир қуйиб қолди. ■ [Ҳожи хола:] Отам, ўйин қизигида ютқазишга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди, йиғлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; **2)** кулай пайтни қўлдан бермай, иссиғида.

ҚИЗИҚАРЛИ I Диққат-эътиборни жалб қилиб, қизиқиш уйғотадиган. Шу куни футбол майдонларида ҳам қизиқарли беллашувлар ўтказилади. Газетадан. Сўхбатларни жонли, қизиқарли, турмушдаги фактларга суяниб ўтказиш керак. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Манфаат жиҳатидан ўзига жалб қилдиган. Боғ чакки эмас, унчалик қизиқарли ҳам эмас, шундайми, Салим ака? Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗИҚИШ I Қизиқмоқ фл. ҳар. н. Ҳатто нима дегти закончи Оқилжон? — қизиқиш билан сўради Тантубойвачча. Ойбек, Танланган асарлар. Эртакнамо бу ҳангома қайси мамлакатда, қайси замонда бўлганига ҳурмати журналхонлар қизиқишлари табиий. «Муштум».

2 Билиш, ўрганиш ва ш.к. га интилиш, ҳавас майли; шахснинг ўзи учун қимматли

ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати. *Бердиёровнинг ёшликдаги интилиши, қизиқиши уни ўзи орзу қилган билим чўққшларига етаклади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ота ўғлининг техникага қизиқишини ёшлигиданоқ сезганди.* О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув.

ҚИЗИҚМОҚ 1 Қизиқиш билан эътибор бермоқ, астойдил берилмоқ, берилиб муносабатда бўлмоқ, ҳаракат қилмоқ. - *Овозингни чиқариб ўқи, нима дебди?* - *Мирзакаримбой ҳам қизиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У шунча қизиқиб кетган эдики, елкасига аста қўйилган қўлни ҳам сезмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Улар ҳар гап сайин, «қалай, сизга маъқулми?» дегандек Элмуродга тикилиб олар, у эса, чой хўплаган ҳолда, бу содда мунозарани қизиқиб тинглар эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Билиш, ўрганиш, ишлашга майл қўймоқ, ҳавасманд бўлмоқ. *Мен мусиқага қизиқаман.* ■ *Унинг ўзи ёшликданоқ физикага қизиқар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Мароқли дарсларнинг кучими, кўпчилик ёшлар математика билан адабиётга қизиқарди.* Газетадан. *Мен энди, дунёдан ўтаётган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳавас қилиб эргашмоқ, ҳавас қўймоқ; берилмоқ. *Кўқон кетаётган ўртоқларига қизиқиб, борма, деанга кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гандон, хушчақчақ меҳмонларга қизиқиб, у ҳам майни қониқиб ичган эди, чала ечиниб, тош қотиб ухлади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳавас-да.. Болалигимдан овга қизиқаман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҚИЗИҚСИНМОҚ Маълум даражада қизиқмоқ, қизиққандек бўлмоқ. - *Шоирман денг!* - *қоровул қизиқсиниб, унга қайта бошдан кўз югуртди.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. *Ҳадичабегим Астрободда рўй берган воқеалар билан қизиқсинди.* Ойбек, Навоий. *Жангчилар комиссарнинг ҳикояларини қизиқсиниб тингламоқда эдилар.* М. Муҳамедов, Машқ.

ҚИЗИҚТИРМОҚ Қизиқмоқ фл. орт. н. *Бу ҳикоя ҳаммани қизиқтириб қўйди.* *Мусиқага қизиқтирмоқ.* ■ *Уни ҳозир ўрдак отишдан кўра Жумагулнинг жамоли қизиқтирар.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚИЗИҚУВЧАН Ҳар нарсани билишга интиладиган. қизиқадиган; қизиқиш, ҳавас майли кучли. *Инсон табиатан сирли, сеҳрли нарса, ҳодисаларга қизиқувчан бўлади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ҚИЗИҚУВЧАНЛИК Қизиқиш, ҳавас майлига эгалик, эга бўлиш. *Йигитли тиришқоқ, ҳамма нарсага қизиқувчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚИЗИҚЧИ 1 Қизиқ ҳаракатлари ва сўзлари билан кишиларни кулдирувчи одам. *Дадаси жуда қизиқчи киши.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Илгари овчилик қилган бир қизиқчи йигит мудирликни қабул қилганди.* С. Аҳмад, Музей.

2 Халқ сайилларида, йнгилишларида томошабинларни кулдирадиган ўйинлар кўрсатувчи артист; масхарабоз. *Қизиқчилар ўйини. Қизиқчилар кийими. Қизиқчи артист.* ■ *Қишлоқ болалари бу масхарабоз, қизиқчи бола — Кимсаннинг сўзига қотиб кулдишлар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚИЗИҚЧИЛИК 1 Қизиқчи иши, касби.

2 Қизиқчилар кўрсатадиган ўйин-томоша; ўзбек анъанавий театри тури. *Қизиқчилик кечаси.* ■ *Унинг асл исми — Наби.* *Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» — «Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Ҳазил ва шўхликда, ҳар хил ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратарди.* Ф. Мусаёнов, Ҳури.

Қизиқчиликка ёки қизиқчилик учун Кишиларни кулдириш ёки эрмак учун, ҳазил тариқасида. *Бу ишни қизиқчилик учун қилдим.* ■ *Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семиргандай юм-юма-лоқ.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

ҚИЗИҚҚОН 1 Салга жаҳли чиқиб, тутақиб кетадиган, аччиғи тез. *Қизиққон одам.* ■ *Феъл-атвори жиҳатидан жуда қизиққон, сал нарсага лов этиб.. ингичка овозини баралла қўйиб чийиллайди.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 кам қўлл. Юрагида ўти бор; сергайрат. *Ўринбой — шижоатли, қизиққон йигит.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚИЗИҚҚОНЛИ кам қўлл. айн. қизиққон. Иним, бизнинг тарафнинг фуқароси андақ қизиққонли бўлади. Ойбек, Навоий.

ҚИЗИҚҚОНЛИК Қизиққон шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. Қизиққонлик мардга эмас муносиб. Ж. Жабборов. Бу гўзаллик кибр ёки совуқликни эмас, балки гайрат ва қизиққонликни тақозо қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИЗИҒАР сўк. Енгил койишни ифода-лайди. Қизиғарларнинг кўзини очиш керак, батрақларнинг ҳам одам эканлигини билиб кўйсинлар. Ҳ. Шамс, Душман.

ҚИЗКЎРАР этн. Унашиш олдидан совчиларнинг қизни кўриш маросими.

ҚИЗЛИ Қизи бор, қизи бўлган. Қизли уй. ■ Бу тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади? «Алпомиш».

ҚИЗЛИК Қиз фарзандлик. У сизга қизлик қилмайди.

2 Аёлларнинг ёшлик чоғи ва шу чоқдаги ҳолати. У қизлигида жуда чиройли эди. ■ Фазлиддин Нури қизлик чоғида ўз хаёлида чизган.. йигитларга сира ўхшамас эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иффат, маъсумалик, бокиралик. Қизлигини йўқотмоқ. ■ Офтоб ойимнинг: -Нега қирқ кокил қилмайсан? — деб сўрашига: -Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди, — деб кулди [Кумуш]. А. Қодирий. Ўтган кунлар.

4 Бокира қизларга хос. Бу унинг бояги айтган гапига қизлик иффати билан қайтарилган жавоб эканини тушунди. С. Аҳмад, Уфқ. Ой нури қизнинг сочларида, юзида жим-жим ўйнар, қизлик латофатига сирли ва сеҳрли бир нима бағишлар эди. «Шарқ юлдузи».

ҚИЗОШИ этн. Никоҳ тўйидан бир кун олдин қизнинг уйида дугоналари учун бериладиган зиёфат.

ҚИЗТАЛОҚ айн. қизиталоқ. Оббо қизиталоқ, шайтоннинг домласи экан-а! Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗУВЧАН 1 Тез қизийдиган. Мис қизувчан металллардан биридир.

2 кўчма кам қўлл. Салга аччиғи келади-ган: жаҳли тез, қизиққон.

ҚИЗЧА 1 Қиз 1, 2 с. кичр.-эркл.

2 Ёш қизларга мурожаат шакли.

ҚИЗЧИҚАРАР этн. Никоҳ тўйи, қизни турмушта узатиш. Эсласам, шунда ҳам қизчиқарар тўйга борувдик. Газетадан.

ҚИЗҚУШ Балчиқчилар туркумига мансуб, жиғали ботқоқ қуши; қизғиш.

ҚИЗҒАЛДОҚ айн. лолақизғалдоқ. Алвон қизғалдоқлар билан қопланган тепалик шафақдай қизарган, аллақерда тўрғай фарёд соларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЗҒАНМОҚ 1 Бирор нарсани сарфлашга ёки бировга беришга оғринмоқ, эсиз деб билмоқ, ҳайф кўрмоқ, аямоқ. Айрон сўраб келгандан челагингни ҳам қизғанма. Мақол. ■ Эшонни қандайдир тул қизиктираётганини, қори эса сир бой бермагани ҳолда, ўша тулни қизғанаётганини Элмурод сезиб турарди. П. Турсун, Ўқигувчи.

2 Ачинмоқ, раҳми келмоқ. Қизган, она, ўксизни, Ўша қутқазди бизни. Ҳ. Олимжон. Йигит кўзларидаги алам ва фироқни кўрган Искандаро уни қаттиқ қизғанди. Ойбек, Нур қидириб.

3 Бекор кетмаслик ҳаракатини қилмоқ, ҳайф бўлмасликни ўйламоқ. Бугун ҳеч қаерга бормадим — ишимни қизғандим. ■ Муҳиддин бирон жойга кириб, тамадди қилиб олишни ўйласа, поездга кеч қолаётган киши сингари вақтни қизғанарди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 с.т. Рашк қилмоқ, -Абдуваҳобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизғанадиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмайди, одам эмас — қул, — дейишарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Умар Гулсуни Элмуроддан қизғаниб, ичи ўртаниб келган эди. П. Турсун, Ўқигувчи.

5 Ўзига тегишли нарсага (мас., боласига) тегиниш, дахл этишга йўл қўймаслик ҳолатида бўлмоқ, шундай хусусият (одат)га эга бўлмоқ (асосан, жониворлар ҳақида). Совлиқ боласини қизғаниб, уларга ёвқараш қиларди. С. Аҳмад, Юлдуз.

ҚИЗҒАНЧ кам қўлл. Қизғаниш ҳис-туйғуси; рашк, ҳасад. Ҳамдамформа қизғанч-ҳасад билан тўлиб-тоша бошлаган кўнглини юпата бошлади.. С. Айний, Қуллар. Бу сўз Элмуроднинг кўнглидаги қизғанч чўғини босган кулни учириб юборди.. Шухрат, Шинелли йиллар.

ҚИЗҒАНЧИҚ 1 Нарсасини бировдан аяйдиган; бахил. Қизғанчиқ бола. ■ Новда керак десам, ўзимизга керак, помидор бой-

лаймиз, дейди. Қизғанчиқ! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳали айтганимдай, отам қанчалик сахий бўлса, онам шунчалик қизғанчиқ. «Муштум».

2 Рашкчи; ҳасадчи.

ҚИЗҒАНЧИҚЛИҚ Қизғаниш иши, ода-ти. Қизғанчиқлик бахилнинг иши. ■ Озиқ-овқат тахчил бўлишига қарамай, табиатида қизғанчиқлик йўқ эди. С. Исҳоқов, Олам гўзал.

ҚИЗҒАНЧОҚ шв. Қизғанчиқ.

ҚИЗҒАР с.т. Қизғар.

ҚИЗҒИМТИР айн. қизғиш 1.

ҚИЗҒИН 1 Қизиб турган, қизиган; ҳароратли, иссиқ; қайноқ. Саратоннинг қизғин қуёши. ■ Қизғин қум.. остидан янги-гина келтирилган тўрт дона кўмач ишта-ҳаларни ўзига тортар эди. С. Айний, Қуллар. Собир юзини унинг ўтдай қизғин юзига сал тегизиб, шивирлади. Ойбек, О.в. шабадалар.

2 Жўш ўрган, жўшга келган; авжига чиққан; жонли, жўшқин. Қизғин иш. Қизғин кураш. Қизғин суҳбат. Қизғин мунозара. Ғўза парвариишнинг қизғин палласи. Урим-ийғим қизғин давом этмоқда. ■ Ҳозир пахта учун кураш янада қизғин тус олди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Чинакамига ва кучли тарзда, чин дилдан. Қизғин салом. Қизғин табриқлар. ■ Биз кексаларнинг орзу-истакларини қизғин қувватлаймиз. Н. Сафаров, Оловли излар. Эр-хотин бир-бирларини ҳеч қачон ўша кундагидай қизғин суймаган бўлсалар керак. Э. Аъзамов, Жавоб.

ҚИЗҒИНЛАШМОҚ Қизғин тус олмоқ. Иш қизғинлашди. Мунозара қизғинлашмоқда. Кураш қизғинлашди. ■ Ер ислоҳоти тўғрисида сўз қизғинлашган сайин унинг боши ёстиққа яқинлаша берди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЗҒИНЛИК Қизғин ҳолат. Ишнинг қизғинлиги. Тортишувларнинг қизғинлиги. ■ -Ҳақиқат, синалган ҳақиқат! — деди Ўктам қизғинлик билан. Ойбек, О.в. шабадалар. Хоразмнинг саноат корхоналарида меҳнат қизғинлиги даладан қолишмайди. «Саодат».

ҚИЗҒИШ 1 Қизилга мойил, қизилга яқин рангдаги; қизғимтир. Қизғиш тош. Қизғиш япроқлар. ■ Уфқ қизғиш тусга кириб, тонг ёришарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Куз ўрмоннинг ювилган, тоза сарғиш-

қизғиш олтинини ёлқинлатди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚИЗҒИШ 2 айн. қизқуш.

ҚИЙ 1 Қўй, эчки ёки туя қумалоғидан иборат гўнг қатлами. Бир жойда хазина кўрганман.. Уч-тўрт йиллик қўй қийи босилиб ётибди. С. Нуров, Нарвон.

ҚИЙ 2 тақл. с. Баъзи қушлар чиқардиган товушни билдиради. Қашқа томондан инидан безовта қилинган сақоқушининг «қий-қий»и эшитилди. С. Нуров, Нарвон.

ҚИЙИЛЛАМОҚ Ингичка қичқириқ овоз чиқармоқ, чийилламоқ. Мирзачўлга кеккайиб келиб, қийиллаб қочган бунақа жўжаҳўрозларни кўп кўрганман. А. Қаҳҳор, Янги ер.

ҚИЙИЛМОҚ 1 Қиймоқ 1, 3-6 фл. мажҳ. н. Ой юзлар, қаламдай қийилган қошлар, Шерсифат, мардона, шўх барно қизлар. С. Жўра.

2 Қиймоқ 2, 6 фл. ўзл. н. Қўлим қийшлиб кетди.

Қирчинингдан қийилгур қ. қирчин.

ҚИЙИН 1 Қийинчилик билан амалга ошадиган, кўп куч, меҳнат ва ш.к. талаб қиладиган; сермашаққат, машаққатли; зид. осон. Қийин иш. Қийин масала. Қийин вазифа. ■ Санъат турларининг ичида энг қийини — рассомчилик. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Мулла Фазлиддин ёш подшоҳнинг амри билан Буратоғнинг қиқш қийин бўлган хушманзара бир қоятоши устига кичкина хужра қурган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Оғирчилик, қийинчилик билан боғлиқ бўлган; оғир, мушкул. Қийин шароит. Қийин аҳвол. ■ Қараб ўтирсак — уят бўлади, халқ.. қийин кунимда асқатмади, дейди. М. Исмоилӣ. Фаргона т. о. Мусофирчилик қийин, бола-чақани соғинади киши. Ойбек, Танланган асарлар. — Бола фақирга қийин бўлди, — деди Жонизоқ оқсоқол Ойсулув сузиб келган пажатни еяётиб. С. Анорбоев, Оқсой.

3 кесим өзф. Маҳол, амримаҳол. Қоронғида ким эканини билиш қийин. Касалнинг келиши осон, кетиши қийин. Мақол. ■ У замонда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт танга орттириши қийин эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бунинг устига, суяги меҳнатда қотган аёлнинг нозик қомат, хинча бел бўлиши қийин албатта. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Дудуқ одамнинг гапириши қийин, аммо унинг гапини тушуниш ундан ҳам қийин. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 кам қўлл. айн. қийинчилик. Қизники қийин билан битар, Уғилники ўйин билан битар. Мақол.

ҚИЙИНДИ Газмол, чарм, тунука ва ш.к. нарсани қийиб ишлашда ҳосил бўлган чиқинди, қийқим, қийқинди.

ҚИЙИНЛАШМОҚ Қийин ҳолга келмоқ, қийин бўлмоқ; оғирлашмоқ. Чўққиға чиқиш тобора қийинлашмоқда. Иш қийинлашди. ■ Далаларни бир меъёрда сув билан таъминлаш йилдан-йилга қийинлашиб борапти. Газетадан. Қанча ичкари кириб борган сари юриш қийинлашарди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ҚИЙИНЛИК 1 Қийин ҳолат. қийин эканлик. Ишнинг қийинлиги. Масаланинг қийинлиги. ■ Қийинлиги билан неча пуллик ишим бор. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. [Нор:] Сизнинг муддаонгиз бошқа нарсада. Бўлмаса, сизга бунинг ҳеч қийинлик жойи йўқ. Ҳамза. Паранжи сирлари.

2 айн. қийинчилик. Бектемир йўлда учраган қийинликларни унутди. Ойбек, Куёш қораймас. [Тожибой:] Сизларнинг уйларингиз печать бўлиб, кўп қийинликлар тортишди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚИЙИНЧИЛИК 1 Умуман, қийналиш, қийноқ келтирадиган (туғдирадиган) ҳолат; қийинлик. Яраланган Қодир қийинчилик билан ўрнидан турди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Дастлаб, отанга бор, онанга бор, қабилидаги бирмунча қийинчиликлар содир бўлган эса-да, кейинчалик ишлар юришиб кетди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. [Йўлчи] Қоратойга йўлиқди, қийинчилик билан бир аравани байлашди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишга ҳалал берадиган, уни қийинлаштирадиган нарса ёки ҳолат; монелик, тўсиқ, ғов, қийинлик. Унгуур.. ичкарилашган сари қийинчиликлар туғдириб борди. Уч қулоч илгарилаш билан унгуур ичи анча қоронғилашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улар ўзларининг кучли иродалари, курашлари билан ўз йўлларида тўғоноқ бўлган қийинчиликларни енгиб ўта оладиган кишилардир. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Машаққат; азоб-уқубат. У отасидан йигирма ёшда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қанчадан-қанча қийинчиликлар билан уни ўқитиб, олий маълумот олишига имкон берган

ота-онасидан умр бўйи миннатдор бўлиб яшади. «Саодат».

4 Оғир моддий аҳвол, қаттиқчилик, оғирчилик. Қийинчилик билан ўсган бола. ■ Ҳаммаларининг гаплари, айланиб келиб, тобора авж олаётган қимматчилик ва қийинчилик устуда тўхталар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ 1 Қийинчилиги йўқ. Қийинчиликсиз иш борми.

2 Қийналмай, қийинчилик кўрмай. Мунисхон доим ғолиб келадиган отиға ҳеч қийинчиликсиз миниб олган эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Автобус, троллейбус, трамвайлар мунтазам ишлаб турган вақтдагина йўловчи ишхонасига қийинчиликсиз, кайфияти чоғ ҳолда етиб келади. Газетадан.

ҚИЙИН-ҚИСТОВ Ҳаддан зиёд қисташ, шовилтириш, ҳоли-жонига қўймай унлаш ёки талаб қилиш. Бир йил ўтгандан кейин у, Собирнинг қийин-қистови билан, Адҳамни судга чақиртирди. Ҳ. Зиёхонова, Унутилмас хатолар. Бунчалик қийин-қистовга олиб ишларидан янги пахта териш машинаси битиб қолай деганга ўхшайди. Газетадан.

ҚИЙИН-ҚИСТОҚ айн. қийин-қистов. Салимжон, болани баҳона қилиб, ҳар куни «ишингдан бўша», деб хотинини қийин-қистоққа олаверди. А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

ҚИЙИШМОҚ 1 Қиймоқ фл. бирг. н.

2 Нархни ўз фойдасига ошириш ёки камайтириш учун талашмоқ, тортишмоқ, савдолашмоқ. Мутавалли қийиша-қийиша, Алёнкани ҳам ўттиз тиллага сотиб олди. М. Осим, Элчилар. У, Зумраднинг таърифини эшитган ҳамон, шоҳи ва ипақларни кўтариб келди ва эзмаланиб, узоқ қийишиб, бир жуфт қозиқ лунги билан бир гулкўрна буюриб кетди. Ойбек, Улуғ йўл.

ҚИЙИҚ 1 1 Мато, қоғоз ва ш.к. дан одатда учбурчак шаклда қийиб олинган парча ёки ортиб қолган қийинди, қийқим. Қоғоз қийиқлари. ■ Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Бир томони баланд, бир томони паст; қия, қийғоч, қийшиқ. Йиғилган пулларни яктагининг қийиқ чўнтагига солиб, хайрлашиб жўнади. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. [Кумуш] Айвон устунига суянғач, қора қийиқ

қошларини чимириб, кўча йўлак томонга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қисиқ ёки сузуқ; қисилган ёки сузилган. қийғоч (кўз ҳақида). *Чарбоғнинг қоқ ўртасига қурилган баланд шийпон зиналаридан ўрта ёшли, миқтидан келган, қийиқ кўзли бир киши тушиб келаётган эди.* М. Осим, Ўттор.

4 кўчма Гапга кўнмайдиган, тутган ерини кесадиган; ўжар, қайсар. *Қийиқ бола.* ■ Мулла Икром қийиқ одам бўлганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми, мурасага унамади. Ойбек, Танланган асарлар. *Қийиғимни боғламади — қийиқ экан, Боқсам — кўзи шўху қоши қуюқ экан.* Т. Тўла.

5 кўчма Камчилик, нуқсон, хато. *Агаповнинг сени менсимай пичинг қилиб, гапингдан қийиқ топиб утириши бежиз бўлмаса керак.* И. Раҳим, Ихлос. *Унинг ҳар бир ишидан қийиқ топишга уринар эди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

Қийиқ гап Бўлмағур, тескари, қинғир гап. *Гарчи кўнглига қийиқ гап келмаган бўлса ҳамки, шундай ёш жувонда ўқиш ўзи учун ғайритабиийдек кўринар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қилдан қийиқ ахтармоқ** (ёки топмоқ) Тўғри гапдан, ишдан хатолик изламоқ; йўқ жойдан камчилик топишга ҳаракат қилмоқ ёки топмоқ. *Ҳар қайсимиш битта одамча ўлиб-тирлаётган бўлсаг-у, қилдан қийиқ ахтариб, звономизни тошбақа қилиб, газетага чиқаришса.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Қийиқ II Одатда белга боғлаш учун атрофига гул тикилган тўртбурчак мато; белбоғ, қийиқча. *Лас қийиқ. Шоҳи қийиқ.* ■ [Ғози] *Қишда беқасам тўн устидан шоҳи қийиқ боғлар, ёзда эса пилта ёқали оқ ятакни белбоғсиз киярди.* И. Раҳим, Ихлос. *Хадича хола, бундан яқин олти ой бурун келганида, бир қийиқ беҳи олиб келди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Қийиқлик I Қийиқ кишига хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Қийиқлигини ташла.*

Қийиқлик II Қийиқ учун ярайдиган; қийиқбоп. *Қийиқлик шоҳи.*

Қийиқча ай. қийиқ II. *Шоҳи қийиқча.* *Қийиқча боғламоқ.* ■ *Тиқиб қўйган қийиқчаю гулдор халтачаларингиз қани?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тўлават мўйлов юпқа лас чопони устидан.. боғланган қийиқчаларга ўнғ кўлини тиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЙМА Чопқи билан чопиб ёки гўшт-қиймалагичдан ўтказиб майдаланган гўшт. *Ёғли қийма. Гўштни қийма қилмоқ. Овқатга қийма солмоқ. Қийма шўрва.* ■ *Бақовул ичига қийма тиқилган какликларни олиб ўтяпти..* М. Осим, Ўттор. *Ошпазлар эса, гўштини қийма қилиб, суюгини бошқа қилиб қўйган эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ҚИЙМАЛАМОҚ I Қийма ҳолига келтирмоқ, қийма қилмоқ. *Ошхонада келин гўшт қиймалапти.* С. Нуров, Мушук чиқди.

2 кўчма Майда-майда, бурда-бурда қилмоқ. *Қоғозни қиймалаб ташлабди.* ■ *Ғаффорбой қишлоқни қон қақшатыпти. Ҳалим акамни кўлга тушириб қиймалади.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 кўчма Пора-пора қилмоқ, эзмоқ, жараҳатламоқ. *Зумраднинг ҳазин овози юракни қиймаларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

4 Қийма солмоқ, қийма кўшмоқ. *Тузуқ.. овқат сўровди, қиймалаб, қатиқлаб, хўрда қилиб бердим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИЙМАЛИ Қийма солинган. *Қиймали мастава. Қиймали сомса.*

ҚИЙМАТ [а. قیمت — бойлик, қиммат-баҳо нарса; қадрият; нарх, баҳо; қиймат] I *иқт.* Товар нархи.

2 Пулнинг харид қобилияти; муайян бозор нархлари даражасида пул бирлиги ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. *Бинокорлик ишларининг қиймати анча камайтирилди.*

3 *иқт.* Товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати.

4 Савдо-сотиқда: нарх, баҳо. *Молларнинг қиймати.*

5 кўчма Киши ёки нарсанинг турмушда тутган ўрни, аҳамияти, қадри. *Отабекнинг.. ёзган хатини ўқиб эшитиш Кумуш учун катта қийматга молик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *мат.* Ўзгарувчан миқдорнинг маълум шароитдаги катталиги. *Икснинг қиймати.*

7 Ўлчов асбоблари шкаласининг ҳар бир бўлими ифодаланган катталиқ.

8 *с.т.* Қиммат. *Бу киши: —Қиймат беҳикмат эмас, арзон беиллат эмас, бунинг тағида бир иллат бордир, сабр қилайлик, — деб ланжлик қилдилар.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

КЙИМАТАХТА Гўштни чопиб қийма қилиш учун мосланган тахта ёки кунда. *Ариқ бўйида чўққайиб, қийматахта юваётган Холнисо холанинг юраги орзиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

КЙИМАТБАХО с.т. Қимматбаҳо. ...куёв томон.. қийматбаҳо буюмлар билан безатилган хоналарга таклиф этилди. Ойбек, Танланган асарлар.

КЙИМАТЛИ 1 *икт.* Бирор қийматга эга бўлган (қ. қиймат 1).

2 с.т. айн. қимматли 1, 2. *Марҳамат, марҳамат, қийматли меҳмон, жуда яхши келдингиз.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

КЙИМАТШУНОС [а. + ф. *قيمت شناس*] — қийматини, баҳосини, қадрини билувчи кам қўл. Мол ёки нарсанинг қадр-қийматини яхши биладиган, баҳолай оладиган киши; товаршунос. *Ҳар қадамда бир тўхтаб, қийматшунос сингари, матоларнинг ранги.. ва ҳоказолар ҳақида баҳо бериб турди.* Ойбек, Навоий.

КЙИМА-КЙИМА: қийма-қийма қилмоқ Майда-майда, бурда-бурда қилмоқ, қий-малаб ташламоқ. -*Қотиллар!* — деди *Нормат* ғазабланиб. — *Ушлаб олиб, қийма-қийма қилгим келяпти уларни!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЙИМОҚ 1 Қайчи билан бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ. *Бахмални қиймоқ. Қоғозни қиймоқ. Тунукани қиймоқ.* ■ *Қайчи олиб, уч, энидан қиясан..* О. Кўчқорбеков.

2 Зич, таранг тортилиш, боғланиш ва ш.к. туфайли тана ёки аъзо ичига ботиб жароҳатламоқ; ўйиб кирмоқ (ип, сим ва ш.к. ҳақида). *Қўлимни сим қийиб юборди.* ■ *Пақирлар қўлимни қийиб юборай деди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 шв. Тандан жудо қилмоқ, олмоқ, кесмоқ, чопмоқ, узиб ташламоқ. *Қарчиғайман, душман бошин қияман.* «Алпомиш».

4 с.т. Айланма йўлни қўйиб, тиккасига юрмоқ. *Бурилишларда йўлни қийиб ўтмоқ.* ■ *Неча тоғнинг тумшугин Қийиб ўтиб боради.* «Равшан».

5 *кўча с.т.* Усталик билан бажармоқ, моҳирлик билан адо қилмоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ, дўндирмоқ, бопламоқ. [Машрабжон] *Хушовоз йигит-а. Ашулани роса қияди-да.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук. *Роса овози бор экан-да, йўлини ҳам*

қияр экан. Ойбек, Танланган асарлар. *Оббо Жўравой-е, аммо-лекин гапни қиясиз. Ёлғонни ҳам ростдай қилиб гапирасиз.* Уйғун, Хуррият.

6 *кўча кам қўл.* Камайтирмоқ, қисман нобуд қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Бировнинг ризқини қиймоқ.* ■ *Саудий бунга ишонмаса ҳам, Мунисхоннинг шу ҳаракати унинг умридан катта қийди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Кўзи қиймайди (т.к., ж.к. билан) 1) ажралишга, ташлаб, қолдириб кетишга кўнгли, розилиги бўлмайди. *Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлашгим келмайди, Гулнор!* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бировга беришга, воз кечишга, бахридан ўтишга кўнгли, розилиги бўлмайди. *Яккаҳўшаликларнинг кўпи бисотида бор жониворлардан кўзи қийганини сўйиб, кўзи қиймаганини шаҳарга ҳайдай бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) ачинди, юраги ачишди, раҳми келди, аяди. *Бечора Нодира оғир ҳолда Анварни кишига шогирд бериб, ўқишини зое қилишга кўзи қиймади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Сўзини қиймоқ** Сўзини ерда қолдирмоқ, қайтармоқ. *Менга иш буюринг. Камол аканинг сўзини қиймай, бир соатга вақт топиб келдим.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. **Қиймади** Рағбати бўлмади, аяди. *Ширвоннинг барча катталари, подшога яқинлари — бариси Равшанбекни дорга осмоққа қиймадилар.* «Равшан». *Кетар эдим сен билан Айланайин, ёр-ёр. Уйда қолган онамни Қийлмадим, ёр-ёр.* «Кўшиқлар».

КЙИНАЛИШ 1 **Қийналмоқ** фл. ҳар. н.

2 Қийинчилик, муҳтожлик. *Моддий жиҳатдан қийналиш. Қийналиш нима эканини билмаслик.*

3 айн. **қийноқ** 1. *Оҳудек эркин югуриб юрган қиз биринчи бор хуқуқсизлик ва қийналиш исканжасида қолган..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИЙНАЛМОҚ 1 **Қийнамоқ** фл. ўзл. н. *Оғриқдан қийналмоқ. Ташналикдан қийналмоқ. Тепаликка чиқишда кўп қийналдик. Масалани ечишда қийналмоқ.* ■ *Қиз тўғри ўша ерга келиб чўккалади. У ҳансирар, қийналиб нафас олаётгани билиниб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с.т. Бирор жиҳатдан сиқилмоқ, муҳтожлик, қийинчилик сезмоқ. *Сувдан қий-*

налдик. Пулдан қийналмақ. ■ [Йўлчи] Тутулиб қолмас-а, калласи жойида; те-гирмонга тушса, бутун чиқадиғанлардан у. Лекин овқатдан қийналади-да, мендан баттар чақасиз эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЙНАМОҚ 1 Жисман ёки руҳан озор бермоқ, азият етказмоқ, азоб-уқубатга, қийин аҳволга солмоқ. *Тиш оғриғи мени қийнайтти. Уни ташналик қийнайтти.* ■ Анвар қийнамай, озор бермай, захасиз капалак тутиб келганларга сабоғини ўқитиб қўйиш билан мукофот берар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Комила оқсаб қолди, уни баланд пошнали, қошиқдай ихчам туфлиси қийнар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Нимага индамайсиз, Ҳаётхон? Гапиринг, ё мени қийнагани чиққанмидингиз?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қудам икковимиз басма-басига орзу-ҳавас деб, болаларни қийнаб қўйибмиз.* «Муштум».

2 с.т. Бирор жиҳатдан чекламоқ, қисмоқ, муҳтож қилмоқ, зориқтирмоқ. *Овқатдан қийнамоқ. Пулдан қийнамоқ.*

3 Махсус усуллар билан азоб бермоқ, азобламоқ, қийноққа солмоқ. *Қийнаб сўроқ қилмоқ.* ■ *Босқинчилар унга сира тиним бермай урмоқда ва қийнамоқда эдилар.* Газетадан. *Фашистлар Ҳасановдан ўзлари учун керак бўлган маълумотларни сўраб, қийнай бошладилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚИЙНАШ 1 Қийнамоқ фл. ҳар. н. *Кўп савол бериб қийнаш.*

2 айн. **қийноқ 2.** *..Ғаффор отага юборилган хатни шунча қийнашлар билан ҳам бермадинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚИЙНОВ 1 кам қўлл. **Қийнамоқ** фл. ҳар. н.

2 айн. **қийноқ 2.** *Маҳбуслар қийновдангина эмас, очликдан ҳам ҳалок бўлардилар.* Газетадан.

ҚИЙНОҚ 1 Жисмоний ёки руҳий азоб, азият, озор. *Атрофда гув-гув пашша; оёқларга ёпишади, бурун катакларига суқилади, қулоқни узади.. бир зум тинчлик йўқ. Йўлчи соч олдириб бўлгунча, қийноқ ичида тоқатсизланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Руҳий азоб ва мушкул фикрлар қийноғида туннинг қандай ўтганини сезмай қолдим.* М. Жабборов, Севинчи ёшлари.

2 Қийнаш, азоблашнинг йўл-усуллари ва уларни қўллаш. *Териси шилиниб, минг азоб билан қийноқда ўлдирилган улуг шоир.. Насимий хаёлидан ўтди.* Мирмуҳсин, Меймор. *Айниқса.. ваҳшийларча қийноққа солинганини кўрганда, дод деб, бўш стаканни экранга отди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚИЙНОҚЛИ Қийноққа соладиган; қийнайдиған, азобли. *Ўзи қалбдан азобланар, унинг учун бу гаплар оғир, нақадар қийноқли эди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар.

ҚИЙНОҚХОНА Асир, маҳбус ва ш.к. ни қийнаш, қийноққа солиш учун мосланган махсус хона.

ҚИЙНОҚ-КИСТОҚ айн. **қийин-қистов.** *Фарида индамай ишга отлана бошлади. Онаси қийноқ-қистоққа олавершидан истиҳола қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИЙПАНГЛАМОҚ айн. **қийшангламоқ.** *Чол қийпанглабгина унинг олдига борди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚИЙПИЧОҚ айн. **қирпичоқ.** [Зуннунов] *Раислар билан ҳам қийпичоқ. Унга фақат.. раис Умар ака ёқади.* И. Раҳим, Ихлос. *Энди мен билан ҳам қийпичоқ бўлмоқчимисиз, ўртоқ Муҳамедов?* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҚИЙРАТМОҚ 1 Бир текис йўқ қилмоқ; қирмоқ. *Яйловдаги кўзичоқларни қийратиб юрган бир оч бўрунинг қоқ биқинидан уриб қулатган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Бомбалар кузатилаған мулжалга – газандалар тўпланган жойга тушар.. ёвни қийратар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. [Янги раис] *Ишни тиклашдан эмас, йиқитишдан бошлайпти.* *Дарахтларни қийратиб юборди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Шилмоқ, шипшидам қилмоқ, йўқ қилмоқ. - *Бу уруш ўлгур ҳамма ёқни қийратяпти, – деди Рисолат опа Низомжонга.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚИЙРИХОН шв. Қийшиқ, қия, эгри. *Яктагини қийрихон ёпинмоқ.* *Қийрихон қарамоқ.* ■ *Офатижон бир санам, бошини қийрихон бурган қўйи. дилбар, дилуртар табассум қилиб турарди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ҚИЙТИМ айн. **қийиқ 1 1.** *Лутфинисо.. нимчасининг чўнтагидан бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожибойга узатди.* С. Аҳмад. Қадрдон далалар.

ҚИЙТИҚ 1 Қийқим, қийинди, қийтиқ. *Латта, кимхоб тўн бичдим, Қийтиғи менга тегмади.* М. Алавия.

2 Пайкал, тахта, пол четида қолган бўл-так, туморча (ер ҳақида). *Бу ерда, бир гектарча келадиган шу қийтиқ тепада, ғўза қийғос гуллабди.* Й. Шамшаров. Енгиш.

3 *кўчма с.т.* Чала ёки қинғир иш, камчилик, нуқсон. *Тўғри сўздан нуқсон, қийтиқ топишни касб қилиб олган бу Содиқов ҳеч бир тап тортмай, жамоатчилик юзига оёқ тираб келяпти.* Газетадан.

ҚИЙ-ЧУВ 1 Тартибсиз қаттиқ овозлар, бақирӣқ-чақирӣқлар; чуввос. *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Онаҳон қий-чув қилиб, суя сачратиб уйнаётган болаларга яна қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қарсак устига қарсак бўлди, қий-чув кўтарилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Тартибсиз йиғи-сиғи овозлари; уввос. *Аёлларнинг аза тутгандаги қий-чуви, бола туққандаги ғиғонлари эшитилиб турадиган наставк уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Атрофни қий-чув, ғала-ғовур босди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚИЙЧУВЛАШМОҚ Тартибсиз қийқиришмоқ, қичқирӣшмоқ, шовқин-сурон кўтармоқ, чуввос солмоқ.

ҚИЙШАЙМОҚ 1 Бирор томонга оғмоқ. *Девор қийшайиб қолибди.* ■ *Жангчилардан бири йўл бўйида қийшайиб ётган симёғочга тахта қоқиб, кўмир билан ёзиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сўлғин, сариқ ўт билан қопланган далада қон-қора иккита танкни кўрди — бири қийшайган, иккинчиси эса тумшугини ерга қадаган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ноғорачилар ва чирмандақашлар терлаб-пишиб.. гоҳ қийшайиб, гоҳ кескин силкиниб чаладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бурилмоқ, ўгирилмоқ. *Сафар бўзчи остона ёнида маҳдумга қийшайиб қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Эгриланмоқ, эгилмоқ, эгри-бугри бўлмоқ; тоб ташламоқ. *Тахта қийшайиб қолибди.*

4 *кўчма с.т.* Нотўғри томонга оғмоқ. *Сизнинг Ёқубжонингиз ҳам, звено бошлиғи бу ёқда қолиб, агрономга қараб қийшайиб кетди-ку.* Б. Раҳмонов, Ҳасад ва муҳаббат. *Шундай пайтда бир-биримизга тиргов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

5 Асабийликдан табиий ҳолати, шакли ўзгармоқ, бурушмоқ. *Аламдан кўзлари қийшаймоқ.* ■ *Саидий иш столи ёнига келиб ўлтирганида, юзининг томири тортишиб, башараси қийшайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Эликбошининг лаблари аллақандай ёмон қийшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Араз қилмоқ, тиртаймоқ. *Шу аҳволда пахта ундириб бўладими? Бугун битмаси қийшайса, эртага иккинчиси ноз қилса.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

ҚИЙШАНГЛАМОҚ 1 Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қилмоқ, қийпангламоқ, жилпангламоқ. *Сорахон.. Саидийга қараб.. бир қийшанглаш билан қўл узатди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *с.т.* Безангламоқ, чўчиб кетмоқ. *Терим машинаси деса, қийшанглайдиган бўлиб қолибсан, бу қилиқ қаёқдан чиқди?* С. Аҳмад, Ҳодивой.

3 *кам қўл.* Сал қийшайиб юрмоқ, оқсоқланмоқ.

ҚИЙШАНҒИ салб. Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қилади-ган; танноз, серқилиқ. *Қийшанғи аёл.*

ҚИЙШИҚ 1 Телага йўналиши тўғри эмас, бирор томонга оғган; қийшайган. *Қийшиқ столба. Қийшиқ девор. Қийшиқ чинор.* ■ *Ўртаси букчайиб кетган стул устидаги қийшиқ шамдонда шам ёниб турарди.* «Саодат». *-Ху анови қийшиқ ўсаан юлғунни кўряписизми? — шивирлади у. — Ўшандан сал юқорида.* С. Анорбоев, Оқсой. *Паранжини қийшиқ ёпи-ниб, кампир кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Паст, баланд ва қийшиқ уйлар орасида режа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди.* А. Қаҳҳор, Картина.

2 Йўналиши бирор томонга ёки ҳар икки томонга бурилган; эгри, қинғир. *Тор, қийшиқ кўчалар адашиб қолиб, Илондек ўрмалар паршон тунда.* Х. Даврон, Тунги боғлар. *Янги моделнинг сифати бузилди: бирининг чоки қийшиқ, иккинчисининг дастаги наст.* «Муштум». *..қўлига қийшиқ калтак ушлаган қаландар.. охират кунидан ваъз айтарди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Жойлашиш, туриш ҳолати тўғри, меъёрий эмас. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* Мақол. *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин.* Мақол. ■ *Серсоқол, тўла юзли, бир кўзи қийшиқ киши мулоим товуш билан деди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб кўйсанг.. жавобгар бўламиз.. А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 кўчма кам қўл. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган; нотўғри, хато. Мурзин Элмуроднинг адолатли огоҳлантиришидан қийшиқ хулоса чиқара бошлади. Шухрат, Шинелли йиллар.

ҚИЙШИҚ-ТУЙШИҚ шв. Қинғир-қийшиқ. Санам кўрсаткич бармоғи билан дерзанинг пастки ойнасига қийшиқ-туйшиқ чиқиқлар тортиди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚИЙҚ тақл. с. Айрим паррандаларнинг «қийқ»қа ўхшаш овозини билдиради.

ҚИЙҚАНГЛАМОҚ шв. Қийшангламоқ, қийпангламоқ. Кўплар интиқ қилиб бизни, Қийқанглаган шохнинг қизи.. «Муродхон».

ҚИЙҚИЛЛАМОҚ «Қийқ-қийқ» товуш чиқармоқ, қийқирмоқ. Хўроз қийқиллаб қочди.

ҚИЙҚИМ 1 Қийиб ишланган нарсалар чиқиндиси, қийинди. Қоғоз қийқимлари. ■ Бу аёлнинг ташаббуси билан электр тикув машиналарига «кўчиб юрвучи линейка» ўрнатилди. Бу — қийқимни камайитиришда муҳим омил бўлди. Газетадан.

2 Газмолнинг бичиқдан ёки савлодан ортган бўлаги; лахтак.

3 Бир парча, қийтиқ жой. Қийқим ер. ■ Гектарларнинг тўла бўлишига, карта четларида қийқим ва туморчалар қолдирмасликка катта эътибор берилди. Газетадан.

ҚИЙҚИНДИ айн. қийқим **1, 2**. Газмол қийқиндилари. ■ Менинг уйимда ҳар хил қийқиндилар бор, ўшани олиб келаман-да, костюмчалар тикамиз. Н. Назаров, Замон. Ёнида турган оқ халтадаги ҳар хил қийқиндилар орасидан рўмолчадек лахтакни олиб, қизига берди. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ҚИЙҚИРИШ 1 Қийқирмоқ фл. ҳар. н.

2 айн. қийқирик. Ҳазабланган кучукларнинг вовуллаши, томошабинларнинг қийқириши кўкни қоплайди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЙҚИРИШМОҚ Қийқирмоқ фл. бирг. н. Болалар қийқиришиб, қувлашиб уйнардилар. ■ Фуломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб андарилар, одамлар қийқиришиб, югуришиб ташишар эмиш. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

ҚИЙҚИРИҚ 1 Кучли тарздаги, бетартиб қичқириқ, шовқин, қий-чув. Фақат ич-

каридан мастларнинг қийқириқлари, аллақимнинг бўғиқ алёри эшитилади.. Ҳ. Фулом, Машғал. «Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи.. билан тўй қарвони бораркан.. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қўллаб-қувватловчи, олқишловчи ялпи овоз; ҳайқириқ, қичқириқ. Шодлик қийқириқлари. Тўйчиларнинг қийқириқлари. ■ Залда олқишлар бўрони кўтарилиб, «Яшасин Юсуфжон қизиқ!», «Яшасин ўзбек санъати!» деган қийқириқлар эшитилди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Пуч қийқириққа учмаслик, шов-шувга сабаб бўладиган ғаройиботлар кетидан қуамаслик керак. Газетадан.

3 Баъзи парранда, қушларнинг «қий» деганга ўхшаш кучли товуши. Қайси бир унғурдан йиртқич қушнинг қийқириғи эшитилиб, акс садо беради. Ж. Абдуллахонов, Орият. Турналарнинг ўйчан қийқириғида мудраган ойдин кечалар бошланди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҚИЙҚИРМОҚ 1 Томоқдан қаттиқ, баланд овоз чиқармоқ, ҳайқирмоқ, қичқирмоқ. Халқ кулади, олқишлайди, қийқиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай, ўрндан туриб, ўйинга тушди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Ишдан қайтган чоғида Қийқиради ўғилчам. Ё. Мирзо.

2 айн. қийқилламоқ.

ҚИЙҚИРОҚ Бўлар-бўлмасга қийқираверадиган, ҳайқираверадиган; бақироқ. Қийқироқ одам.

ҚИЙҚИРТИРМОҚ Қийқирмоқ фл. орт. н. Хўрозни қийқиртириб суймоқ. ■ Кимдир йўлакда кўринган қизлар ва жувонларни қийқиртириб қувади. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЙҒИЛЛАМОҚ айн. қийқилламоқ. Бургут чаппар уриб, қийғиллаганча айланиб келди. Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

ҚИЙҒИР Тумшуғи қалта ва қайрилган, асосан унча йирик бўлмаган қуш, паррандаларга овга солинадиган соҳибчангал йиртқич қуш; қирғий. Ойсулув қийғирнинг чангалидан қутулган каптардай, Сувонжоннинг қучоғидан отилиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой.

Қийғир бурун, қийғирбурун Қийғир тумшуғига ўхшаш, пастга томон қайрилган бурун. Салтанатнинг йигити келишган, қийғир бурни чеҳрасига алақандай жасорат бағишлаган. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

Қийғир қараш қилмоқ Ўқрайиб қарамоқ. Йўлда кета туриб, Болта акамиз бир қийғир қараш қилиб кўйдилар. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ҚИЙҒОС 1 Ҳаммаси бараварига, ёппасига, шифа. Чигит қийғос ундириб олинди. Ғўза қийғос шоналади. ■ Нариги қирғоқдаги мевазорларда ўрик, олча, олма, шафтолилар қийғос гуллаб ётибди. Х. Фулом, Машғал. Тангри қачонлардир тилиннга эккан Сўзлар гуллаёттир қийғос ва қийғос. Э. Шукур. Ҳамал айвони.

2 Айни, авжи. Мана, қийғос пишиқчилик, лекин ошхоналарда сабзавотдан таомлар тайёрланмайди. Газетадан.

3 шв. Жиддий равишда, қаттиқ. Ҳа, айтгандай, бир кунни Ҳайдар ҳожи билан қийғос уришди. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 кам қўлл. Шовқин-сурон, чуввос. Уйда ҳеч вақт кўрилмаган, ваҳимали бир қийғос кўтарилди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўчадан қийғос ва ғовур-ғувур товуш эшитилиб, эр-хотиннинг сўхбатини тўхтатди. С. Айний, Куллар.

ҚИЙҒОЧ 1 Қисик ёки сузук (кўз ҳақида). Бели бурма камзулининг ичида баланд кўкси бетоқат тўлқинланиб, қийғоч кўзларида олов ёнарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Кўзини қийғоч қилмоқ Кўзини қисиб ёки сузиб қарамоқ. -Вой, менга қара, - деди Шодимат, кўзларини қийғоч қилиб, қошини чимириб. А. Муҳиддин, Ошналар. **Қийғоч қарамоқ** (ёки боқмоқ) айн. қия қарамоқ (ёки боқмоқ) қ. қия. Муздек сойга тўш уриб, Узоқ учар қалдирғоч. Гоҳ қилиб баланд парвоз, Пастга боқади қийғоч. Файратий.

2 Нафис қия тушган (қош ҳақида). [Фотограф] Объективни.. хушрўй, қийғоч қош қизга қаратди. Газетадан.

3 айн. қия, қияма. [Ҳасанали] Даричани нариги уйдан қараганда киши кўринмаслик қилиб қийғоч очди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Онахон] Икки қўлини пальтосининг қийғоч чунтагига солиб.. ерга тикилди. А. Мухтор, Опа-сингилар. Қоп-қора чайир юздан, иягидан қийғоч кетган пичоқ изидан, айёр кўзларидан ёш боши билан кўпни кўрганлиги билиниб турарди. А. Мухтор, Туғилиш.

ҚИЛ 1 От ва баъзи бошқа ҳайвонлар думи ёки ёлининг ҳар бир толаси; умуман, жун, соч, мўй ва ш.к. нинг толаси. От думи-

нинг қили. Қил элак. Қил тузоқ. Арғамчиға қил қувват. Мақол. ■ Очилнинг от қилидай қайсар, кўнғиртоб сочлари дўппи четидан қайрилиб чиқиб турар.. эди. П. Қодиоров, Уч илди.

2 с.т. эск. Мусиқа асбобларининг тебранганда овоз чиқарадиган ипи; тор. [Гуландомнинг] Бармоқлари дутор қилларида моҳир ўйнади. Ойбек, Танланган асарлар.

Ораларидан қил (ҳам) ўтмайди Ўта сирлош, жуда яқин дўст. Иккалалари ораларидан қил ўтмайдиган дўст эдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ҳамирдан қил сургундай қ. хамир. Юрагига (ёки кўнглига) қил сиғмайди** Кўнгли ғаш, хафа, диққат. [Холисон:] Қичқирма, юрагимга қил ҳам сиғмай қолди. Ҳамза, Паранжи сирлари. **Қил (нинг) устида** Жиддий хавф остида; жар, ҳалокат ёқасида. Операция оғир бўлди. Беморнинг ҳаёти қил устида. Ж. Саримсоқов, Шифокор. **Қилдан қийиқ ахтармоқ қ. қийиқ 1 5. Қилни қирқ ёрмоқ (ёки айирмоқ) 1)** синчковлик билан текширмак; йўлини, тадбирини, сабаби ва ш.к. ни топмоқ. Бу ишга бутун шаҳар ҳайрон. Қилни қирққа ёрадиган донолар ҳам бир нарса тўқий олмайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) турлича ёки ўзи хоҳлаганича талқин қила олмак (шариат ҳақида). **Шариат қилни қирққа айиради, деган сўз тўғрига ўхшайди, дўстим.** Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЛВИР Алдам-қалдам, қалб, нопок иш қиладиган; алдамчи, фирибгар, қаллоб. Бойнинг қилвир тарозибони ҳам минг хил найранглар билан ҳар бир қанор пахтадан бир неча қадоғини уриб қолар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. **Биласизми, ўша эски, қирпи, қилвир** Боймат бунинг ҳам чорасини аллақачон топиб кўйган. К. Яшин, Ўлим босқинчиларга.

ҚИЛВИРЛИК 1 Қилвир эканлик. Унинг қилвирлиги ҳаммага маълум.

2 Алдам-қалдам, қалб иш, хатти-ҳаракат; қаллоблик. Агар улар [Тешабойлар] бу сирларни ўлиб-тирилиб яшираётган бўлсалар, балки бунда бир қилвирлик бордир? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Упайтлари гўшт комбинатида турфа қилвирликлар билан мўмай даромад топиш одатий ҳол эди. А. Ибодитов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ҚИЛДАЙ 1 Қилга ўхшаш, қилга тенг келадиган.

2 кўчма Озгина, кичкина, заррача, қилча. Буни қаранг: қилдай жони қолибди-ю бу бечоранинг! М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ҚИЛДИРМОҚ Қилмоқ фл. орт. н. *Иш қилдирмоқ. Овқат қилдирмоқ. Томоша қилдирмоқ.* ■ Гулнор бу ерга келса, Нури ҳаргал бирон юмуш қилдирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЛИЧ 1 Бир тигли, гилоф (қин) билан ёнга осиладиган, чопиш, санчиш билан ёнга шикаст етказиладиган қурол. *Ўткир қилич. Учи қайрилган қилич. Қилич яланғочламоқ. Қилични қиндан суғурмоқ. Қилич солмоқ. Қилич билан урмоқ.* ■ Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қилич ўйнатмоқ (ёки кўтармоқ) Қилич билан таҳдид қилмоқ. *От устида қилич ўйнатган Тўхтасин ўз йигитлари билан босиб киради.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

Қиличдан ўтказмоқ (ёки кечирмоқ) Қилич солиб ўлдирмоқ, қирмоқ. *Паризодни, хонни ҳам, Икки номард жонни ҳам Қиличдан ўтказмоққа.* Ҳозир эди шу замон. Ҳ. Олимжон. *Ушбу фармонимизни олган он, дарҳол ўн беш ёшдан то етмиш ёшгача бўлган қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қиличдан қон томадиган айн. қамчисидан қон томадиган қ. қамчи.** *Бу ерда Шўрога қарши исён чиқариш у ёқда турсин, қиличдан қон томадиган беш-ўнта маслакдош ҳам топилмади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Қилич (эркаклар исми).

ҚИЛИЧБОЗ Қилич ишлатишни, қилич билан жанг қилишни яхши билладиган киши. [Навоий:] *Бу қайси Турдубой? Ҳалиги донғи кетган жангчими? [Жалолиддин:] Ҳа, бутун насли жанг майдонида ўтган донгдор қиличбоз. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

ҚИЛИЧБОЗЛИК 1 Қилич ишлатиш маҳорати, санъати. *Қиличбозликни ўрганмоқ. Қиличбозлик машқи. Қиличбозлик санъати.*

2 Қилич ишлатиб қилинадиган жанг. Ён томондан бостириб келган бир тўда мўғул аскарари Темур Маликка уларнинг саркардаси билан қиличбозлик қилишга халал берди. М. Осим, Темур Малик.

3 *спрт.* Муайян қоида асосида тигли спорт қуроллари воситасида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа. 1937 йилдан қи-

личбозлик бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади. «ЎзМЭ».

ҚИЛИЧБОҒ Қилични осиб юриш учун мосланган тасма.

ҚИЛИЧДАЙ, -дек 1 Қиличга ўхшаган, қилич сингари ярқироқ, ўткир, кескир. У [Элмурод] беихтиёр осмонга қаради ва денгиздай қорайган осмонда қиличдай ўйнаган прожектор ёғдусини кўриб, кўнгли яйраб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Арра ҳам қиличдеккина экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 кўчма Қадли-қомати келишган; тик, тетик. *Иккала қизимни чиқарганман, бунга [Хожарга] қиличдай бир йигит топиб, ичкўёв қиламан.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Бир ойнинг ичида Алижон илгариги ортиқча гўштарини йўқотиб, қиличдек бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИЛИШ-ҚИЛМИШ кам қўлл. айн. қилмиш.

ҚИЛИҚ 1 Кишининг юриш-туришидаги, бошқалар билан муомаласидаги ўзига хос ҳаракатлари, ҳулқ-атвори. *Қилиғи иссиқ одам. Қилиғи совуқ йигит.* ■ Унинг қилиқлари ўзига жуда мос тушар, ҳатто қўли қаттиқлиги ҳам фазилатдек туюларди. Ф. Мусажонов, Пушаймон. -*Кечирасиз!* - деди ўз қилиғига уялиб, шолғомдай қизариб кетган Мастонов. Ғайратий, Йўқлов.

2 ўйритабийй ёки ноҳўя иш, ҳаракат, одат ва ш.к. *Келишмаган қилиқлар.* ■ *Зебиҳон шунақаям қилиқлар қилдики, Турсунбой анграйиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бунақа қилиқ Нишопурий жанобларидан чиқади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фуқароларнинг кечаги қилиғи Султонали ҳожини телба қилиб қўйди деди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Умуман, кишининг одати, расми. -*Ҳали ҳам эски қилиғини кўмсайди. Уйга қақириб, олдига дастурхон ёзмагунча, сув бермайди,* - деди [Давлатёр]. П. Турсун, Ўқитувчи. *Келди қонли қиличин Кўтариб Туғлиқ. Бу ҳам чиқарди яна Кўп найранг, қилиқ.* Ғайратий.

ҚИЛКЎПРИК 1 қ. пулсирот, сирот. *Хўш, тақсир, ана энди, борингки, оқ қўчқорга миниб, эсон-омон қилкўприкдан ҳам ўтиб олдик. Хўш, ундан у ёғи жаннатми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Жиддий хавф, ҳалоқат. *Шу тобда қилкўприкнинг устида қилтиллаб турибмиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИЛМИШ 1 Қилинган иш, ҳаракат, фаолият. *Ҳар ким ўз қилмишига қараб топади.* Мақол. ■ *Терговчи ўз қилмиши билан фахрлангандай, ҳаммага бир-бир қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг хафа бўлганини авзойидан, қилмишидан билиб бўлмайди.* Газетадан.

2 Ножўя иш, ҳаракат, қилғилик. *Ўз қилмишига иқрор бўлмоқ.* ■ *Тоғамнинг қилмишидан номусларга ўлади киши.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Адолатли ҳукм чиқариш, гуноҳкорларни қилмишига яраша тўғри жазолаш.. осон иш эмас.* Газетадан.

Қилмиш-қидирмиш Ҳар ким ўз қилмишига яраша жазоланади, ёмонлик қилган ёмонлик кўради, маъносидаги ибора.

ҚИЛМОҚ 1 Бажо келтирмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ. *Иш қилмоқ.* *Қиламиз десак иш кўп.* *Айтганингизнинг ҳаммасини қилдим.* *Билганингни қил.* *Куш уясида кўрганини қилади.* Мақол. ■ *Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Баъзи отлар билан бирикиб, шу от англатган нарсани тайёрлаш, ҳозирлаш, пишириш маъносини билдиради. *Ҳамир қилмоқ.* *Гувала қилмоқ.* *Эшик қилмоқ.* *Пичоқ қилмоқ.* *Ром қиладиган уста.* *Утин қилмоқ.* *Нон қилмоқ.* *Шўрва қилмоқ.*

3 Бирор-бир ишга, лавозимга кўймоқ, белгиламоқ, тайинламоқ, лозим кўрмоқ, танлаб олмақ. *Вакил қилмоқ.* *Директор қилмоқ.* *Бўлим бошлиғи қилмоқ.* ■ *Қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қилсаларинг, куймайсизлар.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Биз Ҳомидбойни ўзимизга куёв ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 ёрд. фл. вэф. Сўз ясаш учун хизмат қилади — от, сифат ва б. туркумга оид сўзлардан турли маъноли феъллар ясайди. *Томоша қилмоқ.* *Таклиф қилмоқ.* *Раиш қилмоқ.* *Эълон қилмоқ.* *Орзу қилмоқ.* *Зўрлик қилмоқ.* *Душманлик қилмоқ.* *Обод қилмоқ.* *Шод қилмоқ.* *Безовта қилмоқ.* *Саришта қилмоқ.* *Оҳ-воҳ қилмоқ.* *Лип-лип қилмоқ.* *Тақир-туқур қилмоқ.* ■ *Ўғрилиқ қилган учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яна бир марта опалик қилсангиз, деб маслаҳатга келган эдим.* Б. Раҳ-

монов, Юрак сирлари. *Бўтабойга, колхоз мустаҳкам бўлади, деган гапнинг ўзи кифоя қилди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор, чироқлари. *Йўғон киши, худди ғозга ўхшаб, «гат-гат-гат» қилиб кулди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

5 Боғлама вазифасида қўлланади. *Ўқитувчилик қилмоқ.* *Ўғлини муҳандис қилмоқ.* ■ *Сидиқжон ҳали бузилмаган тўқайнинг нариги томонида аравакашлик қилар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Мансур ҳам ўртоқлари билан шу майдонда футбол ўйнар.. қора кепкасини қошигача бостириб, дарвозабонлик қилар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҚИЛПАНГЛАМОҚ 1 айн. қийпангламоқ 1, 2. [Мунаввар] *Бир вақтлар Йўлдош олиб келган шоҳи-атласларни кийиб, тилла болдоқ, ёқут кўзли узукларни тақиб, ўзини кўзгуга солиб, хўп қилпанглаган.* С. Анорбоев, Мехр.

2 айн. қилпилламоқ 2. *Олахўжа маҳсум камбағалдан кўтарилган бир киши олдида «қариндошим», деб қилпанглашга мажбур эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пошша хола гавдасига ярашмаган қилиқ билан қилпанглади.* Д. Нурий, Осмон устун.

ҚИЛПАНҒИ айн. қийпанғи.

ҚИЛПИЛЛАМОҚ 1 Ноз-ишвали ёки ажиб ҳаракатлар қилмоқ, ликилламоқ, жилпангламоқ. [Қори:] *Унинг ўрнида сиз бўлсангиз-у, кўз олдингизда боши очик бир жувон қилпиллаб юрса.. Э, содда экансиз, ука! А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

2 кўчма Лаганбардорлик қилмоқ, атрофида парвона бўлмоқ.

ҚИЛТ: қилт этмоқ 1) билинар-билинамас қимирламоқ, қўзғалмоқ, қимир этмоқ. *Ҳаво дим.. япроқлар қилт этмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Саҳро йўли, саҳро табиати, саҳро жазирамаси бошланди.* *На дов-дарахт, на сув, на қилт этган шабада.* Ҳ. Назир, Газқайнар достони; 2) эшитилар-эшитилмас, кучсиз овоз чиқармоқ, секин шитирламоқ, тиқирламоқ. *Ичкардан қилт этган товуш эшитилмас, фақат эшик дарзидан узун йўлакнинг ярмигача қинғир чироқ ёруғи тушиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. *Баширжон чойдан хўплади, оғзини чайгандек қилт этиб ютинди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚИЛТАБ шв. Филай.

ҚИЛТАНГЛАМОҚ У ён-бу ёнга ташланиб ҳаракатланмоқ, юрмоқ. *Холиқбой ҳас-*

сасига тираниб, қилтанглаганича кичкина кўк дарвозага кириб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИЛТАНОҚ 1 Балиқнинг игнасимон ингичка, узун суяги. - Бечоранинг томоғига балиқнинг қилтаноғи тиқилиб қолибди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Арпа, шоли ва ш.к. экинлар дон қо- биғи учигадаги игнасимон узун қилча; қил- тирик, қилтиқ.

3 шв. айн. қилтирик 2. Қизимнинг ишқи, киши қуриб кетгандек, шу қилтаноққа тушгани мени ич-ичимдан еб қўйяпти. И. Ўктамов, Ҳикоялар.

ҚИЛТИЛАМОҚ 1 Аранг қимирламоқ, жонсиз тебраниб турмоқ. У ғоз бўйнидаи ингичка бўйнида қилтиллаб турган бошини дадил ва бақувват туттишга тиришарди. Ойбек, Куёш қораймас. Ҳожия хола қил- тиллаб келиб, Муҳаббатни бағрига босди. В. Гофуров, Вафодор.

2 кўчма Аранг жон сақлаб турмоқ. Шу тобда қилкўприкнинг устида қилтиллаб турибмиз! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қимирламоқ, қалтирамоқ. Элгелди турган жойида қилтиллаб кетди, худди ўғридай, ён-берига аланглаб олди. А. Мух- тор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚИЛТИРИҚ 1 от шв. Қилтаноқ. Унинг кўзлари.. бугдой бошогининг қилтириғи каби узун киприклар орасидан ўзига тикилган чиройли қора кўзлар билан тўқнашди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 сфм. Жуда ориқ. Қилтириқ бола. ■ Ашир мастликдан юмила ёзган кўзини йил- тиратиб, ҳингир-ҳингир кула бошлади. У кулган сари қилтириқдай бўйнига калласи оғирлик қилиб, дам олдиға, дам орқасига оғиб кетарди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЛТИҚ айн. қилтаноқ 1, 2. Ботир мил- тиқсиз бўлмас. Балиқ — қилтиқсиз. Мақол. ■ Бугдойлар ҳали пишмаган, бошоқларнинг қилтиғи энди-энди сарғая бошлабди. С. Ну- ров, Тоғдаги дарё.

ҚИЛТОМОҚ с.т. 1 Қизилтўнғачнинг яра ёки бошқа сабаб билан торайиб, овқат ўт- май қолишидан иборат касалликларнинг умумий номи; рақнинг бир тури. Эр-хотин- нинг кўз ўнгига қўшнилари Жўрабек ака- нинг қилтомоқдан қийналиб ўлгани келиб, ваҳима тушди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Шундай касаликка дучор бўлган киши.

3 кўчма Кам овқат ейдиган, чимхўр одам. Ҳаёт.. бояғидай қилтомоқ бўлиб ўтиравер- ди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳаси- ни бўғиб қўйган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эмлашдан кейин, егани баданига юк- майдиган қилтомоқ биродарлари бирдан.. иштаҳага кирган эди. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҚИЛУҚОЛ, қийлуқол [a. قىلرقال — гап- сўз, миш-миш, овозалар] Гап-сўз, гапириш; шовқин-сурон, жанжал-тўполон. Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг менинг аҳволима, Қатли бедодингдан энди қилуқол айлаб ке- тай. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚИЛЧА 1 Қил с. кичр.

2 Озгина, кичкина, зарра(ча), қилдай. Унда қилча айб йўқ. Бу ишда қилча адашмоқ ҳам хавфли. ■ Руҳим пича енгил тортсин, қилча дармоним йўқ. Ойбек, Танланган асар- лар. Салимбойвачча, қилча шубҳаланманг. Ой- бек, Танланган асарлар. Кўнглининг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай. С. Зуннунова.

ҚИЛЧАЛИК с.т. Қилча, озгина.

ҚИЛЧИЛВИР Қилдан эшиб тайёрлан- ган ингичка арқон, чилвир. Кейин эшагим- нинг нўхтасига боғланган қилчилвирни оёғим остига босиб, тошга ўтирдим. Ш. Холмир- заев, Сайланма.


ҚИЛҚАЛАМ 1 айн. мўйқалам.

2 Хушхат одам, хаттот. Муҳаммад Юсуф- жон қилқалам баъзи зарур мактублар, қа- сидалар, лавҳалар, қимматли қўлёзмаларнинг қалам ҳаққисини Муқимийнинг ўзига бериб, уни бу ишга қизиқтирмақчи бўлди. С. Абдул- ла, Мавлоно Муқимий.

ҚИЛҚИЛЛАМОҚ кам қўлл. Лиқ-лиқ қилмоқ, лиқилламоқ. Унинг помидордек оч қизил бағбақаси қилқиллаб турар, кўзлари кулгидан юмилиб кетган эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ёш бўлса ҳам, шўх, уйинчи қиз экан- да, уйнаса, бутун вужуди симобдек қил- қиллайди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҚИЛҒИЛИК Қилинган, содир этилган ножўя иш, ҳаракат. Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин нега тилингни бир қарич қиласан. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. Қилғиликни қилганлар жавобини ҳам берсинлар. Ш. Рашидов, Бў- рондан кучли.

ҚИМИЗ Бия сутидан махсус идишларда бижғитиш йўли билан тайёрланадиган, енгил кайф берувчи, шифобахш ичимлик. Да-



ла ҳавоци, қимиз, кўкаламзор — дардимга нақ даво. Ойбек, Танланган асарлар. Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИМИЗАК айн. нордон. Қимизак олма.

ҚИМИЗХҲР Қимизни кўп ичадиган, қимизни яхши кўрадиган. *Қимизхўр одам.* ■ *Чипта соябонли извош тагида бош остига тўқим қўйиб ётган йилқичилар оқ уйдаги қимизхўр бўз болаларнинг шовқинига ух-лашолмайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қис-саси.

ҚИМИЗХҲРЛИК Мириқиб, тўйиб қи-миз ичиш. *Тунов кунн тоққа қимизхўрлик-ка чиқдим.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Ўтовларда қимизхўрлик қилганимизда, Тўх-тағул кўшиқларини жон қулоғим билан тинг-лаганман.* Ҳ. Нурий, Улуғ оқин.

ҚИМИР: қимир этмоқ Билинар-билин-мас, озгина қимирламоқ, кўзгалмоқ, ҳара-кат қилмоқ, *Ўтап ҳар қанча жон куйдириб гапирса ҳам, кўчани қоплаган оломон қимир этмади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Раҳим миқ эт-май қармоққа кўз тиккан, қармоқ эса қимир этмасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *От, тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмас-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИМИРЛАМОҚ 1 Секин-аста ёки ги-мир-гимир ҳаракат қилмоқ, у ён-бу ён бориб-келиб, силкиниб турмоқ; тебранмоқ. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимир-ламайди.* Мақол. ■ *Қурбон ота чўкка туш-ган, икки қўли тиззасида, худди сурат ол-дираётгандай ҳеч қимирламайди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандай бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Умурзоқ ота ана шу хаёллар билан экан, икки қармоқ бирин-кетин қи-мирлаб қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Жойидан кўзгалмоқ, жилмоқ, силжи-моқ, нари кетмоқ. *Шу жойдан қимирлама.* *Бемор олдидан қимирламай ўтирмоқ.* ■ «*Ғир*» этган шамол йўқ, от-арава кўтарган чанг, ҳавода узоқ вақт қимирламай туриб қолар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кўчма Иш, ҳаракатда бўлмоқ, чалиш-моқ; юрмоқ. *Тезроқ қимирланг, кеч қоляпмиз.* *Қимирлаган қир ошар.* Мақол. ■ *Йигирма учта машинамиз бўлса-ю, шундан бор-йўғи тўрттаси қимирласа-я!* «Муштум».

4 Бирор иш-машғулот билан банд бўл-моқ, шу туфайли кун кечирмоқ, тирик-

чилик қилмоқ. *Раҳматлик бувам ўлганлари-дан кейин самовар ўзимга қолди.* *Ёш бўлсам ҳам, чойхонада қимирлаб турибман.* Б. Раҳ-монов, Мардлар қиссаси. *Мен ҳам, албат-та, тек ўтирмай, кучим етганча қимирлаб турибман.* *Қурт тутамиз.* А. Қаҳҳор, Кўш-чинор чироқлари. *Жони бор одам қимирлаб туриши керак — унинг фалсафаси шу.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир.* *Эски тақалар, темир-тер-сақлар билан зўрға қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қимирлаб қолди 1) қимирлаш ҳолати юз берди (қ. **қимирламоқ 1**). *Одамларга жон киргандай, бир-бирларига жилмайиб, қимир-лаб қолишди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; **2)** ҳаракатга тушмоқ, кўзгалмоқ; иш-фао-лиятида жонланиш юз бермоқ. *Нарх-наво қимирлаб қолди.* ■ *Муз кўчди, ўртоқ Са-фаров, ўрта деҳқон қимирлаб қолди.* А. Қаҳ-ҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қимирлаган жон** Тан-жони соғ, жони бор ҳар бир одам, инсон зоти. *Қимирлаган жон йўқ эмиш.* *Беҳишдай бир олам эмиш.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Кечки куз бободехқонни жуда ташвишлантириб қўйди, қимирлаган жонда яхши ташвиш.* Газетадан. *Айниқса, йигим-терим пайтлари қимирлаган жон борки, далада кўрмаса, кўнгли юпанч топ-мас эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҚИМИРЛАТМОҚ Қимирламоқ фл. орт. н. *Столни жойидан қимирлатманг.* *Бош қимирлатиб саломлашмоқ.* ■ *Тўнғак ёна бошлабди.* *Шу вақт тўнғак ичидан бир илон бошини чиқариб қимирлата бошлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ҚИМИР-ҚИМИР: қимир-қимир қилмоқ айн. **ғимир-ғимир** қилмоқ қ. **ғимир-ғимир.**

ҚИММАТ [а. *قيمت* — бойлик, қиммат-баҳо нарса, қадрият; баҳо; қиймат] **1** Нис-батан ёки меъёр, мўлжаллагидан катта пул турадиган, нархи баланд. *Қиммат мол.* *Қиммат буюм.* ■ *Қиммат бўлса ҳам, ношлож олар эдим-а, лекин пулдан ҳемири ортмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шунақа қимма-тидан олмасдан, газмол олиб келсангиз-ку, бир хил қилиб тикиб берардим.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Этигингиз қиммат, уста.* *Биз талабаларнинг қудратимиз етмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бир пулга (ёки пақирга) қиммат Ҳеч нарсага арзимайди. *Бир пулга қиммат мато.*

■ Бир пақирга қиммат, ўткинчи икки-чакирлар учун жон куйдиради-ю, энг бебаҳо хазинасидан – саломатлигидан жудо бўлаётганини ўйлаб ўтирмайди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. **Қиммат бермоқ кам қўлл.** Баҳо бермоқ; баҳоламоқ. *Дарҳақиқат, ўзаро битмас низоларнинг асли маъносини у яхши англаб таҳлил қилар ва дуруст қиммат берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қимматга туши** 1) мўлжалланганидан юқори нархга олинди. *Антибиотиклар микроорганизмлардан ҳосил қилиниши сабабли қимматга тушади.* «Фан ва турмуш»; 2) кўчма катта сарф-харажат, меҳнат ва ш.к. эвазига амалга ошди, қўлга кирди; зарар келтирди. *Бу жанг бизга қимматга тушиди, анча ўт очиси нуқталаримиз қуроолар ва солдатларимиз билан бирга яқсон этилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Масъул лавозимдаги ходим етти ўлчаб, бир кесмаса, унинг хатоси қимматга тушиши турган гап.* Газетадан.

2 айн. **қимматбаҳо** 1. *Олган совғам олтин узук, қиммат тош эмас.* Файратий. – *Сенга ҳам даркор, – деб дурру жавоҳир, қиммат тошлардан берди.* «Нурали».

3 кўчма Пулга, ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган; баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Билим давлатдан қиммат.* Мақол. ■ *Гар дилингда ўйлаган орзуга етмоқ истасанг, Қиммат умринг қилмагил беҳудага бекор, ўқи! Ҳамза. Унсин, ҳаммаси ортиқча нарса. Буларнинг ҳаммасидан менга бир эски дўппи қиммат.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Мавқе, аҳамият даражаси. *Камида бир йилга сўз бериб қўйдим. Сўз олтиндан қиммат-ку, ахир! Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Жиддий фикр, чинакам ҳиссиёт, самимият, юксак маҳорат – ана шулар шoirнинг бундан кейинги қимматини белгилаб беради.* «ЎТА».

5 Қиммат (хотин-қизлар исми).

ҚИММАТБАҲО [а. + ф. *قیمت بها* – баҳоси, нархи юқори, қиммат] 1 Катта пул турадиган, қиммат баҳога эга, қимматли. *Қимматбаҳо совға. Қимматбаҳо буюм. Қимматбаҳо тошлар.* ■ *Ҳоким супада ёнбошлаб ётган ерида тўрт бармоғи қимматбаҳо олтин узуклар билан безатилган чўзинчоқ панжасини узатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Самарқанд подшоҳига олтин-қумуш совғалар.. қимматбаҳо саруполар инъом қилдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қимматбаҳо металлларга платина, палладий, осмий*

ва уларнинг бир-бирлари ва бошқа оддий металллар билан ҳосил қилган қотишмалари киради. «Фан ва турмуш».

Қимматбаҳо (ёки қимматли) қоғозлар Ўз эгасига мулкка эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари – акция, облигация, аккредитив, вексель, чек ва ш.к. *Ушбу Низом қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини белгилади.* Газетадан.

2 кўчма Баҳоси йўқ, бебаҳо. *Қимматбаҳо, гавҳарга тенг сўзларингиз ярамга маҳкам, дардимга даво бўлди.* «Шарқ юлдузи».

ҚИММАТЛАНМОҚ Нархи, баҳоси ошиб қиммат бўлмоқ. *Домлани бунчалик шоширган нарса.. бинокорлик материаллари кундан-кунга қимматланармикан, деб ўйлаши эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИММАТЛАНМОҚ Тобора қиммат бўлмоқ, нархи, баҳоси ошиб, қиммат бўлиб бормоқ. *Фарб мамлакатларида санъат асарларининг нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб борапти.* Газетадан.

ҚИММАТЛИ 1 Қиммат турадиган, қимматбаҳо. *Қимматли буюм.* ■ *Гўнг остидан сандиқ-сандиқ қимматли моллар, той-той газламалар ва бошқа қимматли нарсалар чиқа бошлаган.* С. Айний, Қуллар.

2 кўчма Баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Оиладаги осойишталик – ҳар қандай бойликдан қимматлидир.* Газетадан. *Гулнорнинг бир табассуми унинг учун ҳамма нарсдан маънодор, турмушнинг ҳамма завқларидан улуғ ва қимматли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Кўп фойдали, жуда керакли. *Қимматли маслаҳат. Қимматли фикр. Қимматли маълумотлар.*

ҚИММАТСИЗ Ҳеч нарсага арзимайдиган; қадр-қиммати йўқ, қадрсиз. *Киши.. маданиятнинг ҳамма соҳаларида қимматсиз нарсалар билан қаноатланишга одатланиш билан ўзини ўзи қашшоқлантиради.* Газетадан.

ҚИММАТСИЗЛАНМОҚ кам қўлл. 1 Нархи, баҳоси пасайиб, арзон бўлиб қолмоқ, арзонлашмоқ.

2 кўчма Қадр-қимматини йўқотмоқ, қадрсизланмоқ.

ҚИММАТСИРАМОҚ Нархини, баҳосини баланд деб билмоқ, қиммат деб ҳисобламоқ. *У пальтони қимматсираб олмади.*

ҚИММАТФУРУШ [а. + ф. قیمتفروش – қиммат сотувчи] Бошқаларга қараганда баландроқ нарх билан сотувчи савдогар. *Қимматфурушлар гўшт нархини 4000 сўмга, хатто 3800 сўмга туширишди.* Газетадан.

ҚИММАТЧИЛИК Нарх-наволар жуда ошиб кетган пайт ёки ҳолат. *Оқлодшоҳ ҳаммани қирадиганга ўхшайди. Уруши қурсин! Очлик, қимматчилик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИМОР [а. قمار – гардкам, таваккал ўйин] Пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин. [*Болтахўжа*] *Кўп баттол йигит эди, баччағар. Тавба! Қиладиган иши бедана уриштириш-у, қимор ўйнаш эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшон «гардкам», деб ошиқ отадиларми-а? Булар қартада ўйнайди. Бари бир қимор-да, қайтага, бу ёмонроқ.* Ойбек, Танланган асарлар. – *Мени отам сингари дов тикмагани, қиморда ютқазмагани учун миннатдор эдим, – деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИМОРБОЗ [а. + ф. قمارباز – қимор ўйновчи] Доим қимор ўйновчи, қиморга берилган одам. *Латиф гардкам қилган қиморбоздай, «шап» этиб кўкрагига урди.* О. Ёқубов, Ларза. *Миришлар, қоровуллар бостириб келиб.. дўқ қилиб, қиморбозлардан бир неча сўмлаб чўтал ўмариб кетмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМОРБОЗЛИК I Қиморбоз эканлик. *Унинг қиморбозлигини кўпчилик билади.*

2 Қимор ўйини. *Беданабозлик эски вақт-да жуда кўп тарқалган қиморбозликнинг бир тури эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМОРХОНА [қимор + хона] Қимор ўйналадиган жой, хона. *Уларнинг бирдан-бир машғулотлари қиморбозлик бўлиб, қиморхоналари ҳам ўз тураржойларида.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Америкалик мультимиллионер Дональд Трамп қурувчи оиласидан чиққан, эндиликда – учта қиморхона ва кўплаб меҳмонхоналар эгаси.* Газетадан.

ҚИМРОН Туя сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик; қимизнинг бир тури. *Ҳар бир қозоқнинг ўтовидида қимизи, қимрони ёки айрони доим осийлиқ туради.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМТАМОҚ шв. Ниқтамоқ. *Қурбон яна қишлоққа қаради-ю, хаёлида бу макон билан*

боғлиқ хотиралар ниш ёриб, отни қимтади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҚИМТИ: қимти лаб Юмуқ, жуфтлашган лаб. *Мана, новвотим, сен ухлаб ётибсан: қимти лабларингда ингичка кулги.. Қуёш нурларига фарқ ботибсан.* Ф. Фулом.

ҚИМТИЛМОҚ I Қимтимок фл. ўзл. ва мажж. н. *Зебихон опа, Гулнорни кўрдингизми? Зебихоннинг лаблари қимтилди. Жавоб бермади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Акамнинг туташ қошлари чимирилиб, лаблари қимтилди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Қанот силкитиб ёки ҳужумга тайёрланиб ҳаракатга келмоқ, талпинмоқ. *Қарчиғайдай қимтилиб, Итолғидай интилиб.* «Хушкелди».

3 айн. қимтинмоқ 2. *Ойтўти онасининг уялиб, қимтилишига қарамай, Каримнинг олдига бошлаб келди-да, таништирди.* Ойдин, Фонарь тагида.

ҚИМТИМОҚ I Лабларни бир-бири ёки тиши орасига олиб қисмоқ, йиғиштирмоқ. *Мунисхон тиниқ қизил лабларини қимтиб, кулиб юбормасликнинг эҳтиётини қилади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Олахўжа лабини қимтиб, муштини мош-гуруч соқолли иягига тираб, бир нафас хаёл сурди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ойна опа зинадан тушиб, уч одимча босди-да, пастки лабини қимтиб, тўхтади.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

2 Лаблари билан қисмоқ, чимтимок. *Бурхон ота.. мўйловини лаблари билан қимтиб сукут қилар, гўё хатнинг давомини кутар эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. [*Қуён*] *Жилғага келиб, сув ичди ва кўм-кўк майсаларни қимтий бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Қисмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Шокир ака ўрндан бир қўзғалиб, тиззасини қимтиб, чопонининг барини қистириб олди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. – *Отасининг оти нима эди? – дея Ойимхон Гулсумга бурилган эди, у эса кифтини қимтиб: – Сиз билмасангиз, мен қаёқдан билай? – деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЗИНИ ҚИМТИМОҚ Қимтинмоқ, торгиниб турмоқ, ийманмоқ. *Келганингиздан бери ўзингизни қимтиб, ёзилиброқ гапиришмайсиз.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИМТИНМОҚ I Қимтимок фл. ўзл. н. *Чокарнинг.. ҳамиша ҳазил-мутойиба илашиб турадиган ютқа лаблари асабий қимтинган эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга боинолмай, истиҳола қилиб, тортиниб турмоқ; ийманмоқ, тортинмоқ. *Ҳамида қимти-нибгина деди: -Тоҳир тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эдим. Ҳ. Назир, Онажонимиз. Ҳаёт.. қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб, яна.. қайтариб қўяди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Силкинмоқ, қимирламоқ, тебранмоқ. *Аҳмедов ўтирган жойида бир қимтиниб олди-да, сўз бошлади. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Бақоев.. Мирҳайдаровга тикилди, нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, қимтинди, қизарди ва бошини қуйи эгди. С. Абдуқаҳҳор, Олдин ўзингга боқ, сўнг ногора қоқ.*

ҚИМЧИМОҚ ив. Сиқмоқ, Қайишқоқ ўтин болтани қимчиб қолибди. *Иш билан пишмаган ношуд арзанданинг калласи шишибди. Ё. Шукуров, Она меҳри. Бош, кўрсаткич бармоқлари билан иягини маҳкам қимчиб сидирди-да, қиз юзига тараддудланиб қаради. М. Исмоилий, Барҳаёт қиз.*

ҚИН I Пичоқ, қилич каби қуроллар солиб қўйиладиган гилоф. *Пичоқ қини. Бир қинга икки қилич сиғмас. Мақол. Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар. Мақол. ■ Диловаршоҳ қиличини қинидан суғуриб, қизга ҳужум қилмоқчи бўлди. С. Айний, Дохунда. Ҳар бир маҳбус, қинда ётган даҳшатли тўптончадан ўз пешонасига ўқ узилаётгандек, ваҳимага тушиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Тугунакни ўраб турувчи баргсимон қобик, қуртак, гилоф. *Довучча қинидан чиқибди. ■ Баҳор эди.. Ўриқлар гулини тўккан, гўралар қинидан чиқиб, киши еса маза топадиган бўлиб қолган. Ойдин, Садағант бўлай, командир.*

Кўзи қинидан чиқмоқ Кўзи олайиб кетмоқ, кўзи ола-кула бўлмоқ. *Даҳшатли хабарни эшитган Маҳдумнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

ҚИН II Қизлик пардасидан бошланиб, бачадон бўйни ёпишадиган жойда тугайдиган найсимон, мускулли эластик аъзо.

ҚИНГАЙМОҚ 1 Бирор томонга оғиб турмоқ, қийшаймоқ, энкаймоқ, оғмоқ. *Нарвон қингайиб турибди.*

2 Кўзни ғилай қилиб қарамоқ, ғилайланмоқ. *Кўзи қингайиб кетди.*

Қингайиб қарамоқ 1) кўз қири билан қарамоқ; 2) кўчма қинғир қарамоқ, кўз олайтирмоқ.

3 **кўчма** Тўғри йўлдан озмоқ, чекинмоқ, оғмоқ.

ҚИНҒИР 1 Тўғри чизик бўйлаб йўналмаган; эгри, қийшиқ. *Қинғир ёғоч. Қинғир девор. Хатни қинғир ёзмоқ. ■ Фуқаро уйлари чўзилган қинғир кўчанинг бошида арава сиғадиган катта, бўёқли дарвозага киришди. Ойбек, Навоий.*

2 **кўчма** Қаллобликка, хиёнатга асосланган; қалб. *Қинғир мақсад. Қинғир қадам. Қинғир ҳаракат. Қинғир юрак одам. Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади. Мақол. Дили қинғирнинг тили қинғир. Мақол. ■ Болага нисбатан.. бефарқ қараш хунук оқибатларга олиб келди: Малик қинғир йўлга кириб кетди.. Газетадан.*

Қинғир қарамоқ Ёмон кўз билан қарамоқ; нотўғри муносабатда бўлмоқ, ёндашмоқ. **Қинғир қўл** ёки **қўли қинғир айн. қўли эгри қ. эгри.** *Олмоқ бўлиб магазидан шоколад пича Қўли қинғир сотувчига дуч келдик кеча. Т. Ражабий, Нархи папкада. Қинғирига олмоқ айн. қинғирликка олмоқ қ. қинғирлик. Мусанинг гапи тугамасдан Тўлбош қинғирига олди-кетди. Н. Фозилов, Оқим.*

ҚИНҒИРЛИК 1 Қинғир ҳолат. *Йўлнинг қинғирлиги.*

2 Қинғир иш, хатти-ҳаракат. *Афсуски, қинғирликнинг қийиғи очилгандан кейин бу оила остига сув кетгандай бўлди. «Муштум». Не-не қинғирликларни қилиб, устига-устак, бунчалик иззат-нафсимга теккани жуда алам қилди. М. Жўра, Изтироб.*

Қинғирликка олмоқ айн. эгриликка олмоқ қ. эгрилик.

ҚИНҒИР-ҚИЙШИҚ 1 Ҳамма ери қинғир, эгри-бугри. *Қинғир-қийшиқ девор. Қинғир-қийшиқ йўл. Қинғир-қийшиқ ёзмоқ. ■ Ҳар қадамда қинғир-қийшиқ муолишлар дуч келаверди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 **кўчма** Нотўғри, қинғир. *Шаҳарни бедарвоза, деб эгри юрибди, қинғир-қийшиқ ишлари кўп. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

ҚИПИҚ 1 Ёғоч, темир каби нарсаларни арралаганда ёки эговлаганда ҳосил бўладиган майда заррачалар. *Ёғоч қипиғи. Темир қипиғи. ■ Чиптанинг устидан қипиқ олса, ҳам юмшоқ, ҳам иссиқ бўлади. С. Анорбоев, Директорнинг даъвоси.*

2 Шоли, буғдой, жўхори каби донларни тозалаяганда, туйганда, уларнинг қобиғидан

ҳосил бўладиган тўпон. *Мен крахмал ўрнига гуручдан чиқадиغان қипиқни ишлатмоқчиман.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ҚИПЧОҚ I Кўчманчи туркий халқнинг номи (қ. қипчоқлар).

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Қипчоқ тиллари.*

ҚИПЧОҚЛАР I 11–15-асрларда Урал-бўйи ва Волгабўйи даштларида ва ҳозирги Қозоғистоннинг марказий ва ғарбий қисмларида яшаган, кейинчалик бошқа ҳудудларга ҳам тарқалган кўчманчи туркий халқ.

2 Ўзбек халқи этник таркибидаги асосий уруғ-қабилалардан бири.

ҚИП-ЯЛАНҒОЧ I Ҳеч қандай кийим киймаган, мутлақо яланғоч, яп-яланғоч. *Қип-яланғоч бола.* ■ *Қизлардан уч-тўрт-таси.. шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* *Қип-яланғоч қизлар орасида кулги бошланди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Ҳеч нарса ўсмаган, дов-дарахтсиз, иморатсиз. *Қип-яланғоч қақирда қизларнинг ўзи қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Биронта ҳам барги йўқ, барги батамом тўқилган. *Қип-яланғоч дарахт.*

4 *кўчма с.т.* Ҳеч нарса йўқ; шипшийдам, қашшоқ. *Қип-яланғоч уй.*

ҚИП-ҚИЗИЛ I Жуда қизил, чўғдай қизил. *Қип-қизил қон.* *Қип-қизил олма.* *Қип-қизил гилам.* ■ *Жарнинг ҳар иккала ён-бошини қип-қизил лолалар гиламдек қоплаган.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Эшикни икки юзи қип-қизил.. бир жувон очди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма с.т.* Бутунлай, мутлақо, ғирт. *Қип-қизил саводсиз.* *Қип-қизил туҳмат.* ■ *Дехқон қип-қизил яланғоч, аҳволи танг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қип-қизил жинни, овар экансан!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бу гапни юрт эшитса, сизни қип-қизил ўғри дейди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Дехқон карамни шошиб пуллади-да, машинага чопди. Келса, Фозил қип-қизил маст ўтирибди.* С. Зуннунова, Одамлар орасида.

ҚИР I *геогр.* Атрофидаги ерлардан бир оз кўтарилиб турган, ясси ёки салгина гумбазсимон баландлик, тепалик. *Қимирлаган қир ошар.* Мақол. ■ *Рупарада Чатқол тоғлари, ундан берида эса, гўё тоққа чиқиш учун атайлаб ясалгандай, бирин-кетин баландлашиб кетган гумбаз-гумбаз қирлар.*

П. Турсун, Ўқитувчи. *Тоғларда турли конлар, қирларда ғалла беҳад.* Ҳабибий.

ҚИР II Қирра, зих. *Деворнинг қири.* *Шишанинг қири.* ■ *Ўша шум хабар келган кунни остонанинг қирига тегиб синиб тушган эди.* Й. Муқимов, Ғалати одамлар.

Кўз қири билан Кўзнинг учи, бурчи билан, яъни юзни ўтирмай, кўз қорачигини кўзнинг бурчига келтириб. *Кўз қири-ла севганига қарайди.* М. Алавия. *Қароллардан бири менга кўзининг қири билан Рўзимат чолни кўрсатди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Кўз қирини ташламоқ** Кўз учи билан қарамоқ, назар солмоқ. *У [Ҳазратқул] эҳтиётлик билан кўз қирини ташлаб қўйди-ю, сўзида давом этди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИР III [а. *قير* – смола, қатрон] Қурилишда ишлатиладиган, бириктирувчи, ёпиштирувчи ашё, материал. *Султон Санжар Мурғоб дарёсига ғиштин тўғон қурдирганда, қир ишлатган.* *Қир ғоятда мустаҳкам ашё.* *Янги мадраса пойдеворида қир солганман.* *Метин бўлиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИР IV қ. қир(р).

ҚИРИЛИШМОҚ I Қирилмоқ фл. бирг. н. 2 Бир-бири ёки биров билан қаттиқ уришмоқ, жанжаллашмоқ. *Овсинлар роса қирилишиди.*

ҚИРИЛМОҚ Қирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Унинг қир-дала ерларида тобланган қорамғиз ва доимо қирилган тоза юзи кўз олдидан лип этиб ўтди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Зиёдилла томоғи қирилиб, қуруқ йўталди, кўкрагини столга босиб, уйга толди.* Ҳ. Фулом, Машъал. - *Илгари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қирларди, экинлар нобуд бўларди.. – деди Бобоқул ота.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИРИНДИ I Йўниш, рандалаш натижасида ҳосил бўладиган юпқа лента ёки қипиқ шаклидаги чиқит. *Ёғоч қириндиси.* ■ *Коля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сачратиб, тахтача устидан ранда юритарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Михайлов рандалаётган темирдан чиққан қиринди пайраҳага ўхшаб буралиб.. ерга тушар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Тери, ичак ва ш.к. ни қириб тозалаш натижасида ҳосил бўладиган чиқит.

Ичидан қиринди ўтмоқ 1) қаттиқ ташвишланмоқ, талвасага тушмоқ. *Ичларидан қиринди утиб кетган.. бойларнинг.. мақтанишлари деҳқонларга қаттиқ дард қилди.* «Муштум»; 2) қаттиқ алам қилмоқ. *Почтачининг [мўйсафидларга] шалдироқ червонларни санаб бериб кетаётганини кўрган Бўрихўжанинг ичидан қиринди ўтмай қолмади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИРИШТИРМОҚ 1 Обдан қириб, қиртишлаб тозаламоқ ёки тўпламоқ. *[Жўраҳон] Ёнини шимарди, белкуракни олиб, ажриқни қириштира бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қани энди, ўша кунларни мутлақо унутиб, хотирадан ўчириб, қириштириб ташлашинг иложи бўлса!* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма с.т.* Борини йиғмоқ, тўпламоқ. *Қириштириб ўн сўм амалладик.* ■ *[Мулладўст:] Мендақа мўмин-мусулмон бу дунё-у дунёни қириштирса чиқмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚИРЛИК Қир жой, қир (қ. қир 1).

ҚИРМА: қирма чопиқ қ.х. Ёввойи ўтларни йўқотиш мақсадида ер бетини сидириб ёки юпқа олиб чопиш усули ва шундай чопиқнинг ўзи. *Ғўзалар қирма чопиқ қилинди.*

ҚИРМАЧИ Қирма чопиқ қилувчи, чопиқчи. *Ишининг ҳаммасини трактор қиляпти. Фақат сувчи, баъзан қирмачиларгина кетмон билан ишлайди.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҚИРМИЗАК [ф. *قرمزک* – қизил рангли нарса] Қимизак, нордон. *Қирмизак олма.* ■ *Мана шу Наманганнинг олмасини, қирмизакни, балхи тутни.. борингки, барча-барчасини ҳам менга ўхшаган боғбонлар пайвандлаб яратган.* Газетадан.

ҚИРМИЗ(И) [ф. *قرمزی / قرمزى* – қизил; қизил ранг; қизиллик] Қизил рангли; қизил, ол. *Қирмиз лаблар. Қирмизи олма.* ■ *Оқ юзига қирмиз қонлар қуйилди, Ҳар тарафга қора сочи ёйилди.* «Рустамхон». *Сурма тортиб кўзига, қирмизи кўйлакни кийиб, Уйналиб ханжарини, қилгани қурбон келадир.* Ҳамза.

ҚИРМИСКА [р. крымский – Кримга оид; Кримда бўладиган, ўсадиган] Дони йирик, серсув қишки узум нави.

ҚИРМОЧ Пиширилаётган овқатнинг қозон тагига ёпишиб қолган ёки куйган қолдиғи. *Ош қирмоч олибди. Ошни қирмоч олдирмоқ.* ■ *У [Муҳаббат] қозоннинг қотиб*

қолган қирмочларини қириб емоқда эди. С. Айний, Қуллар.

ҚИРМОҚ 1 Нарсанинг бети(сирти)ни пичоқ, капгир ва ш.к. нарса билан сидирмоқ, тарашламоқ. *Ўзинг ҳам қириб қўйган сабзидай бўлибсан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..капгир билан қозонни қирар экан, жержиб: -Ҳадеб йиғи тўғрисида гапирманг, — деди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *..шундоққина кўринадиган жойига кимдир миҳ билан қириб, «Эркин», деб ёзиб қўйибди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Сигиринизининг қаншарига темирлатки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин суркаш керакмиш.* А. Қаҳҳор, Янги ер.

2 Мўй-туқларни ўткир асбоб билан тарашлаб, тагилан кесиб олмоқ; шу усулда тозаламоқ. *Соч(ни) қирмоқ.* ■ *Маҳкам ака Сарсенбойнинг сочини устарада қира бошлади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 Қирғич, қошиқ ва ш.к. асбоблар билан сидириб майдаламоқ. *Турп қирмоқ.* ■ *Ёшлар кабоб чайнашпти, мен бўлса, қовунни қирғичда қириб едим.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Кўплаб ёки ёппасига ўлдирмоқ, қиргин қилмоқ. *Душманни қирмоқ. Зараркуналларни қириб ташламоқ.* ■ *Бу қон кам десанг, яна тўкаман. Ҳаммасини қираман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Балиқчи қушлар кемирувчиларни кўпроқ қиради.. «Фан ва турмуш».*

5 *с.т.* Кўплаб, кўп миқдорда йиғмоқ, тўпламоқ, қўлга киритмоқ, ўлжа қилмоқ. *Болалар олчани роса қирибди.* ■ *Гапларига қараганда, у бир неча мактабда ҳисобдан дарс берар ва.. «пулни қирар эди».* П. Турсун, Ўқитувчи.

Томоғини (ёки ҳалқумини) қирмоқ Йўталиб ёки томоқни хириллатиб, кескин овоз чиқармоқ. *У томоғини қириб, гап бошлади.* ■ *Саидғози ўтирганларнинг диққатини тортиш учун томоқ қириб йўталди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИРОАТ [а. *قراوات* – ўқиш, баланд овоз билан ўқиш] Ислом анъаналарида Қуръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос оҳангда ўқиш. *Хўп, тақсир, ҳозирча диний дарсдан бериб турасиз, болаларга қуръондан қироат ўргатасиз, кейин яна кўрамиз.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Гулнўз оҳиста одимлаб бориб, мақбаранинг ёнгинасида тиз чўкди, қи-*

роат билан тиловат қилди. С. Кароматов. Сунгги бархан. *Соҳибқори қироат билан: -Бисмиллоҳу раҳмону раҳим.. - деди-да, извошга оёқ қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Қироат қилмоқ 1) Қуръон ёки Қуръон сураларидан бирини ўқимоқ, тиловат қилмоқ; 2) оҳанг билан ўқимоқ ёки сўзламоқ. *Лўппи юзли, чиройли йигит конвертни очиб, хатни чироқ шувласига тутди, ширалигина овози билан қироат қилиб ўқий бошлади.* Ҳ. Гулом, Машъал.

ҚИРОАТХОН [a. + ф. *قرااتخوان* – қироат билан ўқувчи] 1 дин. Қуръонни қироат билан, асли талаффузига риоя қилиб ўқийдиган киши; қори.

2 *кўча* Маъносини чуқур тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай ёд олиб, юзаки билган киши. *Догматикларни, қироатхонларни турмуш улоқтириб ташлаганлигини ва улоқтириб ташлаётганлигини кўриб турибмиз.* Газетадан.

ҚИРОАТХОНА [қироат + хона] 1 тар. Қуръонни ёдлаш ва қироат билан ўқишни ўргатадиган эски мактаб; қорихона.

2 Газета, журнал ва китоблар ўқиш, мутолаа қилиш учун ажратилган хона, ўқув зали. *Қизил чизиклар қишлоқ кўчалари бўлиб, булар туташган доирада боққа қаратиб иморатлар солинар экан: мактаб, кинотеатр, клуб.. радиоузел, коммутатор, қироатхона, кутубхона.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИРОАТХОНЛИК 1 дин. Қироат билан Қуръон ўқиш, қуръонхонлик.

2 *кўча* Маъносини яхши тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай юзаки ёдлаш, юзаки ўрганиш. *Бу мактабларнинг программаси эски мактабга нисбатан бир оз мазмундор бўлиб, ўқитиш методи ҳам онгсиз қироатхонликка эмас, балки масалани тушунтириб беришга асосланган эди.* «ЎТА».

ҚИРОАТЧИЛИК айн. қироатхонлик. Бунда ҳали китоб тилининг таъсири, қироатчилик кучлидир. К. Яшин, Ҳамза.

ҚИРОВ I Аёзли, ҳаво очиқ, сокин (шамолсиз) тунларда тупроқ, ўт ва ердаги нарсалар устида ҳосил бўладиган муз кристаллари. *Бугун кечаси қиров тушибди.* ■ *Тўла ойнинг ёруғида ўсимликлар баргида пайдо бўлган қиров янги ёққан қор каби ярқираб кўринарди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

Ўша кунни совуқ қаттиқ эди.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров. Ойбек, Танланган асарлар. *..куз келди. Куёш тафти пасайиб, эрталабчи шудринг ўрнини қиров эгаллай бошлади.* «Ёшлик».

Оқ қиров Кузги қиров тушадиган пайт; қалин қировли кунлар. *Полилардаги оқ қировга асралган қирқма қовунлар ҳам узилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Сочига** (ёки соқолига) қиров тушибди (ёки кирибди) Сочи, соқоли оқара бошлабди; сочига, соқолига оқ тушибди. *Ўспириннинг ёнида чекка сочига қиров тушган ўттиз беш ёшлардаги қорача йигит блокнотига ниманидир ёзаётган эди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

ҚИРОВ II Янги чархланган пичоқ, ханжар ва ш.к. асбобларнинг дамида ёки янги ясалган металл буюмнинг бетида қолган зарралар. *Пичоқнинг қировини тўкмоқ.* ■ *Дўкандан чиқарилган бу жуфт-жуфт қора узангилар.. катта эговлар билан эговланиб, қирови тўкилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Қирови тўкилган 1) қирови йўқ қилинган. *Пичоқнинг қирови тўкилган;* 2) иш-фаолиятга шай; «ўтқир». *Энди у [Муқимий] дунёга бошқача назар ташлай бошлаган, чархланиб, қирови тўкилган, ўзини фикрий курашларга чоғлаб, ҳаётнинг нозик томонларига разм сола бошлаган шоир эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. **Қирови тўкилмаган** 1) қирови йўқ қилинмаган; 2) ҳали ишлатилмаган, янги. *Сизга ўзингизга ўхшаган қирови тўкилмаган одамлардан иккитасини кўшиб бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИРОВ III вет. Молларнинг тилида қипиқсимон бўртиқлар пайдо қиладиган касаллик. *Тили қиров боғлабди, қандай овқат есин жонивор..* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҚИРОВЛАМОҚ кам қўлл. Қиров бўлмоқ. *Кипригида шабнам қировлаб, Қароғида бурқсиди офтоб.* Р. Бекниёз.

ҚИРОВЛИ I Қиров босган; қирови эриб кетмаган. *Қировли том. Қировли дарахт. Қишли-қировли кунлар.*

ҚИРОВЛИ II Қирови тўкилмаган, ишлатилмаган, тutilмаган; янги. *Улуғ отам, бугун сиздан тилайман Шу қировли ўтқир пўлат найзани.* «Зулфизар билан Авазхон».

КИРОЛ [р. король ва турк. kral — подшоҳ < лат. Carl — Буюк Карл номидан] Монархия давлати, қироллик бошлиғи.

КИРОЛИЧА Хотин қирол; қиролнинг хотини; малика.

КИРОЛЛИК 1 Қирол лавозими, вази-фаси. *Қироллик қилмоқ.*

2 Ҳокимият бошида қирол турадиган давлат, мамлакат.

КИРОН 1 **1** Кўплаб ўлдириш, қирғин. *Ёвга қирон келди. — Ёвга солиб даҳшат, қирон, Қоя каби турдилар. О. Ҳақимов. Хўш, колхоз молини қирон қилган Сувоннинг ишини муҳокама қилишимиз майда гап эканми? С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Кўплаб ўлиш, ўлим, йўқ бўлиш. *Қор қалин ёғиб, совуқ Ҳаддидан ошиб кетди. Дон топиб еёлмасдан, Қушларга қирон етди. Уйғун.*

Қирон келмоқ Қирилмоқ, йўқ бўлмоқ. *Урушга қирон келсин. Кўплаб норасидаларни ота-оналаридан бевақт жудо қилди. Р. Файзий, Эл меҳри. Шу йил ўлат касали ёйилиб, қўйларга қирон келди. «Чалпак ёққан кун».*

КИРОН II [а. قران — бирикиш, бириктириш; бирикма; никоҳ, тўй] с.т. Давлат, мамлакат. [Мирзакаримбой:] *Қайси қирон қайси қирон билан урушди? Ойбек, Танланган асарлар.*

Етти қиронда Бутун оламда. -*Шуни айтинг, — деди Вали ака, — Қорабулоқнинг суви билан ери етти қиронда ҳам йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КИРОН(ГАР)ЧИЛИК Қирғин, хунрезлик, қирғинчилик.

КИРОНҚАРҒА айн. қиронқора.

КИРОНҚОРА Йиртқич қушлар туркумининг қарчигайсимонлар оиласига мансуб, бургутдан кичикроқ ўлимтихўр йиртқич қуш.

КИРПИ шв. 1 Хирпа, сийқаланган. *Қирпи ошиқ.*

2 кўчма Кўпни кўрган, тажрибали. [Шодмонов:] *Душман қирпи, доғули. Осонликча жон бермайди. К. Яшин, Ўлим босқинчиларга.*

КИРПИЧОҚ 1 айн. пичоқбозлик.

2 кўчма Қаттиқ уруш, жанжал. *Ҳеч гандан ҳеч гап йўқ, икки ёзувчи ё икки санъаткор бир-бирига чап, бир-бири билан қирпичоқ бўлиб қолишади. Уйғун, Замон талаби. Агроном билан тракторчи қирпичоқ бўлишди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Дустми сен-*

га Ҳози ё душман? Анорхон билан орангга совуқлик солмоқчими ёки сени Комилжон билан қирпичоқ қилмоқчими? И. Раҳим, Ихлос.

КИР(Р) тақл.с. Нотекис ёки ёпишқоқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Савағич қаламни «қирр» этиб юргизмоқ. Мумланган инни «қирр» этиб тортмоқ.*

КИРРА 1 Нарсаларнинг энсиз ёки ўткир қирғоғи; чет, зиҳ, қир. *Китобнинг қирраси. Тахтанинг қирраси. Кафтнинг қирраси. — Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган. Баъзиларининг қирра тошлар тилган оёқларидоғи оғриқ билинмай қолган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чвқмоқлар.*

2 кўчма Нарсаларнинг моҳиятини белгилловчи хусусият, томон. *Сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади. А. Қаҳҳор, Сароб. Худди шу ўринда масаланинг яна бир муҳим қиррасини изоҳлаш керакка ўхшайди. Газетадан. Кечагина оддий кўринган нарсалар бугун негадир бошқа фазилати, бошқача бир қирраси билан намоён булар эди. Н. Фозилов, Дийдор.*

3 мат. Геометрик жисмни ўровчи икки текисликнинг кесишув чизиғи; қовурға. *Пирамиданинг қирраси. — Агар призманинг ён қирралари унинг асосларидан бирига перпендикуляр бўлса, бундай призма тўғри призма деб аталади. «Чизмачилик».*

Қирра бурун 1) ўткир қиррали бурун. *Улар қаторида норғил, қирра бурун, қорамағиз йигит — Ҳафиз ҳам бор. Мирмуҳсин, Пўлат кукювчилар; 2) бурни шундай йигит:*

ҚИРРАБУРУН (тўғриси қирра бурун) қ. қирра.

ҚИРРАДОР Қирралари кўп бўлган; қиррали. *Қиррадор тош. Қиррадор қоялар.*

ҚИРРАЛАМОҚ Йўниб, тарашлаб ёки чархлаб, қирра ҳосил қилмоқ, қирра чiqармоқ. *Тошни қирраламоқ.*

ҚИРРАЛИ 1 Қирраси бўлган; қирраси бор. *Саккиз қиррали устун. — Тўрт қиррали кўмир қалам, Қордай қоғоз қўлимда. Т. Тўла. Оппон қиррали стакан лабига тухум уриб чақди-да, яхшилаб арчиб, лунжиги солди. С. Аҳмад, Сайланма.*

2 Учи бўлган, учли. *Беш қиррали юлдузча.*

Кўп қиррали 1) қирралари ёки учлари кўп; серқирра; 2) кўчма ҳар тарафлама кенг маълумотли, билимли. *Кўп қиррали ижодкор*; 3) кўчма ҳар тарафлама мазмунли, мазмундор. *Кўп қиррали ижод.* ■ *Портретчи рассомларимиз фаолияти ана шундай жўшқин ва кўп қирраллидир.* Газетадан.

ҚИРРИҚ 1 Юнги (туки) калта (асосан ҳайвонлар ҳақида). *Қирриқ ит.*

2 *кўчма* Ўтакетган туллак, устомон, хирпа. *Қирриқ одам.* ■ *Четдан келган гўл, гўсхўр, пулдор бойваччаларнинг кўпини шилиб юрган қирриқ қиморбозлар унинг юпун кийимига разм солишгач, эътибор бермай, ўйинни давом эттиришди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Сотқинбой эски қирриқ эмасми, у кейинги пайтда кимларнингдир пинжиги кириб, ғоят усталик билан корхона директори бўлиб олди.* «Муштум».

ҚИРС тақл. с. Баъзи нарсаларнинг сениши, очилиб-ёпилиши ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. [*Улмас опа*] *Ёнбошидаги жийда бутқочасини қирс этиб синдириб олди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Хон соат қопқоғини қирс этиб ёниб, занжирларини чувалаштириб, қўйнига солди.* Мирмуҳсин, Чўри. *..сумкачасини қирс этиб очди-да, ун сўмлик чиқариб берди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *У кимса учун бу вазифа чўнтагидаги бодомни қирс этиб чақиб егандай жўн гап.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИРСИЛЛАМОҚ «Қирс» этган товуш чиқармоқ. *У оёғи остида қирсиллаган хазонларни босиб-янчиб бораркан.. ойнаванд тахта қаршисиди бир зум тўхтаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Эй, сендан нима кетди – тўшингда тортмайсанми, беллари қирсиллаб кетмайдими!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИРСИЛЛАТМОҚ Қирсилламоқ фл. орт. н. Бармоқларни қирсиллатмоқ. ■ *Отлар бошоқларни қирсиллатиб узиб емоқда.* С. Айний, Куллар. *–Ҳа, нима қилди? – деди у оғзидаги сақичини қирсиллатиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИРС-ҚИРС Қирс с. такр. *Тун совуғи билан қотган лой оёқ остида, синиқ шиша парчаси каби, қирс-қирс ушалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Секин-секин олдинга энаётган қўйлар гоҳо қуруқ шувоқларни қирс-қирс чайнайдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРТ тақл. с. Нарсаларнинг бир-бирига ишқаланиши, қирилиши, узилиши ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Ип қирт этиб узилди.* ■ *Турсуной тугмагулни икки бармоқ орасига олиб, қирт этиб узди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРТИЛЛАМОҚ «Қирт-қирт» товуш чиқармоқ. *Қамиш қаламнинг қиртиллагани гаши келтиради. Пол остида нимадир қиртиллаяпти.*

ҚИРТИЛЛАТМОҚ Қиртилламоқ фл. орт. н. *Қамиш қаламни қиртилламоқ.* ■ *Мирза чизди қиртиллайтиб қаламин.* Ғ. Фулом. *Сартарош Абрам унинг кеч куз қировидай оппоқ мўйловини йилтироқ қайчиси билан қиртиллайтиб текисларкан, оғзи тинмай аланималарни гапирар.. эди.* Ҳ. Фулом, Сента интиламан.

ҚИРТИШЛАМОҚ 1 Яхшилаб, топ-тоза қилиб қирмоқ. *Қозонни қиртишламоқ.* ■ *Уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қиртишлаб супуришни у яхши кўради.* Ойбек, Улуғ йўл. *Биринчи маошини олган кун чолкампирининг мазорига оқлик кўтариб борди. Мазорни қиртишлаб тозалади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Батамом тозаламоқ, сира қолдирмай, таг-туғи билан йўқ қилмоқ. [*Қўйлар*] *Шувоғу янтоқни.. томиригача қиртишлаб қўяди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИРТ-ҚИРТ Қирт с. такр. *Қирт-қирт хат ёзмоқ.* ■ *У бошини қирт-қирт қашиганча эслашга уринди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Зухра силлиқ картонни қирт-қирт қирқар.. эди.* Ибоҳон, Улуғ йўл.

ҚИРУВЧИ 1 Қирмоқ фл. сфдш.

2 Қирғин қиладиган, қирғин келтирадиган, қирадиган одам, қурол. *Қирувчи самолёт.* ■ *Бу шишалар батальон қирувчилари мажасқлаган душман машиналарининг бензини билан тўлдирилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИРЧАНҒИ Қўтир ва ориқ; дирдов (кўпинча от ҳақида). *Ҳар йил, қоида каби, қишдан бир отни қирчанғи қилиб чиқаради ёки ўлдириб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..болохонанинг қинғир-қийшиқ синчлари, гуваласи тушиб, қирчанғи отнинг қовурғасидай яланғочланиб, саналиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРЧИЛЛАМА 1 Куч-қувватга тўлган, етилган. *Қирчиллама йигит.* ■ *Ҳу ана, ол-*

динроқда ёши элликдан ошганига қарамай, ҳалиям қирчиллама йигитдай дароз бўйини тик тутиб, Тўлават мўйлов кетяпти. С. Анорбоев, Оқсой. *..қирчиллама ёшининг беш-ўн йили шунга сарф бўлди. М. Кўшжонов. Дийдор.*

2 *кўчма* Авжига чиққан, кучайган, қаҳрига олган, қаттиқ (совуқ ёки қиш ҳақида). *Шундай қирчиллама совуқда қўлга келиш заруриди? Й. Муқимов, Матонатли кишилар. Қирчиллама қиш палласи уни қишлоққа олиб бориш ҳам қийин эди. О. Ҳусанов, Чўлда. ..қиш бўлганда ҳам, қирчиллама кунда.. тугилган. Ш. Холмирзаев, Сайланма.*

ҚИРЧИЛЛАМОҚ I Куч-қувватга тўлмоқ, етилмоқ. -Сизми? – деди Кумуш. – Сиз энди қирчиллабсиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Расий [Россия] деган мамлакат жудаям олис эмиш, сарт, қозоқнинг ўспиринлари – авжи қирчиллаган йигитлар.. совуқда очялангоч қирлиб кетмасин яна, кулфатга қолдик! Ойбек, Болалик.*

2 *кўчма* Авжига чиқмоқ, зўраймоқ, қаҳрига олмоқ (совуқ ёки қиш ҳақида). *Қиш тобора қирчилламоқда.*

ҚИРЧИМОҚ шв. I Қайчи, тиш ёки тирноқ билан қирмоқ, узмоқ. *У қошидаги гулнора япроғидан биттасини узиб олиб, лаблари орасида қирчиб бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Чилпимоқ, чеканка қилмоқ. *Гулни қирчимоқ. Ғузанинг учини қирчимоқ.*

3 *кўчма* Кемирмоқ, ғажимоқ, эзмоқ. *Тешабой.. қайнатасининг юрагини кечадан бери қирчиб келаётган ташвиш қуртини сезиб қолгандек: -Мингбошликни ёнга қолдирган ош ҳаром бўлармиши, тақсир, – деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚИРЧИН кам қўлл. Ёш ниҳол; навқирон. *Эсиз, қирчин кетдинг, қиздай гул дийдор, Элимнинг ногаҳон босқини ёмон! Миртемир.*

Қирчинингдан қийилгур! Жувон ўлгур!, йигит ўлгур!, жувонмарг бўлгур! *Қирчинингдан қийилгур, Чиноқ, уйнашгани ўз тенгинг топилмадими? С. Аҳмад, Ҳукм.*

ҚИРҚ I 1 *снқ. сон* 40 рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган сон, миқдор. *Қирқ киши. Қирқ метр газмол. Қирқ сўм пул. Қирқ тонна юк. Қирқдан учни айирмоқ. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом (бер).* Мақол. *Қирққа чидаган, қирқ бирга*

ҳам чида. Мақол. Ўттизида эр атанган қирқда шер атанар. Мақол.

ҚИРҚ КОКИЛ Майда ўрилган соч. *Бир оз сабр қилсанг, қирқ кокил қилиб қўярдимки, орқанда толбаргакдай ҳилтирарди. Ойбек, О.в. шабадалар.*

2 *этн.* Киши вафотидан сўнг ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи кунни утказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсаро. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқчи, хатми қуръон деб анча чиқимдор бўлганга ўхшайди. С. Анорбоев, Меҳр.*

ҚИРҚ II Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири.

ҚИРҚБЎҒИН, **қирқбўғим** Майда барглари бирлашиб, найчасимон бўғинлар ҳосил қилиб ўсадиган кўп йиллик спорали ўсимлик (ер устки қисми тиббиётда ишлатилади). *Қазғоқни йўқотиш учун бир ош қошиқ майдаланган қирқбўғин, шунча миқдорда арника [кўп йиллик ўт] гулини икки стакан доғ сувга аралаштириб, қайнатиш зарур. «Саодат».*

ҚИРҚИЛМОҚ **Қирқмоқ** фл. мажҳ. н. *Дарахтнинг шохлари қирқилди. Қирқилган беда. ■ [Йигитнинг] Бўйи баланд, қомати келишган, қора соқоли ияғда текис қилиб қирқилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Қадами қирқилди Қадам босмайдиган, келмайдиган бўлди. **Тили қирқилди** Гапира олмайдиган бўлиб қолди. *Хотини келиши билан тили қирқилган раис гунг ўтирар.. эди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

ҚИРҚИМ I Чорва молларининг жунини қирқиш; шундай иш жараёни. *Чорвадорлар кузги жун қирқимини пухта тайёргарлик ва зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Газетадан.*

2 *махс.* Чизмачиликда нарсаларнинг текислик билан кесилгандаги кўриниши.

ҚИР-ҚИР қ. **қир(р).** [Унсин] *Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан қир-қир тортиб қўяди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚИРҚИҚ Қирқилган, қирқиб, кесиб ташланган. *Қулоғи қирқиқ ит. Думи қирқиқ от. Сочи қирқиқ хотин. ■ Чироқда олинланган сочлари қирқиқ.. бир қиз у билан овора бўлди. Ойбек, Куёш қораймас. Чопар томонидан суйри.. соқоли қирқиқ киши қоғозни.. юзида шодлик аломати пайдо бўлгани ҳолда ўқий бошлади. С. Айний, Қуллар.*

ҚИРҚКОКИЛ (*туғриси қирқ кокил*) қ. қирқ I.

ҚИРҚМА I Қирқилган ёки қирқиладиган.

Қирқма пиёз Кўки-барги олиниб, туби ерда иккинчи йилга қолдириладиган пиёз.

2 Қишга сақланадиган кечпишар. пўсти қалин, эти оч яшил қовун нави. *Полиэлардаги оқ қировга асралган қирқма қовунлар ҳам узилди.* С. Аҳмад, Қадрон далалар.

Қирқма милтиқ Стволи қирқиб қисқартирилган милтиқ. *Қора қоплон иккита қирқма бешотар милтиқ.. ўқдонларини бирма-бир кўздан кечириб, отишга шай қилиб қўйди-да.. хуржунларга жойлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚИРҚМОҚ I Кесувчи асбоб билан бўлакламақ, кесмоқ. *Қоғоз қирқмоқ. Беда(ни) қирқмоқ. Дарахт шохини қирқмоқ.* ■ *Йўлчи йўғон қамиш топиб.. бир қаричдан мўлроқ қирқиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саодатхон бу гулдаста тувакдаги гуллардан қирқиб ясалганини дарров билди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Калта қилиб кесмоқ, олмоқ ёки олдиarmoқ (соч, соқол ва ш.к. ни). *Сочини қирққан хотин.*

3 *кўчма* Камайтирмақ, қисқартмоқ. *Иш ҳақидан қирқмоқ.* ■ *«Нормасини бажармади», деб ҳар беш кунда меҳнатини қирқади, деворий газетага уради, мажлисда гапирди.* И. Раҳим, Ихлос. *Қорасувнинг сувини ичиб, қушиғини шаҳарда айтадиган меҳмонлар керак эмас. Уларнинг ерини қирқиш керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 Кучини, даражасини камайтирмақ, қайтармоқ; кесмоқ. *Дашт шамоли ҳароратнинг дамини қирқиб турибди.* Ҳ. Назир, Васият. *..кўча ён-беридаги дарахтлар шамолнинг кучини қирққандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

5 *кўчма* Бирор ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. ни тўхтатмоқ; тўсмоқ. *Дехқонбой Сариқов бир тўда гитлерчиларнинг чекиниш йўлини пулемёт ўти билан қирқиб, душманга катта талафот етказди.* Н. Сафаров, Дон. *Қирқиб чиқди Ойчинор лашкарларнинг олдида.* «Ойсулув». - *Мен туфайли сиз ҳам азият чекибсиз, — деб гап бошлади Кимсан. Лекин қиз гапни қирқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

6 *кўчма* Орасидан (бўлиб) йўналмоқ, ўтмоқ, кесиб чиқмоқ, кесмоқ. *Канал қиш-*

лоқни қирқиб ўтади. Йўлни қирқиб ўтмоқ. ■ *Улар айтди: -Янгитда дарёни қирқиб ўтиб, Янгиқўрғон қараб кетди.* «Фольклор».

Пайини қирқмоқ қ. пай I.

ҚИРҚОЁҚ шв. Мингоёқ.

ҚИРҚОҒАЙНИ Атиргулнинг баланд бўлиб ўсадиган, майда сергул тури. *Қизлар.. сочлари ва чеккаларига садарайҳон, қирқоғайни гулидан маржон қилиб тақиб олишган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИРҚҚУЛОҚ Барги йирик, спорали ўсимлик; папоротник (илдизпоясидан тайёрланган экстракти гижжаларни ҳайдашда ишлатилади). *Масалан, қирққулоқ — папоротник гули хоҳ оилада, хоҳ идорада бўлсин, жанжалларни бартараф этар экан.* Газетадан.

ҚИРҒИ шв. Ранда. *Усталар ишлатар теша, қирғини.* «Равишан».

ҚИРҒИЗ I Қирғизистоннинг туб аҳолисини ташкил этувчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қирғиз халқи. Қирғиз миллати.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Қирғиз тили.*

ҚИРҒИЗЛАР Қирғизистоннинг туб аҳолисини ташкил этган, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қирғиз халқи.

ҚИРҒИЗЧА I Қирғизларга, қирғиз халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятга оид. *Қирғизча куй.*

2 Қирғиз тили. *Сиз қирғизча(ни) биласизми? Қирғизча гапирмоқ.*

ҚИРҒИЙ айн. қийғир. *Дониш эндигина пати чиқа бошлаган палапонни олиб тушганда, тепада она қирғий чуввос солди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси. *Бир тўп чумчуқни бир қирғий қувиб юргандай, тўп-тўпини қувалаб юрибди.* «Холдорхон».

ҚИРҒИН I Кишилар кўплаб, ёппасига қириладиган, кўп қон тўкиладиган уруш, жанг, босқин; хунрезлик. *Қирғин уруш. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.* Мақол. ■ *Йигитларимизга оқоп қаздирадими ё милтиқ ушлатиб, қирғинга ҳайдайдими — бу нарса оқподшонинг ихтиёрида.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди аввалгидан баттар қирғин бўлишини сезган бек ва навкарлар Андижон қўрғонига кириб бекина бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кўплаб ўлиш, қирилиш; ўлат. *Молларга қирғин келди.*

3 *кўчма с.т.* Каттиқ жанжал; уруш.

Қирғин солмоқ (ёки қилмоқ) 1) кўплаб ўлдирмоқ, қирмоқ. *Ҳамма қизғин кутлайди Кулиб турган жангчини; Душманларнинг бошига Қирғин солган танкчини.* З. Диёр; 2) *кўчма қаттиқ жанжал қилмоқ, жанжал кўтармоқ.*

ҚИРҒИНБАРОТ 1 Қонли қаттиқ жанг, қирғинчилик, хунрезлик. *Бу қирғинбарот, ўз навбатида, гирдобига бу бой, бу камбағал деб ўтирмай, ҳаммасини тортиб, катта таҳлика туғдиргач, Содидқбойвачча ҳам шаҳардаги.. ҳовлисига кўчиб кетган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма с.т.* Каттиқ жанжал, уриш, зўр можаро. *Икки маҳалла ўртасидаги мушт-лашиш, қирғинбарот авжга чиқиб турганда, қандайдир бир ўткир овоз дарҳол одамлар диққатини ўзига тортди.* Мирмуҳсин, Тарихий қисса.

ҚИРҒИН-СУРОН Каттиқ қирғин, қирғинбарот, уруш-тўполон. *Бек.. қирғин-суронни кутиб ётганда, отишмалар нечундир эшитилмади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

ҚИРҒИНЧИ Қирғин қилувчи, солувчи; қирғин қатнашчиси, хунрез. *..қирғинчилар ўқ узмасдан, ҳужум қилмасдан туриб, сизлар ўт очмайсиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚИРҒИНЧИЛИК Каттиқ қирғин, хунрезлик. *..тўхтовсиз давом қилган ўзаро қирғинчилик урушлари тугатилди.* Газетадан.

ҚИРҒИЧ 1 Мева ва сабзавот этини қириш учун ишлатиладиган тишли рўзгор буюми. *Қирғич билан қовоқ қирмоқ.* ■ *Ёшлар кабоб чайнашяпти, мен бўлса, қовунни қирғичда қириб едим.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Қириб, тарашлаб тозалаш учун ишлатиладиган тигли асбоб. *Мана бу жойни аввал пўлат қирғич билан тозаламабсиз-да.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚИРҒИЯК Куз фаслининг бошланиш пайти. *Қирғияк ёмғири шивирлаб ўтди, Чўпон кўчқорларга ташлайди назар.* Ф. Фулом.

ҚИРҒОВУЛ *вин. тустовуқ.* *Ботирали шу хаёл билан кетаётганда, бир қирғовул парр.. этиб учди-да, ундан сал нарироққа бориб тушди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

ҚИРҒОҚ 1 Сув ҳавзалари ва оқар сувлар билан қуруқлик туташган камбар ер; лаб, бўй, ёқа; соҳил. *Дарё қирғоғи. Кўл қирғоғи. Денгиз қирғоғи.* ■ *Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб.* Ғайратий. *Фари-*

да қурбақа сузиш қилиб, қирғоққа қараб борар экан, сув туркаб кулди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Ёйиқ нарсаларнинг, йўл ёки майдоннинг чети; зиҳ, қир. *Рўмолнинг қирғоғи. Пахтазорнинг қирғоғи.* ■ *Адолат.. конвертнини олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини қийди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Мурод] Мушт билан стол қирғоғини урган эди, стаканлар жириглаб сакраб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Чуқур нарсаларнинг юқори чегараси, чети, ёқаси. *Жарнинг қирғоғи. Челақнинг қирғоғи.* ■ *Ҳайтовур, жаҳаннамнинг қирғоғига чиқиб олдик.* Ойбек, Куйёш қораймас.

ҚИРҒОҚЛАБ *кам кўл.* Қирғоқ бўйлаб. *Ғирқираб роҳатбадан шаббода қирғоқлаб эсиб, Шарқираб ўйнаб-тўлиб, тўлқин уриб кулгу келур.* Ҳабибий.

ҚИСАКЎЗ *кам кўл.* Қисик кўзли, кўзлари қисик. *Самбит қомат, от юзли, қисакўз буфетчи Розиквой рухсат сўраб, кабинет эшигини очди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ҚИСАТМОҚ *шв. 1* Қистамоқ; шоширмоқ, қичамоқ.

2 Тез юришга ундамоқ, ҳайдаб тезлаштирмоқ. *Биясин етаклаб, йўлбарсдай бўлиб, Қисатиб чиқди занглаб ётган чўлига.* «Гўрўғли».

ҚИСИБ-ҚИМТИБ *рви.* Режаси билан, иқтисод қилиб, тежаб-тергаб. *Қисиб-қимтиб, борини етказмоқ.* ■ *Бир хасис киши умр бўйи қисиб-қимтиб, емай-ичмай, пул тўплай-верибди.* Газетадан. *Ўз нафсларидан қисиб-қимтиб юборишяётган бўлса-чи?* «Муштум».

ҚИСИЛМОҚ *Қисмоқ* фл. ўзл. ва мажж. н. *Этаги эшик орасига қисилиб қолди. Мушти қисилди. Деворга қисилди. Бурчакка қисилди. Пулдан қисилди. Юраги қисилди. Кўзлари қисилди.* ■ *Комил аввалгидек уй-рўзгорни тебратиб турар, оила емоқ-ичмоқдан қисилмас эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 *кўчма* Рўхан танглик сезмоқ, диққат бўлмоқ; сиқилмоқ; тортинмоқ, қисмоқ. *Аввалги оиласини эслаб қисилади, ишдан чарчайди, ичади-да..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Биласизми, шу кунларда шундай қисилган эдимки, қалбим ўт бўлиб ёнди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод. *Энди оғзига келганини қисилмасдан гапиришга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСИМ *айн. сиқим.* Қисимига сиққанча. *Бир қисим ун.* ■ *[Авазхон] Турсун деган*

мешконнинг қўлига бир қисим тилла узатди. «Зулфизар билан Авазхон». Ҳа, қурумсоқ, тўртта кулча билан бир қисим жийда кимни ўлдирибди. Т. Алимов, Совға.

ҚИСИМЛАМОҚ айн. сиқинламоқ. Муаззам йўл четида осилиб турган тол новдасидан кўм-кўк барглари қисимлаб сидириб олди-да, маънос гапира бошлади. С. Аҳмад, Раҳмат, азизларим. Бобоқул ота ҳасасини маҳкамроқ қисимлайди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

ҚИСИНМОҚ 1 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истиҳола қилиб тортинмоқ, ийманмоқ, қимтинмоқ. Қисинмасдан, ёзилиброқ ўтиринг. ■ Носир ака қисиниб-қимтиниб ичкари кирди. Газетадан.

2 кам қўл. кўчма Моддий қийинчиликда яшамоқ, бирор нарсадан муҳтожлик сезмоқ, сиқилмоқ.

ҚИСИНҚИ шв. 1 Сиқик, танг, қисиқ. Қисинқи кўзлар.

2 кўчма Тортинчоқ, уятчан. Қисинқи бола.

ҚИСИНҚИЛИК 1 Сиқиклик, торлик; тортинчоқлик.

2 кўчма шв. Моддий қийинчилик, муҳтожлик.

ҚИСИР 1 1 Бўғоз бўлмайд қолган, қочмаган ёки қочиб бўғоз бўлмаган. Қисир сигир. Қисир кўй. Қисир сизир кўп маърайди. Мақол. ■ Астағфирулло денг, тўрам! Куни кеча ўзлари қисир гунажини бўғоз деб сотдилар. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 бот. Чангланмаган, уруғланмаган; ҳосил бермайдиган. Қисир гул.

ҚИСИР II тақл. с. Ёғоч ва б. баъзи нарсаларнинг синишидан, қисларининг қимирлаб, бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. У ўтирган стул қисир этди.

ҚИСИРЛАМОҚ «Қисир», «қисир-қисир» этган товуш чиқармоқ. Қимирласам, стул қисирлайди. Қовурғаларим қисирлаб кетди. ■ Аммо ўзи [қоғоз пул] банкдан янги чиққанидан экан! Қисирлашини эшитаясанми, аяси! О. Ёқубов, Икки муҳаббат. Баширжоннинг сўзи оғзида қолди, ҳамма ёқ қисирлаб, ер силкина бошлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚИСИРЛАТМОҚ Қисирламоқ фл. орт. н. Шамол дарахтларни қисирлатди. ■ Алиохун.. керишди, бармоқларини қисирлатди. Ойбек, Танланган асарлар. Бектемир тиш-

ларини қисирлатиб, бўғилиб ётди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚИСИР-ҚИСИР Қисир с. тақр. Ер қимирлаганда, синчлар қисир-қисир қилиб турди. ■ Ўғит ташиётган араваларнинг қисир-қисирини эшитилди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ҚИСИҚ 1 Қисилган, сиқилган. Қисиқ мушт.

2 Кичик, тор ёки юмилиңқираган, юмилган; юмуқ. Унинг [Холмуроднинг] қисиқ кўзлари кулгидан баттар қисилиб.. кетгандай эди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Сиқик, танг. Қисиқ аҳвол.

4 шв. Танги, тор дара. Норин дарёси тоғ қисиқларидан водий кенгликларига отилиб чиқади. М. Эгамбердиев, Сариқ аждар ҳамласи.

Бўйни қисиқ 1) бўйни сиқилган ёки қалта; 2) кўчма бўйни эгилган; тобе. У [Элмурод] бўйни қисиқ етим эмас. П. Турсун, Ўқитувчи. **Тили қисиқ қ. тил.**

ҚИСМ [а. قسم — бўлак; улуш, ҳисса, бўлим, бўлинма] 1 Бутуннинг таркиби, узвий бўлаги ёки ҳиссаси, улуши. Даромаднинг учдан бир қисми. Меҳмонларнинг бир қисми. ■ Хуллас, Туямўйинга келиб, излаб юрган нарсаларининг бир қисмини топгандай эдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Йўлнинг қолган қисмига эшак иш берди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Анвар ўзини супанинг қоронғи қисмига олди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бир иш, мажлис, асар ва ш.к. нинг маълум даражада мустақилликка эга бўлган алоҳида бўлаги; бўлим. Уч қисмдан иборат роман. ■ Институтдаги кечада ҳисобот доклади тугади. Сўнгра бадиий қисм бошланди. Файратий, Узоқдаги ёр. Моҳидил етиб келганда, тантанали қисм бошланиб қолганди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Меҳмонлар билан вакилларнинг қизгин табриклари, хайрли тилакларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Машина, механизм, иншоот ва ш.к. ни ташкил қилган бўлақлардан ҳар бири; деталь. Тракторнинг эҳтиёт қисмлари. ■ Эмин уни [пулемётни] шошилиб қўлига олди-да, бир зумда қисларини ажратиб, газетага териб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 ҳарб. Куролли кучлар таркибидаги алоҳида бўлим, бўлинма ёки бирикма. Ми-

номётчилар қисми. Полкнинг санитария қисми. Қисм командири. ■ Шу чоқ артиллерия қисмлари оғир тўплари билан ўта бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас. Жароҳатларим битиб кетиши билан яна қисмимга қайтиб бордим. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ҚИСМА Қисиб қўйиладиган, қисиб турадиган. Бошлиқ оппоқ чўққи соқолли, ориқ, учи тўмтоқ бурнига қисма кўзойнак кўндирган мўйсафид эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИСМАН [a. قسماً – бирор бўлак, қисм жиҳатдан; бир оз, бир қадар] Маълум бир қисми бўйича, бир жиҳатдан; тўла ҳолда эмас; маълум даражада. Фикрингизга қисман қўйшаламан. Гапингиз қисман тўғри. Қуёшнинг қисман тутилиши. Маблағларни қисман сафарбар қилмоқ. ■ Мен яна такрор айтаман, қисман хотинингиз айбли бўлса, асосан бунинг бош айбдори ўзингиз. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. Равшан воқеадан қисман хабардор бўлганидан Ҳодиқул аканинг келиш сабабини пайқади. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҚИСМАТ [a. قسمت – тақдир, қазо; улуш; бўлиш] 1 Гўё олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага ёзилган кўргилик; ёзмиш, тақдир. Қадим замонларда одамлар дунёдаги ҳамма нарса қисматга бағлиқ, деб ўйлаганлар. Газетадан. Қисмат экан, бу ерларда юрибсиз, уста Журжоний. Мирмуҳсин, Меъмор. Ҳали севишмоқдан шумидир маъно? Фақат азоб бордир қисматда наҳот? Ҳ. Олимжон. Ўзгалардек уни ҳам қисмат Олиб келди охир қабрга. Э. Воҳидов.

2 Умуман, бошга тушган кўргилик, кечмиш ҳаёт; аҳвол. Ўша замонда барча шғор фикр ва ақл эгаларининг қисмати бир хил эди. Газетадан. Нажмиддин Бухорий, акаси Бойбўрининг зулмидан бошқа юртларга кўчиб кетган Бойсари қисматида ўз қисматини кўриб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Меъмор. Ҳақиқатан ҳам Сўлимбекдай қишлоқнинг бошига тушган қисмат кўпларни қаттиқ ранжитган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Ҳаёт-мамонт масаласи, тақдир; белгиланган умр, насиба. Бутун ёшлигимиз жанг-дадир букун, Жангда ечилмоқда севги қисмати. Ҳ. Олимжон. Ҳазрат.. кетиб юборишни ҳам ўйлади-ю, ҳали Жабборбек қисмати ҳал бўлмагани.. Иброҳимбек кетиб қолгани-

ни эслаб, Фузайл махсумга маъноли тикилди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Ҳасан овчининг қисмати битди, деб тахмин қилган элликбоши уни тезроқ қалвага дикиллайтиб олиб боришга ошиқарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 эск. кт. Қисм, ҳисса, улуш. Қалин қисматини жуда кўн беринг, Не сўраса, берайин, қабул қилинг. Пўлкан шоир.

ҚИСМОҚ 1 Орасига олмоқ, орасига олган ҳолда тутмоқ, сиқиб ушламоқ; сиқмоқ. Валиевнинг бир ўзи столга тирсагини таяб, икки кафти билан чеккасини қисиб ўтирибди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Тешабой олдидаги қовун косадан шошилмасдан бир тилим олди-ю, оғзига келтирмай, икки бармоғи орасида қисиб туриб: -Тақсир, — деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мен билан жилмайиб кўришди-да, қўлидаги газетасини буклаб, қўлтиғига қисди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Темир қип-қизил бўлган, амбурда қисиб олади-да, кундага қўяди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўчма Сиқув, исқанжага олмоқ; эзмоқ, сиқмоқ. Бегона ўтлар гўзани қисиб қўйибди. ■ ..иккинчи марта экилган чигитни шўр қисиб, ер бетига чиқармай қўйди. «Муштум». Кампир, резинкаси оёғини қисиб юборган шекилли, капрон пайпоғини ҳимариб, тўпиғига тушириб олибди. С. Аҳмад, Сайланма.

3 кўчма Бўғмоқ, нафасини қайтармоқ. Унинг ҳалқумини дард қисиб келди.

4 кўчма (ч.к. билан) Бирор нарсдан танг ҳолатга солмоқ; сиқмоқ, толиқтирмақ, зориктирмақ. Пулдан қисмоқ. ■ Мана бўлмасам, деб уни ҳам овқатдан қисиб қўйдим. С. Аҳмад, Автобиография. Худойим.. хотинларни уй учун яратган. Эркакларни олиб келишдан қисмасин. Ҳ. Раҳимов, Чин ҳаёт. ..ҳусн деган нарсдан худо мени қисган. Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Бирлаштирмақ, юммоқ. Лабларини қисмоқ. ■ Валихон муштини қисиб таъкидлади: -Сипоҳ керак. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ранги қум ўчган, изтиробдан қалтираган одамлар, ўз харобалари олдидан тишларини қисиб, жим ўйланардилар. Ойбек, Қуёш қораймас.

Бошини (ёки калласини) қисмоқ кам қўлл. айн. бўйинини қисмоқ. У калласини қисиб, кўкарган кўзини қўли билан тўсиб турган Жамол писмиққа мурожаат қилди. М. Ис-

моилий, Фаргона т. о. **Бўйинни** (ёки бўйин) **қисмоқ** 1) бўйинни ичига тортмоқ (одатда бирор маъно ифодалаш учун, мас., билмаслик, хабарсизлик маъносини билдириш учун шундай қилинади). *Рисолат хола бўйинни қисиб, ўзи ҳам бу сирнинг боисидан бе-хабарлигини билдирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) шахснинг қисинган, тушкун ҳолатини билдиради; бўйин эгмоқ. *Бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уйимга етим боладек бўйинни қисиб кириб келди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Қаршисида ёлворгандай бўйин қисиб турган йигитга раҳми келди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Думини қисмоқ** 1) думини оёқлари орасига олмоқ (ит ҳақида – одатда қўрққан ҳолатларда шундай қилади). *Ит жуда қўрқоқ экан. Думини қисиб, бир менга, бир Асетга қараб, бостирманинг тагига кириб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор; 2) қўрқиб, ҳайқииб жим бўлмоқ. *..қаттиқроқ гапириб, ҳукуматни эсга солсанг, думини қисади бу чайқовчилар.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Елкасини қисмоқ** 1) бўйинни ичига олиб, икки елкаси бир оз кўтарилган ҳолатда бўлмоқ. *Мутриб одатича ерга қараб, елкасини қисиб, бир-бир одим ташлаб кетарди.* С. Сиёев, Аваз; 2) *айн. бўйинни қисмоқ 1.* – *Сомон олганмисиз? Агроном.. елка қисди: – Билмадим.. болалар кеча-печа олиб келган бўлмаса.* С. Сиёев, Отлиқ аёл; 3) *айн. бўйинни қисмоқ 2.* *Жуман, мен елкамни қисиб келдим, болаларга айт, мени қайта тарбиялашсин..* А. Мухтор, Туғилиш. **Кўз(ини) қисмоқ** 1) бирор сабаб ёки таъсир билан кўз милқларини бир-бирига яқинлаштирмоқ, кўзни юмиш даражасигача торайтирмоқ. *..у сел-сел терлаганига ҳам парво қилмай, кўзларини қисиб, йўлга қаради.* «Ёшлик». *Чарақлаган офтобга қарагандай, кўзларини қисиб, Темурга ўғирилди.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) бирор маъно ифодалаш, белги бериш учун кўз (одатда бир кўз) милқларини жуфтламоқ. *Раиснинг қарашидан бу насиҳатнинг маъносига тушунган мудир.. кўлини кўксига қўйиб, чап кўзини қисиб деди..* «Муштум». *Дарҳол кўзимни қисдим. Бир майзини икки бўлиб ейдиган Мўмин дўстим фикримни пайқади.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Тилини қисмоқ** Гапирмай (гапиртирмай) қўймоқ; гапиришдан тийилмоқ. *Уликми-тирикми, билармиз. Ман ҳам қараб турмайман.*

Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин. Ойбек, Танланган асарлар. **Юрагини қисмоқ** Хафақон, диққат қилмоқ; руҳан эзмоқ. *Саҳродаги бир хил манзара киши юрагини қисиб, уни диққинафас қилиб юборади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚИССА [a. **قصة** – тарих; ҳикоя, ривоят, воқеа] **1 ад.** Асар асосида ётган қамровнинг романга нисбатан торлиги, ҳикояга нисбатан кенглиги, шунга мувофиқ ҳолда, сюжет ва композициянинг ҳам романга нисбатан соддалиги, ҳикояга нисбатан мураккаблиги билан характерланувчи бадий асар. *Автобиографик қисса. Тарихий қисса. Фантастик қисса.* ■ *Ёшлар яратаётган роман, қиссалар, очерк, ҳикоялар.. аксариятида этик истеъдоднинг ёрқин ифодаси бор.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 ад. Ўзбек мумтоз адабиётида воқеий ҳодиса ёки афсоналар баён қилинган эпик асар; ҳикоя, ривоят. *Қиссаи Сайфулмулк. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси.*

3 с.т. Бирор нарса, кимса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. ҳақида оғиздан оғизга кўчиб юрадиган ҳикоя, нақл. *Раҳимахоннинг қиссаси жуда узоқ. Унинг мураккаб ва машаққатли йўли ҳақида катта китоб ёзса арзийди* Н. Сафаров, Раиса. *Қудрат.. мароқли бўлган шарқ эртаклари, қиссалар ва латиқалар айтиб, солдатларни тоза кулдирди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

Қиссадан ҳисса Айтилганлардан, нақлдан келиб чиқадиган мақсад ёки хулоса. *Қиссадан ҳисса мана: Ҳар ишда керак бардош, Меҳнат, чидам бирикса, Олдида мум бўлур тош.* Қ. Муҳаммадий.

ҚИССАГҲҲ [a. + ф. **قصه گوی** – қисса айтувчи] **1** Қисса ўқувчи, айтувчи.

2 Қисса ёзувчи, қиссанавис. *Қиссагўйлар, тарихнавислар ана шу ерлар [чўллар] фожиаси ҳақида, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кетмаганлар.* Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи.

ҚИССАГҲҲЛИК Қисса айтиш, ўқиш. *Қиссагўйлик шу ерда тугади. Камолитдин тирсақларини столга тираб, икки кўли билан бошини ушлаб қолди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ҚИССАНАВИС [a. + ф. **قصه نویس** – қисса ёзувчи] Қиссалар, ҳикоялар ёзувчи адиб.

ҚИССАНАВИСЛИК Қисса ёзиш. *Бутун умримни ҳар йўл билан миллат хизматида*

сарф қилмоқдаман. Шу йўллардан бири қилиб, эндиликда, қиссанависликка киришдим. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

ҚИССАХОН [а. + ф. *قصه خوان* – қисса ўқувчи] Афсона, ривоят ва дostonларни ифодали қилиб айтиш ёки бадиий ўқиш маҳоратига эга бўлган профессионал иж- рочи. Кўкнорихона аҳлининг ўзларидан қис- сахонлари ҳам бор. Фитрат, Қиёмат.

ҚИССАХОНЛИК Йиғилишиб, кўпчи- лик бўлиб қиссалар, ҳикоялар ўқиш, айтиш ва эшитиш анъанаси. Ҳар кун кўкнор ичи- лгандан кейин қиссахонлик бошланади. Фитрат, Қиёмат. *Дехдор жуда таъсирли овоз билан ашула айтади. Қиссахонлик бошлангандан ҳаммининг оғзи очилади. Ойбек, Навоий.*

ҚИССАЧИ с.т. Қиссахон, қиссагўй. За- мон кўп гапни ёқтирмайди, аммо жойини топиб, одамни учратиб қолса, ундан уста қиссачи йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИССАЧИЛИК Қиссанавислик, қисса- лар яратиш. Воқеликнинг бадиий манзараси- ни яратиш истиқлол даври қиссачилигининг асосий муаммоларидан саналади. Газетадан.

ҚИСТАЛАНГ Кечиктириб бўлмайдиган, шошилнч, ошиғич, қистовли. *Йиғим-те- римнинг қисталанг кунлари. ■ Қачон қара- санг, раиснинг вақти шунақа қисталанг, бемалол гаплашиб бўлмайди. Ҳ. Назир, Кўк- терак шабадаси. Тўйнинг бунақа қисталанг бўлишига сабаб – қизнинг отаси бир неча ойдан бери бетоб. А. Қаҳҳор, Муҳайё.*

Қисталанг қилмоқ Тез бўлишга қистамоқ; шоширмақ. *Янги участка бошлиғи мажлис тайёрлашни жуда қисталанг қилгани учун Почтаев.. ўзи югуриб-елиб, бюро аъзоларини тўплади. А. Мухтор, Тўғилиш. Қисталанг қилманг, Маннон ака, ҳозир ҳемирим йўқ..Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ҚИСТАЛАНГЛИК Қисталанг ҳолат. *Қоп- лонбек ўзининг Саидакбар ҳожи томонидан дўконда совуқ кутиб олинганини иши кўп- лиги ва қисталанглигига йўйиб юрган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ишнинг қандай қисталанглигини биласизларми ўзи?! Ш. Фу- ломов, Чўл белида.*

ҚИСТАЛОҚ айн қизиталоқ. *Қани, чиқ, қизиталоқ! Бир тангани бер!* «Олтин олма».

ҚИСТАМОҚ 1 Бирор иш-ҳаракат қи- лишга зўр бериб ундамоқ ёки зўрламоқ, ҳол- жонига қўймай илтимос қилмоқ. *Қаландар йиғит бир тилик ҳандалакни ийманиб еди..*

Авазинг қисташига қарамай, қайтиб ҳан- далакка қўл урмади. С. Сиёев, Ёруғлик. Унинг [Шарофатнинг] мўлжалига кўра, Сидиқжон яна қасам ичиши, юр, деб қисташи, ҳол- жонига қўймаслиги керак эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Зўр бериб шоширмақ, қистовга ол- моқ, ошиқтирмақ. *[Ўзбек оғим] Тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Анвар унинг сидқидилдан гапираётганини тушунди шекилли, яна қистади: -Кеч бўлиб кетяпти, тур.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

3 Қайтиб беришни (қайтаришни) талаб қилмоқ. *Тўйда тўнингни қистама. Мақол. Нокадан қарз бўлма – ҳам йўлда қистар, ҳам гўрда. Мақол. ■ Бир кунни мусаллас сўздим, сузмасам бўлмас эди, Чунки амаким хумини қистади. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтақ.*

4 Тез юришга ундамоқ, тезламоқ. *Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшчи ҳадеб қистар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ул икки йиғит саҳар вақти от қўйганича Чамбил йўлида қистаб йўл босди. «Бўтакўз».*

5 (шаҳс қўшимчали сўзлар билан) Ўздан олдин келган сўз билан ифодаланган иш- ҳаракатни бажаришга кучли хоҳиш ёки қайтариб бўлмайдиган талаб пайдо бўлган- лигини билдиради. *Кулгим қистади. Билгиси қистади. Сўзлагиси қистади. Йўталгиси қис- таяпти. Ғайратсизнинг ғайрати иш битган- да қистайди. Мақол. ■ Жаҳлим қистаб, тишларим ғижирлаб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Биласизми, кўнглинг қўмсаганини кўр- гинг қистаганда кўролмасанг.. Жуда оғир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Қаюмнинг] Бу ҳа- ракатидан аччиғим қистади. А. Қодирий, Ўт- ган кунлар.*

ҚИСТАНГЛАМОҚ шв. Қистамоқ, қис- товга олмоқ. *-Бизни ҳадеб қистанглайсиз-у, келин аямга индамайсиз-а, Муса ака, – аёл- лардан бири гап қотди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ҚИСТАТМОҚ Қистамоқ фл. орт.н. Қарз- ни қистатмай қайтармоқ. *Унинг кўриниши кишининг кулгисини қистатади. ■ Хоним- биби қизларга қистатиб ўтирмай, ўрнидан сакраб турди-да, уйнаб ҳам кетди. А. Қоди- рий, Ўтган кунлар.*

ҚИСТИ-БАСТИ: қисти-бастига олмоқ Қийнов-қистовга олмоқ. *«Буни қаердан ол-*

динг?» деб танга келтирган мерганни қисти-
бастига олибдилар. «Олтин олма». Қани, айт-
чи, хатчани сенга ким олиб келиб берди, айт?
— деб қисти-бастига оларди.. Ё. Хаимов, М.
Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚИСТИРИҚЛИК Қистирилган, қисти-
риб, тиқиб, суқиб қўйилган. Замоннинг.. эг-
нида барлари белбоғига қистириқлик қора
чопон. М. Исмоилий. Фарғона т. о. [Кампир]
Негадир шошиб, кўйлаги енгига қистириқлик
рўмолчани олиб, қўлларини артарди. Ў. Умар-
беков, Она.

ҚИСТИРМА 1 Нарсаларнинг ўртасига,
орасига қистириб, тиқиб, суқиб қўйилган
нарса. Содиқжон бойвачча.. ҳамёнига қис-
тирма пуллар дарёдай оқиб кела бошлаган-
дай ҳис қилиб ўтирарди. К. Яшин, Ҳамза. Бу
каби қистирма ҳикоялар бадиий фош этиш
имкониятларини кенгайтиради, чуқурлаш-
тиради. «ЎТА».

2 тех. Машина, механизм, иншоот қисм-
ларининг бирикиш юзасини зичлаш учун
орасига қўйиладиган юпқа эластик деталь.
Резина қистирма. Мис қистирма.

ҚИСТИРМОҚ 1 Қисмоқ фл. орг. н.
Қўлтиғига китоб қистирмоқ. Лабига папи-
рос қистирмоқ. Этагини липпасига қис-
тирмоқ. Чаккасига гул қистирмоқ. ■ Те-
шабой ота белбоғига қистирган каттагина
дастрўмолни олиб, терлаган юз-бетларини
артди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Уғлим,
ана у беҳининг каллазига газета қистириб
қўйган эдим, шуни олиб кел. А. Қаҳҳор, Асрор
бобо.

2 с.т. Қўлига тутқазмоқ, ушлайтиб қўй-
моқ, бермоқ. Домла орқага ўтиб.. Саудий-
нинг қўлига қоғоз қистирди. А. Қаҳҳор, Са-
роб. -Йўқ, тоғажон, оласиз, — деди Башир-
жон пулни унинг кафтига қистиришга ури-
ниб. Н. Аминов, Суварак.

3 эти. Тўй-ҳашамларда ўйинчи, ҳофиз ва
ш.к. ни рағбатлантириш учун чаккасига ёки
қўлига пул суқиб қўймоқ. Уйинчига кўлар
пул қистирди. ■ -Шунча пул қистиришса
ҳам хафасан-а? -Пул алмаштирилгандан ке-
йин, тангани қандай қистиришаркин, деб
ўйлаб қолдим. «Муштум».

4 кўчма Бирор нарсанинг баёни, ҳикояси
давомида ниманидир қўшиб кетмоқ, тилга
олмоқ. Экиш мавсуми давомида еттита
ҳайдов тракторининг бирор кун ҳам иш-
ламаганини докладининг ўртароғига қис-

тириб ўтарсан. «Муштум». Туланбой мўйлов..
икки гапнинг бирига ё байт, ё бўлмаса иб-
ратли бир ҳикоят қистириб ўтмаса, кўнгли
жойига тушмайди. С. Аҳмад, Уфқ. [Зокир
ота:] Камчиликларни танқид қилганимда,
мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам
бўлар эди, лекин бу масала алоҳида қўйил-
ганлиги учун қистирмадим. А. Қаҳҳор. Кўш-
чинор чироқлари.

Гап (ёки сўз) қистирмоқ Гап қўшмоқ,
луқма ташламоқ. -Ўз-ўзини мақташлик.. —
писанда аралаш гап қистирди Иззат Мар-
донович.. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. -Хур-
санд! — деб сўз қистириб қўйди Муса. П.
Турсун, Ўқитувчи.

5 с.т. дағл. Иш, ўқиш ва ш.к. га кирги-
зиб қўймоқ, жойламоқ. [Заргаров:] Ие, та-
гин нима қилдим дейди-я! Хотининг ўқийман
деса, битта-яримта мактабга қистириб
қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин
ўзи ташлаб кетмайдими? А. Қаҳҳор, Оғриқ
тишлар.

ҚИСТИР-ҚИСТИР с.т. Кўпчилик то-
монидан кетма-кет, давомли тарзда пул
қистириш. Ашулачилардан ўн тўда. Уларга
қистир-қистирдан ташқари икки юз сўм
пулни туғиб, хотинига бериб қўйди. «Муш-
тум». Қистир-қистир бўлган жойда Шарм-
ҳаё деган қайда? Т. Йўллош, Отарчилар.

ҚИСТИРҒИЧ айн. қисқич 2.

ҚИСТОВ 1 Қистамоқ фл. ҳар. н. Иш
шошилнч эмас, қистовнинг кераги йўқ..

2 Каттиқ қисташ, қисталанг қилиш; қис-
ташлик, қистоқ. Тўй қистови билан тўн би-
тар. Мақол. ■ Элмурод ҳамманинг бара-
варига қистовига қарамай, тўрга чиқмади. П.
Турсун, Ўқитувчи. Раис.. Қодиржоннинг қис-
тови билан фикрини очиқ айтишга мажбур
бўлди. М. Назаров. Жилвон жилғалари.

Қистов қилмоқ кам қўлл. айн. қистовга
олмоқ. Танҳо ёлғизликда кам-кам ёзиб юрар-
дим, сўнги пайтларда хўжайинлар қистов
қилишди, босиб ўтиришга тўғри келди.. А. Ҳа-
кимов, Илон изидан. Қистовга олмоқ Кат-
тиқ қистамоқ, қисталанг қилмоқ, шошир-
моқ. Унинг пирпираб турувчи узун килрик-
лари остида чиройли жилмайган кўзларидан
«мунча одамни қистовга оласиз?» деган ги-
нани уқдим. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.
-Айт, у ким? Нега очиғини айтмайсан? —
деб қистовга олди. Шухрат, Жаннат қидир-
ганлар.

3 айн. қистовли. Директор энг олдин ана шу шошилинч, қистов ишларни адо этарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. У яна.. гап бошлармикан, деб қўрқиб турган эдим, йўқ, иши қистов экан, боғига кетди. С. Аҳмад, Лочин.

ҚИСТОВЛИ Сира кечиктириб бўлмайдиган; зуд, зарур, ошиғич. Қистовли иш.

ҚИСТОҚ айн. қистов 2. Алижон Лола-хоннинг қистоғи билан.. бир марта бориб келди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ҚИСТОҚҚА ОЛМОҚ айн. қистовга олмоқ қ. қистов 2. Фаршталар кўплашиб, холани қистоққа олдилар. Файратий, Довдириш.

ҚИСТОҚЛАМОҚ кам қўл. Қаттиқ қистамоқ, қистовга олмоқ. Аламли сўздан.. Қистоқлаб бари, тинглашди қўймай. Ф. Фулом.

ҚИСУВ айн. сиқув, қистов. -Ҳе, Тўхта-син, сенда тутуриқ борми ўзи? — деб қисувга олди. «Муштум».

ҚИСКА 1 Бўйлама ўлчами, узунлиги унча катта бўлмаган; калта. Қиска ёғоч. Қиска юбка. Қиска йўл. Қиска сочли аёл. Бўйи қиска одам. Бўйни қиска от. Қиска метражли фильм. Ёғочни узун, темирни қиска кес. Мақол. ■ Икки йўловчининг қиска соялари катта-кичик тош, турли дашт ўсимликлари устидан эгилиб борар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Салимбойвачча эса, катта йўлга қараганда анча қиска, ёлғизоёқ йўлдан ўз боғига кетди. Ойбек, Танланган асарлар. ..хушбичим бурун тагида буровга келмаган қундуз мийиқ, иякни жуда ҳам чиройли ўраб олган қора қиска соқол. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Давомлилиги кичик, узун эмас; ихчам. Қиска жумла. Қиска ахборот. ■ Умар Ҳайёмнинг қиска, лекин сермазмун байтларига сингдирилган ҳаёт фалсафаси буюк, ҳаёт ва дунёдайин бепоён. Газетадан. Уқитувчи қиска ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим. Р. Усмонов, Одб-нома. Ёнимда хаёл суриб ўтирган бек: -Борганда биласиз, домла, — деб қискагина жавоб қилиб қўя қолди. Ҳ. Фулом, Машъал.

Қиска қилмоқ Чўзмаслик (гап, сўз ҳақида). -Қиёмхонингиз қачон келаман, деди? — деб сўради мол дўхтири қиска қилиб. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Давомийлиги узун бўлмаган (вақт ҳақида); зид. узун. Қиска муддат. ■ Ёз кечаси қиска. Йўлчи бир чимдим ухлаб.. кўзини очаркан, тонг отган эди. Ойбек, Танлан-

ган асарлар. Эндиги муҳим вазифа — ўрмийғимни ғоят қиска фурсатда уюшқоқлик билан утказишдан иборат. Газетадан.

Ақли қиска Меърида фикр-мулоҳаза қила олмайдиган. Тили узуннинг ақли қиска. Мақол. ■ -Сочи узун, ақли қиска, — деб хотинини яна жеркигандан кейин Содиқ да-вом этди.. С. Айний, Қуллар. Гапнинг қискаси Гапнинг лўндаси, лўнда қилиб айтганда. Гапнинг қискасини айтинг. П. Турсун, Ўқи-тувчи. Гапнинг қискаси.. анча сарсон бўлдиқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тили қиска айн. тили қисиқ қ. тил. Қиска ўйламоқ Етарли даражада фикр-мулоҳаза қилмаслик, юзак фикр қилмоқ. Ёшлиқдан, қиска ўйлагандан у бечораларни анча ташвишга солдингиз. Ойбек, Танланган асарлар. Қискароқ ўйлайсиз, Отабек! А. Қолирий, Ўтган кунлар. Қўли қиска қ. қўл 10.

ҚИСКАЙМОҚ с.т. Қискароқ.

ҚИСКАЛИК Қиска ҳолат, қиска эканлик. Вақтнинг қискалиги. Гапнинг қискалиги.

ҚИСКАРМОҚ 1 Бирор жиҳатдан (бўйи, узунлиги, ҳажми, миқдори ва б.) ўлчами қиска ҳолга келмоқ. Йўл қискарди. Иш соати қискарди. Харажатлар икки ҳисса қиска-рди. ■ Сентябрьнинг охирлари. Кунлар қискариб, тунлар эса узая бошлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Ўртадаги масофа тобора қискариб бормоқда. Т. Рустамов, Мангу жасорат. ..ғалла камайиб, пахта майдонлари қискариб, чорва турли офатларга учраб, юртда очарчилик ва қаҳатчилик бошланди. К. Яшин, Ҳамза.

2 мат. Бирор сонга касрсиз бўлинмоқ; шундай сонга бўлингандан кейин кичик сонларда ифодаланмоқ. Бешга қискармайдиган сонлар. Бу каср учга қискаради.

ҚИСКАРТИРМОҚ Қискароқ фл. орт. н. Қўйлакни қискартирмоқ. Чекиш умрни қискартиради. Тағмир харажатларини икки марта қискартирдик. Касрни тўртга қискартирмоқ. ■ Нега [худо] мен учун ернинг танобини тортиб, йўлни қискартирмайди! Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСКАРТМА 1 Қискартирилган, мухтасар матн. Диссертациянинг қискартмаси. Романнинг қискартма варианты.

2 Сўзнинг маълум шаклда қискартиб берилган ифодаси — шартли қискартмалар. Мас., ва б. (ва бошқалар) ва ш.к. (ва шу кабилар), А. О. (Абдулла Орипов).

Қисқартма отлар Бирикма номлар компонентларининг маълум қисмларини қисқартириб, қўшиб ҳосил қилинган отлар. Мас., **ДАН** (Давлат автомобил назорати), **ЎЗАС** (Ўзбекистон адабиёти ва санъати), **ТошДШИ** (Тошкент давлат шарқшунослик институти).

3 Матннинг қисқартирилган ери, қисми; қисқартиш. **Муҳим қисқартмалар.**

ҚИСҚАРТМОҚ айн. **қисқартирмоқ.** *Мақолани қисқартмоқ. Штатни қисқартмоқ.* ■ ..сочини қисқартган бу қизча катта ёшли эркаклардан ҳам донороқ бўлган. С. Айний, Қуллар.

ҚИСҚАСИ 1 Қисқа с. 3-ш. шакли. Арқоннинг узуну, гапнинг қисқаси яхши. С. Аҳмад, Юлдуз.

2 *крш. с.* Қисқа, лўнда қилиб айтганда, гапнинг лўндаси; хулласи калом. [Оқила:] Ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚИСҚАЧА Қисқа шаклдаги; мухтасар. *Қисқача луғат. Қисқача ахборот. Қисқача таржимаи ҳол. Қисқача сўзламоқ. Фикрини қисқача (қилиб) баён этмоқ. Менинг сўзим қисқача.* ■ Мен бунга қисқача жавоб ёзиб, «Янги йил сиз эсон-омон келган кунни киради», дедим. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб, воқеани қисқача айтиб берди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСҚИЧ 1 Нарсаларни қисиб ушлаш учун ишлатиладиган асбобларнинг умумий номи. [Қудрат] Чап қўлидаги узун темир қисқичда қисилган ва ўстини кул босган бир юмалоқ темир чўғни сандонда болғаламоқда. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қоғоз ва ш.к. ни бир-бирига ёки бирор нарсага бириктириб, қистириб қўйиш учун ишлатиладиган мослама; скрепка. *Насриддинов яна столига қўл чўзди, темир қисқич билан қистирилган икки варақ қоғоз олди.* С. Сиёев, Отлик аёл.

ҚИСҚИЧБАҚА Бўғимоёқлиларга мансуб, чучук сув ҳавзаларида яшайдиган, танаси қаттиқ қобиқ билан қопланган, калласи ёнида панжалари бўлган жонивор.

ҚИТДАЙ, -дек 1 Жуда оз, озгина, жиндай. *Қитдай мизғиб олмоқ. Оёқларида қитдай мадори йўқ.* ■ Гулсумбиби уйда қитдай ўтин, қитдай кўмир йўқлигини сўзлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. (асосан, такрор ҳолда — қитдай-қитдай). Спиртли ичимликни билдиради. *Бир сафар Ҳошимжон «қитдай»ни отиб келди-да, яна йўлини тўсди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚИТДАЙ (қитдай-қитдай) қилмоқ Спиртли ичимлик ичмоқ. *Эрталаб турсам.. бошим бировникига ўхшайди. Қитдай қилдим-у, сенинг олдинга жўнадим.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Зиёфат бошланди, қуюқ-суюқ тортилди, енг ичида қитдай-қитдай ҳам қилинди.* «Муштум».

ҚИТИЛЛАМОҚ айн. **қитирламоқ.**

ҚИТИР тақл. с. Куруқ нарсаларни тирнаганда, бир-бирига ишқаганда, кемирганда ҳосил бўладиган товушни билдиради.

ҚИТИРЛАМОҚ «Қитир-қитир» овоз чиқармоқ. *Қалами енгил қитирлаб, чиройли ҳарфлар туширмоқда.* Ойбек, Навоий. «Наҳотки улар шунчалик маккор!» деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётоқ эшигидан қитирлаган овоз эшитиб, бетинчланди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ҚИТИР-ҚИТИР Қитир с. такр. *Хонага жимлик чўкади. Перонинг қитир-қитири эшитилади.* «Саодат». Маҳмуд ака.. приёмникни бурар, приёмник қаттиқ хуштак чалар ва қитир-қитир қиларди. П. Қодиров, Училдиз.

ҚИТИҚ Терига, баданга бирор нарсанинг тегиши, қитиқлаши туфайли юзага келадиган асабий сезги. *Қитиғи тез одам. Қитиғи йўқ одам.* ■ *Бегимхоннинг қитиғи зўрлигидан ўзини тутолмай «вой!» деб ёнига ташланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бувасининг бир тутамгина соқоли юзига тегиб, [боланинг] қитиғини келтириб кулдирарди. С. Анорбоев, Оқсой.

Қитиқ парига (ёки патига) тегмоқ айн. **қитиғига тегмоқ.** У [Аҳмаджон] *Авзамнинг тегажоқлигини қораларди: «Қитиқ паримга тегиб нима қилардинг!»* Ф. Насриддинов, Кўнгил. **Қитиқ парини (ёки патини) юлмоқ** айн. **қитиғини ўлдирмақ.** *Мен буларнинг қитиқ патани юлиб, ром қилиб олмоқчиман.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қитиғига тегмоқ** Фашини, аччиғини келтирмақ, гашига тегмоқ. *Совуқ жавоб Содиқ аминнинг қитиғига тегди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қитиғини ўлдирмақ** 1) гаши, аччиғи келмайдиган, чўчимайдиган қилиб қўймоқ; 2) кўчма гапга кирадиган, ювош қилиб қўймоқ. Бу қўл эриш кўринмаслиги, хур-

китмаслиги учун ҳозирдан унинг кўзига ис-
сиқ кўриниш, қитиғини ўлдирши керак. А.
Қаҳҳор, Сароб.

ҚИТИҚЛАГИЧ физиол. Қитиқ ва умуман
ҳис уйғотадиган, асабларни ҳаракатга кел-
тирадиган нарса, омил. *Кимёвий қитиқла-
ғичлар.*

ҚИТИҚЛАМОҚ 1 Терига, баданга тегиб
ёки тегизиб, кулги қистатмоқ. *Бир-бирини
қитиқлаб, ҳиринглашган қизлар Нозикнинг
сўзига қулоқ солмадилар.* А. Қодирий, Меҳ-
робдан чаён.

2 физиол. Кўзғатмоқ, уйғотмоқ, таъсир
қилмоқ (асабни, организмни, айрим аъзо-
ни). *Неря учларини қитиқламоқ.* ■ Улар
[озиқ моддалар] етарли бўлса, тўқлик мар-
кази қитиқланиб, иштаҳа бўғилади, кама-
йиб кетганида эса очлик маркази қитиқла-
ниб, иштаҳа очилади. «Фан ва турмуш».

3 кўчма Безовта қилмоқ, кўзғатмоқ, ку-
чайтирмоқ. *Қовурилаётган кабоб ҳиди димоғ-
ни қитиқлайди.* Й. Муқимов, Кутлуғ қадам.
*Бу гаплар кишиларнинг мудраган руҳларини
қитиқлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хушбўй ел-
лар билан диллар завқини Қитиқлар.. ором-
бахш, севикли баҳор.* Х. Расул.

Юракни (ёки дилни, қалбни) қитиқламоқ
Кишига ёқиб, ширин ҳис-туйғулар уйғот-
моқ, роҳат бахш этмоқ, завқ-шавқ бағиш-
ламоқ. *Машинанинг дарчасидан кираётган
уйноқи шабада дилларни қитиқлади.* Т. Ра-
сулов, Марҳамат.

4 кўчма ўшини ёки аччиғини келтир-
моқ, зардасини қайнатмоқ. *Салимхоннинг
келишмаган товуши уни қитиқлади ва у ҳам
қўшила бошлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИТИҚЛИ Салга қитиғи келадиган,
қитиқдан чўчийдиган, қитиғи зўр. *Қитиқли
одам. Қитиқли от.*

ҚИТИҚЛОВЧИ 1 Қитиқламоқ фл. сфдп.
Ҳавони қовурилган гўшт билан кўкпиезнинг
иштаҳани қитиқловчи ўткир бўйи тутди. О.
Ёқубов, Тилла узук.

2 кўчма Кўзғатадиган, безовта қиладиган.

Юракни (ёки дилни, қалбни) қитиқловчи
Жуда ёқимли; кишига завқ-шавқ бағиш-
лайдиган, ширин ҳис-туйғулар кўзғатади-
ган. *Юракни қитиқловчи куй.*

3 айн. қитиқлагич.

ҚИТМИР [а. قىتىمىر — пўст, қобиқ; ар-
зимаган, аҳамиятсиз гап, нарса, воқеа;
Қуръонда: итнинг номи] Асабга, гапга те-

гадиган қилиқ, хатти-ҳаракатлар қилувчи,
қилдан қийиқ ахтариб, ковлаштириш би-
лан шуғулланиб юрувчи. *Ким буни бедазор-
га қўйиб юборяпти, деб юрсам, сен экан-
сан-да, тирранча! Муштдай ҳолингдан
отанга ўхшаб мунча қитмир бўлмасан?!
«Ёшлик». Бу сафар у ҳар нарсадан бир ил-
лат қидирадиган айрим қитмир одамлар
тумсолани яратди.* М. Яҳёев, Ҳам кулди-
риб, ҳам ўйнатиб.

ҚИТМИРЛИК 1 Қитмир эканлик. [Шо-
кирвойнинг] Оддий муомаласи ҳам дағал-
лик, минг хил кесатиқ. Бунинг устига қит-
мирлигини айтинг. А. Муҳиддин, Зебонинг
севгиси.

2 Қитмир одамларга хос иш, хатти-
ҳаракат, қилиқ. *У ковлаштириш, бошқа-
ларнинг муваффақиятидан ранжиш баро-
бариди, қитмирлик, фитналик қиларди.*
Мирмуҳсин, Умид. *Бўриев Самандаровнинг
қитмирлик қилиб, ресурслар ҳақида маълумот
бермасликка уринганини пайқайди.* А. Мухтор,
Туғилиш.

ҚИТТАЙ айн. қитдай. *Қиттай сув.
Қиттай туз. Қиттай ичмоқ. Қиттай миз-
ғиб олмоқ.* ■ Осмон тиниқ, кўм-кўк ши-
шадай, *Қиттай булут ўўқ.* Х. Олимжон.

ҚИТТАК с.т. Қиттай, озгина.

ҚИТЪА [а. قطعہ — парча; бўлак, қисм;
таркибий қисм; ҳарбий қисм; шеърый пар-
ча; ер бўлаги, муайян ҳудуд] 1 Ер юзидаги
қуруқликларнинг атрофидаги ороллар билан
бирга шартли равишда ажратилган қисм-
ларидан ҳар бири. *Африка қитъаси. Америка
қитъаси.*

2 кам қўлл. Алоҳида маъмурий ҳудуд,
мамлакат. *Дунёнинг кўп машҳур қитъаси эди
Талай можародан ўтиб Туркистон.* М.
Шайхзода.

3 эск. айн. бўлтак. *Рафиқовнинг фикри
билан колхоз етти қитъага бўлинади: булар-
ни «бўлтак» деб аташга қарор қилинади.* А.
Қодирий, Обид кетмон. *Пахта экилган бир
қитъа ер устида тўпланган бир неча кол-
хозчилар ўртасида қизғин баҳслашув бормоқ-
да эди.* С. Айний, Қуллар.

4 ад. Шарқ халқлари мумтоз шеъриятида
кенг тарқалган, икки ёки ундан ортиқ жуфт
мисралари ўзаро қофияланган байтлардан
иборат, мавзу доираси кенг, вазн имкони-
ятлари чегараланмаган жанр.

ҚИХ I тақл. с. Томоқни қирганда ёки томоқ қириб кулганда чиқадаган товушни билдиради. -Қих.. — деди Мели полвон, — Ҳамманнинг терисига сомон тиқар эмиш.. қих. П. Турсун, Ҳуқитувчи. *Камтир унда-бунда қолган.. тишларини очиб, қих-қих кулди ва хўжайиннинг буйруғини кутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИХ II айн. қиха.

ҚИХА боз. Кир, ифлос. *Бу қиха, ема.*

ҚИХҚИХЛАМОҚ «Қих-қих» деган овоз чиқармоқ ёки кулмоқ. *Жамолбой ҳаммага бир-бир қараб, қих-қихлаб кулиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЧАМОҚ шв. I Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга тиришмоқ, шошилмоқ, ошиқмоқ. *Парларидан терлар оқиб боради, У ҳавода қичаб парвоз қилади.* «Алпомиш». *Кечга қолмайлик, деб қичаб жўнади.* «Ширин билан Шакар».

2 Шоширмоқ, шошилтирмоқ, тезлатмоқ. *Отни қичамоқ.* ■ *Қамчи бериб, чу деди. Қаттиқроқ уни қичади.* «Равшан».

3 айн. қистамоқ. *Равшанхон ўғлонга бир сўз деб, нулини қичаб турибди.* «Равшан».

ҚИЧИМА Қаттиқ қичишиш ва тугунчали тошмалар тошиши билан кечадиган тери касалликлари. *Энди Чимён сувидан фақат қичима ва бодга учраганларгина эмас, бўгин оғриқ, юрак касалликларига мубтало бўлганлар ҳам шифо кўраётирлар.* М. Мансуров, Чимён суви. ..*тиқилинч ва ифлос жойларда.. яшовчи кишилар турли терлама, кўтир, қичима ва бошқа юқумли касалликларга дучор бўладилар.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ҚИЧИМОҚ I Қичиғи кўзгамоқ (қ. қичиқ I). *Унинг авзойи бадани қичияпти. Яраси қичияпти. Кўзим қичияпти.* ■ *Икковимиз ҳам бир тунаб кетгани келамиз. Орқанг қичиса, кимга қашлатишни билмасанг..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Қашимоқ; қичинмоқ. *Оёқларини қичиб қонатиб юборибди.*

Тили (ёки оғзи) қичимоқ қ. тил. Томоғи қичимоқ Бирор нарса ейиш ёки ичиш истаги. талаби кўзгамоқ (одатда ўзга ҳисобиға). *Монтёр Жўраевнинг томоғи қичиган кунни бирор кишининг симиини шартта узиб, уйига кириб кетади.* «Муштум». *Аризалар кўплигидан фойдаланган Иноғомнинг томоғи қичиб, ер ўлчаб беришга таранг қиладиган*

бўлди. «Муштум». **Қўли қичимоқ** Бирор иш қилгиси ёки муштлашгиси келмоқ. *Хотин кишини номард уради, қўлинг қичиса, ўзингга ўхшаган қўли қичиганни топиб муштлаш..* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Қиличбоз йиғитларнинг юраклари тошиб, қўллари қичиб, жангни кўмсар, бўронли кунларни кутиб сабрсизланардилар.* Ойбек, Навоий.

ҚИЧИНМОҚ Қичиган жойни тинчлантириш, қичиғини босиш учун ишқаламоқ, бирор нарсага суркамоқ ёки қашимоқ; қичимоқ, тирнамоқ. *Қичиниб, ҳамма ёғини юлиб юборибди.*

ҚИЧИТМОҚ **Қичимоқ** фл. орт. н. *Қичитқи ўт баданимни қичитиб юборди. Тутун томоғимни қичитяпти.* ■ *Кузнинг ёқимсиз шомоли ўлкани қичитиб, йўтални қистатар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Йиғит] Бу гапни ҳам унинг тилини қичитиш учун айтган бўлса керак.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚИЧИТҚИ: қичитқи ўт (ёки тикан) Поя ва барглари баданга тегса қичитиб, ачиштирадиган тукчалар билан қопланган ўсимлик.

ҚИЧИШ, қичишиш Тери ёки шиллиқ қаватнинг маълум бир қисмидаги қичинишга ундайдиган, оғриққа ўхшаш сезги.

ҚИЧИШМОҚ I **Қичимоқ** фл. бирг. н.

2 айн. қичимоқ I. *У кўздан йўқолгандан сўнг, дўпписини кўтариб, қичишмаса ҳам, бошининг орқасини қашлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЧИҚ I Қичинишга мажбур қиладиган ҳис-туйғу. *Авзойи баданимга қичиқ турди. Яранинг қичиғи босилди.* ■ *Бу ҳодиса каптимнинг қичиғини илгари босиб қўйди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 кўчма Енгиб бўлмайдиган кучли хоҳиш, истак. *Қичиғини бос(тир)моқ.*

3 кўчма Кишини ўзига тортиш, ҳиссиётини уйғотиш учун қилинадиган шўҳ ҳаракат, қилиқ; ноз-ишва, қарашма, гамза. -*Қизик, — кўзларини қичиқ сузиб, хотин гапира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қичиқ атлас Атласнинг шўхчан гулли бир тури. *Шу вақт эшик очилиб, жуяюн кириб келди. Устида ўша қичиқ атлас кўйлаги, фақат енгини шимариб қўйибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЧИҚЛИК Қичиқ эканлик; ишвакорлик, нозли қилиқлар қилиш (қ. қичиқ 3). *Қичиқлик қилмоқ.*

ҚИЧОВ *шв.* Қистов, қистоқ. *Қичов қилмоқ.* ■ Бу қичовга бу отларинг бўлмайди, Тулпор эмас, мунинг бари ёбидир. «Равшан». Кеч қолмайин қичов билан борарсан, Насиб бўлса, сен ёрингни оларсан. «Муродхон».

ҚИЧҚИРИҚ 1 Жуда кучли, жарангли овоз; бақирӣқ; бақирмоқ; болаларнинг қичқирӣғи. ■ Шу пайт қайдандир қичқирӣқ эшитилиб, атрофни қий-чуй босди. Т. Обидов, Юсуф-жон қизӣқ. *Бирдан настдан, тоғ қазувчилар манзилдан шодиёна қичқирӣқлар кўтарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хўрознинг қичқирӣши. *Охири шу қарорга келдик. Мен қоладиган бўлдим ва биринчи хўроз қичқирӣғида Янгибозорга қочиб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЧҚИРМОҚ 1 Жуда кучли, жарангли овоз чиқармоқ; бақирмоқ. -Ёлғон! - Фуломжон даҳшатли. қичқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Поезд қичқирганини эшитиб, юрагим бир орзиқиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Каттиқ овоз билан чақирмоқ. *Поезднинг очиқ деразасидан кимдир «Абдураҳмо-он», деб қичқирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Чақирмоқ (хўрознинг товуши ҳақида). *Қўндоқдаги хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

4 кўчма Ҳаммага овоза қилмоқ, жар солмоқ. *Масъул ишчиларнинг шу чиқишлари тўғрисида газеталар бир неча ҳафталаргача қичқирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради Ҳамма жойда аҳвол бирдай, деган маъноли ибора. *Ҳамма жойда хўроз бир хил қичқиради, деганлари рост экан. Бизда ҳам шундай.* «Муштум».

ҚИШ Йил фаслларидан бири (Ўрта Осиёда декабрь, январь ва февраль ойларини ўз ичига олади). *Совуқ қиш. Қаҳратон қиш. Қишга чидамли навлар* (бот.). ■ Ўзимизнинг уйимиз. *Ҳатто қишда ҳам тувакларда анқиб турадиган райҳонлар эсимга тушади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Эрта қишнинг совуқ нафаси унинг димоғига гуп этиб урди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИШИН-ЁЗИН Қишда ҳам, ёзда ҳам; йил бўйи. *Қурилиш қишин-ёзин тўхтамади.* ■ Қумларда қишин-ёзин ҳаво очиқ бўлиб, кўпинча булут кўринмас, юлдузлар чарогон бўлар эди Ж. Шарипов, Хоразм. *Чўққиларини қишин-ёзин оппоқ қор қоплаб*

ётадиган Ойқор ортига соғинч ва интиқлик билан тикилардим. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚИШКИ 1 Қишга оид; қишга хос бўлган. *Қишки кунлар. Қишки совуқлар.* ■ *Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тузган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қишда бўладиган, бўлган. *Қишки мусобақа. Қишки имтиҳон.* ■ *Қишлоқ халқи. сувнинг қишки тошқинидан жуда-жуда тўйган эди.* «Ўзбекистон кўриқлари». «Чимён» туристик комплекси ҳам қишки дам олиш мавсумини қизғин бошлади. Газетадан.

ҚИШЛАМОҚ Бирор жойда қишни ўтказмоқ, қишда бирор жойда туриб яшаб қолмоқ. *Тоғда қишламоқ. Бу йил боғда қишладик.* ■ *Қишлаган ва учиб келган гала-гала қушлар бўлиниб кетади, уя кўйиш учун ҳозирлик кўради.* «Фан ва турмуш».

ҚИШЛИК 1 Қишга мосланган, қиш учун белгиланган, қишда ишлатиладиган ёки ишлайдиган; қишки. *Қишлик кийим. Қишлик спорт саройи.* ■ *Хўжаликка керакли бинолар, ҳаммом, қишлик боғча, қишлик чойхона мuddатидан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кўча-кўйда яккам-дуккам учраб қоладиган одамлар ҳам қишлик либосда.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Қиш давомида ейиш-ичиш, ишлатилин учун етарли нарса. *Қишлигини ёзда ғамлаб кўймоқ.* ■ *Мулла Обид ўн уч кун деганда, беш таноб ерни чопиб, ерни қип-қизил шудгорга айлантиради, бир четга хирмон каби ғумай ва ажриқларни йиғиб, бир қишлик ўтинни ҳам олади.* А. Қодирий, Обид кетмон. [Ёрмат:] *Яхшилаб чопасан. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Шу билан қишлигимиз беллол чиқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИШЛОВ 1 Қишламоқ фл. ҳар. н. *Одатда илон қишловдан сўнг пўст ташлайди.* «Фан ва турмуш».

2 Чорва молларининг қишлаб қолган еридаги боқуви, боқув жараёни. *Чўнонлар чорва қишловининг. намунали ўтишига эришайтирлар.* Газетадан. *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишловга етиб, ортиб қоладиган ем-хашакбоп сунбул, сўзан, тўқмоқ, рўян. сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Кишилар ёки чорва моллари қишлайдиган, қишда яшайдиган жой. Қишловларга ем-хашак етказиб бериш. ■ У. саҳроий халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни севади. Ойбек, Навоий. Қалдирғоч уяси янглиғ кўринур Тоғнинг камарида қалин қишловлар. Миртемир.

ҚИШЛОҚ Аҳолиси асосан қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланувчи жой. маскан, ҳудуд. Кўпинча молларни қишлоқдан чиқаверишда, қирлар атрофида бир-икки айлантираман-у, намозгардаёқ қишлоққа қараб ҳайдайман. С. Сиёев, Ёруғлик. Рустам қоронғи тушиб қолган қишлоқ кўчасидан.. юриб бораркан, ҳадеб шу саволни такрорларди: «Нега олади?» Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИШЛОҚИ 1 с.т. эск. Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқча ҳаёт кечирадиган, шаҳарга хос муомала ва б. ни билмайдиган. Бу кишининг қўлтиқбардорлари бир қишлоқчи муллавачча эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. У [Мирзакаримбой] ҳозиргина ёдига олган қишлоқчи Хушрўйбинини ҳам, кутилмаган вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқчи жиянчани ҳам унутган. Ойбек, Танланган асарлар. Гапининг кўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқчилар уни Соли совуқ деб атардилар. М. Исмоилий. Фарғона т. о.

2 кам қўлл. айн. қишлоқлик.

ҚИШЛОҚЛИК Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқда яшайдиган. Отақул? Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми? П. Турсун, Ўқитувчи. Бу ерда битган тармеванинг таърифи бутун дунёдан ҳам кўра, айниқса, шу қишлоқлик катта бой — Миржалол қуруққа маълум экан. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

ҚИШЛОҚЧА 1 Қишлоқ с. нинг кичр. Тоғ этагидаги қишлоқчада яшаймиз.

ҚИШЛОҚЧА II Қишлоқча, қишлоқ кишиларига хос бўлган. Шаҳарлик катта бир одамнинг олдига йиртиқ ва кирланган қишлоқча кийим билан қандай бориб кира олардим? С. Айний. Эсдаликлар. [Йўлчининг] Сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилиқ.. унга [бойга] жуда ёқди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИШЛОҚЧИЛИК Бирор нарсанинг сабаби қишлоқ шароити ва унга хос одатлар эканини билдиради. Элмурод нонга қўл узатди. Олаҳўжа унинг очлигини сезгандай, нон

кавашаб туриб гапирди: -Қишлоқчилик.. Бу ерда ошхона деган гап йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи. Қишлоқчилик, бировга дабдурустандан бир нарса дейиш одобдан эмас. М. Ҳазратқулов, Журғат.

ҚИШ-ҚИРОВЛИ с.т. Совуқ, қор-ёмғир билан кечадиган. Бойчечак чиққанлиги қиш-қировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганлигини аңлатган. Газетадан.

ҚИЯ 1 от Бир томони баланд, бир томони паст ер, қиялик; тоғ ёки тепалик ёнбағри. Карвонни ҳоритар йўлининг қияси. «Алпомиш». Қийғир деган қуш ўлтирар қияда. Бундай сулув йўқдир ушбу дунёда. «Ёлгор».

2 от Қийғоч очилган нарсаларнинг оралиғи, тирқиши. Эшикнинг қиясидан қарамоқ. ■ Чодир пардаси қиясидан амирнинг кўзи биринчи марта қўлида бургут кўндирган Ҳайдар мерганга тушиди. М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

3 сф.т. айн. қиялама. Қия ер. Қия йўл ■ Аксари қия жойлардан довол ошиб бориладиган Қайнар йўли ҳозир от-арава учун ёпиқ. С. Анорбоев, Оқсой. У. қия арқон устига оёқ қўйиб, юқорига кўтарила бошлади. Мирмуҳсин, Дорбозлар.

4 сф.т. Қийғоч очилган, сал очилган, сал очиқ. Сандиқ қопқоғини қия қилиб кўтармоқ. ■ Хотин тўхтади ва йигитга қараб, бетидаги чашмбандини қия очди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қиз қия қолган эшикни секин зичлади-да, ўйланиб, йигитнинг кетидан қараб қолди. А. Қаҳҳор, Сароб.

5 сф.т. Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. Қия хат. Қия ёмғир. Ариза тепасига қия қилиб ёзилган хат. Рўмолни қия ўрамоқ. ■ Қия тушаётган қуёш нуридан унинг текис таралган сочи ҳам.. товланиб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

6 Орқасини ўтирган, ёнга қараган, бурилган, ўтирилган ҳолат(да). Қия ўтирган Ҳаётнинг.. бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эрта-индиноқ Холтожсхон тракторга қия миниб, Ҳаётхонга баланддан қарайди. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

Қия бўлмоқ (ёки бўлиб кетмоқ) Қилмишига яраша жавобгарликка тортилмоқ. Акт Ҳаким акамларнинг қўлларидан нарига ўтмасин. Сал нарига ўтса борми, қия бўл-

ганимиз ўша деяверинг, хўжайин. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. *Порадан гапирманг. Пора берган ҳам, олган ҳам қия бўлиб кетяпти.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Қия қарамоқ** (ёки **боқмоқ**) 1) кўз қири билан қарамоқ, қайрилиб қарамоқ, *Шербек билан сито кўришиди-да, бош ҳисобчи Саидғозига ер остидан қия боқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) бир назар ташламоқ, илтифот қилмоқ, назарписанд қилмоқ, *Тушимда энам.. йўл ўртасида қия боқмай кетяпти.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўчма ишончисизлик билан қарамоқ, ишонмаслик. *Янгиликка қия қаровчи кишилар ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚИЯЛАМА 1 Бир томони баланд, бир томони паст; қия, нишаб. *Қиялама йўл. Қиялама адир.* ■ *Бағзилар чўчиб кетиб, қиялама ердан оғиб тушай деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. *Қуёшнинг қиялама нури. Қиялама ёмғир.*

ҚИЯЛАМОҚ (асосан **-(и)б** қўшимчали рёвш. шаклида қўлланади — **қиялаб**) 1 Қия ҳолда йўналмоқ. *Кўчадан қиялаб ўтмоқ. Қиялаб кесмоқ. Ёмғир қиялаб ёғмоқда.* ■ *Уфқни қиялаб борувчи куз қуёши тикка кўтарилмай, тоғлар орқасидан ўтаркан, кун жуда тез кеч бўлиб қолди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бир томони қиялаб тушиб, катта тош йўлга туташган.. қовун бозори одамлар билан гаяжум.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Қия қилмоқ, қия ҳолатга олмақ. *Унинг диққатини шу чоқ эшикни қиялаб мўралаётган болалар тортди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Майна шошиб, рўмолини қиялади ва секин эшик томонга кўз ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк кўши.

Қиялаб ўтмоқ Четлаб, чап бериб ўтмоқ, *..қонун ҳамisha бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ҳеч нарса қилмайди. Гап қонунни қиялаб ўтишда.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ҚИЯЛАНМОҚ Қияламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Эшик қияланганича қолди.* ■ *Унг тарафдаги сўқмоқ яйлов томон қияланиб кетган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИЯЛИК 1 Қия ҳолат, қия эканлик. *Йўлнинг қиялиги. Эшикнинг қиялиги.*

2 Бир томони баланд, бир томони паст ер; қиялама ер, ёнбағир. *Тик қиялик. Қия-*

ликдан юриб, юқорига чиқмоқ. ■ *Туман ичида қияликдан Почтаев тушиб келаётган эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *..қиялик тугаб, текисроқ ерга етганларида.. қаршидаги буталар орқасидан бир кўппак отилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЯМА Қия ер, қиялик. *Қиямада сирпанчиқ отмоқ.* ■ *Чигит ердан энди униб чиққанда, мурғак ғўзани сел савалаб кетди. Қиямаларни сув ялади.* Газетадан.

ҚИЯМАЛИК шв. айн. **қиялик** 2. Бўздаланинг икки томони қиямалик. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚИЯЧИЛ шв. Қияликларда, адир, тоғларда чаққон юрадиган, абжир. *Илон сутин бердим ман, Илон турли келсин деб. Алқор сутин бердим ман, Кўп қиячил бўлсин деб.* «Хушкелди».

ҚИҚАНГЛАМОҚ айн. **қийшангламоқ**. У сурбетларча Умид рашкани келтирмоқ учун бошқа йиғитлар билан қиқанглаб.. атрофида айланшавергач.. бу ердан чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Умид.

ҚИҚИЛЛАМОҚ с.т. Қиқирламоқ. *Эшон қиқиллаб кулди.* И. Раҳим, Тақдир.

ҚИҚИР тақл. с. Паст товуш билан томоқдан кулганда чиқадиган товушни билдиради. *Тўртта бола кўчада қиқир.. қиқир.. -Санларга нима жин урди? — дедим.* «Ёшлик».

ҚИҚИРЛАМОҚ Паст товуш билан томоқдан кулмоқ, «қиқир-қиқир» қилмоқ; шундай товуш билан кулмоқ. *Обиджон, худди биров қитиқлаётгандай, қиқирлаб: -Сатторқул акамни бошладилар, — деди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Ўтирганлардан кимдир қиқирлаб кулиб кўйди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИҚИР-ҚИҚИР Қиқир с. такр. *Қиқир-қиқир кулги.* ■ *Теримчилар ўзаро нималарнидир пичирлаб, қиқир-қиқир кулишди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ҚИФИЛЛАМОҚ «Қиғ-қиғ» овоз чиқармоқ, «қиғ-қиғ» сайрамоқ. *Яқин ердан чуғурчиқлар қиғиллаши эшитилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИҒ-ҚИҒ тақл. с. Чуғурчиқ, қарқуноқ каби қушларнинг овозини билдиради.

ҚОБИЛ [а. قايىل — қабул қилувчи, ҳар нарсага қўнувчи, қобилиятли; келгуси] 1 Ҳар қандай ишга қобилияти, лаёқати бўлган; қобилиятли, лаёқатли. *Боришса қайтарма,*

болам. Кўп қобил, ўзингга ўхшаган хунарманд ўғлонлар-да булар. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Худойқул одамнинг қўлидан келадиған ҳар қандай ишга қобил эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мурзин ўтирган ўрнида ўзини ҳар нарсага қобилдек тасаввур этди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Сўзга кирадиган; ювош, мўмин. Қобил бола. ■ Кўринишда қобил, чертиб-чертиб сўзлайдиган Собир Сайдаров сўнги вақтларда ичкиликка муккасидан кетди. Газетадан.

3 кам қўл. Муносиб, мос, кўнгилдагидек. Меҳнаткаш элга қойил, Ерларни қилди қобил, Ундирди катта ҳосил. Ҳабибий. Деҳқон халқи кузнинг қобил, сахий келишини орзу қилади, чорвадорлар эса — баҳорнинг. «Саодат».

4 Қобил (эркаклар исми).

ҚОБИЛИЯТ [a. قابليت — майл, қизиқш; мойиллик; содиқлик, тарафдорлик; лаёқат, қобиллик, қодирлик] 1 Билим, кўникма, малакалардан фарқли ўлароқ, шахсинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг иш удалай олишидаги субъектив шарт-шароитларни ифодаловчи индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари. Самандар. ўзини идора этиш қобилиятидан тамоман маҳрум бўлган эди. С. Кароматов, Қалбингга қуёш.

2 Истеъдод, талант. Фафур Фуломнинг бу қадар ҳозиржавоблиги, қобилиятининг сирини мада эди? Шухрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Араббой ёмон ўқигани билан яхши ташкилотчи, катта мансабларга лойиқ қобилияти бор. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Умуман, лаёқат, қодирлик, қудрат. Бошқариш қобилияти. Мудофаа қобилияти. ■ Водород бизга маълум бўлган табиий ёқилғилар орасида рекорд иссиқлик бериш қобилиятига эга. Газетадан.

ҚОБИЛИЯТЛИ 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлган, бирор иш қўлидан келадиган; лаёқатли. Ишга қобилиятли қариялар. ■ Бош муҳаррир, Раҳим аканинг қобилиятли ходим эканлигини назарда тутиб, баъзи эркаликларини кўтарарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Истеъдодли, талантли. Қобилиятли шогирд. ■ Қобилиятли боланинг овозаси кун сайин кенгроқ ёйила бошлади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚОБИЛИЯТСИЗ 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлмаган, бирор иш қўлидан келмайдиган; лаёқатсиз. Зеби қаршилик қилишга қобилиятсиз эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 Қобилияти, таланти йўқ; истеъдодсиз.

ҚОБИЛЛАШМОҚ 1 Бирор ишга қобилият, лаёқат касб этмоқ.

2 Сўзга кирадиган, ювош, мўмин бўлиб қолмоқ (болалар ҳақида).

ҚОБИЛЛИК 1 Қобилиятга эгалик, қобилияти борлик. Ўсимликнинг шўр ерда ҳам ўсишга қобиллиги.

2 Ювошлик. Боланинг қобиллиги. Жоҳилликдан жон чиқар, қобилликдан донг чиқар. Мақол.

3 Бирор ишни амалга ошириш учун етарли даражада куч-қувватга, лаёқатга эгалик, қодирлик, қудрат. Банк қарз олувчининг.. кредитга қобиллигини доимий равишда мониторинг қилиб туради. Газетадан.

ҚОБИРҒА айн. қовурға. Қанча марта бели, қобирғаси синган, оёқлари мажақланган.. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОБИҚ 1 Пўст, пўстлоқ; пўчоқ. Дарахт қобиғи. Чигит қобиғи.

2 Нарсаларнинг устини қоплаб, ўраб олган қаттиқ устки қатлами ёки пўст. Ер қобиғи. Дирижабль қобиғи.

3 кўчма Ўраб, пардалаб турувчи, чеклаб қўювчи нарса. Улфат билан суҳбатлашсангиз, унинг ўз мутахассислиги қобиғига ўралиб қолмай, билим доирасини кенгайтириб беришга интилаётганлигини кўриб тан берайсиз. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Ҳанифа орзу-ҳаваси, ўй-хаёли фақат оила қобиғи билангина чегараланган уй хотини бўлиб ўтириб қолган. С. Анорбоев, Меҳр. ..у ўз нутқини субъектив қобиққа ўрайди. Газетадан.

(Ўз) қобиғига ўралмоқ Бошқалардан, ташқи дунёдан ажралиб, ўзича, ўз ҳолича иш кўрмоқ, яшамоқ, ривожланмоқ.

ҚОБОН 1 Ёввойи чўчқа, тўнғиз. Тўқайда қирғовул, кўлда ўрдак, ғоз, Қобонлар кезади мисли говмишлар. Миртемир.

2 Эркак чўчқа.

ҚОВ Алангасиз куйдирилган пахта, сўхта (халқ табобатида кесилган ярага қўйиш учун ишлатилади). Ёш ҳақим кечгача қилич ярасига қов қўйиб, малҳам суртиш, баданга санчилган ўқни олиб, боғлаб қўйиш билан овора бўлди. М. Осим. Китобга ихлос.

Қов қуймоқ с. т. дағл. Ишни бузмоқ, расво қилмоқ.

ҚОВЖИРАМОҚ I Сувсираб ёки иссиқнинг зўридан, гармселдан сўлимоқ, қуриб бужмаймоқ, қуруқшамоқ. *Қовжираган барг. Қовжираган ўт.* ■ *Адолат.. чанқаб, қовжираб турган ҳар бир гўзага қараб ачинар ва тунги сувни шимириб тирилайётган ҳар бир гўзани кўриб қувонарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Сувсизлик ва иссиқ таъсирида қақрамоқ, порсилламоқ, ёрилмоқ. *Қовжираган ерлар. Ҳароратдан лаблари қовжиради.* ■ *Гулханчиларнинг дала шамоли билан қовжираган юзларига тиниқ қизиллик югуриб овланди.* Ойбек. Танланган асарлар. Кейин бошини шарт буриб, сувсизликдан қовжираб ётган тарновга қараб юрди. Д. Нурий, Осмон устуни.

3 *кўчма* Дард, алам ва ш.к. дан қуйиб адо бўлмоқ, ўртанмоқ. *Шундан буён қиз айрилик дардида қовжирайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚОВЖИРАТМОҚ Қовжирамоқ фл. орт. н. Саратон қуёши чўл ўтларини қовжиратди. ■ *Уруш айни йигитлик йилларимизни қовжиратиб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Куксини ёндириб турган ўт хаёлларини ҳам, хотираларини ҳам қовжиратиб ташлагандек бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚОВЖИРОҚ Қовжираган, қуруқшаган ҳолатли. *Йўл кимсасиз, ҳатто эзма чигирткалар ҳам иссиқдан тинкаси қуриб, қовжироқ ўтлар соясида мудраб қолганга ўхшайди.* Н. Ёқубов, Бўсағада. *У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираб, олдинга чопди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Экинсиз, жонсиз ётган қовжироқ ерлари, япроқлари сарғайган дарахтлари ҳайратга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қовжироқ кўкатлари дарахтларнинг турфа ҳиди атрофга анқиб кетди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚОВЗАНМОҚ шв. Озгина емоқ, титинмоқ, бир оз овқатланиб, қоринни алдамоқ; тамадди қилиб олмоқ. *У [Умарқул] доимо белига нон тугиб юрар, қачон қорни очса, йўлда ўзини қовзантириб олар эди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. *Керак-керак дегунча, овқатни кўпроқ қилса бўлмасмикан, қорин қовзанмади-ку!* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚОВЗОҚ I Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қўзоқ. *Мош қовзоғи. Ловия қовзоғи.*

2 Маккажўхори сўтасининг пўстлоғи.

ҚОВОЧАК Пахтаси сўғуриб олинган чаноқ, кўсак пўчоқлари. *Кўсак чувиш машинасидан чиқарилган қовочак орасида узунқисқа толалар милтиллаб турибди.* Газетадан.

ҚОВОҚ I 1 Палак отиб ўсадиган, шاپалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли, бир ёки кўп йиллик полиз ўсимлиги ва унинг турли шаклларда бўладиган йирик ҳосили. *Қовоқ уруғи халқ табобатида.. гижжани йўқотишда қадимдан қўлланиб келган.* «Фан ва турмуш».

Дастмол қовоқ Ҳосили қозонсочиқ ёки мочалка ўрнида ишлатиладиган қовоқсимон ўсимлик. **Ойим қовоқ қ. ойимқовоқ. Томоша қовоқ қ. томошақовоқ.**

2 Шу ўсимликнинг ҳосили қобиғидан ясалган идиш. *Гулнор.. сув қовоқни олиб, булоқ томонга югуриб кетди.* С. Айний, Дохунда. *Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек гўнғиллади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Йигит унинг ёнига қовоқ косада совуқ сув қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Нос қовоқ 1) қовоқнинг ноксимон майда нави; 2) қ. носқовоқ. *...носқовоғини қоқа-қоқа, бир отимини тилининг тагига ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бува қовоқ с.т. Масхарабозларнинг юзга тутадиган ниқоби. **Қовоқ калла (ёки бош)** Мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ. *Шуни ҳам тунунмай сўраб ўтирасанми, қовоқ бош.* С. Айний, Жаллодлар. *Билмасанг, нега, урди деб қўл кўясан.. қовоқ калла!* О. Ёқубов, Ларза.

ҚОВОҚ II Кўз косасини қопловчи, очилиб-ёпилиб турадиган тери. *Қовоғи шишибди. Қовоғини ағдариб кўрмоқ.* ■ *Толжибой оқсоқол қўл кўтарганларни қовоқ тагида норози милтиллаган кўзи билан текшириб турди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Миршабнинг осилиб турган қовоғини, юзидан томиб турган заҳарини кўриб, Матқовул аллақандай бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бодом қовоқ қ. бодомқовоқ. Қовоқ солмоқ (ёки уймоқ) ёки қовоқни осилтирмоқ Норозилик ёки хафалик ифодалаб хўмраймоқ. [*Саодат*] *Бировга кулиб қараса, бировга қовоқ солади.* И. Раҳим, Ихлос. **Қовоғи солиқ** 1) нимадандир норози, хафа,

кайфи бузуқ. *Кумуш жавоб бермади, қовоғи солиқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма ёғса-ёғғудай, авзойи бузуқ, айниган.* *Ҳавонинг қовоғи солиқ.* ■ *Қовоғи солиқ осмоннинг чехраси аста очила бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Қовоғидан қор ёғад** 1) жуда хафа, аччиғи чиққан, авзойи бузуқ. *Оқсоқолнинг қовоғидан қор ёғар, жуда жаҳли чиққан эди.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) баджаҳл, хўмрайган. **Қовоғини очмоқ** 1) кўзини очмоқ, қарамоқ; 2) *кўчма* чехрасини очиб қарамоқ, кулиб боқмоқ. *Ўзи ҳам, онаси ҳам бир оғиз гапирмаса, бир мартагина қовоғини очиб қарамаса-я!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚОВОҚ III айн. қовоқхона. *Шариф Сулаймон ҳозир бирон қовоқда, эҳтимол, мажлис ўтказаятгандир.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚОВОҚ-ДИМОҒ Кайфият, авзо. *Хотиннинг қовоқ-димоғини кўриб, тўйга атаб боқиб қўйган биттаю битта қўйшми шартта сўйдим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Қовоқ-димоғига қарамоқ Бировнинг хоҳиши билан ҳисоблашмоқ; бировнинг кайфиятига, кўнглига қараб иш тутмоқ. *Икки хотиннинг қовоқ-димоғига қараб, жанжалларига қози бўлиб, бошим қолади, деб қўрққан эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОВОҚДОШЛАР *бот.* Қовоқ, қовун, тарвуз, мочалка каби палак отиб ўсадиган ўсимликлар оиласи.

ҚОВОҚ-ТУМШУҚ: *қовоқ-тумшукни осилтирмақ айн. қовоқ солмоқ қ. қовоқ II.*

ҚОВОҚХОНА *с. т. эск.* Спиртли ичимликлар ичиладиган майхона. *Масжиднинг ёнгинасида вино сотадиган қовоқхоналар бор.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..бир қовоқхона кўриб, икки кружкагина пиво ичадиган бўлдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОВОҚХОНАЧИ *с. т. эск.* Қовоқхона эгаси ёки сотувчиси. *Қовоқхоначининг юз ифодаси шундай тез ўзгариб турардики, бирини пайқаб олгунингча иккинчисига кўз улгурмай қоларди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОВОҒАРИ Арининг заҳарли йирик тури. *-От йиқитди, - деди қовоғари каби ғўнғиллаб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОВРИЛМОҚ *қ. қовурилмоқ.* *..ҳоким тўранинг келишига ҳам беш-олти қовун*

пишиғи бор, Ғулломжонни эса ошнинг гўшт-ёғи қоврилгунча саришта қилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирҳайдар шундай ўйларга берилиб, ўз ёғида ўзи қоврилиб юрaverади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚОВУЗ I Доннинг пўсти. *Тариқ қовузи.*

2 Ичига кўпинча тариқ пўсти солинган бешик тўшағи. *Орқасига қаттиқ қовуз ботган гўдак чинқириб-чинқириб йиғлайди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

ҚОВУЗЛОҚ айн. қовуз 2.

ҚОВУЗ(Ғ)ОҚ айн. қовуз 2. *Карима бешик асбобларини, қовузоқдан то сумаккача.. кўздан кечириб қоқди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

ҚОВУЛ [қабул с. нинг бузилган шакли]: **сафар қовул** Сафардан эсон-омон қайтиб келган кишига айтиладиган ибора. *Сафар қовул! Қачон келдингиз?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚОВУН Қовоқдошлар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили. *Ширин қовун. Қовун пайкали. Қовун сайили. Қовун уруги. Бир тилик қовун.* ■ *Бу йил, нима бўлиб, қовун, бир четига ҳандалак экилган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Қовунга қаранг. Ҳар бири туянинг калласидай. Жуда сараланган.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қовун туширмақ қ. туширмақ. *Ўз вақтида танбех бермаса, мезбон икки-уч марта қовун тушириб қўйишини яхши биларди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОВУНКАПА Қовун полизи ёнига қурилган қапа, чайла. *Иқбол кун бўйи қизлар билан пиёзни ўтаб, кеч пайт қовункапага қайтди-да, апил-тапил ювиниб овқатлангач, шоти билан томга чиқди.* С. Абдулла, Иқбол.

ҚОВУНХЎР Қовунни яхши кўрадиган, қовунни кўп ейдиган. *Қовунхўр одам.* ■ *Бозорга кираверишда қовунхўрлар ҳўл мева расталарида қовун сўйиб ейишмоқда.* Газетадан.

ҚОВУНХЎРЛИК I Қовунхўр эканлик. *Унинг қовунхўрлигини ҳаммамиз биламиз.*

2 Тўйиб, мириқиб қовун ейиш. *-Оқтепадан келяписми? -Ҳа, - деди у [шофёр] Аминжон узатган чойдан ҳўллаб. -Қовунхўрликданми? Мирмуҳсин, Чиниқиш. Уч-тўрт кун шу ерда қолиб, қовунхўрлик, паловхўрлик қилмасак, жуда чарчаб кетдим.* Х. Шамс, Характеристика.

ҚОВУНЧИ Қовун етиштириш, қовун селекцияси билан шуғулланувчи киши. *Турткўллик қовунчи олим катта мақсадлар билан яшайпти.* Газетадан.

ҚОВУНЧИЛИК 1 Қовун етиштириш билан шуғулланиш; қовунчилик касби.

2 Қишлоқ хўжалигининг қовун ўстириш, қовун селекцияси билан боғлиқ соҳаси. *Бир неча йиллардан бери эътибор камайгани боис қовунчилигимиздаги энг яхши анъаналар унутилди.* Газетадан.

ҚОВУНҚОҚИ Пишиб етилган қовунни тилиб-тилиб, қуритиб тайёрланган қоқи. - *Чой ичмасдан қайёққа кетасизлар? — деди кампир шкафдан нон, қовунқоқи олиб.* Ҳ. Назир, Тошоша.

ҚОВУРДОҚ Баъзи масалликлардан қовуриб тайёрланган таом. *У кунги қўзиқорин қовурдоғи гўшт қовурдоғидан ҳам таъмлироқ туйилди.* С. Айний. Эсдалиқлар. *Кўй сўйилиб, меҳмонларга яхши қовурдоқ билан тушлик берилгандан кейин, Хатиб домла мулла Обиднинг экинларини оралашга орзу билдиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚОВУРИЛМОҚ Қовурмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Балиқ яхши қовурилди. Қовурилган картошка.* ■ *Шу кунги қозонда гўшт-ёғ қовурилди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Низомжон муҳаббат билан номус ўтида қовурилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ўз ёғига (ёки ёғида) ўзи қовурилмоқ Ўз дара-алами билан ўзи азоб чекмоқ, ўртанмоқ. *Саодат ўз ёғига ўзи қовурилиб, дардини ичига ютиб юраркан, шундан-да ўзига таскин топди.* «Ёшлик». *Дардини айтмай деса — тили, айтмай деса, дили куйиб, ўз ёғида ўзи қовурилиб келгандир?!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ҚОВУРМА 1 сфм. Қовуриладиган, ёғда қовуриб пишириладиган; қовурилган. *Қовурма чучуара.* ■ *Момага беринлар қовурма гўшти.* «Ширин билан Шакар».

Қовурма палов қ. палов. Қовурма шўрва Ҳамма масаллиқни олдин қовуриб олиб, сўнгра сув қуйиб тайёрланадиган шўрва. *Ҳози.. аччиқ қовурма шўрвани ичиб, бир оз ўраниб ётгач, терлади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 от Гўшт ҳамда картошка, пиёз ва б. сабзавотлардан қовуриб, озроқ сув қуйиб, димлаб пишириладиган қуюқ таом; қовурдоқ. *Икки катта товоқда қовурма олиб чиқилди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

Қовурма жуда антиқа бўлган экан, гапнинг очигини айтсам, бунақа ширин гўшти умримда емаган эдим. С. Аҳмад, Шер.

ҚОВУРМОҚ 1 Қизиган ёққа солиб пиширмоқ. *Балиқ қовурмоқ. Картошка қовурмоқ.* ■ *У бир қошиқ ёғни қозонга солиб, пиёз қовурди.* Ойдин, Гулсанам. *Зумрад ошнинг зирвагини қовуриб, гуручни ивтиб қўйиб, қараб утирди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 кўчма Исканжага олиб қаттиқ сиқмоқ, койимоқ, таъзирини бермоқ; жазоламоқ. *Авзойидан ҳозир ячейка котибини чақуриб, тоза қовурадиган кўринар эди.* А. Каҳҳор, Сароб.

3 кўчма Ўтдай куйдирмоқ, ўртантирмоқ, ўртамоқ. *Яна ўша қалбни бир умр асир этиб алдаб, доғига қовурган гўзал бир сиймо, соҳира қиз [Аҳмаджоннинг] кўз олдида келди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил. *Жигарим қовурди кўзингдаги ўт!* Ё. Мирзо.

ҚОВУРТИРМОҚ Қовурмоқ 1 фл. орт. н. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёптириш билан машғул бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОВУРҒА 1 анат. Умуртқадан чиқиб, кўкрак суягига эгилиб келадиган, кўкрак қафасини ташкил қиладиган ёйсимон энсиз суяк. *Мана, уринг, синдириш қовургамни! Кўрқмай қўя қолинг, арз қилмайман.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Етим қовурға Кўкрак суягига келиб ёпишмаган қисқа қовурға. *Инсоннинг етти жуфт чин қовурғаси, беш жуфт етим қовурғаси бўлади. Қовурғаси кўришиб (ёки саналиб) қолмоқ* Жуда озиб кетмоқ. *Жўранинг кўзлари чўкиб, қовурғалари саналиб қолди, ҳар кун қамчи, ҳар кун азоб.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 кўчма махс. Бино, иншоот ва ш.к. нинг мустаҳкам тутиб туриш учун хизмат қиладиган қисми, ёнма-ён бириктирилган узун-узун қисми. *Панжаранинг қовурғалари.* ■ *Қуёш қиздираётган аллеялар бўш, скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтирайди.* П. Қодиров, Уч илдиғ.

Қовурғаси букилмаган (ёки синмаган) Яп-янги, ҳали тutilмаган, эзилмаган (қоғоз пул ҳақида). *Ҳаким акамларнинг чўнтақларига қовурғаси синмаган червонларни.. туширдим.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. *..чўнтақлари қовурғаси букилмаган юзталиқларга тўла.* «Таниш башаралар». **Қовурғаси қайишмоқ қ. қайишмоқ 4.**

ҚОВУШИМЛИ Қовушиб, киришиб кета қоладиган. *Ишга қовушимлигина эмас. Ўтдаги чўпни бўтга олиб қўйгиси келмайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҚОВУШИМСИЗ Қовушмайдиган, яхши келишмайдиган. *Йигитнинг ҳаракатлари қовушимсиз, кабобни китоб муқоваси билан эринибгина елтиди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ҚОВУШИҚЛИ Бири иккинчисининг устига қўйилган, қовуштирилган (икки қўл ҳақида). *Қўллари дўппайган қорни устида қовушиқли эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОВУШМА махс. Бир қанча зарраларнинг, бўлақларнинг ўзаро қовушувидан ҳосил бўлган нарса. *Тупроқ қовушмалари. Қум қовушмалари. Тупроқнинг жуда зич, говак ва сочылма қовушмалари кўп учрайди.*

ҚОВУШМОҚ 1 Бир-бирига ёпишиб, бирикиб, уланиб, бир бутунликни ташкил қилмоқ; қўшилмоқ, туташмоқ, ёпишмоқ. *Чуваланган бўйра устида пахтаси аранг қовушиб турган кўрпача.* Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ «емаган» жувон, бахтиёр кампир. *Қўша қаримоққа муҳр бўлади Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.* Ф. Фулом.

2 Қўшилмоқ, жуфтлашмоқ. *Боягидан бирмунча кучая тушган шамол гулни гулга қовуштириб, гўё бу икки ёшга: Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовушинг, дегандек кўринар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Иттифоқ, ҳамжиҳат бўлмоқ; бир-бирига монанд иш тутмоқ. *Улар бош-бошига қовушмайди* ■ *Қовушмагандан кейин, албатта, қўлимиздан ҳеч иш келмайди-да.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Бир-бирига монанд, мувофиқ келмоқ, мос тушмоқ, уйғунлашмоқ, ёпишмоқ. *Сухбат қовушмасди.* ■ *У [Саодат] қоғоз олиб, пленумда гапирадиган сўзларини ёзмоққа киришди. Аммо сўз сўзга, гап гапга қовушмади.* И. Раҳим, Ихлос.

5 Бирор доирада, муҳитда ёки ҳолатда ўзини эркин ҳис этмоқ, эркин тутмоқ. *Танчада қовушиб ўтиролмайди* ■ *Бугун сизнинг олдингизда, худди бегонадай, қовушмай турганимга хафаман, Фотима!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Болалар яна интизор бўлишиб кутишди, қовушмай, кечагидай жимгина ўтириб овқатланишди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

6 Бирор ишни бажаришда тўғри ва чаққон ҳаракат қилмоқ. *Ишлаб юрган одам ҳар қандай ишга дарров қовушади. У ҳеч ишга қовушмайди.*

Қўли қовушмайди Ўрганмаганликдан ёки совуқдан, қарахтликдан қўли ишга яхши келмайди, қўли келишмайди.

ҚОВУШОҚ Юқори қовушқоқлик хосасига эга бўлган; қовушқоқ, ёпишқоқ. *Қовушқоқ мой.*

ҚОВУШОҚЛИҚ Сууюқликнинг ўз зарраларининг бир-бирига нисбатан силжишига, оқишига қаршилик кўрсатиш қобилияти. *Мойнинг қовушқоқлиги.*

ҚОВУШТИРМОҚ Қовушмоқ 1-4 фл. орт. н. *Тарих қовуштирди бизнинг элларни.* Шайхзода. *Бу ишга ҳам.. Бузрукхўжанинг ўзи бош бўлиб, деҳқонни аҳил оилага қовуштирди.* Газетадан.

Бошини қовуштирмоқ 1) ҳамжиҳат қилиб бирлаштирмоқ, уюштирмоқ. *Комилжонга итоат қилишга Умаралининг бўйни ёр бермаётган бўлса керак.. Комилжонга оғир. Уларнинг бошини қовуштириш керак.* И. Раҳим, Ихлос; **2)** бир-бирига уйлантириб қўймоқ. *Қўшнилари биргаликда тўй қилиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйишди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Қўл(ини) қовуштирмоқ 1)** қўлни, беш панжани бирин-устин кесиштирган ҳолда тутмоқ. *Миршаб одамларидан бири аввал хатирчилик бандининг қўлини олдига қовуштириб боғлаб, пешбанд қилмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Тожибой.. узун енглари ичидаги қўлларини қорни устига қовуштириб, букилиб ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи; **2)** бировларга ҳурмат, эҳтиром юзасидан шу вазиятда турмоқ, қуллуқ қилмоқ. *У дарвозадан кириб, супага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан: -Ассалому алайкум, - деди.* Ойбек, Танланган асарлар; **3)** кўчма иш қилмасдан кеккайиб, қаққайиб қараб турмоқ. *Очил, бригадирман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ҚОВУШҚОҚ Қовушқоқ, ёпишқоқ.

ҚОВУҚ 1 анат. Одам ва ақсарият ҳайвонларнинг сийдик тўпланадиган, ичи бўш, халтасимон аъзоси; сийдик пуфаги. *Қовуқ яллиғланиши.* ■ *Мингбоши Матқовулнинг қовуғига бир тенди, у ағдарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОВУҚ II Чақмоқ суртиб, унинг уч-қунидан ўт ёқиш учун қилинадиган махсус пилик, пилта. *Киши Отабекни ўтқизгач, токчадан сопол лаган билан қовуқни олиб, чақмоқ суртди. Шам ёқилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚОВҒА I шв. Ёғоч пақир. *...икки меш сув сиғарли қовға. С. Айний, Қуллар.*

ҚОВҒА II Ичи говак ва юмшоқ, бардига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик; қўға (одатда бўйинча яшаш, қовун осиб сақлаш учун ишлатилади). *Қовун пўчоғи ерга тушганига алламаҳал бўлди. Ҳадемай Хоразм қовунлари қовғага осилади. «Гулистон».*

ҚОДИР |а. قادار — кучли, қудратли, қудрати етадиган; лаёқатли; оллоҳнинг сифатларидан бири| I Бирор ишга кучи, қудрати етадиган: қудратли. *Озод халқ, бахтиёр халқ, Ҳар бир ишга қодир халқ. Э. Раҳим. Уруш ҳар қанча даҳшатли бўлса ҳам, ҳаётни тўхтатиб қолишга қодир эмас. Ҳ. Фулом. Тошкентликлар.*

2 Имконияти бор (моддий ва б. жиҳатдан). *Кўп оталар шу жузъий ёрдамга ҳар ҳафта уч тийин, беш тийин беришга қодир эмаслар. Ойбек, Танланган асарлар. Қурол ушлашга қодир ярадорлар ҳам оқопга! И. Раҳим, Мангулик кўшиғи. Ҳазирча ўн жуфт маҳси беришга қодир эканини сўзлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Қодир (эркаклар исми).

ҚОДИРЛИК I Қодир эканлик. *Команда ҳолатини, унинг нималарга қодирлигини катта тренерчилик ҳеч ким билмайди. Газетадан.*

2 Етарли куч-қудратга эгалик; қудратлилик. *Бултурғи мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам. меҳнат аҳли нималарга қодирлигини кўрсатди. «Муштум».*

ҚОЗИ |а. قاضي — ижрочи, амалга оширувчи; ҳукм чиқарувчи| тар. Мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. [Тўраҳон:] *Индаб қаерга бораман? Қозига арз қиламанми? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидига жазо кўтарилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мулла Шарофиддиннинг муҳри бор*

бу васиқаларда.. Муллажон қозининг муҳри бор! А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари.

ҚОЗИБОЗ |а. + ф. قاضىباز — қозилашишни, судлашишни яхши кўрадиган| эск. Қозибозликни яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилаверадиган одам.

ҚОЗИБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилиб, ҳақ-ҳуқуқ талашиш, довлашиш. *Қозибозлик қилмоқ. — Қозибозлик бошланди — порахўрлик. Ғ. Расул, Адолат.*

ҚОЗИВАЧЧА |а. + ф. قاضىبچه — қозининг боласи, фарзанди| с.т. Қозизода. *Мулк ерларининг кўли.. қозиваччалар ва мута-валлилар деган икки хонадоннинг қўлида тўпланган эди. С. Айний, Эсдаликлар.*

ҚОЗИЗОДА |а. + ф. قاضىزاده — қозининг фарзанди, авлоди| Қозининг фарзанди; қозилардан тарқалган, қозиларга мансуб киши.

ҚОЗИКАЛОН |а. + ф. قاضىكلان — катта қози, бош қози| Бош қози, энг юқори даражадаги қози.

ҚОЗИЛАШМОҚ эск. Қозига арз қилиб, ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, довлашмоқ. *Қозилашган қариндош бўлмас. Мақоля. — Боболаримиздан бой билан қозилашма, зўр билан олишма, деган гап қолган. И. Шомуродов, Мағлубият.*

ҚОЗИЛИК I Қозига хос иш, вазифа, лавозим. *Қурбонниёз тоғам, қози Абдулвоҳид қозилигини ташлаб кетгандан кейин, мулозимликни тарк қилиб, пахтакашликка киришган. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 с.т. Орага тушиб, кимсалар ўртасидаги жанжални бартараф қилиш; ҳакамлик. *Студентлар онгли одамлар бўлгани учун, деҳқонлар уларга ишонар.. жанжалли масалалар чиқиб қолганида, қозиликка чақиришар эди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.*

Қозилик қилмоқ с.т. Қозиликка хос иш-вазифани адо этмоқ. *Афанди қозилик қилиб турганда, ундан биров: — Афанди, сизнинг қанча дўстингиз бор? — деб сўрабди. «Шарқ юлдузи».*

ҚОЗИХОНА [қози + хона] тар. Қози томонидан судлов ишлари амалга ошириладиган маҳкама. *Маҳкаман билмасам, қозихонани билмасам, [арз учун] қаерга бораман? Ойбек, Танланган асарлар.*

Ота гўри қозихонами? қ. гўр.

ҚОЗИҚ 1 Ерга қоқиш учун мўлжалланган ёки қоқилган, учи ўткир ёғоч ёки темир. *Ёғоч қоziқ. Темир қоziқ. Чегара қоziғи. Ерга қоziқ қоқмоқ. Қоққан қоziқдай қаққайиб турмоқ. Отни қоziққа боғламоқ. Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қоziғи.* Мақол. ■ Қирғоққа яқин ерда тўрт қоziқ устида каттакон бир қайиқ турар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Кийим, сочиқ ва ш.к. нарса илинадиган мослама. *Пальтони қоziққа илмоқ.* ■ ..қоziқдан Маккатуллонинг акси туширилган ипак жойнамозни олиб, қиблага қаратиб ерга солди. К. Яшин, Ҳамза. *Оҳори тўтишмаган оқ халатлар сепараторхона қоziғида осиглиқ.* С. Нуоров, Нарвон.

Олтин қоziқ айн. **Кутб юлдузи қ.** **кутб 1.** **Қоziқ лунги** Зийнат учун қоziққа осиб қуйиладиган гулли безак буюм. **Қоziқ рўмол шв. айн. қоziқ лунги.** **Қоққанда қоziқ,** осганда хурмача (ёки чўмич) қолмади ёки қоққани қоziқ, осгани хурмача қолмади Ҳеч нарса(си) йўқ, қип-яланғоч, шипшийдим. *Уйимизда қоққани қоziқ, осгани хурмача ҳам қолмади.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҚОЗИҚҚУЛОҚ Энсиз узун баргли бир йиллик бегона ўт.

ҚОЗОН 1 Турли таомлар пишириш, тайёрлаш ёки сув иситиш учун чўяндан қуйиб тайёрланган рўзгор буюми. *Маҳалла қозон. Қозонда бўлса, чўмичга чиқади.* Мақол. *Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.* Мақол.

Ёпиқли қозон — ёпиқли Сир сақланиши, бости-бости қилиниши лозим бўлган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида айтиладиган ибора. **Қозон осмоқ 1)** қозонни ўчоққа ўрнатмоқ. *Ҳадича хола.. қозон осилган ўчоқнинг олдига қумғон қўйди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) иссиқ овқат пиширмоқ. - *Онаси! — деди Матқовул ўзида йўқ қувониб. — Пича ун топиб келсам, қозон оссак, қалай бўлар экан-а?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қозон қайнатмоқ 1)** айн. **қозон осмоқ 2.** **Қозон қайнатишга сувдан бошқа нарсалар керак бўладими? Ё ошқовоқдан мой чиқарсакми-кан! Ойбек, Танланган асарлар; 2) рўзгор тебратмоқ. **Қозонни сувга ташлямоқ (ёки ташлаб қўймоқ)** Иссиқ овқат қилмай, иссиқ овқатсиз кунни ўтказмоқ. [*Уста Фарфи:***

Қозонни сувга ташлаган кунимиз жанжал. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 **тех.** Буг ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган махсус ёпиқ қурилма. *Буг қозон. Юқори босимли қозон.*

ҚОЗОНАКИ Қозонда пиширилган. *Боланинг олдига икки бурда қозонаки патир қўйди.* Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар.

ҚОЗОНКАБОБ Ўз сели билан қозонда димлаб пиширилган гўшт. *Меҳмонлар жуда усталик билан пиширилган қозонкабобни иштаҳа билан еб, устидан бир косадан «қобили шўрва»ни ичиб, оғир нафас олишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОЗОНМОҚ Қўлга киритмоқ, эришмоқ; сазовор бўлмоқ. *Ғалаба қозонмоқ. Муваффақият қозонмоқ. Обру қозонмоқ. Бировнинг ишончини қозонмоқ.* ■ *Зорқишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг ҳурматини қозонган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚОЗОН-ТОВОҚ 1 Овқат пишириш ва ейиш учун ишлатиладиган идиш-оёқ. *Тракторлар қирга энди кўтарила бошлаганда, орқадан қозон-товоқ ортилган «ЗИС» [юк машинаси] етиб келди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 **кўчма** Уй-рўзгор ишлари. *Агроном ерини ҳайдаб, пахтасини теравермайдими? Қозон-товоққа аралашиб нима қилади!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Бизда ўз оиласига, бола-чақасига, қозон-товоғига ёпишиб олган хотинлар бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚОЗОНХОНА тех. Қозон ўрнатилган хона ёки алоҳида бино (қ. **қозон 2**). *Фабрика учун зарур бўлган қозонхона ишламайди.. «Муштум».* Ушбу қарорга асосан, қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун.. 215 миллион сўм маблағ ажратилди. Газетадан.

ҚОЗОНЧА 1 Кичик қозон, декча.

2 Овқат ейиш, ўрни билан овқат пишириш учун ҳар бир солдат ўзи олиб юрадиган пақирчасимон идиш. - *Қўявер, қозончанг балога қалқон бўлибди, — деди Бектемир илжайиб.* Ойбек, Куёш қораймас.

ҚОЗОНЧИ 1 эск. Қозон қуювчи; дегрез. *Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса.* Мақол.

2 Қозонга қаровчи, қозонхонада ишловчи ишчи, мутахассис.

ҚОЗОҚ 1 Қозоғистон Республикаси туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қозоқ халқи.*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб. *Қозоқ тили.*

ҚОЗОҚИ Қозоқларда бўладиган, қозоқларга хос бўлган; қозоқча. *Қозоқи кигиз. Қозоқи чақмон. Қозоқи қорамол зоти.* ■ *Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳадеб шовқин солар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

ҚОЗОҚЛАР Қозоғистон Республикасининг туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қозоқ халқи.

ҚОЗОҚЧА 1 Қозоқларга, қозоқ тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Қозоқча куй. Қозоқча кийим. Қозоқча сўз.*

2 Қозоқ тили. *Сиз қозоқча(ни) тушунасизми? Қозоқча гапирмоқ.*

ҚОИДА [а. *قاعده* – база, асос; пойдевор; туб; қонун-қоида, низом] **1** Турли ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ифодаловчи, маълум система, амал ва ш.к.нинг асосини ташкил этувчи тартиб; қонун. *Сўз яшаш қоидалари. Илдиш чиқариш қоидаси (мат).*

2 Бирор иш-ҳаракат, амалнинг қандай бажарилиши ҳақидаги расмий кўрсатма, йўл-йўриқ ёки умум томонидан қабул қилинган тартибот. *Агротехника қоидалари. Йўл қоидалари. Гигиена қоидалари. Кўча ҳаракати қоидалари.* ■ *Командир ротани бутун қоидага мувофиқ тартиб билан йўлга солди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Машҳур артист катта банкетларда кўп бўлган, меҳмондорчилик қоидаларини яхши биларди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

3 Расм, одат. *Қадимдан қолган қоида.* ■ *Қамишқапаликлар одамларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрадилар. Шу қоидага мувофиқ, кулранг-кўкиш кўзли эшонни ҳамма катта-кичик «Загчақўз домла» деб атарди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Мулла Обид, бошқа ўзбек деҳқонларимиз қоидаси бўйича, меҳмонларга ўз қўллари билан пишиб етиштирган нарсалардан узиб олиш тақифида бўлди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ҚОИДАБУЗАРЛИК Қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, тартибни бузиш. *Жиддий тўқнашув содир этилмаган, йўл қўйилган қоидабузарлик ҳам айтарли хавфли бўлма-*

са-да, йигитнинг бу ҳолати ички ишлар ходимларини шубҳалантирди. Газетадан.

ҚОИДАЛАШМОҚ Қоида ҳолига келмоқ, қоидага айланмоқ, қоида бўлиб қолмоқ. *Қоидалашиб қолган тартиб-интизом.*

ҚОИДАЛАШТИРМОҚ Қоидалашмоқ фл. орт. н. *Қўшма сўзлар имлосини қоидалаштирмоқ.*

ҚОИМ [а. *قايم* – турувчи, тик турувчи, тик; бор, мавжуд] *кт. 1* Тик, тикка. *Елкамда сочиқ, қўлимда сунурги. хизматда қоим турганимда, намоз тамом бўлди. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

2 *қўчма* Барқарор, муқим; мустақкам. *Бу меники, менинг саройим. Кўринг: бунда мен ўзим қоим. М. Шайхзода. Бу дунёда азият чекинг, зулм қилса, шикастлик билан қоим туринг. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ҚОИММАҚОМ [а. *قايم مقام* – бирор мақом, ўринда турувчи, ўринбосар] Ўрнига турувчи, ўрнини босувчи; ўринбосар.

ҚОЙИЛ [а. *قايل* – айтувчи, сўзловчи, гапирувчи; ҳикоя, нақл қилувчи] **1** Завқланиб ёки тан бериб, офарин ўқишга, тасанно айтишга арзирли. *Қойил иш. Қойил одам.* ■ *Белим қисиб, қовурғамни шиширдиг, Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман. «Алпомиш».*

Қойил қилмоқ 1) ишни ўрнига қўйиб, завқ бағишламоқ, маҳлиё қилмоқ, ҳайратга солмоқ, тан беришга мажбур қилмоқ. *Загчақўз. бир мисол билан ҳаммани қойил қилмоқчи бўлди. П. Турсун, Ҳқитувчи; 2)* маҳорат билан бажармоқ, ўрнига қўймоқ; ўринлатмоқ, бопламоқ. [*Марасул:*] *Холам русчани ҳам қойил қиладилар. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Қойил қолдирмоқ айн. қойил қилмоқ 1. Қойил қолмоқ (ёки бўлмоқ)* Завқ олиб ёки тан бериб, офарин ўқимоқ, тасанно айтмоқ. *Бу ишга барча қойил қолмоқда.* ■ *Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаш бир карчани оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 *унд.с.* Офарин, тасанно. *Қойил! Қойил! Оббо сиз-э! Зўр экансиз-ку, жигар. «Гулдаста».*

ҚОЙИЛЛАТМОҚ *айн. қойил қилмоқ қ. қойил.* *Уни қаерга юборманг, ишни қойиллатади. О. Ҳусанов, Зарафшон заршунослари. Раҳим, ҳар қадамда Аҳмаддан туртки еб турса ҳам, тишини тишига қўйиб, ўз вазифасини қойиллатиш ҳаракатида эди. Ҳ.*

Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Хайрулла, табриклайман, бугун уч нормани қойиллатибсан!* С. Қодиоров, Нурак нурхонаси.

ҚОЙИЛМАҚОМ [а. *قائل مقام*] с.т. Қойил қолса арзирли, кишини қойил қолдирадиган; ажойиб. *Қойилмақом иш. Қойилмақом рақс. Қойилмақом кийим.*

Қойилмақом қилмоқ айн. қойил қилмоқ 2. қ. **қойил.** *Киройи бригадир бўлса, Комилжондақа бўлсин. Тўртинчи чопиқни ҳам муддатидан олдин қойилмақом қилворди, дейишаётибди. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. Суратда сиз кўриб турган болакай Оғабекнинг кўшиқларини ёддан қойилмақом қилиб ижро этади.* Газетадан.

ҚОЙИМ [а. *قائم* — тик турувчи, турувчи] айн. **қоим** 1.

ҚОЛГАН-ҚУТГАН Ортиб ёки чиқитга чиқиб қолган; қолдиқ. *Қолган-қутган нарса. Қолган-қутган овқат. Қолган-қутганини йиғиштирмоқ.*

ҚОЛДИРИЛМОҚ **Қолдирмоқ** фл. мажҳ. н. *Мажлис қолдирилди.* ■ *Онаси бир чеккада қолдирилса, эҳтимол, пухта иш қилмаган бўлармиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚОЛДИРМОҚ **Қолмоқ** фл. орт. н. *Китобни мактабда қолдирмоқ. Болаларни уйда қолдирмоқ. Сут учун пул қолдирмоқ. Концерт ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Ўқишдан қолдирмоқ. Бировни қийинчиликда қолдирмоқ. Ҳайрон қолдирмоқ. Шахматда ҳаммани қолдирмоқ. Бугунги ишни эртага қолдирма. Мақол.* ■ [Абдишукур] *Таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Ойбек, Танланган асарлар. Олгин-у, ҳеч олдирма, Ёвга омон қолдирма. Т. Тўла. Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидеги дарича орқали уйга киримиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚОЛДИҚ 1 Нарсаларнинг ортиб ёки сақланиб қолган қисми. *Бузилган шаҳар қолдиқлари. Папирос қолдиғи.* ■ *Душман қолдиқлари қаршилик кўрсатишни давом эттира бердилар. Н. Сафаров, Комиссар Қорабобов.*

2 Чиқит, чиқинди. *Нефть қолдиқлари. Қолдиқлардан тикилган кўйлакча.* ■ *Чувалчанг, асосан, ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. «Фан ва турмуш».*

3 Йўқолиб кетган ёки ўтган, ўлиб бораётган воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан қолган нишона, асорат. *Бўғма шонда тери остида*

салгина бўртиб турадиган орқа оёқ қолдиқлари бўлади. «Зоология».

4 *Кўчма Эскидан қолган дунёқараш, расм-русм, урф-одат ва ш.к.; сарқит. Феодализм қолдиқлари.* ■ *Йиллар давомида у [Юсуфжон] бугунги авлоднинг яшашига тўққинлик қилаётган ўтмиш қолдиқларини кулги билан фош этади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

5 *мат.* Бўлув амалида ортиб қолган сон, миқдор. *5 га қолдиқсиз бўлинадиган сон.*

6 Бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги айирма. *Корхона кассасидаги нақд пуллар қолдиғи.*

ҚОЛИП [а. *قالب* — андаза; қолип; қуйма шакл] 1 Тикиладиган пойабзалнинг ичига қўйиладиган ва унинг катта-кичиклигини, шаклини белгилайдиган мослама. *Ёғоч қолип. Қирқинчи қолип. Этикни қолипга тортмоқ.* ■ *Унинг.. катта бошида худди қолипга тортилган маҳсидай таранг турган чуст дўпписи ҳам бор эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Амалий санъатда: безак нақшни қўйиб (тортиб), босиб ясаш учун ишлатиладиган махсус шаклдаги мослама; андаза.

3 *махс.* Қуйма деталь ёки маҳсулотга шакл берадиган мослама. *Ғишт қолипи. Совун қолипи. Қозон қолипи. Қолипга деталь қуймоқ.* ■ *Айвонда совунгарнинг қолипидай қотиб қолган ўртоқ Меҳмоноов бу сўзларни эшитар экан, кўлини паҳса қилиб, хотинига ўқира кетди. С. Абдулла, Обруйим тўкилади.*

4 *кўчма* Андаза, шаблон. *Бир қолипдаги гап. Бир қолипда қурилган иморатлар.* ■ *Очиғини айтсам, уларни бир қолипда ишлайдан чекинишга мажбур қилишгача бориб етдик. Газетадан.*

5 *кўчма* Ҳад, чегара, меъёр. *Синфда бордир бир хил Эркатоӣ, ҳаддан ошган, Шўхлиги суоқлашиб, Қолипдан ошиб-тошган. Ҳ. Назир. Одам тақдирини ҳал қилиш учун сизнинг қолипдан чиққан саволингиз торлик қилади. А. Мухтор, Туғилиш.*

Ғишт қолип(и)дан кўчди қ. ғишт.

ҚОЛИПАКИ [а. + ф. *قالبکي*, *قالبکي* — қолипли, қолипланган] Заргарликда: буюмлар ва уларнинг безакларини қолип ёрдамида ишлаш; шу усулда яратилган буюм.

ҚОЛИПЛАМОҚ 1 Қолипга тортмоқ, ичига қолип солмоқ. *Этикни қолипламоқ. Туфлини қолипламоқ.*

2 Қолипга солиб, қуйиб шакл бермоқ, қолипга солиб, қуйиб маҳсулот тайёрламоқ. *Фишт(ни) қолипламоқ. Торфни қолиплаш саноати.*

3 *тех. Деталь қуйиш учун қолип тайёрламоқ. Двигатель блокларини қолипламоқ.*

4 *кўчма* Маълум бир қолипга солмоқ, маълум шаклга келтирмоқ, шакллантирмоқ. *Гўё фикрни қолиплаб қуйиб олгандай сиқиқ гапирмоқ.*

ҚОЛИПЛОВЧИ Қуймачилик цехида машина қисмларини қуйиш учун қолип тайёрловчи ишчи. *Қулов цехининг қолипловчилари.*

ҚОЛИПЧИ 1 Қолип ясовчи уста.

2 *айн. қолипловчи.*

ҚОЛИШМОҚ 1 Қолмоқ фл. бирг. н. *Болалар уйда қолишди. Улар жим қолишди. ■ Чойхонадаги одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

2 (ч. к. билан, фақат бўлишсиз шаклда) Қиёсан паст келмаслик, бўш келмаслик, ёмон эмаслик. *Улар билим жиҳатидан бир-биридан қолишмайди. ■ Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юҳо чиқиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир тўп ярадор жангчилар.. соғлардан қолишмаслик учун бор кучлари билан югуришга тиришардилар. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ҚОЛМОҚ 1 Бошқа жойга кетмай, бормай, жилмай, кўзғалмай, ўз жойида бўлмоқ; жойини тарк этмаслик. *Уйида қолмоқ. Кутубхонада қолди. Биз бу йил ҳам қишлоқда қолдик. ■ Отамлар бу ерда қолмоқчилар, сардоба қуришни ўйлаётдилар.. Мирмуҳсин, Меъмор. Мажлис бўлган жойда ўша гапирган одаму яна бир неча киши қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ; бор (инкор шаклида йўқ ҳолатни, йўқ эканликни билдиради). *Ёнимда юз сўм қолди. Уйда кўк чой қолмабди. От ағанаган ерда жун қолар. Мақол. ■ Келгуси асрга икки қадамгина йўл қолди. С. Аҳмад, Юлдуз. Қўқондан бошимни олиб чиқиб кетишдан бошқа чорам қолмаган менинг, ака! К. Яшин, Ҳамза.*

3 Бирор ҳолат, вазият, макон (жой) ва ш.к. да мавжуд бўлмоқ, Елғиз қолмоқ. *Жим қолмоқ. Виждон азобиди қолмоқ. Оч қолмоқ. Иш чала қолди. Қуршовда қолмоқ. ■ Фашистларнинг ўқ, ханжари-ла Талай ёшлар қолди бепадар. Ғайратий. Содиқ жияним,*

башарангми, дўлда қолган таппими? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. дан холи бўлиб сақланмоқ, ортмоқ; шу тариқа кейингилар ихтиёрига ўтмоқ, мерос бўлмоқ. *Бу иморат отангиздан қолган бўлса керак? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бир парча ер ҳаммадан қолади, ўғлим. Ҳеч ким қабрига орқалаб кетмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Ота-боболардан қолган удум бу, қизим. К. Яшин, Ҳамза.*

5 Дахл этолмаслик, етишолмаслик, эришолмаслик. *Ўзимам қизиқман-да, шу ёмғирдан кўрқиб, мактабдан қолиб ўтирсам. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Эрдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ, деб шуни айтса керак-да. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Иссиқ, юмшоқ пахта қоплар, араванинг бешик сингари тебраниши.. кеча уйқудан қолган Фуломжонни элитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

6 Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ. *Шўхликлари қолди. Аввалги йўталишлари қолди. Ишонч қолмади. Сабр-тоқат қолмади. Юришга мадори қолмади. ■ Сурмахон, нала-партишлигингиз сира ҳам қолмади, қолмади-да! Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.*

7 Масофа, вақт нуқтаи назарида бўлмоқ, бор бўлмоқ. *Шаҳарга яна ўттиз километр (йўл) қолди. Поезд жўнашига бир соат қолди.*

8 Сақланмоқ, омон қутулмоқ. *Юз ўлимдан қолганман. ■ Ўғрилардан биттаси тутилди.. қолганлари ҳам ушланур, деб ўйлайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

9 Иш-фаолият, фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлмоқ. *Мариямнинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Қулоқдан ҳам қолганмисиз? Илҳом акамнинг ҳам дараклари йўқ, деяпман! Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. Илгари катта найчи бўлган, кейин кўздан қолиб, уйга қамалган.. ҳамқишлоғидан ҳам бир оз таълим олган эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

10 Дучор бўлмоқ, гирифтор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Балога қолмоқ. Маломатга қолмоқ. Тухматга қолмоқ. Ташишига қолмоқ. ■ У ҳам кишилар олдиди бу бахтсиз қизининг таънасига қолмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Энди сенларнинг касофатларингга мен қоламанми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

[Сурмахон:] *Шу кунга қолишимга сиз сабабчи бўлдингиз, ойи.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

11 Бирор нарсдан бенасиб, бебахра қолмоқ. *Тўйдан қолмоқ. Фойдадан қолмоқ.* ■ *Бир якшанба куни Аҳмаджон ошхонага дежур бўлиб, уйқудан қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

12 (ў.-п. к. билан) Бирор ҳодисанинг бевосита таъсирида бўлмоқ. *Ёмғирда қолмоқ. Офтобда қолмоқ. Совуқда қолмоқ.*

13 Белгиланган вақтдан кейинга сурилмоқ, кечиктирилмоқ, бошқа муҳлатга кўчирилмоқ. *Мажлис қолди. Тўй келаси ойга қолди. Қолган ишга қор ёғар.* Мақол. ■ *Дамба масаласи кейинга қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Юсуфбек ҳожи:] *Ўттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш.. Бир ҳафтадан кейинга қолмасин, эмиш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

14 с.т. Ютқизмоқ, мағлубиятга учрамоқ (ўйинда). *У мендан беш марта қолди.*

15 Боғли бўлмоқ, қараб турмоқ (бирор иш, масала ва ш.к. ҳақида). *Ҳамма иш менда қолди. Иш пулга қараб қолди.* ■ [Ҳожи хола:] *Ҳамма гап ўзингизда қолган.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

16 Ҳаракат номига қўшилиб, шу ишни бажариш лозимлигини, шундай вазифа, мажбурият борлигини билдиради. *Ош пишди, фақат уни сузиш қолди.* ■ *Энди.. фармонни халққа тушунтириш, унинг кераклигини, фойдасини уқтириш қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

-га қолганда Иш, гап ва ш.к. га бориб тақалганда. *Нега ҳар нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўнгли қолмоқ қ. кўнгил.** **Лаънат тагида қолмоқ** Кимсанинг нафратига, лаънатига, қарғишига дучор бўлмоқ. **Менга (ёки сенга, унга ва ш. к.) қолса** Ихтиёр ва ш.к. менда бўлса; мендан сўралса. *Сенга қолса, худони ҳам йўқ дейсан.* А. Қаҳҳор, Янги ер. **Оптоқ ойинга қолса,** Кумуш опангни ҳам бирга олиб кетмоқчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орамизда (ёки ўртаамизда) қолсин** Сир сақлансин, ҳеч кимга билдирилмасин. *Яхши ҳамки бу гап ўз ўрталарингизда қолиб кетди.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Орқада қолмоқ** 1) бошқалардан кейинда юрмоқ, судралмоқ. *Булар гап билан бўлиб, хийла орқада қолиб кетишиди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) босиб ўтилмоқ, ўтиб кетилмоқ. *Шундай*

қилиб, бўрон билан келган қийинчиликлар орқада қолиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) *кўчма* бирор жиҳатдан бошқаларга нисбатан кейинда бўлмоқ, бошқалар ёки замон даражасига етолмаслик. *У мендан уч синф орқада қолди. Орқада қолган мамлакат;* 4) кечикмоқ, секин юрмоқ (соат ҳақида). *Соатим уч минут орқада қолибди;* 5) бирор кишининг вафотидан кейин умр кўрмоқ, яшамоқ. *Болаларим, илоё орқамда қолинглар. Пулнинг (ёки фойданинг) тагида қолмоқ* Кўп пул (фойда) топмоқ; пулга (фойдага) кўмилмоқ. **Қола берса** Ундан кейин, шунингдек. *Аввали худо, қола берса, мен уни уйлантириб кўйдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қуруқ қолмоқ қ. қуруқ** 8.

ҚОЛОҚ 1 Тараққиёт поғонасининг куйи босқичида бўлган, тараққиёт жиҳатидан орқада қолган, унчалик тараққий қилмаган. *Қолоқ мамлакат.*

2 Дунёқараши, онг-тушунчаси паст бўлган; етук эмас. *Ўзларини дин ва шарият мухлиси деб атаб, айрим қолоқ кишиларни алдаб, шилиб юрган бетавфиқлардан.. нима кутиши мумкин?! «Муштум».* Афғонистоннинг қолоқ одамларини ўта содда, кўчманчиларни эса ярим бадавий дейдиганлар хато қилади. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

3 Ҳозирги замон талабига жавоб беролмайдиган, истеъмолдан чиққан; эски. *Қолоқ усул. Қолоқ технология.*

4 Ишда, ишлаб чиқариш режаларини бажаришда, моддий-техника базасининг ривожланиши ва ш.к. да бошқалардан орқада бўлган. *Қолоқ хўжалик. Қолоқдан чўлоқ яхши.* Мақол. ■ *Бизда мусобақа қолоқларга кўмаклашиш йўли билан умумий юксалишга эришишга асослангандир.* Газетадан.

5 Дарсларни ўзлаштира олмай, бошқалардан орқада қолган, ёмон ўқийдиган, улгурмовчи. *Қолоқ ўқувчи.*

ҚОЛОҚЛИК Қолоқ ҳолат. *Иқтисодий қолоқлик. Қолоқликка барҳам бериш. Қолоқликдан чиқиш.* ■ *Қолоқлик, ҳавойи гап, келишувчилик.. «қўлдан кетгунча» тарзида иш қилишга заррача шафқат йўқ.* «Муштум».

ҚОМАТ [a. قامت – бўй, қад, гавда; туриш, намознинг бошланиши] Кишининг, киши танасининг ташқи бичими; қад, бўйбаст. *Қомати келишган йигит.* ■ *Гулорнининг нозик ва нафис қомати даҳлизда кўриниб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Алиф**

қомат қ, алиф 1. Сарви қомат қ. сарвқомат. Қоматини ростламоқ *айн.* қаддини ростламоқ қ. ростламоқ 3. Қоматини ростлади, велосинедни етаклаб, кўчанинг у юзига — майхона томонга ўтди. А. Қаҳҳор, Сароб. Қулоқни қоматга келтирмоқ *айн.* қулоқни батанг келтирмоқ қ. батанг. Унинг қулоқни қоматга келтирувчи хурраги орасида кечаси билан хотинининг ниқ-ниқ йиғи товуши эшитилиб турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Қўлни қоматга кўтармоқ *дин.* Намоз ўқишда икки қўлнинг бош бармогини икки қулоққа етказмоқ. Кауушини ечиб, тўннини ёзди ва унинг устида туриб, қўлини қоматга кўтарди. М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

КОМАТДОР [а. + ф. قامتدار — бўйи, қомати бор] *айн.* қоматли. Қоматдор, дов йигит.

КОМАТЛИ Қомати, гавдаси келишган ва йирик; гавдали. жуссали. Баланд сарвдек ул чол қоматли.. М. Шайхзода.

КОМУС [а. قاموس — океан; луғат; сўз бойлиги] 1 Мукамал, тўлиқ луғат. Шамсиддин Сомийнинг «Қомуси туркий» луғати.

2 *айн.* Энциклопедия; энциклопедик луғат.

3 *кўчма* Ҳаётнинг ёки билимнинг бирор соҳасига оид тўлиқ асар; мажмуа. Оғзаки халқ ижодининг қомуси. ■ Эй, узоқ ўлкадан келган пахтакор, Сўзларинг хазина, пахта қомуси. Ф. Фулом.

КОМУСЧИ 1 с. т. Қомус, энциклопедия, луғат тузган ёки тузувчи киши; энциклопедиячи.

2 *кўчма* Ҳар томонлама маълумотга эга бўлган, ўқимишли киши; энциклопедист олим.

ҚОН 1 Организмнинг юрак ва қон томирлардан иборат ёпиқ система ичида тўхтовсиз ҳаракатланиб турувчи суяқ тўқимаси (аъзо ва ҳужайраларни озиқлантирадиган, модда алмашилишини таъминлайдиган қизил суяқлик). Артерия қони. Вена қони. Қон айланиши. Қон босими. Қон кетиши (оқishi). Қон томирлари. ■ Яра кўкракда, юракка яқин: ундан қуюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Қон айланиши Қоннинг қон томирлари системасида ҳаракатланиши: одам организми билан ташқи муҳит ўртасида модда алмашинувини таъминлайди; бу туфайли

ҳужайраларга кислород ва озиқ моддалар етказиб берилади, моддалар алмашинувида ҳосил бўлган чиқинди моддалар олиб кетилади. Қон босими Томирларда оқайтган қоннинг шу томирлар деворига кўрсатадиган таъйиқи: юрак иши ва томир деворининг қаршилиги туфайли юзага келади. Қон ивиши Қоннинг суяқ ҳолатдан лахтага айланиши — организмнинг қон йўқотишга тўсқинлик қиладиган физиологик ҳимоя реакцияси. Қон чиқариш 1) даво мақсадида қон томирларидан (кўпинча венадан) тешиб ёки тилиб қон оқизиш; 2) жонлиқ сўйиб, эҳсон, худойи қилмоқ.

2 *кўчма* Туғишганлик, қариндош-авлодлик рамзи сифатида. Ота-бобоси санъаткор ўтган-да, қонида бор. «Ёшлик» Улар «Ўзимнинг қоним, қўнидан тўкилса қўнжига, бегона бўлмасин» қабилида иш тутадишлар. Газетадан.

3 *кўчма* Нарсаларнинг яшаш, ҳаракатланиш рамзи сифатида; «жони», «юраги»; қон томири. Нефть моторларнинг қонидир, Нефть мамлакатнинг шонидир. Ё. Мирзо. Нутқ инсоний маданиятнинг қон томири, асоси ва ўзагидир. «Саодат».

4 *кўчма* Шахсга хос ҳиссиёт, ҳис-туйғу. Қандайдир бир паривашнинг оловли жозибаси, ҳусн-малоҳати унинг эркаклик қонига чўғ ташлаб юборган эди. К. Яшин, Ҳамза. Жайроннинг шамолдек енгил ирғишлаб қочиши беихтиёр кўзни уйнатиб, одамда овчилик қонини кўпиртиради. М. Мансуров, Ёмби.

Бир қошиқ қонидан кечмоқ (ёки ўтмоқ) Гуноҳини кечириб, ўлимдан қолдирмоқ, афв этмоқ. ■ -Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтурман. -Кечдим, айтингиз.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Кечиринг, хоқоним, йўлдан озган бандамиз, бир қошиқ қонимдан ўтинг. У. Исмоилов, Сайланма. Бағри (ёки дили, жигари, юраги) қон Қаттиқ ғам-қайғули, ғам-қайғу билан эзилган. Эй дунёйи бевафол.. Қаҳрингдан ҳамманинг бағри қон, кўнгли паршон.. Ойбек, Танланган асарлар. Фуломжон ҳам сувга ташна жон, ҳам ёр ҳажрида дили қон эди. М. Исмоилов, Фаргона т. о. Киндик қони тўкилган ер (ёки жой, тупроқ қ, киндик 1 2. Кўзига қон тўлмоқ Қаттиқ жаҳли, газаби кўзгамоқ; шундай ҳолатда бўлмоқ. Яна, жазо отрядининг кўзига қон тўлиб турган пайтда бир кор-қол бўлмасин дейман. К. Яшин, Ҳамза. Додхоҳ-

нинг.. мўйловлари учди, қовоқлари бадтар тушди, кўзларига қон тўлди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Рангида** (ёки юзида) қони йўқ Ранг-туси ўчган. Унинг рангида қон йўқ эди. Т. Ашуров, Оқ от. Кампир унинг бошини юттарди. Чолнинг юзида қон йўқ эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Юзидан қон томади** Соғлом, юзлари қип-қизил кишиларга нисбатан айтиладиган ибора. **Қон бўлмоқ** Жуда диққати ошмоқ. *Ётавериб, жуда қон бўлиб кетдим, кечки ҳавода бирпас айланай, деган эдим.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қон йиғламоқ** Қаттиқ, эзилиб-куйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда йиғламоқ. ..унинг кўзларига кўзи тушиши билан, холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули кунни ёдига тушар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қон тўкмоқ** Қурбон бериладиган уруш, жанг қилмоқ; шу йўл билан киши(лар)ни қурбон қилмоқ. *Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапларни ичимга ютиб юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ватан учун қон тўкамиз, қон тўкамиз, қон.** Ҳ. Олимжон. **Қон чиқармоқ дин.** этн. Жонлиқ сўйиб, худойи қилмоқ. **Қон ютмоқ** Қаттиқ қайғу-азобда қолмоқ; бағри қон бўлмоқ. *Кечакундуз бунда фиғон этаман, Шоҳ қизи, деб бунда қонлар ютаман. «Баҳром ва Гуландом».* **Қон** (ёки қон-қора) қақшамоқ Зор-зор йиғламоқ, қақшаб йиғламоқ; жуда қақшамоқ. *Кимлар учун ўз ёр-биродарларининг қон қақшатасизлар?* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бозор қўйларни тополмаслигига ишонгандан кейин .. бошига тупроқлар сочар ва қон-қора қақшаб йиғларди,** С. Айний, Дохунда. **Қон қилмоқ** Жуда диққатни оширмоқ; хуноб қилмоқ. *Бир бало десангиз-чи! Қон қилиб юбордингиз-ку!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Ойимни Фарида қон қилаётгандир, қорним оч деб.** Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Қони қайнамоқ** Ғазаби кўзгамоқ, жаҳли чиқмоқ. Унинг беҳаё қарашидан нияти ёмон эканини билди-ю, Ёдгорнинг қони қайнаб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Қони қочмоқ** Ранги ўчмоқ; қизиллиги йўқолмоқ. *Боя қони қочиб, кўкиш бўлиб қолган қорача юзи энди қонга тўлиб, бирдан жигарранг тус олди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Қони қўшилмоқ** (бўлиш-сиз шаклда) Эл бўлмоқ, элакишиб, қўшилиб кетмоқ. *Эргашини бошқа бўлинмага ўтказиш керак.. Ҳеч бизга қони қўшилмади-қўшилмади-да.* Ҳ. Фулом, Машғал. **Қонига**

(ёки қон-қонига) сингмоқ Жуда ҳам хос бўлган хусусиятга, одатга айланмоқ. *Темур сарбозларидек қилич чопиш.. енгил, катта ўлжалар билан қайтиш Хуросону Мовароуннахрлик сарбозларнинг қон-қонига сингиб кетган.* Мирмуҳсин. Меъмор. **Қонига ташна қилмоқ** (ёки этмоқ) Жуда ҳам безор қилмоқ, жондан тўйдирмоқ. *Холохунбой бу ҳолдан олади нашъа, Этиб меҳнат аҳлини қонига ташна.* Файратий. **Қонини сўрмоқ** Мажбурлаб, эзиб, кучидан фойдаланмоқ. *Менинг бу ерга келишдан мақсадим меҳнаткашларнинг қонини сўриб келган муштумзўрларни таг-томири билан тугатишда сиз ағаниларимга ёрдам беришдир.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚОНАМОҚ Кесилиш, тилиниш, ситилиш, ёрилиш натижасида қони чиқмоқ, қони оқмоқ. *Тикан кириб, қўли қонади.* ■ *Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонаганини кўрган Бегимхон хахолаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Бурни қонамоқ 1) бурнидан қон келмоқ. *Уни офтоб уриб, бурни қонади;* 2) кўчма жабр кўрмоқ, шикаст емоқ; азият чекмоқ. *Жангнинг тез тугаллангани.. Фарғонада қатли ом у ёқда турсин, бирон кишининг ҳам бурни қонамагани меъмор Нажмиддин Бухорийни.. хурсанд қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚОНДИРМОҚ Қонмоқ фл. орт. н. *Нафсини қондирмоқ.* Экинларни сувга қондирмоқ. *Ғўзаларни қондириб суғормоқ. Талабни қондирмоқ.* ■ *Қайин отамга ёзганим қисқа бўлгани учун, сиз унга мендан эшитганларингизни сўзлаб қондирарсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Африка арслони ўз она кўкси — Нилдан қондиради ташналигини.* Ғ. Фулом.

2 айн. қониқтирмоқ 2. *Қамишқапаннинг тенг ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш, биринчи галда, унинг вазифаси эмасми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚОНДОШ 1 Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб; қони бир; қариндош. қон-қардош. *Менга қондош, жондош бўлган эл Гадо эди, қашшоқ эди, хор.* Ҳ. Олимжон. *Азал-азалдан бир-бирига қондош-қариндош, дўст-биродар бўлиб келган халқларимиз, ота-боболаримизнинг тарихий традицион биродарлик қарвонлари изидан юрмак навбати бизникидир.* Ғ. Фулом, Тарихий муносабатлар.

2 *кўчма Қони бир каби ўзаро боғлиқ бўлган, бирликка эга бўлган. Нева бўйларида юраман бу кун, Шимол шаббодаси юзга урилар.. Ботир халқ жонини бергудай тун-кун, У менга қадрдон, қондош кўринар.* Р. Бобожон. *Ўзгаллик фақат лутф билан эмас, умуман, шеърят билан қондош ва жондошдир.* «УТА».

ҚОНИҚАРЛИ Қаноат ҳосил қила оладиган, қаноатланарли деб бўладиган. *Қониқарли жавоб. Қониқарли баҳо. Ҳисобот давридаги иши қониқарли топилди. Қониқарли ишламоқ. Қониқарли ўқимоқ.*

ҚОНИҚАРСИЗ Қаноатланарли деб бўлмайдиган, қаноатланарсиз. *Қониқарсиз жавоб. Иш қониқарсиз олиб борилмоқда.*

ҚОНИҚИШ 1 **Қониқмоқ** фл. ҳар. н. *Ўзгаларнинг қониқишига ҳали бор.*

2 Қаноат ҳисси, мамнунлик. *Зўр (чуқур) қониқиш билан таъкидламоқ. ■ Дехқонлар чехрасида қониқиш.. миннатдорчилик белгиси чақнаб турарди. Ҳ. Нуъмон, Янги уфқлар.*

ҚОНИҚМОҚ 1 *айн. қонмоқ. Уйқуга қониқдингизми, Жўра ака? Ойбек, Танланган асарлар. Фазлиддин.. аччиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошни кўшди. Ойбек, Танланган асарлар. У ўзида яқинларини кўрмоққа, сўзлашмоққа эҳтиёж сезар, сўзлашиб, негадир қониқмаганини ҳис этар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Қаноат ҳосил қилмоқ, қаноатланмоқ. *Тўла жавоб бердингиз, қониқдик, ука. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Шинам кватирасида ўз ишларидан қониққандай масрур ётган Умид ўқиётган китобини ёпди-да, кўчага чиқди. Мирмуҳсин, Умид.*

ҚОНИҚТИРМОҚ 1 **Қониқмоқ** фл. орт. н. *Тўйнинг қий-чуви, меҳмонларни чой билан қониқтириш учун шошилиш.. каби юмушлар Гулнорни Йўлчи олдига аста-секин яқинлашувга мажбур қилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ, бажармоқ. *Бировнинг талабини қониқтирмоқ. ■ Дадангизнинг орзусини қониқтириш — сизга фарз. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚОНИҚҚУВЛИК *кам қўлл. айн. қониқарли. Шу кечат кундузда ишимиз қониққувлик эмас-ку. Ҳ. Назир, Олмос.*

ҚОНЛАМОҚ *эпн. Жонлиқ сўйиб, унинг қонини беморнинг баданига сурмамоқ. Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Бахши*

ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб, қонлади. А. Қаҳҳор, Бемор.

ҚОНЛИ 1 Қони бўлган, қони бор. *Иссиқ қонли ҳайвонлар. ■ Унсин.. акасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Қон юкли, қон теккан, тўкилган. *Қонли қилич. ■ Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди. Ойбек, Танланган асарлар. Муҳаррам жуда шошиб қолган эди. Унинг кўз олдига қонли майдону эрининг чўзилиб ётгани келди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

3 Қон тўкиш, хунрезлик билан содир бўладиган. *Қонли урушлар. Қонли жанг. ■ Кўп сирларнинг, қонли кунларнинг Гувоҳисан, улуғ Днепр. Файратий. Уни жонига теккан бир ёки бир неча қарздори ўлдирган, ё бўлмаса, бирор ўзидай ахлоқсиз рақиби ундан қонли ўч олган. С. Айний, Эсдалиқлар.*

Тўла қонли, тўлақонли *Ҳар жиҳатдан мукаммал. Ҳазондошларининг тўла қонли образларини роман, повесть, шеърларда ўқишни, саҳна ва экранларда кўришни ис-тайдилар. Газетадан.*

ҚОНЛИҚ *шв. Жонлиқ.*

ҚОНМОҚ 1 Талаб даражасида еб, ичиб тўймоқ, нафси ором олар даражада емоқ, ичмоқ ва ш.к. *Уйқуга қонмоқ. Чойга қонмоқ. ■ Салқин булоқлардан қонар йўловчи. Миртемир. Севган қизи билан ҳеч бўлмаса бир томошага бориб, бир қониб гаплашиш истаги гўё унинг қоронғи кўнглига ёғду сочгандай бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ота-онаси, ўртоқларини меҳри қониб-қониб кўрса, дийдорларига тўйса. Ф. Расул, Адолат.*

2 Кўнгли тўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ, қаноат қилмоқ. *Озга ҳам қонмоқ. ■ Яхши қолинг, севган юрту дийрим! Хизмат қилиб қонмай, қонга бўялдим. Ҳамза.*

3 *кам қўлл. Қаноат, ишонч ҳосил қилмоқ ишонмоқ. [Содиқ:] Муталбой сизни обдан яхши биладур, Ҳомид ака! Сизнинг қандай хизматингиз борлигига ҳам қонган.. Аммо унинг сиздан бир штимоси бор экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚОНСИЗ 1 Қони йўқ, қони бўлмаган,

2 Қони оз; қони қочган, ранги ўчган, ранги оқарган, рангсиз. *Унинг қонсиз юзларидан яқинда госпиталдан чиққани сезилиб турарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.*

ҚОНСИЗЛАНМОҚ 1 Кўп қон йўқотмоқ; қони камаймоқ.

2 Қони, ранги қочмоқ, ранги ўчмоқ, оқармоқ. *Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланечук ҳолатга кирган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ҚОНСИЗЛИК 1 Қони йўқлик.

2 тиб. Камқонлик. *Бари бир ўласан, очликданми, қонсизликданми, қийналиб, хор бўлиб ўласан. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ҚОНСИРАМОҚ 1 Кўп қон йўқотиб, қонсизланиб заифлашмоқ. *Унинг кўз ўнгидан бутун олам йўқолиб, фақат икки нарса қолди: қонсираб оқаришган.. дудоқ, дока билан боғланган томоқ. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

2 Қон тўкишни қўмсамоқ, қонга ташна бўлмоқ. *Қонсираган ханжарини белига осиб, ойболтасини кўтарган жаллод қушбегининг ҳукмига мунтазир эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Азим қонсираб ётган йиртқич кўзларини пилпиллатди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚОНТАЛАБ 1 Кўп қон йўқотган, қонсизланган, қонсираган.

2 Қон тўкишни қўмсаб қолган, қонсираган, қонга ташна. *Кўзлари хонасидан чиқай дейётган, қонталаб жаллод Жуманиёз пучуқ «айбдор»нинг кетидан ханжарини яланғочлаб эргашди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

3 Интиқом, ўч, қасос олиш пайида бўлган, қонга қон талаб қилувчи. *Қонталаб рақиб.*

ҚОНТАЛАШ 1 Шикастланишлар ва баъзи касалликлар таъсирида юмшоқ тўқималарга қон қуйилиши; қон қуйилган ҳолат, кўриниш. *Қонталаш доғлар.* ■ *Банди қонталаш лабларини аранг қимирлатар, бирок гапиролмасди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Мулла Тўраҳон.. хавф-хатардан қутулганига ишонган, кўш қўллаб зийкни очди ва қонталаш нешонасини кўрсатди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

2 кўчма Қон тепиб турган, серқон, қипқизил олмадек. *Зайнобиддиннинг гўштдор, қонталаш юзларида ҳамшиша жилмайиш. Мирмуҳсин, Тирик товон.*

3 кўчма Қизил тусга кирган; қизарган, қизил. *Қонталаш уфқ.* ■ *Қонталаш осмон хиралашиб, адирлар орқасидан этагини судраб оқшом кела бошлади. Ў. Ҳошимов, Чўл ҳавоси.*

ҚОНТАЛАШМОҚ 1 Зарбдан ёки касаллик натижасида қизармоқ, кўкармоқ; моталоқ бўлмоқ. *Тош теккан жойи қонталашиб кетибди.* ■ *Унинг юзлари шишлиб, қонталашиб ётарди. Мирмуҳсин, Чўри.*

2 кўчма Серқонликдан қип-қизил бўлиб турмоқ. [*Директорнинг*] *Семизликдан кўзлари қисилиб кетаёзган, қонталашган юзлари тирсиллаб, ёрилиб кетгудай. А. Муҳиддин, Юзига чарм қоплаган киши.*

3 кўчма Қизил тусга кирмоқ, қизармоқ. *Уфқда қора тутун, қонталашган осмон. Ғ. Фулом. Зиндонбон, ҳозир ўлжасига ташланаётган йўлбарсдек, қонталашган кўзларида ҳирс.. секин-секин унга яқинлашиб келарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚОНУН 1 |a. قانون – тартиб, қоида, қўрсатма; ҳуқуқ; кодекс; усул, расм] 1 фл. Объектив борликда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамшиша мавжуд бўлган муҳим, зарурий, барқарор боғланиш, муносабат. *Ижтимоий тараққиёт қонунлари. Табиат қонунлари. Диалектика қонунлари. Тафаккур қонунлари. Зиддиятларнинг бирлиги ва кураши ҳақидаги қонун. Энергиянинг сақланиш қонуни.* ■ *Ҳа, баракалла, таъсир ва акс таъсир қонуни, тўғри, ҳудди шунинг ўзи. С. Кароматов, Олтин қум. ..метатега қонуни тил тараққиётининг яқин даврлар ичида пайдо бўлган фонетик ҳодисаси бўлмай, балки жуда қадимги ҳодисадир. «ЎТА».*

2 ҳуқ. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгилловчи расмий қоида; ана шундай муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. *Жиноят қонунлари. Қонунлар тўплами. Қонун чиқармоқ. Қонун чиқарувчи орган.* ■ *Адвокатим қонунни сув қилиб ичиб юборган қонуншунос, – деди Авазбой. Н. Сафаров, Оловли излар. Мамлакатнинг ичкарисида бирон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг якка тортасан, бу ерда [фронтода] қонунни бузсанг, жазосига бошқаларни ҳам шерик қиласан. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Ушбу қонун қабул қилингандан буён.. ноҳукумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик жадал сурьатлар билан ривожланди. Газетадан.*

3 Бажарилиши шарт, мажбурий бўлган, одат, қоида тусига кирган иш-амал, талаб,

топшириқ ва ш. к. *Отасининг сўзи* — унинг учун қонун. ■ *Аҳмад бу ерда меҳмон ҳисобланарди. Меҳмоннинг раъйи эса мезбон учун қонун* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг ҳар бир гапи қонун. Тур деса, Сотбой туради. ўтир деса, ўтиради. «Муштум».* Жамоа авзолари учун барча иш жараёнларини сидқидилдан бажариш қонун бўлиб қолган. Газетадан.

4 Бир динда қабул қилинган ахлоқ ва расм-русум қоидалари тизими. *Шариат қонуни*.

ҚОНУН II [а. قانون — бир турли мусиқа асбоби] Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, чангга ўхшаш, қадимий торли-тирнама чолғу асбоби. *Хўжа Абдулло. ажойиб қонун чаларди, шеър айтарди.* Ойбек, Навоий.

ҚОНУНАН [а. قانوناً — қонун бўйича, қонунга асосан; қонуний] Қонунга мувофиқ, қонуний равишда, қонун бўйича, қонун йўли билан. *Унинг ҳар бир раъйига Нормухаммад қушбеги қонунан мажбур бўлма-са-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОНУНБУЗАР Қонунга риоя қилмайдиган, унга хилоф ҳаракат қилган ёки қиладиган, қонунни бузувчи. *Бора-бора Петров мен деган қонунбузарга айланди-қолди.* И. Сулаймонов, Кўланкаси майдон.

ҚОНУНБУЗАРЛИК Муайян қонун қоидаларга риоя қилмаслик, уларни тўғри ёки умуман бажармаслик. *Агар истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилса, сотувчи йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатини ихтиёрый равишда тузатишдан бош тортса, у қаерга мурожаат этиши керак?* Газетадан.

ҚОНУНИЙ [а. قانونى — қонун ва қонунчиликка оид; ҳуқуқий; ошқора] 1 Қонун билан белгиланган, қонунда кўрсатилган; қонун билан тасдиқланган. *Қонуний ҳуқуқ.* ■ *Завод Фиёсиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳаққи йўқ эди.* С. Аҳмад, Ҳуқм.

2 Шундай бўлиши шарт бўлган, талаб этиладиган. *Қаюмхон, гўё шундай бўлиши қонунийдек, сира тортинмай, тўрга чиқди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Ўз-ўзидан келиб чиқадиган, содир бўлиши муқаррар бўлган; табиий. *Қонуний савол.* *Қонуний эътироз.*

ҚОНУНИЙЛИК I Қонунга мослик. *Талабнинг қонунийлиги. Ҳодисаларнинг қонунийлиги.* ■ *Қонунийлик, очиқлик, ошқоралик ва тенг ҳуқуқлилиқ сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир.* Газетадан.

2 айн. **қонуният 2.**

ҚОНУНИЯТ [а. قانونیت — қонунийлик; масаланинг ҳуқуқий томони] 1 Объектив ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва уларнинг қонунлари. *Объектив қонуниятлар. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари.* ■ *Зилзила ҳосил бўлишининг сейсмогеотектоник қонуниятларини билишда янги, аниқ маълумотлар олинди.* «Фан ва турмуш».

2 Иш, ҳодиса ва ш.к.нинг юз беришини қайд этувчи шарт-шароит, асос; қонунийлик. *Тил системасида юз берган ўзгаришларнинг қонунияти.*

ҚОНУНЛАШМОҚ I Қонун билан тасдиқланмоқ; қонун тусига, кучига кирмоқ. *Табиий танланиш, табиатдаги ҳамма нарсаларнинг бир-бирига боғлиқлиги миллионларча йиллар давомида такомиллашган, мослашган, қонунлашгандир.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Қонуний деб тан олинмоқ; легаллашмоқ. *Қонунлашган ташкилот.*

ҚОНУНЛАШТИРМОҚ **Қонунлашмоқ** фл. орт. н. *ЎзР Олий Мажлиси янги имло қоидаларини қонунлаштирди.*

ҚОНУНЛИ кам қўлл. 1 Муайян қонунлари бўлган ва уларга амал қиладиган. *Қонунли давлат.*

2 Қонунга асосланган; қонуний. *Қонунли иш.*

ҚОНУНСИЗ I кам қўлл. Муайян қонунлари бўлмаган, ҳар ким ўз бошига, ўз хоҳишига кўра иш қиладиган.

2 Қонунга тўғри келмайдиган, қонунга хилоф, гайриқонуний. *Қонунсиз иш. Ўзгаларнинг ерларини қонунсиз босиб олиш.* ■ *Албатта, Аҳмадjon ном чиқариш учун қонунсиз йўللار билан иш битиряпти, деганлар ҳам бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар санлиғи.

ҚОНУНСИЗЛИК Қонунга риоя қилмай, унга хилоф равишда иш тутиш, гайриқонуний хатти-ҳаракат; бошбошдоқлик, бедодлик. *Ўзбекистонга юборилган, «десантчилар» деб аталган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.* Газетадан.

ҚОНУНЧИЛИК I Ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг қонунлар билан таъминланиши (таъминланган) ҳолати. *Қонунчиликни мустаҳкамлаш. Қонунчилик палатаси.* ■ *Қонунчилигимиз туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ўтказиш. каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштиради.* Газетадан.

2 Бирор мамлакатга ёки соҳага оид қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи. *Жиноятга оид қонунчилик. Меҳнатга оид қонунчилик.*

ҚОНУНШУНОС [а. + ф. *قانунشناس* — қонунни ўрганувчи, билувчи] Қонуншунослик, ҳуқуқшунослик мутахассиси; юрист. *Адвокатим қонунни сув қилиб ичиб юборган қонуншунос.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚОНУНШУНОСЛИК Қонунлар ҳақидаги ўқув предмети.

ҚОНХҲҮР I Ўлдириб, қон тўкиш ишлари билан шуғулланувчи. *Қонхўр жаллод.* ■ *Кўшинларимиз қонхўр газандаларни тезроқ ҳайдаб чиқаришга.. ҳозирлик кўрар эдилар.* Назармат, Жўрлар балад сайрайди. *Уша қонхўрлар мени ўлдириб кетиша қолса бўлмас эканми?!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 кўчма Кишиларни шафқатсиз эзувчи, эксплуатация қилувчи, золим. *От, ўлдир! Бола бермаймиз қонхўр подшога.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОНХҲҮРЛИК Қонхўрга хос иш, хатти-ҳаракат; қонхўр эканлик. *Аслида.. на подшоҳни ва на амирзодаларни хуш кўрарди — баъзида уларни қонхўрликда айблаб, номларига носоз сўзлар айтиб юборарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОН-ҚАРДОШ Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан); қариндош, қондош.

ҚОН-ҚАРДОШЛИК Қариндошлик, қондошлик; ўзаро яқинлик. *Сирбой халқларимизнинг улуғ дўстлиги, қон-қардошлиги бошланган кун билан тенгдош экан.* Миртемир, Куйла, жигарим.

ҚОН-ҚАРИНДОШ айн. қон-қардош.

ҚОП Сочилувчан нарсалар солиб қўйиладиган, мата, чипта ва ш.к. дан тикилган, халтадан катта, қанордан кичик рўзгор буюми. *Қаноп қоп. Чипта қоп. Қоғоз қоп.*

Қанор қоп. Бўш қоп тик турмас. Мақол. ■ *— Мен сизларга.. мана бу совғаларни олиб келувдим, — деди қопни кўрсатиб..* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *..қопнинг оғзини очиб, элакка ҳовучлаб ун солди, қопнинг оғзини яна бураб қўйди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

Бир қоп ёнғоқ қ. ёнғоқ.

ҚОПАҒОН Қопиб, тишлаб оладиган, қопонғич. *Қопағон ит.*

ҚОПИ шв. Эшик. *Ҳой ука, секинроқ гапир, қопининг орқасида одам бор.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚОПИНМОҚ шв. Куймоқ, ўртанмоқ, ёнмоқ. *Ич куйган сўнг юрак ўтдай қолинар.* «Равшан».

ҚОПЛАМ I Бирор нарсани сиртдан ўраб, қоплаб турган нарса. *Қор қоплами.* ■ *Ҳайвонларнинг ранги деганда, жун қоламининг ранги тушунилади.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 Бир қоплашли, бир қоплашга етадиган. *Бир қоплам пахта. Тўйга яна олти қоплам пахта керак.*

ҚОПЛАМА I Бирор нарсанинг сиртига, бетига, устига қопланган, ўралган, сирилган ташқи қатлам ёки ғилоф. *Деворнинг мрамор қоламаси. Мебель қоламаси. Йўлнинг асфальт қоламаси. Тиш қоламалари. Қолама материаллар.* ■ *Чумчуқ тумшуги билан симнинг қоламасини кетма-кет чўқиб кўрди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 айн. қоплам I.

Қолама кўрпа Авра-астари устидан янги авра-астар кийдирилган, лекин қавилмаган кўрпа.

ҚОПЛАМОҚ I I Устини ёки ҳамма ёғини қамрамоқ, буркамоқ, босмоқ. *Кўк юзини булут қолади. Хонани тутун қолади. Бутун борлиқни қоронғилик қолади.*

2 Сатҳини, юзасини, бетини эгалламоқ; банд қилмоқ. *Сув бетини муз қолади. Қирларни ям-яшил майсалар қолади. Далаларни қор қолади.* ■ *Устини қовжироқ ўтлар, сарғиш қамишлар қолаган кўҳна қабрлараро кезди.* С. Сиеёв, Аваз.

3 кўчма Қамраб, эгаллаб олмоқ (мавҳум нарсалар ҳақида). *Унинг бошини турли фикрлар, режалар қолади.* Ойбек, Навоий. *Муроднинг қалбини хижолат аралаш севинч қолади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Эъозхоннинг кўнглини аллақандай шубҳалар, соғуқ ваҳималар*

қоплаб, ўзини беҳол сезди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қиз бутун вужудини тўсатдан қоплаган оғриқ билан онасини хотирлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор нарса сиртини, бетини, устини бошқа нарса билан ўрамоқ, сиртига, бетига, устига бошқа нарса сирмоқ, ёпиштирмоқ, тўшамоқ, ётқизмоқ. *Деворга мрамор плиталар қопладик. Диванга духоба қопламоқ. Йўлни асфальт билан қопламоқ.*

Кўрпа қопламоқ 1) кўрпа тикмоқ, кўрпа тайёрламоқ. *Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, партўшаклар олмоқчи бўладилар.* А. Қолирий, Ўтган кунлар; 2) кўрпанинг авра-астари орасига пахта солмоқ, *Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қоплаб, қавиқдан чиқарди.* А. Ҳайитметов, Унсин хола.

5 Тўсмоқ, беркитмоқ; эгалламоқ. *Қули билан оғзи-бурнини қопламоқ.* ■ Сафаров супадаги кигизни тортиб, аланганинг устини қоплади-да, югуриб, ташқарига чиқди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Эшик очилиб, барзангидай йигит чиқди, гавдаси билан эшикни қоплади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мўйсафид домла бутун деворни қоплаган катта доскага темаларни ёзишга киришди.* О. Ёқубов, Муқаддас.

6 Талаб, эҳтиёжга етарли бўлмоқ. *Уларнинг топган пуллари рўзгор эҳтиёжини зўрға қопларди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Яшиннинг даромади эҳтиёжимизни қопламасди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

7 кўчма Йўқотилган ёки етишмайдиган нарса ўрнига ўрин бўлмоқ, ўрнини тўлдирмоқ, босмоқ. *Зарарни қопламоқ. Қарзни қопламоқ.* ■ *Дехқоннинг минг машаққат билан экиб олган ҳосили харажатни қоплай олмасди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шунинг учун бутун чиқимини қоплайдиган давлат тўпламаса бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўзига (ёки бетига) чарм қопламоқ қ. чарм.

ҚОПЛАМОҚ II Қопга солмоқ, қопга жойламоқ. *Бугдой қопламоқ.* ■ *Бу кишилар сабзи ковлаб, қопламоқда эдилар.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҚОПЛАНМОҚ I Қопламоқ I фл. мажҳ. н. *Хона тутун билан қопланди. Осмон булут билан қопланди. Харажат тез қопланди. Ажин билан қопланган пешона.* ■ *Самовар-*

чи тоғорага қайноқ сув қуйиб, жўмрагига жез қопланган чойнакларни.. юваётган эди. С. Аҳмад, Уфқ. *Бутун борлиғи руҳий азоб билан қопланган Саодатхон бўйинини эггани ҳолда.. уйга кириб кетди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ҚОПЛАНМОҚ II Қопламоқ II фл. мажҳ. н. *Ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди ва қопланди. Қопланган ун.*

ҚОПЛОВЧИ I I Қопламоқ I фл. сфдш. *Бутун хонани қопловчи палакни аёллар бошлари узра баланд кўтардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қоплаш, сириш каби ишлар билан шуғулланувчи ишчи, мутахассис. *Мебель қопловчилар. Кўрпа қопловчи аёл.*

ҚОПЛОВЧИ II Қопларга юк жойлаш билан шуғулланувчи киши. *Пахта қопловчилар. Ўғит қопловчи ишчи.*

ҚОПЛОН I Мушуксимонлар оиласига мансуб, мўйнаси қалин сарғиш тусли, қора ҳалқа доғлари (холлари) бор йирик сут-эмизувчи йиртқич ҳайвон.

2 кўчма Жасур, мард одам ҳақида. *Попоқ кийган қаҳрамон, Гавдали қоплон. Темир панжанг билан тўк Душманингдан қон!* Ҳамза.

ҚОПМОҚ I Тишлаб олмоқ, тишламоқ (ит, туя ҳақида). *Итни қопмас деб бўлмас. Мақол. Ит қутурса, эгасини қопади.* Мақол. ■ -Э, юраверинг, қопмайди! — деди орқада келаятган Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 шв. Тишламоқ. *Не бедовлар жазосини топади, Бир нечаси ағнаб, қумни қопади.* «Алпомиш».

3 кўчма Жеркиб, уришиб гапирмоқ, дағал гап қилиб, дилни оғритмоқ. *Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб (гапирар).* Мақол. ■ -Давлатбахт қани? Нега у келмади? — қопиб гапирди Оллоёр. Ойбек, Навоий.

ҚОПОНҒИЧ айн. қопагон. *Қопонғич ит.*

ҚОПТИРМОҚ Қопмоқ фл. орт. н. *Итга қоптирмай, туяга тептирмай* Меҳрибонлик билан, аяб-авайлаб, арқоқлаб каби маъноларда ишлатиладиган ибора.

ҚОПУ шв. Эшик, эшик табақаси. *Ит дарвоза қопусини тишлаб кемира бошлади.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚОПЧА айн. қопчик.

ҚОПЧИҚ I Кичкина қоп, халта, халтача. *Нормат қопчиғини очиб, бугунги норма нони, шакарини ўртага қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сувонжон эртасига ваъдалашган*

вақтда етиб келди. Унинг орқасида қопчиқ, қўлида пўстин, елкасида милтиқ бор эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Пул соладиган халтача, ҳамён.

3 анат. Пуфак, пуфакча. Кўз ёши қопчиги.

ҚОПҚА эск. Дарвоза. Шаҳар қопқаси. ■ Узингни камситма, Тошкентнинг ўн икки қопқасига борилса, кимнинг ери — Қурбон-ҳожининг ери-ку! Ойбек, Танланган асарлар. Кўкнинг қопқаси қоққан соатда, Қуёш кўз уқалаб уйғонар эди. Ғ. Фулом.

ҚОПҚОН I Ов қилинадиган ёки зарарли ҳайвонларни овлаш, илантириш, тутиш учун қўйиладиган мослама, қурилма. Учига катта оқ каламуш қамалган қопқонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Танланган асарлар. [Сувонжон] Етиб келганда, нақ тумшугидан илнган тулки қопқон билан олишаётган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Дом, тузоқ. Бектемир уларга қарамасдан, секин деди: — Қопқонга тушибмиз — бу қалай? Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳаммасини айтиб бергандан кейин, Темир қопқондан қутулиб бўпти. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

ҚОП-ҚОП Бир қанча қоп, жуда кўп қоп; нарсанинг ҳаддан ташқари кўплигини, мўллигини билдиради. Гап десанг, қоп-қоп, иш десанг, Самарқанддан топ. ■ Қоп-қоп олтин, кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ерга қоп-қоп арпа, бугдой ва араваларда беда келиб турарди. М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ҚОП-ҚОРОНҒИ Қоронғи с. куч. У [мингбоши] авахта эшигига келиб, тирқишидан қаради. У ер қоп-қоронғи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қоп-қоронғи узун йўлакдан ўтиб, ташқари ҳовлига чиқилади. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОПҚОҚ Идиш, сандиқ, яшик ва ш.к. нарсалар оғзининг очилиб-ёпилиб турадиган, бекитувчи қисми; ёпчиқ. Чойнакнинг қопқоғи. Қозоннинг қопқоғи. Соатнинг қопқоғи. Сандиқнинг қопқоғи. Чўнтакнинг қопқоғи. ■ Олимов қуён тушган яшикнинг қопқоғини маҳкамлаб, Аҳмадга узатди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОПҚОҚЛАМОҚ Қопқоқ билан бекитмоқ, қопқоғини ёпмоқ, маҳкамламоқ. Консерва банкаларини қопқоқламоқ. Яшикни қопқоқламоқ. Қудуқни қопқоқламоқ. Қопқоқлаш автомати. ■ [Ҳамробиби] Дастур-

хон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди. Р. Файзий, Эл меҳри.

ҚОПҚОҚЛИ I Қопқоғи бўлган, қопқоғи бор. Қопқоқли чойнак. ■ Унинг.. устида чўнтаклари қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жужун камзул. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қопқоқ билан бекитилган, қопқоғи маҳкамланган, қопқоқланган. Олимов.. бояги қопдан оғзи қопқоқли, бир ёғига сим тўр қопланган иккита яшикни чиқариб олиб келди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОР Сув зарраларининг совуқдан бирикиши натижасида юзага келадиган оқ кристаллчалар шаклидаги ёғин; шундай ёғин қатлами, тўплами. Биринчи қор. Майда қор. Лайлак қор. Паға-паға қор ёғмоқда. Қор курамоқ. Қорда чана учмоқ. Қолган ишга қор ёғар. Мақол. ■ Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган. Ойбек, Танланган асарлар. У қорда йиқилиб ётар.. нарироқда, қор орасида шапкаси қорайиб кўрунар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Қовоғидан қор ёғадн қ. қовоқ II.

ҚОРА I Ранг-туси мавжуд ранглارнинг барчасидан тўқ; қозонкуя, кўмир тусидаги; зид. оқ. Қора қозон. Қора соч. Қора кўз. Қора сиёҳ. ■ Мўттихон.. бугдойранг, қора қош аёл эди. С. Зуннунова, Олов. Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёғочларицеина қора кўмир бўлиб, чарс-чарс қилиб тутаб ётарди. Н. Фозилов, Дийдор.

2 Шу тусга мойил тўқ рангли; қорамтир. Қора нон. Қора гилос. Қора тупроқ. Қора булут. ■ Нимқоронғида рухсоридаги нўхатдек қора холини аниқ кўрди. С. Кароматов, Олтин кум. Қорани қора деманглар, Қоранинг ори келади. Қора майиз еганда, Қанддай ширин келади. «Кўшиқлар». Мулла Обид бўлса, афтига қора балчиқ сачратиб, ўзининг машҳур кетмони билан иш кўради. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган. Қора уй. ■ Долоннинг ўнг тарафидаги кичик қора ҳужрада Полвоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган. Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Қоронғи; нурсиз, зиёсиз; зид. ёруғ. Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора кучоғига олган қоронғи бир тун эди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Демак, юзмининг бир томони

кундек ёруғ-у, бир томони тундек қора экан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Уч қадрдон, уч опа-сингил Зулмат қучган қора ўрмонда. Х. Даврон, Қақнус.

5 Шахмат, шашка каби ўйинларда оққа зид доналар ва шу доналар билан ўйновчи томон. Қора билан ўйнамоқ. Қоралар ютди.

6 от Қора ёки қорага мойил нарса (кийим, мато ва ш.к.). *Байроқларга қора тутмоқ (тақмоқ), Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар..* Мақол. ■ *Кенг қишлоқни партизанининг Мотами қоплаб олди: Қора тақди ҳар билак.* А. Умарий.

7 от Бирор нарсанинг узоқдан ёки қоронғидан кўзга ташланувчи акси, ифодаси; шарпа. *Оппоқ қорда одамларнинг қораси елиб-югурарди.* А. Қаҳҳор. *Қўшчинор чироқлари. Машина ёруғидан ҳам талвасага тушиб, олдинда чопиб бораётган жайран қорасига кўзи тушиб, юраги ҳаприқиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Кўп утмай ҳаво бурчида азамат ҳаво лайнерининг қораси кўринди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

8 от Мўлжалга олинган ёки олинадиган нарса, нишон; мўлжал. *Қорага олмоқ.* ■ *Биринчи отган ёй қорадан бир қулоқ юқори кетди.* «Латифалар». *Мерган бўлсанг, ўшал оғочни қорага олиб отғил.* М. Осим, Ўтрор.

9 кўчма Умуман, салбий белгини, салбий белгига эгаликни билдиради; ёмон. *Қора ният. Қора кучлар.* ■ *Кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Паранжи курсин, мени шундай қора кунларга солди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Калладан қора хаёлларни қувиш керак, тушкунлик — энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шу гап билан бошқалар Қолди ер чизиб. Қора, шум тилаклари Ҳар ённи кезиб.* Файратий.

10 от кўчма Нотўғри, ёмон, ярамас нарса, иш. *Ароқнинг ўзи оқ, қилмиши — қора.* «Қанотли сўзлар». *Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акангизга қора юқтирмаслик учун Ўктамни ҳам оқлаяпсизми энди?* С. Зуннунова, Кўзлар.

11 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, улар англатган нарсага хос белги-ҳолатнинг кучли даражасини билдиради. *Қора совуқ. Қора қон йиғлатмоқ.* ■ *Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас гов..* А. Ори-

пов, Йиллар армони. *Нима қилади ўзини қора қийноққа солиб?! А. Мухтор, Туғилиш. Шундан кейин.. терлаб-пишиб, қора терга тушиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

12 кўчма эск. Маълум миқдордаги яхлит сумма. *Бир қора чўзсак, кифоя деб ўйлайман, озми, минг сўлкавой.* Ойбек, Улуғ йўл.

Ичи (ёки дили, кўнгли, юраги) қора Ўзганинг муваффақиятини кўролмайдиган; яхшилик, муваффақият тиламайдиган. *Дили қоранинг қилмиши — қийиқлик.* Мақол. ■ *Э-э-э, бу ҳам бойлар сингари ўз нафсини ўйлайдиган, ичи қора одам экан-да!* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Юзи (ёки бети) қора қ. юз 1. Қора ер бўлмоқ салб.** Ўлмоқ, ерга кирмоқ. *Кимсаной у ёқда, куёв бўлмай қора ер бўлгур на ўлигини кўрсатади, на тиригини.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қора киймоқ** Аза, мотам либосини киймоқ (қора, кўк каби қора ва қорага мойил кийим ҳақида). *Юсуфбек ҳожии хатми қурьон қилиб, юртга ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, тавзия очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қора курси (ёки стул) қ. курси.** *Қора курсига ўтираётган жиноятчига ўхшаб қолганидан, юзлари ловуллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унда [суратда] қора стулда ҳукм қилинган гуноҳкорлар ўтирарди.* Газетадан. **Қора меҳнат (ёки иш)** Маҳорат, малака талаб этмайдиган, оддий, ҳатто маълум даражада ифлослиги бўлган меҳнат, иш. *Манглайимизга битилгани шу қора меҳнат экан, нетамиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..ўқув ҳақи жамғариш учун ҳар қандай оғир, қора меҳнатдан ҳазар қилмадим.* Ойбек, Нур қидириб. -*Тортинма, Комилжон, — деди у жиддий, — қора ишга ҳам тайёрман.* И. Раҳим, Ихлос. **Қора тортмоқ 1)** ёрдам, ҳимоя умидида бўлмоқ; ўзиники (яқин) билмоқ; орқа қилмоқ. *Мен сизни қора торттиб келдим, Ўрмонжон ака. Сиздан бошқа ҳеч кимга гапира олмайман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кейин бобоимизни қора торттиб, бу ерга келдик, хотинлиям бўлдик.* «Ёшлик»; 2) бир объектни мўлжал қилиб олмоқ, иш-ҳаракатнинг боиси деб билмоқ. *Файрати ичига сиғмаган жон борки, бари қишлоқ биқинидаги тепаликни қора тортган.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. **Қора халқ (ёки одам)** Маданият, маърифат, билим кабиларга эга эмас; оми, тушунмаган. *Қора халқда тобелик, икром, андиша қолурми..*

С. Сиёев, Аваз. *Қора халқ уни қарсақлар билан олқишлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Оғайни, мен қора одамман. Заргар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Қора чақам йўқ айн. сариқ чақам йўқ қ. чақа 1.** *Аммо ёнида қора чақаси йўқ одамга бу [саккиз юз сўм] — жаҳаннамнинг қилқўригидай мудҳиш нарса.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қора қилмоқ 1) айн. қора тортмоқ.** *Қариндошларини қора қилиб, бу ерларга келиб қолган; 2) айн. қораламоқ 4.* *Улар от изини қора қилиб, бўри учраган тепаликка боришди.* С. Нуров, Нарвон. *Улар эрталаб ўтган қўй сурувларининг изини қора қилиб. тепаликлар оша юришди.* А. Ҳасанов, Чироқлар. **Қораси ўчмоқ** Кўринмай кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Поезднинг қораси ўчгунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб, изимга қайтдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қорасини кўрсатмоқ** Кўриниш бермоқ. *Полвон болам-ку, қорасини кўрсатмай, сувга тушгандек ғойиб бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Қорасини олмоқ** Қорасини илғамоқ, кўрмоқ. *Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда, Пойгачилар қорасини олади.* «Алпомиш».

13 Қора (эркаклар исми).

ҚОРААНДИЗ Мураккабгуллилар оиласига мансуб, тоғ-адирларда ўсадиган, кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик.

ҚОРААРЧА Сарвлар оиласига мансуб игнабаргли дарахт ёки бута, арчанинг бир тури.

ҚОРАБАЙИР Отнинг Ўзбекистонда етиштирилган, сатт миниладиган ёки аравага қўшиладиган, танаси қисқароқ, бели текис ва кенг бўлган зоти. *Атайин Самарқанддан иккита қорабайир олдириб келганлар.* С. Аҳмад, Уфқ. *Унинг учинчи бойлиги — қорабайир оти эди.* Ш. Холмирзаев, Огир тош қўчса.

ҚОРАБАЛИҚ Чучук сувларда яшайдиган, қорни тирқишли балиқ.

ҚОРАБАРАК Кўпинча шўрхоқ ерларда ўсадиган, кузда ва қишда туя ейдиган бута ўсимлики.

ҚОРАБОВУР Чўл ва даштларда яшайдиган, кўкраги қора тусли, каптарсимон ов қуши, булдуриқ.

ҚОРАБОШ Қорамтир тўпгулли, йўғон пояли қиёқ.

ҚОРАБУЗОВ Куракоёқли қушлар туркумига мансуб йирик сув қуши.

ҚОРАБУРА Тўғон, дамба, соҳилбўйи тўсиқларга, сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боғлаб тайёрланган шох-шабба боғлари.

ҚОРАБУҒДОЙ Буғдойнинг дони майда, паст нави.

ҚОРАВОЙ 1 Куракоёқли қушлар туркумига мансуб балиқхўр, сувда яшовчи қуш тури.

2 Қоравой (эркаклар исми).

ҚОРАГУЛ 1 Қора гулхайри.

2 Шу ўсимлик гулидан тайёрланган бўёқ. *Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр маҳсиларни [Шоқир ота] силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қоразул суркаб, уларга пардоз беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРАДОРИ Кўкнорининг думбул бошоғи ширасидан қуришиб тайёрланадиган, қаттиқ маст қиладиган гиёҳванд модда; тарёк, афюн. *Ҳожихон қорадори есалар, бирга еди.* *Ҳеч нарсадан ҳазар қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қорадорига ружу қўйиб, уни суиистеъмол қиладиган гиёҳванд 6–7 кун уни истеъмол қилмай қолса, тирик мурдадек тиришиб қолади ва, ниҳоят, ҳалок бўлади.* Газетадан. *Анави қорадорингдан мошдек бериб кет-да, бир ҳаз этай.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚОРАЖАНЖАЛ Халқ селекциясида чиқарилган, ўрта кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави.

ҚОРАЖИГАР 1 *анат. қ. талоқ.*

2 Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг шу аъзоси (масаллиқ, овқат сифатида). *Ҳасинга қоражигар солмоқ.*

ҚОРАЙИШ Одам терисининг қуёш нури ёки сунъий манбалар таъсирида қорамтир тус олиши; баданнинг тобланиши.

ҚОРАЙМОҚ 1 Қора тусга кирмоқ; қора ранг олмоқ (қ. **қора 1**). *Оқ кишмиш, қора кишмиш, Кишмиш қорайиб пишмиш.* «Кўшиқлар». *Тутаб ётган тутундан горга кираверишдаги тошлар қорайиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шох-шаббалари учган, ёнғиндан қорайган ўрмонлар туман орасида ваҳим бир сукут сақларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қорага мойил, тўқ ранг олмоқ (қ. **қора 2**). *Йўлчи қуёш ва дала шамоли билан бир оз қорайган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Холматжон сувсизликдан қорайиб кетган бир*

тун ниҳолни суғуриб олмоқчи эди, илдизи билан чиқмай, бўғзидан узилди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 Ифлослантирадиган нарсалар қоплаб, ўз тиниқлиги, тоза рангини йўқотмоқ; хира, кир тусга кирмоқ. *Журавой аввалига пинагини бузмайди, қорайиб кетган дўпписини бошидан олиб, кафтига бир уради-да, қайта кияди.* Газетадан. *Овқат пишиди. Қозоннинг ранги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор. *Яхшиямки осмон бор — ердан кўтарилган қанча-қанча ғуборларни ютгани билан қорайиб кетмайди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

4 Қоронғилик билан қопланмоқ; қоронғилашмоқ. *Қуёш бота бошлар.. гавжум қирларга Қорая-қорая тушалар оқшом.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Эртаси атроф қораяркан, Жондор вагончини ўз пинжигга олиб, «сухбат»га жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Бошқа нарсалардан ажралиб ёки ғирашира кўринмоқ, шарпаси кўринмоқ. *Чодир ёнида соядек қорайиб турган киши олдида тўхтаб, энгашиб, унинг бетига қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *..икки томондаги тоғ чўққилари осмон сатҳида элас-элас қорайиб кўринар эди.* О. Ёқубов, Излайман.

ҚОРАЙТИРМОҚ *Қораймоқ* фл. орт. н. Қошни қорайтирмоқ. *Офтобда баданини қорайтирмоқ. Ойналари қорайтирилган машина.* ■ *Бегона эркакнинг қўли оқ сочи қорайтирар эмиш. Тавба қилдим.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚОРАКАЛТАК *с.т.* Тўғри келган нарса билан қуролланиб уриш, уришиш; оломон. *Ҳирот томонидан ҳукумат қўшини ё қоракалтак оломони келиб қолса.. ишга халал етиши мумкин эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚОРАКАШ 1 Олдинга ундалса, орқага тисарилаверадиган, юрмайдиган; асов (от ҳақида).

2 *кўчма с. т.* Ужар, қайсар. *Сим қоқилган жойга ҳозирман.. ўжар, қоракаш хотинлар бўлса ҳам, бир минутда ўзимга ром қилиб.. сездирмай ишлайман.* «Муштум».

ҚОРАКЕСАК Гўштнинг ёғсиз юмшоқ жойи.

ҚОРАКОСОВ 1 *айн. қоракуюя 2.*

2 *кўчма* Қорайиб кетган; қоп-қора (қўл ҳақида). *Офтобдан ва чўл шамолидан қорайган қотма, ҳорғин юзи, ўқрайган кўзлари,*

қоракосов қўллари оғзидан чиққан сўзларни тасдиқлаб турарди. М. Осим, Элчилар.

ҚОРАКУЯ 1 Ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўладиган ва қозон остига, тутун йўлларига ўтириб қоладиган куя; қурум. *Трубаларни қоракуюдан тозалармоқ.* ■ *Унинг чаккаси тилиниб ёрилган, қон сизиб оқиб тушарди. Ўзи бўлса, устма-уст қоракую босарди.* М. Мансуров, Ёмби.

Ўзига қоракуюя суртмоқ Бадном қилмоқ, юзи қора қилмоқ. *Жуманни суд ҳам қилармиз, юзига қоракуюя ҳам суртармиз, бир умрга майиб ҳам қилармиз, майли.. лекин қурилишга бундан нима фойда?* А. Мухтор, Тугилиш.

ҚОРАКУЯ 2 Замбуруғлар қўзғатадиган, илдиз бўғзи ва поя асоси қорайиши билан кечадиган ўсимликлар касаллиги: галла экинларининг донига тушадиган ва уни зарарлантирадиган ун. *Аччиқ бегона ўтлар ва қоракуюя касаллиги тарқалган майдонлардан дон экинларини ажратиб ўриш зарур.* Газетадан.

ҚОРАКЎЗА Суғориладиган ерларда ўсадиган, бир йиллик сербарг ёввойи (бегона) ўт. *Қоракўзага қарши курашишда қарбин дориси жуда яхши натижа беради.* Газетадан.

ҚОРАКЎЛ 1 Асосан, Ўзбекистоннинг Қоракул туманида етиштирилган, ҳозирги вақтда иқлим шароитлари ўхшаш бошқа ҳудудларда ҳам тарқалган, кўзисидан жингалак юнгли мўйна олинадиган зотли қўй нави. *Қара.. қандай дилбар манзара: кунгай қияликлар, қоракўл қўйлари.. юз дардга даво мусаффо ҳаво.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Шундай қўй кўзисининг юқори навли жингалак териси, мўйнаси. *Қоракўл тайёрлаш. Қоракўл тери. Қоракўл қулоқчин. Қоракўл ёқа.* ■ *Пахта, ипак, қоракўл — Бойликларнинг мунча мўл.* Ё. Мирзо.

ҚОРАКЎЛЧИ Қоракўл қўйларини боқиш ва қоракўл териси етиштириш билан шуғулланувчи чорвадор. *Жуда соз-да, мен қоракўлчилар кенгашига келганман.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК Чорвачиликнинг қоракўл қўйларини боқиш, кўпайтириш ва қоракўл тери етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *У шунча йил қоракўлчилик соҳасида ишлаб, бундақа териларни деярли кўрмаган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ҚОРАЛАМА Хомаки тарздаги, ишлов бериб якунланмаган матн. *Саҳар туриб, у йўл тадоригини кўрди. Қоралама шеърларини олди.* С. Сиёев, Аваз. *Қораламалар чоп этилиши жараёнида бу саҳифалар силлиқланди.* Газетадан.

ҚОРАЛАМОҚ 1 Қора тус бермоқ, қора тусга киритмоқ, қора ранг билан бўямоқ, қора қилмоқ. *Матони қораламоқ. Ойнани қоралаб, қуёш тутилишини кузатмоқ.* ■ *Мотоцикл ерга ағанаганча, бензини тўкилиб, қор юзини қоралади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Қаламни қораламоқ эск. Савағич қаламни сиёҳга ботирмоқ, унга сиёҳ олмоқ. *Анвар ҳам мулойимгина кулжсираб олгач.. яна қаламини қоралаб, қоғоз устига бир-икки калима ёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қоғозни қораламоқ** Қоғозга ёзмоқ, қоғозга ёзувлар туширмоқ. *Хат ёзмадинг, дея койима мени, Қоғоз қоралашга тегмайди қўлим.* Уйғун. *Ундан анча кичик укаси ҳам, унга тақлид қилиб, қоғоз қораларди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Қоралама матнни, нусхасини тайёрламоқ, қоғозга туширмоқ. *Бурноғи йили бир роман қораловдим, ука. Қоралама чанг босиб ётувди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ишнинг бошида, расмларнинг чизгиларини қоралаб, ора-сира чалғиш учун шамдонларни дўқиллатиб ясаб юрган кезларида устахонасига Абдумалик кириб келди. «Ёшлик».*

3 кўчма Айблаб, ёмонлаб гапирмоқ ёки ёзмоқ. *Бу билан мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор. *Кўшчинор чироқлари. Аҳмедов ўз сўзида янги директорнинг ўқитувчиларни «ёмон» ва «яхши»га ажратиш олганлигини қоралади.* С. Зуннунова, Олов.

4 Кўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб юрмоқ, қорама-қора бормоқ. [Зикир] *Аёлга узоқдан салом ишорасини билдиргач, толлар орқасидан юриб, уни қоралаб келаверди.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. *Эргаш ака изни қоралаб, уч-тўрт қадам босдилар-у, тўхтаб қолдилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

5 Сон-миқдор билдирувчи сўз билан қўлланиб, шу сўз англаган ёшга яқинлашишни билдиради. *Саксонни қоралаган чол.* ■ *Низомов олтмишни қоралаган бақалоқ киши эди.* С. Сиёев, Отлик аёл.

ҚОРАЛИК Қора эканлик, «қора» сўзининг маъноларига алоқадор мавҳум от. *Бахти қоралик. Ичи қоралик.* ■ [Кумушнинг] *Камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсатган, бир оз бота турган шахло кўзлари тағин ҳам тим қоралик, тағин ҳам нурлилик касб этган эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

ҚОРАЛОВЧИ 1 Қораламоқ фл. сфдш. *Аҳмад Хусайн.. муҳаррир билан учрашувнинг оқибатини.. қораловчи ифодаларда баён қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 ҳуж. Суд олдида судланувчининг айбдор эканлигини қувватловчи; айбловчи. *Давлат қораловчиси. Жамоат қораловчиси.* ■ *Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб.. Олиянинг ўзи охирги сўздан воз кечиб, суд ҳайъати.. қамоқ муддатини эълон қилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ҚОРАМАЛДОҚ Бошмалдоқ билан ўрта бармоқ ўртасидаги иккинчи бармоқ; кўрсаткич бармоқ. *Одатда навқирон ишчилар ўнг қўлнинг қорамалдоғи ва ўрта бармоғидан маҳрум бўлиб туришади.* Газетадан.

ҚОРАМАШОҚ 1 Бир турли ўтсимон ўсимлик. *Кўйлар қорамашоқ, кўнғирбош.. ўтларини севиб ейди.* Газетадан.

2 шв. айн. қарға **2**.

ҚОРАМА-ҚОРА Кўздан қочирмай, қораси билан кетма-кет. *Бошқалар эса қорама-қора бориб, кўча оғзида тўхтаб қолишди.* С. Зуннунова, Олов. *Азизхон икки қўлини орқасига қилиб, шошилмай борар экан, нотаниш йўловчи унга эргашиб, қорама-қора келарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОРАМАҒИЗ Қорачадан келган; қоратўр(и), қорача. *Қорамағиз йигит.* ■ *Ҳали узоқ бўлса ҳам, унинг офтобда пишган қорамағиз юзини кўриб турибман.* Ш. Отамуродов, Кўнгил. *Бўйнига катта бир шонни чирмаштириб олган.. қорамағиз йигит растага кириб келди.* Мирмуҳсин, Она.

ҚОРАМИҚ Қир-адирларда, ғаллазорларда ўсадиған, дони заҳарли бир йиллик бегона ўт. *Қорамик донаси бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл. Мақол.* ■ *Буғдойзорлардаги ҳосилни ўришдан олдин бегона ўтларни, айниқса.. қорамик каби заҳарли ўтларни албатта ўриб олиш керак.* Газетадан.

ҚОРАМОЙ Нефтдан бензин, керосин ва газолин ажратиш олингандан кейин қол-

ган қуюқ қора суюқлик; мазут. *Низомжон каттакон печда қорамой аралаштирилган кўмир кукунининг ловуллаб ёнишига қараб, жимгина ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОРАМОЛ Шохли, йирик чорва ҳайвони (ҳўкиз, буқа, сигир). *Чорва учун очилган бу йўлдан кўю кўзилар, эчкилар, қорамоллар ўтади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Йил бошида гўшт планини бажариш учун бозордан йиғирмата қорамол сотиб олинди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҚОРАМОЛЧИЛИК Чорвачиликнинг қорамол боқиш, уларни кўпайтириш ҳамда улардан гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш, саноатга тери ва б. хомашё етказиб бериш билан шуғулланадиган соҳаси. *Қорамолчилик фермаси.*

ҚОРАМТИР Қорага мойил, оч қора, сал қора. *Қорамтир булут. Қорамтир тунун.* ■ *Чуқур жар тубида қорамтир анҳор пишқириб, бўғиқ садо таратиб оқаётибди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли, қорамтир ялтизлар, сершоҳ жамбиллар ўсган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳиндуларнинг туслари қорамтир, кўз-қошлари қоп-қора бўлади.* С. Айний, Қуллар. *Абдишукур манглайи тиришган, кўзойнакли, этсиз қорамтир юзи ичига ботган.. ориққина киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРАМУҒ қ. **қорамик.** *Қорамуғнинг донасидай Кўзидан айланай шуни.* «Бойчечак».

ҚОРАПАТАК Кўй-эчкиларнинг тунаши учун гўнг қатламидан иборат тўшама.

ҚОРАПЎЧОҚ Ўзбекистонда яратилган, туси тўқ яшил, эти оқ, юмшоқ, ширин кечпишар қовун нави.

ҚОРАСОВУҚ Ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати мусбат бўлгани ҳолда, ўсимлик қоплами ва тупроқ усти қатламининг 0° ва ундан ҳам пасайиши (бу ҳодиса юз берганда, барглар совуқ таъсирида қораяди).

ҚОРАСОН I айн. **гангрена.** *Яна хат келди.. «чап оёғим қорасон бўлибди».* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Чорва моллари ва ипак қуртларига киргич келтирадиган юқумли касаллик.

ҚОРАСУВОҚ Дастлабки, пардозсиз сувоқ. *Деразаларнинг кўпи қорасувоқда, аксар деразаларга энди ойна солинаётир.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚОРАСУЛИ айн. **қоракўза.**

ҚОРАТОЛ Тол дарахтининг новдаси жигарранг-қизғиш, чайир бўладиган нави. *Қоратоллар хомуш бош эгиб турган қорамтир ҳовуз сатҳида бир тўп хазон қалқиб юрибди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚОРАТОМОҚ шв. айн. **жиблажибон I.**

ҚОРАТЎР(И) Қорачадан келган; қорамғиз, қорача. *Қизлардан қоратўргина келгани ўрнидан туриб, орқа этагини қоққан бўлди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Бошини рўмол билан тангиган, тахта зинадан тушиб келаётган қоратўри қиз Моҳидидан кўз узмасди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҚОРАЧА I Қорага мойил; қоратўр(и), қорамғиз. *Ўзи қорача бўлгани учунми, бу хол тезда кўзга ташлана қолмасди.* С. Зуннунова, Олов. *..сепкилли, қорача юзи салнал пардозланган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 тар. Ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси.

3 этн. Айрим туркий халқларда уруғ номи (мас., ўзбекларнинг қатагон, лақай, қирқ, сарой қабилалари таркибида қорача уруғи бўлган).

4 шв. Қора, авом халққа мансуб киши. *Ушу ёшга келиб, наинки худога, хатто буну — қорача, севгилисину — хўжа деб, бир-бирларининг қовушишларига.. йўл бермай келган урф-одатларга ҳам тил тегизмаган эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ҚОРАЧАКАК Атиргулдилар оиласига мансуб, ёввойи ҳолда ўсалган бута ўсимлиги. *Қорачакак ёввойи ҳолда ўсади.. Бойсун тоғида кўп учрайди.* Газетадан.

ҚОРАЧИРИК тар. I Кўнгилдилардан ташкил топган, дуч келган нарса билан қуролланган номунтазам қўшин.

2 Шундай қўшин сафидаги жангчи.

ҚОРАЧИРОҚ Ичига мазут ёки зигир ёғи солиб ёқиладиган, пиликли, чўяндан куйилган чироқ; лампа. *Қорачироқнинг пилиги тугаб қолди шекилли, у ҳам ўчиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ҚОРАЧИҚ Кўз рангдор пардасининг марказидаги қора рангли тешик (ундан кўзга ёруғлик нури ўтади; ёруғда торайиб, қоронғида кенгаяди). *..унинг ўлганига ишонмай, қовоғини кўтариб, қорачиғига қаради.* В. Ғофуров, Вафодор. *Давроннинг қовоғига ўқ парчаси тегиб шилиб кетган, кўз қорачиғини ҳам зарарлаган эди.* Т. Рустамов, Мангу жа-

сорат. *Узоқларга боқар сузук кўзингиз, Нуқтадай тор қорачиқдан оқар нур.* Ғ. Фулом.

ҚОРАЧОЙЛАР Россия Федерациясининг Қорачой-Черкасия Республикаси ва Ставрополь ўлкасида яшовчи, қорачой-болқор (туркий) тилида сўзлашувчи халқ.

ҚОРАШАҚШАҚ Чумчүксимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб сайроқи куш. *..йул четидаги тут томондан қорашақшақ шақшлаб учиб кўнди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҚОРАШҶРА Шўр ерларда ўсадиган ёввойи ўт. *Қорашўра ўсган жойлар ям-яшил далани эслатса-да, лекин у чорва учун бутунлай яроқсиз.* «Фан ва турмуш».

ҚОРАЯЛОҚ Чумчүксимонлар туркумига мансуб, гала-гала бўлиб учадиган қора куш. *Чугурчүк, загизгон, қораялоқ каби кушлар.. қора гилос шохларидан нари кетмас, боғча тўрини доим чуғур-чуғур овозлар босиб ётарди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ҚОРАҚАЙИН Тоғли худудларда ўсадиган, пўсти оч кулранг, ёғочи оғир ва қаттиқ йирик дарахт; шамшоднинг бир тури.

ҚОРАҚАЛПОҚ Қорақалпоғистон туб аҳолисини ташкил этувчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қорақалпоқ халқи.*

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Қорақалпоқ тили.*

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР Қорақалпоғистон туб аҳолисини ташкил этган, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қорақалпоқ халқи.

ҚОРАҚАНД I Сирти сал тилим-тилим, туси жигарранг тўқ яшил, пўсти қаттиқ, эти қалин кечпишар қовун нави.

ҚОРАҚАНД II Тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган бута ўсимлиги ва унинг овқатга солинадиган қорамтир майда сершира, нордон меваси; зирк. *У [зирк] майиз катталигида, ранги тўқ сапсар, қовжираб қуригани эса қорамтир тусда бўлади. Буни халқимиз «қорақанд» деб ҳам аташади.* Газетадан.

ҚОРАҚАРАҒАЙ Шох-шаббаси учли конус шаклида бўладиган, доимо яшил, игнабаргли дарахт ёки бута.

ҚОРАҚАРҒА қ. қарға.

ҚОРАҚАТ, қорағат Баъзи турлари зийнат учун, баъзи турлари эса меваси учун ўстириладиган хушбўй бута ўсимлик ва

унинг сершира, ширин ёки нордон-ширин, кўпинча қизил ёки қорамтир меваси; қора смородина. *Қизил қорағат. Қора қорағат. ■ Ғир-ғир шамол эсади, қорақат, чияларнинг ёқимли иси анқийди.* С. Муродбеков, Ёвшан иси. *Шишларни йўқотиш учун.. тарвуз, узум, қора қорағат ҳамда четан мевасини истеъмол қилиш керак.* «Фан ва турмуш».

ҚОРАҚИЁҚ Бошоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик; ажриқбош; ем-хашак экини.

ҚОРАҚОВУҚ Тоғли ерларда ўсадиган кўп йиллик, пиёзли доривор ўсимлик. *Янги дори тоғ ёнбағирларида ўсадиган қорақовуқ ўтидан олинади.* Газетадан.

ҚОРАҚОШ I бот. Мураккабгулдошларга мансуб, хушманзара ўтсимон ўсимлик. *Бойчечаклар кетидан қорақошлар очилди.. Қизлар қорақошлар терди, қулоқларига тақди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚОРАҚОШ II бот. шв. I Қора тусли, бўртиб чиққан йўли бор, кам этли ширин кузги қовун нави.

2 Сирти қалин тўрланган, туси оч яшил, эти ширин ва хушбўй ҳандалак тури.

ҚОРАҚУЙРУҚ айн. жайран.

ҚОРАҚУЛОҚ Мушуклар оиласига мансуб, тумшуги узун, қулогининг учи қора сүтэмизувчи ҳайвон.

ҚОРАҚУРТ Бўғимоёқлилар типининг ўргимчаксимонлар уруғи вакили: усти бахмалга ўхшаш, қора тусли; фақат урғочиси заҳарли бўлади. *Қорақурт чақаётганда, одам сезмай ҳам қолади. У, худди қандалага ўхшаб, чақиб қочади.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ҚОРАҚУШ Қарғасимонлар оиласига мансуб парранда; қора патли чўл бургути.

ҚОРАҚЎТИР Яра битаётганида, унинг устида ҳосил бўладиган қаттиқ пўст.

ҚОРБЎРОН I Шамол аралаш кучли қор ёғиши; қор бўрони. *Эрталаб бошланган қорбўрон тобора кучаймоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сурувнинг орқасида Бобоқул ота келарди. Қаршидан ҳамла қилаётган қорбўрон гўё унинг баланд қоматини букканди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бир-бирига қор юмалоқлаб отиш ўйини. *Қорбўрон ўйнаган қиз ҳам қўрқадими? Юраверинг. Мен кафил.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ҚОРГИЧ Қориш, қориштириш учун ишлатиладиган асбоб.

ҚОРЁҒДИ *этно.* Марҳумнинг вафотидан кейин биринчи қор ёққанда ўтказиладиган мотам маросими.

ҚОРИ [а. *قارى* — ўқувчи, Куръонни қироат билан ёддан ўқувчи киши] 1 Куръоннинг барча сураларини ёд олган ва уларни қироат билан ўқувчи шахс. *Куръонни бошдан-оёқ ёд олган «қорилар».. рўза ойида пул ишлаб қоладилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қози ёнидаги Асад қорига юзданди: -Имом домла, уқинг-чи, нима битибди буёнга.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фотиҳа тортилгандан сўнг, қутидор ва Офтоб ойим қорига пул бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўзи ожиз, кўр киши (ҳурмат юзасидан уларни шундай атайдилар). *Таёқ йўл кўрсатар аъмо қорига, Ул ҳам кўнган қисматида бориға.* «Эрали ва Шерали».

ҚОРИЛИК Қори иши, вазифаси. *У, мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиш насиб бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОРИЛМОҚ **Қормоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Терт яхши қорилди. Сутға қорилган хамир.* ■ [Ҳакимбойвачча] *Қаймоққа қорилган нонлар билан тўла дастурхон ёзиб, аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг тупроққа қорилган гавдаси юқоридан юмалаб тушиб, шу ерда тўхтаганига гувоҳ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚОРИН 1 *анат.* Тананинг қорин девори билан қорин бўшлиғидан иборат пастки, овқат ҳазм қилиш аъзолари, яна баъзи бошқа аъзолар жойлашган қисми. *Нормат анча ергача қорни билан судралиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қорни солинган биялар елинларини тирсиллатади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *У ўтирган ерида қоринини ушлаб, қотиб-қотиб кулади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *с.т. айн.* қорин бўшлиғи.

Қорин бўшлиғи Тананинг юқоридан, яъни кўкрак қафасидан диафрагма билан ажралиб турадиган, пастдан катта чанок бўшлиғи, орқадан умуртқа поғонаси, ёнбош ва олдиндан сербар мускуллар билан chegarаланган қисми.

3 *с.т. айн. меъда, ошқозон.* *Оч қоринга тушган ўтқир май виз эттириб қайнатди-да, томоқ остини ловулламоққа олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳозир.. қўй-қўзилар куни билан қоринларига йиққан овқатларини, бамайлихотир ётиб, кавиш қайтараётгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қорни оч Қорни (меъдаси)да ҳеч нарса йўқ, овқат (емиш) талаб. **Қорни очмоқ** Емиш талаб бўлмақ, овқат тусамоқ. -*Рост, қорним очди, — деди Турғунбой пешонасидан терларни сидираркан.* Т. Ашуров, Оқ от. *Қорним очса.. темир товоғимга озгина-озгина сут соғиб оламан..* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қорни тўймоқ** қ. **тўймоқ 1.** *Қорним нонга тўймапти, бирор иш толиб бер.* Т. Ашуров, Оқ от.

Қорни тўқ қ. **тўқ 1 1.** *Қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор?*

4 Ҳайвонларнинг масаллик сифатида ёки идиш сифатида ишлатиладиган шу аъзоси. *Ичак, қорин гўшт бўлмас, Душман асло дўст бўлмас.* Мақол. *Бир қорин майни бир қумалоқ чиритар.* Мақол. ■ *Тошхол буғланиб турган ўпка, жигар, буйрак, қоринларни пичоқ билан нон устига олиб қўйгач, бармоқларига пуфпуфлаб тўғрай бошлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Хуржуннинг икки кўзини тўлғазиб, қоринда мой келтирадиган қишлоқи мурид Тиллабой келиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Тирикчилик, ейиш-ичиш; қурсоқ, жигилдон, нафс. *У фақат қоринини ўйлайди.* ■ *Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳадеб қоринни ўйлаш керак эмас.* С. Сиёев, Ёруғлик.

6 *кўчма* Қумғон, чойдиш, оптова, хум, кўза каби идишларнинг нарса солинадиган, ташқарига қаппайиб чиққан кенг, йўғон қисми. *Бутилқанинг қорни. Кўзанинг қорни. Самоварнинг қорни. Чойнақнинг қорни.* ■ *Ҳамиша Қодироянинг столида қорни катта графин сув билан тўла турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 Баъзи чолғу асбобларининг ўйиб ёки бошқа йўл билан ишланадиган ичи бўш қисми (асбобнинг дастага уланадиган, овоз берадиган қисми). *У аянчли бир вазиятда қоракуя бўлиб куйиб, қорнининг юз тахтаси ўйилиб тушган дуторни қўлига олди ва бошини аста кўтарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *..одам қанча оч бўлса, шунча яхши ишлайди,*

дурнинг ҳам қорнини тешишмаса, жа-
рангламасди.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ
сол.

8 с.т. Ич, бачадон. Менам қўзиларни она-
сининг қорнидан тушиши билан ажратга-
ним йўқ. С. Анорбоев, Оқсой. Уйимизнинг
тўри сеники. Тор қорнимга сиққан, кенг
уйимга сиғмайсанми? Ў. Ҳошимов, Қалбингга
қулоқ сол.

Бир қориндан талашиб тушган Бир
онадан туғилган. Онасининг қорнида 1) ҳали
туғилгани йўқ. У келганда, сен чақалоқми-
динг ё онанг қорнидаминг.. Ойбек, Тан-
ланган асарлар; 2) кўчма мутлақо йўқ, ер
юзидан топилмайди. Менинг устимдан ариза
ёзадиганлар онасининг қорнида, афандим. П.
Турсун, Ўқитувчи. Онасининг қорнида ёт-
гандай Жуда тинч, беташвиш. Хотиржам
бўл, кийикчанг худди онасининг қорнида ёт-
гандай роҳат қиялпти. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.
Қорин пиёз (нинг) пўсти бўлди Қорин
ниҳоятда очди. Менинг қорним пиёзнинг пўс-
ти бўлиб кетди. В. Ғофуров, Вафодор. **Қо-
рин солмоқ (ёки қўймоқ, ташламоқ)** Қорни
меъёрий ҳолатдагидан катталашмоқ, қорин-
дор бўлмоқ. ..тезда қорин қўйиб, кўзойнак
тақди. Мирмуҳсин, Умид. Машинадан ўрта
ёшлардаги, сал қорин ташлаган.. бир киши
тушди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

ҚОРИНБОЙ с.т. 1 Қорин қўйган, қор-
ни катта. Анави қаққайиб турган қоринбой
одами қара.

2 Амалдор, мансабдор шахсларга нис-
батан қўлланади. Хиёлнинг қоринбой бўлиб
кетганини билмас эканмиз-да.. И. Раҳим,
Тақдир.

ҚОРИНБОҒ От ёки эпаkning қорни-
дан тортиб, эгарга маҳкамланадиган ёки
қорнидан ўтказиб, арава шотисига боғ-
ланадиган энли тасма; қоринбоғич. Қамбар
тойчанинг қоринбоғини бушатиб, қозиққа
боғлади. Ойбек, Танланган асарлар. **Қобил-
бой аравага қўшиғлиқ отнинг бошини силаб**
эркалади, анжомларини кўздан кечирди, қо-
ринбоғини қаттиқ тортиб боғлади. Ҳ. Нуъ-
мон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚОРИНБОҒИЧ 1 Яқтак, тўн ва ш.к.
кийимларнинг тугма ўрнида ишлатилади-
ган боғичи.

2 айн. қоринбоғ.

ҚОРИНДОР Қорни катта, қорни дўп-
пайиб чиққан (қ. қорин 1, 6). Тожиддин Қо-

сим бўйи шинга етгудай, қориндор, ола кўз,
ботиқ пешона, кўсанамо, қирқ беш ёшлар-
даги киши. Ойбек, Нур қидириб. Салимжон
плитка устидаги кўк, қориндор чойнакдан
бир қултум сув ичди. Н. Аминов, Тилло та-
бассумлар.

ҚОРИНЛИ 1 Аниқловчи сўз билан
қўлланиб, шу сўз англатган ҳолатдаги
қоринга эгаликни билдиради (қ. қорин 1,
6). Қишлоқнинг кажаса қоринли, юм-юмалоқ
оқсоқоли иссиқдан ҳарсиллаб-гурсиллаб этиб
келди. Ойбек, Навоий. ..бир ҳовуч тамаки
олиб, уни гулхан олдидан турган кенг қоринли..
хива чилимининг сархонасига босди. С. Ай-
ний, Қуллар.

2 айн. қориндор. 63 ёшда, серсоқол, гав-
дали.. шўхтабиат, қоринли бир киши бў-
либ, юртнинг қозикалонидир. Ҳамза, Май-
саранинг иши.

ҚОРИНЧА Қорин с. кичр.

Мия қоринчаси анат. Мия бўшлиғи.
Юрак қоринчаси анат. Юракнинг қон
томирларида қон ҳаракатини бошқарувчи
қисми.

ҚОРИХОНА [қори + хона] 1 тар. Му-
сулмонларнинг қорилар тайёрланган диний
ўқув юрти. [Султонбек:] Бир ўғлим қорихо-
нада ўқийди. Бир ўғлимни Хадрадаги ўрис
мактабига бердим. Ойбек, Танланган асар-
лар.

2 Масжиднинг қуръон тиловат қилиш
учун ажратилган бўлмаси; кироатхона.
[Қори] Секин-секин қорихонадан чиқиб келди
ва нарида ўтириб, қуръон ўқиди. А. Қоҗирий,
Ўтган кунлар.

ҚОРИШИҚ Аралашиб, қоришиб кет-
ган, аралаш-қуралаш. Қозимнинг димоғига
ўт-ўланларнинг бир-бирига қоришиқ исси
уршди. Э. Усмонов, Ёлқин. Алам ҳам, армон
ҳам қоришиқ эди бу хўрсинишда. М. Ман-
суров, Ёмби.

Қоришиқ ундош тлш. Портловчи ва сир-
ғалувчи товушдан таркиб топган мураккаб
ундош, мас., ц (т+с), ч (т+ш) каби.

ҚОРИШМА 1 Суяк ёки майда заррали
сочилувчан нарсаларнинг ўзаро аралашу-
видан, қоришувидан ҳосил бўлган модда;
қоришиқ масса; аралашма. Асал билан сари-
ёғ қоришмаси. ■ Пахта майдонлари минерал
ва органик ўғитлар қоришмаси билан ўғит-
ланиб, сифатли шудгорланди. Газетадан.

2 айн. бўза II. Цемент қоришмаси. Оҳақ қоришмаси. Қоришма билан ғишт термоқ. ■ Қадимги Римда боғловчи модда сифатида оҳақ қоришмасига майдаланган вулкан жинслари ишлатилган. «Фан ва турмуш».

ҚОРИШМОҚ I Қормоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бирига аралаш. қўшилган, бирлашган ҳолага келмоқ. У қор, тупроқ қоришиб, аталаси чиққан майдонда чўзилиб қолди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

3 кўчма Аралашиб, қўшилиб, бир бўлиб кетмоқ; аралаш-қуралаш бўлиб, фарқини йўқотмоқ. Гап қоришиб кетди. Фикр қоришиб кетди. ■ Унинг миясида ола-қуроқ мулоҳазалар қоришиб кетди. «Шарқ юлдузи».

4 (ж. к. билан) Беланмоқ, бўялмоқ, ботмоқ. Лой ва тупроққа қоришган жангчиларни танимоқ қийин эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Таниш зангори дурра тупроққа қоришиб ётибди. Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. Улим билан олишганларнинг, Жангда қонга қоришганларнинг Ҳайкалидир! Э. Раҳим.

5 кўчма Овора, банд бўлмоқ; куйманмоқ (бирор иш-юмуш билан). Кумушиби.. оиҳона юмуши билан қоришиб ётган онасининг олди-га борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Турғун:] Оббо, Муҳаббат-эй.. Роса меҳнатга қоришиб қолибсиз-да, а? Мунча ўзингизни уринтирмасангиз? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Рўзгор ишларига қоришиб кетиши ҳам унча сезилмас, аксинча, овтгандай бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 кўчма Бош суқмоқ; суқилмоқ, аралашмоқ, қотишмоқ. Жанжал бўлса, қоришмам. Ҳамза. Сен бу ишга иккинчи марта қоришма. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРИШТИРМОҚ I Қоришмоқ фл. орт. н. Тупроққа қориштирмоқ. Бетон қориштирмоқ. ■ Бадбахтни [Ҳомидни] икки киши билан тупроққа қориштириб кетувчи Отабек экан! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бир хил деб қарамоқ; фарқламаслик. Фикрларни қориштирмоқ. ■ Синекдоха билан метонимия асосан қуйидаги ҳолатларда қориштириб юборилади.. «ЎТА».

ҚОРИҚ Табибчиликда қон олиш учун ишлатиладиган, сигирнинг шохидан махсус ясалган асбоб; қортиқ. Қориқ солмоқ. ■ Ўтар бобо унинг билагини ушлаб, томир уришини текширди.. сўнг ётқизиб, яғрига қориқ қўйди. С. Сиёев, Аваз.

ҚОРИҚЧИ Қориқ солувчи табиб.

ҚОРЛИ I Қори бор, қор билан қопланган. Қорли тоғлар чўққисидан боқади қуёш. Файратий.

2 Қор ёғиб турган; қор ёғаётган. Қорли тун.

ҚОРЛИК Қор қоплаган, қор бостан жой. Шовулади тун бўйи шамол, Қорликларда ўчди изимиз. А. Орипов, Йиллар армони.

ҚОРМОҚ I Суяқ ёки майда заррали сочилувчан нарсаларни бир-бирига аралаштирмоқ, қориштирмоқ. Толқонни шакар билан қормоқ. Қатиққа шакар қориб ичмоқ. ■ Қўй сути, қўй мойига Унадек унни қориб.. Қ. Муҳаммадий.

2 Обдан аралаштириб етилтирмоқ, ийламоқ, пишитмоқ (шу йўл билан ўзи боғланиб келган сўз англатган нарсани тайёрлашни билдиради). Лой қормоқ. Бетон қормоқ. ■ Кун чиқмасдан ун эладим, хамир қордим.. Ойбек, Танланган асарлар. Ёрмат хўжайиннинг сизир-бузоқларига терт қориш билан банд бўлган хотинининг олдида тўхтади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Булғамоқ, беламоқ, қориштирмоқ. Лойга қормоқ. ■ Сел ғўзаларимизни.. меҳнатимизни ҳам тупроққа қориб олди-кетди-ю, аммо юрак кўримизни, виждонимизни оқизиб кетгани йўқ. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. Ўзингни балчиққа қориб, йиғлаб-ёлвориб, деҳқоннинг оғзидагини, косибнинг бўғзидагини умид этишга ор қилмайсанми, Матпано? С. Сиёев, Аваз.

4 кўчма Ботирмоқ, кўймоқ; гирифтор қилмоқ. Чўпонни севолмадим, Ҳеч кўнгил қўёлмадим. Фурбатга қорганимнинг, Девга юборганимнинг Сабаби шунда эди. Ҳ. Олимжон.

ҚОРОВУЛ I Бирор объектни қўриқловчи қуролли шахс, шахслар гуруҳи; посбон, соқчи. Ўрда қоровули. ■ Подшонинг Бухорога келиши муносабати билан кўчалар тозаланган, қоровулу ясовулар йўлларга тинмай сув сепишарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Арк қоровуллари кийимларини ечиб, кўрпаларига чўзилдилар. С. Айний, Дохунда.

2 Бирор объектга зиён-заҳмат етказмаслик, унда тартиб-интизом ва ш.к. ни сақлаш учун, қўриқлаш учун қўйиладиган шахс; қўриқчи. Ўрмон қоровули. Боғ қоровули. Кўча қоровули. ■ ТошМИ дарвозаси олдида қоровул уларни тўхтатди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Мозорни қиртишлаб то-

залади. *Гуристон қоровулига пул бериб, қуръон тиловат қилдириди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кузатиб, огоҳ бўлиб турувчи. *Умрзоқ кўприкнинг нариги четида қоровул бўлиб туриш учун кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Лекин элликбоши Йўлчининг изига қоровул туширганлигидан хабардор бўлган.* Қоратой Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади. Ойбек, Танланган асарлар.

4 ҳарб. Бирор объектни сақлаш, муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган ҳарбий бўлинма. *Гарнизон қоровули.* ■ *Қоқ ярим кечада қоровулар тревога кўтаришди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Нишонга олиш учун милтиқ, пистолет каби қуролларнинг стволни учига ўрнатилган бўртиқча; мушак. *Аҳмаджон шошмасдан милтигини ўнглади. Узоқдан думсиз калта-кесакка ўхшаб кўринган фашистни қоровулга кўндириб, тепкини босди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҚОРОВУЛБЕГИ тар. Ўрта Осиё хонлиқларида: қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи.

ҚОРОВУЛЛАМОҚ Қоровул туриб сақламоқ, кўриқламоқ. *Омборни қоровулламоқ. Полизни қоровулламоқ. Чорвани қоровулламоқ.* ■ *Саъди чол поданинг олдида ўтди, Холмурод пайкал томонни қоровуллаб қолди.* «Ёшлик».

ҚОРОВУЛЛИК 1 Қоровул иши, вазифаси; қоровул туриш. *Қоровуллик қилмоқ.* ■ *Оз ери ва ерсизлар чоракорлик, қоровуллик ёки бошқа бирор касб билан машғул эдилар.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Қоровуллик штатида киритиб қўяман.* Т. Ашуров, Оқ от.

Қоровуллик қилмоқ 1) қоровул вазифасида ишламоқ. *Шаҳарда қоровуллик қиламанми, қовун тилиб сотаманми, менинг ишим.* «Муштум»; 2) кўриқламоқ, назорат қилмоқ, кўз-қулоқ бўлиб турмоқ. *Йўлда қудуқ ёнида тунаб, овқатланиб ухлашди. Зулфиқор билан Заврак.. ухламай, галма-гал қоровуллик қилишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, газеталар етказиб бериб туриши, улар дам олганда, кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳарбий қоровул хизмати.

ҚОРОВУЛХОНА Ўз вазифасини бажарётган қоровул турадиган ёки дам олади-

ган хона, жой. *Ҳаммани гуноҳкор қилиб, қоровулхонага олиб бориб қамаб кўйдилар.* «Гўрўгли». *Шербек қоровулхонадан чиққан, тўғри Қизилжарга жўнади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚОРОВУЛЧИЛИК айн. қоровуллик 1. *Бадиа.. -Мен қоровулчилик қиламан, - деди. Бу - ҳам илтифот, ҳам фармон эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚОРОНҒИ 1 сфм. Қоронғилик босган, қоронғиликка чўмган, зиёдан, нурдан маҳрум бўлган; *зид. ёруғ. Қоронғи кеча. Қоронғи уй.* ■ *Узун, қоронғи йўлакдан чиққан, Унсин тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дарча очилиши билан қоронғи хужрага совуқ ёпирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйнинг ичи қоронғи. Ҳамма ширин уйқуда.* «Ёшлик».

2 от Ёруғлик, зиё бўлмаган пайт, ҳолат; қоронғилик, зимистон. *Тун қоронғиси. Тонг қоронғиси. Қоронғи тушди.* ■ *Ой ҳали чиқмаган, фақат унинг заиф нури қоронғидан кўрққандек.. йилт-йилт этиб кетади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ёрмат қоронғида йиқилиб-сурилиб, элликбошининг уйига келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Аниқ эмас; ноаниқ, номаълум. *Сухбат ким ҳақида ва нима ҳақида борганлиги қоронғи.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Лекин бизга комиссия нималарга асосланиб шу фикрга келганлиги қоронғи бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Олов.

4 кўчма Ноаниқ ва ёқимсиз, бўлмағур. *Кечқурун Гулнор ўз уйига қайтаркан, йўл-йўлакай ҳасратда ёниб, қоронғи хаёлларга чулғанди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Иним, - деди Абдукарим ака Ботиралининг қўлини кўйиб юбормасдан, - бўлисимизнинг қоронғи ишлари кўп.* Ҳ. Гулом, Машъал.

5 кўчма Рўшнолик, яхшиликдан холи; *зид. ёруғ. Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронғи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаҳрамонлар бир-бирига етишишни, «қоронғи юртимизни илм чироғи билан ёритиш» йўлида бирга ишлашни орзу қиладилар.* Газетадан.

Боши қоронғи қ. бош. Дунё (ёки жаҳон) кўзига қоронғи У қаттиқ хафа, унга ҳеч нарса татимаёйди, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Мунаввар уч кунлик келинлигида бир гап эшитди-ю, бу дунёси кўзига қоронғи бўлиб кетди. С. Анорбоев, Меҳр.

Машаққатли юришлардан зериккан хотини ғингшийвериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди. М. Осим, Исқандар ва Спитамен.

ҚОРОНҒИЗОР Қоронғилик, зулмат босган жой. [Отабек] Шу қоронғизор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронғиликнинг кучоғига кира боргандек, мевазорнинг ичкарисига юра борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОРОНҒИЛАМОҚ кам қўлл. Қоронғилик тушмоқ, қоронғи бўла бошламоқ; қоронғилашмоқ. Энди кеч бўлди, кун қоронғилаб қолди.

ҚОРОНҒИЛАТМОҚ 1 Қоронғиламоқ фл. орт. н. Дераза ва эшикларга парда тутиб, хонани қоронғилатди.

2 кўчма Ноаниқ қилиб қўймоқ, хиралаштирмоқ (маъно, тушунча ва ш.к. ни). Оҳангни келиштираман, деб маънони қоронғилашиб қўйибди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚОРОНҒИЛАШМОҚ 1 Қоронғилик чўкмоқ, тушмоқ; қоронғи ҳолат юзага келмоқ. Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гулчлатиб йирик-йирик қор ёғарди. Газетадан. Уч қулоқ илгарилаш билан унгуричи анча қоронғилашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўкда саёҳат қилиб юрган ой булутлар ортида қолди. Бутун ўрмон ва кенг далалар қоронғилашди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Ноаниқлашмоқ, хиралашмоқ; чигаллашмоқ (маъно, тушунча ва ш.к. ҳақида). Масала ойдинлашмади, балки янада қоронғилашди. ■ Баҳорнинг фикри қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Кўз олди қоронғилашди қ. кўз. Чол охири ҳолдан тойиб, кўз олди қоронғилашди-да, сув аралаш лойга йиқилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Кўзига дунё (ёки олам, жаҳон) қоронғилашди Қаттиқ хафа бўлди, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Зиёдилла қамоққа олингандан кейин, олам кўзига буткул қоронғилашди. Ҳ. Фулом, Машъал.

ҚОРОНҒИЛИК Қоронғи ҳолат (тўғри ва кўчма маъноларда). Туннинг қоронғилиги. ўрнинг қоронғилиги. Масаланинг қоронғилиги. Қоронғиликда тўқнашмоқ. ■ Кўзи қоронғиликка кўниккандан кейин, охир ёнидаги сизирни, ола бузоқни кўрди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Кеч кириб, қоронғилик тушганда, Хуройим кўзини очиб қаради. «Рус-

тамхон». Ҳасан овчининг кўнглини қоронғилик қоплади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Халқ яна қоронғиликда қолаверади. Бизни яна юз йил орқага тортишмоқчи. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ҚОРОТҚИ айн. қаратқи. Ҳосили йиғиб олинган бўстонликларда унда-бунда қоротқи — қўғирчоқлар қаппаяди. Ойбек, Навоий.

ҚОРТИҚ айн. қорик.

ҚОРУВ кам қўлл. Эп, удда. — Кўп қий-наманглар, маъқул сўзга қорув йўқ, — деб ёлвориб, эланиб қолди. «Эрали ва Шерали».

ҚОРУВЛИ кам қўлл. 1 Удли-шудли; уддали. Ногоратеналик Сафар бободан саккизта ўғил туғилди. Уларнинг ичида Холмўмин қорувли ва серғайрат чиқди. Газетадан.

2 Гавдали, норғул; қоматдор. Минбарга қорачадан келган, ўрта бўйли, қорувли йигит кўтарилди. «Самарқанд машғаллари». Чавандозларни айтмайсизми. Ҳар келбатли, ҳар қорувли. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. Шу пайт даврага Тўйчиға қараганда анча ёшроқ, қорувлигина йигит чиқиб келди. «Ёшлик».

ҚОРҲАТ этн. Биринчи қор ёққан куни зиёфат беришни таклиф қилиб, таниш кишиларга олиб бориб бериладиган мактуб (қорхат олган киши хат олиб келган кишини ушлаб олса, зиёфат қорхат ёзган киши томонидан берилади). Тансиқ қорни ғанимат билиб, катталар ўз дўстларига қорхат ёзиб, ўзига хос нашъа-завқ бағишлолчи кишики зиёфатларга юра бошлаганлар. Ойбек, Навоий. Биринчи қорнинг ўзига яраша гашти бўлади. Даламиздаги қўшишлар билан қорхат ёзишганларимиз ёдимга тушди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

ҚОСИД |а. قاسد — жўнаб кетаётган; интилувчи, қасд қилувчи; хабарчи, элчи, чопар] эск. кт. 1 айн. хабарчи. Борсанг кўйиға, қосидо, айғил Муқимийдин дуо. Муқимий.

2 Қасд қилувчи, интилувчи.

ҚОСИР |а. قاسر — чек (чегара)ланувчи; камчиликли, қисқа, калта; кучсиз, ожиз] кт. Қусурли, қисқа, калта. Ақли қосир.

ҚОТИЛ |а. قاتل — ўлдирувчи, қатл этувчи; ҳалокатли] Одам ўлдирувчи ёки ўлдирган киши. Ёмон шифокорнинг қотилдан фарқи йўқ. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Демак, Бойсунқур мирзо бизнинг изимизга қўйилган қотилни пайқаб, муҳофаза сифатида «овчи йигитлар» уни йўллаган. Мирмуҳсин, Меъмор. Унинг.. қонини даъво

қиладиган кишиси бўлмаганидан, ҳукумат унинг қотилини топиш учун ортиқча ҳаракат қилмади. С. Айний, Эсдалиқлар.

КОТИЛЛИК Қотил бўлиш, қотил эканлик. Қотиллигини бўйнига олмоқ. ■ Заҳар бермоқ учун сайланди Мансур, Нечук инсонки, қотилликка мағрур. Ҳабибий.

2 Одам ўлдириш. Қотилликда айбланмоқ. ■ ..жосуслик, диверсия.. қотиллик каби жиноятлар учун ўлим жазоси бўлиши мумкин. Газетадан.

КОТИЛМОҚ кам қўлл. **1** Қотмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Йўлга чиққанларидан бери орада бир оғиз сўз қотилгани йўқ. А. Мухтор, Чинор. *Пастда ётган ит, гап ўзига қотилгандай, аста дум силкийди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Аралашмоқ, қўшилмоқ. Бўз тунроққа қирмизи қон Қотилди майдон ичинда. «Ширин билан Шакар». Кумуш тунга кетгил қотишиб, Юлдузларни айлагин ҳавас. У. Қўчқоров, Ҳаяжонга қўмишган дунё.

КОТИНМОҚ Қўшилмоқ, аралашмоқ; яқинлашмоқ. Тўғри, унга қотиниб бўлмайди, лекин кўз билан кўриши, ширин лутфларидан баҳра олиши мумкин эди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. Қиз бошдаёқ: -Бизга қотинсаларинг, ўзимга ўт қўяман, — деб огоҳлантиргани боис, йигитлар сукутда турардилар. «Шарқ юлдузи».

КОТИРМА Қаттиқ қилиб, қотириб тайёрланган. Кампир бир неча қотирма кулчани зўрлаб Бектемирга тутқизди.. Ойбек, Қуёш қораймас.

КОТИРМОҚ 1 Қотмоқ. фл. орт. н. Нон қотирмоқ. Совуққа қотирмоқ. ■ Гўшти, пиширмай, қотирмай, учаламиз еб бўлдик. «Эртаклар». Гоҳ тоғ томондан қуруқ ва аччиқ изғирин эсар ва.. қуёшда шилта бўла бошлаган қишлоқ кўчаларини даранглатиб қотириб ташлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёмғир ерни қотириб, захлатиб қўйди. «Ўзбекистон қўриқлари».

2 кўчма с. т. Ўрнига келтириб ижро этмоқ, жуда яхши бажармоқ, қойил қилмоқ; ўринлатмоқ, дўндирмоқ, бопламоқ. Ишни қотирмоқ. Ганни қотирмоқ. ■ Фельетонингизни ўқидим. Жуда.. қотирибсиз! О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. Уч жойга қотириб уй-жой қурдим.. «Муштум». «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотир-

дим, дўндирдим», деб осмондан келади. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

Бош қотирмоқ қ. бош 2. Ҳозир Аширмат бу ҳодисанинг маъносини, сабабини топмоқ учун анча бош қотирди. Ойбек, О.в. шабадалар. Унда математик формулалар билан бош қотирмай, маза қилиб юриверади. Қойил! О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ҚОТИШМА тех. Турли металл ва металлмас моддаларнинг эриган ҳолда ўзаро қўшилувни ёки аралашувидан ҳосил бўлган модда. Мис билан никелнинг қотишмаси. Мис билан қалай қотишмаси. ■ Қотишма тайёрлаш узелида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган. «Муштум».

ҚОТИШМОҚ 1 Қотмоқ фл. бирг. н. Улар хандон уриб қотишди. Совуқда қотишди. ■ Қизик бир вазиятда бир зумгина қотишарди. Ойбек, Навоий.

2 тех. Қотишма ҳосил қилмоқ.

3 Ўзаро муносабатга кирмоқ; аралашмоқ, суқилмоқ, қўшилмоқ. Тиниб-тинчимайди. Ўз иши етмагандай, бошқаларнинг ишига ҳам қотишиб юради. Ҳ. Назир, Узр, отахон.

ҚОТМА 1 Бадани камгўшт, аммо пишқ. У [вақил] қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. Тош супагада.. қотмадан келган новча бир киши хаёлга чўмиб ўтирар эди. Туйғун, Найчининг қалби.

2 Териси суягига ёпишган; озгин. ориқ. Салтанбу гаму ғуссадан, муҳтожлик ва доимий очликдан сўлишиб кетган қотма юзини чўзғиловчи кулгидан ўзини тутолмай кулар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..беқасам тўннинг олди очилиб.. қотма кўкраги кўришиб турар эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОТМОҚ 1 Нами, суви қочиб, қаттиқ ҳолга келмоқ, қаттиқ бўлмоқ; зид. юмшамоқ. Алебастр тез қотади. Елим қуриб, қотиб қолибди. Қотган нон. Хамир тошдек қотибди. ■ Улар ўз қадамларининг тарашадай қотган ер билан уришиб тарақлашидан бўлак шарпа эшитмасдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. -Хизмат ҳақини аллақачон олганмиз, — деди куракчасидаги қотиб қолган лойни тозаларкан. Н. Аминов, Суварак.

2 Қимирлаш, ҳаракатланиш хусусиятини йўқотмоқ (тана аъзолари ҳақида). Гардани қотмоқ. ■ Эрталабки гимнастика шалпайиш ва қотиб қолганликни йўқотади, қон

айланишини тезлаштиради.. Газетадан. *Келакелгунча машинада ўтиравериб, бели қотиб кетган Ҳожимурод у ёқ-бу ёққа юриб, чигилини ёзмақчи бўлди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

3 кўчма Қурқув, ҳайрат ва б. сабаб билан ҳаракатини тўхтатиб, қимир этмаган ҳолда бўлмоқ. *Уна юришини, на юрмасини билмай, жойида тек қотди. М. Ҳазратқулов. Журъат. Саратонда муаллақ қотган ҳаво ғубори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди. «Саодат». Оҳунд билан қори бошлари ерга теккудек бўлиб, таъзимда қотган эдилар. С. Сиёев, Аваз.*

4 кўчма Ҳаракатсиз, ривожланишсиз ҳолда бўлмоқ. *Адабиёт қотиб қолган нарса эмас. ■ У эски, сунъий йўлдан юрган, шеърда қотиб қолган, ҳозирги ҳаёт маъносини тушунмайдиган.. қалбаки шоирларга қамчин сола бошлади. Ойбек. Нур қидриб. Бу домла [Салимхон Обидий] қотиб қолган одам.. профессор унвонини ўша вақтда олиб қолди-ю, йигирма йилдан буён ҳеч нима қилгани йўқ. Мирмуҳсин, Умид.*

5 Каттиқ совқотмоқ, тўнгмоқ, музламоқ. *Совуқдан боланинг оёқ-қўли қотиб кетибди. ■ Қотиб ўласанми, ҳароми, исинмасанг нима қилади? Ойдин, Ҳазил эмиш.*

6 Пишиқмоқ, чиниқмоқ. *Унинг тани кўёшда қорайди, мускуллари қотди.*

7 кўчма Тўхтовсиз, қаттиқ кулмоқ ёки йиғламоқ. *Унинг гапига роса қотдик. Бола қотиб-қотиб йиғлар эди. ■ Алексей ва Элмурод унинг ҳикоясини ҳузур қилиб тинглаб, кула-кула қотдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Бобом кулгидан қотиб қолади. Ойбек, Болалик.*

8 Каттиқ уйқуга кетмоқ; донг қотмоқ. *..бизнинг қисм командири меҳмондорчиликдан саҳар пайтида келиб, қотиб қолган экан. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

9 шв. Аралаштирмоқ, қориштирмоқ, қормоқ. *Бориб кирсам майдонга, Аччиғим тарқатсам, деб. Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қотсам, деб. «Равшан».*

10 Жуда озмоқ, ориқламоқ. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга турнадек қотиб кетяпти ўзи. О. Ҳусанов, Най.*

Бети қотмоқ қ. бет. Сўкаверсанг, бети қотар, Ураверсанг, эти қотар. Мақол. **Боши (ёки мияси) қотмоқ қ. бош. Гап (ёки сўз)**

қотмоқ қ. гап. Дийдаси қотмоқ қ. дийда. *Бу хил аламзадаларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган собиқ милиционер Сайрамов: -Энди кўп ҳам ўйламанг, Баширжон ука, — деди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Донг қотмоқ қ. донг П. Суяғи қотмоқ (ёки қотган) 1) суяғи пишқ (қаттиқ) ҳолга келмоқ; ўзини тута оладиган бўлмоқ. *Суяғи қотмаган бала; 2) шахснинг шу сўз боғланиб келган сўз англатган иш, касб ва ш.к. билан пишиб етишганлигини, катта малакага эгаллигини билдиради. Суяғи пахтачиликда қотган. ■ Толиб ака суяғи журналда қотган тажрибали ходим. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Суяғи савдогарчиликда қотган бой, олтмишлардан ошганига қарамай, йигитларга ўхшаб кетадиган қиёфаси бор эди. «Ёшлик». Тери қотмоқ* Терлашдан тўхтамоқ ва мавзуд терлари қуримоқ. *Зулфиқор баданидаги терлар қотиши билан яна тўнқани юмалата бошлади.. Мирмуҳсин, Меъмор. Унинг пешонасидаги реза-реза терлар ҳали қотганича йўқ. Газетадан. Тили қотган* Тили гапга келмайдиган, айланмайдиган бўлиб қолган. *«Одамнинг ёши ўтиб, тили қотиб қолгандан кейин ўқий олмайди», деган гапга ишониб юрар эдик.. П. Турсун, Ўқитувчи. Тун қотмоқ* Тун бўйи ухламаслик, ухламай тонг оттирмоқ. *Гапи адо бўлмайдиган балого йўлиқдик, ўзимиз тун қотиб, йўл юриб келиб эдик. «Алпомиш». Энсаси қотмоқ қ. энса. Ҳаром қотмоқ айн. ҳаром ўлмоқ қ. ҳаром.**

ҚОТРАНҒИ Тоғли ерларда ўсадиган, ёғочи оғир, қаттиқ, меваси ейишли дарахт ёки бута; тош дарахт.

ҚОТҚОҚ Катқалоқ ёки музлаган қаттиқ ер. *Эшак юрар қотқоқда, маълум бўлар ботқоқда. Мақол.*

ҚОФ [a. قاف — араб алифбосидаги «қ» ҳарфининг номи; ер юзини ўраб олган деб хаёл қилинувчи афсонавий тоғ номи]: **Кўҳи Қоф ёки Қоф тоғи** Гўё ер юзини ўраб олган деб фараз қилинган афсонавий тоғ. *У девнинг таърифини эшитганмиз, у «Кўҳи Қоф» мамлақатида соф усталарни тўплаб, паланг от қилдирган. «Муродхон». Ҳаёти сарсарликда кечган одамлар учун уч йиллик азобу уқубатни бошдан кечириш Қоф тоғини елкага ортмоқлаб юриш билан баробар. К. Алиев, Мараз.*

ҚОФИЛА [a. قافله — қарвон; кишилар, йўловчилар сафи, қатори, гуруҳи] эск. кт.

Сафардаги кишилар тудаси; карвон. *Фосих афандининг извоши орқасидан йўлга чиққан қофила от бозори гузарига келиб тўхтади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Қофила бошининг эсига келади, Бойсарининг арзасини олади.* «Алпомиш». *Кудалар қофиласи шаҳарга жўнаркан.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҚОФИЯ [а. *قافيه* – шеърда бир неча байт ёки мисралар охиридаги сўзларнинг ўзаро оҳангдош, мос бўлиши; сўз ўйини] 1 Шеърый мисраларнинг муайян ўрнида оҳангдош сўз ёки сўз бирикмаларининг изчил такрорланиб келиши. *Шеърни қофияга солмоқ. Сўзларни ўзаро қофия қилмоқ.* ■ *Тула оҳангдош бўлган сўзлар ёки ҳижола-рининг қофияланиши «тўқ қофия» ёки «тўла қофия» деб аталади.* «Адабиёт назарияси».

2 Шеърдаги қофиядош сўзларнинг охири ҳарфи.

3 эск. Шеър ёзиш ҳақидаги таълимот.

Қофияси келганда с. т. Гап келганда, ўрни, пайти келганда, тўғри келиб қолганда. *Қофияси келганда, отангни аяма.* Мақол. ■ [Аширмат:] *Қофияси келганда айта қолай, мен остонанга қўчиликка келдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Қофияси билан** с. т. Қаттиқ тегмайдиган қилиб, ётиғи билан. [Нетайхон:] *Нусрат аканг шунчалик қилгандан кейин сен ҳам гапни қофияси билан гапирсанг бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

ҚОФИЯБОЗ [а. + ф. *قافيه باز* – қофияни, қофиялашни яхши кўрадиган] Қофияга берилиб, шеър маъносига, мазмунига эътибор бермайдиган нўноқ шоир. *У ҳозирги замонда форсча ёзадиган шоирларнинг ўндан тўққизи қофиябозлар бўлиб кетганини жуда осон исбот қилди.* Ойбек, Навоий.

ҚОФИЯБОЗЛИК Куруқ қофиянинг ўзига берилиб кетиш. *Уларда оҳангдошликни юзага келтирувчи қофиябозлик ибтидоий сўз ўйини тусини олган.* «ЎТА».

ҚОФИЯДОШ Ўзаро қофияланувчи, таллаффузи ўхшаш, оҳангдош. *Қофиядош сўзлар. Қофиядош бўлмоқ.* ■ -*Ҳа, бола учрамаганда, балого учрардик, – деди Фарҳод қофиядош сўз топганлигидан кулиб.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қофиядош иборалар Рабгузий асари тилининг Ясавий ҳикматлари тилига жуда яқин эканини кўрсатиб турибди.* П. Қодиров, Тил ва эл. *Отингизни қо-*

фиядош қилиб «Эшполвон» ўрнига «Мешполвон» кўя қолинг. С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОФИЯДОШЛИК Қофиядош ҳолат, қофияга эгалик. *Сўзларнинг қофиядошлиги.*

ҚОФИЯЛАМОҚ Қофия қилмоқ; қофияли қилмоқ, қофияга солмоқ. *Шеърнинг иккинчи мисраларини қофияламоқ.*

ҚОФИЯЛАНМОҚ 1 Ўзаро қофия, қофиядош бўлмоқ, бир-бирига қофия бўлиб келмоқ. *Қофияланмайдиган сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланмоқ, қофияли бўлмоқ. *Рубоийда одатда биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар қофияланади.*

ҚОФИЯЛИ 1 Ўзаро қофияланувчи, қофиядош. *Қофияли сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланган, қофияси бор. *Ҳазалда мисралар ўзаро қофияли бўлади.*

ҚОЧИЛМОҚ Қочмоқ 1 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Расми, ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Олиб қочилган Гулнорни қутқариб, уни [Салимни] шарманда қилаётган номаълум йигит Йўлчи экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОЧИРИМ 1 Бирор кимса, нарса, воқеа ва ш.к. га ишора қилиб айтилган рамзли гап, шама; қочириқ. *У. нариги сўридаги машшоқлар билан ўтирган чўтир Абдурахим ошпазни қочириш билан аския қила бошлади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. [Зайнобиддин] *Баъзида андаккина қочиришга ҳам оғзи қулоғида хирр-хирр кулади.* Мирмуҳсин, Тирик товон. *Башорат имо-ишора қочиришларни ё тушунмайди, ё тушунмасликка олади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Истеҳзо, киноя, пичинг, кесатиқ, қочириқ. *Муборак шу гапга ҳам хандон уриб кулди. Турсуной Дилбарнинг бу гапи қочиришми ё мақташми – тушунмас эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 мус. Ўзбек анъанавий мусиқасида оддий ва мураккаб мусиқа безакларининг умумий ифодаси: куйга жило берувчи қисқа товуш (оҳанг)лардан ташкил топади. *Ўзбек миллий куйлари нозик қочиришлари билан нотага олинди.* Газетадан.

ҚОЧИРИШ Ургочи чорва молларини урчитиш усули; табиий ёки сунъий уруғлантириш. *Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичиликда қочиришнинг энг самарали усули сунъий қочириш ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

ҚОЧИРИҚ айн. қочирим 1, 2. Шербекнинг нимага қочириқ қилаётганини пайқаб қолган Жалил қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. С. Анорбоев, Оқсой. Гоҳида йигитлар ҳам келиб кўшилиб, аския, қочириқлар бошланарди. Ф. Мусажонов, Ҳури. [Бу] Қочириқ гап Бўронбойнинг суяк-суякларигача зирқиратиб юборди. М. Назаров, Олтин бошоқ ишқида.

ҚОЧИРМА кам қўлл. Қочириқ, қочирим. Шоир Туробий дўстларини суюниб қарши олди. Бир неча қочирма гаплардан кейин болохонага таклиф этди. Ойбек, Навоий. Кўзининг қочирма гаплари қулогининг тагидан кетмади. Ё. Шукуров, Уч савол.

Марказдан қочирма тех. Марказдан радиус бўйлаб ташқарига йўналган. Марказдан қочирма куч. Марказдан қочирма насос.

ҚОЧИРМОҚ I I Қочмоқ I фл. орт. н. Ернинг захини қочирмоқ. Кайфини қочирмоқ. Мазасини қочирмоқ. Кўздан қочирмоқ. ■ Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатганда, ушаларни Қудрат акам қочириб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Пазандаликда сени бир чўқишда қочирадику! Ҳ. Назир, Олтин қадах.

2 Четга тортмоқ, узоқлаштирмоқ; орасини очиқ-очиқ қилиб кўймоқ. [Отабек] Содиқдан кўкрагини қочириб, ханжарли қўлини бўшатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаёт эса худди йиқилиб кетишдан кўрққандек, бир қўли билан танчани ушлаб, юзини йиғитдан хиёл қочириб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бобоқул ота.. учта чиллакни танлади-ю, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб суқди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Йўқотмоқ, қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ, ўтказиб юбормоқ. Оқизмагин кўздан қонли ёшимни, Қочирибман ақлим билан хушимни. «Гўрўғли». Мансур бу гапни бекорга айтмади. Зухра чиндан мени таниган. Фурсатни қочирмасдан чорасини кўриш керак. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

4 кўчма Орасини бузиб, бир-биридан айирмоқ, жудо қилмоқ. Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни мендан қочирдинг? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Кўнглига, дидига ёқмай ёки бошқа бирор сабаб билан ўзидан узоқлаштирмоқ. Ҳозир унинг кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўзидан қочирадиган қари қиз

эмас, кўп йиғитларни ўзига шайдо қилган.. бир нозанин бўлиб кўринди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

6 Яширин олиб кетмоқ, ўғирламоқ. Йигирмалаб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳамза, Паранжи сирлари. Уйимга қиз қочириб келишга кимнинг ҳадди бор? Ойбек, Танланган асарлар.

Гап қочирмоқ Ҳазил-мутойиба, киноя ёки шама қилиб гапирмоқ. Афанди либосларни кўтариб, терлаб борар экан, подшо гап қочирди. «Латифалар». Кўздан қочирмоқ қ. кўз 2.

ҚОЧИРМОҚ II Қочмоқ II фл. орт. н. Султон сигирни қочириб келгандан кейин, томга қамиш босиши керак. Ҳ. Фулом, Машғал. Шербек эгар қошидан сумкасини олди-да, сунъий қочириш пунктига қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚОЧИҚ I кам қўлл. айн. қочоқ. Ҳайдар ота уста Мўминнинг дўконига чиқса, бир бегона киши дам босиб ўтирибди, суриштирса, «ултармалик қочиқ», дейишади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Уришиб қочган, енгилган (асосан паррандалар ҳақида). Бедананинг ҳаммаси қочиқ чиқди. Ойбек, Болалик.

3 Бир-биридан қочган, узоқлашган; ораси очиқ. Пола(нинг) тахталари анча қочиқ. ■ [ЗАГС мудираси] Қаттиқ бош чайқадди, энлик, қочиқ қошларини чимирди. С. Анорбоев, Меҳр.

ҚОЧМОҚ I I Таъқиб, хавф-хатар ва ш. к. дан қутулиш учун (одатда, чопиб-югуриб) мавжуд жойини ташлаб жўнамоқ. Бўрилар ўрмонга қараб қочди. От бўшалиб қочиб кетибди. Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас. Мақол. ■ Мажлис ўтказсак, болалар қочиб кетмасин, деб эшик олдига қоровул қўйгудек бўламиз. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. Кўчада югур-югур, шовқин, итлар вангиллаган, товуқлар қийқиллаб қочган. А. Қаҳҳор, Башорат. Фашистлар дастлаб саросимага тушди-да, сўнг бирдан тирақайлаб қочди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Яшириниш, хавф-хатардан холи бўлиш мақсадида ўз (турган) жойи, маконини яширинча тарк этмоқ, бошқа ерлардан жой-макон қилмоқ, бошқа ерларга кетмоқ, ўзга ерларда бўлмоқ, юрмоқ. Асрорқул ўшандан бери қишлоқма-қишлоқ қочиб юрар экан, А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Ҳеч бўлмаса,

жонни сақла энди сан, Бир йўл топиб қочмоқ керак бу элдан. Х. Олимжон. Нега уйдан қочдинг? «Ёшлик».

3 Бирор нуқтадан (жойдан) нари йўналмоқ, силжимоқ, *Марказдан қочувчи нервлар.* ■ Боши *гир-гир* айланар, *деворлар* ундан қочаётгандек эди. «Ёшлик».

4 Оралиқ жой пайдо бўлмоқ ёки очиқ оралиғи узаймоқ (ёнма-ён, қатор жойлашган нарсалар ҳақида). *Пол тахталари бир-биридан қочибди. Тишлари бир-биридан қочибди.*

5 Ўзини четга олмоқ, дахл қилмаслик; четланмоқ; ажралмоқ; сақланмоқ. *Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. ■ Қаранг, бу ерда ҳам ишдан қочганлар топилибди. Х. Тўхтабоев, Сирли қалпоқча. Ўз қўли билан *тупроққа қўйишдан қочган ярамас!* С. Аҳмад, Уфқ. [Отабек] Бундай бўлмағур таклифни *эшитмас(лик)* учун ўзини четга олиб, *отаси, айниқса, онасига йўлиқишдан қочиб юришга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Сидиқжон:] *Яхши хотиндан одам қочадими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У фалокатдан билиб қочган экансиз-да, болага, ўз боласига меҳри шу бўлса, ундан нима умид қилади киши?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 кўчма Тийилмоқ, сақланмоқ. *Умуман, адабиёт фани ўқитилганда, сийқаликдан қочиш керак.* Газетадан. *Юракни чарчатадиган ва заифлаштирадиган ҳолларнинг ҳаммасидан ҳам қочиш керак.* «Анатомия».

7 Уришиш, олишишда енгилмоқ (асосан, ҳайвон, паррандалар ҳақида). *Кўчқор уриштирдик. Меники қочди.* ■ *Нега қочган беданадай, писиб чирқиллайсан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 этн. Бегона эркакдан юзини беркитмоқ, яширинмоқ (хотин-қизлар ҳақида). *Тўғриси, Сорахон кишидан қочади.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Эъзохон] *Ўтап билан қиёматли ака-сингил тутиниб, ундан қочмай қўйди.* Х. Фулом, Машғал. *Назирқул.. туз берган эшонга астойдил хизмат қилди. Эшон ая ундан қочмайдиган бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

9 Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, кетмоқ. *Ернинг нами қочибди. Суви қочган нон. Унинг ранги қочди.* ■ *Ҳасрат, алам, кудурат бутунлай қочган.* Файратий. *Хонадан файз қочиб, бирдан харобага айланди.* Ф. Мусажо-

нов, Ҳиммат. *Элмурод шундай ўйлар селида фарқ бўлиб, уйқуси қочди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

10 Учи ичкари тортилиб йўқолмоқ (липпадан, парда, қоп оғзи ва ш. к. нинг тешигидан ўтказилган ип, боғ ва ш. к. ҳақида). *Боғи (уни) қочиб кетган халта оғзини бўғиб ушламоқ.*

11 (кел. зам. шаклида – қочмас ёки қочмайди) Ўзи боғланиб келган сўз ёки сўз бирикмаси англаган нарсанинг ўрни (вақти) билан амалга ошишини, йўқ бўлмаслигини билдиради. *Зиёфат қочмас (қочмайди), аввал ишларни бир ёқлик қилиб олайлик.* ■ *Чой қочмас.. Хайр, эсингдан чиқмасин..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Пахтани териб олайлик, дам олиш бўлса қочмас.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Зухра ҳали ёш, эрга тегиш қочмайди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Аравани қуруқ олиб қочмоқ қ. арава. *Гўшти қочган Ориқ, ориқлаган. Ҳоҗсия хола гўшти қочган кафти билан.. Светлананинг пешонасини силади.* В. Фофуров, Вафодор. *Кайфи қочмоқ айн. кайфи учмоқ қ. кайф.* *Кўздан қочмоқ* Эътибордан четда қолмоқ. [Зокир ота:] *Мен сизга айтсам, катта кўрмаганни кичик кўради, кичик кўрмаганни катта кўради, иккаласи бирлашиб қараса, ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мазаси қочмоқ 1) айн. тоби қочмоқ қ. тоб. Менинг сал мазам қочиб турибди.* Файратий, Унутилмас кунлар; 2) ёмон, салбий томонга ўзгармоқ. *Даромаднинг мазаси қочди.* ■ *Далада ишнинг мазаси қочди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Олиб қочмоқ с.т.* Ортиқ муболаға қилмоқ, оғзини кўпиртириб, ошириб гапирмоқ, сафсата сотмоқ. *Орада гап қочмоқ айн. (орада) гап ўтмоқ қ. гап. Оғзининг таноби қочмоқ қ. оғиз.* *Сафар қочди қ. сафар II. Тоби қочмоқ қ. тоб.* *Хаёл (ёки ўй) олиб қочди* Хаёл (ўй) ҳар томонга олиб кетди. *Қиммат холани хаёли олиб қочди: -Ўзим ўйлаганим келиб чиқди.. Саодат шундай данғиллама уйда бир ўзи турармишми?* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Бир ўй олиб қочмасин, занжир ҳалқаларидек бир-бирига уланиб, чиқиб келаверади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ўзини олиб қочмоқ айн. ўзини четга олмоқ қ. чет.* *Кулиб туриб, қизларга ярашиб тушган бир уятчанлик билан ўзини олиб қочмоқчи бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қочиб кетмаган ёки*

қочиб кетибдими Ораси яқин, узоқ эмас. *Оҳангарон қочиб кетмаган бўлса ҳам, боришига имконият топа олмаяпти.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қўшариқ қочиб кетибдими, қош қорайгунча етиб оламан.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚОЧМОҚ II Бўғоз, ҳомиладор бўлмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

ҚОЧОҚ I (одатда кўлл. шаклида — **қочоқлар**) Бирор фалокат, сабаб туфайли ўз жойи, ватанини ташлаб қочиб, ўзга жой, юртда кезувчи, бўлувчи шахс(лар). *Афғонистонга қайтиб келаётган қочоқларга ёрдам бераётгани тўғрисида ҳар кун хабарлар келмоқда.* Газетадан.

2 Бурчини адо этишдан ўзини четга олган, бўйин товлаган, қочган (шахс). *Қочоққа садоқат йўқ, кўрқоққа — ҳурмат.* Мақол. ■ *Энди кўрасан мендан! Қочоқ! Сотқин!* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

3 *айн. қочқин I.* *Қочоқларни қувиб бораётиб:* «*Майли, қочиб борар экан.. охири ҳолдан таядилар-ку!*» дея *р экан Эргашев.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *кам кўлл. айн. қочқоқ 2, 3.* - *Ҳа, қочоқ!* — *деди [Элмурод] унинг кўлини қисиб ва эшикка қараб қўйиб деди: -Қайлигинг қани? П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚОЧҚИН I Жазодан ёки жазо ўрнидан, тутқунликдан қочган киши. *Отлиқлар миршаб билан бирга қочқинларни кўлга тушириш учун чўл томонга от суриб кетдилар.* С. Айний, Куллар.

2 *айн. қочоқ I.* *Қаёқдандир душман самолётлари пайдо бўлиб, қишлоқ устида ва чодир тикиб ётган қочқинлар тепасида айлана бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *айн. қочоқ 2.* *Унинг яккаю ягона ўғли қочқин — хоин бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбига зўр изтироб солади.* У. Норматов, Мусибат ва матонат.

ҚОЧҚИНЛИК I Қочиб юриш.

2 Қочиб юрган ердаги, шароитдаги ҳаёт.

ҚОЧҚИНЧИ с.т. Қочқин, қочоқ. *Қанчаси ярадор-майиб бўлади, Қочқинчиси шоҳ қошига боради.* «Ширин билан Шакар».

ҚОЧҚИР Тутқич бермай қочадиган, чопагон, чопқир. *Қочқир от. Қочқир қуён.*

ҚОЧ-ҚОЧ Ҳар томонга тўс-тўс бўлиб қочиш ва шу ҳолат, кўринишнинг ўзи. [Одамларнинг] *Юзида неча кунлик азоб ва*

уқубат, «қоч-қоч», ғамнинг доғи кўриниб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОЧҚОҚ I Қатъиятсизлик билан ўзини четга оладиган, қочиб қоладиган; кўрқоқ.

2 Билдирмай қочиб кетган ёки кетадиган. [Ҳасанали:] *Қани, ойи, кўрманани берингчи, мен сизнинг қочқоқ келинингни тугиб келдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Санобар:] *Қаёққа гойиб бўлдиларинг? Қочқоқлар! Қани, ўтиринглар.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

3 *кўчма* Ваъдани бузиб, ундан бош тортиб қочган киши.

ҚОШ I Қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатлам. *Қуюқ қош. Пайваста қош. Қош(ни) бўямоқ. Қош(ни) термоқ. Қош(ни) чимирмоқ. Қош(ни) қоқмоқ.* ■ *Самандаров бир қоши паст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган махоркасини чироқдан тутатиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Ҳой-ҳой, — котиб туташ қошларини учириб қўйиб, Акбарга кўз қисди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Қош кўяман деб кўз чиқармоқ Яхши, фойдали иш қилиш учун уриниб, ёмон, хато иш қилиб қўймоқ, тузатаман деб бузмоқ. *У Назокатнинг олдига кириш учун шунча хезланарди-ю, бироқ қизишиб турган бир пайтда яна қош кўяман деб кўз чиқариб қўйишдан ҳайиқарди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

2 Баъзи нарсаларнинг олд қисми, туртиб чиққан жойи. *Айвоннинг қоши.* ■ *Хизматкорлар қўлтиғидан кўтариб, отга мингаштирмоқчи бўлганларида, оёғим узангидан тойиб, бурним эгарнинг қошига тегиб кетди.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

3 Узук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гул — безак. *Канизларнинг кўлларида қошлари бриллиант олтин билагузуклар, бўйинларида зебигардонлар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 (3-ш. эгалик ва макон келишиклари шаклида — **қошига, қошида, қошидан**) кўм. өзф. Макон муносабатларини билдиради. *Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшимга, Шакар ака, келгин менинг қошимга.* «Ширин билан Шакар». *Қошимдан ноз-истиғно билан кетдинг, ёмон бўлди, Қошимга ноз-истиғно билан келсанг, ёмон бўлмас.* Ж. Камол. *Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда, Бахту давлат келди етмиш ёшимда.* Ҳабибий.

Қош қорайди Кеч кирди, оқшом қоронгиси туша бошлади. *Қош қорайиб, одам одам-*

ни танимайдиган бўлиб қолди. Ойдин, Чақалоққа чакмонча. *Хирот аҳолиси қош қорайиши билан кўча эшикларини ичидан занжирлаб олар эдилар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ҚОШИДАГИ Олдидаги, ёнидаги, хузуридаги; таркибидаги. *Урозали қушбегининг қошидаги амалдорларидан бошқа яна олти юз оломон одами бор эди.* «Ёлдор». Институтни битирганимдан кейин мени шу институт қошидаги касалхонанинг хирургия клиникасида ишга қолдирдилар. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

ҚОШИҚ I Овқат ейиш ёки ичиш учун ишлатиладиган рўзгор буюми. *Ёғоч қошиқ. Кумуш қошиқ. Чой қошиқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар.* Мақол. ■ Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афти бурушди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун.

Ёмондан ёрти қошиқ Охиригача еб-ичиб қўймай, озгина қолдирилган ҳолатга нисбатан айтиладиган ибора.

ҚОШИҚ II Ўзбек, рус ва б. халқларда, асосан, рақслар жўрлигида усул берувчи урма мусиқа чолғуси.

ҚОШИҚДОН Қошиқ солиб қўйиладиган идиш. *Чол.. [йигитнинг] қўлига қошиқдон саватни бериб, мева-чевага юборди.* А. Қаҳҳор, Картина.

ҚОШИҚЛАМОҚ Қошиқ билан олмоқ; қошиқ билан ўлчамоқ. *Ошини қошиқ билан емоқ. Шакарни қошиқлаб солмоқ.*

ҚОШИҚЧИ I Қошиқ ясайдиган уста.

2 Қошиқ сотувчи одам, қошиқфуруш.

ҚОШИҚЧИЛИК I Қошиқчи иши, касби.

2 тар. Қошиқчилар растаси ёки маҳалласи.

ҚОШ-ҚОВОҚ I Қош ва қовоқ; қош ва қовоқлар.

Қош-қовоғи солинмоқ (ёки осилмоқ) Норозилик ёки хафалик ифодалаб хўмраймоқ. *Тешабойнинг авзойи бузилди. Қош-қовоғи тамоман солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма айн. **қовоқ-димоғ.** *Кимнингдир қош-қовоғига қарашга.. ёмон кўринишга тўғри келади.* Газетадан.

ҚОЯ I Қаттиқ, туб жинслардан иборат тик кўтарилган чўққи, жарлик, тепа (асосан, нураш натижасида қаттиқ тоғ жинсларининг очилиб, ер юзига чиқиб қолиши-

дан ҳосил бўлади). *Бу – Кўҳисийёҳ, унинг остида яланғоч қўнғир қоялар силсиласи.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Жилганинг бошида катта бир қоя бор. Қоянинг паст-баланд тошлари, ўрганмаган кўзга узоқдан одам ва ҳайвон шаклларида кўринади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Болалар, тоғ қоялари ва тошлардаги дарзлар ҳам мана шу йўсинда ҳосил бўлганини кўз олдишарига келтирар эканлар, сув билан совуқнинг бу қилиқларига ҳайрон қолишди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ботаётган қуёш қояларнинг учларини алвон рангларга бўяди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Баланд тик тош; қоятош. *Госпиталь биноси денгиз тўлқинида омон қолган қоядай атрофдаги харобаларга ачинаб қараяётганга ўхшарди..* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 кўчма Суянч, таянч, ҳомий бўлувчи шахс. *Айрим ҳолларда иложсизлик қилди, суянадиган қояси бўлмаганиданми, эзилиб турибди.* «Ёшлик».

ҚОЯГИРЛИК кам. қўлл. айн. альпинизм. *Анна бир муддат қоягирлик машғулотларига ҳам қизиқиб кўрди.* «Жаҳон адабиёти».

ҚОЯТОШ айн. қоя 2. *Акбар баланд қоятош устида турарди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Баланд қоятошлар билан текис воҳалар бирибирига ғалати тарзда киришиб кетган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚОҚ I I Жуда ҳам қуруқ, қуриган, сира ҳам нами қолмаган. *Қоқ нон. Қоқ қуруқ ўтин.* ■ *Амма.. қоқ гўшт олиб тушиб, ўчоққа ўт ёқди.* С. Анорбоев, Мехр. *Қоқ чўкирталарнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши қизиқ туюлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўртадаги деворни бузиб, қоқ кесагини тоқларнинг тағига солишибди.* С. Аҳмад, Туйнук.

2 Жуда ориқ, этсиз, териси суягига ёпишган. *Элгелди унинг қора таёқни маҳкам чангаллаган қоқ қўлларига тикилиб, орқага тисарилмоқчи эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг ёнида ўрта бўйли, қоқ гавдали – ориқ, туси қорамтил.. иккинчи одам бор эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

Қоқ суяк I) гўшти йўқ, фақат суякнинг ўзи; 2) жуда ориқ, эти суягига ёпишган. *Қоқ суяк қўллар.* ■ *Ажабо, 56 центнер картошкани еган сигирлар ҳам шунақа қоқ суяк бўладими?* «Муштум».

3 кўчма Ҳеч нарсаи йўқ; қуруқ. [Йўлчи:] Мен чиққанимда, уй қоқ эди: на бир сиқим ун, на бир қошиқ мой. Ойбек, Танланган асарлар. Чўнтаги қоқ бўлган Абдулла ака ўзича, «эҳ диёнатсиз, ақалли тийинини ҳам қолдирмабди-я», деб уни эшиккача кузатиб қўйди. С. Искандаров, Товламачи.

4 Нақ ўртасидан; тенг. Агар мурувват қилсанлар, жимла бўлмаса, бу йилча меваларни қоқ бўласизлар-да. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзи топган «капсан» ва «чўтал»ларнинг қоқ ярмини бошлиқларга беради. «Муштум».

5 шв. Қуритиб олинган; қуритилган (баъзи мева, полиз маҳсулотлари ҳақида). Сутли гўжа ичиб, қоқ ўрик билан жийда-пийда еб, қишни чиқардик. С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚОҚ II юнл. Худди, нақ, аниқ, айни. Қоқ пешин. Шаҳарнинг қоқ ўртасида. Қоқ ярим кечада. ■ Бутун жонзотга ҳаёт берувчи қуёш эрта билан кўтарилади-ю, қоқ тушга келиб, тик туриб олади. «Олтин бешик». Қиз уйғонди қоқ саҳар пайти. Ё. Мирзо. Қуёнқочди трассанинг қоқ киндиги ҳисобланар, элик километр узунликдаги масофани эгаллаган бўлиб.. участка аъзолари шу масофани кўлдан чиқариб беришлари мумкин. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚОҚВОШ [тўғриси қоқ бош] с.т. I Миясида, калласида ҳеч нарса йўқ; миясиз, ақлсиз. [Жамила:] Оббо, қоқвош-эй, сен белингни боғлағунингча, Шокирвой пахтасини ундириб, териб ҳам олади. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглр. Бу қоқвош «шу ишингиз нотўғри», дейиш билан-ку Ҳажининг қорнига қозик қоққандек бўлган эди, яна «хўмрайманг», дегани нимаси. А. Қаҳҳор. Йиллар.

2 Ўтакетган хасис, зиқна. Эсизгина, гулдай умрингиз кулбаи вайронада ўтиб кетяпти, сизни хўп авраб ишлатяпти бу қоқвош чол. Ойбек, Улуг йўл.

ҚОҚИ I Қуриган, қуритилган мева, гўшт ва ш. к (уларни узоқ муддат сақлаш усулларидан бири). Олма қоқи. Шафтоли қоқи. Қоқи солмоқ. Қоқи қилмоқ. ■ [Табиб] Нон қоқиси еб, қуюқ фамил чой ичиш лозимлигини айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улар туғунларини ечишди, қовун қоқи ва гўшт қоқиларни ўртага қўйишди. Ф. Фулом, Шум бола.

Қоқи баҳоси Жуда арзон: сув текин; ики пул. Қоқи баҳосида сотиб олмоқ. ■ Боши-

га манманлик кибр-ҳавосидан бошқа нарса сиғмайдиган.. раисни ҳозир колхозчилар қоқи баҳосига ҳам олмай қўйишган. «Муштум».

ҚОҚИ II, қоқигул, қоқиўт Сарик тўпгулли, сут. ширали, қуригач, уруғли тўзгоғи шамолда учиб кетадиган кўп йиллик ўт; момақаймоқ. Норалининг қўлидаги қизгалдоқ, қоқи, чучмомаларни кўрди-ю, қўзи-чоқдай сакраб, унинг олдига келиб тўхтаб қолди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Бойваччалар уйининг даричаси тубида Сопол тувакчаларда ўсган қоқигул бўлур. Ф. Фулом.

ҚОҚИЛМОҚ I Қоқмоқ фл. мажҳ. н. Деворга қоқилган мих. Томига тунука қоқилган уй. ■ Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳасан ота айтгандек, ўртага қоқик қоқилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсилар. Ойбек, Танланган асарлар.

Қоқилиб ўтирмақ Қимирламай ўтирмақ (ўтириб қолмоқ). ..ҳамма иш билан банд, жамоа раиси Салимов худди қоровулдай қоқилиб ўтирибди. Х. Шамс, Душман.

ҚОҚИЛМОҚ II I Юраётиб, оёғи учини бирор нарсага уриб олмоқ ва шунинг натижасида мункимоқ. Қоқилсанг, тошдан ўп-калама! Мақол. ■ Ўйлаб кетаётиб, тошга қоқилиб кетдим.. бош бармоғимнинг тирноғи кўчиб, четидан қон сизиб чиқди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Сирож тротуардан туртиб чиққан ғиштни кўрсатиб, қизни огоҳлантирди: -Эҳтиёт бўлинг, қоқилиб кетиш мумкин. Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 кўчма Янглишмоқ, хато қилмоқ; шу тарзда панд емоқ, ночор ҳолатга тушмоқ. Бу Викторнинг иккинчи марта қоқилиши.. Олдинги сафар танбеҳларсизоқ бир оз эсини йиққан эди. Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди. Ҳозирча у қоқилмай, обрўсига путур етмай келяпти. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 кўчма Бирор нарсдан, жиҳатдан қийинчилик, муҳтожлик сезмоқ. Пулдан қоқилмоқ. ■ Гапнинг сираси шуки, қизнинг молини тўлатаман, деб отангиз бир оз қоқилиб қолдилар. «Муштум».

ҚОҚИМ этн. Афсун ўқиб ва беморнинг аъзойи баданини, қўл, оёқ, бел, бўйин, қулоқларини уқалаш йўли билан «даволаш» усули.

ҚОҚИМЧИ Қоқим қилиб «даволовчи» табиб. *Бир мен ўзим қоқимчи, Ҳам эмчиман, аласчи, Бер, бер, бер, бер, бер!* Ҳамза. *Бор экан, йўқ экан, қарға қоқимчи, чумчуқ чақимчи экан.* «Эртақлар».

ҚОҚИНДИҚ 1 этн. Қоқим қилиб «даволаш»да беморнинг баданига уриб, бошидан айлантириб садақа қилинадиган ёки қоқимчи олиб кетадиган нарса, садақа.

2 х.-қ. Жоним тасаддуқ, садақанг бўлай. *Ахир, биз ҳам отанг билан кўзимиз ёруғлигида сенинг орзу-ҳавасингни кўрсак деймизда, онанг қоқиндиқ.* Ҳ. Зиёхонова, Кўнгил. *Бўйингиздан опангиз қоқиндиқ, агар шунчалик айтмасангиз, бир бечора қиз оёғостини бўларкан.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *-Вой, онагинанг айлангур, бўйгинангга қоқиндиқ бўлай, — деб Шарофатбиби узоқ вақт бағридан Комилани қўймади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бор, дўмбоққинам, бор, қоқиндиқ, бор, ўйинингни ўйна.* А. Мухтор, Чинор.

ҚОҚИНМОҚ 1 Қоқмоқ фл. ўзл. н. Тўрқовоқ ичида эски туллак ҳам Қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас. Ф. Гулом. *От бутун гавдасини силкиб қоқинди-да, чуқур нафас олиб ихради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 айн. **қоқилмоқ 2.** Кўкка қараган қоқинар. Мақол. *Отнинг тўрт оёғи бўлса-да, қоқинади.* Мақол. ■ *Содиқ мингбоши деҳқоннинг тарвузига қоқиниб кетди.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

3 кўчма айн. **қоқилмоқ II 2.** Билимсиз киши қоронғида адашиб юрган одамга ўхшайди. *Бундай одам тез қоқинади.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Алиқул узоқ умрида бир эмас, бир неча қоқиниб, бир неча йиқилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚОҚИРИМ Қатиқ ва қалампир солинган қуруқ суяқ овқат (олатда тумовни, шамоллашни даволаш учун истеъмол қилинади). *Унча-мунча бетобликни қоқирим ёки гиёҳларнинг гули ва томири билан енгиб келган.* И. Раҳим, Ихлос.

ҚОҚИШМОҚ Қоқмоқ фл. бирг. н. Улар туриб, этакларини қоқишди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Йигитлар катта кўргоннинг текис майдончасида терларини артиб, чангларини қоқишиб, ўзларини тартибга солиб олдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОҚИШТИРМОҚ Ҳеч қолдирмай, бор-йўғини йиғиштирмоқ, тўпламоқ, қириштирмоқ. *Бундан уч йилча олдин, Қирмизхонни*

кўрқитиб, отпуска пулини қоқиштириб олгани эсига тушди-да, ўз-ўзидан қизариб кетди. Эр бўлиб, бир тийин бериш у ёқда турсин, қўлидагини ҳам қоқиштириб олади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳайдар.. муюлишга етмай, стипендиясидан қолган бор-йўқ пулини қоқиштириб, шофёрга берди-да, ўзи ётоққа қараб пиёда кетди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ҚОҚЛАМОҚ 1 Қоқ қуритмоқ, қуритиб қоқ, сур қилмоқ. *Гўшт қоқламоқ.* ■ *-Бизни шўлонга қамаб, балиқдай қоқлагани учун худонинг ўзи қаҳрига олибди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 кўчма Сира ҳам қолдирмай, таг-туғи билан йўқ қилмоқ, бор-йўғини қуритмоқ. *..сизнинг омборларингизни ҳам йигитларга талатиб, қоқиб.. чиқиб кетишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг маъракаларини ўтказиш учун уйимизни қоқладик, қарзга ботдик.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қоқи қилмоқ. *Онама айтинглар, қовун қоқласин, Қовуннинг қоқи(си)ни уч ой сақласин.* «Кўшиқлар».

ҚОҚМОҚ 1 Зарб билан киритмоқ (қоziқ, миҳ кабилар ҳақида). *Ерга қоziқ қоқмоқ. Ёғочга миҳ қоқмоқ.* ■ *Унгур чуқурлашган сари қоziқлар шу зайлда қоқиб борилса, йўлдан адашмаймиз.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. [Унсин] *Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шондан туширади, пардозлайди, қорагул, лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Миҳлаб ёпиштирмоқ, маҳкамламоқ. *Пол қоқмоқ. Отга тақа қоқмоқ. Томга тунука қоқмоқ.* ■ *Нима учун деворларга гилам қоқмадинглар?* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Нима бўлди-ю, ҳеч ким билан кенгашмай.. правлениенинг эшигига шундай бир эълоннома қоқиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Уриб овоз чиқармоқ, тақиллатмоқ, дукиллатмоқ. *Ҳамма ухлаганда, у муллаваччанинг ҳужрасини қаттиқроқ қоқсангиз, ҳаммасини кўрасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Самандаров.. қаламнинг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Шарофат] *Уйнинг нариги деворини қоқиб, қўшнини чақириш учун ўрнидан аранг турди.* Ҳ. Зиёхонова, Арзанда.

4 Елкага ёки орқага кафт билан секингина урмоқ, шаппатиламоқ. *Керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб: -Кетдикми, Дехқонбой! — деди ўзбек тилда бир жангчи.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Бобом мени қаттиқ қучиб, қўли билан орқамни бир-икки қоқади, тагин ишга тутинади.* Ойбек, Болалик.

5 Уриб, чертиб, силкитиб ва б. йўл билан ичидаги, устидаги нарсани туширмоқ, шу йўл билан тозаламоқ. *Гидамнинг чангини қоқмоқ. Илиқ қоқмоқ. Бурнини қоқмоқ. Дастурхонни қоқмоқ. Кийимларни қоқмоқ. Телпакнинг қорини қоқмоқ.* ■ *У этакка илашиб қолган пахталарни қоқаётганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб, тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Имом, тўполонда бошидан тушиб, тупроққа қоршанган салласини қоқиб-қоқиб, қайтадан ўраркан, ўз қавмига ваъз-насиҳат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз келгунингизча, мен кўрпачаларингизни қоқиб, супуриб қўяман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Уриб ёки силкиб, меваларни туширмоқ. *Жийда қоқмоқ. Олма қоқмоқ. Шафтоли қоқмоқ.* ■ *Саломатнинг онаси эликбошининг боғидаги азим туп ёнғоғини қоқаётганда, йўқилиб ётиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Мен сизга айтсам, баҳорда гул териб, кузда ўрик қоқиб бериб, кўнглини олиб юрдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бирор аъзони силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Қошини қоқмоқ. Қанот қоқмоқ.* ■ *Шакар буви белини ушлаб, кифтини қоққанча бобиллади.* Ҳ. Назир, Томоша. *Раис дарров ўрнидан турди, бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб, икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўрғалади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

8 *Кўчма* Ҳолдан тойдирмоқ, толиқтирмоқ. *-Юр бизниқига, — таклиф этди раис, — андак дам ол, бирга овқатланайлик, машина кишини қоқиб қўяди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Йўл қоқиб, ўзи адоий тамом бўлган-у, кетидаги Зулхумордан номус қилганидан ҳам йўлдан қолмай чидаб боради.* М. Мансуров, Ёмби. *Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан қотиб ухлабман.* А. Қодирий, Улоқда.

9 *этн.* Қоқим қилмоқ, қоқим қилиб «даволамоқ». *Ҳакка келиб чўқисин, Мулла*

келиб ўқисин, Қоқимчи келиб қоқсин, Кўзинг суя бўлиб оқсин. «Фольклор».

Жонимни қоқай Айланай, ўргилай, тасаддуғинг бўлай. *Утиринг, айланай, утира қолинг, жонимни қоқай.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Жонини қоқмоқ** Жонини, ўзини фидо қилмоқ. *Табассум-ла икки ёш ерга боқиб, Она хизмат қиларди жонин қоқиб.* М. Алавия. **Им қоқмоқ** Бош иргатиб, им (имо) билан ишора қилмоқ. *Сеитов секретарга «чақиринг», дегандай им қоқди.* «Муштум». *Қизлар «бу нима экан», деб бир-бирларига им қоқишди.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза. **Киприк қоқмоқ** 1) киприкларни пирпиратиб, кўзни очиб юммоқ. *Секретарь қиз кўзларини сузиб, бир-икки киприк қоқди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи; 2) бўлишсиз шаклда — ухламаслик, кўз юммаслик. *Тонг отганда киприк қоқмасдан, Тагин қир бағрида ҳозир бўламан.* Миртемир. **Мижжа қоқмаслик айн. киприк қоқмоқ** 2. *Бўрон бўлиб, кучли ёмғир қўйди, бригадир мижжа қоқмай дала айланди.* «Ўзбекистон кўриқлари». **Мияни (ёки қулоқ-мияни) қоқиб қўлга бермоқ** Кўп гап гапириб, жавраб, жонига тегмоқ. *Тошкентдан яп-янги машина олиб келиши ҳақида мақтанавериб, миямизни қоқиб қўлимизга берди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Биродарлар, Рихсиев қулоқ-миямни қоқиб қўлимга берди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. **Оғзига қоқмоқ (ёки урмоқ)** Гапини бўлмоқ, гапиртирмаслик. *Дарсига тушунмай савол берсанг, дарров оғзингга уради.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Сим (ёки телефон) қоқмоқ с.т.** Телефон орқали сўзлашмоқ; телефон қилмоқ. *Исфандиёрга сичқоннинг уяси минг тилла бўлди. У кетма-кет Тошкентга сим қоқар эди.* С. Сиёев, Аваз. *Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. **Танда қоқмоқ кам қўлл. айн. ганда қўймоқ** 2. қ. **танда.** *Тикувчилик артелига танда қоқавериб, ишдан қоладиган бўлди.* Файратий, Довдираш. **Четга қоқмоқ** Назарписанд қилмаслик, пастга урмоқ. *Кейин Гулнорга худо беради, у эрка-арзанда хотин бўлиб.. кўнглига нима келса, шуни қилади, бизни ҳар нарсадан четга қоқади, балки бошимизда ёнғоқ чақади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Этак қоқмоқ** Баҳридан ўтмоқ; кечмоқ. *-Тортавер аравангни ўзларинг! — дедим-да, этак қоқиб чиқиб кетдим.* М. Абдукаримов, Чигал ёзилди. *Кўнса, кўнди,*

кўнмаса, *этагимни қоқиб чиқаман-кетаман*. С. Аҳмад, Уфқ. **Эшик қоқмоқ** 1) эшик тақиллатмоқ. *Машинадан тушиб, уймакорли жигарранг бир эшикни қоқдим*. У. Назаров, Одамлар; 2) кўчма яқинлашиб қолмоқ, яқинлашганидан (хелганидан) хабар бермоқ. *Илғорлар учун буйруқ кўзда берилган эди.. баҳор эшик қоқяпти, «қанисиз, опа?» дейди*. Н. Сафаров, Хадича Аҳорова. **Қанот қоқмоқ** қ. **қанот** 1. *Уй-хаёлим Ватан бўйлаб қоқади қанот!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. **Қулоқ қоқмоқ** 1) қулоқ солмоқ. *Ёшларингга арз этармишсан: «Қачон тугар ёримнинг жанги?» Ёш демишки: «Ғарбга қулоқ сол, Келаётир зафар оҳанги»*. Т. Тўла; 2) қулоғига етказмоқ; айтмоқ. *Доно халқимиз ҳам бу ҳақда ҳамиша қулоғимизга қоқиб туради: «Гўзаллик юзда эмас, ақлда!»* М. Исмоилий, Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак; 3) эътироз билдирмоқ, қаршилиқ қилмоқ. *Ҳожи она менинг онам бўлади! Кимки онамнинг сўзига қулоқ қоқса, хафа қилса, ундай хотин менга — талоқ*. Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Жонкелди, ўлиб турган экан, қулоқ қоқмай, хўп деди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОҚТИРМОҚ **Қоқмоқ** фл. орт. н. *Уйга пол қоқтирмоқ*. *Отга тақа қоқтирмоқ*. ■ *Халмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқтириш учун шаҳарга тушиб кетади*. А. Қодирий, Обид кетмон. *Энг четдаги қозиқдан унинг ёнидаги иккинчи қозиқ орқали қараб, учинчисини қазиладиган унғур оғзига қоқтирди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *— Уч марта товукни кучоқлаб қоқтиргин, чиллаёсин қилдиргин.. — деб қўярда-қўймадилар*. Ойдин, Чақалоққа чакмонча.

ҚОҚШОЛ I Ориқликдан қоқ қуриб қолган. қоқ қуруқ, қуруқ суяк. *Она яна қоқшол қўллари билан ўғлининг елкасини силади*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Утизаларини қоқшол қўллари билан кучоқлаб, исқирт кўрпача устида бамайлихотир ўтирар.. эди*. М. Осим, Элчилар. *Қоқшол киши қўлини кўтариб, уни тўхтатди*. Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

ҚОҚШОЛ II *тиб.* Одам ва ҳайвонларда организмга терининг жароҳатланган еридан кириб, ўзидан заҳар ажратиб, бутун организмни заҳарловчи таёқча шаклидаги алоҳида микроб қўзғатадиган ўткир юкумли касаллик (бемор камалакдек эгилиб қолади ва ҳар қандай ташқи таъсирдан тиришиб

қолаверади). *Султоннинг оёғи шишиб кетди.. Мадали ака: — Ҳозир дарров укол қилмаса, қоқшол бўлиб қолади, — деди-да, дори сумкасини тита бошлади*. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОҒОЗ [ф. کاغذ — қоғоз; хат; ҳужжат, гувоҳнома] I Асосан ёзиш, расм солиш, китоб, журнал, газета ва ш.к. босиш ҳамда бошқа мақсадларда ишлатиладиган, ёғоч, эски-туски ва ш.к. дан тайёрланадиган юпқа материал. *Газета қоғози. Ёзув қоғози. Ўров қоғози*. ■ *Республикамизда қоғоз ишлаб чиқариш узоқ тарихга эга. «Фан ва турмуш». Ҳозир қоғоз, босмахона.. харажатлари учун пул етишмайди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзида тап-тайёр мисраларни қоғозга туширишга шунчалик шошасанки, охирида ўз дастхатингни ўзинг ўқиёлмасдан қийналасан*. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *..бурчакдаги китоблар билан тўлиқ шкаф устида ўроғлиқ чертёж қоғозлари ётар эди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нажмиддин Бухорий ҳам қоғозларни ёзиб, лойиҳани, мадрасанинг баъзи бўлак тасвирларини кўздан кечирарди*. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Маълум бир нарса, иш, воқеа-ҳодиса ва ш.к. ни қайд этувчи матн битилган ва қонуний кучга эга бўлган қоғоз; расмий ҳужжат. *Салимбойвачча қоғозни қўлда маҳкам сиқиб, ғурур билан давом этди: — Бу нарса қўлимдами, ҳар бир ишни қиламан, ҳеч ким бирон айбни бўйнимга қўя олмайди. Бу хат жиноятни савобга айлантиради. Ҳар ерда, ҳар ким олдида мени оқлайди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Бироқ кўрилган чоралар ҳақида «юқори»га қоғоз керак эди*. Газетадан. *Мана бу қоғозга мадраса муллабаччалари, домлалар, мударрис, бойлар, юрт улғулари имзо чекканлар*. К. Яшин, Ҳамза.

3 Қоғоздан ишланган пул, қоғоз пул. *Кармонидан беш сўмлик қоғоз олиб, сандалга қўйди*. Ойбек, Танланган асарлар. *— Ҳа, айланай, оҳори синмаган қоғозлар ҳамманиям ҳушини қочиради. Қачон олиб келибди? — Ҳозир беҳабар 175 сўм олиб келган экан*. Ҳамза, Паранжи сирлари.

Суь қоғоз қ. **суьқоғоз**. **Хитой қоғоз** қ. **хитой** 2.

4 (ў-п. к. *шаклида — қоғозда*) Фақат қоғоз, расмий ҳужжатлардагина қайд этилиб, амалда ижроси йўқ иш-фаолиятларга нисбатан қўлланади; шундай ҳолат, аҳвол-

ни қайд этади. Кўп бўлимлар ҳозиргача ва- зифалари нимадан иборатлигини билмай- ди, тарқоқ, кўп ҳолларда қоғозда фаоли- ят кўрсатади. Газетадан.

5 с. т. Варақ, бет. Мақола икки қоғоздан ошмасин. ■ Сўнги вақтларда мухбирлар, юборган хабарларининг биринчи қоғози ус- тига «гонорарли», деб ёза бошладилар. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚОҒОЗБОЗ [ф. کاغذبان — бўлар-бўлмас- га хат ёзишни яхши кўрадиган] Амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар олиб бориш, қарорлар чиқариш билан оёвора бўладиган, шу тарзда ишлашни яхши кўрадиган шахс; расмиятчи. *Иш бўлмайди, кимки бўлса қо- ғозбоз, Қоғозбозлик билан ўтгай қишу ёз. Ҳабибий.*

ҚОҒОЗБОЗЛИК 1 Амалда эмас, қоғоз- дагина иш битириш, қоғозбоз каби иш тутиш. *Ҳурматли Тўқлиев ва Қораев ўртоқ- лар! Қоғозбозлик билан план сира юз бўл- майди. «Муштум». Бу министрликларнинг айрим шохобчаларида асосий ишдан кўра бепарволик, қоғозбозлик, уюшқоқсизлик авж олиб кетган. «Муштум».*

2 Ёзиш-чиизиш, қоғоз-ҳужжат ва ш.к. билан боғлиқ ишлар. *У киши қайтгунча қоғозбозлик ишларини ўзинг тўғрилаб ту- расан. О. Ёқубов, Излайман. [Мирзажон] Кабинетда ўтириб, қоғозбозлик билан шу- гулланишга ўрганмаган. К. Раҳимов, Бирин- чи одим. -Йўқ, йўқ, қўзғалма. Бугун қоғоз- бозликка сира тоқатим йўқ! — деди Амина она Ҳалимага. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.*

3 Ёз-ёз иши (кимса ҳақида туҳмат, гийбат ва ш.к. ни ёзиш). *Шу Қори ҳозир газета ходимининг ҳам пайига тушиб, қо- ғозбозлик қилиб юрибди. Мирмуҳсин, Муси- ча одам.*

ҚОҒОЗЖИЛД [қоғоз + жилд] кам қўлл. айн. **конверт**. *Қиз хатни буклаб, қоғозжилд- га жойлади. Н. Ёқубов, Жон.*

ҚОҒОНОҚ Она қорнида, бачадонда болани ўраб турадиган парда.

ҚУББА [а. قبة — гумбаз; чодир] **архит.** Яримшар шаклидаги гумбаз. Мезаналар- нинг қуббалари. Бутхонанинг қуббалари. ■ *Тунука томли уйлар, ёғоч панжаралар, ги- лос, олма ва шафтоли; қават-қават имо- ратлар, баланд қад кўтарган минора ва қуббалар унинг кўз олдидан бирма-бир ўта-*

верди. П. Турсун, Ўқитувчи. Салқин тушди. Минораларнинг қуббаларида уйнарди қуёш. Э. Раҳим.

2 Умуман, яримшар (қубба) га ўхшатиб ишланган, шундай шаклга келтирилган нарса. *Каравот қуббалари чироқдай ёнади. Шухрат, Шинелли йиллар. Бир шиша конь- як.. ва чиройли вазага қубба шаклида те- рилган апельсин келди. Ойбек, Танланган асарлар. Аёлнинг сақичдай қора сочи икки қубба қилиб бошига турмалган. А. Мухтор, Қаноти синган орзу. Агар бир гап чиқса, шу чўққица тошдан қубба қилиб, белбо- гимни байроқ қилиб тикаман. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 бол. Тўртта ёнғоқни пирамида шак- лида тикиб, узоқдан соққа билан уриб йиқитиш ўйини. *Қубба ўйнамоқ.*

ҚУББАЛИ 1 Қуббаси бўлган, қуббалари бор. *Абдуллаҳон солдирган қуббали тимнинг ичи ари инидек ғувуллар эди. М. Осим, Элчилар.*

2 Қуббалар билан безатилган. *Қуббали эшиклари кенг.. кўркам — ҳайбатли икки меҳмонхонанинг бирида Мирзакаримбой ўти- рар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Су- воқлари нураган, қуббали устунлари хийла қийшайган оғир эшигини бир одам қулф- лаётганда, ойшми кўриб, орқасига ўгирил- ди. Ў. Ҳакимали, Навбахор.*

ҚУББАЧА 1 Қубба с. кичр.

2 айн. **қубба** 2. *Энли камарида олтин қуббачалар, йирик гавҳарлар.. оловлар эди. Ойбек, Навоий. [Алишер] Олтин қуббача- лар, ўймакор гуллар билан безалган эшикни очиб, кичикроқ, лекан серҳашам бир хонага кирди. Ойбек, Навоий.*

ҚУБУР [а. قبور — «қабр» с. нинг кўпл.] эск. кт. Қабрлар; гўристон.

Аҳли қубур Қабрларда ётган марҳумлар. *Ассалом алайкум, аҳли қубурлар, Бир кеча манзил жой сиздан сўрайман. «Алпомиш».*

ҚУВ 1 1 Макр-ҳийлага уста; ичидан пишган; муғамбир, айёр. *Олимхон бекор юриб тирикчилик қилишнинг ҳам яхши яшашнинг йўлини топган одамлардан. У жуда қув, мўлтони одам. Ойбек, Танланган асарлар. ..уста, мен сизни содда деб юрардим, анча қув экансиз-а, тавба.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

2 Қувлик ифодаловчи; айёрлик ифодали; айёрона. *Алимардоннинг юзида яна ўша қув*

табассум қалқди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. У ўттиз етти ёшларда.. чуқур қув кўзларидан заҳар томган.. киши эди. Ойбек, Нур қидириб.

ҚУВ II айн. оққуш. Оқ қув. Қора қув. Қув қув билан учади, ғоз ғоз билан кўчади. Мақол.

ҚУВ III: ранги қув ўчмоқ (ёки оқармоқ) Ранги оқариб, бўзариб кетмоқ. Раҳимнинг ранги қув ўчиб, ғиқ этмай қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. У орқасига тисарилди, тошойнада.. ранги қув ўчиб, кўкариб кетган ўзининг башарасини кўрди-ю, бу хаёл эканини тушунди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Валихон қоғозга қўл чўзди. Майнанинг ранги қув оқариб кетди, қўллари титрай бошлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚУВ IV унд. с. Қушлар галасини ҳайдашни билдиради. [Иқбол:] Чумчуқлар ўласин, уйлари куйсин. Ҳай, гала-гала қув. Н. Сафаров, Уйғониш.

ҚУВ V шв. Чақмоқ учқунидан ўт олиб ёнадиган махсус пилик, пилта. Мехтарога сув солиб, Чақмоғига қув олиб, Йўлга тушди Ҳасан мард. «Равшан».

ҚУВАЛАМОҚ кам қўл. I айн. қувламоқ. Бузуқ ерда олқорларни қувалаб Мерганлардан Навфал илгари ўтди. «Баҳром ва Гуландом».

2 Бир-бирини қувмоқ, қувлашмоқ. Кўзингиз экранда, кадрлар бир-бирини қувалаб ўтиб турибди. К. Ёрматов, Кино санъати ҳақида. Шу зайлда йиллар ўтди қувалаб. Толе кўки бахт юлдузин кўрсатмай. Ф. Фулом.

ҚУВАЛАШМОҚ Қуваламоқ фл. бирг. н. Отга солсанг, беда сол: Қасир-қусур чайнасин. Қизинг бўлса, ёшга бер: Қувалашиб ўйнасин. «Кўшиқлар».

ҚУВБОШ с.т. Айёр, қув. Чамбшдадир асли душманнинг эли. Гурўғли қувбошнинг тутинган ўғли. «Зулфизар билан Авазхон».

ҚУВВА [а. *قوة* — куч, қувват; энергия] эск. кт. айн. куч, қувват, қудрат. Янги усул соғлиқни сақлаш қондаларига тўла жавоб бериш устига, болаларнинг зехнларига, ўзлаштириш қувваларига яхши таъсир беради. «Маориф ва ўқитувчи».

Қувваи жозиба 1) ўзига тортиш, жалб қилиш қуввати; жалб қилувчи, тортувчи куч. Бир қувваи жозиба зиёратхонага қараб оёгимни ортаверди. «Муштум»; 2) физ. тортиш кучи. **Қувваи нутқ** Нотиклик маҳорати. Султонмурод.. ўжар олимнинг илтифотини

қозониш учун қувваи нутқини ишга солди. Ойбек, Навоий. **Қувваи ҳофиза** (ёки муҳофиза) Эсда сақлаш қобилияти, хотира қуввати. Менинг ўзим ҳам Устанинг бой ижодига, юксак талантига, қувваи ҳофизаси, сўзга бойлиги ва чечанлигига ҳайрон қолардим. «Театр». Фақирнинг қувваи муҳофизам озроқ, шунинг учун бу ерда фақат эсимда қолган хабарларнигина нақл қилурман. А. Қодирий, Кичик асарлар. ..автобиографик асар яратиш учун бахшилардаги кучли қувваи ҳофизанинг ва беқиёс бадихағўликнинг ўзигина етарли эмас. «ЎТА».

ҚУВВАТ [а. *قوة* — куч, қувват; энергия] 1 Ҳаракат-фаолиятга олиб келувчи қобилият; ҳаракатланиш, ҳаракатлантириш қобилияти; куч. ..қирқ минг элат ичида бу қизга қуввати баробар келадиган эр йигит йўқ. «Бўтакўз». Қаридим, иш қилишга қолмади қувват. Ғайратий. Поезд борар.. қувватга тўлиб. Ҳ. Пўлат.

Қувватга кирмоқ Соғаймоқ, куч тўпламоқ. У [ҳаким-доктор] томиримни ушлаб, андак мулоҳаза қилди-да: -Сизники — косиб касал, далага чиқинг, баҳридилингиз очилса, қувватга кириб кетасиз, — деди. Ойбек, Танланган асарлар. **Қувватдан кетмоқ** (ёки қолмоқ) Ҳолсизланмоқ, заифлашмоқ, куч-қуввати кетмоқ.

2 айн. энергия. **Электр қуввати.** ■ Шу сувнинг қувватидан уйимиз ёруғлиги. Қ. Муҳаммадий. Улуғ кишилик ақли атомдаги қувватни Покиза умид билан қила ололди ижод. Ф. Фулом.

3 физ. Бир вақт бирлиги ичида бажарилган ёки бажариладиган иш миқдори. 500 мегаватт қувватга эга бўлган гидростанция. Қувват бир секундда бажарилган ишидир.

4 Корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари мажмуи. **Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш** билан янги объектлар ҳам барпо этилди. «Фан ва турмуш».

5 Куч, чидамлилиқ. **Чириган ёғочнинг қуввати бўлмайди.**

6 кўчма Моддий, маънавий имконият; қодирлик, қурб; қобилият, лаёқат, билим. «Уч»да қаҳрамонларнинг ҳар иккаласи ҳам характер сифатида ўзларининг жозибадорлиги, маълум бир хислатларининг бўрттириб тасвирланиши билан китобхонни ўзига тортиб олиш қувватига эга. М. Қўш-

жонов, Поэмадан романга. *Элмурод кимда қандай ўқиш асбоби борлигини текшириб чиққандан кейин, ўқувчиларнинг қувватини синашга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қуввати етмоқ (ёки келмоқ) 1) кучи етмоқ. *Ўйла, болам, кимга келар қувватинг?* «Рустамхон»; 2) имконияти етмоқ, қурби келмоқ. - *Битта хотин олиб беришга қувватим етади, — деди Ботиржонга دادаси.* Қ. Мақсумов, Саодатли чаманда. [Нури] *Пул ва бойликнинг қувватига ишонгани учун, бу йўлни қулай деб топди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 қ. калория. *Бир пиёла чойдаги қувват бир бурда нонга тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилган.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

8 кўчма Далла, мадад. *Арғамчига қил қувват.* Мақол. ■ *Майин товуш эшитилди: -Келинглр.. раҳмат! Одамга одам қувват бўлади, минг раҳмат!* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Индамаса ҳам, шу ерда туриши, Фуломжондан ниманидир кутиши йигит юрагига қувват берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУВВАТЛАМОҚ Маъқулловчи, ёнини, тарафини олувчи ёки тасдиқловчи фикр билдирмоқ, ёқламоқ, қўлламоқ, ҳимоя қилмоқ. *Бировнинг сўзини, фикрини қувватламоқ. Ташаббусни қувватламоқ. Қарорни қувватламоқ.* ■ *-Ана у қизга ҳақ гапни айтдим, — деб Эрашойни қувватлади Шарофат хола.* Н. Сафаров, Оляяхон Султонова. *Гулистон кексалари, гўё кечаси билан маслаҳатлашиб чиққандек, бир-бирини қувватлаб гапира бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚУВВАТЛАНМОҚ 1 Қувватламоқ фл. мажҳ. н. *Бу фикр кўпчилик томонидан қувватланди.*

2 Қувватга кирмоқ, қувват олмоқ. *...майли, бувингизни ман айтиб, олдириб келай бўлмаса, шояд кўриб, бир оз қувватлансангиз.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ҚУВВАТЛИ 1 Аниқловчи сўз билан қўлланиб, шу сўз англатган маънодаги (даражадаги) қувватга эгаликни билдиради.

Юқори қувватли электр симларини тортиш каби оғир юмушларни бажаришда қурувчиларнинг бирдан-бир ёрдамчиси ана шу вертолётлардир. «Фан ва турмуш».

2 Қуввати меъёрдагига нисбатан ортиқ; кучли, бақувват. *«Эли қувватлининг бели ҳам*

бақувват бўлади», деб қўйди кўнглида. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҚУВВАТСИЗ Кучсиз, куч-қуввати, дармони йўқ; куч-қуввати меъёрдагидан (нисбатан) кам; камқувват.

ҚУВВАТСИЗЛАНМОҚ Кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, куч-қувватдан қолмоқ. *Касалдан анча қувватсизланиб қолибди.*

ҚУВВАТСИЗЛИК Қувватсиз ҳолат; кам куч-қувватга эгалик. *Қувватсизликдан шикоят қилмоқ.*

ҚУВИЛМОҚ Қувмоқ фл. мажҳ. н. *Бўлмагур хаёллар миядан қувилди.* ■ *Созандалар уйдан қувилибди, кетларидан мусиқа асбоблари бирин-кетин улоқтирилибди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚУВИШМОҚ Қувмоқ фл. бирг. н. *Турли миллат ўғлонлари бир тан, бир жон бўлишиб, ёвни юртимиздан қувишди.* ■ *Улар бир-бирларини қувишиб ўйнашар.. яйрашар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУВИШТИРМОҚ 1 Қувишмоқ фл. орт. н. **2** Орқасидан қувмоқ, эргашиб юрмоқ. *Бола онасидан бир қарич ҳам жилмай, уни қувиштириб юради.*

3 *кўчма* Суриштирмоқ, пайига тушмоқ. **ҚУВЛАМОҚ** Қувмоқ ёки қушлаб етмоқ. *Қўрқанни ажал қувлар.* Мақол. ■ [Фоти-ма:] *Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман деб, ғозларни қувлгани-қувлани.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Уйинг куйгур тасқара миршаблар изинга тушиб қувландими?* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз қувламасангиз, мен Марғилонга бормайман!* [деди Кумуш]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йўғ-ей! — Бобоқул ўтирган ўрнида қўл силтади.* Гўё бу билан бошидаги шубҳаларини қувлamoқчи эди. С. Анорбоев, Оқсой. [Умурзоқова] *Қўшимча шуҳрат орқасидан қувлaйди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚУВЛАНМОҚ Қувламоқ фл. мажҳ. н. *Уста Олим.. Отабекнинг қутидор томонидан қувланганидан тортиб, шу кунгача Марғилонга етти-саккиз мартаба келиб кетганини.. сўзлаб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУВЛАШМАЧОҚ бол. **1** Етиб ёки тутиб олиш учун бир-бирини қувлaш ўйини. *Қишда болалар қорбўрон, қувлaш-мачоқ, хоккей ўйнашади, ернинг нами селгиши билан футбол бошланади.* Ф. Мусажонов, Текин томоша.

2 Югуришда ким ўзиш мусобақаси.

ҚУВЛАШМОҚ Қувламоқ фл. бирг. н. Уни *уйдан қувлашибди.* ■ Болалар қийқириб, уни қувлаша кетди. Ойбек. Танланган асарлар. Кунлар орқасидан ойлар.. йиллар қувлашиб ўтди. Ҳ. Зиёхонзова, Арзанда. Булутлар ҳам денгиздаги муз сингари бир-бирини қувлашарди. Ҳ. Шамс, Оқпадар.

ҚУВЛИК 1 Қув эканлик. Унинг қувлигини ҳамма билади. ■ Лекин қувлиги учун айблаб бўлмайди.. шундай катта хўжаликни элаш учун озгина айёр бўлиш ҳам керак. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Қув одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. Жангларда ботирликдан кўра қувлик, мохирлик, эпчиллик иш беради. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Ўзи ўлгудай тўғрисуз, гирромлик, қувликни билмасди. Мирмуҳсин, Умид. Хафа бўлмагин-у, укам, мен сендан бунақа қувлик чиқади, деб ҳеч ўйламагандим. Ҳ. Назир. Кўктерак шабадаси.

3 Қув шахсга хос ҳис-туйғу, хислат ва унинг ифодаси. Муса аканинг қувлиги тутди. «Шарқ юлдузи». Қанча қувлик, шўхлик бор эди Раҳим аканинг кўзларида. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҚУВМОҚ 1 Етиб ёки тутиб олиш учун орқасидан югурмоқ, қувламоқ. Кийик қувган кўённи пайқамас. Мақол. Илон қувса, йўлга қоч, туя қувса, ўрга қоч! Мақол. ■ Қувган душманни кўлга туширдим. «Маликаи айёр». Олмазорга етганида, кимдир ортидан қувиб етди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бирор жой-мақондан мажбурлаб кетказмоқ (жўнатмоқ); ҳайдамоқ. Момо кўлига калтак олиб, болаларни қувибди. «Эртактлар». [Жуман:] Бечора болаларни иссиқ илларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ? Ёқма! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шиддатли штурм натижасида душман мудоффа марраларидан қувиб чиқарилди. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

3 кўчма Мансаб, лавозим ва ш.к. дан четлатмоқ, бўшатмоқ, ҳайдамоқ. Бироқ сал фурсат ўтмай, ҳоким тўра тилмочни ишдан қувди. С. Аҳмад, Ҳукм.

4 кўчма Йўқ қилмоқ; ҳайдамоқ. Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан. С. Аҳмад, Уфқ. Кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар таровати.. кечадан бери ғамнок дилини эркалаб, кўксидаги

ранжу аламни қувгандек бўларди. С. Сиёев, Аваз.

5 кўчма Ҳаёти, иш-фаолиятида бирор йўл-йўриқ, усул ва ш.к. га қаттиқ амал қилмоқ; бирор иш-амални қаттиқ тутмоқ, унга берилмоқ. Халилжон ҳам акаларининг йўлини қувди: мактабда ўқиб туриб.. авиаклубга қатнади. С. Акбаров, Отанинг хаёллари. -У фақат охиратни деб яшаган, умр бўйи савоб қувган, — деди чол. А. Муқимов, Қопқон. Жонингда қасдинг борми, мунча ароқни қувмасанг. «Муштум».

6 кўчма с.т. Юриб-елмоқ (пиёда ёки улов билан). Теллагини елвиратиб, Узбакларни далвиратиб, Урганч элга қувиб етдик. «Юсуф ва Аҳмад». Кўп ерларни мен ахтардим от қувиб, Ҳеч кўрмадим Асад Шодмон қорасин. «Маликаи айёр».

Из қувмоқ Изидан таъқиб қилмоқ. Қўрбошилар ичидан қочиб, менинг орқамдан из қувиб келгансан.. Ғайратий, Унутилмас кунлар. Болта муаллим бошлиқ етти-саккиз чоғли йигит изларидан қувиб келар.. Н. Норқобилов, Тўқнашув. Кетидан (ёки орқасидан) қувмоқ айн. қувмоқ 5. Мол-дунё орқасидан қувмоқ. Фойда кетидан қувмоқ. ■ Сохта шухрат кетидан қувиб, алдамчилик билан шуғулланган шахслар қилмишларига яраша қаттиқ жазоланиши лозим. Газетадан.

ҚУВНАМОҚ Хурсанд, шод кайфиятда бўлмоқ. Кенг ҳовлида қувар беш ўртоқ. Ойбек. Қизлар. ■ Атайин ўйнагани, қуварнагани келган.. бу куёв-келинга илтифот билдирмаслик гуноҳдек туюлди. С. Анорбоев, Оқсой. Хуш келибсиз, қадрдонлар, меҳмонлар, Қуварнаб ўйнанг, кулинг, қизлар, жуварналар. Ҳабибий.

ҚУВНОҚ 1 Доим, табиатан хуш кайфиятли; хушчақчақ. ..бу оиладагиларнинг ҳаммаси ҳам самимий, қувноқ ва оққўнғил эканлигига ишонган сайин, бу ўнғайсизлик ўртадан кўтарилиб борарди. С. Зуннунова, Олов. Маҳди табиатан қувноқ, куйди-пишди эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Шод, хурсанд кайфиятли; қувончга тўла. Ҳаммалари қувноқ, эгинлари башанг. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. У бугун жуда қувноқ. Т. Ашуров, Оқ от. Бари ўтиб кетди бир туш мисоли, Эсламан гоҳ маҳзун, гоҳида қувноқ. А. Орипов, Йиллар армони.

3 Шод-хуррамлик акс эттирувчи, ифодаловчи. Мен саҳналаштирган қувноқ комедия ҳам шу ҳақда. Газетадан. Тошкент ўзбекининг санъати, товуши, Қувноқ музыкаси, куйи, обрўси. Ф. Фулом. *Ўша қувноқ кулги, ҳазил энди қандайдир жиддият, ўй ва ғазаб билан аралашиб кетган эди.* С. Зуннунова, Олов.

КУВНОҚЛИК 1 Қувноқ эканлик. Унинг қувноқлиги ҳаммага ёқади.

2 Қувноқ кайфият, шод-хурсанд ҳолат. Унинг бояги қувноқлиги урнини алақандай босиқлик эгаллаган эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳурининг ўзи ҳам кўринишидан оғир бўлса-да, қувноқликни яхши кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

КУВНОМОҚ Хурсанд бўлмоқ; севинмоқ. *Дадаси шаънига айтилган мақтовлардан бола қувониб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Адолат.. тунги сувни шмириб тириляётган ҳар бир ғўзани кўриб қувонарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Салимхон билан Умид ота-боладек бирга овқатланишди. Уларни кузатиб ўтирган Сунбулхон ая ич-ичидан қувонарди.* Мирмуҳсин, Умид.

КУВОНЧ Қувониш ҳис-туйғуси; хурсандлик. *Болтабой отанинг қувончидан Ширмонхон ҳам беҳад шод эди.* С. Зуннунова, Олов. *Тўй. Бу сўз.. камбағалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *..адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман ва бу қувончимни ўша ёшнинг ўзига миннатдорчилик изҳор қилиб айтаман.* К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас.

Қувончи ичига (ёки дилига) сиғмайди Жуда ҳам хурсанд, ғоят шод. *Ичкарида хотинлар мажлиси: ..биров ёр-ёр ўқиб, тағин биттасининг қувончи ичига сиғмай хахолаб, дунёни бузади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУВОНЧИҚ шв. Кишига қувонч, шодлик бағишлайдиган, кўнглини кўтарадиган, хурсанд қиладиган энг азиз кимса, нарса. *Тоҳиржон менинг овунчоғим, отасининг қувончиги бўлиб қолди, уни ардоқлаб ўстира бошладик.* М. Жўра, Изтироб.

ҚУВОНЧЛИ 1 Қувончни ифодаловчи, шодлик ва хурсандликни акс эттирган; шодлик ва хурсандлик билан тўлган, севинган, шод, қувноқ. *Қувончли таббасум. Қувончли юз.* ■ *Элмурод ва унинг дўстлари.. қувончли, порлоқ кунларининг қандай ўта-*

ётганини сезмасдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. *Баҳмал қирғоқларни тўлдириб оқди Бахтиёр элимнинг қувончли саси.* Файратий.

2 Кишига қувонч бағишлайдиган, қувонса, хурсанд бўлса, севинса арзийдиган. *Қувончли натижа. Қувончли хабар.* ■ *Шу вақт Юрьев батальонининг жангчилари учун яна бир қувончли ҳодиса юз берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ана шундай қувончли кунларнинг бирида тўсатдан бошимга фалокат тушса бўладими!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ҚУВРАЙ, ОҚҚУВРАЙ Чўл-даштларда ўсадиган, майда тиканли бир йиллик ёввойи ўт. *Бобо йўл четидаги оққуврайнинг гулини узиб, чеккасига қистирди-да, жойига чиқиб ўтирди.* А. Мухтор, Чинор.

ҚУВРАМОҚ кам қўл. Қуримоқ, қурушмоқ, қовжирамоқ. *Ҳазалчи ўғилнинг томоғи қуврадами, товуши хирллаб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Унда-бунда учрашиб турган бедазорлар сувсиз қолиб қувраган.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Тоннинг ўти бари қувраб кетибди.* «Гулнорпари». *Одамларнинг экинлари кўкармай қувради.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚУВРОҚ кам қўл. Қувраган, қуриган. *Шабда келтирган қувроқ пичан ҳидидан.. боши айланиб, тўлғаниб турибди.* А. Мухтор, Чинор. *Тонг шамоли қувроқ ўтни йиқади.. «Тоҳир ва Зухра».*

ҚУВУР 1 Катта, йўғон сопол труба. *Обраҳага қувур қўймоқ.*

2 Сув, буғ, газ ва ш.к. нинг оқиши учун темир, бетон ва б. дан ишланган узун, ичи бўш махсус қурилма. *Газ қузури. Нефть қузури. Сув қузури.* ■ *Козим темир қувурлардан шарқираб сув отилаётган ҳовузчага дуч келди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сўнгра ундан боғ томонга қаратиб диаметри 80 миллиметр бўлган полиэтилен қувурлар тортилди.* «Фан ва турмуш».

3 с. т. Айрим асбоб, қурол каби нарсаларнинг қувурсимон қисми; ствол. *Тепаликларнинг эстагида оғир тўплар, узун қувурлари осмонга кўтарилган зениткалар туради.* А. Қаҳқор, Олтин юлдуз. *Кейин [самоварга] пистакўмир солиб, қузурига маҳси кийдириб, дам берди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иброҳимбек тўппонча қузурини ўзига қаратиб, ичига пуфлади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҚУВГУН 1 Ўз жойи, ватанидан ҳайдаш, қувиш, сургун қилиш, қилиниш хатти-

ҳаракати, ҳолати; шундай ҳолатдаги ҳаёт. *Қуқон атрофларида, Сўх ва Ҳушёр деган жойларда Бобур икки йил қувғунда юрган. «Ёшлик». Улар зиндонларда, турмаларда, қувғунларда эди. Ойбек, Нур қидириб. Аваз, бир тарафдан, қувғунга учраб, мана шу дала-тузга келиб қолганига хурсанд эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Қувғун қилмоқ Ўз жойи, ватанидан ҳайдамоқ, қувмоқ; қувғун ҳолатга олмоқ, ташламоқ. *Отанинг бошини еганлар, мени қувғун қилганлар учун қон тўкиб, эсимни еганим йўқ!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Ўз жойи, ватанидан қувилган, шундай ҳолат, шароитда яшовчи шахс. *Қувғунларни юртга қайтариб, гуноҳга ботдимми?* Т. Малик, Қалдирғоч.

ҚУВҒУНДИ *айн. қувғун* 2. *Кун чиқиб. қувғундиларнинг елкаларига офтоб тегиб, оломонга сал жон кирди. А. Мухтор, Чинор.*

ҚУДА Куёв ва келиннинг ота-оналари (бир-бирларига нисбатан). *Хотин қуда. Эркак қуда.* ■ *Қудалар ўртасида рўй берадиган анлашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва муроса йўли билан ҳал қилинади. Ойбек, Танланган асарлар. Қудаларингни нима билан кутишни бўлса ўзинг биласан: туя сўйиб чорлаганингда ҳам келмайдирган кишилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Қарши (ёки қайчи) қуда қ. қарши. **Қуда бува** Эркак қуда ёки қуданинг отаси. **Қуда буви** ёки қуда хола Аёл қуда ёки қуданинг онаси. **Қуда бўлмоқ** Ўғил уйлантириб ёки қиз чиқариб, ўзаро қудалик муносабатларини ўрнатмоқ. *..вазир бошқа бир вазир билан қуда бўлажagini билган устоз Қавом.. биз ҳам Нажмиддин Бухорийга қуда бўламиз, деди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҚУДА-АНДА Қудалардан бирининг барча узоқ-яқин қариндошлари (иккинчи қудаларга нисбатан). *Қуда-андалар билан борди-келди қилмоқ.* ■ *Қуда-андани ўйлаган ойим, сенга бутунгина маҳси ҳам кийгизиб юбормабди. Маҳсингни қара, оёққа илиб бўлмайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҚУДА-АНДАЛИ Қуда-андаси кўп; бир неча ўғил уйлантириб, қиз чиқариб, кўп оилалар билан қуда-андалик муносабатлари ўрнатган. *Қуда-андали киши. Қуда-андали бўлмоқ.*

ҚУДА-АНДА(ЧИ)ЛИК Қуда-андаларнинг ўзаро қариндошлик муносабатлари. *Воҳалар тарихан бир-биридан йироқ, аввалдан борди-келди қилмаган, қуда-андачиликлар йўқ. М. М. Дўст, Лолазор.*

ҚУДАЛАШМОҚ Ўғил уйлантириб ёки қиз чиқариб, келин ёки куёв томон билан ўзаро қуда бўлмоқ. *Бир неча вақт шу йўсин Ҳушрўйнинг рағбига қараб, эру хотин зерикдилар-да, ўзларича бир жойга қудалашмоқчи бўладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУДАЛИК 1 Қуда эканлик. *Шу киши билан қудалигингизни биламан.*

2 Қудага хос муносабат, мавқе. *[Қози:] Додхонинг, минг қилса, сизга қудалик ҳурмати бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ҚУДАЧА Ёш хотин қуда. *Қудамиз Мирзакарим қутидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлгайким, бизлар бунда соғсаломатдирмиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУДАЧИЛИК Йигит ва қизни унаштириш маросимидан кейин ҳар иккала оила аъзоларининг қариндошлик ҳолати, ўзаро қариндошлик муносабати. *Шерикчилик – бир йиллик, қудачилик – минг йиллик. Мақол.* ■ *Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккертти» қилиб қўйган экан. Ун саккиз йил қудачилик қилишибди. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ҚУДА-ҚУДАҒАЙ Эркак ва хотин қуда; эркак ва хотин қудалар; қуда-андалар. *Ой-жамол эртасига Барчиннинг қошига борди. Қуда-қудағай бўлиб, бир-бирини жуда иззат қилиб қолди. «Ёдгор».*

ҚУДАҒАЙ Хотин қуда. *Қиз билан йигитни кўрган қудағайлар гап-сўз чувалмаслиги учун тез орада унашиб қўйишга эрларини қистай бошладилар. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ҚУДРАТ [ا. قدرت – куч, қувват; қобилият, лаёқат] 1 Юқори даражадаги куч-қувват; шундай куч-қувватли имконият; қодирлик. *Инсон қудрати ҳамма нарсадан устун чиқди, чўлда сунъий денгиз барпо этди. «Ўзбекистон қўриқлари». Шамолнинг қудрати ҳазилакам эмас. У саҳрони остин-устун қилиб, қумтепаларни учираб олиб юради. «Фан ва турмуш». Суяроқул Мамаюсуфнинг олдиди қилтириқ кўринса ҳам, унта Мамайни па-чоқлағудек қудрат сезарди ҳозир ўзида. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

2 Умуман, бирор нарсани амалга ошириш имконияти; куч-қувват, қурб. Қани эди, қудрати етса-ю, шу тошқин дарёдан ҳовучлаб сув элтса, ташна гийёлар илдиизига нам, чўлларга ҳаёт берса. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Битта чопон тиктиришга қудратим етмайди..* Ойбек. Танланган асарлар.

3 Қодирлик, куч манбаи. *Оламга арзигулик қудрат шу чаноқдадир..* Газетадан. *Қандайдир бир қудрат уни силкиб, ўзига келтирди..* Мирмуҳсин, Умид.

4 Аллоҳга хос куч-имконият; илоҳий қодирлик. *Фалончининг келини тўрт оёқли туғибди.. ё қудратингдан ўргилай!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар ҳолда, фиғон-нола яхши эмас, ҳар банда қудрат қалами билан ёзилганини кўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қудрат (эркаклар исми).

ҚУДРАТБАХШ [а. + ф. قدرتبخش — куч, қувват бағишловчи] Қудрат, куч-қувват бағишловчи, кучга куч қўшадиган. *Дўстлик — ана шундай қудратбахш куч.* Ҳ. Муродов, Жон қўшиги.

ҚУДРАТЛИ Катта ишларга қодир; куч-қудратга эга. *Қудратли давлат. Қудратли иншоот.* ■ *..қудратли насос станциялари Сирдарё сувини ўнгу чапга кўтариб бермоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..ер текислаётган қудратли техниканинг бир меъёрадаги гуруллаши жимликни бузарди.* Газетадан.

ҚУДУҚ 1 Сув олиш мақсадида вертикал тарзда қазилган тор ва теран чуқурлик; гидротехника иншооти. *Қудуқдан сув тортмоқ. Сув ичадиган қудуқинга тупурма.* Мақол. ■ *Пақирни олиб.. қудуқдан сув келтириб, айвонга, дўкон ичига қалин қилиб сепди.* С. Сиеёв, Аваз.

2 Ер остидан газ, нефть олиш ёки ертупроқни текшириш учун пармалаш машиналари воситасида қазилган жуда чуқур тор ўра; скважина. *Бурғиланган қудуқ. Газ қудуғи. Иссиқ минерал сув қудуғи. Нефть қудуғи.* ■ *Олиб чиқди тоғнинг бошига, Са-нолмадим нефть минорасин. Кўрдим қудуқ пармалаётган Йигитларнинг полвон — сарасин.* Ё. Мирзо.

3 махс. Ўрача шаклидаги деталь. *Карбюраторнинг компенсация қудуғи.*

ҚУЁН 1 Товушқонлар оиласига мансуб, қулоқлари ва орқа оёқлари узун сутэми-

зувчи ҳайвон. *Ёввойи қуён. Хонаки қуён. Қуён териси.* ■ *Тўнғак орқасидан қулоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб, буталар орасига яширинди.* Ойбек. *Қуёш қораймас. Овчилар.. ҳар қайсиси бир нечадан қуён, ўрдак олиб бормоқда эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ўзбекистон хўжаликларида қуён, асосан, гўшт ва мўйна учун боқилади.* «Фан ва турмуш».

2 кўчма Юраксиз, журъатсиз, қўрқоқ (одам ҳақида). *Майна.. Нарзи ота билан гурунглашишни.. истамасди. Бу қари қуён бирор ваҳимани жавраб, гашимни келтиради, деб индамади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Қуён бўлмоқ с.т. Қочиб қолмоқ, жуфтакни ростламоқ. *[Мунаввархон] Ишхонасига бир кўриниш беради-ю, қуён бўлади.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

3 Мучал йил ҳисобида тўртинчи йил номи.

Қуён йили Мучал йил ҳисобида тўртинчи йил (қ. мучал); харгўш йили.

ҚУЁНХОНА Қуён боқиб кўпайтириш учун мосланган махсус хона ёки катак.

ҚУЁНЧИЛИК Чорвачиликнинг хонаки қуён боқиш, урчитиш ва улардан маҳсулот етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Қуёнчилик фермалари.*

ҚУЁНЧИҚ 1 Сон орқали тиззага қараб йўналган пай, томир (қассоблар термини).

2 Тутқаноқ, эпилепсия. *Алпомиш айтди: — Нима қилди, дўстим? — Болалик кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди, — деди Қоражон.* «Алпомиш».

ҚУЁШ 1 (астрономияга оид термин сифатида бош ҳарф билан) Қуёш системасига оид марказий жисм — ўзидаги термоядровий реакциялар ҳисобига ёруғлик ва иссиқлик тарқатувчи (чиқарувчи) улкан газ-симон шар шаклидаги ёритқич. *Ер Қуёш атрофида айланади. Қуёшнинг тутилиши.* ■ *Ракеталар туфайли биз Қуёш системасини ўзлаштириш имкониятига эга бўлдик.* «Фан ва турмуш».

2 Шу жисмдан таралувчи нур, иссиқлик. *Қуёш ваннаси. Ёз қуёшида қораймоқ. Қуёшга тутмоқ.* ■ *Мурод қуёш ёйилганда турди. Т. Ашуров, Оқ от. Уй, қуёшга тескари солинганлигидан булса керак, бир оз қоронғироқ эди. С. Зуннунова, Олов. Солдатлар қаҳқаҳлашиб юборишди. Айниқса, қора қошли, юзлари қуёшда пишган йигит силла-*

си қуриб куларди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 кўчма Ниманингдир ҳаёт, яшаш манбаи, асоси ҳисобланадиган, шундай деб қараладиган нарса ҳақида. *Бахту иқболим қуёши чиқди, кўрсатди жамал, Ўзбекистонда қазилди зўр канал, оқди зилол. Ҳабибий.*

Қуёш батареяси Яримўтказгичли фото-элементларга асосланган, қуёш радиацияси энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берадиган ток манбаи. *2005 йил бизга грант асосида ЮНЕСКО томонидан қуёш батареяси.. берилди. Газетадан.*

4 Қуёш (эркаклар исми).

ҚУЁШЛАМА шв. Қуёш, кун томон; қуёш тушиб турган жой. *Тушликда ҳовлига чиқиб, қуёшламага орқа қилиб ўтир. С. Сиёев, Аваз. Қуёшламага ўтириб ийиб кетган кампир: -Ҳой қиз, кел, сочимни ўриб қўй, — дебди. «Эртақлар». Бува уни [отни] бўшатиб, қуёшламага олиб чиқди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

ҚУЁШЛИ Қуёш нур сочиб турадиган; офтобли, серқуёш. *Қишда қуёшли, ёзда салқин, дам оладиган ажойиб икки хона. «Гулдаста». Сен қуёшли ўлка боласи, Истиқболнинг нурли ва порлоқ. Ғайратий.*

ҚУЗҒУН 1 зоол. Қарғасимонлар оиласига мансуб, ҳар қандай нарсани ҳам еяверадиган, ўлимтиххўр ўтроқ қуш. *Богда бургут, лочин, қарчиғай, қузғундан тортиб то тўтиқушгача томоша қилинди. Н. Назаров, Замон. Сон-саноқсиз қузғунлар ва сиртлонлар ўликлар устида базм қурмоқда. В. Муродов, Шерлар билан юзма-юз.*

2 кўчма (одатда, кўп. шаклида — **қузғунлар**) Шу қушга нисбат берилиб, ҳар қандай разиллик, ифлосликдан қайтмайдиган ярамас, жирканч шахсларга нисбатан қўлланади. *Мана энди қиз атрофида Олахўжанинг қузғунлари айланишиб қолибди.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚУЙИ 1 от Паст томон; бирор нарсадан пастда бўлган жой; пастлик. *Насиба турган жойида пиқ-пиқ йиғлар.. боши қуйи солинганича тақдирини қарғар эди. С. Аҳмад, Уфқ. Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради. Қуйида сув симобдай милтирайди. С. Сиёев, Аваз.*

2 сфт. Паст томонида бўлган, жойлашган; пастки. *Баширжон қуйи лабини тиш-*

лаганча, уйнинг шифтига қараб қолди. Н. Аминов, Суварак.

3 Бирор сатҳнинг ёки сатҳдаги йўналишнинг пастида бўлган томони; этак. *Сирдарёнинг қуйи оқими. ■ Суелар оқар қуйи томонга. М. Шайхзода. Бу уй — хизматкорхона, бойнинг ташқари ҳовлисининг қуйи томонида.. шунинг учун кўзга чалинмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 от Уй, хона ва ш.к. нинг тўрига нисбатан паст томони; тўрга қарама-қарши томон. *Уйнинг тўрига чирик қора наमत ташланган, қуйи томони яланғоч ер. Ойбек, Танланган асарлар. Тошбобонинг таклифидан сўнг дастурхоннинг қуйи томонида солинган кўрпачага чўккалади. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Бир оздан кейин тортинчоқликни билмайдиган Ҳусайн катталардек эшикдан салом бериб келиб, қуйироққа тиз чўкди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

5 кам қўлл. Паст; зид. **баланд.** *..қабр ёнига тизлаган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга сомеъ каби эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

6 кўчма Мавқе, даражаси ва ш.к. жиҳатдан бошқасига нисбатан кичик, паст бўлган. *Қуйи ташкилотлар. Қуйи лавозим. ■ Биринчи дарвозанинг икки биқинида турувчи қоровул йигитлар ўрданинг улуғ даражали бекларини кузатар, мансаби қуйироқ ясовулар билан мутойиба қилишиб қолар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ҚУЙИДА 1 Қуйи с. ў.-п. к. шакли; пастда, тубанда. *Ялпиз титраб қуйида, Сойдан хушбўй анқийди. А. Шер.*

2 Нарса, иш-ҳаракат ва ш.к. лар қаторида, кетма-кетлигида навбатдагиси, охиригиси, эндигисига ишора қилади. *Қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз. ■ Айниқса, қуйида зикр қиладиган ҳолимиз бу икки опа-сингилнинг характеридаги фарқларини очиб кўрсатиш учун етадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУЙИДАГИ 1 Қуйи, паст томондаги; пастдаги. *Қуйидаги кўлага ҳануз бўғот остида сўррайиб турар эди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

2 Баён қилинадиган, қайд этиладиган нарса(лар)га ишорани билдиради. *Мажлисда қуйидаги масала кўрилади: Квартал режасининг бажарилиши ва навбатдаги вазифалар. ■ Азизбекнинг бу сўзидан кейин оломон*

тагин қизишиб, қуйидаги сўзлари билан кўкни кўтарди: -Икки қайта алданиш йўқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУЙИЛИШ 1 Қуйилмоқ фл. ҳар. н. *Мияга қон қуйилиши.* ■ Азизхон каналга сув қуйилиш кунини сабрсизлик билан кута бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Дарёнинг денгиз, кўл ва ш.к. сувли объектага бориб қуйиладиган жойи. *Дарёнинг кўлга, денгизга, океанга ёки бошқа дарёга бориб қуйиладиган жойи дарёнинг қуйилиш жойи деб аталади.* «Табиий география».

ҚУЙИЛМА Қуйиб ясалган нарса, деталь. *Чўян қуйилмалар.* ■ *Ишдаги жасорати, қуйилмаларни тез ва аъло сифатли тайёрлашдаги жонбозлиги заводдагиларни қойил қолдирди.* Газетадан. *Қуйилма юмшатилиши учун қиздирилади, кейин парчланади, кесилади ёки эритилади.* Газетадан.

ҚУЙИЛМОҚ 1 Қуймоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Кўк чой жонон пиёлаларга қуйилади. Бир кунда икки минг донга гишт қуйилди. Бронзадан ҳайкал қуйилди.* ■ *Тоғ-тошлардан оқиб тушган сувлар кўпириб оқиб, Зарафшонга келиб қуйилади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Жаҳоннинг қаерида ўт чақнапти, қаерида офат-ўлат одам боласини қийратяпти, қаерида замбаракларга ўқ қуйиляпти — ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Жуда кўп, кучли тарзда (оқим тарзида) келмоқ; ёғилмоқ. *Кўзларига жиққа ёш қуйилиб келди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бўғзидан қуйилиб чиқаётган хўрсиниқ кампирнинг елкаларига иссиқ тегарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Шамси Тўраевич яқинлашаркан, Баширжоннинг юрагига ҳаяжон қуйилди.* Н. Аминов, Қаққаҳа. *У жуда иштиёқ билан ёзарди, фикрлар ҳам қуйилиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *Куюқ қолга келмоқ, куюқ тортмоқ. Тикилган қозон қайнамас, Қайнаса ҳам қуйилмас. Мақол.* ■ *Қуйилиб ётар Қозондаги кичирининг очилмай моши.* Ф. Фулом.

4 *Ақл-ҳушини йиғиб, бўлар-бўлмас, енгилтак хатти-ҳаракатларга барҳам бермоқ. Бир кун эси кириб, қуйилиб қолар ахир!* С. Аҳмад, Уфқ. *Қариб қуйилмаган бир шилқим ёшгина қизга муҳаббат изҳор қилибди..* «Ёшлик».

ҚУЙИШ 1 Қуймоқ фл. ҳар. н. *Пиёлага чой қуйиш.*

2 *тех.* Қуйма буюм, қуйилма тайёрлаш иши; қуймачилик. *Қуйиш цехи. Чўян қуйиш заводи. Қуйиш технологияси.*

ҚУЙМА 1 Қуйиш йўли билан тайёрланган, қуйилган. *Қуйма олтин.* ■ *Археологлар Қора денгизнинг шимолий қирғоғидан балиқ шаклидаги қуйма «чақа»ларни топишган.* «Фан ва турмуш».

2 *айн. қуйилма. Чўян қуйма.* ■ [Денгизчилар] *Кўл ичида ёғочга ҳам, металлга ҳам, гилга ҳам ўхшамайдиган ялтироқ ти-ниқ рангли қуйма ётганини кўришган.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши. *Металл қуйилмалар ва пайванд чокларида учрайдиган нуқсонларни аниқловчи гамма-дефектология усули нуқсонларни осонлик билан топишга имкон беради.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма кам кўл.* Қуйиб ишлангандек, мушаклари бўртган, миқти (киши гавдаси ҳақида). *Шербек эгилиб қараб, юмалоқ, қуйма қирғиз йиғитга кўзи тушиди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *кўчма.* Кўп тақрорланадиган, бир қолипдаги (гап, сўз, ибора ҳақида). *Қуйма гаплар.* ■ *Бундан ҳам натижа чиқмади — ҳамон ўша, сира ўзгармайдиган қуйма жавоб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 *кўчма* Аниқ-равшан, чертиб-чертиб айтилган; бурро. *У сўзлар, замонларга бергандай ойдин жавоб, Ҳамма жим, у сўзларди — қуйма эди ва содда.* Миртемир.

ҚУЙМОҚ 1 1 Суюқликни бир идишдан бошқа идишга туширмоқ, солмоқ. *Графиндан стаканга сув қуймоқ. Косаларга сут қуймоқ.* ■ [Хотин] *Дастурхонни ёзиб, устига нонни қуйди-да, пиёлага иссиқ чой қуйиб, эрига тутди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *Маълум мақсадда (мас., ювиниш ва ш.к. учун) йўналтирмоқ, оқизмоқ (сув ҳақида). Экинларга сув қуймоқ. Кўлга сув қуймоқ.* ■ *Гулнор бир обдастага сув тўлдириб, дадасига тутди. — Қуй ўзинг, — деди Ёрмат, ҳам айвоннинг лабига ўтириб, этик ювишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тагига сув қуймоқ Йўқотишга қаратилган иш қилмоқ; йўқотмоқ. *Жўраевнинг бу иши ҳаромхўрларга ёқмаган бўлса керак, унинг тагига сув қуйиш учун тирноғи орасидан кир қидира бошладилар.* «Муштур».

3 Каттиқ, шиддат билан ёғмоқ (ёмғир, сел, жала ҳақида). *Эрта куз жаласи тоғлик жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бу вилоятнинг самоси галвирдай сув тутмас бўлаганидан, ёмғир ёз бўйи роса қуйди.* Ойбек, Куёш қораймас.

4 Жуда кўп миқдорда, мўл-кўл оқизмоқ, тўкмоқ. - *Нимага йиғламай, кошки кўзим оқиб тушса, ҳеч нимани кўрмасам.. — кўз ёшларини қуйиб сўзлади Гулсунбиби.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 кўчма Ёғдирмоқ, тўкмоқ, сочмоқ. *Офтоб осмондан олов қуйяпти.* С. Аҳмад, Таъзим. *Мусаффо осмонда тўлин ой ялтирар, жамолидан бутун ер юзига зиё қуйгандек.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Тайёр қолипга эриган, суюқ, юмшоқ нарса солиб, буюм тайёрламоқ. *Шам қуймоқ. Қозон қуймоқ. Фишт қуймоқ.* ■ *Завод қайтадан қурилиб, ускуналаниб, миномётлар учун снарядлар қуя бошладик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Қуйиб қўйгандек 1) жуда келишган, хушбичим. *Низомжон Зебихонга тикилиб туриб, унинг қоп-қора қошларига, қуйиб қўйгандек келишимли қоматига маҳлиё бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ўзига жуда ярашган, ёпишиб тушган. *Адл қад, хипча белига қуйиб қўйгандек ёпишиб турган гимнастёркаси бир ам ўзига ярашган.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз; 3) нақ ўзи, худди ўзи, сира ажратиб бўлмас даражада ўхшаш. *Ўзиям шундай Раҳимагинанинг ўзи-да, қуйиб қўйгандек.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ҚУЙМОҚ II Тухумга ун чалиб, ёғда қовуриб тайёрланган овқат. *Қуймоқ пиширмоқ.* ■ *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қуймоқ солди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кичик-кичик товачаларда жисиллаб турган қуймоқ тортилди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ҚУЙМУЧ I анат. айн. думғаза 2. *Бақа гавдасининг умуртқа поғонаси қисқа бўлади ва узун қуймуч суяги билан тамомланади.* «Зоология».

2 Гавданинг бел билан думғаза ўртасидаги орқа қисми. *Хуррам хотинининг қуймучига тегиб юборганини сезмай қолди.* «Ёшлик». *У икки қўлини қуймучига қўйиб, унинг ўртасида андак ўйланиб турди-да, сўнгра диванга ўлтирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шер-*

бек Нигорага ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим сочи баланд қуймучида тўлғаниб ётарди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУЙРУҚ I айн. дум 1. *Қуйруғи узун ит.* ■ *Бедовга ярашган қуйруқ ҳам ёлди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Қушни осмонда тугиб турадиган — қанот билан қуйруғи.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 кўчма Доим бировга эргашиб юрадиган, унинг хизматига тайёр турадиган шахс ҳақида; дум. *Соли совуқ ўз қуйруғига буюрди:* -*Жуманбой, пастдан палос олиб боринг, чопинг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 айн. думба 1. *Боқилган қўйларнинг қуйруғи қучоққа сиғмас эди.* *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.* Мақол. ■ *Тажрибали чопқинчилар Ҳирот томонига бораётганда, ҳар икки-уч соатлик йўлда маълум бир ерга қуйруқ ёғи бўлақларини кўмиб қўйган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

4 Самолёт, кема ва ш.к. нинг орқа қисми. *Самолётнинг қуйруғи. Кеманинг қуйруғи.*

ҚУЙРУҚЧИ эск. Кеманинг кетинги рулини бошқарувчи киши.

ҚУЙҚА I Суюқлик ва баъзи зарралардан йиғилган чўқинди; лойқа, қуйкум; бўтқасимон қуюқ қоришма. *Бўёқ қуйқаси. Мусаллас қуйқаси. Тиндирилган сув қуйқаси.* ■ *Гил сувда эрмаганлигидан қуйқа ҳолда бўлади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Амударё бир йил ичида теварақдаги текисликларда 20 сантиметргача қалинликда қуйқа ҳосил қилади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сирӣ.

2 кўчма Салбий шахслар, нарса-ҳодисаларнинг қолдиғи. *..ана шу [Омон Асқовдай] қуйқаларни, инсоний қиёфасини йўқотган кишиларни фош қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.* Газетадан.

ҚУЙҚИНДИ айн. қуйқа 1. *Ёшилгининг ҳарорат таъсирида парчаланиб кетиши — қуйқиндилар ҳосил бўлишига ҳамда филтрларнинг ифлосланиб қолишига олиб келади.* «Фан ва турмуш».

ҚУЙҚУМ айн. қуйқа 1. *Тиндирилган сув қуйқуми. Бочкани тагига чўккан қуйқумдан тозаламоқ.*

ҚУЛ I тар. Эксплуататорлик жамиятининг илк даврларида хусусий мулк, мол қатори олиб-сотилган, бутунлай хўжайинга қарам бўлган, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ ва молу мулкка эга бўлмаган хизматкор. -*Ойжамол,*

мана бу ер қул бозори бўлган, — Шерниёз сандиқсозлик дўкони қаршисидаги майдончани кўрсатди. Ж. Шарипов, Хоразм. Хафа бўлманг, биз ҳақ олмасдан ҳам ишлаймиз. Ахир биз қулмиз-ку, ҳақ талаб қилишга ҳаддимиз борми?! Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умуман, синфий жамиятда эксплуатация ҳамда сиёсий-иқтисодий қарамлик асоратида ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум бўлган, эзилувчи киши. Қизлар бунда чўри, тул эди, Йигитлар хўр, гадо, қул эди. Э. Раҳим.

3 кўчма салб. Кимсага кўр-кўрона хизмат қилувчи, бўйсунувчи; итоатгўй, малай, хизматкор. — Майли, — деди Фазлиддин, — лекин шундай яхши қулни улар бизга беришмас, дейман. Ойбек, Танланган асарлар. — Бизнинг Қамишканада кўпчилик аёллар ҳали ҳам «тўрт девор» ичида эрларига қул бўлиб келмоқдалар, — деди Гулсум. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма Бирор кимсага, нарсага қаттиқ берилган, дарди, хаёли ўшанда бўлган киши, унинг фидойиси. Яхши гапнинг қулиман. Ўз қарашларининг қули. ■ Сен ҳам от қулига ўхшайсан. Ойбек, Танланган асарлар. . . орамизда Мирҳайдар деган кеча-кундуз фақат овқатни ўйлайдиган, қорнининг қули бўлиб қолган.. бир йигит бор эди. О. Ёқубов, Излайман. Мангуга қолай, дея шуҳрат қули Искандар Юксак тоққа ўзининг суратини солибди. А. Орипов, Юртим шамоли.

5 Банда. Худо хабар олсин жами қулидан.. «Хасанхон». Ё худо, бу суноҳқор ўғилга ўзинг тавфиқ бер ва мен қулингни кечир. Ойбек, Нур қидириб.

(Худо) ол қулим деб (ёки деса) Худо қўллаб-қувватласа. Олнинг даргоҳи кенг. Ол қулим, деб зора ҳазрат олийларининг кўнглига муруват солса, руҳсат бўлғай. С. Сиёев, Ёруғлик. Қулинг ўргилсин Жуда яхши, жуда соз, ажойиб, қойилмақом. Қулинг ўргилсин жойи. Қулинг ўргилсин жонон. ■ Бунақа қулинг ўргилсин шўрвани уйда келингиз ҳам қилиб берган эмас, холажон! О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ҚУЛА шв. Сайхон, кенг, чексиз. Кийикнинг юраги қула чўлмиди? «Гўрўғли».

ҚУЛАЙ 1 Бирор ишни бажариш, бирор мақсадни амалга ошириш учун энг мос, энг мувофиқ, қўл келадиган. Қулай фурсат. Қулай шароит. Кучат ўтқозиш учун қулай

давр. ■ Мана шу ерда ошиб ўтишга қулай жой бор.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Айниқса, томчилатиб суғориш боғдорчилик учун қулай ҳисобланади. «Фан ва турмуш». Чўмилишга қулай бўлгани учун бу ерга кўшни қишлоқ болалари ҳам ёпирилиб келишар эди. «Ёшлик».

Қулай йўл 1) ўнг келадиган, қатнов, бориш-келиш учун ўнг йўл; 2) мақсадга тез, осонроқ етиштирадиган йўл, усул.

2 Амалга оширилиши осон, унча кўп куч ва малака талаб қилмайдиган. Кесиб кетмон билан тошларни лойдек, Кўрингай қаттиқ ишлар ҳам қулайдек. Ҳабибий. [Нури] Ўз режасининг бундай қулай амалга ошувидан ҳадсиз севинди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛАЙЛАШМОҚ Қулай ҳолга келмоқ. Йўллар қулайлашмоқда. ■ Шундай қилиб, чолнинг иши анча қулайлашди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛАЙЛИК 1 Қулай эканлик. Фурсатнинг қулайлиги. Асбобнинг қулайлиги. Пул жамғариш учун омонат қассанинг қулайлиги.

2 Қулай шароит, имконият, ҳолат. Қулайлик бермоқ. Қулайлик туғдирмоқ. ■ . . тураржойларда аҳолига қулайлик яратиш учун мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш керак. Газетадан.

ҚУЛАЙСИЗ кам қўл. Ноқулай, ўнғайсиз.

ҚУЛАЙСИЗЛИК Яшаш, ишлаш ёки бирор ҳаракат қилиш ва ш.к. га халал берадиган ҳолат, шароит; ўнғайсизлик, ноқулайлик. Қулайсизликни бартараф этмоқ.

ҚУЛАМОҚ 1 Зарб билан йиқилмоқ; ағдарилмоқ. Зилзилада кўпгина эски уйлар, деворлар қулади. Чириган дарахт қулаб тушди. ■ Мана шу тоғ чўққисидан бир чўпон, оёғи тағидаги тош кўчиб, настга қулаб кетади. С. Аҳмад, Жимжитлик. Тоғнинг кунботар томонига уруш йиллари самолёт қулаган. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 кўчма Йўқ, маҳв бўлмоқ, йўқ, маҳв этилмоқ, ағдарилмоқ; тушмоқ. Қуламасин Чамбил юрти. «Гулнорпари». Устунлари тезлик билан яқсон қилинган бўлса ҳам, эски жамият осонликча қуламади. «ЎТА». Подшоҳ тахти қулайдиган кунлар келар. «Бойчечак».

3 кўчма с.т. Оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. Чол қуламай турибди. Қулаган кун уларнинг ёқасини бўғаман, меросимни даъво қиламан!

Ойбек. Танланган асарлар. *Икки ўғлим: бири ўн саккизда, бошқаси йигирмада — немис ўқидан қулади.* С. Кароматов. Олтин қум.

ҚУЛАТМОҚ **Қуламоқ** фл. орт. н. *Дарахт қулатмоқ. Деворни қулатмоқ. Подшоликни қулатмоқ. Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар.* Мақол. ■ *Жаҳлдан бир мушт уриб, танча устида турган катта лампани қулатай деди.* Ойбек. Танланган асарлар. *Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Кўмирларни қулатар яхлит.* Ё. Мирзо.

ҚУЛА-ТУЗ Кенг дала, дала-туз, дашт. *Йўл юргандир кўп қула-туз, Ё кеча тинмайди кундуз.* «Алпомиш».

ҚУЛВАЧЧА **I** Қулдан тарқалган киши, қул авлоди, қулнинг боласи, фарзанди. [*Мансур:*] *Бало ошпаз, бало, Ўлгунча айёр, Ўзи қулвачча-ю, идроки юксак.* Уйгун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Уларнинг ёнига тиқилишиб, юзларча қулваччалар бормоқда.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

2 *кўчма* Паст табақадан. қул қатори бўлган шахс ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *Ризаев ундан баттар, бировнинг фотиҳа қилинган қизини ўзига хотинликка олмоқчи, қулвачча..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУЛДОР тар. Қул эгаси. *Қулларнинг ризқи қулдорлар томонидан уларнинг меҳнатларига қараб белгиладиган «ўлмаслик тадорики» дегандек, ўлчаб бериладиган «ҳақ» бўлар эди, холос.* «ЎТА».

ҚУЛДОРЛИК **I** Қулга эгалик, қул сақлаш ва унинг кучидан фойдаланиш. *Боғи-афзал қишлоқларида, қадимги замонларда, бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож топган экан.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Қуллар кучидан фойдаланишга асосланган. *Қулдорлик жамияти.*

ҚУЛДУРАМОҚ «Қулдур-қулдур» товуш чиқармоқ. *У.. бир нарса дегандай бўлди — гапирдим, ичи қулдурадими — билиб бўлмади.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Қалин лаблари билан чилимни тортди. Чилимнинг суви қулдуради.* К. Яшин, Ҳамза.

Қорни қулдурамоқ Қорни овқат (емиш) талаб бўлмоқ. *Қорни қанчалик қулдураб турганига қарамай, бош эгиб, кўшиқни эшитаверди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Баширжон қовун расталари оралаб кетаркан, янги чиққан бодринга кузи тушиб, қорни қулдуради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚУЛДУР-ҚУЛДУР тақл. с. *Узуқ-узуқ бўғиқ товушни билдиради. Ичи қулдур-қулдур қилипти.*

ҚУЛЖАЛЛОБ айн. *қулфуруш. Карвон-бошининг ўзи — қулжаллоб ва молининг бариси қул ва чўрилар бўлгани сабабли, қул бозори бўлган Пойиостона гузарига саройлардан бирига тушиши лозим эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛЛАРЧА рвш. Қулларга хос бўлган, қуллар каби. *Қулларча итоаткорлик.* ■ *Хизматкорлардан қулларча мутеликни, ҳар қандай оғир ҳақоратга «лом-мим» демасликни талаб қилган бойвачча, бунга чидай олмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛЛИК **I** Қулга хос ҳолат, ҳаёт. *Жаҳонгирлар инсониятга жисмоний ва маънавий қуллик келтирса, шеърлар руҳий эркинлик.. бахш этади.* «ЎТА». *Уламолар хотинқизларни қулликда сақлаш учун, уларнинг озодликка чиқиш ҳаракатига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

Қуллик қилмоқ Қул бўлиб ёки қул каби ишламоқ. *Мен бундан буён сизга қуллик қилмайман.. Лекин ўттиз йил хизмат қилиб, ёшлик кучини барбод бериб, олтмишга кириб, бир уйдан қувилган чол қаердан хизмат топа олади?* С. Айний, Қуллар.

2 Эксплуатациянинг тарихан дастлабки ва энг қўпол шакли, унда қул ишлаб чиқариш қуроллари қаторида, ўз хўжайини — қулдорнинг мулки ҳисобланган. *Абдурахимбойнинг гумаштаси экан. Онамининг айтишига кўра, қуллик замонда бизнинг ота, оналаримиз унинг қул остида бойда ишлар эканлар.* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛЛОБ **I** |а. *قَلَب* — қайтарма (ёқа); чангак, қисқич; юрак касаллиги] эск. кт. Қармоқ, қисқич, чангак; тузоқ. *Ит ҳамон бўкириб, қопуни гажир, унинг қуллоби.. чегасидан чиқиб бормоқда эди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚУЛЛОБ **II** Тананинг касал жойини тортиб боғлаб қўядиган белбоғ ёки халта. *Қулоб тутмоқ.*

ҚУЛЛУҚ с.т. **I** Миннатдорлик ифодаловчи сўз; раҳмат, миннатдорман. *Ёрдамнингиз учун минг марта қуллуқ.* ■ *Кўрқманг, ҳожини!.. Кўқонга борган, биринчи ишим ўғлингизни қутқариш бўлсин.* -Қуллуқ, қушбеги. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Куллуқ қилмоқ Кўлини кўксига кўйиб, миннатдорчилик изҳор қилмоқ, таъзим қилмоқ. *Хасан овчи дарвозагача куллуқ қилиб, орқаси билан юриб борди ва посбонлар қаршисида ўзини ростлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Деҳқон шодлик.. билан тўла, куллуқ қила-қила чиқди. Ойбек, Навоий.*

2 шв. Муборак, қутлуғ. *Нафиса, ўғил куллуқ бўлсин.. жонгинам. А. Мухтор, Туғилиш. Элининг катта-кичиклари «куллуқ бўлсин»га кела берди. «Алпомиш». [Ҳожид.] Орзиқул уйида бўлса, куллуқ бўлсин қилиб чиқай. А. Қаҳҳор, Йиллар.*

КУЛМОҚ бот. Тутдошлар оиласига мансуб. манзарали ўсимлик сифатида ўстириладиган, чирмашиб ўсадиган кўп йиллик ва бир йиллик ўсимлик (пивопазликда ачитқи, тиббиётда дори воситаси сифатида ишлатилади).

КУЛОН Отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаб кетадиган ёввойи ҳайвон. Тоғига қараб қулони, Сувиға қараб илони. Мақол. ■ Кулон, карклар сувсиз чўлда ётади. «Хасанхон».

КУЛОН-ТУЗ Чексиз текислик; шундай ер. От чопасан баринг қулон-тузларга.. «Гулнорпар». От чопишиб бораёттир, Ҳисоби йўқ қулон-туз. «Гулшанбоғ».

КУЛОЧ 1 Елка баландлигида керилган ҳар икки қўлнинг ўрта бармоқ учлари орасидаги масофа (узунлик ўлчови бирлиги сифатида). Бир қулоч арқон. Уч қулоч ёғоч. ■ Хасан сўфи бу аҳволни кўриб: -Эҳ-ҳа, бу ёқ бир қулоч паст, у ёқ бир ярим қулоч чамаси баланд бўлса, тоза бўлган экан ишларимиз! - деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тили бир қулоч Ҳеч ким, ҳеч нарсадан тап тортмай, андиша қилмай, оғзига келганини гапираверадиган; тили узун. -Ҳм, оғзани ботирлар, сўлагинлар! - хоннинг масхараомуз товуши эшитилди. - Тилларинг бир қулоч.. С. Сиёев, Аваз. **Кулоч ёзмоқ** (ёки ёймоқ) 1) икки ёки бир қўлини елка баландлигида очмоқ. *Алвасти қиёфасига кирган бир аёл.. қулочларини ёзган ҳолда кўчанинг чап томониغا қараб югура кетди. Ф. Расул, Тўнғич ўғил. Пирнафас ака қулочини ёзиб, кучи борича санчқини отди. Ж. Шарипов, Хоразм. Полвон азамат қулочларини ёйиб, оғир керишди. Ж. Шарипов, Хоразм; 2) кўчма кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ, авж олмоқ, ривожланмоқ. Уй-жой қурилиши кенг қулоч*

*ёйди. ■ ..проза ҳали кенг қулоч ёзмаган даврларда унинг родини поэзия бажариб келган. «ЎТА». Дарё, анҳор оқсин чўл сари, Қулоч ёзсин дунё боғлари. К. Муҳаммадий. ..халқ депутатларининг ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйди. Газетадан; 3) асосан рвдш. шаклида - қулоч ёзиб айн. қучоқ очмоқ қ. қучоқ. Колхоз «областандан келган кекса, тажрибали ўқитувчи»ни қулоч ёзиб қарши олди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Кулоч отмоқ** 1) қўлларини галма-гал сувдан чиқариб ва ботириб, олдинга ҳаракатланмоқ (сузишда). *Мансур.. оқимга қарши қулоч отиб сузарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) кўчма айн. қулоч ёзмоқ 2. Қиз темир қозик билан занг урди, овқатга чорловчи садо узоқларга қулоч отди. Т. Расулов, Сарбон. **Кулоч тортмоқ** махс. Маҳси, этик кабиларнинг чокини тикишда икки сўзанга тақилган ипни икки томонга қулочлаб тортмоқ. [Унсин] Тағига кичкина курси кўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб, энчил қулоч тортарди. Ойбек, Танланган асарлар. **Кулоч урмоқ** кам қўлл. айн. қулоч отмоқ 1. Анҳор тўла қон. Аваз лопиллаб оқиб кетяпти. Қулоч уриб, соҳилга интилади. С. Сиёев, Аваз.**

2 Қулочнинг икки қўл учи бирлашган ҳолати; қучоқ. *Ерга чўпни тиқиб қўйсанг, кўкариб, қулочга сиғмас дарахт пайдо бўлади. Ойбек, Танланган асарлар. ..уюм-уюм тўплаб, кенг қулочига сиққанча кўтариб.. ташимоққа бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кам қўлл. Ўлчами кенг, катта. *У кенг яғринли, қулоч кўкракли, бутун дов жусасидан қувват барқ урарди. Ойбек, Навоий. Степан булғори этикнинг қулоч қадамларига зўрға этиб юрарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

КУЛОЧКАШ 1: қулочкаш қилиб Қулочини ёзиб, қулочкашлаб. *Хушмўйлов йигит қулочкаш қилиб офицернинг калласига солмоқчи эди, Аҳмаджон қўлини тутди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 кўчма Жуда узун, узундан-узун; жуда кенг. *Мажлисда нутқ қулочкаш, Сайрар томоқни қоқлаб, Машинадан бўлиб ғаш, Қўлда теришни ёқлаб. С. Абдулла. Ҳар бир қулочкаш шеър аруз бўлавермагандай, ҳар бир шеър ҳам кўшиқ бўлавермайди. Т. Тўла, Қалбдан куйлайман.*

3 кўчма Кучоққа сифмайдиган, йўгон; қалин. Ёв кўрғонини қамал қилиб, унинг қулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган кўшин каби, одамлар тоғ этагига тўлиб кетдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЛОЧКАШЛАБ *рвш.* Қўлларини, қулочини куч, шиддат билан ёзиб, шиддат билан қулоч отиб. *Қулочкашлаб урмоқ. Қулочкашлаб сузмоқ.* ■ [Комил Рустамов] Қаршида ўрмалагувчи фашист танкига қулочкашлаб граната ирғитди. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи. ..кейин яна хаёл, яна қулочкашлаб ип тортиш. Баъзан мингирлаб ашула ҳам айтарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

КУЛОЧЛАБ *рвш.* 1 Қулоч билан, қулоч ёзиб, қулоч-қулоч қилиб. *Қулочлаб ўлчамоқ.* ■ Канални истаганча пухта ишлаб, Битирдик ҳам қулочлаб, ҳам қаричлаб. Ҳабибий.

2 *айн.* қулочкашлаб. *Хон кетар ёрини йўқлаб, Урди отини қулочлаб.* «Муродхон».

ҚУЛОЧЛАМОҚ 1 Қулоч билан ўлчамоқ. Арқонни қулочласам, йигирма қулоч чиқди.

2 Қулоч ёзиб ушламоқ; кучоқламоқ.

ҚУЛОҚ 1 1 Одам ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат аъзоси ва унинг ташқи қисми. *Одамнинг қулоғи. Отнинг қулоғи. Қулоқ пардаси. Қулоқ супраси. Қулоқ касалликлари. Қулоққа болдоқ тақмоқ. Қулоғини (қулоғидан) чўзмоқ.* ■ *Кий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. ..қўчқор кўнғироқли қулоқларини эркаланиб силкиди. Газетадан.

Жон қулоғи билан ёки жон қулоғини тутиб Бутун диққат-эътибор билан; эшитишга бутунлай берилиб. *Мажлис аҳли унинг нутқини жон қулоғи билан тинглади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Миллатнинг буюк ўғлонлари, оқила ва зарифалари сўзлаганда, уларни жон қулоғимиз билан эшитамиз.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. ..унинг гапларига жон қулоғини тутиб турган Нуқранинг секин нафас олиши — нафис кўксининг секин бориб келиши ҳам сезилиб турарди. Мирмуҳсин, Нуқра. **Икки қулоғи** Ўрин келишигидаги сўз билан қўлланиб, бутун эшитиш, диққат-эътибор шу сўз билдирган шахс ёки нарсага қаратилганликни билдиради. *Тун ярмидан оғиб, ат-*

роф жимиши билан икки қулоғим деразада бўлади. Дераза тагига нўхатдек нарса туши-са сезаман. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Оғзи қулоғида** Ниҳоятда хурсанд. ..жа хурсанд, оғзи қулоғида, йўрғалаганча кетяпти. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Туранинг оғзи қулоғида, кўнгли нимадандир таскин топган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Қулоқ бермоқ айн. қулоқ солмоқ** 1. *Муҳаррир.. бир ярим соат бекорга ўтган вақтга ачиниб, бизга қулоқ берди.* А. Қаҳқор, Сароб. **Қулоқ-мияни емоқ (ёки қоқмоқ) қ. қулоқ-мия.** *Илгари.. «Эркак деган рўзгорри бут қилиб қўяди-да!» деб шанғиллаб, қулоқ-мияни ерди.. «Ёшлик».* Бувниси хола эрининг қулоқ-миясини қоқиб, шу йил Содиқжон каникулга келганида, албатта уйлантириб қўяжагини айтди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Қулоқ осмоқ айн. қулоқ солмоқ** 1. *Агар суриштириб, ҳақиқатни ўрнига қўяман деса, унинг ва у сингариларнинг сўзини ҳамма ерда тинглашади.* Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас. **Қулоқ солмоқ** 1) эшитиб эътиборини қаратмоқ; қулоқ тутмоқ. *Ҳамма жим туриб қулоқ солди. Ҳеч қандай овоз йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) қулоқ тутиб эшитмоқ; тингламоқ. *Равно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлари билан уни кўмиб ташларди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 3) диққат билан тингламоқ ва уни ҳисобга олмоқ, унга амал қилмоқ. *Хусайн Бойқаро Навоийни қаттиқ хурмат қилади, унинг оқилона гапларига қулоқ солади.* «ЎТА». **Қулоқ тишлаш этн.** Болаликдан унашиб қўйиш (қулоқ тишлатиб). *Тўтихон билан Набижоннинг юлдузи бир-бирига тўғри келмади. Ёшликдаги қулоқ тишлашлар ҳам чиппакка чиқди.* «Муштум». **Қулоқ тутмоқ айн. қулоқ солмоқ** 1, 2. *Эшик ёпишгач, бошлиқ зипиллаганча юриб, остонага яқинлашди-да, эгилиб, қабулхонага қулоқ тутди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фотима бундоқ қулоқ тутса, маърузачиларнинг гаплари юз фоз тўғри.* Т. Ашуров, Оқ от. **Қулоқ эшитмаган** Ҳеч ким эшитмаган, ҳеч кимга маълум бўлмаган. *Замин қандайдир кучли қувватдан титраб кетди ва шу лаҳзада қулоқ эшитмаган портлаш рўй берди.* Газетадан. **Қулоқ қоқмай** Ҳеч қандай эътирозсиз, гап-сўз қилмай. *Бунинг ғайриқонуний эканлигини тушуниб турган йигит «жиндаккина» деб аталган 600 сўмни қулоқ қоқмай эплаштириб олиб*

келди. «Муштум». **Қулоққа олмоқ** Эшитиб, унга эътибор қаратмоқ, амал қилмоқ. [От-бек] *Гўё мажбурият остида ота насихатини қулоққа оладигандек бўйин эгиб ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қулоғи битмоқ** Эшитмайдиган бўлиб қолмоқ (асосан вақтинча эшитмай қолмоқ). *Муттасил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қулоғи битган, бирон жойга снаряд ёки бомба тушганини тунроқ кўтарилиб тушгандангина билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қулоғи динг қ. динг. Қулоғи динг бўлмоқ** (ёки **тиккаймоқ**) Бирор нарса таъсирида хушёр тортиб, эшитишга шайланмоқ. *Ҳасаналининг қулоқлари тиккайиб, ўрнидан турди, кўзи оланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қулоғи йўқ** Гап уқмайдиган; қулоқсиз. *Қулоғи йўқ бола бўляпсан. Қулоғи остида (ёки тағида) қолмоқ* Улмоқ. *Кушхонага кириб, не кўз билан кўрай, миққийнинг қулоғи остида қолган, яъни ўлган эди.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Шундай қилинмаганда, ҳар икки томондан бир неча кишининг қулоғи остида қолиши турган гап эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Қулоғига айтадиган гап** Ҳеч кимга эшиттирмай, фақат ўзига айтиладиган гап. *...иккита хат ёзди. Биринчи хатку бошдан-оёқ «рахмат»дан иборат эди, кейингисиде «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт. **Қулоғига айтмоқ** Ҳеч кимга эшиттирмай, фақат ўзига айтмоқ. **Қулоғига етмоқ** Эшитмоқ (эшитилмоқ). *Бир кун Сирожиддиннинг: «Фармоновга ўхшаган амалдорлар нўноқ дорбозни эслатади», дегани Фармоновнинг қулоғига етибди.* Мирмуҳсин, Созанда. **Қулоғига (гап) кирмайди** 1) эшитмайди, тингламайди. *Олимжон, мани кўзим сандан бўлак болаларни кўрмайди. Сандан бошқанинг сўзи қулоғимга кирмайди.* Ҳамза, Танланган асарлар; 2) гап-сўзга эътибор қаратмайди; гапга парво қилмайди. *Бу боланинг қулоғига гап кирмайди.* ■ *Унинг гаплари Меъмورнинг қулоғига кирмади.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қулоғига кирмоқ** Эшитмоқ, эшитилмоқ. *Ногоҳ от дуқури кириб қулоққа, Чўчиб уйғонади кекса чол мудроқ.* А. Орипов, Юртим шамоли. **Қулоғига қуймоқ** Эслан чиқмайдиган қилиб тушунтирмоқ, уқтирмоқ. *Элчиде айб йўқ. У ўз ҳукмдорининг қулоғига қуйиб қўйган гапларини гапирди.* М. Осим, Тўмарис. **Қулоғидан кун**

кўринади Жуда ориқ. *Қаранг, ҳаммасининг юзидан қони қочган. Қулоғидан кун кўринади.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Қулоғим сенда** Гапиравер, эшитаман (эшитяпман). *Хўп, қани, қулоғим сизда.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қулоғини бурамоқ** 1) жазо, танбех тарзидаги бирор иш қилмоқ. *Бу бола қулоқсиз бўлиб кетяпти, бир қулоғини бураб қўйиш керак;* 2) маълум гап-сўзлар айтиб, хушёр қилиб қўймоқ, қулоғини пишитиб қўймоқ. *Ҳозир улар комиссияни кутяпти, ўқитувчиларнинг ҳам хўп қулоғини бурагандир, бир оз эсларидан чиқсин, кейин борамиз, деганди.* С. Зуннунова, Олов. **Қулоғини пишитмоқ** (ёки **пишиқтирмоқ**) айн. **қулоғига қуймоқ.** *Жўрахонни ҳам сўроққа қақириб қолишлари мумкинлигини ўйламаган эди. Қизнинг қулоғини пишиқтириб қўймаганига мана энди афсус еб қолди.* М. Исмоилӣ, Фаргона т. о. **Қулоғини ушлаб кетмоқ** Йўқ бўлмоқ. *Токи Яхшибоев қулоғини ушлаб кетмагунича чидашлари керак.* М. М. Дўст, Полазор.

2 Баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Челакнинг қулоғи. Ёғоч каравотнинг қулоғи. Чигириқнинг қулоғи. Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса.* Мақол.

3 Бош кийимларнинг қулоқларни ва иякни ёпиб, иссиқ тутиб туриш учун тушириб қўйиладиган узун қисми. *Телтакнинг қулоғи.*

4 Баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Дуторнинг қулоғи.* ■ *Машшоқлар ўз асбобларининг қулоқларини бураб, созини тўғрилашди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дутор-тамбор вангиллайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота радионинг қулоғини буради.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Манов боғични — парда, Манов ипни тор дейди. Манов — қулоқ, бу — харрак, Яъни эшак боладир.* Э. Воҳидов, Куй авжида узилмасин тор.

5 с. т. Автомобиль, трактор ва ш. к. машиналарни бошқариш учун хизмат қиладиган қурилмаси: руль. *Хушёрлик билан машина қулоғини бураб кетаётган ёш шофёр Козим, ўзининг ҳарбий ҳолатда қанини*

сезиб, ниҳоятда ғайратланган. М. Муҳамедов, Машқ.

6 с. т. Ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча. *Уч юз гектарча ернинг гўзаси учинчи марта экилди. Аммо биз ҳам бўш келмадик: гўза қулоқ кўрсатди дегунча парваришлаб, яғналайвердик.* Й. Шамшаров, Енгиш. *Баҳор жалалари полларни сувга тўлдириб, шולי қиёғининг қулоғидан тортиб чиқарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ариқ бўйидаги икки қулоқ бўлган ялпизнинг ҳиди бирам димоққа ёқади.* Газеталан.

ҚУЛОҚ II I Сувнинг анҳор, канал, ўқариқ ва ш.к. дан кичик сув йўлига, ариқларга тармоқланиб ўтадиган жойи; даҳана. *Отанг мироб бўлса ҳам, қулоқнинг бошида бўл!* Мақол. ■ *Тилим шўх ялада, доим хаёлимда баланд ҳосил, Фикр текис суғормоқ бўлса, зехним сув қулоғида.* С. Абдулла.

2 Шундай жойдан ўтадиган сув миқдори. [Ақбар аканинг кўзига] *Шу қадимий дарёдан экинига бир қулоқ сув чиқариб ололмай армонда ўтган, бахт излаб элма-эл кезган гурумсаройликлар кўринди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ҚУЛОҚ III [р. кулак — мушт, муштум] тар. Қароллар, камбағаллар, умуман деҳқонларнинг ёлланма меҳнатидан фойдаланувчи катта ер эгаси, қишлоқ бойи; бой ёки ўртаҳол деҳқон (мустабил шўро тузуми 1929—33 йилларда бундай кишиларни «қулоқ — муштумзўр» номи остида синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган). *Иш текширилди, Бозор ота.. аллақадан қочиб келган қулоқ бўлиб чиқди.* А. Раҳмат, Варракчи чол. *Бултурги иш қулоққа чиқарилиб, Украинага жўнатилган Абдужалил тегирмончининг кичкина меҳмонхонаси «Четан» колхозининг идораси эканлигини биз юқорида ўқиб билганмиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚУЛОҚДОШ Бошқалар билан биргаликда қулоқ солувчи, бирга эшитувчи. [Султонбек Мадазимга:] *Қулоқдош бўлиб тур.* Турғунга айт, тайёр турсин! К. Яшин, Пьесалар.

ҚУЛОҚЛАШМОҚ I Бир-бирининг қулоғига шивирлашмоқ, бошқаларга эшитирмасдан маслаҳатлашмоқ. *Қорасочдан ҳирсли кўзларини узмаган бек, бой билан қулоқлашди.* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

ҚУЛОҚЛАШМОҚ II тар. Қулоқ деб ҳисобланмоқ, қулоқ табақасига ўтмоқ. *Ўрта деҳқоннинг қулоқлашуви.*

ҚУЛОҚЛИ I Қулоғи бўлган, қулоғи бор. *Уч қулоқли қозон. Гўза икки-уч қулоқли бўлгандаёқ культивация қилинади.* ■ *Шу вақтда кампир икки қулоқли ёғоч от ясади.* «Эртақлар». *Булардан бири — нимча пўстин, қулоқли телпак кийган новча, жуда ҳам йўғон бир киши олдинда, Сафаров билан ёнма-ён келар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Гапга, сўзга кирадиган, қобил. *Қулоқли бола.*

ҚУЛОҚЛИК Бош кийимга қулоқ қилишга ярайдиган, етарли материал: кундуз, қоракўл териси ва ш.к.

ҚУЛОҚМА-ҚУЛОҚ рвш. Қулоқдан қулоққа эшитилиб, бир-биридан эшитиб. *Лектор галстугининг туғунини тез-тез ушлаб кўйишга ўрганиб қолган экан, орқада ўтирган бир қиз шу ҳақда бир нима деб, дугонасини кулдирди, бу гап қулоқма-қулоқ кетди.* А. Қаҳҳор, Куюшқон.

ҚУЛОҚ-МИЯ: қулоқ-мияни емоқ ёки қулоқ-мияни қоқиб қўлига бермоқ Гапирариб, жавраб, шовқинлаб, жондан безор қилмоқ, мияни ачитмоқ. *Ит ангиллайвериб, қулоқ-мияни еди.* ■ *Шаҳарга холамизникига мени ҳам олиб боринг, — деб қулоқ-миясини едим.* Ойдин, Фонарь тагида. [Ҳайтжон:] *Бошинг айланиб кириб қолсанг, қулоқ-миянгни қоқиб қўлингга беради.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚУЛОҚСИЗ I Қулоғи бўлмаган, қулоғи йўқ. *Қулоқсиз қозон.*

2 Қулоғи кесик; чиноқ. *Қулоқсиз ит.*

3 Қулоғи эшитмайдиган; қулоғи оғир, кар. *Бу нарса қулоқсизлар учун ишланган асбоб, буни ҳар қандай қулоқсиз киши таққанда ҳам, энг аста товушларни эшита олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 кўчма Гапга, сўзга кирмайдиган, қулоққа олмайдиган. *Дала-тузни сув олса, кўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол. ■ *Вой қулоқсизлар-ей.. Шошмай туринглар, дадаларинг келсин ҳали.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ҚУЛОҚЧИН Тушириб қўйиладиган қулоқлари бор иссиқ телпак. *Эҳсон Эртөөв пальтосига ўралиб, қулоқчинини туширган-*

ча, қишлоқдан чиқиб кетди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Энида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида пўстинли этик, бўйнида санитар сумкаси. Ойдин, Сухбати жонон.

ҚУЛОҚЧЎЗМА 1 этн. Бола туғилгандан кейин бир ҳафта ўтгач бериладиган зиёфат ва бу зиёфат вақтида кўзи ёриган хотин тишлаб турган иккита нонни олиб қочиш (нонни биринчи бўлиб узиб олган бола қочади, бошқалари уни қувлайди, қочган бола ушланса, «қулоқчўзма», деб унинг қулоғини чўзадилар).

2 этн. Бекинмачоққа ўхшаш болалар ўйини (бу ўйинда бир бола марра пойлайди, қолганлари унга тутқизмасдан маррага етиб келишга ҳаракат қилади, пойлоқчи қайси болани қувиб етиб, ушлаб олса, маррагача унинг қулоғидан чўзиб келади). Болалар тўда-тўда бўлиб, ошиқ.. қулоқчўзма ўйнашади. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Уришиб, бир-бири билан сўзлашмай юрган болаларни қулоқларидан чўзиб, бир-бирининг номини айттириб яраштириш.

Қулоқчўзма қилмоқ Қулоғидан чўзмоқ, танбеҳ бермоқ, жазоламоқ ёки яраштирмоқ. [Алимов:] *Ўринбосар бўлгандан кейин баъзан кўни-қўшни, эру хотин ўртасида бўладиган жанжалларга аралашиб, қулоқчўзма қилмасак ҳам, ҳар қалай, икки тарафнинг ўртасига тушган совуқчиликни кўтариб, уларни яраштириб кўямиз. «Муштум».*

4 Ёмон иш қилган боланинг қулоғини чўзиб танбеҳ бериш. *Қайнона кўлидан ёғлиқ чўзма егандан, Она кўлидан қулоқчўзма еган яхши.* Мақол.

ҚУЛП: **қулп урмоқ** 1) гуркираб, авж олиб кўкармоқ; яшнамоқ, гулламоқ. *Гулзорда ўсма, хина, райхон ва жамбиллар қулп уриб ётибди.* ■ *Эрта кўклам қулп уради тоғ доласи. «Кўшиқлар».* Менинг назаримда, ҳозир кўклам қулп уриб турганга ўхшайди. П. Қодиров, Уч илдиз; 2) кўчма барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ, гуллаб-яшнамоқ. *Қулп урасан савлат тўкиб кенг Осиёга, Машъал бўлиб нур сочасан шарқий самога.* Т. Тўла.

ҚУЛТ 1 тақл. с. Суюқликни ютганда ёки оғзи тор идишдан қуйганда эшитиладиган товушни билдиради (асосан, этмоқ ёрдамчи феъли билан ёки такрор ҳолда қўлланади). *Қулт этиб ниёладаги сувдан ичди.* ■

Мирёқубнинг қовоғи солинди, у анча вақт-гача гапирмай, қулт-қулт чой ичди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Шишани бурнига яқинлаштириб, қизиқсиниб тикилди-ю, даст кўтариб, қулт-қулт ича бошлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Умуман, томоғидаги бир нарсани ютмоқ; ютинмоқ. *Алишер алланимани қулт этиб ютиб, ақлининг сўзига киришга жазм қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *..юзини четга буриб, чуқур уф тортди, «қулт» этиб ютинди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 шв. айн. **қултум.** -*Мен ўйлайманки, — деди Эргаш, яна бир қулт сув ичгандан кейин..* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛТИЛЛАМОҚ «Қулт-қулт» товуш чиқармоқ, қулт-қулт қилмоқ. *Шишадан қултиллаб тушаётган сув.*

ҚУЛТИЛЛАТМОҚ Қултилламоқ фл. орт. н. -*Сал хотинчалиш кўринади, — деди ароқни қултиллаб ютгандан кейин Асқар полвон.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қимизфурушлар.. одамларнинг ташналигини қондиришдан хурсанд бўлгандек, тўрсиқнинг бўғзидан ушлаб, қултиллаб қимиз қуйганлари қуйган эди.* М. Осим, Элчилар.

ҚУЛТУМ 1 Бир ютишли суюқлик миқдори; бир ютум. *Бир қултум сув.* ■ [Умарали ота] *Пиёладаги сўнги қултум чойни хўлаб, ўрнидан турди.* А. Ҳамдам, Қишлоқ оқшоми. *Пиёлани кўлига олиб, икки-уч қултум ютиб, бирдан ўхчиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Озгина, бир қатра (суюқлик ёки суюқ овқат ҳақида). [Жамила:] *Кетамиз! Бир парча куюк қулча, бир қултум шулон шўрвани ҳар жойдан ҳам топиб ичамиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҚУЛТ-ҚУЛТ Қулт 1 с. тақр. *Чолнинг томоғига бир нима тикилгандек бўлди, қулт-қулт тупук ютинди ва гапирма олмай турди.* А. Муҳиддин, Ёдгорликнинг тўйи. [Шафтолининг] *Секин пўстини арчисанг, оғзинга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қулт-қулт ютсанг.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ҚУЛУН 1 Отнинг бир ёшгача бўлган боласи. *Тойчоқлар қулоқларини чимириб, кишнашиб, ўйноқлашиб, гала-гала бўлиб, қудуққа ташланишди.* Биллар қулунлари орқасидан навбат кўтиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. *Кунгай тарафларда ердан тафт кела бош-*

лаганда, қулун билан бияни етаклаб олиб чиқаман. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 (1-ш. эгалик шаклида) Ўғил болаларни эркалатиш ёки эркалатиб мурожаат қилиш шакли. *Ҳой, отгинанг нима эди, қулуним, шўрванг совиб қолди! О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. Бош устингда туриб куйлай ўзим, Қир, қулуним, чойшаб қўйнига. Миртемир.*

ҚУЛУНЛАМОҚ Қулун туғмоқ. *Қора бия қулунлади, тойча қуйиб қўйгандек чавкарнинг ўзи эди. «Ёшлик». Буни қарангки, жонивор бегона уярда қулунлабди. Газетадан.*

ҚУЛУНЛИ Қулунли бор, қулунлаган. *Қулунли бия овулга сиғмас. Мақол. ■ Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли бияни миниб юришга қарши. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ҚУЛУНТОЙ Қулунчоқ, тойчоқ. *Алла, болам, алла-ё, Алла эркам, қулунтой. «Бой-чечак».*

ҚУЛУНЧОҚ 1 Қулун с. кичр.-эркл. *Улар қирда бўталоқ, Олтин ёлли қулунчоқ. Ғ. Ғулوم.*

2 айн. қулун **2**. *Алла, болам, алла-ё, қўзичоғим, алла-ё, Эркин юрда туғилган, қулунчоғим, алла-ё. «Қўшиқлар».*

ҚУЛУПНАЙ [р. клубника < клубок — кесак, бўлак; юмалоқ нарса; ертут] **1** Раъноғулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, резавор экин. *Қулупнай машҳур ва кенг тарқалган ўсимликдир. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

2 Унинг пушти-қизил рангли ширин, хушбўй меваси. *Қулупнай мураббоси. ■ Қулупнай еб, кетидан хом сут ичиб касал бўлганларида, кунларига сен ярадингми, мен ярадимми?! С. Аҳмад, Юлдуз.*

ҚУЛФ [а. قفل — осма қулф; зулфин, тамба] **1** Эшик, сандиқ, жавон ва ш. к. ни калит билан беркитиш ва очиш учун ишланган махсус буюм ёки мослама. *Найча қулф. Осма қулф. Ич қулф. Дарвоза қулфи. Эшикка қулф солмоқ. Қулфни очмоқ. ■ Кутубхона эшигидаги қулфни кўриб, ҳайрон бўлди. «Ёшлик». Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулф билан шарқ этиб беркитди-да, Адолатга эргашиди. С. Зуннунова, Гулхан.*

2 Турли нарсаларнинг, буюмларнинг беркитиладиган қисми. *Соат занжирининг қулфи. ■ Ҳаммага маълум икки қулф, икки*

белбоғли сариқ портфелини кўтариб, мактабга жўнади. Мирмуҳсин, Умид.

3 кесим өзф. Қулфлаб қўйилган, берк. *Дарвоза қулф. Магазин қулф. Бордик — эшик қулф эди. ■ Ишхонангга бордим, аллақайёққа кетган, дейишди. Уйларида ҳеч ким йўқ, қулф. С. Зуннунова, Олов.*

Оғзига қулф солмоқ (ёки урмоқ) **1**) гапиртирмай қўймоқ, оғзига урмоқ. *Унинг жавоби барчанинг оғзига қулф солди. Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) ҳеч нарса дея олмайдиган қилиб қўймоқ. Алдамчи, риёкор, ғаламис сўзин Фош этиб, оғзига қулф урган сенсан. Шуҳрат. Қулф солмоқ (ёки урмоқ, осмоқ) Қулф қўйиб беркитмоқ; қулфламоқ. Дарвозага қулф солиб қўйибди. ■ Ота эшикка қулф уриб, болани опичлаганича, идора тарафга кета бошлади. С. Аҳмад, Уфқ. Қулфи дил Ички сир, юракдаги, айтилмаган, аён бўлмаган мақсад, орзу-истак ва ш. к. Унинг [қизининг] қулфи дилини билмаслик — бу чиндан ҳам қулғили бир нарса эди. О. Ёқубов, Икки муҳаббат. Қулфи дили очилди **1**) сирини, юракдаги борини айта бошлади, ёрилиб гапирди. Қизинг ҳам қулфи дили очилиб кетди. Бошидан ўтганларининг ҳаммасини сўзлаб бергиси келиб қолди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар; 2) кайфи чоғ бўлди, хурсанд бўлди, баҳридли очилди. *Кенг пахтазорни қоплаган яшил кўрпанинг сермавж тўлқини далааларга чунонам файз киритдики, кўрган кишининг кўзи қувониб, қулфи дили очилади. Ҳ. Назир, Индамас.**

ҚУЛФ-КАЛИТ: қулф-калит қилмоқ **1**) қулфланадиган, калит билан очиладиган қилмоқ; **2)** кўчма руҳсатсиз бирор жойга бормайдиган, бирор иш қилмайдиган қилмоқ, қаттиқ таъқиб ёки назорат остига олмақ. *Эртақлардаги ялмоғиз сингари, катта бувиси уни қулф-калит қилиб қўйди. М. Исмоилӣ, Фаргона т. о.*

ҚУЛФЛАМОҚ Қулфни калит солиб бураб, очилмайдиган қилмоқ (қ. қулф **1, 2**). *Пайғомов дарвозани қулфлаб келган шофёрнинг қўлидан калитни олди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. ..чоғиб бориб, ўз хонасига кирди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, қулфлаб олди-да, ўзини диванга ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Элмурод. ..квартирасини қулфлаш олдидан хром эти-*

гини, янги бўлишига қарамай, мойлади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚУЛФЛИ Кулфи бёр, кулф солинган. *Олтин кулфи дарвозадан Ҳаммани ўтка-замиз. «Бойчечак».*

ҚУЛФЛОҚ Кулфлаб бержитилган, кулф солинган; кулф. *Эшик кулфлоқ экан. — Келгунча анча вақт ўтади. Келса — дарвоза кулфлоқ! Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

ҚУЛФЛОҚЛИК айн. **кулфлоқ**. *Кулф-лоқлик магазиндаги ун, ёғ, чой, ширинлик каби буюмлар димиқиб, расвоси чиқмадимкин? «Муштум».*

ҚУЛФСИЗ Кулфи йўқ, кулф солинмаган. *..ичкаридан ҳеч ким чиқмагач, тоб ташлаб қолган кулфсиз, тамбасиз ёғоч эшикни итарди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

ҚУЛФУРУШ тар. Кул олиб-сотиш билан шуғулланувчи одам, кулжаллоб.

ҚУЛФЧИ Кулф ясайдиган ёки кулф тузатадиган уста.

ҚУЛЧА I I Кул с. кичр.

2 Кул бола. *Урмонбек камончага ўқ кўйиб отар, ўқлар кўкка кўтарилиб, турли масофага бориб тушар, кулчалар отилган ўқларни териб келиб, Урмонбекка берар эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ҚУЛЧА II рвш. 1 айн. **кулларча**. *Кулча бош эгиб тавзим қилиш.*

2 Кулга тенг келадиган даражада, кул даражасида. *Кал эшонга отдилар, уч пулча қадрим йўқмиди? Бир кулча қадрим йўқмиди? «Фольклор».*

ҚУЛЧИЛИК I Кулликдаги ҳақ-хуқуқсиз ҳаёт, ҳолат; куллик. [Йўлчи:] *Кулчиликдан чиқмоқчи бўлсак, курашга бел боғлашимиз керак. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 айн. **кулдорлик** 2. *Кулчилик жамияти.*

Кулчиликка келмоқ с. т. Совчи бўлиб келмоқ. [Аширмат:] *Қофияси келганда айта қолай, мен остонанга кулчиликка келдим. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ҚУЛҚУЛ с. т. Курка; курка товук.

ҚУЛ-ҚУЛ тақл. с. Оғзи тор идишдан суюқлик тушаётганда чиқадиган товушни билдиради. *Кул-қул қилмоқ (этмоқ).*

ҚУЛҚУЛЛАМОҚ «Кул-кул» товуш чиқармоқ. *Графиндаги сув кулқуллаб қуйилар эди. — Дарё-адирлар манзараси, кулқуллаб оқаятган каналдан эсган ёқимли шабада ҳар*

қандай одамни ҳам маҳлиё қилар эди. А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари.

ҚУЛҚУЛУМ: ҳавзи **кулқулум** 1) афсонавий тагсиз чуқур ҳовуз, қудуқ; 2) кўчма кўп овқат ейдиган, унча-мунчага тўймайдиган киши ёки ҳайвон; меңкай.

ҚУЛҚ-ҚУЛҚ айн. **кул-кул**. *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар, «кулқ-кулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

ҚУЛГУНА Мохов касаллигининг оқадиган оғир тури. *Эҳтиёт бўлинг, бизнинг орамингда ифбатлар ўғриси.. — Омон Асилов кулгунадайд писиб юрибди. Ғ. Ғулом, Халқ ҳукмига ҳавола.*

ҚУМ I I Бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси (асосан қурилишда ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланилади). *Қумдан кўрғон бўлмас. Мақол. — ..дарвоза олдида тўкилган қумда ўйнаб ўтирган болакайларга бирпас завқ билан қараб ўтирди. Н. Аминов. Суварак. Қурилиш материаллари оёқ остида тўкилиб, оҳақ қумга, қум тупроққа қоришиб кетади. «Муштум».*

Қум соат Муайян миқдордаги қумнинг бир ёпиқ идишдан иккинчисига тор тешик орқали тушишига қараб вақтни ўлчовчи соат. *Урта асрларда бандли қум соатлар урф эди. «Фан ва турмуш».*

2 айн. **қумлик**. *Карвонлар қумда адашиб, саргардон бўлмайдилар. Мирмуҳсин, Меъмор. Бир йигит чироғи ўчирилган мотоциклини қуюндай учуриб, қум ичкарисига кириб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 сфт. **Қумга ўхшаш, майда. Қум шакар.** — *Жўрапошша бўйнидан қум марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шурт узиб, марваридларни кигизга тўкди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҚУМ II: **ранги қум ўчди (ёки оқарди) шв. айн. ранги қув ўчди қ. қув III. Света конвертни олиб очди, хатга кўз юритди-ю, ранги қум ўчиб кетди. В. Ғофуров, Вафодор. Келиннинг ранги қум оқариб кетган, дагдағ титрар эмиш. С. Аҳмад, Чўл бургути.**

ҚУМАЛАМОҚ с. т. Умбалоқ ошиб йиқилмоқ; юмаламоқ, думаламоқ.

ҚУМАЛОҚ Қўйнинг, туянинг юмалоқ-юмалоқ тезаги. *Кишининг дўпписи тор келганда, қумалоқни «кака» ҳисоблаб қолар эмиш!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўнғизлар эса арқаларига қараб юриб, тезакдан ясаган қумалоқларини аллақайёққа юмалатади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қўнгина халқларда фолбинлар суяк, қўйнинг қумалоғи ва бошқа нарсалар билан фол очган.* «Фан ва турмуш».

ҚУМАНЖИР Иссиқ мамлакатларда ўсадиган, этдор пояли, тўп-тўп тиканаклардан иборат баргли ўсимлик; кактус.

ҚУМЗОР Қум билан қопланган жой; қумлоқ. *Қумзорларни саксовулзорга айлантирмоқ.* ■ *Эргаш акам ҳам подасини тўплаб, қумзордан пастроқда ва шамолнинг эсиш йўлидан панароқда бўлган рўд [дарё, анҳор] қирғоғига суриб туширди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚУМЛАМОҚ 1 Кир, доғ ёки зангни кетказиш учун қум билан ишқаламоқ; қум билан тозаламоқ. *Пиёгани қумлаб юймоқ.* ■ *Мулла Обид зўр кетмонни қумлаб, ғалтакни сувлаб, бостирмага киргизиб қўйишга мажбур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Қумга чўкмоқ, ботмоқ, кўмилмоқ; қум билан қопланмоқ. *Қайиқ қумлаб қолди.*

3 Тупроққа қум аралаштирмоқ.

4 *қўма с. т.* Сирка билан қопланмоқ. *Боши қумлаб кетибди.*

ҚУМЛИ 1 Ичида, таркибида қуми бор. *Қумли қоп. Қумли тупроқ.*

2 Қум билан қопланган, қумдан ташкил топган. *Қумли саҳро.*

ҚУМЛИК Қум босган, қум билан қопланган кенглик. *Кичкина дарёлар Амуга етмасдан қумликларда ғойиб бўлади.* ■ *Икки меҳмон яна отга миниб, қумликка қараб кетишди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ер-суви тортиб олиниб, кимсасиз қумликларга бадарға этилган бечоралар хонликда тўлиб ётар эди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚУМЛОҚ 1 Қум босган, қум билан қопланган жой; қумлик. *Қумлоққа ботмоқ.* ■ *Ҳаводан ёғайтган қум бир нафасда ерни қумлоққа айлантирди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ажабо, ҳеч гийё кўрмаган Қумлоқларда гул этишибди.* Э. Раҳим.

2 Қум аралашган, қуми бор; қумли. *Қумлоқ тупроқлар қовушмайди, балки намлигида чочилиб туради.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Зеро,*

у тупроқ танламайди, тошлоқ, қумлоқ ерларда ҳам ўсаверади. «Фан ва турмуш».

ҚУМОЙ Йиртқич қушлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, ўлимтиқлар билан овқатланадиган йирик қуш. *Одатда, қумой, тасқара ва жўрчи каби қушларга ўлжа ҳар доим ҳам насиб этавермайди.* «Фан ва турмуш».

ҚУМОШ [а. قماش — газлама, мато; бўз; эски латта-пугта] эск. Мато, газлама. *Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди Оламнинг мунчалик атлас-қумошин.* Ф. Фулом. *Жандамга кўҳан шоҳи қумошини алишмам.* Муқимий.

ҚУМОҚ Қум аралашиб, дондор бўлиб қолган; қумли. *Унинг ери қумоқ. Шунинг учун у доимо бир марта ҳайдалади.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ҚУМОҚ-ҚУМОҚ Дурда боғлаб, дурда каби майда, юмалоқ доналарга ажралиб турадиган; дондор. *Қумоқ-қумоқ асал. Қумоқ-қумоқ тупроқ.* ■ *Туқай ерларига бирикки йил шоли экамиз, шўрини роса ювиб ташлагач, кузда ағдариб ҳайдаттирамиз, кўкламда қарабсизки, тупроғи қумоқ-қумоқ бўлиб қолади.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

ҚУМПИЁЗ Лолагуллилар оиласига мансуб, кўп йиллик пиёзли чўл ўсимлиги.

ҚУМРИ [а. قمرى — гуррак, қумри] 1 Каптарлар туркумига мансуб, қафасда ҳам урчидиган сайроқи қуш. *Тоғлар, бўстонлар тўлди Қумрию булбул билан.* «Қўшиқлар».

2 Қумри (хотин-қизлар исми).

ҚУМСАБЗИ Соябонгуллиларга мансуб, илдизмеvasи ейишли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

ҚУМСАҚИЧ, **қумсағиз** Мураккабгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик каучукли ўсимлик.

ҚУМТОШ Қум зарраларининг ўзаро ёпишиб, бирикиб қотишидан ҳосил бўлган харсангсимон тоғ жинси. *Калтаминор усталари қаттиқ кулранг қумтошлардан ёргучоқлар.. ясаганлар.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бу туб қумтош устини шамол олиб келган қум қоплаб ётади.* П. Фуломов, Зарафшон этакларида.

ҚУМУРСҚА Майда чумоли; умуман, ҳар қандай чумоли. *Бир қумурсқа бир дон донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб, унга ёрдам беради.* С. Айний, Қуллар. *Баҳор ўзи бошқача фасл-да! Ерга офтоб тегиши*

билан қумурсқа инининг ёнида тупроқ уюми пайдо бўлади. А. Ҳамдам, Ҳамал кирди.

ҚУМУРСҚАДАЙ, -дек I Майда, чу-молидай кичик. Қумурсқадай майда қуртлар кун сайин бўй чўза бошлади. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

2 Жуда кўп, гужғон ўйнаган, қайнаган. Кўчаларда одам қумурсқадай.

ҚУМ-ҚУМ Ҳисобига етиб бўлмайдиган; сон-саноқсиз, беҳисоб.

ҚУМҒОН Чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясаладиган, ичи қалай билан оқартирилган, кўзача шаклидаги дастали ва қопқоқли идиш; катта чойдиш. Мис қумғон. ■ Учоқнинг оғзида ўтга кўмилган қора қумғон вақирлаб қайнайди. С. Анорбоев, Хотима. Бўтабой қумғонга чой дамлаб олиб келди. С. Аҳмад. Ҳукм.

ҚУНДУЗ I Сувсарсимонлар оиласига мансуб, қимматбаҳо мўйнали сутэмизувчилар туркуми. Бу беҳатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган. «Фан ва турмуш». Ҳавода ўйнайди юлдуз, Дарёда ўйнайди қундуз. «Маликаи айёр».

Қундуз қош ёки қоши қундуз Чиройли, ўсиқ қора қош. Шахло кўзлар, ўсиқ жингала киприклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с. т. Ёқага ёки телпак жиягига тутилган ўсиқ юнгли ҳар қандай мўйна. Қундузи қалин бўрқ. ■ Лайлак қор уриб турар эди. Мунисхон ёқасининг қундузи билан бўйинини ўраб.. зинанинг охириги пиллапоясиди тўхтаб қолди. А. Қаҳқор, Сароб.

3 Қундуз (хотин-қизлар исми).

ҚУНДУЗИ Қундуз мўйнасидан тикилган. Қундузи телпак.

ҚУНИШМОҚ Совуқдан, касаллик ёки қўрқувдан бўйинини ичига тортмоқ; жунжимоқ, гужанак бўлмоқ. Оппоқ қор. Қош қорайганда, юпун кийинган одамлар қунишиб, дилдирашиб, Бақақуриллоқ майдонидаги чойхонага томон кела бошлади. А. Қаҳқор, Кўшчинор чироқлари. ..шунчалик девқомат бўлишига қарамай.. мулзамликдан, ўзи айтгандек, «кичкина бола»дек бўлиб, қунишиб ўтирарди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Ҳасан сўфи ана шундай савол берилишини олдиндан билиб, қунишиб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУНТ [а. قنوط — итоаткорлик; намозда тик туриш; ноумидлик, тушкунлик] Бирор ишни астойдил берилиб, сабр-тоқат билан бажариш иштиёқи; ҳафсала. Қунт билан ўқимоқ. Қунт билан ўрганмоқ. ■ Кўзлари ёниб турган ёшгина дўхтир Энани эринмай, қунт билан текширди. «Ёшлик». Ёш ишчининг қунт ва илғо билан изланиши, жўшқинлик билан олға интилиши ўз самарасини берди. Газетадан.

Қунт қилмоқ Қунт билан муносабатда бўлмоқ. Назокат, табиатан, бир нарсага киришса, астойдил қунт қиладиган.. ўргатса, зеҳн қўйиб турадиган зийрак қиз эди. Шухрат, Умр поғоналари. Қунт қилса, бир амаллаб ўрганиб олади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҚУНТЛИ Қунт билан ишлай оладиган, ҳафсалали, серҳафсала, тиришқоқ. Қунтли ишқибоз одам. ■ Балки Маширабдаги ўзига хос хислатлар уни калавачи бўлишга даъват этгандир? Ахир у, биринчидан — саботли, иккинчидан — талантли, учинчидан — қунтли. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

ҚУНТСИЗ Қунти, ҳафсаласи йўқ; қунт, астойдиллик билан ишлай олмайдиган; беҳафсала.

ҚУП(ПА)-ҚУРУҚ I Мутлақо қуруқ, жуда қуруқ, қоқ қуруқ. Қуппа-қуруқ ўтин. Қуз бўлса ҳам, кўчалар қуппа-қуруқ. ■ Ёздагидай қуп-қуруқ кўчаларнинг чанги гирдоб уриб, одамнинг кўзини очирмас. Ҳ. Назир, Эътиқод.

2 кўчма Ҳеч нарса, ҳеч нарса йўқ, яп-яланғоч, шипшийдам. Қуппа-қуруқ уй. Қуппа-қуруқ дастурхон. ■ -Наҳотки қуппа-қуруқ жой бўлса? — деди кимдир ваҳимали ингичка товуш билан. А. Мухтор, Туғилиш.

3 кўчма Қўлида, ёнида ҳеч нарса йўқ. Қўлим қуп-қуруқ. Чўнтагим қуп-қуруқ ■ [Муллаўрзи:] Ундан сўнг айтиш, назрини дурустроққина қилиб берсин. Бу нима? Уч сафардан буён қуппа-қуруқ келади. Ҳамза, Майсаранинг иши. Мен икки қўлимни бурнимга тиқиб, шаҳарга қуп-қуруқ кириб келдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚУР I I Иш-ҳаракатнинг такрорланиш сонини билдиради; марта, дафъа, топқир. Сен кетганингдан кейин бир-икки қур хўжайиннинг ошналари меҳмон бўлиб келишди. Ф. Фулом, Шум бола. [Фуломжон] Ҳовлини яна

бир қур кўздан кечириб, пастга тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Укам иморат қураётувди.. бир қур хабар ҳам олмадингиз.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

2 Давра; партия, гал (баъзи ўйинларда). *Майли, икки қур ўйнайман-да, кетаман.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Гуруҳ, давра. *Яғрин ташлаб, елвагай, мағрур, бепарво, Бир қур ўйигитлар келар, енгл худди пар.* Ф. Фулом. *Самадлар кириб ўтиргандан буён уч қур янги меҳмонлар келиб кетган.* Ф. Фулом, Ёдгор.

ҚУР II Товуқсимонлар туркумига мансуб, ўрмонда яшайдиган, ов қилинадиган қуш.

ҚУР III айн. қурай. Чўпонлар қур-ҳайтлаб қўйни ҳайдаган. «Алпомиш».

ҚУР IV тақл. с. Бақа, турна кабиларнинг сайрашига ўхшаш товушни билдиради. *..турналарнинг майин қур-қурлари осмон гумбазида ажиб акс садо беради.* «Ёшлик».

ҚУР V Давра; давра ўртасидаги жой, майдон. *Қураш қилиб енган, йиққанлар, Полвон бўлиб қурга чиққанлар.* Э. Раҳим.

Қур тортмоқ Давра қурмоқ, даврада бирга ўтирмақ. *Нарида қур тортган икки йигитнинг гапларини чала-ярим эшитди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошабин тўлиб, растараста, даста-даста қур тортиб ўтирди.* «Алпомиш».

ҚУРАЙ унд. с. Қўйларни ҳайдаш ёки чақириш учун ишлатилади.

ҚУРАЙЛАБ «Қурай, қурай» деб. *Ярим кечада, ой кўтарилгандан кейин, олдинмакетин хуштак чалиниб, қурай-қурайлашиб, Кўктеракка қараб кета бошладик.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҚУРАЛАЙ I Кийик ёки оҳуларнинг ёш боласи.

2 айн. **қуралай кўз.** *Меҳрибон кўзлари жигарга мойил, қуралай..* «Ёшлик».

Қуралай кўз Қуралайнинг кўзига ўхшаш кўзли. *Қуралай кўз, бодомқовоқ, сарв қомат..* С. Сиёев, Аваз.

ҚУРАМА I I Ҳар хил тус, кўринишда бўлган; турли хил, ҳар хил турдаги. [Полвон] *Махоркани бежаб ўраб, сал эшитиларли товуш билан қурама ашулаларни фингиллай бошлади.* Ойбек, Куёш қораймас. *Шаҳар аҳолиси қурама. Унда ҳар хил миллатларга мансуб кишилар — каннаралар, ҳиндлар,*

малайялар, тамиллар яшайди. 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Баширжон газетани очиб, парварда, шоколад, шўрданак ва қорамайиз аралаштирилган қурама ширинликлардан битта парвардани олиб, оғзига солди.* Н. Аминов, Қаққаҳа.

2 айн. **қуроқ I 2.** *Қурама тўшакда чўзилиб ётганича, жажжи қўлчаларини унга чўзарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *У қурама кийимдаги кишига норози кўзи билан қарарди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ҚУРАМА II Ўзбек халқи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири: Ўзбекистоннинг Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшовчи ўзбек элати; шу элатга мансуб шахс ёки нарса. *Қурама аёли. Ўзбек тилининг қурама шеvasи.*

ҚУРАМОҚ Турли қисм ёки унсурларни бир-бирига уламоқ, бириктирмақ; улаб, қўшиб, бирор нарса ҳосил қилмоқ. *Кўрна қурамоқ. — Почамир вафот қилди. Дўстлари йиғлаб-йиғлаб, уни ювдилар. Кафанга пули йўқ. Кўкнор эзиладиган халталарни йиғиб-қураб, кафан тикдилар.* Фитрат, Қиёмат.

ҚУРБ [a. ترب — қариндошлик; яқинлик; қўшни(чи)лик] Жисмоний, моддий, маънавий имконият; куч, қувват. *Эй худо, учиб юрган паррандача қурб, манзилат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг? Ҳамза, Паранжи сирлари. Фақирда қурб бўлса-ю, қани энди, сендан қочиб қутулса! ў. Ҳотамов, Қон ва сут.*

Қурби етади (ёки келади) Куч-қуввати етади; жисмоний, моддий, маънавий имконияти бор (етади). *..ҳамиша писанд қилмай очиб-ёпадиган бу эшик тутқичини ушлашга энди қурби етмаётганини сезди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ёш эдим, дадам раҳматлининг бундан яхшироқ сизир сотиб олишга қурби етмаслигини қаёқдан билай?* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҚУРБАҚА Сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жониворлар туркумининг бир тури; оёқлари сакраб юриш учун мослашган. *Қурбақанинг сайраши. — Фарида қурбақа сузиш қилиб, қирғоққа қараб борар экан, сув пурқаб кулди.* П. Қодиров, Уч илди.

Қурбақа(нинг) салласи қ. салла.

ҚУРБОН [a. قربان — қурбонлик; қурбон бериш, фидо қилиш] I дин. Худо йўлида қурбонликка сўйилган ёки сўйиладиган жонлик. *Қурбон сўйиш.*

Қурбон ойи айн. зулҳижжа. **Қурбон ҳайити қ. ҳайит 1.**

2 *қўчма* Бирор эзгу иш, эзгу мақсад йўлида ёки севиқли кимса, нарса ва ш.к. учун курашида ҳалок бўлган, жон фидо қилган киши. *Озодлик қурбони. Уруш қурбони.* ■ *..ер куррасининг кўп қитғаларида бомбалар портлар, минглаб қурбонлар кўксидан қон оқарди. С. Аҳмад, Уфқ. Уруш қурбонсиз бўлармиди. С. Зуннунова, Олов.*

3 *қўчма* Табиий офат, фалокат, кўнгилсиз ҳодиса, кимсаларнинг қилмиши, манфаати ва ш.к. туфайли ҳалок бўлган ёки катта зарар кўрган, қаттиқ азият чеккан киши. *Ёнғин қурбони. Зилзила қурбонлари. Жаҳолат қурбони. Урф-одатлар қурбони.* ■ *Фарида Зокирни гуноҳсиз бир қурбон деб билиб, қаттиқ ачинди. П. Қодиров, Уч илдиш. [Фуломжон:] Бўлиб ўтган мана шу гапларнинг ўзи тўхматчилар қурбони бўлиб турганимни исбот қилишга етиб ортади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Қурбон бермоқ Кишиси (кишилари) қурбон бўлмоқ; катта зарар, талафот кўрмоқ. *Талай урушлар кўрдик, талай қурбонлар бердик. Гувоҳ — сочларда оқу манглайда ажинимиз. Ф. Фулом. Бепарво бўлмангиз, кўлдан кетмасин Сонсиз қурбон бериб қозонилган бахт. «Шарқ юлдузи».* **Қурбон бўлмоқ 1)** бирор сабаб туфайли, унинг йўлида ҳаётдан кўз юммоқ, ўлмоқ. *Халқ жиноятчи бўлиши мумкин эмас, қурбон бўлиши мумкин. Газетадан; 2) айн. қурбони бўлмоқ 2.* *Бир навжувон эрди ўзи хиромон, Ҳар ким кўрса, бўлур хуснига қурбон. «Гулшанбоғ».* **Қурбони бўлмоқ 1)** айн. **қурбон бўлмоқ 1.** *У бошқа катта жиноятларнинг қурбони бўлиб кетяпти-ку!* А. Мухтор, Кумуш тола; 2) жонини фидо қилмоқ, садағаси кетмоқ. *Яхшининг қурбони бўл, Ёмонни калтаклаб ур. Мақол.* ■ *Аравадан нари анжир пишибди, Ўн тўрт яшар қизга ишқим тушибди. Ўн тўрт яшар қизнинг қурбони бўлсанг, Ўн тўрт тилло бериб кўйнингга олсанг. «Кўшиқлар».*

5 **Қурбон** (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҚУРБОНЛИК *дин.* **1** Худога яқинлашиш, унинг раҳм-шафқатига эришиш учун худо йўлига жонлиқ сўйиш; шу жонлиқнинг ўзи. *Қурбонликка атаб сўйган ҳайвон терисини сотган кишининг қилган қурбонлиги қабул бўлмайди. «Фан ва турмуш».*

2 **Қурбон** ҳайити кунларида худо йўлига жонлиқ сўйиб, кишиларга бериладиган зиёфат. *Эшон кўй сўйиб, қурбонлик қилди, кўп одамлар келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚУРГУР *айн. қурғур.*

ҚУРДОШ 1 Ёши тенг бўлган; тенгдош, тенгқур. *Қурдошларим орасида, ўз жанговар оиламда эканимни гўё ҳозиргина ҳис этиб, ногоҳ кучга тўлгандай бўлдим. А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда. Юртимиз тинч, ободон, тўйинчилик бахузур, Қурдошлар гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз. Ф. Фулом.*

2 **Қурдош** (эркаклар исми).

ҚУРДУМ: **қурдум дарё фольк.** Тубсиз, ютоқи дарё; денгиз. *Ҳой, қовоқни қуритдинг-ку, қурдум дарёмисан!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚУРЕЙ *айн. қурай.*

ҚУРЕЙЛАМОҚ *айн. қурайламоқ.* Осмон заминда қайчига ўхшаб турна карвони, кўй ҳайдаган чўпондек, қурейлаб ўтяпти. *С. Аҳмад, Уфқ. Жануб томонга учиб, тепасидан дод солиб ўтаётган турналарнинг қурейлаши осмонни тўлдирган. М. Осим, Карвон йўлларида.*

ҚУРИЛДОҚ Қуриллайдиган, қуриллаб сайрайдиган (бақа ҳақида).

ҚУРИЛИШ 1 **Қурилмоқ** *фл. ҳар. н.* Бу биринчи навбатда қурилиши керак бўлган ўн икки уйни мўлжалдан бурунроқ битказишга имкон берди. *А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 **Қуриш**, бино этиш ишлари. *Уй-жой қурилиши. Қурилиш бошлиғи.* ■ *Канал қурилиши штаби полвонлардан учта катта бригада тузишга қарор қилди. С. Аҳмад, Уфқ. Уруш чиқиши билан қурилиш бир ой чамаси тўхтаб қолади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 **Қуриш** ишлари олиб борилаётган жой, қурилаётган объект. *Қурилишда ишламоқ.* ■ *У кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади, ўз лойиҳасининг бажарилишини текшираётган архитектор каби синчиклаб қарайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚУРИЛЛАМОҚ 1 «Қур-қур» товуш чиқармоқ, «қур-қур» товуш чиқариб сайраммоқ. *Ироқ-ироқлардан бақаларнинг қуриллаши, чўпон итларининг улиши эшитилади. С. Зуннунова, Янги директор.*

2 «Қулдур-қулдур» овоз чиқармоқ; қулдурламоқ, қулқулламоқ. *Ичкари қоронғи, ғовур. Одам кўп. Қаердадир чақалоқ инга-*

ламоқда. Қаердадир чилим қурилайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚУРИЛМА Бирор мақсад учун хизмат қиладиган техник мослама ёки иншоот; установка. *Истиш қурилмаси. Электрон қурилма.*

ҚУРИЛМОҚ Қурмоқ фл. мажҳ. н. Бино ўтган йили қурилган. Қишлоқда янги йўл қурилмоқда. *Уйга эшик, деразалар қуриди.* ■ Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янтоқ ғарами ёнига қурилган дошқозон олдига.. бир хотин буларни кўриб, ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҚУРИМОҚ 1 Хўл, намликдан холи бўлмоқ, қуруқ ҳолга келмоқ (қ. **қуруқ 1**). Хўл бўлган кийимлари офтобда тез қуриди. Ар-ралаб, ёриб, тахлаб қўйилган ўтинлар яхши қуриди. ■ Ғуломжонлар.. офтобда қуриб, тахта оралари катта очилиб қолган бир табақали эшикни тақиллатишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Инга чизилган жамбиллар қуриб, қовжираб қолган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Қўлтиғидан қоғозга ўралган, қуриб толқонланган носини олиб, тил остига отди.* Ойбек, Куёш қораймас.

2 Суви тугамоқ (сув объектлари ҳақида). *Орол денгизи қуриб бормоқда. Яхши сўздан мой эрийди, Ёмон сўздан сой қурийди.* Мақол. ■ *Ёзда чашма қуриб кетди..* «Гулнорпарӣ».

3 айн. **қуруқшамоқ**. *Оғзи қуримоқ.* ■ *Гапирай деса, оғзи очилмайди, лаблари қуриб, бир-бирига ёпишиб қолгандай.* «Шарқ юлдузи». *Оғриб қолди унинг нозик беллари, Ҳофизларнинг қуриб қолди тиллари.* «Маликаи айёр».

4 Ривожланиш, кўкаришдан тўхтамоқ; зид. **кўкармоқ**. *Экилган кўчатларнинг баъзилари қурияпти. Қуриган гул. Майсалар сувсизликдан қуриди. Яшин урган сада қурий бошлади. Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол. ■ [Йўлчи] *Экинни қуриб қақраган камбағал деҳқонларга дўқ қилиб, ғалва кўтарилган нафратланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мажнунтолнинг қуриб тушган шохлари ҳовуз бўйида ивирсиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..кўчани кесиб ўтган кичкина ариқ лабидаги ярми қуриган катта тол панасига ўзини олди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

5 Бутунлай тугамоқ, йўқ бўлмоқ; битмоқ. *Мушукка қанот битса, сичқон зоти қурийди.* Мақол. ■ *Лутфуланин кулбаси қуриб, қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмади.* Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам. *Агар қишлоқда орияти бутун эракнинг уруғи қуриб кетган бўлса, мана, ўзим гаплашаман сен билан.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Ёстиғи қуримоқ Бирор ҳодиса, сабаб туфайли ҳаётдан қўз юммоқ; ўлмоқ (одатда кўпчиликка келган ўлимга нисбатан қўлланади). *Шундоқ ҳам кўп одамларнинг ёстиғи қуриди.* «Ёшлик». **Илиғи қуримоқ** айн. **илиғи пучаймоқ** қ. **илик**. **Ичи қуримоқ** Бирор нарсанинг бўлишини, унга эришишни, билишни жуда-жуда истамоқ, уни сабрсизлик билан кутмоқ. *Лекин ўзининг ичи қуриб, ёш боладай қувонгиси, қувониб, бутун Далварзинтепага овоза қилгиси келар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ичим қуримаса, айтарман кимлигини. Миркомилга алоқадор гап бу.* М. Мансуров, Ёмби. **Шўри қуриди** қ. **шўр**. **Қуриб қолибдими (ёки қолганми)? қуриб кетибдими (ёки кетганми)?** Бошқаси йўқми, топилмайдими, топилмай қолдими? [Хотин:] *Худо кўтарсин сен мегажинни! Иккита болам бор! Бўйдоқ йеғит қуриб кетганмиди? А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Отам билан онамнинг ризоликлари учун шундан бошқа сабаб қуриб қолганига нима дейишимни ҳам билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қурсин ёки қуриб кетсин қарғ.** Ўлсин, йўқ бўлсин. *Менга тенгқур бўлмайсан, Кўнелигинанг қуриб кетсин.* Пўлкан. *Қуриб кетгур шу ўтиннинг тутуни бир ам аччиқ эканки!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҚУРИТГИЧ Қуритадиган, намини қочирадиган қурилма, асбоб, аппарат; сушилка. *Пахта қуригичлари. Автоматик қуригич шакафлар.*

ҚУРИТИЛМОҚ Қуригич фл. мажҳ. н. Қуригич билан пахта. ■ [Темир:] *Уларни [душманларни] биз енгдик, бироқ уларнинг илдизлари ҳали батамом қуригич билан эмас!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ҚУРИТМОҚ Қуримоқ фл. орт. н. Қуригич қуригич. *Саратон кўёши адирлардаги ўтўланларни қуригичди.* ■ [Бектемир] *Гулхани авжлантириб, кийимларини қуригичди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Мўғуллар баркашни қуригичди, боғ ичига кириб кетишди.* М. Осим, Ўттор. *Андижон зилзиласи.. Катта ариқнинг*

сувини қуритди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Наво»нинг сеҳрли савти Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Босган (ёки қўнган) ерини қуритмоқ Борган ерида ҳеч нарса қолдирмай йўқ қилмоқ, еб-ичиб, талаб битирмоқ. Бундан бунён боғимга қадам қўйманг, сиз бойўғлидан ҳам баттар нарсасиз! Қўнган ерингизни қуритасиз! Мирмуҳсин, Чиниқиш. **Қадамини қуритмоқ (ёки қирқмоқ)** Қайтиб келмайдиган, қадам босмайдиган қилиб юбормоқ, йўқотмоқ. -Тажибойни ишга солдим. У сенинг ўчингни олишга киришди — худо хоҳласа, бу ердан муаллимнинг қадамини қуритади, — деди вақти хуш Олахўжа махсум. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРИШ I Қурмоқ фл. ҳар. н. Уй қуриш. Режа қуриш. Сўхбат қуриш. Мақсадимиз — адолатли жамият қуриш.

ҚУРИШ II Қуримоқ фл. ҳар. н. Эру хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши. Мақол.

ҚУРМА тар. Деҳқонлардан олинган ҳар хил ғайриқонуний олиқ-солиқ, ўлпон. Албатта.. пора, қурма, жузья, муҳрона деган турли-туман жабрли солиқлардан тўплайдилар. Ҳамза, Танланган асарлар.

ҚУРМАГУР қ. қурмагур.

ҚУРМАКОРЛИК кам қўлл. Қуриш ишлари; бино қилиш, бинокорлик. [Раис Ўктамга:] Ҳосилни даладан йиғиб олайлик. Кейин қаттиқ киришамиз. Лекин сен қурмакорликни жуда яхши кўрар экансан. Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚУРМАГУР Ўлмагур, тушмагур, бор бўлгур, барака топкур (енгил койиш). Қурмагур, яхши йигит. Ёш тракторчи бўлса ҳам, иши пишиқ, жонкуяр универсалчи. Н. Сафаров, Хадича Аҳорова. Кўрса, «элчи» қурмагур касалхона дарвозасидан чиқиб кетяпти. М. М. Дўст, Лолазор.

ҚУРМОҚ I Қурилма, қурилиш иншооти бунёд этмоқ, ясамоқ. Уй қурмоқ. Қаср қурмоқ. Шийпон қурмоқ. Тўғон қурмоқ. Канал қурмоқ. Сарой қуриб, шаҳар бузма. Мақол. ■ Ёру дўстлар билан ҳашарлашиб, бинийдай маскан қуриб олдим. М. М. Дўст, Лолазор.

Ин (ёки уя) қурмоқ 1) ўзига яшаш жойи, макон ясамоқ, тайёрламоқ (ёввойи ҳайвон, парранда, ҳашаротлар ҳақида); 2) макон

тутмоқ, жойлашмоқ, тўпланмоқ (ўғри, босқинчи, ғаламис ва ш.к. ҳақида). Унинг ҳаромнамалари ҳали кўп маҳкамаларда ин қурганлар. Ойбек, Навоий.

2 Ўрнатмоқ. Тандир қурмоқ. Уйга эшик қурмоқ. ■ Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди; оқлатди, дарчанинг ўрнига дераза қурди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бир ердан ўчоқ қилиб, ошпалов қилмоқчи бўлиб, қозонни қурди. «Нурали».

3 Ташкил этмоқ, барпо қилмоқ, тузмоқ. Янги давлат қурмоқ. Янги жамият қурмоқ.

4 Ташкиллаштирмоқ. Ширин сўхбат қуриб қаймоқлашайлик. Ҳабибий. Ҳар қалай, Жўравой билан гурунг қуриб, тонг оттирайд деди-ку. С. Аҳмад, Юлдуз. Зериксангиз, шохона зиёфатлар қуринг, базмлар ясанг, ихтиёр сизда. Ойбек, Улуғ йўл. Бадиуззамон бекларини, ишбилармон йигитларини йиғиб, жангга ҳозирланиш тўғрисида кенгаш қурди. Ойбек, Навоий.

Турмуш (ёки оила) қурмоқ Уйланиб, турмушга чиқиб, ўзаро оила тузмоқ. Севишиб, ўлдим-толдим деб турмуш қурганларни кўряпмиз, кунора уйда жанжал.. Т. Ашуров, Оқ от. Ойим билан дадам синфдош бўлганлар. Севишиб оила қурганларини эслашади. «Ёшлик».

ҚУРОВ Яйловдаги йилқилар учун қурилган ёзлик отхона.

ҚУРОЛ I Ҳарбий яроғ, аслаҳа; жанг, уруш асбоби. Отув қуроллари (милтиқ, тўп, пушпуш ва ш.к.). Совуқ қурооллар (қилич, ханжар, пичоқ ва ш.к.). Қуроли йўқ жанг қилмас. Мақол. ■ Полковник унинг пулеметини кўздан кечиргач, кулумсираб: -Қуролни яхши асрар экансиз, — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қурооллардан бирданига, баб-баравар ўқ уздилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор ишла фойдаланиладиган, хизмат қиладиган ҳар қандай асбоб, мослама, қурилма, механизм, машина ва ш.к. Ёзув қурооллари. Ўқув қурооллари. Иш қуроолинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар. Мақол. ■ Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қурооллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган ҳар

қандай восита; дастак, омил. *Тил кишиларнинг алоқа қуролидир.* ■ *Зеро, ошкоралик жамиятимиз қонунларини бузаётган ким-саларга қарши қудратли қурол экан, бу ҳақда очиқчасига фикр юртишига жазм этдик.* Газетадан.

ҚУРОЛБАРДОР 1 Ўрта асрларда лашкарбошининг ёки рицарнинг қуролларини кўтариб юрвчи жангчи; умуман, қурол кўтарган, қуролланган жангчи.

2 *кўчма салб.* Ўз фикри, ақидаси бўлмаган, ўзгаларнинг фикрини, ақидасини кўтариб юрвчи ва уни тарғиб қилувчи маддоҳ. *Империализмнинг қуролбардорлари. Террорчиликнинг ғоявий қуролбардорлари.*

ҚУРОЛДОШ Бир жанговар қисмда, бир сафда хизмат қилган ёки хизмат қиладиган кишиларнинг бири (бошқаларига нисбатан). *Қуролдош дўстлар. Қуролдошлар учрашув.* ■ *Зебохоннинг қуролдошлари уни моҳир мерган сифатида ҳам билишарди.* Ҳ. Умаров, Хуш кўрдик, Зебохон. *Сафарали қуролдош дўсти Расулжон билан жанг майдонида жон аямас дўст тутинган.* Н. Фозилов, Дийдор. *Чунки разведкага чиққанинда, қуролдошинга тўлиқ ишонишинг даркор.* Газетадан.

ҚУРОЛЛАНМОҚ 1 Жанг, уруш қуролига эга бўлмоқ; уни тутган, ундан фойдаланадиган ҳолатда бўлмоқ. *Душман ўта айёр ва яхши қуролланган.* «Шарқ юлдузи». *Қуролланган етти партизан оғир қадамлар ташлаб, илват ва сўқмоқ йўллардан юриб, Мостовойнинг отрядига бормоқда.* А. Раҳмат, Соқов бола. *Танклар, самолётлар, турли қуроллар билан тиш-тирноғича қуролланган душман ҳадеб Москвага интилар эди.* Ойбек, Куюш қораймас.

2 Иш қуроли, воситалари билан таъминланмоқ. *Матқовул билан яна бир киши нарироқда замбил, кетмон, болға билан қуролланиб, тош-шағал таширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қуролланмаган кўз билан кузатганда, юлдузларнинг бир-бирига нисбатан ўринлари ўзгармай қола беради.* «Астрономия».

3 *кўчма* Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган воситаларни эгалламоқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ. *Илғор ғоялар билан қуролланмоқ.*

ҚУРОЛЛАНТИРМОҚ Қуролланмоқ фл. орт. н. *Армияни қуроллантирмоқ. Қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан қу-*

роллантирмоқ. ■ *Халқ ўртасидан йигитлар тўплаб олсак ва бу кишиларни яроғ билан қуроллантирсак.* С. Аҳмад, Оқпадар.

ҚУРОЛЛИ 1 Уруш, жанг қурол-яроғлари билан таъминланган; қурол тутган, таққан, кўтарган; қуролланган. *Қуролли киши. Қуролли отлиқлар.* ■ *Оқ ўтовни қуролли соқчилар қўриқлаб турардилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Қуролли кучлар Ҳарбий ҳаракатлар (ҳужум ёки мудофаа) олиб бориш ҳамда давлат хавфсизлигини сақлаш мақсадида давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган бирлашмаси; ҳарбий қисмлар, армия.

2 Қурол кучи билан амалга оширилган ёки ошириладиган. *Қуролли қўзғолон. Қуролли тўқнашувлар.*

ҚУРОЛСИЗ Қуролланмаган, қуроли йўқ. *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУРОЛСИЗЛАНМОҚ 1 Қуролни ташламоқ.

2 Қуролли кучларнинг қурол-яроғларини чекламоқ, уруш олиб бориш воситаларини қисман ёки батамом йўқотмоқ.

ҚУРОЛСОЗ Қурол-яроғ ясовчи уста, хунарманд. *Темирчию қуролсозларнинг ўғлиу набиралари ҳам шу касбни давом эттирганлар.* М. Сатторов, Ўзбек удумлари.

ҚУРОЛХОНА Ҳарбий қурол-аслаҳа ва шунга алоқадор нарсалар сақланадиган бино, ҳарбий омбор; қўрхона, арсенал.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ Қурол ва яроғ; қурол ва аслаҳалар. *..Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташланган бир хужрага олиб киришди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қурол-яроғ, ўқ-дориларни олганимиздан кейин, командир батальонни сафга тизиб, кўздан кечирди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ҚУРОҚ 1 I *от* Улаб-қураб, бирор нарса ҳосил қилиш учун яроқли мато парчаси. *Бир қатор атторлар эски қоп, яғир шолча, йиртиқ бўз парчаларидан, қизил, оқ, кўк, яшил лахтақ қуроқлардан турли-туман соябонлар ясаб, молларини бевосита ернинг ўзига уйиб қўйибдилар.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Ўртага новча қизиқчи чиқади. Чопони қизил, кўк, яшил, сариқ қуроқ латталардан ямалган.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 сфт. Шундай қуроқларни бириктириб тикиб ҳосил қилинган. *Қуроқ дастурхон.*

Куроқ ёстиқ. ■ Раис пешонасидаги оқиб тушаётган терни артиб, куроқ билан безатилган ёстиққа ёнбошлаб, юзини шабадага бурди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қирларда қорнинг чоки сўкилган, ҳамма ёқ ола-була куроқ кўрнага ўхшайди. Ш. Фуломов, Инсон қўли тул. Усти-боши юпунди роса, Бор безаги бир куроқ чопон. Ҳ. Пўлат.

3 сфт. кўчма Майда бўлақлардан иборат, бўлтак-сўлтак, лахтак-лухтак, парча-пурча. Куроқ ерлар. ■ Чўлдан куроқ ҳам қолдирмабсиз, ота. Ободлик кишининг меҳрини тортиб, ўзига сеҳрлаб қўяди. А. Ҳасанов, Чироқлар.

КУРОҚ II Қиёқнинг қуруқликда ўсадиган бир тури. Чўлдан куроқ еб тўйган, Елини сутдан қаппайган Анави чексиз сигирлар Овул ёққа йўл олган. Ф. Фулом.

КУРОҚ III Катта варрак. Куроқ ясамоқ. Куроқ учирмоқ.

КУРОҚЗОР Нуқул куроқ ўт билан қопланган ер, жой, майдон. Тонг олдидан позицияга чиқиб, йўл четидаги қуроқзорга занжир-занжир бўлиб таралдик. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КУРРО [а. قرا — «қори» с. кўпл.] Қори; қорилар. Илгарилари ундан юз ўғирган қорик қурролар яна уни ўз сафларига оладилар. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

КУРСОҚ I Ошқозон, қорин. Курсоғи оч. Курсоғи тўйди. ■ Уруш ҳаммининг тинкасини қуритган, курсоғини бўшатган бўлса, уларнинг [бойларнинг] бошидан зар сочиб, курсоқларини яна қаппайтирган. Ойбек, Танланган асарлар. -Нафс курсин.. Сиз ақллилик қилган экансиз, мулла Муҳсин, — дейди курсоғини ишқалаб, — чоғи, қовуннинг тарраси ушлади мени. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ич, бачадон. Инсон она курсоғидаёқ авлод-аждодига хос бўлган бағритошлик ва жоҳилликни ҳам олади. Н. Қобил, Бугдой пишиғига етмаганлар. Она курсоғидаги бола-нинг шаклу шамойили ўзгариб, қирқ кунда инсон қиёфасига кира бошлайди. Газетадан.

КУРТ I I Узун танасини эгиб-ёзиб ёки жуда кўп оёқлари воситасида судралиб юрадиган умуртқасиз майда жонивор. Кўк қурт.

2 Баъзи ҳашаротлар, майда организмлар номи таркибига киради, мас., шиллиқ қурт, эшак қурт.

3 Баъзи ҳашаротларнинг тухумидан юзага келадиган гумбак. Олма қурти. Кўсак қур-

ти. ■ Майиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам, пок-покиза уриб кетишибди, азаматлар. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Асосан тут барги билан боқиладиган, етилиб пилла ўрайдиган шундай гумбак. Қурт боқмоқ. Қурт тутмоқ. ■ Ўтган йил баҳорда қуртга барг кесгани тутга чиқдим. А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари.

Миясига қурт тушмоқ Мияси айнимоқ. Лекин буларнинг юзтасини қўшиб боғласанг, битта саржин бўлмайди. Шунчаки қўғирчоқлар, димоғи шишган пистафуруш билан миясига қурт тушган ғузафуруш чол. М. М. Дўст, Лолазор. **Товонига (ёки оёғига, пайтавасига) қурт тушмоқ** Безовта бўлиб, бирор нарса ҳаракатига тушмоқ. Ўзлари йўл излаб, товонларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди. М. Мансуров, Ёмби.

КУРТ II с.т. айн. қурут. Жавҳар ҳам ҳар кирганда қуртми, бир дона шоколадми ташлаб кетишни унутмасди ҳеч. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

КУРТАВА, куртоба шв. Қурут ёки суз-мани қайнаган сувда эзиб тайёрланган, айрондан куюқ парҳез овқат. [Моҳира буви:] Ҳой, болам Кўчқоржон, болохонага чиқиб, бир коса қурт олиб туш. Бетобага жиндай сариёғ солиб, қуртава қилиб берай. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.

КУРТДАЙ, -дек I Қурт с. нинг ўхшатиш шакли; қурт каби. Миясини эса ҳасад туйғуси қуртдек кемирмоқда эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Нақд ҳолда, нақдгина қилиб. «Сирингни очаман» десам, уч тангани қуртдай санаб беради боёқши. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

КУРТЛАМОҚ Қурт босмоқ, қурт тушмоқ, танасида ёки ичида қурт пайдо бўлмоқ. Олма қуртлаб кетибди. Сув қуртлаб кетибди. Қуртлаган гўшт. ■ Патнисда арпа унидан ёпилган сополдай нон, бир кафт қуртлаган туршак. Ойбек, Танланган асарлар.

КУРТЛИ I Қурт босган, қуртлаган. Қуртли сув.

2 Ичида қурт жойлашган, ичида қурт боқилаётган. Қуртли олма. Қуртли қутича. Қуртли сават. Қуртли хона.

ҚУРТЛОҚИ шв. Қурт босган, қурт тушган, қуртлаган. Қуртлоқи гўшт. Қурт-

лоқи сув. ■ *Ифлос патнисларда «пуф деса, Бухорога учадиган» тахир чап-чап нон, қурт-лоқи туршак, жийда.. тортилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУРТХОНА Ипак қурти боқиладиган, пилла етиштириладиган хона, уй ёки махсус бино. *Қуртларнинг тез ва яхши ўсиши учун.. қуртхона ҳавоси иссиқлигининг доим нормал бўлишини кузатиб туриш зарур.* А. Абдуазимов, Йиллар достони

КУРТЧИ с.т. 1 Ипак қурти боқиб, парвариш қилиб, пилла етиштирувчи, қурт боқувчи; пиллачи. *Донгдор қуртчи.*

2 айн. **курутчи.**

КУРТЧИЛИК 1 Қуртчи иши, касби.

2 Қишлоқ ҳўжалигининг қурт боқиш, пилла етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси: пиллачилик.

КУРТ-ҚУМУРСҚА Турли майда ҳашаротлар, қурт ва қумурсқалар. *Аҳволимни сўрмадинг, Оқламадинг танамни, Қурт-қумурсқа талайди Эртадан кеч мевамни.* 3. Диёр. *Косилка ортидан изма-из чуғурлашиб қалдирғочлар эргашар, улар уни бузилган қурт-қумурсқа ва юзага чиқиб қолган чигирткаларни овлашарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРУВЧИ 1 **Қурмоқ** фл. сфдш. *Қурувчи бригадалар.*

2 Қурилишда, бинокорликда ишловчи ишчи, мутахассис; бинокор. *У [Элмурод] кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади. Қурувчилар билан сўзлашади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *Кўча* Ҳаёт, тузум, давлат, жамият ва ш.к. ни барпо этувчи, яратувчи шахс. *Ватан кутар, аёло ўқиб — бизнинг бурчимиз, Улуғ ишда ҳиссамиз бор — ёш қурувчимиз.* И. Муслим.

ҚУРУЛТОЙ тар. 1 Туркий халқлар ва мўғул халқида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номи.

2 Ўзбекистонда ҳозир: бирор соҳа вакиллари иштирокидаги республика миқёсида ўтказиладиган катта йиғилиш. *Пахтакорлар қурултойи. Хотин-қизлар қурултойи.*

3 эск. айн. **сьезд.** *Биз бугун партиямизнинг [Ўз ХДП нинг] IV қурултойига йиғилдик.* Газетадан.

ҚУРУМ 1 Асосан, углеводдан ташкил топган, углеводород (бензол, керосин, наф-

талин ва баъзи табиий газлар) нинг чала ёниши ёки термик парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган қора рангли қаттиқ маҳсулот. *Мен, ўзи тор ва шилларини қурум босган кичкина бир меҳмонхонага кўчиб чиқдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚУРУМ II Тоғларнинг ёнбағирлари, ясси тепаликлар ва дарёлар ўзанларидаги яланг тош уюмлари ва сочилмалари.

ҚУРУМЛИ Қурум билан қопланган, гўлган; қурум босган.

ҚУРУМСОҚ Сарф-харажатдан, чиқимдан қочадиган; зиқна, хасис. *Қурумсоқ одам.* ■ *Хасис, қурумсоқ, инсофсиз бойлар ва уларнинг фикрдошлари бўлган кишилар ҳолимиздан хабар олмас эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. - *Бахтимга қурумсоқ кампир йўқ экан, — деб қувониб гапира кетди Салтонбу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРУМСОҚЛИК Ўта зиқналик, хасислик. *Одамларнинг айтишларига қараганда, Абдулазиз азбаройи қурумсоқлигидан яхши еб, яхши ичишга, тузукроқ кийинишга пулини кўзи қиймас эмиш.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРУТ Сузмани ёнғоқдек-ёнғоқдек юмалоқлаб, 2—3 кун офтобга қўйиб қуришиб тайёрланадиган маҳсулот. *Сузма қурут.* ■ *Шу кеча унга бошпана бериб, нон, тутмайиз, қурут айрон билан меҳмон қилдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан.

ҚУРУТЧИ с.т. Қурут тайёрловчи, қурут сотувчи.

ҚУРУШИҚ Қурушган, бурушган, бурушиқ. *Ўғлининг.. кичик қурушиқ юзига кун сайин қўшилган ажинлар ҳасрат, этирибларини кўрсатар эди.* Ойбек. Нур қидириб.

ҚУРУШМОҚ Қуриб бужмаймоқ, қовжирамоқ. *Қурушган олма. Лабим қурушиб кетяпти.* ■ *Жағи қурушган, оғзи бурушган бир чол чопиб келиб, Ёдгорни айлана берди.* «Ёдгор».

ҚУРУШОҚ кам қўлл. айн. **курушиқ.** - *Кесатмай қўя қолин!* — *Шакар буви аразлагандай, қурушоқ лабларини бурди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҚУРУШҚОҚ 1 Суви қочиб, қуриб бурушиб қолган, қовжираган. *Қурушқоқ олма.* ■ *Ўз болаларидан.. иккитагина қурушқоқ лимонни аяйдирган ота қанақа ота ахир!* Файрагий, Унутилмас кунлар.

2 Ориқ, тиржиқ, тиржайган. - *Рост, мен унинг қўлида китоб тугул, газета ҳам кўр-*

майман, — деди Ўқтам ва кулиб қўйди. — Кўпинча бир жуфт қурушқоқ эчкини боқиб юради. Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚУРУҚ 1 Суви, нами батамом ёки қисман қочган, сувини, намини батамом ёки қисман йўқотган; суви, нами йўқ ёки оз. *Қуруқ ўтин. Қуруқ шамол. Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар.* Мақол. ■ *Нормат ротага келиши ҳамон старшина Ваня Великан уни блиндажда ечинтириб, қуруқ кийимларга ўради.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Тўтиқиз томнинг қуруқ кўкатлари устида кўчани томоша қилиб, гилос еб ётди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Ёғингарчилик кам бўлган ёки бўладиган; ёғин-чочинсиз. *Қуруқ иқлим. Бу йил ёз қуруқ келди.*

3 Махсус қуритилган, қуриган. *Қуруқ мева. Қуруқ беда. Қуруқ чой. Қуруқ гўшт.*

4 Қуруқшаган, қурушиқ. *Қуруқ лабларини базўр қимирлатиб, ҳарсиллаб деди Гулнор: -Уҳ.. баданим ёниб боради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Суви йўқ; суви қуриган. *Қуруқ саҳро. Қуруқ дарё.* ■ *Карвонлар.. ўзгартирдилар йўлни, Ташлаб бу қуруқ чўлни..* З. Диёр. -Ёзда бу ерга ҳам сув келади, — деди Ҳамиджон менинг қуруқ гишт ариқларга тикилиб бораётганимни кўриб. Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

6 кўчма Ичида ҳеч нарсаи йўқ, бўш. *Қуруқ уйга кўчиб кирмоқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади.* Мақол. *Номи улуғ, супраси қуруқ.* Матал. ■ *[Бой] Хатни курси устидаги қуруқ патнис тагига қистирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мудофеларга инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи ўзининг қуруқ хуржунни билан Азизбек қошига келиб қуллук қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Бирор нарса тўшалмаган, яланғоч. -*Остинга нима тўшайсан?* -*Қишда поҳал, ёзда қуруқ ерда ёта бераман.* С. Айний, Қуллар. *Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида ўтириб, маҳси кийиш билан овора экан, Унсин кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 кўчма Ҳеч нарсаи. *Тўйга қуруқ бормоқ. Бозордан қуруқ келмоқ. Овдан қуруқ қайтмоқ.* ■ *Бўта қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ хўшлаб.. ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Усмонжон уни [пулни] йўлқира қилиб, уйга қуруқ кириб келди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Қатордан қуруқ қолма Ҳамма қатори сен ҳам ўз улушингни, насибангни ол, маъноларида ишлатиладиган матал. **Қуруқ қолмоқ** Маҳрум бўлмоқ, бебахра, бенасиб бўлмоқ. *Паловдан қуруқ қолмоқ. Зиёфатдан қуруқ қолмоқ. Томошадан қуруқ қолмоқ.* ■ *Ҳали Қумрига ишониб, Санобардан ҳам қуруқ қолмасам яхши эди.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Қуруқ қўймоқ** Маҳрум қилмоқ, бебахра, бенасиб қилмоқ, четда қолдирмоқ. *Тер тўкиб сосанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ.* Матал.

9 Фақат, биргина. *Мактабда шунақа нарсаларни ўргатмаса, нимани ўргатади? Қуруқ илм билан бола бола бўлар эканми?* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

10 кўчма Амалга ошмайдиган, беҳуда, пуч. *Қуруқ хаёл. Қуруқ ваъда. Қуруқ гап қилмоқ. Қуруқ гап қулоққа ёқмас.* Матал. ■ *Ўтган йил ҳам худди шундай бўлганди: Қуруқ сўзга силосхона тўлганди.* А. Пўлат. *Олифта йигит, қуруқ қочиримга бу белбоғлар ечилмайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

11 кўчма Таги пуч, асоссиз, уйдирма. *Қуруқ даъво. Қуруқ рақамлар.* ■ *Даъвоонгизга бирор исботингиз борми ёки қуруқ бир гапми, исбот қила оласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қуруқ овоза — тураржой эмаслигини ўзинг ҳам билсанг керак, директор [деди Сувоқкул].* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз айтмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

12 Астойдил ёки самимий бўлмаган, шунчаки, юзаки. *Қуруқ пўписа. Қуруқ мулозамат. Қуруққина кўришмоқ.* ■ *Лекин қуруқ дўқ қуруқлигича қолаверибди..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Гап қуруқ бўлмасин учун, икки элик хат ёзиб бер, олиб борай.* А. Қаҳҳор, Сароб.

13 кўчма салб. Бирор фойдали иш-амали йўқ, бирор маъно чиқмайдиган. *Қуруқ олим.* ■ *Қуролов дангаса эмас. Лекин ўта қуруқ одам, унда ирода деган гап йўқ.* Газетадан. *Клубда бу қадар совуқ, қуруқ кўринган бу одам шундай хушчақчақ, шундай гапга уста эканки, асти қўйинг.* А. Қаҳҳор, Куюшқон.

Аравани қуруқ (ёки қуруқ аравани) олиб қочмоқ қ. аравя. Ўзини қуруққа олмоқ (ёки тортмоқ) Ўзини оқлашга уринмоқ, гуноҳсиз қилиб кўрсатмоқ. *Салим ҳам бутун*

айбни йўлчига ағдариб, ўзини қуруққа тортди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУРУҚДАН-ҚУРУҚ рвш. 1 Ҳеч нарса-сиз. Тўйга қуруқдан-қуруқ борамизми? ■ [Хайринисо Унсинга:] Вой, бу нимаси, жиндайгина ўтиринг, чой қилиб келай, қуруқдан-қуруқ кетаверасизми? Ойбек, Улуғ йўл. Бу хўжайининг жуда худо урган одам экан. Букун кечаси бир амаллаб қочамиз. Қуруқдан-қуруқ-а? Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, даб-дурустан. -Қуруқдан-қуруқ «тиллани қайтариб бер» десак, қандай бўлар экан? — деб сўради подшо вазирдан. «Латифалар». Абдурашул. ўзини қуруқдан-қуруқ катта ё билармон қилиб кўрсатишни истамас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРУҚЛИК 1 Қуруқ ҳолат, қуруқ эканлик. Утиннинг қуруқлиги. Бу ерда ҳавонинг қуруқлиги дарров билинади. ■ Лекин қуруқ дўқ қуруқлигича қолаверибди. Эртасига бозорларда, самоварларда одамлар бир-бирларига кечаги ҳазил ҳақида гапириб кулишибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Сувсиз, намсиз, қуруқ жой, ер. «Белни узатинг!» Иигит белнинг сопини узатди, уни қуруқликка чиқарди. Ойдин, Гулсанам.

3 *геогр.* Ер юзасининг денгиз ва океанлардан, сув ҳавзаларидан холи бўлган қисми. Дунёнинг уч қисми — сув, бир қисми — қуруқлик.

ҚУРУҚЧИЛИК Ёз қурғоқ келган, ёгин-сочин кам бўлган палла; қурғоқчилик. Қуруқчилик бўлмайдиган районлар.

ҚУРУҚШАМОҚ Қурушмоқ; қовжирамоқ; қуриб қотмоқ. Тилим қуруқшаб, томоғимни бадбўй дуд ачитди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Унинг лаблари қуруқшаган, кучли иситмада ёнган кишининг лабидай қорайган. А. Қаҳҳор, Сароб. Иссиқда қуруқшаб гарчиллаётган этигининг гарчини пасайтириш учун оёқ учида юриб, харсангга яқинлашди. С. Анорбоев, Оқсой. Обид Содиқович. қуруқшаган лабларини тили билан ҳўллаб олди. М. Қўшжонов, Дийдор.

ҚУРЧ 1 *эск. айн.* бронза.

ҚУРЧ II Тиғиз, ник; заранг. Қурч ер. Қурч бадан.

ҚУРЧОҚ шв. Қўғирчоқ. Қурчоқлар мингбошисининг шопи синиб қолган экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРЧОҚБОЗ шв. Қўғирчоқбоз. Ҳайдар қурчоқбозни.. ҳамма танир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРШАЛМОҚ Қуршамоқ фл. мажҳ. н. Қуршалган ёв қўшини таслим бўлди. ■ Ана, уч тарафи тоғлар билан қуршалиб, жануби пахтазор далаларга улашиб кетган кўм-кўк шаҳарча. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚУРШАМОҚ 1 Атрофлаб ўраб олмоқ, атрофи шахс ёки нарса билан банд этилган ҳолатда бўлмоқ. Майдонни қуршаган одамлар курашни томоша қилмоқда. ■ Машина тўхташи билан унинг атрофини болалар қуршадди. С. Зуннунова, Янги директор. Ҳамма Султон амакини қуршаб. «Нима қиламиз», деб маслаҳат сўрапти. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Атрофини чиқиб кета олмайдиган қилиб тўсмоқ, тутқун ҳолатта олмоқ. Душман аскарларини қуршаб олмоқ. ■ Эртасига ўрмон ичида маст-аласт бўлиб юрган.. каллакесарларни қуршаб олади ва қуриб ташлайди. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўчма Чулғамоқ, қамрамоқ. Ямоқчи чолнинг вужудини қаҳр-ғазаб қуршаб олган, ҳаяжонланганидан кўли қалтирарди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚУРШОВ 1 Атрофлаб ўралган, қуршаб олинган ҳолат (қ. қуршамоқ 1). Давронов.. болаларининг қуршовида тандирдан эндигина узилган нон билан нонушта қилиб ўтирган эди. И. Раҳим, Ихлос. Темурбек мулозимлари қуршовида бориб, ҳокимлик тахтига ўтирди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Чиқиб кета олмайдиган, атрофи тўсиб, ўраб олинган ҳолат (қ. қуршамоқ 2). Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин, энди қуршовда қолиб, жон талвасасига тушган душман ўрмонга кириб кетиш учун қандай уринишини.. тасаввур қилар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *айн. қамал.* Андижон қуршовида! Фитначи беклар Андижон тахтига Жаҳонгир мирзони ўтқизмоқчилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 кўчма Чулғаган, қамраган ҳолат (қ. қуршамоқ 3). Равшан хола гоҳ кўнглини ёғдай эритиб, гоҳ оғир, дилтирнар ўйлар қуршовига берилиб хаёл суради. С. Сиёев, Райҳон. Бойдада муаллимнинг гапларини қайта-қайта эслар.. дам чигал, дам қандайдир жумбоқлар қуршовига тушиб қолгандай сезарди ўзини. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

5 Теварак, атроф. *Чаманзордир боғнинг қуршови, Чаҳ-чаҳ урар қувноқ булбуллар.* М. Шайхзода.

6 Атрофдаги муҳит, одамлар. *Характер жисм билан бирга айни бир вақтда туғилса ҳам, қуршов таъсирида вояга етади.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҚУРЪА [а. *قرعة* — чек; тақдир; сайлов соққаси] 1 Тақсимланадиган нарсанинг кимга тегишини, навбатни ва ш.к. ни ҳал қилиш учун ташланадиган ёки олинадиган шартли белги; шартли белгили нарса; чек. *Қуръа ташлаб, навбатни аниқламоқ.* ■ *Қуръага кўра, биринчи партиядо оқ доналарни тож талабгори сурди.* Газетадан.

2 Фол очиш, фараз билан топишда фойдаланиладиган (ишлатиладиган) нарса(лар). *Жархун мастон қуръани қўлига олиб, Чамбилдаги воқеаларни, қандай қилиб дарвозадан кириш йўлини ахтарди.* «Нурали». *Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг қурваларига қараб эмас, балки ақл-идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Қуръа ташламоқ 1) бирон-бир иш-амалнинг, ўйиннинг давраси, навбатини, бирор нарсага эгаликни қуръа орқали аниқламоқ. *Кеча дастурдаги спорт турлари бўйича ўзаро учрашадиган жамоаларни аниқлаш учун қуръа ташлаш маросими бўлди.* Газетадан. *Назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради.* Газетадан. 2) фол очмоқ; башорат қилмоқ. *Бу даврда юлдузларга қараб қуръа ташлаш — астрология (илми нумум) айниқса кенг ёйилди.* Газетадан. *Хайл суриб қуръа ташлайман ва бу дунё сирларидан воқиф бўламан.* «Олтин бешик». *Бу ҳақда фалакшунос Дион қуръа ташлаб: — Бу гудак улғайиб, шоҳ бўлади ва ўз отасини ўлдиради, — деб башорат қилади.* «Тафаккур».

ҚУРЪААНДОЗ [а. + ф. *قرعة انداز* — қуръа ташловчи, отувчи] Қуръа ташлаб фол очувчи; фолбин. *Шунда бутун қуръаандозлар, мунажжимлар йиқилдилар.* «Гўрўғли».

ҚУРЪОН [а. *قرآن* — ўқиш, қироат қилиш] 1 (Қ — катта ҳарф билан) Мусулмонларнинг Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайгамбарга ваҳий орқали нозил қилинган, мусулмон динининг ақидалари ва қонун-қоидалари тўпламинан иборат бўлган муқаддас китоби. — *Ёлғиз, ёлғиз битта китоб*

бор, — дўқ билан дейди Абдуллабой, — у оллонинг китоби — Қуръон. Ойбек, Танланган асарлар. *Қуръон оятлари қабристон ичида оғир оҳангда оқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шаҳзода.. кичкина нақшинкор тоқчада ипак болиш устидаги зар муқовали Қуръонни олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қуръони каримда Од қавми тўғрисида жуда кўп оятлар нозил қилинган.* «Гулистон».

2 с.т. айн. **тиловат.** *Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоқроқдан қуръон товуши эшитилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Фотиҳага келмабмидингиз? ..қани, айвонга! — деди-да, Акромхонни ёнига ўтқазиб, қуръон бошлади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

Хатми қуръон қ. хатм. **Қуръон кўтармоқ** Қуръонни гувоҳ қилиб қасам ичмоқ. *Хатмо у учта талабани хужрасига олиб кириб, чет элга кетишга қасам ичирди — қуръон кўтартирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қуръон тушириш айн. хатм(и) қуръон қ. хатм.**

ҚУР-ҚУР 1 *реш.* Вақти-вақти билан, гоҳо-гоҳо; ўқтин-ўқтин. *Тутқаноғи қур-қур тугиб туради.*

ҚУР-ҚУР II *Қур с. тақр.* *Қур-қур қилмоқ.* *Қур-қур сайрамоқ.* ■ *Тура чилимни қур-қур тортиб, киссасидан уч-тўрт тангани чиқариб, унга узатди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУРҚУРАМОҚ «Қур-қур» овоз чиқармоқ; «қур-қур» сайрамоқ. *Узоқларда турналарнинг қурқураши эшитиларди, турналар бошида етакчиси учиб борарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ҚУРҒАМОҚ *шв.* Қуримоқ. *Бузилган қўрғончалар, қурғоган катта-катта чинорлар кўзга жуда хунук кўринади.* Уйғун, Турсуной. *Тўламат бўлса, лойгарчиликни баҳона қилди. Ҳаво очилиб кетса, бир-икки кунда ер қурғаб қолади, ушанда пичанни ташиймиз, деб пайт пойлади, тўйларда юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРҒОҚ 1 Ёғин-сочин кам бўлган ёки бўладиган; қуруқ. *Урта Осийнинг қурғоқ иқлими.* ■ *..пахтакорларимиз эрта кўкламнинг қурғоқ келганлигига қарамай.. мурғак ниҳолларни усталик билан парвариш қиляптилар.* Газетадан.

2 Ўсимлик ўсиши, деҳқончилик учун сув, нам етарли бўлмаган; қурғоқчил. *Эҳтимол, шולי буғдой сингари қурғоқ ерга экилиб, ёмғир сувигина унга кифоя бўлгандир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 шв. Куриган, қуруқшаган, қуруқ. Шимол.. экинсиз, жонсиз ётган қовжироқ ерлари, япроқлари сарғайган қурғоқ дарахтлари билан одамни ҳайратга солади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 с.т. Ер шарининг қуруқ қисми, қуруқлик.

ҚУРҒОҚЛИК 1 Қурғоқ эканлик, наминг, ёгин-сочиннинг камлиги. *Ҳар икки кунда бир суғориладиган бу боққа баҳорнинг қурғоқлиги унча таъсир қилмаган эди.* С. Айний, Қуллар.

2 айн. қурғоқ 4.

ҚУРҒОҚЧИЛ Деҳқончилик учун сув, нам, ёгин-сочин кам бўладиган; камсув; сувсиз, қурғоқ. *Республикамизнинг қурғоқчил иқлим шароитида ер билан сувни бир-биридан ажратиб бўлмайди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ҚУРҒОҚЧИЛИК Ёгин-сочин меъёридан жуда кам бўлган, қурғоқ шароит. *Қурғоқчиликка чидамли дарахтлардан яна бири — майда баргли қайрағочдир.* Ж. Абдуллаонов, Орият. *Бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар куйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУРҒУР Енгил койишни билдиради; қурмағур, тушмағур. *Қурғур, шахматни жуда яхши ўйнайди-да!* ■ *Зап овози бор-да қурғурнинг!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ҳар ҳолда эсинг бутун-да, қурғур.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу гапларни қурғур кампир айтади, Қорахоннинг кўнглин шодмон этади.* «Алпомиш».

ҚУСИШ 1 Қусмоқ фл. ҳар. н.

2 тиб. Меъда, диафрагма, қорин девори ва б. мушакларнинг спазматик қисқариши туфайли меъда ичидаги нарсаларнинг ғайриихтиёрий равишда оғиздан ташқарига чиқарилиши.

ҚУСМОҚ 1 Меъда ичидаги нарсаларни ғайриихтиёрий равишда оғиздан ташқарига чиқариб ташламоқ; қайт қилмоқ. *Кўнглим айниб, бир оз қусдим.* ■ *Ўзбек ойим жом ушлаган, Кумуш жомга ўқчиб қусар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қон қусмоқ 1) оғиздан қон ташламоқ. *Кечаси бир зиёфатдан қайтиб, [бой] лахта-лахта қон қусди, азонга яқин жон берди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) қаттиқ азоб-машаққат чекмоқ, қийналмоқ. [Салтонбу]

Тўққиз болани катта қилгунча қон ютиб, қон қусган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма с.т. Олганини, ўзлаштирганини қайтармоқ. *Қани, пулни қусиб қўйинг.* ■ *Емоқнинг қусмоғи бўлади, домла. Бу дунёнинг ишларини жуда ҳам жўн билманг.* Ҳ. Фулом, Машғал.

Тупроқ (нам) қусибди с.т. Тупроқ нам тортиб, намиқиб, қорамтир тусга кирибди. *Ҳар гектар ерда бир кеча-кундуз сув оқиб, тупроқ юзаси қорайиб, деҳқон тили билан айтганда, «тупроқ қусди».* М. Назаров, Жилвон жилвалари. **Қозон қусибди** Қозон деворларининг занглаши натижада овқат қорайиб пишибди.

ҚУСУР [а. قصور — камчилик, нуқсон; номукамаллик; вояга етмаганлик] Меъёрийликни бузувчи белги; камчилик, нуқсон. *Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт, Қийнайди ўздан ўтган қусурлар.* А. Орипов, Йиллар армони. *У бирон қусурни кўрса, очиқ айтади.* «Шарқ юлдузи».

Падар(и) қусур қ. падар.

ҚУСУРЛИ Камчилиги, нуқсони бўлган; нуқсонли.

ҚУСУРСИЗ Камчилиги, айби, нуқсоний йўқ; камчиликсиз, бенуқсон. *Мен.. ошламизнинг ва унда яшовчиларнинг пугурсиз ва қусурсиз, ҳамиша соғ-саломат бўлишларини орзу қиламан.* Ф. Фулом, Қуёш оиласига салом. *Ношукурчилик қилма. Қусурсиз ошлайўқ..* С. Нуров, Нарвон.

ҚУСУҚ Қайт қилиб ташланган нарса (овқат, сафро ва ш.к.). *Бу гал қусуқ бояғи қаттиқ аралаш кўкимтил ва сарғимтил нарсалар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Қусуғига ёнбошлаган бир бадмаст, разил-наст.* Ф. Фулом.

ҚУТ 1 Бойлик, бахт; барака. *Чақмоқ чақсин момақалдироқ, Майли кўкни қопласин булут, Шалоладай булутинг оппоқ, Ёғдиради сероблик ва қут.* Ю. Шомансур. *-Ишмизга қут қияпти.. — деди Ўктам.* Ойбек, О.в. шабалалар.

Қути учмоқ Баракаси кетмоқ. *Назрниёларнинг ҳам қути учиб, ҳассасига таянган эшон билан бирга яшашнинг қизиғи ҳам қолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Юз (бет)нинг ранги. *Энди хотиннинг ранг-қути жойига келган ва башарасидан кўрқиб аломати йўқолган эди.* С. Айний, Қуллар.

Кути ўчмоқ Ранги ўчмоқ; оқариб-бўзармоқ. *...хафалигим ошиб, уйга қуруқ қайтдим. Майда-чуйда кутиб ўтирган бола-чақанинг қути ўчди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

КУТБ [а. *قطب* — айланиш ўқи ва унинг икки учи; машҳур, таниқли киши] 1 *геогр.* Ернинг фаразий айланиш ўқи билан ер сирти кесилган икки нуқтадан ҳар бири; ана шу нуқталар атрофидаги ер-жойлар. *Жанубий қутб. Шимолий қутб. Қутб доираси. Жанубий қутбда бир қанча илмий экспедиция текшириш ишлари олиб бормоқда.*

Қутб юлдузи Ернинг Шимолий қутбига энг яқин етгита ёруғ юлдуз, Кичик Етти Оғайни; Кичик айиқ; Олтинқозиқ, Темирқозиқ.

2 *физ.* Электр занжири ёки магнитнинг қарама-қарши икки томонидан бири. *Манфий қутб. Мусбат қутб.*

3 *кўчма* Бир-бирига мутлақо зид, қарама-қарши бўлган икки хил нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан бири; қарама-қарши томон. *Бу усул натижасида «давр»нинг ҳар икки қутбга муносабатидеги катта тафовут янада жиддийроқ шаклда ифодаланади, контраст кучайтирилади.. «ЎТА».*

ҚУТ-БАРАКА Қут ва барака; бойлик, фаровонлик. *Фарғона! Меҳмондўст, бағри кенг макон, Қуту баракадир босган изларинг. Ж. Жабборов.*

ҚУТ-БАРАКАЛИ Қут ва баракали, қут ва барака келтирувчи. *Қут-баракали пахта хирмонлари.*

ҚУТБИЙ [а. *قطبى* — қутбга оид; қутб томондаги] Қутбга оид (қ. **қутб** 1). *Қутбий доира. Қутбий иқлим. Қутбий станция. Қутбий экспедиция.*

ҚУТБЛАНИШ *физ.* Ёруғлик ва электромагнит тўлқинларининг маълум текисликда қутбларга ажрალიш, тақсимланиш ҳодисаси. *Майдонга ўрнатилган диэлектрикда зарядларнинг силжиш жараёни қутбланиш деб аталади. «Физика».*

ҚУТБЧИ Қутб экспедициясининг қатнашчиси; қутб станцияларида ишлаб, қутбни тадқиқ қилувчи киши.

ҚУТИ [а. *قوتى, قوطه* — саватча, халтача] 1 Кулф-калитли кичкина сандиқча. *Ёшликдан бошлаб келиноийларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури..*

калити бурнида унутилган бир қутини очди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хат, газета, сайлов бюллетени ва ш.к. ташлаш учун махсус ясалган яшикча. *Сайлов қутиси. ■ Хат тезда етиб борсин учун, эртасига шаҳарга бориб, уни тезюрар поезднинг почта қутисига солиб юборишди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.*

3 Ичига бир турдаги нарсалар жойланган ёки жойланадиган ҳар қандай идиш, яшик ёки коробка ва б. *Гугурт қути. Папирос қутиси. Икки қути кўк чой. ■ -Акрамга икки қути конфет бер, — деб буйруқ берарди Отахон. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Пулемёт бузилмаган, ҳатто янги лента ўтказилган, нарида ўқ солинадиган иккита металл қути ҳам турибди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Деворда ёғоч телефон қутиси, бурчакда эса телеграф аппарати олдидан бир қиз ўтирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

4 Йигирма грамм пилла қурти уруғи солинган махсус қоғоз коробка ва шу уруғдан чиққан ипак қурти. *Сатторқул баҳорда қари-қартанларни йиғиб: -Бекордан ҳамма безор, ҳеч бўлмаса бир қутигина қурт тутмайсизларми? — деди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

ҚУТИДОР [а. + ф. *قوتىدار* — қути эгаси] 1 *эск.* Қути-қути пул-дунёси бўлган йирик бой; сармоядор. *Яна Ҳиротнинг донддор қутидор боёнларидан бир нечасини.. кутиб туришганини кўрди. Ойбек, Навоий.*

2 *тар.* Қўқон хонлигида: олиқ-солиқлардан тўпланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хон хазинасига топширувчи сарой амалдори. *-Ахир қутидор ҳам бообрў одам-да, — деди биринчи киши. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУТИДОРЛИК Қутидор лавозими. *Мен Тошкентда қутидорлик қилган вақтимда сиз беш-олти ёшли бола эдингиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУТИЧА Қути с. кичр. *Гугурт қутича. ■ Шу куни катта холасиниң қутичасини титиб, Пастқуриқдаги шоликорлик ерининг васиқасини топиб қўйди. А. Қаҳҳор, Ҳи-хи.*

ҚУТЛАМОҚ Табрик, қутлов сўзларини айтмоқ; табрикламоқ, муборақбод этмоқ. *ўалаба билан қутламоқ. Янги йил билан қутламоқ. ■ Ашула тугагач, эътиборли бир одам келин билан куёвни қутлаб, бахт ва*

тотувлик тилади. Мирмуҳсин, Умид. Хон-қалик Нодир паҳлавон гурланлик кучли Қуч-қор паҳлавонни йиқитди. Ҳамма гуркираб, Нодир паҳлавонни қутлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУТЛАШМОҚ Қутламоқ фл. бирг. н. Байрам билан бир-бирларини қутлашди. ■ Саҳархез чумчуқлар бир-бирларини қутлашиб, чирқиллашади. Қ. Мақсумов, Муҳаббат қушиғи.

ҚУТЛИ 1 Қут-баракали. Оқ олтинни терган қўл Донгдор, қутли қўл бўлди. Ҳабибий. Нурга тўла, эркин, озод Қутли уйинг муборак. Ғ. Фулом.

2 айн. қутлуғ 2. Унинг эғнида қадимона тикилган кенг, узун оқ шоҳи кўйлак (қутли кунда бурма кўйлак кийишни онаси ман этган), бошида байтлар ёзилган катта санама рўмол, оёқларида ипакдай майин гулдор маҳси. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУТЛОВ 1 Қутламоқ фл. ҳар. н. Бир-бирини қутлов.

2 Табрик; табрикнома. Самимий қутлов. ■ Тўй деганда кўз олдимизга оммавий шодлик, қўшиқ, музыка, уйин билан дўстлар хизмати, ёру қариндошлар қутлови, кексалар олқиши келади. М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида. ..дастурхон атрофида зиёфат, гурунг давом этди, янги меҳмонлар шарафига самимий қутлов сўзлари айтилди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҚУТ-ЛОЯМУТ [а. قوت لوموت — ўлмаслик учун, яшаш учун энг зарур ризқ-рўз], қути лоямут Қундалик тирикчиликка старли овқат, Ўридан туришга, қут-лоямут қидиришга мажбур эдик. Ғ. Фулом, Шум бола.

ҚУТЛУҒ 1 айн. қутли 1. Ағдарма этикнинг чанги ҳам қутлуғ — Барака йилдаги хирмоннинг гарди. Ғ. Фулом.

2 Хосиятли, муборак. Ошланинг янги аъзоларини янги ерда муборакбод этишиб, пой-қадамлари қутлуғ бўлишини тилашди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 айн. муқаддас. Бу қон энг қутлуғ.. энг соф қон. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Табрик, муборакбод сўзларига жавобни билдирувчи сўз. -Мартабалари муборак бўлсин? -Қутлуғ, тақсир, қани, марҳамат қилсинлар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚУТЛУҒЛАМОҚ кам қўлл. Муборакбод қилмоқ; табрикламоқ. Даста-даста сўлмас гуллар билан Қутлуғлайман озод элимни.

Миртемир. Дусту қардошингни қутлуғлаб борсанг, Давлатлардан ошиб байрам кунлари. А. Мухтор.

ҚУТСИЗ 1 Номуборак; хосиятсиз. Бундан беш кун бурун.. бобонгиз шаҳримизга қутсиз оёғини теккизди. «Муштум».

2 Ранг-қути ўчган. Шарофат хола шундагина.. унинг қутсиз юзини кўриб қўрқиб кетди. А. Мухтор, Чинор.

ҚУТУЛМОҚ 1 Кўнгилсиз, оғир, хавфли ва ш.к. ҳолдан халос бўлмоқ. Хижолатликдан қутулмоқ. Хавф-хатардан қутулмоқ. Касалликдан қутулмоқ. Ташвишдан қутулмоқ. ■ Сен қутулдинг қайғу, ҳасратдан. Ғайратий. Босиб келаётган ғашликдан қутулиш учун, чамадонидан икки-учта китобини олди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Сақланмоқ, омон қолмоқ. Бир ўлимдан қутулдим. Қордан қутулиб, ёмғирга тутулмоқ. ■ Сиз ўйлаган қадар осон эмас, афандим, гуноҳдан қутулиб кетишингиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Комил балони билади, — деб ўйлади ичида бек, — Менинг қорабайиримдан қочиб қутулди у тулки!» Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Банди, тутқун каби ҳолатдан бўшамоқ, бўшаб чиқмоқ; озод бўлмоқ. [Йўлчи] Қамоқдан қутулиб чиқса, уни бир кўрсам. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ташлаб, тарк этиб, барҳам бериб ёки воз кечиб халос бўлмоқ. Чекишдан қутулди. Ёмон одатларидан қутулди. ■ Агар шу ҳолда давом эта берсаларинг, икковларингга ҳам баравар жавоб бериб, қутуламан! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Режадаги иш, вазифа ва ш.к. ни бажармоқ, тугатмоқ, амалга оширмоқ. Тўйнинг юмушларидан эндигина қутулган Йўлчи тўққиз ёғочли уйда.. ёлғиз ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

6 Зиммадаги бурч, қарз кабилардан ҳисоб-китоб билан узилмоқ. Нега қутулар экансан! Дадамнинг ҳақларини бериб, ундан кейин қутулсан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Шундай қилиб, бой икки юз минг сўм учун берадиган закотдан қутулди.. Ойбек, Танланган асарлар. Қарзимиздан қутулсак, худога шукур, қутулмасак, яна бой елкамизда-да. «Шарқ юлдузи».

7 с.т. Кўзи ёримоқ; бўшанмоқ, туғмоқ (ҳомиладор аёл ҳақида). Эсон-омон қутул-

дингизми, Салимахон, уй билан бўлиб, қутлагани ҳам келолмасам-а. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас Кўпчилик бирлашиб, ҳамма аҳиллик билан барабар ҳаракат қилса, ҳар қандай иш ҳам билади, маъносидаги мақол. *Олимлар бирон йўлини топаётгандир-да, топмайдиган бўлса, Аҳмедов акам айтмас эдилар. Олимлар ҳам бир бўлиб ишласа.. кўпдан қуён қочиб қутулмайди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. Қочиб қутулмайди* Амалга ошмай, бажарилмай қолмайди. *Ёшлардан иш қочиб қутулмайди.*

ҚУТУРИШ 1 Қутурмоқ фл. ҳар. н. *Рашк асоссиз. гумонлар жазавасининг қутуришидан бошқа нарса эмас.* Газетадан.

2 Ҳайвон ва одамларда вируслар қўзғатадиган, қутурган ҳайвон тишлаганда ёки сўлаги текканда юқадиган, марказий нерв системаси функциясининг издан чиқиши, томир тортишиши, фалажлик, ҳиқилдоқ ва нафас йўли мускулларининг спазми билан ўтадиган ўткир юқумли касаллик. *У ўзи бунёд қилган лабораториясида.. ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, куйдирги, бўғма ва қутуриш каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди. «Фан ва турмуш».*

ҚУТУРМОҚ 1 Қутуриш касалига йўлиқмоқ. *Қутурган бўри. Ит қутурса, эгасини қонади.* Мақол. ■ -Э, мусулмон, нега қолмайди, дейсиз, бу ит қутурган-ку, ахир, — деди Тўқсонов ва дарров ёнидан қора тўп-пончасини чиқарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Жон-жаҳди билан, ўзини тутолмаган даражада, ёвузларча ҳаракат қилмоқ. *Белград атрофида бўлаётган жангда немислар қутуриб қаршилик кўрсатар эди. Н. Сафаров, Дон. Дадам қутуриб, қўлларига илинган нарсани улоқтирардилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

3 *кўчма* Босар-тусарни билмай қолмоқ, ҳаддан ошмоқ. *Ихлосманд кўнайса, эшон қутурар.* Мақол. ■ [Чайқовчи] Қутурмай ҳам нима қилсин. *Чайқовчиликда айбланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳукм чиқарадики, билмайсан киши: жазо бердимиз, насиҳат қилдимиз. А. Қаҳҳор.*

4 *кўчма* Зўр куч, шиддат билан юз бермоқ, содир бўлмоқ; авжига минмоқ. *Бўрон қутурмоқда. ■ Сув қутуриб келяпти,*

паромни чирпирак қилиб олиб кетади. С. Аҳмад, Иқбол чироқлари. Айрим жойларда ёнғин қутуриб, ўз ўлжасини катта иштаҳа билан ютмоқда. Ойбек, Қуёш қораймас. Қутурган шамол томни учуриб кетгундек увиллайди. «Ёшлик».

ҚУТУРТИРМОҚ 1 Қутурмоқ фл. орт. н. *Бебилиска топилган ҳаром пуллар қутуртирган, ҳар хил номуносиб йўллар билан мансабга миниб олган айрим шахслар халқни худди Мирҳосилдай менсимай қўйишади. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. Жангчиларимизнинг эгилмас ботир руҳи душманни бадтарроқ қутуртирди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Бировга қарши қўзғамоқ; гижгижламоқ. *Ёмон кўрадиган бўлса, сизлар сабабкор. Халқни менга қарши қутуртириб юргансизлар. Уйғун, Навбахор. —Эй тўрам, ишбузуқи ўша, — деди навкар секингина [Полвонни кўрсатиб], — одамларни менга қарши қутуртиряпти. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ҚУТҚАЗМОҚ айн. **қутқармоқ.** *Отабек жавоб ўрнига Кумушининг юзидан ўпди.. Кумуш ўзини қутқазиб, ўрнидан турди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дастёр бўлиб қолган қизлари, айниқса, катта қизи Башорат уни [Онахонни] кўпдан бери рўзғор ташвишидан қутқазган. А. Мухтор. Опа-сингиллар.*

ҚУТҚАРИШ 1 Қутқармоқ фл. ҳар. н. [Хонзода:] *Мақсаднинг эрингни қутқаришини? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 Сақлаш, қутқариб қолиш ишлари. *Қутқариш чамбараги. Қутқариш бригадаси. Қутқариш қайиғи.*

ҚУТҚАРМОҚ 1 Кўнгилсиз, оғир, хавфли ва ш.к. ҳолдан чиқармоқ, халос қилмоқ, Азобдан қутқармоқ. *Хижолатдан қутқармоқ. Ўлимдан қутқармоқ. Шарманда бўлишдан қутқармоқ. Тилни тийган бошни қутқарар.* Мақол. ■ *Худо хайриниғизни берсин.. мени ташвишидан қутқаринг. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Бўшатмоқ, чиқариб олмоқ, озод қилмоқ. *Қамоқдан қутқармоқ. ■ [Отам билан онам:] Тоза шарманда бўлдик. Беш-олти йилга кестириб юборса, сени қандай қилиб қутқариб оламиз? П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Халос, хориж қилмоқ, Ичкиликбозликдан қутқармоқ. *Қарздан қутқармоқ.*

ҚУТҚАРУВЧИ 1 Қутқармоқ фл. сфдш. 2 Халос қилувчи, озодликка чиқарувчи. *Қутқарувчи куч. Қутқарувчи армия.*

ҚУТҚУ Ёмон ишга, йўлга ундовчи, оёқ-лантирувчи даъват; тескари ташвиқот; гиж-гижлаш. - *Менга қара, ҳой Тулаган, — деди Бўтабой ака унинг елкасига қўлини ташлаб, — яхши иш қилмаётибсан. Иғвогарларнинг иғвосига, муштумзўрларнинг қутқусига учмагин. Бир вақти келиб пушаймон бўласан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Адаш полвон одамларни ҳеч вақт қутқуга, бошбошдоқликка даъват этган эмас. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

ҚУЧМОҚ 1 Кучоғига олмоқ; кучоқламоқ. *Ойхон чаққон бориб, унинг белидан қучди.. А. Мухтор, Кумуш тола. Рўпарасида ўн беш кунлик ойдек бўлиб севгилиси турса-ю, уни қуча олмаса. Т. Ашуров, Оқ от. Яширай деб кўзда ёшини, Қучиб олди қизнинг бошини. Э. Раҳим.*

2 кўчма ўраб, қамраб олмоқ; қопламоқ, чулғамоқ. *Уч қадрдон, шўх опа-сингил Зулмат қучган қора ўрмонда.. Х. Даврон, Қақнус. Оҳ, у дамлар!.. Эсласам, қалбимни қувонч, руҳимни шодлик қучади. М. Жабборов, Севинч ишлари. Қанот ёзган изғириқ Қучар юпун танларни. Ғайратий.*

3 Эришмоқ, қозонмоқ. *Ғалаба қучмоқ. ■ Пахтакор диёримиз катта зафар қучди. Улкан «оқ олтин» карвони маррага етди. А. Дадабоев, Қутлаймиз. Йилларки, шон қучган ҳар бир лаҳзаси, Ҳар бири асрдан вазмин, мазмундор. Э. Раҳим.*

Ер(ни) қучмоқ 1) ерга йиқилмоқ, ерга қапишиб қолмоқ, Ваҳимага тушган генерал ханжарини ишга солмоқчи бўлганида, *Мардонбек кекирдагига шундай мушт туширдик, тўтибурун ер қучиб қолди. С. Азимов, Оппоқ кўшиғи; 2)* ерга бағир бериб ётиб олмоқ, *Жангчилар бир зумда тарқалиб, ерни қучдилар. Ойбек, Куёш қораймас; 3)* қабрга кирмоқ, ўлмоқ. *Ер қучса-да жисмимиз, Ўчмагайдир исмимиз. Ё. Мирзо.*

ҚУЧОҚ 1 Икки қўлнинг олд қисмини бирлаштириб, оралигига бирор шахс ёки нарса олинадиган (олинган) ҳолат. *Шаҳзодадон Олчинбекнинг қучоғидан зўрга сугурилиб чиқиб олди. К. Яшин, Ҳамза. Тулан силтаниб, Йўлдошнинг қучоғидан чиқишга уринди. Йўлдош Туланга ёпишиб олиб, ҳамон ялиняпти. С. Сиёев, Аваз. Тиззасини қучоғидан қўйиб юбориб, унга интилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

Қучоқ очмоқ (ёки ёзмоқ) 1) бағрига олиш учун қўлларини ёзиб кўтармоқ. *Зумрад қучоғини очиб, ҳоғлига отилди: -Келдинми, қўзичоғим? — у ўғлини ачом қилди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Қиз қучоғини очса, йигит йўқ дейдими? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кўришгани қучоқ ёзиб келаётган кампирнинг устбошини кўриб, [Шарофатнинг] заҳри бир оз тарқалди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2)* хурсандлик, шодлик билан (кутиб олмоқ). *Зарбдор қурилишлар ёшларни қучоқ очиб қаршилайди. ■ Сизлар билан қутлаб, қучоғим Очай янги, навқирон йилга. Ғайратий.*

2 кўчма поэт. Оғуш, бағир. *Табиат қучоғида яйрамоқ. Бола уйқу қучоғида. У ширин хаёллар қучоғидан чиқолмас эди. ■ -Кошкийди қишлоғимизга келсанг, — деди Кошиқулиб. — Бизда халқ докторни жуда иззат қилади. Агар Тошкент қучоғидан айрила билсанг. Ойбек, О.в. шабадалар. Мана, сиз, фарзандларим, Ешлигингиз забардаст. Мактаб — шим қучоғида Ўзасиз ўқиб, яйраб. К. Муҳаммадий. Сувонжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўроннинг қучоғига отди. С. Анорбоев, Оқсой.*

3 Қучоққа сизадиған ўлчов-миқдорни билдиради (одатда, сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан, шунингдек, такрор ҳолда — **қучоқ-қучоқ** каби қўлланади). *Икки қучоқ ўтни охурларга ташлади. Қучоқ-қучоқ матолар. ■ У бир қучоқ ўтин териб келганида, Султонов.. юзлари оппоқ оқарганча, чўзилиб ётар эди. М. Мансуров, Ёмби. Бир оздан кейин комиссар уни чақириб, бир қучоқ хат топширди. И. Раҳим. Чин муҳаббат.*

ҚУЧОҚЛАМОҚ 1 Кучоғига олмоқ; қучмоқ. *Қучоқласанг, қучоғингда тўлиб турсин. С. Сиёев, Ёруглик. Мен ҳозиргина терилган лолаларни қучоқлаб, ўрнимдан турдим. «Гулдаста». У ҳўнг-ҳўнг йиғлар, отасининг оёқларини қучоқлаб ялинарди. К. Яшин, Ҳамза. Сузамол йигит Отамуроднинг елкасига қақиб, яна белидан қучоқлаб, даст кўтариб, ерга қўйди. М. Мансуров, Ёмби. Тўлқин ўани отаннинг елкасига ёпишиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Ҳ. Ғулум, Машғал.*

2 Умуман, икки қўл орасига олиб ва бағир бериб, маҳкам ушламоқ, ёпишмоқ. *Дарахтни қучоқлаб олмоқ. ■ Турсунбой қамиш қапа олдига тиззасини қучоқлаб, дарвеш қиёфасида ўтирарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

Бечора она чидолмади, қабрни қучоқлаб, ув-вос тортди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУЧОҚЛАШМОҚ **Қучоқламоқ** фл. бирг. н. *Дўстлар қучоқлашиб хайрлашди. Ҳ. Фулом, Машғал. Йўлчини қучоқлашиб, базўр четга суришди. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб, қучоқлаша кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУШ Умуртқалиларнинг танаси пар ва патлар билан қопланган, учишга лаёқатли бир синфи; парранда. *Сув қушлари. Чўл қушлари. Ўрмон қушлари. Уй қушлари. Сайроқи қушлар. Ов қуши. Қуш уясида кўрганини қилади. Мақол. Қуш тилини қуш билади. Мақол. ■ Қушга кетган киши қушни олиб келди. Овчилар отланишди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

ҚУШБЕГИ тар. Амир ва хонлар саройида бош вазир ёки ҳуқуқи вазирга тенг бўлган йирик амалдор; ҳоким. *Қушбеги [бош вазир] ўрнидан туриб, супчадан тушиб келиб, арк дарвозасининг остонаси устида тик турди. С. Айний, Эсдалиқлар. Азизбек Тошкентдан жўнатилди. Унинг ўрнига Қўқондан Нормухаммад қушбеги белгиланиб келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҚУШБОЗ Ов қушлари ёки сайроқи қуш боқиш, парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши, қуш ишқибози. *Шу тўриқ отга Муродхонни миндириб, қанча сипоҳи беклар ҳамроҳ бўлиб, қушбозлар олғир қушларни қўлларига қўндириб. [йўлга тушди]. «Муродхон».*

ҚУШБУРУН Ўрта қисми сал кўтарилган ёки учи ички томонга сал қайрилган бурун; шундай бурунли киши. *Доро 1 баланд бўйли, қушбурун, чиройли одам эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.*

ҚУШДАЙ, -дек 1 Қушга ўхшаш, қушга ўхшаб, қуш сингари. *У [Гулсум] шаҳарда камбағал аёллар ўқийдиган мактаб борлиги, у ерда ўқиган аёллардан ажойиб одамлар етишаётганини эшитар, ўша ерга қушдай учиб кетгиси келар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Самолёт, ўқ еган йиртқич қушдай, бир қанотини осилтириб, зўрғатдан учиб борарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.*

2 *кўчма* Жуда енгил. *Қушдай чемодан. ■ Сидиқжон эртасига қушдай бўлиб турди. А. Қаҳҳор, Қушчинор чироклари.*

ҚУШНОЧ 1 этн. Саннаш, кўчирма-чилик билан касал боқувчи табиб. *Бахши, қушноч қилдирди, чиллаёсин ўқитди. Н. Қобил, Бугдой пишигига етмаганлар.*

2 Каромат қилувчи, фол боқувчи, фолбин. *-Аёл мардуми қушночу мулла, эшонга кўп ихлосманд бўлур, — деди момо Авазга. «Зулфизар билан Авазхон».*

ҚУШТИЛИ Юпқа хамирдан учбурчак, тўртбурчак ёки ромб шаклида кесиб, ёгда пиширилган овқат. *Ўғилжон хола ошхонада зўр бериб қуштили пиширарди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.*

ҚУШТОМОҚ анат. Кекирдакнинг киши ютинганда ҳаракат қилиб кўриниб турадиган бўртиғи; кекирдак олмаси.

ҚУШХОНА I Уй қушлари боқиладиган хона, жой. *Орадан икки-уч соат ўтказиб, яна қайтиб қушхонага кирдим, сипоҳи қушлар ҳали ҳам ўтирган қўндоғидан тушмай, овқатга терс қараб ўтирар эди. Ҳ. Фулом, Шум бола.*

ҚУШХОНА II с.т. Кушхона. *Қушхонада қон ялаб, Сизни кутар қассоблар. Ҳамза.*

ҚУШЧИЛИК Қуш, парранда боқиш ва етиштириш; паррандачилик.

ҚУШҚАРОҚ Чигириқнинг ҳаракат узатувчи тишли қисми.

ҚУШҚЎНМАС Мураккабгулдошларга мансуб, майда тиканли бир ёки кўп йиллик бегона ўт.

ҚУЮВЧИ I Қуймоқ фл. сфдш.

2 Эритилган металлни қолипларга қуйиб, деталь ёки буюм тайёрловчи ишчи, мутахассис. *Пўлат қуювчининг ўтхонасидай жазирама қумда душманга қарши ҳужум бошлаш нақадар оғир. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ҚУЮЛМОҚ I Суви, суюқлик қисми камайиб, қуюқ ҳолга келмоқ, қуюқлашмоқ. *Мастава қайнайвериб, қуюлиб қолибди. Мураббо анча қуюлиб қолибди.*

2 Бир ерга кўп миқдорда йиғилмоқ, тўпланиб қалинлашмоқ. *Туман тобора қуюлмақда. ■ Бу булутлар.. тобора қуюлиб, қорайиб бормоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

3 *кўчма* Ўзини тутиб, қўлга олиб, оғир, вазмин бўлиб қолмоқ, енгилтакликдан қутулмоқ. *Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган. Мақол. ■ Техникумда ўқиб юрганымда, [Алижон] кунига йўлимни тўсарди, ўлдим-қуйдим, деб нақ ҳол-жонимга қуймасди.*

Кўнглимда, бола-чақалик бўлиб қуюлар, деган эдим. Ҳ. Назир. Ўтлар туташганда. - Қа-нақа қилиқ бу? Қартайсангиз ҳам қуюлмай-сиз, — деб жеркиб берди бувим. Ҳ. Назир, Яхши исм.

ҚУЮЛТИРМОҚ Қуюлмоқ 1, 2 фл. орт. н. Мурраббони қайнатиб қуюлтирмоқ. ■ Чирildoқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, зўё кечанинг ўзи қуйлайди. Лекин бу мусиқа жимжитликни бузмас, балки уни қуюлтирарди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЮН 1 Қаттиқ уюрмали шамол; уюр-ма. Осмон билан туташиб кетган қуюн ер бағрини қиртишлаб, хас-хашак борми, чан-тўзон борми — ҳаммасини учуриб, айлана-айлана, тобора кўкка интиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ҳозир тунми ёки кўк-ни тупроқ қуюнлари қоплаганидан шундай қоронғими — билиб бўлмайди. А. Мухтор, Қо-рақалпоқ қиссаси.

2 Шиддатли ёғин; тўфон. Баҳорнинг но-хосдан қутурган қуюни чирпирак уриб келди. «Гулдаста». Тўсатдан дераза қоронғилашиб, чақмоқ чақди, момақалдироқ даҳшатли гул-дуради. Қуюн қуя бошлади. И. Раҳим, Ихлос.

ҚУЮШҚОН 1 Эгарнинг олдинга сил-жимаслиги учун от ёки эшакнинг думи остидан айлангириб, эгарга бириктирила-диган, кўпинча турли безаклар қадалади-ган қайиш. Отнинг эгар қоши тилладан, ёли-га кумуш тангалар, қуюшқонига эса садаф-лар тақилган. Ж. Шарипов, Хоразм. От думига сола берди сайислар Ўн икки куббали тилла қуюшқонни. «Ойсулув».

2 кўчма Бирор иш, хатти-ҳаракат, муо-мала ва ш.к. даги меъёр. Қуюшқондан таш-қари иш. ■ Локигин [лекин] қишлоқни юз пойиз шаҳарга тенг қилиш, қиёфасини пақ-қос ўзгартиришга интилиш қуюшқонга тўғ-ри келадиган нарса эмас. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Энди ўйлаб-ўйлаб, ўзининг қуюш-қондан ташқари ҳаракат қилганини сеза бошлади. Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар.

Қуюшқондан чиқмоқ Чегаралан, меъёр-дан чиқмоқ; ҳаддан ошмоқ. Ёш раҳбарсиз-да, хомроқсиз.. қуюшқондан чиққан бошлиқ одамларга ёқавермайди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Кулдираман, деб қуюшқондан чиқиб, меъёр-дан ошиб кетаётган актёрларнинг ижроси-дан ранжмай иложингиз йўқ. Газетадан.

ҚУЮҚ 1 Суюқ қисми, суви нисбатан оз бўлган; қуюлган ҳолатли. Қуюқ қоршима.

Қуюқ қиём. ■ Қилич чопган чеккадан Қуюқ қон сиртга отар. Ғ. Фулом.

2 Таркибидаги асосий модда нисбатан кўп. Қуюқ чой. Қуюқ сут. Қуюқ қаймоқ.

3 Тўқ; тўққа мойил (ранг-тус ҳақида). Бегимхон ғўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чимириб, бобиллаб берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эмуроднинг юзига қуюқ қизиллик югурди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чайланинг тепасида Темирқозик юлдузи қуюқ кўкка бўялган чиройли капалакдай қа-нат қоқарди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 Бир-бирига яқин жойлашган; қалин, зич. Қуюқ қамишзор. Қуюқ соя. Барглари қуюқ қайрағоч. Қуюқ қора қош. ■ Май-нанинг.. қуюқ киприклари остидаги ўткир қора кўзлари навқарни элтиб қўйган эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Юз қадамча на-рига.. сарғайган қуюқ ўт устига ётқизди. Ойбек, Қуёш қораймас.

5 кўчма Тўкин-сочин, мўл, сероб. Қуюқ дастурхон. Қуюқ зиёфат. Қуюқ меҳмон қил-моқ. ■ [Афанди] Совғани хонга манзур қи-либ, қуюқ инъом олиб, ўрдадан чиқиб кетди. «Латифалар». Кампир куёвини ҳамшиша шун-доқ қуюқ кутар эканми, кетидан димлан-ган жўжа, ош келди. С. Нуров, Нарвон.

6 Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб, қалин қатлам ҳосил қилган, зич, қалин ҳолатли. Қуюқ туман. Қуюқ тутун. ■ Уй ичини қуюқ қоронғилик босди. Таш-қарида шамол ғувуллаиди. Ойбек, Танланган асарлар. Улар кечки қуёшнинг қуюқ ёғдуси остида жимирлаган қишлоққа кириб кели-шар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Мазмун, моҳият жиҳатидан тўла даражали (ўзаро муомала, муносабатдаги хатти-ҳаракат, ҳолат ҳақида). Қуюқ суҳбат. Қуюқ салом-алик. ■ Дадамат ака Аҳмадни эшиккача кузатиб чиқди. Қуюқ хайрлашди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Уйдан келган хат-да ҳам қуюқ дуои салом. Шухрат, Шинелли йиллар. Вавдани қуюқ қилиб, баъзи қассоб-лардан бир неча динор қарзга ҳам илинди. Ойбек, Навоий.

8 кўчма Мазмун, диққат-эътибор ва ш.к. жиҳатдан аҳамиятли бўлган. У [Ҳошимжон] «кейинги сўзга чиққанлар, албатта, менинг тарафимни олади», деб ўйлаган эди. Йўқ, гапнинг қуюғи кейин чиқди. С. Аҳмад, Қадр-дон далалар. А. Қаҳҳор ортиқча сўз ва ибо-

ралар ишлатмасликка, асар тилини қуюқ, маъноли қилишга интиланган. «УТА».

ҚУЮҚЛАШМОҚ I Қуюқ тортмоқ, қуюқ ёки қуюқроқ бўлмоқ, қуюлмоқ (қ. **қумқ I**). *Мастава қуюқлашиб кетибди. Мураббо қуюқлашиб қалибди.*

2 Таркибидаги асосий модда нисбатан кўпаймоқ (қ. **қуюқ 2**). *Яхши емланган сигирларнинг сути қуюқлашади.*

3 Тўққа мойиллашмоқ, тўқ ёки тўқроқ тус олмақ (қ. **қуюқ 3**). *Барглarning ранги анча қуюқлашди. ■ Қоронғилик қуюқлашиб, онда-сонда ўтиб турган кишилар қораси тун пардасига чаплашиб кўрина бошлаганда, Йигитали ўрнидан турди. Д. Нурий, Осмон устун.*

4 Қалин тортмоқ, қалин ёки қалинроқ бўлмоқ, қалинлашмоқ, зичлашмоқ (қ. **қуюқ 4**). *Кунлар исиган сари кўкатлар ҳам қуюқлашар, ўсиб улгайиб, чиройига чирой кўшарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Поезд юришини тезлатган сайин, оқ бадан қайинлар, азим қарағайлар қуюқлашиб, ям-яшил қалин ўрмонлар бошланди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

5 Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб қолмоқ, қалинлашмоқ. *Туман қуюқлашди. Тутун тобора қуюқлашиб кўтарилмоқда. ■ Эрталабдан бери кезган булутлар кечга томон қуюқлашиб, осмонни текис қоплади. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.*

6 кўчма Тўкин-сочин, мўл ёки сероб бўлмоқ (қ. **қуюқ 5**). *Зиёфат қуюқлашди.*

7 Мазмун, моҳият жиҳатдан тўла даражали бўлмоқ (қ. **қуюқ 7**). *Дустлик, ижодий ҳамкорлик, тажриба алмашиш, адабиёт воситаси билан қардошлик муносабатлари қуюқлаша борди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

8 кўчма Мазмун, эътибор, аҳамияти ортомоқ, орта бормоқ (қ. **қуюқ 8**). *Хат ҳам.. эскирган сари маъноси қуюқлашади. Ойбек, Кўёш қораймас.*

ҚУЮҚЛАШТИРМОҚ Қуюқлашмоқ фл. орт. н. *Ун чалинса, овқатни қуюқлаштиради. Совуқ асални қуюқлаштиради. Салом-аликни қуюқлаштирмоқ. Фикрни қуюқлаштирмоқ.*

ҚУЮҚ-СУЮҚ I Қуюқ ва суюқ овқатлар. *Меҳмонлар учун мева-чева, қуюқ-суюқ тортилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 кўчма с.т. Бир хил бўлмаган, ҳар хил, турлича. *У. ўтирганлар билан, уларнинг*

амал ва даражаларига қараб, қуюқ-суюқ кўришиб чиқди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҚУ-ҚУ I тақ.с. Товуқ, мусича ва ш.к. қушларнинг узук-узук товушларини билдиради. *Қайлардадир гуррак овози, мусичанинг «қу-қу»си эшитилади. Ҳ. Шамс, Оқпадар.*

2 бол. Қуш; товуқ. *«Қу-қу» ушлаб бераман деб, болани юпатмоқ.*

ҚУҚУЛАМОҚ «Қу-қу» деган овоз чиқармоқ (товуқ, мусича ва ш.к. қушлар ҳақида).

ҚУҚ-ҚУҚ ай.н. қу-қу.

ҚЎБИЗ Қисқа дастали, пардасиз, торли мусиқа асбоби (дўмбирага яқин). *Қўбиз чалмоқ. ■ Мана, тоғ ёнбағирларида чалинган қўбизнинг нозик, ёқимли куйлари эшитилмоқда. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Водийларда чаларди қўбизин чўпон. М. Шайхзода, Чорак аср девони.*

ҚЎБИЗЧИ Қўбиз чалувчи созанда.

ҚЎЗИ I Қўйнинг ёшига етмаган, тўртбеш ойлик боласи; умуман, қўйнинг боласи. *Ўнроқда, яшил тена устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди. Ҳ. Фулом, Машғал. Чирогим, сендан олдинги зоотехник ҳам худди шундай деб, қўзиларни совлиқлардан ажраттирмаган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 (1-ш. эгалик шаклида) Болаларни эркалатиб мурожаат этиш шакли; қўзичоғим. *-Кел, қўзим! — ҳар вақтдагича мулоийм қарши олди чол. Ойбек, Танланган асарлар. [Насиба:] Алла, қўзим, алла. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

3 Қўзи, Қўзивой (эркаклар исми).

ҚЎЗИВОЙ Тарвузнинг кечпишар, йирик, ширин нави. *Меҳринисо пайкал ораб, битта қўзивой тарвуз кўтариб чиқди. С. Абдулла, Иқбол.*

ҚЎЗИДУМБА Қалпоғи оқ кўнғир тусли, еса бўладиган қўзиқорин.

ҚЎЗИЛАМОҚ I Туғмоқ, тўлламоқ (қ. тўл) (қўй ҳақида). *Қўзилаган қўйларни парваришлаш. Қўйлар қўзилайдиган пайт.*

ҚЎЗИЛАМОҚ II Донадор ҳолга келмоқ; дона-дона, қумоқ-қумоқ бўлиб турмоқ. *Қўзилаб турган тупроқ. ■ [Аширмат] Катта тарелкада қўзилаб турган олтиндай сармийони ўз олдида тортиди. Ойбек, О.в. шабадалар. [Қовун] Қарс ёрилиб кетди — эти оппоқ, қўзилаб турипти, уруғи бўлса сапсарик. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.*

КЎЗИЛАТИШ Кўзи олиш, қўйларни туғдириш, тўл олиш. *Мусобақадод шиккала отарда ҳам кўзилатиш қизгин борарди.* О. Хусанов, Ҳаёт ишқи.

КЎЗИЛАТМОҚ Кўзиламоқ I фл. орт. н. Қўйларни кўзилатиш. *Кўзилатиш кампанияси.*

КЎЗИМОҚ Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, кўзгамоқ, қайталамоқ, тутмоқ. *Дарди кўзиди. Ғайрати кўзиди.* ■ Тўқсоновнинг мерганлик ҳаваси кўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидан сочма милтиқни олди-да, типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Мастикданми ё ҳақиқатан ҳам асаби кўзиб кетдим, ҳар ҳолда, унинг қовоқлари пирнираб учиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди.* Н. Фозилов, Оқим. [Ҳамида] *Қўл чўзса етгундай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони кўзиб: -Этагидан торт, - деди Йўлдошга.* С. Анорбоев, Меҳр.

КЎЗИЧОҚ I Кўзи с. кичр.

2 Қўйнинг эмадиган боласи. [Тошқин] *Янги туғилган кўзичоқдай зўрға оёқ узра турган колхоз учун катта хавф туғдирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оташ кўзли, кўнғир юнгли кўзичоқ, Майса узра иргшлайсан, уйнайсан.* З. Диёр.

3 (3-ш. эгалик шаклида) Болаларга эр-калатиб мурожаат этиш шакли. *Сен хафа бўлсанг, мен ҳам хафа бўламан-да, кўзичоғим.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КЎЗИҚОРИН Споралардан кўпаядиган, хлорофиллсиз замбуруғ ва унинг кўнғир тусли, еса бўладиган бир тури. *Биринчисига кўзичорин солинган картошка шўрва.. учинчисига бир кружкадан сут тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кўзичориннинг ноёб масаллиқ экани маълум.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КЎЗИҚУЛОҚ айн. шовул I. Юк машинасидан кўтарилган чанг йўл ёқасидаги қуяраб қолган кўзиқулоқлар устига кўнар эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Анави қизғиш гуллилар — кўзиқулоқ.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

КЎЗОҚ Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қовзоқ. *Ловия кўзоғи.* ■ *Карам уруғи аста-секин, дастлаб настқи шохлардан бошлаб пишади. Пишган кўзоқлар*

ёрилиб, улардан уруғлар ерга тўкилади. «Фан ва турмуш».

КЎЗҒАЛИШ физиол. Тирик ҳужайранинг бирор таъсирга реакцияси; тирик системанинг физиологик нисбий тинч ҳолатдан фаол ҳолатга ўтиши.

КЎЗҒАЛИШМОҚ Кўзғалмоқ фл. бирг. н. *Меҳмонлар кўзғалишди.* ■ *Келинлар ўрин солиш учун кўзғалишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сафар бўзчининг хурмати учун локал қимир этмаган бекарлар ҳам мулла Абдураҳмоннинг истиқболига кўзғалишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КЎЗҒАЛМОҚ I Кўзгамоқ фл. ўл. ва мажҳ. н. (қ. кўзгамоқ I, 2, 4). *Унинг эски дарди яна кўзғалди. Бу ҳақда яна гап кўзғалди. Масала кўзғалди.* ■ *Адолат буларнинг ҳаммасини бир-бир уйларкан, қалбида Усмонжонга нисбатан илиқ бир ҳиснинг кўзғалганини сезиб, ўз хаёлидан ўзи уялиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мен ҳам шуларга суқланиб қарадим. Орзу, ҳисларим баттар кўзғалиб кетди.* Ойдин, Фонарь тагида. *Кўндан унутилган хотиралар яна кўзғалди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ўрнидан турмоқ ёки силжимоқ. *Саудий кетишга кўзғалганда, Салимхондан бошқа ҳеч ким парво қилмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мулла Алимқул эшикдан кириб келган меҳмон билан кўришиш ва ўз тагидаги кўрначадан жой бериш тараддудида аста ўрнидан кўзғалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Жўнамоқ, бирор ёққа бормоқ, кетмоқ. *Бу ердан кўзғалма!* ■ *Унинг бу галги Марнилон йўлига кўзғалиши ортиқча бир оғирлик билан, иккиланиш билан ўрчалган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмад Ҳусайн яна бир неча кун уйдан кўзғалмади. Унинг эрмаги ёлғиз китоблар бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

4 Турган жойидан жилмоқ, силжимоқ, сурилмоқ. *Стол ўрнидан кўзғалганга ўхшайди. Жавон жуда оғир экан, жойидан сира кўзғалмади. Поезд кўзғалди.* ■ *Машина кўзғалди, кўзғалди-ю, ўн-ўн беш қадам юрмасдан, бирдан эшиги очилди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

5 Турган жойида тебранмоқ, силкинмоқ, қимирламоқ. *Кўрбоши тиззаси устига кўндаланг қўйилган қиличининг икки тарафидан босиб, бир кўзғалиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машҳадий кичкина гавдаси билан енгилгина кўзғалиб.. бошини чайқади.* Ойбек, Навоий.

6 Бошланмоқ, кўтарилмоқ; ҳаракатга келмоқ. *Пўртана кўзгалди. ■ Шамол кўзгалган, томлардаги, йўлқалардаги қорларни тўзитиб, деворларга, деразаларга урар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

7 Бирор кимса, тузум ва ш.к. га қарши ҳаракатга келмоқ, исён, ғалаён қилмоқ. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар кўзғалиб, бойларнинг ғарамларига.. ўт кўйишар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Яхши, биз айтган тартибда ишни бошланглар, халқ кўзғалса, хон мажбур! У. Исмоилов, Сайланма.*

8 *махс.* Бирор ҳаракат ёки таъсирга жавобан ҳаракатга келмоқ, ўз фаолиятини кўрсатмоқ. *Одатда мускул нерв воситасида кўзғалади.*

КЎЗҒАЛУВЧАН 1 Тез, осон кўзғаладиган, кўзғатиб бўладиган.

2 Бирор таъсирга жавобан тез ҳаракатга келадиган. *Кўзғалувчан мушаклар.*

КЎЗҒАМОҚ 1 Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, кўзимоқ, қайталамоқ, тутмоқ. *Унинг касали кўзғади. Эски дарди кўзғаб қолди. Юрагида ғазаб кўзғади. Файрати кўзғади. Асаби кўзғади. ■ Фуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати кўзғаб, ўзини кўйгани жой тополмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ, уйғотмоқ, туғдирмоқ; ҳаракатга, жўшга келтирмоқ; кўзғатмоқ. *Бировнинг юрагида адоват кўзғамоқ. ■ Оқар суварлар кўнгилда Бехад севинч кўзғайди. Т. Тўла. Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни кўзғаб, куёви Шералихонни ўлдирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу манзара ўқдай санчилиб, Ёв дилида кўзғади ғамни. Э. Раҳим.*

3 *кўчма* Янгиламоқ, тикламоқ, эсга солмоқ (унутилган дард, алам, яра ва ш.к. ҳақида). *Менинг дардим кўзғай берма, Оққизжон, Ошиқда бўлмайди манзил ҳам макон. «Равшан».*

4 *кўчма* Ўртага қўймоқ, ташламоқ, бошламоқ; қовлаштирмоқ. *Масала кўзғамоқ. Гапни кўзғасанг, гап чиқар. Мақол. ■ -Жаноб уламолар! - деди Фозиҳақ Азизулаҳақ тоқатсизланиб, - бехуда гапларни кўзғамоқнинг асло ҳождати йўқ. Ойбек, Нур қидириб.*

КЎЗҒАТМОҚ 1 *Кўзғамоқ 1, 2* фл. орт. н. *У асабини кўзғатган кишини йиқитмагунча*

тинчимайди. И. Раҳим, Тақдир. ..бу ўз навбатида айримларнинг тинчини бузиб, норозиликлар кўзғатаётган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Ўрнидан силжитмоқ, узмоқ. *Тоғни теса кўзғатадир бизда ҳар йигит. Файратий. У жуда оғирлашган. Беш-олтита бўлишиб, аранг кўзғатадилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Бир иш учун отлантирмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; оёқлантирмоқ. *Хўжа Яҳённинг тарафдорлари қотиллардан қасд олиш учун косиб ва деҳқонларни кўзғатдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Каримжонни ўқишга кўзғатган - муҳаббати. Т. Тўла.*

КЎЗҒОВЧИ 1 *Кўзғамоқ* фл. сфдш.

2 Бирор ҳодисани юзага келтирувчи сабаб, омил. *Касаллик кўзғовчи микроб.*

КЎЗҒОЛОН Бирор ижтимоий тузум, ҳукмрон синф ва ш. к. га қарши кўтарилган оммавий ҳаракат; исён, ғалаён. *Миллий озодлик кўзғолони. Қуролли кўзғолон. Кўзғолон кўтармоқ. Кўзғолон қилмоқ. Кўзғолонни бос-тирмоқ. ■ [Йўлчи] Оломон билан янги шаҳарга чиқиб, бош ҳоким маҳкамаси олдида кўзғолонни авжлантиришни ўйлаган эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

КЎЗҒОЛОНЧИ Кўзғолон қатнашчиси, иштирокчиси; исёнчи. *Йўлчи Хадра томонга оқаятган кўзғолончилар олдида тушиб.. чопа кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

КЎЙ 1 Гўшт, жун, сут ва тери олиш учун боқиладиган жуфт туёқли, кавш қайтарувчи сутэмизувчи уй ҳайвони. *Думбали кўй. Думли кўй. Майин жунли кўй. Қоракўл кўйи. Ҳисор кўйи. От боққан улоққа, кўй боққан кўноққа. Мақол. Семиз кўйнинг умри калта. Мақол.*

2 Мучал йил ҳисобида саккизинчи йил номи; гўспанд. *Унинг йили - кўй.*

Кўй йили Мучал йил ҳисобида саккизинчи йил (қ. мучал). *Мен кўй йилида туғилганман.*

Кўй кўз, кўйкўз 1) жигарранг кўз. *Эшоннинг безрайган кўй кўзлари муздек совуқ сочаётганга ўхшайди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шундай кўзли киши. Кўй мижоз (ёки мижоз), кўймижоз с.т. Ювош, мулойим, мўмин-қобил. Қутидордек кўймижоз бир одамнинг бундай зўр ишга аралашганлигига ақл бовар қилмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўй оғзидан чўп олмаган Ҳеч кимга озор бермайдиган, жуда ҳам беозор. Била-*

ман, мингбоши менга ҳозирча эҳтиёт бўлиб, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган, жуда ювош ва содда қилиб кўрсатиб сўзлаяпти. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ҚҲЙБОШ Кечпишар қовун навларидан бирининг номи. Бизда, экиладиган қовуннинг энг яхши, ширин «оқ новвот», «шакарпалак», «қўйбош».. каби жайдари навлари.. этиштирилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚҲЙДИРМОҚ Қўймоқ фл. орт. н. Қўшимча стул қўйдирмоқ. Тиш қўйдирмоқ. Ўртага киши қўйдирмоқ. Қўл қўйдирмоқ. ■ Дўсти афандининг олдига овқат қўйдирди. «Латифалар». Аммо [у] кундошини қўйдириб юборишга муваффақ бўлган эмас. Ойбек, Танланган асарлар. Асқар понсад.. эгаси қизил соқчилар билан кетган ҳамма уйларга ўт қўйдирибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлар.

ҚҲЙДИ-ЧИҚДИ Хотин қўйиш ва эрдан чиқиш, никоҳни бузиб, бир-биридан ажралиш. Эр-хотин қўйди-чиқди бўлишибди. ■ Оилавий муносабатларни ҳал этишни ҳар бир кишининг ўзига ҳавола қилинса, менимча, қўйди-чиқди ҳам, оиладаги ноўрин аччиқ-аразлар ҳам йўқолган бўлур эди. С. Кароматов, Тоғ гузали.

ҚҲЙИЛМОҚ Қўймоқ фл. мажҳ. н. Бурчакка стол қўйилди. Деворга шоти қўйилди. Учоққа ўт қўйилди. Аризага қўл қўйилди. Тартибсизликка йўл қўйилмайди. Сурат деворга осиб қўйилди. ■ Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚҲЙИН (3-ш. бирл. — қўйини) 1 Кўкрак ва уни ёпиб турган кийим орасидаги жой. Дафтарларини қўйнига солди. Қўйнига тиқди. Қўйнида нони борнинг қорни тўқ. Мақол. ■ Бўтабой қўйнидаги газеталарни олиб, отбоқарга берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Уста Олим] Қўйнидан мактубларни чиқариб, биттасини қўнидорга узатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қўйин дафтари Чўнтакда олиб юриш учун мўлжалланган кичкина ёзув дафтари; чўнтак дафтар, ён дафтар. Шоир шошиб, ёнидан қўйин дафтари билан қалам чиқарди. А. Қаҳҳор, Картина. Қўйин чўнтак Кийимнинг кўкрак устидаги ички томонига тикилган чўнтак, кўкрак чўнтак. Райҳонбиби

никоҳ қоғозини олиб, қўйин чўнтагига суқди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Қучоқ, оғуш. Табиат қўйнида яйрамоқ. Она қўйнига кирмоқ. ■ Анзират холанинг қўйнида ётган бола тўсатдан қичқариб юборди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ботирали деразадан сакраб чиқиб, боғ қўйнига отилди. Ҳ. Фулом, Машғал. Нормат блиндаж тепасига чиқиб, зулмат қўйнига қаради, диққат билан қулоқ солди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Қўйинни пуч ёнғоққа тўлдирмоқ қ. ёнғоқ.

ҚҲЙИНГКИ кри с. Қўйингчи, борингки. **ҚҲЙИНГЧИ** кри с. Қисқа қилиб айтганда, қисқаси, хуллас; борингки. У сиёҳ қалам билан жилвирлаш, ҳаллаш, қўйингчи, наққошликнинг энг майда элементларигача яхши ўрганиб олди. Газетадан.

ҚҲЙЛИ Қўйи бўлган, қўйи бор. Бобоқул минг қўйли сурувни айланиб чиқиб, чайлага қайтганда, Махсум оёқларини йиғиб, бир қўлини болш қилиб ётган экан. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚҲЙМОҚ 1 Қўлдаги ёки умуман кўтариб олинган нарсани бирор жойга ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ. Китобингни партага қўй. Елкангдаги қопни ерга қўй. ■ Челақни шу ерга қўйинг, Гулнор, сувни мен ўзим элтаман. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳасанали илжайган қўйи қўлтиғидаги заррин чопонни олиб, сандал устига қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белгили ҳолатда, тартибда жойламоқ, жойлаштирмоқ. Дастурхонга нон қўймоқ.

3 Бирор жой ёки нарсага тираб, тақаб, кўндириб ўрнаштирмоқ, ўрнатмоқ. Бошга сават қўйиб юрмоқ. ■ Қарол араванинг орқасига кичкина шоти қўйиб, ўзи отни ушлаб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мاستон, юки оғир аравани тортиб бораётган отдай, оёқларини тираб, юқорига интилар. Турғуной эса энгашиб, икки кафтини тиззасига қўйиб, зўрға-зўрға қадам ташлар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Фойдаланиш учун бирор нарса бермоқ. Меҳмонга стул қўймоқ. Кампир болалар олдига иссиқ нон ва қаймоқ қўйди.

5 Қурмоқ, солмоқ. Қалдирғоч айвонга ин қўйибди.

6 Қуриладиган, ўрнатиладиган нарса ўрнини белгиламоқ, унга ўрин қолдирмоқ. *Уйнинг эшигини шу томондан қўямиз. Мўри-ни қаердан қўясиз?*

7 Белгили жойга, ўринга ўрнатмоқ, маҳкамламоқ; солмоқ. *Деразага ойна қўймоқ. Узукка кўз қўймоқ.*

8 Бирга, ёнида олиб кетмай, бирор жойда қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ. *У боласини боғчага қўйиб, ишга боради. ■ [Ёрмат] Йўлчининг ҳозиргина қишлоқдан қайтиб, синглисини хўжайинникига қўйиб, бу ерга ҳангомалашини учун келганини билгач, йигитнинг кўнглини паришон қилишга ботинмай, анча вақтгача қийналди.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Сақлаш учун бермоқ, топширмақ. *Пулни омонат кассага қўймоқ.*

10 Қўлидан, кучоғидан, ихтиёри, тасарруфи ва ш.к. дан чиқармоқ, бўшатмоқ. *Кўр тутганини қўймас, кар – эшитганини. Мақол. ■ Тутиқиз шохни қўйиб юбориб, бўғотдан кўчага қаради.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Отабек Кумушни қўйиб, ердаги аталани олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 Назардан, эътибордан, навбат ва ш.к. дан четда қолдирмоқ. *[Қудрат:] Амалдорнинг ўзи ким? У бойни қўйиб, камбағални ёқлармиди? Н. Сафаров, Уйғониш.*

12 Никоҳни бекор қилиб, хотиндан ажралмоқ, хотинини талоқ қилмоқ. *Шундоқ хотинни қўйиб юборгансиз-а, афандихон. Сиз ҳам бир кунмас-бир кун шу хотиннинг уволига қоласиз. С. Аҳмад, Ҳукм. Ўғлингни олдинга олсанг-да, ундан сўрасанг: «Қайси хотиннинг билан бўлишни хоҳлайсан? Хоҳлаганингни қўй!» – деб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

13 Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун имкон, йўл, эрк бермоқ, рухсат қилмоқ. *–Ўз қилишингиздан гапиринг! –Ахир, шошманг, айтгунча қўясизми, йўқми? А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Дўсти.. афандини овқат егани қўймасдан, устма-уст савол бера бошлади. «Латифалар». –Зайнабниси, – деди [Кумуш]. Зайнаб қаради, – бу кишини ташқарига чиқиб ётишга қўйманг, тузукми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Ким қўйибди Жўналиш келишигидаги кишилиқ олмошлари ёки шахс ифодаловчи сўзлар билан қўлланганда, шу сўз билдирган шахснинг тушум келишигидаги сўз

билдирган нарсага ҳаққи йўқлиги, унга муносиб эмаслиги ифодаланади. *[Нури:] Мен унинг кўзини уйиб олай, ошиқ-маъшуқликни унга ким қўйибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оғиз очгани қўймайди Гапиришга имкон бермайди, гапиртирмайди. *Ўз ихтиёрига (ёки эркига, майлига) қўймоқ* Ихтиёрини ўзига бермоқ, ўзига ташламоқ. *Ўз эркига қўйинг, ортиқ зўрлананг, Эрка кўнгли эрк боғида яйрасин.* Файратий. *[Отабек] Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаригидек юрак ошиқчилари ичида отни тез юришга қистамай.. кета берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзига қўйиб бермоқ** Ҳеч аралашмай, бутунлай ўзига ташлаб қўймоқ. **Қўймай ёки кўярда-қўймай** Тинчлик бермасдан, қистаб, мажбур қилиб. *Қўймай кинога олиб бормоқ. ■ Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

14 Ўстирмақ (соч, соқол, тирноқ ва ш.к. ҳақида). *Соч қўймоқ. Соқол қўймоқ. Тирноқ қўймоқ. ■ Эшикнинг бир табақаси ғийқиллаб очилди. Кўнғизнусха мўйлов қўйган қора қош бир кишининг боши кўринди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳар йили байрамда исан-тусан қилиб, гажақ қўйиб.. Бешариққа тушадиган Шоварди қизлари байрам кунларини ҳам эркалар билан баб-баравар кетмон уриб, далада ўтказишди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

15 Йўлини очиб, бирор томонга, нарсага йўналтирмақ, юбормоқ (сув, газ, буғ ва ш.к. ҳақида). *Экинларга сув қўймоқ.*

16 (фақат буйр.м. да) Тарк этмоқ, ташламоқ, тўхтатмоқ, барҳам бермоқ, йиғиштирмақ. *Қўйинг шундай гапларни! Тўйга борсанг, тўйиб бор, ёмонлигингни қўйиб бор!* Мақол. *Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш – ўзинг биласан.* Мақол. ■ *Жинглигингни қўй, Мутал ака!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

17 Белгиламоқ, аниқламоқ (баҳо, нарх ва ш.к. ҳақида). *Баҳо қўймоқ. Диагноз қўймоқ. Арзон нарх қўймоқ. ■ Аъло ўқисам ҳам, ўқитувчимиз «яхши» қўйди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

18 Ном, лақаб қўймоқ, номламоқ. *От қўймоқ. Сарлаваҳа қўймоқ. ■ Нега бунга Читтак, деб лақаб қўйдиларинг?* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

19 ...деб билмоқ, ҳисобламоқ, фаҳмламоқ. *Ўзини юқори қўймоқ. ■ Отабек Уста*

Олимни жуда юқори даражага қўйгандек, унинг мажлиси билан ҳам анча енгиллашар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фаффор-жоннинг феъли маълум бўлгани учун кўп киши айбни Умрига қўйиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

20 Бирор иш, вазифага тайинламоқ, белгиламоқ. *Навбатчи қўймоқ. Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар.* Мақол. ■ *Шу йигит мени олиб келиб, МТСга қарашли чойхонага қўйди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

21 Воситачи, вакил сифатида йўлламоқ, фойдаланмоқ. *Қизга совчи қўймоқ.* ■ *Бир кун ҳалиги судхўр мени бир савдогар ўртоғига сўратиб одам қўйибди.* Ғ. Расул, Адолат. [Подшо:] - *Қизимни ушанга бераман, ҳалойиққа жарчи қўйинглар, — деди.* «Эртаклар». *Шу қишдан қолдирма, ўртага, албатта, бой тоғангни қўй.* Ойбек, Танланган асарлар.

22 Бирор нарсани ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ. *Патефон қўймоқ. Радио қўймоқ. Телевизор қўймоқ.* ■ [Йўлчи] *Катта ҳовлига терс бўлган камгак-панароқ жойда самовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ашулани «Кўча боғи»дан бошлади, овозини баралла қўйиб. зўр илҳом билан айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Али бор товушини қўйиб ашула қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

23 Намойиш қилмоқ, кўрсатмоқ. *Кино қўймоқ. Концерт қўймоқ. Томоша қўймоқ.* ■ *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиған автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида] картина қўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

24 Қолдирмоқ; кейинга сурмоқ. *У сутнинг ярмини укасига қўйди. Сигир емдан нишхўрт ҳам қўймабди.* ■ *Ўзимизнинг Малловой ака бир ўтирганда битта қўйни калла-почаси билан еб, терисини нонуштага қўяди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. [Сидиқжон] *Тўғон бошига боришни эртага қўйиб, кунни шу ерда ўтказди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

25 Муҳокама, мунозара ва ш.к. учун тақдим, таклиф қилмоқ. *Шиор қўймоқ. Масалани кун тартибига қўймоқ.* ■ *У яна Ойқиз олдиға қатор-қатор сўроқлар қўйиб, ўқишга боришини қувватлагани учун чин*

дшдан ташаккур баён қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

26 Суртмоқ, суркамоқ. *Қошга ўсма қўймоқ. Ярага дори қўймоқ. Йод қўймоқ. Хина қўймоқ.* ■ *Сурма қўймай мунча ҳам, жонон, қародир кўзларинг.* Муқимий. *Пешонангга бахт битган экан, болам.* Бўйи бўйингга тенг, қоши-кўзи сурма қўйгандек қопқора. П. Турсун, Ўқитувчи.

27 Бирор усулда, бирор восита билан урмоқ, туширмоқ, солмоқ. *Шапалоқ (тарсаки) билан қўйиб юбормоқ. Мушт қўймоқ.*

28 Бирор белги, ишора туширмоқ, *Сўроқ аломати қўймоқ. Икки нуқта қўймоқ. Қўл қўймоқ.*

29 Бирор ҳолатда тутмоқ, қолдирмоқ. *Бировни ёлғиз қўймоқ. Тинч қўймоқ. Бўш қўймоқ. Эркин қўймоқ. Хали қўймоқ.* ■ *Мана Йўлчибой. Тоғни урса, толқон қиладиған йигит. Қизимизни оч-яланғоч қўймасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

30 (ж.к. билан) Дучор қилмоқ, йўлиқтирмоқ; қолдирмоқ. *Ташвишга қўймоқ. Унтга қўймоқ. Хижалатга қўймоқ.* ■ *Ўзим бир балодан зўрға қутулдим-у, домла мени яна балога қўймоқчи.* А. Қаҳҳор, Сароб.

31 (ч.к. билан) Бирор мақсад, иш-ҳаракат ва ш.к. дан қолдирмоқ. *Йўлдан қўймоқ. Машқдан қўймоқ. Чумилишдан қўймоқ. Ўйиндан қўймоқ.* ■ *Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, у икки-уч минутда воқеани сўзлаб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишдан қўйиб, курортга олиб кетаётганинг нимаси?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

32 Баъзи отларга бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас., *бино қўймоқ, ихлос қўймоқ, йўл қўймоқ, кўнгул қўймоқ, меҳр қўймоқ, танда қўймоқ, шарт қўймоқ, ўт қўймоқ, қадам қўймоқ.*

33 кўм. фл. өзф. Етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ турли грамматик маъноларни ифодалайди. *Айтиб қўй. Билдириб қўй. Йўқотиб қўйма. Қараб қўйди. Кулиб қўйди. Айт-қўй. Келмайман-қўйман* ва ш.к. ■ *Уста Баҳром томоғини қириб, секин йўталиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йўлакда турган Ўзбек ойим дарвозадан мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эргаш ишни чатоқ қилиб қўйди-да.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

34 Бўлишсиз феълдан кейин бўлишсиз шаклда келиб, биринчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилмай қолмаслигини билдиради. *Мажлисларда, хусусий суҳбатларда қоридан сўз очган ҳар бир киши «Канизак билан Сидиқжон можжароси»ни айтмасдан қўймас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бу чечак қирлари ўз бағрида сузиб борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Бир ёстиққа бош қўймоқ қ. ёстик. Бўйнига қўймоқ қ. бўйин I. Гапни (ёки маслаҳатни) бир жойга қўймоқ қ. гап I. Отимни бошқа кўяман қ. от II. Тишини тишига қўймоқ қ. тиш I. Юзига оёқ қўймоқ қ. оёқ I. Ўзини қаерга қўйишни билмай Нима қиларини билмай қаттиқ изтироб чекиб, тоқатсизланиб. *Қўйинг, йиғламанг, амакингизининг феъли ўзингизга маълум. Сизни эслаганда, ўзини қаёққа қўйишни билмай, хуноб бўлиб юргувчи эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўзини қўйгани жой тополмай айн. ўзини қаерга қўйишни билмай. Фуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати кўзгаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўзини қўймоқ Эркинлик ҳис этиб, яйраб-ёзилган ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатда ривожланмоқ, униб ўсмоқ. Ҳали совуқдан қисилиб-бужмайган гавдалар энди ўзини қўйди, яйради. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳол-жонига қўймай (ёки қўймасдан) қ. ҳол-жон.*

ҚҲЙПЕЧАК Печакгулларга мансуб, сугориладиган ерларда, адирларда ўсадиган, қўй-мол ейдиган бир йиллик ёввойи чирмовуқ ўт.

ҚҲЙТИКАН Мураккабгулдошларга мансуб, мевасининг усти майда тиканчалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда гўза қўйтикани ва оддий қўйтикан турлари учрайди. «ЎЗМЭ».

ҚҲЙФУРУШ Қўй олиб-сотувчи савдогар, қўйжаллоб. *Бозор касод.. қўйфуруш, асп-жаллоб, молфурушлар бўлса чўнтагига қўл урмайди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

ҚҲЙХОНА Қўй боқиш учун белгиланган бино, жой; қўра.

ҚҲЙЧИ I Қўй асраб кўпайтириш ва қўй савдоси билан шуғулланувчи. *Қарқарага қатновчи бир қўйчи бой [Ўрозни] йилига саккиз*

сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган. Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. Қўй боқувчи чўпон; қўйчивон.

ҚҲЙЧИВОН I айн. қўйчи **2.** *Қўйчивон кўй бўлса, қўй ҳаром ўлар. Мақол.*

2 Қўйчилик соҳасида ишловчи, қўй боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи чорвадор.

ҚҲЙЧИЛИК Чорвачиликнинг қўйларни урчитиш, кўпайтириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Қўйчиликни ривожлантириш. Қўйчилик фермаси. Қўйчилик мутахассиси.*

ҚҲЛ I Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, аъзоси. *Бақувват қўллар. Қўлни олдинга чўзмоқ. Икки қўлни юқори кўтармоқ. Қўл кучи. Бош қашигани ҳам қўлим тегмайди. ■ Йўлчи.. иккинчи қўли билан Қора Аҳмаднинг бир қўлини орқага қайирди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Шу аъзонинг билакдан бармоқлар учигача бўлган қисми; панжа. *Қўл билан силамоқ. Қўл билан ушламоқ. ■ Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қози домла қўлларини ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Иш-меҳнат бажарувчи аъзо (восита) сифатида. *Қўлим банд. ■ Мен бу мол-дунёни, ер-сувни қўлим билан топган эмасман, ақлим билан топганман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Отабек билан бирга Тошкент тушиб, ўз қўллари билан тўйимизни ўтказишингизга ишониб Юсуфбек ҳожи. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Қўли тегмайди Бирор ишни бажаришга вақти йўқ; қўли банд, иш билан банд.

4 с.т. Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Қўйнинг қўли ва сони. Қўл гўшти.*

5 с.т. Бармоқ. *Урта қўл. Беш қўл барабар эмас. Мақол.*

Икки қўлини бурнига суқиб (ёки тиқиб) қ. бурун I.

6 Ҳар кимнинг ўзига хос ёзув усули, услуби, ёзуви, хати ва унинг ифодаси. *Қутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: -Виждонсиз, иблис, - деб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Низомиддинов:] Хат билмайдиган оғзаки гувоҳлар ҳам бор, ёзиб берай десам, ҳамма аризалар бир одамнинг қўли билан ёзилган, деган шубҳа бўлмасин.. С. Аҳмад, Ҳукм.*

7 Имзо. Дололатномага қўл қўймоқ. *Шартномага қўл қўймоқ.* ■ *Хўжабеклов — раис, Саидғози.. бир кичкина одам.. Барча хужжатларда Хўжабековнинг қўли.* С. Анорбоев, Оқсой. *Омборчи: — Бўта қўл қўймаган қогозни қогоз демайман, — деб катта кетворди.* С. Аҳмад, Хукм.

8 Ҳар кимнинг ўзига хос иш усули, услуби, иши, хатти-ҳаракати; шуни акс эттирувчи ифода. *Ҳовлини ўраб турган деворлар ҳам янгидан урилган, ичкарисидан ҳаммаси ганч билан сувалган. Ҳамма ёқда акасининг қўли кўринади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

9 Имкон, имконият.

Қаёққа қўл узатса етади Имкониятга эга, имконияти катта. *Қўли баланд айн. қўли узун. Қўли калта (ёки қисқа)* Имконияти кам, чекланган, қурби етмайдиган. *[Дадажон ака:] Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос. *Қўли узун* Ҳар қандай нарсага етишиш, эришиш имкони бор, шундай қудратга эга. *Унинг қўли узун эди, давлатнинг бир қисмини دادасидан, укасидан яширин ишлатиб, холис ўзига қарашли катта бир бойлик орттирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўлидан келяди* Бирор ишни амалга ошириш учун имконияти, ҳуқуқи бор, куч-қуввати етади, бирор ишни қила, бажара олади. *У [Нури] жуда дадил ва айёр қиз. Унинг қўлидан ҳар қандай иш келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 (3-ш. эгалик ҳамда ж.к. ва ў.-п. к. шаклида кўм. ваз.: қўлига, қўлида) Ихтиёрига, измига; ихтиёрида, измида. *Киши ҳурмати ўз қўлида.* Мақол. ■ *[Кумуш] Бу уйдан чиқиб кетишни, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлига топшириб қўйишни яна мувофиқ кўрмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Агарда хон кўтариш менинг қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Беш қўлини оғзига урмоқ (ёки тикмоқ) қ. беш 1. *Гаҳ деса (ёки деганда) қўлга қўнадиган қилиб олмоқ қ. гаҳ. Ёлғиз (ёки якка) қўл қ. ёлғизқўл. Кўнглига (ёки юрагига, кўксига, қўлтиғига, қўйнига) қўл солиб кўрмоқ* Бировнинг фикри ёки ички сирини билиш мақсадида турли гаплар айтмоқ, шу мақсадда гапга солмоқ. *Ўктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Оёғи*

олти(та), қўли етти(та) қ. оёқ 1. Оёғини қўлга олиб қ. оёқ 1. Чап (ёки сўл) қўл Чап томон; чап, сўл. *Чап қўлга юрмоқ. Чап қўлдаги кўча. Ўнг қўл 1) ўнг томон; ўнг. Ўнг қўлга бурилмоқ. Ўнг қўлдаги уй. Ўнг қўлдан машина келиб қолди.* ■ *— Қаёққа юрамиз, — деди Сидиқжон қайрилиб, унинг қўлига қараб. — Ўнг қўлга, — деди хотин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) энг яқин, ишончли ёрдамчи. *Бу киши Азизбекнинг амири лашкари ва ўнг қўли бўлган Райимбек додхоҳ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўл бермоқ* Бировга ихлос қўймоқ, уни пир деб танимоқ. *Бир кун Марғилондан бир эшон келди. Бойимиз ўша кишига қўл берган экан, яъни ўша кишининг муриди экан.* И. Раҳим, Ихлос. *Қўл келмоқ* Қулай, мос, кўнгиладигек бўлиб тушмоқ. *Ерни бегона ўтлардан тозалашда қўл келадиган асбоб.* ■ *Далабон қаттиқ тринкадан беш-олти метр оламан. Уларга жудаям қўл келади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Қўл кўтармоқ 1) розилик, хоҳиш ёки овоз бериш ишораси сифатида қўлини юқорига кўтармоқ. «Кимда-ким Нуъмон ҳожиди Қаландаров.. бу ердан бадарға қилинсин деса, қўлини кўтарсин. Ҳамма баравар қўл кўтарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) таслим бўлмоқ. *Кушовга олинган душман қисмлари қаршиликни тўхтатиб, қўл кўтардилар;* 3) кўчма бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ. *Нега соҳибкорга қўл кўтардинг? Кучингни қаерга қўйишни билмаясанми?* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қўл силтамоқ қ. силтамоқ. Қўл тегизмоқ (ёки урмоқ) 1) фақат бўлишсиз шаклда: қўл тегизмаслик* Ҳатто истеъмол учун олмаслик. *Овқатга ҳеч ким қўл урмади;* 2) бирор ишга киришмоқ, тутинмоқ, уринмоқ. *У [Муҳаммад] қайси ишга қўл урса, уни удалай олар.. эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Қўл учида ёки қўл учи билан 1) астойдил эмас, истаристамас; шунчаки, юзаки. Доктор уни қўл учидагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У [Холмат] Тўрахоновдан ҳақиқий ёрдам кутган.. Фақат баландпарвоз сўзлар эшитди ва [тўғонни] пала-партиш, қўл учида қуришга давват қилинди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин; 2) қийинчилик билан, зўрға, аранг. *Бу қандай гап ахир, ўзим қўл учида тирикчилик қиламан-у, сенинг учун шу кунимдан ҳам айрилайми?* Ҳ. Шамс,

Оқпадар. **Қул ювмоқ** айн. қўлни ювиб, қўлтиққа тикмоқ (ёки урмоқ). **Қўлга олмоқ** 1) пора бериш, алдаш ва ш.к. йўллар билан ўзига мойил қилмоқ. *Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин?* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ушлаб, тутиб олмоқ, асир олмоқ, банди қилмоқ, қамамоқ. *Мухторхонни Афғонистон чегарасида қўлга олибдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қўлга тушмоқ** 1) айби, жиноий иши ошкор бўлиб тутилмоқ. *Гап тарқади: биров тилмоч Ҳоким тўранинг хотини билан қўлга тушиб қопти, деса, яна биров тилмоч Ҳоким тўранинг қоровули билан қўлга тушиб қопти, деярд эди.* С. Аҳмад, Хукм; 2) фириб ёмоқ, *Қўлга тушибсан, сени роса лақиллатишибди.* **Қўли бормаиди** Истаги, хоҳиши йўқ; ҳафсаласи йўқ. *Тутни кесишга қўлим бормаяпти.* — **Мол кетди** — жон кетди, ишга ҳам қўлим бормаиди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қўли очик** ёки **очик қул** Ҳеч нарсани аямайдиган, сахий. *Қўли очикнинг йўли очик.* Мақол. **Қўли эгри** Ўғри. **Қўли юпқа** Камбағал, қашшоқ. *Уша кунлари Малоҳат ая яшаётган қишлоқдан етмиш чақирим нарида қўли юпқароқ бир қишининг хонадонига олов тутушиб ёниб кетибди.* Газетадан. **Қўли қичиди** қ. **қичимоқ**. **Қўли қўлига тегмаслик** Ниҳоятда тез, чаққон ҳаракат қилмоқ, тез ишламоқ. **Қўлини совуқ сувга урмаиди** Ҳеч иш қилмайди. *Нусратилла рўзгорда қўлини совуқ сувга урмаиди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қўлни бигиз қилмоқ** айн. бармоқни бигиз қилмоқ қ. **бармоқ** 1. **Қўлни ювиб, қўлтиққа тикмоқ** (ёки урмоқ) Бирор нарсдан ҳафсаласи пир бўлиб, ихлоси қайтиб, уни тарк этмоқ, ундан юз ўғирмоқ, воз кечмоқ, қайтмоқ. *Баъзилари ғайратлари бекорга кетаётганини кўриб, қўлларини ювиб, қўлтиққа урдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Қўлни қўлга бермоқ** Бирор соҳада баҳамжиҳат бўлмоқ, ўзаро бирлашмоқ. *Қўлни қўлга бериб ишламоқ.* — **Қадрдон далалар, меҳнат тонгида** Қўлни қўлга берар икки бахтли ёш. Ғайратий. **Ҳаром қўл** Бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, нопок (одам ҳақида). *Қаердаки ҳаром қўл бор, у ерда баракат йўқ.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚўЛАНСА 1 Ёқимсиз ҳид тарқатадиган; сассиқ, бадбўй. *Қўланса ҳид.* — **Мингбоши яқтак барларини очиб ташлаб, елпина**

бошлади. Семиз баданидан қўланса тер ҳиди анқир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **Бадбўй ҳид.** *Йўлчи қуруқ наमतга ётиб, устига кўрпача ёпди. Кўрпачадан зах ҳиди билан от шиптирининг қўлансаси димоққа урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 **Бадбўй ҳидли.** *Бу хона ҳам нимқоронғи ва қўланса эди.* «Ёшлик».

4 **қўйма** Қўпол; ёқимсиз (гап, муомала ҳақида). *Мунча ҳам қўланса одам экансиз. Дўқини қаранг-а!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Юрса ҳам, турса ҳам, хаёлида унинг [Қодиркулнинг] қўланса гапи.* А. Муҳиддин, Инсон қалби отапи.

ҚўЛАНСИМОҚ кам қўл. Қўланса ҳид тарқатмоқ, сасимоқ. *Ҳар хил миллат матрослари.. ишратхоналар сассиғи билан қўлансиб ётган Истамбулда кун сайин разолат тубига чўкиб борарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚўЛАНТАЁҚ рвш. Оёққа пайтава ўрамасдан ёки пайпоқ киймасдан. *У шошилиб этигини қўлантаёқ кийиб чиққан экан, уйнинг орқасига ўтмаёқ оёғи совуқ еди.* «Гулдаста».

ҚўЛБОЛА 1 Қўлда қилинган, тайёрланган. *Махсум тегирмон паррагига қўлбола динамосини қўндириб, ундан чойхона сўрисига.. чинор шоҳига сим тортиб, лампочка шлди.* С. Аҳмад, Хукм. *Олма тагидаги қўлбола курсига бориб ўтирдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳафсала билан (ўз қўли билан) тайёрланган, пиширилган. *Бугун стипендия олишгани учун икки ўртоқ қўлбола ош қилишмоқчи бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚўЛБОҒ Болани (чақалоқни) бешикка белашда икки қўлини ёнига қилиб, биллаклари ва қорин устидан тортиб боғланадиган энли боғич. *Қўлбоғларим тортасан зич, Қон юришмас жисмимда ҳеч, Қолдим қуриб худди хивич..* «Муштум». *Бизнинг қўлбоғ, гаврапўш, сумак, тувак ҳам қовуслик бешик..* Чустий.

ҚўЛДОШ 1 Ҳар ишда бирга бўлувчи, ёрдам қўлини чўзувчи; кўмакдош. *Яхши билан бўлсанг йўлдош, оғир ишинга у қўлдош* Мақол. — **Бу ерда унинг қўлдошлари** — *Онахон, Ҳожияхон, Рузвон хола сингари кўмакчилари бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қўлдош (эркаклар исми).

ҚҮЛЁЗМА I Илмий, бадиий, тарихий ва ш.к. асарнинг қулда ёзилган ёки ёзув машинкасида ёзилган, компьютерда кўчирилган матн, нусхаси. *Ниҳоят, Йигитали ионнинг бошларида тугатган қўлёмасини раҳбари олдиға олиб бориб, ўқиб бериб, домлани хурсанд қилди. Д. Нурий, Осмон устунни. Машиҳур хаттотлар катта пуллар эвазига кўчирган.. бу қўлёмза китобларнинг ҳар бири неча динор туришини.. Қосимбек ҳам билар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 Қўлда ёзилиб, китоб шаклиға келтирилган асар; ёзма ёдгорлик (19-аср ўрталаригача, яъни матбаачилик пайдо бўлгунча).

3 Ноширликда: муаллиф томонидан нашриётта тақдим этилган матн. *Санобар машинкасида Алихоннинг қўлёмасини кўчириб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.*

ҚҮЛЛАБ I **Қўлламоқ** фл. рвдш. *Фаолияти давомида шу усулни қўллаб, яхши натижаларға эришди.*

2 рвш. (бир ёки икки сўзи билан: **бир қўллаб, икки қўллаб**) Қўлини ишға солиб, қўли билан. *Мақсуда лампани кўтариб, уйға кирди-да, қозиқда илиғлиқ турган камзулининг чўнтағидан буклоғлик хатни олиб, бир қўллаб силтади. С. Зуннунова, Олов. Домла Ниёз ёрлиғини тугатиб, қозоғзни манлайиға кўтарди ва икки қўллаб Худоёрға узатди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

Икки (ёки қўш) қўллаб Мамнуният билан, жон деб. *Турдивой халфа.. шу жойини «икки қўллаб инғом қилгани» тўғрисида маълумот берди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚ айн. **қувватламоқ** I. *Маданият ва санъат мутасаддилари, бу ишға маъсул этиб тайинланганлар ва ҳомийлар бадиий ҳаваскорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётган жойларда иш кўнгишдағидай бормоқда. Газетадан.*

ҚҮЛЛАБ-ҚҮЛТИҚЛАМОҚ айн. **қўллаб-қувватламоқ**.

ҚҮЛЛАМОҚ I Ёқламоқ, қувватламоқ, ёрдам, кўмак, мадад бермоқ. *Ҳақ ишини халқ қўллар. Мақол. ■ Аёллар ўтмишдан ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган. Уларни хурмат қилишимиз, қўлашимиз, суяшимиз керак. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Татбиқ этмоқ, ишлатмоқ. *Ишда янги методларни қўлламоқ. Сугоришининг янги системасини қўлламоқ. ■ [Салимбойвачча] Аттормлик растасида.. заҳар сотиб оларкан, буни қачон ва қандай қўллашни асло ўйлагани йўқ эди. Ойбек, Танланган асарлар. Жавод Кўчиев унумсиз ерларда «Малик»даги тажрибаларини қўллади. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ҚҮЛЛАНМА Бирор иш, ўқиш, ўқишида фойдаланиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ёзма манба. *Ўртоқ Мўминовнинг диалектик материализм бўйича қилган ишлари ва бу соҳада биринчи бўлиб ўзбек тилида ёрдамчи қўлланма ёзганлиғи ҳам маълум. «ЎТА». То шу кунгача олий ўқув юрталарининг филология факультетлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсидан мақбул бир қўлланма йўқ эди. «ЎТА».*

ҚҮЛЛАШМОҚ I **Қўлламоқ** фл. бирг. н. *Хўжа уруғлари «ўз авлодимиз» дейишиб, Тожибойни қўллашади. П. Турсун, Ўқитувчи. Улар бир-бирларини қўллашади: ясовулбошини — қозикалон, қозикалонни — хон. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Бир-бирининг қўлини ушлаб, қоп ва ш.к. нинг белидан олиб, иккинчи бўш қўли билан остидан ушлаб кўтармоқ. *Қопларни қўллашиб, машинаға ортмоқ. ■ Эркабой ва мўйловдор йигит қўллашиб, Саиднинг елкасига харсангтош қўйишди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.*

ҚҮЛЛИ Қўли бўлган, қўли бор. *Бир қўлли одам.*

Ёлғиз қўлли Ёрдамчиси, дастёри йўқ. **Қаттиқ қўлли** Қарамоғидаги одамларни қаттиқ ушлайдиган, талабчан. *Қаттиқ қўлли раҳбар. ■ [Ўқтам] Кўринишда ювош, юмшоқ, лекин чоғи келганда ғоят.. қаттиқ қўлли, иродали экани сезилган секретарға, жуда яқин одамдек, сирдошдек, узоқ тикилди. Ойбек, О.в. шабадалар. Қўлли бўлмоқ* Эғали бўлмоқ, қўлма-қўл бўлиб кетмоқ. *Китоб қўлли бўлиб кетганға ўхшайди.*

ҚҮЛЛИ-ОЁҚЛИ айн. **қўл-оёқли**. *Кексалар тили билан айтганда, Қизлархон қўлли-оёқли қиз бўлиб, уй ишини ҳам, ўқишини ҳам баравар уддалайди. И. Раҳим, Зантори кема капитани.*

ҚҮЛМА-ҚҮЛ рвш. I Бир одам қўлидан бошқаси қўлиға. *Юзлаб кишилар қўлма-қўл челақ узатиб, майдон ўртасидаги ҳовуздан*

олинган сув билан китоб хонасига тушган ўтни ўчиришга уринар эдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 Бир кишидан бошқа кишига, бир кишининг ихтиёридан бошқа киши ихтиёрига. *Китоб қўлма-қўл бўлиб кетди.* ■ «Иштирокиюн»нинг шу бир нусхаси.. *ката-кичик тоғ қишлоқлари буйлаб қўлма-қўл юрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қўлма-қўл юрувчи бу ўйинчоқ қизингиз ким-у, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатган ким?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎЛ-ОЁҚ 1 Қўл ва оёқ(лар). *Қўл-оёғим бутун.*

2 *кўчма кам қўл.* Дастёр. *Семиз одам мўйсафиднинг гапини маъқуллади: -Зарари тегса, бир бурда нон билан ярим коса ошга тегади. Бундай болалар бир хонадонга қўл-оёқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎЛ-ОЁҚЛИ Ҳар қандай ишни тез ва чаққон бажарадиган, оёқ-қўли чаққон; эпчил. *Мана, мен ҳам қўл-оёқли келинимдан ажраб ўтирибман-ку. Ажалга даво йўқ, бону.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

ҚЎЛСИЗ 1 Қўли йўқ. -*Оёқсиз, қўлсиз қолса ҳам майли эди, - деди Ҳошимжон йиғлаб ва укасининг қони суртилган милтиққа тикиларкан.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қўли ишламайдиган, шол. *У қўлсиз бўлиб ётибди.*

3 *кўчма кам қўл.* Ёрдамчисиз, дастёрсиз.

ҚЎЛТИҚ 1 1 Қўлнинг елка билан туташган ерида ҳосил бўлган бурчак, қўл ости. *Қўлтиғи терлайдиган одам. Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас.* Мақол. ■ *Қиз сумкасини қўлтиғига суқиб, ичкаридан чиқди.* С. Аҳмад, Мўтти. *У далани айланганда, қўлтиғидан эки сариқ чарм напкасини қўймасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кейин ўғлининг қўлтиғидан олиб, бир четга тортди: -Булар билан тенг бўлманг, ўғлим.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Мен дарров қўлтиғидан кўтариб, устидаги чанг-тўзонларни қоққан бўлдим.* Ойдин, Болалик уйда гийбат йўқ.

2 Кийимнинг шу жойга тўғри келади-ган, шу жойни беркитиб турадиган қисми. *Кўйлакнинг қўлтиғи. Пальтонинг қўлтиғи. Туннинг қўлтиғи сўклибди.*

Қўлтиғига кирмоқ 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Касал бўлиб қолсам, ни-*

ма бўлади?.. Қўлтиғимга ким киради? Акам бўлмаса, укам бўлмаса. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бировнинг ишончини қозониб, унинг пинжига кирмоқ. [*Олахўжа:*] *Энди, бу билан ҳазил қилма, каттароғини «ака» де, қўлтиғига кир, кичикроғини «ука» де, деб ўргатадиган бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўлтиғига сув пуркамоқ** Бировга қарши оёқлантирмоқ, гижгижламоқ. *Эшоннинг хотинини кимдир тезлаятти, кимлардир қўлтиғига сув пуркаятти.* С. Аҳмад, Хукм. **Қўлтиғидан кўтармоқ (ёки суямоқ)** Қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Тағин мен, Бобоқулнинг ўғли, қўлтиғидан суйдиган азамат бўлиб қолибди, деб қувониб юрибман-а!* С. Анорбоев, Оқсой. **Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ қ. тарвуз.**

ҚЎЛТИҚ 2 *геогр.* Океан, денгиз ва қўлларнинг қуруқлик ичкарасига кириб турган ва асосий ҳавза билан сув алмашиб турадиган қисми; кўрфаз.

ҚЎЛТИҚБАРДОР 1 *кам қўл.* Ногирон, бетоб ёки шикаст топган кишини қўлтиқлаб, суяб олган киши.

2 *кўчма* Ёрдамчи, қўллаб-қувватловчи одам. *Бу кишининг қўлтиқбардорлари бир қишлоқи муллавачча эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚЎЛТИҚЛАМОҚ 1 Қўлтиғига қисиб тутмоқ, қўлтиғига жойлаб кўтармоқ, қўлтиққа урмоқ. *Роҳила плакатларни қўлтиқлаб, секин нари кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Базорон тугунчасини қўлтиқлаб, тебраниб, машинага интилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирга юриш ёки суяб ёрдам бериш мақсадида бировнинг қўлтиғидан, юқори билагидан тутмоқ. *Фотима билан Сора рус тилидан таълим берган Антонина Анатольевнани икки томондан қўлтиқлаб, энг олдинда, жадал борадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Йўлчи*] *Чиройли саман отнинг жилловини тутиб, эгасини қўлтиқлаб, ерга туширди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабала уни қўлтиқлаб кутардилар.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *кўчма* Моддий ёки маънавий ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, қўллаб-қувватламоқ.

Ўпкасини қўлтиқламоқ қ. ўпка 1.

ҚЎЛТИҚЛАТМОҚ **Қўлтиқламоқ 1, 2** фл. орт. н. *Худайчи бир йиғитга тўн қўлтиқлатиб.. мудофелар ёнига чиқди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Менга чўтни қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрдим.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ҚЎЛТИҚЛАШМОҚ Қўлтиқламоқ фл. бирг. н. *Беморни қўлтиқлашиб турғизишди. Қўлтиқлашиб юрмоқ.*

ҚЎЛТИҚТАЁҚ 1 Оёғи хаста ёки ногирон кишилар қўлтиғига тираб, таяниб юрадиган, юқори қисми қўлтиққа қўйиш учун мосланган махсус ҳасса. *Қўлтиқтаёқ билан юрмоқ.* ■ *Икромжон.. судралиб бориб, қўлтиқтаёғини олди-да, чайқала-чайқала олдинга кетаверди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 кўчма Суянчиқ, таянчиқ; ҳимоячи. *Бировга қўлтиқтаёқ бўлмоқ.*

ҚЎЛТИҚТУМОР Заргарлик буюми; аёлларнинг елкадан ошириб, қўлтиқ остидан ўтказиб тақиладиган тақинчоғи.

ҚЎЛҚАНОТ фольк. Айрилмас дўст, биродар. *Алпомиш айтди: -Дўстим Шомурот. Икковимиз фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин, бирови ўғил, бирови қиз бўлса, қуда бўламиз.* «Ёлдор».

ҚЎЛҚОП 1 Қўлни совуқдан, кир бўлишдан, зарарланишдан сақлаш учун қўлга кийиладиган буюм. *Чарм қўлқоп. Қўлқоп тўқимоқ.* ■ *Онахон эри.. Собиржоннинг қорамойга ботиб, ярқираб кетган қўлқопи билан шимини гўё роҳат қилиб ювар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 срт. Бокс тушганда, қўлга кийиб олиннадиган махсус буюм. *Тренер менга қўлқоп бераётиб: -Юрагингни сақла! - деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚЎМ Туяга, от-уловга юк ортиш учун кигизни ўраб ва икки буклаб боғлаб, эгар ўрнига уриладиган мослама.

ҚЎМИТА [«комитет» с. га қаранг] **1** Махсус тадбирларни ўтказиш ёки бирон-бир соҳага раҳбарликни амалга ошириш учун тузиладиган давлат органи (қ. **комитет 1**). *Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси.* ■ *Унда [мажлисда] лойиҳа иштирокчилари, тегишли вазирилик, идора, қўмитта ва нодавлат ташкилотларнинг масъул ходимлари қатнашди.* Газетадан. *Кенгаш аъзолари.. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркиби тўғрисидаги тақлифларни тингладилар..* Газетадан.

2 Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б. да сайлаб қўйиладиган коллегиял раҳбар орган (қ. **комитет 2**). *Партия*

марказий қўмитаси. Касаба уюммаси қўмитаси.

ҚЎМИҚЛАР Доғистон Республикасида яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ, қўмиқ халқи.

ҚЎМЛАМОҚ Туяга қўм, эгар урмоқ, туяни эгарламоқ.

От отлаб, туя қўмлаб Катта қийинчиликлар билан, зўрга, аранг. *Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмишда, бир ойга турмай кет эмиш!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎМОНДОН [«комендант» с. га қаранг] **1** Йирик ҳарбий қисм ёки қўшин бошлиғи, командири. *Бош қўмондон.* ■ *Чернецов армия қўмондони генерал-лейтенант Подгодиннинг штаб-квартирасига Юрьевдан кейин кирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Подшо Кимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўнг ёнидан жой ҳадя қилди.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан.

2 эск. Умуман, ҳар қандай командир.

ҚЎМОНДОНЛИК 1 Қўмондон иши, вазифаси. *Қўмондонлик қилмоқ.*

2 Қўшинга раҳбарлик қилувчи орган ва ундаги кишилар мажмуи. *Немис қўмондонлиги артиллерия ва авиация ҳужумидан кейин танкларни ишга солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Краснов] *Бундан кейинги ҳаракат ҳақида қўмондонлик йўл кўрсатгунча кутишга.. қарор қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚЎМСАМОҚ Бирор кимса ёки нарсани эслаб, соғиниб, уни кўришга, унга етишга орзуманд бўлмоқ, *Онани қўмсамоқ. Ватанни қўмсамоқ.* ■ *Эри билан қўлтиқлашиб ўтса барнолар, Раҳматлик чолгинамни қўмсаб йиғлайман.* Ғ. Фулом. *Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қўмсаб қоларкан.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

ҚЎМСАШ 1 Қўмсамоқ фл. ҳар. н. *Юртни қўмсаи.*

2 Ўз ватани, туғилган юрти, яқин киши ва ш.к. дан умрбод ёки вақтинча ажралган, узоқликда бўлган кишиларда юз берадиган руҳий ҳолат.

ҚЎНАЛҒА Тураржой, бошпана бўлиб хизмат қилган (қиладиган) жой; макон, манзил (яна қ. **қўним 1**, **қўнолга 2**). *Даштларда, йўл бўйларида бундай қўналғаларнинг қолдиқлари сақланиб қолганлигига кўзингиз тушгандир.* М. Сатторов, Ўзбек удумлари.

ҚҰНАРЛИ Кўнса, тўхтаб дам олса бўладиган. *Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовлилари меҳмон қўнарли бир ҳолга келтирилган. С. Айний, Қуллар.*

ҚҰНДИРИЛМОҚ Қўндирмоқ фл. мажж. н. *Самолёт ерга қўндирилди. ■ Қор куралди. ерга тахта ётқизилди, устига чодир капалар, қора уйлар қўндирилди. Ойдин. Мардлик — мангулик. Ниҳоят, шам келиб токчага қўндирилгач, уста Олим сукунатдан бош кўтариб, қутидорга қаради. А. Қодирӣ. Ўтган кунлар.*

ҚҰНДИРМОҚ I Қўнмоқ фл. орт. н. *Қушни қўлга қўндирмоқ. Самолётни ерга қўндирмоқ. У кийимига гарр қўндирмайди. ■ Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий, агарда жойи бор туриб, «жой йўқ», деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил. «Алпомиш».*

2 кўчма Киймоқ (асосан бош кийими ҳақида). *Бошига дакана қўндирмоқ. ■ Қиз силлиқ, текис ўрилган узун, кўркам, ипакдай майин қўш кокшини бир-бир қўлга олиб кўрди.. кейин янги чуст дўппини бошига қўндириб, ҳовлига чиқди. Ойбек. О.в. шабадалар.*

3 Қурмоқ, тикмоқ, тикламоқ. *Полизга капа қўндирмоқ. ■ Тахт ясаб, қўндирди пўлатдан қўрган. «Ширин билан Шакар».*

Гап қўндирмоқ Билимдонлик, маҳмадонлик қилиб, керак бўлса-бўлмаса, бирор гап айтмоқ. *Оғзингдан бир гап чиқса, у ўрни қўндиради.*

ҚҰНДОҚ I Милтиқ, автомат, қўл пулемёти ва ш.к. қуролларнинг барча қисмларини тутиб турадиган ва отганда елкага тираб туриладиган қисми. *Милтиқнинг қўндоғи. ■ Қорабоев аятомат қўндоғи билан офицернинг бошига шундай урдик, аятомат қўндоғи ҳам синиб учиб кетди. А. Раҳмат, Элик бир баҳодир.*

2 Қушлар тунаши учун ўрнатилган дор, қўноқ; умуман. қушлар қўниб дам оладиган, тунайдиган жой; қўнолға. *Бола, тонг отмай, товўқлар қўндоқларидан тушмай, яна ишга тушар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳар икки қуш ҳам овқатга қўндоқдан туриб сипоҳгарчилик билан бир кўзлаб қаради-да, юзини чиртта ўгириб олди. Ғ. Фулом, Шум бола.*

3 Кўмиш учун дасталаб боғланган ток. *Токларни қўндоқ қилмоқ.*

4 этн. Чақалоқнинг бешикка беланишгача бўлган, чарвисимон мойдан ҳали тоза бўлмаган даври ва шу даврда чақалоқ ўраладиган махсус йўрғак.

Қўндоқда теккан касал (ёки дард, феъл) Ёшлиқдан қолган одат, эски одат, азалий, эски камчилик, иллат, нуқсон. *[Тоҳир:] Бу сизга қўндоқда теккан дард! М. Бобоев, Гўзаллик истаб.*

ҚҰНДОҚЛАМОҚ I Токларни кўмиш учун дасталаб боғламоқ.

2 кам қўл. айн. йўрғакламоқ.

ҚҰНЖ Этик, маҳси ва ш.к. оёқ кийимларининг болдирни, иликни ўраб турадиган юқори қисми. *Қўнжи узун этик. Қўнжи баланд ботинка. ■ Турсунбой қизил этигининг қўнжини болдирга бурма қилиб тушириб.. олган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Қори этигининг қўнжидан дандон сопли пичоғини олиб, Урмонжонга берди. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари.*

ҚҰНЖЛИ Қўнжи бор; қўнжи узун, қўнжи баланд. *Кирза қўнжли этик. Қўнжли калиш. ■ Эски беқасам тўн, қизил қўнжли этик кийган бир йигит катта хокандозда ўчоққа чўғ келтириб солади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҚҰНИМ I Қўниш ёки туриш жойи, манзил. *Ёғин тиниб, мўйтанлар овули билан қирдаги қиётлар қўними орасига сўқмоқ йўллар тушиди. А. Мухтор. Қорақалпоқ қисаси.*

Қўним топмоқ Муқим ўрнашиб, туриб қолмоқ. *Қосим бир идорада икки-уч ой ишлаб, иккинчи идорага кирар, у ерда ҳам қўним топмай, чиқиб кетар эди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.*

2 Хатти-ҳаракатсиз, тинч ҳолат; тиним, тинчлик. *Қоҳоз раисиди қўним йўқ, машина олинг, Комилжон. Ойбек, О. в. шабадалар. Қўним йўқ капалак гўлдан гўлга қўнади. Т. Йўлдош.*

ҚҰНИМЛИК кам қўл. Қўниб, дам олиб ўтишга тўғри келадиган масофа бирлиги. *Оломон отда икки қўнимлик масофани босиб, кечга яқин хушҳаво бир манзилга тушди. Ойбек, Навоий.*

ҚҰНИМСИЗ Бир ерда узоқ, муқим тўхтамайдиган; беқарор, бардошсиз. *Қўнимсиз одам. ■ Ҳеч ким қушларнинг ичида энг қўнимсиз, беқарори читтакнинг бу қилиғи*

тўғрисида аниқ бир нарса дейлмайди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

КЎНИМСИЗЛИК Ишдан ишга, жойдан жойга кўчиб юриш; шундай хатти-ҳаракат, одат. *Кадрларнинг кўнимсизлигига барҳам бермоқ.*

КЎНИШ I Кўнмоқ фл. ҳар. н. *Буюдой қил-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган эди.. қушларнинг кўниши ёки чўқиши билан чарсиллаб синиб тушар эди.* С. Айний, Қуллар. *Уй бекаси бу ерда кўнишлари мумкинлигини самимий билдиргач, улар қандайдир иккиланиш билан бир-бирларига қарашди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

Кўниш топмоқ айн. **кўним топмоқ** қ. **кўним I.**

2 айн. кўним I. «Элга эл кўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат», деган гап бор. *Бир борайлик, танишиб, кўниш қутли бўлсин қилайлик.* «Ёлгор».

3 махс. Чорва молларни боқувдан кейин дам олдирадиган, тунатиладиган жой. *Сувонжон кечки пайт сурувни кўнишга ҳайдаб келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ой қаерда(н) кўниш берар экан Иш, ҳодиса ва ш.к. нима билан тугар экан; оқибати нима бўлар экан. *Қани, [сув] ёқалаб турайлик-чи, ой қаердан кўниш берар экан. Ойнинг қаерда кўниш беришини билмай қолдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КЎНИШМОҚ I Кўнмоқ фл. бирг. н. *Меҳмонлар қаерга кўнишди?*

2 **Жунжикмоқ.** *Фулом ака кўнишиб ўтирганича ухлаётган экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Булар кўнишиб ётган аскарлар олдига киришди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

КЎНИ-КЎШНИ Яқин атрофда яшовчи кишилар, кўшнилари (бир-бирига нисбатан). *Хушрўйга болалик чоғидаёқ уй ичи ва кўни-кўшни «шаддод» деб исм берганлар, чунки у, кимдан бўлса бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кўни-кўшни, катта-кичик оғамларга салом айтинг.* Ҳамза. *Олапарнинг ҳайбатидан.. Миржалол қуруқнинг қўрғонига, ҳатто кўни-кўшниларикига ҳам гадоёй келмас эди.* Ф. Фулом, Тирилган мурда.

КЎНИ-КЎШНИЧИЛИК Кўни-кўшнилари узаро борди-келди муносабатлари; кўшничилик. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларда ҳам кўни-кўшничилик, ҳамсаячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

КЎНМОҚ I Учишдан тўхтаб, ерга ёки бирор нарсага ўтирмоқ, тушмоқ. *Қуш дарахтга кўнди. Вертолёт далага кўнди. Космик кема Ойга кўнди. Парашютчи белгиланган жойга аниқ кўнди. Қуш қаноти билан учиб, қўйруғи билан кўнар.* Мақол. ■ *Ана, қоқди қанотин булбул, Келиб кўнди чиройли гулга.* И. Муслим. *Ҳаво жангида қаттиқ шикаст еган немис самолёти, нима бўлди-ю, шу ғарамдан йиғирма-ўттиз метр нарига келиб кўнди.* А. Қаҳҳор. *Олтин юлдуз.*

2 **кўчма** Бирор нарсанинг устига келиб тушмоқ, ўрнашмоқ; инмоқ (юқоридан тушадиган ёки ҳавода ҳаракат қиладиган нарсалар ҳақида). [*Самолёт*] *Ўтиши биланоқ, қаноти остидан шовуллаб қўйган «ёмғир» гўзалар баргига шудрингдай кўна бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У [Ражаб] Ҳасан овчини кўриши билан шошиб, оёқ-қўларини қоқди, киприқларига кўнган гардларни енглари билан артди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Сафарда дам олиш, тунани ёки вақтинча истиқомат қилиш учун бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойга тушмоқ, ўрнашмоқ. *Меҳмонлар қаерга кўндилар?* ■ *Бугун бизга [бизниқига] кўниб борадилар-да. Қовун нишиб қолди, қовун сайли қиламиз.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Бу саройга турли мамлакатлардан келган савдогарлар кўнар, чит, чой ва ипак моллар ҳаммаси шу ерга келиб тушарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳусайн Бойқаро Балхда амир Арғун деганининг «Чаҳор боғи»га кўнди.* Ойбек, Навоий.

4 Тунни бирор жойда ўтказмоқ, тунамоқ. *Йўлда тўрт кўниб келдик.* ■ *Бек шу кеча бу ерда кўнибдилар, ўтган кеча Қораконникида эдилар.* С. Айний, Қуллар.

Оқшом кўнди Кеч кирди, қоронғи тушди.

КЎНОЛҒА I Қушлар кўниб дам оладиган, тунайидиган жой; кўндоқ. *Уча-уча ҳолдан тойган лочин қанотларини йиғиштирди-ю, кўнолғага келиб кўнди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Сафардагилар тўхтаб (кўниб) дам оладиган жой. *Ҳаддан ташқари ҳорган ахта ҳам иссиқ кўнолғага яқинлашганини сезди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Битта кўнолғага ўтирдик ҳорғин, Юраклар музлаган қўллардай турғун.* М. Шайхзода.

3 Умуман, бошпана, пана жой. *Олапар бошқа ёввойи ҳайвонлардан фарқли, кўнол-*

ғасига емиш кўтариб келишни билмас эди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КЎНОҚ I Кўнғирбошлар оиласига мансуб, дони тариқдан кўра майдароқ, бошоқли бир йиллик ўсимлик; ғалла ва ем-хашак экини.

КЎНОҚ II I Бирор жойга, бирор кимсанинг уйига кўнган, тушган йўловчи, сайёҳ; меҳмон. *Инсон кўноқ бўлар Ойга, Зухрага, Х. Расул. Опа, сиз паловга уннанг. Тоға, сен Эъзозхонни болалари билан олиб кел, кўноқ бўлиб кетсин. Ҳ. Фулом, Машъал.*

2 Қушлар кўнадиган дор: кўноқ. *Кун ботган, товуқлар кўноққа чиқди.*

КЎНОҚЛАМОҚ I Тунаш ёки дам олиш учун кўноққа чиқмоқ, кўнмоқ. *Қорайган том бўғотларида кўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш билан чирқиллашди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Сафарда бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойда тунамоқ; бирор жойга тушмоқ. *Ўтмишида аجدодларимиз дуч келган жойда кўноқлашиб, яшаб кетаверганлар. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.*

КЎНОҚЛИК I Кўноққа ярарли, кўноқбоп (қ. кўноқ II 2). *Бу ёғич кўноқликка ярамайди.*

КЎНОҚЛИК II Кўноқдаги, кўноқ бўлиб турган жойдаги вазият, ҳолат, ҳаёт (қ. кўноқ II 1). *Нима қилай, ота-онадан ортиқ бир меҳрибоннинг уйида бўлганим учун, кўноқлик андишаси йўлимни тўсади. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

КЎНОҚХОНА эск. айн. меҳмонхона.

КЎНОҚЧИ эск. Ўз уйига кўноқ, меҳмон кўювчи одам.

КЎНҚАЙМОҚ с.т. Дўмпайиб, хунук кўриниб турмоқ; беўхшов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, кўққаймоқ. *Бобомурод[нинг].. меҳмонхонаси тўрида қишлоқ имоми кўнқайиб ўтирган эди. С. Айний, Қуллар. [Шавкатнинг] Кўнғир сочи ўсиб кетганидан, бошидаги эски чуст дўпписи тепасида кўнқайиб, уни янада кулгилироқ қилиб кўрсатади. С. Анорбоев, Гўзаллик истаб.*

КЎНҚАЙТИРМОҚ *Кўнқаймоқ* фл. орт. н. *У нонушадан сўнг чуст дўпписини кўнқайтириб, чойхонага чиқди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.*

КЎНҒИЗ Қаттиқ ҳимоя қобиғи билан қопланган ҳашаротларнинг умумий номи. *Қора кўнғиз. Тилла кўнғиз. ■ Қоронғилик*

ичидан кеча кўнғизи кўнғиллаб учиб, ўзини чироққа урди. Ойбек, Танланган асарлар.

КЎНҒИР I I Қора-сариқ рангли, тўқ малла. *Кўнғир соч. Кўнғир сизир. Кўнғир кўмир. Дала-тузни сув олса, кўнғир ғознинг тўшидан. Мақол. ■ Мирсаид кўнғир коверкот пиджагини ечиб, столнинг суянчигига ташлади. П. Қодиров, Уч илдиш. -Буниям арзи бор экан, - Нуриддин ака ёнида ийманбгина ўтирган кўнғир мўйловли йигитга ишора қилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Тўқ кулранг, қорамтир. *Тракторлар бир ҳафта кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаб турди, пахта далаларининг ҳаммаси кўнғир тусга кирди. С. Маҳқамов, Катта рўлда.*

КЎНҒИР II Кўнғирсимонлар оиласига мансуб қуш: тумшуги ўткир, оёқлари калта, бошида иккита кокил ўсиб чиққан, пати жигарранг ўрдак. *Кўнғирлар май ойларида тухум очиб, жўжаларини июндаёқ учирма қилишади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

КЎНҒИРБОШ Бошоқдошлар оиласига мансуб, қурғоқчиликка чидамли, серуруғ, сердон бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

КЎНҒИРОТ Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири, шу қабиллага мансуб кишилар. *Кўнғирот эли. ■ Булар бари кўнғирот, тотув бўлиб, бовурум, деб сени қўйнига олмаса, дарёнинг нарёғидаги офат тезроқ келади. А. Мухтор, Қорақалпоқ ҳиссаси.*

КЎНҒИРОҚ I Силкитилганда, тили деворларга урилиб садо чиқарадиган, тўнтарилган конус шаклидаги металл асбоб. *Мис кўнғироқ. Бутхона кўнғироғи. Кўнғироқ чалмоқ. Туясидан кўнғироғи қиммат. Мақол.*

■ *Бўйинларига осилган кўнғироқларни оғир жаранглашиб, туялар ўтади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Овоз чиқариб сигнал берадиган ҳар қандай мослама. *Соат кўнғироғи. ■ Холмат электр кўнғироқ кнопасини босиши билан, хона ичкарасидан ёқимли овоз эшитилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Каравот ёнидаги стол устида турган телефон кўнғироғи жириглади. М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.*

3 с.т. Телефон. *Тўхта, сен домла поччангни бу ерга киргизиб юбориб, ўзинг кўнғироқнинг олдида ўтир. Бирпасдан кейин мен кўнғироқ берман. Ҳамза, Тўхматчилар жазоси.*

Кўнғироқ қилмоқ Телефон қилмоқ, телефон орқали гаплашмоқ. *Эрталабдан кечгача, гоҳида тунлари ҳам телефон трубкасига ёпишиб олиб, тўрт тарафга кўнғироқ қилади.* Т. Адимов, Хушбичим йигит.

4 сфт. кўчма Жаранглама, ёқимли (овоз ҳақида). - *Мен сизни танимадим, — деди қиз кўнғироқ товуш билан қатғий.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Унинг кўнғироқ овозини эшитган ҳар бир киши, узоқлардан бўлса ҳам етиб келарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 сфт. кўчма Буралиб-буралиб турадиган, жингалак (соч, жун ва ш.к. ҳақида). *Сочи кўнғироқ қизча.* ■ *Халил жажжигина, истараси иссиқ, сочлари кўнғироқ, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дилкаш бир қиз билан танишди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари.

КЎНҒИРОҚГУЛ Кенг пояли, барглари тухумсимон, гулларининг шакли кўнғироқсимон, бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

КЎНҒИРОҚЛИ Кўнғироғи бўлган, кўнғироқ ўрнатилган; кўнғироқ тақилган. *Кўнғироқли соат.* *Кўнғироқли эшик.* ■ *Қишлоқ марказидаги Ёвариқ кўпригидан ҳар куни кўнғироқли туя карвонлари, турли-турли машиналар ўтиб туради.* И. Раҳим, Ихлос.

КЎПМОҚ эск. **1** Ўтирган ёки ётган жойдан турмоқ, тикка турмоқ; кўтарилмоқ. *Гўрўғлининг ўзига от тикка кўлиб даф қилади. Кунда бир сайисни ўлдирди.* «Хушкелди». *Оломон ҳайқириб чуввос соларкан, ярадор амалдор йиқила-қўпа дарахтлар орасида ғойиб бўлди.* Ойбек, Навоий. *Ғала-ғовур, бақир-чақир терак бўйи кўпган эсада.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 эск. Юзага келмоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ; кўзгалмоқ. *Арқда тўс-тўполон кўпди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ахир ногоҳ кўпган ваҳший шамоллар ўтган-ку воҳани қумларга қориб.* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. *Гўёки осмон чатнаб, қиёмат кўпгандек бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тўнғиз кўпгур (ёки гўрингда тўнғиз кўпгур) Норозилик билан қаттиқ қарғашни ифодаловчи ибора. *Даданг шу тўнғиз кўпгурнинг заводида қанча йил тер тўкди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Гўрингда тўнғиз кўпгур золим мингбоши иккита қиличдай боламни мардикорга жўнатди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

КЎПОЛ 1 Бичими келишмаган; беўхшов, бесўнақай; дағал. *Кўпол этик.* *Кўпол кийим.* ■ *Унинг тарвақайлаган кўпол, яланғоч шохлари ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига етади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тахтадан кўполгина қилиб ясалган узун столга қизил мато ёзилган.* Ҳ. Фулом, Маишгал.

2 Кишига қаттиқ тегадиган, кишини ранжитадиган; дағал, кўрс, тунд, ёқимсиз. *Кўпол муомала.* *Кўпол сўз.* *Кўпол қилиқ.* *Кўпол ҳаракат.* *Кўпол ҳазил.* *Кўпол гапирмоқ.* ■ *Раиснинг кўпол эгтирозини эшитиб турган Бекбўта, қони қайнаб кетди шекилли, ўзини тутолмай, кескин гапирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Маориф мудир Хизиров унинг [Элмуроднинг] талабига қарши, томдан тараша тушгандай, кўпол жавоб қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мен ҳам сенга эски бир мақолни айтишим мумкин эди. Лекин жуда кўпол бўлганидан, айтишига тилим бормади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Шундай белги-хусусиятга эга бўлган шахс ҳақида. *Юзбоши Абдуллабек ўлгудай кўпол одам.. бу одамни қаранглар, қандай хушфевъл.. Мирмуҳсин, Меъмор. Мени дағал десанг, тан бераман.* *Кўпол десанг, бўйнимга оламан..* Уйғун, Қалтис ҳазил.

4 Оқлаб, кечириб ёки тузатиб бўлмайдиган. *Кўпол хато.* *Бошқаларнинг ички ишларига кўпол равишда аралашши.* ■ *[Унинг] Бу кўпол гуноҳини тасодифан чиққан хайрли натижасига бағишлаш, бундан кейин шундай хато қилса, қаттиқ жазо кўришини унга тушунтириш керак.* С. Айний, Қуллар.

КЎПОЛЛАШМОҚ 1 Кўпол, бесўнақай ҳолга келмоқ. *Қалин кийиниб кўполлашмоқ.*

2 Кўпол, совуқ муомала қиладиган бўлиб қолмоқ, тўнглашмоқ, дағаллашмоқ. *Битта мен эмас, ҳатто сенинг ўзинг ҳам кўполлашиб қолдинг, ортиқча гап кўтаролмайсан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *У аввалги Малахов эмас эди, кўполлашган, муомаласи тўнг, ҳаракатида тўнглик бор.* Шухрат, Шинелли йиллар.

КЎПОЛЛИК 1 Кўпол, бесўнақай кўринишга эгалик. *Кийимнинг кўполлиги.* ■ *Ўзи хирсдай бақувват. Бир куни, «бу гавда, бу кўполлик билан айна фронтбопсиз-да!» деб қолмасманми. Қолдим балога.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Кўпол гап, муомала, бесўнақай хатти-ҳаракат ва ш.к. *У дарров узр сўради: -Кў-*

поллигим қурсин, эшикни кўққисдан очиб, чирокни ўчириб қўйдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусоффо бўлиши шарт.* Р. Усмонов, Одобнома.

ҚЎПОРИЛМОҚ **Қўпормоқ** фл. мажҳ. н. *Канал тагидан қўпоришган, кўчган сап-сарик тупроқ полвон машина панжасида ундек эланарди.* Ш. Фуломов, Азим дарёман, дебон.

ҚЎПОРМОҚ **I** Таг-туғи, томири билан суғурмоқ, ағдармоқ. *Йўлчи ернинг тош бағрини ёриб, тўнка қўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тракторлар гуруллаб-вариллаб, ёввойи жийда, чангал, туронги, тол, дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Ағдармоқ, ковламоқ; шундай ҳаракат билан бузмоқ. *Муҳиддин, Абдуваҳоблар кетмонларини соплалар-да.. қамишзорларни қўпоришга киришдилар.* «Ўзбекистон қуриқлари».

3 Таг-туғи билан йўқ қилмоқ, тутатмоқ. *Душманларни таг-томири билан қўпориб ташлашга қарор қилинди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

4 *кўчма кам қўл. айн. ўмармоқ.* *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар қўпроқ қўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎПОРУВЧИ **I** **Қўпормоқ** фл. сфлш. *Тоғ қўпоровчилар.*

2 Қўпоровчилик билан шуғулланувчи шахс (**қ. қўпоровчилик** **2**); диверсиячи, диверсант. *Шубҳасиз, бу — қўпоровчи гуруҳнинг яхши ниқобланган яширин қароргоҳи.* «Саодат».

ҚЎПОРУВЧИЛИК Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини бузиш, вайрон қилиш мақсадида амалга оширилган (ошириладиган) ишлар; қўпориш ишлари; диверсия.

2 Диверсия акти, диверсия.

ҚЎР **I** **I** Майда чўғ аралаш иссиқ кул; майда чўғ. *Қўрга кўмиб пиширилган жўхори.* ■ *Ҳовли ўртасидаги бир бузоқ билан икки кўй гўшти солинган дошқозон тагида ҳамон ўт ёнар, ўчоқ олдида тортилган кўрда эса, хизматкорлар исиниб ўтиришарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Човғумлардаги чой ичиб бў-*

линган, гулханнинг кўри сўна бошлаган. Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг тугилиши.

2 *кўчма* Қалб ҳарорати, ўт, ўғит. *Жамила холанинг табиати шунақа. Юрагидаги ёшлик кўри уни доим ишга, одамлар орасига ундайди.* Э. Носиров, Ташаккур сизга, холажон! *Қани, марҳамат, барно йигит, уйимизнинг тўри, қалбимизнинг кўри сизники.* *Ўтиринг!* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҚЎР **II** **I** Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган кераклик нарса; захира, бойлик. *Қўр қилмоқ.* ■ *Домланинг айтишича, кўр битган, бисотда ортиқча пул қолмаган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У бир подшо бўлса, унда кўру кўрхона, тўпу тўпхона, ҳарна асбоб, лашкар, оломон кўп бўлса.* «Равшан».

2 Кут, барака. *Охир пулларимиз ҳам соғурилиб, кўри ўча бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қўр тўкмоқ (*ёки ташламоқ*) **1**) кўшин тўпламоқ; лашкар тўкмоқ. *Отам сен билан урушман деб, яна кўр тўкиб ётибди, ботирлигини кўрсат!* «Муродхон». *Душманлар келибди Яман қасдига, Кўр ташлаб ётганмиш тоғнинг остига.* «Фольклор»; **2**) *радш. шаклида — кўр тўкиб* Савлат тўкиб. *Гўри Амир кўр тўкиб мағрур, Паҳлавондай менга тикилар.* М. Али. *Бошлиқ креслода ҳамон кўр тўкиб ўтирарди.* Н. Аминов, Суварак.

ҚЎРА **I** Ёғоч, шох-шабба, панжара ва ш.к. дан қилинган тўсиқ, гов, девор ва шундай девор билан ўралган жой. *Овулнинг қамиш қўралари соғурилиб кетди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қўра орқасида арава филдиракларининг ғижир-ғижир эшитилди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Шундай жойда яшайдиган кишилар бирлиги. *Турсунбой олдинда, ҳамқишлоқлари бир кўра бўлиб келишди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Асосан, қўйлар сақланадиган жой. *Демак, кўзиси бор қўйларни ажратиб, кўра атрофида боқиш лозим.* «Ёшлик». *Ҳадемай, куз тугаб, қиш киради. Қўйлар қўраларга, қорамоллар оғилларга киритилади.* Газетадан.

4 эск. Атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой, тураржой. *Раҳим домла илгарилари Арслонбекнинг улфати бўлиб, бу «хасис бой» кўрасига кам келарди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Катта бойларнинг Тошкент янги шаҳарида бир нечадан кўраси бўлиб, уларни.. ижара*

қўйиб, дунё тўплар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚЎРАМТА тар. Камон ўқлари солиб, осиб юриладиган махсус халта, сумка; ўқдон. *Қўрамтага қўл солиб, бир тутам ўқ олди. ■ Қон тортиб, одамнинг ажали етди. Ул Паризод қўрамтага қўл солди.* «Муродхон».

ҚЎРБОШИ тар. 1 Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида: дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи миришаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроғлар ва тўп ясаш корхоналари (қўрхона) бошлиғи.

2 Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаршигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи: миришабларнинг бошлиғи. *Миришаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор қайтиб, йўлакка кириши билан, минг хил ташвишда ўтирувчи Офтоб ойим ила Кумушга қайтиб жон кирган каби бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат ҳарбий раҳбарларининг унвони. *Қўрбоши халқнинг турли табақалари орасидан чиққан обрўли шахс ҳисобланган. Улар орасида ҳатто аёллар ҳам бўлган.* «ЎЗМЭ».

ҚЎРИМОҚ 1 (б.к. ва т.к. билан) Ҳимоя қилмоқ, сақламоқ, қўриқламоқ. *Бог(ни) қўримоқ. Юрт қўрисанг, ўзарсан, қўримасанг, тўзарсан.* Мақол. ■ *Полизнинг қоровули ҳам ҳосилини ўтган-кетгандан қўрийдди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Молларни қўриб ётган итлар югуриб келиб, Ойқизжонни таниб, ўйнашиб сакрай берди.* «Фольклор».

2 (т.к. билан) Ўзини ёки бирор кимсани, нарсани қуш, пашша ва ш.к. дан ҳимоя қилиш учун уни қувмоқ, ҳайдамоқ. *Сояга боғлаб қўйилган отлар эринибгина пашшаларини қўрийдилар.* Ж. Шарипов, Саодат. [Розия хола:] -*Ҳозироқ бир болани чумчуқ қўрийдиган қилиб қўй! — деб Зухрани койиб берди.* Н. Назаров, Замон. *Мулла Саид Жалолхон.. бурнига кўнган пашшани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди шекли, остки лабини чўзиб, «пуф» деди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

Пашша қўримоқ ёки пашша қўриб ўтирмоқ Ҳеч нарса билан шугулланмай, бекор ҳолда бўлмоқ. *Айтганингиздай, бир соатдан бери пашша қўриб ўтирибман.* И. Раҳим, Ихлос. *Ана ундан кейин шаҳарда бемалол пашшаларингни қўриб ўтираверасизлар.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ҚЎРИҚ 1 кам қўлл. Ҳимоя, мудофаа, сақлаш. *Башарти, қотил мен бўлиб кўринганимда ҳам, молим ва жоним қўриғида ўғилларни ўлдирганим учун яна гуноҳкор бўлмас эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Соқчилар турадиган ва улар ҳимоясида қўриқлаб, сақлаб туриладиган жой. *Кўкча қўрғонлари қўриғида анови қўрғонларникидек мудофелар кўп бўлмаса ҳам, йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Экин ёки дарахт экилган, шунинг учун ҳам қўриқлаб туриладиган ер майдони; экинзор, боғ ва ш.к. *Сув талашган бўлсак, сиз ҳам, мен ҳам ўз қўриғимиз учун эмас, колхоз, халқ манфаати учун талашдик.* Ойбек, О.в. шабадалар.

4 Илгари ёки қачонлардир экин экилган, кейинча экилмай ташлаб қўйилган ер. *Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган қўриқлар кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Не-не умидлар билан олинган ер, болалар ёш ва Анзират холанинг ўзи дардчил бўлгани учун, экувсиз қолиб, қўриққа қўшилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ёшлигимни кўмсаб, китоб очгандай, Минг йиллик қўриқнинг бағрин очаман.* С. Акбарий.

5 Ҳали ишланмаган, деҳқончилик қилинмаган, аммо экишга яроқли жойлар; бўз ер. *Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш. ■ Кукламда она-бола тоғ этагидаги қўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб, лалми буғдой экишди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

Қўриқ очмоқ Илгари экин экилмаган ёки ташлаб қўйилган ерларни ўзлаштириб, ишга солмоқ, у ерларда экин экиб, деҳқончилик қилмоқ. *Канал бўйлари, янги очилган қўриқ, у ердаги дашт бригадаси хаёлидан ўтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 шв. Ҳалқа қилинган арқон. *Шериғи қўлига қўриқ олади, Қўриқлигин Ойчинор не бўлади.* «Ойсулув».

ҚЎРИҚЛАМОҚ Ҳимоя, мудофаа қилмоқ, сақламоқ. *Ботир бўлсанг, қўриқлагин шаҳрингни.* «Эрали ва Шерали». *Шоир, те-варағи Ширим қоровул бошлиқ носбонлар*

кўриқлаган ҳашаматли ипак чодирга кирди. Ойбек, Навоий. Табиатни кўриқлаш масаласи ҳозир кўпчиликнинг диққат марказида. «Фан ва турмуш».

КЎРИҚХОНА Белгиланган қонунларга мувофиқ давлат томонидан ажратилган, алоҳида илмий ёки маданий аҳамиятга эга бўлган (ноёб ландшафт, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазималар ва б.), табиий объект жойлашган ҳудуд. *Асраймиз ўсимлик хилларин тайин, Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини. Ҳатто атрофларин ўраб атайин, Қуриқхона, деймиз сўнгера отини.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ана шу кўлнинг поёнсиз чор атрофи давлат муҳофазасига олиниб, кўриқхонага айлантирилган.* О. Абдурахмон, Милтӣқ отилмади.

КЎРИҚЧИ I Ҳимоя қилувчи, ҳимоячи, соқчи, посбон. *Чегара кўриқчилари.* ■ *Дарвозахона устидаги кўриқчилар Бобурнинг одамларини масҳара қилиб кулишарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қушларни чўчитиш, улардан боғ, полиз ва ш.к. ни кўриқлаш учун ўрнатилган кўғирчоқ одам; қаратқи. *Мени нима деб ўйлайсан-а. Сен учун пайкалдаги кўриқчиманми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шунинг учун эски чопондан полизимизга кўриқчи қилдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЎРИҚЧИ II Кўриқ ер очувчи, кўриқ ерда ишловчи шахс. *-Агар орзу қилмасак, ҳосилларимиз қамровини чеклаб қўйсак, унда эртанги кунимиз нима бўлади? — дейди кўриқчилар. «Ўзбекистон кўриқлари». Олтойнинг бепоен қирларини ўзлаштириш учун жўнаб кетаётган кўриқчилар бу ерга келар эдилар.* Газетадан.

КЎРИҚЧИЛИК I Кўриқчи иши. *Кўриқчилик жонга теғди.*

2 Ҳимоя, пана, паноҳ. *Крейсер қирувчи самолёт кўриқчилигида денгизга бораёттир.* «Гулхан». *Кўриқчилар Бобурнинг кўзига ташланмасликка тиришиб, ҳужранинг орқа томонида кўриқчилик қила бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КЎРС Кишига қаттиқ тегадиган; кўпол, дағал, тўнг. *Кўрс одам. Кўрс сўз. Кўрс муомала.* ■ *Унга юзма-юз келиб, бундай кўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўрс жавоб орага яна жимлик туширди.* С. Зуннунова,

Гўдак ҳиди. *Аваз ўз феълини билади: у инжик, юраги тор, кўрс.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЎРСЛИК I Кўрс эканлик. *Гапининг кўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун кишлоқилар уни «Соли совуқ» деб атардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоровулнинг кўрслигидан энсаси қотиб, қабулхона томон йўл оларкан, яна ғижиниб қўйди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

2 Кўрс, совуқ муомала, кўполлик, тўнглик. *Дадажон.. Расул акага кўрслик қилиб қўйгани учун зўр бериб ўзини койир, ишнинг нима билан тугашига ақли етмас эди.* А. Муҳиддин, Миришкор.

3 шв. Димоғдорлик, кекқайиш. *Бу гап Асқар отага умрида бир марта от миниб, ўзини зўр чавандоз ҳисоблаган ёш боланинг кўрслигидай туюлди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

КЎРХОНА эск. I Қурол-аслаҳа сақланадиган омбор, қуролхона, арсенал. *Англия қурол-яроғини олиб келган кейинги карвон амир ҳазрати олийларининг кўрхоналарига сўймай қолди. Кўрхона ёнидаги «Дорушишифо» мадрасасига ҳам ҳарбий анжом сандиқларини киритиб, териб қўйишига тўғри келди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Қимматбаҳо нарсалар, бойликлар сақланадиган омбор; ҳазина. *Ҳужуматимнинг кўлига Тушди-да кўрхонаси.. «Фольклор».*

КЎРЧИ тар. I Ўрта асрларда Туркистон ва айрим Шарқ давлатларида: туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан саройда тузилган махсус ҳарбий қисм жангчиси (ҳукмдорни ва нуфузли аъёнларни кўриқлаган).

2 Темурийлар даврида: экинзорларни кўриқловчи ҳарбий қисм жангчиси.

КЎРҚА-ПИСА рвш. Дадил ботинмай, кўрқимсираб, бир оз хавотирланиб. *Лаъли электр чироқ ёниб турган оқ уйга кўрқа-писа кирди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Санобар ўзининг тақдири Алихоннинг шу суратга муносабатидан ҳал бўладигандек, кўрқа-писа унга қаради, нафас олмай кузатди.* «Ёшлик». *Мен яна кўрқа-писа сўрадим: -Узум берсам, ейсанми? Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?*

КЎРҚАРЛИ Киши кўрқадиган, кўрқувли. *Хавотир бўлманг, бунинг ҳеч кўрқарли ери йўқ.*

КЎРҚИМСИРАМОҚ Бир оз кўрқмоқ, хавфсирамоқ. *Кўрқимсираб гапирмоқ.* ■

[Тўлахон:] *Худойим билади [қўрқимсираб ялиниб], жон хола. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ҚЎРҚИНЧ 1 Қўрқув ҳолати, ҳисси; қўрқув, даҳшат, ваҳима. *Унинг вужудини қўрқинч қамраб олди. Қўрқинчга тушмоқ. ■ Нигоранинг ҳамон қўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтиради. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *Хавотирлик, безовталиқ ҳолати, ҳисси; хавфсираш, ҳадиксираш; ҳадик. Николлиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди. Уқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Энди бу иккинчи сохта хатни ёздиришда, гарчи ҳозир Отабекнинг қўлёмаси ўз қўлида бўлса ҳам, яна қўрқинчи йўқ эмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

3 *айн. қўрқинчли. Отабек сапчиб кетди, туси қўрқинч ҳолга кирган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Тошни тошларга уриб, Тарқатиб қўрқинч оҳанг. Файратий. Кумушбиди ортиқ чидолмадим, қўрқинч бир товуш билан ҳайқирди: -Оҳ, ўламан, кўп сўзлама! А. Қодирий, Утган кунлар.*

ҚЎРҚИНЧЛИ 1 Кишини қўрқувга, ваҳимага, даҳшатга соладиган, даҳшатли, ваҳимали. *Қўрқинчли туш. Қўрқинчли манзара. ■ Унинг ранги оқариб, важоҳати қўрқинчли тус олган эди. М. Ҳазратқулов, Журъат. Одамларнинг унингсиз ҳам хароб эгни-бошлари тўкилди, афсоналардаги яғжуз-мағжуз каби қўрқинчли тус олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *Кишини хавотирликка соладиган, безовта, хавотир қиладиган; хавфли, хатарли. Қўрқинчли касаллик. ■ Узун ва иссиқ ёз кунинда подшоҳни саҳарликсиз қолдириш беғимлар учун ўзлари оч-наҳор қолишларидан қўрқинчлироқ эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ҚЎРҚИНЧСИЗ 1 Қўрқарли ери йўқ, қўрқинчли эмас.

2 *Хавотир оладиган, хавфсирайдиган ери йўқ, хавфли, хатарли эмас; беҳавотир, хавфсиз.*

ҚЎРҚИНҚИРАМОҚ *айн. қўрқимсирамоқ. Рост, амаки, лекин хўп олишдим, жағига ўхшатиб солардим-ку, қўрқинқирадим, ёшман-да. Ойбек, Болалиқ. Миннатдорлик билдиргим ҳам келарди, алланечук қўрқинқирадим ҳам ундан. А. Мухтор, Туғилиш.*

ҚЎРҚИТИШ *ҳўқ. Бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёки бошқа усуллар билан жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсонга руҳий азоб бериш усулларидан бири.*

ҚЎРҚИТМОҚ 1 *Қўрқмоқ* фл. орт. н. *Бутун юзи қулоқларигача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди. Бу ҳол Соли совуқни жуда ёмон қўрқитиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *Ёлғон дўқ-пўписа ва ш.к. билан юрагига гулгула солмоқ. Ёш кетаман деб қўрқитади, қари ўламан деб қўрқитади. Мақол. ■ Бераҳмлар, наҳотки болани шунчалик қўрқитсаларинг! Сен ҳам шунинг товушига уйғондингми? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. Баъзи бир чумчуқ юракдиларни қўрқитиш учун қилинган иш бу! И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ҚЎРҚИШ 1 *Қўрқмоқ* фл. ҳар. н. *Йигит қўрқиш, ранги ўчиш ўрнига ҳадеб кулар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *айн. қўрқув. Душманлар кўп питирлашди, Қўрқишлари ҳаддан ошди. «Гулихиромон».*

ҚЎРҚМАС 1 *Қўрқмоқ* фл. бўлишсиз сфдш. *У ҳеч нарсадан қўрқмас эди.*

2 *Қўрқишни билмайдиган; довжорак. Бу қўрқмас, қотмадан келган. командир урушнинг бошидан охиригача ҳарбий хизматда бўлди. Газетадан.*

ҚЎРҚМОҚ 1 *Қўрқув* ҳис этмоқ, қўрқув ҳиссига берилмоқ. *У ҳеч нарсадан қўрқмайди. Қўрққанга қўша кўринар. Мақол. ■ Тешабойнинг жаҳли чиқди: -Тешганда кўзингизни тешмайди-ку! Мунча қўрқмасангиз? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Келин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди. Ҳамза, Бурунги қозилар.*

2 *Қўрқоқлик, юраксизлик қилмоқ, юраги бетламай, дов бермай қочмоқ. Қўрққан олдин мушт кўтарар. Мақол.*

3 *Ҳадик олмоқ; ботина олмаслик, юраги дов бермаслик; чўчимоқ. Ҳаёт. худди йиқилиб кетишдан қўрққандек, бир қўли билан танчани ушлаб, юзини йигитдан хиёл қочириб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дардини айтибди-ю, фамилиясини айтгани қўрқибди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

КҮРҚОҚ Ҳар нарсадан кўрқаверадиган, юраги йўқ, юраксиз. *Зилзила уни янада кўрқоқ, бўлар-бўлмасга чўчийдиан қилиб қўйган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Кўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади, ўлиқдан нима кутиб бўлади.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. *Кўрқоққа кўланка азрош, дейдишлар.* А. Қаҳҳор, Тўйла аза.

КҮРҚОҚЛИК Кўрқоққа хос ҳис-туйғу, хатти-ҳаракат. [Шербек] *Курашда кўрқоқлик.. нималигини билмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кўрқоқлик доғини ўлим ювломайди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Агар яна шунақа кўрқоқлик қилар экансан, каллангни оламан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КҮРҚУВ Кўрқин ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули ҳолат, руҳий ҳолат. *Кўрқувга тушмоқ. Юрагига кўрқув солмоқ. Уни кўрқув босди.* ■ *Жангга кирдингни, кўрқувни унут, Ўлишини эмас, ўлдиришини ўйла.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. *Одамлар кўрқувдан қалт-қалт титрабдилар.* «Олтин бешик».

КҮРҚУВЛИ Кўрқув уйғотадиган, кўрқув ҳолатли, кўрқув ифодали. *Атрофга кўрқувли назар ташламоқ.* ■ *Нури ёлғиз қоларкан.. кузнинг ойдин кечасидаги кўрқувли, лекин унинг учун энг тотли дамлар едидан ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўрқувли кўзлар билан теваракни кузатди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

КҮРҚУВСИЗ Кўрқинчдан, кўрқинч ҳиссидан холи, тинч. *Онахоннинг кўз қараш кўрқувсиз, нафратли ва мағрур қараш эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КҮР-ҚУТ Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган нарса, бойлик, захира; қут-барака. *Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўзғор тузиб, кўр-қут орттирган эканмиз, бари халқнинг корига яради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Эшон аянинг бирдан-бир нияти кўлда қолган кўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб ҳилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларига эга бўлиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозир эски кўр-қутдан бор, лекин ётиб еганга тоғ чидамайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КҮРҚУЛИК Кўрқинч керак, кўрқинч керак бўлади. *Бу одамдан кўрқулик: Одамни ҳажв қилиб юборади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Пулки кишини хазондай учуриб юрдими, ундай пулдан кўрқулик.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

КҮРҒАЛАМОҚ кам қўл. Кўрғамоқ, *Атрофда эса уни шериклари ўраб-кўрғалаб, Ҳимоя қилиб боришарди.* «Гулистон».

КҮРҒАМОҚ шв. Кўриқламоқ, сақламоқ. *Ватанни кўрғамоқ.* ■ *Агар у жанг вақтида жонини кўрғаб, ўртоқларига хиёнат қилиб, тўнғакнинг орқасида бошини кафтига қўйиб ётмаса, тепасига бостириб келаётган [душманни] кўрарди, отиб ўлдирарди, ўзи саломат қоларди.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. *Жанг айламоқда ёри, кўрғаб саодатини: Гулшанда бахт майидан мастона ёра айтинг.* Уйғун.

КҮРҒОН 1 Ўрта асрларда қалин ва баланд мудофаа девори билан ўраб қурилган, асосан, бир дарвозали шаҳар-қалъа. *Ёв кўрғонини қамал қилиб, унинг қулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби одамлар тоғ этагига тўлиб кетдишлар.* М. Исmoilий, Фарғона т. о. *Ғиждувон кўрғонининг шарқи-шимоли ва ғарб томонларидан чиқаётган.. ғулғулали товуш ҳавони титратмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Қалъа, шаҳар, кўрғон ва ш.к. ни мудофаа қилиш учун қурилган мустақкам девор. *У баланд кўрғон билан ўралган бўлиб, ичкарига тўртта темир дарвозадан киришар эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Азизбек ташаккурни битиргач, ҳудайчи кўрғон устидаги мудофеларга бор товушини қўйиб кичқирди: -Бек жаноблари бу кунги рустамона ғайратларингизга дуо қиладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Учоқ бошида қумғон, Атрофим баланд кўрғон. Кунгил берган ёримни Кўролмасдан бағрим қон.* С. Абдулла.

3 Дала жойда ва умуман шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган ҳовлижой ва унинг ичидаги бинолар (атроф, одатда, боғ, экинзорлардан иборат бўлган). *Арслонбекнинг кўрғонини.. бу йўлга тушиб олган кўр ҳам топади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Шербек қишлоқнинг энг четидеги кўрғонни ҳам босиб ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КҮРҒОНБЕГИ тар Қалъани, кўрғонни Ҳимоя қилувчи соқчиларнинг бошлиғи, қалъа коменданнти. *Азизбек, қаршида кўл боғлаб турган кўрғонбегидан сўради: -Йигитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадими? -Давлатингиз соясиде, тақсир! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

КҮРҒОНЧА 1 Кўрғон **3** с. кичр. *Йигитлар Максимнинг қўл-оёғини боғлаб, икки яшиқ асбоб-ускуна билан олиб қочишди. Икки кун арчазордаги кўрғончада қамалиб ётди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қишлоқдаги пахса деворли кўрғончалар бой, бадавлат одамларники бў-*

либ, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Кичик қишлоқ, қишлоқча. Булоқ-бошидаги қўрғончамиз ҳаммаси бўлиб элик беш хўжалик. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

ҚҲРҒОШИН Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оғир, юмшоқ, тез эрийдиган, кўкиш-қулранг металл. Соф қўрғошин. Қўрғошин рудаси. Қўрғошин қотишмалари. ■ -Мана, — туғунчани Сувонжонга берди, — ярим кило дори, ярим кило қўрғошин. Ичида тўнғиз ўқ ҳам аралаш. С. Анорбоев, Оқсой. Тоғда нодир металлларнинг белгиларини кўриб, вольфрам, молибден, қўрғошин қидиришган. С. Анорбоев, Ишчилар.

ҚҲРҒОШИНЛИ 1 Ичида ёки таркибида қўрғошини бўлган. Қўрғошинли баббит.

2 Қўрғошин қуйилган; қўрғошин ёки унинг бирикмасидан ясалган. Қўрғошинли аккумулятор.

ҚҲСҚИ 1 Кийилавериби эскириб кетган, жулдури чиққан, жулдур кийим. Бошида кир, тўзғиган салла, чопони ҳам қўсқи. Ойбек, Улуғ йўл. Шу қўсқиси тўрт йилдирки, янги бўлмас. Ф. Фулом.

2 Шундай уст-бошли киши ҳақида. Мен.. отдан тушсам ҳам, эгардан тушмас эдим. Мен кимман ахир, Омон қўсқига буйсуниб кетавераманми! Ф. Фулом, Шум бола.

3 Кўчма Дағал, қўрс. Одамлари бир-бирини сизлаб гаплашади, биздагига ўхшаб кўпол, қўсқи эмас. И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚҲТИР 1 Баданда пуфакчалар ҳосил қилиб, қаттиқ кичиштирадиган юқумли тери касаллиги. Тиқилинч ва ифлос жойларда, ётоқларда яшовчи кишилар турли терлама, қўтир.. ва бошқа шунга ўхшаш юқумли касалликларга дучор бўладилар. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шундай касалликка йўлиққан. Қўтир бола. Қўтир эчки. ■ Писмиқ, эгасидан хўп калтак еб, яна биланглаб қолган қўтир итдек, эгилиб-букилиб, ерга сирпангандек бўлиб ичкилади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ҚҲТОН 1 1 Бирга боқилаётган катта қўй тўдаси; қўй подаси; сурув. Шу кеча тушимда чўпон бўлибман, Қўтонимни қирнинг турида кўрибман. Ислом шоир. Майдонга бир қўтон қўйни ҳайдаб келишди. Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Қўй ёки мол қамаладиган катта қўра ёки махсус бино; қўйхона, молхона. Умарқул эрталаб, ердан қиров кўтарилмай деганда, қўйларни қўтондан ҳайдаб чиқарди. О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. -Оворагарчиликни айтмайсизми, — деди пақир ушлаб турган новча киши, — қишда қишлоққа, ёзда яйловга мол ҳайдаймиз. Шу ерга қўтон қурилса бўлмайди? И. Раҳим, Ихлос.

ҚҲТОН II: кўк қўтон қ. кўкқўтон. Оқ қўтон қ. оққўтон.

ҚҲТОНЛАБ Бир неча қўтон, қўтон-қўтон. Салимбой ўлгандан кейин, унинг ўрнига Мадамин оқсоқол бўлиб қолди. Юзлаб қўш-хўкиз, йилқи, қўтонлаб қўй-эчки бунга қолди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

ҚҲТОНЛАМОҚ 1 Атрофни ўраб, қўтонга айлантирмоқ, қўтон қурмоқ.

2 Қўтонларга айирмоқ, бўлмоқ.

3 Қўтон бўлиб турмоқ, жойлашмоқ. Тепанинг усти теп-текис, бемалол бир сурув қўтонласа бўларди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚҲТОС 1 Марказий Осиёнинг баланд тоғли ҳудудларида яшайдиган, хўкизлар кенжа оиласига мансуб кавш қайтарувчи ҳайвон. Қорамолнинг тоғ шароитига мосланган энг кучлиси ва маҳсулдори саналган қўтосни армани қишлоқларида кўп учратдик. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ҚҲТОС II шв. Бўйинга тақиладиган безак буюми. Қўтос тақди бўйни узун бедавога, Қирқ қуббали юган урди бошига. «Хушкелди». Ана шунда тилла қўтос тақинган ўн тўрт маҳрам Бойбўридан Бойсарини сўраб бориб қолди. «Алпомиш».

ҚҲЧҚОР 1 Совлиқларни уруғлантришда фойдаланиладиган, бичилмаган эркак қўй. Зотли қўчқор. ■ ..ўтган йили эса майин жузли зотли қўчқорлар келтирилиб, ўзимизнинг жайдари қўйларга.. чатиштириш бошланган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма с.т. Кишига нисбат берилади; зўр, ботир, паҳлавон. Чамбининг қўчқори ўзим бўламан, Чамбил элтиб, сени лойга соламан. «Маликаи айёр». Бу юришиндан сенга ўлмоқлик даркор, Бу сўзларни айтиб шундайин қўчқор. «Муродхон».

Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас Иккита бир хил манман, зўр ва ш.к. одам бир жойда муроса қилиб

яшолмайди, чиқишолмайди, маъносидаги матал.

3 Кўчқор (эркаклар исми).

КЎЧҚОРБОЗ Кўчқор боқиш ва уриштиришни яхши кўрадиган одам. *Машхур Алимжонбойнинг ўғли Тураҳон бойвачча кўчқорбоз, хўрозбоз.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

КЎШ I I Иккита, бир жуфт; кўшалок. *Кўш белбоғ. Кўш ёстиқ. Қўлларида кўш узук. Кўш гилдиракли арава. Кўш отли извош. Кўш табақали дарвоза. Кўш карнай.* ■ Юқоридаги бир-бирига мингашиб турган кўш харсанг тагидан виқир-виқир қайнаб сув чиқсанда. С. Анорбоев, Оқсой.

Кўш қўллаб қ. қўллаб 2.

2 Бир вақтда, биргаликда содир бўл(ади)ган, юз бер(ади)ган (яна қ. **кўшалок 2**). *Кўш байрам. Кўш тўй.*

3 Омочга кўшилган бир жуфт (ёки битта) ҳўкиз ёки от. *Далага кўш чиқди.* ■ Зағчалар қағқағлашиб, кўш кетидан учиб-қўнишади. Н. Фозилов, Оқим. *Кўш ҳўкизда ер ҳайдаб, бир отли сеялкада кўриққа чигит экилди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

Кўш пайти (ёки вақти, маҳали) Ҳайдаш учун ер етилган, далага кўш чиқадиган пайт. **Кўш ҳайдамоқ** Кўш билан ер ҳайдамоқ. *Узоқдан кўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎШ II I Сафар, саёҳат ва ш.к. да вақтинча кўниш жойи; вақтинчалик қароргоҳ. *Ҳамма лашкар жам бўлиб, булар ҳам Асқар тоғдан ошиб, кўш ташлади.* «Гўрўғли». *Кўшон сипоҳлари эндиги хужумгача.. яраларини боғлаш, дамларини олиш учун кўрғон ёнидан қаёққадир кўшларига кетганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гуруҳ, тўда, тўп. *Полвоннинг кўшига гурланлик Ёқуббой, ҳазораслик Қиличбойлар ҳам келиб кўшилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КЎША I Иккита, бир жуфт; жуфт. *Кўрққанга кўша кўринар.* Мақол. ■ *Ярашиқли келган кўша кокилинг.* «Ҳасанхон». *Кўша кунгурали биналар, Қуббаларда ўйнайди куёш.* Э. Раҳим.

Кўша қаримоқ Умрининг охиригача бир-биридан ажралмасдан, бирга яшаб ўтмоқ. *Фотиманинг ҳам унга майли бор. Агар юлдузлари тўғри келган бўлса, кўша қаришсин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎША II айн. кўш II 2. *Ташқарида бир кўша созандалар.. шаҳарнинг машхур ҳофизлари ашула айтадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎШАЛОҚ I Иккита бир-бирига ёпишган, бир-бирига ёпишиб ўсган, ёпишиб туғилган ва ш. к. *Кўшалок олма. Кўшалок сомса. Кўшалок бошли бузоқ. Марғилоннинг кўшалок кулчаси.* ■ -*Сизларга атаб олиб келдим, қизларим, — деди кампир ва бир жуфт кўшалок анорни рўмолидан олиб, Адолатга узатди, — буниси сенга, қизим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Самоварчи кўшалок бармоқли панжасини чўзиб, бир кўчани кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир вақтда содир бўлган, юз берган, бирга келган, кўш. *Кўшалок байрам.* ■ *Бола-чақа, набиралар, дўсту биродорлар билан кўшалок тўй кунини ўтказиш вақтини келишиб олдик.* Т. Унабоев, Кумуш тўй.

КЎШАЛОҚЛАМОҚ кам қўлл. Иккита-иккита, жуфт-жуфт қилиб бирлаштирмақ, кўшалок қилмоқ. *Пайтдан фойдаланиб, мен ҳам [гранатани] кўшалоклаб отдим.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда.

КЎША-КЎША Жуфт-жуфт, бир неча жуфт; жуда кўп. *Кўкрагида кўша-кўша орден ва медаллар.* ■ *Кўша-кўша палак, кўша-кўша паранжи, уч-тўрт уйни ясашишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎШБЕГИ тар. Кўш, яъни ҳарбий қароргоҳ ва лагернинг бошлиғи.

КЎШБОШ Икки бошли. *Кўшбош ёвуз бургут темир тирноғин Одамзод бўғзига санчиб турса-ю, Дилга сизармиди фарзанд орзуси.* Миртемир.

КЎШИБ-ЧАТИБ Ёлғон, беҳуда, бўлмагур гаплар аралаштириб, алдаб. *Баъзида битта ё бўлган, ё бўлмаган воқеани бир эмас, бир неча газета ўзидан кўшиб-чатиб ёзади, ўқувчини ишонтирмақчи бўлади.* Газетадан.

КЎШИЛИШМОҚ **Кўшилмақ** фл. бирг. н. *Гапга кўшилишмоқ. Сухбатга кўшилишмоқ.* ■ *Дугонаси чиқиб, ундоқ деди, холанг чиқиб, бундоқ деди, ҳаммаси кўшилишиб, сени олиб, менга урди, мени олиб, сенга урди.* А. Қаҳқор, Оғриқ тишлар. *Башарти, мен бу ваҳшатга иштирок қилган бўлсам, қайси*

ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишган бўламан? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎШИЛМА 1 Турли элемент, қисм ва ш.к. нинг ўзаро қўшилишидан таркиб топган нарса, бирикма. *Универсал асбоб.. икки айланувчи доиранинг қўшилмасидан иборат.* «Астрономия».

2 Йирик ҳарбий қисм (бригада, дивизия, корпус ва ш.к.). *Иккинчи Болтиқбўйи фронтининг қўшилмалари умумий ҳужумга ўтиш таратқудиди эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚЎШИЛМОҚ 1 **Қўшмоқ** I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бешга уч қўшилса, саккиз бўлади. Сут қўшилган чой. Икки от қўшилган извош. Ғайратига ғайрат қўшилди. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Илғорлар ҳаракатига қўшилмоқ. Элга эл қўшилса – давлат. Мақол. ■ Болтабойнинг чеҳраси очилиб кетди. Отим чиқсин, десангиз мусобақага қўшилишг бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кампир.. болаларга қўшилиб ҳингиллашган Нурига ничинг қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирлашиб, аралашиб кетмоқ, бирлик, яхлитлик касб этмоқ. *Робиянинг майин соч толалари йигитнинг юзига тегди, бир лаҳза икковининг нафаси нафасига қўшилиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган девоно.. гулханни ёндиришга тиришар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Сафига кирмоқ. *Бир вақтлар саёқ йигитларга қўшилиб қолгандим-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Тўғри деб билмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёқламоқ. *Бировнинг фикрига қўшилмоқ. ■ Мен Зокир отанинг таклифига қўшиламан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *- Муса аканинг гапларига қўшиламан, – деди Бектемиров.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚЎШИЛУВЧИ 1 **Қўшилмоқ** фл. сфдш. *Давраимизга қўшилувчи одамлар борми?*

2 *мат.* Бирор сон ёки миқдорга қўшиладиган иккинчи сон ёки миқдор. *Қўшилувчилар ўрни ўзгаргани билан натижа (ийгинди) ўзгармайди.*

ҚЎШИМЧА 1 *сфт.* Бор, мавжуд, режадаги нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг устига қўшилувчи ёки уларни тўлдирувчи. *Қўшимча маҳсулот. Қўшимча дарс. ■ Турғун сизга қўшимча ҳужжат бермоқчи.* Н. Сафаров,

Ҳаёт мактаби. У. домланинг ножўя ҳаракатлари тўғрисида қўшимча маълумотлар берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *от* Муҳокамага қўйилган қарор. резолюция ва ш.к. га киритиш учун таклиф этилган янги фикр, мулоҳаза ва ш.к. *Қарор қўшимчалари билан бир оғиздан қабул қилинди.*

Қўшимча қилмоқ Қўшимча гап, фикр, таклиф ва ш.к. билдирмоқ. *Ҳусайн Ога ўғли қўшимча қилди: -Бахтимизга сизларни учратиш қолдик.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қурбоналининг гапига у билан келган шерикларидан бири қўшимча қилди..* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 *от, тлш.* Сўзга қўшилиб, янги сўз ёки сўз шаклини ясаш учун хизмат қиладиган морфема (қ. **аффикс**).

4 *от* Асосий нарсага қўшилган, аралашган ҳар қандай бошқа нарса, аралашма. *Ҳеч қандай қўшимчаси йўқ, тоза асал.*

5 *от, с.т.* Илова.

ҚЎШИН Қуролли кучлар мажмуи ёки унинг бир қисми; аскар, армия. *Қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтдилар* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. *Кун чиқаётганда, шаҳар ташқарисидида бир қисм қўшини билан Шайбонийхон пайдо бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚЎШИШ 1 **Қўшмоқ** I фл. ҳар. н. *Ҳосилга ҳосил қўшиш. ■ Бу, ўртоқлар, фан билан тажрибани бирга қўшиш орқасидида эришган ютуғимиздир.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тешабой соябон аравани қўшишга буюрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *мат.* Икки ёки ундан ортиқ соннинг йиғиндисини топиш амали; қўшув. *Касрларни қўшиш ва айириш.*

ҚЎШИҚ 1 Кенг маънода шеърӣй-муסיқӣй жанр; ашула. *Лирик қўшиқ. Ҳажвий қўшиқ. Халқ қўшиқлари. Қўшиқ айтмоқ. Қўшиқ басталамоқ. ■ Унда алла, қўшиқ бор. Иссиқ бағир ва ишқ бор.* Г. Жўраева, Иқбол. *Яхши куй ва қўшиқ инсонга хуш кайфият бағишлайди.* Газетадан.

2 Лапар, терма.

ҚЎШИҚЧИ Қўшиқ ёки лапар айтувчи киши, хонанда. *Чолғучилар бошладилар соз, Қўшиқчилар солдилар овоз.* Ф. Ғулом. *Шу чоққача мўлтайиб, хаёл ичида шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚҶШИҚЧИЛИК 1 кам қўлл. Қўшиқ айтиш касби, иши. *Қўшиқчиликни йиғиштир.*

2 Қўшиқлар яратиш, қўшиқ басталаш. *Маъруф Назаров кинематография, драма-тургия ва қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

ҚҶШМА 1 Бирлаштирилган, бирлашган ҳолда амалга ошириладиган, ўтказиладиган, биргаликдаги. *Қўшма ахборот. Қўшма мажлис. Қўшма корхона.*

2 тлш. Икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг қўшилуvidан ташкил топган. *Қўшма гап. Қўшма аффикс. Қўшма сўз.*

ҚҶШМАЧИ Бегона аёл билан бегона киши (эркак)нинг учрашувига, қўшилуvига воситачилик қилиб кун кўрадиган одам; дала. *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шундай паст тушдимми! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ҚҶШМАЧИЛИК Қўшмачи иши, касби. *-Яхши бўлди, кета қолинлар, — деди хотинлардан бири унинг кетидан бурнини жийириб, — худодан кўрқармишлар булар? Биттаси қўшмачилик қилиб кун кўради. С. Зуннунова, Гулхан.*

ҚҶШМЕТАЛЛ Икки хил металлдан ясалган, биметалл. *Қўшметалл пластина.*

ҚҶШМИСРА Икки мисра, ғазал, қасида ёки дostonдаги айрим бир байт. *Мазкур қўшмисра «Садди Искандарий» дostonининг 88-бобида келган. «Тафаккур».*

ҚҶШМОЗОР Ёнма-ён иккита мозор.

Қўшмозор бўлмоқ Бирга, бир вақтда ўлмоқ; қирилмоқ. *-Худо хоҳласа, ҳаммаси қўшмозор бўлади! — деди Роҳатбиби. — Ҳақ жойида қарор топади. Ҳ. Фулом, Машғал. Қўшмозор қилмоқ* Иккаласини ёки бирйўла ҳаммасини ўлдирмоқ, қирмоқ. *Қишлоқларимизга разм солинг.. тунов куни Фиждувон томондаги қишлоқлардан бирида деҳқонни таламоқ ниятида борган амир амлоқдорларини сарбоз-парбозлари билан қўшмозор қилишибди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

ҚҶШМОҚ 1 1 мат. Қўшув амалини бажармоқ, жам қилмоқ. *Бешни бешга қўшмоқ.*

2 Бирор нарсага бошқа нарсани аралаштирмоқ ёки солмоқ. *Сутга сув қўшмоқ.*

Чойга шакар қўшмоқ. Лойга сомон қўшмоқ.

■ *Гулнор ўқчиб-ўқчиб сўзлади: -Заҳар.. Салим қўшган. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳар бир ақли бор одам қовунга пиёз қўшиб ейиш нотўғри эканини билса керак. А. Қаҳҳор, Мунофиқ, Дарахтларнинг гулларидан сочилаётган ҳидни ҳаво билан қўшиб, ҳар қанча шимирсанг ҳам тўймайсан, киши. Н. Сафаров, Жангчи шоир.*

3 Бўлак-бўлак, алоҳида, мустақил нарсалардан бир бутунлик ҳосил қилмоқ, бирлаштирмоқ. *Икки институтни қўшмоқ. Молу мулкни қўшмоқ. Сўзларни бир-бирига қўшиб, гап тузмоқ. ■ Бешинчи ва еттинчи синфларни қўшиб ўқитяпти дадам. С. Сиёев, Ёруғлик.*

4 Бирини бошқасининг ёнига, устига қўймоқ, тиркамоқ, ташламоқ; бир қилиб, бир қилиб қўймоқ. *Хирмонга этак-этак пахта қўшмоқ. ■ Шинель ва гимнастёркаларини ечди-да, туғун қилиб, бошқаларникига қўшди. Ойбек, Куёш қораймас.*

5 Қўшимча тарзда бермоқ, киритмоқ. *[Мирзакаримбой] Бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлкавой қўшиб, Йўлчи-га ташлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

6 Гап, фикр ва ш.к. қўшимча қилмоқ; гап қистирмоқ. *У Ҳадичахоннинг сўзига нимадир қўшмоқчи бўлди-да, ҳозир айтиб қолмаса, худди кечикиб қоладигандек шошди. Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. Ўша қувноқ вазиятини ўзгартирмай, қўшиб қўйди: -Оёгингиз оғримаяптими? С. Кароматов, Олтин қум.*

7 Бorigа яна нимадир киритмоқ, бирор нарсани яна нима биландир тўлдирмоқ. *Умрга умр қўшмоқ. Ҳуснига ҳусн қўшмоқ. ■ Ҳазин мисрлар унинг дардига дард қўшар эди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. ..бу сайил навбахорга файз қўшарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

8 Қотрига киритмоқ, бирга қилмоқ. *[Ўзбек ойим:] Отабекнинг ёнига Ҳасаналини қўшиб, Марғилонга юбораман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу йигитни.. аскарый машқ ўтказаетган навкарларга қўшини! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ишонмасак, сени тўдамизга қўшмасдик. С. Сиёев, Ёруғлик.*

9 Бирга қилмоқ; бириктирмоқ. *Бири Робияни оёқларидан ушлаб олган, иккинчиси унинг қўлларини белига қўшиб, маҳжам қисиб турган.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

10 этн. Сарпо қилмоқ, сарпо, сеп тариқасида бермоқ. *Битта хитой жузжун мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг қимматбаҳо заррин мурсагини.. кўшган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 Арава, извош, омоч ва ш.к. ни тортиш учун тегишли абзал ёрдамида бириктирмоқ (от-улов ҳақида). *Ҳозир нариги тўриқ қашқани кўшаман жувозга.* Н. Фозилов, Оқим. [Ёрмат] *Отни кўшгандан кейин аравага қалин намат солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Офицер ҳозир: «Кўшга кўшсанг ҳам, майли, ишқилиб ўлдирма», деб кетаёттибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

12 От-улов тиркаб тайёр қилмоқ (арава, извош, омоч ва ш.к. ҳақида). *Фазлиддин.. аччиқ чайни ичиб қониққач, извошни кўшди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У/Сидиқжон/ бир кунни, тушки дам олиш вақтида, Зиёдахоннинг сўровига кўра, эшак-аравани кўшиб, дарёдан сув келтиргани борди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

13 Эркак киши билан аёлни уйламоқ, бир ёстиққа бош қўйдирмоқ, қовуштирмоқ. *Қирқ кун тўй қилиб, қирқ биринчи кечаси йигитларни қизларга қўшдилар.* «Эртақлар». [Ҳасанали:] *Бекни уйлантирдим, севганига қўшиб қувонтирдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бошини кўшмоқ Уйлантирмоқ ёки эрга бермоқ. *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвоннинг ҳам бошини кўшиб кўярмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КўШМОҚ II Кўшилиб турган, қўшилган; кўшалоқ нарса, кўшимча. *Қўрққанга кўш кўринар, кўшмоғи билан беш кўринар.* Мақол.

КўШНАЙ Ўзбек, тожик ва б. шарқ халқларида тарқалган, бириктирилган икки найли, пуфлама тилчали мусиқа асбоби (бир-бирига ўзаро боғланган иккита бир хил гаров қамишдан ишланади). *Бу майин оҳанг дам яқин, дам узоқдан эшитилар.. дам чиройли кўшиққа, дам кўшнайн садосига ўхшаб кетарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

КўШНАЙЧИ Кўшнайн чалувчи созанда.

КўШНИ I от Уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан). *Яқин кўшни. Ён кўшни. Ҳовли олма, кўшни ол.* Мақол. *Гилам сотсанг, кўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан!* Мақол. ■ [Қо-

симжоннинг/ Ойиси кўшни билан гаплашиб турарди. Ў. Умарбеков, Она. *Бир қаричликдан дўторни севаман, бир кўшни келинчақдан ўрганган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. [Отабек] *Гузарга чиққанда, Ҳасаналининг кўшнисини бўлган Али эринибгина дўкон тахтасини туширмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш жойи, жойлашиш ўрни ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Қиз сўраган курсант, ҳақиқатда, Элмуродга кўшни, иккинчи взводда ўқир эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳайрон бўлиб, сувдонга тикилди. У ковак эди — ўқ тешиб ўтибди, уни улоқтирди-да, кўшнисидан, серсоқол русдан сув тилади.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 сфт. Ёнма-ён турган, жойлашган, бир-бирига яқин, чегарадош. *Кўшни бригада. Кўшни маҳалла. Кўшни қишлоқ. Кўшни мамлакатлар.* ■ *Йигит ялт этиб кўшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувуллашиб, пахта теришаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кўшни бурчаклар мат. Бир томони умумий бўлиб, қолган икки томонини бир тўғри чизик ташкил этган иккита бурчак.

КўШНИЧИЛИК Кўни-кўшнилар ўртасидаги борди-келди муносабатлари, кўни-кўшничилик. *Кўшничилик қилмоқ.*

КўШОВОЗ мус. Икки овоз билан ижро этиш учун ёзилган мусиқа асари ҳамда шундай асарни ижро этиш; дуэт.

КўШОЁҚ Орқа оёқлари ва думи узун, сакраб юришга мосланган тунги кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Илиқ тун.. Кўшоёқларнинг чийшлаши, аҳён-аҳёнда дардчил бузоқнинг азоб чекиб инграши сингари совуқ нидолар ҳам эшитилади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Зум ўтмай кўшоёқ билан бўз каламуш ҳам у ёқ-бу ёққа пилдираб, емиш ахтаришга тушдилар.* А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.

КўШОТАР Кўшоғиз милтиқ. *Элгелди ёйилиб кетган сурувга кўз ҳам ташламай, кўшотарини кучоқлаб, яна ўтирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. [Мадамин] *Қишлоқдан чиққанидан кейин кўшотар ов милтиқни осмонга қаратиб, устма-уст икки марта ўқ узди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КўШОҚ I сфт. Бир-бирига қўшилган; кўшалоқ. *Кўшоқ сомса.* ■ *Бир кўзи гилай-*

роқ.. Тиканак сингари Қошлари қўшоқ. Туй-гун. Анави малла йигит.. чилдирмани қўшоқ қилиб чаладиган, хунари ўтқир чилдирмачи. С. Анорбоев, Оқсой.

2 с.т. кам қўлл. от Умр йўлдоши, эр ёки хотин (бир-бирига нисбатан). *Бошқа гапларни кўнглингга келтирма, қизим! Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи — боламизсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 от, махс. Бир арқон билан боғланган икки ёки бир неча қўй; ўзаро боғланган қўйлар тўдаси. *Чўпонлар ҳам сотилмай қолган қўйларни қўшоқлардан чиқариб, ўтлоқларга ҳайдадилар.* С. Айний, Дохунда. *Туламат Сувонжон билан бирга жуни ўсиқ қўзиларни тутиб, қўшоққа тиркашмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қўшоқ арқон Бир неча қўйни ўзаро боғлаш учун мўлжалланган узун арқон. *Омон белидан қўшоқ арқонни ечди.* Ғ. Фулом, Шум бола. **Қўшоқ қилмоқ** Қўшоқлаб боғламоқ, бир нечасини бир арқонга боғламоқ.

4 с.т. Умуман, тўда, тўп; гуруҳ. *Олдинги туялардан бир нечаси қўшоғидан ажралиб келди-да, кийикни ўзига қўшиб олди.* Ў. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Колхозчи болалар ва қизлардан икки қўшоқ кўриқчилар тўдаси ташкил қилиб, болаларнинг ўзига ҳар бир қўшоққа бир бошлиқ сайлатди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 Қўшоқ (эркаклар исми; одатда олти бармоқли одамларга қўйилади).

Қўшоқ бармоқли одам Олти бармоқли одам. **Қўшоқнинг орқасида (ёки ичида) бўшоқ** Бир неча айбдор, гуноҳдор, жиноятчи ва ш.к. ичида бегуноҳ жазоланган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

ҚўШОҚЛАМОҚ Бир-бирига бириктириб, бир арқон билан боғламоқ, қўшоқ қилмоқ (қўй, эчки ва ш.к. ҳайвонлар ҳақида). *Омон белидан қўшоқ арқонни ечди. Қолган қўйларни қўшоқладик.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ҚўШОҒИЗ Стволи иккита бўлган, кетма-кет икки ўқ отиш мумкин бўлган, икки стволли (милтиқ ҳақида). *Шербек тўриққа устма-уст қамчи босди. Йўл-йўлакай қўшоғиз милтиқни бир қўлида ушлаганича елкасига қўйиб, отишга чоғлаб борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚўШТАБАҚА(ЛИ), қўштавақа(ли) Табақаси иккита бўлган, икки табақали. *Қўштабақа эшик. — Бу кўрғоннинг.. катта қўштавақа дарвозасида посбон бўлиб «Олапар» деган катта кўппак ит яшар экан.* С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

ҚўШТИРМОҚ Қўшмоқ I фл. орт. н. *Тонг отмай қўш қўштирмоқ. — Қоражонни қишлоқдан чиқариб, элга қўштирмай, Олатоғдан жой бериб қўйди.* «Алпомиш». *Оқсоқол тонг қоронғисида извош қўштириб, куёвнинг олдида борди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚўШТИРНОҚ Кўчирма гап, иқтибос, сарлавҳа, шунингдек, кўчма маънода ишлатилган сўз ёки гапни ёзувда ажратиб кўрсатиш учун ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси (« » ёки “ ” белгиси). *Қўштирноқ очмоқ. Қўштирноқ ёпмоқ. Сўз ёки гапни қўштирноқ ичига олмоқ. — Кўчирма гап ёки қитатани, муаллиф гапидан ажратиш учун, қўштирноқ қўйилади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

ҚўШТИҒ I Икки тиғли, дудама. *Қўштиғ пичоқ.*

2 ш. Қўшоғиз, қўшотар. *Қани энди, қўштиғ милтиғинг бўлса-ю, сочма ўқ билан бир отишда ҳаммасини уриб олсанг!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚўШТОР мус. Икки торли.

ҚўШТУЁҚЛИЛАР Қорамоллар, қўйлар каби туёқлари бир жуфт бўлган сутэмизувчиларнинг бир туркуми.

ҚўШУВ I Қўшмоқ фл. ҳар. н. *Ҳайдар ота.. бирининг қайғуси иккинчисининг қайғусига қайғу қўшувига кўзи етиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 мат. Қўшиш амали. *Тузук, алифбени билиб олибсиз. Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз.* Тузук! Ҳ. Фулом, Машъал.

ҚўШХОНА I Қароллар, хизматкорлар, қўшчилар учун белгиланган тураржой. *Бойнинг ерининг юқорисида, баландгина бир парча саҳн хизматкор ва мардикорларнинг қўшхонаси эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сафарда қўниш, истиқомат қилиш учун белгиланган жой, сарой. *Мен оғирсингансимон ўйланиб олдим ва: -Хўп, қўшхонам узоқ бўлса ҳам, бир хабар олиб ўтарман, — дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўшхоналарга бор-да, меҳмонларга хабар бер. Олиш бошланди, де.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚҶШЧАНОҚ Бир-бирига кўшилган, ёпишган иккита чаноқ. *Чиноқчи агар терим пайтида барака рамзи бўлган «кўшчаноқ» топиб олса, хўжайин уни совға билан сийлаган. «Фан ва турмуш».*

ҚҶШЧИ 1 Кўш ҳайдовчи киши. *Ер ҳайдашга чиққан кўшчиларнинг куйлаган овозлари эшитилиб, мени ўз томонига тортди. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 тар. Феодал-бойларга ёлланиб ишловчи камбағал деҳқон; қарол, чоракор, батрак. *Минг кўшчига бир бошчи. Мақол. — Ўзининг ер ҳайдаш анжомларига, хўкиз каби иш ҳайвонларига эга бўлиб, ҳақини келишган ҳолда, заминдорларнинг ерини ҳайдайдиганлар кўшчилар деб номланган. «Фан ва турмуш».*

3 тар. Батрак, қарол, чоракор ва камбағал деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун тузилган, 1919-1930 йилларда фаолият кўрсатган касаба ташкилоти. *Стал ёнида комиссия аъзолари, «кўшчи» фаоллари ўтирдилар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҚҶШЧИ-ҚҶЛОНЧИ айн. **кўшчи 2.** *Мулла Омонбой, шаҳардаги кўшчи-қўлончи, сайис, мирохур, бою боёнлар, ошна-оғайнларингизга хат-патингиз йўқми? Ғ. Фулом, Шум бола. Ана шу давлатларнинг ҳаммасини кўшчи-қўлончилар Миржалол қуруқнинг.. катта қўрасига ташиб келтирар эканлар. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.*

ҚҶШҚАВАТ(ЛИ) Устма-уст икки қават қилиб қурилган, икки қаватли. *Қўшқават кўркам бинолар таъдидаги асфальт йўлакларда йўловчилар, кўчада машиналар турнақатор. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

ҚҶШҚАНОТ(ЛИ) 1 Иккита қаноти бўлган, икки қанотли. *Қўшқанотли самолёт. — Бу хат менга ҳаёт берди, Бағишлади кўшқанот. Чапак чалиб табриклади Гўё мени коинот. Шуҳрат.*

2 Икки тавақали, кўштавақали. *Ўз умрида биринчи марта Очилди кўшқанот дарвоза. Э. Раҳим. Енгил машина сифадиган кўшқанотли эшикдан почтальон кириб келди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.*

ҚҶШҚҶЛОҚ 1 Икки томонида қулоғи бўлган қувачасимон сопол идиш, хурмача. *Саид Жалолхон раиснинг олдидидаги қатиқни кўшқулоғи билан олиб чиқиб, ариққа ташлади. А. Қаҳҳор, Башорат. Бир кўшқулоқ қатиқ фалон пул. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 Эндигина униб чиққан, икки уруғбардангина иборат бўлган ниҳол. *Чигит экиб, гўзаларимиз кўшқулоқ бўлгунча не-не машаққатларни бошимиздан кечирмадик! С. Абдуқаҳҳор, Кувондиқ. Қиш ўтди, баҳорда қарасам мундоқ, Остидан ниш уриб чиқибди гиёҳ, Гиёҳки, ингичка, нимжон, кўшқулоқ, — Ажабо! — дедим-у, термулдим узоқ. Шуҳрат.*

ҚҶШ-ҚҶШ айн. **кўша-қўша.** *[Ойшабону] Ёқут кўзли кўш-қўш узуклар порлаётган семиз бармоқлари билан гўлага ўхшаш тиззаларини силар экан, кўшиб кўйди. Ҳ. Фулом, Машғал. Сен тенги келинчакларнинг уйига кирсанг, оғзинг очилиб қолади: кўш-қўш тилла соатлар, тилла биллагузуклар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҚҶЯРДА-ҚҶЙМАЙ рвш. Истагига, хоҳишига қарамасдан, мажбур қилиб, зўрлаб, қистаб, қўймай. *Кечга томон [Отамирза] рафиқасини қўярда-қўймай кийинтирди. Ҳ. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. Ойим қўярда-қўймай қўлимга тутқазган тугунчани ўйнаб, секин хиргойи қилиб бораман. Ш. Отамурдов, Кўнгил.*

ҚҶҚОНАРАВА Иккита катта филдиракли арава.

ҚҶҚОНГУЛ Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, икки туркум ўсимликларнинг умумий номи. *Уларнинг уйидаги гулларнинг ку сон-саноғи йўқ: гулбеор, гулравно, гулсапсар, гулҳамишабахор, қўқонгул, қалампиргул. Ғ. Фулом, Шум бола.*

ҚҶҚОНЖҶХОРИ Жўхорининг попуksимон бошоқли нави, оқ жўхори. *Қўқонжўхори эсмоқ. Қўқонжўхори гўжаси. — Атрофида ҳеч ким йўқ; қўқонжўхори баргларининг шамолда шилдирашидан бошқа ҳеч қандай сас йўқ эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ҚҶҚҚАЙМОҚ 1 с.т. Тиккайиб, дўмпайиб хунук кўриниб турмоқ; беўхшов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, кўнқаймоқ. *Жўраларнинг уйи тепаликда, якка ўзи қўққайиб туради. Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. Унда-мунда қўққайган эски.. тўнқалар ҳам.. ёқимли, жозибадор туйшларди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Тик гўдайиб, қаққайиб турмоқ, қаққаймоқ. *Тўқсонов ўз орқасида қўққайиб, ўзини кўрсатиш учун алақачондан бери буйруқ кутиб турган Дадабойга қичқирди: — Олинг! Нимага қараб турибсиз! П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 айн. **кўнқаймоқ.**

КЎҚҚАЙТИРМОҚ *Кўққаймоқ* фл. орт. н. *Зулукхоннинг шаҳарда кўққайтирган иморати Мирҳосилнинг ножўя ҳаракатларига жонли диллидай, мана мен, деб турибди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

КЎҚҚИСДАН *ряш.* Ҳеч кутилмаганда; бехосдан, тўсатдан. *Кўққисдан хужум қилмоқ. ■ Эшикнинг кўққисдан очилиши. Вали акани чўчитиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўққисдан берилган бу савол олдида Қодирбек нима деярини билмай, тикилганча қолди. М. Қориев, Ойдин кечалар.*

КЎҒА Қўғалошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимлик (пояси тик ўсади, цилиндрсимон йўғон, бўйи 2-3 метр); қовға. *Хужрага кириб, гўшт, ёғ, қўғага боғланган тўртта умрбоқи қовун.. хужрада қалашиб ётганини кўрди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

КЎҒАЗОР Нуқул қўға ўсиб ётган, қўға босган жой. *Кўйлар қўғазорда, кўй ейдиган янтоқ Бақақуруллоқда — бечоралар баъзан оч қолар экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

КЎҒАЙ *айн. қўға.* Сават тўқимоққа ярагай қўғай. *Ғ. Фулом. Мўйтанқўлда говлаб ўсган.. қўғай худди ёя босиб келаётганидай шовуллайди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қумтепаннинг адоғида мўъжаз кўл бўлиб, усти кўм-кўк қўғай ва қамишлар билан қопланган. Э. Самандар, Тангри қудуғи.*

КЎҒИРМОЧ Қозонда қовурилган бугдой. *Наврўз кирарда.. кўп жойда ўрик қайнатилади. Кўғирмоч қовурилади. М. Алавия, Наврўз — баҳор байрами. Тоҳир ойисининг кўғирмоч ушлаган ҳовучини қисиб: -Менга унаштирилган ким? Ростини айтиб бер, — дебди. «Эртақлар».*

КЎҒИРМОҚ *шв.* Қовурмоқ.

КЎҒИРЧОҚ 1 Одамга ёки бошқа бирор нарсага ўхшатиб ясалган болалар ўйинчоғи. *Резинка кўғирчоқ. Кўғирчоқ театри. Кўғирчоқ ўйнамоқ. ■ Ўн-ўн бир ёшларга кирган иккинчи қиз қизил қаламини оғзида хўллаб, қўлидаги кўғирчоққа қош-кўз ясар ва.. ашула айтарди. С. Зуннунова, Гулхан.*

2 *кўчма* Бошқаларнинг амри, истаги билан иш тутувчи, мустақил иш юргизолмайдиган киши, ҳоким; ҳукумат ва ш.к. *Бировнинг қўлида кўғирчоқ бўлмоқ. Кўғирчоқ ҳукумат. ■ Ҳа, сизлар учун раис нима, кўғирчоқми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

КЎҒИРЧОҚБОЗ Кўғирчоқларни ўйнатиб, томоша кўрсатувчи артист; кўғирчоқ театрининг артисти. *Созандалар дастаси катта бўлмай, бир чирмандачи, бир ноғорачи, бир сурнайчи, бир раққос ва битта кўғирчоқбоздан иборат эди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

КЎҒИРЧОҚБОЗЛИК 1 Кўғирчоқбоз иши, касби.

2 Кўғирчоқларни ўйнатиб, томоша кўрсатиш; кўғирчоқ театри. *Илгари ҳайит кунлари Кўмирсаройда кўғирчоқбозлик, «чодирхаёл» бўлар эди. Энди номини бошқа қилишибди-да, мазмуни! Ойбек, Танланган асарлар.*

КЎҒИРЧОҚДАЙ, -дек Жуда бежирим, келишган, чиройли, гўзал. *Менга қара, ўғлим, сенга айтсам, аянг ўша пайтда кўғирчоқдек жувон эди. А. Муҳиддин, Ҳадя. Маҳалламизда уч-тўртта участка бор. Кўрган одамнинг кўзи ўйнайди. Оқлаб, кўклаб, кўғирчоқдек қилиб қўйилган. Т. Алимов, Одамсиз ўйлар.*



FAVBOC [a. غزاص – сув тагига тушувчи, тез-тез шўнғувчи] **1** Сувга шўнғувчи, сув остида дур изловчи шахс. *Етар мақсадга меҳнат бирла меҳнаткаш қилиб журъат. Топар фаввос бўлиб дарёи меҳнатдан дури роҳат.* Ҳабибий.

2 Сув ўтказмайдиган махсус кийимда сув ости ишларини бажарувчи шахс. *Кеманинг юкини фаввослар неча асрлардан кейин – яқиндагина сув юзасига чиқардилар.* Ҳ. Каримов. Санъат сеҳри.

FAVFO [ф. غوغا – шовқин-сурон, бақир-чақир, жанжал, муштлашиш] **1** Бетартиб овозлар, қий-чув, шовқин. *Бир кеча афандининг қулогига кўчадан фавфо эшитилди. «Латифалар». Мавлоно Фазлиддин шовқин келатган томонга қулоқ солиб туриб кўрқиб кетди. Бу галги фавфо шаҳар ичидан кўтарилмоқда эди.* П. Қодиров. Юлдузли тунлар.

2 айн. **ғалва 1.** *Бўлажак фавғоларни олдиндан пайқайдиган бўлиб қолган Шухрат, укасига боши билан имо қилиб, балконга чиқа бошлади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Дадам ювош одам бўлганидан бундай фавғолардан ҳар вақт қочар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунақанги фавғолар жонига теккан қўшни хотин қўлини паҳса қилиб, Муллажоннинг олдига келди.* С. Аҳмад, Муллажон.

3 айн. **ғалва 2.** *Ҳаммада бир ташвиш бор, ота! Тирикчилик фавғоси ёлғиз сизда эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир рўзғорга ўша рўзғорнинг ўз фавғоси ҳам етади.* А. Қаҳҳор. Сароб.

FAVFOЛИ 1 айн. **ғалвали 1.** *Фавғоли иш. Фавғоли масала.*

2 айн. **ғалвали 2.** *Фавғоли жой. Фавғоли оила.*

FAVFOСИЗ айн. **ғалвасиз 1, 2.** *Фавғосиз иш. Савдо фавғосиз бўлмас, полвон гавдасиз бўлмас.* Мақол. *Оз ошим, фавғосиз бошим.* Мақол.

FAVFOЧИ айн. **ғалвачи.** *Фавғочи одам.*

ҒАДАБ [a. غضب – қаҳр, жаҳл, зарда; но-розилик] **кам қўлл.** *Коювчи, танбеҳли муомала. Бу эркакчароқ гадабга Ойхон тескари қараб утирганча илжайиб қўйди.* А. Мухтор. Кумуш тола.

Ғадабга олмоқ айн. **ғадабламоқ.** *Бошда юмшоқ супурги бўлган бой, акангнинг аҳволини бир оғиз сўрамай, гадабга олишини кўрдингми? Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ҒАДАБЛАМОҚ **кам қўлл.** *Жаҳл, пўписа билан койимоқ, танбеҳ бермоқ. Ҳамиша мени гадаблар эдингиз, энди қалайсиз, Халчакхон? К. Яшин, Ҳамза. Тоживой тажанг.. хотинини ишлатмас экан. Аммо, ишламайсан, топганимни туя қиласан, деб гадаблайвераркан.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҒАДАБЛОВ **кам қўлл.** *Танбеҳ. У дадасининг муомаласи ўзгарганини кўриб севинди ва ҳозиргина бўлиб ўтган гадабловни унутиб, яна қувноқлашди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ҒАДАНГ [ф. غنگ – жоҳил, нодон; аблаҳ; ландавур] **Юқори кўтарилган, юқори. Гажакдор думларини гаданг кўтариб ўрмалаган чаёнлар, калтакесакларнинг саноғи йўқ.** Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒАДДОР [a. غدار – алдамчи, хиёнатчи; бевафо, мунофиқ] **кт. 1** *Хоин, золим. Билардикки, ёвуз, гаддор, беномух фашизм ўла-*

жак! Миртемир. Жасур сафлар аро от суриб мағрур, Энг гаддор ёларни этгансиз горат. А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Меҳр-шафқатсиз, бераҳм. *Наим амаки гаддорроқ-ку, лекин отамдан ҳайиқарди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. Қотилларнинг қўлларисимон Совуқ, гаддор — мисли ялмоғиз. Х. Даврон, Қақнус. Шу боис унга нозишва қилган, охири, гаддорнинг кўнглини олган. А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.*

ГАДДОРЛИК Гаддорга хос хусусият, иш, хатти-ҳаракат; хонлик, шафқатсизлик. *Шеър хусусида айбланишим.. бутунлай гаддорлик ва жаҳолат эмасми? Ойбек, Нур қилириб. Ҳаётда ҳали гаддорлигу мақсад йўлида учрайдиган пасту баландликларга дуч келмаган қиз борлиғи билан Умидга интиларди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.*

ГАДИР [а. غدير — қўлмак; ҳовуз, ариқча] кам қўлл. айн. *ғўдир, ғадир-будур. [Тешабой] Ёмғир ўтмайдиган брезент куртка, иссиқ қулоқчин кийиб олибди. Қўллари ғадир, томирлари ўйнаб чиққан. С. Анорбоев, Ҳамсубатлар.*

ГАДИР-БУДУР Сирти силлиқ эмас, нотекис; ғудда ёки қабарчиқлар билан қопланган; ғўдир. *Ғадир-будур қўл. — Мамат бир дам ўзини йўқотиб қўйди. Юзидаги хижолат жаҳл билан алмашинди, ғадир-будур башарасидаги туклар тикка бўлиб кетди. С. Анорбоев, Меҳр. Шукуржон тошнинг ёнига тиз чўкиб, унинг қуёшда чўғдек қизиган ғадир-будур сатҳига лабини босди. О. Ёқубов, Ота изидан. Ёнғоқнинг танаси қучоққа сиғмас даражада. Ғадир-будур. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ҒАЖИМОҚ кам қўлл. айн. *ғажимоқ. Унинг. қони қайнаб, кўзига чалинган кимсани ғажилаб ташлагиси келарди. К. Яшин, Ҳамза.*

ҒАЖИМОҚ I Суяк, қаттиқ нон ва ш.к. ни кемириб емоқ; мужимоқ (кўпинча ит, мушук ва йиртқич ҳайвонлар ҳақида; инсонга нисбатан эса салбий муносабат билан қўлланади). *Бир олапар элик қадамча нарида алланарсани ғажир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Волосов Аллонбийнинг оқ ўтовида.. қўйнинг қовурғасини ғажир экан, Эримбетни етимчадек қақшатмоқда эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Элмурод онасининг*

сўзи билан сабзи ғажиб турган қизчага қаради.. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тишлаб, чайнаб қаттиқ жароҳат етказмоқ. *Оёғини ит ғажиб ташлабди. — Отлар ҳалок бўлди, эшакларни йиртқичлар тунда ғажиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

3 кўчма Тилка-пора қилиб юбормоқ, абжағини чиқармоқ; абгор қилмоқ. *Одамлар ажратмаганда, бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Кейин Зуннувова худо беради. У сени ғажиб ташлашга тайёр. И. Раҳим, Ихлос.*

4 кўчма Қаттиқ зарб, сиқиси ва ш.к. йўл билан шикастламоқ, эзмоқ, мажақламоқ. *Машинанинг эшиги қўлимни ғажиди. — Нима, буни машина майиб қилибдимми ё у ербу ерини ғажиб кетибдиммики, бахтсиз ҳодиса деса.. К. Яшин, Ҳамза.*

ИТ ҒАЖИГАН СУЯКДАЙ (ёки ошиқдай) Жулда озгин, нимжон ва хунук. *Сен қўлимни ушлашга зор бўлиб юрган йигитларнинг битта ҳаром тукига арзимайсан! Ниманга ишонмасан?! Чиройинггами?! Ит ғажиб ташлаган ошиқдайсан. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҒАЖИР I Ўлимтиқлар билан овқатланадиган, бургут каби катта йиртқич қуш. *Ширинни боғлади тоғнинг тошига, Ғажир эза бўлар, деди лошига. «Ширин ва Шакар». Ҳар ўликка қузғун тушиб, Ғажир қўниб тортқилашиб, Тортишди майдон ичинда. «Равшан».*

ҒАЖИР II тақл. с. Баъзи нарсаларнинг ишқаланишидан чиқадиган, ғашга тегадиган товушни билдиради. *Аравалар ғажир-ғажирини қулоқни батанг қилади. «Шарқ юлдузи».*

Ғажир-ғажир қилмоқ Шундай товуш чиқармоқ (такрор ҳолда).

ҒАЖИРЛАМОҚ айн. *ғажир-ғажир қилмоқ қ. ғажир II.*

ҒАЖИР-ҒУЖУР тақл. с. «Ғажир» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Арава шағал устидан ғажир-ғужур юриб кетди.*

ҒАЗА с. т. қ. *ғоза. У тоғда ўсган саҳройи момо бўлса, сенинг ўсма-ғазангни не билсин?! «Гулихиромон».*

ҒАЗАБ [а. غضب — қаҳр, жаҳл, зарда; норозилик] Кучли даражада аччиқланиш ҳисси; қаҳр, жаҳл. *Ғазаб қилмоқ. Ғазаб билан гапирмоқ. Ғазабдан тушмоқ. — Кечқурун жамоат жам бўлганда, ғазабдан кўкариб кетган кампир етти пуштидан қолган уч бойлам васиқани ўртага кўтариб урди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Одамлар Бу-*

виражабни ушлашди. Унинг кўзларига ҳамон ёш келмас. Ҳазабдан ҳансираганча, қалт-қалт титраб ўтирарди. «Ёшлик».

Ҳазаб қилмоқ Бирор ишни бажаришга мажбурлаш билан ёки бошқа тарзда жазоламоқ. *Отаси уч ўғлига Ҳазаб қилибди: -Топсаларинг — топдиларинг, бўлмаса, бошларинг ўлимда, — дебди. «Зумрад ва Қиммат». Шохимиз Ҳазаб қилдилар, мен ҳам банди бўлиб келдим. «Нурали». Ҳазабига олмоқ айн. Ҳазаб қилмоқ. Хон бир бегуноҳ одамни Ҳазабига олиб, тошбўрон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин», деб ўзи тепасида турибди.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Улар бир тўда солдат билан беҳол ётган Пулат отанинг тепасига келишди. Уни Ҳазабга олишди, аврашди — натижа чиқмади. К. Яшин, Ҳамза. Худонинг Ҳазоби с. т. Ўтакетган жоҳил, тинчлик (кун) бермайдиган. Бу бола — худонинг Ҳазоби.*

ҲАЗАБДОР [а. + ф. غائبدار — Ҳазабли, Ҳазабли бор] фольк. айн. **Ҳазабкор**. *Отаннинг элига бора кўрмагин, Бизларни ўлдирар отанг Ҳазабдор. «Эрали ва Шерали».*

ҲАЗАБКОР [а. + ф. غصبار — Ҳазаб қилувчи] кт. Нафрати, Ҳазаб тўлиб-тошган, Ҳазабланган, Ҳазабли. *Халқ Ҳамгин, Ҳазабкор, юраклари эзилган ҳолда тарқалади. Ойбек, Болалик. Олапар хурди, атеганг, тишлайман, деган оҳангда Ҳазабкор тикилади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

ҲАЗАБЛАМОҚ Ҳазаб билан гапирмоқ, Ҳазаб қилмоқ, дўқ қилмоқ. *Жаллодлар ўғлонларни.. подшонинг назарига тўғри қилиб: -Подшомизнинг ҳақиқа дуо қил! — деб болаларни Ҳазаблади. «Эрали ва Шерали».*

ҲАЗАБЛАНМОҚ Ҳазаб келмоқ, қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғоят аччиқланмоқ. *Эликбоши Ҳазабланиб, хотиннинг бошига қўл кўтарди, лекин урмади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲАЗАБЛИ Ҳазабга тўлган, Ҳазаб ифодаловчи. *Мингбоши дарҳол етиб келди-да, авёнлар олдидан тўхтаб, ҳокимнинг Ҳазабли юзига термишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Навоий Ҳамгин ва Ҳазабли подшоҳга дадил қараб, ҳол-аҳвол сўради. Ойбек, Навоий. Сўнг эшикка Ҳазабли назар ташлади-да, зинапояга қараб интишди. П. Кодиров, Уч илдиш.*

ҲАЗАБНОК [а. + ф. غصبات — Ҳазабли, Ҳазабдор] кт. айн. **Ҳазабли**. *У Ҳазабнок қиёфада Искандарга ёмон тикишди. Ў. Усмонов,*

Сирли соҳил. Унинг вазоҳати қўрқинчли, Ҳазабнок кўзларида ўт чақнар эди. М. Хайруллаев, Қўшнилар.

ҲАЗАЛ [а. غزل — хотин-қизларнинг кўнглини олиш, эркалаш; лирик шеър] ад. Аруз шеърий тизимида уч байтдан ўн тўққиз байтгача бўлган, Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек адабиётидаги лирик шеър (Биринчи байтнинг ҳар икки мисраси, қолган байтларнинг иккинчи мисралари қофиядош бўлиб келади). *Хунарим, маълумингиз — Ҳазаллар ёзиш, Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна. Ғ. Ғулум.*

ҲАЗАЛГҮЙ [а. + ф. غزلگوی — Ҳазал айтувчи] 1 кт. айн. **Ҳазалнавис**. *Ҳазалгўй шоир. ■ Тиз чўк, тиз чўкмас тиззам, Букил, букилмас белим, Элдан кетди муаззам Ҳазалгўй чўнг муаллим. З. Обидов.*

2 айн. **Ҳазалхон**.

ҲАЗАЛИЁТ [а. غزليات — «Ҳазал» с. нинг кўпл.] Ҳазаллар; Ҳазал усулида ёзилган шеърлар. *-Сизлар мени диндор одам ўйлаб, Ҳазалиётимни маъқулламаётибсизлар, деб динсизлигини исботлаш учун атайин қоғозга ўраб келган бир тўғрам колбасани Ҳарч-Ғурч чайнаб кўрсатади. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

ҲАЗАЛНАВИС [а. + ф. غزلنويس — Ҳазал ёзувчи] Ҳазал ёзувчи. *Ҳазалнавис шоир. ■ Алишер Навоий, юқорида мушоҳада қилганимиздек, Саъдий яшаган даврдан олдинги Ҳазалнавислар шеърларига дахл қилмаган. «ЎТА».*

ҲАЗАЛНАВИСЛИК Ҳазал ёзиш иши. *Шарқ адабиётида Ҳазалнависликнинг такомилли ва ривожига Ҳофизнинг тутган мавқеи жуда буюқдир. В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоири.*

ҲАЗАЛХОН [а. + ф. غزلخوان — Ҳазал ўқувчи] 1 Ҳазал ўқувчи, Ҳазал айтувчи; Ҳазал шинавандаси. *Кечқурун бу ерга Ҳазалхонлар йиғилади. ■ Атлас боғларингда қизгин, оташин, Ҳазалхон дўстларнинг ўтди гурунги. Зулфия.*

2 Ҳазал ёзувчи. *Ҳабибий бахтиёр халқимизнинг саодатини куйлаган Ҳазалхон шоирдир.*

ҲАЗАЛХОНЛИК Ҳазал ўқиш, ёддан Ҳазаллар айтиш. *Ҳазалхонлик қилмоқ. ■ Қаён борсанг, бир шпирни кўрасан: ҳар ерда — мачитда, мадрасада, бозорда, ошпазхонада — Ҳазалхонлик ва Ҳазал жанжали. Ойбек, Навоий.*

ҒАЗАЛЧИЛИК Шеърятнинг (назмнинг) ғазал соҳаси. *Ҳозирги замон ғазалчилиги, бир томондан, мавзу доирасини мунтазам кенгайтиришга.. интилмоқда, иккинчи томондан, шаклбозлик ва қайтариқлардан қутулишга уринмоқда.* «ЎТА».

ҒАЗНА с.т. *Хазина. -Лочинимга балли, қайта таноб урдириб, ғазнамни тўлдирди, офарин, офарин! - деди хон Шерназарбойга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАЗНАЧИ с.т. *Хазиначи. Ғазначига султон юзини бурди, Аваз асбобини келтир деб буюрди.* «Гулихиромон».

ҒАЗНОҚ с.т. *Қазноқ. Сарви буви ғазноққа кириб, нон саватини кўрди, аммо нега кирганини ўзи ҳам билмас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАЗО |а. غزاة / غزو — ҳужум қилиш, уруш олиб бориш| айн. **ҒАЗОТ.** *Булар ўз давлатлари, ўз мол-мулкларини сақлаш учун ғазога чиқишга мажбур бўладилар.* С. Айний, Қуллар. *Чамбилнинг одамлари, ҳаммаси «Авазхон ғазога боради эмиш», деб эшитиб қолди.* «Хушкелди».

ҒАЗОВОТ |а. غزوات — «ғазо» с. нинг кўпл.: жиҳод| айн. **ҒАЗОТ.** *Рўҳонийлар ғазот ҳақида жар солмоқдалар. Йўқ, энди халқни чалғитиш қийин.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Эс-эс биламан, тушдагидек қизиқ воқеалар, ажойиб саргузаштлар чол хотирасидан булоқдай қуйилиб кетади: Фарғона жанглари, Бухоро ғазовоти, Қўқон ва Хоразм талонлари.* Ойбек, Болалик.

ҒАЗОЛ |а. غزال — кийик, оҳу| Кийиклар оиласига мансуб чиройли, жуда чопқир ҳайвон; гизол, оҳу.

ҒАЗОТ |а. غزوات — «ғозий» с. кўпл.: жиҳод, диний уруш| эск. **1** Дин йўлида қилинадиган уруш, жанг; мусулмонларнинг муқаддас уруши. -*Ота, ғазотнинг чин маъноси нима? -Бўтам, дини исломда ғазот — мусулмонларнинг кофирларга қарши жанг қилишидир, — деб тушунтирди чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мусулмонобод йўлида ғазотни бошлаш учун ҳамма нарса тайёр, фақат яроғ-аслаҳа йўқ.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 с. т. *Бошқалар ерига ҳужум қилиш, бостириб кириш; ҳужум, истило. Урушда ярқиллар кескир пўлотим, Мисрнинг юртига бўлди ғазотим.* «Юсуф ва Аҳмад».

ҒАЙБ |а. غيب — йўқлик, ғойиблик: барча кўринмас нарсалар: келажак| **1** эск. кт.

Йўқлик, ғойиблик. *Кўнданми, ғайбдан садолар келур.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 дин. *Инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Мўмин-мусулмонлар ғайбга имон келтириш билан бошқалардан ажралиб турадилар.* «Ислом энциклопедияси».

Илми ғайб ёки ғайб илми Сир билиш, кўринмайдиган нарсаларни кўриш. *Илми ғайбни биладурган парихон Наманганда кўнайдигандир.* «Муштум». *Оллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади.* «Шарқ юлдузи».

ҒАЙИР |а. غير — бошқа, ўзга; рашкчи, ҳасадчи| **1** Бировни кўролмайдиган, рашк қиладиган, қизғанадиган; ёмонлик қилишни хоҳлайдиган, ичи қора. *Ғайир одам.* ■ *-Жуда ғайир бола экан-а, — деди у аллакимга.* П. Қодиров, Қадрим. *-Баъзи хотинлар юраги торроқ, ғайирроқ бўлади, — деди раис.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Саидғози юрагига ништар санчилгандек ижирганиб, кўксини чангаллади: сохта гувоҳликка ўтган. Устидан маъзава тўккан.* *Ғайир эди-да!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 айн. **ҒАЙР.** *Ушбу ерлар бизга ғайир ерлари, Йигитни қўлласин комил пирлари.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ҒАЙИРЛАНМОҚ Бировни кўра олмаслик, ҳасад қилмоқ; рашк қилмоқ. *Унинг шухратини кўриб, машхур ашулачи ғайирланди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ҒАЙИРЛИК Ғайир шахсга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Олахўжа ўтирган ўрнида тебранди ва ғайирликни ифодалайдиган бир тарзда кулумсираб, қассобга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Назаров, ўзини қанча яқин тутса, ёрдами тегса, Саидғозининг ғайирлиги ўшанчалик кучаярди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАЙНОЛИ |ф. غينالو| шв. Олхўри. *Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сап-сариқ япроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Олма қатор орасида шафтоли, ғайноли сингари мева берадиган дарахт ўтқазилади.* Газетадан.

ҒАЙР |а. غير — ўзга, бошқа, бегона; зид, акс; эмас| эск. кт. *Ўзга, бегона одам; ёт. Ҳажр ила тинмай кўзимдан кўрмасам ашқим келур. Ғайр ила кўрсам мабодо, худ-бахуд рашқим келур.* Муқимий.

ҒАЙРАТ [а. غيـرت — рашк, қизганиш; саъй-ҳаракат, иштиёқ; жўшқинлик] **1** Иш-ҳаракатга бўлган кучли интилиш, берилиш ҳисси; иштиёқ. *Сиз, мухтарам устоднинг меҳрибончиликларингиз бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг ғайратига иш ёки ўқининг ўзи камлик қилаётгандек туюлади.* Т. Ашуоров, Оқ от. *-Ушлаб қолди.. бугун жуда тер тўкди. -Ёшда, ғайратига чидолмай, бошда ўзини уринтириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ғайрат камарини боғламоқ Бирор ишга иштиёқ билан киришмоқ, астойдил киришмоқ. *Буни эшитган ишчилар ғайрат камарини белга боғлайдилар.* Н. Мақсудий, Юксалиш. **Ғайрат қилмоқ** Ғайрат билан иш тутмоқ, ҳаракат қилмоқ. *..Жуда ғайрат қилганимизда ҳам, икки ярим танобдан ортиқ ерни чопиб тоза қилолмаймиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Улар асрлар тасаввур қилган манзарани чинакамга барпо қилиш ниятида ҳаммадан кўп тер тўкар, ҳаммадан кўра кўпроқ ғайрат қилардилар.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ғайрат (эркаклар исми).

ҒАЙРАТЛАНМОҚ Ғайратга кирмоқ, ғайрати қўзгамоқ. *Қасам руҳи билан ғайратланиб келган йигит бу ердаги аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҒАЙРАТЛИ Яхши, кучли ғайратга эга; серғайрат, тиришқоқ. *У пайтларда ёш, бақувват, ғайратли, қизиққон йигит эди.* С. Зуннунова, Олов. *Заргаров муҳим масалаларни қўзғаб, катта иш бошлади, ғайратли одам.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҒАЙРАТСИЗ Ғайрати йўқ; сусткаш. *Ғайратсиз бола.*

ҒАЙРАТЧАН Ғайратли, серғайрат. *Ғайратчан Халил ака ҳамма ишни ҳам шошилинч қиларди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒАЙРИ I [а. غيـر — бошқа, ўзга] кўм., кт. кам қўл. (ч.к. билан). Бошқа, ўзга; ташқари. *Ҳарчанд ичкари ва ташқари излаб, ушбу хатдан ғайри асар топмадик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҒАЙРИ II кт. **1** Нотаниш, ёт, бегона. *Мен найлайин, ота, бағри қораман, Кўз кўрмаган ғайри юртга бораман.* «Равшан». *Маҳдум уламо, амалдор ва ғайриларни тўрт-беш*

соатдан бери қабул қила-қила, мияси суюлган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бошқача, ўзгача. *-Қайси районга? -ҳаяжонланиб сўради Қудрат, ўзига ярашмаган ғайри бир овоз билан.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ҒАЙРИ- [а. غيـر — бошқа, ўзга, -дан ташқари, эмас, -сиз] Арабча изофий бирикмаларда инкор ифодаловчи олд қўшимча вазифасини бажариб, ўзи қўшилган сўз маъносининг зиддини билдирувчи сўзлар (асосан сифатлар) яшаш учун хизмат қилади, мас., *ғайриилмий, ғайритабиий, ғайриқонуний* каби.

ҒАЙРИАДАБИЙ [ғайри.. + адабий] кт. Адабий эмас, адабий тилда ишлатилмайдиган. *Ғайриадабий ибора.*

ҒАЙРИАХЛОҚИЙ [ғайри.. + ахлоқий] кт. Ахлоқ меъёрларига зид, ахлоқий бўлмаган. *Қиз бола билан ғайриاخлоқий муносабат учун, биласизми, қанчага кесадилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАЙРИБАДИЙ [ғайри.. + бадий] кт. Бадий бўлмаган, бадийликдан йироқ, бадийлик талабларига жавоб бера олмайдиган. *Ғайрибадий асар.*

ҒАЙРИДИН [ғайри.. + дин] кт. Бошқа динга эътиқод қилувчи, бошқа диндаги (киши). *Яхши, оқпошиш ғайридин эди, кофир мусулмонга бахт бермайди, дярди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман? Айрилик савдога бағри пораман, Қўл кўтариб, дуо қилинг, канизлар, Энди мен ғайридин бўлиб бораман.* «Алпомиш».

ҒАЙРИДИНИЙ [ғайри.. + диний] **1** Бирор динга зид; динга қарши. *Ғайридиний гаплар.*

2 айн. **ғайридин.** *Темирчи Абдукарим қўлга туширилди. Халойиқ ичида адоват қўзғгани, ғайридинийлар ҳақида ёлғон-яшиқ иғво юргизгани учун.. дарраланиб, умрбод зиндонга ташланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҒАЙРИЖИНС [ғайри.. + жинс] эск. кт. Жинси бошқа, бошқа жинсдаги; уруғи бошқа, қабиласи бошқа. *Ғайрижинс одам.*

ҒАЙРИЖИНСИЙ [ғайри.. + жинсий] биол. Жинсий жиҳатдан бошқача, ўзгача. *Ғайрижинсий урчиш.*

ҒАЙРИИЛМИЙ [ғайри.. + илмий] Илмий бўлмаган, илм-фанга хилоф. *Ғайриилмий назария, Ғайриилмий мулоҳаза.*

ГАЙРИНСОНИЙ [гайри.. + инсоний] *кт.* Инсоний хулқ, фазилат, одоб ва ш.к. ларга зид, инсоний бўлмаган. *Гайринсоний қиргин.*

ГАЙРИИХТИЁРИЙ [гайри.. + ихтиёрий] Киши ихтиёри билан бўлмаган, ихтиёрсизлик билан қилинган. *Гайриихтиёрий кулги. Гайриихтиёрий равишда оҳ тортмоқ. — Эҳтимол, — деди Отабек ва нима учундир гайриихтиёрий бир тебранди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ГАЙРИМАШРУ [гайри.. + машру] *эск. кт. айн. гайришаръий.* *Гайримашру талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ГАЙРИРАСМИЙ [гайри.. + расмий] Расмий бўлмаган, қонуний йўл билан қилинмаган. *Гайрирасмий хат. Гайрирасмий битишув. — Анчагина шу ҳолатда қатим тортгандан сўнг Зайнаб секингина қаршисидаги гайрирасмий ёвга ёлларча қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ГАЙРИТАБИЙ [гайри.. + табиий] 1 Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, сабабини билиб бўлмайдиган, одатдан ташқари. *Гайритабиий ҳодиса. — Ота-боболаримиз сириқни аллақандай гайритабиий бир кучга эса деб билиб, «дардга даво, бало-қазога қалқон», деб атаганлар. «Фан ва турмуш».*

2 Сунъий, ясама; ғалати. *Гайритабиий кулги. — Синдими-а? — Шербек ачингандек бўлиб сўради. — Синса, янги бўлади, — Нигора гайритабиий жилмайди ва тез-тез юриб, палатадан чиқиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ГАЙРИШАРЪИЙ [гайри.. + шаръий] *дин.* Шариатга хилоф, шариат қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган. *Гайришаръий иш. Гайришаръий фатво.*

ГАЙРИШУУРИЙ [гайри.. + шуурий] Онгсиз тарздаги, ихтиёрдан ташқари; ўзи билмаган ҳолда, ўйламасдан, беихтиёр. *Шофёр гайришуурий бир ҳаракат билан руль чамбарагини у ёқдан бу ёққа айлантirdи. Э. Усмонов, Ёлқин. Йўлчининг кўз олди қорайди, руҳан чуқур эзилди, гайришуурий равишда отни ҳайдаб кетаркан, бир нима «қарс» этиб, от бир томонга кескин бурилиб тўхтади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ГАЙРИҚОНУНИЙ [гайри.. + қонуний] Қонунга хилоф, қонунга сиғмайдиган, қонунга зид. *Гайриқонуний ишлар. Гайриқонуний жазо. Гайриқонуний равишда ишдан бў-*

шатмоқ. — Зарарнинг ўрнини қоплаш учун гайриқонуний ишга қўл уриш ҳоллари юз берди. «Муштум».

ГАЛАБА [a. غلبه — зафар, муваффақият; тўполон, шовқин] 1 Жанг ёки беллашув (кураш)да қозонилган (эришилган) муваффақият; зафар. *Ҳирот дарвозалари тепасида карнак сурнай, ноғоралар аваж қилди; султон Шоҳрух мирзо лашкари ғалаба билан қайтиб келди. Мирмуҳсин, Меъмор. Уруш ҳам тугар, ғалаба дамлари ҳам этиб келар.. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Баҳсларда тошкентлик ёш чарм қўлқоп усталари энг кўп ғалабага эришиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар. Газетадан.*

2 Иш-фаолият, мақсад йўлида эришилган муваффақият, яхши натижа; ютуқ. *Ўзбекистон оқсоқали Йўлдош Охунбоев халқ ҳашарида қатнашган барча қурувчиларни катта ғалаба билан табриклади. «Ўзбекистон кўриқлари». Баҳор бизни яна янги меҳнатга, ижодга, янги кураш ва янги ғалабага чорламоқда. «Саодат».*

Ғалаба қилмоқ 1) ғалабага эришмоқ. *Фашизм устидан ғалаба қилмоқ;* 2) баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарсанинг устун келиши, «енгиши» маъносини билдиради. *Авазхонни уйқу ғалаба қилди. Қўлидаги коса қарс этиб ерга тушди.. «Гулихиромон». Рашик ғалаба қилиб, уртада жанжал кўтарилмасин, дейди.. К. Яшин, Ҳамза. Ишқ ғалаба қилиб, бағри туташди.. «Тоҳир ва Зухра».*

ҒАЛАДОН [a. + ф. غلادان — ғалла идиши, дон сақланадиган жой] 1 Омборда ғалла (дон, ун) сақлаш учун атрофи ўралган жой. *Тўхта охун ошхона эшигининг чап бикинидаги сўрида, каттакон ғаладон ёнида ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Стол, жавон ва ш.к. ларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмаси, яшиги. *Китоб жавонининг пастки ғаладонига доим энг керакли хужжатларини қўярди. Д. Нурий, Осмон устун. Профессор стол ғаладонидан газета олиб, иккала аёлнинг тумшуги тагида силқитди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

3 Пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган яшик, қутича. *Ғаладонни ҳисоблаб кўрсам, олти танга бир мири бўпти. Ф. Фулом, Шум бола.*

ҒАЛАДОНЛИ Ғаладони бор, ғаладонга эга. *Катта, ғаладонли столда ўша эски сиёҳдон. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ГАЛАЁН [a. غلپان — қайнаш; ҳаяжон, кўтарилиш] **1** Норозилик ҳаракати; исён, кўзғолон. *Суворий казаклар кимдандир дарак топиб, галаёни бостиргани келишган эди. С. Сиёев, Аваз. Амир амалдорлари халқ галаёнидан чўчиб, шоирни киши кўздан нарида, Қабодиён чўлларида ўлдиришган. Газетадан. Бутун Туркистон ўлкасида галаёнлар авж олиб кетди. Фаргона водийсида кўзғолон дастлаб Қўқон уездининг Қайнар волостидан бошланди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 кўчма Табиат, унинг ҳодисалари, шунингдек, киши ички дунёсидаги турғун, жўш уриш. *Бу хазина мазмунида.. табиат галаёнларига қарши кураш борлигини ифтихор билан тилга оламиз. Газетадан. Бўрон тоғлар устида, водийда ўзининг қудратли галаёнини бошлайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Муҳаббатнинг кўзига кўзи тушганда, вужудида уйғонган ҳислар галаёнини аниқ эслади. С. Анорбоев, Оқсой. Идрокинг мавжизига текканинг замон. У мудроқ руҳингга солгай галаён. А. Орипов, Йиллар армони.*

Галаён қилмоқ Галаён ҳолати юз бермоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Халқ галаён қилди. — Бундай дақиқаларда кишини ўй босади, хотиралар тўлқини галаён қилади, хаёл қанотланади. Ҳ. Фулом, Машғал. Мамадали Матмуродовнинг кўнглида «бир деҳқончилик қилсам», деган ният галаён қилиб қолди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

ГАЛАЁНЛИ Галаён ҳолатли, галаён бўлиб турган, давом этаётган ёки этган (тўғри ва кўчма маънода). *Оқтош қишлоғи Бухоронинг энг галаёнли жойларидан бири эди. А. Ҳақназаров, Озодлик шабадаси. Улар Бошони юлдузли тунда галаёнли ўйлари билан қолдириб, пастак эшикдан эгилиб кириб кетдилар. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

ГАЛАЁНЧИ Галаён қилувчи; исёнчи, кўзғолончи. *Галаёнчилар ўрдага ҳужум қилди.*

ГАЛАМИС Кишилар муносабатига, унинг ҳолатига раҳна солувчи; гийбат, фитна юритувчи. *Бировнинг кўкарганини кўра олмайдиган галамисга ўхшайди. С. Нуров, Нарвон. Бироқ Шайх ака бундай галамислардан устун келди, у яна қизғин ижодий фаолиятга шўнғиб кетди. «Фан ва турмуш». Бироқ.. республикамизда ҳам, унинг ташқарисидида ҳам халқимизни камситувчи, ҳатто, ўзбеклар*

иши, деб айюҳаннос солувчи галамислар ҳам учраб қолди. «Муштум».

ГАЛАМИСЛИК Галамисга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бўдана подшоҳга кўр-кўрона итоат этувчи, галамисликни билмайдиган, дали-ғули йигит эди. М. Осим, Карвон йўлларида. Нимадан арз қиларди?! Арз эмас, галамислик.. Мирмуҳсин, Чўри.*

ГАЛАТ [a. غلط — хато, янглиш, нуқсон, саҳв; адашиш] **1** эск. кт. Хато, нотўғри, янглиш. *Тўғри бўлса, мен уйнашиб-куламан. Галат бўлса, ўн тўрт кунда келаман. «Гулихиромон». Сўзни нусхонарастлик билан, маънога эътибор бермай, бузиб кўчириш ва галат ўқишдан сақланиш лозим. А. Азизов, Фазал ва ғазалхон. Муҳандиснинг хатоси баъзан «гулдаста» билан равоқ орасида сезилиб қоларди. Пойдевор галат қўйилганмикан? Устод Қавом хаёлидан бир лаҳзада қанча гаплар ўтди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 айн. **галати**. *Икки букилиб кириб келган мулозимга галат овоз билан: — Шаробдорга айт, бир пиёла май келтирсин! — деб буйруқ берди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Чиндан галат эрур дунё ишлари, Миянғ говлаб кетар ўйлаган сари. А. Орипов, Йиллар армони.*

ГАЛАТИ [a. + ф. غلطى — хато тарзда, нотўғри] **1** Одатдаги, ҳаммага маълум бўлганидан бошқача; қизиқ. *Сизларда қандай — билмадим-у, аммо биз тарафларда келин-тушди жуда галати бўлади. С. Сиёев, Ёруғлик. Сиз галати одам экансиз-ку, соғлиқни сақлаш керак. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. ..хатдан бошини кўтармай: — Галати йўтал чиқазибсизми, Тулаган ака, — деди. А. Қаҳор, Кўшчинор чироқлари.*

2 Нималиги аниқ бўлмаган, англаб бўлмайдиган; тайинсиз. *Врач чиқиб кетгандан кейин кўнглини ғашликми, ноаниқликми, ишқилиб, галати бир туйғу қамраб олди. Ҳ. Усмонов, Сирли соҳил. Жилмаймоқчи бўлган эди, унинг ўрнига юзида галати бир ифода пайдо бўлди. С. Зуннунова, Олов.*

3 Ўз табиий ҳолатини ўзгартган, алланечук бир ҳолатли. *Нега галатисан, Витя. Рангларинг қув ўчган-а. Ё қорнинг очдимми? Р. Файзий, Сен етим эмассан. Ногоҳ Собирнинг кўзи уларга тушиб, галати бўлиб кетди. М. Мансуров, Ёмби.*

4 Жуда қойил; ажойиб. *Ойимчалардан галатисини топиб, гашт қиламиз. Ойбек, Танланган асарлар. Сен тўғрингда бир гала-*

ти очерк ёзмоқчидан. С. Аҳмад, Уфқ, Албатта ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб берман. С. Аҳмад, Сайланма.

ҒАЛАТСИЗ эск. кт. Хатосиз, нуқсонсиз, беҳато. *Бир неча кунда қалин бир девонни ғалатсиз ва гўзал битадиган девкор, чидам-ли хаттотлар орасида обрў.. қозониш оғир эди. Ойбек, Навоий.*

ҒАЛА-ҒОВУР Тартибсиз овозлар, шовқинлар: шов-шув. *Мажлисда яна ғала-говур бошланди. ■ Турсуной бўлса ғала-говурга ортиқча аҳамият бермади. Н. Сафаров, Узокни кўзлаган қиз. Тўйхонадаги ғала-говур тиниб, ҳамма ёққа тинчлик чўкди. С. Нуров, Нарвон.*

ҒАЛВА [а. غلواء — ҳаддан ошиш, авжга миниш, тийиқсизлик; жўшқинлик] 1 Шовқин-сурон кўтариб қилинган жанжал, тўполон. *Мунча ғалва қиласан? ■ Нақ ғалвалар бўлардики, қўни-қўшни ўртага тушарди. С. Аҳмад, Юлдуз. Қутбиддинов эртагаёқ Суярнинг мактабига бориб, катта ғалва кўтармоқчи бўлди. А. Қаҳҳор, Ўжар.*

2 Ташвиш келтирувчи нарса, ҳолат: ташвиш. *Ғалваси кўп бўлади — ҳали униси касал, ҳали буниси ҳушидан кетган, ўлса, ўлигини саранжомла! У. Исмоилов, Сайланма. Бутун ғалваларинг менинг бошимда-ку, яна, нима қилиб ўтирибсиз, дейсан-а! С. Зуннуова, Олов.*

ҒАЛВАЙМОҚ 1 шв. Ихчам бўлмасдан, катта жой олмақ, қаппаймоқ; ноихчам бўлиб турмоқ. *Ғалвайган юк. Ғалвайган тугун. Босилмаган похол ғалвайиб туради.*

2 кўчма Кераксиз ҳолда кенгайиб, катта бўлиб кетмоқ. *Мақола фойдасиз тафсилотлар билан ғалвайиб кетибди.*

ҒАЛВАЛИ 1 Ғалва, жанжал бўладиган, бўлиб турадиган; жанжалли. *Ғалвали уй.*

2 Ташвиш келтирадиган, ортиқча (кераксиз) ташвишли. *Бунақа ғалвали ишлар билан бош қотириб юргунча, гаштингни сурсанг-чи, ошна, қишлоққа келдингми — дам ол! О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим.*

ҒАЛВАСИЗ 1 Ғалва, жанжал бўлмайдиган; беғалва, бежанжал. *Ғалвасиз уй.*

2 Ташвишсиз, ғамсиз. *Ғалвасиз иш. Ўз ошим — ғалвасиз бошим. Мақол.*

ҒАЛВАХОНА с.т. кам қўлл. Ғалвали, ғалва бўлиб турадиган жой. *Чой ичаман,*

деб ғалвахонага янглишиб кириб қолибман. «Муштум».

ҒАЛВАЧИ Ҳар нарсага ғалва, жанжал қилаверадиган, жанжалкаш. *Ғалвачи одам.*

ҒАЛВИР [ф. غرابال < ا. غلبير — катта сим элак, ғалвир] Дон эланадиган, сийрак тўрли катта элак. *Жўхорини қўшиларнинг от-эшаклари ва қишлоқ болаларининг ёрдамлари билан янчиб, ғалвирда элаб.. олдим. С. Айний, Эсдалиқлар. Товуқ сомон тўлдирилган ғалвирга бағрини бериб, унга қараб, кўзларини мўлтайтиряпти. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.*

Ғалвир қилмоқ Ғалвир каби тешиктешик, илма-тешик ҳолга келтирмоқ. *Салиманинڭ беихтиёр ураётган чакичи патирни ғалвир қилиб юборганини Меҳринисодан бўлак ҳеч ким пайқамади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Қизнинг қомати дуркун, пошнали туфлуси билан оппоқ ерни тўхтовсиз топтайвериб ғалвир қилиб юборибди. А. Мухтор, Чинор. Ғалвирдан ўтказмоқ* 1) ғалвирда эламоқ; 2) синондан ўтказмоқ. *Шу проғулчилар аввал группаларнинг ғалвирдан ўтказилса, кейин уларнинг кучи етмаганини биз эласак. П. Қодиров, Уч илдиш. Ғалвирни сувдан кўтармоқ* Якуний натижани аниқламоқ. *Мағрурланишга ўрин йўқ. Ҳали ғалвирни сувдан кўтарганда маълум бўлади. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Йил охиригача яна икки ой қолди, яъни ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди. Газетадан. Сичқон сизмас нига, ғалвир боғлар думига қ. сичқон.*

ҒАЛВИРАК 1 Ғалвирга ўхшаш тешиктешик (қ. ғалвир, ғалвир қилмоқ). *Кон қидириб, аямадим жон. Ер қатини ғалвирак қилдим. Ю. Шомансур. Марварид томчилар тинимсиз оқиб, Харсангни ғалвирак қилганин кўрдим. Шухрат.*

2 Пўчоғи юпқа, чақиш осон, бўш; қаттиқ эмас (бодом, ёнғоқ ҳақида). *Ғалвирак бодом. ■ [Умматали] Тажриба учун ўзи турган хонада тувакда ёнғоқ ўстирди. Ўстирганда ҳам, кўчатдан эмас, худди ғалвирак ёнғоқнинг ўзинасидан ундирди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ғалвиранинڭ ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур, Пистанинڭ ҳам қаттиғидан очиқ оғзи соз бўлур. Шукрулло.*

ҒАЛВИРЧИ Ғалвир қиладиган киши, ғалвир ясовчи уста.

ҒАЛДИРАМОҚ 1 айн. қалдирамоқ.

2 айн. гулдирамоқ. Қалтираб ҳам фалдираб, турлича рафтор этди маст. Бетамизликлар билан фикрини изҳор этди маст. Васфий. Тоғуши ўз жуссасига қараганда ҳам йўғон ва рўза тутиб, узоқ уйқудан турган кишиники сингари фалдираган эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ФАЛИЗ [а. غلظ — қалин, семиз, йўғон; зич; купол, дағал] Услуг жиҳатидан тўмтоқ; равон эмас, тушунилиши огир; мужмал. *Фализ ибора. Фализ жумла.* ■ Бавзан фализ жумла устида Соатлаб бош қотирганим бор. А. Орипов, Йиллар армони. *Фализроқ гапирдингиз, хоним. Одам ўзида эмас, кабинетида бўлади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ФАЛИЗЛИК Услуг ёки меъерий жиҳатдан нуқсонли, фализ ҳолат. *Таниқли шоир П. Мўмин шеърларида ҳам айрим фализликлар учрайди.* Газетадан.

ФАЛЛА [а. غلّة — даромад; ўрим, ҳосил; дон, фалла] Бошоқли экинлар ҳосили; дон. *Фалла тайёрлаш пункти. Фалла омбори.* ■ *Фалла ҳамиша энг қимматли озиқ-овқат, барча ноз-неъматларнинг мезони бўлиб келган.* Газетадан. *Ўғлининг машинасига гоҳ сабзавот, гоҳ мева-чева ортиб, шаҳарга тушиб келар, гоҳ фалла ортиб қайтарди.* С. Зуннунова, Олов.

ФАЛЛАДОН [а. + ф. غلهدان — фалла идиши, омбори] айн. **ғалалон**.

ФАЛЛАЗОР [а. + ф. غلهازار — фалла экилган дала, майдон] Фалла (дон) экин(лар)и экилган майдон, ер. *Бир вақтлар сувсизликдан торс-торс ёрилиб кетган даштларда эндиликда ҳадсиз фаллазорлар шовуллаб ётибди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ФАЛЛАКОР [а. + ф. غللكار — фалла, дон етиштирувчи] 1 Дон етиштириш иши билан шуғулланувчи деҳқон. *Ўқтам ғаллакорлар қўшхонасига шом қоронғисида қайтди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 Дон, фалла етиштириладиган. *Ғаллакор хўжаликлар.* ■ *Рихсивой ака кўп вақтини ғаллакор бригадаларда ўтказди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ФАЛЛАКОРЛИК Фалла экинлар экиб, фалла етиштириш. *Ғаллакорлик хўжалиги. Ғаллакорлик билан шуғулланмоқ. Ғаллакорликни ривожлантирмоқ.*

ФАЛЛАСИМОН Фалла ўсимлиги каби бошоқ чиқарадиган, фалла ўсимликларига ўхшаган. *Фалласимон ўтлар.*

ФАЛЛАХОНА [ғалла + хона] Дон омбори. *Ғаллахонага дон тўлдирмоқ.*

ФАЛЛАЧИЛИК айн. **ғаллакорлик**. *..арпа ва бугдой республикамиз ғаллачилигининг асосий негизини ташкил этади.* Газетадан.

ФАЛТ: **ғалт урмоқ** шв. Мавж урмоқ, мавжланмоқ. *Ғалт уради атрофи тол мувий ҳовуз.* А. Шер, Қадимги куй. *Ғалт урган себарга, йўнғичқалар белга чиқиб, очилиб гулини тайлар.* «Баҳром ва Гуландом».

ФАЛТАК [ф. غلتك — ғилдирак, чиғир, жўва; ролик; мола] 1 Ип, сим, лента каби узун нарсаларни ўраб жойлаш учун мосланган буюм. *Плёнка ғалтаги. Ғалтакка ўралган ип. Симни ғалтакка ўрамоқ.* ■ *Тўққиз аёл ҳаммаси ишда — оёқлари тепкида, қўллари тасма, ғалтак билан дастакда.* А. Мухтор, Опа-сингилар.

2 *тех.* Арқон, сим, занжир воситасида огирликни кўтариш, нарсаларни силжитиш учун хизмат қиладиган қурилма: блок. *Йиғитлар нариги соҳилга тортилган икки пўлат арқонни ғалтакка ўраб, кемани нариги соҳилга аста силжитар эдилар.* С. Абдулла, Қувғунда.

3 Электротехника ва радиотехникада махсус сим ўрами.

4 *с.т.* Бирор нарсани текислаш, силлиқлаш ёки деворларга гул солиш учун ишлатиладиган, ўққа ўрнатилган ғалтаксимон мослама. *Ғалтак билан деворларга гул солмоқ. Ойнага ёпиштирилган фоторасмлар сувини ғалтак билан сидирмоқ*

5 Бавзи қурилма, мосламаларнинг айлантириладиган қисми. *Қаттиқ титраётган қўлининг кўрсаткич бармоғини телефон ғалтагининг «о» тешигига тиқиб айлантирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ғалтақдан икки қулоч билет тортиб йиртди-да, отанинг кўкрагига отди.* С. Нуров, Нарвон.

6 *с.т.* Замбилғалтак. *Ер қазииш, замбар кўтариш, оғир ғалтакни суриш Пўлат учун таниш ишлар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Тўрт кун ғалтакда тупроқ ташиб ҳолдан тойгач.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Ғалтакка чиқмоқ Йўққа чиқмоқ, йўқ бўлмоқ. *Энди бўлар иш бўлди десанг, юрак ачийди, дастмоя ҳам ғалтакка чиқадиган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чойхоначи дастмоянинг ғалтакка чиқиб қолишдан қўрқиб, оппоқ сув дамлаб бераётибди.* «Муштум».

ФАЛТАКАРАВА I Бир гилдиракли қўл аравача; замбилгалтак. Бул важдан мухтарамайн [ота ва она] паршон ва дилгир бўлиб, чорасига киришиб, фақирга фалтакарава мухайё қилибдирлар. А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Уч ёки тўрт гилдиракли, шифохоналарда беморларни кўчириш учун ишлатиладиган аравача. Касали энгил беморлар кўмагида Ёлғизжонни авайлаб, фалтакаравага кўтариб ётқизишди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ФАЛТАКМОЛА қ. х. Судралганда юмалаб, шудгорни текислайдиган, мола ўрнида ишлатиладиган ёғоч гўла.

ФАЛЧА I шв. Бўйи паст, миқти, пакана (одам ҳақида). Ўн қадамча нарида, супада галча йигит билан қорачадан келган қиз турарди. А. Ҳасанов, Чироқлар.

ФАЛЧА II с.т. Ўз тилидан бошқа тилга тушунмайдиган; гап-сўзни тезда англаб, уқиб ололмайдиган. Фалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрға чиқади. Мақол. ■ - Ўзинг гап-папага тушунасанми ё фалчамисан! - деди Аҳмаджоннинг дадаси муаллимга. С. Кароматов, Ҳижрон. - Мабодо.. яхши муомалага тушунмайдиган галча келиб қолса, белни боғлаб, закон [қонуи] сўқишамиз, - деди Файбулла. Ф. Мусажонов, Чикинди. Эй, сен галча, беватан, Мени қайга злтасан?! Т. Тўла.

ФАМ [а. غم — қайғу, ҳасрат, ғам-алам; ҳавонинг димлиги, жазирама] I Руҳий азоб ҳис-туйғуси, руҳиятдаги шундай ҳолат; қайғу. Азизхон қачонлардан бери дилини эзиб ётган ғамдан қутулгандек, энгил юриб, катта йўлдан кетмоқда эди. С. Аҳмад, Уфқ. ..юрагида шунча ғамни кўтарган бу бели букки чолни.. сўз билан юпатишининг.. маъносизлигини сезди. Ойбек, Танланган асарлар. Изма-из юраркан ғам билан шодлик.. Газетадан.

2 Кўзланган мақсад, иш ва ш.к. йўлидаги безовталиқ хатти-ҳаракати, шу ҳақдаги ўй-хаёл; ташвиш. Менинг ҳеч нарсадан ғамим йўқ. ■ Бутабой Самандаровни туртиб, секин шивирлади: -Нега ўртоқ Сафаровга картошка.. ғами тушиб қолди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Эл-юрт ғамида ранжу ташвиш чеккан одамнинг йўли равон, дили нурафшон бўлади. Газетадан.

Ғам емоқ 1) ғам-ҳасратда бўлмоқ, ғам чекмоқ (қ. ғам I). Уламан, деб ғам емайман, айёрлар.. «Ойсулуя»; 2) ташвишда бўлмоқ

(қ. ғам 2). Аҳмад уйига кириб борганида, Мунира қиш ғамини еб, аччиқ-чучукдан шиша банкаларга консерва ёпаётган экан. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. ..кампир шўрлик бизнинг ғамимизни еб, даладаги катта қозондан тоғорада овқат ташийдиган бўлди. Ҳ. Назир, Кўкорол чироқлари.

ҒАМБОДА [а. + ф. غمباده — кучли қайғу-аламдан келиб чиқадиган касаллик; ғамгин] кт. Ғам азобидаги; ғамли, қайғули. Бошларини қуйи солиб кетаётган ғамбода кишиларнинг кўнгилларидан шундай фикрлар ўтар эди. М. Осим, Карвон йўлларида. Йўл азоби — гўр азоби, дегандай Хивага келаётган ғамбода Хадича ориқлаб, қопқора бўлиб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАМГИН [а. غمگين — ғамли, қайғули; хафа, маъюс] I Руҳини ғам эгаллаган ҳолатли; қайғули. Ойқиз ғамгин Лоланинг елкасига қўлини қўйиб, алоҳида меҳрибонлик билан гапирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кампир чап ёнида оёғининг учи билан ер чизиб турган ғамгин Адолатга боқди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ғам, қайғу ифодали. Бир оздан кейин уйчан, ғамгин қиёфада Кимёхон кирди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. У ўз тақдирини билиб олмоқчи бўлгандек, йигитга тик боқди ва ғамгин нигоҳга дуч келди. «Ёшлик».

ҒАМГИНЛИК Ғамгин ҳолат; ғам, ташвиш ифодали ҳолат. Бу жуда чигал, шодлик ва ғамгинлик, умид ва умидсизлик чатишиб кетган бир сафар бўлди. О. Ёкубов, Ота изидан. Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒАМГУЗОР [а. + ф. غمگسار — ғамгин, қайғули, маъюс, хафа] Бировнинг ғам-қайғусини энгиллатувчи киши; ғамхўр, меҳрибон. Муҳаммаднинг яғона ғамхўри ва ғамгузори — Гулсум кампирнинг кўзлари энди нурсиз. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

ҒАМДОШ кам қўлл. айн. қайғудош. Шубҳа ичра қолганда танҳо, Ғамдошим, деб сени ўйладим. А. Орипов, Йиллар армони.

ҒАМЗА [а. غمزه — ноз-карашма; нозли, қичиқли кўз қисиш, боқиш] Ноз ва дилбарона ишва билан киприк қоқиб, кўз сузиб қараш; ноз-карашма. Роҳиланинг ҳар бир ҳаракатида Кавказ қизларига хос ла-

тофат, ноз-карашма, нозик ғамза бениҳоя. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. У Иномжоннинг ўзига тикилиб турганини сезганидан, атайлаб ғамза билан ёнидан ўтди. С. Аҳмад, Онажонлар.

ҒАМЗАДА [а. + ф. غمزده — ғамдан эзилган, қайғули; хафа] Ғам-алам билан эзилган, кўп азоб чеккан; ғамбода. Зиндон-хонанинг деворидаги туйнукдан ой мўралаб, бу иккала ғамзадани ҳайрат билан томоша қилди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҒАМЗАЛИ Ноз-карашмали, ишвали. Осмон, Навоий таъбири билан айтганда, фусункор афғон аёлларининг гузал ва ишвали, ғамзали кўзлари каби мовий ва мусаффо. В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

ҒАМКАШ [а. + ф. غمکش — ғам тортувчи, ғам чекувчи] Ғам, алам чекувчи; сабртоқатли. Айириб олармиз қариндошларни, Қувонтириб неча кўзи ёшларни, Отга мининг, ғайрат қилинг, ботирлар, Шодмон қип опкелинг у ғамкашларни. «Хушкелди».

ҒАМЛАМОҚ Маълум вақт, фурсат учун йиғиб тайёрламоқ, тўпламоқ, тайёрлаб қўймоқ. Қишга ўтин ғамламоқ. Озиқ-овқат ғамламоқ. ■ Тоғай қишлоқ мева ғамлагани чиққанларга кўпда теғмас эди. Н. Норқобилов, Тўқнашув. Ботирали акам уруғликни ғамлаб қўйганимиз учун раҳмат дедилар. Ҳ. Фулом, Машғал.

ҒАМЛИ Ғам эгаллаган руҳли; ғам ифодали; қайғули. Ғамли Ёқутбика бир-бир қаддам ташлаб, ўз уйига кириб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм. Унсин хизматкорхона эшигида мағрур, лекин ғамли, ўйчан ҳолда турган акасини кўриш билан югуриб бориб, уни қучоқлади. Ойбек, Танланган асарлар. Эшикни, қабристонда қуръон ўқилаётганда чўзиқ, ғамли товуш билан ёйшладиган аҳанг тўлдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒАММОЗ [а. غمزان — кўз қисувчи, имловчи; ғийбатчи, тўхматчи] эск. кт. Сўз ташувчи, чақимчи. Ўртада ғаммоз эрур, боз устига аҳли нифоқ. Ҳабибий.

ҒАММОЗЛИК эск. кт. Сўз, гап ташиш, ғийбат иши. Бировларнинг ғаммозлиги.. орамизга кудуратларни ташлагандир. «Муштум».

ҒАМНОК [а. + ф. غمناک — ғамгин, қайғули; маънос] кт. Ғамгин, хафа; ғам, қайғу ифодали. Йўқ, мен сени кетмайман ташлаб, Ташвиш тушди, ғамноксан ҳозир. Э. Охунова. Эй, бобо, нечук ғамнок кўринасиз. С. Аҳмад,

Хукм. Унинг болаларникидай беозор кўзлари ғамнок боқарди. С. Кароматов, Эътиқод.

ҒАМСИЗ Ғам-ташвишдан холи, ғами йўқ. Эсиз, менинг ғамсиз бошим ғамхона бўлди, найлайин. «Баҳром ва Гуландом». Қушчам ғамсиз яшайди, Унинг ҳар дам вақти чоғ. «Бойчечак».

ҒАМХОНА [ғам + хона] Қайғу, ғам-ҳасратли жой. Ватаннинг вайронаси — умрнинг ғамхонаси. Мақол. ■ -Нари туринг, — Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. — Эссиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаётибди. Ҳ. Фулом, Машғал. Муттасил ғамхонага айланган бу уйда қолишнинг асло имкони йўқлигига ишонганидан Зумрад бир қарорга келган эди. Ойбек, Улуғ йўл.

ҒАМХҲҮР [а. + ф. غمخور — қайғуга шерик, ҳамдард бўлувчи, юпатувчи; шафқатли] Кимса учун қайғурадиган, унинг ғамини ейдиган. Юрагидаги шунча ғам-ғуссани кўтариб, яна сингисига онадай, отадай меҳрибон ва ғамхўр акадан айрилиш!. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳозир кўзимга Султон амаки ҳар вақтдагидан кўра ғамхўр, раҳмдил кўришиб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ҒАМХҲҮРЛИК Кимса ҳақида қайғуриш, унинг ғамини ейиш; ғамхўр шахсга хос иш, хатти-ҳаракат. Газеталарда ҳам, раҳбарларнинг нутқларида ҳам ёш мутахассисларга ғамхўрлик масаласи кўндаланг қўйилгани учун Шербекни, қанот бўлар, деган фикрда қўлтиғига олганди. С. Анорбоев, Оқсой. Охиратим куймасин, деб беш ўғилнинг ҳаммасига ҳам бирдек ғамхўрлик, бирдек меҳрибонлик билан қарайдиган ажойиб онасини.. узоқ эслади. Ойбек, Қуёш қораймас.

ҒАНА айн. ғон. Хосият хола қуртхонадан ғана олиб чиқаётиб, келинига кўзи тушди. П. Қодиров, Эрк.

ҒАНИ [а. غنى — бой] 1 эск. кт. Бой, давлат, давлатманд. Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж. Нодира. [Эшон:] Сўзлангиз, Мирсиддиқбой махсум, Қўқонда аҳли савдодан ғанилар, зангинлар мўлми? Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ғани (эркаклар исми).

ҒАНИМ [а. غنيم — душман, рақиб, ёв; қўлга олинган] Душман; рақиб. Шаҳар халқига жар соламиз, қўлида бор қурол-яроғини кўтариб чиқсин, кўрғон ташқарисидан ғаним билан мардларча олишамиз. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Ахир у эмасми дўстни ғаниму, Ғанимни дўст қилиб қўйгучи одам.

А. Орипов, Йиллар армони. *Йўлда йўлтўсар чўнтагини қоқлаб олди. Индамай кетолмади.. ғанимига ташланди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ҒАНИМАТ |а. غنيمت — урушда қўлга киритилган нарса, ўлжа; овланган нарса| 1 кт. Урушда ёки овла қўлга киритилган нарса, ўлжа. *Хусайн Бойқаро мерганлар билан бирга тантанали ов ҳафталари тузиб, қорли саҳроларга сурон солар, катта ғанимат билан қайтарди.* Ойбек, Навоий. *Қалдирғоч учиб кетаётиб, ғаниматини тутаверади, ерда эса ожиз бўлиб қолади.* Газетадан.

2 Умуман, қўлга кирган, эга бўлинган нарса. *Уғиллари ўттизинчи йилларда оталаридан мерос қолган ғаниматларни чўнтакка солиб, минг машаққатлар билан Машҳадга қочган эди.* А. Ҳақимов, Илон изидан. *Ҳатто бизнинг давримизда келиб чиққан «Ёз неъматини — қиш ғаниматини» деган мақол ҳам консерва шарофатига айтилгандир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 Шахс, ҳолат ёки нарсанинг мавжудлиги вақтинчалик, ўткинчи ва қайтмайдиган эканини билдиради. *Дам ғанимат. Ёшлик ғанимат. Вақт ғанимат* ■ *Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безимоқ чоғидир умр дафтарин.* Ғ. Ғулом. *Гулчехрага эри билан тотувлиги ҳам ғаниматдек туюларди.* С. Зуннунова. *Гўдак ҳиди. Биз ҳам ғанимат, бугун бормиз, эртага.. ўзи билади.* М. Мансуров, Ёмби.

ҒАНИМЛИК Ғанимга хос муносабат. *Биринчи ёрдамчи илжайиб кўйди: Яхшибоев билан Шоймардоновнинг азалий ғанимлигини биларди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ҒАР [ф. غر — фоҳиша, бузуқ аёл; хотинчалиш] Суюгоёқ хотин, бузуқ хотин, фоҳиша. *Ғар бўл, ўғри бўл — инсофли бўл.* Мақол. ■ *Ўғри қариса — сўфи, ғар қариса, парихон бўлади», деб бекорга айтилмаган-да.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Оғзига келганини қайтармай, бўралаб сўка кетди: -Ғар, шарманда! Номусини сотган бузуқ!* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАРАЗ |а. غرض — мақсад, ният; манфаат; яширин ёмон ният; зарур нарса| 1 кам қўлл. Шахсий манфаат; мақсад, ният. *Буни кўриб, Сидиқжоннинг қалбида бу жувонга нисбатан ҳар қандай ғараздан холи бир меҳр уйғонди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йигитали бу муносабат тагида нима бор —*

бирон ғараз, манфаат ёки шунчаки одамгарчиликми — билмасди. Д. Нурий, Осмон устунни. *Бир неча кун яхшигина яшадилар.. энди билсак, қиз ўлгурнинг ғарази бошқа экан.* Чўлпон. *Кеча ва кундуз.*

2 Ёмонлик кўзда тутилган мақсад, кўролмаслик муносабати. *Дастлаб унинг муомалалари Нурига дағалроқ кўринса-да, кейинча унда ҳеч қандай адоват, ғараз йўқлигини, табиати шундай кескинроқ эканини тушунди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Узаро низонинг дарду марази Тинкамизни қуритди, хуноба қилди. Талашган хонларнинг кеку ғарази Етди юрт бошига — хароба қилди.* М. Шайхзода.

ҒАРАЗҒҮЙ |а. + ф. غرضگوي — ғараз сўзлар айтувчи, ғаразчи| Ғараз билан иш тутувчи; ғаразчи. *Дилда кек сақловчи, ғаразғўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди.* Р. Усмонов, Одобнома. *Сизнинг адолатли ҳукмингиздан бир нарсани сўраймиз.. бизнинг тўғримизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилик қилувчи ифвогар ва ғаразғўйлар бу мажлисга ҳозирлансинлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шундай ранги тоза йигит Маҳкамнинг тасаввурдаги ғаразғўй амалпарастга ҳеч ҳам тўғри келмасди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ҒАРАЗҒҮЙЛИК Ғаразли муносабат, ёмон мақсад, кўра олмаслик туйғуси. *Аммо Йўлдошнинг кўнглида бундай режа йўқ. Агар бўлса, бу ғаразғўйлик, дўстга нисбатан инсофсизлик бўларди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимдир ғаразғўйлик билан машина теримига ажратилган майдонга сув кўйиб юборибди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ҒАРАЗЛИ Ғарази бор, ёмон мақсад кўзда тутилган. *Ғаразли гап. Ғаразли иш.* ■ *Ғаразли фикр аксар сўзлагувчини шарманда қиладди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дўстларнинг ҳақ сўзи аччиқ бўлса ҳам, Ғаразли, хушомад сўздан яхшидир.* Ғ. Ғулом.

ҒАРАЗСИЗ Бирор ёмон ният ёки шахсий манфаат кўзда тутилмаган; ғарази йўқ, бегараз. *Ғаразсиз гап. Ғаразсиз иш.* ■ *Мен.. ҳеч бир ғаразсиз, болаларча соддалик билан: -Оқ гул Қутбия опамнинг юзига ўхшайди! — дедим.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҒАРАЗЧИ айн. ғаразғўй. Ғаразчи одам. ■ *Модомики, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғувчилар йўқолмас эканлар — бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлса-*

лар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазиб нажотимизнинг йўлидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРАМ Беда, пичан ва ш.к. нинг тўп-ланган уюми. *Пичан ғарами. Беда ғарами. Бир ғарам ғўзапоя.* ■ *Пунктдаги пахта ғарамига яхшилаб қарайман десанг, бошингдан дўппинг тушиб кетади.* Ҳ. Нурий, Раиснинг орзуси. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар қўзғалиб, бойларнинг ғарамларига ўт қўйишар.* эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

Ғарам қилмоқ айн. **ғарамламоқ.** *Ўрмон ёнида, ғарам қилиб қўйилган похол олдида юк ортилган арава турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҒАРАМЛАГИЧ қ.х. Похол, пичан, пахта ва ш.к. ни ғарамлайдиган машина, ғарамлаш машинаси.

ҒАРАМЛАМОҚ Ғарам ҳолатга олмоқ; ғарам қилмоқ. *Пичанни ғарамламоқ. Ғўзапоя ғарамламоқ.* ■ *Даставвал серўт яйловларни танлаймиз ва бу яйловлардаги табиий ўтларни етилтириб, сўнгра ўриб ғарамлаймиз.* Газетадан.

ҒАРБ |а. غرب — кунботар, ғарб| 1 Дунёнинг тўрт томонидан бири; шарққа қарама-қарши томон, қуёш ботадиган томон; кунботар. *Ғарбдан эсган шамол.* ■ *Офтоб ғарбга ёнбошлаганда, икки йўловчи даштдан чиқиб, тепаликка йўл олди.* А. Қаҳҳор, Мас-тон.

2 Маълум бир объект, худуд, майдон, бино ва ш.к. нинг ғарб томони, ғарбий қисми. *Ўзбекистоннинг ғарби.* ■ *Отабек майдонда отини супуриб эгарлар экан, майдоннинг ғарбидаги хароба уйнинг деворидан бир бош кўтарилиб, унга қараб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, ғарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 с.т. Ғарбий Европа, Ғарбий Европа мамлакатлари. *Жаннанинг ўзи. ғарбда тикилган, кўкрак чўнтаги устига лотин ҳарфидан белгилар қўйилган желатка. топиб келиб, Умидга кийгизди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒАРБИ-ЖАНУБИЙ Ғарб билан жануб томонлар ораллиғида жойлашган; ғарб билан жануб томонлар ораллиғидаги. *Бу бурч-*

дан қараган кишига қўрғоннинг ғарби-жанубий. бурчи ҳам кўриниб, шу йўсинда тўрт бурчини айланиб чиқилса. бизга таниш ўрда дарбозасига келинадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРБИЙ |а. غربي — ғарбга (Ғарбга) оид, алоқадор| Ғарб томонда жойлашган, кунботар томондаги. *Ғарбий мамлакатлар. Ғарбий Европа. Республикамизнинг ғарбий қисми.* ■ *Мирзаев Ғарбий фронтнинг ўзида учта хат, иккита совға олган эди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ҒАРБИ-ШИМОЛИЙ Ғарб билан шимол томонлар ораллиғида жойлашган; ғарб билан шимол томонлар ораллиғидаги. *Лагернинг ғарби-шимолий томони, ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисобга олмаганда, кўзга шўнмас яйлов.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ҒАРВАЧЧА |ф. غريچه — ғарнинг боласи| 1 Ғардан туғилган бола, ғарнинг боласи.

2 сўк. Ғардан тарқаган, ҳароми. *Жанишнинг қони қизиб кетди. У бор овози билан шовқин солди: -Тўхтайсанми, йўқми, ҳой ғарвачча! — деди қўлини қилич қилиб Файзи дастурхончига.* Ҳ. Шамс, Душман. *Ёмон одам яхши бўлмас ўлгунча, Қайдан келди пичоқли кўрс, ғарвачча. «Бўтакўз».*

ҒАРИБ |а. غريب — ёт, бегона, ўзга; нотаниш, номаълум| 1 Қариндош-уруғи йўқ, бирор ҳомийси, кўмакчиси бўлмаган, кимсасиз; мусофир. *Ғариб кўнглини ғариб билур. Мақол.* ■ *Бу ғариб ва кимсасиз киши асли Сабзавор шаҳридан бўлиб, фалакнинг гардиши билан Ҳиротга келиб қолган. Мирмуҳсин, Меъмор. Файзи касалхонадан кетгандан кейин, бамисоли ғариб бўлиб қолдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Камбағал, қашшоқ; фақир, бечора. *Тирноқ-ла ер ўйиб, сувлар оқизган Ғариблар аҳволи қоларди танга.* Файратий. *Бозор Ҳамроевич, ўғли ғарибгина бир оилага нақадар катта ғам-ташвиш орттирганини тушунди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 кўчма Ночор ҳолатли; кўримсиз; аҳволи танг. *..шаҳар четида ижарада, ғариб бир хонада. яшардик.* М. М. Дўст, Лоззор. *Гиёҳлари қовжираган ғариб мазорга тикилиб ўтириб, ўтган болалигини. эслади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзи ҳамма вақт ғариб яшашига қарамай, жуда серпардоз эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

4 кам қўлл. Ажиб, қизиқ, ажойиб. *Сизлар эмас, отанг нима бўлади, Болам, жанг энди ғариб бўлади. «Маликаи айёр». Агар гумоним тўғри бўлса, Комилбекнинг қотили Ҳомиддир! — Бу сўз Отабекни ажаблантирганидек, уста Олимга ғариб эшитилган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҒАРИБЛАНМОҚ айн. ғариблашмоқ. *Етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда ғарибланди, ҳатто шу кейинги кунларда ҳам қийналиб қолдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҒАРИБЛАШМОҚ 1 Ғариб бўлиб қолмоқ, кимсасиз, қўмакчисиз қолмоқ.

2 Аянчли, ночор аҳволга тушиб қолмоқ; камбағаллашмоқ. *Бир майдонга сурункасига пахта экилавергач, тупроқнинг таркиби ғариблашиб, ер ориқлаб, ҳатто минерал ўғитларни ўзига сингдиролмайдиган даражга етиб қолди. Миртемир, Р. Раҳмон, Катта карвон.*

ҒАРИБЛИК Ғариб ҳолат, ғарибона шароит. *Йўлчи қоронғи кечада борар экан, бутун ғариблигини, юрагидаги қайғу гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ туйди. Ойбек, Танланган асарлар. [Меъмор:] Қолган умримни, чолу кампир бирга, хокисору ғарибликда, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҒАРИБОН [а. + ф. غريبان — ғариблар]: шомӣ ғарибон Ғарибона шом пайти; кишини изтиробга соладиган, кўзга хунук кўринадиган, кўнгилсиз, ҳувуллаган кечки пайт. *[Холниса хола] Кечқурунлари, шомӣ ғарибонда йўғлади. Мирмуҳсин, Чиниқиш.*

ҒАРИБОНА [а. + ф. غريانه — ғарибларча, ғариблар каби] Ғарибларга хос; фақирона, ночор. *Ғарибона ҳаёт кечирмоқ. ■ [Муқимий ва Тожибой] Хуржунни бошга қўйиб, ғарибона уйқуга кетдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Бизникидақа кичкина, ғарибона эмас, катта, чиройли.. уй экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҒАРИБПАРВАР [а. + ф. غريبپروور — ғариблар гамхўри] Ғарибларга ён босадиган, қўмақлашадиган; камбағалпарвар.

ҒАРИБУДДИЁР [а. غريبالديار — бошқа, ўзга мамлакат(лар)] эск. кт. Бошқа ёқдан келган; мусофир, фақир. *Узумчи ғарибуддиёр эканимни фаҳмлаб, баъзи маслаҳатларни берди. Ф. Ғулом, Шум бола.*

ҒАРИБ-ҒУРАБО [ғариб + а. غريباء — «ғариб» с. нинг кўпл.] Фақир кишилар, ғариблар. *Ҳа, худо, бературган бўлсанг, биздай ғариб-ғураболарга бер! Ф. Ғулом, Тирилган мурда. У киши [эшон] катта авлиё эмишлар. Бизга ўхшаган ғариб-ғураболарга меҳрибон эмишлар. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

ҒАРИК Суюғоёқлик; фоҳишалик, бузуқлик. *Ватанфурушлик уят, ғарлик, ўғрилиқ уят.. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

ҒАРОВ Пояси қаттиқ ва бўғим-бўғим, ичи ковак, қамишга ўхшаш тропик ўсимлик; бамбук. *Авваллари наяки растасида ғаровдан чилимга найу сархона қилиб сотгувчи эди. А. Мухтор, Кумуш тола.*

Тирноққа ғаров югуртирмоқ (ёки солмоқ) Қаттиқ азоб бермоқ, қийнамоқ. - *Қишлоқдаги миш-мишлар хунук, золимлар менинг ҳам тирноғимга ғаров югуртмоқчи, — деди чол. А. Муҳиддин, Ёлгорликнинг тўйи. Қўлимдасан, жодуда қирқтираман! Тирноқларингга ғаров соламан. К. Яшин, Ҳамза.*

ҒАРОЙИБ [а. غرائب — қизиқ нарсалар, камёб нарсалар] 1 Жуда кам учрайдиган, жуда бошқача, ғалати. *Ғаройиб машина. ■ Назар Алиматга худди ажойибхонадаги ғаройиб нарсани томоша қилаётгандек боқарди. Э. Усмонов, Ёлқин. Бу кўчалар шундай сирли ва ғаройибки, асти қўяверасиз. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. ..янги журнални варақлаб ўтириб.. ғаройиб суратга кўзим тушди. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 айн. ажойиб 1. *Хатдаги гаплар бирмунча ғаройиб бўлиши баробаринда, унинг тегишли кишига етиши жуда зарур эди. А. Муқимов, Тарк этма назокатни. Бугунги кўпқари ғаройиб бўлди-да. Ш. Ашурова, Янга.*

ҒАРОЙИБОТ [а. غرائبات — «ғаройиб» с. нинг кўпл.] Ажойиб ва ғаройиб нарсалар, ажойибот. *Сафарга чиққанимдан буён кўп ажойиботларни кўрдим, кўп ғаройиботларнинг гуваҳи бўлдим. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. Кўзи бир зум илингандай бўлди-ю, аммо алаҳсирай бошлади, кўз ўнгидан турли-туман ажойиботлар, ғаройиботлар ўтади. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.*

ҒАРРА-ШАРРА: ғарра-шарра сарф қилмоқ с.т. Меъёрдан ташқари, катта-катта сарф, чиқим қилмоқ. *Пулни ғарра-шарра сарф қилмоқ.*

ҒАРТ тақл. с. Кескин ишқаланиш ёки урилишдан келиб чиқадиган йўғон, дағал товушни билдиради.

Ғарт этмоқ айн. **Ғартилламоқ**. Эшик **Ғарт** этиб ёшиди.

ҒАРТИЛЛАМОҚ «Ғарт», «Ғарт-Ғарт» этган товуш чиқармоқ. *Карнайлар қулоқларни батанг қилиб Ғартиллади.* Ғ. Расул, Адолат.

ҒАРТ-ҒУРТ тақл. с. «Ғарт» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Булардан бошқа яна 4 та «созанда» ҳам тақир-туқур, Ғарт-Ғурт қилиб, қулоқ-мияни еб бормоқ-да.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ҒАРЧ тақл. с. 1 Мўрт, куврак нарсани чайнаганда, босганда, синдирганда чиқадиган товушни билдиради.

Ғарч этиб (ёки этказиб) Ғарчиллатиб, Ғарчча; тез ва шиддат билан. *Бодрингни Ғарч этиб тишламоқ.* ■ -*Шу билан мақтан-япсанми?! – пўнгиллади у қўлида қолган карам мағзини Ғарч этиб чайнаб.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 махс. Этик, кавуш, туфли каби оёқ кийимларининг тагчарми орасига махсус тарзда қўйиладиган чарм ва юрганда ундан чиқадиган товуш. *Худо хоҳласа, этикларингга Ғарч солдириб бераман.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. *Уртага чўккан ўнғайсиз жимликни узоқ йўлакдан эшитилган этик Ғарчи бузарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳали Ғарчи кетмаган туфлисидан тортиб пўрим телпагигача – бошдан-оёқ яна бир синчиклаб, маънодор тикилди.* «Ёшлик».

ҒАРЧИЛЛАМА Юрганда Ғарчиллайдиган, Ғарчиллаган товуш чиқадиган. [*Машарифнинг*] *Бошида дўппи, устида тўн, оёғида Ғарчиллама этик.* Н. Мақсудий, Машарифнинг гинаси. *Оёғида Ғарчиллама кавуш-махси.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҒАРЧИЛЛАМОҚ «Ғарч-Ғарч» товуш чиқармоқ. *Кўча ва ҳовлиларда музлаб ётган қор оёқ тағида Ғарчилларди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Туфличаси Ғарчиллайди, Дилиойим ачиғлайди.* «Бойчечак».

ҒАРЧЛИ Ғарчи бор, «Ғарч» қўйилган: юрганда «Ғарч-Ғурч» қиладиган. *Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: Ғарчли ялтироқ этик, шевиот шим, ипак кўйлак.. ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган.* А. Мухтор, Чинор. *Афанди янги тикилган Ғарчли бедана кавушини кийиб, ҳар қадамда завқланиб, боғ сайлига кетаётган эди.* «Латифалар».

ҒАРЧСИЗ Ғарчи йўқ, «Ғарч-Ғурч» қилмайдиган. *Ғарчсиз этик.*

ҒАРЧЧА 1 «Ғарч» этиб ёки «Ғарч» этказиб. *Тилимни Ғарчча тишлаб олдим. Умихни Ғарчча босиб олди.* ■ *Турдиевнинг қўлини гитлерчи Ғарчча тишлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Турган-битгани, нуқул. *Ёнғоқ меваларни оладиган бўлсак, буларнинг таркиби Ғарчча мой бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *..ёғлиқ патири, қулинг ўргилсин Ғарчча думбали сомсаларни тўкиб ташлади дастурхонга.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҒАРЧ-ҒУРЧ «Ғарч» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Кишиларнинг оёқ бошилари зарбидан қорнинг «Ғарч-Ғурч» қилган ноласи эшитилади.* Газетадан. *Нафиса унинг пиёзни Ғарч-Ғурч чайнаб, нон билан тушираётганини завқланиб томоша қиларкан, сўзларининг мағзини чақишга уринарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҒАРҚ I [а. غرق – сувга чўк(тир)иш, бот(ир)иш; сув тошқини ёки غريق – сувга чўкиб кетган, ботган] I Сувга чўккан, сув қаърига ботган. *Яхши билан ёмон ўртаси фарқдир, Буни билмаганлар дарёга Ғарқдир.* Газетадан.

2 кўча Бирор нарсага кўмилиб кетган: бурканган, чўмган ҳолатли (ҳолатда). *«Тоқи заргарон» остидан чарчоқ, пала-партиш хаёлларга Ғарқ ўтиб бораркан, ён томондан дўриллаган овоз эшитилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Гўё борлиқ тинч ва осоишта дамларнинг лаззатига Ғарқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Ғарқ бўлмоқ I чўкмоқ, сув қаърига кирмоқ. *Икки кеманинг бошини тутган Ғарқ бўлар.* Мақол. ■ *Омон қоламан десанг, қирғоққа чиқ!.. Чиқмасанг, баринг дарёга Ғарқ бўласан!* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) бирор нарсага бутунлай ўранмоқ, бурканмоқ; ботмоқ, чўммоқ. *Бутунлай ипак-атласларга Ғарқ бўлган Холжон хола бўйи баробар катта бир ойнага қароб, узини томоша қилди.* Файратий, Довдираш. *Чуқур хаёлга Ғарқ бўлиб ўтирган Зулфизар бир чўчиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАРҚ II Ўзи боғланиб келган сўз (сўз бирикмаси) англаган ҳаракат-ҳолатнинг тўла-тўқис, бутунлай юз беришини, юз берган ҳолатини билдиради. *Рисолат отин кўкариб кетган эрини кўриб.. қайноқ новвот чой тайёрлаб, босиб-босиб ичирди.* *Қўлдош отанинг бадани илиб, Ғарқ терлади.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Улоққа ташланган-*

ларнинг ўзлариям, отлариям хиёл ўтмай фарқ терга ботди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Узумлар фарқ пишган, новдаларда олтинланиб, одам кўнглини маст этади. Б. Барот, Соҳибкорлар. Ҳозир айна фарқ пишқичилик пайти. Газетадан.

ҒАРҚОБ [ф. غرقاب — сув айланиши, гирдоб] кам қўлл. 1 айн. гирдоб.

2 кўчма Бирор ҳодиса, жараён даврасида, қамровида, таъсирида бўлиш. *Ҳаёлларга ғарқоб бўлиб, ёнбошлаб ётиб эдим..* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҒАРҒАРА I [а. غرغره — вишиллаш, кул-куллаш; томоқ, ҳалқумни чайқаш, чайқаб тозалаш] тақл. с. I Сув ёки бошқа суюқ нарсани оғизда тутиб, томоқни чайганда чиқадиغان товушни билдиради. *Ғарғара қилмоқ.* — *Йўлдош жуда чарчаган. Бунинг устига-устак томоғи шамоллаган эди. Намакоб билан ғарғара қилиб юриб, кечагина зўрға тузатиб олди.* А. Мухтор, Чинор. *Сут билан оғизни чайқаш ва ғарғара қилиш томоқ ағриғи, бодомсимон безларга наф бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Ўлим олдидан томоқдан чиқадиغان хирқирок товуш. *..ўглини алақайси гулгун базмдан чақириб олиб, ўлим тушагида ажал ғарғараси тутиб ётган қари граф ҳузурига юборади.* Х. Султон, Бир оқшом эртаги. *Келса, жиянининг томоғига ғарғара келиб қолган экан. Зиёда бош томонда, Гулнора қиз оёқ томонда унсиз йиғлаб ўтиришибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ҒАРҒАРА II махс. I Арқон ёки занжир ёрдамида бирор нарсани тортиш, кўтариш учун хизмат қиладиган мослама, ўққа ўрнатилган ғалтак; чигир. *Қўра яқинига қазилиб, устига ғарғара ўтқазилган бир қудуҳ у ердағиларнинг сув манбаи эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Катта чарх, девчарх; чархли дастгоҳ. *Пиллакаш пилла ипининг учини топиб, бирига чирмашиб кетган пилла ипини.. ғарғарага ўрнатилган дугга ўрар эди.* Газетадан.

ҒАРҒАША Шамол, офтоб, совуқ таъсирида қуруқшатан; гудраша. *Кўпинча совуқ, нам ҳавода қўл ғарғаша тортади, ёрилади.* «Саодат».

ҒАСБ [а. غصب — зўрлаш, мажбурлаш, куч ишлатиш; ҳокимиятни босиб ёки тортиб олиш]: **ғасб этмоқ** эск. кт. Бировларнинг мол-мулкини ўзиники қилиб олмоқ, ўз-

лаштирмоқ; тортиб олмоқ, таламоқ. *Қайлиқ ўйнаб, қиз сотишлар, Чўри, хизматкор тутишлар, Биров мулкин ғасб этишлар — Бу кун сенга кўп қийиндир.* Ҳамза.

ҒАССОЛ [а. غسال — кир ювувчи; ўлик ювувчи] айн. ювгучи. *Икковимиз ҳам янги ҳаваскор ғассол бўлганимиз учун, қизишиб кетиб, [ўликни] уч мартагина эмас, 10-15 марта чайқаб юбордик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [Уйга] Сўфи, ундан кейин ғассол, ундан кейин яна бир неча ҳудожўй кишилар келишди. Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам.

ҒАТ тақл. с. Карнай, машина сигнали кабиларнинг товушига ўхшаш товушни билдиради. *..карнайларнинг ғат-ғати ҳавони ларзага келтирди.* М. Осим, Ўтрор. *Йўғин киши, худди ғозга ўхшаб, «ғат-ғат-ғат» қилиб қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҒАТИЛЛАМОҚ «Ғат-ғат» этган товуш чиқармоқ, «ғат-ғат» қилмоқ.

ҒАФЛАТ [а. غفلت — парижонхотирлик, бепарволик, лоқайдлик; ақлсизлик] I Хушёрлик бутунлай йўқолган ҳолат, бутунлай огоҳсизлик; гофиллик. *Келди айёми баҳор, иш даври бир он ўтмасин, Бир нафас ғафлатда бу қийматли даврон ўтмасин.* Ҳабибий. — *Қалай? — деб сўради Комилов Бекдан отишининг натижасини билмоқчи бўлиб.* — *Ғафлатда экан, чамамда, ҳаммаси бўлмаса ҳам, тенг ярми қирилди.* И. Раҳим, Мангулик кўшиғи.

Ғафлатда қолмоқ ёки **ғафлат босмоқ** Хушёрликни йўқотмоқ, ғафлат ҳолатига тушмоқ; гофиллик билан фурсатни қўлдан бермоқ. *Тушуниб қадам боссанг, ғафлатда қолмайсан, хато қилмайсан, фарқ бўлмайсан.* Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони. *Ғафлат босиб, кўзим илинган экан, бир вақт қулоғимга хириллаган товуш кирди.* Шўҳрат, Жаннат қилирганлар. *Ишқилиб, [ғўзани] навраши қилиш даврида ғафлатда қолманглар-да..* Газетадан.

2 кўчма Нарсаларнинг моҳиятига тушунмаслик; нодонлик, жаҳолат. *Абдишукур давом этди сўзида: —Хусусан, биз, Туркистон мусулмонлари, чуқур ғафлатдамиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ғафлат уйқуси Каттиқ уйқу. *У ер-бу ерга қўйилган қоровулар эса ғафлат уйқусида эдилар.* М. Осим, Сехрли сўз. *..хонадон эгалари ғафлат уйқусида ётгандай. Жимжитлик.* С. Сиёев, Аваз.

ҒАЧЧА с. т. Ғарчча. Сапчиб ҳиқилдоғини ажратиш учун бўлган Муталнинг биринчи ҳаракати бўшга кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар ғачча ботирилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАШ I [ф. غش — ҳушидан (ўзидан) кетиш, ҳушини йўқотиш, беҳушлик] **I** сфт. кам қўлл. Ноҳуш, дилгир (кайфият, руҳият-га нисбатан). Уларнинг бўлимларида ситамгар ғаш кайфият ҳукмрон. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Ойдин кечада бу ҳунук овоз унинг ғаш кўнглини тирнаб ўтгандай бўлди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 айн. **ғашлик I**. Орадан бир неча ой ўтган бўлса ҳам, Роҳатбиби кўнглидаги ғаш ёзилмади. Ҳ. Фулом, Машъал.

Кўнгли (ёки юраги) ғаш тортмоқ айн. ғашланмоқ. Қассобнинг эсига дафъатан туннов кунги дилхиралик тушиб, кўнгли бешбаттар ғаш тортди. Н. Норқобилов. Тўқнашув. **Ғаши келмоқ** 1) асаби кўзгамоқ; гижинмоқ. Азиза курсодош қизларнинг ғаши келаётганини сезган сайин ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) бадандаги бирор таъсирдан безовталиқ, ноқулайлик сезмоқ. [Йўлчи] Баъзан ғаши келиб, баданга ёпишган кўйлакни кўчирар ва елпинар эди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ғашига тегмоқ** 1) асаби кўзгамоқ, гижинтирмоқ. У ғашга тегар даражада ялтоқланаркан, меҳмонларни «қани-қани»лаб, ҳовлига бошлади. «Ёшлик»; 2) бирор таъсирдан ноқулайлик, ёқимсизлик туйғуси кўзгалмоқ. Сочлари орасидан нешонасига сизиб тушаётган томчиларнинг ғашига тегушига парво қилмай, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеадан қувонар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҒАШ II Гишгиша қилаверадиган; инжиқ (болалар ҳақида). Кичик ўғли жуда ғаш бўлган.

ҒАШ III [а. غش — алдамчилик, фирибгарлик; сохтакорлик] шв. Душман, рақиб, ёв. Шул сабабдан дев билан парилар сизга ғаш бўлган. «Маликай айёр». Эътибор дейсанми қилган ишингни, Ҳеч билмайсан душманингни — ғашингни. «Эрали ва Шерали». То ўлгунча Николай билан ғаш бўлди, Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда. «Кўшиқлар».

ҒАШАВА айн. **ғишава**. [Директор] Сиртқи институтга кирларинг, деб ғашава қил-

япти. С. Зуннунова, Янги директор. ..бекордан-бекорга смена бошлиғи билан диспетчерга ғашава қилишарди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҒАШЛАМОҚ Ғашликка солмоқ, ғаш қилмоқ. Собирдан дарак йўқлиги Роҳиланинг дилини ғашлаганди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ҒАШЛАНМОҚ I Ғашламоқ фл. ўзл. н. Кета туриб, хаёлига шубҳалар келиб, кўнгли ғашланди-ю.. ўзини юпатди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ғашлик, инжиқлик қилмоқ. ..кўрларни боланинг устига ёпиб, ўз қулоғини унинг ғашланишларидан тинчитди.. С. Айний, Қуллар.

ҒАШЛИК I Руҳиятдаги дилгир, ғаш ҳолат; ноҳуш, дилгир туйғу, таъби хиралик. Кундошлик — кўнгли ғашлик. Мақол. ■ Баширжоннинг дилига ғашлик оралади. Асқар Бакировичнинг овозидан кайфияти яхши эмаслиги сезилиб турарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Нега, менинг дилим, титрайсан нечун, Нечун юрагимни тирнайсан, ғашлик? А. Орипов. Йиллар армони.

ҒАШЛИК II Гишгиша, хархаша, инжиқлик. Эрталаб Анзират хола кийинтираётганида, боланинг ғашлик қилиб йиғлаётганини, онасини йўқлаганини кўриб, кўнгли бузилиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирроқлари. Олиб кетдим бари бир алдаб, Қилса ҳамки ғашлик, айёрлик. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ҒАШЛИК III Файирлик, душманлик. Сизларга менинг ғашлигим йўқ, аммо ҳавасим келади. Мирмуҳсин, Меъмор.

ҒАШҒАША с. т. Хархаша, ғашава, жанжал. ..ҳар ишли бир бор кўйлак деб ғашғаша қилади. К. Алиев, Миллат пeshвоси.

ҒАЮР [а. غيور — рашқчи; жонкуяр, фидойи; ғайратли, тиришқоқ] **I** эск. айн. **ғайир**. Нима дейсан, эй ғаюр инсон? Фийбатларинг мени қилди қон. М. Юсуф.

2 с. т. Файратли. Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш, ғаюр йигитларга ҳар доим далда беришликдир. А. Қодирий, Кичик ҳикоялар.

ҒАҚ тақл. с. Ўрдак ёки қарға-қузғунлар товушини билдиради. Шақиллаб мақтаниш билан алахсиган олаҳакка, сигирнинг думи текканда, «Ғақ!» этди-ю, ура қочди. С. Анорбоев, Оқсой.

ФАҚИЛЛАМОҚ «Ғақ-ғақ» этган товуш чиқармоқ. *Холматжон.. аллақерда тинимсиз ғақиллаётган ўрдаклар овозига қулоқ соларди. С. Аҳмад, Уфқ. Фознинг ғақиллаган товуши кампир ўғлининг қулоғига бориб, дарди бўшашиб, энасига бир сўз деб турган экан. «Алпомиш».*

ҒАҚ-ҒУҚ тақл. с. «Ғақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Кун ёйилиб, елкани қиздира бошлади. Узоқ-яқиндан ўрдакларнинг ғақ-ғуқи эшитилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ҒАҒИЛЛАМОҚ «Ғақ-ғақ» деган товуш чиқармоқ. *..қаердандир ўрдакларнинг ғағиллаши эшитилар эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Хайрлашган товушлар. Машина жўнайди. Фозлар ғағиллайди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

ҒИВАК шв. Яхши ривожланмаган, нимжон, заиф (ўсимлик ҳақида). *Ёввойи ўт, зарпечак Зормандалар авжиди.. Куйиб ғивак гўзалар Азобда қолган жуда. Т. Йўлдош.*

ҒИВИЛЛАМОҚ айн. ғивирламоқ. *Сал шўхлик қилсанг: -Ғивиллама оёқ остиди! — деб жеркишарди улар. Ойбек, Болалик.*

ҒИВИРЛАМОҚ с.т. 1 Тинимсиз, бетартиб ҳаракат қилмоқ, «ғивир-ғивир» қилмоқ; ғимирламоқ (майда жониворлар ҳақида). *Пастдан қараган кишига гўё беҳисоб чумоли карвони ғивирлаётганга ўхшаб кўринади. И. Раҳим, Ихлос. Кўклам келиши билан бутун дарахтлар уйғонади, қурт-қумурсқалар ҳам ғивирлаб қоладилар. Ф. Фулом, Тирилган мурда.*

2 кўчма Аста кўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ. *Дарҳақиқат, душман ғивирлаб қолган эди. Ҳадемай ҳужумга кўчди. Шўхрат, Шинелли йиллар. Кетмоқчи бўлиб ғивирлай бошлаган эди, Ҳалима опа қўймай, чойга ўтқазди. Ойдин, Ҳикоялар.*

3 Бирор нарса, иш билан секин-аста куйманмоқ. *Ҳовлида беш-олти киши ғивирлаб юрибди. Ў. Умарбеков, Юлдузлар. Ғивирларди бунда ҳамшиша: Гул суғорар, ҳовли сунурар.. Ойбек, Қизлар.*

ҒИВИРСИМОҚ айн. ғивирламоқ 3. *Бир кун у кечаси шаҳардан келаётган эди, катта толнинг тағиди кимдир ғивирсиб юрганини кўрди. Ойдин, Сўхбати жонон. Ошхона атрофида ғивирсиб юрган одамларни ҳам кўриш мумкин. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ҒИВИР-ШИВИР тақл. с. Секин, аранг эшитиладиган, маъноси ноаниқ товушларни билдиради; пичир-пичир, ғивир-ғивир.

Кечаси қўшни ҳовлида ғивир-шивир бўлиб қолди. — Кел, кел, қани, нима бўлди? Сўзла, ғивир-шивир қулоғимга чалинди.. Ойбек, Улуғ йўл. ..одамлар ўртасида ғивир-шивир гаплар тарқалди. А. Толипов, Ҳақиқат енгди.

ҒИВИР-ҒИВИР тақл. с. 1 Ҳашаротнинг аста, давомли, тинимсиз ҳаракатини, қимирлашини билдиради. *Бир нарса ғивир-ғивир қилиб ухлатмади. Қулоғимда бир нарса ғивир-ғивир қилди.*

2 Бирор иш билан тинимсиз шугулланиш, тинимсиз уриниш ҳолатини билдиради. *Дунё ари уяга ўхшар экан. Ғивир-ғивир қиласан, кирасан, чиқасан, уринасан, суринасан — бол йиғасан. Сен йиққан болдан қавм аҳли баҳра топишини ўйлайсан. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ҒИДИ-БИДИ Норозилик, талаб, шикоят, койиш ва ш.к. тарздаги гап-сўз, ўзаро айтишиш (одатда, арзимас, майда-чуйда нарсалар ҳақида). *..сен билан ғиди-биди айтишиб ўтиришга тоқатим йўқ. Т. Ашуров, Марварид тут. Эру хотин ўртасида ғиди-биди бошланганига мана икки кун бўлди. «Муштум». Муслим ишга кетиши билан, қайнана-келин ўртасида ғиди-биди гаплар баъзан жанжалларга айланиб кетарди. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.*

ҒИДИЛЛАШМОҚ с.т. Ғижиллашмоқ. **ҒИДИНГЛАМОҚ** с.т. салб. Бемаъни гапларни айтмоқ; пўнғилламоқ, дўнғилламоқ. *Сафар сапчиб ўрнидан туриб, овози борича: -Ҳайдасангиз — ҳайдайверинг, колхозингизга зор эмасман, — деб ғидинглади. Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси.*

ҒИДИ-ҒИДИ айн. ғиди-биди. *Кундошлик иши қийин, коса косага текканда, ғиди-ғиди гаплар кўнайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қолади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҒИДО [а. *غداء* — нонушта; тушлик овқат; озиқ, таом] эск. кт. қ. ғизо. *Қиз ва йигит орасида.. пахтачилик ривожини тўғрисида қизгин сўхбат бошланиб кетди. Ҳар иккисининг жонига бу мавзу ғидо эди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ҒИДҒИДЛАМОҚ тақл. с. Бўлиниб-бўлиниб чиқадиган овоз билан сайрамоқ (каклик, бедана ҳақида). *Ҳожи дўппили Султон пучуқ такяда боқиб юрган каклик ғидғидлай бошлади. Ф. Фулом, Шум бола.*

ҒИД-ҒИДОК тақл. с. Какликнинг сайрашини билдиради. *Бу тонгда Ҳожи бобо*

навруздан буён ихлос қўйиб парвариш қилиб юрган, аммо сайрамаган, Уратенадан совгага келган туллак каклик бирдан «ғид-ғидок» чиқариб қолди.. Ф. Фулом, Шум бола.

ГИЖБАНГ тақл.с. қ. гижбанг.

ГИЖБАНГЛАМОҚ Маълум усул ёки ритмда чалинмоқ, жарангдор овоз таратмоқ (чилдирма ҳақида). *Қаердадир чилдирма гижбангламоқда, бир томонда майда ва шўх, иккинчи томонда кишининг қалбини тирнайдиган катта ашула бўлмоқда.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГИЖЖАК [ф. غزگ / غزگ — камонча билан чалинадиган торли мусиқа асбоби] Сим торли, қоринчасига махсус тери қопланган, камонча билан чалинадиган мусиқа асбоби. *Ичкаридан.. най ва гижжак овози баралла келиб турар эди.* Файратий, Довдириш. *Барот полвон «додхоҳ келибди шекилли», деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, гижжак, най, доира кўтариб келаётган машшоқларга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ГИЖЖАКЧИ Гижжак чалувчи созанда. *Фақат гижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «тақ» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа. *Эшонхон даҳлизда ичириб-едириб меҳмон қилган бир гуруҳ танбурчи, гижжакчи созандаларини бошлаб кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ГИЖИЛЛАМОҚ 1 с.т. Фижирламоқ. *Фижиллайдиган каравот.* ■ [Давлатёр] *Билинар-билимас ҳуштак чалди. Гўё унинг ҳуштагига дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас фижиллабгина бир одам сигарлик очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Намиққан эшик фижиллаб очилди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Танча ёнида чўмилтирилган бола эртасига ўпкаси фижиллаб, фижгиб чиқди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

2 с.т. Кўпайиб, «ғиж-ғиж» бўлиб кетмоқ, тўлиб-тошмоқ. *Қараса, бир кичкина бозор экан, одам фижиллаб ётибди.* «Равшан».

ГИЖИЛЛАШМОҚ Ади-бади айтишмоқ; жанжаллашмоқ. *..бўлимга чиқишим билан Каримийнинг тазийқига учрадим-у, икковимиз фижиллашиб қолдик.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Ҳозир у билан фижиллашиб ўтиришининг фойдасиз эканини пайқаб, орқага чекинди.* М. Осим, Элчилар.

ФИЖИМ I Букланиб, эзилиб, тахи, текислиги бузилган. [Акбарали] *Фижим қозни кафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди.* А. Мухтор, Чинор. *Тоғорага солиб ювсангиз ҳам, фижим бўлмайди, материали жуда пишиқ.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фижим кўйлакни киймайди, бутинкасини узоқ ишқалаб тозалайди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Фижим бахмал (ёки духоба) Бахмалнинг туклари бир текис, силлиқ бўлмасдан, фижимланган каби товланиб турадиган хили. *Магазиндан ўн метр фижим духоба олдим.* ■ *Муҳаббат.. бир кийим фижим бахмал олиб чиқади, Турғун чўт уриш билан овора.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Фижим рўмол** *Ғўзапўчоқ шаклида бўртиқ нақшлар солиб тўқилган ипак рўмол. Гажак қўйган келинчаклар, фижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФИЖИМ II с.т. Сиқим, чантал. [Нусратилла] *Белидаги бир қийғини жаҳл билан шартта ечиб, бир фижим пулни ялтироқ гишт устига сочди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ФИЖИМЛАМОҚ I Текислиги, тахи бузилган, эзилган ҳолатга олмоқ; фижим қилмоқ. *Заргаровнинг ҳовлисида.. ерда ётган бир пой эски калиш, фижимлаб ташланган бир-иккита газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Столдаги оппоқ сочиқни олиб, бўйни, юзини артди-да, фижимлаб, ёнига қўйди.* С. Нуров, Нарвон. *..бир нуқтага тикилганча, хат ёзилган қозни беихтиёр фижимлай бошлайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 Кафтлари орасида маҳкам, эзган ҳолда тутмоқ, сиқиб ушламоқ. *-Мен ҳам соғиндим, Ойқиз, — деди Олимжон Ойқизнинг сочларини фижимлаб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Энди бу ёғи бизга боғлиқ, — деди у кафтидаги бир сиқим тупроқни фижимлаб.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

3 *Кўчма* Азобламоқ, эзмоқ, қийнамоқ. *Вужудини дард фижимлаб ташлагандек букчайиб, ўз кўчасига бурилди Икромжон.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу хаёл унинг қалбини фижимлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ФИЖИН: *ғижини келмоқ* Фаши, аччиғи келмоқ. *Маҳалла бойваччаларининг тўйдан мийиқлари остида кулиб чиқаётганларини*

кўриб, Ҳайдарнинг гижини келди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Гижинига тегмоқ** ёки **гижинини келтирмоқ** Жаҳлини чиқармоқ, аччиғини келтирмоқ, ғашига тегмоқ. Бу сийниталоқ [синглиталоқ]нинг боласи.. гижинимга тегиб юрибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ГИЖИНМОҚ Аччиғи келиб, жаҳли чиқиб, қиёфаси шунга мос ҳолда ўзгармоқ (мас., юзи бурушмоқ). Тишларини бир-бирига босиб, қаттиқ оғриққа дучор бўлган кишидек гижинди, қисик лабларидан пушаймонликни ифодаловчи инграш чиқди. Шухрат, Шинелли йиллар. Раҳим мушлар зарбини тузуккина сезган бўлса-да, аламини ичига ютди, тишларини қирсиллатди, гижинди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эрининг вағиллашидан ажабланиб югуриб чиққан Майсаҳон ҳам иккала биродарнинг бир-бирига гижиниб турганини кўриб, ҳайкалдек қотиб қолди. А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

ГИЖИР тақл. с. Қаттиқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган ёқимсиз товушни билдиради. Эшикнинг гижирни. Каравотнинг гижирни болани уйғотиб юборди. — Тупроғи билқ-билқ кўчадан араванинг асабларни пармалайдиган гижирни эшитиларди. Ойбек, Навоий.

ГИЖИРЛАМОҚ 1 «Гижир-гижир» товуш чиқармоқ, гижир-гижир қилмоқ. Аравага гўнг роса тепкилаб босилган, гилдираклар юк зўрлицидан гижирлар, қўш от уни зўрга тортарди. Ҳ. Фулом, Феруза. Баширжоннинг тишлари гижирлаб, ўрндан туриб кетди. Н. Аминов, Суварак.

2 с.т. Шамоллаш ёки бирор касаллик туфайли хириллашга яқин овоз чиқармоқ. Тузукликка тузук. Лекин ҳали ҳам ўпқалари гижирлайди, йўталадилар. С. Анорбоев, Оқсой.

ГИЖИРЛАШМОҚ қ. **гижиллашмоқ**. Ота-ўғил, биз келмасдан аввал, ўзаро гижирлашиб олган эканлар. С. Айний, Эсдалиқлар. Ғайбулла қурилиш бошқармасига бориб, ўзи гаплашди.. совхоз бошлиқлари билан ҳам гижирлашиб олди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

ГИЖМАЛОҚ шв. Гижимланган, тахи бузилган, гижим. Кўйлак гижмалоқ бўлиб кетибди. Гижмалоқ қилмоқ. Қоғозни гижмалоқ қилмоқ.

ГИЖМАЛОҚЛАМОҚ шв. Текислигини ёки тахини бузмоқ, гижимламоқ, гижмалоқ қилмоқ.

ГИЖ-ГИЖ тақл. с. 1 айн. гижир-гижир, «Гиж-гиж» суршладиган [сумка] занжирининг тишлари тўкилиб.. тасмаси бир неча жойидан ямалган. «Ёшлик».

2 с.т. Ниҳоятда кўп, саноғига етиб бўлмайдиган даражада. Гиж-гиж одам. Гиж-гиж чумоли. — Гиж-гиж бўлиб, қумурсқалардай қайнаб ётган қўшин кўприкда шундай тўкилиб қолган эдики.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ГИЗ тақл. с. (асосан такрор ҳолда қўлланади) 1 Жуда тез йўналишдаги, учаётган нарсанинг товушини билдиради. Ҳавода кетма-кет ўқлар гиз-гиз учар эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Тез, гизиллаб. Ўшандан ўтсанг, тўғри йўл кетади, шағал тўкилган. Гиз-гиз машина ўтиб туради. Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

Гиз этиб 1) тез, гиз этган овоз чиқариб, визиллаб. Ўқ бошим устидан гиз этиб ўтди; 2) тезлик билан, бир зумда. ..шаҳарга тушгиси келса, бир соат автобус кутмай, гиз этиб бориб келаверади. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ГИЗИЛЛАМОҚ 1 «Гиз» этган овоз чиқармоқ, «гиз» этмоқ. Маҳкамдаги хоналарга юзларча тошлар гизиллаб учди. Ойбек, Навоий. Ўқ устига гизлар ўқлар, Тиллар томоқларга тиқилар. Э. Раҳим.

2 Чаққон ва тез ҳаракат билан юрмоқ, югурмоқ. Нон битгач, саватни.. супурги бойлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозорга гизиллади. Ойбек, Танланган асарлар. ..сабри чидамай, эшикка отилди. Зиналардан гизиллаб тушди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Шу пайт ортимиздан гизиллаб йўловчи автобус келиб қолди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ГИЗО [а. غداء — овқат, озиқ, таом, егулик] эск. кт. Овқат, озиқ, емиш. Муқимий кейинги ҳафталарда ортиқ инжиқлашиб, Қўқонга қайтиб боришдан умидини узгандек, ҳатто дўстларини ҳам, ўғлини ҳам ёдламай қўйган, кам завқ, кам гизо бўлиб қолган эди. С. Абдулла, Қувғунда. Ошиқлар гизоси бу оқшом висол, Ташиналик давоси лабдаги зилол. Э. Воҳидов, Тўй оқшоми. Бир пайт гизо излаган эчкидек, қоратоғ қарғаси учиб келиб, чинор шоҳига қўнди. Н. Ёқубов, Жон.

ГИЗОЛ айн. **ғазол**.

ФИЗФИЗАК шв. Бизбизак.

ГИЙБАТ [а. *غيبت* – йўқлик, мавжуд эмаслик: вақтинча йўқ булиш] Бировни камситиб, айбситиб, ёмонлаб гапириш, фисқ-фасод. *Бекорчининг хунари – гийбат. Мақол. Болали уйда гийбат йўқ. Мақол. ■ Афсуски, майда-чуйда гийбатларга берилдим, бировни бировга қарши қайрадим, хуллас, умрим ўтиб кетди. М. М. Дўст, Лолазор. Бўлим бошлиғи чиқиб кетди дегунча гийбат бошланади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

Гийбат қилмоқ Гийбат тарзидаги гаплар айтмоқ, шундай гаплар билан айбситмоқ, ёмонламоқ. *Баъзи аёлларга ҳайронман, ик-китасининг боши қўшилдими – бас, бировларни гийбат қилгани-қилган. М. Хайруллаев, Қўнгил. Киши меҳнат қилмаса, гийбат қилади. Мирмуҳсин, Умид.*

ГИЙБАТХОНА [гийбат + хона] с.т. Гийбат гаплар кўп бўладиган жой, фисқ-фасод уяси. *–У жувонмаргларнинг нияти ёмон, – Қумри ўзи ташлаб кетган гийбатхонанинг сир асрорини оча бошлади. Ҳ. Фулом, Машъал.*

ГИЙБАТЧИ Гийбат қилувчи, гийбатни одат қилиб олган киши. *Гийбатчининг бурди бўлмас, тўхматчининг юзи бўлмас. Мақол. ■ Гийбатчиларнинг мавзулари Аҳмад махдумнинг «жодугарлиги» ва «сеҳрбозлиги» эди. С. Айний, Эсдалиқлар. Ҳасадгўй ва гийбатчи ўзи тайёрлаган гийбат ботқоғига ўзи ботиб қолади, деб айтган халқимиз. Н. Валиева, Ҳасад қилманг.*

ГИЙТ тақл. с. Ёғоч, темир каби нарсаларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Дарвоза гийт этиб очилди. ■ Ичкари эшикнинг гийт этиб секингина очилганини эшитди. Ш. Тошматов. Эрк қуши.*

ГИЙТИЛЛАМОҚ «Гийт-гийт» товуш чиқармоқ, «гийт-гийт» қилмоқ, «гийт» этмоқ. *Кўча эшик гийтиллаб очилди, қўлига сирли сопол кўза тутган қизча қадамларини авайлаб босиб келди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

ГИЙЧ айн. **гийт**. *Эшик олдин аста-аста тақиллади, кейин гийч этиб очилди. Ҳ. Зиёхонова, Қишлоқи.*

ГИЙҚ айн. **гийт**. *Қоронғида эшикнинг гийқ этиб очилгани эшитилди. С. Зуннунова, Гулхан. Машина шитоб билан келиб, «гийқ» этиб тўхтади. О. Ҳусанов, Миннат. Омон тўсатдан ўзини орқага ташлаб, «гийқ» деган овоз чиқарди. Ф. Фулом, Шум бола.*

ГИЙҚИЛЛАМОҚ «Гийқ» этган овоз чиқармоқ; «гийт» этмоқ, гийтилламоқ. *Эски эшик бир неча бор очилиб-ёпилди. Ҳар сафар очилиб-ёпилганда, озор чекаётгандай ҳазин гийқиллайди. С. Анорбоев, Меҳр. Гийқиллаб бораётган арава устида тевараги уфққа туташган чўлни томоша қилиб бораман. С. Аҳмад, Чўл бургути. Роса бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб, Муолишдан трамвай гийқиллаб ўтганига. Ф. Фулом.*

ГИЛАЙ Қараганда кўз қорачиқлари бир томонга йўналмайдиган, тўғрига қарай олмайдиган, кўз соққаси қийшиқ ўрнашган. *Гилай бола. Гилай кўз. Бир кўзи гилай. Кўзини гилай қилмоқ. ■ Кўз олдида «гўштингни бурдалайман!» деб кўзини ола-кула қилиб турган ўғай она ва унинг қариндоши – гилай хотин турарди. Мирмуҳсин, Умид. Гилай кўзни тўғрилайдиган даволардан бири кўзойнақдир. «Фан ва турмуш».*

Гилай бўлмоқ айн. гилайланмоқ. ..ют-қазган чоғларида даргазаб кўзлари гилай бўлиб кетарди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл. **Гилай қарамоқ** Ёмон муносабатда бўлмоқ; ёқтирмаслик. *Теримга келганда ким ёмон – Йигиталининг машинаси ёмон. Шу борада неча карра ўртага тушиб, терлаб чиқса ҳам, кузга келганда, [Сафарбаров] машинага гилай қарайди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.*

ГИЛАЙЛАНМОҚ Гилай ҳолатли бўлмоқ. *Кўзлари гилайланиб қолган икки киши гандирақлаб кириб келаётган эди, контролёр уларни тўхтатди. «Муштум».*

ГИЛАЙЛАШМОҚ қ. **гилайланмоқ.** У оғзини катта-катта очиб.. кўзлари сузилиб, гилайлашиб кетарди. «Шарқ юлдузи».

ГИЛАЙЛИК Кўз соққасининг қийшиқ ўрнашуви: бунда бир кўз қорачиғи кўрилаётган нарсага қараган, иккинчиси эса ўша нарсадан чакка ёки бурун томонга оғган бўлади. Баъзан иккала кўз қорачиғи бурун ёки чакка томонга оғади.

ГИЛДИРАК I Арава, машина ёки бирор механизмнинг юриши, ҳаракат қилиши учун хизмат қиладиган, ўққа ўрнатилган, айланадиган, доира шакли қисми. *Арава гилдираги. Автомобиль гилдираги. ■ Сал алахсисанг, универсалнинг тишли гилдираги тагида қолиб кетасан. М. Мансуров, Ёмби. Мана, кичик телескопга ўхшаш асбобнинг*

гилдираклари ҳаракатга келди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

Тарих (ёки тараққиёт) гилдираги Тарихий тараққиёт жараёни. Гитлерчилар қонуний тараққиёт гилдирагини орқага айлантириб юбормоқчи бўлган эдилар. Газетадан. Тарих гилдираги айланар изда, Халқлар курашади келажак учун. Р. Бобожон.

2 Гилдиракка ўхшаш, айлана шакли. Тип-тиниқ гилдирак ойначаси бор, Ойнакка тўғри тик туйнукчаси бор. Қ. Муҳаммадий.

ГИЛДИРАКЛИ Гилдираги бор, гилдирак ўрнатилган. Икки гилдиракли арава. Уч гилдиракли велосипед. ■ Ялангликда пахта ташийдиган ўн гилдиракли юк машиналари қаторлашиб турарди. П. Кодиров, Уч илди. Сўрини кўтариб турган ана шу арқон ундан ҳам тепароқдаги гилдиракли блок орқали ҳаракатга келади. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ГИЛДИРАКСОЗ Гилдирак ясовчи уста.

ГИЛДИРАКСОЗЛИК Гилдирак ясаш билан шуғулланиш. Гилдираксозликни ўрганмоқ. ■ Ишчилар.. гудокни эшитиб, мастерскойга, гилдираксозлик цехига йўғила бошладилар. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ГИЛДИРАКЧА Кичик гилдирак ёки гилдирак шакли майда деталлар. Соат ичидаги гилдиракчалар.

ГИЛДИРАМОҚ Айланма ҳаракат қилиб юриб кетмоқ (гилдирак ёки доира шакли нарсалар ҳақида). Танга қўлимдан тушиб, гилдираб кетди. ■ Карим кичкинагина, бўйига нисбатан анча семиз, думалоқ, юрганда гилдираб кетаётганга ўхшайди. А. Эшонов, Ҳаётга қайтиш.

ГИЛДИРЛАМОҚ с. т. I Гилдирамоқ.

2 кўчма Айланмоқ, айланиб юрмоқ; парвона бўлмоқ. Теварагида гилдираб юрган Зайнабнинг уйига кира бериш учун [Отабек] Кумушнинг мулоҳазасини қилар [эди]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГИЛМОН [а. غلман — «ғулом» с. нинг кўпл.: болалар, йигитлар; хизматкорлар] I дин. Жаннатда хизмат қиладиган ёш гўзал йигит.

2 кўчма с. т. Гўзал қиз, аёл; пари. Ҳузур кўриб гилмонларни қучганлар, Бекларим, жонингга қурбон бўлайин. «Юсуф ва Аҳмад».

ГИЛОФ [а. غلاف — хатжилд; қоплама; қобиқ, пўстлоқ] I Буюмни ташқи шикастдан сақлаш учун солиб қўйиладиган, шу буюм шаклига мослаб тайёрланган махсус

жилд, қути, қин. Кўзойнак гилофи. Милтиқ гилофи. Кўрпанинг гилофи. Фижжаскнинг гилофи. Гилофга солмоқ. ■ Бўронбой гилофнинг боғичини ечиб, дуторни олди, торларини черта-черта, узоқ созлади. О. Ҳусанов, Қўшиқчининг такдири. Мен киришим билан Расулов оқ сурдан гилоф кийгизилган креслосини орқага суриб, ўрнидан турди, кабинетнинг ярмига келиб кўришди. Р. Файзий, Сувчи. Шарофат хола деразадан қараса, эшик тагида бир машина йигит-қизлар. Елкаларида рюкзак, кузовда гилоф кийгизилган жуфт-жуфт чанғилар. А. Мухтор, Чинор.

2 кўчма кам қўл. қ. маска I. Тухматчининг тоши ёмон, Гийбатчининг — гилофи. Мақол.

ГИЛОФЛАМОҚ Нарсага, буюмга гилоф қопламоқ, гилофга солмоқ. Кўрпани гилофламоқ.

ГИЛОФЛИ Гилофланган, гилофи бор. Гилофли рубоб. Гилофли қилич. ■ У [Хонқози] белидаги ёғоч гилофли маузер тўп-пончани кўз-кўз қилиб кўрсатди, кейин белидан чиқариб, хонтахта четига қўйди. А. Ҳакимов, Илон изидан. - Ма, сув ичиб ол.. — сержант гилофли сувдонини камаридан олиб тутди. Шўҳрат, Умр поғоналари.

ГИЛОФЧИ Гилоф тайёрловчи уста.

ГИЛТ тақл. с. Суоқликни ютаётганда, томоқда ҳосил бўладиган товушни билдиради. Сувни гилт этиб ютмоқ.

Кўзига гилт ёш олди (ёки келди) Кўзи ёшта тўлди. Жамила гапини интизорлик билан кутаётган мастерига жавдираб қаради-ю, гапириш ўрнига кўзларига гилт ёш келди. М. Жалолитдинова, Диллар дилларга пайванд.

ГИЛТИЛЛАМОҚ I Жавдираб, ялинган, ялингансимон ҳолатли бўлмоқ. «Яна қуя-сизми?» дегандай.. хўжайинига гилтиллаб қараб кўярди. К. Яшин, Ҳамза. «Раисларга маза». Кўзлари ҳасаддан гилтиллади. С. Нуров, Нарвон.

2 Йилт-йилт, мўлт-мўлт қилмоқ (кўз ёши ҳақида). Қизча бўлса, гилтиллаб турган ёшларини дув тўкиб, яна кўзини очди. Ойдин, Болалик уйда гийбат йўқ. Отамурод, она кўзларида гилтиллаган ёшни кўрган заҳотиёқ, бу ишнинг битмаслигини сезди. М. Мансуров, Ёмби. Унинг ўзига ҳам,

Сатторга ҳам раҳми келиб, кўзларида бирдан ёш ғилтиллади. П. Қодиров, Эрк.

ҒИЛҚ айн. **ҒИЛТ**.

ҒИЛҚИЛЛАМОҚ 1 айн. қулқулламоқ.

2 айн. **ҒИЛТИЛЛАМОҚ** 2. Турғунбой кўзида ғилқиллаб турган ёшини дув тўкди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҒИМИРЛАМОҚ с. т. Ғимирламоқ. Аҳмаджон ошпазнинг ёнида ғимиллаб юрган эди, ичкаридан дадасининг овозини эшитиб: -Лаббай, дадажон! - деб уйга кирди. С. Кароматов, Ҳижрон.

ҒИМИРЛАМОҚ 1 Давомли тарзда секин-секин, сезилар-сезилмас ҳаракат қилмоқ, қимирлаб ҳаракатланмоқ (одатда кўп ва майда жониворлар ҳақида). Чумолилар ғимирлаб юрибди. ■ Пайкалда икки нуқта ғимирлаб юрарди. С. Нуров, Нарвон. Раҳматов ётган жойида бир-икки асабий ғимирлаб қўйди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Енгил-елпи, майда иш-юмушлар билан машғул бўлмоқ, куйманмоқ. Самоварчи чол, тун ярмидан оғган бўлса ҳам, ғимирлаб юрган эди. С. Кароматов, Олтин қум.

ҒИМИРСИЛАМОҚ айн. **ҒИМИРСИМОҚ**. [Қодирали] Ғимирсилаб юриб, кунни аранг кеч қилди. С. Сиёев, Чархпалак. [Кампир] Гоҳ молхонада, гоҳ ошхонада ғимирсилаб юрганлари-юрган. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҒИМИРСИМОҚ айн. **ҒИМИРЛАМОҚ** 2. Ошхонада ғимирсиб юрган Рисолат укасининг олдида бир чойнак чой келтириб, ўзи ҳам ёнига ўтирди. С. Аҳмад, Уфқ. Алижон Тошкентга елдек етиб келди. Уйга кириб, онасининг соғ экани, илгаридай ғимирсиб юганини кўриб қувонди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҒИМИРЧИЛАМОҚ: ичи ғимирчиламоқ Бирор иш-ҳаракат қилиш пайига тушмоқ, ғайрати кўзимок. Қашқарлик қаландарларнинг хонишини эшитиб, менинг ҳам ичим ғимирчилаб қолди. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

ҒИМИР-ҒИМИР тақл. с. Сезилар-сезилмас тарздаги қимирлаш, шарпани билдиради. Эшик олдида ғимир-ғимир ҳаракат бошланди. «Ёшлик».

Ғимир-ғимир қилмоқ айн. **ҒИМИРЛАМОҚ**. Кунлар исиб, қурт-қумурсқалар ҳам ғимир-ғимир қилиб қолди. ■ Одамлар, скреперлар,

бульдозерлар ғимир-ғимир қилади. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҒИНГ тақл. с. Пашша, ари каби қанотли ҳашаротларнинг учгандаги овозини билдиради. Пашша «Ғинг» деса эшитиладиган жимжит ҳовли. Ойбек, О. в. шабадалар.

Ғинг демоқ Бирор ортиқча гап гапирмоқ, эътирозли гап қилмоқ. Агар бирор жойида ғинг десанг, ўзингдан кўравер.. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Ҳамманинг энсасини қотирадиган гапларни эшитиб, ғинг демай туриш лозимми? М. Ҳазраткулов, Журъат. Марат унга ғинг дегани йўқ, албатта. Аммо иягини кўтариб қўйди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҒИНГИЛЛАМОҚ айн. **ҒИНГИЛЛЯМОҚ**.

ҒИНГШИМОҚ 1 Увлаш, вовуллашдан кўра инграшга яқинроқ товуш чиқармоқ. Олапар Болтабойга чиноқ қулоқларини қисиб суйканди-да, ғингшиб қўйди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Тумшуғини олдинги оёқларига қўйиб ётган ит эринибгина ғингшиди, сўнг бирдан хуруж билан вовуллашга тушди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Маъносиз ёки маъносини илғаб бўлмайдиган товушлар чиқармоқ. Уйқуга қонмаган қизча эса инжиқланиб, бувисининг оёғига суйкалган кўйи ғингшимоқда эди. Н. Қиличев, Чигирки. Чойгум тарақ-туруқ қилиб, тун сукунатини бузиб юборди. Ўз каравотида ётган Зоиржон ғингшиб қўйди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кўчма салб. Зорланувчи, нолиш билдирувчи ёқимсиз, бўлмағур гаплар қилмоқ. Машаққатли юришлардан зериккан хотини ғингшийвериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди. М. Осим, Аждолларимиз қиссаси. Али маҳрам билан анави валиаҳд ўғли то ҳануз, Авазга бекор раҳм қилдингиз, энди бизни бадтар мазахлайди, деб юрибди экан. С. Сиёев, Ёруғлик.

ҒИНШИМОҚ айн. **ҒИНГШИМОҚ**. Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳадеганда ухлай бермади, ғинший берди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ҒИНГИЛЛАМОҚ 1 «Ғинг-Ғинг» овоз чиқармоқ (пашша, ари, қўнғизлар ҳақида). Бошини кўтарди: кўм-кўк осмонда беда ҳиди анқийди, асаларилар ғинғиллайди.. С. Нуров, Нарвон. ..бир хил йилтироқ пашша бор, у баъзида бақанинг тумшуғига яқин келиб, ғинғиллаб уча беради. Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Сўзларни тушунарсиз тарзда, паст овоз билан айтмоқ; шу тарзда гапирмоқ, хиргойи қилмоқ. *Бобо, суроғимга жавоб бериш ўрнига, отига қамчи урди, нимадир деб фингиллагач, сўнг деди: -Йўл азоби, хўбам чарчагандирсан. Н. Сафаров, Оловли излар. Столини чертиб, фингиллаб ўтирган Хайит Ҳамидовнинг хиргойиси бир йигит кириши билан тўхтади. «Муштум».*

3 *кўчма айн. фингилламоқ* 3. *Гоҳо хотини фингиллаб қолса, болаларини қўшниларга ташлаб, кинога бориб келишади. «Ёшлик». Унинг Шўрдан айнамаслиги ўша лагерда-ёқ кўриниб турган эди, бирон марта финг дегани йўқ. Аксинча, унча-мунча фингиллагани оғзига уриб юрди.. Шўхрат, Олтин зангламас.*

ФИНГИРЛАМОҚ айн. **фингилламоқ**. *Элмуроднинг бир текис фингиллаган овози ёқимли нағмадай ҳаммининг эс-хушини қамраб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ФИНГИР-ФИНГИР: **фингир-фингир қилмоқ** Англаб бўлмас даражада, ноаниқ қилиб гапирмоқ, эшитилар-эшитилмас гапирмоқ, фингилламоқ. *Фиргир-фингир қилмай, аниқроқ гапирсанг-чи!*

ФИНФ-ФИНФ: **финф-финф қилмоқ** айн. **фингилламоқ**.

ФИП: **фип бўғмоқ** Қаттиқ бўғиб олмоқ. *-Ҳой, менга қара! — деди у [Ўғилой хола] бурун катаклари пирпираб, — Ёқандан фип бўғиб, зўравонлик қилаётганда, деразадан кўриб турганман. О. Ёқубов, Ларза. [Маҳмуда] Эрининг тўзгиган соғларига тикилиб ўтирибди-ю, лекин негадир ичидагини тўкиб солишдан ҳайиқяпти. Бу ҳайиқиш алами эса томоғини фип бўғмоқда гўё! Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ФИППА: **фиппа бўғмоқ** айн. **фип бўғмоқ** қ. **фип**. *Мадали Қосимов расмга бирпас тикилиб, индамай ўрндан турди-да, қандайдир шўх куйни вағиллаб янгратаётган радиони фиппа бўғгандай ўчирди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

ФИР тақл. с. Нарсанинг тез айланиши ёки тез ҳаракат қилиши туфайли ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Мотор парраги бир фир этди-ю, тўхтади.*

Фир этиб Тезлик билан, бир лаҳзада, дарров. *Вақт фир этиб ўтиб кетади. ■ Поездга билет олинган кун Маскура хола яна кўз ёши қилди: -Фир этиб келдинг-у, фир*

этиб кетясан-а, онам? Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Фир этган шамол (ёки шабада) йўқ Озгина ҳам шамол йўқ, шамол бутунлай йўқ. *Саратоннинг жимжит, зимзиё кечаси. Ҳаво дим. Фир этган шабада йўқ. М. Осим, Сеҳрли сўз.*

ФИРА-ШИРА 1 Эрта тонг ёки шомда нарсалар аниқ кўринмайдиган пайт; ҳавонинг эрта тонгда ёришиб келаётган, кечқурун қоронғилашаётган ҳолати; ёруғлик ёки қоронғиликнинг кучсиз ҳолати. *Фира-шира ёруғ. Фира-шира қоронғи. Фира-шира хона. Фира-шира пайт. ■ Эъвозхон бугун уйдан ҳар кунгидан эртароқ — тонг фира-ширасида, нонушта қилмасданоқ чиқди. Ҳ. Фулом, Машғал. Ҳозир фира-ширада уларни бир-биридан ажратиш қийин. С. Анорбоев, Оқсой. Фира-шира кўчалар, гузарларда қандайдир қора соялар.. кўзга чалинарди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

2 Нарсанинг кўриш ёки тасаввурдаги аниқ-равшан бўлмаган, хира аксини билдиради. *Гавҳар унинг қоронғида фира-шира кўриниб турган меҳрибон чехрасидан бу сафар ҳам штимосини ерда қолдирилмаганини тушунди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ёшлик! Бу йилларда ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеалар тушда кўргандай фира-шира эсда сақланади. С. Кароматов, Лирика бастакори. Ёш палламда дадам, аям билан бирга шаҳардаги ҳовлимизга келганим фира-шира ёдимда. Ойбек, Танланган асарлар.*

ФИРВАЙМОҚ айн. **фирмаймоқ**.

ФИРИЛЛАМОҚ 1 Тез айланиш, ҳаракат ёки бошқа сабаб туфайли «фир-фир» этган товуш чиқармоқ; пирилламоқ. *Машиналар фириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради. Қ. Муҳаммадий. Радиокарнай фириллаб туриб, бирдан гапирга бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 «Фир-фир» эсмоқ, тез елмоқ (шамол, изғирин ҳақида). *Жанубдан фириллаб шамол эсарди. ■ -Тақсир! — Ҳасан сўфи хитоб қилди. — Сиз салқинда, фириллаган шабадада кўк чой ичиб, маза қилиб ўтирибсиз! М. Исмойлий, Фарғона т. о. Кун совуқ, араванинг устида фириллаб турган изғирин юзларни ялайди. Ойдин, Фонарь тагида.*

3 айн. **ғизилламоқ** 2. *Ақром ака, тайёрини сотиб ола қолсак бўлмайдимиз, фириллаб олиб келаман. «Муштум». Хатни ўқиб, қизиқиб қолдик. Эртасигаёқ оёқни қўлга олиб, ўша*

томонга *ғирлладик*. «Муштум». *Ўгли Фозил ҳам дадасининг савдо-сотиғи билан бозорга ғирллайдиган бўлиб қолди*. С. Зуннунова, Олов.

Нон деганда, кесак ғириллаган (ғириллайдиган) ёки нон деганда, кесак ғириллайди Турмуш шароитининг жуда оғирлигини билдиради. *Нон деганда кесак ғириллаган замонлар кишилар эсидан чиқди.. Ҳаёт яхши бўлиб қолди*. Шуҳрат, Умр погоналари. *Азбаройи худо, шу хумсангиз эшигда кушод икки ой бўйнимни эгиб, нон деганимда, кесак ғириллайдиган бўлди*. А. Қодирий, Кичик ҳикоялар.

ФИРИНГ: *ғиринг демоқ айн. ғинг демоқ қ. ғинг.* - *Зеби опа, ҳалиги яна ғиринг деганда, дабдаласини чиқариб, ўша ерга кўмиб келар эдик-да, — деди кимдир Адолатнинг орқасида*. С. Зуннунова, Гулхан. *Аямасдан ишга босинглар, ғиринг демайди*. С. Аҳмад, Уфқ. *У киши нима гапирсалар, тўғрими, нотўғрими, ғиринг демасдан бажарардик*. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ФИРИНГЛАМОҚ Бирор нарсадан жонга тегар даржада нолийвермоқ, ҳасрат қилавериб ёки кераксиз гапларни гапиравериб тўйдирмоқ; *ғинғилламоқ, ғингшимоқ*.

ФИРИНГ-ПИРИНГ I: *ғиринг-пиринг демоқ айн. ғиринг демоқ қ. ғиринг.* «*Ғиринг-пиринг*» десалар, *тушунтираман деб, гап сотиб ўтиришининг ҳожати йўқ*. Ҳ. Шамс, Душман.

2 айн. Нолиш, зорланиш билдирувчи бўлмағур гап-сўз; ҳасрат. *Ғиринг-пиринг қилмоқ*. ■ *Фулом ака серхархаша хотинининг ғиринг-пирингига ўрганиб қолганидан унча-мунчасини терисига юқтирмайди*. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ФИРИНГ-ФИРИНГ *айн. ғиринг-пиринг*. [Умурзоқ:] *Шўринг қурсин-да, хотин.. ғиринг-ғиринг қиласан, на гапининг ити бор, на боғичи*. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ФИРМАЙМОҚ Кўзни қисиб, қийшиқ қарамоқ; *шиғраймоқ*. -*Ёки уйинни дуранг қилмоқчимисан? — ғирмайди у [Манно]*. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ФИРРА «Фир» этиб, дарров, бир онда. *Тўй ўтгандан кейин Умид машинада шошиб келиб, болохона хужрасидан у-бусини олиб.. яна профессор машинасида ғирра жўнаб кетди*. Мирмуҳсин, Умид. *Хотини хуржунга қоракўл тери эмас, пўстак солибди*. Ҳеч нарса

демади, ғирра изига қайтди. А. Ҳасанов, Чироқлар.

ФИРРОМ I Иш, ҳаётда ҳалоллик, покликка риоя қилмайдиган, унга зид иш юритувчи; нопок, муттаҳам. *Яхши ишласангиз, бас, ака-ука бўлиб кетамиз*. *Лекин, айтиб қўяй, ғирромларга тобим йўқ*. Э. Носиров, Топширилмаган совға. *..кичик хўжайинлар базани хомталашга олганлар. Қайси бирлари олғирроқ ва ғирромроқ бўлса, шуниси кўпроқ кўтарган*. Х. Тўхтабоев, Қалпоқ йиртилди. *Етуқ олим бўлишни истаган одам ҳаром ва ғирром йўлга кирмаслиги керак*. Газетадан.

2 Уйин, мусобақа, беллашувда тартиб-қоидага зид йўл тутувчи; ҳалолликка риоя қилмайдиган, нотанти. *Шахматнинг яна бир зарари шуки, агар ғирром одам билан ўйнасангиз, асабингиз бузилади*. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бел олишганда кураш майдонида, Ғиррому нотанти полвон чаладир*. Ҳабибий.

3 Ўзбек кураши атамаларида бири: беллашув пайтида катта хатога йўл қўйган ёки такрор қўполлик қилган курашчига охирги огоҳлантириш сифатида қўлланади.

ФИРРОМЛИК Ғирромга хос иш тутиш (*ғирром* — ҳар икки маъносиди). *Ҳа, энг хавфли, энг даҳшатли нарса — ғирромликка, қинғир ишга биринчи қадам қўйиш*. Газетадан. *Узи ўлғудай тўғрисўз, ғирромлик, қувликни билмасди*. Мирмуҳсин, Умид. *Мактабда танаффус вақтлари шашка ёки волейболда ғирромлик, ўйинбузуқилик қиларди*. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ФИРРОМЧИЛИК *с.т.* Ғирромлик. *Кони алдамчилик, ғирромчилик экан уларнинг иши*. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ФИРТ I I Белгининг кучли даражасини қайд этади, кучайтирув билдиради (одатда салбий белгиларга нисбатан қўлланади). *Фирт аҳмоқ. Фирт саводсиз. Фирт маст. Фирт нодон. Фирт хом*. ■ *Биттаси Аввалбек бўлса, у — фирт пиёниста.. М. М. Дўст, Лолазор. Фирт омиман, бизга ўқиш қайда.. Ойбек, Нур қидириб*.

2 Отлар билан ва айрим даражаланмайдиган сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарса, ҳолатнинг шахс ёки предметга тўлалигича, бутунлай дахлдорлиги, оидлиги маъносини билдиради; бутунлай, турган-битгани. *Фирт тухмат. Фирт расмиятчилик*. ■ *Исириқ тутатишни хуро-*

фот дейишининг ўзи *фирт* хурофот экан. «Фан ва турмуш». *Хафа бўлмаг-у, почча, ammo фирт афанди экансиз.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Илгари бу жойлар фирт тўқайзор, одам йўқ эди.* «Ўзбекистон кўриқлари». Умид учинчи синфга ўтганида, адаси ҳам тўсатдан ўлиб қолди. у *фирт* етим бўлиб қолди. Мирмуҳсин, Умид.

ФИРТ II тақл. с. Кесиш, узиш ёки ишқаланишдан ҳосил бўладиган кескин товушни билдиради. *Эшик фирт этиб очилди.*

ФИРТИЛЛАМОҚ «Фирт» этган товуш чиқармоқ. *Эшик фиртиллаб очилди.*

ФИРЧ айн. **фирт II.** *Фирч этмоқ.* ■ [Нодиржон] *Ҳафсала билан кўл қўйиб, аризани икки буклаб ушлаб, ўрнидан турган эди. эшик фирч этиб очилиб, Розиквой кирди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ФИРЧИЛЛАМА «Фирч-фирч» товуш чиқаралган, гичиллайдиган. *Фирчиллама этик.* ■ *Ер юзига оппоқ гилла тўшалган: оёқларингиз остида фирчиллама қор.* Т. Мирҳодиев, Илк ёғдулар.

ФИРЧИЛЛАМОҚ «Фирч-фирч» этган товуш чиқармоқ, гичирламоқ. *Эшик фирчиллаб ёпишди.* ■ *Секин эринмасдан ёғаётган лайлак қор Адолатнинг оёқлари остида амиркон маҳси-кавушдек фирчиллайди.* С. Зуннунова, Гулхан. - *Хўп, бўлмаса.. — деди-ю, протез оёқлари фирчиллаб, нари кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ФИРЧЧА Нукул, турган-битгани, гарчча. *Фирчча мой.* ■ [Шонхон:] *Аввало, оқсоч қанд-курс, ёғлиқ патир, қулинг ўргилсин фирчча думбали сомсаларни тўқиб ташлайди дастурхонга.* Ойбек, Улуғ йўл.

ФИР-ФИР I **Фир** с. тақр. *Фир-фир қилиб лента узилди. Фир-фир шабада.* ■ -*Менинг отам бўлса дугчи, қашшоқки, у ёғи йўқ. Саҳардан шомга қадар жомеда фир-фир дуг тортади, — деди Зумрад Гуласалга.* Ойбек, Улуғ йўл. *Қирларда ҳали мол оғзи тегмаган ўсиқ ўтлар фир-фир эсган шамолда бешикдай тебранади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 **Тез-тез, фир этиб, физиллаб.** *Катта кўчадан енгил машиналар, трамвайлар фир-фир ўтиб турибди.* С. Акбаров, Отанинг хаёллари. *Фира-шира тонгда қишлоқда қизгин ҳаракат бошланиб кетди.. Машиналар, темир бочкалар ва қоп-кажов ортилган автомобиль, аравалар фир-фир ўтмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ФИРФИРАК шв. Бизбизак.

ФИРФИРАКИ шв. Сийрак тўқилган дока, шаша.

ФИТ айн. **ғийт.** *Бир оздан кейин автомобиль гувуллаганига қайтиб келди ва аста бурилди-да, фит этиб тўхтади.* А. Қаҳқор. Кўшчинор чироқлари.

ФИТИЛЛАМОҚ «Фит» этган овоз чиқармоқ, ғийтилламоқ. [Фуод афанди] *Эшикнинг фитиллаб очилганини эшитиб, қаради.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

ФИЧИЛЛАМОҚ айн. **ғижирламоқ.** [Ориф ака] «*Нима қилиб ўтирибман!*» деб ғазабли алам билан ўрнидан турганида, кўча эшиги гичиллади. А. Мухтор, Чинор.

ФИЧИР айн. **фирч.** *Фичир этмоқ.*

ФИЧИРЛАМОҚ айн. **ғирчилламоқ.** *Полвон билан иккимиз яқинимиздаги бир ҳовлининг эшигини зўр бериб итара бошладик, эшик гичирлаб, қирсиллай бошлаган эди.. ичкаридан қути ўчган кекса бир кишининг овози эшитилди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ФИЧ-ФИЧ айн. **ғиж-ғиж.** -*Меҳтарнинг томоғи мойланмаган арава гилдирагидек ғич-ғич қиляпти. — деди Бойбур.* М. Осим, Элчилар. *Тепада чумчуқлар ғич-ғич уя қуришган.* Ойбек, Болалик.

ФИША Қамишга ўхшаб ўсадиган, ammo поясининг ичи говак бўлмайдиган ўсимлик; савағич. *Фиша — савағич, қамишга қараганда у бошқача ўсади. Қамиш бир-бирига туташиб, тўқай бўлиб кетса, савағич худди садага ўхшаб, ҳар ер-ҳар ердан тўп-тўп қайнаб чиқади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФИШАВА [ا. غشاوره — ёпинчиқ, парда; кўзнинг хиралашуви, шабкўрлик] шв. Қайсарлик ёки инжиқлик билан қилинадиган жанжал, хархаша. *Унга ёнидаги улфатларининг дабдурустан бошланиб кетадиган фишавасини томоша қилиш, кўк чой ичиб роҳатланиш — ғанимат.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Боягина эрини ундан қизганиб, фишава қилиб турган хотин кўз очиб-юмгунча бошқа қиёфага кирди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ФИШАВАЧИ шв. Фишава қилувчи, қайсарлик билан арзир-арзимас нарсага жанжал қилувчи. *Фишавачи бола.*

ФИШАЗОР Фиша билан қопланган, фиша ўсиб ётган майдон. *Аравалар неча жойда ботиб, чакалакзор ва фишазорларни*

оралаб, ниҳоят, бир қишлоққа етиб келишди. Газетадан.

ГИШТ [ф. *خششت* – гишт] Қолип ёрдамида лойдан тўртбурчак шаклида қуйиладиган қурилиш материали. *Хом гишт. Гишт қуймоқ. Гишт термоқ. Қолипсиз гишт битмас, режасиз иш битмас.* Мақол. ■ *Атрофимдаги иморатларнинг купи пишиқ гиштан, баъзилари хом гиштан бўлса ҳам, кўкракдор қилиб солинган.. Шукрулло, Сайланма. Бердибой яхши бир нонвой.. ўртача арракаш, гишт терувчи эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Гишт қолип(и)дан кўчи Фурсат ўтди, бўлар иш бўлди. *Энди гишт қолипдан кўчган эди. Сайёра мурасага келди. Исмоилнинг алимент тўлашини сир тунди.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. **Гўрига гишт қаламоқ қ. гўр.**

ГИШТИН [ф. *خششتين* – гиштдан қилинган, қурилган] **1** Гишт билан ишланган, қурилган. *Дунгликдан кейин ҳеч қанча юрмай, гиштин уйлар бошланиб кетди. «Ўзбекистон қуриқлари». Терак бўйи келадиған гиштин девор жуда энли эди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Узун гиштин йўлка дарвозахонадан бошланиб, чорбоғни тикка кесиб ўтади.* Ҳ. Фулом, Бинафша атри.

2 Қарта ўйинида: қартанинг гиштсимон қизил холлари бўлган хили. *Гиштин моткаси. Ўнлик гиштин.*

ГИШТЛИ айн. **гиштин.** *Қамариддин гиштли уйнинг иккинчи қаватида турарди. «Ёшлик».*

ГИШТЧИ 1 Гишт қуёвчи.

2 Гишт терувчи уста. *Энди тошларни хуржунда ва этакда ташиб етказишга ҳам сабрлари чидамади, худди мактаб қурилишидаги гиштчиларга ўхшаб, қўлдан қўлга ирғита бошлашди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГИШҒИША Хархаша. *У оёқ учи билан юриб, иккинчи уйга кирди. Болалар уйғонмасин дебми ёки Лаълихоннинг гишғишасидан кўрқибми, астагина ечинди-да, ўз каравоти-га келиб ётди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

ГИҚ тақл. с. 1 Томоққа бирор нарса тикилганда, бўғилганда, нафас олиш қийин бўлганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Бемор ўқтин-ўқтин гиқ этган товуш чиқарди.*

Гиқ этмаслик (ёки демаслик) **1)** бирор овоз чиқармаслик, индамаслик. *Айвон тўла хотин, ҳаммаси оқ доқа рўмолни бир юзига тушириб, гиқ этмай ўтиришибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; **2)** эътироз билдирмаслик, қаршилиқ қилмаслик, гиринг этмаслик. *Ҳозир ҳам ич-ичидан норозилик босиб келганига қарамай, гиқ эта олмади.* М. Мансуров, Ёмби.

2 айн. **гийт.** *Эшик гиқ этиб очилди. Машина гиқ этиб тўхтади.*

ГИҚИЛЛАМОҚ «Гиқ-ғиқ» этган товуш чиқармоқ. *Шамол кескин гувуллар, қари қайрағочлар ҳазин гиқиллар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ташқарида мотоциклнинг гиқиллаб тўхтагани, сўнгра кимнингдир югуриб келаётгани эшитилди.* Ҳ. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ГОВ 1 1 Бирор томонга ўтиш, кириш учун имкон бермайдиган қурилма, тўсиқ. *Аҳён-аҳён атрофи гов билан қуршалган қўралар, четанли чорбоғ, ертўла янглиғ кулбалар ҳамон сақланиб турганини кўриб ҳайрон қоласиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бир учига арқон боғланган ёғоч – кўтарма говни тушириб, йўлни тўсди.* С. Нуров, Нарвон. *Юк вагонларининг ҳайҳотдай очиқ эшикларидаги говлар сурилиб, юзлари иссиқдан қорайган аскарлар пастга сакраб туша бошладилар.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *спрт.* Куч синаш машқлари ўтказилдиган тўсиқ. *Маррага боргунингча Ўн бир говдан сакрайсан.* З. Диёр.

3 *кўчма* Бирор иш-фаолият, ривожланиш, истак ва ш.к. йўлидаги тўсиқ, қаршилиқ, тўғоноқ. *Ташаббусни ривожлантириш йўлидаги барча говларни олиб ташлашни.. қатъиян талаб этдилар.* Газетадан. *Ҳақиқий муҳаббат олдидан ҳеч қандай гов дош беролмаслигига ишонтиришим керак эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Гов бўлмоқ Қарши турмоқ, монелик қилмоқ, тўғоноқ бўлмоқ. *Жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига гов бўлиб турган хилма-хил иллатлар дадил фош этилган.* М. М. Дўст, Лолазор. *..айрим нопок шахсларнинг қинғир ишларига гов бўлганим учун «ақлимни киритиб қўйишмоқчи» бўлишгани фош этилди. «Муштум».* *Лекин Гулчеҳра Султон билан Дилбар ўртасида гов бўлишни сира-сира истамас эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҒОВ II кам қўл. Ичи бўш; ғовак. - Секироқ, тош бор девдим-ку, ғов калла, - деган овоз эшитилди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҒОВАК I Ичи бўш; ковак-ковак, ғалвирак. *Ғовак ёғоч. Ғовак тоғ жинси. Металлнинг ғовак жойлари. Қамиш поясининг ичи ғовак бўлади.* ■ Бўз ер-да, неча минг йиллардан бери кўксидан сув думаламаган ғовак ер - сув босиши билан чўкиб, халқоб бўлиб қола бошлайди. Ш. Фуломов, Бахт бустонига. Тоғда юриб, анча тажриба ортирган Тўрақул қор ғовак бўлиб турган жойларни четлаб ўтарди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 кўчма Ичи, замини бўш. Тошкентнинг ҳокими. Шаҳарни сўраган Ўрдада туриб. Лекин ғовак экан қалъа негизи, Девор ҳам, давлат ҳам қулаган чириб. М. Шайхзода, Тошкентнома.

ҒОВЛАМОҚ I Ҳосили яхши бўлмай, ўсиши кучаймоқ; ортиқ даражада бўйига ўсмоқ. *Сал эҳтиётсизликка йўл қўйсак, ғўза ғовлаб, ҳосилни бой бериб қўйишимиз турган гап.* «Ўзбекистон кўриқлари». Шундай ҳоллар бўладики, экин уч марта ва ундан кўпроқ озиклантирилади, лекин у ғовламайди, ҳосили мўл, ғўзапояси нормал бўлади. Газетадан.

2 кўчма Авжланмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ (одатда, салбий нарса-ҳодисаларга нисбатан қўлланади). *Кибр-ҳавоси ғовлаб кетган терговчи бошини кўтариб, «хўш?» дейишни ҳам эн кўрмади.* В. Маҳқамов, Ҳам айланиб, ҳам ўргилиб. Болалигидан бошқалардан ажралиб туришга интилиш баалоғатга етган сари ғовлаб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.

Бўлса - бўлар, бўлмаса - ғовлаб кетар «Нима бўлса бўлар» деган маъноли, эътиборсизлик, лоқайдликни қайд этувчи ибора. *Бу том ва деворлар узоқдан гўё бирон ҳафсаласиз одам «бўлса - бўлар, бўлмаса - ғовлаб кетар» қабилдан қилиб, омонатгина қўнқайтириб қўйгандек кўринади.* Ҳ. Шамс, Душман. *Музаффар ҳам «бўлса - бўлар, бўлмаса - ғовлаб кетар» қабилда иш тутяпти.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Калласи** (ёки мияси, боши) ғовламоқ Нима қиларини билмай қолмоқ, боши қотмоқ. *Умуман, одамларга яхши қўшилолмайдиган Комил катталар олдида ўзини йўқотиб қўйган эди. Ҳозир унинг калласи ғовлаб, қулоғи шанғиллар эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Чуқур хаёлга толган Маҳқам аканинг мияси ғовлаб, гангиб қол-*

ганди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Шу алтозда у боши ғовлаб, пешингача телбалардек шаҳарда тентираб юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒОВУР Турли тартибсиз овозлар, шовқин-сурон: ғовға. *Йиғилганлар орасида ғовур бошланди.* ■ *Эркак кишининг асабий товуши хотинниқига қўшилди; ғовур кўтарилди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. [Аҳмаджоннинг] *Кўзи олдига гоҳ Нусрат, гоҳ Зулфия, гоҳ Латофат келиб, унга алланарсалар деяётгандай бўлар, уларга одамлар ғовури қўшилиб, катта чайқов бозориде юргандай боши ғувуллаб кетди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Зорий ирғиб туриб, ер тепинди, ғовурда унинг гўлдирагани эшитилмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҒОВУРЛАШМОҚ Ғовур кўтармоқ, шовқинлашмоқ. - *Собир ота ҳам қулми? Бу ғовурлашган камбағаллар ҳам қулми? - деди Сафарқул бойга.* С. Айний, Қуллар.

ҒОВУШ, ғувуш шв. Жўхорининг кўк пояси; моллар учун экилган жўхори. *Бастирмага бостирганим ғовушди(р), Оёғингда амиркони ковушди(р).* «Фольклор». Бўрон томлардаги ғовуш ва беда ғарамларини учирди. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҒОВҒА с.т. Ғавғо. *Арзимайди савдоси, бош қотирди ғовғаси, деганлари шу бўлса керак.* «Муштум». *Тирикчилик ғовғаси ёлғиз сизда эмас, тақдирга тан берасиз-де.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒОЗ I I Ёввойи ёки хонакилаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қуш. *Анави Тўлаганинг эркатойи! Минаман, деб ғозларни қувлагани-қувлаган.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қўклам келди, учиб ўтди ғозу турналар.* Ф. Фулом. *Соҳилида чайқалар қамиш.. Учиб ўтар баъзан ўрдак, ғоз.* Ё. Мирзо.

2 кўчма Гавдани тик кўтарган ҳолда: тик туриб; тикка. *Гавдани ғоз тутмоқ. У ғоз юриб чиқиб кетди.* ■ *Қизил шапкали қотмагина темирйўлчи минбарга югуриб чиқди-да, Охунбобоев олдида ғоз туриб рапорт берди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Каклик чиройли бўйини ғоз тутганича, маст кўзларини жавдиратиб.. хониш қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒОЗ ҚАРАШ Бўйинини чўзиб қараш, алангаш. [Бону] *Ўрнига бориб ўтириб, залдагиларга бир ғоз қараш қилиб қўйди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҒОЗ II [р. газ] эск. кт. айн. газ II.

ҒОЗ III с.т. Куч-қувват, калория. *Ғози йўқ овқат. Офтобда туриб, ўғитнинг ғози қолмапти.* ■ *Дехқон етиштирган нозу неъматларнинг ғози бўлсагина, пазанданинг оши тотли бўлади.* М. Каримжонов, Патинжон. *Кўмири яхши чиқмади. Ғози йўққа ўхшайди.* Р. Файзий. *Ҳазрати инсон.*

ҒОЗА [ф. غازه — аёллар юзига сурадиган қизиллик, элик] эск. Юзга суриладиган, қизил рангли пардоз буюми; элик. *Ғапга тушмас тамизи йўқ бемаза, Сулувнинг бетига ярашар ғоза.* «Ойсулув». *Бунча юзга ғоза суриб, Зеб берасан ўзингга.* Уйғун.

Кампирнинг дарди ғозада Ҳар ким ўз ташвиши, ўз истаги, мақсади ҳақида ўйлайди ёки қайғуради, деган маънода ишлатилган матал.

ҒОЗИЙ [а. غازی — босқинчи, забт, истило қилувчи; ғазот қилувчи] эск. дин. Ғазотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз этнокодиди йўлида жанг қилувчи. *Бу муқаддас жангда ўлган — шаҳид, ўлдирган — ғозий.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *-Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажжалари етган бўлса, шаҳид бўларлар; сўрамоқ нега керак? — деб совуққонлик билан жавоб берди отлик.* С. Айний, Қуллар.

ҒОЗКАПТАР Ботқоқларда, сув бўйида яшайдиган кичкина сув қуши.

ҒОЗЛАНМОҚ Гавдани тик тутмоқ, ростламоқ, қадни кўтармоқ. *Чернецов столга хиёл энгашиб ўтирган эди, Юрьевнинг қийналаётганини кўриб, ғозланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҒОЗОЁҚ бот. Соябонгуллилар оиласига мансуб, сугориладиган экинлар орасида ўсадиган икки йиллик бегона ўт.

ҒОЗПАНЖА бот. Раънодошлар оиласига мансуб, тоғ ёнбағирларида, дарё бўйларидаги ташландиқ ерларда ўсадиган бир ва икки йиллик бегона ўт.

ҒОЗЯПРОҚ бот. Раънодошларга мансуб, тоғ зонасидаги зах ерлар, дарё ва сойлар бўйларида ўсадиган кўп йиллик илдизпояли ўсимлик.

ҒОЗ-ҒОЗ: ғоз-ғоз турмоқ Ўз мувозанатини сақлаган ҳолда оёқда турмоқ, тик турмоқ (энди юришга ўрганаётган бола ҳақида). *Ўғлим ғоз-ғоз турадиган бўлиб қолди.* ■ *Ҳадича энг шимариб, даҳлизда гўшт*

чопапти. Энди ғоз-ғоз тура бошлаган қизалоқ осма беланчақда. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ҒОЙИБ [а. غائب — мавжуд, бор бўлмаган; яширин, пинҳоний; кўринмас] Шу ерда йўқ, мавжуд эмас; кўринмай кетган, йўқ бўлиб кетган. *Шу пайтда бир кабутар ажойиб, Кўкда борар гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

Ғойиб бўлмоқ 1) кўзга кўринмай қолмоқ, йўқ бўлиб қолмоқ. *Маъмуржон орқасига қарай-қарай, муқолишдан ўтиб, ғойиб бўлди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) бирор ёққа кетиб қолмоқ, кетмоқ. *[Қошила] Тонгда кампирникига келди. Кирса, Матниёз йўқ. Матниёз кетиб қолган эди. Қаёққа ғойиб бўлганлиги номаълум.* А. Мухтор, Чинор; 3) йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. *Бундан беш йил илгари бир сабаб билан бу хаёллар бутунлай ғойиб бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа фикрлар эгаллади.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. **Илми ғойиб айн. илми ғайб. қ. ғайб.** *Бу илми ғойиб. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.* Н. Сафаров, Дон.

2 Тангри, илоҳ. *Кейин иложат борича юмшоқ гапиришга уриниб, насиҳат қилиб қўйди: -Ғойибнинг ишини бандаси билмайди..* К. Яшин, Ҳамза. *Эшикдан чиқиши ҳамон, Анварга рақиблигини ошкор қилиб қўймасликни ғойибдан тилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Ғойиб (эркаклар исми).

ҒОЙИБДАН 1 Кутилмаган жойдан, йўқ жойдан, йўқдан. *Ҳазина — ғойибдан эмас, меҳнатдан.* Мақол. ■ *Тағтил кунлари Саудий учун ғойибдан келган зўр бойлик бўлиб, унинг қанчасини нима ишларга сарф қилишини билмай шошилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ғойибдан келган бу хуржунни Ойша хола салмоқлаб кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 айн. **Ғойибона 1.** *Элмурод бу қорача, чехраси очиқ йигит билан ҳамсухбат бўлмаган бўлса ҳам, уни ғойибдан танир, одамлар оғзидан эшитган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Жавод уларнинг кўпларини ғойибдан танийди.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

ҒОЙИБОНА [а. + ф. غائبانه — сиртдан, ўзи йўғида; яширинча, пинҳона] **1** Ўзини кўрмаган ёки суҳбатлашмаган ҳолда; орқаворатдан, сиртдан. *Ғойибона ошиқ бўлмоқ.* ■ *Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва*

хотинсиз орзумандлар.. қутидорникига совчиларини турнақатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уҳам Ойша холани ғойибона яхши кўриб қолгани ҳақида ёзар, бундан кейинги хатларида эса суратларини юборишларини айтар эди.* С. Зунунова, Кўк чироқлар.

2 Номаълум; фавқуллода. [Маҳкам ака] Оғасининг гапларини эсларди. Эслаган сари, бағри бутун бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилар, олам бошқача кўринар, аллаёқдан ғойибона куч белига, кўзларига нур ато қилаётганга ўхшарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҒОЛИБ [a. غالب — ғалаба қилувчи, музаффар] Уруш, жанг, кураш, тортишув, мусобақа ва ш.к. да ғалаба қозонган, устун чиққан; музаффар; зид. мағлуб. *Ғолиб халқ.* ■ Фашизмга қарши жанг қилиб, зафар қучиб қайтган ғолибларимиз миллион-миллион. Н. Сафаров, Оловли излар. *Соттихон фақат мусобақа ғолибигина эмас, балки ижодий меҳнат ва новаторликда ҳам намуналар кўрсатган илғор ишчилардан бири.* Туйғун, Станоклар ёнида. *Бош соврин таъсис этилди — турнир ғолиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

Ғолиб келмоқ (ёки **чиқмоқ**) 1) уруш, жанг, мусобақа ва ш.к. ларда устун чиқмоқ. *Мусобақада ғолиб чиқмоқ.* ■ *Сен курашда ғолиб келганда, Тоғдай кўтарилар кўрагим.* Т. Тўла. *Айтгандек, жангда енгдик, Ғолиб чиқдик, хўп севиндик.* М. Шайхзода; 2) кўчма юқори вазият (ҳолат) эгалламоқ, устун келмоқ. *Дардим ғолиб келиб, ётиб қолдим.* ■ *Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғолиб келар чарчоқ, ниҳоят, Тонгга яқин илинади кўз.* А. Шер, Қадимги куй.

ҒОЛИБИЯТ [a. غالبیت — ғалабалар; аксарият, кўпчилик; катта қисм] эск. Ғолиблик, ғалаба. *Бугун Азизбек ғолибият далдасида кўрғонлардан бир айланиб чиқмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒОЛИБКОР [a. + ф. غالبكار — ғалаба қилувчи, ғолиб бўлувчи] Ғалабага олиб борувчи; ғалаба эгаси. *Хоразмнинг бу йил ҳам ғолибкор бўлишини муттасил кузатиб бормоқдалар.* Газетадан.

ҒОЛИБЛИК 1 Ғолиб ҳолат, ғалабага эгалик; ғалаба. *Достон мазмунида кураш ва*

зафар, Ғолиблик гурури дунёлар қадар. М. Алавия. *Зафар ёр бизга, ғолиблик муқаррар.* Ҳабибий. *Юзидаги ғазаб сўниб, табассум қалқди.* Қиёфасидаги ғолиблик виқори ва мағлуб бўлганга шафқат акс этиб турарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ғолиб эканлик. *Кулгимиз бу — ғолиблигимиз, шодлигимиз, бахтиёрлигимиз.. белгиси.* «Муштум».

ҒОЛИБО [a. غالب — аксар ҳолларда, тез-тез; эҳтимол, шекилли] крш. с. эск. кт. 1 Кўпинча, асосан. *Ғолибо шундай дейшлади.*

2 Афтидан, тахминан, балки. *Алишер марҳум Абулқосим Бобир саройига хизматга кирганларида, ғолибо, ўн беш ёшда эдилар.* Ойбек, Навоий.

ҒОЛИБОНА [a. + ф. غالبانه — ғолиб ҳолда, зафарли] Ғолибларга хос, ғолибларча; зафарли. *Ғолибона кўриниш. Ғолибона юриш.* ■ *-Хужрамега кирсанг, ҳаммасини билиб оласан, — деди у ғолибона бир тарзда.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Нур қидириб.

ҒОН қ.х. Ипак қурти боқилган сўкичакда қурт егандан қолган барг ва ахлатлар.

ҒОР [a. غار — мағора, унгур; чуқурлик] Тоғ, тепалик кабилар остида, бағрида табиий ҳолда вужудга келган катта ҳажмли бўшлиқ. *Тоғнинг тагида ғор бўлиб, унда илонларнинг подшоси — Аждар султон ёлғиз турар эди.* «Эртақлар». *Бу тепанинг шимоли-ғарбий ёнбағрида бир ғор бор эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Ўзбекистонда кўршаналакни ғорларда, бўғотлар тагида учратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ҒОРАТ [a. غارات — қўққисдан ҳужум, босқин; талон қилиш] эск. кт. Талон-торож; бузғунлик. *Ғорат бўлмоқ. Ғорат қилмоқ.* ■ *Қурдик не-не иморат, Аммо билмадик ғорат.* М. Али. *Аммо на раҳм бор ва на адолат: Элни золим шундай этмишдир ғорат.* Миртемир. *Шу тариқа, фаҳш ботқоғига ботган император.. Рим империяси хазинасини ғорат қилиб.. жар ёқасига олиб келганини билмади.* «Тафаккур».

ҒОРАТГАР [a. + ф. غارتگر — ғорат қилувчи; талончи, босқинчи] айн. **ғоратчи.** *Жаҳон ғоратгари — шарманда ул шиддатли ёв қочди.* *Гўзал боғимни ёндирмоқ учун юрган олов қочди.* Ҳабибий.

ГОРАТЧИ эск. кт. Талон-торож қилувчи, таловчи; вайрон қилувчи, бузувчи. *Ўзбек ва афғон халқлари.. айни замонда ташқи горатчилар кулфатини бирга тортганлар.* В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

ГОФИЛ [a. غافل — бепарво, эътиборсиз; паришонхотир; гафлатда қолган] Гафлатда қолган, ҳеч нарсдан беҳабар. *Э гофил она, тур, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди. С. Аҳмад, Муҳаббатнинг туғилиши. Кечир, дўстим, гофил қолдим. Иссиқ кўйинида илон ётганини билмадим.* И. Султон, Имон.

ГОФИЛЛИК Ҳеч нарсдан хабарсизлик. *У эрининг бепарво ва гофиллигидан шикоят қилди. ■ - Мени сиз чақирдингизми? — сўради Малика, ўзини гофилликка солиб. Т. Жалолов, Олтин қафас.*

ГОЯ [a. غايه — мақсад, интилиш; ният, қасд] **I** Объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. *Эски гоялар ва қарашлар уларни юзага келтирган шарт-шароитларга нисбатан узоқроқ умр кўради.* Газетадан. *Ёзингиз, мана шу қурвон ҳурмати билан қасамёд қилиб айтаманки, мен ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг гоялари йўлида тугатажакман [деди номаълум киши]. Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Диннинг вазиғаси — гоялар ва эътиқодлар тизимини шарҳлаш, изоҳлаш ҳамда қайта ишлашдан иборат.* «Мулоқот».

2 Бадиий, сиёсий ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр. *Асарларнинг халқ мулки бўлиб қолишига сабаб шуки, у асарлар мағзига сингдирилган гоя кишилар дилига, уларнинг истакларига яқиндир.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу новеллалар муайян маънода мустақил «асар»дек таассурот қолдиради ва айни вақтда бир-бири билан боғланиб, умумий асарнинг гояси ва руҳини очишга бўйсундирилади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Киши астойдил меҳр кўйган.. гоясини доим энг тўғри ва кенг тарқалган.. деб ҳис қилади.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Шўрўзакни ўзлаштириш*

гоясини биринчилар қатори Турсунмат олға сурган эди. «Ўзбекистон кўриқлари». *Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учуда жон бериш жуда ширин эди ва кўндан бери гоям эди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

ГОЯВИЙ [a. غايه‌وى / غايى — гоёга оид, алоқадор] **I** Муайян бир гоёга асосланган. *Гоёвий тарбия. Гоёвий қуро́л. Гоёвий кураш.* ■ *Ўқитувчи — гоёвий фронт жангчиси.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор нарсанинг асосий моҳиятини, гоясини ифодалайдиган; гоё жиҳатидан. *Пьесанинг гоёвий мазмуни. ■ Редакция жамоаси.. Ўзининг гоёвий савиясини, бадиий маҳоратини ошироқда.* Л. Ҳамроев, Шонли йўл. *Бадиий жиҳатдан нишиқ, гоёвий соғлом, халқчил, томошабин қалбига яқин бўлган ҳар бир асар замонавий бўла олади.* Газетадан.

ГОЯВИЙЛИК Муайян гоёга мансублик, эғалик. *Ишда юксак гоёвийлик бўлмоғи керак.*

ГОЯЛИ (аниқловчи сўз билан) Гоёга эга. *Юксак гоёли.*

ГОЯСИЗ Аниқ бир сиёсий ёки маънавий мақсади бўлмаган; тутуриқсиз.

ГОЯТ(ДА) [a. غايت — чек, чегара, охир] Ҳаддан ташқари, ниҳоятда, жуда. *Гоятда гўзал. Гоят кучли.* ■ *Уйимиз гоят шинам, Ҳаммага жой бор. Меҳмонлар юлдуз бўлса, Ўртада ой бор.* М. Шайхзода. *Мажлисга чўккан гоят оғир вазиятни тарқатиш учун танаффус эълон қилинди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Умид гоятда хурсанд, ордерни олган қуниёқ дарров кўчиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

ГУБОР [a. غبار — гард, чанг, тўзон] **I** Чанг, тўзон кабилардан ҳавода сақланган ёки нарса сатҳига инган майда зарралар; гард. *Дўл шундай шиддат билан ёғардики, гўё ердан чанг кўтарилиб, ҳавони губор босди, кундуз қоронғилашди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Пахта битган ерларингни кўроқчиман, Губорини кипригимга суроқчиман..* С. Акбарӣй. *Шоён меҳнатингнинг нишонаси бу — Қора қошларингга кўнган чанг, губор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Саратонда муаллақ қотган губори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди.* «Саодат».

2 Умуман, тиниқлик, равшанликни бузувчи, хира қилувчи (хиралаштирувчи) зар-

ралар. Осмонда губор йўқ, тиниқдан-тиниқ, Қўёш чарақлайди нуруни сочиб. Ф. Фулом. Қишлоқдан чиққаннимизда, губор ичида кўринган тоғлар ҳам анча яқин келиб қолди. М. М. Дўст, Лолазор. Бугун кун бўлади равшан ва бедоғ, Губор йўқдир зарра ҳавода. Ҳ. Олимжон.

3 кўчма Умуман, равшанлик, тозалик, покликни бузувчи нарса (мас., доғ ва б.). Ташқарида оламни жамики губорлардан покламоқчидек, уриб жала қуяр эди. М. Мансуров, Ёмби. Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамали губор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дил ҳам бамисоли шундай: севги шарофига қатра губор аралашдими — тамом. М. Жўра, Изтироб.

4 кўчма Киши руҳини (руҳиятини) бузувчи ҳолат, доғ, хиралик. Ҳар қалай, кундузлари чидаса бўлади: бир-ярим яхши-ёмонни кўради, ундан-бундан икки оғиз сўзлашиб, нича тафти чиқади, губори арийди.. Х. Султонов, Онамнинг юрти. «Сухбатда одам ёзилади, дам олади, губордан чиқади..» дерди Юсуфжон ака. Т. Обидов, Юсуфжон кизиқ. Бир марта тўйиб ҳидласанг, ичингдаги жами губорни ҳайдаб чиқаради. С. Аҳмад, Уфқ.

5 махс. Чангсимон доғ; кул (ўсимликлар касаллиги). ..новдаларда ҳам, худди барглардаги сингари, кулранг губор пайдо бўлади. Газеталан.

ГУБОРЛАНМОҚ Губор билан босилмоқ, чанг ёки гард билан қопланмоқ. Уқора нимади — Ёдгор билмади, Губорланган чўлда кетиб боради. «Ёдгор». Ёруғ дунё губорланди кўзима.. «Ойсулув».

ГУБОРЛИ 1 Губори бор, чанг босган, тўзонли. Қурилиш комбинатининг оппоқ гардага қопланиб ётган чала корнуслари ҳам, қурум пуркаб, биқсиб турган хумдон мўрилари ҳам ўзининг дим, губорли ҳавоси билан орқада қолди. А. Мухтор, Чинор. У уйнинг губорли ва тўзонли ҳавосини янгилаш учун парталар орасидан сиқилиб бориб, деразани очди. М. Файзий, Уч қиз.

2 кўчма Дилгир, хафа, ғамга тўлган. Губорли юрак.

ГУБОРСИЗ 1 Губори, чанги йўқ; гардсиз; тоза, мусаффо. Губорсиз осмон. ■ Кўёш губорсиз кўкда талтайиб порлар эди.

Ойбек. О. в. шабадалар. Жувон ҳам узун қора киприкларини пирпиратиб, чинни сингари губорсиз юзидан нур ёғилаётгандай, кулумсираб қаради. А. Мухтор, Туғилиш.

2 кўчма Кўнгли, дили пок; кир, губордан холи. Типирчилаган жажжжи юраги шундоққина кўриниб турибди: самимий, губорсиз, чин кўнглидан гапирди нораства. А. Мухтор, Тонг билан учрашув. Қиз болани авайлаб, губорсиз, пок ўстириш.. тарбияда энг муҳим давр саналади. «Саодат».

ГУВ тақл. с. Шамол елганда ва баъзи нарсалар учганда, айланганда чиқадиган товушни, шунингдек, баъзи қушларнинг товушини билдиради. Эшик очилиши билан, уйга гув этиб шамол урилди. Кўнғиз гув этиб учиб кетди. ■ Нам шабада ялпиз ҳидини, асаларининг майин гув-гувини олиб келди. С. Нуров, Нарвон. Беор мусича гув-гув қилиб кўкрак ташлаб, иккинчи мусичани қувларди. Мирмуҳсин, Умид.

ГУВВА Тезлик билан. ..уч фарзанди, хотинини олиб, ҳеч кимга билдирмай, гувва шаҳардан чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Васваса гирдобада.

ГУВВОС Ғала-ғовур, шовқин-сурон аралаш содир бўладиган; чуввос. Арининг унига чўп суққандай, гуввос тўполон ичида ҳеч ким ҳеч кимни танимас эди. Ф. Фулом, Шум бола.

ГУВУЛЛАМОҚ 1 Тўхтовсиз, давомли тарзда «гув-гув» овоз чиқармоқ. Ташқарида қутурган шамол гувуллаб, дарчани итарар, унинг тирқишларидан қор уққунларини ирғитарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Кўчадан машина эшигининг тарақлаб очилиб-ёпилгани, моторнинг гувуллагани эшитилди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Арининг уясига чўп суқиб, бир қўзғаб қўйса, кечгача тинмай гувуллаб ётади. М. Ҳазратқулов, Журъат. Улар чиллак уйнаётган бўлса керак, ҳар дам-ҳар дамда қайсисидир гувуллаб югуради. «Ёшлик».

2 Турли хил товушли ва ҳаракатли ҳолатга келмоқ; шов-шув ёки ғовур кўтармоқ. Танафбус эғлон қилинди. Томашабинлар уни бузилган аридек гувуллаб қолишди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Ҳоким гувуллаётган халққа қараб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Клуб бозорга ўхшаб гувуллаб қолди. «Ёшлик».

Боши (ёки калляси, мияси) гувулламоқ Чарчаш, толиқиш ва ш. к. дан бош ичида

оғриқ аралаш ғувуллашга ўхшаш шовқин сезмоқ. *Кун бўйи сув ичаман, томоғим қақраб, бошим ғувуллайди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Низомжоннинг калласи ғувуллаб, қўллари муштга айланди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алимардон унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, мияси ғувуллаб кетган, чалкаш туйғулар ичида тўлқинланар эди.* Ў. Ҳошимов, Ичбингга қулоқ сол. **ҚУЛОҒИ** ғувулламоқ *айн.* қулоғи шанғилламоқ қ. шанғилламоқ.

ГУВУР *айн.* ғовур. *Мингбоши одамлар ғувурининг тинчишини, гузарга жимлик чўкишини кутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уй ичи жонланиб, енгил ғувур бошланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Усти тим билан қопланган бу қоронғи растада, одатда бошқа расталарда бўладиган шовқин-сурон, ғувур-ғувур, шошқалоқ оломон, тиқилинч йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУВУРЛАМОҚ *айн.* ғувулламоқ. *Катта шаҳар ғувурлайди* — ҳар ён сурон. Ойбек, Зафар ва Захро.

ГУВ-ГУВ *Гу* с.нинг такр. *У [Салтанат] дугининг ғув-ғувидан қулоғи битиб қолгани учун, эрининг чақирганини эшитмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тегирмон тошининг ғуя-ғувида ҳеч нарса эшитилмасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ГУВГУВЛАМОҚ «Гув-ғув» этган овоз чиқармоқ. *Бир хил ғувғувлаган овозлар.. миясини алғов-далғов қилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қай ковак ичида ғуррак ғувғувлар, Чеки йўқ бепоён, ҳудудсиз дала.* Х. Даврон, Қақнус.

ГУДДА [а. غَدَّة — без; шиш, ғурра] Одам, ҳайвон ёки ўсимлик аъзосининг, нарсанинг бирор жойида бўртиб чиққан шиш, бўртиқ, қабарик. *Унинг қошлари салгина чимирилиб, пешонасининг ўртаси ғудда бўлди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Оппоқ бўлиб ётибди ҳамма ёқ.* Ғудда-ғудда қор тўдалари кўринади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Сигир тилидаги ғудда-ғудда қора нарсаларни кўриб, ҳайрон бўлди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ГУДРАНМОҚ 1 Ўзича нималардир демоқ, гапирмоқ. *Қамар раис яна алланималар деб ғудранди-да, дарвозани қарс ёпиб чиқиб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Жанжалнинг хидини сезган Сарви хола ғудраниб, стол устига дастурхон ёзишга тутинди.*

«Муштум». *Ичкарида кимдир ғудранди, унга қандайдир аёл товуши қўшилди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Гап-сўздан тутилиб, тайинсиз гап қилмоқ; довдираб, телба-тескари гапирмоқ. *Бу саволдан раис дудуқланди, партия ташкилотининг секретари ғудранди, ферма мудири чайноқланди.* «Муштум». *Директор Абдусайд амакидан бу гапни кутмаган экан, довдираб қолди.* Ҳуши учиб ғудранди. М. Мансуров, Ёмби.

ГУДРАША Ғадир-будур бўлиб кетган, ёрилган. *Ғудраша қўл.*

ГУДУЛЛАМОҚ *айн.* ғудранмоқ. *Маҳалла сўфиси нималардир деб ғудуллаб.. кавушини дўқиллатганча уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қодиров ўзига-ўзи ниманидир айтиб ғудуллади-ю, жаҳли чиқиб, отига қараб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ГУДУНГЛАМОҚ *айн.* ғудранмоқ, ғудулламоқ. *Эрмат отнинг жиловини қўйиб, ичидангина ниманидир ғудунглади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ГУДУР [а. غَدْر — «гадир» с.нинг кўпл.] Сирт ёки ташқи томонига турли нарсалар) бўртиб чиққан, ғадир-будур, нотекис. *-[Султоннинг] Ғудур, қўпол қўли жуда оғир экан — елкамини босиб тушди, лекин бўш келмадим, тикка тўравердим, — деди Аҳмад.* А. Мухтор. *Давр менинг тақдиримда. Ўрнидан сакраб туриб, қозикқа осиглиқ ғудур сочикни олди.* А. Холиқов, Чипқон. *Қиз ўнг қўлини столга қўйиб ўтирган эди.* Бу қўлнинг ҳар томири, ҳар ғудури Элчибекнинг кўнглида ёд. А. Мухтор, Туғилиш.

ГУДУРЛАМОҚ *айн.* ғудулламоқ. *Ҳўжақул шошқалоқлик билан киссасини ковлар экан.. пулни мен тўлайман! — деб ғудурлади.* О. Ёқубов, Учрашув. *Зағчақўз нимадир ғудурлаб, қуръон калшмасини такрорлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГУЖ Бир-бирига яқин ёки тегиб жой олган; тўп, тўда ҳолатли. *Ғуж узум. Ғуж юлдузлар. Ғуж қилмоқ.* ■ *Биринчи сентябрь, тонготар чоғи Ҳавода ғуж каптар қилади парвоз.* Ғ. Ғудом. *-Бу йил мўл ҳосил етиштиришга имонимиз комил, — дейишарди.. баҳор шабадасида аста тебранаётган шўралари ғуж тоқларга боқиб.* О. Ёқубов, Олов қалблар. *Нодир бошини кўтариб, ғуж ўсган қайрағоч тағида Раҳимани кўрди.* С. Юну-

сов, Кутилмаган хази́на. Улоқчилар бирин-кетин ўртага ғуж бўла бошлаган бўлсалар ҳам, ҳануз улоқ ўртага кирмаган эди. А. Қодирий, Улоқда.

ҒУЖАНАК I Оёқ-қуллари йиғилган, танаши эгик, боши буқик ҳолатли. Укалласини икки қўли орасига олиб, ғужанак бўлиб ўтирганча қолди. Ҳ. Назир, Онанзор. Совқотганидан қўлчаларини кўксига босиб, ғужанак бўлиб олибди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ит ўн қадамча вангилаб бориб, бедазор четидаги култена олдида ғужанак бўлиб типирчилай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. ғуж. Урикларда сара бодроқдай, Оппоқ-оппоқ ғужанак гуллар. С. Акбарий.

3 Тоғ этакларида, даштда майда поялари ғуж бўлиб ўсадиган бир хил бута. Катта-катта дарахтларни илдизи билан қўпориб, учириб юрган бўрон учун биргина ғужанак нима экан? Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒУЖИЛЛАМОҚ айн. ғужурламоқ. Киргина бурнига каттагина булоқи таққан кенжа қизча нималарнидир ғужилаб, қўғирчоқ уйнарди. Ойбек. Нур қидириб.

ҒУЖЛАМОҚ Бир жойга тўпламоқ, ғуж қилмоқ. Қўйларни бир бурчакка ғужламоқ.

ҒУЖМАЙМОҚ с.т. Ғужанак бўлмоқ, бужмаймоқ. Мушук ғужмайиб ухламоқда.

ҒУЖМАК с.т. Ғужанак.

ҒУЖУМ I Узум донаси ёки шингили. Унинг сўзига қараганда, узумнинг ҳар боши тўрвадек ва ғужумлари тутнинг донасидек зич бўлиши керак. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. Ёшлигимизда оналаримиз беланчагимиз арғамчиларини тоқларнинг зангига боғлаган, йиғлаганимизда, оғзимизга эмизги ўрнига узумнинг бир ғужумини сўрдирган. «Гулистон».

2 шв. Ғуж, тўп. *Шамол табиатнинг соёйишталигини бузиб, урик шоҳларини бири-бирига уриб, ғужум гулни юла, осмонга кўтарди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Йигитлар бир ерга ғужум бўлиб, ашулани бир йўсинда қўзиб юбордилар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҒУЖУМЛАМОҚ Узум бошидан битта-битта (доналаб) ёки шингиллаб узмоқ. Узумни ғужумламоқ. ■ *Дилдор дала шийпониди бир бош ҳусайни узумни олдида қўйиб, эринибгина ғужумлаб еб ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У бозорга кирди-ю, худди иш-*

комда юргандек, деҳқонларнинг узумидан ғужумлаб ўтаверди. «Муштум».

ҒУЖУР I шв. Ғайрат. *Каримнинг ўзини уриб кетган, танасида ғужури йўқ. Эрак деган ҳам шунақа аммамнинг бузоғи бўладими?* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Унинг бирдан ғужури келиб кетди: бундай йўллардан юра билиш ҳам ўзи учун синов эканини ўзига тан олдириди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҒУЖУР II (асосан такрор ҳолда қўлланади — ғужур-ғужур) I Баъзи майда қушларнинг сайраганда чиқарадиган товушини билдиради. Қушларнинг ғужури. *Ғужур-ғужур сайрамоқ.*

2 Тўхтовсиз ҳолдаги, тушуниб бўлмайдиган гап-сўзлар. *Ғужур-ғужур гаплашмоқ.* ■ *Ғужур-ғужур қилиб, боғчадан жиянлар қайтишди.* С. Зуннуова, Гўдак ҳиди.

ҒУЖУРЛАМОҚ I Ғужур-ғужур қилмоқ; шундай овоз билан сайрамоқ. *Қушлар баҳорни олқишлаб ғужурлайди, шоҳдан шоҳга учиб кўнади.* Н. Фозилов, Оқим.

2 Бошқалар тушунмайдиган тилда гапирмоқ. *У шеригига бир нима деб ғужурлади.*

■ *Фарҳоднинг инглизча гапирмаслигини билган Ҳамбер, бугун уйда кайфи борлигиданми, хотини ҳузурда миллий ғурури жўшганиданми, она тилида ғужурлаб кетди.* А. Ҳакимов, Илон издан.

ҒУЖҒОН I Шаҳс ёки нарсанинг маълум даражадаги ҳаракатли тўп ҳолати; тўпи, тўдаси. *Барчин момо теҒрасида болалар ғужғон.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Арилар ғужғони эса ёғингарчиликдан дарак беради.* Газетадан. *Серқатнов машиналарнинг шовқин-сурони авжсида, бекатларда одамлар ғужғон.* «Ёшлик».

2 кўчма Руҳиятдаги шундай ҳолат, жўшурган ҳолат. *Бу хабар майорнинг ғужғон хаёлларини бир зумда тарқатиб, сергак торттирди.* «Ёшлик». *Хотинининг ҳалиги таънасини эслади. Миясида ғужғон бошланди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Ғужғон ўйнамоқ Ғуж, тўда, тўп ҳолатда ҳаракатланмоқ (**ғужғон** тўғри ва кўчма маънода). *Молбозорга туташ яланг саҳнда чумолидек ғужғон ўйнаган оломон тинимсиз қайнаб-тошади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Кечки офтоб селида минг-миллион зарра бўлиб ғужғон ўйнаётган тўзон меуда секинлик билан тарқаларди.* М. Мансуров,

Ёмби. *Потма хаёлида гужғон ўйнаётган турли гумон ва шубҳалардан юраги ғаш.* Т. Ашуров, Марварид тут.

3 шв. *Гуж. Гужғон гуллаган дарахтлардан атрофга кумуш ёғду ёғилиб туради.* С. Нуров, Нарвон. *Гужғон япроқлар она кўксига ёпишган гўдакдек меҳрибон новдаларга чирмашади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒУЛ I [а. غل — темир бўйинбоғ; занжир, кишан] тар. Айбдорнинг бўйин, оёқларига кийгизиб қўйиладиган жазолаш асбоби: кишан. *Зиндонда бўйинларига, оёқларига ғул ва занжир боғланиб. [деҳқонлар] қақшаб ётар эдилар.* С. Айний, Дохунда. *Оёғида кунда, бўйнидадир ғул.* «Рустамхон».

ҒУЛ II тар. Туркий халқлар ва мўғулларда: кўшиннинг марказида, подшоҳ, хон ҳузурда турувчи махсус ҳарбий қисм. *Халил Султон рақибининг ғулига кучли зарба берди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

ҒУЛДУРАМОҚ Эшитилар-эшитилмас қилиб ноаниқ гапирмоқ, ўзича алланималар демоқ; гудулламоқ, гудранмоқ. *Қудрат халқумига бир нима тиқилгандай ғулдураб, сингисининг қўлини итариб ташлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Зайнаб ўзининг хатосини англади ва гапиролмай ғулдуради.* А. Қодирӣ, Ўттан кунлар.

ҒУЛОМ [а. غلام — бола, ўсмир, йигит; хизматкор, югурдак] эск. кт. 1 Саройда хизмат қилувчи йигит, хизматкор. *Тагин қасри тўла ғулом, канизак.* Миртемир.

2 айн. қул. *Тоғ томондан ҳайдаб келинган ғуломлар шу қайрағоч тағидаги саройга қамалган, шу ерда сотилган, кейин бу жойи Ғурумсарой бўлиб кетган дейилади.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

3 Ғулом (эркаклар исми).

ҒУЛОМГАРДИШ [а. + ф. غلامگردش — хизматкорхона, йўлак] эск. Ичкаридан ташқарини ажратиб турувчи тўсиқ. *Биз бойникида қўнадиган бўлдик. Оғилхонага кирадиган йўлак ёнидаги ғуломгардишдан ётишга жой кўрсатди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒУЛТ айн. қулт. *Овқат унинг томоғидан, қувурдан ўтаётган сувдек, ғулт-ғулт қилиб ўтарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ҒУЛУ(В) [а. غلغ — бўрттириб кўрсатиш, ҳаддан ортиқлик, муболағи; чегарадан чиқишлик] I Келишмовчилик, норозилик ва ш.к. ни ифодаловчи овоз, хатти-

ҳаракат; ғавғо, тўполон, жанжал. *..подшонинг уруши учун тутун пули ҳам, дон ҳам, мой ҳам қор қилмай қолди. Энди подшо мардикор сўради. Шунда ҳамма ерда ғулу чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Капсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шаҳардан саллот чақираман», деб босибди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф этинг, фитнанинг уясини топинг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ариқустиликлар бек тарафидан солинган солиқни вақтида тўлолмай, ғулув кўтаришди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Киши руҳи, дилидаги нотинч, безовта ҳолат; нотинчлик, безовталиқ. *Кечалари мизғимас меъмор, Муҳандисда ўзгача ғулу.* М. Али.

Ғулу солмоқ 1) норозилик уйғотмоқ, тўполон, жанжал чиқармоқ. *Афсуски, динсизни шу ерда йўқ қила олмадик, энди бориб, қўйимизни боқаетган муридларимиз орасига ғулу солади, охириги насибамизни ҳам қоқиб олади.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар; 2) дилда нотинчлик, безовталиқ кўзгамоқ. *У не ўктам, ботир йигитлар Юрагига солмаган ғулув.* Э. Воҳидов, Нидо. *Йигитликда ғунча каби лаб Тинчлик бермай соларди ғулу.* Шукрулло.

3 ад. Муболағанинг учинчи даражаси: маълум нарса, белги, ҳолат ёки ҳаракатни ақл бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам рўй бермайдиган тарзда тасвирлашдан иборат шеърӣ санъат.

ҒУЛҒУЛА [ф. غلغله — шовқин, тўполон; ғавғо; ғовур-ғувур] айн. ғулу. *Ғулғула бўлиб қолди Чамбилдай шаҳар.* «Маликаи айёр». *Тўполон — ғулғула Кўнғирот юрти, Ултондан ҳазар қип кўчмоқчи бўпти.* «Ёдгор». *Ўғлининг хатти-ҳаракати, шивирлаб гапирishi. кўзларидаги бежозлик Хайрибиби кўнглига ғулғула солиб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устунӣ. *Шавкатнинг хаёлида уй аста тебранаётгандай бўлиб, юрагидаги ғулғула кучайди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ҒУЛҒУЛАЛИ Нотинч, безовта ҳолатли. *Нафисанинг қалби ғулғулали, ақли паришон бўлиб юрган кунлардан бири кечаси баракда бирга ётадиган дугонаси Садбар биқинига туртибди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ғулғулали араб юртга Бир неча ботирлар келди.* «Баҳром ва Гуландом».

ГУЛГУЛАСИЗ Ташвишсиз, тинч. Улар [лўлилар] осмони кене, холи, гулгуласиз сокин ҳаётни хуш кўрардилар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ГУМАЙ бот. Бошоқдошларга мансуб, қиёқ баргли, илдизидан тез кўпаядиган кўп йиллик бегона ўт. Кўкорол пахтазори гумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўлаёди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Онда сонда учрайдиган гумай ва ажриқ илдизларини қўл билан териб оламиз. Газетадан.

ГУМБАК Баъзи ҳашаротлар ривожланишида қуртдан тўлиқ шаклланиш, яъни капалакка ёки пашшага айланиш босқичи ва ҳашаротнинг шу босқичдаги ҳолати. Пашша ва унинг гумбакларига жуда тез таъсир этадиган кимёвий моддалар. ишлаб чиқарилди. Газетадан.

ГУНАЖИН [мўғ.] Икки ёшдан ошган урғочи қорамол. Мулла Обиднинг тана боқиб, гунажин қилиш, гунажинни қочириб, сигирга айлантириш усули икки ёқлама фойда етказди. А. Қодирий, Обид кетмон.

ГУНДА с. т. Пакана ва семиз (одам ҳақида). Пакана, гунда, вужуди ажсалдан дарак бериб турган жаллод келиб, унинг елкасидан қаттиқ тортганда. Аҳмад полвон, оёқлари чалишиб, чалқанча йиқилди. А. Қаҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

ГУНЧА [ф. غنچه — куртак, шона; лаб, дудок] 1 Ҳали очилмаган, гулбарглари ҳали ёзилмаган гул; ўсимликнинг гул куртаги. Кечқурун [булбул] гул гунчасини кўради-ю, ишқиди ошиғу шайдо бўлиб сайрай беради. П. Турсун, Ўқитувчи. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг гунчаларини ёзмақда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Гунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик. Ҳ. Фулом.

2 кўчма Бирор ҳодисанинг эндигина бошланаётган пайти, бошланиши. Шубҳа ичиди қизарган муҳаббат гунчаси висол хабари билан очилаёзгандек.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мураббий бола қалбида ниш ура бошлаган умид гунчаларининг меҳрибон соҳибидир. Р. Усмонов, Одобнома.

ГУНЧАЛАМОҚ Гунча пайдо қилмоқ, гунча чиқармоқ (тўғри ва кўчма маънода). Ажойиб бот. Тартиб билан ўтқазилган мева дарахтлари гулларга бурканган. Токлар барг ёзган, гуллар гунчалаб ётибди. Газетадан. Ёшлик — бу ҳамшиша янгилиниш, бунёдкор-

лик, ҳар лаҳзада минг бир орзунинг гунчаламоқ фаслидир. Газетадан.

ГУНЧАЧИ тар. 1 Подшо ёки хонга гўзал қизларни танлаб, ҳарамга келтириб берувчи аёл. Сўз. баъзи гунчачилар билан бегимларнинг орасида бўлган можаролар.. устида борар эди. Ойбек, Навоий.

2 Вақтинчалик хотин. Шайбонийхон бир вақтлар Зухра бегимни жуда гўзал деб эшитиб, «ўзимга гунчачи қилиб олурман», деб ўйлаган эди. П. Қодириков, Юлдузли тунлар.

ГУППА шв. Кубба.

ГУППАК Шох-шаббаси зич, гуж бўлиб ёки тўп бўлиб ўсадиган; гуж. Гуппак садалар. ■ Тоғ кўксидagi гуппак арчалар эса қорайиб, ўзини сипоҳ тутаётгандай, тоғлар, тепалар бағридаги киши ҳали очмаган сирни сақлаб тургандай. Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

ГУРБАТ [а. غربت — ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик] 1 Ватандан узоқда яшаш; мусофирлик, ғариблик. Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Алишер Навоий. Йиғларсан қаерда деб, Менинг Тўхташим. Гурбатда овунчоғим, Мунис йўлдошим. Ғайратий.

2 Ғам-ташвиш, кулфат. Ўғлим, бунақа беҳаё қиз экан, вақтида билиб, ўзингизни четга олганингиз яхши бўлибди. Шукур қилинг! Битта туғиб олгандан кейин, умрингиз гурбатда ўтиб кетарди. Мирмуҳсин, Умид. Кун сари гурбатимиз ортомқода, наҳотки ёвузлар даф бўлмаса, наҳот йўқми сира?! Ойбек, Нур қидириб.

3 с. т. Ортиқча ташвиш келтирувчи нарса, иш. Ухлашга ҳуштак чалиниши билан, уйқусизлик ва тергов гурбатлари чарчатган кишилар дарров ўринларига кирдилар. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. -Э, омон бўл! — деди Қаршибой ота, ошнасининг гўллиги наша қилиб, — ўзинг эски гурбатсан-да. Ҳ. Назир, Сув ғадоси — оқпадар. Бир келиб кетмасангиз бўлмайди шекилли, жўрангиз прокуратурани аралаштириб, тоза гурбат қил-япти. «Ёшлик».

ГУРБАТСАРО [а. + ф. غربت سرا — гурбат уяси] поэт. айн. гурбатхона. -Мен чиндан жаҳонгашта, дарбадар, ғарибу бенаводай шу гурбатсарода ивирсиб юрибман, — деди Ҳайдархўжа Мирзога. А. Ҳақимов, Илон изидан.

ГУРБАТХОНА [гурбат + хона] Қайғуалам макони, ғам-ғусса кўп бўладиган жой.

Нима қилиб бу ғурбатхонага келиб қолдиларинг? Н. Сафаров, Уйғониш. [Ғофир:] Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ГУРИЛЛАМОҚ I «Гур-гур» овоз чиқармоқ, Бурайин қўлим билан, гуриллаб айлан, урчугим. «Бойчечак».

ГУРИЛЛАМОҚ II с. т. айн. ғурилламоқ. Эшикни ёпинг, шамол ғурилляпти.

ГУРМУШЛАМОҚ шв. Безовта бўлмоқ, тоқатсиз бўлмоқ, тоқатсизланмоқ. Назиржоннинг ҳам юраги гурмушлай бошлади. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Сувуқ тушганидан юраклар гурмушлаб кетган кишилар алақачон далага кела бошлаган эдилар. Я. Саъдуллаева, Она тупроқ.

ГУРРА [а. غرّه — отнинг оқ қашқаси; гажак, кокил] Пешона ёки бошда ҳосил бўлган қаттиқ шиш. Пешонамни ҳам гурра қилди-я, эртагача гурра ёзилиб кетса гўрға эди, шу турқу тароват билан одамларга қандай кўринаман. С. Аҳмад, Ҳукм. Комиссар оғзидан кўпик келиб.. ётарди. Пешонаси гурра, бироқ қошларининг усти қип-қизил қон эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Қутлукхўжа.. ёшлигида ўз маҳалласидаги болаларга бош бўлиб, уларни қўшни маҳалла болаларига қарши «уруш»га олиб борар, ҳар вақт бурни қонаб, пешонаси гурра бўлиб қайтарди. М. Осим, Ўтрор.

ГУРРАК [а. غرّاق — қашқалдоқ] Каптарсимонлар оиласига мансуб, мусичага ўхшаш қуш; оддий гуррак ёки кумри. Гуррак боласи. Гуррак гурилляпти. ■ [Жўра] Ердан тош олиб, гурракка отган эди, тош бақатерак шохига тегиб, гуррак учиб кетди. Н. Назаров, Замон.

ГУРУБ [а. غروب — узоқ, олис; узоқликлар; кунботар томонлар; кунботиш вақти] эск. кт. Куёшнинг ботиш пайти, кун ботиши. Учлари гуруб алангаси билан олтинланган сарвзорлар орасида шоир ва паҳлавон.. жим боришар эди. Ойбек, Навоий. Бурчакдаги тошойна, сервант устидаги соатда гуруб шуъласи ялиғланар эди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ГУРУР [а. غرور — жаҳолат; хом (пуч) хаёл; манманлик, мағрурлик; кибр-ҳаво] I Инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси; иззат-нафс. Йигитлик

гурури. Қизлик гурури. ■ Унинг инсоний гурури, табиатининг нозиклиги.. ёрдам сўрамоққа йўл қўймаган. Ойбек, Навоий. Аҳмад ўртоғига қойил қолмади. Эрак кишида гурур деган нарса бўлиши керак.. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Зиёлилар орасидан бир мард чиқиб, ўз миллий гурурини ҳимоя этишга ҳаракат қилди. Бу киши Себзор даҳасининг қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли эди. «Фан ва турмуш».

2 Фаҳрланиш, мамнунлик туйғуси; фаҳр, ифтихор. Шодлигидан терисига сиғмайди, кўнгли гурур ила мастона чайқалади. С. Сиёев, Аваз. Санобар ўғлига гурур ва меҳр билан жилмайиб қараб турар эди. М. Хайруллаев, Кўнгил. «Қишлоғимиз тупроғининг сеҳри бор, — дейди қариялар гурур билан. «Ёшлик».

3 Фаҳрланишга асос бўладиган нарса, кимса ва ш.к. лар. Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори ва гурури. ■ Муротали севинч ва гурури бўлган ўрикнинг таниш ва қадрли новдаларига шодиёна боқиб, ўрндан турди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Халқимнинг қаҳрамони, гурури бўлдинг. У. Исмоилов, Сайланма.

4 Кибрланиш туйғуси, мағрурлик, кибр-ҳаво. Олифта бойвачча кибр ва аҳмоқона гурури ила креслада талтайганича қолди. Ойбек, Нур қидириб. Гапингнинг тузи қурсин, қизим! Гурур ғурбатга солар, деган нақлнинг маъзини чақсанг-чи. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Камтарин бўл, ҳатто бир қадам Ўтма гурур остонасидан. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ГУРУРЛАНМОҚ I Мамнунлик, фаҳр ҳиссини туймоқ; фаҳрланмоқ. Беморлар эрининг қўлидан шифо топганидан бениҳоя гурурланарди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Ватандошларимиз билан суҳбатлашар эканман, уларнинг тантилиги, зукколигидан гурурландим. «Ёшлик». Элмурод.. бу ишга озми-кўпми ўз меҳнати синганини ўйлаб, ўздан ўзи гурурланди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мағрурлик, кибр ҳиссини туймоқ, шундай ҳолатда бўлмоқ; кибрланмоқ. Эргаш дунёда шундай ажойиб нарсанинг борлигини Холмуроддан кўра яхшироқ билганидан гурурланаётган кўринар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Паррихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчилик ишининг муваффақиятларидан гурурланиб.. тўплаган маълумотини сўзлаб

бераркан, эликбоши уни тўхтатди. Ойбек, Танланган асарлар.

ГУРУРЛИ 1 Гурурланиш ҳисси кучли, гурури баланд. *Гурурли йигит.*

2 Кибр-ҳаволи; такаббур. *Аҳмад маҳдум аслида кибрли ва гурурли одам.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ГУРУРЛИК кам қўлл. айн. **гурур** 1. *Ёш аравакашда ўзига келишган гурурлик ва одамийлик сезилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 айн. **мағрурлик**. *Отам. гурурлик орқасида кўнчиликни менсимай, колхоз ишига анчагина халақит берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Уни биров айнитдимми ё. гурурлик, саёқлик йўлига тушдимми, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУРУРОНА [а. + ф. غوروانه — гурурли, мағрурона, кибрли] кам қўлл. Гурур билан, мағрурона. — Нима қилсин, муаллимни соғиниб қолишган-да, — деб гурурона жилмайиб кўйди. Ф. Расул, Тунғич ўғил.

ГУРГУРАК шв. Гуриллаган шамол; ел-визак. — Деразаларга ойна солилмаган, борлари синиб тамом бўлди, — жаврай кетди кондуктор хотин ўрнидан туриб, — сизлар ҳозир тушиб кетасизлар, мен кечгача мана шу гургуракда дийдираб кун ўтказаман. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ГУРГУРАМОҚ фольк. Ўкиргансимон овоз чиқармоқ, ўкирмоқ (туя ҳақида). [Фиркўк] Туя бўлиб гургурайди, айиқ бўлиб чирқирайди. «Хушкелди».

ГУС унд. с. Итни тезлаш, қопиш, қувишга ундашни билдиради.

ГУСЛ [а. غسل — ювиб тозалаш, бутун аъзога сув тегишиб ювиниш; таҳорат олиш] Пок бўлиш учун бутун баданни маҳсус тартибда ювиш; устидан сув қуйиб ювиниш, чўмилиш. *Мен, подшоҳ гусл қилиб олсин учун, хонани занжирлаб кўйдим.* Газетадан.

ГУСЛХОНА [гусл + хона] Гусл қилинадиган жой, хона. *Иситилган сув сатиларга кўтарилиб, гуслхонадаги сув идишларига бўшатиларди.* С. Айний, Куллар. *Оғриқ ва ҳорғинликдан ихраниб-ихраниб, гуслхонада ювинди.* «Ёшлик».

ГУССА [а. غصه — бўғувчи нарса; ғам, қайғу] Ғам-алам, қайғу. *Сой шалоласи ҳаётнинг ўзидек жўшқин, кучли. У Ойсулувнинг гуссасини ютиб, бир текис шўх-шўх шарилларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлин йўқот-*

са одам — муҳаббатга суюнгай, Гуссага ботса одам — муҳаббатга суюнгай. А. Орипов, Биринчи муҳаббатим.

ГУССАЛИ Ғам-гуссага ботган; ғам-аламли. *Онанинг юзида мулоийм, айни пайтда гуссали белгилар намоеън бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Одобли, маданиятли ҳар бир киши ўзининг хушмуомаласи билан гуссали кишининг дилини чоғ қила олади.* Н. Валиева, Тиг яраси битар-у..

ГУССАСИЗ Ғам-гуссаси йўқ, ғам-ташвишдан холи; ғамсиз. *Гуссасиз юрак.*

ГУСУЛ айн. гусл.

ГУСГУСЛАМОҚ Қопишга, уришишга ундамоқ, олқишламоқ. *Итларни гусгуслаб уриштирмоқ.*

ГУЧ айн. **ғуж**. Узоқдан кичик-кичик гуч, дарёга яқин кўринган бу капалар катта-катта бостирма бўлиб, бир-бирдан хийла узоқ ва дарёдан анча берида экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кўм-кўк барглар орасида тизилиб, гуч-гуч бўлиб, офтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб, жувоннинг ҳам оғзи сув очди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ГҲДАЙГАН 1 Гўдаймоқ фл. сфлш. Йўл четидаги гўдайган симёғоч.

2 кўчма Қаддини доим гоз тутадиган, иш-юмушга қовуша қолмайдиган. *Бола билан гаплаша олмайдиган, керагида эплаб овута олмайдиган гўдайган аёлларни хуш кўрмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мастура ўша Акрам деган гўдайганнынг туришини кўрсатиб, ўзи ҳам кулиб юборди.* «Ёшлик».

3 Мағрур, кибрли ва тавдасини ҳам шунга мос ҳолда тутадиган. *Ҳоди болалагида ҳам сал гўдайганроқ эди. Шунинг учун ўртоқлари уни, Ҳодивой отига мослаб, «Ходавой» деб аташарди.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

ГҲДАЙМОҚ с. т. 1 Эгилмай, тик бўлиб турмоқ, қаққаймоқ. *Шудгор ўртасида битта симёғоч гўдайиб турибди. ■ Бунча гўдаясиз, сал эгилинг, қулоғингизга айтаман.* «Гулдаста». *Қамчинбек ҳам. кўча ўртасида гўдайиб туравериб чарчади.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

2 кўчма Гаплашмай, иш ёки суҳбатга аралашмай турмоқ; серраймоқ. *Аъзам [Нафисанинг] саломига ҳам алик олмасдан, «гапинг бўлса гапирарвер, иккала қулогим сенда», дегандек гўдайиб турди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. — *Бирор нарсани ушлаб*

турсангиз бўлмайдим, гўдайиб турмай, — деди зарда билан. Т. Ашуров, Оқ от.

3 кўчма Ўзини кибр-ҳаволи тутмоқ; кеккаймоқ. *Димоғдорлик, гўдайиш каби шлатлар уларнинг касби. Подшоҳ саройи бундай одамларга тўлиб ётибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳафиза эркак кишининг аввал қўл узатиши ножўя эканини билса ҳам ва келиб-келиб шу одамдан маданият талаб этаманми, ахир у ҳодадек гўдайиб ўсган-ку, деди-да қўл узатди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒҮДИЛЛАМОҚ айн. *ғудулламоқ.* Шундан сўнг, гўдишлаб сўкинган маҳрам белидаги узун тумшукли тўппончасини тўғрилаб қўйди-да, тўда ичидан ўнг қанотга чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

ҒҮДИР айн. *ғудур.* [Усмон аканинг] Кулча юз, сарғиш қошлари сийрак, япалоқ гўштдор бурни гўдир юзига ёпишиб кетган. Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. *Унинг [чинорнинг] ўн тўққиз қулочлик гўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг мангулигини тасдиқлаб туради.* А. Мухтор, Чинор.

ҒҮДРАНМОҚ айн. *ғудранмоқ.* Жуманкул ота бошқа сўз айтмади. Ғўдрана-ғўдрана оғилхонага тушиб, оқ эшагини етаклаб чиқди. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҒҮЗА [ф. *غوزه* — пахта чаноғи; кўкнор чаноғи] **1** Чигитдан униб чиқиб, пахта ҳосили (толаси) бералитан, гулхайридошлар оиласига мансуб бир йиллик маданий ўсимлик, пахта ўсимлиги. *Ғўза чопоғи. Ғўзага сув тарамоқ. Ғўзани парварिश қилмоқ.* ■ *Бир дона чигитдан ўттиз-қирқ кўсакли ғўза униб чиқади.* Туйғун, Бригадир. *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган ғўза ораларига ёйилган хотин-қизлар, гулга қўнган асаларидек, ғайрат билан ишламоқда.* С. Айний, Куллар.

2 эск. айн. кўсак. *Онам сандалда ўтириб, ғўза чуви, мен китоб ўқир эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сандалнинг бир чеккасида ғўза чувиб ўлтирувчи бир кекса кўр киши қўлидаги ғўзапўчоқ ва суғурган пахтаси билан бошини баланд кўтариб, ҳовлидаги сўзга қулоқ солиб туради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 с. т. Шу ўсимлик ҳосили, пахта. Бу йилги терган ғўза Бултурғилардан тоза. Пиллар юзга етса, Дунё тўла овоза. «Қўшиқлар».

Кампирнинг дарди ғўзада с. т. айн. кампирнинг дарди ғўзада қ. ғўза. *Кампирнинг дарди ғўзада, деганларидай бой амаким ҳам амирнинг келишини истайдилар.* С. Айний, Дохунда.

ҒҮЗАПОЯ [ф. *غوزپايه* — пахтаси териб олинган ғўза новдалари] Ҳосили териб олинган ғўза ўсимлигининг пояси. *..йўлнинг икки томонида қуруқ ғўзапояси қолган, баъзи жойларда ғўзапояси ҳам юлиниб яланғочланган ерлар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҒҮЗАПҮЧОҚ Пахтаси суғуриб олинган бўш кўсак; қовочоқ. *Ғўза ғўзапўчоқ уюмидан ошиб тушиб, Умаралининг олдида келди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

Ғўзапўчоқ рўмол Ғўза пўчоғи шаклида қавариқ нақш солиб тўқилган ипак рўмол. *У ариқда наридан-бери қўлларини юнди-да.. тоқчага тахлаб қўйган ғўзапўчоқ рўмолини олиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҒҮЗАФУРУШ [ф. *غوزفروش* — ғўза сотувчи, пахтафуруш] тар. Пахтаани олиб сотувчи савдогар, пахтафуруш. *Туроббойнинг отаси Зиямат ака ғўзафуруш эди.* Ф. Ғулом, Шум бола.

ҒҮЗАЧАНОҚ Кўсакни ташкил этувчи палла ёки чаноқларнинг ҳар бири.

Ғўзачаноқ қилмоқ Бирор нарсани ғўза чаноғига ўхшатиб кесмоқ, бўлмоқ. *Дастурхонда эндигина ғўзачаноқ қилиб сўйиб қўйилган анор доналари ҳақиқдай ялтирайди.* Й. Шамшаров, Довруқ.

ҒҮЛА [ф. *غول < غوله* — дев; жуда катта, улкан] **1** Дарахт танаси ёки ҳодадан кесиб олинган бўлак. — *Иккита сада ҳам сотиб олиб, чарх бўладиган.. ғўла кесиб тайёрлаб қўйдим.. — деди [отам].* С. Айний, Эсдалиқлар. *Абдуваҳоб гулзор орқасидаги хонадан бир неча араланган ғўлаларни кўтариб чиқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳовлида катта ёнғоқ ғўласи устида милтигини тозалаб ўтирган Тўрабек.. чорбоққа қараб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ғўлага ўхшаш, йўғон. *Унинг даллол қариндоши саватдай салласини олиб қўйиб.. қўнжи бир қарич, қурушқоқ маҳсули, қўпол ғўла оёқларини узатди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Юқоридан магнит подъяёмниклари чўян ғўлаларини олиб келиб, печга ташлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Ғўладан келган Йўғон, ғўлабур. *Бир нафас ўтмай, кабинетга ғўладан келган, мўй-*

ловдор, қувноқ бир одам кириб келди. Мирмуҳсин, Занлаган қилич.

3 кўчма Кучли, асосли. Бироқ кўчага чиқиш учун ғулароқ важ керак эди. Важни дарров топдим. А. Муқимов, Ақлим киряпти. Гапнинг ғуласи бу ёқда.. «Муштум».

4 Кичик юмалоқ шакли, ғулак. Ўқ ўрнида соғ лойни нўхатдек-нўхатдек ғула қилиб, оғзига соларди-да, туппакни нишонга тўғрилаб, «туф» деса, мўлжалга олинган парранда туп-туп ерга тушаверарди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Кейин [тутни] қуришиб, ғула қилиб олишди. III. Холмирзаев, Бодом қишда ғуллади.

Кўз ғуласи с.т. Кўз соққаси. Ғуласи чиқай-чиқай деб турган катта кўзлари кимга, нимага тикилаётганининг тайини йўқ. А. Муҳиддин, Қадаҳ.

ҒУЛАБУР I [ф. *غولبر* — ғуладай қилиб кесилган; ғула кесувчи] Тўладан келган; чорпахил, бакувват (одам ҳақида). Иккинчиси ёшироқ, ғулабур, миқтидан келган, серҳаракат, кўзлари ўтқир одам. М. Осим, Искандар ва Спитамен. Хона ўртасида бўйни калта ва йўғон, қошлари туташ ва қоп-қора ғулабур бир йигит девек қотиб турарди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

Ғулабурдан келган айн. ғуладан келган қ. ғула. Ғулабурдан келган, қоп-қора, семиз киши оғир юриб, даврага чиқди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҒУЛАБУР II: ғулабур арра Икки томонидан икки киши тортиб ишлатадиган йирик тишли катта арра.

ҒУЛАЙМОҚ айн. олаймоқ. Бозорбойнинг ранги бир оз учиб, кўзлари ғулайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒУЛАК [ф. *غولک* — тор бўғизли кўза; ғулача] **1** Найчадан пуфлаб ёки палахмондан отиш учун лойдан ясалган думалоқ нарса. Жойи бор, йўлаги йўқ, Палахмони бор, ғулаги йўқ. Мақол. ■ Қолган икки йигитни ҳам Султоннинг нусхаси деса бўлади. Фақат биттасининг бир кўзида ғулакдек оқи бор. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Учига темир соққа бойланган таёқ, чўқмор. [Йигитлар] Милтиқлардан бошқа қадимки камон, ғулак билан қуролланган.. эди. С. Айний, Дохунда.

Кўз ғулаги с.т. Кўз соққаси. Кўса маддоҳ.. кўзининг ғулагини оқартириб, кўкка қараб қўл очди. Ф. Фулом, Шум бола.

ҒҮЛДИЛЛАМОҚ с.т. Ғулдирамоқ,

ҒҮЛДИРАМОҚ айн. ғулдурамоқ. — Ўтган гапга салават, ука, — деди полвон, худди хумга тушган аридай ғулдираб. Х. Назир, Ўтлар туташганда. [Кулмуҳаммад] Бавзида ғулдираб босинқирар, уйғониб кетиб, тангрига ёлвориб, нажот тиларди. Мирмуҳсин, Чўри.

ҒҮЛДИРЛАМОҚ айн. ғудулламоқ.

ҒҮЛДИР-ҒҮЛДИР: ғулдира-ғулдира қилмоқ айн. ғулдирамоқ.

ҒҮНГ тақл. с. Қўнғиз, қовоғари каби ҳашаротлар товушини билдиради. Катта қора қўнғиз ғўнг этиб учиб кетди.

ҒҮНОН Икки яшар айғир ёки кўчқор. Ғўнонга эгар урмоқ. Ғўнонни суғормоқ. ■ Кўкраги кенг яйловлар, гўзал жойлар, Чоп-қиллашиб уйнайди ғўнон тойлар. Ҳабибий. Қудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатган, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир ғўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒҮНҒИЛЛАМОҚ I «Ғўнг-ғўнг» деган товуш чиқармоқ. Қовоғари секин ғўнғиллаб учиб ўтди. П. Қодиров, Эрк. Қоронғилик ичидан кеча қўнғизи ғўнғиллаб учиб, ўзини чироққа урди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ, пўнғилламоқ, дўнғилламоқ. Палмон, худди ўлаётган кучукка ачиниб гапиргандай, ўзича ғўнғиллар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Аҳмад Ҳусайини мудроқ босганда, тақводор ота ғўнғиллаб, қуръон ўқишига киришди. Ойбек, Нур қидириб.

ҒҮНҒИРЛАМОҚ айн. ғўнғилламоқ.

ҒҮНҒИР-ҒҮНҒИР тақл. с. Эшитилар-эшитилмас ёки биров тушунмайдиган тарздаги овозни билдиради. Деразаларни қиров бойлаганидан қоронғи бўлиб қолган хонада тўртта чол ғўнғир-ғўнғир гаплашмоқда эдилар. С. Аҳмад, Уфқ. Холдорнинг ғўнғир-ғўнғир ёлвориши эшитилар эди. А. Мухтор, Туғилиш. Кумушнинг уйдан кети узилмай келиб турган хотинларнинг ғўнғир-ғўнғири ҳам унинг [Отабекнинг] уйқусига халал берар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒҮР [ф. *غور* — хом, пишмаган узум] **1** Пишиб етилмаган, хом (хўл мева, қовунтарвуз ва ш.к. лар ҳақида). Ғўр узум. Ғўр олма. ■ -Йўқ, [қовун] ғўрроқ чиқди, ўзингизникини сўйинг, — деди Комила, чиндан ранжиб. Ойбек, О.в. шабадалар.

2 кўчма Қиёмига етказилмаган, пишқ ишланмаган, хом. *Ғўр асар. Ғўр шеър.* ■ Баъзан газеталаримизда *ғўр, шаблон, кишиларни зериктирадиган материаллар ҳам боилади.* Газетадан.

3 кўчма Ҳаёт тажрибаси кам, турмуш қийинчиликларини кўрмаган. *Ғўр бола.* ■ Бундай *ғўр ходимларни анча-мунчасини учратган Толиб ака бошқача йўл тутди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мутахассисларимизнинг ҳам аксарияти кам тажриба, ўқишни яқинда битирган ғўр ёшлар эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҒўРА [ф. غوره — пишмаган, хом узум ёки бошқа мева] 1 Ўрикнинг пишиб етилмаган меваси, довучча. *Баҳор эди. Ўриклар гулини тўккан, ғўралар қинидан чиқиб, еса оғиз маза топадиган бўлиб қолган.* Ойдин, Садаганг бўлай, командир. *Тошхўжа қаёққа кетаётганини ҳам унутди шекилли, шўхлиги тутиб, шохлари девордан ошиб ётган ўрикдан бир ҳовуч ғўра сидириб, оғзига солди.* А. Мухтор, Чинор. *Сувонжон оғзидаги ғўрани у лунжидан бу лунжига ўтказаркан, ҳайрон қолди. Ёнғоқда ўрик битмайди-ку? С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Умуман, пишиб етилмаган мева, ғўр мева. *Олча ғўраси, Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар.* Мақол. ■ *Ток гуллаб бўлганидан кейин, гуллар ғўрага айланганда ўтказилдиган иккинчи хомтокни эса ғўра хомток дейилади.* М. Собиров, Хомток.

3 кўчма айн. **ғўр** 3. Қутулиш тадбирини излаб турганда, *ғўра қиз янги таъна, янги ўпка билан йигит юрагини тирнарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нурмат ҳали пишмаган — ғўра, Етгани йўқ ҳали тобиға.* Д. Файзий.

ҒўРАЛАМОҚ Ғўра ҳосил қилмоқ, мева тугмоқ. *Боғдаги тоқлар зангидан баргигача шовул-шовул шўралабди, ўриклар-чи, шохи*

тўла ғўралабди. Камбағалнинг куни туғибди. Ё. Шукуров, Уч савол.

ҒўРАЛИК Ғўра ҳолат. *Мен уни [ўрикни] пишгунича қўймай, ғўралигидаёқ тамомлайман.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҒўРАША Яхши ишлов берилмаган, майин ҳолга келмаган, дағал (тупроқ, лой ҳақида). *Ғўраша лой.* ■ -*Чигитни қуёшда қизитиб эксак, тупроқ ғўраша бўлмаса бас, — деди сўзини маъқуллашиб Хадичахон.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Ерларимиз кечагина ғумай, тикан, янтоқ босиб ётган қақир, ғўраша ерлар эди.* М. Исмоилий, Икки қиз ҳикояси.

ҒўРИЛЛАМОҚ I Шиддат билан елмоқ, елиб кирмоқ. *Хонанинг ҳавоси яхши алмашиб турадиган бўлиши, аммо ундан шамол ғўриллаб ўтиб турмаслиги лозим.* Газетадан.

ҒўРИЛЛАМОҚ II айн. **дўрилламоқ.** *Норматовнинг қисташи билан Али тириш дуторни олиб, реза куйларга тушди ва ўзининг ғўриллаган ёқимсиз товуши билан пойма-пой яллаларни бир қатордан айтиб чиқди.* Файратий, Менинг ёшлигим.

ҒўРЛИК Ғўр ҳолат, ғўр эканлик; «хомлик». *Меванинг ғўрлиги.* ■ *Шу билан Саудийнинг ғўрлиги натижасида туғилган хавф босилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. -*Кечиринг, мendan кўп ғўрлик ўтди, — деди Нафиса.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

ҒўР-ШЎР Пишмаган, хом, ғўр мевалар. *Ғўр-шўрни кўп ема.*

ҒЎТИЛЛАМОҚ «Ғўт-ғўт» товуш чиқармоқ.

ҒЎТ-ҒЎТ айн. **ғат-ғат.**

ҒЎЧ шв. Мард, ботир. -*Осилган ким? — Қиётлик ғўч йигит.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қиз боланинг сочидан анқиган ҳид билан ғўч йигитнинг билагида тошган тер ҳиди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.



ҲА I юкл. I Жавобда бирор фикрни тасдиқлашни, розиликни билдиради. -*Шу гаплар тўғрими?* -*Ҳа.* -*Шу йигит укангизми?* -*Ҳа.* ■ *Ҳа, рост, беморларнинг кўпи ҳар ердан келган одамлар.* С. Кароматов, Олтин кум. -*Ҳа, — деди Ориф Носиров.* - *Қадимда сайёрамизда фазогирлар бўлишгани тўғрисида. баъзилар айтишган.* О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув.

2 Бирор фикрни, фактни алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Муқаддам бир нафас қулоқ солиб, бу куйни аввал ҳеч қаерда эшитмаганини сезди. Ҳа, бу янги куй эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳа, бечоранинг бошига мушкул иш тушиб турипти.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

3 Кутилмаганда бирор янги нарса, ҳодиса, фикр ёдга тушганда, бирор кимса ёки нарсани эслашга уринишда, суҳбат мавзусини ўзгартириш каби ҳолларда «айтгандай», «айтмоқчи» деган маънони билдиради ёки шу сўзларга хос маънони таъкидлаб, унга эътиборни тортади. *Ҳа, яна бир янгилликни эшитинг.* ■ *Оти қурсин.. Ҳа, айтгандек, ошингизни ейсизми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Ҳа, гап бу ёқда денг!* — *деди.. сўзларни урғуларга бўлиб.* С. Кароматов, Олтин кум. *Бир ойдан бери мина-дон-ку, янги от, янги фойтун. Катта майдондаги саройда. Ҳа, қўшишни, ҳайдашни биласанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲА II I Сўроқ ва тахмин маъноларини таъкидлаш учун ишлатилади; сўроққа эътиборни жалб этади. *Ҳа, нега рангине бўзариб кетди?..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳайдар ота уни очиқ чехра билан қарши олишга*

ҳарчанд уринса ҳам, Асрорқул зийраклик қилиб: -Ҳа, зерикканга ўхшайсан-ку, — деди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Ҳа, уста, тинчликми?.. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ундов гаплар таркибида (а товуши турлича — кучли, чўзиқ ва бошқача айтилиб) маъқуллаш, норозилик, таажжуб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. -*Ҳа, ноинсоф, ҳа, кўппак!* — *Қоратой бойни сўка бошлади..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, баракалла.. катта хўжаликка хўжайин бўласиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Ҳа-а!* — *деб юборди Зиё ака ва бир оз ўйлагандан кейин сўради: -Бун сиз аниқ биласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор иш-ҳаракатга ундашни, шу маънода қўллаб-қувватлашни билдиради. *Ҳа, бўла қолинглар, вақт кетяпти. «Ҳа» деган туюга мадор.* Мақол.

4 Бирор иш-ҳаракатга ундаш, қисташ маъноларини англатади. *Ҳа, тез бўл. Ҳа, қараб турасанми?* ■ *Одамлар Тожибойни тартибга чақириб чугурлашди: -Ҳа, сал оғир бўл! Енгиллик қилма!* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Таажжуб, норозилик, рад этиш каби маъноларни англатади. *Ҳа, нега бундай дейсиз? Ҳа, гуноҳимиз нима?* ■ -*Ҳа, Бўтабой ака, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? Тинчликми?* -*Тинчлик, — деди Бўтабой.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Бировга мурожаат қилганда, «хой» ёки «ҳо» сўзлари ўрнида ишлатилади. *Карим, ҳа Карим, менга қара.*

ҲАБ [а. *حَبّ* — дон, дон; кичик-кичик шарчалар шаклида тайёрланган нарса, дори] Ютиш учун мош каби юмалоқ ёки яс-

миқ каби ялпоқ қилиб тайёрланган дори; таблетка. *Ҳаб дори. Ҳаб ютмоқ.* ■ Бошқалар бунга эришиш учун аллақандай ҳабларга муҳтождир. А. Қаҳҳор, Сароб. *Дераза олдида ҳайкалдай турган ўғлидан яшириб, ҳабдай «қора»ни уриб, ютиб олди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲАБАДА *шв.* Ҳабата.

ҲАБАТА [а. *هبطه* — тушиш, пасайиш, камайиш] Ўринсиз исроф этилган, бекор кетган; беҳуда.

Ҳабата бўлмоқ Бекор (беҳуда) кетмоқ. *Шу бир оғиз сўз билан унинг барча меҳнатлари ҳабата бўлди. Ҳабата қилмоқ* Бекорга чиқармоқ, беҳуда, бефойда ҳолга келтирмоқ. *Ана.. ўзингиз биласиз.. майда нарсалар билан меним умримни ҳабата қиладилар.* «Муштум».

ҲАБАШ [а. *حبش* — эфиоп] 1 Ҳабашистон (Эфиопия) ҳамда Африканинг шарқ-шимолидаги бир неча маҳаллий халқ ва қабилаларнинг умумий номи (қ. *ҳабашлар*).

2 Шу халқ, қабилаларга мансуб. *Ҳабаш аёл.*

ҲАБАШБАШАРА [ҳабаш + башара] Ҳабашга ўхшаган, тани қора, занжи. *Залда уни кутиб, барра қўзининг жунидек жингалак соч, қора кўз, қоп-қора ҳабашбашара Муса соатига қараб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАБАШЛАР Ҳабашистон (Эфиопия) ҳамда Африканинг шарқ-шимолидаги бир неча маҳаллий халқ ва қабилалар. *Икки-икки, дея диконглаб ўйнаётган ёшу қари орасидан биронтаси ҳам ўзбекка ўхшамайди, ҳатто ҳабашлариям бор.* Газетадан.

ҲАББА *эск.* Ҳа, шундай; ҳа айтгандай, айтмоқчи. *Онанг кеч қайтади, бинобарин, таомни барвақтроқ қилсанг ҳам бўлади.. Ҳабба, таомни ўзинг билан Анвар акангга лойиқ қил.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАБИБ [а. *حبيب* — севикли; дўст, ўртоқ] 1 *поэт.* Дўст, севикли. *Ҳабибим банд этар кўнглимни. Табибим панд этар доим. Билломасман, бу савдода, На суду на зарар бўлмай.* Э. Воҳидов.

2 Ҳабиб (эркаклар исми).

ҲАБО [а. *هباء* — чанг-тўзон, гард] *шв.* Ҳабода сузиб юрувчи чанг зарралари, гард, ҳок. *..унинг нағрасидан тегра чангиб, ҳабо босиб, еру осмон ларзага келди.* Н, Ёқубов, Жон.

ҲАБС [а. *حبس* — қамаш; қамоқхона] *айн.* *ҳибс.* *Ижроқўлимиз олдида бурун қоқиш ҳафталик ҳабс демакдир.* «Муштум».

ҲАБСХОНА *айн.* *ҳибсхона.* *Биз худди ана шу ҳақда районнинг панжарали ҳабсхонасидан мўралаб, яна бир топқир «кайф» сураб эдик.* «Муштум».

ҲАВАС [а. *هواس* — ақлини йўқотиш; эҳтирос; майл, иштиёқ; бирор нарсага ғоят берилганлик, кучли истак] 1 Қизиқиш, завқ ҳисси; шундай ҳис-туйғули муносабат. *Энди у бояги дилсиёҳликни унутган, осмони фалакда чарх ураётган турналарга ажиб бир ҳавас билан боқарди..* С. Аҳмад, Юлдуз. *Гулчеҳра ёш жувонларга хос бўлакча ҳавас билан безатилган меҳмонхонага кирди-да, диван четига омонатгина ўтирди.* О. Ёқубов, Ларза. *Ҳавасга анор ейди, дейсиз шекилли..* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Бирор иш-фаолият, касб-корга бўлган рағбат, интилиш, истак, майл. *Боланинг китоб ўқишга ҳаваси — билимга иштиёқининг ифодаси.* Р. Усмонов, Одобнома. *Кўнглида дўппи гулларини тикишдан ўзга ҳавас йўқдай, дарров ишга тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шифокорлик касбига Насиба жуда эрта ҳавас қўйди.* Газетадан. *Ҳусайн Бойқаронинг ёшликдан шеърга ҳаваси кучли эди.* Ойбек, Навоий.

Ҳавас қилмоқ Ҳавас ҳис-туйғуси уйғонмоқ, ҳавас билан қарамок, муносабатда бўлмоқ (*ҳавас* — ҳар икки маъносда). *..дадаси ҳавас қилиб, шаҳардан махсус келтириб эктирган президент гуллар куртак ёзиб қолган эди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У кўнгли кенг.. анча-мунча нарсани ичига бемалол сиғдириб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб юришни ҳавас қилади.* П. Қодиров, Уч илди. *Санобарнинг чап юзида холи.. бўлиб, кўпгина қиз-жувонлар унга ошқора ҳавас қилишарди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Ҳаваси келмоқ** Ҳаваси қўзғамок, уйғонмоқ; ҳавас билан муносабатда бўлмоқ; ҳавас қилмоқ. *Сенга ҳавасим келади. Умринг олдинда ҳали.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..кечқурунлари ўртоқлари висола отланишса, ҳаваси келадиган, ўзи ҳам Гаяҳар билан нурли оқшомларда сайр этишни орзу қиладиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Китоб ийғишга ҳавасманд Бобур бу китобга жуда ҳаваси келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАВАСАК(И) *шв.* Ҳавас қилинадиган, орзу қилинган, ҳавасга арзирли. *Дастурхонга шу ернинг бугдойидан тайёрланган нон келтирилди. Қорамғиз нон шаҳардан келган меҳмонлар учун ҳавасак эди.* Газетадан.

ҲАВАСКОР [а. + ф. *هوسكار* — ҳавас қилувчи, қизиқувчи; ишқибоз] Бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган (шахс); ҳавасманд, ҳавасли, ишқибоз. *Ҳаваскор овчи. Мусиқага ҳаваскор.* ■ *Набиғулнинг айтишича, булар маҳалладаги ҳаваскор созандалар эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Бу ерда ўнлаб ҳаваскорлар сувга тиззагача тушиб олиб, балиқ овлашяпти.* Газетадан. *Ёзувчиликка ҳаваскор бўлган ёш талантларнинг асарларини илгаригидек хомхатала босиб чиқаришга барҳам берилган дейиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Касб, хунар, санъат ва ш.к. бўйича машғулотлар олиб борадиган махсус тўтарак қатнашчиси (асосан ёшлар ҳақида). *Тикувчилар артелининг ҳаваскор созандалари тўгараги бутун состави билан келган.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Биринчи машғулотда ҳаваскор шоирларнинг шеърлари янгради.* Газетадан. *Бугун ҳаваскорларимиз телевизорда чиқади. Уларни кўрмабсан, дунёга келмабсан..* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

ҲАВАСКОРЛИК I Ҳаваскорларга оид, ҳаваскорлар билан иш, машғулот олиб бориш. *Очиқ саҳнада бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари бўлди.* Газетадан. *Жўраҳон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўғараклари, спорт ишлари жонланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Ҳаваскорга хос ҳолат, даража. *Урол Тансиқбоев ҳаваскорликдан.. кўзга кўринган рассом-пейзажчи бўлиб етишгунга қадар катта меҳнат ва ижодий изланиш йўлини босиб ўтди.* Газетадан.

3 Ҳаваскор эканлик. *Сенинг санъатга ҳаваскорлигингни биламан.*

ҲАВАСЛАНМОҚ Ҳаваси уйғонмоқ, ҳаваси келмоқ; ҳавас қилмоқ. *-Туйбеканинг мактаганича борми ўзи? -Бор, — деди қутидор ва ҳавасланди: -Худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мажбур-маҳзун хотираларга берилиб, ҳавасланганлар ҳам бўлди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. *..шунча унга тикилиб ҳавасланганидан уялганигами, юзлари лов-лов*

ёнарди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Сувга, унинг ойнадай тиниқлигига Фуломжон жуда ҳавасланиб қараб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАВАСЛИ Ҳаваси бор, ҳавас қўйган; ҳавасманд. *Мен бу суҳбатдан Пиракнинг ақли расо ва ҳар нарсани ўрганишга ҳавасли бўлганини пайқадим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Саидий ашула айтишга ҳавасли: ўзи ёлғиз қолган вақтларида айтади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАВАСМАНД [а. + ф. *هوسمند* — ҳаваси, кучли истаги бор; ҳаваскор] *айн. ҳавасли.* *Шу пайтда Бешариқдан Қўқонга, олти ойлик курсга ҳавасманд қизларни юбораётган эдик.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *У палов қилишга жуда ҳавасманд эди.* Ў. Икромов, Унутилмас хотиралар. *Ёшлар ичида санъат соҳасига ҳавасмандлар ҳам йўқ эмас.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

ҲАВЗ [а. *حوض* — сув тўпланган жой ёки сув идиши; бассейн ёки челақ] *эск. кт. айн. ҳовуз.* *Ғаҳи айвонда ҳайқирса айиқдек, Ғаҳи ҳавз ичра чайқалган қайиқдек.* Ҳабибий.

Ҳавзи Кавсар Ислом дини мифологиясида: жаннатдаги, сувлари тиниқ ва ширин деб таъриф қилинадиган Кавсар номли чашма. *Калима келтир, бетавфиқ! Бу беш кунлик дунёнинг лойқа сувини нима қиласан, жаннатдаги ҳавзи Кавсарни ўйла, аблаҳ!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАВЗА [а. *حوض* — ҳовуз; бассейн; челақ; доира] I *геогр.* Дарё ёки кўлга қуйиладиган, уни ташкил этадиган ирмоқлар мажмуи ҳамда шу дарё ёки кўл атрофидаги мазкур ирмоқлардан сув оладиган ҳудуд (территория). *Амударё ҳавзаси. Ис-сиққўл ҳавзаси. Чирчиқ ҳавзаси.* ■ *Наймандан тортиб то Мирзаоролгача дарё бўйидаги ерларни авваллари.. эккан дехқонлар дарё бўйидаги қаторасига кетган катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Капсанчилар қишлоғи деб аталади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Сув йўлини тўсиш, тўғон қуриш йўли билан ҳосил қилинган катта сунъий кўл; сув омбори. *Қайроққум сув ҳавзаси.* ■ *Бу сув ҳавзлари, каналлар сув омборлари ва дарёларни лойқа босишига сабаб бўлиб, халқ хўжалигига маълум зарар етказмоқда.* «Фан ва турмуш».

3 геол. Тошкўмир, руда каби ерости бойликлари кўп бўлган кенг бир ҳудуд. *Тошкўмир ҳавзаси. Руда ҳавзалари.*

4 Атрофи баланд, ўртаси товоқ шаклидаги паст, кенг майдон. *Бу пастқамлик хийлагина катта ҳавза бўлиб, унинг теваарак-атрофида паст-баланд уйлар, эгри-бугри деворлар, булар орасида сўппайиб турган якка-дуikka дарахтлар кўринар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

5 с.т. қ. бассейни. Республикамизда стадионлар, сузиш ҳавзалари.. спорт майдончалари сони муттасил кўпайиб бормоқда. Газетадан. *Талабалар маданият саройи, спорт комплекси, сузиш ҳавзаси хизматидан бемалол фойдаланадилар.* Газетадан.

ҲАВО I [a. هوا — атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] I Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси. *Тоза ҳаводан нафас олмақ. Ҳавони ифлослантормоқ. Тоғ ҳавоси. Арча дарахти ҳавони яхши тозалайди. ■ Ҳаммага маълумки, ҳавода зарарли микроблар кўп бўлади.* Газетадан. *Кўёш, ҳаво, сув барча жониворлар учун озуқа бўлганидек, халқ ҳаёти ёзувчига илҳом беради.* Газетадан.

2 Ер устини қоплаган очиқ бўшлиқ; фазо. *Рўмолини ҳавода силқиди. Ҳаво жанги. ■ Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булутни ҳавони тутди.* Ойбек, Навоий. *Ҳавода момиқ оқ пахта-лар аргамчи бўлиб юрарди.* Газетадан. *Боғ устида промбахш шабада эсар, ҳавода кўкатлар исси анқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинтга қулоқ сол.

3 Осмон, кўк. *Қушлар гур этиб, ҳавога кўтарилди. ■ Ёмғир эндигина тинган, кеча қоронғи эди. Ҳавода битта ҳам юлдуз кўринмайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йигитлар муштларини кўтарди. Кексалар ҳассаларини ҳавога қадади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Атмосферанинг аҳволи; ҳолати; об-ҳаво. *Очиқ ҳаво. Ҳавонинг ҳарорати. Булутли ҳаво. Куз ҳавоси. ■ Қутбиддин ҳавонинг тез-тез айниётганини кўриб, лагерни пастроққа кўчиртирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳаво бунчалик паст келиб, шарманда қилишини қаердан билайлик. «Муштум», Деҳқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга*

қараб, мўл ҳосилидан суюнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 кўчма Ҳолат, шароит. *Мен ўйлайманки, бу беш йил мобайнида сиёсий ҳаволар ўзгариб..* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ҲАВОГА КЕТМОҚ Бехудага, фойдасиз кетмоқ. *Ўзининг шунчалик гапларининг ҳавога кетиб турганини.. яхши созди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **ҲАВОГА СОВУРМОҚ (ёки соврилмоқ)** Бекорга, фойдасиз кетказмоқ, сарфламақ. *Эллик минг сўмни ҳавога совуриб қўйиб, маҳмадоналик қилишини қара-я!* «Муштум».. *бир неча минг сўм давлат пули ҳавога совриляпти.* «Муштум».

ҲАВО II [a. هوا — инжиқлик, ноз; хаёлий ҳавас, орзу] *кам қўлл.* Кибр, гурур. *Йўқ, сал ҳавоси баландроқ чиқиб қолди бу бола-нинг.. нима бўлса ҳам, омон бўлсин.* Ў. Ҳошимов, Кўприк. *Кўп бўлмайди яхши одамнинг ҳавоси. «Ойсулув».* *Мақтовдан Бозорбойнинг ҳавоси ошди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАВО III [a. هوا — фантазия, эркин шаклдаги мусиқа] *Кўй, оҳанг. Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин ҳавоси эмас, ширин, майин ҳужрабазм садоси оқа кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Ур!» деган команда берилгач, ноғорачилар «рез» ҳавосида ноғора чала бошладилар, ясовулар ҳам ўша ҳавода чўпларини шартиллатиб, Ёдгорнинг қияланғоч этига ура бошладилар.* С. Айний, Дохунда.

ҲАВО IV: *ҳавосини олмоқ* Машқини олмоқ, йўл-йўриғини, усулини яхши эгалламақ. *Бир умр кўникиб, ҳавосини олган бу иши энди ўзига ҳам ваҳимали кўриниб қолди.. «энди жавоб беринглар», деб туриб олди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимнинг билагиди кучи бўлса, ким ишининг ҳавосини олса, кимнинг камбағаллик жонига теккан бўлса.. бу ишдан бир нима чиқишига ишонса, ўша зарбдор бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҲАВОДОР I [a. + ф. هوادار — тарафдор, мухлис; маълум ҳавога эга, ҳавоси тоза] *кам қўлл.* Тоза ҳаволи, баҳаво. *Ҳаводор бино. ■ Маждиддин.. янги боғчасида.. дарахтлари ёш, лекин ҳаводор ерда зиёфат берарди.* Ойбек, Навоий.

ҲАВОДОР II *Ўйинчи, ашулачи, созанда кабиларга тўй, зиёфат эгалари ва томошабинлардан тушадиган пул ва совғалар.*

Уйинчи, чўнтаклари, дурра таглари ҳаводорга тўлиб, даврадан чиққанда, одамлар уввос тортиб, чапаклар, қарсақлар билан, оҳ-войлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Кеча сахий бойваччадан ҳаводорни кўпроқ оламан деб бўкиравериб, овозни ишдан чиқарган экан-да. «Муштум».

ҲАВОДОР III [а. هوا دار — инжиқлиги, нози бор] Кибрли, димоғдор. Ҳалиги иккиси ҳаводор одам эди, бу етимни кўзларига илмай, айтаётган сўзлари.. «Гўрўғли».

ҲАВОЗА [ф. خوازه — зафар дарвозаси; айвон, равоқ; тахтасупа] 1 Қурилиш ёки таъмир ишлари учун девор ёнига ёғоч ёки металлдан қават-қават қилиб ишланган вақтинчалик қурилма. Қаерга борманг, қаёққа кўз ташламанг, ҳамма ерда ҳавозаларга бурканган.. қурилиш объектларини кўрасиз. Ҳ. Носиров, Марралар. Усталар мўри ичида эҳтиётдан тўрт қават қилиб қурилган тахта ҳавоза устида ишлашади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Кўчма ҳавозалар гўлдираклар устига ўрнатилган, уни паст, баландроқ қилиш ҳам мумкин эди. Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

2 Устига чиқиб, атрофни кузатиб туриш мақсадида тепаликка сепоя ёки чорпоя шаклида, аксар ёғочдан ўрнатилган қурилма. «Шом камони» таърифи мерганлар аро Эрон билан Туронда бўлган овоза, Полиларда узокдан кўринар қаро, Чалинардн кўзларга баланд ҳавоза. М. Шайхзода, Тошкентнома.

3 шв. Токни ердан юқорига кўтариб қўйиш учун ишланган қурилма. Сўри ҳавозаси остидаги устунчаларнинг ҳар бири ёнида — ариқчалар бўйида бир беҳ ток ўтказилган бўлиб, тоқларнинг занги устунчалар орқали ҳавоза устига чиқарилган. С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАВОЙИ [а. هواىى — ҳаво, атмосферага оид; инжиқ, нозли, тантиқ] 1 Ҳаво рангли, оч кўк, кўкимтир. Стол устидаги кўк абазурли чироқдан Кундузхоннинг юзига ҳавойи бир нур тушиб турарди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Пастга боқмоқдаман: на бир қалъа бор, На қаққайган дарахт, на бахмал водий, На ҳавойи рангда ёнган жийдазор, На серрайган кекса тоғлар аждоди. С. Акбарий.

2 Ҳавога кўтарилган; баланд. Кўринг, анови ўрта аср биноси қанчалик нафис ва пурвиқор, миноралар қанчалик ҳавойи ва хуш-

бичим-а! С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

3 кўчма Енгил-елпи, жиддий бўлмаган; осон. Ҳавойи ишлар билан шугулланмоқ. ■ -Чиндан ҳам бўзчининг моқисидек эшонинг ичкари-ташқариси ўртасида бенул оёқдан ҳориб, қатнаб юришдан кўра, ҳавойигина, бозорда ашула айтиб, ўйнаб юриб пул топишга на етсин! — деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола. Мавлоно, мендан энди ҳавойи га-заллар кутманг. Энди фақат халқим дилини куйлайман. Ж. Шарипов, Хоразм.

4 кўчма Енгил табиатли; енгилтак, беқарор. Ҳавойи одам. ■ -Енгилтак қиз, — деб ўйлади Комил, ичидан қайнаб-тошаётган ғазабини зўрга босиб. — Шу ҳавойи олифтани деб, мени ерга уряпсан-а! Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Уйдагилар менинг ҳавойироқ бўлиб қолганимни билишади, бир амаллаб ўқиб кетади, деб ўйлашганми, яқшианба кунн қариндош-уруғлар маслаҳатга йиғилишганди. С. Сиёев, Ёруғлик. Бир ҳавойи эрни деб, тарки дунё қилмоқчимисиз? Газетадан.

5 кўчма Асосга эга бўлмаган, асоссиз, юзаки. Ҳавойи вағдалар. Ҳавойи рақамлар. ■ Фикрингиз жуда ҳавойи ва тамом нотўғри. И. Султонов, Бургутнинг парвози. Журавой ака, наҳотки у [Пулатжон] мени енгилтак, ҳавойи нарсаларга учадиган қиз, деб ўйласа. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҲАВОЙИЛАНМОҚ I Ўзини юқори тутадиган бўлмак, мағрурликка берилмоқ. Ортиқча ва ўринсиз мақтовлардан у сўнгги вақтларда анча ҳавойиланиб кетди. ■ Чойхонадан тушадиган даромад ҳам чакимас. Афтидан, шуниси Абдурауф Тўрабоевни андаккина ҳавойилантирди. «Муштум».

2 айн. ҳавойилашмоқ.

ҲАВОЙИЛАШМОҚ Енгил-елпи ишга, бекорчиликка ўрганиб қолмоқ. Ҳавойилашиб қолган одам.

ҲАВОЙИЛИК Ҳавойи ҳолат, ҳавойи эканлик. Ҳавойиликка чек қўй. Рақамларнинг ҳавойишиги.

ҲАВОЛ I Ичи зич эмас, орасида бўшлиқ бор; говак. Дамбанинг тагидан, тупроқ ҳавол жойдан дарё суви отилиб, каналга оқарди. Газетадан. .катта бир омборнинг деворини уриб, орқасида ҳавол ер борлигини билди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Куч билан эмас; секингина, бўш. Аҳмад паҳлавон унинг [хўжанинг] белбоғидан

ҳавол ушлади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲАВОЛА [а. حواله — пул ўтказиш, топшириш; чек, вексель] 1 Изм-ихтиёрига топшириш, зиммасида бўлиш. *Ҳар кимнинг сўзи, қилмиши қалбига, виждонига ҳавола.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Мана бу кресло ҳам сизга ҳавола. Менга бир оддийроқ стул берсангиз бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Фикр, мулоҳаза ва ш.к. ҳақида маълумот учун бирор манбага қарашга ундаш, шу манбани курсатиш. *Қўшимча маълумот учун саҳифа охирида тегишли адабиётларга ҳаволалар берилган.*

Ҳавола қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ихтиёрига топширмоқ, зиммасига юкламоқ. *Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..Нарзи тоға ўзини тақдирнинг ҳукмига ҳавола қилганича, индамай эшакни қистарди.* «Шарқ юлдузи». *Келинлар, ихтиро бўлими хулосасини министрликка ҳавола қилайлик.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) маълумот учун зарур манба (адабиёт) ни кўрсатмоқ, унга диққатни қаратмоқ (қ. **ҳавола 2**); 3) кам қўлл. юқори кўтармоқ, ўқталмоқ, кўрсатмоқ. *..бутун кучини ишга солиб, уни бир ёқли қилиш учун қўлини ҳавола қилган эди, ногоҳ қўлини нимадир омбурдай қисиб, ҳавода муаллақ ушлаб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *..қўрқитарга боши узра қамчи ҳавола этдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Девор тепасида.. қўлида ялтироқ нарсани ҳавола қилиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАВОЛАМОҚ 1 Юқорига, ҳавога кўтарилмоқ; юқориламоқ, баландламоқ. *Асад қўйди моделин, Учди модель ҳаволаб, Оппоқ қанотларини Қоқди қуёшни чоғлаб.* Т. Тўла. *Майорнинг самолёти ботқоққа яқинлашганда, юқорилаб ҳаволади.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Бепоен даштлар узра тўрғайлар ҳаволади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

2 кам қўлл. қ. **ҳаволамоқ 3**. *Насриддин хўп хурсанд, ҳаволаб, Гап-гаштакдан қайтганида кеч, Тўлиб кетди Ойчумук хола: Болам, дарров уст-бошингни еч!* М. Али, Бокий дунё.

ҲАВОЛАНМОҚ 1 айн. **ҳаволамоқ 1**. *Қиздирилган чирмандадек таранг ой аста-секин ҳаволаверди.* Газетадан.

2 Умуман, ҳавода ҳаракатланмоқ. *Шапалоқдек мошранг ток барглари енгил шамолда тебранади, қариб сарғимтли бўлган барглар чирт узилиб, ҳаволаниб, ерга тушарди.* Газетадан. *..номаълум нуқтага қадалган нигоҳи беихтиёр, худди парашютдай ҳаволаниб, ерга тушаётган катта бир баргга қадалди.* Д. Нурий, Осмон устун.

3 Мағрурланмоқ, гурури ошмоқ. *Енгил галабадан ҳаволанган Эрон қўшини массагетларнинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билан уларни таъқиб эта бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Маданиятли киши ўзидаги яхши фазилатлардан, гўзалликдан ҳаволанмайди.* М. Алавия, Гўзаллик нимада? - *Қари одамни муштумдай бола олдида ҳақорат қилганингиз, болангизни ҳақ одам олдида ноҳақлик билан ҳимоя этганингиз яхшими? Болангиз бундан ҳаволанмайдими?* - деди Расул ака хотинига. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ҲАВОЛАТМОҚ Баланд кўтармоқ, юқориламоқ, баландлатмоқ. *Извоши узун қамчисини бошида баланд ҳаволатиб қарсиллатди-да, отларга қараб қичқирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Муродхон қўлига олмани олиб, ҳаволатиб, Чулнонойни мўлжаллаб олди.* «Муродхон». *Ориқ киши зўр бериб ниманидир тушунтирмоқчи бўлар, қўлларини ҳаволатиб-ҳаволатиб олар эди.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҲАВОЛИ 1 Ҳавоси бор, ҳавога эга бўлган; баҳаво. *Сиқиқ ҳаволи баллон. Бузук ҳаволи хона.* ■ *Ёпчон асрий сирларни Бағрига олган қишлоқ. Ёпчон хушбўй ҳаволи, Фарахбахшидир, кенг кучоқ. Ғайратий. Қишнинг биринчи ярми қуруқ келди. Бу очиқ ҳаволи кунлар деҳқонларга ёқмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қиш бўронлари ўтган, баҳорнинг юмшоқ ҳаволи кунлари бошланган.* С. Айний, Қўллар. *Мақтаб олдида ҳаволи чорбоғлар ташкил этилган.* Газетадан.

ҲАВОЛИ 11 Ўзини бошқалардан юқори тутадиган; кибри, худбин, димоғдор. *Бошқалардан ўзини азиз тутган ҳаволи киши ўз мақсади йўлида ҳар қандай тубанликдан, ярамасликдан қайтмайди.* М. Алавия, Одамлик — одмиликда.

ҲАВОЛЛАНМОҚ Ҳавол бўлмоқ, говак ёки бўш бўлиб қолмоқ. *Гоҳ ўнгирлардаги тағи ҳаволланиб қолган, патирдай юпқа музга айланган қор парчаси тағидаги лойни*

ғижимлаб.. бұз тупроқни ковлаб юрган Парли иссиқлаб кетди. Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ХАВОН [a. *هاون* – келисоп, ўғир дастаси] Синч девор устунларини тик тутиб туриш учун устунларнинг тепа қисмидан қияроқ тираб, михлаб қўйиладиган ёғоч, тирагич.

ХАВОНЧА қ. *ҳовонча*. Бағзилари.. чинор, қайрағочлар остидаги шийпончаларда олдиларига ҳавончадай ё ўғирдай вино бочкаларини қўйиб, тош кўрада кабоб пишириб, улфатчилик қилмоқдалар. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ХАВОРИЙ [a. *حواری* – издош, шогирд; Исо пайгамбар издоши] дин. Исо пайгамбарнинг 12 шогирдидан бири. Ривоятда айтилишича, Исо пайгамбарнинг 12 ҳаворийсидан бири Иуда 30 та кумуш танга эвазига хиёнат қилган экан. «Фан ва турмуш».

ХАВСАЛА [a. *حوصله* – сабр, тоқат, чидам, ҳафсала] қ. *ҳафсала*. Ҳадемай карнайгулар жуда ҳавсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

ХАД(Д) I [a. *حد* – даража; чек, чегара; охир, поён, ниҳоя] I эск. кт. айн. **чегара** I.

2 *кўчма* Белги, ҳаракат ва ш.к. нинг ўлчам, даража, миқдор жиҳатидан муайян ҳолати; чек, меъёр, ниҳоя. *Ҳадд-ҳисобсиз*. *Ҳаддига етмоқ*. *Ҳаддан зиёд(а)*. *Ҳаддан ортиқ (ташқари)*. ■ *Ёдгор ҳам хурсанд, хурсандлигининг ҳадду поёни йўқ эди*. С. Айний, Дохунда. *Ойша бегим ҳаддан ортиқ уятчан*.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Салимбойваччанинг кайфи – мастлиги ҳаддига етган*. Ойбек, Танланган асарлар. *-Иш сиз деган ҳаддан ўтибди!* – деди кескин эътироз билан Ҳусайн Бойқаро. Ойбек, Навоий.

3 Бирор ишни қилиш имкон-ихтиёри, ҳақ-ҳуқуқи. *Остонадан ҳатлаб чиқишга ҳадди йўқ*. Ойбек, Танланган асарлар. *Хафа бўлманг, биз ҳақ олмасдан ишлаймиз*. Ахир биз қулмиз-ку, ҳақ талаб қилишга ҳаддимиз борми! Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳад қилмоқ кам қўл. Журъат қилмоқ, ботинмоқ. *Аваллига бу мўътабар зот ҳаёти асосида очерк ёзмоқчи бўлдим*. Бироқ ҳадеганда бу ишга ҳад қилавермадим. Р. Раҳмон, Халқ профессори. *Йигит бўла туриб,*

бу гапни мен дангал айтолмаганман-у, қиз бола ҳад қилармиди. Газетадан. **Ҳаддан (ёки ҳаддидан) ошмоқ** Бирор иш, хатти-ҳаракатда тартиб-қоида, меъёр доирасидан чиқмоқ. *Тилингизни тийинг, ҳаддан ошманг!* ■ *Тартиб-интизомга қарамай, ҳаддидан ошиб кетадиганлар бор*. С. Нуров, Нарвон. *Ясовулбоши ҳаддидан ошиб кетди, тўйларни бузади, созчиларни уради*.. Ж. Шарипов, Хоразм. **Ҳадди сиғмоқ** Бирор иш, хатти-ҳаракатни қилиш имкон-ҳуқуқига эга бўлмоқ; журъат қилмоқ, ботинмоқ. *Бошлиқ бўлганингиздан кейин гапириш эмас, танбех беришга ҳам ҳаддингиз сиғади*. С. Нуров, Нарвон. *Мозорга тил теккизишга қандай ҳаддинг сиғди, муртад!* К. Яшин, Ҳамза. *Уни гап билан енгиб бўлмаганидан ташқари, у қилиб юрган ишдан кулиб, масхаралашга ҳам ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди*. Мирмуҳсин, Меъмор. **Ҳаддини олмоқ айн. ҳадисини олмоқ** қ. **ҳадис** II. *Альпинист деганча бор экан*. *Юришининг хўп ҳаддини олган экан*. М. Мансуров, Ёмби. *Ишни йўлга қўйиб олайлик*. *Тикувчиларимиз унинг ҳаддини олгач, янгиликни такомиллаштириб, чиқимни камайтириш қийин эмас*.. Ҳ. Қодиров, Янгилик ошиғи.

ҲАД II [a. *حد* – чек, чегара, марра] *мат.* Тенгламани ташкил этувчи сонлардан ҳар қайсиси ёки сон ўрнида ишлатилган белгилардан биттаси. *Номаълум ҳадни топиш*. *Четки ҳадларни кўпайтириш*. *Урта ҳадга тақсимлаш*.

ҲАДАФ [a. *هدف* – нишон; мўлжал; финиш, сўнгги нуқта] I эск. кт. Бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса; нишон. *Шунга ўхшаш, мулла Абдураҳмон ҳам, муҳокамасига озгина гараз аралаштириб, Сафар бўзчининг аччиқ ҳақоратига ҳадаф бўлди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Эришиш, қўлга киритиш кўзда тутилган, ҳаракат йўналтирилган нарса; мақсад. *Сиз хурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёғимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАДАҲА шв. Тезлик билан, тездан, дарров. *Милициялар ҳадаҳа отланиб, йигирма одам бўлиб, ёв-яроғини осиб, отига қамчи*

босиб, йўл тортди. «Очилдов». Дўстим, сен ҳадаҳа қайтмоқ бўлибсан. Борсанг яхши бўларди. «Муродхон». Шаҳарда на балчиқ босиб юрибсан, дея ўғлини ҳадаҳа қисти-бастига олмоқчи эди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. ..ҳадаҳа тўшакка ўтираркан, сингилларига шивирлади. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

ҲАДДИЛИ фольк. Ҳар бир нарсага ҳадди сиғадиган, тап тортмай аралашаверадиган; ўктам. *Авазхон кампирга қараса, ҳаддиди, зўр кампирга ўхшайди, сирини яширди.* «Балогардон». [Барчин:] -Ҳаддиди, зўр қалмоқ экан, бизни кўриб айланишиб юрмасин, — деб ўрнидан туриб, уйига кириб бо-раётир. «Алпомиш».

ҲАДЕБ Тез-тез ва давомли равишда, такрор ҳолда; нуқул. *Ҳадеб кулаверма. Ҳадеб бир гапни такрорламоқ.* ■ Лола Муроджонга тик қарагани юраги дов бермас, ҳаяжонини босиш учун ҳадеб кафти билан сумкачасининг боғичини силар эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Кўйинг, тақсир, сатранж ҳам жонга тегди, ҳадеб қолаверасиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ҳадеб қоринни уйлаш керак эмас.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАДЕГАНДА Талаб этилган, кутилган вақт давомида; тезгина, дарров. *Гап ҳадеганда қовушавермади. Ҳадеганда уйга қайтавермади.* ■ Ичкаридан ҳадеганда жавоб бўлавермади. Н. Аминов, Суварак. *Кенжа ҳадеганда қозон атрофида айланиб юрган бой болаларига кўшилолмай, бир чеккада турарди.* Н. Фозиллов, Дийдор. *Кўёви қаттиқ чарчаган экан, бирпасда пиш-пиш ухлаб қолди.* Аммо Толибжонни ҳадеганда уйку ололмади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ҲАДЕМАЙ Кўп вақт ўтмай, оз фурсатда, тез орада; тезда, бирпасда. *Ҳадемай тонг отади. Ҳадемай меҳмонлар келишади. Ҳадемай ўқиш бошланади.* ■ Машинага йўл писанд эмас. *Ҳадемай Мирзачўлга етиб борди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Ҳадемай карнай-гуллар жуда ҳавсала билан чиройли қилиб тортишган илларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҲАДИК Бирор кимса ёки нарсадан салбий таъсир, зиён-заҳмат етишидан, шунга сабаб бўладиган ҳолатдан кўркув, чўчиш; шу ҳақдаги ўй, хаёл. *Иштонсининг ҳадиги*

чўлдан. Мақол. ■ *Милициянинг машинаси-ни биров кўрмадимикин, деган ҳадикда девордан кўчага қарадим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир куни Аҳмаджон минг ҳадик билан қизни кинога таклиф қилди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил. *Сифатсиз маҳсулотдан сотувчи ҳам ҳадикда.* «Муштум». *Йигитнинг унсиз боқиши унда ҳадик уйғотар, шу билан бирга ҳузур бахш этар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ҲАДИК ОЛМОҚ Кўнглида ҳадик уйғонмоқ; ҳадиксирамоқ, чўчимоқ. *Малика шоҳдан ҳадик олиб, хавфсираб юрар эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Абдусамад қори.*.. «демак, Бўтабой Урмонжондан ҳадик олганидан шундоқ қилган экан», деган қарорга келди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҲАДИКЛАНМОҚ Ҳадиксирамоқ, хавфсирамоқ; кўркмоқ. *..ўртоқларининг чақириб қолишидан ҳадикланган Собир кўйларини Оқтош юқорисига жилдирган эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҲАДИКЛИ Ҳадик, хавфсираш, кўркув туйғуларини ифодаловчи. *Очликдан мадорсизланган онанинг ва кепак қатирмадан кўз олмаётган ярим яланғоч болаларнинг ҳадикли қараши Майнанинг кўнглини бузиб юборди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲАДИКСИЗ Ҳадиксирамасдан, кўркмай. *Сиз ҳадиксиз юраверинг. Ҳадиксиз киши.* ■ *Равшанхон ҳеч ҳадиксиз у элга ҳам кириб боради.* «Равшан». *Бизнинг сатрлар Ёв йўлин тўсар, Қатнасин ҳадиксиз Пўлат қарвонлар.* Ф. Фулом.

ҲАДИКСИРАМОҚ Ҳадик олмоқ; хавфсирамоқ, чўчимоқ, кўркмоқ. *Абдибилал, акасининг гапини эшитиб қолишларидан ҳадиксираб, ён-верига қаради.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Фармонқул ака, нега кўн-ёнга ўхшаб ўз соянгиздан ҳадиксирайдиган бўлиб қолдингиз?* С. Маҳкамов, Шоғирд. *Бирор одам узоқ қараб қолса борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ўтказарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАДИКЧИ Ҳадиксираш одати кучли, ҳар нарсадан ҳадиксирайверадиган. *Соясидан кўрқар ҳадикчи, Ип кўринар унга илондек.* А. Мухтор.

ҲАДИС I [a. حديث — сўз; суҳбат; ҳикоя, ривоят] I дин. Ислоҳ динида Куръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти ва кўрсатмалари ҳа-

қида ривоятлар мажмуи (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг турли шароитларда шариат аҳкомларига оид айтган сўзлари ҳам ҳадисдир). *Бир қанча мўътабар китоб, оят ва ҳадисларни қараб чиқдим. Ғайратий, Довдираш. У [Тешабой] ҳам, ўз пайғамбарларининг ҳадисини бузган ёки фирибгарлик, қилвирликлар билан ўз пайғамбарларини алдаган рижкорлар сингари динидан ҳам чиқмас, шариат олдида муртад ҳам бўлмас эди. М. Исмоилий. Фарғона т. о. Аҳмадхўжа ўз хатида, Мадрасаи олияда тафсири, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ўзган эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

Ҳадис оши ёки оши ҳадис Муҳаммад пайғамбарнинг айтиб қолдирган сўзлари, у ҳақидаги ривоятларни ўқиш, эшитиш мақсадида ўтказиладиган зиёфат, йиғин. *Асти нимасини айтасиз. Оши ҳадисда етмишга кирган ҳазратимниям кўзлари шоҳсоққадек ўйнаб кетди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Ҳадиси шариф айн. ҳадис I. У [Султонмурод] диний китоблар — ҳадиси шариф, ҳатто қуръон оятларидаги.. тавбирлар ҳақида савол бериб, устозларнинг гашига тегарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ҳадиси шарифда буюрилишича, одам аввало ўзига, кейин аҳли аёлига [оила аъзоларига] ёрдам берса, рисоладагидек бўлади. Газетадан.*

2 эск. кт. Бирор кимсанинг айтган сўзлари ёки гаплари; ривоят, ҳикоя. *Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона, Кайфият ўлди зоҳир жомии шароб кўрмай. Фазлий. Сенга балки аён, балки ноаён. Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён. А. Орипов, Йиллар армони.*

ҲАДИС II [а. حديث] **I** Кураш, беллашув кабиларда қўлланадиган ўзига хос усул. *Полвонларнинг кураш ҳадисларининг ўз номи бор. Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди. У бир ҳадис ишлатар, ёвга тупроқ тишлатар.. Миртемир.*

Ҳадис олмоқ Бирор усулни қўллаш мўлжалини қилмоқ. *Бу эндиги саволнинг деббачаси эканини синашта бўлиб қолган Шоҳгадо дарров пайқади. Ҳадис олган полвондек ҳозирлик кўриб турди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ҳадис қилмоқ эск. Усул ишлатмоқ, бирор усулни (усулларни) машқ қилмоқ. Улар [пахлавонлар] бир-бирларини*

синаш учун ҳадис қилиб, узоқ айланиб юрдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Спортнинг бу турини ўзлаштириб олганига қаноат ҳосил қилгач, классик курашни ҳадис қила кетди. «Муштум».

2 с.т. Бирор ишни уддалашга бўлган эп; малака, маҳорат. — *Қозоғистонлик полвоннинг ҳадиси анча зўр экан, — деди Тўламот мўйлов. С. Анорбоев, Оқсой. Йўқ эди бойқушнинг ҳадис — ҳунари. «Алпомиш».*

Ҳадисини олмоқ Бирор иш, касб-ҳунарни, унинг йўл-йўриги, усулини яхши эгалламоқ, машқини олмоқ. *Ўз касбининг ҳадисини олган ҳайдовчи қий-чувга нарво қилмай, танга-чақа санайди. Қ. Кенжа. Нотаниш гул. У йўлига гов бўлганларни турли йўллар билан тинчителишининг ҳадисини олган. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Мажлисларни олиб бориш унгагина топширилди, у регламент ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилишининг ҳадисини олган.. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ҲАДИСШУНОСЛИК Ҳадисларни ўрганиш; ҳадис илми. [Насаф] *Ўзининг бой тарихи мобайнида ҳадисшунослик мактабларидан бири даражасига кўтарилди. «Шарқ юлдузи».*

ҲАДСИЗ эск. кт. Чексиз, поёнсиз. *Бир вақтлар сувсизликдан торс-торс ёрилиб кетган даштларда эндиликда ҳадсиз ғаллазорлар шовуллаб ётибди. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. Эй, сен муаззам ва ҳадсиз саҳрода адашган саргардон сайёҳ! Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

2 Белгининг энг юқори даражасини билдиради; беҳад, ниҳоятда, гоёят. *У, дунёда энг қимматли, энг қодир буюмини топиб олган каби, ҳадсиз севинди. Ойбек, Танланган асарлар. Қозим унинг кўзларига ҳадсиз бир гусса соя солганини сизди. Э. Усмонов, Ёлқин. Чуқур қайғу, ҳадсиз кин билан Йўлчи бир неча маҳаллани айланиб чиқди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲАДЯ [а. هدیه — совға, тухфа] Тақдим этилган нарса; совға, тортиқ, тухфа. *Подшоҳнинг зиёфатига ҳамма савдогарлар ҳадялар олиб боради. «Эртактлар». Сочилади сочқи, ҳадя, тўёна, Шўх болалар қий-чув илиб олмоқда. Миртемир. Зокир Фаридога пушти гулли панбархат ҳадя қилган, «шу рангни яхши кўраман», деб бир неча марта айтган эди. П. Қодиров, Уч илди.*

Ҳаля қилмоқ (ёки этмоқ) Ҳаля (совға) бермоқ, тортиқ қилмоқ. *Мунис ҳам уни яхши кўрарди. Бавъи нарсаларни унга ҳаля қилган эди. Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири. ...ҳайҳотдай кўшни хонада хонга оқпошиш ҳаля этган улкан соатнинг тақиллашидан бўлак товуш эшитилмасди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ҲАЁ |а. *حياة* — уят, шарм; ор, номус; камтарлик, адаб| Ножўя, номаъқул хатти-ҳаракатдан тийилиш ҳисси; уят, шарм. *Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ. Мақол. ■ Ҳаё — инсоннинг энг олийжаноб фазилати, унинг кўрки, безаги. С. Кароматов, Вобкентлик ошиқ. Одамда ор-номус, ҳаё бўлиши керак. Жўраҳон! Ахир эрингиз бор-а! М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

Ҳаё қилмоқ кам қўлл. Уялмоқ. *Шоир қалби билан бавзан кўзимни Қизларга буришдан қиламан ҳаё. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.*

ҲАЁЛИ Ножўя хатти-ҳаракатдан ўзини тортадиган, ҳаёси бор. *Аҳмад бу соф, ҳаёли, содда қизга жуда ширин сўз айтгиси келди.. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

ҲАЁН эск. Фойда, наф. *Бир мири ҳаён, уч мири зиён. Матал. ■ У|Тешабой| савдогар отаси Болта кўпасининг «ҳаён кўтарса, зиёндан қочма», деган васиятини кўз ўнгиде тутди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. У. елкасини қисиб: -Шунақа бир ҳаракат бор эди, ҳадисини олмаган одамга қийин экан, ҳеч ҳаён чиқмади, — деб қўя қолибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Пахтадан келган ҳаён чорвага ямоқ бўлиб кетарди. Й. Шамшаров, Тошқин.*

ҲАЁСИЗ Ҳаёси йўқ, уятсиз. *Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит. Мақол. ■ |Соҳиб Доро:| Ҳаёсиз билмагай ҳеч бир вафони, Вафога алмашур шоҳлар жафони. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоӣ. Бозоров «севгиси»нинг ҳам миси чиқди. Энди у ҳаёсиз бошини қуйи солиб, қўл учиде қарсақ чалиб, лой бўлиб ўтирибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Вой шўрим.. Вой бети йўқ қиз! Вой ҳаёсиз қиз! С. Зунуннова, Гулхан.*

ҲАЁСИЗЛАШМОҚ кам қўлл. Ҳаёсиз бўлмоқ, ҳаёни унутмоқ. *Тарбутисларнинг қутуриб кетгани рост.. Лекин Бахўр йўқлиги учун тарбутислар ҳаёсизлашдилар дейиш, албатта, нотўғри. Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

ҲАЁСИЗЛИК Ҳаёсиз бўлиш, ҳаёсизга хос хатти-ҳаракат, хусусият, қилиқ. *Василий бир куни ҳовлида бир неча болаларга икки қўлни тахтага қўйиб, икки оёқни осмонга қилиб, «стойка» қилишни ўргатаётган эди, қори кўриб қолиб, чидаёлмаб бақирди: -Ҳай-ҳай, бу қандай ҳаёсизлик тагин! П. Турсун, Ҳўкитувчи.*

ҲАЁТ 1 |а. *حيات* — яшаш, мавжуд бўлиш, тириклик| 1 Материянинг ўз ривожланишининг муайян бир давридаги ҳаракатланиш шакли. *Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. Ҳўсимликлар ҳаёти. ■ Яқин атрофимизни ўрганиб, фақат сайёрангизда ҳаёт борлигини аниқлаганимизга анча бўлди. О. Мўминов, Ҳиёбондаги уч учрашув.*

2 Инсон, ҳайвон, ўсимликларнинг туғилгандан (юзага келгандан) ўлгунга (йўқ бўлгунга) қадар бўлган физиологик ҳолати, тирик, мавжуд, яшаётган ҳолати. *Кўз жуда мураккаб оптик система бўлиб, киши ҳаётида кўзнинг яхши кўриши муҳимдир. Газетадан. Бир авлоднинг ҳаётича давр ичиде нур деган сўз эрмақдай бошланиб, асрларнинг ҳокими бўлиб қолди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Унинг ҳаёт асари қолмаган юзи яна хиралашди.. К. Яшин, Ҳамза.*

Ҳаёт бағишламоқ (ёки бахш этмоқ) 1) дунёга келтирмоқ, туғмоқ; 2) ўлимдан сақламоқ, яшашга имкон бермоқ, имкон яратмоқ. *..мени дор остидан қутқариб, менга яна ҳаёт бағишладингиз. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар. Шу билан бирга, ўзига ҳаёт бахш этган ҳакимнинг хизматиға ҳамиша камарбаста бўлиб турди. К. Яшин, Ҳамза; 3) ҳаёт, яшаш шароити, имконияти билан таъминламоқ. Она табиат инсонга турли-туман неъматларни инъом этиб, унга ҳаёт бағишлаб туради. Газетадан. Мана, субҳидам пайти, куёшнинг заррин нурлари ҳамма ёққа ҳаёт бағишляпти.. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Сув оқади, қон каби бориб, Ҳўзаларға бахш этар ҳаёт. Ҳайратий.*

3 Яшаш муддати; умр. *Туй — киши ҳаётидаги энг яхши орзу-умидларнинг ушалиши. Газетадан. Гапни чўзма, чунки ҳаёт қисқадир. М. Жўра, Иштироб. Олима ҳаётининг охирига қадар халқ учун покиза виждон билан хизмат қилди. «Саодат».*

Ҳаёт кечирмоқ Умр кўрмоқ, яшамоқ. *У билан бирга ўттиз йил ҳаёт кечирдик. ■ Қорақалпоқ халқи янги шаҳарларда, қулай,*

ёруғ, баҳаво уй-жойларда ҳаёт кечирмоқда. «Ўзбекистон қуриқлари».

4 кўчма Ҳаёт бағишловчи, ҳаётни таъминловчи нарса. *Электр симлардан ҳаёт оқади*. «Гулдаста». *Ҳаракат — иссиқлик, иссиқлик — ҳаёт демак*. Мирмуҳсин, Меймор. *Нон ҳидида ҳаёт бор, Ҳар мағзида мамот бор*. Газетадан.

5 Киши ва жамиятнинг яшаш тарзи, ҳолати; турмуш, тирикчилик. *Ижтимоий ҳаёт*. *Оилавий ҳаёт*. *Ёзувчининг ҳаёти ва фаолияти*. *Республика ҳаёти*. *Маҳалла ҳаёти*. ■ *Билим юрти талабаларининг ҳаёти ҳар томонлама сермазмун ўтмоқда*. Газетадан. *Ўшнинг баланд-наст лой томлари шаҳардаги қашшоқ ҳаётнинг гувоҳидек муңғайиб турипти*. С. Кароматов, Олтин қум. *Шу ҳаёт, шу турмушдан гадолик аъло*. Файратий.

6 Бизни ўраб олган реал борлиқ, воқелик. *Ҳаёт жуда қизиқ-а?! Бировлар — асал, бировлар заҳар бераркан*. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ҳаётда шундай одамлар борки, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлаган бўладилар*. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

7 сфт. Яшаб турган; тирик. *Ким билади, балки ҳаётдир ва, эҳтимол, ҳаётга ётдир*. Х. Олимжон. *Шу дарча чолингиз ҳаёт вақтида ҳам қийшиқ эди.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари*.

8 кўчма Жонланиш, уйғониш. *Редакцияда ҳаво юришиб, ҳаёт аломатлари пайдо бўлгандек туюлди Аҳмадга*. Ф. Мусажонов, Химмат.

9 Ҳаёт (хотин-қизлар исми).

ҲАЁТ II [a. *حيات* — девор; ҳовлига туташ боғча], *ҳаётча шв.* Хўжалик ёнидаги кичик экин майдони, томорқа, боғча, чорвоқ. [Холисон:] *Мана шу ҳаётчанинг орқасида тор кўча бор, бундан қаёққа боришни ўзим билмайман*. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҲАЁТБАХШ [a. + ф. *حياتبخش* — ҳаёт бағишловчи, тирилтирувчи] **I** миф. Ўликни тирилтирадиган, қайта жон киргизадиган.

2 Организм учун ҳаёт бахш этувчи. *Шеърки, ўз соҳибининг қонидан пайдо бўлар экан, ўшал қон каби ҳаётбахш бўлмоғи лозим эмасми?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қуёш ўз ҳаётбахш нурларини тағин мўл-кўл соча бошлади*. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. *Тортиқ этмиш табиат Хуш иқлим, тоза*

ҳаво. *Сувлари зилол, шарбат, Ҳаётбахш, дардга даво*. Ё. Мирзо.

3 кўчма Кишини жисман, руҳан тетиклантирувчи, жонлантирувчи. *Баҳорнинг ҳаётбахш руҳи совуқдан ёшланган кўзларда, кўкарган юзларда барқ урди, диллар исиб кетди*. А. Мухтор, Чинор. *Зубайданинг овози ёқимли, ҳаётбахш эди*. К. Яшин, Ҳамза. *Шерали шу ҳаётбахш лаблардан кўзларини узолмай қолди*. С. Кароматов, Олтин қум.

ҲАЁТИЙ [a. *حياتي* — ҳаётга, тирикликка оид] **I** Ҳаётга, яшашга, тирикчиликка оид. *Ҳаётий жараёнлар*. *Ҳужайраларнинг ҳаётий вазифаси*.

2 Ҳаёт учун зарурий, ҳаёт талабидан келиб чиқувчи, ҳаёт талаби билан боғлиқ. *Унинг орзуси бир қарашда романстик қасоскорнинг орзуси бўлиб кўринса-да, тағидаги ҳақиқат чуқур, ўта ҳаётий*. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Хўжалигимизда ҳали ечилиши ноят зарур бўлган ҳаётий вазифалар кўплаб кўзга ташланади*. «Ўзбекистон қуриқлари». *..унинг билан суҳбатда зарур ва ҳаётий масалалар гаплашиб олинган эди*. Мирмуҳсин, Умид.

3 Ҳаёт билан боғлиқ, ҳаёт учун типик (бўлган), ҳаётдаги таъсир, гўғри келадиган. *Асосий масала асарда айтилмоқчи бўлган фикрнинг ўқувчи қалбига яқин ва ҳаётий бўлишида, — деди Саид Аҳмад*. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ҳаётий воқеаларни умумлаштириб, сермазмун бадиий асарлар яратган ва яратаётган журналистлар кўп*. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Рассом шоир ва маърифатпарварнинг сиймосини ҳаётий қилиб ишлаш олган*. Газетадан.

ҲАЁТИЙЛИК I Ҳаётга оид, ҳаёт билан боғлиқ бўлиш; шундай белги-хусусиятга эгаллик. *XV аср Ҳирот санъатига хос бўлган ҳаётийлик халқчиликка ҳам олиб келади*. «Фан ва турмуш». Бу билан улар бадиий ижоддаги энг муҳим фазилатга — ҳаётийликка эришаётирлар. «Шарқ юлдузи».

2 Яшаш, ривожланиш қобилияти (қудрати)га эгаллик; яшовчанлик. *Буюк аллома ғояларининг ҳаётийлиги*.

ҲАЁТ-МАМОТ I Ҳаёт ва ўлим. *Ҳаммаси ҳам бир-бирисиз босолмайди илгар, Боғлиқ экан бир-бирига ҳаёт-мамот сингари*. А. Мухтор.

2 Ҳаёт ёки ўлим, яшаш ёки ўлиш; тақдир. *Беркитишнинг нима ҳождати бор: ҳо-*

зир, шу дақиқаларда, бутун ҳаёт-мамонтинг шу опамизнинг кўллариди. Д. Нурий, Осмон устуну. *Шайбонийхон чоршанба куни ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезиб, бор истеъдодидани, бутун тажрибасини ишга сола бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу ҳаёт-мамонт кураши, бек афанди! Ҳ. Фулом, Машъал.*

ҲАЁТЧАН I Яшашга қобилиятли; яшовчан. *Ҳаётчан тузум. Ҳаётчан ғоя.*

2 Ҳаёт билан боғланган, ҳаётдан олинган; халқчил. *Улар [масхарабозлар] ўзларининг ҳаётчан санъатлари билан меҳнаткашларга ёқимли ҳаяжон, дилни яйратадиган беғубор кулги, истиқболга ишонч бахш этиб келган.* М. Қодиров, Халқ томошаларида урф-одатлар.

ҲАЖ [a. حج — муқаддас жойларни зиёрат қилиш; Маккани. Каъбатуллони тавоф қилиш] Макка шаҳрига бориб, зулҳижжа ойида белгиланган тартиб-қоида ва одатларга амал қилган ҳолда, Каъбани тавоф ва зиёрат этиш. *Авлиёлардан биттаси уч мартаба ҳажга бориб келган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *— Ҳудо насиб қилса, ҳажга кетиб, гуноҳларимни ўша ёқда ювиб келаман! — деб ният қилди отам.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Ҳар йили минглаб ўзбекистонлик мусулмонлар ҳаж амалини адо этиб қайтишмоқда.* Газетадан.

ҲАЖВ [a. حجو — бировдан кулиш; масхара, мазах қилиш; сатира] Айрим шахс ёки ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олиб, масхаралаб айтилган (ёзилган) гап, жумла, байт, асар. *Аваз айрим мунофиқ, нодон кимсалар хусусида ҳажв айтди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам, лекин уни оғиздан оғизга ўтиб келган дилтортар ғазалларидан, кулдириб ичкакузар ҳажвларидан танийдиганлар кўп эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *У деворий газетанинг редколлегия аъзоси эди, прогучиликка қарши чиқарилаётган шошилинч сон учун уч-тўрт банд ҳажв ёзиб боришни штимос қилишди.* П. Қодиров, Уч илди.

Ҳажв қилмоқ Масхарали гап-сўз, байт ва ш.к. билан танқид остига олмоқ. *У Авазнинг тили заҳарлигини, бировни ҳажв қилишга усталигини билади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шоир «Мадҳий»нинг бўлса яна аҳволи мавлум: хонни мақташ, ўзига ёқмагани ҳажв қилиш, хотинбозлик, баччабозлик билан овора бир бетайин.* А. Қодирӣ, Мехроблан чаён.

ҲАЖВИЁТ [a. هجريات — ҳажвиялар, сатиралар] Ҳажвиялар, ҳажвлар, ҳажвий асарлар. *Бобур ҳажвиёти айрим кишилар характеридаги бахиллик, бадфеъллик, гийбатчилик каби салбий хислатларга ҳам қаратилган.* «ЎТА».

ҲАЖВИЙ [a. هجوى — кулгили, сатирик] Ҳажв йўли билан тасвирланган, ҳажв қилиб ёзилган. *Ҳажвий асар. Ҳажвий шеър.* ■ *Элмурод дастлабки пайтларда гапхўр улфатларга газета янгиликлари ва «Муштум» журналининг ҳажвий мақолаларини ўқиб бериш билан кифояланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Орзиқул. фермадаги ишни танқид қилиб, ҳажвий кўшиқ айтган, шундан бир оз кейин мудир вазифасидан четлаштирилганди.* О. Ҳусанов, Яхшиларга эргашдим.

ҲАЖВИЯ [a. هجويه — кулгили, сатирик асар] Ҳажв билан айтилган, ёзилган шеър ва ш.к. *Санъаткор, халқ ҳажвиясининг кулги, киноя, пичинг йўлларида фойдаланиб, персонажларнинг жонли нутқини образли халқ тили ёрдамида беради.* «ЎТА».

ҲАЖВЧИ Ҳажв қилувчи, ҳажвий асар ёзувчи. *Мавлоно Абдулвоси деган машхур ҳажвчи-латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳамманинг ичагини узди.* Ойбек, Навоий. *Форс-тожик адабиётининг классиги, машхур ҳажвчи адиб Убайд Зоконийнинг туғилганига 700 йил тўлди.* Газетадан.

ҲАЖВЧИЛИК Ҳажв, ҳажвий асар ёзиш иши, ижоднинг шундай соҳаси. [Азиз Абдураззоқ] *Фақат шеър ёзиб қолмай, насрий ҳажвчиликда ҳам кучини синамоқда.* «Муштум». *Мен биргина журналист бўлибгина қолмай, бу қозонда [газетачиликда] шоирлик, ҳажвчилик, ҳикоянависликда ҳам пиша бошладим.* С. Абдулла, Менинг дорилфунуним.

ҲАЖИҚИЗ сўк. Эркакларча иш тутмай-диган; хотинчалиш; кўрқоқ; номард. *— Мен қиморбозман, бойвачча ҳам қиморбоз. Агар бойвачча «ҳажқиқизман» деса, майли, молини олиб кетаверсин, — деди Эминоҳун.* Ҳ. Нурмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Мен қатори йигитлар қорга кўкрагини бериб, ўлим билан олишиб юрса-ю, мен иссиқ кўрпани десам, ҳажқиқиз бўлар эдим.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲАЖМ [a. حجم — миқдор, ўлчов, шакл] I Бирор жисмнинг бўй, эн ва баландлик жиҳатидан катта-кичиклиги; фазода эгаллаб турган ўрни (куб бирлиги билан ўл-

чанади). Бинонинг ҳажми. ■ Агар ҳажмини каттароқ қилсам, иморатга керакли ҳамма бўёқ ва сирларнинг харажатини кўтаради. А. Қаҳҳор, Сароб. Фазонинг геометрик жисм эгаллаб турган бўлагининг катталиги шу жисмнинг ҳажми деб аталади. «Геометрия».

2 Бирор идиш ёки бўшлиқнинг қанча нарса сиғдира олиши, ичининг катталиқ даражаси; ўлчам. Ёғ банканинг ҳажми. Кудуқнинг ҳажми. ■ Тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг чўчқайиши билан оғиз бўшлиғининг ҳажми ўзгариб, унли товушлар ўзига хос тус олади. «Ўзбек тили» дарслиги.

3 Кўчма Умуман, нарсанинг кўп-озлик даражаси, миқдори. Иш ҳажми. Мақоланинг ҳажми. ■ Текширишда қатнашган кишилар ғўза тупларининг сони, шохларининг миқдори, ҳосилнинг ҳажмини аниқлаб.. чиқдилар. И. Раҳим, Ихлос. Биз, қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан, унинг шаҳардаги софдил ҳаётига батафсил тўхтаб олмаймиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАЖМАН [a. حجاما — ҳажм жиҳатидан, ҳажмга кўра] Ҳажм жиҳатидан, катта-кичиклик ёки кўп-озлик нуқтаи назаридан. Ҳажман кичик жисм. Иш ҳажман кўп бўлса ҳам, анча енгил эди. ■ Кам куйдирилдиган гипсли боғловчи моддалардан фарқли ўлароқ, ангидрид цементи қотиш вақтида ҳажман кенгаймайди. «Фан ва турмуш».

ҲАЖМИЙ [a. حجبى — ҳажмга оид, ҳажман] Ҳажмга боғлиқ бўлган, ҳажмдан келиб чиқадиган. Ҳажмий анализ. ■ Ҳажмий оғирлик бир куб жисмнинг килограммлар ҳисобидаги оғирлигидир. «Физика».

ҲАЖМЛИ Ҳажмга эга. Катта ҳажмли бак. Кичик ҳажмли идиш. Юз минг тонна ҳажмли кема.

ҲАЖР [a. حجر — ташлаб кетиш, тарк этиш; айрилиқ, жудолик] Айрилиқ ҳолати; жудолик, ҳижрон. Ишқ давоси, авом ўйлаганча, васл эмас — ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сундирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир. А. Қодирий, Меҳроблан чаён. Тун билан йиғлабди булбул Ғунча ҳажри унинг яроғида. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ҲАЗ [a. حظ — бахт, омад; мўл-кўлчилик; ҳузур-ҳаловат; кайф-сафо; шодлик; роҳат, лаззат]: ҳаз этмоқ шв. Роҳатланмоқ, маза қилмоқ. Қизим, гаширинг [сабзинг] бўлса, па-

лов қила қол, ҳаз этиб бир еяли! С. Сиёев, Ёруғлик. Фазалнинг тозасидан йўқми? Билсанг, ўқи, ҳаз этайлик. С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАЗАР [a. حذر — эҳтиёткорлик, ҳушёрлик; эҳтиёт бўлиш, сақланиш] Ёқимсиз, ёмон шахс, нарса, хатти-ҳаракат ва ш.к. дан жирканиб, ўзини тийиш; тортиш, сақланиш. Кундошининг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан. Бундай одамдан, албатта, ҳазар керак. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қайин отангизга айтдим: ..ҳар ҳолда ёмондан ҳазар лозимдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳазар қилмоқ Жирканиш, ёқтирмаслик, ҳазар билан муносабатда бўлмоқ. Ҳаромдан ҳазар қилмоқ. ■ Тўғриси ҳам Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар бир қадамингиз одамларга кўришиб турибди. Энди сиздан ҳамма ҳазар қилади. Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар. Чунки халқ ёлғондан ҳазар қилади. Газетадан. Шаҳзода ундан [бойваччадан] чўчқадан ҳазар қилгандек ҳазар қилади. К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЗАРЛАНМОҚ кам кўлл. айн. ҳазар қилмоқ қ. ҳазар. ..хўроз, ит уриштиратурғон кўча чапанлари, боз-бозликка муккасидан кетган суюғоёқлар ҳам бу ярамас одалардан ҳазарланиб, аста-секин беза бошладилар. Газетадан.

ҲАЗИЛ [a. هزل — кулги, мазах қилиш, тегишиш, ҳазиллашиш] 1 Қизикчилик, эрмак учун. ўйнашиб қилинган хатти-ҳаракат ёки айтилган гап; жиддий, чин эмас. Ҳазилми, чинми? Ҳазилингни кўй! Сен ҳазилни кўтармас экансан. Ҳазил — ҳазилнинг тағи зил. Мақол. Курса — ҳазил, кўрмаса — чин. Матал. ■ Тантибойвачча Гуландомнинг сўзини [киноясини] ҳазил деб ўйлаган бўлса керак. Ойбек, Танланган асарлар. Ичкарида ҳамон куй янграр, Зойиржоннинг ҳазил гаплари, кувноқ қаҳқаҳа тинмасди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Худойберган хўжа ярим ҳазил, ярим чин гапириб, Авазни ўтирганларга таништирди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Баҳарилиши қийин бўлмаган; осон. Институтда ўқиш ҳазил деб ўйлайсанми? Шунча юкни кўтариш ҳазил эмас. ■ -Профессор бўлишининг ўзи ҳам ҳазил эмас, — деди Умид Равно билан Ҳафизага. Мирмуҳсин,

Умид. Уч-тўрт ой ичида участка қуриб олиш ҳазил иш эмас. Н. Сафаров, Оловли излар.

Ҳазил қилмоқ Ҳазил тарзидаги гап-сўз айтмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Эргаш болаларнинг бирининг елкасига уриб, бирининг бурнини чимчилаб, яна бирига.. бор, бурнингни ювиб ке, кирдан қорайиб кетибди, — деб ҳазил қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Нима бўлди жувонга? Эртадан кечгача кундошлари билан ўйнашди.. ҳазил қилади, қитиқлайди.. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

ҲАЗИЛАКАМ с.т. 1 Ҳазил йўли билан қилинган, ножиддий. *Раҳматли Уста Мўминга кечалари жангнома ўқитиб эшитганларимиз эсингиздами? Уша ҳазилакам урушлар тўғрисида лоф-қоф урилиб ёзилган жангномаларга шунчалар қизиқар эдик. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

2 Бажарилиши қийин бўлмаган, осон. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди. Ойбек, Танланган асарлар. Эндиги кураш ҳазилакам бўлмайди. Ҳ. Шамс, Душман. Бу образлар устидаги меҳнатларим ҳазилакам бўлмаган.. А. Юсупов, Чинор ва ниҳол.*

ҲАЗИЛАКАМИГА Сира қийналмасдан, осонликча. *Бу ишни ҳазилакамига қилиб қўяман. ■ Навқирон йигит эдим. Оғир кетмонларни ҳазилакамига урардим. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.*

ҲАЗИЛВОН айн. **ҳазилкаш**. *Табиати шўх, қувноқ, ашулачи, ҳазилвон бу қизнинг юрагида дарди бор эди. Ойбек, О.в. шабадалар. Почтаев «ҳи-ҳи, ҳи-ҳи»лаб, бўлиб-бўлиб, совуққина кулди. «Ҳазилвон экансиз», деб кўйди. А. Мухтор, Туғилиш. Қодиржон студентлик давридаги бу ошнас билан эски ҳазилвон бўлгани учун, дарров «ҳужумга» ўтди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

ҲАЗИЛВОНЛИК айн. **ҳазилкашлик**. *Маҳалладаги турли қизиқчиликлар ва ҳазилвонликларда Юсуфжонга тенг келадигани йўқ эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

ҲАЗИЛКАШ [а. + ф. *ھازلكش* — ҳазил қилувчи] Ҳазил қилишни яхши кўрадиган, бир-бири билан ҳазиллашадиган; ҳазилвон. *Ҳазилкаш йигит. ■ Жаббор ҳеч ўзгармаган, студентлик кезларида қандай бўлса — ушандай софдил, ҳазилкаш эди. О. Ёқубов, Учрашув. Бири биридан башанг, бири ик-*

кинчисидан дыкаш, ҳазилкаш, тегажак қувноқ одамлар. И. Раҳим, Тақдир. Бир куни ҳазилкаш оғайнлари: -Мўйлов, аслида раис бўладиган савлатинг бор-да. Ҳозир ҳам раисдан қаеринг кам, — деб теггишиди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳар кўчада, ҳар муқошда унинг турли табақага мансуб дўстлари.. ҳазилкашлари учрар эди. Ойбек, Навоий.

ҲАЗИЛКАШЛИК Ҳазилкашга хос гап-сўз, хатти-ҳаракат; ҳазилкаш бўлиш. *ҳазил қилиш. Воси ака кулгисини босолмай, ҳазилкашлик билан деди: -Ўзинг яна битта қиз туғиб бер. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. -Нақ жаннатнинг эшиги олдига бориб қолган эдинг, укам, — деди Қудрат ҳазилкашлик қилиб. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Ҳазилкашликда бошқалардан ўзарди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ҲАЗИЛЛАМОҚ шв. Ҳазиллашмоқ. *Болам, сени ҳазиллаб айтди десам, чини билан сенга бир гап бўлган экан. «Ёдгор».*

ҲАЗИЛЛАШМОҚ 1 Ҳазил тарзидаги гап-сўз айтмоқ, бирор иш, хатти-ҳаракат қилмоқ; ҳазил қилмоқ. *Хафа бўлма, аскияни яхши кўради, мен келган вақтларимдаям ҳазиллашавериб, қулоқ-миямни еганди хумпар. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. Саодатхон ҳам бу қизни бугунгина кўрганлигини ўйламас, ҳазиллашар, кулар эди. С. Зуннунова. Янги директор. Мен билан ҳазиллашсанг майли-ю, бироқ капитан билан ҳазиллаша кўрма. О. Ёқубов, Излайман.*

2 Бирор шахс ёки нарса билан ҳисоблашмаган ҳолда, нописанд, менсимай муносабатда, муомалада бўлмоқ; ўйнашмоқ. *Сиз касалсиз, ахир, тушунинг, гипертония билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. -Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит, — деди ниҳоят пўнғиллаб бой, — ахир, амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?! Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲАЗИЛНАМО [а. + ф. *ھازلناما* — ҳазил тарзида, ҳазилсимон] айн. **ҳазиломуз**. *Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазилнамо гап ташлашарди. П. Қодиров, Уч илдиш.*

ҲАЗИЛОМУЗ [а. + ф. *ھازلاميز* — ҳазилга ўхшаш, ҳазиллашиб] Ҳазилга ўхшаш, ҳазил аралаш, ножиддий. *Зиёдахон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди: -Унақа*

одам эмаслигингизни ҳали ўзлари ҳам билмайдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАЗИЛСИМОН кам қўлл. айн. ҳазиломуз. *Ҳазилсимон гап.* ■ *Тантибойвачча уни ҳазилсимон койиб, кейин Йўлчиға сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЗИН [а. *حزين* — қайгули, ғамгин, мунгли] Ғам-қайғу ифодали; мунгли, эзгин. *Юракни зир титратадиган бу ҳазин кўшиқ тобора авжга чиқиб, султоннинг юрагига ғулув солмоқда эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Хонани ҳазин ёқимли «Чўли ироқ» куйи ўз сеҳрига олди.* Л. Тожиева, Мехрим сизга, одамлар. *Зумраднинг ҳазин овози юракни қиймаларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҲАЗИНИЯТ [а. *حزینیت* — ҳазинлик, ғамгинлик] эск. кт. Ғам-қайғули ҳолат; ҳазинлик, мунг. *Юлдуз йўқ, чироқ йўқ, фақат қандайдир, киши кўнглини таталовчи ҳазиният кезади.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАЗИНЛИК Ҳазин ҳолат, ҳазин ифода. *Унинг овозида алақандай ички изтироб, ҳазинлик бор эди.* С. Кароматов, *Бир томчи қон.* *Негадир қайта-қайта Даврон ака эсимга тушиб, дилмни қандайдир ҳазинлик чулғаб олади.* О. Ёқубов, Излайман.

ҲАЗИР [а. *حاضر* — эҳтиёткор; хушёр; эҳтиёткорлик билан иш тутадиган]: **ҳазир бўлмоқ** с.т. Эҳтиёт бўлмоқ, ўзини сақламоқ. *Иннайкейин, ҳазир бўлинглар: қақир ерларга жон кирганда, тагин Тешабой илиб кетмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баҳор ойлари тут пишганда, мен устига чиқиб қоқардим.* *Пастда бўлса: -Ҳой, болам, ҳазир бул! Кўзингга қара! — дейишиб, ойим билан дадам чодир тутиб туришарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАЗМ [а. *حزم* — ўзлаштириш, сингдириш (овқатни, дарсни); овқатнинг сингиши] 1 Таомнинг ошқозонда сингиши, организмда ўзлаштирилиши. *Ҳазм бўлмайди-ган овқат.* ■ *Ёз кунлари тагидан рангбаранг майда тошлар кўриниб турган сойдан бир ҳовуч сув олиб ичсангиз, танангиз яйраб, еган овқатингиз ҳазм бўлиб кетади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 кўчама Таъби кўтариш имконияти, қобилияти. *Биз ўзимизни ичкарига олгач, дарвозабон ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга дўнғиллайди-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳазм қилмоқ 1) сингдирмоқ (таом ҳақида). *Мен кечки овқатни сизлардан сал барвақтроқ қиламан, негаки кексароқман, бўлмаса — ҳазм қилолмайман.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Шу меъдангиз бўлса, тошни ҳам ҳазм қилиб юборсангиз кераг-ов.* Ҳ. Шайхов, Характеристика; 2) кўчама бирор кўнғилсиз ҳодиса ёки муомалага бардош бермоқ, чидамоқ. *Фармонов болаларнинг ишидан мамнун бўлса ҳам, муомалаларини ҳазм қилолмасди.* А. Мухтор, Чинор; 3) кўчама мияга сингдириб олмоқ; уқмоқ, ўзлаштирмоқ. *Дарсни ҳазм қилмоқ.* ■ [Султонмурод] *Хужрага қамалиб, кеча-кундуз китоб мутулаа қилади. Ўнлаб китобни ҳазм қилгандан сўнг, яна ўз ишқининг аламли, туганмас достонига берилади.* Ойбек, Навоий; 4) моҳиятига тушунмоқ, англаб етмоқ. [Мирҳосин] *Кейинги вақтларда халқ ҳаётида юз берган ўзгартишларни ҳазм қила олмай: «Мен ўзгардимми, ёки замон ўзгардимми?» деб юрибди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан; 5) кўчама ўзиники қилиб, ўмариб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. *Халилов «9021 килограмм маккажўхори олинди», деб қалбаки акт тузади, бунинг эвазига 1804 сўмни ҳазм қилади.* Газетадан.

Ҳазми таом Овқатни ҳазм қилиш учун ёрдам берадиган нарса. *Баъзи одамлар ичкилик иштаҳани очади, ҳазми таом.. фойдаси зўр, дейдилар.* «Муштум».

ҲАЗМЛАМОҚ кам қўлл. Ҳазм қилмоқ (қ. ҳазм). *Ялпиз.. ошқозонни мустаҳкамлайди.. таом ҳазмлашни яхшилайди..* К. Маҳмудов, Кўкда гап кўп.

ҲАЗМЛИ Тез, осон ҳазм бўладиган. *Ҳазмли таом.* ■ *Агар унга [хўроз шўрвага] зира, оқ пиёздан солиб юборилса, яна ҳам хушхўр ва енгил ҳазмли бўлади.* «Муштум».

ҲАЗОР [ф. *هزار* — минг] эск. кт. Минг (одатда ўзбек тилида санок сон маъносига эмас, балки сон-саноксиз, жуда кўп, гоёят, бениҳоят, чексиз каби маъноларни ифодалаш учун қўлланади). *Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси — Минг қарра минг тонна, ҳазор бор ҳазор.* Ф. Фулом.

ҲАЗОР-БАҲАЗОР [ф. *هزاربهار* — минг-минглаб] Минг-минг, мингларча; жуда ҳам, беҳад кўп. [Имом домла:] *Бажонудил ўқир эдик, ҳазор-баҳазор афеуски, ойнак хужрада қолибдур.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАЗОРОН [ф. هزاران — минглар, кўп минг] эск. кт. Минглар, минг-минг, беҳисоб. *Нечук худо ярақади, тақсирлар? Ғариб хонамизни муборак қадамларингиз билан мунаввар этганларингиз учун ҳазорон раҳмат!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҲАЗРАТ [а. حضرت — жаноб, ҳурматли] **1** дин. Оллоҳ, пайғамбар каби муқаддас зотларни, шунингдек, дин арбобларини улуғлаш учун уларнинг исми олдида қўлланади; кимсанинг мартаба, вазифасини билдирувчи сўз билан ёки ўзи алоҳида ҳам қўлланади, мас., *Ҳазрати Одам.* ■ *Ҳазрат Алининг дулдўлини ҳеч бир от қувиб етган эмас — китобларда шундай ёзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Зехни ўтқир, тили бурро Ҳафиза болам анча қийналди. Исириқ солиб, ҳазрат Баҳоваддинга ўн битта кулча атаб кўй, болам, — деди кампир.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳазрати эшоннинг хизматларига бел боғлаб, шу ерларда муридларга бош бўлиб, бундой эктирди.* С. Аҳмад, Қадрлон далалар. *Муборак бўлсин, улуғ ҳазратим! Садриддин аълам жишмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Подшоҳ, хон, бек каби олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун «жаноб олийлари» маъносида ишлатилади. *Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари. Бек ҳазратлари. Подшоҳ ҳазратлари.* ■ *Қамчиси кўкда товляниб, ханжари заҳар сочган хон ҳазратнинг буйруғига ким қарши бора олсин?* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *-Амир ҳазратлари саломатмилар? — ташвишланиб сўради бой.* Ҳ. Гулом, Машъал.

3 Илм-фан, санъатда шуҳрат қозонган буюк кишиларни улуғлаш учун ва умуман ҳурматни ифодалаш учун тахаллус ёки номларга кўшиб ишлатилади. *Навоий ҳазратлари. Ҳазрати Жомий.* ■ *Меъмор ҳазратларининг ҳовилиари шу эди-а?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳазрат мударрис хайрлашган жойида яна тўхтаб, томоқ қириб олди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҲАЙ унд.с. **1** Кимсанинг диққатини ўзига жалб этиш, чақиринишни билдиради; эй. *Ҳай, эшик тақилляпти, қара. Ҳай бола, қаёққа кетяпсан?* ■ *Мулла Норқўзи дарғаб бўлиб, ўрнидан турди ва эшик олдига бориб, бор товуши билан бақирди: -Ҳай хотин, дейман, қандоқ беҳаёсан!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Эътиборни тортиш, огоҳлантиришни билдиради; эй. *Ҳай, бу гапни унга айта кўрма. Ҳай, электр симига тегиб кетма.* ■ *У, уйнинг зинасига энди қадам қўйганда, похол ғарами остидан чиққан бир кампир: -Ҳай, болам, немис бор! — деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Бўлган ёки ўтган ишдан розиликни, эътирозсизликни ёки унга эътибор бермасликни, «шундай бўлса бўлибди» маъносини билдиради. *Ҳай, ўтган ишга салавот. Ҳай, бўлар иш бўлди, энди бу томонига эҳтиёт бўл.* ■ *Ҳай, майли, ишқилиб сени топарман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қалъага сизмай, бу ерга келибсан, ҳай, мен рози.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Шайтонга ҳай бермоқ қ. шайтон 11.

ҲАЙБАРАКАЛЛА [< ҳай + баракалла] Асоссиз, ўринсиз, қуруқ мақтов; шундай мақтов билан руҳлантириш, қизиқтириш. *Атрофингиздаги тўрт-беш лаганбардорнинг ҳайбаракалласига учиб, ўзингизни йўқотиб қўйдингиз.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Бу даврда илгариги ҳайбаракалла билан иш битмайди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ Асоссиз, ўринсиз, қуруқ мақтовлар айтувчи, шу тарзда қўллаб-қувватловчи шахс. *Мен сизга айтсам, ука, ўзимиз ҳам анча ҳайбаракаллачи бўлиб қолибмиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳошим уни [Ғулумни] ўз ҳайбаракаллачилари сафига ҳеч тортолмади. Ғулум ака бошқача тоифа одам экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК Ҳайбаракаллачига хос иш тутиш, амалий ишдан кўра қуруқ мақтов, қўллаб-қувватлашга берилиш. *Қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари ҳайбаракаллачиликдан амалий ишга ўтишлари керак.* Газетадан. *Тошматовнинг баъзи хатти-ҳаракати, ҳайбаракаллачилиги нима мақсадга қаратилганлиги устида жиддийроқ ўйлашга мажбур қилиб қўйди мени..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАЙБАТ [а. Ҳейбат — қўрқув, ваҳима, даҳшат; қадр-қиммат; ҳурмат, эътибор, обрў, нуфуз] **1** Улуғвор кўриниш; важоҳат, салобат. *Баъзида тоғлар ҳайбати, денгизлар тўлқинига қараб, бу мўъжиза олдидан беихтиёр ичимиздан хўрсиниқ келади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. [Очил бува] *Чинортоғ этагида ҳайбат билан қорайиб турган чинорга узоқдан тикилиб, тонг оттирди.* А. Мух-

тор, Чинор. *Мозористон ҳайбати, мозористон сукунати уни ғамгин ўйлар гирдобига ботиради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўчма Ваҳимали ҳис-туйғу, шундай ҳис-туйғу уйғотувчи нарса, ҳолат; ваҳм. *Аҳмадбек минди тарлоннинг белига, Ҳайбат билан қаради соғу сўлига.* «Ойсулув». *Аждарҳо домига Шакар кетади, Аждарҳо ҳайбати шундай бўлади.* «Ширин билан Шакар».

Ҳайбат қилмоқ шв. Ваҳм солмоқ. *Эркак таҳдидли товуш билан аёлга ҳайбат қиларди:* - *Мен сенга айтаянман, овозингни чиқара кўрма, секин олдимага туш.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *Йўлбарс каби жойдан турсанг кўзғалиб, Ҳар тарафга ҳайбат қилсанг на бўлди?* «Нурали».

ҲАЙБАТЛИ 1 Улуғвор кўринишли, салобатли, баҳайбат. *Ҳайбатли баланд тоғлар ой ёғдусини ҳам ютиб юборгудек қорайиб, ваҳм соларди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Яссанин мақбарасини Темир Кўрагон бино қилдирган, кўп ҳайбатли, муҳташам мақбара.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ичкарида тасаввурига сиғмайдиган ҳайбатли нарса пойлаб тургандай бўларди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

2 кўчма Ваҳимали, даҳшатли. *Жанг бўлади кўп ҳайбатли, Ёв ғаламис, қув, шиддатли.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Фронтнинг унча ҳам катта бўлмаган бир участкасига тўпланган мингларча замбарак гумбуралишидан ҳайбатли бир гувуллаш ҳосил бўлдики..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲАЙВОН [а. حيوان — тирик нарса, ҳар бир тирик жон] I зоол. Ҳаракат қилиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир тирик мавжудот; жонивор. *Умуртқали ҳайвон.* *Сутэмизувчи ҳайвонлар.* *Судралувчи ҳайвонлар.* *Ваҳший ҳайвонлар.* *Уй ҳайвонлари.*

2 Инсондан бошқа ҳар қандай жонивор. *Ўргатилган ҳайвонлар.* *Ҳайвонот боғида ҳайвонларнинг турлари ҳам, сони ҳам кўп.* ■ *Олимовнинг ҳикояси болаларнинг зеҳнида шундай таассурот қолдирди: иссиқ билан совуқ, қор билан ёмғир, сув билан ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар — буларнинг ҳаммаси табиатдаги қазिश, ўйиш, емириш кучлари ҳисобланар экан..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Иш ҳайвони Миниш, юк ташиш, ер ҳайдаш учун фойдаланиладиган тўрт оёқли жонивор; от-улов. *Қулоқларнинг от-уловлари,*

иш ҳайвонлари бугун-эрта колхоз ҳисобига ўтиши керак. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Одати, қилиғи, хатти-ҳаракати ва ш.к. жиҳатдан ҳайвонга ўхшашликни, ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Одамнинг ҳайвони киши ҳақидан кўрқмайди, киши молига кўз олайтиради.* Ойбек, Танланган асарлар. - *Шунча йилдан буён мен унинг бунақа қилиқлари борлигини билмас эканман.* *Ҳайвоннинг ўзгинаси экан-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор. - *Вой ҳайвонлар-ей! Тфу!* — *деди-ю, шартта бурилиб чиқиб кетди.* С. Сиёев. *Отлиқ аёл. Илгари «оз-моз» ичиб, сўнг бўлди ҳайвон оқибат.* Ҳ. Нурий.

Оби ҳайвон Ўликни тирилтирадиган сув, тириклик суви (эртақларда). **Ҳайвони нотик** эск. Инсон, одам.

ҲАЙВОНЗОТ [ҳайвон + зот] Ҳайвон боласи, ҳайвон насли, ҳайвон. *Жабр қилди ҳайвонзотнинг жонига, Қирқ бир қамчи урди отнинг сонига.* «Рустамхон». *Ёдгор бу чинорнинг остига борди, ҳар тарафга қаради: на одамзод ё бир ваҳший ҳайвонзот — ҳеч нарса кўрмади.* «Ёлгор».

ҲАЙВОНИЙ [а. حیوانی — ҳайвонларга, махлуқотга оид] Ҳайвонларга хос; шаҳвоний. *Чиндан ҳам бу жасуруна исён хотинқизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кейин маймун ҳайвоний ғазаб ичида атрофга аланглаётиб, деразадан эгасининг даҳшат босган чеҳрасига кўзи тушиб қолди.* «Фан ва турмуш».

ҲАЙВОНЛАШМОҚ Инсоний фазилатларни йўқотмоқ, ваҳшийлашмоқ. *Муродхўжа домла:* - *Қишлоқ халқи ҳайвонлашиб кетаёттир, кўргани тоқатим йўқ, — деб юрган одам.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАЙВОНЛИК Ҳайвонга хос одат, қилиқ, хатти-ҳаракат. *Бари бир ҳайвон ҳайвонлигини қилди, яъни маъради.* «Гулдаста».

ҲАЙВОНОТ [а. حیوانات — «ҳайвон» с. кўпл.] Тирик мавжудотлар, ҳайвонлар олами; ҳайвонлар. *Поччам билан аммам бу гул, бу ҳайвонотларнинг ҳар биттасини нури дийдаларидай парвариш қиладилар.* Ф. Фулом, Шум бола. *Университетнинг учинчи курсида ўқир, мақсади ҳайвонот дунёсини ўрганиш, шу соҳада илмий иш олиб бориш экан.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳайвонот мойларидан тайёрланган ёғ маҳсулотлари ҳам яхши доғлашни талаб қилади.* Газетадан.

ХАЙДАЛМА: хайдалма қатлам қ.х. Экин майдонининг хайдаб юмшатиладиган устки қатлами. *Чуқур ковлашда, хайдалма қатламдан чиққан ва озик моддаларга бой бўлган тупроқ чуқурларнинг бир томонига.. ташланади.* Р. Мусамухамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

ХАЙДАМОҚ 1 Бирор томонга қараб юришга қистамоқ; боришга мажбур қилмоқ; йўлламоқ. *Ўн бир кишини банди қилиб, қўларини чилвир билан боғлатди-да, олдига солиб хайдаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Йиғитали подани ўтган ҳафта ўтлаган ерига — сой бўйига хайдади.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Узоқда чироқ милтиллаб кўринди.. Отни тўғри ўша томонга хайдади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 кўчма Бирор томонга юритмоқ, йўналтирмоқ, йўналишини бурмоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Кўтармалик билан ишинг бўлмасин! Сувни Соғариққа хайдаб, Оқсоқолнинг қулоғидан хабар ол.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Катталар ҳўп деса, тоғни тешиб, Тожиксойни хайдаб келамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Мавжуд жойидан, маълум макондан кетказмоқ, кетишга мажбур қилмоқ. *Ўша, Муқаддам хайдаб юборганидан бери бу уйга қадам босишга ҳақи йўқлигини биларди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўқ.. қайси диёнатли ота.. қўй оғзидан чўп олмаган ўғлини «оқ» қилиб, даргоҳидан хайдар экан?! К. Яшин, Ҳамза. Ўртоқлари олдидан ялиниб борган экан, хайдашибди-ку..* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

4 кўчма Йўқ қилмоқ; кетказмоқ. *Дилингиздаги васаасаларни хайданг.* К. Яшин, Ҳамза. *Экинзорларда бўладиган тонгги бир тароват.. муздек шабада.. — барчаси Авазининг кўнглидан мужмағил, оғир туш асоратини хайдагандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Кек сақламас, дилхиралигини хайдаб, ўзини идора эта олар эди.* С. Сиёев, Аваз.

5 Иш, мансаб ва ш.к. дан четлатмоқ, маҳрум қилмоқ; қувмоқ, кетказмоқ. *..ўшаларнинг ёрдами билан қамалмай қолибдилар-у, фақат ишдан хайдалибдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Николай тахтдан хайдалиб, инқилоб бўлган кун олти яшар гўдак эканман.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Билса, институтдан хайдайди.* «Гулдаста».

6 Транспорт воситасини миниб, юргизиб, бошқариб бормоқ. *Отам арава хайдар эди. Акам машина хайдайди.* ■ *У дўконларга газлама ташиди, извош хайдади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бирон кор-ҳол бўлмасин, деб моторга ўт бериб, жадал хайдаб кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

7 Ерни махсус асбоб (плуг, омов, сўқа каби) тиши билан тилиб, ёриб, ўйиб юмшатмоқ. *Ерни трактор билан хайдамоқ. Ер хайдасанг, куз хайда, куз хайдамасанг, юз хайда.* Мақол. ■ *Тушдан кейин уйга келиб, буғдой ўраман.. арпадан бўшаган ерни хайдаб, мола босаман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 ким. Иситиш ёки қайнатиш йўли билан таркибий қисмларга ажратмоқ; шу йўл билан бирор нарса ажратиб олмоқ. *Спирт хайдамоқ.*

ХАЙДАР [а. حيدر — шер; Ҳазрат Алининг сифатларидан бири] **1** Икки чаккадан кўйилган кокил. *Боққа кирсам, тонг шамоли Хайдаримни ёзади. Уйга кирсам, ғариб онам Юрагимни эзади.* «Кўшиқлар».

2 айн. хайдар кокил. *Орқам тўла хайдарим, Ҳар жойда харидорим.* «Оқ олма, қизил олма».

Хайдар кокил Умуман, чиройли қилиб ўрилган соч, кокиллар. *Хайдар кокилинг узун, Ювиб тарагин, ёрим.* «Кўшиқлар». *Қирқта хайдар кокилим, Райҳон қўшиб тарайман.* «Кўшиқлар».

3 Хайдар (эркаклар исми).

ХАЙДАРКОКИЛ Ўрдакларнинг бир тури (бошида қора патдан иборат кокили бўлади).

ХАЙДОВЧИ 1 Хайдамоқ фл. сфдш. *Автомашина хайдовчи. Ер хайдовчи. Извош хайдовчи. Пода хайдовчи.* ■ *Нафсиламбирда, бизга ўхшаш отбоқарга, ер хайдовчига қийин, жуда қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ш.к. ларни бошқарувчи киши. *Пиёда, худди транспорт хайдовчиси каби, йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.* Газетадан. *Хайдовчи ҳам ўз шаънига айтилаётган мақтов ва тилакларни эшитгандек.. тағин шитоб билан тормоз босади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 «Бешкўтарар» ўйинида рақиб томонига жўнатилган жуфт қарталарнинг устига қўшиб бериладиган яна битта қарта. *Икки ўн-*

лик ва икки саккизликка бир еттиликни ҳайдовчи қилмоқ.

ҲАЙДОВЧИЛИК Ҳайдовчи касби, иши. Унинг [шофёрнинг] ҳайдовчиликни улуғлаётганига йигирма йилдан ошди. Газеталан.

ҲАЙЁ-ҲАЙ: ҳайё-ҳай деб (ёки дея) Йўлга, сафарга астойдил жазм қилиб, зўр қатъият билан. *Мамаюсуф Кўкқашқани чоқ қилиб. Гулнозни мингаштириб, дарвозадан ҳайё-ҳай дея, чиқди-да кетди.* Т. Сулаймон, Интизор.

ҲАЙЁ-ҲУ: ҳайё-ҳу деб (ёки дея) айн. ҳайё-ҳай деб (ёки дея) қ. ҳайё-ҳай. *Этак турмушлаб, ёнбошимга бир муштлаб, ҳайё-ҳу деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЙЁ-ҲУЙТ унд. с. Ғалла экинларини қушлардан қўриқлашда ишлатилади. *Чумчуқ, чумчуқ, шўр чумчуқ, Ҳайё-ҳуйт! Ҳайё-ҳуйт!* Э. Шукур, Ҳамал айвони.

ҲАЙЗ [а. حیض — менструация, ой кўриш] Балоғат ёшидаги қизларда ва бола туғиш ёшидаги аёлларда ҳар 21-30 (кўпинча 28) кунда содир бўладиган биологик жараён; ой кўриш.

ҲАЙИНЧАК шв. Учиб ўйнаш учун баланд ёғочга, кўпинча дарахт шохига осиб, учлари қўшиб боғланган узун арқон ёки арғамчи; арғимчоқ. *Ҳасан овчининг қўшинисиникида қизлар ҳайинчак учишмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Узун-узун арғамчи Ҳайинчакка, ёр-ёр.* «Кўшиқлар».

ҲАЙИНЧАЛАК айн. ҳайинчак.

ҲАЙИТ [а. عيد — байрам, тантана] 1 дин. Йилда икки марта: рамазон тамом бўлгач уч кун ва қурбон ойида уч кун бўлиб ўтадиган диний байрам. Тўй тегишлиники, ҳайит барчаники. Мақол. ■ *Илғари ҳайит кунлари Кўмирсаройда қўғирчоқбозлик, «чодирхаёл» бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳайитдаги.. маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари — арафа кунни ош улашиш, янги кийим кийиш, ҳайитлик бериш, сайл қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳоказо ҳам қўшилиб кетган.* «ЎЗМЭ».

Катта ҳайит ёки қурбон ҳайити Ҳижрий зулҳижжа ойи, яъни қурбон ойининг ўнинчи куни бўладиган диний байрам. *Катта ҳайит бўлса — ўтган, кичигига ҳали анча бор.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади.* П. Турсун,

Ўқитувчи. **Кичик ҳайит ёки рўза ҳайити** Ҳижрий рамазон ойи тугаши билан эртасига, яъни шаввол ойининг биринчи куни бўладиган диний байрам. *Бунинг устига кичик ҳайитнинг баҳор фаслига тўғри келгани нур устига аъло нур бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 этн. Вафотига йил тўлмаган кишини ҳайит кунлари йўқлаб аза тутиш, эслаш маросими; маърака. *Онасининг ҳайити яқинлашган кунлар эди. Ҳадемай акасининг ҳайити ҳам келади.*

3 кўчма Бирор муваффақият, ғалаба муносабати билан бўладиган умумий шодлик, байрам. *Пахта планимиз бажарилган кунни сизу бизга ҳайит-да! ■ — Эчкига жон қайғуси, қассобга мой қайғуси. Мен нима ғамда-ю, сизга ҳайит экан-да? — деди Акмал Қудратга.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

4 Ҳайит (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲАЙИТЛАМОҚ с.т. Ҳайит байрамини нишонламоқ, ҳайит кунлари сайр қилмоқ. *Ярашсин деб, қора холлар қўйилган, Кўчаларда ҳайитлаган ким бўлди?* «Равшан».

ҲАЙИТЛАШМОҚ Ҳайитламоқ фл. бирг. н. *Ёз пайти поччамнинг ўртоқлари қовун сайилга чақирган. Бир тарафдан ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЙИТЛИК Кимсага ҳайит муносабати билан қилинадиган совға (пул, кийим-кечак ва ш.к.) *Шодлик қўшиғи босди саодат кўчасини, Гудаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини.* Ғ. Ғулом. *Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўғул эгарча билан ғалати қилиб тойчамни эгарладим.* А. Қодирий, Улоқда. *Низомжон, аясидан ҳайитлик олган боладек диканглаб, кунни кеч қилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кейин расталарни айланиб, уйга ҳайитлик олдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЙИТ-МАЪРАКА айн. ҳайит 2. - *Мунча тез? Ойимнинг ҳайит-маъракаси ўтмасдан-а! — Ҳакимбойвачча қўлини силкиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЙИТЧИЛИК Бирор нарсанинг сабаби ҳайит билан боғлиқ эканини билдиради. *..сира овора бўлманг, уйда иш кўп. Ўзингиз биласиз, ҳайитчилик, келди-кетди дегандек..* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЙИҚИШМОҚ Ҳайиқмоқ фл. бирг. н. *Болалар отасидан ҳайиқишади. ■ Унинг ян-*

ги усул мактабига дастлаб болалар жуда кам келди. Тўғрироғи, ота-оналари «қандай бўлар экан?» деб болаларини беришга ҳайиқишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАЙИҚМОҚ I Бирор иш-ҳаракат қилишга чўчимоқ; кўрқмоқ, ботина олмаслик. Қобил Комиловнинг юраги орзиқди. Миясида туғилган турли фикрларга чуқуროқ маъно беришдан ҳайиқди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Ҳамма жойда оқни — оқ, қорани — қора, деб айтишдан ҳеч ҳайиқмаслик керак. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Довдирроқмикан? Ундай деса, фан номзоди, унча-мунча олимлар қўл уришга ҳайиқадиган муаммолар устида ишлаётган экан. С. Нуров, Нарвон.

2 Бирор хатти-ҳаракат, муомала ва ш.к. да кимдандир, нимадандир чўчимоқ, у билан ҳисоблашмоқ. Дадасидан бир оз ҳайиқадди. С. Зуннунова, Янги директор. ..бу ҳақиқатгўй йигитнинг теварак-атрофдаги қишлоқ ва овулларда обрўйи катта экан, ундан кўплар ҳайиқар экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Пошша хола.. охир-оқибатда ўз обрўйига нутур етиб қолишидан ҳайиқарди. Д. Нурий, Осмон устунни. У хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. Ундан раис ҳам ҳайиқарди. С. Аҳмад, Уфқ.

ҲАЙКАЛ [а. *هیکل* — жуда улкан, катта; ибодатхона, улкан бино] **1** Киши ёки ҳайвон гавдасининг гипс, тош, металл, ёғоч ва ш.к. қаттиқ материаллардан йўниб, ўйиб ясалган тасвири. *Навоий ҳайкали.* ■ *Чиройли гиламлар, турли ҳайкаллар, жилдли креслолар.. билан безатилган кабинетдан сира-сиро айрилгилари йўқдай.* «Муштум».

2 Бирор шахс ёки воқеа хотирасини абадийлаштириш учун ясалган архитектура ва ҳайкалтарошлик иншооти; ёдгорлик. *Уруш қурбонларига ўрнатилган ҳайкал.* ■ *Ўзбек халқи ўзининг биринчи ва тўнғич президенти Йўлдош ака Охунбобоевга ҳайкал ўрнатиш маросимини ўтказмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Балки ерга ризқ-рўз уруғини қадаган биринчи деҳқон шарафига рамзий ҳайкал қўйилар.* «Ўзбекистон кўриқлари».

3 кўчма Умуман, шахс хотирасини абадийлаштириш учун хизмат қиладиган нарса. Ҳ. Олимжон барҳаёт вақтида ҳам ўзи учун ҳайкал ярата олди. Н. Сафаров, Оловли излар.

4 фольк. Аёллар бўйинга осиб, кўкракка ташлаб оладиган, олтин ёки кумушдан ишланган безак буюми (зебигардоннинг қадимги тури). *Ойимлар ўтирар ҳайкалин осиб, Мушку анбар ҳиди ҳар ённи босиб.* «Равшан». У [Зулфизар] тилла ҳайкалларини осиб.. оёғининг учи билан босиб, кўрганнинг дилини кесиб, боққа равона бўлди. «Зулфизар билан Авазхон».

ҲАЙКАЛАК: *нафси ҳайкалак отмоқ шв. айн. нафси ҳакалак отмоқ, қ. ҳакалак.* Шундан кейин нафси баттар ҳайкалак отиб, қўл остидаги ишчиларнинг маошига ҳам арра сола бошлади. «Муштум».

ҲАЙКАЛЛАШМОҚ фольк. Бир-бирининг қўлидан, белидан ушлаб ёки бўйнига қўл солишиб юрмоқ, тизилмоқ. *Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар ҳайкаллашиб.. тўп-тўп бўлиб.. юрибди.* «Равшан».

ҲАЙКАЛТАРОШ [а. + ф. *هیکل تراش* — ҳайкал йўнувчи, ясовчи] Тош, бронза, ёғоч, гипс ва ш.к. лардан йўниш, ўйиш, қуйиш йўли билан ҳайкал ясовчи санъаткор уста. *Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кўргазма залининг экспозицияларида кекса ҳайкалтарошнинг асарларини кўриш мумкин.* Газетадан.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК Ҳайкалтарош касби, иши. *Маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган бу кўргазмада ҳайкалтарошлик санъатининг турли жанрларидаги асарлар намойиш қилинмоқда.* Газетадан.

ҲАЙКАЛЧИ с.т. Ҳайкалтарош.

ҲАЙРАТ [а. *حیرت* — ҳайронлик, тонг қолиш; довдираб, гангиб қолиш] Кучли даражадаги таажжуб, ҳайронлик. *Устанинг санъатидан ҳайратда бўлган одамлар битта танбурдан ҳам шунчалик овоз.. чиқишига тасанно айтишарди.* Мирмуҳсин, Созанда. *Нақиларга тикилиб қарайман бир-бир, Фикримда ҳаяжон, ҳайрат, тасанно.* Ҳ. Расул, Бахт нашидаси. *Ҳаётнинг энг оддий жисмларидан то энг мураккаб мавжудотларигача — ҳаммаси унга ҳайрат бағишларди.* Газетадан.

Ҳайрат бармоғини тишламоқ Ниҳоят даражада ҳайрон бўлмоқ; ҳайратда қолмоқ. *Хон олдига у ҳамшиша оқ йўрғасини миниб борарди. Бу отни кўрганлар ҳайрат бармо-*

гини тишлаб қолар ва ичида «баайни дулдул», деб кўярди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ХАЙРАТАНГИЗ [а. + ф. *حیرتانگیز* – ҳайрат кўзғовчи, ҳайрат ифодали] кам қўлл. айн. **ҳайратомуз**. У гулнинг нозиккина бармоқлар билан тўсилаётганини кўриб, қизчага ҳайратангиз қаради. Н. Қиличев, Ёронгул.

ХАЙРАТБАХШ [а. + ф. *حیرتبخش* – ҳайрат бағишловчи, ҳайрон қолдирувчи] кам қўлл. айн. **ҳайратомуз** I. Ҳайратбахш бир ғайрат билан ишламоқ. ■ Ўрмонсиз диёрнинг ўғиллари учун сон-саноксиз дарахтлар манзараси, айниқса, мароқли, гўзал, ҳайратбахш туйилди. Ойбек, Кўёш қораймас.

ХАЙРАТЛАНМОҚ Кучли даражада ҳайрон бўлмоқ, ҳайратга тушмоқ. Қиз оҳиста қўлини бўшатди ва қоронғи кечада келган меҳмонга ҳайратланиб қараб кўйди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Йулчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади. Ойбек, Танланган асарлар.

ХАЙРАТЛИ Ҳайрат, таажжуб ифодали. Раис сергакланиб, менга ҳайратли кўз ташлади. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ХАЙРАТОМУЗ [а. + ф. *حیرتآموز* – ҳайрат ифодали, ҳайрон қилувчи] I Кишини ҳайратга соладиган, ҳайрон қолдирадиган, таажжублантирадиган. Навқарларнинг ҳайратомуз ҳозиржавоблигига Қурбон қойил қолди. Ш. Холмирозев, Қил кўприк. Бола хотирасининг ҳайратомуз ўсаётгани катта-кичикни тонг қолдира бошлади. Газетадан. Уста Шириқларнинг меъморчилик санъати ўз гўзаллиги билан ҳайратомуздир. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳайрат ифодали, ҳайратли ҳолда. - Кўп шаҳарларни билар экансиз, – деди Меъмор ҳайратомуз. Мирмуҳсин, Меъмор. Вали табиат қўли билан ясалган ҳайкалга ҳайратомуз тикилди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ХАЙРОН [а. *حیران* – тонг қолган, маҳлиё; гангиб, довдираб қолган] Моҳият-сабабига тушунмай, англаб етмай қизиқсинган, ажабланган ҳолатли; шундай ҳолатда. Шундай тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ҳаким ака ҳайрон бўлиб, кўзларини нирпиратди. С. Зуннунова, Янги директор.

2 Бирор нарса ҳақида аниқ тўхтаб, хулосага келолмаган, гаранг ҳолатли. Отабек гарангсиз қолган. бу олийжаноб гўзалга

нима дейишини билмас, қаердан сўз бошлашга ҳайрон эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўзини қаёнга уришни, жигаридай азиз бўлиб қолган оқкўнгила, тўпори йиғитни қайдан ахтаришни билмай ҳайрон эди. С. Сиёев, Аваз.

Ҳайрон бўлмоқ 1) таажжубланмоқ, ҳайратланмоқ. Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) нима қиларини билмай, ўйланиб қолмоқ, эсанкирамоқ. Абдурасул ёрдамга кимни чақиришни билмай, ҳайрон бўлиб турганда, бозор йўлидан бир отлик ўтиб қолибди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ҳайрон қолмоқ** 1) таажжубга тушмоқ, ҳайронликда қолмоқ; саросимага тушмоқ. Жаллод шунда дорга тортмоқ бўлади, Бу дор тўхматлардан ҳазар қилади. Дор йиқилиб, жаллод ҳайрон қолади. «Ширин билан Шакар»; 2) қойил қолмоқ. Унинг абжирлигига ҳамма ҳайрон қолар эди.

ХАЙРОНА [а. *حیرانه* – тонг қолган, маҳлиё; гангиб, довдираб қолган] поэт. айн. **ҳайрон**. Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кундир келмадинг, ҳайрона бўлдинг соғиниб. Ҳамза. У, бекнинг бежо кўзларига ҳайрона термилиб, бошидаги зангори духоба паранжисини секингина қўлига олди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ХАЙРОНЛИК Таажжуб, ҳайрат; ҳайрон бўлиш; саросима(лик). Жувои сапчиб ўрнидан турди. Унинг ранги бир оз ўчган, кўзларида ҳайронлик ва қўрқув аломати бор эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Марҳаматнинг ҳайронлиги ошди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Самоварнинг оташхонасига маҳси кийдириб ўт олдираётган دادаси ҳайронликда туриб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.

ХАЙТ унд.с. I Ҳайвонларни қўзғашни, ҳайдашни билдиради. «Хайт» деган туяга мадад. Мақол. ■ Хайт, деб Ҳасан мард Фирқўкни уйнатиб, сувиқни чайнатиб. ҳа, деб кетиб бораётир. «Равшан».

2: **ҳайт деб (ёки дея) айн. ҳайё-ҳай деб қ. ҳайё-ҳай.** - Шошма. Аввал гапни эшит, – деди Тожибой. – Бир эрдан ёлчмадинг, бундан ҳам ёлчмайсан, келгинди, мусофир одам. Бир кун ҳайт дейди-ю, кетади-қолади. П. Турсун, Ўқитувчи.

ХАЙТОВУР I Ҳар қалай, нима бўлса ҳам, қандай бўлса ҳам. ..магазинда бошқа нарса топилмаса ҳам, ароқ деганнинг кети узилмайди, уруғи кўпми сабилнинг ёки було-

ғи борми, ҳайтовур, босилиб ётибди. С. Нуров, Нарвон. Уғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу — киноями ёки чинми, ҳайтовур, Қосимов тушунолмади. Й. Шамшаров, Довруқ.

2 Яхшики, яхшиямки; хайрият, хайриятки. Раҳим Саидов шошиб телефон китобини қўлига олди. Ҳайтовур, телефони бор экан. Трубкани олди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Ётиб еганга тоғ чидамайди. Ҳайтовур, дадам ёшлигида шоҳи тўқишни чалачатти ўрганиб олган экан. Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЙТО-ҲАЙТ: ҳайто-ҳайт деб айн. ҳайё-ҳай деб қ. ҳайё-ҳай. Ҳайто-ҳайт деб, йўлга равона бўлдилар.

ҲАЙТ-ХУЙТ: ҳайт-хуйт дегунча Қисқа вақт ичида, кўз очиб юмгунча. «Ҳайт-хуйт» дегунча ўзимизни шаҳарга кетадиган катта йўлнинг юзасида кўрган эдик. Ғ. Фулом, Шум бола.

ҲАЙФ [а. حَيْف — адолатсизлик, ноҳақлик ва шундан етган озор, алам] I Арзимаслик, муносиб эмасликни, ачинишни билдиради; аттанг, афсус, эсиз. Чуруқ уйингга ҳайф шундай фаришта! Ойбек, Улуғ йўл. Нима қиласиз суриштириб? Ҳайф мактаб, ҳайф буларга сарф бўлган пул! П. Турсун, Ўқитувчи. -Йўқ, адрас ҳайф, Рағно, — деди тўнни таҳига солиб [махдум], — ҳалиги бўзни беравер! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Тан олмасликни, эътирозли муносабатни билдиради. ..ҳатто кўчаларда уни тўхтатиб, «ҳайф сенга» деганларнинг кўплигини жиғибийрон бўлиб гапирди. Ойбек, Нур қидириб. Ҳайф шунақа овқатга.. ахир менга ҳам калла гўштидан қилинган овқат келтирасанми?! «Муштум». Нима деярсиз ўзингиз?.. Кап-катта одам.. Ҳайф сиздай оқсоқолга! П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳайф кетмоқ Бекор, бефойда кетмоқ. ..шунча вақти ҳайф кетганига афсусланиб, яна шитоб билан ёзишга киришди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Афанди унинг сохтумбатига қараб туриб: -Ўн беш кундан кейин ўласан, дори ҳайф кетади, — деди. «Муштум». **Ҳайф кўрмоқ** Бирор нарсага лойиқ, муносиб ҳисобламаслик, нолойиқ топмоқ. ..сиз бўлсангиз, бензинни ҳайф кўриб юрибсиз. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. Майнани бошдан-оёқ кўздан кечириб, ойдек ёш

жувонни эски-туски кийим-кечакда ҳайф кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Ҳайф қилмоқ** кам қўла. Бекор кетказмоқ. Қизининг бир йиллик умрини ҳайф қилиш онага мумкин эмасдай кўринарди. П. Қодиров, Уч илди. **Ҳайфи келмоқ** Ачиниш билан қарамоқ, ачинмоқ. Майнанинг бу улуғ, содда кишиларнинг гўштсиз шавла, ёғсиз нон ейишларига ҳайфи келди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲАЙФКИ(М) [а. + ф. حَيْفَك — эсиз, афсус] эск. кт. Афсус, аттанг. Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан.. Муқимий. Теша ёнидаги ўртоғига Саидийни кўрсатиб, -Ёзувчи бўлса, тузук ёзувчи бўлар, ҳайфки, бизнинг кишимиз эмас, — дебди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАЙФСАН Кимсага бирор гуноҳи ёки хатоси учун жазо сифатида расмий бериладиган танбеҳ, жиддий огоҳлантириш. Ҳайфсан олмоқ. Ҳайфсан эълон қилмоқ. ■ Ҳали, ҳайфсан оладиган бўлдик, деганингизда, бир воқеа ёдимга тушиб қолди. О. Носиров, Ҳайфсан. ..партиядан учирлиш даражасига борганда, кимбир жонига аро кириб, ҳайфсан билан қутулган эди. О. Ёқубов, Ларза.

ҲАЙФСИНМОҚ Ҳолига ачинмоқ, раҳми келмоқ. Офтоб ойим қудасининг кетидан қизига ҳайфсиниб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Собир ота ҳайфсинаётгандек қилиб кулумсиради. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ҲАЙЪАТ [а. هَيْئَة — шакл, сурат, кўриниш; таркиб, ходимлар; ташкилот, муассаса; комиссия] I Бирор вазифани бажаришга белгиланган, сайланган кишилар гуруҳи; таркиб. Мажлис президиуми ҳайъати. Таҳрир ҳайъати. ■ Шу кундан бошлаб Фафур ака журналимиз ҳайъатининг фахрий аъзоси бўлиб қолдилар. М. Жўра, Ноширнома. Мажлис очилди. Ҳайъат сайланди. Ё. Шукуров, Қасос.

Ҳайъати риёсат (ёки раёсат) эск. Мажлисни бошқарувчи президиум, президиум таркиби. Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жўра батрак очди. Ҳайъати риёсатга Карим, Жўра, Қўшоқ, Нодира хола ва Норбувилар сайланди. Ҳ. Шамс, Душман. **Ҳайъати таълимия** эск. Ўқув юртининг педагогик кенгаши. Уни қўрқитиш керак, сизлар ҳозир мактабдан ҳайдашга қарор қилинглар, ҳайъати таълимияда ўзим олиб қоламан. А. Қаҳҳор, Сароб. **Ҳайъати таҳри-**

рия эск. Таҳрир ҳайъати. Янги журнал чиққан, шунга ҳам ҳайъати таҳририя авзоси қилиб тиқиб қўйишди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 эск. айн. астрономия. Домлам бу масалани |Ой тутулиши масаласини| менга, ҳайъат фанида бўлгани каби, шарҳлаб туюнтирди. С. Айний, Эсдаликлар.

Илми ҳайъат эск. Астрономия.

ҲАЙҚИРИҚ 1 Шодлик, ҳаяжон, ғазаб, азоб каби кучли туйғуларни, шунингдек, чақириқ, ҳайдаш кабиларни ифодалайдиган қаттиқ овоз, нидо. «Ура» ҳайқириқлари еру кўкни титратди. ■ -Ёлғон! - Ҳуломжон даҳшатли бир ҳайқириқ билан қичқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу дарахли ҳайқириқ Нигоранинг қулоғига етиб, юрагини ўйнатиб юборди. С. Анорбоев, Оқсой. Қудрат ажабланганича эшик томон юрган эди, кўча томондан подачининг: -Ҳайдо-о!.. деган чўзиқ ҳайқириғи эшитилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қўйлар чўпонларнинг ҳайқириғи билан қудуқ томон юрди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 кўчма Жонсиз нарсаларнинг шиддатли ҳаракатидан пайдо бўладиган қаттиқ овоз ҳақида. Дарёнинг ҳайқириғи. Паровознинг ҳайқириғи. Ҳайқириқ солмоқ. ■ Ҳамла қилган кўшин сингари Кумуш ёлли тўлқинлар елар. Бўронларнинг ҳайқириғидан Нохимовнинг овози келар. Уйғун. Баҳорда у [сой] ҳамма ёққа ҳайқириқ солиб оқади. Й. Шамшаров, Довруғ.

ҲАЙҚИРМОҚ 1 Қаттиқ шиддатли овоз (ҳайқириқ) чиқармоқ (қ. ҳайқириқ 1). Ҳожи сўзини тугата олмади, ҳожининг терс сўзига чидалмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Тўхта, борма! - хотинига аламли ҳайқирди Малик муаллим. А. Кўчимов, Ҳалқа. Кейин юганин торттиб: -Ҳай! Чу, чу! - деб ҳайқира бошлади. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 кўчма Шиддатли ҳаракат туфайли қаттиқ овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар товуши ҳақида; қ. ҳайқириқ 2). Бир томонда трактор ҳайқирар, тинмас.. Ғайратий. Дара остида ҳайқириб, паровоздай пишқириб, сой оқмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЙҚИРОҚ с.т. 1 Ҳайқиришга одатланган, шовқин-сурон соладиган, бақиरोқ (қ. ҳайқириқ 1). Ҳайқироқ одам.

2 Шиддатли ҳаракати туфайли қаттиқ овоз чиқарадиган (қ. ҳайқириқ 2). Ҳалқи-

миз беқиёс баланд тоғ ошгандай ва ҳайқи-роқ дарё кечиб ўтгандай қаҳрамонлик кўрсатди. Газетадан.

ҲАЙ-ҲАЙ 1 Ҳай с. тақр. -Ҳай-ҳай, шахтингиздан қайтинг-а, - деди Ҳошим Ҳулом акага. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Кампирнинг ҳай-ҳайига қарамасдан, эшикка чиқдим. П. Турсун, Ўқитувчи. Қизикмисизлар, жиянлар? Ҳай-ҳай, уят бўлади. «Муштум». -Ҳай-ҳай, сизга нима бўлди? - деди Меъмор югуриб бориб. Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳай-ҳай солмоқ Шовқин-сурон кўтармоқ, ҳайқирмоқ, ҳайҳайламоқ. Етти маҳалладан ўтарли бақириқни эшитган кўни-қўшнилар саросимага тушиб, ким шам, ким пилтачироқ, ким фонус кўтарганича, ҳай-ҳай солиб, ёпирилиб келиб қолишди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

2 Ҳайрон қолиш, ҳайратланишни билдиради. Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай.. С. Зуннунова. Эшик олдида етганда, тўсатдан тўхтаб, орқасига ўгирилган эди, ҳай-ҳай, юзлари табассум нуридан гул-гул яшнаб кетибди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

ҲАЙҲАЙЛАМОҚ 1 Ҳайвон ва қушларни чўчитиш, ҳайдаш учун қичқирмоқ; бирор ишга даъват, ёрдамлашиш мақсадида турли овозлар чиқармоқ. Марасул бува ҳай-ҳайлаб, боғдан чумчуқларни ҳайдар эди. «Эртаклар». Селякка ҳайдовчиларнинг отларга ҳай-ҳайлаган овозлари эшитиларди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор ноҳўя иш-ҳаракатдан қайтишга даъват этиб бақирмоқ. Эшбой узун оёқларини кўтариб, уша томонга чопган эди, Шерали уни ҳайҳайлаб тўхтатди. С. Кароматов, Олтин қум. Марасул Насибани урмоқчи бўлганда, Заргаров ҳайҳайлаб қўймади. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Тарғилни ечаётсак, сўридан туриб, бувим ҳайҳайлаб қолдилар. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҲАЙҲАЙЛАШМОҚ Ҳайҳайламоқ фл. бирг. н. Отни бир четга чиқариб қўйдиларда, араванинг филдирагидан ҳайҳайлашиб итариб, балчиқдан чиқармоқчи бўлдилар. Ойдин, Фонарь тагида.

ҲАЙҲОТ [a. ميهات - қанчалик узоқ! қандай катта фарқ! афсус, эвоҳ!] унд.с. Бирор кўнгилсиз ҳодисадан нолини, афсусланишни ифодаловчи хитобни билдиради. Ҳай-ҳот, мамлакат яна парчланди, юрт вайрон

бўлди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ёвуз тақдир тиг урди қалбима, дод! Нетай энди тугалди сабрим, ҳайҳот! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Отани сотқинлар осибди дорга. Ҳайҳот! Бахт устига қандай кўргилик?! Р. Бобожон.


ҲАЙҲОТДАЙ, -дек с.т. Бўш, ҳувуллаган; жуда катта, жуда кенг; бепоён. *Шамол баягидан кучайиб.. ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз қолган кампирнинг юрагига баттар ғулғула соларди.* Р. Файзий, Эл меҳри. *Унастликдаги ҳайҳотдек жарликни, уфқларни кўришни хаёл қилганди чоғи.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ўзини машинадан ташласинми? Шу ҳайҳотдек чўлда-я?* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ҲАЙ-ҲУВ: ҳай-хув қилмоқ Шодлик, газаб каби кучли ҳис-ҳаяжонларни ифода-лаб, турли овозлар чиқармоқ. *Бир кунги Ҳиндистон парламенти биноси ёнида одамлар ҳай-хув қилиб, байроқ кўтариб турарди.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ҲАКАЛАК I Бир оёғи йўқ. *Чап оёғингизни кесишармиш. Икки оёқ билан сиздан кўрганим шу бўлса, энди ҳакалак бўлганда нима қилардингиз. Бир камим чўлоқ боқшми-ди!* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 бол. Ерга чизилган катаклар бўйлаб бир оёқлаб сакраб ўйналадиган болалар ўйини. *Ҳакалак ўйнамоқ.*

Ҳакалак отмоқ Бир оёқлаб ирғиб-ирғиб юрмоқ. *Севар бир оёқда ҳакалак отди, лайлак бўлиб учди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Нафси ҳакалак отмоқ I** 1) иштаҳаси жуда очилиб, ейиш, ичишдан ўзини тўхтатолмаслик. *Нафси ҳакалак отиб кетганда, подадаги икки-учта сигирни ушлаб, навбати билан соғиб ичарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар; 2) ўзиники қилиш, ўзлаштиришда иштаҳаси карнай бўлмоқ. *Эгов ва бошқа бир қанча товарларга ҳам мудирнинг ҳакалак отган нафсига жавоб берадиган даражада устама нарх кўйилди.* А. Тўлаганхўжаев, Чигирткалар. *Нафси ҳакалак отган Ҳамро Сафоев бирдан давлат ҳисобидан жарақ-жарақ пул ундириш пайига тушиб кетди.* «Муштум».

ҲАКАМ [а.  — судья, қози; тренер] I Тарафлар ўртасидаги келишмовчиликни, жанжални судсиз бартараф этувчи, келиштирувчи ҳолис воситачи; арбитр. *Унча катта бўлмаган бу қишлоқнинг ўз кайвонисию бузғунчиси, ўғрисию ҳаками, бахтлисию бахт-*

сизлари бор. «Ёшлик». *Кетдилар-ку шум риёлар имонни алдаб, Ҳакам бўлсин, ҳақни айтсин биладиганлар.* А. Исроилов.

2 айн. судья I. *Йигитали шу дамларда худди ҳозир устидан ё ҳаёт, ё мамот ҳукми чиқарадиган ҳакамни кутаётган маҳбусдек, таҳликага тушиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устун.


3 Спорт, шунингдек, санъат мусобақасида қатнашганларнинг маҳоратига баҳо берувчи шахс; арбитр. Ҳакамлар ҳайъати. ■ *Улоқни олган одам даврани уч айланиши керак бўлади. Шундан кейингина уни ҳакамлар олдига ташлаб, соврини олиш ҳуқуқига эга бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Айтайлик, футбол бўйича жаҳон чемпионатида манман деган ҳакамлар ҳам дунё кўз олдида гирромликка йўл қўядилар-ку!* Газетадан.

ҲАКАМЛИК Ҳакам лавозими, вазифаси, иши. *Бизнинг ҳакамликка муҳтождир энди Давр ҳар соволи, ҳар жавобида.* А. Мухтор. *Спорт комитетининг мутасадди кishiлари мусобақаларни ўтказиш, ҳакамлик қилиш ишларига бевосита жамоатчи судьяларни.. жалб этишмоқда.* Газетадан.

ҲАКАЧАКЛАМОҚ шв. айн. ҳаккаламоқ I. *Қудрат оёғининг оғриғини сездирмасликка тиришиб, қайрағоч тагига ҳакачаклаб борди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАКАЧАЛАМОҚ айн. ҳаккаламоқ I. *Раис олдинда ҳакачалаб бораётган Исомидинга эргашди-ю, бир оз юрган, тақир-тошлоқ даштга қараб, тақа-тақ туриб қолди.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

ҲАКИЛЛАМОҚ шв. айн. ҳаккаламоқ I. *Кўзи бечора уч оёқлаб ҳакиллаб, жон-жаҳди билан маърайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАКИМ [а.  — доно, оқил, донишманд; табиб; файласуф] I *Ўткир табиб; врач, доктор. Қадимги дунё ҳақимлари киши асабига музиканинг таъсирини алоҳида таъкидлаганлар.* Газетадан. *Шу касалга чалинганимда, бир ҳақимга бордим. У томиримни ушлаб: -Сизники косиб касали, далага чиқинг.. — деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *Донишманд, файласуф. -Бир замонда, — деди дадам, — Афлотун деган бир ҳақим ўтган экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фаробий улуғ юнон ҳақимининг жуда чигал фалсафий мулоҳазалари мағзини қақиб берган.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

3 Ҳақим (эркаклар исми).

ҲАКИМА [а. *حَكِيمَة* — донишманд аёл; табиб аёл] **I** Аёл ҳаким, табиб; врач, доктор. Сайёра Ҳақназаровани бекорга мақтамайдилар, бекорга табриклар олқишламайдилар, бекорга шифокор, қўли энгил ҳакима, деб атамайдилар. Қ. Исломов, Шифокор — санъаткор.

3 Ҳакима (хотин-қизлар исми).

ҲАКИМЛИК Ҳаким иши, машғулот, касби. Аввалга келиши биланоқ ҳакимлик ишига шўнғиб кетди. К. Яшин, Ҳамза.

ҲАККА айн. **зағизгон**. Ҳаккалар кўп, улар дарахтларнинг чакалак шохлари орасида типирчилаб, япроқларни учуриб юришади. Ш. Холмирзаев, Зов остида олишув.

Ҳакка уйғонмасдан Эрта тонгда, барвақт. Абдусмад ҳар кун эрта билан, ҳакка уйғонмасдан, кўчага отилар эди. Ойбек, Навоий.

ҲАККА-ДУККА айн. **ҳаккам-дуккам**.

ҲАККАЛАК: **нафси ҳаккалак отмоқ айн. нафси ҳаккалак отмоқ қ. ҳаккалак.** *Нафси ҳаккалак отган бир кишининг димоғига қаёқдандир келаётган зира-кабоб ҳиди гун этиб урилибди. «Муштум».* Аммо бу билан унинг кўнгли тўлмади, нафси яна ҳаккалак отаверди. «Муштум».

ҲАККАЛАМОҚ I Бир оёғини босолмай ёки тушовли оёғи билан сакраб-сакраб юрмоқ. - *Кўлтиқтаёқ тутган касаллар ҳаккалаб, ҳар томонга қочар, аянчли товушлар эшитилар эди, — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда. *Нормат бор кучини ўнг оёғига тўплаб, ҳаккалаб юрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Текис юрмай, ирғиб-ирғиб, сакраб-сакраб юрмоқ. [*Ражаббойнинг*] *Машинаси текис йўлдаги сингари равон юрмади, эгат, ўйдим-чуқурларда қалқиб, ҳаккалаб кетаверди.* Й. Шамшаров, Довруқ. *Нотекис жойда ҳаккалаб, тупроқ тўзитаб бораётган мотоцикл тўсатдан тошга урилиб, бир чеккага қайрилди.* И. Раҳим, Ихлос.

ҲАККАМ-ДУККАМ с.т. Унда-бунда, якка-дукка, жуда сийрак. Ҳаккам-дуккам дарахтлар. *Экилган уруғлар ҳаккам-дуккам чиқди.* ■ *Адирлам бағридаги, харсангтошдан қурилган ҳаккам-дуккам иморатлар худди бир-бирига мингашиб кетгандай эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Холиқвой ҳаккам-дуккам сариқ тишларини кўрсатиб, ғалати жилмайди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҲАККАР: **ҳаккар кавуш** эск. шв. Ёғоч кавуш. *Маҳалла сўфиси нималардир деб гудиллаб, ҳаккар кавушини дўқиллатганча, уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҲАККАЧАКЛАМОҚ айн. **ҳакачакламоқ.** [*Мўтилла*] *Ўнг оёғини ерга теккизолмай, ҳаккачаклаб юра бошлади.* Мирмуҳсин, Мўтилла.

ҲАККАЧОВЛАМОҚ шв. Ҳакачакламоқ. *Искандар.. бедаси ўрилган пайкалда тушовини судраб, ҳаккачовлаб юрган эшакдан кўзини узмасди.* С. Нуров, Нарвон.

ҲАККОК [а. *حكاك* — сангтарош, тоштарош; сайқал берувчи] Қимматли тошларни ўйиб, тарошлаб, пардоз берувчи уста. *Хива ёғоч, тош, ганч ўйиб нақш ишлайдиган наққошлари, заргарлари, ҳаккоклари, гилам тўқувчилари билан шухрат қозонган.* Газетадан. *Фарҳод бўшаса, кўнглига келса, бир ҳаккок тош биткиларнинг дўкони қошига бориб туради.* «Баҳром ва Гуландом».

ҲАКЛАМОҚ айн. **ҳатламоқ.** *Сорахон унинг устидан ҳаклаб ўтиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Эргаш ака «Победа» ҳаклаб бораётган асфальт лентадан кўз узмайди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ҲАЛ I [а. *حل* — чигални, тугунни ечиш, ойдинлаштириш] Ечимини топган, бир ёқли этилган; нима қилиш лозимлиги аниқланган (муаммоли, чигал масала ҳақида). *Масала ҳал.* ■ *Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.* Ғ. Фулом. *Бир масаланинг ҳали учун қошингизга келган эдим.* Ойбек, Навоий.

Ҳал қилмоқ (ёки этмоқ) I бирор масала, муаммо юзасидан аниқ тўхтама келмоқ, муаммони бартараф этмоқ, ечмоқ. *Олтин муаммосини ҳал этиш — геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳар турли мушкулотларни ҳам ақл билан ҳал этмишлар.* Ойбек, Навоий. *Бу масалани мутахассислар ҳал қилишади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. - *Ҳали корхонада ҳал қилинмаган муаммолар.. анчагина.* Газетадан; 2) тақдирини белгиламоқ, тақдири боғлиқ бўлмоқ, бир ёқли қилмоқ. *Кузги ҳосил тақдирини сафарбарлик, уюшқоқлик, қатъият ҳал қилади.* Газетадан. *Бу ерда масалани сот эмас, минутлар ҳал қилади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Мирзамухаммад*

Расулович ходимларнинг орқасидан тақдирларини ҳал қиладиган бошлиқлардан эмасди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳал қилувчи уйинда спартакчи қизлар ўзига хос чаққонлик, ирода ва йигинчоқлик кўрсатишди.* Газетадан.

ҲАЛ II [а. *حل* – эриш, эритиш] Тилла, кумуш ёки бронза кукунидан ясалган бўёқ, *Деҳлидаги масжид ва мезаналарнинг керагидан ортиқча ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўргандаймиз.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Тонг аллақачон отган, дарахт учларига олтин ҳал юритилгандек эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ҲАЛАК [а. *هلك* – ўлим, ўлиш; вафот қилиш; ҳалок бўлиш] Ҳолдан тойган, азобли ҳолатда. *Изингиздан чопаман, Ҳайқираман мен ҳалак.* С. Очил. Умидвор қушча. *Нега бугун бемадорсан, ҳалаксан?.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. *..кўзим қиймаганидан, ишим кўплигига қарамай, келишга келдим-у, кетишининг шожини тополмай ҳалакман.* Ойбек, Улуғ йўл.

Жони ҳалак Куйинган, куйманган ҳолатда; бирор нарса кўйида, ҳаракатида безовта, нотинч ҳолатли. *Эрталаб нонуштангизни, кечқурун овқатингизни тайёрлайман, деб жоним ҳалак.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Бунинг устига ҳар қадамда душман. Бир фалокат бўлмас, деб жоним ҳалак.* Ҳ. Фулом, Машъал. **Ҳалак қилмоқ** Азобга қўймоқ, қийнамоқ. *Бу сўзини знам, синглим билмасин, Йиғлаб, ўзин отиб ҳалак қилмасин.* «Муродхон».

ҲАЛА-ҲУЛА *шв.* Унча-мунча. *Аёл кишининг жони қирқта бўлади, ҳала-ҳулага ўлмайди.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҲАЛВО [а. *حلواء* – ширинлик, қандолат маҳсулоти] *айн.* ҳолва. «Ҳалво» деган билан *огиз чучимайди.* Мақол. *Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар.* Мақол.

Бу (ҳали) ҳалво Ҳали ҳеч гап эмас, чиласа бўлади. *Қор кетган бўлса ҳам, ҳали заҳри бор.* Бу-ку, ҳалво. С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛВОГАР [а. + ф. *حلواگر* – ҳолва тайёрловчи ёки ҳолва сотувчи] *айн.* ҳолвагар. [Улар] *Асабга тегадиган болғача садосидан тезроқ узоқлашиш учун ҳалвогар растасига бурилиб, қозон бозори орқали поякиликка ўтиб кетдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ҲАЛВОЙТАР [а. + ф. *حلوائىتر* – нам, ҳўл (сувли) ҳолва] *айн.* ҳолвайтар. *Кўшни-*

лардан бир хотин менга тутмайиздан ҳалвойтар пиширишни ўргатди. С. Айний, Эсдалиқлар.

ҲАЛДОР [а. + ф. *حلدور* – ҳалланган, ҳал қопланган] Ҳал билан бўялган, ҳал берилган. *Залнинг тўрида, кичкина ҳалдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида.. қизил духобадан кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАЛИ I Бундан бир оз илгари; боя. -*Қачон келдинг? -Ҳали келдим. Ҳали шу ерда эди. Ҳали келиб кетган эди.* ■ -*Уйларингда ким бор? -Ҳали кирганимда, дадам билан йўлчи акам бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен ҳали уни кўшинингиз уйдан чиққан ҳолда кўрган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўп вақт ўтмасдан, яқин орада; ҳализамон. *Ҳали келса кўрарсиз, Кула-кула ўларсиз (маймун).* «Топишмоқлар». *Ҳали ўғилларим ҳам молдан келиб қолишади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Иш-ҳаракат, ҳолатнинг амалга ошмаган, белгининг, белги-ҳолатнинг тўлиқ даражага етмаган вақтини билдиради; ҳозирча. *Тонг отишига ҳали вақт эрта. Ҳали хамсан – пишарсан, Бу дамингдан тушарсан.* Мақол. ■ *Кўёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқшом сукунати чўзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алишер ўйинқароқлиги тутди-ю, ҳали қуриб улгурмаган нам этикчасини кия солиб, ҳовлига тушди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. -*Тўпқайрағочга яқин қолдимиз? -Ҳали бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳали ҳам Шу вақтга қадар; ҳануз, ҳамон. *Баширжон трубкани қўяркан, ҳали ҳам эшик олдига ҳадиксираб турган Зевархонга қараб жилмайди.* Н. Аминов, Суварак. *..баъзан душман самолётлари пайдо бўлишини ҳисобга олмаганда, урушдан ҳали ҳам дарак йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 юкл. Таъкид, кучайтирув билдиради. *Вой шармандалар, ҳали қочириб юбордик денглар-а.* Н. Фозилов, Дийдор. *Сен писмиқни, ҳали шошмай тур..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. -*Ҳали шунақами! – деди ва эшикни зарда билан ёпиб чиқиб кетди.* «Муштум». *Ошни дамлаб, ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман..* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

5 Такрор ҳолда қўлланиб, айирувчи богловчи вазифасида келиб, «гоҳ.. гоҳ», «дам..

дам» маъноларини билдиради. -*Фарғонага боргунимизча ҳали Шукрулло, ҳали Мирмуҳсиннинг танишлари топилаверса, бу яқинда манзилга етолмаймиз, — деб Саид Аҳмад ҳазиллашди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАЛИ-БЕРИ Яқин вақт ичида, яқин орада; тезда (инкор мазмунли гапларда қўлланади). *Маҳкам ака ҳам ҳали-бери турадиган ҳолатда эмас эди.* Р. Файзий. Ҳазрати инсон. Ҳавонинг авзойига қараганда, ҳали-бери тинадиганга ўхшамасди.. Ў. Ҳошимов. Нур борки. соя бор. *Тўғриси, Марҳаматнинг ўзига қолса ҳам, ҳали-бери қайтгиси йўқ эди-я, фақат ҳавонинг ўзгаргани уни ўйлатиб қўйди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЛИГА: ҳалига қалар айн. ҳалигача. *Ҳалига қадар хабар йўқ.*

ҲАЛИГАЧА рвш. Шу пайтгача, ҳозиргача, ҳамон, ҳали ҳам. *Ҳалигача идора очилмабди-я!* ■ *Олимжондан ҳалигача дарак йўқ!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҲАЛИГИ олм. 1 Бундан сал илгари тилга олинган, бўлган шахс, нарса ўрнида қўлланади, унга ишора қилади; бояги, ўша. *Ҳалиги машина кимники? Ҳалиги ҳалган ким эди?* ■ *Атрофимга алангласам, ҳалиги шерикларим ҳам кетиб бўлишибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Йўлчи ўз манзилига қайтиб, пичан «тўшакка» чўзиларкан, ҳалиги ердан яна ноғора тарақлади.* Ойбек. Танланган асарлар. *..Ҳалиги юрак ўйноғиси тағин ҳам кучайди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Айтилмоқчи бўлган шахс, нарса ҳақидаги сўз, гап ёдга келмай турган пайтда худди шу ҳолатни қайд этиш учун қўлланади. *Даладан қайтаётсам, ҳалиги, отини эсдан чиқардим, анави Тоштемнинг тоғаси дуч келди.* «Ёшлик». *Ҳалиги, оти курсин.., Маликбойнинг майдонида!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳалиги, айтмоқчи, чақаси нима бўлади, — деди ошхона мудирин..* «Муштум».

ҲАЛИГИДАЙ, -дек 1 **Ҳалиги** с. нинг ўхшатиш шакли; боғидай. *Ҳалигидай ишқимларни жиним суймайди.* *Ҳалигидай гапларни гапирмагин!* *Фронтдаги воқеалар ҳалигидай ёдимда.* ■ *Шу бугун кечкурун ҳалигидай диққат бўлиб ўтирганида, яна Латофатхон эсига тушиб, бир фикрга келди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

2 с.т. Кўнгилдагидек эмас; ёмон (иш, аҳвол ҳақида). *Ишлари ҳалигидай. Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди.* ■ *Ишқилиб, акамдан ҳалигидай хат келмаган бўлсин-да.* *Йўғ-э, келмагандир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАЛИГИДАҚА с.т. Ҳалигидай. *Ҳалигидақа гаплар. Ҳалигидақа ишлар. Ҳалигидақа одамлар.*

ҲАЛИДАН-ҲАЛИ Ҳадеганда, ҳадеб, ҳали ҳам. *Бу ошишлар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиш бағишлаган бўлсалар, бу гап уни нафратлантирадилар, бормай қайтиш фикри ҳалидан-ҳали кўнглига келиб турадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳалидан-ҳали Муроджон кўз ўнгимдан ўтар, аммо бугун келмаслигига қатъий ишонар эдим, — деди Нафиса.* *Файратий, Узоқдаги ёр.*

ҲАЛИЗАМОН с.т. Кўп вақт ўтмасдан, тез орада, сал вақт ичида. *У ҳализамон келиб қолади.* ■ *Булутиларнинг ҳаракати бежо.* *Ҳализамон тепамиздан челақлаб қуйиб берса ҳам эҳтимол.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар. *Ҳализамон чўл «оқ олтин» ўлкасига, гуллаган воҳага айланади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ҲАЛИЙДАҚА с.т. Ҳалигидай. *-Мен аввали бу хатни биронта қизданми, деган эдим.* *Аммо, ҳалийдақа одам тушунмайдиган гаплар битилганига бошим қотиб қолди, — деди Норбуви.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАЛИМ I [а. *حليم* — юмшоқ, ювош, мулойим, беозор; сабр-тоқатли] 1 Кишига қаттиқ ботмайдиган, мулойим, ёқимли (товуш, муомала ва шундай муомалали киши ҳақида). *Ҳалим муомала.* ■ *Сув тепасида одамлар ўт бўлиб ёнади, бошқа вақтларда энг сокин, энг ҳалим одамлар, сув бошида жанжал чиқса, сўз ва далил ўрнига мушт билан, кетмон кўтариш билан иш кўришга тиришадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-икки дақиқа сукутдан сўнг Саидахмадхон сунъий табассум, ҳалим овоз билан сўз бошлайди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ҳар гапидан, ҳаракатидан гурур акс этади.* *Муомалада ҳалим.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Умар қишлоққа кўчиб келган кезлари юмшоқ супургидай ҳалим йигит эди.* «Муштум».

2 Ҳалим (эркаклар исми).

ҲАЛИМ II [а. *حليم* — ёпишқоқ, елимшак] 1 Сувга бугдой ёрмаси ва гўшт солиб, узоқ (ҳил-ҳил бўлиб кетгунча) қайнатиб пишириладиган қуюқ овқат. *-Ҳазратойим-*

нинг даҳалари бўлди. Чунонам басавлат, чунонам гавжум бўлдики, дошқозонда ҳалим улашдилар, — деди Анзират. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Пишган ҳалимнинг бугдойи эзилиб, гўшти эса ҳил-ҳил бўлиб кетади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўча* Қаттиқ эмас, юмшоқ. *Гўшт қайнайвериб, ҳалим бўлиб кетибди.* ■ *Воҳидларнинг қишлоғида бошқа ерларда жуда кам учрайдиган ҳалим ва ширин олма бор.* О. Ёқубов, Тилла узук.

ҲАЛИМДАЙ, —дек Юмшоқ, мулойим, ёқимли. *Ҳалимдай қиз.*

ҲАЛИМХОНА [ҳалим + хона] Ҳалим пишириладиган ва улашиладиган жой. *Ҳалимхона у ерда-ю, зикирхона бу ерда.* Мақол.

ҲАЛИНЧАК *айн. ҳайинчак.* *Ойчинор юзани сувга ювиб, ҳалинчакни арчага осиб, ҳалинчак уча бошлади.* «Ойсулув». *Ҳалинчак бир чап сайин, бир ўнг сайин юқорилаб турди.* Қиз ҳалинчак учишга қараб, гоҳ ўтирди, гоҳ турди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲАЛИТДАН I Меъёрдаги, мўлжалдаги вақт келмай, ундан аввалроқ; ҳозирданоқ. *Сен ҳалитдан кўрқиб, юрагинг ёрилиб, ҳар нима деявердинг, нима бало бўлди?* «Равшан». «*Ҳалитдан кўлига бигиз-сўзан берсанг, эзилиб қолади,*» деб ўйларди у. М. Осим, Тилсиз турвоҳ. *Ҳалитдан кўз ёши тўксанг, ҳам шаҳарингни кўрганда, дод солиб йиғлар экансан-да?* О. Ёқубов, Излайман.

2 Бундан бир оз илгаридан; боядан. *Ҳалитдан бери буларнинг гапларига қулоқ солиб, жимгина ўтирган Норбой гапга аралашди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҲАЛИ-ҲАЛИ Шу вақтгача; ҳозиргача, ҳамон, ҳалигача. *Ҳали-ҳали ёдимда.* ■ *Ҳали-ҳали эсласам, вужудим зирқирайди.* *Уруш лавҳалари ҳали-ҳали кўз ўнгимда.* ■ [Обиджонни] *Косовни олиб кўвишига кувдим-у, ҳали-ҳали ичим ачийди: бола бечора нима гуноҳ қилибди?* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Уочган музликлар, олимнинг жасорати ҳали-ҳали машҳурдир.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ҲАЛЛАМОҚ Ҳал билан бўямоқ, безамоқ.

ҲАЛЛИ Ҳал берилган, ҳал билан ялтиратилган. *Оатин ҳалли курси.* *Кумуш ҳалли безаклар.* ■ *Мунира бежиримгина, ҳалли пиёлага шампан қуйиб, ўртага чиқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ҲАЛЛОС: ҳаллос урмоқ *айн. ҳаллосламоқ.* *Кўчқор пешонаси, ёноқлари, кекирпаги, муздай сувда ювингандай шалаббо бўлиб, ҳаллос уриб, лўкиллаб югурди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛЛОСЛАМОҚ Тез, кўп ва қаттиқ ҳаракат (мас., югуриш) туфайли оғир-оғир нафас олмоқ, ҳансирамоқ. *Қараса, бир кампир ҳаллослаб келаётибди.* «Равшан». *Узоқдан бир бўри ҳаллослаб, югуриб келар эди.* «Эртақлар». *Шу чоғ ёнбош кўчадан итини югуртирганча, ҳаллослаб, Раҳим чиқиб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЛЛОСЛАТМОҚ *Ҳаллосламоқ* фл. орт. н. -*Мени сув ташишга ўтказишди: ҳаллослатиб қўйяпти,* — деди қария Аҳмаджонга. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҲАЛОВАТ [а. *حلاوت* — лаззат, завқ; ҳузур; ёқимлилик; ширинлик, нозиклик] I Тинч, озорсиз, беташвиш ҳолатда уйғонадиган, юзага келадиган ҳис-туйғу; ором, роҳат. *Ҳазал ёзишдан мақсад жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтиришдир.* М. Шайхзода, Ҳазал мулкининг султони. *Ким ҳам айтганди, ўртада фарзанд бўлмаса, турмушда ҳаловат ҳам бўлмайди,* деб. Д. Нурий, Осмон устунни. *Зиратча кирса ҳам, тиш оғриси ҳам, ҳаловат йўқолади.* «Фан ва турмуш».

2 Тинч, осойишта ҳолат. *Шу сокин кечанинг ҳаловатини бузиб, бировларнинг уйида — кўрғонида ўрмалашиб юрган бу йигит ким экан-а?* Ғ. Фулом, Соялар. *Жаббор полвон полга жой солиб ётди.* *У тинчиб, кўз юмди-ю, Жуман ухлай алмади.* *Негадир ҳаловати қочган эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳақат Юлдузхонни кўрдим-у, ҳаловатимни йўқотдим, юрагимга худди чўғ тушгандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Бирор нарсанинг бошқасига нисбатан «ҳеч гап эмас», «чидаса бўладиган», «буни-си ҳолва» экани маъносини билдиради. *Буниси ҳаловат..* ■ *Қор ҳам ҳаловат экан, эртасидан бошлаб қаттиқ қорасовуқ бошланди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАЛОВАТЛИ I Ҳузур-ҳаловат бағишловчи. *...ҳозир унинг кўнглида бир-бирига зид, асов туйғулар жунбишга келиб, жисму жонини гоҳ безовта қилса, гоҳ ҳаловатли кечинмаларга фарқ этаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Осойишта, тинч; сокин. *Ҳаловатли тун.*
ҲАЛОВАТСИЗ 1 Ором, роҳати йўқ; ху-
 зурсиз. *Ҳаловатсиз ҳаёт.*

2 Осойишталик ҳукм сурмайдиган; но-
 тинч, ташвишли. *Ҳаловатсиз тун.*

ҲАЛОВАТСИЗЛИК Ҳаловатсиз, нотинч
 ҳолат. *Домланинг ошлавий ҳаловатсизлиги*
ҳасрат қиларлик даражага етганлигидан
Аббосхон чўчиди. А. Қаҳҳор, Сароб. Шу кун-
дан ҳаловатсизлиги бошланиб кетди. «Муш-
тум».

ҲАЛОК [а. هلاك — ўлим, ўлиш; вафот
 қилиш; ҳалокат]: **ҳалок бўлмоқ** 1) фожиали
 равишда ўлмоқ. *Зокирнинг отаси бир йил*
олдин урушда ҳалок бўлган. П. Қодиров, Уч
илдиз; 2) бахтсиз ҳодисага, ҳалокатга уч-
 радн нобуд бўлмоқ. *Кема ҳалок бўлди;* 3) ҳа-
 лок қилмоқ, ўлдирмоқ. *Норбўтабек сизни*
ҳам отамдай ҳалок қилади. Ғ. Расул, Адолат.

ҲАЛОКАТ [а. هلاکت — вайрон бўлиш (қи-
 лиш), ўлим; ўлиш; фалокат, хавф-хатар] 1
 Фожиали ўлим. *..кўзига ҳеч нарса кўринмас,*
фақат Худойбердиевни ҳалокатдан қутқариш
тўғрисида ўйлар эди. Т. Рустамов, Мангу
жасорат. Бектемир шу пайт, «қимирлаш —
ҳалокат» деган синалган дастурдан ваз
кечди-да, оқондан иргиб чиқди ва гоҳ эмаллаб,
гоҳ сакраб чопди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Бирон сабаб туфайли юз берувчи фа-
 локатли ҳодиса. *Машина ҳалокати. Поезд*
ҳалокати. ■ *Ҳасан сўфи билан Алим бувани*
қишлоққа қайтарган нарса минут сайин
хаффа, кун сайин ҳалокатга айланиб бора-
ётган унгул масаласи эди. М. Исмоилий,
Фарғона т. о.

3 Таг-томир билан емирилиш, барбод
 бўлиш. *Кескинлашган синфий зиддиятлар*
миллий озодлик ҳаракатини янада кучай-
тириб, колониализмнинг ҳалокатини тезлаш-
тирди. С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

4 Катта фалокат, ўлим келтирувчи ҳо-
 лат. *Ҳалокат олдидан турмоқ.* ■ *Бу эса*
одамларни қийнаши, ҳалокатларга сабаб
бўлиши, эҳтимол. М. Исмоилий, Фарғона
т. о. -Қаёққа кетамиз, тақсир? — Бобоқул
ҳалокат оғзидан қолган кишидай Махсумга
умид билан тикилди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛОКАТЛИ Ҳалокатга сабаб бўлади-
 ган, олиб борадиган (**ҳалокат** — барча маъ-
 ноларида). *Гапнинг хулласи — Ўрта Осиё*
шароитида меринослар учун ҳалокатли бўл-
ган заифликлар бартараф этилар эди. С.

Анорбоев, Оқсой. Ҳалокатли жараён ку-
тилмаганда тез юзага чиқди. Газетадан.
Алкоголь нафақат жигарга.. умуман, бутун
ички аъзоларга ҳалокатли таъсир кўрсата-
ди. Газетадан.

ҲАЛОЛ [а. حلال — рухсат этилган, йўл
 кўйилган; қонуний, асосли; тўғри, виж-
 донли одам] 1 дин. Шариат ҳукмига муво-
 фиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган; ҳа-
 ром эмас. *Пулни олмадим, минг марта ро-*
зиман, сизга она сутидай ҳалол бўлсин.. А.
Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Кишининг ўзига қарашли, ўз
 меҳнати билан, пешона тери тўкиб топил-
 ган; хиёнат, фирромлик кабилардан холи.
Жон-дилидан ҳалол ишлайдиган одамлар бил-
ан иноқ.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Тўғ-
ри тут ишингни ва ҳалол яша! Шуҳрат.
Маҳфуза энди қинғирликни ташлар, бола-
ларини ҳалол пул билан боқиб, вояга етка-
зар.. Газетадан.

3 *кўчма* Фирромликка ўрганмаган, қин-
 ғир йўлга бормайдиган, бировни алдамай-
 диган; тўғри, софдил. *Ҳалол киши. Ҳалол*
ишламоқ. ■ *Колхоз раиси умри етимлик*
билан ўтган ҳалол одам. Ш. Рашидов, Бў-
рондан кучли. [Заргаров:] Бечора Оқила ўзи
жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда
меҳрибон аёл. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Аза-
лий халқинг бор бир эл қатори, Тантию
меҳнаткаш, тўғрисиўз, ҳалол. А. Орипов,
Йиллар армони.

4 Никоҳлаб олинган, қонуний (хотин
 ҳақида). *Бировнинг ҳалолини биров суюдиган*
замон экан-да, водариг? С. Сиёев, Отлиқ аёл.
Узининг бир эмас, иккита хотини бўла ту-
риб, тагин бир йигитнинг ҳалолига кўз
олайтириш.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *спрт.* Ўзбек курашида соф ғалабага
 бериладиган баҳо.

ҲАЛОЛА [а. حلاله — ҳалол хотин] 1 Эрига
 хиёнат қилмайдиган, ҳалол хотин.

2 Никоҳлаб олинган, қонуний хотин.
ҲАЛОЛИ [а. حلالی — рухсат этилган; қо-
 нуний, тўғри] Никоҳли эр-хотиндан туғил-
 ган бола, қонуний фарзанд.

ҲАЛОЛЛАМОҚ 1 дин. Ҳалол қилмоқ,
 шариат қонун-қондасига мувофиқ еса-ичса
 бўладиган қилмоқ.

2 *кўчма* Бирор нарсани оқлайдиган, ун-
 га арзийдиган, муносиб иш қилмоқ. *Еган*
тузингни ҳалолла! ■ Инсоф ҳам керак-да!

Нонни ҳалоллаб ейиш керак. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. Урушда ҳам ўғлим сутимни ҳалоллабди. Болаларимдан розиман. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

Қўлини ҳалолламоқ (ёки **ҳалол қилмоқ**) Хатна қилдирмоқ. *Ҳа, полвон ака, жияларингизнинг қўлини ҳалол қилмоқчи эдик.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Шоймардон — ферма мудури, ўғлининг қўлини ҳалоллади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲАЛОЛЛИК 1 Виждон билан, инсоф юзасидан иш тутиш; тўғрилиқ, софлик. *Ҳалоллик, тўғрилиқ, поклик — одампайликнинг энг зарурий мезонидир.* Газетадан. *Ёшликда ҳамма ҳам олийжаноб ҳислар, соф виждон, ҳалоллик, номус ҳақидаги фикрлар билан тўлган бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Эрга ёки хотинга хиёнат қилмаслик; вафодорлик.

3 Ҳалол эканлик. *Мен мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов куни маҳалламизнинг охунлари ҳалоллигига фатво бериб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАЛОЛХЎР [а. + ф. *حلالخور* — ҳалол еювчи; ҳалоллик билан кун кечирувчи] *кам қўл.* Ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилувчи, кишиларни алдамасдан яшовчи, нонини оқлаб еювчи. *Ҳаромхўрларга биз доим кушанда, Ҳалолхўрларга ёр «муштум»чилармиз.* С. Абдулла. *Томошага чиққан жами фуқаро, Ҳалолхўр хизматкор, деҳқон, бечора.* «Хушкелди».

ҲАЛП: *жон ҳалпида* Жон ҳолатда, нафаси оғзига тикилиб. *Майна энди орқадаги вагонга юк ташийётганларга қарарди.* Юкчилар забардаст елкаларини букиб, *жон ҳалпида олдинга интилишади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хотини жон ҳалпида югуриб бориб, эрига ётишди.* «Муштум».

ҲАЛП-ЗАЛП 1 Оғир меҳнатдан ҳарсиллаш, ҳаллослаш.

2 *кўчма* Жонбозлик билан астойдил меҳнат қилиш. *Усти ўраб ташланган пахта бунтлари баланд деворлар оша ёнма-ён қад кўтариб турарди: озмунча ҳалп-залпнинг мевасими булар!* Й. Шамшаров, Довруқ.

ҲАЛПИЛЛАМОҚ 1 Кенглигидан киши қаддига салқи келиб, осилиб турмоқ (кийим ҳақида). *Ҳар қадамда дастурхон, қанорқопдай ҳалпиллаган кўк кўйлаги шох-шаббаларга илинавериб безор қилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Устида отасининг чопони*

ҳалпиллаб турарди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Лапанглаб югурмоқ, елмоқ; селкилламоқ. *Арслонқул ҳовлиқиб, ҳалпиллаб, уйга қайтди.* Ойбек, Навоий. *Уйдан боланинг бўғиқ чинқириги эшитилиб, хотин ҳалпиллаганича уйга югурди.* С. Абдулла, Обрўйим тўкилади.

ҲАЛПИНЧОҚ *шв.* Ҳайинчак. *Қалдирғоч мастон юз ўн еттига кириб эди, алпинчоқ, салпинчоқ, таққани эшакмунчоқ, уйнагани кўғирчоқ, учгани ҳалпинчоқ.* «Хушкелди».

ҲАЛП-ҲАЛП: *ҳалп-ҳалп қилмоқ айн. ҳалпилламоқ.*

ҲАЛФАНА [а. + ф. *حايڤانە < حايڤان* — шерик, иттифоқдон] Ўртада масаллиқ тўплаб тайёрланадиган овқат. *— Ҳалфанага налов қилмоқчи бўлдик.* *Хуснибий ошпаз бўладиган бўлди, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҲАЛФАНАЧИ Ҳалфана қатнашчиси. *— Ёғ эриб оққан, тухум синган бўлганидан, ҳалфаначи ўртоқларимнинг олдига боришдан маъно чиқмас эди, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҲАЛҚ [а. *حلق* — томоқ, бўғиз; танглай] *эск. айн. ҳалқум.*

ҲАЛҚА [а. *حلقه* — чамбар, гардиш, гилдирак; тўгарак; кишилар давраси] **1** Металлдан эгиб, икки учини бир-бирига қўшиб ясаладиган доира шаклидаги буюм. *Темир ҳалқа. Эшик ҳалқаси.* ■ *Айвон эшигида бир эмас, иккитадан янги қоқилган ҳалқаларга кўзи тушиб, таажжубланди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Дарвоза очилмади, Ибодилла унинг ҳалқасини уриб, тақирлата бошлади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 *эск.* Доира шаклида ясалган, билак, бармоқ ёки қулоққа тақиладиган безак буюми. [Кумуш] *Кичкина олтин ҳалқани қутидан олиб, қулоғига тақди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Авазнинг ёдига.. бармоғига ҳалқа таққан олакўз кимсанинг суқ назар ила тикилиб тургани келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чойхоначи чўчиб, ирғиб турди, билагидеги оқ ҳалқани ечиб узатди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Умуман, доира шаклидаги, доирасимон нарса. *..пичоқ шириллаган сайин ютқа ниёз ҳалқалари олдидаги лаганчага тушиб турарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кел, истасанг, ой ҳалқасини қулоғингга тақай, дилбарим.* Э. Воҳидов. *Ноиб қамчи*

ҳалқасини билагига узатаркан, Аваз ҳалиги йигитга қараб қўйди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 кўчма Қуршов, қуршов доираси. Душман ҳалқани ёриб чиқиб кетишига жонжаҳди билан уринарди. Н. Сафаров, Оловли излар. Қорақулов автоматчиларнинг кичик гуруҳи билан қуршов ҳалқасидан ўтиб, батальонга борди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

5 Занжир ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ўзаро боғланган, уларни ташкил этувчи ҳар бир қисми. *Занжир ҳалқаси. Кишан ҳалқаси.*

6 кўчма Ўзаро боғланган, боғланадиган нарсаларнинг ўзаро боғланувчи, боғланиш учун хизмат қилувчи ҳар бир қисми. *Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аж-додларни келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган олтин ҳалқа.* К. Яшин, Ҳамза. *У терговни ўзи олиб борган бўлса ҳам, айбномани бошқанинг оғзидан эшитганда, жиноятлар ҳалқаси кўзига яна ҳам мудҳишроқ кўринди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

7 кўчма Маълум кишилар тўдаси; давра, жамоа. *Қаландарлар ҳалқасига қабул қилинган соатдан бошлаб, ҳушимни йўқотган эдим, — деди Шум бола.* Ҳ. Фулом, Шум бола.

Ёш ҳалқаси (ёки ҳалқа ёш) Кўз гўласи (соққаси)да тўпланган ёш; шундай ёш шакли. *Нодирнинг кўзларида ёш ҳалқаси сузарди.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. *У киши.. кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш, жимгина келиб, пешонамдан ўпдилар.* О. Ёқубов, Излайман.

ҲАЛҚАЛАМОҚ 1 Ҳалқа ўрнатмоқ, ҳалқа солмоқ. *Дарвозани ҳалқаламоқ. Қуш оёқларини ҳалқаламоқ.*

2 кўчма Ҳалқа шаклига келтирмоқ. *Арқонни ҳалқаламоқ.*

3 кўчма Қуршов, ҳалқага олмоқ, қуршаб олмоқ. *Фриц ҳалқалаб қисди-ю, аммо эп-лолмади, бир шлож қилиб, қуршовдан қутулиб чиқдик.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 айн. ҳалқаланмоқ 4. *..Ҳалима она.. кўзларида ёш ҳалқалагандай туюлди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

ҲАЛҚАЛАНМОҚ 1 Ҳалқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қушлар тажриба учун ҳалқаланади.* ■ *Ҳалқаланар трубкада тутунлар.* М. Шайхзода.

2 Ҳалқа шаклини олмоқ. *..кудоннинг четидаги сигаретадан ҳалқаланиб тутун*

чиқарди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч уч-рашув.

3 Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, келмоқ, тўпланмоқ (кўз ёши ҳақида). *—Парпивоининг қизи, шлойим айтганинг келсин, кам бўлма, — отанинг кўзларида ёш ҳалқаланди.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

ҲАЛҚАЛИ Ҳалқаси бор. *..дарвозаси нақшдор қилиб ишланган бўлиб, мисдан қилинган ҳалқали дасталари бўларди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАЛҚУМ [а. *حلقوم* — томоқ, бўғиз] **1** анат. Оғиз бўшлигини қизилўнғач билан туташтирадиган ҳазм йўлининг бошланғич, олдинги қисми; ютқун. *Мастонбиби хўплаган чойни ҳалқумидан ўтказолмади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Гоҳ Эргаш, гоҳ Одил ҳалқумигача сувга ётиб, қўл сиғадиган ҳар бир тешикни тинтишади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Ҳазабидан ҳалқумига келиб тиқилган тупугини зўрга-зўрга ютди-да, яна қадамига қамчи босди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 кўчма Отадиган қуролнинг ичи, оғзи; оғиз. *Қайси бир она фарзанди кўксини зам-баракнинг оловли ҳалқумига тугиб беради?* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

Жони ҳалқумига келмоқ қ. жон 1.

ҲАМ 1 [ф. *هم* — шунингдек, ҳамда; яна, шу билан бирга] **1** боғл. Тенг қийматли гап бўлаклари ёки содда гапларни, шунингдек, тўлиқсиз гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади. *Битибдур беш равоат ҳам учта ҳаммом. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдай тез учади, ҳам ўзи дилкаш йигит. Ишни пухта қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзи одамлар билан гаплашиб ўтиргандай кўринса ҳам, фикри-ёди блокнотда экани.. кўриниб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 юкл. Таъкид, кучайтириш билдиради. *Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Шу ҳам иш бўлдими? Бу ботинка оёғимга сира ҳам сиғмайди. У опасига ҳеч ҳам ўхшамайди.* ■ *У тупфисини ҳам ечмай, наमतга оёқ қўйди.* Газетадан. *Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, вагонга сукунат чўкди.* Газетадан.

ҲАМ- II: қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян иш-фаолият ва ш.к. да «бирга бўлувчи», «бирга бажарувчи»,

«тенг бир хил» деган маъноларни билдиради: *ҳамдард, ҳамфикр, ҳамшаҳар, ҳамтовоқ* ва б.

ҲАМ III: ҳам қилмоқ бол. Емоқ, ошамоқ.

ҲАМА [ф. *حما* — ҳамма, барча, бутун; ҳар бир] эск. кт. айн. **ҳамма**. *Ҳама обод бўлди-ю, бўлмадим обод дастингдан*. Машраб.

ҲАМАВАҚТ [ҳамма + вақт] Ҳар доим, ҳамиша, доимо. [Мастура:] *Сизники ҳамавақт.. барака топ, оч бўридек тикка ташлайсиз*. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҲАМАЛ [а. *حمل* — қуй; қўзичоқ] **I** (Ҳ — катта) астр. Ун икки буржнинг бири: Ҳут ва Савр буржлари орасида жойлашган (қ. бурж). *Баҳор кирди. Деҳқон ҳисоби билан ҳут чиқиб, ҳамал кирди*. Газетадан.

2 Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи: 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади. *Ҳамал кирди — амал кирди*. Мақол. ■ *Шериклари билан ҳамал ойининг бошларида — мартнинг охирида туркман саҳросига жўнади*. С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАМАСР [ҳам + аср] Бир асрда яшовчи ёки яшаган; асрдош. *Ажойиб ижод аҳлининг кашфиётларига ҳамасрмиз*. Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАМБЎЙИНСА ив. Тенгдош, тенгқур. *Келавер бизникига, ҳамбўйинсанг Бўзтой билан ўйнайсан*. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҲАМГАП [ҳам + гап] кам қўл. Ҳамсуҳбат. *Мен илгари бу юртларни келиб кўрганим йўқ, бу элларнинг ҳеч қайсиси билан таниш, ҳамгап бўлганим йўқ*. «Ёдгор».

ҲАМД [а. *حمد* — мақтов, мадҳ, улуғлаш; шукур, ташаккур] дин. Худо, пайғамбар ва халифалар, шоҳлар шаънига айтиладиган мақтов, шеър, мадҳия. *Мусулмон ўлкаларида асарни ҳамд, муножот.. каби худо, пайғамбар ва халифаларга бағишланган анъанавий муқаддима билан бошлаш одат эди*. «ЎТА».

ҲАМДА боғл. Гапда тенг қийматли икки гап бўлагини ёки икки содда гапни бири-бирига боғлайди. *Мен фарзандларим ҳамда шогирдларимдан ҳақиқий инсон бўлишни.. талаб қилиб келдим*. Газетадан.

ҲАМДАМ [ф. *همدم* — самимий, яқин ўртоқ, дўст] **I** Бирор кимса билан кўпинча бирга бўлувчи шахс ёки нарса. *Қаламкашлик бурчин оқлаб қаламинг, Бўлди доим ҳам-*

нафасинг, ҳамдаминг. Ҳабибий. *Аё, менинг ош-нонимни еганлар, Суҳбат қуриб, менга ҳамдам бўлганлар*. «Ширин билан Шакар».

2 Ҳамдам (эркаклар исми).

ҲАМДАМЛАШМОҚ I Иш-фаолият, суҳбат ва ш.к. да бирга бўлмоқ; биргалашмоқ. *Шундай экан, ҳаммаҳаллалар ҳамдамлашамиз, деса, сиз ранжишингиз, хижолат тортишингиз ноўрин.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. - Ғойибжон мен билан очилиб ҳамдамлашмоқчи эканини пайқаб, болани каравотига ётқиздим.. — деди Қумри. М. Жўра, Изтироб. Равшан Мусаев ёз кунлари келган кетганлар билан худди шу шийтонда ҳамдамлашади*. «Муштум».

2 Ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ. *Оч-ориқнинг ҳолин кўриб, раҳм этиб, Камбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди*. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ҲАМДАРД [ҳам + дард] **I** Кимсанинг ғам-қайғусини бирга кечирувчи, дардининг тарқалишига кўмаклашувчи; дардкаш, қайғудош. *Қани энди, унинг оҳу зориға қулоқ соладиган бирон ҳамдард бўлса-ю.. бутун алам ва ҳасратларини айтиб, юрагини бир оз бўлса ҳам бўшатса!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шунақа кунларда далда берадиган дўст, ҳасратини эшитиб, кўнглини кўтарадиган ҳамдард ҳам зарур эди Аҳмадга*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Синф раҳбари ўқувчининг энг яқин сирдоши ва ҳамдарди, маслаҳатгўйи бўлмоғи лозим*. Р. Усмонов, Одобнома.

2 Кимсанинг жисмоний дардини, ориғини енгиллаштириш учун унга ёрдам берувчи, кўмакчи. *Санитарлик, ёвуз душман билан урушда ярадор бўлиб чиққан жангчиларга ҳамдард бўлиш — шарафли иш*. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Дардмандларга ҳамдард бўлгин, Йиқилганга қўл узат*. Э. Раҳим.

ҲАМДАРДЛАШМОҚ кам қўл. айн. дардлашмоқ. *..хат ёзди, ёзганда ҳам очик, юрак сирларини баён қилди, гўё у отаси билан ҳамдардлашарди*. Газетадан.

ҲАМДАРДЛИК Кимсанинг ғам-қайғуси, дардига шериклик, биргалик ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули ҳолат. *Хонзода бегим унинг муҳаббат дардини билади. Биладигина эмас, балки ўз қалбида унга ҳамдардлик ҳам сезади*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Ҳамдардлик билдирмоқ (ёки изҳор қилмоқ) 1) яхши гаплар билан кимсанинг дардини, хафалигини ёзишга, унга тасалли беришга уринмоқ, таскин бермоқ. *Фарҳод ачингандай Дурдига ҳамдардлик изҳор қилмоқчи бўлиб, унга яқинроқ сурилади.* А. Ҳакимов, Илон изидан; 2) кўнгил кўтариш учун, яқин кимсани ўлган кишининг қайғусига шерик эканлигини билдирмоқ. *Умурзоқ отанинг вафоти муносабати билан институт коллективи ўз ходимига ҳамдардлик билдирди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ҲАМДАСТ [ф. *هم دست* — қўли бир: бирга қатнашувчи, шерик] *кам қўлл. кт.* Кимсага кўмак берувчи киши; шерик; кўмакдош, қўлдош. *Биз ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб туриб, тинчлигимизни бузадиган, текинхўрлик билан яшайдиган юраги қинғирларга қарши шафқатсиз курашамиз.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

ҲАМДИЛ Мақсади, фикри бир; фикрдош, ҳаммаслак; аҳил, дўст. *Мамлакатимиз поёнсиз, давлатимиз улўғ, халқларимиз ҳамдил, ҳамжиҳат!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҲАМДУНА [а. *حمدونه* — маймун] *айн.* маймун йили қ. маймун 3. *Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса, тўппа-тўғри йигирма тўрт ёшга қадам қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАМДЎСТ [ҳам + дўст] Бир-бирига кўмаклашувчи, ўзаро дўст. *Ҳамдўст мамлакатлар.*

ҲАМДЎСТЛИК 1) Ўзаро ҳамдўст ҳолат. *Ҳамдўстлик, ҳамкорлик яхши кунларимизда ҳам, ёмон кунларимизда ҳам бизга доим асқатиб келган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2) Иттифоқ, уюшма. *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ).*

ҲАМЁЗА [ф. *خميازه* — бир оз тортиш; эснаш, эсноқ]: **ҳамёза тортмоқ** *айн.* эснамоқ. *Мавлоно Шаҳобиддин бу сўзлардан зериккандек, оғзини катта очиб ҳамёза тортди.* Ойбек, Навоий. *Лаб эмас, ҳамёза тортган туйдай, Гўр каби оғизда тишлари кемшик.* Ф. Ғулом.

ҲАМЁН [ф. *هميان* — пул солинадиган халтача; пул қопчиғи] 1) Асосан пул солиб, ёнда, чўнтакда олиб юриладиган халтача; кармон. *Меъмор қўйнидан ҳамёнини олиб, эллик динор санаб берди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сатторов чўнтагидан ҳамён чиқарди.* *Кўк эллик сўмликларни кўриб, холанинг кўз-*

лари ўйнади. Ю. Шомансур, Қора марварид. *Подшоҳ бир ҳамён тилла бериб, шахзодани йўлга солибди.* «Эртақлар».

2) *кўчма с.т.* Чўнтак (пул солинадиган жой маъносида). *Уғрининг катта-кичиги бўлмайти.* *Ҳамёндан ўмаргани бир сўмми, юз сўмми, бари бир — киссавор.* Газетадан.

Ҳамён қуруқ Пул йўқ. *Пулдорлар, албатта, нозу неъмат ичида, аммо ҳамёни қуруқлар-чи?* «Муштум».

3) *кўчма* Кимса ихтиёридаги, унга тегишли пул, маблағ. *Ҳисобини билмаган — ҳамёндан айрилади.* Мақол. ■ *Олий ўқув юртларида эса ота-онанинг мансабига, ҳамёнига қараб ўқишга қабул қилиш ҳоллари илдиз отиб кетган эди.* «Муштум». *Пошиа хола жонини суғургандай, ҳамёндан пул сарфлаб, катта тўй қилиб берди.* Д. Нурий, Осмон устун.

Ҳамён касал Пул йўқ, пул, маблағнинг мазаси йўқ. *Бухорода ўқимок учун ҳамёним касал эди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

ҲАМЁСТИҚ *кам қўлл. айн.* ёстикдош.

ҲАМЁТОҚ *айн.* ётоқдош. *Саудий буни ўзининг ҳамётоқларига айтиб берди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАМЖИНС [ҳам + жинс] 1) Бир жинсга (эркак ёки аёллар жинсига) оид; жинсдош.

2) Келиб чиқиши бир хил, бир турга оид нарсалар ҳақида. *Олмурут ҳам нокларга ҳамжинсдир.*

3) *кўчма* Бир тоифа, турга оид. *Эркак одам бундай пайтларда ўз ҳамжинсларига интилиб, улардан тасалли топгиси келар экан.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ҲАМЖИҲАТ [ҳам + жиҳат] Иш-фаолият, интилиш ва ш.к. да бирликда бўлган, бир-бирдан ажралмас; аҳил. *Бобур мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАМЖИҲАТЛИК Ҳамжиҳат бўлиш, ҳамжиҳат ҳолат. *Соли отанинг.. уйида энди тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурарди.* С. Абдуқаҳҳор. *Олтин водийларни кезганда. Бахтлимиз — меҳнатда, тотувликда, ҳамжиҳатликда..* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲАМЗА [а. *همزة* — нина санчиш; сатр усти белгиси] 1) Араб алифбосида бўғиз тову-

шини ифодаловчи, ҳарфнинг устига қўйиладиган белги (◌) нинг номи.

2 Ҳамза (эркаклар исми).

ҲАМИН [ф. *همين* — аини ўша, аини шу; фақат, ёлғиз]: **ҳамин қадар** 1) жуда кўп, ҳисобсиз. *Чорва ҳам, ўзингиз биласиз, ҳамин қадар. Кассада бўлса ҳемири йўқ. С. Аҳмад, Чўл шамоллари;* 2) шунга яраша, шунга лойиқ; шунча. *-Бухоройи азимга келиб, муллавачча ҳам бўливолдик. Тун тупиққача, салла ҳамин қадар, — деди Мамаражаб. С. Сиев. Қиз боланинг панди;* 3) унчалик, у қадар эмас. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларида ҳам қўни-қўшничилик, ҳамсоячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

ҲАМИША [ф. *هميشه* — доимо, ҳамма вақт] **Ҳамма вақт, доимо.** *Нон ҳақида гап борганда, ҳаммиша кўз ўнгимда ёшлигимда эшитган бир воқеа гапдаланади.* Газетадан. *Синглиси бўлса, биров билан бетма-бет келиб сўзлашганида ҳам, кўзини ҳаммиша бир нуқтадан узмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҲАМИШАБАҲОР [ҳамиша + баҳор] *айн. гулҳамишабаҳор.* *Боғбон меҳмонни кечки пайт бўшатди ва ўшанда ҳам «аттанг, фурсатларинг бўлганда, ҳаммишабаҳорни кўрсатар эдим», деб қолди. А. Қаҳҳор, Картина.*

ҲАМИШАГИ **Ҳамиша бўлиб келаётган,** ҳар доимги; одатдаги.

ҲАМИШАГИДАЙ **Ҳар доимгидай;** одатдагидай. *Хамбер Фарҳод билан ҳаммишагидай форс тилида гаплашиб кетди. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

ҲАМИШАЛИК *айн. ҳаммишаги.* *Бу одат тўйга борган хўжаларнинг ҳаммишалик одатлари бўлганидан, сайислар бу ишни ҳар вақт шундай бажарар эканлар. С. Айний, Эслаликлар.*

ҲАМИЯТ [а. *حمية* — жаҳли тезлик; жиззакилик; гайрат, кунт; манманлик, такаббурлик; мағрурлик] **1** Ор-номусини, қадрқимматини пок сақлаш туйғуси; орият. *Тамағирлик — инсон ҳамиятини ерга уради.* Газетадан. *[Шарофат] Ўртага тушмоқчи бўлган кимнидир юлади; ҳамма эркаларни ҳамиятсиз, ҳамма хотинларни бузук, дейди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Ҳамиятига тегмоқ **Ҳамиятсизликда айблаб, виждонан азобламоқ.** *Унинг охириги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 **Инсонийлик ҳис-туйғуси;** шундай ҳис-туйғули муносабат. *..камтарин бир кексадаки шунча ҳиммат ва ҳамият бўлса.. иш барор топмаслиги ҳам мумкинми!? Ҳ. Назир, Маёқ сари. ..сизнинг хизматларингизни, ҳамиятингизни ҳеч вақт унутмайдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Замондан замон ўтиб, уларнинг [одамларнинг] дилида яхшилик, мурувват, ҳамият, инсофу адолат чироғи ёнармикан.. С. Сиев, Аваз.*

ҲАМИЯТЛИ **Ҳамияти бор, ҳамият билан иш тутадиган, муносабатда бўладиган.** *-Гапингизга қараганда, ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни қанда қилмайдиган мусулмон бир қосибнинг қизи экансиз, — деди Ойша яллачи Латифахонга. Ф. Фулом, Шум бола. Полвоннинг эса ўз божасидан умиди узилган, ёлғиз шу дилкаш, ҳамиятли чола ялиниб-ёлворишдан бўлак шложи қолмаганди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Душманларга берилмаган парча ер. Ориятли, ҳамиятли ботиқ эр. Ҳабибий.*

ҲАМИЯТСИЗ **Ҳамияти йўқ, ҳамияти бўлмаган.** *Биз каби йўқдир беор, ҳамиятсиз бебошлар.. Ҳамза.*

ҲАМКАСАБА *айн. ҳамкасб.* [Халфа] *Ўзи мустақил бўлиб иш бошлашдан аввал оқсоқол бошлиқ барча ҳамкасабаларига зиёфат берар.. эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Меъмор бу сўзларни ҳамкасабалари, шогирдлари ичида эмас, мансабдорлар олдида ҳам тажанг бўлиб айтган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ҲАМКАСБ [ҳам + касб] **Касби бир, ишлаб чиқаришнинг бир тармоғида, соҳасида ишлайдиган; касбдош.** *Унинг ҳамма юксак нарсалардан иллат қидириши, обрўси ортган ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қараши шундан эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Аҳмад ака ички бир табассум билан ҳамкасбларини тинглар, ҳали янги ходим бўлгани учун, гапга аралашини ўзига эп кўрмай, жимгина ўтирарди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

ҲАМКОР [ф. *همکار* — бирга ишловчи, ҳамкасаба] **1** **Бирор иш-юмушни бирга бажарувчи, бирга амалга оширувчи.** *Орада бир ҳафта ўтгандан сўнг ҳамкори Барат бу мақолага қарши узун бир мақола ёзиб берганида, Саидий ўқиб кулди. А. Қаҳҳор, Сароб. Шу пайт у Маҳкамга машҳур олим бўлиб эмас.. ўртадаги оғир юкни бирга кў-*

тараётган ҳамкор бўлиб кўринди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Иш-фаолиятда ўзаро кўмакдош; ўзаро ёрдам, бамаслахатлик билан ишловчи. *Ҳамкор корхоналар.* ■ -*Бир солдат иккинчи солдат билан ҳамкор бўлиши керак, — дерди командир.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҲАМКОРЛИК 1 Иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айнаи бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш (қ. **ҳамкор 1**). *Автоматчилар танкчилар билан ҳамкорликда ҳужумни давом эттириб, душман мудофаасини ёриб ўтишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Марҳум устозим Зиё Саид билан ҳамкорликда «Тарих тилга кирди» китобини ёздик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш. *Иқтисодий ҳамкорлик.* ■ «*Тоҳир ва Зухра*» фильми тугар-туғамас, *Наби Ғаниев* кинорежиссёр *Комил Ёрматов* ҳамкорлигида «*Насриддиннинг саргузаштлари*» кинокомедияси устида иш бошлади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Биз физиология мутахассислари билан ҳамкорликда ядро нурланишларининг уруғлик чигитга таъсирини ўргандик.* «Фан ва турмуш». *Аҳдлашувчи томонлар радиоэшиттириш ва кинематография соҳасида ҳамкорликни кучайтирадлар.* Газетадан.

ҲАМКУРС [ҳам + курс] Бир курсда бирга ўқувчи; курсдош. *Бир вақтлар ҳамкурслари билан мана шу япроқлар шивирига қулоқ солиб туриб, қайси дарахтлигини аниқлашарди.* Ж. Абдуллахон, Орият. *Ҳакимжон у билан ҳамкурс, келишган.. йигит эди.* С. Аҳмад, Зумрад.

ҲАМЛ |а. حمل — кўтариш, кўтариб туриш; ташиш; ҳомиладорлик] эск. Қоринда бола бўлиш ҳолати. *Ҳама вақти (с.т.).*

ҲАМЛА |а. حمل — интилиш; ҳужум, отилиш, ташланиш| **1** Кимса ёки нарса устига ташланиш. *У бир ҳамла билан Султоннинг ёқасидан ушлаб, ўзига тортди.* О. Ёқубов, Ларза. *Тажанг бўлса, қоплон ҳамласи билан Писмиқ гирибонига чанг солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Жанг, кураш ва ш.к. да куч билан олға ташланиш; ҳужум. *Разведка маълумотига қараганда, бу тепаликни бир ҳамла билан қўлга олиш мумкин эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бизнинг ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани*

сабабли, катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош бера олмадик. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 айн. **ҳужум.** *Унинг дастурхондан ҳамон кўз узмай, жим ўтирганини кўриб, очиқ ҳамлага ўтди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Ҳамла қилмоқ Ташланмоқ, ҳужум қилмоқ. *Ёқутойим эрига қутуриб ҳамла қилди, юзига чанг солди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Навқирон йигитнинг чарчаганини сезган Темур Малик устма-уст ҳамла қилиб, йигитни орқага тисарилтира бошлади.* «Саодат». *Очиқ қолган марказдан Бобур аскарларининг бир қисми аланга тилидай отилиб чиқди-ю, Шайбонийхон турган тепаликка ҳамла қилиб кела бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАММА [ф. همه — барча, жами, бутун] олм. Шаҳс, нарса, унинг белгиси, сони ва б. хусусиятларини жамлаб ёки ажратиб кўрсатади, шу тарзда белгилайди. *Бу гап ҳаммага аён. Ҳамма жим бўлди. Ҳамма ёқда баҳор. Ҳамма нарса тайёр. Ҳамма етиб келди. Ҳаммадан ёш.* ■ *Севинч, қўрқув, бахиллик — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, Жонғиғоннинг боши ғовлаб кетди.* А. Қаҳҳор. *Қанотсиз читтак. Ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолгандан кейин биламиз.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ҲАММАБОП [ҳамма + боп] Ҳамманинг лидига мос келадиган, маъқул бўладиган; оммабоп. *Ҳаммабоп китоб. Ҳаммабоп фильм. Ҳаммабоп одам.*

ҲАММАКТАБ [ҳам + мактаб] Бир мактабда бирга ўқувчи; мактабдош. *Икковларинг ёшликда ҳаммактаб эканликларингени билар эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАММАСЛАК [ҳам + маслак] Маслаги бир хил бўлган, бир маслакдаги киши; маслакдош. *Бу ерда фаол ҳаммаслаклар йиғилган экан, ўз олдимизга муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.* Газетадан. *..ўз қора ниятини амалга ошириш учун шошилди, ҳаммаслакларига мурожаат қилди.* Н. Сафаров, Наврўз.

ҲАММАҲАЛЛА [ҳам + маҳалла] Бир маҳаллада турувчи, бир маҳаллалик киши. *Кунлардан бир кун Юсуфжоннинг ҳаммаҳалласи — Қорабойнинг отаси Ҳасанбой ўлиб қолди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Юраги тўлиб кетган пайтларда ҳаммаҳалласи Зубайдахонниқига чиқади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАММИЛЛАТ [ҳам + миллат] Бир миллатга мансуб, миллати бир; миллатдош. *Бергер, одамага хилоф равишда, ҳаммиллатига қандайдир хушчақчақ савол берди. А. Мухтор, Чинор.*

ҲАММОЛ [а. *حقال* – юк ташувчи, ортувчи] Юк кўтарувчи, юк ташувчи ишчи; юкчи. *Хўп, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб, бозорда юрган ҳаммол бўлса, тегармидингиз! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Шундай қилиб, Йўлчи ҳаммол бўлди, шаҳарнинг турли томонларига. юк ташиди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўчада одам кўп эди. Сават кўтарган нонвойлар, қоп орқалаб келаётган ҳаммоллар.. С. Сиёев, Аваз.*

ҲАММОЛЛИК Ҳаммол иши, юк ташувчилиқ. *Мардикорлик, ҳаммоллик, қоровуллик, хизматкорлик.. ҳаммаси қўлимдан келади. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Қўлимда хунарим бўлмаса, ҳаммолликдан бошқага ярамасам.. С. Сиёев, Ёруғлик. Айниқса, ўзга шаҳарларда мардикорлик, ҳаммоллик қилиб юрган миллатдошларимиз аҳволи ғоят ачинарли. Газетадан.*

ҲАММОЛЧИЛИК с.т. Ҳаммоллик. *Шакаржон ака кечаю кундуз ишлаб, тандир ясар, баъзан ҳаммолчилик ҳам қиларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

ҲАММОМ [а. *حمام* – чўмилиш жойи, ванна] Чўмилиш, ювиниш учун иссиқ ва совуқ сувлари, бир неча иссиқ ва совуқ хоналари бўлган махсус бино. *Ҳаммомга тушмоқ. ■ [Жалолиддин:] Битибдур беш равоат ҳам учта ҳаммом. Бир-икки ердаги ишлар чала, хом. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Бўстон саройининг бир четида.. мрамр ҳовузли ҳаммом бор эди. Кечки пайт шу ҳаммомга Султон Али мирзонинг ҳарамидаги чиройли қизлар чўмилишга келдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

Эски тос, эски ҳаммом қ. эски.

ҲАММОМЧИ Ҳаммомда келди-кетдини бошқариб турувчи хизматчи. *Афанди бир кунни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай, эски тос, йиртиқ лунги берди. «Латифалар». Ҳаммом ёпиқлигини кўрган кишилар «ҳаммомчи касал экан, у ёнилғига кетганмиш», деган миш-мишларнинг гувоҳи бўлишди. «Муштум».*

ҲАММУАЛЛИФ [ҳам + муаллиф] Адабий, илм-фан ёки санъат асарларига, бирор кашфиётга тенг даражада ҳуқуқи бўл-

ган шахсларнинг ҳар бири (бир-бирига нисбатан).

ҲАММУАЛЛИФЛИК Бирон-бир адабий, илмий, санъатга оид асар ёки кашфиётга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг икки ёки ундан ортиқ шахсга барабар алоқадорлиги.

ҲАМНАФАС [ҳам + нафас] Иш-фаолиятда, ҳаётда доим биргаликда бўлувчи, «бир хил нафас олувчи». *Ўзим кўрдим, турли миллат кишилари билан ҳамнафас, ҳамтовоқ, ҳамдард, қуролдош бўлдим. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Замон билан ҳамнафас бўлган санъаткоргина ўз замондошларининг образларини ярата олади. Н. Сафаров, Оловли излар. Малъун бўлиб яшашни афзал кўрганлар Бўлолмас одамзод билан ҳамнафас. Ф. Фулом.*

ҲАМНАФАСЛИК Ҳамнафас бўлиш, ҳамнафасга хос муносабат. *Ижодкорнинг халқ ҳаёти билан ҳамнафаслиги – рассом иқтидорининг муҳим томонларидан. Газетадан. Турли халқларнинг ўзаро яқинлашувида, инсониятнинг маънавий ҳамкорлиги ва ҳамнафаслигида бадиий таржиманинг роли беқиёсдир. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

ҲАМНИШИН [ф. *همنشین* – бирга ўтирувчи] кт. Ўзаро суҳбат, ўтириш, улфатчилик кабиларда бирга бўлувчи шахс. *Ахир тирик жонга.. ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Муҳаммад Шариф, энди кўрада ҳамнишин йўқ, ёлғиз ўзи яшайди. Қ. Мирзо, Олам гўзал.*

ҲАМОВОЗ [ҳам + овоз] 1 Бошқалар билан бир хил айтиладиган ёки бир хил эшитиладиган.

2 кўчма Бирор иш, мақсад бўйича айтадиган гап-сўзи, фикри, «овози» бир; тилакдош. *Эл сўзи билан сўзим ҳамовоз, Ёр меҳри эди кўнгилга пардоз. С. Абдулла.*

ҲАМОЙИЛ [а. *حمایل* – тасма, қайиш; камарбоғ] Елкадан белга тушадиган камар, тасма, боғич. *Устига хильвати заррин, совутлар кийган, белида қилич, ҳамойил, сурати подшога ўхшайди. «Бўтақўз». Туморчалар, ҳамойиллар тақмасдан, Гўзал қизлар, ёш келинлар меҳнатда. Файратий.*

ҲАМОН [ф. *همان* – худди, айни ўзи] рвш. 1 Шу дамгача, ҳозиргача, ҳали ҳам. *Сенинг гапинг ҳамон қўлоғимда. Ҳамон ишляпти. Ҳамон сўзляпти. ■ Довул ҳамон қутурмоқда. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Орадан*

қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди. Газетадан.

2 кўм. өзф. Пайт муносабатини билдиради; ўша (шу) ондаёқ, билан(оқ). *Улар жардан чиққан ҳамон одам овозини эшитдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. [Гулнор] *Йўлчи тўғрисида Нурунинг сўзларини эшитган ҳамон, олам унинг кўзига қоронғиланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ёнбош қўйгани ҳамон кўзи юмилиб, уйқу босарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲАМОНО [ф. *همانا* — айнан, ҳақиқатан, шубҳасиз; модомики, қачонки] *айн. ҳамон* **2.** *Йигитали поезддан тушган ҳамоно унинг кўнгли хиралашиб, кеча ва аввалги кунлардаги бу томонга интилишдан заррача нишон қалмаганди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Қори билан хайрлашиб, ичкари ҳовлига кириши ҳамоно, орқада шатилаб келаётган киши қадамини сезди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲАМОҚАТ [а. *حمامت* — аҳмоқлик, тентаклик; жаҳл, ғазаб] *кт.* Аҳмоқлик, тентаклик, ақлсизлик. *-Бу сиёсат эмас, ҳамоқатдир, — деди Мажиддин.* Ойбек, Навоий.

ҲАМОҲАНГ [а. *هم آهنگ* — бир хил оҳангдаги] **1** Оҳангдош, бир хил оҳангли. *Соҳилларда най чалай, Куйла, ҳамоҳанг бўлай.* Миртемир. *Ҳамоҳанг жаранглари бирдай куйимиз, Узоқ-узоқларда яшаймиз гарчанд.* Зулфия.

2 кўча Бир-бирига уйғун, монанд; мос, бир хил. *Буюк дўстлар ҳижронда ҳам фикрдош. Улуғ қалблар тепаёттир ҳамоҳанг.* М. Шайхзода. *Қушлар товуши, сувлар шовқини қалбимизга ҳамоҳанг, яқин. Уйғун. Қия ўтирган Ҳаётнинг чекка томирлари лўқиллар, беқасам камзулига тиқилиб турган бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бадиа қулочларини ёзиб, чирманда «гижбанг»га ҳамоҳанг ўйинга тушиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАМОНО (Й) [ф. *همپای* — бирга қадам ташловчи; ҳамроҳ, йўлдош] *кам қўл.* Ишларида бирга бўлувчи, кўмаклашувчи. *Шакар, уйдан кўнгли тўлмаган бўлса ҳам, шундоқ кампир чекига тушганидан хурсанд. Ахир тайёр ҳампо.. беминнатгина суянчиқ топаман, деб тушига кирибдими!* Х. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАМПОЛИК Ҳамкорлик, ишда, ҳаётда биргалик. *Қиздаги бундай табиатни Наби*

дўстлик, курсдошлик, ҳамрозу ҳамполик туйғуси деб тушунарди. Н. Ёқубов, Жон.

ҲАМРАНГ [ҳам + ранг] *кт.* Бир рангдаги, ранги бир хил; ранги ўхшаш. *Туну кун Волгада Ҳеч тўхтамай жанг, Бўлиб дарёда сув Қон бирла ҳамранг.* Ҳабибий.

ҲАМРОЗ [ф. *همراز* — сирдош] Юракдаги гап-сирларини ўртоқлашадиган, уни бир-биридан яширмайдиган киши (бир-бирига нисбатан). *Ҳар бир кишининг ўз сирдоши, ҳамрози бўлади.* «Ёшлик». *150 нафар қария бир оила аъзоларидай иноқ, бир-бирларига ҳамдам, ҳамроз бўлиб яшайди бу боғда.* Э. Охунова, Чўққиларда қор. *Бир умр мен бирла қолгин, бу кўнгли ҳамрози бўл, Эй саҳар уфқи, унинг сен зарварақ қоғози бўл.* Э. Воҳидов.

ҲАМРОҲ [ф. *همراه* — йўли бир, бирга юрувчи; йўлдош] **1** Йўлда бирга борувчи; йўлдош. *Ҳамроҳ бўламоқ. ■ Ярим кеча вақтида шаҳарга киради, ёнидаги тетик ҳамроҳининг кўмагида бир чойхонага кириб олишга муваффақ бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..меҳмонхонага қайтаётганимизда, ҳамроҳлардан бири: -Темир йўл билан шаҳар ўртасидаги яйдоқ майдон қани? — деб сўради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Иш-фаолиятда, ҳаётда бирга бўлувчи шахс. *Ҳар куни кечга томон Собиржоннинг болаларидан биттаси Хайрибиби олдига келиб, ҳамроҳ бўлиб ётарди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

3 кўча Бирга бўлувчи; бирга. *Ушанда менга ўкинч дошмий ҳамроҳ эди.* «Ёшлик». *Ойбек ўз қаҳрамонларини иложи борича яхшилик билан ҳамроҳ бўлишга, доимо эзгу ният билан яшашга даъват этади.* «ЎТА». *Ўлар вақтда ҳамроҳ бўлсин имоним.* «Муродхон».

ҲАМРОҲЛИК Ҳамроҳ ҳолат; йўлда, иш-фаолият ва ш.к. да биргалик. *Кечга яқин меъмор бир мударрис ва яна бир мансабдор ҳамроҳлигида.. Арк дарвозасидан обхоналар ёнидан ўтиб, юқорига кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАМСАФАР [ҳам + сафар] Сафарда бирга бўлувчи (бўлган) киши. *Мен юкларимни шошиб-пишиб, юмалоқ-ясси ўраб, ҳамсафарларим билан қўл бериб хайрлашдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳамсафар дўстларим катта ҳаёт йў-*

лини босиб ўтган ажойиб, дилкаш кишилар эди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ҲАМСИНФ [ҳам + синф] Бир синфда ўқувчи (ўқиган); синфдош. *Дорилфунундаги собиқ ҳамсинфларни ҳаёдан кечирди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҲАМСОЯ |ф. همسايه – соя остида бирга: қўшни| шв. Ёнма-ён ҳовлида яшовчи; қўшни. *Бир фақир бир бадавлат одамга ҳам-соя экан. «Эртақлар». Салом-алиқдан сўнг, албатта, ҳамсоянгиз «хўш, хизмат?» деб сўраши тайин.* Газетадан. *Бизда йўғи – ҳам-сояда, уларда йўғи бизда бор.* Газетадан.

ҲАМСОЯЧИЛИК с.т. Қўшничилик. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларида ҳам қўни-қўшничилик, ҳамсоячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

ҲАМСУҲБАТ [ҳам + суҳбат] айн. суҳбатдош. *У ёнидаги жавондан таклиф ва шикоятлар дафтари олиб, ҳамсуҳбатининг олдига қўйди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.*

ҲАМТОВОҚ [ҳам + товоқ] 1 Бир товоқда (ёки бир дастурхонда) таом еювчи. *Овқат тайёр бўлганда, ҳамтовоқларингни чақир, улар сен билан бирга таом есинлар.. «Қобуснома».*

2 *кўчма салб.* Иш-фаолиятда бирга бўлувчи, бир-бирини қўлловчи; шерик. *Менинг бой бўлишим мумкин эмас, аммо ҳамтовоғингиз Нажибийнинг бой бўлиши ҳеч гап эмас. Б. Раҳмонов, Баҳор арафасида. ..матлубот жамиятининг собиқ раиси я унинг ҳамтовоқлари қилмишларига яраша жазоландилар. «Муштум».*

ҲАМФИКР [ҳам + фикр] Фикри, туюнчаси, дунёқараши бир хил бўлган; фикрдош. *Санам.. гапнинг тарзидан онасининг кампир билан ҳамфикр эканини англаган эди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Мавлон ҳам Карим охунга ўхшаш хушчақчақ, ҳазилкаш эди. Улар ҳамфикр бўлиб қолишди. А. Ҳакимов, Илон изидан. Турмуш ўртоғим билан ҳаммаслак, ҳамфикр эдик.* Газетадан.

ҲАМХОНА [ҳам + хона] 1 Бир хонада яшовчи, бирга турувчи. *Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазиломуз гап ташлашди. П. Қодиров, Уч илди.*

2 *кўчма поэт.* Ғам, азоб каби кечинмаларга дучор, гирифтор. *Бир неча кунлардан бери Кўрмай висолинг, эй пари, Турли*

бало, минг ғам билан Ҳамхона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

ҲАМШАҲАР [ҳам + шаҳар] Бир шаҳарда туғилиб ўсган, бир шаҳарлик. *Ҳамшаҳар йигитлар. ■ Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари сайру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз жуда кўнглили дам олади, яхши ҳордиқ чиқаради.* Газетадан.

ҲАМШИРА |ф. همشیره – бирга сўт эмишган: опа ёки сингил| 1 шв. Опа ёки сингил. *Тозагул ҳамшираларининг юракларидagi гапни топиб гапирди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

2 Шифохонада ишловчи, ўрта тиббиёт маълумотига эга бўлган ходим; тиббий ҳамшира. *Шерзод кўзини очиши билан навбатчи ҳамшира тумбочка устига қўйиб кетган дорига кўзи тушди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди. И. Раҳим, Ихлос.*

ҲАМШИРАЛИК Ҳамшира иши, касби. *Ватан, халқ қўлимга ҳамширалик гувоҳномасини тутқазди.* Газетадан. *Уларнинг кўмаги билан шу йили.. тиббиёт коллежининг ҳамширалик бўлимига ўқишга кирдим.* Газетадан.

ҲАМШИША [ҳам + шиша] с.т. Бирор кимса билан бирга ичкилик ичувчи, ичкиликбозликдаги улфат; шишадош. *Агар Эҳсон олдида, масалан, Мухаммаддон домла билан ҳамшиша бўлганлари эсига тушса, отаси ўғрилиқда айбланган ёш боладай нам тортар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҲАМЮРТ Бир юртда туғилиб ўсган; юртдош. *Ҳамюртларимиз – ўзбек сейсмологларининг ҳам қўлга киритган ютуқлари диққатга сазовордир.* Газетадан.

ҲАМҚИШЛОҚ Бир қишлоқда туғилиб ўсган киши, бир қишлоқлик. *Қумри – Саразулнинг ҳамқишлоғи, жуда яқин дугонаси, етим қиз эди. А. Мухтор, Чинор. –Эй, сен шуни бир ёзсанг экан, – деди ҳамқишлоқларим афсус оҳангида.* Газетадан.

ҲАМҚУР айн. тенгқур. *Йўлчи ўз ҳамқурлари билан бирга тонг шабадасида ишга тушар, қуёш тик келганда овқатланиб, то қоронғилик тушгунча яна меҳнат қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲАМҲУЖРА [ҳам + ҳужра] Бир ҳужрада яшовчи киши. *Саидий қайтиб келганида,*

ҳамхужраси Эҳсон тор ва дам уйда иштончан, димиқиб ултириб, мутолаа қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ХАНГАМА қ. хангома.

ХАНГИ 1 Ҳадеб ханграйверадиган (эшак ҳақида). Эшакнинг ёмони — ханги, одамнинг ёмони — банги. Мақол. ■ Бир танишим хангисига тўқим қидириб юрган эди. П. Қодиров, Уч илди.

2 Эркак эшак. Қирга ўрлаб бораётган ханги чарчаб, тўхтаб қолди. Т. Мурод, Кўшиқ.

3 Бақироқ, шанги.

ХАНГ-МАНГ Гангиб. эс-ҳуши қочган ҳолатли; ҳайратга тушган. Абдуллажон ханг-манг, оқариб-бўзариб туриб қолди. «Ўзбекистон кўриқлари». Улар ёнғин атрофида ҳамон чинқириб, дод солиб юрган Лаълини кўриб, ханг-манг бўлиб қолдилар. Ҳ. Фулом, Машъал.

ХАНГ-МАНГЛИК Эс-ҳушини йўқотиб гангиб қолиш; ханг-манг ҳолат. -Бургут, — деди Мансур бир дамлик ханг-мангликдан кейин. Ё. Шукуров, Уч савол.

ХАНГОМ [ф. *منگام* — вақт, давр; юриш, силжиш] маҳс. Тўқув дастгоҳида: танданинг моки ўтадиган оралиғи.

ХАНГОМА [ф. *منگاب* — оломон, йиғин; гурунглашиш, хушчақчақ суҳбат] 1 Бир неча киши ўртасида кўтаринки руҳдаги, ширин, хушчақчақ суҳбат. Хангома қилмоқ. ■ Яшил уватларда завқли кўшиқлар. Шавқли хангомалар бўлар кўп шинам. Ҳ. Фулом. Куюқ зиёфат, ўйин-кулги, хангома ярим кечагача давом этди. Ж. Шарипов, Саодат. Содда ва самимий хангома билан чой ичилар экан, дарахтлар орқасидан ҳўнграб йиғлаган товуш эшитилди. Ойбек, Танланган асарлар.

Хангома қилмоқ айн. хангомалашмоқ. У-бу тўғрисида бирпас хангома қилиб Ўсаржон жўнаркан, Дадамат уни пешинда бедана паловга таклиф этди. Ойбек, О.в. шабадалар. ..Иложи бўлса, ишни қўйиб, хангома қилгимиз келади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Қизиқарли, кишини ҳайратга соладиган воқеа. Қизиқ хангомалар айтиб, кўнелини хуш қиладиган кишилар бор эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Шундай қилиб, ёр-биродар, трамвайлар хангомаси ҳозирча тура турсин, энди гапни биринчи аятобазадан

эшитинг. «Муштум». Эналаринг кўчада туққанми, бу нима хангома! Ойбек, Танланган асарлар. Шаҳар саноат корхоналарини газлаштиришдаги хангомаларни гапириб, таъбни хуфтон қилмай қўя қолайлик. «Муштум».

ХАНГОМАЛАШМОҚ У ёқ-бу ёқдан, қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида суҳбат билан вақтичоғлик қилмоқ; хангома қилмоқ. Йўлчи ўз дўсти Қоратой темирчи билан хангомалашиб ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар. Қани, бу ёққа кел, ўғлим. Бир оз хангомалашайлик. «Муштум».

ХАНГОМАТАЛАБ [хангома + талаб] Хангомани, хангомалашини яхши кўрувчи. Икковимиз ҳам хангоматалаб бўлганимиз учун кунларимиз ҳазил-ҳузулсиз ўтмасди. Газетадан.

ХАНГРАМОҚ 1 «Ханг, ханг» деб овоз чиқармоқ, шундай овоз билан қичқирмоқ (эшак ҳақида). Афандининг эшаги кўприкка етганда ханграб юборибди. «Латифалар».

2 Эшак овозига таклид қилмоқ; ўхшатмоқ; бақирмоқ, қичқирмоқ. Бир кунни бойваччалар менга, эмгаклаб хангра, дейишди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ХАНДАЛАК Қовуннинг юмалоқ, майдароқ, хушбўй, эти юмшоқ, эртароқ етиладиган бир тури. Мулла Обид сабзи ва бодрингни сотиб битириб, хандалагини узади, кўшниллар хандалак узганда, мулла Обиднинг қовунига гал келиб қолади. А. Қодирӣ, Обид кетмон.

ХАНДАСА [а. *هندسه* — геометрия] эск. айн. геометрия. Мадрасада диний илмлардан ташқари дунёвий илмлардан ҳисоб, хандаса, тарих. ўқитилади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -Мен ўйлайманки, бу соҳада бизда камчилик йўқдир. Аммо ҳисоб, жабр, хандаса, жуғрофия, тарих, фалакиёт, табиёт каби кўп илмлар бор, — деди Анвар қори. Ойбек, Улуг йўл.

ХАНДАСАВИЙ, ҳандасий [а. *هندسەوى*, *هندسى* — хандасага, геометрияга оид] эск. Хандасага оид. Меъмор илгари бир лойиҳалари йўқолгани сабабли қоғозу тасвирчиликларини, хандасавий ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ХАНИК Уйнинг пойгагида ёки даҳлизда ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ишланган жой; обрез. Даҳлиздаги ханик четинда чўнқайиб ўтириб, Умид қайноққина

судда юз-қўлини ювиб, ичкарига кирди. Мирмуҳсин, Умид. *..уйга ечинди, ҳаникда бет-қўлини ювиб, юқорига чиқиб ўтирди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲАННОТ |*ا. حنّاط* — жасадни мумиёловчи; галла сотувчи| *тар.* Дон олиб сотувчи савдогар, донжаллоб. *Унинг шарафига.. тошкентлик йирик ҳаннотлар Шокир ҳожи, Комил ҳожилар катта зиёфат берди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ҲАНСИРАМОҚ Югуриш, оғир юк кўтариш, ҳаво етишмаслиги, ҳаяжонланиш ва ш.к. туфайли тез-тез, оғир нафас олмоқ; ҳаллосламоқ, ҳарсилламоқ. *Шу заҳоти эшик тарақлаб очилиб кетди-да.. нафаси бўғзига тиқилиб, ҳансираган ҳолда Марат Маматов пайдо бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Маҳди терлаб кетган, оғзини каппа-каппа очиб ҳансирар, бу даҳшатхонадан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАНСИРАТМОҚ *Ҳансирамоқ* фл. орт. н. -*Куюш тиккага келмасданоқ саҳронинг ловуллаган нафаси ҳансиратиб куйди мени, — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҲАНСИРОҚ *Ҳансираб* нафас олиш; шу тарзда олинган нафас. *Қизлар чарчашгандай, юзларига толим-толим бўлиб тушган сочларини тузатиб, ҳансироқ билан келиб ўтирдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАНУЗ |*ф. هنوز* — ҳали, ҳали ҳам, ҳалигача, ҳамон| *Шу вақтгача, ҳозиргача, ҳамон. Қаҳрамон билан турмуш қурганларига ўн йил бўляпти. Ҳануз бепарзанд.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Сидиқжон гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам.. кўнгли кўтарилиб, таъби очилганиданми, жуда енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАНУЗГАЧА *айн. ҳануз.* *Лекин дард қолганимда, ҳанузгача қўлидан келадиган ёрдамни аямайди, ўзи мард йигит.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

ҲАП I *тақл.с.* Оғизнинг тез очилиб-ёпилишини, шунда чиқадиган товушни билдиради.

Ҳап этмоқ (*ёки демоқ*) Тишлаш учун очилган оғизни тез беркитмоқ (ит, бўри ҳақида). *Ит ҳап этиб тишлаб олди. Бўри ҳап этиб ташланди.*

ҲАП II *шв. унд. с.* Жим! Ая!. *Рисолат хола шошиб, Абдувалига ўғирилди. — Ҳап, —*

кўрсаткич бармоғини лабларига босиб, Ҳабиба хонимнинг уйи томон кўз ташлаб олди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хариш отга ўхшаб тайсалламай ҳап турсанг-чи! С. Аҳмад, Чўл бургути. — Ҳап ўтир, тирмизак, — ҳисобчи болани жеркиб берди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲАПИЛЛАТМОҚ *с.т.* Шоша-пиша ошамоқ; ямламай еб қўймоқ, ютиб юбормоқ. *У |Абдуллахон| ҳамма болалар каби балх тутга ўч, ярим челагини ҳапиллатиб еворар.. эди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Кўк от.. ерга эгилиб, нам ўтни ҳапиллатиб чайнай бошлади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲАПИНМОҚ *шв.* Орзиқмоқ, дукилламоқ (юрак ҳақида). *Ўз уйини бир неча йилдан кейин яна кўрган Эъзохоннинг юраги ҳапинди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲАПРИҚМОҚ *айн. ҳовлиқмоқ.* Юраги ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетди. *Ў. Умарбеков, Юлдузлар.*

ҲАПҚАТ *кам қўлл.* Каттакон, улкан, кенг. *Ҳапқат этик. Ҳапқат одимлар. — Арслонқул.. йирик, ҳапқат одимлар билан жўнади.* Ойбек, Навоӣй.

ҲАП-ҲАП I *Ҳап I* с. тақр.

Ҳап-ҳап қилмоқ *бол.* Шоша-пиша ошамоқ, еб қўймоқ.

2 Фойдасиз гап, беҳуда вайсаш. *Юзта ҳап-ҳапдан — битта чап-чап афзал.* Мақол.

ҲАР |*ф. هر* — ҳар; ҳар қандай, истаган, ҳар қайси| *белг. оим. I* Шахс ёки нарсаларни, уларнинг белгиси, ҳаракати ва б. жиҳатдан бўлган туридан ажратиб (яккалаб) кўрсатади, шу тарзда белгилайди. *Ҳар тўқисда бир айб. Мақол. — Демак, бекор бўлмабди қурбон, Ҳар қурбонга бўлсин шарафшон! Ҳ. Олимжон. Ҳожи бўлса, ҳар беш дақиқада ичкари томонга қулоқ солиб тўхтар.. эди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. *Рўзимбой эликларни қоралаган, басавлат, ҳар билаги келисондай полвон киши эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фотима янги кетмон билан ер чопар, ҳар урганда, ернинг киндигини узиб оламан дерди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Ҳар қалай Нима бўлса (бўлганда) ҳам. *Аламданми ёки йигитлик гурури устун келдими, ҳар қалай, бир нафас билан тоғорага солиб олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Лунжига туширган бўлса керак. Ҳар қалай, шундан кейин Умри мени кўрганида, кўчанинг у бетига ўтиб кетадиган бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Боя янгалари қош-кўзлари-*

га сурма тортиб, ёноғига сурма суртганиданми, ё шунча одам унга тикилиб ҳавасланганидан уялганигами, ҳар қалай, юзлари лов-лов ёнарди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Ҳар ҳолда айн. ҳар қалай.** Ҳар ҳолда, Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар ҳолда, бу оддий ҳол эмас. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Сўроқ олмошлари ва бир, нарса каби баъзи сўзлар билан бирикиб, белгилаш олмошининг умумлаштирувчи турига мансуб олмошларни ҳосил қилади. Ҳар қандай тасодифнинг олдини олиш керак-да! О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Тилак тилар эл дуосида:** Ҳар қайсингиз бўлинг мингга бош. Ҳ. Олимжон. Ёмон одам бўлсангиз, мени ҳар нима қилишингиз қўлингиздан келар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -Ҳар ким ўқийверса, подани ким боқади? — деди ачиқланиб Мирзакаримбой. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳайдар ота, ҳар нима бўлса ҳам Ултармага бориб, [Асрорқўлни] кўриб келай, деб йўлга чиқди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

3 Вақт, жой-макон билдирувчи баъзи сўзлар билан бирикиб, қўшма сўзлар ҳосил қилади: Ҳар доим, Ҳар гал, Ҳар сафар, Ҳар замон ва б. Ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоёй товуши эшитилади. А. Қаҳҳор, Бемор. [Гулнор] Ҳар гал кампир билан ёлғиз қоларкан, дарров қизнинг ҳолини сўрарди. Ойбек, Танланган асарлар. Сайхонликни ўрмон ҳар ёқдан ўраб олганди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲАРАКАТ [а. حرکات — юриш, қимирлаш, тебраниш; фаолият; жараён; арабча сўзларда қисқа унлиларни кўрсатувчи белгилар] 1 Киши ва нарсаларнинг ёки уларнинг қисмларининг тинч ҳолатдан чиқиши: кўзгалиши, қимирлаши ва ш.к.; тинч ҳолатга қарама-қарши ҳолат. Одамларнинг кўзларида, ҳаракатларида қандайдир нотинчлик сезди Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг юришлари, кифтларининг ҳаракати ниҳоятда чиройли эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу қоронғиликда аллақандай махлуқларнинг лип-лип ҳаракати аранг кўзимга чалинарди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Қудратли ғилдираклар ҳаракатидан келаётган овоз Ойбекни хаёлга чорлади. Газетадан.

2 Ишни бажаришда фаолиятнинг ҳолати, бажарувчининг фаолият тарзи, йўсини. Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўринди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Киши тана аъзоларининг маълум бир маъно, мазмунни ифодаловчи ҳаракат-ҳолати. Табиб.. кўрбошига нимадир деди. Унинг юз ва қўл ҳаракатидан «сиздан нима кетди, бир кўрайлик», деган маъно англашилиб турар эди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Улар энг ибтидоий тилга — ҳаракатлар, имолар билан фикр ўқтиришга мурожат қилдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англади.. А. Қаҳҳор, Нотиқ.

4 Бирор ишга киришиш, бирор нарса қилишга уриниш; интилиш, тиришиш. Ўғлини ўқитиш учун қилган ҳамма ҳаракатлари бекор кетди. ■ Шерали ҳамширанинг ҳаракатини кузатаркан, юраги сиқилиб, зўрга гапирди. С. Кароматов, Олтин қум. Муталнинг биринчи ҳаракати бўш кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аҳмаджон.. бир ҳаракат билан пулемёт тепкисини босди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Ҳаракат қилмоқ Уринмоқ, интилмоқ. У йиғлаб юбормасликка шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Бола тақлидчи бўлади, у.. ўз отасига тақлид қилишга ҳаракат қилади. С. Зуннунова, Янги директор.

5 Пайида бўлиш; тараддуд. Режамиз амалга ошаётганига суюниб, тўй ҳаракатига тушдик. «Муштум». Қорининг хотини дастурхон ҳаракатида юрганида, у гап бошлади. Мирмуҳсин, Бир хум тилла. Яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Хатти-ҳаракат; қилиқ. Унинг бу ҳаракатлари кўпчиликни ранжитди. ■ Сирожнинг гап ва ҳаракатларидан самимият, соддалик ёғлиб турар эди. Ф. Мусажонов, Ҳури.

7 Маконда бирор йўналиш бўйича бўладиган силжиш, юриш ва б. Кўча ҳаракати. Йўл ҳаракати қоидалари. Транспортлар ҳаракати.

8 Кўчма Ўсиш, ривожланиш. Жамият олға қараб ҳаракат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварда ўсишлари керак. Газетадан.

9 флс. Модданинг яшаш усули, унинг умумий ажралмас хусусияти, моддий дунёнинг ўзгариши ва ривожланишининг тўхтовсиз жараёни. *Модда доимо ҳаракатда.* ■ *Материянинг асосий намоён бўлиши эса ҳаракат, фазо ва вақт билан боғлангандир.* «Фан ва турмуш».

10 Маълум мақсадга қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият; иш, меҳнат. *Ҳаракат, ҳаракатда* — *баракат.* Мақол. ■ *Полвонёнда кечаю кундуз ҳаракат тўхтамас, юк ортилган кемалар бу кенг, сунъий анҳор орқали Амударёга борар, ундан Орол денгизига тушиб, Ҳаззолига кетарди.* С. Сиеёв, Ёруғлик.

11 кўчма Белгили мақсад кўзда тутилган ижтимоий фаолият. *Миллий-озодлик ҳаракати. Ишчилар ҳаракати. Тажовузкорлик ҳаракати. Ядро қуролларидан воз кечиб ҳаракати.* ■ *Афғонистон мустақиллигини кўзловчи «ёш афғонлар» ҳаракати бошланади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

Ҳаракат номи тлш. Феълнинг иш-ҳаракатнинг номинигина билдирувчи (уни атовчи), замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмайдиган шакли. Бу шакл *-(и)ш, -(у)в, -моқ* қўшимчаларидан бири билан ҳосил қилинади: ўқиб, ўқув, ўқимоқ каби.

ҲАРАКАТЛАНМОҚ Ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; кўзгалмоқ; юрмоқ. [*Кумуш*] *Энди баянга қараганда бир оз енгиллангансимон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган, буғриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАРАКАТЛАНТИРМОҚ Ҳаракатланмоқ фл. орт. н. *Новча бўйли Каримжон ўнг кўлини ҳаракатлантириб, тинмай сўзларди.* Газетадан.

ҲАРАКАТЛИ 1 Ҳаракат қиладиган, қимирлайдиган, силжийдиган.

2 Бирор иш қилишга уринадиган, тиришадиган, ҳаракатчан.

ҲАРАКАТСИЗ 1 Ҳаракат қилмайдиган, қимирламайдиган, кўзгалмас ҳолатли (ҳолатда); бир жойда туриб қолган. *Кутилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз, ёғочдай қотиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор иш қилишга уринмайдиган, тиришмайдиган; фаолиятсиз, суст. *Ҳаракатсиз одам.*

3 кўчма Фойдаланилмай, ишлатилмай ётган ҳолатда(ги). *Китоб ойлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, кўндан буён ҳаракатсиз ётган эски китобларга иккинчи умр бахш этилади.* Газетадан.

ҲАРАКАТЧАН 1 Тез ҳаракат қиладиган, тез қимирлайдиган, серҳаракат. *Ҳаракатчан хужайралар (биол.). Ҳаракатчан бола.* ■ *«Вася» деганда, бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қомати одамларнинг кўз олдига келиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Сергайрат, ишчан. *Муҳиддин Қориёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди.* Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ.

ҲАРАЛА-ТАРАЛА Ялло қилиб, кайфсафо билан кун ўтказиш. *Баъзи бир фирқа аъзоларининг гапхонада ноз-неъматларга гарқ бўлиб, эрта-кеч ҳарала-тарала билан умр ўтказганларини ёзсак нима бўлади.* «Муштум».

Ҳарала-тарала қилмоқ Беғам, беташвиш, ялло қилиб юрмоқ, ишламай кайфу сафо қилмоқ. *Бўрибой бўлса рўзғордан юлиб-юлқиб, яна киши билмас йўллар билан пул топиб, ҳарала-тарала қилиб яшайди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *-Баъзилардек кулиб, ҳарала-тарала қилгим келмайди, — деди Чўтир хола Умидга.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲАРАМ [а. حرم — хос, беғоналар кириши ман этилган жой; муқаддас, азиз жой; хотинлар; аёллар] **1** дин. Муқаддас деб ажратиб қўйилган, кириш тақиқланган жой (мас., Макка шаҳрида Муҳаммад пайгамбарнинг мақбараси).

2 тар. Ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган қисми, ичкари (асосан, олий, юқори мансабдорлар хонадонларида). *Хон агёнларга рухсат бериб, ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Гўрўғли ана шундай насихатларни қилиб, ўзи ҳарам сари қараб кетди.* «Гулихиромон».

Ҳарам оғаси Ҳарамдаги хотин-қизларни кузатиб юрувчи бичилган қул. *У бир неча кун ҳарам ичидаги хужрада ётади. Ўзига келгач, шу ҳовлида ҳарам оғаси бўлиб ишлаб юради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАРАМХОНА [ҳарам + хона] айн. **ҳарам 2.** Чап томонида амирнинг ҳарамхонасига

ва қушбегининг ҳовлисига бориладиган йўлак. С. Айний, Эсдалиқлар. .инқилобдан илгари шу бино ҳарамхона бўлиб, унда канизаклар турарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲАРБ [а. حرب — уруш, жанг] эск. кт. Уруш, жанг. Жаҳон кўз тутди бу қудратли ҳарбга, Ғалаба билан биз борардик Ғарбга. Уйғун. Ҳарб илмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина, ўзини-ўзи ҳалок қилади, дейишади. С. Аҳмад, Ҳукм.

Ҳарб олишмоқ Бир иккинчисига ҳамла қилмоқ, олишмоқ; тортишмоқ. [Набижон] Ҳўриллатиб, серқатиқ маставани ичишга тутинди. Лекин мастава ичаяптими, заҳар ичаяптими — фарқ қилмас, хаёлида ҳамон ўша раис билан ҳарб олишар эди. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ҲАРБА [а. حرب — найза, санчқи] фольк. Найза, қилич каби жанг қуроллари. Одам кўп-да, ҳамма ўртага олиб, Ҳар тарафдан ҳар хил ҳарбалар солиб, Энди тушди қилич олиб газога, Бек Гўрўғли қолди энди қамалиб. «Хушкелди».

Ҳарба қилмоқ фольк. Ҳамла қилмоқ. Ҳолинг билмай, мунча сен ҳарба қилдинг, Парилар султони, сен энди ўлдинг. «Баҳром ва Гуландом». Бу билан аждаҳор ҳарба қилмади, Аждаҳордан ҳеч сиёсат бўлмади. «Муродхон».

ҲАРБ-ЗАРБ, ҳарбу зарб [а. حرب ضرب — жанг ва зарба] Уруш, жанг, саваш. Кунлардан бир кун Чангали Мозандарон томондан йиртқиқ хайвонлар мўр-малахдек бостириб келиб, жониворлар ўртасида жангу жадал, ҳарбу зарб бошланибди. А. Мухтор, Чинор. Отанг яхши, онанг яхши деб туриб, жон чиқар жойига тушириш керак: панд беролмасанг — ўзинг панд ейсан. Ҳарб-зарб қонуни шу. С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАРБИЙ [а. حربى — урушга, қўшпин, армияга оид] 1 Урушга алоқадор; уруш, жанг ишлари билан боғланган. Ҳарбий асир. Ҳарбий сир. Ҳарбий ҳолат. Ҳарбий техника. ■ Нормат фронтда эканини, бу ерда чанқоқ водийларга сув берувчи, нур берувчи канал эмас, балки ҳарбий истеҳкомлар қовланиб, ёв йўлига гов тикланаётганини сезди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Армияга, ҳарбий хизматга оид. Ҳарбий врач. Ҳарбий интизом. Ҳарбий иш. Ҳарбий хизмат. Ҳарбий кийим. Ҳарбий қисм. ■

Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортган машиналарнинг кети қарийб узилмас эди. Ойбек, Қуёш қораймас. У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун саflanмоқда эди. П. Қодиров, Уч илди. Хонага ҳарбий медицина формасидаги. офицер кирди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Армиядаги, ҳарбий ишдаги киши, ҳарбий хизматчи. Ҳеч ким ҳарбийларга хос чаққонлик билан жавоб бермади. Шўхрат, Шинелли йиллар. У олим ушорлардан кўра ҳарбийларни иззат қиларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

4 от, с.т. Ҳарбий хизмат; армия. Ўғлим ҳарбийда. у кетди-ю, икки кундан кейин немислар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳарбийга чақирилгунча Тошкентнинг йирик заводларидан бирида смена инженери бўлиб ишлаган. Шўхрат, Шинелли йиллар.

ҲАРБИЙЛАШТИРМОҚ Ҳарбий шариоитга мослаштирмоқ, уруш эҳтиёжлари учун ишлашга ўтказмоқ; фуқарони ҳарбий ишга ўргатмоқ.

ҲАРБИЙЛИК 1 Ҳарбий хизматчи, аскар эканлик.

2 Ҳарбий хизмат, ҳарбийдаги ҳаёт. Ҳарбийлик давримнинг биринчи олти ойида — сержант, сўнги ойида эса лейтенант бўлиб қайтганман. А. Баҳромов, Осон япашнинг йўли.

ҲАРБИЙЧА Ҳарбий кишиларга хос, ҳарбий хизматга тегишли. Ҳарбийча ишламоқ. Ҳарбийча кийинмоқ. Бу ерда ҳам ҳарбийча қаттиқ интизом ўрнатилган эди. ■ Элмурод «салом», деб ҳарбийча кўришиш учун қўлини чеккасига қўйган эди, у қўл узатди, кўришдилар. Шўхрат, Шинелли йиллар.

ҲАРБИЙЧАСИГА Ҳарбийларга хос бир тарзда, ҳарбий кишиларга ўхшаб; ҳарбийча. Бир аскар йигит ҳарбийчасига салом бериб: -Бизда ака-ука Ражабовлар хизмат қилишади, — деди грузинча оҳангда. Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАРВОНА эск. Лўк, туянинг урғочиси.

ҲАРГИЗ [ф. مرگز — ҳеч вақт, асло; қачондир] кам қўлл. 1 Асло, сира, ҳеч. Ҳаргиз билдирма. ■ Бу гапларни ҳаргиз ҳазил билмагил! «Гўрўғли». У тарафи билан ҳаргиз ишинг бўлмасин. Ҳамза, Паранжи сирлари. Аммо Адаш Карвон имону диёнатни ҳаргиз унутмади. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Буткул, бутунлай. *Жоҳилликни ҳаргиз ташла, фарзандим, Энди токи, Оловхўжа пирингман. «Юсуф ва Аҳмад».*

ҲАРДАМХАЁЛ [а. *ھاردمخياال*] Ўз фикрида қаттиқ турмайдиган, иккиланадиган; турлича, тайинсиз хаёллар оғушида бўлган. *Врач нима қиларини билмай, ҳардамхаёл бўлиб турарди. Э. Усмонов, Ёлқин. Кейин, ҳай, майли дегандек, ҳардамхаёл кўчага чиқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ҲАРДАМХАЁЛЛИК Ҳардамхаёл ҳолатлилик. *Низомжон акасининг гапига тушунмади. Ўрнидан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага чиқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Ҳардамхаёллик билан яшаган одам фойдали ишни ҳам вақтида қилолмай.. қолаверади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.*

ҲАРИНА [ф. *ھارينه*]: **дарди ҳарина** 1) кетмайдиган, кишига ёпишиб олган дард; 2) кўчма қутулиб бўлмайдиган кулфат, азоб; шундай белгили, хусусиятли нарсага нисбатли ҳақорат сифатида қўлланади. *— Агар аҳвол шундайлигича давом этаверса, бари бир, ҳаммамиз ҳам қирилиб кетамиз. Бу турмуш эмас, дарди ҳарина, — деди Рафозл. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. Шошманг, бу дарди ҳарина озроқ тутақсин! Пуфпуф. Ўхў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲАРИР [а. *ھارير* — ипак; шойи мато] 1 Юпқа ипак газлама. *Ҳарирдан тикилган кўйлак. Ҳарир дурра. ■ Мулозимлари тилладўз чопон ва ҳарир кўйлақлар тугилган зарбоф бўғчани малика оёғи остига қўйдилар. М. Осим, Карвон йўллариди.*

2 Умуман, юпқа, нозик газлама. *Ҳарир шол рўмол. ■ Раққоса устидаги ҳарир матоларни итқитиб ташлаб.. ўйин тушди. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир. Ҳарир матолардан тикилган ранг-баранг қизлар кўйлаги хона деворида осиглиқ турар эди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.*

3 *кўчма* Тоза, мусаффо, шаффоф. *Кеч кириб, оқ ҳарир қор устига тун ўзининг қора либосини ёнди. Й. Муқимов. Матонатли кишилар. Тонг отган, ҳавони қоплаган ҳарир туман орасидан олисдаги тоғлар элас-элас кўринар эди. О. Ёқубов, Излайман.*

ҲАРИС [а. *ھاريس* — ҳирсли, бирор нарсага берилган; очкўз, тамагир; тежамкор] 1 Бир нарсага ҳирс қўйган, ҳирсли; иш-

қивоз, жуда орзуманд. *Шахматга ҳарис одам. Хоккейга ҳарис.*

2 Очкўз, тамагир; қурумсоқ. *Мен қорнидан бўлак гами йўқ, ҳарис, жоҳил уламоларни ёмон кўраман. С. Сиёев, Аваз.*

ҲАРИСЛИК Ҳарис бўлиш, ҳариста хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Ҳарислик билан пул йиғмоқ. ■ Самандар унинг қўлидаги шишага ҳарислик билан қараб қўйди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. ...сотувчи йиғит унинг ҳар бир қилиғи, хатти-ҳаракатини ҳарислик билан кузатмоқда эди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

ҲАРИФ [а. *ھاريف* — шерик, бирга ишловчи; ўртоқ, улфат; бирга ўйновчи; мижоз] 1 кт. Шерик, жўра, улфат. *Мирвали бангининг ҳарифи ҳисобланган Утарбой унга жавоб берди. А. Қодирий, Обид кетмон. Ахир, бекас бир нотафон, унутилган ғарибни Қаҳратон қиш кечасида йўқларди қай ҳарифи. Р. Бекниёз, Тўтиё.*

2 Бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, қарши қурашувчи; рақиб. *Кураш майдонига тушган полвон — эр Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар. М. Шайхзода. Табибий билан муносабатлари бузуқлигини эшитиб, Саид Ҳозига ўхшаган ҳарифлари пинҳона кулиб юрган эди.. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ҲАРНА 1 фольк. белг. олм. Барча, ҳар нима, нимаки. *Кулоқ солдим ҳарна деса амрига.. Ҳ. Олимжон. Ҳарна сирни айтаверинг ўзима. «Ҳасанхон». Кўнглидаги ҳарна губорлар кетди.. «Баҳром ва Гуландом». Аркон давлатимни сенга топширдим, Ҳарна ихтиёрим сенга топширдим. «Ҳасанхон».*

2 Нима бўлганда ҳам, ҳар ҳолда. *Хўжабековнинг сўзига кириб, ҳарна ялама бўлади, деб ҳамма йўлбошловчи серкаларнинг жунини қирқтириб юборди. С. Анорбоев, Оқсой. Лекин Қўлдош ҳарна ўзини Каримдан ожиз санаб, гапни бошқа ёққа буриб юборди. Ҳ. Шамс, Душман.*

3 с.т. Шуниси ҳам ёмон бўлмаслиги, ҳечдан кўра шуниси ҳам маъқуллиги маъносини билдиради. *..бутун бир мавсумда ўн меҳнат кунини пилладан юлиб, пахтага бергани ёрдам қилсаларинг ҳам ҳарна! А. Қаҳҳор, Танланган асарлар. Икковизга биттадан эшак ёзсаям, ҳарна. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ҲАРНЕЧУК кам қўлл. айн. ҳарна 2. *Ҳарнечук иш бўлса, бажариб ташлаймиз. ■*

Сидиқжон далани яхшироқ кўрсатиш учунми ёки бошқа сабабданми, ҳарнечук, у [Мунисани] тутзор ёнидаги камқатнов йўлга бошлади. Ё. Шукуров, Орзулар.

ҲАРОМ [a. حرام – фойдаланиш, истъомол этиш шаръан ман этилган нарса; муқаддас; ноқонуний] **1** дин. Шарият ҳукмига мувофиқ ейиш, ичишга, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол эмас. *Эшакнинг кучи ҳалол, гўшти ҳаром деганларидек..* ■ *У Ашир билан қўл бериб сўрашишга ҳазар қилибди. Чунки Ашир чўчқабоқар-да! Балки чўчқа шариятда ҳаром махлуқ ҳисоблангани учун ундан ҳазар қилгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ҳаром ўлмоқ Сўйилмасдан, бирор касаллик ёки бошқа сабаб билан ўлмоқ (гўшти ейладиган ҳайвон ва қушлар ҳақида; бундай ҳолларда уларнинг гўштини ейиш ман этилади, яъни ҳаром ҳисобланади). *Қўйчивон қўл бўлса, қўй ҳаром ўлади.* Мақол. ■ *Отамнинг «Чемберлен» деган эчкилари бор эди, ҳаром ўлай деганда, бўғзига пичоқ тортиб юборганлар.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ҳаром қилмоқ** Ҳаром ҳолга келтирмоқ. *Кел, қутурган итлар ҳаром қилмасдан туриб, шу тоза юзларингдан охириги мартаба ўпай!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қизишманг!* *Табаррук қиличингизни бу ифлоснинг қони билан ҳаром қилманг!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Шарият бўйича, анъана ёки тартиб-қоидаларга кўра ман этилган иш, хатти-ҳаракат; шу йўл билан топилган нарса; ҳаётида шундай йўл тутувчи кимса. *Тўғри бўл, ҳаромдан ҳазар эт, дегансиз.* *Йиғлаб турган ғарибнинг ёнига кир, кўнглини ол, дегансиз.* С. Сиёев, Аваз. *Жиноятчилик йўли билан топган ҳаром пулингиз ҳисобига еган овқатларимиздан ҳали ҳам ўқчиб юрибмиз.* «Муштум». *Шунақа ҳаром одамлар ўз эгаларига яхши хизмат қиладилар..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 с.т. Жинсий муносабатдан сўнг гусл қилмаган, чўмилмаган.

4 Фойдаланиш мумкин бўлмаган, эсиз кетган нарсаларга нисбатан қўлланади. *У бу мажлисга Саидғози билан бирга кечалари уйқусини ҳаром қилиб тайёрланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..ё ҳафтада бир келадиган дам олиш кунини ҳам ҳаромга чиқариб, бозор-ўчар қилсинми?* Т. Алимов, Ишқилиб, ўқимаган бўлсин-да! *Энди бу ерлар бизга ҳаром бў-*

либди, Бу араб юртида бизга нима бор? «Баҳром ва Гуландом».

ҲАРОМЗОДА [a. + ф. حرامزاده – ҳаромдан, никоҳсиз туғилган] **1** айн. **ҳароми**. -*Қоч, ҳаромзода!* – *деб Султонга таҳдид қиларди Бўронбек. Ҳ. Фулом, Машъал. [Қутидорнинг] Кўз ўнглари қоронғиланиб, бир неча вақт серрайганча қолди. Яна «яхшиликни билмаган ҳаромзода!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..тузингни ичиб, тузлуғингга тупураман, дегин.. Ҳаромзодаларнинг йўлига тушдингми? Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма кам қўл. Ўз жинси, зотидан бўлмаган; бегона (нарсалар ҳақида). *Тош-ойнанинг олдига ўтириб олиб, мўйчинак билан соқол-мўйловининг ҳаромзода туқларини юлди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Баъзи жойларни баланд бўйли гумайлар босиб, ҳалиги «ҳаромзода»ларни ҳам кўриб бўлмайти.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАРОМИ [a. + ф. حرامى – кимсанинг молига, ҳаром нарсага дахл қилувчи; ўғри, қароқчи] **1** Ўзаро никоҳ қилинмаган эркак ва аёлдан туғилган бола. -*Ана шундай кунларнинг бирида ўзим ёлғиз ўтириб, ҳажж йўлида орттирган ҳаромимга кўйлакча тикаётган эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизнинг юзимизга оёқ қўйиб, никоҳсиз загдан ўтиб олдинг. Энди уялмасдан, ҳароми болангни кўтариб келдингми?!* Файратий, Довдираш.

2 кўчма Шундай маъноли сўкиш, ҳақоратни билдиради; ифлос, ярамас. *Сут кўр қилгур, ҳароми Гитлер оқпадар..* Ф. Фулом. *Мен сени жоҳил, шуҳратпараст бир сак деб юрсам, одам қонига ташна зулук экансан-ку, ҳароми!* С. Сиёев, Аваз.

ҲАРОМЛАМОҚ 1 Ҳаром қилмоқ, булғамоқ, ифлос қилмоқ. *Кучук қозонни ҳаромлаб кетибди.*

2 кўчма Номусига тажовуз қилмоқ. *Тоқай пок қизни ҳаромлаб, яна – Тарвуз каби узар ота калласин!* С. Назар. *Ширин, Шакар ҳаромлади танамни.. «Ширин билан Шакар».*

ҲАРОМЛИК Ҳаром бўлиш, ҳаром иш, хатти-ҳаракат. *Ҳаромликдан ўзини тиймоқ.* ■ *Мен суйганим учун ҳаромликдан бошқа барча ишга бош эгаман.* Ҳамза, Бурунги қозилар.

ҲАРОММАҒИЗ [a. + ф. حراممغيز – мияча; орқа мия] Марказий нерв системаси-

нинг умуртқа поғонаси канали ичида жойлашган қисми; орқа мия. *Буниси елкамдан суяб олиб, ҳароммағизмга урди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Султон, ҳароммағиздан намуна олишнинг қандай азоб эканини бошидан кечириб билган эди.* Х. Султонов, Онамининг юрти.

ҲАРОМНАМАК [a. + ф. *حرامنامک* — ҳаром туз; ичган тузини оқламаган] Тузни оқламайдиган, тузини ичиб, тузлуғига тупурадиган. *Бўлмаса, подшоҳ ҳақида иғво қилганларнинг гапини эшитган ҳамоно оғзига урмасмиди! Ёки у ҳаромнамакларни бизга тутиб бермасмиди?!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Муҳаммад Дўст асли ҳаромнамак экан, Андижон томонларда фитнес-иғволар қилиб юрганида, яна Шайбоний қўлига тушдию, кўзларини ўйиб олдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ҲАРОМТОВОҚ Ўзи ишламасдан, бошқалар ҳисобига яшовчи; текинхўр. *Меҳнат замонидир бу яхши замон. Ҳаромтовоқ одам ўғридан ёмон.* Уйғун.

ҲАРОМТОМОҚ 1 айн. *ҳаромтовоқ.* *Январь ойи кўк ялпизни қайдан топай?.. Онабола қичқирдилар унга шу чок: -Кўп гапирма, ол саватни, ҳаромтомоқ! А. Мухтор.*

2 Ҳалол ҳаёт кечирмайдиган, поракхўрлик, товламачилик ва ш. к. нопок йўллар билан яшовчи. *Тошкент вилоят судида Ҳидоятова ва унинг ҳаромтомоқ шерикларининг жиноий иши кўрилди.* Газетадан. *Бозордагиларни дўқ билан чўчитиб олган бундай ҳаромтомоқларни ким тийиб кўяр экан-а!* Газетадан.

ҲАРОМХЎР [a. + ф. *حرامخور* — ҳаром (қилинган) нарсани еювчи] **1** дин. Ҳаром, шариятда ман қилинган овқатларни истеъмол қиладиган. *Ҳаромхўр киши.*

2 кўчма айн. *ҳаромтомоқ.* *Нафси ёмон, ҳаромхўр, меҳнатни севмас, унга Текин таом, текин пул, айшу таралла бўлса.* Уйғун. *Бировнинг дўпписини бировга кийгизиб кун кўрувчи бунақа ҳаромхўрлар бозорда кезиб юришаркан.* «Муштум».

3 Ўлимтикларни еювчи (кушлар ҳақида). *Жилғанинг устида бир гала қорақуш.. ва калхатлар гир айланиб учиб юрарди. Отряд отларнинг бошини тортиб, ҳаромхўр кушларни томоша қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАРОМХЎРЛИК Ҳаромхўрга хос иш, хатти-ҳаракат. *Тутининг отаси Ашур Мирзо ҳаромхўрлик, фирибгарлик.. билан дунё ортириб, «Болта кўпас» деб ном чиқарган катта савдогарнинг ўктам мирзоси эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..бу идорадаги ҳаромхўрликлардан кўз юлмаймаман.* Н. Аминов, Суварак.

ҲАРОМ-ҲАРИШ [ҳаром + ф. *هراش* — қайт қилиш; қусуқ] Ҳаром нарсалар, ҳаром иш, қилмишлар. *-Дўхтирхонаси қурсин, ҳаром-ҳаришини фарқ қилмайди.. — деди Савриниса Холниса холага.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Ҳаром-ҳаришга аралашиб юриб, сен ҳам чарви боғлаб қолдингми? Уйғун, Ҳуррият. ..тупроқда ўтганларнинг руҳи бор. Бизни ана шу ҳаром-ҳаришлардан асраб келган, болам.. «Ёшлик».*

ҲАРОРАТ [a. *حرارة* — иссиқлик, ҳарорат, температура; тошма; аччиқлик] **1** Қизиган нарсага хос иссиқлик, кучли даражадаги иссиқлик. *Оловнинг ҳарорати. Қуёшнинг ҳарорати.* ■ *Дашт, дашт! Ҳарорат зарбидан ҳамма ёқ лип-лип этади.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Қора кизиларни ёндирай деб, ҳар бир тешикдан ўтов ичига кирган ҳарорат уйни хумдонга айлантирган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ичдан чиқаётган ҳарорат оғзини куйдираётгандек, пуф-пуфлаб нафас олиб ўтирган мингбоши келувчига бош ирғади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Нарсаларнинг иссиқ-совуқлик ҳолати; температура. *Ҳавонинг ҳарорати. Ҳароратнинг ўзгариб туриши. Мўътадил ҳарорат. Юқори ҳарорат. Совуқ ҳарорат. Ҳарорат пасайиб, қор ёға бошлади.* ■ *Жўра полвон.. ернинг етилиши, тафти, нами, ҳарорати.. суғориш усулларини яхши билади.* И. Раҳим, Илос. *Ҳарорат етарли бўлса, тўққиз-ўн кунда шולי униб чиқади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Тананинг киши саломатлиги ҳолатини кўрсатувчи иссиқлик даражаси; температура. *Беморнинг ҳароратини ўлчамоқ.* ■ *Мейморнинг ҳарорати настга тушмас, бунинг устига тинмай алаҳларди.* Мирмуҳсин, Меймор.

4 кўчма Рухий кўтаринкилик, жўшқинлик. *Фуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Юсуфжон қизиқ тўқсон ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳали унда ёшлик ҳарорати сўнган эмасди.* Т. Обидов,

Юсуфжон қизик. *Ҳарорат билан айтилган бу сўзлар замирида улкан бир ҳақиқат ётибди.* Газетадан.

5 кўчма Ҳиссий тафт, завқ, лаззат. *Элмурод Зебони кузатиб кўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келгач, узоқ ухлолмади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Уша тунни энг биринчи бор Сезган эди лаб ҳароратин.* Сайёр.

ҲАРОРАТЛИ 1 Ҳарорати бор, иссиқ. *Қуёш ўзининг ҳароратли нурларини аямай сочарди.* Газетадан. *Гуанор. ҳароратли қўллари билан унинг юзини силади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Ҳиссий, руҳий тафтли, кўтаринки руҳдаги; жўшқин. *Ойсанамнинг чеҳраси ёришиб.. кўзларидан у ёшдаги қизларгагина хос ҳароратли жозибани учқунланди.* М. Хайруллаев, Кўшнилари. *Ҳаётхон Фуломжоннинг ҳароратли сўзларини, ишқ таронасини эшитмаётгандек, берилиб эшитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАРОРАТСИЗ 1 Ҳарорати, иссиғи, тафти йўқ; совуқ. *Энди қуёш ёрқин! Лекин менинг учун Юлдуз каби ҳароратсиз, хайр! А. Мухтор.*

2 кўчма Совуқ; завқ-шавқ, роҳат-лаззат бағишламайдиган, «совуқ». *Ана қаранг, куз қуёшининг боқиши ҳам тул хотиннинг жилмайишидай ҳароратсиз.* Осмон ўзининг ёзги тиниқлигини йўқотган – оқиш хира. С. Анорбоев, Оксий.

ҲАРСИЛЛАМОҚ Ҳарс-ҳарс қилмоқ (қ. **ҳарс-ҳарс**). *Нафаси томоғига тиқилиб, ҳарсиллаб тўхтар.. боши гир айланарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Юрагим гуп-гуп уриб, ҳарсиллардим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Оқсоқол иссиқдан ҳарсиллаб, бир муддат сукут қилди.* Ойбек, Навоий. *..офтоб жуда қизиб кетган пайтда, Абдурасул ҳарсиллаб қолган хўкизларни қўшдан чиқариб дам беради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАРС-ҲАРС тақл. с. Иссиқ, тез ёки оғир меҳнат, ҳаракат туфайли қийин, оғир нафас олиш ҳолатини билдиради.

Ҳарс-ҳарс қилмоқ Шу тарзда (оғир ва қийин) нафас олмақ. *Тез юриб келганларидан бўлса керак, нафаслари оғзларига тиқилиб, ҳарс-ҳарс қилардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..икки отлиқ етиб олишига сал қолибди, саман от ҳарс-ҳарс қилиб келарди.* Н. Фозилов, Оқим.

ҲАРТУГУЛ мод. с., с.т. Ҳар қалай, хайрият, хайриятки. - *Мен ойим уришиб берадиларми деб, кўрққандим.* Йўқ, ҳартугул, индамадилар, — деди Эргашнинг ўртоғи. А. Мирзахмедов, Кулган чечаклар.

ҲАРФ [а. حرف — товушнинг ёзувдаги шакли; ундош товуш; сўз] Товуш (фонема)нинг ёзма нутқ учун қабул қилинган шакли, белгиси. Ҳар бир товуш (фонема), одатда, бир белги билан ифодаланади. Мас., а, б, к, у ҳарфлари. Баъзи фонемаларгина, маълум талаб, сабабга кўра, бирдан ортиқ белги билан ифодаланади.

Бош ҳарф Кичик ҳарфдан ҳажми ёки шакли ва ҳажми билан фарқланувчи ҳарфлар. Мас., А ҳарфи шакли ва ҳажми билан кичик а ҳарфидан, В ҳарфи фақат ҳажми билан кичик в ҳарфидан фарқланади. **Кичик ҳарф** Имло қодаларига кўра бош ҳарф ёзиладиган ҳоллардан бошқа ҳар қандай ҳолатда ишлатиладиган ҳарф. **Ҳарф танимоқ** Ҳарфларни биладиган, ўқийдиган бўлмоқ. *Одамлар ҳарф таниб, сал-пал ўқийдиган бўлгандан кейин, Урмонжон правление олдига ҳамма бригада ва звено бошлиқларини ўқишга мажбур қилиш масаласини қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАРФИЙ [а. حرفى — ҳарфга оид; сўзма-сўз] Ҳарф ёки ҳарфлардан иборат бўлган, ҳарфга оид, ҳарф билан боғлиқ. **Фонемаларнинг ҳарфий ифодаси.** ■ *Афтидан. Акрамжон ёзишда анча шошилган бўлса керак, анча-мунча ноаниқликлар, ҳарфий хатоларга йўл қўйибди.* И. Раҳим. Тинимсиз шаҳар.

ҲАРФМА-ҲАРФ Ҳар бир ҳарфни алоҳида; сўзма-сўз. *Матнни ҳарфма-ҳарф текшириб чиқмоқ.* ■ *Бу таржималарнинг бари айнан, ҳарфма-ҳарф асл нусхага мос бўлсада, маъноси чақилмаган.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. *..бир аёл бир доскага, бир дафтарига энгашиб, охириги сатрни ҳарфма-ҳарф кўчирар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАРФХҲР [а. + ф. حرفخوهر — ҳарф еювчи; расмиятчи, шаклбоз] Масаланинг моҳиятига эмас, балки унинг ташқи кўринишига, майда-чуйда нарсаларга кўпроқ эътибор берувчи киши, расмиятчи. *Ҳалиям ҳарфхўрлигинг қолмабди, ҳарфхўр! С. Сиёев, Эркаклар эртаги. Қўявер бу ҳарфхўрларни.* Бу журналист деганинг ҳаммаси шунақа бўлади. Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.

ҲАРФХҲҮРЛИК Ҳарфхўрларга хос иш тутиш. Бу ҳол ҳарфхўрлик, ишга масъулиятсизлик билан қараш ва ўқувчиларда қироатхонлик кайфиятини вужудга келтиради. Газетадан. Қироатхонлик, ҳарфхўрлик, қозғалардан ташқари чиқа олмаслик фикрингизни ўтмаслаштиради. М. Мансуров, Лектор.

ҲАРЧАНД [ф. هرچند — са ҳам, -га қарамай] 1 кам қўлл. Тўсиқсиз эргаш гап таркибида «ҳар қанча», «қанчалик», «имкон борича» маъносини билдиради. Парда ёшилди. У одамлар ҳарчанд чапак чалишса ҳам, қайта очилмади. А. Эшонов, Чоргоҳ. Султонов ҳарчанд уринмасин, уларнинг гапи қовушмади. Э. Усмонов, Ёлқин. Ёдгор уни ҳарчанд ранжитгиси келмаса-да, ёлгон гапиролмади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 с.т. Инкор маъносини кучайтиради: асло, ҳеч. Ҳасанхоннинг панду насихатларини Зевархон қабул қилмади, ҳарчанд гапга қулоқ солмади. «Баҳром ва Гуландом».

ҲАРЧИ эск. кт. айн. ҳар қалай қ. ҳар. Ҳар қалай, ишқилиб. -Бозорлар яхшими? — Бир нави.. ҳарчи, тириклик тебраниб туради, ука. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАСАД [а. حسد — рашк; кўролмаслик, қизганиш; суқ] Кимсага хос, унга тегишли нарса, фазилат ва ш.к. ни кўролмаслик, хуш кўрмаслик ҳис-туйғуси. Ҳасад ва рашкдан ичи ёниб кетаётган бўлса ҳам, сохта бепарволик билан деди: ..бизлар сахий одам, бахтиёр бўлинглар. Ф. Мусажон, Ҳури. Жавондаги қимматбаҳо буюмларни кўриб, ҳасадди кўзгалди. «Муштум». ..бу икки дондгор меъмор ўртасида азалий бир яширин рашқу ҳасад мавжуд. Мирмуҳсин, Меъмор. Юрагида уйғониб ҳасад, Ич-этин еб, Қийналди беҳад. С. Очил.

Ҳасад қилмоқ Ҳасад билан қарамоқ, ҳасадли муносабатда бўлмоқ. Малика Ойқизнинг шундай баркамол йигитга тегаётганидан ҳасад қилмасди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. Лабинг тегса, ҳасад қилгум Гилос бирлан узумдан ҳам. Э. Воҳидов. Бахтли одамларга ҳасад қилманг, ҳавас қилиб меҳнат қилсангиз, сиз ҳам бахтли бўласиз. Газетадан.

ҲАСАДГҲЙ [а. + ф. حسدگوى — ҳасад гап айтувчи; ҳасад қилувчи] айн. ҳасадчи. Ичи қора, ҳасадгўй киши ақлли ва талант-

ли кишилардан ўрганиш ўрнига уларга бахиллик қилади. Р. Усмонов, Одобнома.

ҲАСАДЛАНМОҚ кам қўлл. айн. ҳасад қилмоқ қ. ҳасад. Зайнаб унга [Кумушга] ҳасадланиб қаради ва кучланиб айтди: -Ҳали ёшга ўхшайсиз-ку. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Чавандоз қурғур, дунёнинг завқини билади-да, — ҳасадланиб гапирди Ёрмат. Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАСАДЛИ Ҳасадли бор, ҳасад ҳис-туйғули, ҳасад, рашк ифодаловчи. -Таҳсин-таҳсин! — дейди Хатиб домла ҳасадли таажжуб билан, — тоза ҳам пулни қирдик, денг.. Таҳсин-таҳсин! А. Қодирий, Обид кетмон. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмагил, кин-адоватли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмас. «Қобуснома».

ҲАСАДЧИ Кўролмаслик, ҳасад туйғуси кучли, ҳасад билан муносабатда бўлувчи шахс. Ҳасадчи, кек-адоватли, бор бўлсанг — кўролмайдиган, йўқ бўлсанг — беролмайдиган шахслар ҳам дўстликка нолойиқдир. «Фан ва турмуш». Ҳасадчи ўзига ҳам яхшилик қила олмайди. Газетадан.

ҲАСАЙНИ [ф. < а. حسینی — Ҳазрати Алининг иккинчи ўғли Ҳусайн номидан] Узумнинг гужуми (донаси) ҳусайниникидан тўлароқ бир тури. Нимранг тоифи, пуштиранг ҳасайни.. ҳар донаси ёнғоқдай келадиган каттақўрғон — ҳаммаси шигил пишган. С. Анорбоев, Меҳр.

ҲАСАНА [а. حسنة — хайрли, савобли иш; хайр, садақа, эҳсон]: қарзи ҳасана Устига фойда (фоиз) қўйилмайдиган қарз. -Жуда яхши, — деди хўжайиннинг мақсадини англаган мирзо, — бу пулни қарзи ҳасана бера-сизми ёки урф-расмга мувофиқ фойда биланми? С. Айний, Дохунда. Мен сизга беш юз сўм қарзи ҳасана берганман, яъни ижара фойдаси билан қайтаришни шарт қилмай.. К. Яшин, Ҳамза.

ҲАСАНОТ [а. حسنات — яхшиликлар, хайрли ишлар]: қадамларига ҳасанот «Хуш келибдилар», «пойқадамлари муборақ» маъносидан меҳмонни табриклаш учун миннатдорчилик ифодаси сифатида қўлланувчи ибора. Э, қадамларига ҳасанот.. зап улуғ иш бўлибди-да, қайси шамол учирди? «Муштум». Келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот. С. Зуннунова, Янги директор.

ҲАСИП Сўйилган қўй ёки қорамолнинг ичагига гўшт, жигар, қораталоқ каби-

ларнинг қиймаси ва гуруч аралаштириб солиниб, қозонда қайнатиб ёки қасқонда димлаб тайёрланадиган таом. *Тансиқ таомларнинг масаллиғи ноёб хиллари ҳам бор, булар: оғиз оши, сўк оши, димлама ҳасип кабилардир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Рўзи полвон олдинига ёғлиқ яхна билан, сўнгра сих-кабоб ва ҳасип шўрва билан меҳмон қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ҳасипи совиди Кўнгли совиди, ҳафсала-си пир бўлди. *Худой ҳаққи.. хумсаларингдан ҳасипим совиди..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ҲАСИПФУРУШ Ҳасип тайёрлаб сотувчи киши.

ҲАСРАТ [а. *حسرت* — қайғу, алам; дард, оғриқ; азоб чекиш; зориқиш, соғиниш] 1 Ички дард; дард-алам. *Бунёда келгандан бери қайғу-алам аримаган бу кенг ҳовлида она-бола ўз ҳасратлари, аччиқ нолалари билан қолдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мақсадингни англат, Матпано! Кўринган одамга ҳасратингни айтиб, дунёдан йиғлаб ўтмоқчимисан?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўз ёшлари ҳасратдан бужмайган юзларидан ва соқолларидан мўл-мўл оқаверади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Не ҳасратда Жуда қийинчилик(лар) билан, не машаққатлар билан. *Не ҳасратда обод қилган боғининг колхозга ўтиб кетишидан кўрқиш унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Жуда-жуда хижолат бўлиб кетдим. Не ҳасратда йиққан.. пулини бузиб, мен учун харажат қилиб келди-я!* С. Аҳмад, Таъзим. **Ҳасратда ўт с.т.** Бирор иш-юмушдан ранжиш, уни маъқул кўрмаслик, шу ҳақда енгил койишни билдиради. *Ўқиб туриб кўрсатган кароматинг шу бўладиган бўлса, ўқимай ҳасратда ўт!* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Дард-алам, шикоят, нолиш кабиларни ифодаловчи гап-сўз. *Асад, қараса, холасининг ҳасрати тугамайдиган.* Ф. Мусаёнов, Нозик масала. *У тўғралган сабзиларни мис товоққа сола туриб, ҳасратга тушиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Ҳасрат қилмоқ 1) дард-аламини изҳор қилмоқ. *Отам ўлди, эрим ўлди, дедим, йиғладим, ҳасрат қилдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир; 2) бирор кимса ёки нар-

садан зорланиб шикоят қилмоқ. *Поша хола кўнгли чўкиб, уйига қайтди-ю, шу кунни биринчи марта Дороббекка куёвидан ҳасрат қилди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Умирида бир нарсадан шикоят қилмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлда тута биладиган бу зийрак, нозиктаъб аёл билан мен келган масалада гаплашиш анча мушкул эканлигига ақлим етиб турарди.* Л. Тожиёва, Меҳрим сизга, одамлар. **Ҳасратидан чанг чиқади қ. чанг I.**

ҲАСРАТЛАНМОҚ кам қўлл. айн. **ҳасрат қилмоқ қ. ҳасрат.** *Кейингилар эса, масалан.. бир савдогар, ўзининг жуда фақирлигидан ҳасратланиб, закотдан озод қилинишини сўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАСРАТЛАШМОҚ Бирор қийинчилик, ғам, ташвиш кабилар ҳақида ўзаро гаплашмоқ, шундай мазмунли суҳбат қурмоқ; дардлашмоқ. *Йигитдан юқорироқда ўрта ёшли икки деҳқон ўтирар, бу йил сабзи-пийезнинг бозори касодлигидан ва улловсизликдан ҳасратлашар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хайрибиби.. Меҳрихонни кўмсаб, ҳасратлашиб ўтиришни истаб қолди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

ҲАСРАТЛИ 1 Дард-ҳасратга эга, ғам-аламдан иборат. *..ҳасратли қора кунларини бу яқин орада ҳозиргидек эзilib эсламаган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қаршингда ҳасратли ўйга толаман. Қачон халқ бўласан сен, эй оломон?!* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Дард-ҳасрат акс этувчи, дард-алам ифодали. *Лабларидан учади Ҳасратли фарёд.* Файратий. *Чой устида она Толибжоннинг қаршисига ўтириб, ҳасратли бир товушда деди: -Болам, билиб турибман, ичингда ўт ёняпти. Нима бўлди, айт!* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ҲАСРАТО: во ҳасрато [ф. + а. *واحسرتا* — эвоҳ, ҳайҳот, афсус] Қаттиқ афсусланиш, ачиниш ҳис-туйғусини билдиради; эвоҳ. *Олиб кенглар иккигина гўдагим, Во ҳасрато, учар бўлди чирогим.* «Эрали ва Шерали».

ҲАССА [а. *حساء* — таёқ, асо, ҳасса] Қўлда тутиб, ерга тираб, таяниб юришга хизмат қиладиган махсус таёқ; асо. *Ёғоч ҳасса. Темир ҳасса. Кўр ҳассасини бир йўқотади.* Мақол. ■ *Шу он Ҳасан сўфи халойиқ ичидан ҳассасига таяниб, олдинга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кампир бир қўлида*

ҳассага, иккинчи қўлида Анорхонга суянганича қабристонга йўл олди. И. Раҳим, Ихлос.

ҲАССАКАШ [a. + ф. عساکش — ҳасса тутиб, йўл бошлаб борувчи] этн. I Аза ёки тўйда эшик олдида туриб, келувчиларни кутиб олувчи ва кузатиб қолувчи киши.

2 Тобутни қабрга элтишда олдинда ҳасса тутиб борувчи киши. *Лопиллаб бораётган тобут, ярми тепада, ярми настда қолиб кетган ҳассакашлар.. унинг кўз олдида кетмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲАССОС [a. حساس — таъсирчан, ҳиссиётга берилувчи; сезувчан, сезгир] 1 Нарса ҳодисанинг моҳиятини тез, тўғри ва тўла ҳис этувчи, бирор соҳа ёки соҳаларда ўта билагон, ўткир билимли ва сезгир. *Ҳассос шоир. Ҳассос санъаткор.* ■ *Шоир ва ҳассос публицист Фафур Фулом тараққиёт душманларининг турли кўринишдаги найранглари ни ўз шеърларида ўткир сўз билан фош қилди.* Газетадан.

2 кўчма Ўткир, сезгир. *Ундаги ҳассос қалб, қувликни билмайдиган соддалик, элишудлилик.. аллақачонлар устозининг эътиқодини қозониб олган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Унинг ҳассос қалами билан битилган шеър мисралари илгарга тизилган шодашода марваридлардир. В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоири.

ҲАСТИ эск. с.т. Ҳазрат. *Елкага рўмол ташлаб.. меҳмонхонага кириб келган Мававийга .. Мирзакарим ҳожи вофуруш густоҳлик билан арз қилди.* С. Абдулла, Мававий Мирсидиқнинг ижодлари.

ҲАТЛАМОҚ Нарса ёки жойнинг устидан қарама-қарши томонига иргиб ўтмоқ; қадамлаб устидан ўтмоқ; сакрамоқ. -*Қани, тўйга юринг! — деди тоға зовурдан ҳатлаб ўтиб.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Давлатёр кўприкдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Фуломжон нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қўшни дарчага икки ҳатлаб етиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб, Оғзимга солганим — бор-йўғи толқон.* Э. Шукур, Ҳамал айвони. -*Мени шу ерда кутасан, — деди-да зинадан тез-тез ҳатлаб, бионинг ичига кириб йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уч-тўрт ҳатлашда йиғитчага етиб олди.* С. Нуров, Нарвон.

Остона (дан) ҳатламоқ Бирон жойга (уй, хона ва ш.к.) кирмоқ ёки ундан чиқмоқ. *Туғуруқхона остонасини ҳатлаб ўтган мўътабар аёл ўз тақдирдан кўра кўпроқ бўлажак фарзанд иштиёқи билан ўртаниб ёнади.* Газетадан. *Остонадан ҳатлаган меҳмон, Меҳмон бўлиб кел яна бир бор.* Б. Бойқобилов. *Чордевор, остона ҳатлаб, кўчага чиқмасдик..* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАТТО [a. حتى — гача, қадар, то; ҳатто, ҳам] юкл. Ўзи боғланиб келган сўз, сўз бирикмаси ёки гапни айириб, унинг мазмунини алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Райимбек додхоҳ.. қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушди. Ҳатто Азизбекнинг буйруғига ҳам қулоқ солмай, тўс-тўсга қоча бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уйда ҳамма нарса ҳам унга ёт.. ҳатто онаси ҳам бегона каби.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАТТОКИ айн. ҳатто. *Бирини — доктор, бирини — ҳамшира, Учса ҳамки ҳаттоки ўқлар, Ҳар жангчининг ярасин боғлар..* Ҳ. Пўлат. *..улар масжид ва мадрасаларга қўйилмасин.. ҳаттоки шаҳри Қўқондан чиқариб юборилсин..* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАФРАНГ с.т. Ҳафтранг. *Навоий манқалга яқин, ҳафранг қоғоз тиззасида, қалами енгил қитирлаб, чиройли хатлар туширмоқда.* Ойбек, Навоий.

ҲАФСАЛА [a. حوصله — сабр, тоқат, чидам, ҳафсала] Иш-юмуш, ҳаракат ва ш.к. га бўлган майл, истак; иштиёқ. *Ҳафсаласи йўқ. Ҳат ёзишга ҳафсалам бўлмади.* ■ *Бувинисо холанинг қўлидан супурги тушмайди, уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қиртишлаб супуришни у яхши кўради.* Ойбек, Улуғ йўл. *Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғрарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Ҳафсала қилмоқ Ҳафсала билан киришмоқ, диққат, эътибор қаратмоқ. *Ҳафсала қилсам, икки кунда тугатаман.* ■ *..буни Тошкентга боргач, бир ҳафсала қилсам, ўзгартираман.* Н. Фозилов, Шонли авлод. **Ҳафсаласи пир бўлмоқ қ. пир** II. *Раҳимдан ҳафсаласи пир бўлган Қўзибой шийпонга етгунча бир марта ҳам орқасига қарамади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Мухбирнинг ҳафсаласи пир бўлди шекилли, дафтари ни ёнди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҲАФСАЛАЛИ Ҳафсаласи бор, хоҳиш-истаги яхши. *Ҳафсалали йиғит.*

ҲАФСАЛАСИЗ Ҳафсаласи, майл-рағбати йўқ. - *Заргаров.. ғайратли одам, — деди Ҳайдаров жуда кўпайиб кетган қоғозларини ҳафсаласиз варақлаб.* А. Мухтор, Бўронларда бордек халоват.

ҲАФТА [ф. هفته — етти кун, етти кеча-кундуз] Душанбадан якшанбагача (илгари — шанбадан жумагача) бўлган етти кеча-кундузни ўз ичига олган вақт ўлчов бирлиги; умуман, шунча кеча-кундуздан иборат бўлган вақт. *Ҳафтанинг иккинчи куни. Утган ҳафта. Дарс келаси ҳафтадан бошланади. Ишимиз яна икки ҳафтада тугайди. Кўришмаганимизга бир ҳафта бўлди. ■ Унга ўғлидан ҳар ҳафта хат келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳожи ва Отабеклар яна бир неча ҳафта қолишга қистасалар ҳам бўлмай, [қутидор] узр айтди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

ҲАФТАЛАБ Бир неча ҳафта давомида. *Султонмуродга бир-икки соат дарс бермоқ учун у баъзан ўз уйида ҳафталаб китоб кўрар эди.* Ойбек, Навоий. *Ё ҳафталаб ёмғир қуяди, ё лоп этиб қор ташлайди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ҲАФТАЛИК I Ҳафтага мўлжалланган, ҳафта ичида бўладиган. *Ҳафталик йиғилиш. Тўгаракнинг ҳафталик машғулоти. Ҳафталик журнал. Беш ҳафталик таътил. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол!* Мақол. ■ *Кўрмайсизми ҳаром ўлгурни.. бир ҳафталик хашакни бир ёйишда еб қўйибди.* «Муштум». *Батальон Н. шахри учун бўлган бир ҳафталик жангда фаол қатнашиб, шаҳарга биринчилар қатори кириб борди.* Шўҳрат, Шинелли йиллар. *У бизнинг жўрабوشимиз, ҳафталик тўкмамиз бор эди-да.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Бир ҳафта муддат ичида бўлиб ўтадиган бирор тадбир, иш. *Кўчат экиш ҳафталиги.* ■ *Ўтказиладиган ҳафталик кишиларимизнинг маънавий ҳаёти юксалаётганини намойиш қилади.* Газетадан.

ҲАФТАФАҲМ Бирор нарсани дарров уқиб, тушуниб ололмайдиган, фаҳми калта; анқов, бефаросат. *Муллаваччалар зехни ўткирроқ шерикларини «хушфаҳм», зехнсизларини «ҳафтафаҳм» деб аташарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. - *Қаердан билимдон бўлиб қолдинг, ҳафтафаҳм!* — *Али тажаннинг сарғиш мўйлови титраб кетди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

ҲАФТИЯК [ф. هفتيك — еттидан бир] Куръоннинг еттидан бир қисм суралари танлаб олиб тайёрланган ва ўтмишда диний мактабларда хрестоматия вазифасини бажарган алоҳида китобча. *Мен Турбатда болаларга «Ҳафтияк», «Чоркитоб» ўқитиб, кунда беш вақт азон айтиб, имомгарчиликка ўтиб турдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳамма нарса болалар учун янги, қизиқ эди, чунки улар.. абжаддан, ҳафтиякдан булак китоб кўрмаган эдилар.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ҲАФТРАНГ [ф. هفت رنگ — етти хил ранг, камалакнусха] Турли рангда гуллар солинган, товланиб турадиган. *Буларга кийгизилган кийимлар ҳам Бухоро шоҳиси ва ҳафтранг бахмалдан тикилган шоҳона кийимлар эди.* С. Айний, Қуллар.

Ҳафтранг қоғоз тар. Ўрта асрларда Туркистон хонликларида косиблар томонидан ишлаб чиқариладиган яхши сифатли, ҳар хил рангли қоғоз. *Биз ўқувчиларга таниш-тирмоқчи бўлган.. мажмуа ўрта настаълиқ хатида ҳафтранг қоғозга ёзилган бўлиб.. унда ўттиздан ортиқ шоирнинг шеърлари бор.* «ЎТА».

ҲАЧЧА шв. Айри (ёғоч), тиргак, тирговуч. *Тоға гоҳ қўлидаги сиртмоққа, гоҳ ҳаччага қараб турди-да, сўнг қўлини сирмади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҲАШАМ [а. حشم — хурмат, эҳтиром; хизматкорлар, навкарлар] I Безаш учун ишлатиладиган нарса, буюм; безак. *Аравалар гўмбур, отлар семиз, керакли анжомлардан ташқари, турли ҳашамлар билан безатилган.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Юзлаб улкан биноларнинг ички ҳашами, безаги у ишлаб чиқарадиган буюмларга муштоқ.* «Муштум». *Уй-жой қурмаган, латта-путта йиғмаган, машина, ҳашамларга ҳам хуши бўлмаган.* С. Нуоров, Нарвон.

2 Уй, иморат ва ш. к. нинг безак ишлари ва б. ишлов, қурилмалардан иборат кўркли, салобатли, дабдабали кўриниши, ҳолати. *Рўзматов бизни ичкарига таклиф қилди. Кирдик. Ана клубу мана клуб. Кенглигини кўринг-у, ҳашамини томоша қилинг.* «Муштум». *Раис.. ўзининг иккинчи участкасига ҳашам бериш билан банд эди.* «Муштум». *Қарши шахрининг ҳашами, салобати, боғларининг сўлимлиги юқоридан [самолётдан] яна ҳам латофатли.* «Ўзбекистон кўриқлари».

3 Түй ва б. йиғинларга хос кўтаринки ҳолат; дабдаба, тантана ва буларни юзага келтирувчи нарсалар. *Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек катта гапирмас.. эди. С. Аҳмад, Сайланма. [Жамол хола] Ор-тиқча ҳашамга, исрофгарчиликка йўл қўй-масди. Ана шуниси билан ёқарди маҳалла-дагиларга. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Рост, тўйнинг ҳашами ҳам оз эмасди, унга узоқ йил ҳозирлик кўриларди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.*

ҲАШАМАТ [a. حشمت — камтарлик, уят-чанлик; одоб, хушхулқлик; ҳурмат, эҳти-ром] Дабдаба, савлат; кўтаринки, тантана-ли ҳолат. *Якшанба кун шаҳарнинг ҳаша-мати, кўрки яна ҳам улугвор тус олди. Га-зетадан. Тантана, ҳашаматни севган Ҳусайн Бойқаро уйни тўлдирган ва улугвор тавзим билан ўтирган.. оломонга фахрланиб қаради. Ойбек, Навоий.*

ҲАШАМАТЛИ Ҳашаматга эга; савлат-ли, дабдабали (асосан бино ҳақида). *Ҳаша-матли уйлар. Ҳашаматли Санъат саройи. ■ Катта, кенг гулзорлар орасидан ўтиб, серпанжара, ҳашаматли бино олдида тўх-тадилар. Ойбек, Нур қидириб. Олти ой ол-дин Аваз бу ҳашаматли боғни.. тарк эт-ган эди. С. Сиёев, Аваз.*

ҲАШАМДОР [a. + ф. حشامدار — ҳашам-ли, ҳашамга эга] Ҳашаматли, серҳашам. *Ҳа-шамдор пештоқни кўтариб бошга, Азамат устунлар савлат тўкади. З. Обидов. Мадра-саю ҳашамдор кўкўпар бинолар ўша халқ-лар ва ўз юртидаги афкор омманинг қони эвазига тикланди. С. Кароматов, Олтин кум.*

ҲАШАМСИЗ Ҳашами, безағи йўқ; даб-дабасиз. *Ўлсам менга ҳайкал қўйманглар, деган Улуғ Толстойнинг бир васияти бор. Шу сабабдан унинг муборак қабри Ҳашамсиз, ҳайкалсиз — оддий бир мазор. Уйғун.*

ҲАШАР [a. حشر — йиғин, тўда; йиғи-лиш, анжуман, маж. қиёмат] Бирор ишни бажаришда кўпчиликнинг ихтиёрий, бега-раз иштироки, ихтиёрий кўмаги. *Халқ тао-милига кўра, чойхоналар ҳашар йўли билан қурилади. Ў. Ҳошимов, Қалбинтга кулоқ сол. Бизнинг қишлоқда бувамнинг уйлари ҳашар билан қурилгани эсимда. И. Раҳим, Қадрибад одамлар. Шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктлардаги ариқларни ҳашар йўли билан тозалашни уюштириш даркор. Газетадан.*

Ҳашар қилмоқ Ҳашар ташкил қилмоқ, ҳашарда қатнашмоқ. *От чоптириб, элдан уста йиғинлар, Элдан ҳашар қилиб, гишт-лар кўйинглар. «Юсуф ва Аҳмад». Қиш бўлса-ям ҳашар қилиб, ҳовлини созлади. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

ҲАШАРОТ [a. حشرات — қурт-қумурсқа; газандалар] Пашша, ари, капалак, чумоли каби майда умуртқасиз бўғимоёқли жони-ворлар. *Илонлардан ташқари турли хил ҳа-шаротлар — бешиктерватар, қора чигирт-ка, ниначи ва бошқалар ҳам ўз ривожлани-ши даяомида қобиғини янгилайди. «Фан ва турмуш». Чигирткаларнинг чириллаши, кеча ҳашаротларининг наъмаси кучли шамол то-вуши билан кесилди. А. Қодирий, Мехрбодан чаён.*

ҲАШАРОТХҲҮР [a. + ф. حشرات خور — ҳа-шарот еювчи] Ҳашарот еювчи. *Ҳашаротхўр жониворлар.*

ҲАШАРЧИ Ҳашарда қатнашувчи, ҳашар қилувчи. *Ҳар йили пахта йиғим-теримида кўнлаб шаҳарлик ҳашарчилар иштирок эта-дилар. Газетадан. Уч кундан бери ёмғир ёғиб, ҳашарчилар ишга чиқмай зеркиб қолиш-ганди. Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор. Эртаси кун полизга бир неча ҳашарчи йи-гитлар келишди. Н. Ёқубов, Полизда.*

ҲАШ-ПАШ: ҳаш-паш дегунча Озгина вақт ичида; тезда, бирпасда. *Ҳаш-паш де-гунча соат бир бўлди. ■ -Бугун кабобни ўхшатган экан, ҳаш-паш дегунча саккиз сихини еб қўйибман, — деб мақтанди Мара-ҳим. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Уч йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетибди-я! Уй-ғун, Ҳуррият. Бир зумда барча қиз ишга тушиб кетди. Ҳаш-паш дегунча ҳовли чин-нидек ярақлатилди. Ё. Шукуров, Уч савол.*

ҲАШТАК шв. Мўри. *..Ҳалигача жим тур-ган ошхона ҳаштагидан тутун чиқа бошла-ган эди. С. Айний, Қуллар.*

ҲАШТИЯК [ф. هشت ياك — саккиздан бир] тар. Вафот этган кишидан қолган мерос-нинг саккиздан бири (буни шариат қонуни-га мувофиқ, марҳумнинг хотини олар эди). *Рўза тутдим хатм учун, Қорига мен хасм учун, Тушганидан ҳаштияк Тортиб олмоқ расм учун. Ҳамза.*

ҲАЯЖОН [a. هيجان — ғалаён, тугён; из-тироб, ташвиш, безовталиқ; ғазабланиш; куйкиш] Бирор фавқуллода иш, ҳодиса ва б. сабабдан ички тўлқинланиш, безовта

ҳолат; безовталиқ. *Кўнглида ифодасиз бир умид, ҳаяжон ила ўша дилхуш рўенинг так-рорланишини интиқ бўлиб кутади.* С. Сиёев. Аваз. *Қиз даҳлизда, эшиқ орқасида кучли ҳаяжон ва саросимада турган Гулнорни қучоқлади, секин шивирлади: -Қайгурманг, опа-жон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шербекда уйғонган руҳий кўтаринкилик чеҳрасини ёритиб, авзойи бадани ҳаяжондан титради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЯЖОНГА КЕЛМОҚ айн. **ҳаяжонланмоқ.** *Кекса чўпон, кесилган икки қулоғи ва бурнига куйдирилган наमत босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилар эди. Қутилмаган бу фожиадан ҳаяжонга келган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҲАЯЖОНЛАНМОҚ Ҳаяжонга тушмоқ, ҳаяжонли ҳолатда бўлмоқ. *Мусофир ҳаяжонланиб йиғлаб, Меъморга қай йўл билан ташаккур айтишни билмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У қўлларининг қалтираётганини яширишга уринар, унга сайин баттароқ ҳаяжонланарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Инобат ҳаяжонланар, ёниб турган кўзлари яхшиликдан дарак берарди; у эрига тикилди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

ҲАЯЖОНЛИ 1 Ҳаяжонга тушган ҳолатли. *Ҳамза негадир ҳаяжонли, асабий кўринарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Безовталиқ, ҳаяжон ифодали. *Мирзакаримбой ҳаяжонли, титроқ товуш билан қизига фотиҳа бериб, соқолини силади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..унинг кўзлари беқарор, хурсанд ва ҳаяжонли эди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Кишини ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган. *Ҳаяжонли фильм. Ҳаяжонли асар.* ■ *Тақдир хотиралари, ўтмиш қисматининг ҳаяжонли воқеалари қалам тебратилишга имкон бермасди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Хонага ҳаяжонли сукунат чўққан, салқин эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ҲАЯЛ: ҳаял ўтмай Озгина вақт ўтмай; тезда. *Ҳаял ўтмай етиб келди.* ■ *Турғуной*

шу ерга ўзини ташлаб, ҳаял ўтмай уйқуга кетди. А. Қаҳҳор, Мастон. *Ҳаял ўтмай кўчадан унинг шангиллаган овози эшитилди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳаял ўтмай ёрдамчи кирди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҲАЯЛЛАМОҚ айн. **кечикмоқ.** *Бир соат ҳаялладинг.* ■ *Кел, болам, отни тез мин, йўлга равона бўл, асло ҳаяллама.* «Равшан». *Ҳаяллаб кетганингизга, бир бориб хабар олиб келай-чи, деб келдим.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Набижонов анча ҳаяллаб машинани олиб келди.* Гайратий, Узоқдаги ёр.

ҲАҚ(Қ) [а. *حق* — тўғри, рост, чин, ҳаққоний; ҳуқуқ; адолат; маж. худо] 1 Ҳақиқий ҳолатга мос; ҳаққоний, рост. *Ҳар замон «ҳақ гап», «тўғри» деган товушлар эшитилар, қарсақ кўтарилар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Ҳақ гапни гапирдингиз, амирзодам, жуда ҳақ! Она рози — худо рози..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳаққин айтсам, ота-энам ҳозир бор..* «Эрали ва Шерали».

2 Ҳақиқий ҳолат; ҳақиқат. *Ҳақ жойига қарор топди.* ■ *Шўх, ерга урса булутга сакрайдиган, ҳаққа бўйин эгиб, ноҳаққа сакраб кетадиган Сарсенбойнинг ор-номуси зўр эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *..гулзору вайрона, ханжару андава.. ҳақу ноҳақ ёнма-ён турибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳақиқат эртакка эврилур эрта, Эртага афсона ҳаққа дўнади.* «Шарқ юлдузи».

3 Шахс билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, ҳақиқатнинг шу сўз билдирган шахс томонида эканини билдиради. *Мен ҳам, Султонов ҳам ҳақ бўлиб чиқдик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Маҳкам Зикир билан тўқнашувда ўзининг ҳақ эканлигига ишончи комил..* П. Қодиров, Уч илдиш. *Ҳар касбдаги одамлар хат ёзишибди-ю, аксарияти Собирни ҳақ, хотинини ноҳақ, деб кўрсатишибди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 Бирор нарса, иш-ҳаракат учун қонуний бўлган, талаб, тартиб-қоидага тўғри келадиган асос, эрк-имконият; ҳуқуқ. *Унинг пенсия олишга ҳақи бор. Сизни айблашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.* ■ *Раиснинг мағрурланишга ҳақи бор. Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Аҳмад ҳали ўзини Раҳим акалар қаторига қўшишга ҳақи йўқ деб ҳисоблар, хиралик қилмай, ўзини четга тортиб юрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Музаффар зотларга мо-*

там ножоиз, Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор. А. Орипов. Юртим шамоли.

5 Ҳуқуқ, қонун ва ш.к юзасидан бирор кимса ёки нарсага тегишли ҳисса. тўланадиган ёки олинандиган нарса. *Электр ҳақи. Квартира ҳақи.* ■ Кўринишдан шундай мўмин, гўё бузоқнинг ҳақи бор, деб сизирнинг сунтини ичмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Миша, берган суним ҳақи кутқар, ўламан! «Муштум». Завод Фиёсиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳақи йўқ.* С. Аҳмад, Ҳукм.

6 Иш, меҳнат, хизмат эвазига тўланадиган, олинандиган пул ёки бошқа нарса. *Хизмат ҳақи. Иш ҳақи.* ■ Акамни шунча йил ишлатиб, ҳақини бермадингиз. Ойбек, Танланган асарлар. *Очдан ўлмастик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақига бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамларни ишлатиб ҳақ тўлаш, иншоот учун фиштуру ганч, ёғочларни келтириш унинг зиммасида.* Мирмуҳсин, Меъмор.

7 дин. Худо, оллоҳ, тангри, парвардигор (худонинг сифатларидан бири). *Ҳақ таоло.* ■ *Боргин, эмикдошим, ҳаққа топширдим!* «Алпомиш». *Оҳ тортсам, тўкилар кўзимнинг ёши, «Ҳақ» деб чиқар ғамли қулнинг товуши.* «Рустамхон».

8 (3-ш. эгалик шаклида — ҳақи, ҳаққи) Бирор гап, фикрнинг ўзи боғланиб келган сўз аниқлашган шахс, нарса ва ш.к. ни ўртага қўйиб айтилаётгани маъносини билдиради. *Қўйинг!.. Худо ҳақи, тегманг! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Мана шу Қуръон ҳақи, йўлдан озганларни қатл қилиш.. савоби азимдир.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Муқаддас замон ҳаққи, ёқа тутиб айтаман: Қанийди куйлайверсанг ҳамиша бахтни тўлиб.* А. Орипов. Юртим шамоли.

9 (эгалик ва ў.-п. к. шаклида — ҳақида) кўм. вzf. Қаратилганлик муносабатини билдиради; тўғрисида, тўғрида. *Пахта планининг бажарилиши ҳақида маълумот. Обҳаво ҳақида маълумот. Мажлисда сен ҳақингда яхши гаплар айтилди.* ■ *Фронт газетасида Ҳасанов ҳақида ёзилган бир хабар ҳамиша чўнтагимда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Ҳақ деб Бирор нарсанинг юз бериши, амалга ошувини кутиш, илинжида бўлиш ҳолатини билдиради. *..уйига келса-ю, кўча эшикда ҳақ деб ўтирган раҳматлик онасига*

йўлиқса.. она унга савағич олиб юурса, нима бўларди? Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Фашистнинг снайпери ҳам қудуқни нишонга олиб, тун-кун ҳақ деб кутарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲАҚГҲЙ {a. + ф. *حق گوی* — ҳақ сўзни, ҳақиқатни айтувчи| Ҳақ сўзни айтувчи, тўғри сўзловчи; ростгўй. *Рост гапни айтганларни ифвогар, ёлгон гапни айтганларни, лаганбардорларни ҳақгўй десангиз, ҳақиқат қаяқда қолди.* Уйғун, Асарлар. *У ҳақиқатни тилга кирита олди, ҳақгўйлар қалбига йўл топа олди.* Газетадан.

ҲАҚГҲЙЛИК Ҳақгўй бўлиш, ҳақгўй кишига хос хислат, хусусият. *-Извош ўзиники бўлса, шунақа кийим киймасди, — болаларча ҳақгўйлик билан тушунтирди иккинчи бола.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса.. уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка шунчалик юз тутарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҲАҚДА кўм. Асосан, кўрсатиш олмошлари билан қўлланиб, ҳаракат ва объект муносабатларини кўрсатади; тўғрида, бо-рада. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Шу ҳақда гап борганида, Элмурод Сайфуллани эсга олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАҚДОР {a. + ф. *حق دار* — ҳаққи бор, ҳуқуқдор] Маълум ҳақ-ҳуқуққа, мас., мол-мулкка эгалик ҳуқуқи бор (шахс); ҳақли. *Ҳақдор киши.*

ҲАҚИР {a. *حقير* — разил, қабиҳ, жирканч; тубан, паст; қадрсиз; хор] I Ҳеч ким иззат-ҳурмат қилмайдиган; қадрсиз, хўрланган. *Сиз каби улуғ одам мендек фақир ва ҳақир мусофирни мамнунлик билан кутиб олгани учун бошим осмонга етди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Фуломжон.. ҳақир ота ёнида кўз ёшларини юм-юм тўкиб турган бахтсиз болаларнинг яланғоч, озғин бада-нига қараб, юраги эзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Ўзини ҳаммадан паст оладиган, камтар банда. *Ҳақирингиз хизматга тайёр.*

ҲАҚИРЛИК Ҳақирларга хос ҳолат, яшаш тарзи. *..бири фақирлик ва ҳақирлик захрини ютса, бири жудодик ўтида ёнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАҚИҚ {a. *عقيق* — ақиқ; бир қанча қимматбаҳо тошларнинг умумий номи] I от

Қизил, қирмизи рангли қимматбаҳо тош. Унинг ўнг қўлининг синчалоғида ҳақиқ кўз-ли узуги бор. А. Ҳақимов, Илон изидан. Улуғбекнинг қабри устига ажойиб ҳақиқ, марварид тошлар қўйилган. А. Толибов, Ўзбек мрамари. Марҳамат пеллани қўлга олиб, унинг ичидаги қип-қизил, ҳақиқ сингари винога тикилди. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

2 сфт. Қизил рангдаги; қизил, қирмизи. Унинг сурма кўзлари, қайрилма қошлари чимирилган бўлса ҳам, ҳақиқ лабларида табассум мажб урар эди. Ойдин, Эр юрак. Ўша анор донасидай ҳақиқ юз, ўша тим қора кўз, ўша жозибадор табассум ҳамон ўтган кунларни эслатиб турибди. И. Раҳим, Ихлос.

ҲАҚИҚАТ [a. *حقيقت* – чинлик, ростлик, тўғрилиқ; чин, тўғри гап; туб маъно] **1** Чиндан ҳам бўлган, воқеликка мос ҳолат, нарса. *Ишга келганидан бери энди битта жиддий топшириқ олди, ҳақиқатни айтмаслик гуноҳ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Инсон бахти меҳнатда эканлиги айни ҳақиқат.* Газетадан. *Дейдилар: ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси, Оҳ, нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Маълум тартиб-қоида, қонунларга мос иш, хатти-ҳаракат, ҳолат, ростлик, тўғрилиқ. *Халқ афсоналарда ўз орзу-умидларини, юрак нидосини.. яхшилик ва ҳақиқат учун курашни ифодалаган. «Ўзбекистон қўриқлари». Қаҳрамонлар ҳақида очерк ёзиш учун уларни қидириб топшиш, саргузаштларни ҳақиқат, адолат тарозисида тортиб кўрмоқ керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ҳақиқат қилмоқ Ҳақиқат, тўғрилиқ юзасидан иш тутмоқ. *Ҳоким тўра ҳақиқат қилсин. Боламни чақириб, ўзи сўрасин!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳазрат ҳақиқат қилиб, салтанат пулини ўғирлаётганларни жазолайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 флс. Киши онгида воқеликнинг, объектив борлиқнинг ҳаққоний, тўғри акс этиши.

4 Ростлиги фанний йўл билан исботланган, тажрибада синалган ҳолат, ҳукм, фикр. *Мана шу соддагина ривоят замирига санъатнинг моҳияти ҳақидаги улуғ ҳақиқат синдириб юборилган. «Ёшлик». Мен Мирзо сўзига амал қиламан, унинг гапида ҳақиқат*

борлигига дилим ишониб турибди. Мирмуҳсин, Меъмор.

5 дин. Илоҳиятни (худонинг борлигини) ўз-ўзидан англашиладиган, исбот талаб қилмайдиган, шубҳадан ташқари, аниқ бир ходиса деб тушуниш.

ҲАҚИҚАТАН [a. *حقيقتاً* – чиндан, ҳақиқат, ростлик жиҳатдан] Рости билан; ростдан, чиндан. *Бошлиқнинг авзойи ҳақиқатан ҳам ташвишли эди.* Н. Аминов, Суварак. *Ҳақиқатан ҳам Аҳмаднинг мақолани ўқишдан бўлак қиладиган иши йўқ эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳақиқатан ҳам унинг шеър ёзишига жиддий сабаб бор эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲАҚИҚАТГҲЎЙ [a. + ф. *حقيقتگوي* – ҳақиқатни, рост гапни айтувчи] Ҳақиқатни, ҳақ гапни, тўғри сўзни гапирувчи, ростгўй. *Авалги оқкўнғил, ҳақиқатгўй, камтар Камолдан асар ҳам қолмабди.* Уйғун, Дўстлар. *Ҳа, кўрсроғ-у, лекин ҳақиқатгўй чол ўзи.* С. Нуров, Нарвон.


ҲАҚИҚАТДА 1 Аслини олганда, аслида (эса); амалда. *Қишлоқилар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўринсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Шоир соддагина чодирда зотан тинч яшагандек кўринса ҳам, ҳақиқатда.. кўшини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди.* Ойбек, Навоий.

2 айн. **ҳақиқатан.** *Уф, ҳақиқатда хотинларни очиш ҳамоқатлик экан.. Ҳамза, Танланган асарлар. Ҳақиқатда, бошқа қардош халқлар фарзандлари қатори, ўзбек ўғлонларининг салмоқли ҳиссалари бор.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАҚИҚАТПАРАСТ [a. + ф. *حقيقتپرست* – ҳақиқатни ёқловчи, ҳақиқатгўй] кт. Ҳақиқатга амал қилувчи, адолат билан иш тутувчи.

ҲАҚИҚАТПАРВАР [a. + ф. *حقيقتپرور* – ҳақиқатни ёқловчи, ҳақиқатпараст] қ. **ҳақиқатпараст.** *Ҳатто Алишер Навоийдек ҳақиқатпарвар шоир ҳам замоннинг талаби билан бу тантанавор услубдан зарур пайтда фойдаланган.* П. Қодиров, Тил ва эл.

ҲАҚИҚАТСИЗЛИК Ҳақиқатга амал қилмаслик, ноҳақ иш тутинлик, адолатсизлик. *Аҳоли ғалаёнга келди, кўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.



ҲАҚИҚАТЧИ Ҳақиқатга амал қилувчи; одил. Ҳақиқатчи судья. *Фирибгар ёндиради, ҳақиқатчи қондиради.* Мақол.

ҲАҚИҚИЙ [а. *حقیقی* — чин, рост; асл, ҳаққоний] 1 Чиндан ҳам бор, чиндан бўлган; асл, ҳаққоний. *Ҳақиқий аҳвол. Ҳақиқий воқеа. Ҳақиқий факт. Ҳақиқий ҳодиса.* — *Ҳожи хола ўзининг кимлигини кўрсатадиган ҳақиқий саргузаштини шу ерда яшириб, ёлгон айта бошлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳақиқий фамилияси-чи? Шуну айтинг!* К. Яшин, Ҳамза. *Дадам ноёб усул яратиб, ҳақиқий инсондан фарқ қиладиган сунъий одам — биороботни вужудга келтирибдилар.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Ўз номи, унвони ва ш.к. га тула муносиб, лойиқ. *Ҳақиқат учун курашибди, ҳақиқий инсон экан дадангиз.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳақиқий олим шухрат учун эмас, ҳақиқат, фан равнақи учун курашади.* Р. Усмонов, Одобрнома.

3 Чин маънодаги. *Аммо ҳақиқий киши биринчи қор ёққанда билинди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Ҳақиқий ҳаёт меҳнатдан бошланади, меҳнатли ҳаёт гўзалдир.* Газетадан. *Ҳақиқий муҳаббат олдида ҳеч қандай ғов дош беролмаслигига ишонтиришим керак эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ҳақиқий дўстда инсоннинг энг яхши хислатлари мужассамлашган бўлади.* Газетадан.

ҲАҚЛАМОҚ: тузини ҳақламоқ айн. **тузини оқламоқ.** қ. **туз** 1 4. *Омин дегин, қўлинг кўтар, ота-жон, Хизмат қилиб, ҳақлаб келай тузингни.* «Хушкелди». *Аё соқи, сен тузимни билмадинг, Тузим ҳақлаб, менга хабар қилмадинг.* «Нурали».

ҲАҚЛИ 1 Ҳақи бор, ҳақ-ҳуқуққа эга. *Ҳаёти мобайнида икки туп ниҳол экиб ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир.* Газетадан. *Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга Нисбат бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли!* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

2 айн. **ҳақ** 3. *Сиз ҳақлисиз, аммо ихтилофни тинчлик йўли билан ҳал қилайлик.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ҳар жиҳатдан қараганда ҳам, сиз бу масалада ҳақлисиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Асосли ва ўринли, тўғри. *Бинокорларни ҳақли равишда кошшофлар дейишади.* Газетадан. *Нега машъал жамоа орқада қо-*

лаётир, деган ҳақли савол туғилади. Газетадан.

ҲАҚОРАТ [а. *حَقَارَات* — пастлик, разиллик, тубанлик; пасткашлик; таҳқирлаш] 1 Кишининг ор-номуси, шахсиятини пастга урадиган, таҳқирловчи маъно-мазмунли сўз, гап. *Тўлқинжон бунни дарров пайқади, кўзини яшириб, оғзидан чиқиб кетай деган ҳақоратни «қулт» этиб ютди.* Ф. Мусажон. *Ҳури. Абдубилол энди йиғлаб, оғзига келган гапни қайтармади, аламидан акасининг юзига тутурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Шундай маъно-мазмунли муомала, хатти-ҳаракат, ҳолат. *У [ўқувчи бола].. ловуллаб турган қулоғини ушлаганча, Ҳожига қаради ва бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз» деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Асал хола ўглининг ичмаслигини биларди, терговчининг бу гапи ҳақорат бўлиб туюлди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Фуломжон столдаги нонларга қараб, кўнгли бузилди. Унинг соф ниятига бу бир ҳақорат бўлса ҳам, одамларнинг маърифат учун оғзиларидаги ошларини беришга тайёр эканликларини ўйлаб, Матқовул камбағалга раҳми келиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бирлаша олмагани туйфайли, катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик.. хотинларимиз, қизларимиз олиб кетилди. Бундан ортиқ ҳақорат борми, Меъмор?! Мирмуҳсин, Меъмор.*

Ҳақорат қилмоқ айн. ҳақоратламоқ. *Сиз бўлсангиз, «мешчан», деб ҳақорат қилдингиз уларни.* А. Мухтор, Тугилиш. *Ҳа, мени ҳақорат қилган тилларинг узилсин!* Д. Нурий, Осмон устунни. *Баҳсда қизишган, бақирган, қарши тарафни ҳақорат қилган одам доим ютқзади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲАҚОРАТЛАМОҚ Кимса шаънига ҳақоратли гап, сўз айтмоқ, ҳақорат бўладиган иш, хатти-ҳаракат, қилиқ қилмоқ. -*Ия, ҳа, бошқа билан қовушидик денг, — у кўзини қисиб, қизни ҳақоратлашга оғиз жуфтлади.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Бу ўткинчи беш кунлик дунёда биз ёқалашамиз, қон тўкамиз, бир-биримизни ҳақоратлаймиз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАҚОРАТЛАНМОҚ Ҳақоратламоқ фл. ўзл. н. *У ҳақоратланган, камситилиб, бетига*

туфланган одамдай кўрагини кўтаролмай ётди. Мирмуҳсин, Умид.

ҲАҚОРАТЛИ Ҳақорат мазмунли, ҳақорат бўлувчи; таҳқирли. *Ҳақоратли сўз. Ҳақоратли муомала.*

ҲАҚОРАТОМУЗ [а. + ф. *حقارت آميز* — ҳақорат тарзидаги, таҳқирловчи] Кўпол, ҳақоратга ўхшаб кетадиган. *Ўзининг ҳақоратомуз кинояларига яраша дадиллик билан жавоб қайтаргани учун [Қаландаров] Саидани «Йўқол!» деб идорадан ҳайдаб солади. А. Қаҳҳор, Синчалак. Ҳодий маҳбуснинг ҳақоратомуз гапига жаҳли чиқди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ҲАҚПАРАСТ [а. + ф. *حق پرست* — ҳақни, ростликни ёқловчи] айн. **ҳақиқатпараст**. *Ижод аҳлига кундай аён: Абдулла Қаҳҳор адабиёт тақдири учун қайғурган ҳақпараст адиб эди. Газетадан.*

ҲАҚРАҲА [ф. *حق رها* — ҳақли йўл; кимсанинг ҳақи бўлган йўлак] 1 Кўшнининг ери, ҳовли-жойидан ажратиб олинган йўл. *Кўшнига ҳақраҳа бермоқ.*

2 Йўлнинг хонадон эшиги олдидаги қисми. *-Фуқаро! Ҳозирдан бошлаб ҳар ким ўз кўрган ва ҳақраҳаларини супуриб, тозалаб, сув сепиб қўйсин! — жар солди Қулаҳмад оға. Мирмуҳсин, Чўри.*

ҲАҚРОСТ [ҳақ(қ) + рост] Бирор фикр, айтилган гап ва ш.к. нинг ростлигини, тўғрилигини қайд этади, ҳақиқатан тўғри. *Айтинг-чи, оға, Николайдан қутулдик, бу ҳақрост, лекин оқибат нечук бўлар экан? Ойбек, Улуғ йўл. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида дейдилар. Ҳақрост! Н. Сафаров. Ҳаёт мактаби.*

ҲАҚСЕВАР Ҳақни севувчи, ҳақ ишни, ҳақиқатни, адолатни севувчи. *Ҳақсевар одам. Ҳақсевар миллат.*

ҲАҚСИЗ 1 Шахсан ҳақи йўқ. *..югуриб бориб, қўлидан тутгиси, «мен сени соғиниб кетдим, ахир» дегиси келар, аммо.. бундай қилишга ўзини ҳақсиз, деб билар эди. Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

2 кам қўл. Ҳақ тўламай, текин. *Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1824 йилда Кўқон косибларини ҳақсиз — муфт ишлатиб, янги раста қурдирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

3 кам қўл. айн. **ноҳақ**. *Худо ҳақни ноҳақ қилмади, бечора ёш йигитнинг ҳақсиз қони тўкилмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сўй-*

ла энди, кўп ҳақсиз Оққан ёшлардан.. Ғайратий. -Ҳақсиз жазо! — деб Отабек кулумсираб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 эск. Бирор нарса қилиш ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган, маҳрум этилган. *Бир вақт шўрога сайлов олдида ҳақсизлар рўйхати кишлоқ кўчаларига ёпиштириб қўйилади. А. Қодирий, Обид кетмон. Бир кун келиб, юпун, ҳақсиз қора халқ бошини тик кўтаришига, кўзларини ишқалаб, асрий уйқудан уйғонишига умид боғлади. С. Сиёев, Аваз.*

ҲАҚСИЗЛИК 1 Ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган, ҳақ-ҳуқуқ топталган ҳолат. *Бу қандай кун, бу қандай ҳақсизликки, сенинг инон-ихтиёрингга ҳам чанг солиб, сенинг номиндан бошқаларнинг никоҳига ҳам розилик бераверишади. К. Яшин, Ҳамза. Менинг бошимга ҳақсизликлар, ҳақоратлар, хўрликлар тушгандан кейин.. оқ-қорани анча танийдиган бўлдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Ноҳақ иш, хатти-ҳаракат; ноҳақлик. *Подшонинг мардикор олиш тўғрисидаги фармони устида сўз кўзгаларкан, халқ ҳар хил жабр, зулм, ҳақсизликлардан аччиқ шикоят қилар эди. Ойбек. Танланган асарлар. Жаҳон тинчлигига хавф солса биров, Ҳақсизлик юз берса, қололмайман жим. Уйғун. Ҳаёт қақиради.*

ҲАҚҚАСТ [а. + ф. *حق راست* — ҳақ эканлик, ҳақлик]: **ҳаққаст рост** 1 айн. **ҳақрост**. *Ҳайдар.. чой хўплар экан, кўнглига келган фикрларни [онасига] гапириб берди. -Ҳаққаст рост, — деди Содиқа хола ўғлининг сўзини эшитиб. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.*

2 Сўхбат вақтида бирор киши аксирса, айтилаётган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ишлатилади. *«Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамиша пайванддир».. Шу вақтда кимдир, бурунаки отгандек, қайта-қайта ашурди [аксирди]. «Ҳаққаст рост!» — бўёқчига қаради чол. Ойбек, Навоий.*

ҲАҚҚОНИЙ [а. *حقاني* — ҳуқуқ ва ҳуқуқшуносликка, адолат, ҳақиқатга оид] 1 Ҳақиқатга тўри келадиган, асл ҳолатига мос, мувофиқ. *Энг асосий гап ҳаётни ҳаққоний, у қандай бўлса, шундай акс эттиришдадир. Газетадан. Юрагидагини тўкиб солаётган қизнинг ҳаққоний сўзлари Шерзод Қамбаровичга оғир ботарди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Матбуотда халқ ҳаёти ва*

қишлоқ аҳолига доир ҳаққоний бир сўз ҳам йўқ. Ойбек, Нур қидириб.

2 Ҳақ, асосга эга; асосли, ҳақли. *Ҳаққоний танқид* — ишдаги нуқсонларни барта- раф этишининг таъсирчан воситаси. Газета- дан. *Китобхонлар нашриётлар олдига кат- та ва ҳаққоний талаблар қўйишати*. Газе- тадан. *Шу ўринда ҳаққоний савол туғилади. «Шарқ юлдузи»*.

ҲАҚҚОНИЙЛИК Ҳаққоний ҳолатга, ҳақиқатга мослик. *Бу ўринда драматург, шахслар ва ҳодисалар ҳаётда қандай бўлса, унинг ўзидай акс эттириб, бадиий ҳаққо- нийликка эришади. «ЎТА»*. Гавҳар ҳаёлида бираашира олмаётган икки ўтли истак — отасига ёрдам бериш, айна вақтда, ўз иде- алларига содиқ қолиш истаги — ҳаққонийлик масаласига келиб бирлашди-ю, ҳаяжонидан эти жимирлаб кетди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ҲАҚҚОНИЯТ (а. *حقانیت* — адолат, одил- лик; ҳақиқат қилиш; ҳуқуқшунослик): **1** айн. *ҳаққонийлик*. — *Бу катталарнинг баъзи вақт- да ҳаққониятдан чизи тойиб кетади, — деди Али тажанг жиддий, — қани, кўрамиз!* Ой- бек, Куёш қораймас.

2 айн. *ҳақиқат*. *Бу ҳаққониятга тўғри келади. Ҳаққониятга зид хулоса.*

ҲАҚҚУВ айн. *ҳаққуш*. *Каптарлар ҳалқа бўлиб, ҳаққувлар ҳақ-ҳақ деб, қумрилар дўст тортиб, боққа оройиш бериб, нағма- созлик бир муносиб ярашиб турибди. «Рав- шан»*.

ҲАҚҚУШ Узун оёқли қушлар турку- мининг қарқаралар оиласига кирувчи пар- ранда. *Авали бу бойўғли эмас, ҳаққуш, кўрқ- ма*. А. Қаҳҳор, Мастон.

ҲАҲ унд. с. Норозиликни, дўқ-пўписа ва ш.к. ни ифодалайди. *Ҳаҳ, ҳали оқибат шуми? Ҳаҳ, чўчитвординг-ку! Ҳаҳ, ҳали қа- раб тур, адабингни ейсан!* ■ *-Ҳаҳ! Сен ҳали менинг шоирлигимни назарингга илмадинг- ми!* — деб [подшо] афандини уч кун отхонага қамаб қўйишни буюрди. «Латифалар».

ҲА-ҲА унд.с. **1** Бирор иш-ҳаракатга ун- даш, қисташ маъноларини ифодалайди. *Ҳа- ҳа, тез бўлинглар! Ҳа-ҳа билан деворни тик- ка қилиб олдик.* ■ *Кўришмасдан илгари Жон- дор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қўйиб тутди, «ҳа-ҳа, тарала» билан тик туриб ичишиди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 айн. ҳа **11 2**. *-Ҳа-ҳа, — деди Ольга Пет- ровна ажаблангандек. — Бувингнинг оти*

нима? — «Бувим», — деди Тўтиқиз ишонч би- лан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАҲАЛАМОҚ 1 Ҳайвонларни юргизиш, тезлатиш учун «ҳа», «ҳа» деган овоз чи- қармоқ, бақирмоқ. *Мўрдак арава яна те- паликка кўтарилди; аравакаш билан нав- карлар ҳаҳалаб, отга қамчи уришди. Мир- муҳсин, Чўри.*

2 Худди шундай ва шунга яқин товуш- лар билан бирон ишга рағбатлантирмоқ, далда бермоқ. *Улар [колхозчилар] тўғонлар- нинг тахта ва қозиқларини йўниб, михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва бақироқ Полвон оталар ҳаҳалаб кўмаклашмоқдалар. Ҳ. Назир, Сўн- мас чақмоқлар.*

ҲАҲАЧИ кам қўлл. Ҳаҳалашиб, ишга рағбатлантириб, далда бериб турувчи (одам). *Қаторда норинг бўлса, юкинги ерда қолмай- ди, дейишади. Энди ҳаҳачи Холдоровнинг ра- фиқаси Қосимова жонга ора кирди. В. Маҳ- камов, Айбсиз айбдорлар.*

ҲАҲА-ҲАҲА унд.с. Таажжуб, тасдиқни билдиради. *Омон ҳам менинг гапимга пок учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳа-ҳаҳа», деб кўяр эди. Ф. Фулом, Шум бола.*

ҲА-ҲУ: *ҳа-ҳу дегунча* Ана-мана дегун- ча, тез орада, бирпасда. *Ҳа-ҳу дегунча тез ёрдам машинаси етиб келди. Ҳ. Зиёхонова, Арзанда. -Ҳа-ҳу дегунча ўрта мактабни битириб, институтга ҳам кирдик, — деди Нодир Қундузхонга. И. Аҳмедов, Огир опе- рация.*

ҲАҲҲА унд.с. Таажжубланиш, эътироз, ғазабланиш каби туйғуларни ифодалайди. *Ҳаҳҳа! Ҳали шундай ишлар бўлдими?*

ҲЕ унд.с. **1** Мурожаат, чақирқиқ пайтида ишлатиладиган нидо; эй, ҳей. *Ҳе, бормисиз, биродар!* ■ *-Ҳе, тақсир!* — деди афанди. *-Сиз гап бошлаганингиздан буён оғзимни шунча очдимки, у йирилиб кетадиган дара- жага етди. «Латифалар»*.

2 Норозилик, нохушлик маъносини ифодалайди. *Ҳе, нимасини сўрайсиз, афанди! Ишлар чатоқ!* «Латифалар». *Ҳе, бу уруш бош- га битган бало бўлди-ку!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Жирканиш, нафрат билдиришда, қар- гаганда ишлатилади. *Ҳе, лаънати! Ҳе, баша- ранг қурсин!*

Ҳе йўқ, бе йўқ Дабдурустан, ҳеч асоссиз, сабабсиз, суриштирмасдан. *Шаҳарга тушган эдим, бойвачча, маҳалламада, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдусамадни аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕЗ [ф. *هيز* — номуссиз; хотинчалиш] **1** Жинсий қуввати заиф эркак. *Қип-яланғач бўлиб ётиб берди-ку! Ўзинг ҳез бўлгач, менда нима гуноҳ! Ҳақини тўла [деди фоҳишахона эгаси].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзи удда қилломай, кетидан хотинлардай фисқу фасод қилиб юрадиган сендақа ҳезлардан ўша бегона яхши.* О. Ёқубов, Излайман.

2 айн. **ҳезалак** **2.** *Ухлаганим йўқ, й-й-йўқ, ҳез, доридан қуй-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲЕЗАЛАК 1 айн. **ҳез 1.**

2 ҳақр. Эркаклик хусусияти йўқ; хотинчалиш. *Вой, ҳезалак-ей. Шундан кўрқдингми?! — Раҳмонқул Бекнинг урушда қочганини айтиб, «ҳезалак», «хоин», деб сўқди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

ҲЕЗАЛАКЧАЛИШ Ҳезалакка хос белги-хусусиятли. *Соқол-мўйлови сийрак, овози ингичка, ҳезалакчалиш одам эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲЕЗИМКАШ айн. **ҳезалак.** *Мени номард деб ўйлаяпсанми? Сени ёлғиз юборадиган ҳезимкаш йўқ.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов. Ота.

ҲЕЗУМКАШ [ф. *هيزمكش* — ўтинкаш, ўтин ташувчи] эск. кт. Ўтин тайёрлаб сотувчи, ўтин ташувчи киши; ўтинчи. *Бир тўпар [тўпори] ҳезумкаш ўтаётган эди.* Мирзахон эшонга деди: — *Мен Авазхон билан дўстлашмоққа келяпман.. «Зулфизар билан Авазхон».*

ҲЕЙ айн. **хе.** *Ҳей, нега сερрайиб турибсан? Ҳей, кимсан ўзинг?*

ҲЕМИРИ с.т. Умуман йўқликни, «ҳеч қанча» деган маънони билдиради (асосан пул ҳақида). *Уч-тўрт кундан буён Шералининг ёнида ҳемири йўқ.* С. Кароматов. Олтин кум. *Қиммат бўлса ҳам ноилож олар эдим-а, лекин пулдан ҳемири ортмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен, ҳар қалай, бир юз ўн сўм ойлик оламан, сен ҳемири ҳам олмайсан-ку..* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Эрта-кеч юмуш. Ҳемири ёнга тушмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕМИРИЛИК с.т. Бирор тийинга арзийдиган, ҳеч қанчалик. *Улар ҳемирилик*

ҳам хизмат қилгани йўқ. — Ҳемирилик иши йўқ. Отаси ўлганига ўн беш йил бўлиб қолди — шундан буён ҳар қанақа ишни йиғиштирган. Ойбек. Танланган асарлар.

ҲЕМИРИЧА с.т. Ҳемирилик. *Боёнлари-мизнинг, қозикалонларнинг ғариблар аҳволидан ҳемирича иши йўқ, эл фойдасини сира ўйламайдилар.* Ойбек. Улуғ йўл.

ҲЕЧ [ф. *هич* — ҳеч ким, ҳеч қандай; умуман, мутлақ, бутунлай; ноль] **1** Сўроқ олмошлари, шунингдек, «нарс», «вақт» ва б. баъзи сўзларга қўшилиб, бўлишсизлик олмошлари ҳосил қилади. *Мас., ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай, ҳеч нима, ҳеч қачон, ҳеч қайси* ва б.

2 юкл. Инкор билдиради; йўқ, асло. *Мен ортларидан югурардим. Ҳеч етолмасдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Кимни олса, олсин, ҳеч ишим йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳеч шубҳасиз, баҳор ёшларга олам-олам шодлик келтиради.* Газетадан. *Нима, менга ёқиш учун кестирибдими? Ҳеч-да! Менга буқоғинг билан ҳам ёқа берар эдинг.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Ҳеч бўлмаса Жуда бўлмаса, лоақал, ақалли. *Ма, бир ҳўпла, ҳеч бўлмаса!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳар бир оила, ҳеч бўлмаса, бирон жангчини меҳмон қилгиси келади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳеч бўлмаса, сиз шу ерда бўлсангиз ҳам, Сергейнинг йўқлигини билинтирмай турардингиз.* С. Зуннунова. Олов. **Ҳеч гап эмас 1)** бўлиши, юз бериши мумкинлигини ва бунинг қийинчилиги йўқлигини билдиради. *Бир ишора билан бош узлиб кетиши ҳеч гап эмас. Қизим, тилга эҳтиёт бўл! Мирмуҳсин, Меъмор. Бўғиб ўлдиришим ҳеч гап эмас. Лекин ҳали-бери ўлдирмайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати; **2)** қиёсланаётган нарсанинг унисига етолмаслигини, даражаси ундан пастлигини бидиради. *Оқ кишимидан тайёрланган шинни жуда хушхўр бўлади, унинг олдид асал ҳеч гап эмас.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

3 Йўқ деса бўладиган даражада, сира арзимайдиган даражада, йўқдек. *Лекин.. унинг бундай ҳаракати, қизнинг улуғ қалби ва севгиси олдид ҳеч эканини чуқур сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳечга чиқмоқ Йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Бутун орзу-умидлар ҳечга чиқди. — У ерга тушган ҳар бир яроқда ўзининг тар-*

жимаи ҳолини ўқир, ўзини-да мавқеидан айрилиб, ҳечга чиқиб турган шу яроқлардан айира билмас эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

ҲЕЧҚИСИ: ҳечқиси йўқ Зарари йўқ, ҳеч нарса бўлмайдӣ (ўйлашга, ташвишлинишга арзимас нарса ҳақида). *Оёғингиз. бир оз шикастланибди. Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетасиз.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Асад, кўнгли яримта, ҳечқиси йўқ, бунақасини биринчи кўряпмизми.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *-Бевақт келганим учун узр. -Ҳечқиси йўқ. Мен ҳозир отамни чақириб чиқаман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲЕЧҚУРСА *шв.* Ҳеч бўлмаганда, лозақал. *Маъмуржон илгариги хатти-ҳаракатларидан ҳечқурса биронтасини такрорлаганда, эҳтимол, Ойна она у ҳақда тезгина бир тўхтамга келган бўлармиди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *..ҳечқурса ўлаётган чоғида ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олиши учун куч, жасорат топсин.* Газетадан.

ҲЕҲ *унд. с.* Норозиликни ифодалайдӣ. *Ҳеҳ, шу ҳам гап бўлдими? Ҳеҳ, сени қара-ю.*

ҲЕ-ҲА *унд. с.* Таажжуб ифодалайдӣ. *Мадёров.. энгашиб, Майнанинг гимнастёрка елкаларидаги уч бурчакли белгичаларини текширди: -Ҳе-ҳа, взвод командирисиз-ку.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ҲЕ-ҲЕ-ҲЕ *тақл. с.* Босиқ, енгил кулгини билдиради. *-Мастлик қурсин, тоза машамаша қилибман, ҳе-ҳе-ҳе, — совуқ кулди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕҲ-ҲА *айн. ҳе-ҳа.* *-Бу ерда жафочекканлар йўқ дейсизми? Ҳеҳ-ҳа, тўлиб ётибди, — деди Абдуваҳоб.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ҲЕҲ-ҲЕ *айн. ҳе-ҳа.* *Ҳеҳ-ҳе, соат ўн бўлиб қолибди-ку. Ҳеҳ-ҳе, ҳали қанча ишлар турипти!*

ҲИБС [а. *حبس* — қамаш, тутқунликка олиш; турма, қамоқ] *эск.* Озодликдан маҳрум қилиш, қамаш; қамоқ. *Юсуповни уч ой ҳибсда сақлашди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Паймонаси тўлиб турган Дороббек кутилмаганда ҳибсга тушиди-ю, кета туриб, Лағлидан қасос олди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Кукминор эшигидан чиқиши биланоқ уни навкарлар салом-аликсиз ҳибсга олиб, қўлларида кишан урди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ҲИБС ҚИЛМОҚ (ёки **ЭТМОҚ**) Қамоққа олмоқ; қамасмоқ. *..шаҳардаги шубҳали одам-*

ларнинг ҳаммасини ҳибс қилиш борасида фармони олий олиб, шу заҳоти ишга тушишибди. С. Кароматов, Бир томчи қон. *Шаҳарнинг Машҳад йўлида.. Ихтиёриддин қалъаси қад кўтарган, бу ерга оғир гуноҳ қилганлар ҳибс этиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲИБСХОНА [ҳибс + хона] Қамаб қўйиладиган жой; қамоқхона, турма. *Тахтапулнинг остида кейинги вақтларда эшиги бекитилиб, номалум қилиб қўйилган, «каннахона» номи, амирнинг ҳибсхонаси бор эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ҲИД 1 Ҳар бир нарса ва модданинг кишиларнинг ис билиш сезгиларига таъсир этадиган хоссаси; бўй, ис. *Ҳиди бор нарса. Ёқимли ҳид. Ёқимсиз ҳид. Кабоб ҳиди. Ҳандалак ҳиди. Зира ҳиди. Пиёздоғ ҳиди. Ҳар гулнинг ҳиди бошқа. Мақол. ■ Ота, манови беҳиларни қаранг, ҳиди оламни тутади, бирам пишибдики! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди. Ойбек, Танланган асарлар. *Тутаб куяётган от эти ва терисининг қўланса ҳидидан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди.* Ҳ. Фулом, Машғал.*

ҲИДАН *латта* **ҲИДИ** *келади* Ёқимсиз, бемаъни гапга нисбатан қўлланади. *Ҳодивой, аччиғинг чикмасин-ку, анчадан бери гапидан латта ҳиди келадиган бўлиб қолган.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 *кўчма* Бирор нарса, ҳолиса ёки холатнинг белгиси, шарпаси. *Шояд шу билан Ойнагулнинг ҳам ҳиди бирон жойдан чиқиб қолса. А. Ҳакимов, Илон изидан. Бунинг ҳар бир варағидан шахсий ғараз ҳиди келади. А. Қаҳҳор, Сароб. Жанжалнинг ҳидини сезган Сарви хола гудраниб, стол устига дастурхон ёза бошлади. «Муштум». ..юзидан нур ёғилиб турибди, сўзларида меҳр-шафқатнинг ҳиди бор. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.*

ҲИД ОЛМОҚ Бирор маълумот, белги, шарпани сезмоқ, ундан хабардор бўлиш илинжида юрмоқ. *Дамба вақтида кетиб қолганлар ҳам атрофимизда айланиб, ҳид олиб юрган эмиш-ку. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. Ҳиди чиқмоқ* Хабар тарқалмоқ, ошкор бўлмоқ. *..қоровул чолни уриб, яхши иш қилмади. Ими-жимида бўладиган ишнинг ҳидини чиқариб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Эҳтиёт бўлмасангиз, буларнинг ҳам ҳиди чиқиб қолади. «Муштум».

ҲИДДАТ [a. *حذت* — қизиққонлик; жиизакилик; ғазаб; рашк; куч, шиддат; ғайрат] кам қўлл. Кескинлик, тезлик, шиддат ёки ғазаб билан иш тутиш. *Нафрат ва ҳиддат билан тўлиқ бу дадил овоз ҳаммани ҳайрон қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДДАТЛАНМОҚ кам қўлл. Кескинлашмоқ, шиддатланмоқ; ғазабланмоқ. *Фуломжон калласини баланд кўтарди, кейин мингбошига юзланиб, мўлтираган, жавдираган кўзлар билан эмас, нафратланган, ҳиддатланган кўзлар билан қараб туриб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДЛАМОҚ Ҳидни бурунга тортмоқ; искамоқ. *Қуёш иси анқиб турган бойчекларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокиллариининг муаттар бўйини узоқ ҳидлади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Отлиқ.. беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДЛАНМОҚ Ёқимсиз ҳид пайдо қилмоқ. *Ичига йиғилган сув қаровсизликдан ҳидланиб кетган, турли чиқиндилар билан тўлиб тошган.* «Муштум». *Усават, унда гўшт бор. Шабдада ҳидланмай туради.* С. Нуров, Нарвон.

ҲИДЛИ Ҳиди бор; исли. *Ҳидли гул. Яхши ҳидли совун.* ■ *Атир ҳидли лолалари-ла Безангандир келажак йўлинг.* Ғайратий. *Хуш ҳидли ҳаводан ўпка тўлдириб нафас олгинг келади киши.* А. Раҳмат, Варракчи чол.

ҲИДОЯТ [a. *هدايت* — бошлаб бориш; етаклаш, тўғри йўлга бошлаш, бошқариш] 1 Фойдали йўналиш, тўғри йўл бошлаш. *Ҳидоят қилмоқ.* ■ *Подани залолатдан қутқазиб, ҳидоятга бошламоғи лозим!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 дин. Худо томонидан белгиланган тўғри йўл; ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш; *зид. залолат.*

3 Ҳидоят (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИДСИЗ Ҳиди йўқ. *Ҳидсиз гул. Ҳидсиз олма.*

ҲИЖЖАЛАМОҚ 1 Сўзни бўғинларга, айрим қисмларга бўлиб талаффуз қилмоқ.

Баҳодир китобдан «она», «ота», «опа» сўзларини ҳижжалаб ўқий бошлади. Ж. Шарипов, Хоразм. *Нодир билан Омил Раҳималарнинг ёруғ деразаси олдига бориб, она-бола «Алифбе» китобини ҳижжалаб ўқишаётганини кўришди.* С. Юсупов, Кутилмаган хазина.

2 кўчма Синчиклаб ўрганмоқ, бирмабир кўздан ўтказмоқ. *Уч марта ҳижжалаб чиқиб, калаванинг учини тополмай гарангман.* Т. Алимов, Ишқилиб, ўқимаган бўлсин-да! *Уни [вакилни] объектма-объект бошлаб юраркан, ҳар рақамга ёпишиб ҳижжалай бериши сил қилиб юборди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҲИЖО [a. *هجا* — ҳажв қилиш; бўғинлаб, ҳарфлаб ўқиш] эск. айн. бўғин. *Ҳунарим, маълумингиз, газаллар ёзиш, Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна.* Ғ. Ғулом. *Бундай ортиқчаликларга, ҳижо, қофия учун сўзни атайин қурбон қилишга ўрин қолмайди.* «ЎТА».

ҲИЖОБ [a. *حجاب* — ёпинчик; парда; ниқоб; тўсиқ] Юзга тутиладиган парда, тўсиқ. *Бошларида осмони настарин рангидаги нафис ҳижоби.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ҲИЖОЛАМОҚ айн. *ҳижжаламоқ* 1. *Бир қўллаб қоғоз олиб, телефондаги сўзларни ўзича ҳижжолоб ёза бошлади.* «Муштум».

ҲИЖОЛИ эск. айн. бўғинли. *Ўзи бир ҳижжоли кичкина бир сўз, Аммо эга эрур катта маънога.* Уйғун.

ҲИЖРА, ҳижрат [a. *حجرت, هجرة* — кўчиш, кўчириш; чет мамлакатга кўчиб кетиш] 1 эск. кт. Ўз жойини, мамлакатини тарк этиб, бошқа жойга кетиш, кўчиш. *Ҳижрат тариқасида Фарғонага йўл олдилар.* «Муштум».

Ҳижрат қилмоқ Ўз жойи, юртини тарк этиб, бошқа жойга, юртга кўчмоқ, кетмоқ. *Биз Афғонистонда тузуккина тайёрланиб.. мамлакатни большевиклардан тозалаш учун вақтинча ҳижрат қиламиз.* С. Айний, Дохунда. *Асакадан ҳижрат қилмоқ учун.. маориф шўросига ариза берсам, молия мудирлигини ҳам менга топширдилар.* «Муштум».

2 Муҳаммад пайғамбарнинг ўз саҳобалари, тарафдорлари билан бирликда Маккадан Мадинага кўчиши (бу воқеа милодий 622 йил 16 июль куни бўлиб, ислом

тарихи ва мусулмонларнинг йил ҳисоби тизими шу кундан бошланган).

Бу дунёдан ҳижрат қилмоқ Ўлмоқ, вафот этмоқ.

ҲИЖРИЙ [a. *هجري*] Ҳижра(т)га, мусулмон йил ҳисобига тегишли. *Ҳижрий йил ҳисоби.* ■ *Мен абжад ҳисобини билганим учун у шеърдаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам ундан ўша йилнинг санаси бўлган ҳижрий 1303 чиқарди. С. Айний, Эсдалиқлар. Унг томондаги тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Мағрифатхон жаннатмакон» деб ёзилган ва ҳижрий билан «1335», деб тарих қўйилган эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

ҲИЖРИЯ [a. *هجريه*] айн. **ҳижрий**. 1264 *ҳижрия, дале ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ҲИЖРОН [a. *هجران* — ташлаб, қолдириб кетиш; ажралиш, видолашиш; айрилиқ] *поэт. Айрилиқ, жудолик, фироқ. Булбул кетди, гул қолди, Уртага тушди ҳижрон. Йигит ҳам соғинади, Ёр бағри лоладек қон. Ҳ. Олимжон. Бахтиёр севгини куйларди созим, Улим ханжарига тегди-ю синди. Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим, Наҳот лириканинг ёлқини тинди? Зулфия. Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар. Ф. Фулом.*

ҲИЖРОНЗАДА [a. + ф. *هجران زده* — ҳижронда эзилган; ёридан ажралиш] Ҳижрон туфайли азоб чеккан, эзилган. *Қаҳрамон ота, жасур ўғил, жафокаш она, ҳижронзада қаллиқ — ҳурматли ёдгорлик олдига узоқ бош эгиб турдим. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Дарға изтиробга тушди, юраги эзилди, шоир кўз ёшини артар экан, кекса капитаннинг ўзи ҳам ҳижронзада эканлиги билинди. С. Абдулла, Қувғунда.*

ҲИЙЛА [a. *حيلة* — айёрлик, маккорлик; макр, найранг] Алдаш учун ишлатилган йўл; алдовчи, чалғитувчи иш, тadbир, хатти-ҳаракат; найранг, фириб. *Даврон бир неча бор душман исқанжасига тушган, бироқ дов-юрakлик билан ёвга чап бериб, ҳийлаю ҳунар ишлатиб, ғолиб чиққан. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Қиз полициянинг даҳшатини яхши билар, уларга кўп учраган ва кўп дафъа турли ҳийлалар билан қочган. Ойбек, Нур қилириб. Шу мақсадда эрка бир кун ётиб олди.*

Ҳийла билан касалликка ўзин солди. А. Мухтор.

Ҳийла қилмоқ Ҳийла ишлатмоқ. *Кампир уларга ҳийла қилиб йиғлабди. «Эртақлар». Ҳийла қип кўзинг ёшлайсан. Бошмалдоғингни тишлайсан. «Юсуф ва Аҳмад».*

Ҳийлаи шаръий қ. шаръий.

ҲИЙЛАГАР [a. *حيله گر* — ҳийла қилувчи] айн. **ҳийлакор**. *Ўқитувчи давом этди: -Шундай қилиб, оми халқ ҳийлагар одамларнинг бўлмағур гапларига ишониб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Сен билмайсан, жоним, улар ҳийлагар, Улмай қолса, ҳамиша пайингда юрар. «Ширин билан Шакар». Элда бундай ёлғончилар бўлмасин, Ҳийлагар кишилар омон қолмасин. «Баҳром ва Гуландом».*

ҲИЙЛАГАРЛИК айн. **ҳийлакорлик**. *Эшонман, деб мени нодон билмаган, Ҳийлагарлик қилиб, бекор ўлмагин. «Ёдгор».*

ҲИЙЛАКОР [a. + ф. *حيله کار* — ҳийла қилувчи, ҳийла ишлатувчи] Ҳийла ишлатишига уста, ҳийла билан кўп шуғулланувчи (шахс). *Ёлғончи, ҳийлакор бой — Доғули хасис Холвой. Уйғун. Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳийлакордир — билагиндан тутмасин, Жодугардир — сени жоду қилмасин. «Ойсулув».*

ҲИЙЛАКОРЛИК Ҳийлакор бўлиш, ҳийлакорга хос иш, хатти-ҳаракат. [Ашура] *Ҳийлакорликда Шерназарбойдан ҳам ўтар эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ҲИЙЛАКОРОНА [a. + ф. *حيله کارانه* — айёрларча, маккорона] *рвш. Ҳийлакорларга хос равишда, маккорона. Мирсодиқ сакраб чорпояга чиқди-да, Жанишнинг елкасидан ушлаб, ўнглашиб ўтирди ва ҳийлакорона илжайиб суриштира бошлади. Ҳ. Шамс, Душман.*

ҲИЙЛАЛИ Ҳийла ишлатилган, алдаш учун қилинган, ҳийла ишлатадиган.

ҲИЙЛА-МАКР Ҳийла ва макр, ҳийлагарлик, айёрлик.

ҲИЙЛА-НАЙРАНГ Ҳийла ва найранг, ҳар хил ҳийлалар. *Эҳтиёт бўлишим керак. Яна бир ҳийла-найранг тўқиганга ўхшайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲИЙЛАСИЗ Ҳийла ишлатилмайдиган, беҳийла, алдовсиз. *Ҳийласиз иш.*

ҲИЙЛАЧИ с.т. Ҳийлагар.

ҲИКМАТ [a. *حکمت* — билимдонлик, до-нишмандлик; ҳикматли сўз, мақол; тибби-

ёт илми, шифокорлик] 1 Ақл-заковат, донолик ва унинг ифодаси бўлган, уни акс эттирувчи нарса — гап-сўз, фикр ва ш.к.; донолик белгиси. *Оз емак — тани соғлиқ, Оз демак — ҳикматга боғлиқ.* Мақол. *Нодоннинг кулфати кўп, Дононинг — ҳикмати.* Мақол. ■ *Боболарнинг ҳикмати Ҳаётга ёруғ йўлдир: Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл, дер. Э. Воҳидов. Подшоҳ билан шерга яқин бўлмақ ҳикматдан эмасдир.* «Эртақлар». «Курашмоқ — ўрнак бўлиб яшамқ демакдир!» — деган эди муаллиминг, файласуфларнинг ҳикмати баён қилиб. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳаракатда баракат — кўп қадим ҳикмат..* М. Шайхзода.

2 Тагини англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб; сир. *Бу ойнада қандай ҳикматни кўрдинг? Жоним болам, сенинг ҳолинг на бўлди?* «Баҳром ва Гуландом». *Олдинга келган йигит кетолмайди, сизларда бирор ҳикмат бор экан-да.* «Оқ олма, қизил олма». *Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикмати билладиган бағоят ҳурматли азиз одамлар деб тушунарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Булбул сайрайди, хўроз қичқиради, эшак ҳанграйди, от кишнайди. Буларнинг тирикчилиги шу-да.* Бунда нима ҳикмат бор дейсиз? П. Турсун, Ҳикитувчи.

3 кам қўл. Фойдали томон; наф, фойда (иш. ҳаракат ҳақида). *Раҳмат Отабекка кулумсираб қаради-да, тоғасига жавоб берди.* -*Хотин кўпайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўғри, шоликорликда ҳикмат кўп бўлади.* Ш. Фуломов, Ташаббус.

4 Ҳикмати бор нарса, ҳикмат билдирувчи фикр, гап. *Қуриб кетманг! Кўчқор ёғи еб, энди бир ҳикмат кўрсатмоқчимидилар!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб. *Қори, худди фавқулодда бир ҳикмат эшитгандай, оғзини ва кўзларини катта очиб, Тўпанисога қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ёш хотин қари эркакни яшартиради, деган гаплар бор; қариганда уйланадиган эркаклар ана шу ҳикматга амал қилар эмиш..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 эск. айн. физика. -*Ҳа, ҳикмат кесакдан аланга чиқаргандек, сиз ҳам китобдан олган билимларингизни турмуш мактабида синовдан ўтказинг, — деди қиз.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

Илми ҳикмат Физика. *Мадраса — диний мактаб. Лекин риёзиёт, илми ҳикмат, ҳандаса, кимё деган дарслар ҳам ўтилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ҳикмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИКМАТЛИ Ҳикмати бор, ҳикмат ифодали; чуқур мазмунли; сирли. *Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор, Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига.* А. Орипов, Йиллар армони. *Халқона ўткир иборалар, чуқур ҳикматли мақоллар унинг нутқининг жонли, ёрқин безаклари эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Миллатни фақат илм-маърифатгина жаҳолат ботқоғидан олиб чиқади, деган фикрни ҳурматлайман.* Бунда катта ҳикмат бор.. *кўп табаррук зотлар бу хусусда ҳикматли гаплар айтиб қолдирганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Ошпаз ер остига ҳикматли ўчоқ ясаб, қуённи пиширишга киришди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲИКМАТОМУЗ {а. + ф. حکمتآمیز — ҳикмат ифодали, ҳикматли} Ҳикматли, ҳикматга бой, ҳикмат, панд-насиҳат тарзидаги. *Ҳикоятларнинг ҳар бирида қиссадан ҳисса тарзида ҳикматомуз хулосалар, танбеҳлар мавжуд.* Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

ҲИКОЯ {а. حکايه — гапириб, сўзлаб бериш; қисса; тарих} 1 Кимса, нарса ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг оғзаки тафсиллий баёни. *Мулла Фазлиддин.. ёш Бобурга Навоий ҳақида жуда кўп ажойиб ҳикоялар айтиб берган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳойиб энди «студентликнинг олтин даври» ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Чол бошлар умрининг ҳикоясини, Бир-бир сўйлаб чиқар бор-барчасини.* Ҳ. Олимжон.

Ҳикоя қилмоқ Баён қилмоқ, сўзлаб бермоқ. *У йўл-йўлакай бирталай латифалар айтди, ўз саргузаштларини ҳикоя қилди.* Газетадан.

2 Эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр; шу жанрда ёзилган асар (сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг бир шахс томонидан олиб борилиши билан роман ва повестдан фарқланади; асосан насрий ифодага эга бўлади). *Ҳикоя ёзмоқ.* Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари. *Ҳикоялар тўплами.* ■ *Ёзувчиларимиздан Саида Зун-*

нуова, Раҳмат Файзий оила масаласида анчагина ҳикоя ёзишган. «Мушгум».

ҲИКОЯНАВИС [a. + ф. *حكاية نويس* – ҳикоя ёзувчи] Ҳикоя ёзувчи. Биринчи ўзбек ҳикоянависи Ойдин ижоди янги ўзбек адабиётининг тараққиётида муҳим ўрин тутди. С. Мамажонов, Ҳаёт куйчиси. Ёш ҳикоянавис Ў. Умарбековнинг. «Солиа хола», «Чўлда бир кун» каби ҳикояларида кишининг юксак фазилатларини очиб беришга уриниш сезилди. «Шарқ юлдузи».

ҲИКОЯНАВИСЛИК Ҳикоя ёзиш иши. Мен биргина журналист бўлибгина қолмай, бу қозонда [газетачиликда] шоирлик, ҳажвчилик.. ҳикоянависликда ҳам пиша бошладим. С. Абдулла, Менинг дорилфунуним.

ҲИКОЯТ [a. *حكايت* – сўзлаб бериш; қисса; тарих] 1 эск. айн. **ҳикоя**. Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга. Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман. М. Шайхзода. Мирза Баҳром ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган ҳикоятнинг ёзилиш тарихини сўзлаб берди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар. Ҳикоятларнинг ҳар бирида қиссадан ҳисса тарзида ҳикматомуз хулосалар, танбеҳлар мавжуд. Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

2 Ҳикоят (хотин-қизлар исми).

ҲИКОЯЧИ 1 Ҳикоя қилувчи, эртак ва ҳикояларни сўзлаб берувчи.

2 Ҳикоялар ёзувчи, ҳикоянавис.

ҲИКОЯЧИЛИК Ҳикоячининг машғулотли, ҳикоялар ёзиш иши. Бизда кичик жанрга – ҳикоячиликка етарли диққат қилинмагани менинг иззат-нафсимга тегади. Ф. Фулом, Талант ва маҳорат.

ҲИЛВА 1 Жуссаси ингичкадан келган, хипчабел, нозик. Ҳилвагина, оппоққина экан.. Ҳамиятчи қизга ўхшайди. А. Муқимов, Келин.

2 шв. Ялпиз.

ҲИЛВИЛЛАМОҚ с.т. Ҳилвирамоқ.

ҲИЛВИРАМОҚ 1 Заиф, нимжон ҳолга келмоқ, заифлашмоқ. Бу жанговар воқеаларни эслар экан, кампирнинг ҳилвираган озғин танасида гўё ёшлик қони бирдан жўш ургандай бўлди. С. Анорбоев, Дўстлар. - Йигламанг, буви, худонинг иродаси, – деди Фуломжон, бундай гаплар онасининг ҳилвираган қалбига малҳам бўлмаслигини билса ҳам. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аваз устоднинг салқиган қовоқларига.. ҳилвираган бармоқ-

ларига разм солди. Унинг бармоқлари билинар-билинмас титрарди. С. Сиеёв, Аваз.

2 Эскириб, ночор ҳолга келмоқ, фуғури кетмоқ; тўзмоқ. Ҳадемай дарчада Утар бобонинг ҳилвираган сариқ тўни кўринди. С. Сиеёв, Ёруғлик. Эскириб, қирралари ҳилвираб кетган дафтарнинг муқовасига чиройли ҳарфлар билан «Ҳолида» деб ёзилган эди. Ў. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сири.

3 с.т. Ҳилпирамоқ. Ҳа, атласларни кийиб олиб, Ҳилвираб келасиз-а бизга. «Кўшиқлар».

ҲИЛЛА 1 с.т. Ҳийла. Ургани йўқ моли билан тиллани, Бир аёл юрдирди макру ҳиллани. «Эрали ва Шерали».

ҲИЛЛА II [a. *حله* – сарпо, либос, кийим-бош] айн. **хулла**. Рўмолим бор ҳилладан, Фижимлари тилладан. «Оқ олма, қизил олма».

ҲИЛОЛ [a. *هلال* – янги ой] 1 кт. Янги чиққан ой. Кукка боқса, Зухро юлдуз қолар экан лол, Ҳасад қилар экан унинг қошига ҳилол. Т. Тўла. Бу тун осмон ҳам нотинч. Нозик ҳилол бедор кеза-кеза, булутлар қаърига кетмоқда. Газетадан.

2 Ҳилол (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИЛПИЛЛАМОҚ айн. **ҳилпирамоқ**. Ошхонанинг тўрида ҳилпиллаб турган байроққа кўзимиз тушди, бу – ёшларнинг ғолиблик нишони экан. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. Қирғоқдаги ҳаворанг чодир аста ҳилпиллайди. Газетадан.

ҲИЛПИРАМОҚ Силкиниб, тебраниб елпингансимон ҳаракатланмоқ; ҳилп-ҳилп қилмоқ (баъзи енгил, майин нарсалар ҳақида). Ҳамма деразалар ланг очиқ. Енгил шабададан дарпардалар ҳилпирайди. Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла. Унинг кичик, тиниқ зангори кўзларига тикилди, толалари шамолда ҳилпираган майин, олтин сочларини силади. Ойбек, Қуёш қораймас. Қузатувчилар қўлида рўмолчалар ҳилпирайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҲИЛПИРАТМОҚ Ҳилпирамоқ фл. орт. н. Юлдуз кўк шойи кўйлакчасини ҳилпиратиб, айвонга югурглади. Ойбек, О.в. шабадалар. У ўгирилиб қараса, бир варақ қоғозни қўлда ҳилпиратиб, Зокир келяпти. П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲИЛП-ҲИЛП: ҳилп-ҳилп қилмоқ Ҳилпирамоқ.

ХИЛ-ХИЛ: хил-хил пишмоқ Етилиб, юмшаб пишмоқ. *Хил-хил пишган шафтоли. Гўшт хил-хил пишди.* ■ *Хил-хил пишган юмшоқ кабобни пиёз қўшиб ея бошлади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Чанқаб кетган Ҳайдар қовунни эгарга уриб, иккига бўлди-ю, ишганича хил-хил пишган босволдининг сувини шмириди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

ХИМ айн. **ҳимм.** *Вавда.. Ҳим. Нодон. Хўжайин деган хизматкорни қизиқтириш учун вавда қилаверади-да..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Келинойимга ўша совгадан насиба олиб келган эдим. -Ҳим.. — деди Бўтабой ўнғайсизланиб, — шунақами..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХИМАРМОҚ I Эшиб ёки бураб йиғиштирмоқ, қайтармоқ; шимармоқ. *Абулзий қўлтиғидан оғир шоҳи халтача чиқарди-да, халта оғзини ҳимариб, Мажиддин[нинг] олдига шарақлатиб қўйди.* Ойбек, Навоий. *Султонов кўзларини очиб, шимининг почасини аста ҳимариб, кўтара бошлади.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Эшиб, бураб пишитмоқ. *Кампир қўлидаги пахтани ҳимариб, қорачироққа пилик тайёрлади.* «Эртақлар». *У ил учини тишлаб узиб, бармоқлари билан ҳимариб, дурни ишга тизаркан, гапини лоқайд давом эттирди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

3 Тўғрилаш, тартибга солиш ёки шунчаки эрмак тарзида бармоқлари орасида олиб бурамоқ, ўйнамоқ. *Тансиқ ҳаворанг рўмолчасининг учини ҳимариб, унинг ишидан кўз узмаганини пайқайди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Лабини ялаб, соқолининг учини ҳимарганича, бир нафас индаёлмай қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Рассом дастурхон попугини ҳимаранча, Тоғанинг томидан кўз узмай ўтирар эди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ХИММ унд.с. I Таажжуб, шубҳа, ишонмаслик, кесатиш, пичинг кабиларни билдиради. *-Сен аввал секин даромад қилсанг, яхши бўлар эди.* -Ҳимм.. — деди Сорахон лабини буриб. А. Қаҳҳор, Сароб. *-Ҳимм, — деди маҳдум, — қишлоғингизда оқсоқол йўқми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бир фикр билдиришда қийналишни, иккиланишни, тугилишни билдиради. [Бақоев:] *Турган гапки, Чеховнинг ижоди бодан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни.. ҳимм.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

3 Бирор нарсани тушуниб етганликни, ундан қаноат ҳосил қилганликни, мамнун бўлганликни ифодалайди. *Мен касалнинг бошланиш жараёнини узоқ ҳикоя қила бошладим. У ора-чорада «ҳимм, яхши-яхши, ҳимм, безарар, ўтиб кетади», дея қўярди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ХИММАТ [а. همت — гайрат-шижоат, жўшқинлик; ҳаракат, ҳафсала, кунт; югур-югур, ташвиш] Одамгарчилик, мурувват юзасидан қилинадиган яхшилик, яхши иш, ёрдам; инсондаги шундай ишга бўлган туйғу, хислат, фазилат. *Элга хизмат — олий ҳиммат, дейди халқимиз.* ■ *Халқимизнинг бағри кенг, ҳиммати зўр. Ота-онасиз болаларни ўз бағрига олди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Уста миришкорлар билан қўлни қўлга бериб, далаларда жавлон ураётган шахарликлар ва студентлар ҳимматига балли.* Газетадан. *Элнинг ғайратига ҳам, ҳимматига ҳам балли! Худди шу буйруқни кутиб тургандай, бирваракайига ишга ёпишиб кетди.* Ойдин, Фарҳодлар. *Кори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни.. ҳимматга қарайди, ҳимматга.* «Муштум».

Ҳиммат камарини боғламоқ қ. камар I.

ХИММАТЛИ Ўзгалар манфаати йўлида ёрдамини, иш-меҳнатини аямайдиган, ҳиммати зўр. *Ҳимматли киши.* ■ [Йўлчи] *Пул берган ўртоқларини кучоқлаб ўнгиси келди, улар шу топда дунёда энг ҳимматли, энг қадрдон, энг меҳрибон одамлар бўлиб туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ҳимматли ёшлари.. агрегатлар ишлаб чиқаришни ҳозирнинг ўзидаёқ қизитиб юборишган.* Газетадан.

ХИММАТСИЗ Бировга ёрдам қилмайдиган, ҳиммати йўқ. *-Ҳа, уялдим, лекин сени алдаганимдан эмас, ҳимматсиз ва қизғанчиқ одамдан ёрдам сўраганимдан уялдим, — дейди чол.* «Эртақлар».

ХИМО I кам қўлл. Бирор иш-ҳаракатни бажаришда кимсага бериладиган жисмоний ёрдам; кўмак. *Турсунбой қанорни кўтаришиб, машинасининг тумшугига олишди.* *Сунгра ҳимо билан Алижоннинг орқасига қўйди.* Ҳ. Нуъмон, Фасиллар. *Сени минган йигит кирар савашга. Авлиёча ҳимо бердинг йўлдошга, Ўн тўрт сафар дучор бўлдинг Бектошга, Шу арабнинг дордин берган бевдовсан.* «Хушкелди».

ҲИМО II с.т. Имо. *Манови паканагина одам бир ҳимо билан ўзини ҳурмат ва қадр-қийматнинг энг баланд поғонасига кўтариб қўйишига имони комил!* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҲИМОЯ [a. *حمايه* — кимсанинг ҳомийлигида бўлиш; мудофаа, тўсиқ, ғов; ҳомийлик] I Ҳаёт, иш-фаолиятда бўладиган ёрдам, қўллаб-қўлтиқлаш; ҳомийлик, паноҳ. *Подшоҳ ҳазратлари мени сизнинг ҳимоянгизга топширган эдилар!* Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига паноҳ истаб кетишга мажбурмен! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *У ҳазратнинг укалари Бойсунқур мирзо отамларни ва устоз Қавомни ўз ҳимояларига олганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У Бобурнинг отаси ўрнига ҳукмдор бўлганини эшитиб, ундан ҳимоя сўраш ниятида аркка борган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *Хавф-хатар, ҳужум кабилардан сақлаш, қўриқлаш иши; муҳофаза, мудофаа. Ҳар кун бири уйдан кимдир хайрлашгани кирарди. Қишлоқнинг сара йигитлари армияга — Ватан ҳимоясига кетдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳимояда ётган одамларга тунги ҳужум ва шовқин-сурон оғир таъсир қилишини Шайбонийхон яхши билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *Умуман, бирор хавfli, зарарли нарса-қодисадан сақлаш, сақланиш иши. Реактор сув қатлами, темир ҳалқа ва бетон девордан ташкил топган кучли ҳимоя востаси билан ўралган. «Фан ва турмуш». Механизатор кабинадан тушиб, ҳимоя тўсиқларини яна бир карра текшириб кўрдида, рулга ўтирди.* Газетадан.

4 *спрт.* Футбол, волейбол каби ўйинларда команданинг рақиб томон ҳужумини қайтариш вазифасини бажарувчи қисми. *Бу ўйин команданинг ҳимоясида етарли муаммолар борлигини кўрсатди.* ■ *Бундай команда билан ҳимояда туриб ўйнаш ҳазилми? Бирор хатога йўл қўйдинг? — балога қоласан.* Р. Азизхўжаев. Яшил чайла.

5 *ҳўқ.* Судланувчи тарафини олиб қилинадиган хатти-ҳаракат, айтиладиган фикр-мулоҳаза; оқловчи томон.

6 *Илмий кенгаш ёки махсус комиссия муҳокамасига тақдим этилган ишда (диссертация, лойиҳа ва ш.к. да) олға сурилган қарашлар, фикр-мулоҳазаларнинг эътироф*

этилиши ва тегишли илмий даража ёки унвонни олишга ҳаракат қилиш иши. *Лойиҳани ҳимояга қўймоқ.* ■ *Пошша холатинг кўнгли жойига тушди. Куёвининг кандидатлик ҳимояси кун олдинги қаторда савлат тўкиб ўтирди.* Д. Нурий, Осмон устун.

Ҳимоя қилмоқ 1) *ҳимоясига олмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ҳомийлик қилмоқ, Подшолик ҳамма вақт юртнинг обрўли одамларини ҳимоя қилади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз; 2) *хавф-хатар, ҳужум кабилардан қўриқламоқ. Ватанни ҳимоя қилмоқ.* ■ *Юртни босқинчидан ҳимоя қилиш — ҳамманинг иши!* Мирмуҳсин, Меъмор; 3) *хавfli, зарарли нарса таъсиридан сақламоқ. Асални мунтазам истеъмол қилиб туриш кишини кўп касалликлардан ҳимоя қилади, юқумли касалликлардан асрайди.* М. Тўйчиев, Асаларичилик; 4) *ҳимоя ишини бажармоқ, ҳимояда ўйнамоқ; ҳимояламоқ, ҳимояланмоқ. Боксчимиз ҳужум билан бирга ҳимоя қилишни ҳам эсдан чиқармайди;* 5) *судланувчи, айбланувчи тарафидан иш юритмоқ; б) диссертация, лойиҳа ва ш.к. нинг ҳимоясини ўтказмоқ. Докторлик диссертациясини ҳимоя қилмоқ.*

ҲИМОЯСИЗ *Ўзини ҳимоя қила олмайдиган ёки биров ҳимоя қилмайдиган, ҳимояси (ҳимоячиси) йўқ; қўриқланмайдиган. Бойвачча ҳимоясиз Қудратнинг юз-кўзига, бурнига мушт ёғдира бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қумда, биздек ҳимоясиз одамлар орқасида юриши жуда таажжуб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲИМОЯТ [a. *حمايت* — кимсанинг ҳомийлигида бўлиш; мудофаа; паноҳ; ҳомийлик] *эск. кт. айн. ҳимоя I. Бугун маликанинг меҳри тушган, унинг ҳимоятидаги Оққиз бўлғуси куёви билан куч синашарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Бир хил ота-оналар касаллик ё қариллик натижасида болаларининг моддий ҳимоятларига муҳтож бўлсалар, бошқалар бунга эҳтиёж сезмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ҳимоят қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) *айн. ҳимоя қилмоқ I қ. ҳимоя. Агар қилмади эл ҳимоят санга, Ўзиндан керакдир шикоят санга. Алишер Навоий. Ўз фарзандларига ҳимоят кўрсатишни билмаган тошбағир падар олдида бора-бора фарзанд ҳам юрак олдириб қўйиши, ундан совиб кетиши мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҲИМОЯТЛИ Қўллаб-қувватлайдиган, ҳомий бўлувчи; ҳимоячиси бор, кимнингдир паноҳида бўлган. *Яхши кунларимда салтанатли онам, Ёмон кунларимда ҳимоятли онам.* «Оқ олма, қизил олма». *Оқ сут берган оналари Рози бўлсин, ёр-ёр. Ҳимоятли(к) оналари Қози бўлсин, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». - *Ғанингизга қараганда, ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни канда қилмайдиган мусулмон бир касибнинг қизи экансиз, — деди Ойша яллаци Латифахонга.* Ф. Фулом, Шум бола.

ҲИМОЯЧИ 1 Қўллаб-қувватловчи, ёрдам берувчи; ҳомий. *Отаҳўжа аканинг гапида жон борлигини тушуниб, корандалар жим ўтирар, энди уларнинг ҳимоячиси борлиги далда берарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Дарҳақиқат, ҳимоячи акалари туфайли унинг дўпписи доимо қайтоқди.* «Муштум».

2 Хужум, босқин ва ш.к. дан қўриқловчи, ҳимоя қилувчи. *Ватан ҳимоячилари.* ■ *Самарқанддан қайтган чопар Бобурнинг ҳаёт билан ўлим орасида беҳуш бўлиб ётганини айтиб бергандан кейин, қалъа ҳимоячиларининг бир қисми фитначилар томонга қочиб ўтиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Армия ҳарбий советининг.. мурожаати, айниқса, кичик ер ҳимоячиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

3 Хўқ. Судда айбланувчининг манфаатини ёқловчи, уни ҳимоя қилувчи. *Жамоат ҳимоячиси.* ■ *Тергов, суриштирув органлари томонидан олиб борилган тақдирда, ҳимоячининг ишда иштирок этиши ман этилади.* Газетадан.

4 *спрт.* Команданинг ҳимоя қисмида ўйновчи. *Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб, копток тепишарди.. Икки томоннинг дарвозабони, хужумчию ҳимоячилари бор.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу ўйинда ҳамшаҳарларимиз таркибида ҳимоячи Николай Маслов биринчи марта ўйинга тушди.* Газетадан.

5 Диссертация, лойиҳа ва ш.к. ни ҳимоя қилувчи, ёқловчи. *Ҳимоячи ўз қарашларини ишонорли далиллар билан асослаб, саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб берди.* Газетадан.

ҲИНГИЛЛАМОҚ с.т. Ҳирингламоқ, - *Сизга ўша қурилишингиздаги ҳингиллаган қизлар бўлса. Бўлмаса, нега кунда ишдан кеч қайтасиз? — деди Ойниса Йигиталига.* С. Ка-

роматов, Бир томчи қон. [Икки синфдош] *Ҳингиллаб кулишар, катталардек қўлларини ҳаракатга солиб гаплашишар ва яна кулиб қўйишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲИНГИЛЛАШМОҚ Ҳингилламоқ фл. бирг. н. *Обиджон жуда қўлол ва беадаб бир топишмоқни қичқириб айтган эди, кампир уни қаттиқ қарғади, болаларга қўшилиб ҳингиллашган Нурига пичинг қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲИНГИР-ҲИНГИР айн. ҳиринг-ҳиринг. *Ашир мастликдан юмйлаётган кўзини йилтиратиб, ҳингир-ҳингир кула бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲИНД 1 Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳолининг номи. *Ҳинд халқи (қ. Ҳиндлар).*

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Ҳинд қоғи. Ҳинд аёли.* ■ *Масума қизлигида ҳар замонда бир — ҳинд фильмлари қўйилаётганда борарди кинога.* А. Ибодинов, Бир томчи ёш.

ҲИНДИ(Й) Ҳинд халқига мансуб шахс. *Қаердан бўлса ҳам, ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Палата эшиги олдида бизни ҳиндига ўхшаган қопқора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит.. камоли эҳтиром билан кутиб олди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ҲИНДЛАР Миллатидан, динидан ва тоифасидан қатъи назар, Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳоли.

ҲИНДУЛАР қ. индейслар.

ҲИНДЧА с.т. Ҳинд халқи томонидан ишланган, яратилган. *Клубда ҳиндча кино кетаётган экан.. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.*

ҲИРИНГЛАМОҚ «Ҳиринг-ҳиринг» овоз чиқармоқ, шундай товуш чиқариб кулмоқ. *У.. бир четда ҳиринглаб турган букри йигитга юзланди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳмад ҳам жиймайди. У бемаъни қаҳқаҳани, мунофиқона ҳиринглашларни ёмон кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жамол кумуш тишларини кўрсатиб, ҳиринглаб кулди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Қўзибой қошини чимириб, ниманидир ўзича чамалаб турди-да, сўнг бирдан ҳиринглаб кулиб юборди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲИРИНГ-ҲИРИНГ тақл.с. Паст овозли кулги товушини билдиради. - *Ғап-сўзда*

ҳам бир маъни бўлиши керак, — деди Гулшан, бўшдан-бўшга ҳиринг-ҳиринг; бундан кўра тинч ухлаган яхши. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Низомиддинов орқасидан эргашиб келаётган Турсунбой отага нималардир деб тушунтирар, ҳадеб ҳиринг-ҳиринг кулар эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бу. мастона довдирашлар, бу беҳаё ҳиринг-ҳиринглар жонингга тегмадими? С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲИРОВУЛ [мўғ.] тар. Қўшиннинг олдинги сафи, авангард, илғор. Қўшин ичида энг иш кўрган.. баҳодирларни саралаб, ҳировул тузиб.. Арғунбекка топширди. Ойбек, Навоий.

ҲИРС [а. حرص — бирор нарсага қаттиқ берилиш, интилиш; тама, очкўзлик] 1 Этишиш, эришишга бўлган кучли интилиш, истак, майл. Мол-дунё тўплашга бўлган ҳирс. ■ Мерос олиш ҳирси билан ота-онангининг ўлимини асло истамагин. «Қобуснома».

Ҳирс қўймоқ Бирор нарсага ўта берилмоқ, ружу қилмоқ, кетидан қувмоқ. Пулга ҳирс қўймоқ. ■ Сарви холанинг ҳам суюги меҳнатда қотди. Аммо у мол-дунёга сира ҳирс қўймади. С. Кароматов, Бир томчи қон. Отасининг феълени билан Таманно бирикки кундан бери ичкиликка ҳирс қўйган эрини туртиб уйғотди: — Туринг-э, уят бўлиб кетди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 салб. Жинсий ҳиссиёт, шундай ҳиссиётли майл. ..кўзлари сузук, лағча чўққа айланган қалби бетўхтов урар, шу чўғ туфайли аланга олаётган ҳирсени босишга қурби етмасди ҳатто. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. ..ўзига қайноқ ҳирс билан ёпишишини ҳам доимо истарди. Мирмуҳсин, Умид.

ҲИРСИЙ [а. حرصى — ҳирс, майл, очкўзликка оид] кам қўлл. Ҳирсга оид. Бунӣ [бу гапни] Аъзам ўзича тушунди: қиз унинг ҳирсий ниятини тушунди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ҲИРСЛИ 1 Ҳирс қўйган; берилган. Мол-дунё орттиришга ҳирсли одам.

2 Жинсий ҳиссиётли, шундай ҳиссиёт акс этувчи (қ. **ҳирс 2**). Ортиқнинг ҳирсли кўзлари бунӣ ҳам авради. Ўзига қараб кўз уриштирмаса тура олмайди қилиб қўйди. Шухрат, Сайланма.

ҲИРС(С) [а. حس — сезги, туйғу; идрок] 1 Ташқи таъсирни қабул қилиш қобилияти ва шу таъсирдан юзага келадиган ҳолат;

сезги, туйғу. Хаёлим саҳрода кезади уйғоқ, Ҳиссимни тортганди поёнсиз қирғоқ. Файратий. Бу қўшиқлар қизда ўзи ҳам нима эканини билмайдиган ҳислар уйғотар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Сен чал бугун ялпи ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайин. Файратий. Низомжон хатни кўрди-ю, қувончли, аламли, билиб бўлмайдиган бир ҳис вужудини қамраб олди. С. Аҳмад, Уфқ.

Ҳис қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ҳис, сезги қобилияти билан нарса, ҳаракат-ҳолат ва ш.к. ни билмоқ, илғамоқ; сезмоқ. Ёдгор елкасида қизнинг кафтидан ўтаётган ҳароратни ҳис қилар.. юраги ҳаяжондан гупиллаб урар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Мулла Фазиiddин ўз юзида Хонзода бегимнинг нафасини ҳис қилди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Манглайда совуқлик ҳис этиб, Кумуш кўзини очди. А. Қодирий, Утган кунлар. Шербек.. Нигорага қаттиқ боғланиб қолганини ҳис этди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) бирор ҳолатда билмоқ; сезмоқ, туймоқ. Ўзини енгил ҳис қилмоқ (этмоқ). ■ Адиба шу бир уй меҳмон орасида ҳам ўзини ёлғиздек ҳис қилди. Газетадан. Бу магазинда у ўзини ўз уйдадек ҳис этишини яна бир марта кўрсатиб қўйгиси келди. Ф. Мусажонов, Нозик масала.

2 Киши руҳияти, қалбидаги бирор нарсани акс эттирувчи, у билан боғлиқ сезги, туйғу. Севги деб аталган бу ҳислар баҳор ёмғиридек шарр этиб ўтиб кетмасмикан? Мирмуҳсин, Умид. Ёшликда ҳамма ҳам олийжаноб ҳислар, соф виждон, ҳалолик, номус ҳақидаги фикрлар билан тўлган бўлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Қандай ҳислар, қандай фикрлар Қиз қалбини забт этиб олди? Уйғун. Унинг қарашиде таҳлика, саросима ёки «ажаб бўлибди» деган бир маъно, бир ҳис йўқ эди. Ойбек, Навоий.

ҲИСЛАМОҚ кам қўлл. айн. **ҳис қилмоқ 2**. қ. **ҳис 1**. «Мен сеники», дея киргандай У ўзини хўжа ҳислайди. Ҳ. Олимжон.

ҲИСЛИ Сезиш, ҳис этиш қобилиятига эга; сезгир; ҳушёр.

ҲИСОБ [а. حساب — ҳисоблаш, ҳисоблаб, санаб чиқиш; саноқ; ҳисоб-китоб; якун чиқариш, ҳисобот] 1 Сон, миқдорни белгилаш учун рақамлаб аташ; саноқ, санаш. Оғзаки ҳисоб. Ҳисобда янглишмоқ. ■ Ясовулбоши ҳисобидан янглишмай, ўлим кал-

тагини санайди. С. Сиёев, Ёруғлик. Қирмоқ-даман фашист ўғрини, Ҳисобимда ҳозир юз ўттиз. Р. Бобожон. Сенинг ҳисобингга тўғри келади ми? Агар олган ҳисобимиз тўғри чиқса, бу гал унинг [Отабекнинг] Марғилонга қуруқ қатнаб юришининг еттинчи қайтаси эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳисобда бўлгани; миқдор, саноқ. Ҳашарда қатнашаётганларнинг ҳисоби. Фермадаги қўйларнинг ҳисоби. Оларда ҳисоби — тўққиз, Берарда саноғи — ўттиз. Мақол. ■ Рус шаҳарларига бориб савдо қилувчилар Туркистонда жуда оз ҳисобда бўлиб.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўрта ҳисобла Ўртача ҳисоб билан айтганда. Жамоа ўрта ҳисобда йигирма беш центнердан ҳосил олади. Ҳисобга олмоқ 1) ҳисобини, миқдорини белгиламоқ. Мажлис қатнашчиларини ҳисобга олдим; 2) ҳисобдагилар қаторига киритмоқ, ҳисобга қўшмоқ; ҳисобламоқ. Ака-ука Ҳасанбек, Ҳусанбек, томда ишлаётган гуржи ва пастдаги икки йигитни ҳисобга олмаганда, қурилишда одам йўқ эди. Мирмуҳсин, Меъмор; 3) эътиборда тутмоқ, эътиборга олмоқ. Самарқанд ҳокими этиб тайинланган амирзоданинг ғоятда ёш эканини ҳисобга олиб.. шоҳ Малик Тархонни унга маслаҳатгўй ва ҳимоячи этиб тайинлади. Мирмуҳсин, Меъмор. ..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан «қарзи» борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди. Ў. Ҳошимов; Қалбингга кулоқ сол. Ҳисоби йўқ Сон-саноғини белгилаб бўлмайдиган (белгилаш қийин) миқдорда, жуда ҳам кўп; беҳисоб, ҳисобсиз. Хизмат қилар ҳисоби йўқ сипойи.. «Баҳром ва Гуландом». ..бир томондан кириб келаётганларнинг ҳисоби йўқ. К. Яшин, Ҳамза. Ҳисобига етмоқ (асосан, бўлишсиз шаклда) Сон-миқдорини белгиламоқ. Қишлоқ кулбаларининг чети кўринмас, ҳовлиларнинг ҳисобига этиб бўлмасди. «Ўзбекистон қуриқлари».

3 Кимса ёки нарсаларнинг мавжудлигини, миқдорини белгилаш рўйхатидаги, унда қайд этилувчи мажмуи; қайд этилувчилар (этилганлар), борлар гуруҳи, қатори. Инвентарь ҳисоби. Ҳисобга киритмоқ. Ҳисобдан чиқарилмоқ. ■ Ҳали бу ҳисобга фуқародан ўлдирилган бечоралар кирмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Боягиси ўн битта-миди? Мана шу сўнгисини ҳисобга ёзинг.. Шўҳрат, Шинелли йиллар.

Ҳисоб дафтари 1) шахс, нарса ёки сон-миқдор қатори қайд этилувчи дафтар. У тирмашиб, хирмонга чиқа бошлади.. тарози ёнида турган Талъат уни кўриб қолди шеклли, ҳисоб дафтарини пахта устига ташлаб, чопиб келди.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол; 2) сарф-харажат, тушум ва ш.к. лар қайд этилган дафтар. - Ҳай, майли.. менда одамгарчилик бор, — дейди-да, ҳисоб дафтари билан чўтти олади. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 айн. ҳисоб-китоб 5. У [Отабек] ўзининг душманларини ўлдириш учунгина Марғилонга қатнаб юрган экан, ҳисобини тугатди-да, бедарак кетди-қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳисоб қилмоқ айн. ҳисоб-китоб қилмоқ қ. ҳисоб-китоб 1. У савдогарни ўз ҳузурингизга олиб келиб, ҳисобни ўзингиз қилганингиз хўброқдир. «Бўтакўз».

5 Ўзаро келишув, битимга кўра олиндиган улуш, ҳақ. Марғилондан арава миниб келувчи ёланган киши бўлиб, Тошкентга келишининг эртаси кунини ҳисобини олган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 (асосан эғалик, ж.к. ва ч.к. қўшимчалари билан) Кимса, жамоа ва б. тасарруфида, унинг ихтиёрида бўлган нарса, моддий бойлик, озик-овқат, пул ва ш.к. Гапнинг қисқаси, ўзга халқлар ҳисобига яшади. С. Кароматов, Олтин қум. Энди командировкага ҳам ўз ҳисобингиздан бориб келасизми? С. Нуров, Нарвон.

7 Кўпчиликка ёки кимсага қилинган, бўлган ишлар ҳақида бериладиган маълумот. Кейин қўли билан пешонасини сиқдида, ҳисоб беришга бошлади.. қалтираган кўллари билан чўт қоқди. Ойбек, Танланган асарлар. Отни бир оз совитдим, беда солдим, — Қобил, биров ундан: «Нима қилиб юрибсан?» деб сўраётгандай, ҳисоб берди. Ҳ. Фулом, Мапшъал. Меҳмонхоналардан биринда Мирзокаримбой ўз гумаштасидан ҳисоб олар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

8 кам қўл. айн. ҳисобот. Раҳбарнинг ярим йиллик ҳисоби. ■ Менинг икки оёғимни бир этикка тиқиб, ҳисобимни қўйишлари мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

9 эск. айн. арифметика. Янги мактаблар очиб, Қуръони карим ва бошқа диний дарслар билан бирга, жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик. Ой-

бек, Танланган асарлар. *Иккинчи дарсда Зоҳидов деган ёшгина.. бир йигит ҳисобдан дарс берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

10 махс. Ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқиш натижаси. *Баъзан у узундан-узоқ ҳандасавий ҳисобларни қоғозга ёзиб қолар, яна ўйчанлик билан қамиш қалам орқасини ғажий бошларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

11 Бирор нарса учун тўланадиган пул суммаси қайд этилган ҳужжат. *Ҳар бир студент-қурилиш отрядида иқтисод ва ҳамкорлик шахсий ҳисоблари очилган.* Газетадан.

12 бух. Бирор муассаса, ташкилот ва ш.к. да бухгалтерия иш-муомаласини олиб бориш (юритиш) учун хизмат қилувчи молиявий операция, шунингдек, ҳужжатлар.

13 Спорт ўйинида томонлар очкосини белгиловчи рақамлар (рақамларда ифодаланувчи сонлар) нисбати. *Ўйинда ҳисоб тенглашиди — 2:2. Бу гал 5:2 ҳисоби билан меҳмонлар ғалаба қилишди.*

Ҳисобни очмоқ Ўйинда биринчи бўлиб 1 рақами билан қайд этилувчи амални бажармоқ. Мас., биринчи тўпни киритмоқ. *Ўйиннинг ўттиз тўққизинчи минутада Боқи ҳисобни очган эди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

14 Гап охирида (кесим таркибида) «деса бўлгудек», «деярли» маъносини билдиради. *Газ қуритадиган саккизта насоснинг ҳаммаси монтаж қилиб бўлинди ҳисоб.* Газетадан. *На хотин, на бола-чақа. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элчиев Рўзиев билан унчалик яқин эмас, ошқатиқ бўлган жойи ҳам йўқ ҳисоб.* Э. Аъзам, Жавоб.

15 Бирор иш, хатти-ҳаракатнинг қаноатланарлигини, ўрнига ўтишини билдиради. *Оёғингизга қуй сўйсақ арзийди, Юсуф-жон ака. Бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз..* К. Яшин, Ҳамза.

16 с.т. Илож, чора; имконият. *Дарёдан ўтишининг ҳисоби борми? ■ Қайтай десам — қувади, ўтиб кетишининг сира ҳисоби йўқ..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дардим ичимда. Бир олдингизга бориб, юрагимни ёзиб келаман дейман, сира ҳисобини қилолмайман.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

17 фольк. Нима қилиш, иш-фаолият режаси, иш олиб бориш йўли. *Бу сўзни қиз*

эшитиб, ақлини йитириб, ҳисобини йитириб, шошиб қолди. «Муродхон».

18 (3-ш. эгалик ва ж.к. шаклида — ҳисобига) кўм. *взф.* Асос, сабаб, қарашлилик каби муносабатларни ифодалайди; эвазига, учун, туфайли. *Катта меҳнат ҳисобига шундай натижаларга эришилди. ■ Бу йил узумдан биринчи мартаба давлат ҳисобига ҳосил йиғиб олинди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Оғир минутларда биз фақат солдатларимизнинг мардлиги ва қатъийлиги ҳисобига душманни тутиб турардик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Бир ҳисобда Бошқа томондан олиб қараганда; бир жиҳатдан. *Бир ҳисобда, айтмаганимиз дуруст бўлди. ■ Бир ҳисобда, дадамнинг ухлаб қолгани менга яхши бўлди.* «Победа»да *бир ўзим маза қилиб кетаман..* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ҲИСОБДА *айн.* **ҳисобли I.** *Ҳозир тракторларнинг ҳар бир минутаи ҳисобда.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Сув ноёб, унинг ҳар томчиси ҳисобда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲИСОБДОН [*а. + ф.* *حسابدان* — ҳисобни (яхши) билувчи; аниқ, пухта ишловчи] *эск. кам қўлл.* Ҳисобида адашмайдиган, ҳисобини яхши биладиган, тўғри ҳисоб юритадиган. *-Ҳисобни ёлғиз бойлар биладилар деманг, — деди гапга қўшилмай.. ўтирган соқоли қирқик бир йигит, — ёлланиб ишловчилар ҳам ҳисобдон бўлган.* С. Айний, Қуллар. *Соат кундуз бирдан кечиксак, овқатимиз даладан қайтиб келади. Одамлар жуда ҳисобдон бўлиб қолган, ҳар бир дақиқасини ҳисоблаб юради.* И. Раҳим, Ҳилола. *Уни қилни қирқ ёрадиган ҳисобдон, деб таърифлашади.* М. Назаров, Жўш лочини.

ҲИСОБДОР [*а. + ф.* *حسابدار* — ҳисобга эга; ҳисоб берувчи; ҳисобчи; бухгалтер] *эск.* Ўз ишлари ҳақида бирор кимса ёки ташкилотга ҳисобот бериб турадиган. *Ҳисобдор шахс.*

ҲИСОБ-КИТОБ I Бажарилган иш, хизмат учун қилинган сарф-харажат ва тўланадиган ҳақнинг ҳисоби. *..шу кунгача баъзиларнинг ҳақиға хиёнат қилинди.* Ҳисоб-китобда улар ўз ҳақларини талаб этадилар. Мирмуҳсин, Меъмор. *-Шартномани бажардик, хўжайин, энди ҳисоб-китоб.. — деди секингина.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қутбинисо бойнинг ҳисоб-китобини тинглаб..*

ниҳоят, беш қадоқча хашаки ўрик ундириб қайтади. П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳисоб-китоб қилмоқ Шундай ҳисобни амалга оширмоқ, ҳисобламоқ. Қиз машинадан тушиб, шофер билан ҳисоб-китоб қилаётиб, кулиб кўйди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Қараса, кабоббаз йигит: -Ҳисоб-китобни қилинг-у, улфатингиз билан даф бўлинг, — деб турибди. «Гулдаста».

2 Қирим-чиқим, даромад ва харажатлар ҳисобини қилиш; ҳисоблаш. *Мирҳосил дарё бўйидаги брезент чодирда ёлғиз чўт қоқар. ҳисоб-китоб билан машғул эди. Ҳ. Гулом, Машғал.*

3 Шундай ҳисоб ишларини олиб бориш ва қайд этиш, шунингдек, қайд этилган хужжат. *Ҳисоб-китоб ишларидаги чатоқликлар туфайли бухгалтер Маюсуф ишдан бўшаб кетди. «Муштум». Жамоанинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боришга сиздай ўқимишли кишилар керак. Ҳ. Гулом, Машғал.*

4 Умуман, бирор нарса ҳақида олиб борилган ишлар ҳисоби, ҳисоб натижалари. *Ҳисоб-китобларга кўра, бундай чиқиндилар миқдори 1980 йилга бориб йилига 30 миллион тонна, Ўзбекистонда эса Олмалиқ, Самарқанд ва Қўқондаги ўғит заводлари чиқиндиси саккиз миллион тоннани ташкил этади. «Фан ва турмуш».*

5 кўчма Ўзаро муносабат, уни бир ёқли қилиш. *Рўҳингиз шод бўлсин, қурбон бўлганлар, Келди ёв-ла ҳисоб-китоб онимиз. В. Зоҳидов. Ҳаётбахш бадияят тароналари. Большевиклар билан ҳисоб-китобни тугатамиз! Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

Ҳисоб-китоб қилмоқ 1) бир ёқли қилмоқ, ҳисоблашмоқ. *Душман билан ҳисоб-китоб қиладиган вақт етди; 2) ишдан бўшамоқ. Мунира тугуруқхонадалигида Аҳмад ишхонасига бориб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиб келди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Ҳисоб-китобини олмоқ айн. ҳисоб-китоб қилмоқ 2. Маҳкамовнинг отпускиси тугаши билан унга «ҳисоб-китобингни ол», дейишди. «Муштум».*

ҲИСОБЛАМОҚ 1 Санаб, миқдорини аниқламоқ, санамоқ. *Пулни ҳисобламоқ. Минутларни ҳисобламоқ. Бармоқ билан ҳисобламоқ. Экилган кўчатларни ҳисоблаб, яна 20 туп экиш кераклигини айтди.*

2 Номаълум бир миқдорни ҳисоб йўли билан аниқламоқ, ҳисоблаб топмоқ. *Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига*

тушади? Урмонжон бунга ҳеч қачон ҳисоблаб кўрмаган бўлса керак, жавоб бера олмай шжайди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. ..ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга қўшимча «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилишди. Газетадан. ..ҳисоблаб қарашса, йигитчанинг гарданига пирасант [процент] билан роса саккиз юз сўм пул тушибди.. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳисобга олмоқ, ҳисобланувчи нарса-лар қаторига қўшмоқ. *Табиатимни ланж қилган баъзи нуқсонларни ҳисобламасам, мен сафаримдан хурсандман.. «Муштум». Овқат, кийимни эмас, сувни ҳам ҳисоблайди у қизиталоқ [бой]. Ойбек, Танланган асарлар. Ёнга ҳисоблаб, 35 минг 500 сўмга сут сотиб олиб топширганмиз дегин.. «Муштум».*

4 Бирор тарзда баҳоламоқ, маълум бир хулоса чиқармоқ; —деб билмоқ, ўйламоқ. *Ҳаёти мобайнида икки туп ниҳол экиб ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир. Газетадан. ..шу мактубни олган кунингиздан бошлаб ўзингизни мендан бегона ва никоҳимдан ташқари ҳисобласангиз бўладир.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Операция пайтида хирург энг яқин одамими ҳам бегона ҳисоблайди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Аёлни камситган кимсани одам ҳисобламанг. Газетадан.*

5 махс. Номаълум сонни ҳисоблаб чиқармоқ, шу мақсадда ҳисоблаш иши олиб бормоқ. *Бу формулалар шамолнинг тезлигини ҳисоблаш имконини беради.*

ҲИСОБЛАНМОҚ 1 Ҳисобламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Тарозида тортиш натижаларига қараб, тухумнинг вазни ўрта ҳисобда неча грамм ва неча процент камайганлиги ҳисобланади. «Ўзбекистон паррандачилиги». Суиқасдага алоқадор ҳисобланиб, ҳибсга олинганлар ичида машҳур меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ўғли Низомиддин ҳам бор эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Боғлама вазифасини бажаради (қ. боғлама). *Кислород ҳавонинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Газетадан. Ўтар бобонинг отаси.. ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди. С. Сиёев, Ёруғлик. Беғаразлик билан қилинган яхшилик — ҳар икки киши учун ҳам катта бойлик ҳисобланади. Газетадан.*

ҲИСОБЛАШ 1 айн. ҳисобламоқ. *Бу ишга қанча вақт ва маблағ кетишини ҳисоблаш*

қийин эмас. ■ *..дафтардан бошини кўтармай, ниманидир ҳисоблашга тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ҳисобловчи, ҳисоблаб чиқарадиган. *Ҳисоблаш машинаси. Ҳисоблаш техникаси.*

ҲИСОБЛАШМОҚ 1 Ҳисобламоқ фл. бирг. н. *Анови кун Маражаббек билан ҳисоблашиб кўрсак, Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичида етмиш саккиз бек ўлдирилибдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзилар Саудийнинг бу шошқалоқлигига, ўзини тутолмаслигига катта аҳамият бериб, унинг гапда иштирок этишини ҳам хавfli ҳисоблашар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ўзаро ҳисоб-китоб қилмоқ, ора очик қилмоқ.

3 («билан» кўмакчиси ёрдамида) Иш-фаолият, муомала ва ш.к. да ҳисобга олиб иш тутмоқ; ҳисобга олмоқ. *Шароит билан ҳисоблашмоқ. Қонун билан ҳисоблашмоқ.* ■ *Козимбек ўқитувчилар у ёқда турсин, ҳатто илмий мудар билан ҳам ҳисоблашмади.* А. Иброҳимов, Сўнгги нур. *Уша йиллари Уйғур актёр сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам ёш театр ишқибозлари унинг фикри, маслаҳати билан ҳисоблашардилар.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ҲИСОБЛИ 1 Ҳисоби, сони, миқдори белгили. *Омонатин ахир бир кун олади, Ҳисобли кун ахир бориб тўлади.* «Эрали ва Шерали».

2 Ҳисобга олинган, ҳисобда бор: ўлчовли. *Ўрмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..вақтингни кўп олиб ўтирмай, ҳар минутинг ҳисобли.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

3 Унча кўп эмас, чекланган миқдордаги, саноқли. *Янги йилга ҳисобли кун қолди.*

4 Ўзаро ҳисоби, ҳисоб-китоби ҳолида бўлган. *Ҳисобли дўст айрилмас.* Мақол.

ҲИСОБОТ [а. حسابات — «ҳисоб» с. нинг кўпл] 1 Ўз ишлари, топшириқнинг бажаралиши ва ш.к. ҳақида тегишли масъул шахс, ташкилот кабиларга бериладиган (берилган) оғзаки ёки ёзма тарздаги расмий ахборот. *Йиллик ишлар ҳисоботи. Командировка ҳисоботи. Депутатнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботи.* ■ *Йигим-терим даврида айрим бригадаларнинг ҳисоботи эшитиб турилди.* Газетадан. *Мана бу ҳисоботларни институт илмий секретарига*

топшириб, кейин «Фан»га ўтасиз. С. Нуров, Нарвон.

2 Шундай ахборотни эшитиш учун бўладиган йигин. *Йиллик ҳисоботга уч кун қолганда «Галаба» колхозининг раиси Маҳмуд Бекмирзаевни райкомга чақиришди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳисоботдан сўнг Султонов райондан келган икки вакилни капасига таклиф этди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

Ҳисобот даври Ҳисоботда қайд этиладиган ахборот, маълумотларни ўз ичига оладиган давр. *Ҳисобот даврида асосий эътибор пахтачиликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилди.* Газетадан.

ҲИСОБСИЗ 1 кам қўлл. Ҳисоби йўқ, ҳисобга олинмаган.

2 Ниҳоят кўп, сон-саноқсиз, чегарасиз, беҳад. *Ҳисобсиз бойлик. Ҳисобсиз имконият.* ■ *Нима кўп — деҳқон кўп. Кўшни қишлоқларда санқиб юрганлар, очлар Ҳисобсиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Рағно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлар билан уни кўмиб ташларди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲИСОБЧИ 1 Муассаса, корхона ва ш.к. да молия операциясини, ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи ходим. *Ҳисобчи Қамбарали Мадийров бу йилги дала ишлари учун қанча маблағ ажратилганини, ундан қандай фойдаланиш зарурлигини билмайди.* Газетадан. *Раис мовун [муовин] айлади битта божжасин, Ҳисобчига танлади катта поччасин.* Э. Охунова, Қулоғингизга гапим бор.

2 Сарфланган нарсани, мас., меҳнатни ҳисоблаб боровчи шахс; табелчи. *Трактор бригадасининг ҳисобчиси.* ■ *Бригадир ҳам, ҳисобчи ҳам бошқаларга гапиргани кўрқинишади. Сенинг тилинг бир чиқмасин экан, деб ҳамма менга ёпишади.* «Ёшлик».

ҲИСОБЧИЛИК 1 Ҳисобчи, ҳисоб-китоб иши, ҳисобчи вазифаси (қ. **ҳисобчи 1**). *Бундай қараганда, ҳисобчилик шунчаки енгил-елли юмушдек туюлади. Бироқ бу иш мураккаб.* С. Қодиров, Минг бир бўстон бағрида.

2 Ҳисобчи, табелчи иши, вазифаси (қ. **ҳисобчи 2**). *Ўскинбой далада кетмон чонди, ер сўғорди, пахта терди, бригадага ҳисобчилик қилди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ҲИСОРИ(Й) [ф. حساب < a. حساب — ўраб олиш; қуршов, қамал; мустаҳкам

қалъа] Тожикистон Республикасининг Ҳиссор ҳудудига оид; шу ҳудудда етиштирилган, ишлаб чиқарилган. *Алиқул дарҳол бозорга жўнади, бўрдоқи қилинган ҳисори қўй келтириб, шу кунидеқ сўйди-да..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *..вақти чоғ – бугун қозонга бутун бир ҳисорий қўчқорнинг гўшт-ёғи солинган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бўриев бўғжомадан ҳисори беқасамдан тикилган бир тўнни олиб, мулла Обидни чақиради.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

ҲИССА [а. *حصة* – бўлак, қисм; улуш; фойданинг бир қисми] 1 Маълум мақсад билан бўлинган, қисмларга ажратилган нарсанинг ҳар бир бўлаги, қисми; қисм, бўлак. *Ҳосилнинг тўртдан уч ҳиссаси.* ■ *Кейин лойқа сувда балиқ тутиб, ўзига катта ҳиссани қўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муайян шахс ёки нарсанинг ҳақ-ҳуқуқи, имкони; тан, чек. *Мажиддин.. ўз ҳиссасига тушган туманларни санаб чиқди.* Ойбек, Навоӣ.

3 *айн. улуш* 1. *Ўз ҳиссасини ортиғи билан олди.* ■ *Илгарига, ҳеч бўлмаса, ҳар кимга ўз ҳиссаси тушади, деган умид бор эди. Энди уч хотинга бир ҳовучдан ер, қолган ҳаммаси Зебихонга..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *..мадраса вақфидан кутубхонадор учун ҳам ҳисса тайин қилганлар.* С. Айний, Эсдаликлар.

4 Бирор нарса, умумий иш ва ш.к. ни ташкил этувчи қисм; унга қўшиладиган қисм; улуш. *Бу ишда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор.* ■ *Ислоҳ маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам зотларнинг номлари бутун оламга машҳур.* Газетадан. *Ушбу нашрга Лутфийнинг ўзбек классик шеърляти тараққиётига залворли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеърӣ меросидан намуналар киритилди.* Газетадан.

5 *эск.* Бирор ташкилот ёки тўдага қўшилиш, шерик бўлиш ёки аъзо бўлиш учун кириш ҳақи сифатида тўланадиган ҳақ, пай.

6 Марта, баробар. *Уч ҳисса ортиқ. Даромад ўтган йилгига нисбатан икки ҳисса кўпайди.* ■ *Бурноғи йили.. саноат корхоналари икки ярим ҳисса маҳсулот етказиб берди.* Газетадан. *..шундай воқеалар содир бўлдики, булар даҳшатли афсонадан минг*

ҳисса ёмонроқ бўлиб, уларни даф қилишга сўфиларнинг азони ҳам қор қилмай қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳиссадан ҳисса қ. қисса 3. **Ҳиссасини чиқармоқ** Йўл қўйилган хато-камчилик, йўқотилган нарса, имконият ва ш.к. нинг ўрнини тўлдирмоқ, уни қоплайдиган, ўрнини босадиган иш қилмоқ. *-Кун шундай исиб турса, июлда мўлжалга етиб олиш мумкин. Куз ҳам баҳорнинг ҳиссасини чиқармай иложи йўқ эди, – деди Холмирза.* И. Раҳим, Ҳилола. *Сидиқжон, худди кеч келганимнинг ҳиссасини чиқараман дегандай, дарров ишга тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲИССАДОР [а. + ф. *حصدار* – ҳиссаси бор; ҳиссага эга; шерик, пайчи] *эск.* Ҳисса қўшган, пай киритган, шерик. *Ўша кунларда бир ҳиссадор ширкатга оз сармоя билан бўлса ҳам шерик бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ҲИССИЁТ [а. *حشيتات* – ҳис-туйғулар ва уларга берилганлик; ҳиссий ҳолатлар] Киши руҳиятида юзага келган ҳиссий ҳолат; шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечинмалари. *Ҳулкарнинг Роҳила холага раҳми келди, уни алақандай бир ҳиссиёт ҳаяжонга салди.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинлар. *У ширин, оромбахш ҳиссиётлар қуршовида туннинг қандай ўтганини ҳам билмай қолди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бугунги кун ёзувчиси замонамиз кишининг ўй-хаёллари ва ҳиссиётларини ўз қалбида туйган ижодкордир.* «ЎТА». *Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Исламхўжа қизидagi аламизтиробнинг изларини дарҳол сезди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲИССИЁТЛИ 1 Ҳис этиш қобилияти кучли. *Ҳанифа Маялонова ниҳоят баланд овозли, лирик ҳиссиётли артистка.* Ю. Ҳамдам, Дўстлик қўшиқлари.

2 Ҳиссиёт ифодали. *Бердақ нафис ҳиссиётли, теран ижтимоий мазмунли лирик шеърлар яратди.* В. Зоҳидов, Ҳақиқат жарчиси.

ҲИССИЁТЧИ с.т. Ички кечинмаларга, ҳис-туйғуларга ғоят берилувчи.

ҲИССИЙ [а. *حشى* – сезгига, ҳис-туйғуга оид; сезиб, билиб бўладиган; сезиларли] 1 Ҳис, сезгига оид. *Дунёга келган чақалоқлар*

улгайгани сайин, уларда ҳиссий аъзолар аста-секин шакллана боради. «Фан ва турмуш».

2 Ҳис-туйғу билан боғлиқ, ҳиссиётни ифодаловчи. Ҳиссий ҳолат. Ҳиссий кечинмалар. ■ Қитъа тили учун ғазалга хос бўлган ҳиссий бўёқлар ёлқинида сўзларни жибвалантириш тамойили характер касб этмайди. «ЎТА». Ўзида юксак ҳиссий-ахлоқий маданиятни мужассамлантирган тарбиячигина бола кайфиятига мос воситаларни танлай билади. «Фан ва турмуш».

ҲИССИЗ 1 Сезиш, ҳис этиш қобилиятдан маҳрум, сезмайдиган; ҳушсиз. Наҳот жумҳурият матбуоти Кенжалар сингари бадхоҳ, жоҳил, ҳиссиз, кишининг камолотини кўролмай турганлар қўлида бўлса! А. Қаҳҳор. Сароб. Шоирни ҳеч таниганими ҳиссиз димоғдор. А. Орипов, Йиллар армони.

2 Ҳиссиёт, ҳис-туйғудан холи; бирор ҳис-туйғу уйғотмайдиган. Очеркда қаҳрамон ҳақида фақат унинг планни ортиғи билан бажариши ҳиссиз баён этилган. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. -Бўлди.. йиғламанг, — унинг овози негадир ҳиссиз, совуқ эди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол.

ҲИС-ТУЙҒУ Ҳис ва туйғу; ҳислар, ҳиссиёт. Ҳаёт воқеаларининг кучли таъсири остида қўзғалган ҳис-туйғу, ички кечинма, фикрларни ифода этувчи асарларга лирик асар дейилади. «Адабиёт назарияси». Учиндан ҳам Муҳаммаджонни ва ўзининг у ҳақдаги ҳис-туйғуларини яхши билмас эди. П. Кодиров, Уч илдиз. Йиллар ўтган сари шоир ижодидида фикрлар уфқи кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержилди бўлиб боради. У. Норматов, Кўнгилларга кўчган шеърят.

ҲИФЗ [a. *حفظ* — сақлаш; сақланиш, муҳофаза; эсда тутиш] эск. Сақлаш, сақланиш; муҳофаза, паноҳ. Парвардигор! Жигарбандларимни ўз ҳифзинга олишингни сўрайман! Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

Ҳифзи сиҳҳат эск. 1) киши саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш; 2) тозалик, гигиена. Ҳифзи сиҳҳатга риоя қилмоқ. ■ Аввал бозорига бориб, савдо-сотик қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифзи сиҳҳат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди. К. Яшин, Ҳамза. Ҳифзи ҳимоят эск. Ҳимоя, паноҳ. ..биз дуоғўй падарингиз, муштипар онангиз ва яқин дўстларингиз мунда ҳақ таолонинг ҳифзи ҳи-

мойатида сиҳҳат-саломат бўлиб. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲИҚ тақл.с. Ҳиқичоқ тутганда, нафас тикилганда ҳосил бўладиган узук, қисқа товушни билдиради (қ. **ҲИҚИЧОҚ**). Элмурод фақат Маъмуржоннинг «хиқ» этган товушини эшитиб қолди, холос. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲИҚИЛДОҚ 1 Нафас йўлининг (бурун бўшлиғидан кейин) иккинчи қисми; овоз ҳосил қилувчи аъзо (кекирдакка ҳаво ўтишини таъминлайди ва унга қаттиқ, суюқ моддалар тушишига тўсқинлик қилади).

2 Бўйиннинг олд қисми; бўғиз, томоқ. Шу вақт унинг [Муталнинг] қўлтиғи остидан узатилган қўл ҳиқилдоғидан омиб каби сиқиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

(Жони) **ҲИҚИЛДОҒИГА** келмоқ (ёки етмоқ) қ. жон 1. Бу «ахборотчи» амаки Ҳалиманинг ҳиқилдоғига келган. У пок-у бошқалар суюгоёқ, у билимдон-у бошқалар нодон.. «Ўзбекистон кўриқлари». У вақтда машина яхши, тоза термас эди. Шермат аканинг эса жони ҳиқилдоғига келар эди. А. Ҳайитметов, Шонли авлод. Ниҳоят, сен айтгандек, жоним ҳиқилдоғимга етди-да, ўғлингни.. йўлдан қайтариб қолеувчи ҳам мен ўзим бўлдим.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲИҚИЛЛАМОҚ 1 «Ҳиқ-ҳиқ» этган овоз чиқармоқ. Ҳиқиллаб йиғламоқ. ■ Нурхон ҳиқиллаб, кўзларини арта бошлади. О. Ёкубов, Ларза. Низомжон кўп гапирмоқчи эди, ункаси тўлиб, гапи томоғидан чиқмай, ҳиқиллаб қолди. С. Аҳмад, Уфқ. У ҳиқичоқ тутган каби ҳиқиллаб, ютина-ютина ташқарига чиқди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

2 Этишиш, эришиш талабида бўлмоқ, шу мақсадда қаттиқ сўранмоқ, зорланмоқ. Мен шаҳарни ҳеч кўрган эмас эдим. Шунинг учун, онам қаёққа борса, шу ёққа кетидан эргашиб, ҳиқиллаб борардим. Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. Қумринисо ўлгур «Бурушган, тиришган башарамизни кўргани ким ҳиқиллаб турган экан», деб қочиб кетди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҲИҚИЧОҚ Диафрагманинг тортишиб қисқариши натижасида нафас йўлидан тўсатдан, гайриинтиёрий чиқадиган товуш ва шу жараённинг ўзи (қорин бўшлиғининг баъзи касалликларида ва бош ёки орқа мия шикастланганда рўй беради). Мадорсиз одам овоз чиқариб йиғламас экан.

Унинг йиғиси бориб-бориб, ҳиқичоққа айлан-ди. Н. Фозилов, Қуш — қаноти билан.

ҲИҚИЧОҚ ТУТМОҚ Ҳиқичоқ ҳолати юз бермоқ. Боғланган қўлим билан оғзимни на-на қила-қила, нонни туширдим. Бирдан ҳи-қичоқ тутиб қолди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Эрининг пойма-пой алжирашидан кўра тин-май ҳиқичоқ тутиб ҳиқиллаши унинг гаши-га тегмоқда эди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ҲИ-ҲИ тақл.с. Файритабий кулгида чиқадиган товушни билдиради. Радио қўшин-ларимиз Киевни ташлаб чиққани ҳақида ха-бар берди. Бу одам, ҳаммадан олдинда, хо-вучини қулоғига қўйиб тингламоқда эди, бирдан баланд овоз билан: -Оббо! Ҳи-ҳи.. — деди. А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. «Енгилтак», деб сўқинди Саидғози ичида. Бўлмаса, қаламнинг учи синса ҳам ҳи-ҳи-ҳими!.. С. Анорбоев, Оқсой.

ҲИҲИЛАМОҚ «Ҳи-ҳи» деган товуш чи-қармоқ (енгил кулгида). Нега ҳиҳилайсан?! ■ Бу гап мулла Аброрга таъсир қилди ше-килли, ҳиҳилаб кулиб юборди. «Муштум».

ҲММ айн. ҳимм. Элмурод хаёл ичида ас-та-секин одимлар экан, гапирди: -Ҳмм.. Ҳали гап шунақа денг, мен эшитмаган эканман. П. Турсун, Ҳқитувчи. Ҳмм... биламан, дар-динизни учуруқсиз айтаверинг. Ҳамза, Пар-нанжи сирлари.

ҲО I унд. с. I Чақириқ, мурожаатни бил-диради; ҳой, ҳей, эй. -Болалар, ҳо болалар! — деб чақириб қолди Боқи, звеносининг ер-ларини айланаркан. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. -Қани, ҳо йигитлар! Ишга! Ишга, азаматлар! — деган товуш эшитилди. А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Чақириққа жавоб тарзида «ҳа», «ҳа, нима дейсиз», «эшитаман» каби маъно-ларда ишлатилади. Биров чақиряпти, «ҳо» деб қўй.

3 («о» — чўзиқ) Таажжубланиш, ишон-маслик, кесатиш каби маъноларни бил-диради. -Энг баланд чўққиға чиқдик. -Ҳо, шунақами? ■ -Ҳо, ҳали шундай денг. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

4 бол. Рози эмаслик, рад этиш каби маъноларни ифодалайди. -Ҳўинчоғингни бе-риб тур! -Ҳо!.. (бермайман).

5 Суюнч, ҳаяжон ифодалайди (чўзиброқ талаффуз этилади). [Юсуфбек ҳожи] Ҳаса-налини кўриши ҳамони: -Ҳо-о-о, бизнинг

Ҳасанали-ку! — деди. А. Қодирӣ, Ҳтган кун-лар.

ҲО II айн. ҳов I I. Чўпон қарши томонда-ги тоғнинг осмонга тегай деб турган чўқ-қисини кўрсатди: -Ҳо, кўрдингми, бургут қўниб турган чўққини? П. Турсун, Ҳқитув-чи.

ҲО III [ф. خواه — хоҳловчи, истовчи; ис-так, ният]: ҳою ҳавас Кўнгилда бўлган, амалга ошириш кўзда тутилган орзу-истак, эзгу ниятлар. Яқиндагина автомобиль юрт-дошларимиз учун ҳою ҳавас ҳисобланган бўл-са, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди. Газеталан. Менимча, ақл-依ликнинг нишонаси шуки, оқил киши ўз нафси устидан ҳукмрон бўлади, сабр ва чидамга эга бўлади, ҳою ҳавасни ўзидан узоқлаштириб, ақл доирасидан четга чиқ-майди. Газетадан.

ҲОВ I I Узоқдаги кимса ёки нарсага ишорани билдиради. Ҳов тепаликдаги оқ тошни кўрясанми? -Сигирлар қани? -Ҳов ана, тепаликда ўтлаб юрипти. ■ Боринг, ҳов сой бўйига муздек жой қилинг! М. Ис-моилий, Фаргона т. о. Бирваракайиға одам-лар орасида гап тарқалди: -Ҳасанова келяп-ти, қаранглар, ҳов ана. Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 Анча илгариги нарса, ҳодисага ишо-рани билдиради. Албатта, ёдингизда бўлса керак, ҳов, биз Сарибойнинг дўқонида чой ичишиб ўтирган Эдик-ку, ёдингизга тушди-ми? А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар.

Ҳов бирда с.т. Бир неча вақт илгари, алақачон, кунлардан бир кунда. Агар рух-сат берсангиз, ҳов бирда сизга кўрсатган мактубни ўртоқларга ўқиб эшиттирсам. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ҲОВ II унд.с., с.т. айн. ҳо I I. [Ёрмат] Йўлчиға буюрди: -Ҳов йигит, кечаги чопиқ-ни битириб қўйинг! Ойбек, Танланган асар-лар.

ҲОВ III тақл. с. Ит ҳургандаги овозни ифодалайди; вов. Лекин кучук кескин бир «ҳов» билан жим бўлди, ялқовланиб, яна ёт-ди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВВА шв. Жавобда розилик, тасдиқ маъноларини билдиради; ҳа. -«Кофир» Аваз шул йигит экан-да? -Ҳовва. С. Сиёев, Ёруг-лик.

ҲОВЛИ I Бирор оила, хўжалик, таш-килот ва ш.к. га тегишли жойнинг иморат

қурилмаган, одатда, атрофи ўралган қисми. Қўшнинг ҳовлиси. Мактаб ҳовлиси. Ҳовлига сув сепмоқ. Ҳовлига гул экмoқ. ■ Тўйга келганларнинг бари шовқин-сурон билан охири ҳовлидаги столларга бир-бир жойлашиб ўтиришди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Чап соҳилда эса, қадимий чинор тагида чойхона, унинг ҳовлисида быллурдек тиниқ чашмалар қайнаб ётади. Газетадан. Шу лаҳза карвонсарой ҳовлисида ўзининг саман йўрга байталида Ҳожи табиб пайдо бўлди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бирор оила, хонадон яшайдиган уй (шу уйга қарашли саҳн ва ер майдони билан бирга); ҳовли-жой, уй-жой. Ҳовли сотиб олмақ. Ҳовлидан кўчиб кетмоқ. Ҳовли тўйи. Ҳовли олма, кўшни ол. Мақол. ■ Қишлоқ кўчалари жимжит, фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар ҳуришади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Дала ҳовли, далаҳовли Шаҳарликларнинг ёзда дам олиш учун шаҳардан четда жойлашган ҳовлиси. Дала ҳовлининг олдидан катта сой оқиб ўтади. Газетадан. Ички (ёки ичкари) ҳовли айн. ичкари 2. Бойбува ичкари ҳовлидан ҳассасини тўқиллатиб чиқиб келди. «Эртақлар».

3 Хонадон, оила. Мирзо Анвар уч-тўрт кундан бери менинг ҳовлимда кўниб юрар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Аҳмаджон «урушга кириб кетдим», деганича икки ой хат қилмагани учун ҳовлидагилар не-не хайёлларга боришган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲОВЛИ-ЖОЙ айн. ҳовли 2. Орадан кўп ўтмай Меъморнинг ҳовли-жойларини сотиб, шаҳардан чиқиб кетганини эшитди. Мирмуҳсин, Меъмор. -Пулни беҳуда сарфламанг, мулла, уч-тўртта гилам, бир-икки та сизир олиб кўйинг, ҳовли-жой қилинг. Ёлғиз беданага ҳам дон керак, ҳам сув, — деди Олаҳўжа. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОВЛИҚМА 1 Иш-ҳаракатда ўйламасдан, ўта шошма-шошарлик қиладиган, ҳовлиқаверадиган. Мирсаид аканинг ўғли. енгил табиат, ҳовлиқма, асабий бир йигит эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Шу ишнинг шундай бўлишига ҳам Бўтанинг ўзи айбли, улғудек ҳовлиқма. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Иш-фаолиятда, муомалада ўзини қўлга ололмайдиган, ўзича пала-партиш иш тутадиган. Биласизлар, жамоатчи бўлиб сай-

ланса, боши осмонга етиб, ҳеч кимни писанд қилмайдиган ҳовлиқмалар бор. П. Қодиров, Уч илдиз. Бу кун унинг [Ёрматнинг] бошида янги, лекин беўхшов дўппи. Амалга минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган, юзи маънисиз жиддий ва мағрур. Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВЛИҚМАЛИК 1 Ҳовлиқиб иш тутиш. Бу ишда ҳовлиқмалик кетмайди. ■ Ҳовлиқмалик сендан ўтиб, менга келгани йўқ. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

2 Ҳовлиқма эканлик. Нури бир оз ўйлади, онасининг ҳовлиқмалигидан ва бу сирни эркакка ҳам, аёлга ҳам ёйишга тайёрлигидан чўчиди. Ойбек, Танланган асарлар. Бўронбек унинг ҳовлиқмалигини билар эди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲОВЛИҚМАЧИ с.т. айн. ҳовлиқма. -Ишдан, қийинчиликдан қочмайман, деб қасам ёд қилганман, — Тожиқўзи шу гапларни айтди-ю, унинг эсига бир нарса тушди. Кеча тоғам ҳовлиқмачи билан гап талашганда, шу фикрларини унга айтмабди-да. Газетадан.

ҲОВЛИҚМОҚ 1 Шошиб-пишиб, шошма-шошарлик, шошқалоқлик билан ҳаракат қилмоқ, иш тутмоқ. Ҳовлиқиб гапирмоқ. Ҳовлиқиб ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлиқмай секин келавер. ■ [Элмурод] Жилгадан жилгага париллаб учган какликларга ўқ узар, каклик гандираклиб тушган ерга қоқилақоқила, ҳовлиқиб югурар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Барзанги зинғиллаб арава ёнига борди-ю, боягидан бешбаттар ҳовлиқиб қайтиб келди. С. Сиёев, Ёруғлик. Киши ёшликда кўп ҳовлиқади, хато қилганини билмай қолади. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Безовта, ҳаяжонли ҳолатга тушмоқ, шундай ҳолатда бўлмоқ. У вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутиб туради, унча-мунчага ҳовлиқиб кетмайди. Мирмуҳсин, Сурат. -Нима қилди опамга, аяжон, бундоқ тушунтириб айтсангиз-чи, ахир! — деди ҳовлиқиб. К. Яшин, Ҳамза. Ҳовлиққанимдан ҳаллослаб, ўпкам тиқилиб қолган экан, бувим жон ҳолатда дивандан туриб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ҲОВОНЧА [а. حاون — ўғир(ча), кели(ча)] Уриб янчиш, туйиш учун ишлатиладиган, ёғоч ёки металлдан ясалган махсус идиш; келича, ўғирча. Ҳовонча дастаси. Ҳовончада мурч янчмоқ. ■ ..бангидевона, бўригул, кам-

пирчопон сингари доривор гийёҳларни топиб келар, қуриитар, катта-кичик ҳовончаларда янчиб, туйр. эди. К. Яшин, Ҳамза.

ҲОВР айн. ҳовур. ..сурув из қувиб келяпти. Ундан оппоқ тумандай ҳовр кўтариларди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҲОВРИҚМОҚ с.т. ҳовлиқмоқ. Дилора кулиб юборди, бўласининг ҳовриқиб, шошилиб берган саволларига эмас, йўқ, у ўзини танимаганга соляпти, деб кулди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОВУЗ [a. حوض – сув тупланган жой, чуқурлик; бассейн; сув идиши] 1 Сув сақлаш учун хизмат қиладиган, махсус қазилган чуқурлик. *Чуқур ҳовуз. Саёз ҳовуз. Ҳовуз ковламоқ. Ҳовуз суви.* ■ *Мажнун-толнинг қуриб тушган шоҳлари ҳовуз бўйида ивирсиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Агарда сардоба ичини яна ҳам чуқурлаштириб ҳовуз қилинса, бу ерда доимо сув бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Богнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат; ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *махс.* Уй шипига ишланадиган чуқур нақш-безак.

Ҳовуздан ҳўплам Жуда оз, арзимаган даражада. *Мухторнинг сандиғидаги олтинлар олдида Бекнинг червонлари ҳовуздан ҳўплам, олос.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲОВУЗЧА 1 **ҲОВУЗ** 1 с. кичр. У [сўв] қайнама бетон ҳовузчалар орқали ерости қувурларига қуйилиб, дала ёқалаб югура кетди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

2 *тех.* Деталнинг ўйма жойи, чуқурлик, чуқурча.

ҲОВУЛЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн. вовилламоқ.* Ҳазабланган кучуқларнинг ҳовуллаши, томошачиларнинг қийқириши кўкни қоплайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. *Ғоят аччиқданмоқ, ўта даражада ғазабланмоқ.*

ҲОВУР 1 Иссиқликдан кўтарилган кучсиз, енгил буғ. *Кунлар ярақлаб кетган, шудгор бетидан жимир-жимир ҳовур кўтарилади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Дастурхон устидаги косалардан иссиқ ва ёғлиқ шўрваларнинг ҳовури чиқиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Иссиқлик таъсири; ҳарорат, тафт. *Қизилқум ва Қорақум барханлари қуёш қаҳрғазаб билан сочган бутун ҳовурини инсонга туркаб, бағрига ҳеч кимни йўлатмаган.* С. Кароматов, Аму-Бухоро. *Қуёш тиккайган сайин ҳаво кучлироқ қизийди. Соч толасини елпирга шамол йўқ. Ердан иссиқ ҳовур уради.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Асфальт йўллар, шифер ва тунука томлардан қайноқ ҳовур кўтарилади.* С. Нуров, Нарвон.

3 *кўчма* Кишининг қизишган ҳолати. *Асло менинг ҳовурим босилмайди, Бетингдан тишлаб олиб қонатмасам.* «Оқ олма, қизил олма».

Ҳов(у)рини босмоқ 1) ўзига келмоқ; тинчланмоқ. *Бир пиёла чой бер, болам, ҳовуримни босиб олай, кейин айтаман.* «Муштум». *Тўрабек баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўқ-пўписа қилар, шу билан ҳовурини босар эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота; 2) қизишган ҳолатдан қайтармоқ; тинчлантирмоқ. *Расулжон қизишиб бораётган чолнинг ҳовурини босишга уринди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Ҳовурини олмоқ** *Нохуш, лоҳас ҳолатдан чиқармоқ. Иш овулган бўлса, ёру дўстлари кўнглини кўтарди, ҳовурини олди.* Шухрат, Умр поғоналари. **Ҳовурига ош пишад** (*ёки ош дамласа бўлади*) ўзини жуда юқори тутиб, ҳаддидан ошганликни билдиради. *..ҳовурига иккита ош пишадиган бошлиқ бурнига қўнган пашшага дағдаға қилиб, мушти билан қўриб ҳайдади.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. *..чек берувчи Файзи Раҳимов ҳаддан чунон ошганки, ҳовурига ош дамласа бўлади.* «Муштум». **Ҳовур(и)дан тушмоқ** 1) қизишиш, жаҳлдан қайтмоқ. *Султонов чўнтагини титкилаб, калитини топди шекилли, сал ҳовуридан тушди.* М. Мансуров, Ёмби. «*Универсал*».. *бир текисда ишлаётганини кўриб, Умарали ҳовурдан тушди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) манманлик, ўзини юқори тутиш ҳолати йўқолмоқ; попуги пасаймоқ. *Жолмат йиғилишдан кейин анча ҳовуридан тушди, пасайиб қолди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Йигит-ялангнинг арзини эшитдим.. Ёдгорхўжа ўшқириб келиб эди, қаматиб қўйдим. Жиндек ҳовуридан тушмаса бўлмайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҲОВУРЛИ Ҳовури кўтарилиб, буғланиб турган. *Ялтираб кўринади қуёш шуғллари-*

да Сирдарёнинг қўрғошиндай ҳовурли сувлари. Миртемир.

ҲОВУЧ 1 Бир қўл бармоқларини букиб, шунингдек, икки қўлнинг кафт ва бармоқларини ёнма-ён бирлаштириб, бармоқларни букиб, чуқурча қилинган ҳолати. «Ҳи-ҳи», яна радио карнайи остида ҳовучини қулоғига қўйиб тинглайди. А. Қаҳҳор. Ҳи-ҳи. Ҳўжайин соқолини бир нафас ҳовучига олиб туриб, кинояли жилмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Далавой катта-катта қўлларини ҳовуч қилганча, Бекка чўзди. «Ёшлик». Муздай сувдан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб ичди. Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар. Булоқ лабига ўтириб, ҳовучини очганда, кафтида ғижимлаиб ётган хўл рўмолга кўзи тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳовучга сигарли миқдорни билдиради. Икки ҳовуч сув. ■ Тушга яқин Аваз бозордан патир, яхна эт, кўкат, бир ҳовучдан ширинлик олиб келиб, дастурхон тузади. С. Сиёев, Аваз. У икки-уч ҳовуч тутни оғзига тикди-ю, яна бир ҳовуч териб, жувонга ўгирилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бир ҳовуч Миқдори, ҳажми жуда оз бўлган. Бир ҳовуч ердаги полиз ҳам лаънати бўрондан соғ қолмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Чўнтагингизда бир ҳовуч сўзингиз бор, шу сўзларни шу қадар кўп ишлатасиз.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ўйлаб қаранг: бир томонда бир ҳовуч бойлар ҳамма нарсага эга; ҳисобсиз, китобсиз фуқаро-чи? Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВУЧЛАБ Ҳовуч билан, ҳовучга олиб. Ҳовучлаб сув ичмоқ. Ҳовучлаб ўлчамоқ. ■ Зиёдахон.. қопнинг оғзини аста очиб, челака ҳовучлаб ун солди.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Сув топиш керак. Ҳовучлаб бўлса ҳам суғорамиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Жон(ни) [ёки юрак(ни)] ҳовучлаб Қўрқувга тушиб, ваҳима босиб. Одамлар жон қафаслари бўлган уйларидан, аждарнинг оғзидан қочган каби, жон ҳовучлаб югурадилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Бу жойлардан кундуз кун юрган киши жонини ҳовучлаб ўтарди. С. Аҳмад, Уфқ. Бир оз вақт.. ҳозир автоматчи ўққа тутиб қолади, деб юрагини ҳовучлаб ётди. Шухрат, Умр поғоналари.

ҲОДИС [a. حادث — воқеа, ҳодиса, можаро; бахтсиз воқеа; ҳол. ҳолат]: **олам ҳодис** эск. Башарти, мабодо; эҳтимол; тасодифан. [Ҳамид Содиққа:] Олам ҳодис қўлга

тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйнингга олиб, орага мени қотиштирмайсан! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОДИСА [a. حادث — воқеа; можаро; бахтсиз воқеа; ҳолат] **1** Табиатда, жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш. *Мудҳиш ҳодиса. Қувончли ҳодиса. Бахтсиз ҳодиса. Қутилмаган ҳодиса.* ■ Ҳодиса рўй берган жойга зудлик билан етиб борган оператив гуруҳ айбдорларни топмади. Газетадан. «Бобурнома»ни варақлар экансиз.. табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз. «Фан ва турмуш». Ёши йегирма иккига қадам қўйганда, Берунийни ҳам ҳодисалар сели юмалатиб, ўзи билан бирга жанубга олиб кетди. М. Осим, Жайхун устида булутлар. Булар энди бир ҳовлида туриш эмас, бир уйда ётиб қолишни ҳам бировнинг эътиборини жалб қиладиган ҳодиса деб билишмас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлар.

2 Бирор нарсанинг воқеланиши, воқеланиш факти. Қишдан кейин баҳорнинг келиши объектив ҳодиса. ■ Сўз бўғинларидан бирининг ёки гапдаги сўзлардан бирининг ажратиб, кучли талаффуз этилиши ҳодисаси урғу дейилади. «Ўзбек тили» дарслиги. Бир жисмдан чиқиб тарқалган товушнинг бошқа жисмга урилиб, тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси деб аталади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲОЖАТ [a. حاجت — эҳтиёж, талаб, зарурат; истак-хоҳиш; зарур, керакли буюм] **1** Кераклик, зарурлик, зарурият. Бу гапнинг нима ҳожати бор. ■ Иш тамом, вассалом. Бундай кўз ёши томизиб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. С. Айний, Қуллар. Қўрманга ҳожат бўлса, унга ҳам тайёрмиз! А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор нарсага бўлган талаб; эҳтиёж. Ҳасан сўфи билан Алим бува.. ўз дардларига тушунгучи дардманд, ҳожатларини англолчи ҳожатманд излардилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унинг олдида кимки бирор ҳожат билан келса, ноумид қайтмаган. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Шудир насихатим: кечикмай еткар. Рустамдай кўзимнинг ҳожатин биткар. «Муродхон».

Ҳожати раво бўлмоқ кам қўлл. айн. **ҳожати чиқмоқ** ёки **ҳожатини чиқармоқ**. Отамнинг ўлимида ҳам у «ҳожатимизни раво қилиб».. бизни юз танга — 15 сўм қарздор қилди. С. Айний, Эсдаликлар. **Ҳожати чиқмоқ**

ёки ҳожанини чиқармоқ Эҳтиёжи, талаби битмоқ, амалга ошмоқ (эҳтиёжини битирмоқ, қондирмоқ). *Жамоа идораси айвонида юрган бир-икки киши, ҳожатлари тезда чиқмагани учун бўлса керак, асабийланар ва болохонадан кўчага зўр бериб нос тупурардилар. Ҳ. Шамс, Душман. Умирзоқ ота бир неча пуд бугдойни оқлаб, беш-олти кишининг ҳожатини чиқарди. Д. Нурий, Осмон устунн. . . қурилиш материаллари комбинати цемент ва бетонлар етказиб, бинкорлар ҳожатини чиқармоқда. Газетадан.*

3 кўчма Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш. *Хосият биби, тўй қувончи қувват бўлди, ўз ҳожатига ўзи юриб чиқа бошлади. С. Анорбоев, Меҳр. Ҳали бу ҳолва. Занг урганда, ўрнингдан туриб, занг урганда, ҳожатга борсан. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ҲОЖАТБОРОР [a. + ф. حاجتبرار — кимсанинг ҳожатини чиқарувчи, раво қилувчи; маж. оллоҳ, худо] Кишининг ҳожатини чиқарувчи. *Қишлоқнинг тўю маъракаси усиз ўтмас, ёр-дўстларнинг хизматига тайёр, жафокаш, ҳожатбарор одам эди. Ҳ. Назир, Васият. Илоё, назр қилган қўйингиз пулсиротда ҳожатбарорингиз бўлсин! А. Муқимов, Қопқон.*

ҲОЖАТБОРОРЛИК Ҳожат чиқариш (иши). *Шу ҳожатбарорлик фазилати билан у, ёш бўлса-да, эл оғзига тушган эди. Н. Сафаров, Наврўз.*

ҲОЖАТМАНД [a. + ф. حاجتمند — эҳтиёжли, муҳтож] Эҳтиёжи, талаби бор (одам). *Бугун жума ҳамма ҳунарманд, ҳожатмандларни тирикчилик гами бозорга қувган эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. [Абу Сирож] Ҳар куни эртадан кечгача кўчама-кўча изғиб, ҳожатмандларнинг хизматини қилиб, чойчақа топади. Р. Раҳмонов, Ўлик балиқ.*

ҲОЖАТРАВО [a. + ф. حاجتروا — ҳожатини чиқарувчи] айн. **ҳожатбарор**. *Зориққанга, толиққанга ҳожатраво ўзингсан. «Кўшиқлар».*

ҲОЖАТХОНА [ҳожат + хона] Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш учун қилинган махсус жой. *Саройнинг гуслхонаси сунурилиб, у ерга сув идишлари қўйилди. Ҳатто ҳожатхоналарда кесак ушатиб қўйиш ҳам эсдан чиқарилмади. С. Айний, Қуллар.*

ҲОЖИ [a. حاج < حاجى — ҳаж қилувчи] 1 Каъбани зиёрат этган, ҳаж қилган одам. *Маъсума бека шогирдлар юзидаги мамну-*

ниятни кўриб, гап ташлади: -Маккадан ҳожидан келганда ҳам бунчалик қилинмайди. Мирмуҳсин, Меъмор. . . Фуод афанди бандалик қилгандан кейин, ҳаждан келаётган бир ўзбек ҳожига тегдим. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Ҳаж қилиб, Каъбани зиёрат қилиб келган кишининг фахрий унвони, лақаби. *Ҳожидан бува. Ҳожидан ака. ■ -Саройда на гап, ҳожидан ота? — деб сўради Аваз ниёлада чой узатиб. С. Сиёев, Ёруғлик. Абдурусулнинг отаси Пиримқул ҳожига қарол бўлган экан. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҲОЖИБ [a. حاجب — хизматкор; дарвозабон, эшик қоровули] 1 эск. Дарвозабон, эшик олдидаги қоровул.

2 тар. Хон эшигидаги ходим, маҳрам.

ҲОЖИДЎППИ Ҳаждан қайтганлар совға тариқасида олиб келган, асосан Туркияда одат бўлган, қизил рангли, ичи чуқур, попукли бош кийими; фас. *Қаршидаги деворда икки кишининг сурати кўзга ташланади: . . . киксининг ҳам бошида «ҳожидўппи», бири серсоқол. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲОЖИХОНА [ҳожидан + хона] Ҳаж йўлидаги шаҳарларда ҳожилар кўниб дам оладиган махсус жой, меҳмонхона. *-Отам ҳар кун Истамбулдаги ҳожихоналарга қатнаб, таниш ахтарар, кетишга ёрдам излар эди, — деди Ҳожидан хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Хайриятки, ҳожихонанинг эгаси Фуод афанди бизга меҳрибончилик қилиб, овқатимизга қарашиб турди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

ҲОЗИР [a. حاضر — бор, мавжуд (бўлган); қатнашаётган, иштирок этаётган; ҳозирги, жорий; нақд. шай] 1 Бирор иш, вазифа учун тайёр; шай. *Машиналар теримга ҳозир. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир. Мақол. ■ -Жавоб беришга ҳозирмиз, — деди Ойқиз раиснинг сўзларини бўлиб. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Нимаики маслаҳат ёки ёрдам керак бўлса, биз хизматингизга ҳозирмиз. Шухрат, Жаннат қидирганлар. -На десангиз — шу, ёшулли, — деди Аваз, — қўлимдан келган барча ишга ҳозирман. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Ҳозир бўлмоқ Бирон жойда пайдо бўлмоқ, бирон жойга келмоқ. *Ҳа, мен керак вақтда инс-жинсдек ҳозир бўламан. К. Яшин, Ҳамза. Кўп ўтмай кенг кўчада ҳозир бўлдик.*

О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Ҳозир қилмоқ айн. ҳозирламоқ.** *Керакли анжомларни ҳозир қилмоқ.*

2 Сўзланиб турган пайтни ҳам ўз ичига олган вақт; шу он, шу пайт, шу давр. *Ҳозир чиқиб кетди. Ҳозир келиб қолади. Отам ҳозир нафақадалар. Ҳозир шароит тамомила бошқача. Ҳозир айна йиғим-терим мавсуми.* ■ *Ҳозир туриб кетган бўлса керак, столда коньяк шишаси, апельсин тўла ваза турар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Зойиржон ҳозир бориб муштлашмоқчи бўлгандай, ранги ўчиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бекмирзаевага ҳозир чойдан кўра ҳам муздеккина сув яхши эди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳозир кеч куз, ҳадемай қиш-қировли кунлар бошланади.* Газетадан. *Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Чақириқ, мурожат ва ш. к. га. жавоб сифатида ишнинг тезда, шу онда амалга оширилишини билдиради. *-Ҳой, боққа сув тошиб кетди, тез кириб бўғиб қўйинг!* -*Ҳозир, ҳозир..* — *Йўлчи.. кетмон олиб югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ўглингизни чиқариб юборинг!* -*Ҳозир.* «Гулдаста». *Кўрпача ёзиб, уни ўтқазгач, «мен ҳозир», деб зшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кейин «ҳозир, бойваччам», деди-да, кетаётганларга қуллуқ қилиб, изига қайтди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲОЗИРГАЧА *рвш.* Шу пайтгача, шу дамгача. *Бу буйруқ ҳозиргача амалга ошмаган эди ва бундан кейин ҳам амалга ошмайдиган бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҲОЗИРГИ Сўзланиб турган пайтни ҳам ўз ичига олган вақтга (ҳозирга) оид; шу ондаги, шу пайтдаги, шу даврдаги; ҳозирда мавжуд бўлган; амалдаги. *Унинг ҳозирги гаплари кўпчиликка маъқул бўлди. Ҳозирги ёшлар. Илм-фаннинг ҳозирги тараққиёти. Унинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти. Ҳозирги ўзбек адабиёти. Ҳозирги алифбо. Мактабимизнинг ҳозирги директори.* ■ *Набигулнинг ҳозирги ҳолатини кўрганда, ҳар кимнинг ҳам раҳми келар эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз чигтақ. *Амалдаги дарсликларимизнинг кўпчилиги ҳозирги талабларга тўла жавоб бера олмайди.* Газетадан.

ҲОЗИРГИДАЙ Сўзловчининг кўз ўнгига, ҳозир бўлаётган ёки кўриниб турган каби. *У ишлар ҳозиргидай эсимда.*

ҲОЗИРДАН *рвш.* Шу пайтнинг ўзидан; олдиндан. *Олиб чиқишимиз душанба кечасининг қайси пайтига тўғри келишини ҳам ҳозирдан айтиб бўлмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОЗИРЖАВОБ [а. *حاضر جواب* — билангон; гап, суҳбатда ўзини йўқотмайдиган] 1 Савол, луқма ва ш.к. гап-сўзларга ўринли тарзда ва тезда жавоб қайтариш қобилиятига эга. *Унинг.. серғайрат, ҳозиржавоб, фикри ўткир эканлигини ўқитувчилар билишар эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳожатхонага кирганлар калга ҳазил қилиб, уни уялтирмоқчи булар, лекин сурбет ва ҳозиржавоб кал, бўш келмай, ҳар бир гапга ўн гап билан жавоб қиларди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *У ниҳоятда серҳаракат, ҳозиржавоб — гап билан енгиб бўлмайдиган кимса эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ҳаёт, давр талабига ўз иш-амали билан тезда жавоб берувчи. *Устознинг публицистик асарлари билан танишар экансиз, у бениҳоя ҳозиржавоб, фаол ижод қилганлигига амин бўласиз.* Газетадан. *Улкан адабиётимизнинг дангалчи.. ҳозиржавоб қисми бўлган сатира-юморнинг вазифаси Тияншан тоғдан ҳам баланд. «Муштум».*

ҲОЗИРЖАВОБЛИК Ҳозиржавоб бўлиш, ҳозиржавоб шахсга хос хислат, муомала, хатти-ҳаракат (**ҳозиржавоб** — ҳар икки маъносига). *Дилшоднинг ҳозиржавоблиги меҳмонни ҳайрон қолдирди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Меъмор.. гўзал қизи Бадияни кичиклигидан эркаларди, у ўзининг сезгир ва ҳозиржавоблиги билан отасига тортган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ташаббускорларга ҳозиржавоблик, ўзаро ёрдам.. — мана бугунги кунимизнинг қиёфаси.* Газетадан.

ҲОЗИРЛАМОҚ 1 Ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. учун тайёр ҳолга келтирмоқ; тайёрламоқ. *Сафарга отларни ҳозирламоқ. Машиналарни теримга ҳозирламоқ.* ■ *Келин ишком тағига ўрнатилган чорпоя сўрига жой ҳозирлашга тутинди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Отабек тушга яқин уйғонгач, Ҳасанали чой ҳозирлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Буюрсангиз, йўлга керакли нарсаларни ҳозирласалар.* «Олтин бешик».

ҲОЗИРЛАНМОҚ Ҳозирламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Катта кўчадаги икки тул тол кесилиб, ўтин ҳозирланди.* И. Раҳим, Ихлос. *Учала меҳмон ва табибга том шийпониди*

жой ҳозирланди. С. Абдулла, Кувғунда. Анвар кечқурун ўрдадан қайтишга ҳозирланар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҲОЗИРЛИК 1 Ҳозир, тайёр эканлик. Машиналарнинг ишга ҳозирлигини текшириш.

2 Тайёрланиш ишлари; тайёрланиш, тайёргарлик. Азизбек фотиҳа берди. Халқ уруш ҳозирлигига киришди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Баҳорга ҳозирлик ишларининг катта-кичиги, майда-чуйдаси бўлмайди. Газетадан. Йўл ҳозирликлари битиб, Ўзбек ойимнинг қутидор ва Офтоб ойим ҳамда Ойша кампирга атаб тиктурган саруполари ҳам битди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳозирлик кўрмоқ Ҳозирлик, тайёргарлик ишларини бажармоқ, қилмоқ; тайёргарлик кўрмоқ. Иштихонларга ҳозирлик кўраётган Содиқжон эрталаб поччасини кузатиб қўйди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Душман ўз ҳолатини англаб, фронтнинг бу участкасида ўз мавқеини тиклашга баҳор бўйи ҳозирлик кўрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 (эгаллик ва ў.-п. к. шаклида ёки «билан» кўмакчиси ёрдамида — ҳозирлигида, ҳозирлиги билан) кам қўлл. «Иштирок» маъносини билдиради. Олти гувоҳнинг ҳозирлиги билан мажлис очилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲОЗИРЧА 1 Ҳозирча қадар. Мен сизларга барча гапларни айтдим. Ҳозирча шу. Ҳозирча ҳеч нарса дегани йўқ. ■ Ҳозирча гуруҳимизда санокли одам бор. С. Сийев, Ёруғлик.

2 Ҳозирдан маълум вақтга қадар, маълум вақт ўтгунча. Бу хабар ҳозирча сир тутилмоғи керак эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Раис унамай турибди-да, ҳозирча машинани ҳайдаб тур, ука, деб қўймапти. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. ...ҳозирча шаҳарнинг четроғида яшаши лозимлигини айтди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОЗИРЧАЛИК айн. ҳозирча **2**. Ҳозирчалик Ойшахон билан яшаб турибман. «Муштум».

ҲОЗИК [а. حازق — уста, маҳоратли, моҳир, билимдон] эск. кт. Энг тажрибали, маҳоратли, моҳир, ўткир. Ҳозиқ ҳаким бошини оғизона чайқади, холос. Ойбек, Навоий.

Табиби (ёки ҳакими) ҳозиқ Энг тажрибали, моҳир, ўткир табиб. Подшо, девон маъмури бўлган марҳум Абдуллонинг ўғли Ҳусайн табиби ҳозиқ бўлибди, деган хабар-

ни эшитиб, уни дарҳол ҳузурига чорлатди. М. Осим. Аждошларимиз қиссаси. Ҳоқон, яралик кўнгишларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ бўлишиниз керак. Ойбек, Навоий.

ҲОЙ унд.с. Чақириб ёки мурожаатни билдиради. Ҳой, аравакаш бола, отингни торт. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳой чол, манави ер ўлгурга.. озгина сабзи сепиб қўйсангиз-чи?! «Гулласта». Ҳой, боққа сув тошиб кетди, тез кириб бўғиб қўйинг. Ойбек, Танланган асарлар. -Ҳой, кўпчиликдан юз ўғирманг. Бунинг хосияти бўлмайди, — дейишди одамлар. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЙНАҲОЙ крш. с. Сўзловчининг тахминий ўй-мулоҳазасини билдиради: ҳар ҳолда, -са керак. Ҳойнаҳой, уша Зеби ишлайдиган катта яслига кетган, деб ўйлади. Х. Назир, Кўктерак шабадаси. Талиб ака. ҳойнаҳой, Аҳмаднинг устидан шикоят қилиб кирган. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. «Бу суҳбатда гапирадиганлар, ҳойнаҳой, мени тилга олишади», деган ташвиш билан бошини кўтарди Аъзам. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҲОЙҲОЙЛАМОҚ 1 «Ҳой», «ҳой-ҳой» деб чақирмоқ.

2 Шундай товуш чиқариб ҳайдамоқ, йўлга бурмоқ, тартибга чақирмоқ; тергамоқ; огоҳлантирмоқ. Чол тутга чиққан болаларга ҳойҳойлаб турарди. Ҳойҳойлаб чуғурчуқларни қочирмоқ.

ҲОЙ-ҲУЙ: ҳой-ҳуй қилмоқ «Эй», «ҳей», «ҳой» каби сўзларни ишлатиб чақирмоқ, ундамоқ.

ҲОЙҲУЙЛАМОҚ «Эй», «ҳей», «ҳой» сўзлари билан чақирмоқ, ундамоқ; ҳой-ҳуй қилмоқ. Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳойҳуйлаши манзилнинг яқинлигини билдиради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОКАЗО [а. هَكَازو — шунақа, худди шундай; шундай қилиб, шу тарзда] (одатда «ва» боғловчиси билан) Шу сингари, шунга ўхшаган(лар), бошқалар. Аёл урушга кетган эри, ўзининг иши, турмуши ва ҳоказолар ҳақида гапирди. Ойбек, Куёш қораймас. Тўлаганнинг эсига алиф, вентилятор, Абдуманнофнинг эсига мурч, цемент можаролари тушди ва ҳоказо. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ҲОКИМ [а. حاكم — ҳукмдор; бошқарувчи; бошлиқ; судья, ҳакам] **1** тар. Ўрта Осиё хонликларида белгили бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан хону

бек амрини ўтказиш учун белгилаб қўйилган амалдор. *Ҳолвани ҳоким ер, калтакни — етим.* Мақол. ■ Бу ҳукмимизни ижро этгувчи, Тошкент ҳокими Нормухаммад қушбегига марҳамати шоҳонамиз шулдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани сабабли катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 тар. Собиқ Туркистон ўлкасидаги айрим шаҳар ёки музофотларда чор ҳукуматининг сиёсатини ўтказиш учун белгилаб қўйилган юқори мансабли амалдор. *Маҳкама биносига кетган ўт обдан авжига чиққан бир пайтда шаҳар ҳокими Мединский ва подполковник Китаевлар икки язвод жазо отряди билан майдонга кириб келди.* К. Яшин, Ҳамза. *Авёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, гала-говур тинчигандан кейин, ҳоким одатдагича тилмоч орқали халқни огоҳлантирди.* И. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ҳокими мутлақ Маълум бир ҳудудда чексиз ҳокимликка эга бўлган мансабдор (подшоҳ, амир ва ш.к.).

3 Умуман, ҳукмини, буйругини ўтказувчи (шахс, синф ва ш.к.) **Ҳоким синф.** ■ Улардан [амалдорлардан] ҳеч бир кишига ёмонлик келмайди, улар ёлғиз тартибдан талаб қилишади. Чунки улар — ҳоким, биз — фуқаро. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар ва туманларнинг биринчи раҳбарлик лавозимидаги шахс; ҳокимликнинг биринчи раҳбари. *Бу муҳим масаланинг муҳокамаси учун кенгашига вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари таклиф этилди.* Газетадан.

5 *Кўча* Ўз ихтиёрига олган, эгаллаган нарса ҳақида; «ҳукмрон». *Мункиллаган кампирлар жим шам ёқад мазорларда, Саратоннинг иси ҳоким мудраб ётган бозорларда.* Х. Даврон, Тунги боғлар. *Туни бўйи кўк юзининг ҳокими бўлган ой ётоғига отланаётган.. шу палладаги салқин, мусоффо шабада.. роҳат бахш этарди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Ўз-ўзимни тутдим саволга, Ҳоким эди қалбда бир туйғу.* Н. Нарзуллаев.

Ҳоким бўлак тлш. Синтактик алоқада тобе бўлган қисмни бошқарувчи, унга нисбатан ҳоким вазиятдаги бўлак. Мас., *Бизни*

суҳбатга таклиф этди гапида таклиф этди — ҳоким бўлак.

6 Ҳоким (эркаклар исми).

ҲОКИМИЯТ [а. *حاكمت* — давлатчилик; бошқарув; ҳокимлик] 1 Давлатни бошқариш ҳуқуқи; сиёсий ҳукмронлик; давлат органларининг ҳуқуқ ва ваколати. *Ҳокимиятни қўлга олмақ.* *Ижро этувчи ҳокимият.* *Қонун чиқарувчи ҳокимият.* ■ *Бу орада февраль инқилоби бўлиб, Николай подшо тахтдан ағдарилди.* *Ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтди.* К. Яшин, Ҳамза. *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тираги эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Давлат бошқармаси ва унинг органлари; ҳукумат. *Кўш ҳокимият узоқ муддат давом этди.*

3 Бошқариш, буйруқ бериш ва ш.к. ҳуқуқи, имкони. *Ҳокимият жуда ширин нараси экан.* «Шарқ юлдузи». *Одамнинг пуч, сараси ҳокимият қўлига текканда даров ажрайди-қолади.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ҲОКИМЛИК 1 Ҳоким иши, вазифаси; шу вазифага мансуб, тегишли. *Ҳокимлик либоси.* ■ *Юсуфбек ҳожи: -Менинг биринчи холис тилагим, албатта, мазлум халқ тилдан бўладир; бундан сўнг Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Темурбек, мулозимлари қуршовида бориб, ҳокимлик тахтига ўтирди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Ҳоким, ҳукмрон ҳолати; ҳукмронлик (тўғри ва кўчма маънода). *Замон ишчи, деҳқон замони бўлиб, чиновникларнинг ҳокимлиги, ерлик халқнинг маҳкумлиги битган.* Газетадан. *Рашкли алам ўйи ҳокимликни ўз қўлига олди.* М. Каримов, Сени дейман, жоним.

3 Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар, туман бошқарув органлари ва улар ўрнашган жой. *Шаҳар ҳокимлигидан вакиллар келди.*

Ҳокимлик қилмоқ 1) ҳоким лавозимида ишламоқ, ҳоким вазифасини бажармоқ. *Хуллас, ҳар қайсиси ўзи ҳокимлик қилаётган ўлкада фан ва санъат, ободончилик ишларига эътибор берардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) ҳоким, ҳукмрон ҳолатида бўлмоқ (қ. **ҳокимлик** 2). *Уйдан чиққанидан бери танига ҳокимлик қилиб келаётган карахтлик шу оннинг ўзидаёқ ғойиб бўлди-қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 тлш. Ўзаро алоқа (боғланиш)да бирор қисмининг ҳоқим вазияти; *зид. тобелик*. Мас., *кенг кўча, бешинчи хона* бирикмаларидаги *кўча, хона* сўзларининг вазияти.

ҲОКИМОНА [а. + ф. *حاکمان* — ҳокимлардай, ҳоким каби; буйруқ тарзида] *кам қўл*. 1 *рвш*. Бошқалардан устун турадиган, ўз ҳукмини ўтказадиган кишиларга хос, ҳокимларга ўхшаб.

2 Буйруқ тарзидаги. *Бир оз сукунатдан сўнг Ботиралининг ҳокимона командаси янгради*. Ҳ. Фулом, Машғал.

ҲОЛ [а. *حال* — ҳолат, равиш] 1 Ҳаётдаги муайян бир ҳолат, вазият; аҳвол. *Умидли, изланувчан ёшларимизнинг кўплиги қувончли ҳолдир*. Газетадан. *Шунақа, бу чўлни осонликча енгмаганмиз, қурбонлар бериб, жон фидо қилиб, шу ҳолга келтирганмиз. «Ўзбекистон кўриқлари»... мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустақкам изга тушиб кетди. Бу ҳол қишлоқда сезилмай қолмади*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарвозалар ёнида сарбозлар юриб туриши.. душманга қарши тадбир-чоралар кўрилаётганини ҳисобга олмаганда, шаҳар ўлик ҳолда эди*. Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳолига вой Кишининг иши, аҳволи ёмон бўлишини, ачинарли аҳволга тушишини билдиради. *Ўз пирини беобрў қилган, юзига оёқ тираб кетган банданинг ҳолига вой!* «Муштум».

2 Кимса ёки нарса жисмида юзага келган муайян ҳолат. *Автор яна ўз савлатли ҳолига қайтди. Қаддини ғоз тутганича, оёғини кериб, йирик-йирик қадам ташлаб чиқиб кетди*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ўзимку, гўзаларни шу ҳолга етказгунча лабларимни(нг) уч марта пўсти тушди*. С. Нуров, Нарвон.

3 Кишининг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзини сезиши; жисмоний ва руҳий ҳолат; кайфият, авзо, кўриниш. *Меъморнинг хаёл суриб, гиёҳвандлардек қотиб қолганини кўрган Ҳорунбек.. устод баъзан шундай ҳолга тушиб қолармикан, бу, эҳтимол, аччиқ аламнинг оқибатидир.. деб ўйларди*. Мирмуҳсин, Меъмор. *Тешабой, бир томондан, кооперативчининг ҳолига ачинди, иккинчи томондан, гитлерчиларга хизмат қилаётганидан газабланди*. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

4 (ў.-л. к. *шаклида* — ҳолда) Ҳолат билдирувчи (*ғамгин, маънос* каби) баъзи сўзлар, шунингдек, *-ган* аффиксли феъл билан қўлланиб, бирор ҳаракат-ҳолатнинг шу сўз билдирган ҳолатда юз бериши, бажарилишини билдиради. *Ҳусайннинг дадаси маънос ҳолда, билинар-билинмас бош чайқаб қўйди*. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Суюм оға гаранг, дардли, оч ҳолда тепа устига чиққач, яна боягидек, орқа-олдига қаради*. Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳусайн Бойқаро.. қийиқ, тез ўйнайдиган кўзларини шоирга тикиб, ғамгин ҳолда деди*. Ойбек, Навоий. *Имом ерга қараган ҳолда бошини қимирлатиб қўйди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, руҳий ёки жисмоний имконият, куч-қувват маъносини билдиради. *Унинг оҳ дегани ҳоли йўқ*. С. Сиёев, Аваз. *Боланинг йиғлашга ҳам ҳоли қолмаган эди*. Газетадан. *Хосият ҳола бир ҳўплам чой ичган бўлди-ю, ҳоли келмай, ётиб қолди*. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

6 тлш. Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, унинг бажарилиш сабаби, мақсади, ўрни, пайти ва ш.к белгиларини билдирадиган иккинчи даражали бўлак. Қандай белгини билдиришига кўра ҳолнинг *сабаб ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, тарз ҳоли* каби турлари фарқланади. *Кеча кўрдим (кеча — пайт ҳоли). Кўчада учрашдик (кўчада — ўрин ҳоли) ва б.*

Акс ҳолда қ. акс. **Арзи ҳол айламоқ** (ёки қилмоқ) Ўз аҳволини ва истагини изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ. **Аҳли ҳол эск. кт.** Раҳмдил, кимса учун қайғурувчи, жонкуяр одам(лар). **Илми ҳол эск. кт.** Илмининг, илм ишларининг ҳолати, аҳволи. *Мадрасаларда илми ҳол ўгай ўғил ҳолатига тушиб қолди*. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Таржиман ҳол қ. таржима**. У ҳолда Ундай бўлса, шундай бўлган тақдирда. *Хайр, кетмаган ҳам бўлсин. У ҳолда, ўзингиз айтгандек қилиб, тўппатўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг тошкентлик кўёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўз ҳолига** Ўз эрки-ихтиёрига. *Шундай қилиб, «бечора» Содиқни ўз ҳолига қўймай, кўчадан анчагина нарига сургаб кетдилар*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меъморни ўз ҳолига қўйиб бериш керак. У шуну хоҳларди*. Мирмуҳсин, Меъмор. *Бошини кўтариб, елка-*

ларини ўз ҳолига қўйди, оёқларини ҳам узатди. С. Кароматов, Олтин қум. **Ўз ҳолича** Бировнинг аралашувисиз; ўз билгича, ўзича. *Уйда ўз ҳолича ивирсиб юриб, темир-терсақлар йиғди, асбоблар топди, ишлай бошлади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Ҳол тили эск.** Ҳол-аҳволдан сўзловчи, уни билдирувчи хатти-ҳаракат, белги ва ш.к.; шундай «тил». *Бу икки ёш орасида севги алоқаси ҳалигача тилга олинмаган ва ҳар иккалалари ҳам бир-бировларига ўз ички кечинмаларини ёлғиз ҳол тили билан изҳор қилмоқда эдилар.* С. Айний, Докунда. *Нариги уват билан буниси бир-бирига нисбатан фарқини ҳол тили билан сўзлаб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲОЛАНКИ [а. + ф. حال آنک — гап шундаки, ҳақиқатда эса, ҳолбуки] *кам қўл. айн. ваҳоланки.* *Сиз ўқиган китоб бир-икки ойда ҳам сув кўрмайтурган иқлимлар учун ёзилган; ҳоланки, бизнинг бу жойларда, шукур, ҳамма вақт оқар сув тайёр.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲОЛАТ [а. حالت — ҳол, аҳвол; тузилиш] **1** Юзага келган, мавжуд бўлган вазият, аҳвол. *Жанговор ҳолат. Ҳарбий ҳолат. Шаҳар қамал ҳолатда.* ■ *Ишлаётган одамлар уни [Олаҳўжани] бу ҳолатда кўриб, жуда ҳайрон бўлиб, ишдан тўхтаб қолдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳамма сергак тортди, унга қулоғини тугиб жим қолди. Бу ҳолатдан фойдаланган шайх сўзига пардоз бериб, давом этди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шерали ҳам бу тўқнашувдан Тўлғоной билан ёлғиз қолгандаги ҳолатга тушди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Жисмоний ёки руҳий жиҳатдан бўлган ифода, кўриниш; қиёфа, авзо. *Асабий ҳолат. Қулғили ҳолат. Аянчли ҳолат.* ■ *Мен унинг ҳолатидан нимадир ичини куйдираётганини.. билиб турардим.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Унинг.. мажақланиб, таниб бўлмас ҳолатга келган юзини оқ шоҳи билан ёпиб қўйдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунар.

Бир ҳолатда Ачинарли, ночор, путурдан кетган аҳволда. *Қандолат биби бир ҳолатда бўлиб чўкиб қолган, ранги заъфарон.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Энди букчайиб қопти. Кийимлари ҳам бир ҳолатда.* С. Аҳмад, Уфқ. **Жон ҳолатда қ. жон.**

3 шв. Куч-қувват, дармон, мадор; қудрат. *Ҳознинг бир оёғи синган, бир қаноти майиб бўлган, ўқ тегиб ҳолати кетиб, шу ерга йиқилган.* «Алпомиш». *Энди мendan ҳолат*

кетди, бек Шакар. Бу чўлларда энди қолдим хору зор. «Ширин билан Шакар».

ҲОЛ-АҲВОЛ | ҳол + а. احوال — «ҳол» с. нинг кўпл. | Одамнинг руҳий ва жисмоний ҳолати; соғ-саломатлик. *Эшон билан қассоб тиз чўкишди-да, қўлларини фотиҳага очишди. Сўнгра Элмуроддан ҳол-аҳвол сўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЛ(И)-БАҚУДРАТ қ. бақадриҳол. *Ишингни айтавер, ҳол-бақудрат қила берамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ушанда Кўнайсинхон онасига эргашиб, далага чиқар.. ишлаётганларга чой қайнатиб берар, ҳоли-бақудрат пахта терарди.* А. Абдукаримов, Чўл бургути.

ҲОЛБУКИ *зидл. боғл.* Маъноси (мазмунни) бир-бирига қарама-қарши (зид) бўлган қўшма гап таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади; аслида эса, бироқ. *Ўқувчи «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг нима қилаётганини аниқ билиб туради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Гўё биз бир-биримизни кам биладигандай. Ҳолбуки, сиз мени мактабга келган кунимдан биласиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЛВА [а. حلواء — ширинлик; қандолат маҳсулоти] **1** Ун, шакар ва ёғдан, баъзан кунжут, мағиз қўшиб тайёрланган ширинлик, қандолат. *Пашмак ҳолва.* ■ *Арава-арава ун, гуруч, қоп-қоп бодом, ниста, кажаваларда ҳолвалар, қирқ-эллик катта-кичик яшиқда ҳар хил мевалар. Ойбек, Танланган асарлар. Айланиб, уйда қолган жу-жуқларига қанд-курс, ҳолва, пуфак олмақчи бўлди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

2 кўчма Қиёс мазмунли гапларда фикр юритилаётган нарса, иш, воқеа-ҳодисанинг бошқасига (қиёсланаётганига) нисбатан ёмон (ҳеч гап) эмаслиги, ундан дуруст, чидаса бўладиган эканлиги каби маъноларни билдиради. *Ҳали бу-ку ҳолва, қамоқхонадаги — якка камерадаги ёлғизликдан худонинг ўзи асрасин!* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Менинг гуноҳим олдида сизники ҳолва-ку..* «Муштум». *Наманган вилоятига ўтдим. Фарғонадаги машмашалар ҳолва экан.* «Муштум». *Трассадаги шовқин-сурон бунинг олдида ҳолва экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон

Сувдан ҳолва ясамоқ Бўлмайдиган ишга уринмоқ, бекорга уринмоқ. *Мамлакатдан*

чет эл капиталини ситиб чиқармасдан туриб.. халқни қаттиқ оёққа бостириш — сувдан ҳолва ясайман, дейиш билан барабар. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. **Ўғилми, ҳолва?** *эти.* Ўғилми-қизми? — янги туғилган бола ҳақида бериладиган савол (қиз унашилганда, куёв томондан қиз томонга юбориладиган совғаларга ҳолва кўшиб юбориш одат бўлгани учун шундай дейилади). *Ҳасанали ҳам илжайиб, ёнчиқ ковлашга тутинди ва: -Ўғилми, ҳолва? — деб сўради хотинидан. -Ўғил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳолва деган билан оғиз чучимайди** Кунруқ гап билан мақсад амалга ошмайди. *Дарҳақиқат, ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да.. Халқ — оми.. бизнинг маърифат ҳақидаги гапларимиз уларнинг қулоғига киршига унча ишонмайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲОЛВАГАР [а. + ф. حلواغر — ҳолва қилувчи, ҳолвапаз] *айн.* ҳолвачи.

ҲОЛВАЙТАР [а. + ф. حلوائىتر — ҳўл (нам), сувли ҳолва] Доғ қилинган ёққа ун солиб, сал қизаргунча қовуриб, устидан шакар эритилган сув қуйиб тайёрланадиган ширин таом. *Бола чинни товоқда ҳолвайтар кўтариб кирди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *..ҳолвайтардан эҳтиёт бўлинг. Ёғу шакарминан пишганданим, билмадим, иссиқ нарса бўлади.* Газетадан.

ҲОЛВАПАЗ [а. + ф. حلواپاز — ҳолва пиширувчи, тайёрловчи] *айн.* ҳолвачи. *Оғзим чучисин десанг, ҳолвапазнинг ёнига бор.* Мақол.

ҲОЛВАФУРУШ [а. + ф. حلوافروش — ҳолва сотувчи] Ҳолва сотувчи; ҳолвачи. *Бир томонда ҳолвафурушлар бақиршиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, «от нон» сотмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲОЛВАЧИ 1 Ҳолва тайёрловчи уста; ҳолвагар, ҳолвапаз. *Сайш кунларида шаҳардан ҳолвачию шакарпазлар.. аравада бу жойга келишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ҳолва сотувчи; ҳолвафуруш.

Ҳолвачининг тешасидай қ. теша.

ҲОЛ-ЖОН: ҳол(и)-жонига қўймаслик Унамаганига қарамаслик; қўярда-қўймаслик. *Лекин Ўлжаев ёпишган еридан узиб ўрганган, елим қошиқ одам экан, келавериб, ҳол-жонимизга қўймади.. «Муштум».* Рўзивой мени ҳол-жонимга қўймай ўтиргизди-да, ўзи буюфетчининг олдига кетди. «Гулдаста». Унинг

мўлжалига кўра, Сидиқжон яна қасам ичиши, юр, деб қисташи, ҳол-жонига қўймаслиги керак эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲОЛСИЗ Ҳолдан кетган, мадори қуриган; дармонсиз, заиф. *Арча сандиқ ёнидаги намат устида ҳолсиз чўзилиб ётган бу одамнинг юз-кўзидан уст-боши қандай — биллиб бўлмас.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Йигитали ҳолсиз оёқларини судраб, эмаклаётгандай, яна олдинга интилди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ҲОЛСИЗЛАНМОҚ Мадори қуримоқ, ҳолдан кетмоқ; дармонсизланмоқ, заифлашмоқ. *Пошша хола ҳолсизлангандай, стулга ўзини ташлаб ўтириб олди.* Д. Нурий, Осмон устун. *..йигитча қорларни фарч-гурч босиб келди-да, сувдаги киши қўлидан ҳолсизланиб, қолган қизни олди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Қусиб чарчаган Кумуш ҳолсизланиб, бошини ёстиққа ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОЛСИЗЛИК Куч-мадори йўқ, ҳолсиз ҳолат. *Ранги оқарган, ҳолсизликдан кўзларини юмиб ётган бу аёл Набижоннинг хаёлида аллақачон ўрнидан турган.. у билан бошлашиб юрарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Йигиталининг бутун вужудини тер босган, ҳолсизликдан гандираклаб, қалин буталар орасидан кетаётганини биларди, холос.* Д. Нурий, Осмон устун.

ҲОЛ-ҚУДРАТ *айн.* бақадриҳол, баҳоли қудрат. -*Оббо, ношукур бандалар-эй, шунча неъматни [дастурхонга] тўкиб ташлади-ю, яна солигани нимаси? Ҳамма нарса ҳол-қудратга қараб-да!.. — деди Хўжаназар ака Моҳидилга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Қирда лўлилар қишлоғи бунёдга келди. Ҳар бир оила ҳол-қудрат уй қуриб олди.* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

ҲОМИЗ [а. حامض — аччиқ, нордон; кислота]; **ҳомизи қорбун** *эск.* Карбон гази; карбонат ангидрид.

ҲОМИЙ [а. حامى — ҳимоя қилувчи] **1** Қўллаб-қувватлаб, тарафини олувчи; ёрдам берувчи, ҳимоя қилувчи шахс. *Шариат ҳомийси. Миллат ҳомийси.* ■ *Исломуҳежа юртнинг бойлари, пулдорлари.. ўртасида кундан-кунга обрў қозониб, уларнинг ҳомийсига айлана борди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мирзо Улуғбек.. биргина илмнинг эмас, балки санъатнинг ҳам ҳомийси эди.* К. Яшин,

Ҳамза. *Участканинг қаҳрамонини эшакка ўтқазиб, кеча келган ўғри-безорилар ҳомийсини мансабга кўтарибсиз.* А. Мухтор, Тугилиш.

2 иқт. Бирон тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи жисмоний ёки юридик шахс.

ҲОМИЙЛИК I Ҳимоя этиш, тарафини олиш; ёрдам бериш; қўллаб-қувватлаш. *Косонда.. техникага меҳр-муҳаббати, эътиқоди зўр хотин-қизлар оз эмас. Аммо уларга ҳомийлик этишмайётир.* Газетадан.

2 Бирон тадбир ёки фаолиятни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам.

Ҳомийлик қилмоқ 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ, тарафини олмоқ; ҳомий бўлмоқ (қ. **ҳомий I**, **ҳомийлик I**). - *Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир, - деди қалтираб, бўзариб, мунофиқлардан бири.* Ойбек, Нур қилириб; 2) молиявий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқламоқ, ёрдам бермоқ; ҳомий бўлмоқ (қ. **ҳомий 2**, **ҳомийлик 2**). *Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган. одам эзуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбинига қулоқ сол.

ҲОМИЙСИЗ Ҳимоя этувчиси, тарафдорни йўқ, ҳимоясиз; ёрдам берувчиси йўқ, ёлғиз. *Ота-онадан етим, ҳомийсиз қолгани етмагандек, мусофир юрда у мафосил касалига мубтало бўлиб қолди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ҲОМИЛА |а. *حاملة* - иккиқат хотин| Она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бонилаб туғилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). *Ҳомиланинг мўъжизали ривожланиш жараёни биологлар олдига турган энг мураккаб муаммолардан биридир.* «Фан ва турмуш». Алдомиш кетган вақтда Барчиннинг бўйида ҳомила, гумона қолган эди. «Алдомиш». *Бобур.. ҳомиланинг неча ойлик бўлганини билгиси келди, аммо рўйирост сўрашга тили бормай, гани айлантирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲОМИЛАДОР |а. + ф. *حامله دار* - ҳомиласи бор| Қорнида ҳомиласи бор; иккиқат. *Гулнор бирдан чўчиб кетди, қорнида бир ниманинг анча сезиларли равишда урганини*

туйди.. Дарров англади - у ҳомиладор! Ойбек. Танланган асарлар.

ҲОМИЛАДОРЛИК Қорнида ҳомиласи бор ҳолат; уруғланган тухум ҳужайранинг она организмда ривожланиб, етук ҳомиллага айланишидан иборат физиологик жараён. *Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшикдан кирарди-ю, Валини маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўпчилатиб ўпарди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарада.

ҲОМИЛАЛИ айн. **ҳомиладор.**

ҲОМУЗА |ф. *خمیازه* - бир оз тортиш; эснаш, эсноқ|; **ҳомуза тортмоқ** айн. **ҳамёза тортмоқ** қ. **ҳамёза.** *Болалар бирин-кетин ҳомуза тортиб, ўринларидан эринчоқлик билан туришди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ҲОПИТМОҚ шв. Чўмилмоқ.

ҲОРДИҚ I Иш-меҳнат, ҳаракат қилиб чарчаган, толган ҳолат; ҳорғинлик, чарчоқ. *Мулозим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордиқни сўзургандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боларнинг «заказ»ини бажаришга кетган дам олиш соатларининг ҳордиғи бирваракай ёзилгандай, кўкрагини тўлдириб нафас олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Эркин меҳнат қўшиқларининг басталаб, Яхшилаб чал, ҳордиқларини тўкайин.* Файратий.

Ҳордиқдан чиқмоқ айн. **ҳордиғи чиқмоқ** 2. *У ўшанда яна бир ҳордиқдан чиқди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Шунча коммунистларнинг бошини кестириб ҳордиқдан чиқмаган Ёдрий афанди энди менинг ҳам бошимни мўлжалга аляпти.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Ҳордиғи чиқмоқ** 1) чарчоғи ёзилмоқ, тарқалмоқ; шу тарзда дам олмоқ. *Келинг, қизим, қўлингизни ювинг. Жиндак наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) алами тарқамоқ, кўнгли жойига тушмоқ. *Ҳозир кенгаш чақириб қўймаганида, жиянининг таъзирини бериб, ҳордиғи чиққан бўларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Дам олиш; дам. *Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон..* Ҳ. Олимжон. *Отақўзининг раис бўлганига йигирма йилдан ошди. Йигирма йил ҳордиқ нима, ҳузур-ҳаловат нима - билмайди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Тушлик ўтиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин, касалхона гавжум бўлиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Тонг ғира-ширасида ухлаб, ҳордиқ олган аравакаш отларни сугориб, аваларга қўшди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 с. т. Дам олиш кунни. У ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходмигарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди. А. Қаҳҳор, Мирзо.

Ҳордиқ кунни айн. ҳордиқ 3. *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида] картина кўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҲОРДИҚХОНА с. т. Ишдан сўнг кириб дам олинадиган махсус бино, хона. [Улар] Клубда яқинда ташкил қилинган ҳордиқхонага кириб, музика эшитишди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

ҲОРИБ-ТОЛИБ Чарчаб, толиқиб. Узоқ пиёда сафардан ҳориб-толиб келган киши ҳолатида эшикка қараб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шоввозлар, яқинлашиб қолдик, бардам бўлинглар, — деди Пирнафас ака. Яна ҳориб-толиб қадам ташлашарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲОРИБ-ЧАРЧАБ айн. ҳориб-толиб. [Икромжон] Ҳориб-чарчаб, чодирни олдида якка ўзи чой ичиб ўтирарди. С. Аҳмад, Уфқ.

ҲОРИМОҚ Иш, меҳнат қилиб толиқмоқ; чарчамоқ. *Озиқли от ҳоримас.* Мақол. ■ *Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлғудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бош муҳаррир анчайин ҳориган кўринар, лекин сир бой бермай, ўзини тетик тутишга ҳаракат қиларди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

ҲОРМА(НГ) унд. с. Ишлаётган ёки ишлаб келган (ишдан чиққан) кишидан ҳол сўраш, унга мадад тилашни билдиради (жавоби — **бор бўл(инг)**). — *Ҳорманг энди, отам! — деди аёл, қотма узун қўллари билан Элмуроднинг елкаларидан силаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Ҳорма, йигит, ўтир-чи, — Йўлчига бошдан-оёқ тикилиб деди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. — *Ҳорма — бор бўл»дан кейин Жўра қамчисини токчага ташлади-да, ўтга келиб исинди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲОРМОҚ айн. **ҳоримок**, — *Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лекин тоза кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди, — деди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲОРҒИН Ҳориган, чарчаган ҳолатли; шундай ҳолатни ифодаловчи. *Ғамгин ва ҳорғин Абдулвоҳид боғдан астагина чиқди.* Ойбек, Нур қидириб. *Шунданми ёки чар-*

чоқнинг зўриданми, Ҳотам ҳорғин ҳаёл суриб келарди. М. Ҳазратқулов, Журъат. *Муаттар эрининг ҳорғин юзига тикилди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ниҳоят, Сардорнинг ҳорғин овози эшитилди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ҲОРҒИНЛИК Ҳориган, чарчаган ҳолат; ҳорғин эканлик. *Йигитали вужудини чарчоқ, ҳорғинлик қоплай бошлади, ўзини кўрпачага ташлади.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Кўк чой ичиб, Эркиннинг ҳорғинлиги чекиниб, вужуди бардамлашди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Ўринга ётганда, тезроқ тонг отишини кутиб, ҳорғинлигига қарамай, уйқуси ўчди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОСИД |*ا. حاسد* — ҳасад қилувчи, бад-хоҳ| эск. кт. Ҳасад қилувчи; ҳасадчи, бахил. *Даричалари ёпиқ машқхонанинг ичи ҳосидлар юрагидек қоп-қоронғи, даромад ҳам ёпилгандан сўнг, уй гўё лаҳад тусига кирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲОСИЛ |*а. حاصل* — натижа, оқибат; якун, самара; мазмун, моҳият| 1 Экин, дарахт кабилардан етиштириладиган, олинадиган дон, сабзавот ва ш.к. *Халқим етиштирган ҳосил чўғига Баланд тоғлар ҳайрон қараб турибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *..тарвузнинг энг қимматли навлари экилиб, мўл ҳосил олинди.* Газетадан. *Самарқанд атрофидаги боғларда мевали дарахтларнинг шохлари, етилган ҳосилдан эгилиб, ерга салом беради.* «Саодат». *Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари тала сифатига алоҳида эътибор берилади.* Газетадан.

Ишонч ҳосил қилмоқ қ. ишонч. **Мурод ҳосил бўлмоқ** Мақсад амалга ошмоқ, орзу ушалмоқ. *Бу билан мурод ҳосил бўлмайди: каттароқ миқёсдаги ишни ўйлаш керак.* К. Яшин, Ҳамза. *Сен йўлиқиб ҳосил бўлди муродим.* «Нурали». **Қаноат ҳосил қилмоқ қ. қаноат.** **Ҳосил бўлмоқ** Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Тўғон битиб, жар ўрнига катта кўл ҳосил бўлди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина. *Реакторда ҳосил бўладиган иссиқликни чиқариб ташлаш учун икки контурли система қўлланади.* «Фан ва турмуш». *Ёш йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севги тобора чуқурлаша берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ҳосилга кирмоқ** Ҳосил бера бошламоқ (асосан мева, мевали дарахт ҳақида). *Ҳовлиларда ҳосилга кирган нок, олмалар кўзга ташланади.* «Ўзбекистон кўриклари».

2 Ҳосил (эркаклар исми).

ҲОСИЛА [а. حاصله — натижа, оқибат; самара] 1 Бирор иш, амал, ҳаракат ёки нарсадан келиб чиққан, келтириб чиқарилган, ҳосил қилинган натижа, нарса. *Гарчанд, инсон онзи, тафаккури моддий олам ҳосиласи эса-да.. «ЎТА».*

2 *мат.* Дифференциал ҳисобда: функциянинг ўзгариш тезлигини ифодаловчи асосий тушунча.

3 Ҳосила (хотин-қизлар исми).

ҲОСИЛДОР [а. + ф. حاصلدار — ҳосили бор, ҳосилга эга] Кўп ҳосил берадиган; серҳосил, унумдор. *Беш туп ҳосилдор тутни қирқтириб, Хўжаободда турувчи онасига саржин қилиб берди. «Муштум». Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуруллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ҲОСИЛДОРЛИК 1 Ўсимлик (экин) ёки ернинг ҳосил етказиш, ҳосил бериш имконияти, хусусияти, ҳолати. *Пахта ҳосилдорлигини оширмақ. ■ Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда микроэлементларнинг ҳам роли катта. Газетадан.*

2 Муайян ҳажмдаги ердан олинадиган ҳосилнинг миқдори. *Ҳосилдорлик гектаридан 40 центнерга етказилди. ■ Пахта ҳосили 20 центнердан 30 центнергача етди. Бу — ҳосилдорликнинг ортиши. Ялли ҳосилчи? «Ўзбекистон кўриқлари».*

ҲОСИЛЛИ Ҳосил берадиган. *Ҳосилли боғ. ■ Умаралининг бригадаси юқори ҳосилли бригада ҳисобланади. И. Раҳим, Ихлос.*

ҲОСИЛОТ [а. حاصلات — «ҳосил» с. нинг кўпл.] эск. айн. **ҳосил** 1. *Кўрдингиз-ку, қанча ерга экин экканман.. Ҳар йил хўжайинга арава-арава ҳосилот бераман. Ойбек, Танланган асарлар. Биз топширган ҳосилот Сизга ширин ош бўлсин. З. Диёр.*

Ҳосилот совети (ёки кенгаши) *тар.* Колхозларда деҳқончилик ҳосилини ошириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида тажрибакор деҳқонлардан тузилган ҳайъат. *Колхоз правлениеси Урмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси қилиб тайинлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

2 *тар. с. т.* Ҳосилот кенгашининг раиси. *У [Пирназар] узоқ йиллар колхозда раҳбарлик ўринларида ишлаган, бригадир бўлган,*

ҳосилот бўлган, беш-олти йил раислик ҳам қилган. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

ҲОСИЛОТЛИК *тар.* Ҳосилот вазифаси (қ. **ҳосилот** 2). *У.. правление шундай одамни ҳосилотликдан олиб, чорвачилик фермасига қўйганлиги ва унинг ўрнига пахтани фақат китобда кўрган Иброҳимовни тайинлагани чакки бўлганлиги тўғрисида гапирди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

ҲОСИЛОТХОНА [ҳосилот + хона] *тар.* Ерларнинг тупроқлари таркибини текшириш, ердан олинган ҳосил, ўсимлик намуналарини сақлаш учун қилинган лаборатория ва унинг биноси.

ҲОСИЛСИЗ Ҳосил бермайдиган ёки камҳосил. *Ҳосилсиз ер. Ҳосилсиз дарахт.*

ҲОТАМ [а. حاتم — киши номи] 1 айн. **ҳотамтой**. *У.. вақти келса қаттиққўл, вақтида сахий, одамохун ва хотам киши эди. Ф. Фулом, Қаҳрамонлар ўлмади. Катталикни билмас бир яхши одам, Сахийликда йўлда қолибди хотам. Фозил Йўлдош ўғли.*

2 Ҳотам (эркаклар исми).

ҲОТАМЛИК айн. **ҳотамтойлик**. *Унинг хотамлиги тутиб кетди. ■ У бу нотаниш йигитнинг хотамлигидан ҳауда ҳайратда эди. Ф. Насриддинов, Кўнгил.*

ҲОТАМТОЙ [а. حاتمطائي — тойлик (той қабиласидан бўлган) Ҳотам] Сахий, саховатли, олийжаноб (Той шаҳрида яшаб ўтган, ўзининг ўта сахийлиги билан машҳур бўлган Ҳотам номи афсонавий арабнинг исми-лақабидан). *Одамларинг бир кун давлатга, олти кун ўзига терсин бошоқни. Йигитали хотамтойнинг даврида давронни сурсин. Т. Малик, Ажаб дунё. Бу ердагилар эса ўзларини «тантӣ», балки «ҳотамтой» деб ҳисоблар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲОТАМТОЙЛИК Ҳотамтойга хос иш, хислат, фазилат; хотамтой эканлик. *Чарчининг.. хотамтойлиги қассобни ғижинтирди, кўзлари олайиб кетди унинг. А. Муқимов, Фалати одамлар. У Миробиднинг топши-тутишини, хотамтойлигини, тантилигини оғиз кўпиртириб мақтарди, В. Ғофуров, Вафодор.*

ҲОФИЗ [а. حافظ — сақловчи, муҳофаза қилувчи; ёдла сақловчи; қуръонни ёдлаб олган киши] Уста, етук ашулачи. *Халқ ҳофиз. ■ Ногоҳ жимжит ва қизгин ҳавони янграиб, ҳофизнинг таъсирли овози кўта-*

рилди.. Ойбек, Танланган асарлар. *Олим илми билан ҳурмат топура, ҳофиз хуш овози билан одамларнинг дилини хуш қилур, ҳунарманд эса кишиларнинг ҳождатини чиқарур..* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Ҳофиз йигит ҳали ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда бўлса-да, овози ширали, юракларни сел қилиб, тингловчини ерга қаратиб қўярди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ХОФИЗА [а. حافظه — хотира; эсда сақлаш қуввати] Эсда сақлаш қобилияти (қ. хотира 1). *Сенинг ҳофизанг кучли. — Зокир ота ҳозир ҳам тетик ва бардам, ҳофизаси бақувват, гани ва қиёфасидан кулги аримайди. М. Қодиров, Ҳажв, ханда ва қаҳқаҳа усталари. Муқимий ҳофизаси яхши ва сермахсул шоирлардан эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Кошки эди сиздаги ҳофиза қувватининг ўндан бири менда бўлса! М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

ҲОШИЯ [а. حاشيه — бирор нарсанинг чети, айланаси, зиҳи; китоб, дафтар четидagi ёзувлар, изоҳлар] 1 Кийим, мато ва ш. к. нинг айланаси, чети. *Белида ҳошиясига газал битилган қийиқ, оёғида қўнжи тор ағдарма этик.. К. Яшин, Ҳамза. Мен кетдим, деб.. ҳошиялари титилган қалин портфели қўлтиқлаганча. хонадан чиқди. С. Кароматов, Олтин қум. Қамчи янги қизил тўн кийган. Ҳошиясига алақандай живир-живир гул нақшланган бу тўн унинг даст бўйига, қотма гавдасига жуда ярашиб тушибди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

2 Кийим, мато кабиларнинг четига, айланасига тортилган, солинган нарса (лента, нақш ва ш.к.). *Уларнинг кўзлари Пўлатжоннинг кўкрагидаги орден, медаллар, елкасидаги погон, енидаги ялтираган.. сариқ ва ҳаворанг ҳошияларда эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Оқ тунука парчаси текис қилиб қирқилган.. атрофларига усталик билан болганинг учидан нозик жимжима ҳошия солинган эди. И. Раҳим, Ихлос. Чеккасига қора ҳошия тutilган байроқ олдинда хомушлик билан силкиниб, ҳилтираб борарди. С. Зуннунова, Гулхан.*

3 Китоб ёки дафтар варағи атрофидаги хат ёзилмай очиқ қолдирилган қисм. *..кўксини ўртаётган ўкинч, алам, ҳақорат патқаламни бир дам тўхтамайди, варақнинг икки бети ҳошиялари ажи-бужи майда ҳарфлар билан тўлаверади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

4 тар. Араб тили грамматикасидан мадраса талабалари учун тузилган қўлланма (лексик ва грамматик хусусиятларга доир изоҳлар мажмуи). *Соҳиб ўғли.. мадрасада «Ҳошия»гача ўқиган, янги усулда таълим-тарбия курсини тугатган. Газетадан. Уларнинг [толиби илмларнинг] қай бири «Қофия»да, қай бири «Ҳошия»да, қай бири «Шамсия»да. Ойбек, Навоий.*

5 Ҳошия (хотин-қизлар исми).

ҲОШИЯЛАМОҚ 1 Бирор нарсанинг четида ҳошия ҳосил этмоқ; ҳошия ажратмоқ. *Гўламни ҳошияламоқ. Дафтарни ҳошияламоқ.*

2 Ҳошия қадамоқ, ўтказмоқ, туширмоқ. *Байроқни ҳошияламоқ.*

ҲОШИЯЛИ Ҳошиясин бор, ҳошия чиқарилган. *Ҳошияли газмол. Ҳошияли дафтар. Ҳошияли байроқ. — Оддий кўкракбурма ҳаворанг батис кўйлақдаги, бошига яшил ҳошияли оқ шоҳи дурра тангиган.. Ойниса.. Хондайлик қишлоғидан. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Пиёзи чакмонининг барини тақмига қисиб, қора бахмал ҳошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йигит баланд паҳсадан осилиб тушган беҳи шоҳига қараб борар эди, М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ҲОШО [а. حاشا — бошқа, -дан ташқари, -дан бошқа, мустасно қилганда] эск. кт. *Худо сақласин, худо ҳақи; асло. Ҳошо, бу гапни мен айтганим йўқ. — Талоқ хати ёзгувчи Отабек эмасми? -Ҳошо.. Отабек мундай гаплардан хабарсиз. Унинг отидан талоқ хати ёзган ҳам шу бадбахт Ҳомид. А. Қолирий, Ўтган кунлар.*

ҲО-ҲО айн. ҳо 1. [Жамила:] *Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо, мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ҲУ 1 айн. ҳов 1. *Ҳу, қорайиб кўринган нима? Ҳу, дарёда чўмилганларимиз эсингда борми? Ҳу анави кунги гап нима бўлди? — Ҳу ана у ерга идора, клуб тушади. Мана бу тўқайнинг ўрни боғ бўлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ҳу бир вақтда юборган ҳикоям энди чиқибди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ҲУ 2 унд. с. Қарғиш, сўкиш ифодаловчи сўз-иборалар билан бирга қўлланиб, кучли қаҳр, газаб, нафрат ҳис-туйғусини билдиради. *Ҳу, ер ютсин сени! — Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз*

девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди: -Ху, ўл, турқинг қурсин! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ХУ III унд. с. дин. Илоҳий кучга ёрдам сўраб мурожаат қилганда айтиладиган нидо. *Ҳасан «ҳақ!» деб, «ху!» деди, Фирқўж отини чу деди.* «Равшан». Бу мудҳиш, машъум базмга ҳалиги ялмоғиз фолбиннинг хаста овоз билан вайсаши кўшилди: -Ё султон! Ё чилтан! Ху, ху, ху! Ойбек, Танланган асарлар.

ХУ IV тақл. с. Кумри, гуррак каби кушларнинг сайрашидаги товушни билдиради. *Мусича, гурраклар гуруллаб, ху тортиб.. боққа оройиш бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди.* «Равшан».

ХУББУЛМАЛИК [а. *حب الملوك* - шоҳлар уруғи, донаси] эск. Бир нав сурги дори (эски табобатда қўлланган).

ХУВ I айн. ҳов I. *Хув анави катта иморат олдида автобуслар тўхтайдди.* ■ *Хув оқ ерни қирқ йил эдим даҳякка.* Ғ. Ғулом. *Хув ана икки пақир, Қани, дарров олингиз.* Қ. Муҳаммадий.

ХУВ II унд. с. I айн. ху II. *Хув, кўзингни ел есин, бир даста парингни Ёқут опангдан аяйсанми, буларни мен ёвга олиб бораманми?* Ғ. Ғулом, Соялар.

2 (одатда, хотин-қизлар нутқида) Кимсанинг чақирғига жавоб сифатида қўлланади. -*Салимахон, ҳо Салимахон!* -Хув, келаверинг.

ХУВ III айн. ху III. *Назари чўлга тушди, Хув, дея йўлга тушди.* Ҳ. Олимжон. *Қорахон подшо.. пайти саҳар, хув, деб шаҳардан чиқиб кетди.* «Эрали билан Шерали».

ХУВ IV: хув этмоқ айн. хувулламоқ II. -У кетди-ю, уйимиз хув этиб бўшади-қолди, кўнглимизга ғам-ҳижрон чўкди, - деди Зумрад ўртоғига. Ойбек, Улуғ йўл.

ХУВАЙДО [ф. *هویدا* - очик-ошкор, равшан, аниқ кўриниб турадиган] **I эск. кт.** Аниқ кўриниб турадиган; аниқ; равшан. *Сени, болалигим, мен кўрдим боя Баҳор дийдориди равшан - хувайдо.* Миртемир.

2 Хувайдо (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

ХУВУЛЛАМОҚ I Майин овоз чиқариб эсмоқ (совуқ шамол, изғирин ҳақида). *Шамол, ўчакишгандек, хувуллаганча дақиқа сайин кучаяр.. ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди.* С. Кароматов, Олтин кум. Кейин

хувуллаб, боягидан кучлироқ шамол эсиб ўтди. М. Мансуров, Ёмби.

ХУВУЛЛАМОҚ II Кимсасиз, бўм-бўш ҳолатда бўлмоқ. У [Самандаров] кетгандан кейин, худди бутун ҳовлини тўлдириб, хандон-хушон суҳбат қилиб ўтирган бир таллай меҳмон бирдан чиқиб кетгандай, ҳовли хувуллаб қолди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кўчалар алланечук хувуллаган. Босилмаган қор отларнинг тиззасига чиқади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Маҳкам ака эшикдан кирибоқ икки катта ўғлининг ўрни хувуллаб турганини пайқади.* Ғ. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ҳозир хувуллаб турган чўл уни ютаман деяётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХУВУЛЛАТМОҚ **Хувулламоқ II** фл. орт. н. *Буви си бўлса, буларникида бир ҳафта аза тутди-ю, уйни хувуллашиб, қариндошлар қатори жўнаб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ХУВ-ХУВ **Хув III с.** нинг тақр. *Қалан-дарлар анчагина йиғилиб қолган ҳалойиқнинг олдида саф бойладилар. Ҳаммалари узун-қисқа ҳассаларига таяниб, «хув-хув» деб, тибраниб турар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ХУВХУВЛАМОҚ «Хув-хув» деган овоз чиқариб сайрамоқ (кумри, гуррак каби кушлар ҳақида).

ХУДА-БЕХУДА(ГА) [ф. *هویدا* - фойдали-фойдасиз, керакли-кераксиз] Бекордан-бекорга, керак бўлса-бўлмаса; ўринсиз. *Тошев келгандан бери Маҳкам деканатга ҳуда-беҳуда киришдан жуда тортинарди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Кўшнилари дан ташвишланманг.. ҳуда-беҳуда шовқин қилиша бермайди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Ҳуда-беҳудага ўзингни койитма..* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ХУДАЙЧИ тар. Хон ва амирнинг ҳузурига иш ва арз билан келганлар ҳақида хон, амирга хабар берувчи ва хон, амирнинг жавобини уларга етказувчи амалдор. *Анвар, ҳудайчи учун ажратган аризаларни қўлига олиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қарсак товушига ҳудайчи кирди. -Келтир! - деди хон унга ияк қоқиб. Ҳудайчи лип этиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

ХУДУД [а. *حدود* - «ҳадд» с. нинг кўпл. - чегаралар] кт. **I** Чегара, ҳад. *Худуддан ўтганда фашист - олоқ ёв, Ободон шаҳарлар*

ёганда лов-лов.. Шуҳрат, Сенинг севгинг. Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг ҳудудидан турардик.. С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Маълум чек-чегарасига эга бўлган, шундай чегара билан ўралган (ажралган) ер; маълум давлат, вилоят ва ш. к. га тегишли бўлган ер, майдон. *Туманимиз ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлар.*

ҲУДУДСИЗ *кт.* Чек-чегараси йўқ; чексиз, поёнсиз. *Бектемир ҳозир ўзини бутун борлиғи билан ўз қишлоғида, кенг дала, ҳудудсиз қирларда кўради. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳудудсиз осмон остида, сариқ қумлар, юлғунзор орасида танҳо ҳаёл суриб ўтиришни тусаб қоларди. С. Сиёев, Аваз.*

ҲУДҲУД [*а.* **هدد** — попишак; сассиқ-попишак] *шв.* Попишак. *Нурга чўмган бир водийда кенгаш қуриб ўтирган тўти, ҳуд-худ, қумри, товус, булбул, лочин ва бошқа паррандалар Семурғ қушини ўзларига бошлиқ қилиб олишга қарор қилиб, уни топиб келтириш учун парвоз қиладилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.*

ҲУЖАЙРА [*а.* **حجيره** — кичкина ҳона, ҳужрача; катакча] *биол.* Ўсимлик ва ҳайвон организмнинг тақомиллашиши, тузилиши ва яшаш жараёнларининг асоси бўлган элементар тирик система (Моддалар алмашинувида иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва доимо янгиланиб туриши ҳужайранинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади). *Ҳужайра девори. Ҳужайра маркази. Ҳужайра назарияси.* ■ *Олимларнинг яқдиллик билан айтишларича, марказий нерв системаси ниҳоятда нозик нерв ҳужайраларидан иборат. «Саодат».*

ҲУЖАЙРАВИЙ [*а.* **حجيره‌وى** — ҳужайрага онд; ҳужайрадан иборат] Ҳужайраларга хос, ҳужайралардан таркиб топган. *Организмларнинг ҳужайравий тузилиши.* ■ *19-асрнинг 30-йиллари охирида ўсимликларнинг деярли барча органлари ҳужайравий тузилишга эга эканлиги аниқланди.. «ЎЗМЭ».*

ҲУЖАЙРАЛИ Ҳужайраси бор, ҳужайралардан иборат. *Бир ҳужайрали микроблар. Кўп ҳужайрали организмлар.*

ҲУЖЖАТ [*а.* **حجت** — далил, исбот; сабаб, баҳона] **1** Кимсанинг кимлигини (шахсиятини), машғулотини, бирор ташкилотга аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома (паспорт, гувоҳнома, талабалик билети, аъзо-

лик билети ва ш. к.). *Эркак киши ичкарига кирди ва соат чўнтагидан ҳужжатини олиб кўрсатди. Ў. Умарбеков. Ёз ёмғири. Муҳиддиннинг ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлагани, агрономия мактабида ўқигани ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, бир чеккага суриб қўйди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Инспектор ҳужжатларимни синчиклаб текширди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Бирор иш-фаолият ёки нарсага ҳақ-ҳуқуқ ва ш.к. ни кўрсатувчи, тасдиқловчи иш қоғози. *Эрталаб бориб, жўнаш учун керакли ҳужжатларни олди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Қумқишлоққа ишга борасиз. Мен ҳужжат ёзиб бераман. Ҳ. Фулом, Машъал. Ҳўжабеков — раис, Саидғози — унинг қўл остида юрган кичик бир одам.. барча ҳужжатларда Ҳўжабековнинг қўли. С. Анорбоев, Оқсой. Улар савдо-сотиқ ҳужжатини расмийлаштиргач, ҳақиқий зиёфат бошланиб кетди. К. Яшин, Ҳамза.*

3 Илмий, ижтимоий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ёзувлар, суратлар, асар ёки адабиётлар. *Ўрхун-Енисей ёзувлари энг қимматли тарихий ҳужжатлардир.* ■ *Умид келибоқ.. профессорнинг мақоласини ёзишга киришиб кетди. Китоблар титди, газеталарда босилган ҳужжатларни ўқиб чиқди. Мирмуҳсин, Умид. Ҳозир шахримизда ана шу муҳим ҳужжат катта қизиқиш билан муҳокама этилмоқда. Газетадан.*

ҲУЖЖАТЛАМОҚ *эск.* Ҳужжат билан (ҳужжат қилиб) расмийлаштирмақ (мол-мулк ва ш. к. ни). *Тўғри, бой отам мол-мулкни ҳужжатлаб беришдан бош тортгандан кейин, Салим ғазабланди, болалик қилиб вақиллади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲУЖЖАТЛАШТИРМОҚ Ҳужжатлар билан асосламақ, ҳужжатли ҳолга келтирмақ. *Тураржойни ҳужжатлаштирмақ.*

ҲУЖЖАТЛИ 1 Ҳужжати бор, ҳужжатга эга бўлган. *Ҳужжатли шахсий автомобиль. Ҳужжатли ҳовли.*

2 Маълум ҳужжатларга, ҳақиқий воқеаларга асосланган; воқеий. *Ҳужжатли фильм.* ■ *Ўзбекистонда биринчи ҳужжатли фильмни Худойберган Девонов суратга олган. «ЎЗМЭ». Ҳужжатли қиссанинг ёзилишига устозларнинг сунмас хотираси ундади. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

ҲУЖЖАТЧИ *с. т. 1* Ҳужжат(лар)ни тайёрловчи, расмийлаштирувчи.

2 Хужжат(лар) асосида фильм, асар ва ш. к. лар устида ишловчи. *Буталантли фильм Ўзбекистон кино хужжатчиларини ўз ижодларига янгича назар билан, атрофимизда юз бераётган воқеаларга чуқурроқ ёндашишга даъват этди.* Газетадан.

ХУЖЖАТЧИЛИК 1 Хужжат ишлари.

2 Бирор нарсани хужжат билан асослаш, хужжатлар билан иш олиб бориш. *Кейинги вақтларда драматургияда хужжатчилик анча кенг расм бўлди.* Газетадан.

ХУЖРА [a. حجره — хона, бўлма; каюта] 1 Киши яшайдиган кичкина хона, уйча. *Равно шу сўзни айтиб, орқасига қайта берди, эшикни боягича ёпиб, хужрадан йироқлашди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Чўлда мен ўзимга кичкинагина хужра қуриб олганман. «Ўзбекистон қуриқлари». Давлатёр қайтди.* Элмурод чий тўсиқлик айвон олди-дан аста одимлаб, ўз хужрасига ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 тар. Мадраса, қорихона ва масжидда шоғирдлар, домулаллар яшаши учун ажратилган кичик хона(лар). *Бу хужраларнинг кўпчилиги бир эшикли ва олди равоқли бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зиё ҳам ўша бир эшикдан кирарди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Мадраса хужраси сочади зиё, Асрлар қаърига зулматни қувиб.* А. Шер.

ХУЖРАБАЗМ [хужра + базм] Уй ичи, хона(хужра)да бўладиган ўйин-кулги, базм. *Машшоқлар чоғуларни қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта уйин ҳавоси эмас, ширин, майин хужрабазм садоси оқа кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХУЖРАДОР [a. + ф. حجرهدار — хужра эгаси] тар. Хужра эгаси, хужраларни бошқарувчи (қ. хужра 2). *—Тўхтанг, — деб шомнинг сўзини бўлди янги хужрадор, — мен «мақбуз» деган гапни тушунмадим. Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз.* С. Айний, Куллар.

ХУЖРАДОШ тар. Бир хужрада турувчи шахс (бири иккинчисига нисбатан; қ. хужра 2). *Мадрасанинг катта мударриси мени бир қирғиз хатмкардага хужрадош қилиб қўйди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ХУЖУМ [a. هجوم — ҳамла, тажовуз, босқин; касалик хуружи] 1 Эгаллаш, йўқ қилиш, қайтариш ва ш. к. мақсадда ҳаракат қилиш; шундай мақсаддаги ҳаракат, ури-

ниш; ҳамла. *Аёллар тош, ғишт парчаларини кўтариб, эшик ва деразаларга хужум қила кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу пайт қўққисдан иккинчи бургут ҳам хужумга ўтди. Оқсоқ тўнғизча анчагача чийллаб турди, сўнг овози тинди. «Фан ва турмуш». Раҳим итининг олгирлиги, қўй подасини қандай қилиб бўрининг хужумидан қутқаргани ҳақида мақтана кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 ҳарб. Бирор ҳудудни забт этиш, душманни йўқ қилиш учун техника ва ш. к. билан ҳаракат қилиш, ташланиш. *Хужумга ўтмоқ. Душман хужумини қайтармоқ. Ҳаво хужуми. ■ Бомбардимончиларнинг хужуми ўн беш минут давом этди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Душман қанчалик гангитилса.. хужумнинг муваффақияти шунчалик муқаррар бўлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Урмон яқинида шох-шабба билан яширилган иккита душман танки хужумга шай турганлиги ҳақида хабар келтиришди.* Газетадан.

3 спорт. Қарама-қарши томонли спорт ўйинларида рақибнинг ҳимоясини енгиш, ҳимоя нуқтасини ишғол этиш учун ташланиш ҳаракати. *Кетма-кет бўлган хужумлар ўз натижасини берди: футболчиларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз икки тўп киритдилар. Боксда хужум билан бирга ҳимояни ҳам эсдан чиқармаслик керак. ■ Унинг рақибни шохни хужумдан мудоффа қилиш учун узоқ ўйланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 кўчма Танбеҳ, ҳақорат қилиш, сўкиш ва ш. к. билан кимсага ташланиш; ҳамла. *Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ, чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатиқ билан хужум бошлайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шунинг учун Убайдулла ака ҳар бир масалада куёвининг ёнини олар, хотини сал ғиний бошласа, дарҳол хужумга ўтарди.* Ҳ. Усмонов, Сирли соҳил.

5 кўчма Бирор катта иш ёки тадбирни амалга оширишга қаратилган умумхалқ ҳаракати. *Саводсизликка қарши хужум. Паранжига қарши хужум. ■ Машиналар ишлаётган жойда чўлга қудратли хужум бошланганлиги сезилиб турибди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ХУЖУМКОР [a. + ф. هجومكار — хужум қилувчи] 1 Хужум қилувчи, хужум билан ҳаракатланувчи (хужум — тўғри ва кўчма

маънода). *Хуррамов бўлинмаси ҳужумкор группалар билан душманнинг ўқ олмас жойларини портлатиши керак эди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Ҳужумкорлар қанча кўнайса, чўл шунча тез чекинади.* Газетадан. *Душман жанг билан чекинар, лекин бирон маррада ҳужумкорларимизни тўхта-тиб қолишдан ожиз эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳужумга асосланган, ҳужум билан характерланувчи (иш-фаолият кабилар ҳақида). *Командалар ўтган давр мобайнида кўпгина қизқарли, ҳужумкор футбол ўйини ни намойиш қилиб, мухлислар қалбига олам-олам қувонч бағишладилар.* Газетадан.

ҲУЖУМКОРЛИК Ҳужумкор ҳаракат; иш-ҳаракатдаги ҳужумкор руҳ. *Баъзи футбол жамоалари ўйинида ҳужумкорлик этишмайди.* ■ *Айрим жамоат ташкилотлари.. жамиятга зарарли хатти-ҳаракатларга қарши ҳақиқий ҳужумкорлик кураши олиб бормаяптилар.* Газетадан.

ҲУЖУМЧИ I ҳарб. Душман устига бос-тириб борувчи, ҳужум қилувчи. *Ҳужумчи танкчилар. Ҳужумчи учувчилар.* ■ *Комилов ротадан ўттиз жангчини танлаб олди-да, ҳар бири ўн кишидан учта ҳужумчи группа тузди.* «Гулистон».

2 спорт. Команданинг ҳужум чизигида ўйновчи спортчи; зид. **ҳимоячи**. *Болалар кўчани бошларига кўтариб, чанегиб, тўп тепишарди. Улар тарафма-тараф бўлиб олишган, икки томоннинг дарвозабони, ҳужумчию ҳимоячилари бор.* Р. Файзий, *Ҳазрати инсон. Бу тўпни олтинчи минутда ҳужумчи Б. Иброҳимов киритди.* Газетадан.

ҲУЗН [а. *حزن* — ғам-ғусса; мотам; қайғу, ҳасрат] эск. кт. Ғам, қайғу. *Унинг [Кумушининг] кўзларида доимий бир маъюсият, аримас бир ҳузн, ҳар онда бир энтикиб чайқалиш эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар. Нашъалардан хаёлинга маржон тиз, Кипригинга асло ҳузн кўнмасин.* Ойбек.

ҲУЗНЛИ эск. кт. Ғамли, қайғули. *Ўзбек қизларининг юрак дардлари Нақадар ҳуззли бу олти ҳарфда! Х. Расул.*

ҲУЗУР I [а. *حضور* — бор, мавжуд бўлиш, ҳозир бўлиш; келиш, кўриниш, намоён бўлиш] Юқори даражадаги қаноат, қониқиш ҳисси, киши вужуди, аъзоларининг яйраш ҳолати; роҳат. *Ўз меҳнатининг ҳузурини кўрмақ.* ■ *Канал суви қирғоққа*

бир маромда ел пуркаб, саратонда одамга ҳузур бағишлайди. «Ўзбекистон кўриқлари». *Пахтачиликнинг азоби ҳам, ҳузур ҳам бор..* Газетадан. *Латофат.. гуллар ичида юрган-дек, ҳузур билан нафас олди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ҲузуР қилмоқ Ҳузур, роҳат ҳиссини туймоқ; ҳузурланмоқ. *Ҳузур қилиб нафас олмоқ. Совуқ сувда ҳузур қилиб ювинмоқ.* ■ *Баҳор ҳавосидан кўнгиллар ҳузур қилади. Ойбек, Улуг йўл. Умид юзуриб чиқиб, қўлини совунлаб ювиб келди, овқатни ҳузур қилиб ичди.* Мирмуҳсин, Умид. *Мирвалеев ўз гапидан ўзи ҳузур қилиб кулди.* «Муштум».

ҲУЗУР II [а. *حضور*] (ж.к., ў.-п.к. ёки ч.к. да — ҳузурига, ҳузуриди, ҳузуридан) кўм. в.зф. Макон муносабатларини билдиради. *Азимжон ишдан қайтаётиб, бугун яна она-синниг ҳузурига кирди.* «Саодат». *Тошўлатов раис билан.. мактаб ҳузуриди курс очиш учун махсус жой ажратиш режалари ҳақида узоқ суҳбатлашди.* Р. Файзий, *Чўлга баҳор келди. Ташаббускор қурувчилар ҳузуридан қайтар эканмиз, улар амалга ошираётган ишлар ва белгилаётган режалар ҳақида ўйладик.* Газетадан.

ҲУЗУРБАХШ [а. + ф. *حضوربخش* — ҳузур бағишловчи] Ҳузур бағишлайдиган. *Боғ қанчалик чиройли, салқин, ҳузурбахш бўлса ҳам, ёлғиз одамни тез зериктирар экан.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҲУЗУРЛАНМОҚ кам қўлл. айн. **ҳузур қилмоқ** қ. **ҳузур I**. *Қўқон дарвозасига тўлган халқ Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишига ҳузурлини томоша қилар эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар. Каримжон.. азбаройи ҳузурланганидан, қоронғиликда ўз-ўзича жилмайиб кўяди.* О. Ёқубов, *Қаҳрамон* излаб. *Чавандоз.. ҳузурланганидан кўзларини юмиб олган.* Ш. Бўтаев, *Қўрғонланган ой. Фотима яна бояғидай ҳузурлини, табассум қилди.* Т. Ҳайит, Вафо маликаси.

ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ Ҳузур ва ҳаловат, роҳат ва фароғат, ором. *Шундай қилиб, раис ҳузур-ҳаловатда яшарди.* Ш. Рашидов, *Бўрондан кучли.*

ҲУЙТ I унд. с. Қушларни чўчитиш, ҳайдаш учун қўлланади.

2 тақл. с. Саъва, булбул каби қушларнинг сайраш овозига тақлидни билдиради.

ҲУЙТҲУЙТЛАМОҚ «Ҳуйт-хуйт» деган овоз чиқариб сайрамоқ. *Чол боши билан*

булбул хуйтхуйтлаётган томонга ишора қилиб давом этди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

ХУЙЯ, хуйя-хуй шв. Ота томонидан айтиладиган алла. Хуйя, улим, хуйя-хуй; Жоним улим, хуйя-хуй. «Фольклор». Жоним болам от чопсин, Отига бахмал ёпсин, Хуйя солсин отаси. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ХУКАМО |а. حکماء – «ҳаким» с. нинг кўпл. | I эк. кт. Ҳакимлар, табиблар. Қазо етганда, барча ҳукамо ожиз қолдиларким, одам тангри хоҳиши билан бўлган қазога қарши нима қила олади? Ойбек, Навоий.

2 Донишмандлар, файласуфлар. Ҳусайн ҳар куни ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоларининг тиб ва фаҳафага доир китобларини ўқир эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ХУКМ |а. حكم – ҳукронлик: ҳокимият, бошқариш; тузум; қарор, тўхтаб, буйруқ; фикр, тушунча | I ҳўқ. Суд, ҳуқуқий маҳкама ёки шахснинг жиноий иш юзасидан чиқарган узил-кесил, қатъий қарори; шунингдек, бирор иш юзасидан бўлган ажрим ҳулосаси, қарори. *Ижобий ҳукм. Салбий ҳукм. Қатъий ҳукм. Қозининг ҳукми. Ҳукми ижро этмоқ.* ■ *Сидиқжон суднинг ҳукмидан жуда хурсанд бўлди-ю, лекин Шарофатнинг шикоят қила олиш ҳуқуқидан хавотирга тушди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Ҳозир Николайнинг фуқаросиман, хонингнинг ҳукми ўтмайди менга.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Бизни кимнинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз? – деди хатирчилик банди миршаб одамига.* С. Айний, Қуллар. *Фақат айблов ҳукми билан судланувчи айбдор деб топилади ва жазога тортилади.* «ЎЗМЭ».

Ҳукм қилмоқ (ёки **этноқ**) Жиноий жазо ёки бирор иш ҳақидаги қарорни белгиламоқ, суд қарори билан жиноий жазони белгиламоқ. *..ҳалқ суди Собир Сайдаровни ўн беш йил, Мирзажоновни ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.* Газетадан. *Суд Насибалини Сидиқжон Соҳибжоновга ҳукм қилди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Умуман, бир иш, масала юзасидан бўлган, ҳулоса тарзидаги фикр; қарор. *Баротнинг ҳаққоний сўзи, ҳукми мингбошини ерга киргизиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отанинг ҳукми вожиб, унинг иродасига бўйсунмай шложи йўқ.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Эргаш Соттининг бузуни кирдикорини кўпчилик ҳукмига ташламоқчи бўлса*

ҳам, гапни нимадан бошлашни билмай ўйла-ниб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ҳукм юритмоқ айн. ҳукм қилмоқ (қ. **ҳукм 1**). *Эҳтимолки, унинг топган давлати ўғрилиқ орқасидадир, кишининг давлатига қараб ҳукм юритиш қийин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳукм қилмоқ** Ҳулоса тарзидаги фикр билдирмоқ, қарорга келмоқ. *«Бу ҳам ўшалардан бўлса керак» – ҳукм қилди ўзича чол.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Бу нарсага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас.. ҳар бир иш оллонинг буйруғи билан бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Киши ёки нарсанинг бирон иш қилиш изм-ихтиёри (тўғри ва кўчма маънода). *У ҳозир жувоннинг ҳукмида бўлиб, унинг хоҳишига қарши ҳеч нарса деёлмас эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Сенга зулм қилган шу икки оғанг сенинг ҳукмингда!* «Олтин бешик». *Ер-сув, бошқа моддий бойликлар бир тўда бойлар ҳукмида бўлган.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Оёқдан ажралган пайтимда, умр йўлдошим мени тақдирнинг аччиқ ҳукмига ташлаб жўнаб қолганда, мен нима қилмоғим керак?* С. Кароматов, Бир томчи қон.

Одат ҳукмига кирмоқ Одатга айланмоқ, одат тусини олмоқ. *Уйқу ва ҳаловатнинг баҳридан кечиб, ҳар бир туп ғўзани хатосиз ундириб олиш Қурбонали полвон звеносида одат ҳукмига кириб қолди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

4 кўчма Буйруқ, амр. *Сенинг ҳукминг ўтмайди.* ■ *Шу кемачи кўрқиб, бўзариб Деди Омон ёнига бориб: -Дарё теран, таёв етмайди, Сувга, ўғлим, ҳукм кетмайди.* Э. Раҳим. *Дин ва олтин ҳукми-ла, Кўп уй бузилди. Ҳисобсиз маъсум бошлар Тандан узилди.* Файратий.

Ҳукм сурмоқ 1) ҳукронлик қилмоқ. *Бобурнинг Туркистон ва Афғонистонда яшаган ва ҳукм сурган вақтида ёзган шеърлари Париждаги миллий кутубхонада мавжуд экани аниқланди.* «ЎТА»; 2) бирор ҳолат чулгамоқ, эгалламоқ. *Бемор кўзини очган маҳал.. хонада сокинлик ҳукм сурарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Уйда ғалати бир тантана ҳукм сурарди.* С. Зуннунова, Янги директор. **Ҳукмини ўтказмоқ** Ўз айтганини қилдирмоқ, ўз хоҳишига бўйсундирмоқ (тўғри ва кўчма маънода). *«Мен валийман», деб подшоҳларга ҳукмини ўтказиб, жуда катта бойлик орт-*

тирган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ҳозир энг қизғин палла бошланмоқда — баҳор ўз ҳукмини ўтказишга киришмоқда. Газетадан.

5 мнт. Нарса ва унинг белгиси ҳақидаги тасдиқ ёки инкор мазмунли фикр.

6 эск. айн. кесим 3.

ҲУКМДОР [а. + ф. *حکمدار* — ҳукм қилиш ҳуқуқи бўлган, ҳокимият эгаси] тар. Бирор ҳудуд ёки мамлакатнинг ҳуқуқи чекланмаган ҳокими; хон, подшо. *Суд мамлакатининг ҳукмдори. Қабил ҳукмдорининг мақбараси.* ■ Жаллод айтар: -Амр қилди ҳукмдор, Булар учун тиклангандир тилладор. «Эрали ва Шерали». Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистоннинг ғарбига ҳужум қилди. С. Кароматов, Олтин қум. *Тангада Қорахонийлар сулоласининг ўша даврдаги ҳукмдорлари кўрсатишган.* «Фан ва турмуш».

ҲУКМДОРЛИК Ҳукмдор ҳолати, ҳукмдор эканлик. Ҳукмдорлик удумига биноан, унинг фақат баъзи тунларни хотини билан ўтказиши расм-русумга ҳилоф ҳисобланмас, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ҳам шундай қиларди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Темурийзодалар ўзларига ён босган зотларнинг бошидан тилло сочарди-ю, аммо уларнинг ҳукмдорлигига қиттаккина мункир келган кимсани асло кечирмасдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲУКМИКУШ [а. + ф. *حکمش* — ўлим (ўлдириш) ҳукми] эск. Ўлим жазосига ҳукм қилиш; ўлим ҳукми. *Арзимиз шулки, бугун ҳукмикушга буюрган одам жуда ёш бола экан.* «Равшан».

ҲУКМНОМА [ҳукм + нома] Суднинг ҳукми ёзилган қоғоз; суд ҳукми. *Ниёз қушбеги менга йигит кўшиб, бу ҳукмномани ижро қилишда бекка ёрдам бермак учун жўнатди!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ҲУКМРОН [а. + ф. *حکمران* — ҳукмдор, ҳоким; бошқарувчи] I Ўз ҳукмини ўтказадиган шахс; ҳукмдор, ҳоким. [Худоёр] *Астойдил Муслмонқулнинг оталиғидан қутулишни ва мустақил равишда ҳукмрон бўлишни орзу этган.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Ахсининг ҳукмрони Умаршайх мирзо бу кеча ҳарамда ўн саккиз ёшли Қорақўз бегимнинг хобгоҳида ухлаб ётибди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўча Ҳукмини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган; ҳукмдор. *Миллий тилининг сақлани-*

ши ва ривожланиши ҳамма вақт ижтимоий тузумнинг, ҳукмрон синфнинг одиллигига боғлиқ. «Фан ва турмуш».

3 кўча Ҳукм сурган, забт этган, эгаллаган ҳолатли. *Мана энди дафъатан фикр-сиз, ўйсиз қолди, юраги бўм-бўш, бунда фақат ғашлик ва оғриқ ҳукмрон.* Х. Султонов, *Онамнинг юрти. Тонг ёришди, юлдузлар учди, Яна офтоб кўкда ҳукмрон.* Р. Бобожон.

ҲУКМРОНЛИК I Ҳукмрон бўлиш, ҳукм юритиш. *Хонларнинг ҳукмронлик даври.* ■ *Ўрта Осиёда икки асрлик араблар ҳукмронлиги даври бир қатор туркий тилларда, шу қатори, ўзбек тилида белгили из қолдирди.* «ЎТА».

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ; ҳукм сурмоқ; ҳукм юритмоқ. *Ривоят қилишларича, Деҳлида, шоҳ Акбар ҳукмронлик қилган замонда, бир савдогар яшар экан.* Газетадан. *Бу мамлакатда Нодиршоҳ деган ҳукмронлик қилар экан.* «Олтин бешик».

2 Ҳукмини ўтказиш ҳуқуқига эгалик; ҳукмини ўтказиш. *Муғуллар ҳукмронлиги.* ■ *Бу [1555 йил 27 майдаги] ғалаба Шимолий Ҳиндистонда иккинчи марта бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишини таъминлаган.* «ЎЗМЭ».

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ, ҳукмини ўтказмоқ. *Чоризм ҳукмронлик қилган даврда меҳнаткаш инсон қадри тупроқ билан тенг эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўча Ҳукм сурган, эгаллаган ҳолат. *Бечора ошиқ-маъшуклар қочишмоқчи! Ҳали бу ерда ўз ҳукмронлигини зимдан давом эттираётган жаҳолатдан қочишмоқчи..* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ, ҳукм сурмоқ. *1916 йил охири, ўлка хароб, очарчилик ҳукмронлик қилмоқда.* Газетадан.

ҲУКМФАРМО [а. + ф. *حکمرما* — ҳукмронлик, ҳокимлик қилувчи; ҳукм қилувчи] эск. кт. айн. **ҳукмдор**.

ҲУКУМАТ [а. *حکومت* — бошқариш, бошқарув; ҳукумат, бошқарув маҳкамаси] I Давлат ҳокимиятининг давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи, фармойиш берувчи ва ижро этувчи олий органи. *1954 йил январда кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақида ҳукуматнинг қарори эълон қилинди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Мамлакат қонун-*

қоидасига мувофиқ сайланиб, барпо этилган Туркистон мусулмонлари ҳукуматига ҳурмат шуми? К. Яшин, Ҳамза. Солиқни одатда қонуний ҳукумат солади. Фуқаро тўлайди. Н. Сафаров, Оловли излар. Ҳукуматнинг қарори бор. фронтвикларнинг оиласига зудлик билан ёрдам берилсин, деган. Уйғун, Танланган асарлар.

2 с. т. Давлат. Ер одамга қараб экиладиган бўлса, Ҳукумат тракторни, машина ўроқни нимага чиқариб қўйишти? А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари. Уруш пайтларида Люблин Польша ҳукуматиинг пойтахти эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲУКУМАТДОР [а. + ф. حکومتدار — ҳукумат эгаси; ҳоким, ҳукмдор] эск. Ҳукумат марказий органларидан бирининг бошлиғи, юқори мансабли амалдор. Абдурахмон. айниқса, орада хонга тегишли ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса, жаннат ва жаҳаннам устидаги масалани дарҳол хонга итоат, бекларга ҳурмат билан айрибошлаб олар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲУЛКАР 1 айн. сурайё 1. Ҳулкарга боқиб, Қоратойникига боришга ҳали вақт эрта эканини билди. Ойбек, Танланган асарлар. Шимол томондан кўтарилган Ҳулкар кўзни қамаштириб, порлаб турарди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Ҳулкар (хотин-қизлар исми).

ҲУЛЛА [а. حله — сарпо, либос, кийим-бош] Нозик ва нафис мато, шундай матодан тикилган кийим. Ҳуллага ўралган кекса ўрмонлар, Нечун инграшади, қандай мунги бор? Миртемир. Олисдан мен кўрдим, мангалайинг ёзиқ, Кийганинг хуладир, белларинг нозик. «Оқ олма, қизил олма».

ҲУМО [ф. همای — эзгулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи] Кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, у киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб эътиқод қилинган афсонавий қуш; бахт қуши, «давлат қуши». Ҳумо қуши қўнган бошингда, Учиб юрди фалокат қушлар. Жихоз тўла санъат уйдан Уғирланди олтин, кумушлар. Т. Тўла. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликларда, амалий безак санъати буюмларида ҳумо тасвири қадимдан кўп учрайди. «ЎзМЭ».

ҲУМОЮН [ф. همایون — қутлуг, муборак; бахту омадли; равнақли; худо сийлаган] эск. кт. 1 «Буюк подшоларга хос»,

«олий даражадаги», «энг муқаддас» каби маъноларни билдиради. Фармони ҳумоюн. Зоти ҳумоюн. ■ Мен жаноби олийнинг ҳумоюн ҳузурларига бориб, ишорат билан бу масалани арз қиламан. С. Айний, Эслаликлар. — Қани, омин, амиралмўъминининг давлати ҳумоюнлари кам бўлмасин, ганимлари хокпой бўлсин, — деган овоздан сўнг ҳамма қўлини фотиҳага кўтарди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 айн. ҳумо. Жонивор, Қўнғирот элдан келдингми? Ҳумоюндай менга соя солдингми? «Алпомиш». Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар. Ф. Фулом.

3 Ҳумоюн (эркаклар исми).

ҲУНАР [а. هنر — санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб] 1 Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб. Ҳунар, ҳунардан унар. Мақол. Йигит кишига етмиш ҳунар оз. Мақол. ■ Онам ҳам ўқитувчи, Бир ҳунари — тўқувчи, Мен-чи аяло ўқувчи. К. Муҳаммадий. Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор. Ойбек, Танланган асарлар. Отасининг ҳунарини яхши эгаллаб олган бу йигитча учун қишлоқда иш кўп эди. С. Аҳмад, Ҳукм. — Бошқа бир ҳунарга берсак бўлмайди-ми? — дадамнинг сартарошликка ҳеч кўнгиллари йўқ эди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Бирор ишдаги маҳорат, санъат; моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат. Ҳунарининг борин унда билдирган, Кунгурасин пўлатдан қип эндирган. «Муродхон». Конференсье «иккинчи номерда хоҳлаган киши хоҳлаган ҳунарини кўрсатиши мумкин», деб ҳаммани кулдирди. А. Қаҳқор, Танланган асарлар. Чекинши учун ҳам ҳунар керак.. бу ҳам санъат талаб қилади. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Одат тусидаги иш, ҳаракат. Аммо эски ҳунарингизни қилиб, отама чақсангиз, менадан шафқат кутманг! Мирмуҳсин, Меъмор. Уйда қовоғини осилтириб, кўчада бегона аёлни кўрганда илжаядиган, тиржаядиган ҳунарга ўрганди. «Муштум». Кесатиқ ҳунаринг эсиндан чиқдими, деб турган эдим. Ҳарнечук ёдингда экан.. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Бўлмагур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат. Абдишукур, овозни бунчалик бошқача қилишни кимдан ўргандинг? Ҳуна-

ринга балли-е.. Ойбек, Танланган асарлар. *Ғаройиб* кучдан «шер» бўлиб кетган болалар тарбиячиларини кўриб хижолат тортиш, изза бўлиш ўрнига ғилайлашган кўзларини сузиб, ўз «хунар»ларини давом эттираве-ришиди. Газетадан.

Хунар кўрсагмоқ 1) бирор ишга бўлган маҳоратини намойиш қилмоқ. *Лекин энди-ги кўрсагмага томоша қилгани эмас, хунаримни кўрсатгани бораман. Ғалати пай-вандлар қилганман.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар; 2) бўлмағур, келишмайдиган иш. ҳаракат, қилиқ намойиш қилмоқ. *Меъёрини билганлар ширин ўтириб, ҳордиқ чиқарди, хурмачасига сиғмаганлар хунар кўрсатди. Ширин ошга пашша тушди..* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. **Хунар чиқармоқ** Бўлмағур, ёқимсиз иш, ҳаракат, қилиқ қиладиган бўлмоқ; шундай иш, хатти-ҳаракат, қилиқни одат қилмоқ. *Мактабда энди йиғилиш бўлиб қолса, уни бўлар-бўлмас-га мақтайдиган хунар чиқарди.* «Гулдаста». *Бош-кўзимни айлантириб, қўлга олдингиз, энди хунар чиқаряпсизми?* С. Кароматов. Бир томчи қон. **Хунар қилмоқ** 1) бирор касб-хунарни эгалламоқ. *Бўлмагай инсон азиз, яхши хунар қилмаса. Ёки ўқиб, илм ила ўзни гуҳар қилмаса.* Ҳабибий; 2) бирор бўлмағур иш, хатти-ҳаракат, қилиқни касб қилмоқ, одат қилмоқ. *Шеър ёзиб, хону хонзодалар зардасини қайнатмоқни ўзига хунар қилиб олган.* С. Сиев, Ёруғлик.

ХУНАРБОЗ [ф. *هنر باز* — хунар қилувчи, хунар кўрсатувчи] с. т. кам қўлл. Турли хунарлар қиладиган, кўрсатадиган (қ. **хунар** 2). - *Йигитча жуда хунарбоз экан-ку, — деди кулиб чойхоначи Ладамат.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХУНАРЛИ Хунари бор, хунар эгаси, хунар ўрганган. *Хунарли эр хор бўлмас.* Мақол. ■ *Лекин ўзлари тўрт оға-ини эдилар, тўртлови ҳам кал эди, бариси ҳам хунарли эди.* «Равшан». *Бу орзуга эришмоқ учун астойдил ишлаб, хунарли бўлиб олиш керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ХУНАРМАНД [ф. *هنر مند* — санъат ар-боби; моҳир, юксак маҳоратли; истеъдодли, қобилиятли] I Уйида ёки ўз дўконида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб-хунар эгаси; косиб. *Давр тақозоси билан хунармандчиликнинг янги-янги турлари вужудга келди. Хунармандлар ҳам*

турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослаша бордилар. «ЎЗМЭ. Расталари турли касбдаги хунармандлар — темирчилар, мис чўкичлаб, нақшли баркаш, чойдиш, чилбачин, хилма-хил буюмлар ясовчи мисгарлар.. тақачилар, кулол, баққол ва косиблар билан обод эди. К. Яшин, Ҳамза. *Йиғилди турли косиб, турли деҳқон, Хунарманду шакарпаз, турли боғбон. Ҳабибий.*

2 Ўз иш-касбининг моҳир устаси. ..бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қомати одамларнинг кўз олдига келиб туради. - *Кўп хунарманд йигит экан, азамат!* — дейдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. *Турли хил рангларнинг мутаносиблиги, олтин қўлли хунармандлар сеҳрли жозоба бағишлаган шиша буюмларни кўриб, кўзингиз тўймайди.* Газетадан.

ХУНАРМАНДЛИК Хунарманд эканлик. *Арабжоннинг хунармандлиги оғиздан оғизга кўчди. Ганчдан ажойиб нусхалар ишланган айвону пештоқларни кўргани маҳалладаги хотинлар кира бошлади.* С. Зуннунова, Излар.

ХУНАРМАНДЧИЛИК Ишлаб чиқаришнинг касб-хунар эгалари (хунармандлар) фаолият юритадиган соҳаси (қ. **хунарманд**). **Хунармандчилик буюмлари.** ■ *Ўтган аср ўрталарида Тошкент аҳолисининг кўп қисми хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик билан шуғулланган.* «Фан ва турмуш». *Карим қорининг асли касби хунармандчилик бўлса ҳам, адабиётни тушунадиган, ўзи ҳам шеърлар машқ қиладиган, одамларни гапга солишга уста эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ХУНАРСИЗ Бирор хунарни эгалламаган, хунари йўқ. *Донишманд унга: -Хунарсиз кишининг қўли боғлиқ, — дебди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Яхши бир меъмор хунарсиз асилзоданинг юзтасидан афзал эмасми?* П. Кодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳар хунарнинг бир гашти бор, Хунарсизнинг не гашти бор?* Қ. Муҳаммадий.

ХУР I [а. *حر* — озод, эркин; мустақил; эрксевар; асил, тоза] Бировнинг измидан холи, эрки ўзида бўлган; озод, эркин. *Хур ўлка. Хур инсон.* ■ *Ғоят мамнун бўлдик.. чиндан ҳам хур фикрли киши экансиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУР II [а. *حوریت < حور* — шаҳло кўз (қизлар)] I Ислом анъанаси ва Қуръонга кўра, тақводорлар билан биргаликда жаннатда яшайдиган, жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бўлган ниҳоятда гў-

зал қиз(лар). *Масжидда намозшомдан кейин имом намозхонларни тўплаб, жаннатдаги хурларнинг ҳуснини мақтай кетди. «Латифалар». Беҳишдаги хурлар каби. Билмам, ёрим қайга кетди. «Ширин билан Шакар».*

2 кўчма Жуда чиройли, гўзал, нозанин қиз. *[Мажиддин:] Хазинангизни бойитаман, ҳаромингизни хурлар билан тўлдираман, сунгра, майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирман. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

3 кўчма Шарм-ҳаёли, пок (хотин-қизлар ҳақида). *Мана, икковларинг, худога шукур, қоғозга ўралган қанддай топ-тоза бўлиб етишдинглар. Кузларинг эркак бетини кўрмади. Сизлар хур экансизлар. Ойбек, Танланган асарлар.*

ҲУРИЛИҚО қ. хурлиқо. *Биламан, сен топган қизнинг олдига тушадиган хурилиқо бўлмайди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Назаримда, йигирма-йигирма беш ёшлар ўртасида кўзингга чўтир ҳам соҳибжамол хурилиқо бўлиб кўринади шекилли-да! Шухрат, Шинелли йиллар.*

ҲУРКАГИЧ айн. хурковуч. *Кийик бола-сидай хуркагич, зийрак — Ёшлигини кўмсаб, орзиқар юрак. С. Акбарий.*

ҲУРКАК айн. хурковуч. *Хатар устидан чиқиб қолган хуркак қуён сингари жонсарак бўлиб қараб, ундан кўзларини узолмайди. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. Ҳанифанинг хуркак кўзларида қувонч лип этиб ёнди-ю, унинг ўрнини яна иккиланиш, ташвиш эгаллади. С. Анорбоев, Мехр.*

ҲУРКИТМОҚ Хуркмоқ фл. орт. н. У иштаҳа билан ўтлаётган қўйларни хуркитмаслик учун аста-аста қадам ташлаб, сурвни айлана бошлади. С. Анорбоев, Оқсой. — Сиз.. полиздаги қўриқчидай хотинларни хуркитаяпсиз, — деди Жўрахон. А. Мухтор. Опа-сингиллар.

ҲУРКМОҚ 1 Чўчиб кетмоқ (асосан ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Узоқда хуркиб қочган отни етаклаб келишарди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Қўйлар хуркиб кетди. Холёр, бўри келдими, деб ташқари чиқди. «Ойсулув».*

2 кўчма Қўрқув ҳис этмоқ; чўчимоқ. *Дилбар хуркиб, зингиллаб кўчанинг нариги бетига ўтиб олган эди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак. Авзам ҳамон бирор сўз айтишдан хуркар эди: ахир Нафиса унинг ўлчовига*

тўғри келмас эди-да! Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ҲУРКОВУЧ 1 Хуркиш туйғуси кучли; хуркак; чўчийдиган (асосан ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Болалар яшикни ўрашиб тикилишаркан, хурковуч кук қуён галвир сеткадан олхўридай йилтироқ кўзларини милтиратиб турарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 кўчма Чўчиб, қўрқиб тинчсизланаверадиган (шахс ҳақида). *Унинг бундай тортинчоқлиги кўиларни ҳайрон қолдирса, баъзиларни «ўз уясида қанот чиқармаган шунақа хурковуч бўлади!» деган фикрга келтирарди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Баъзи хурковучларнинг сўзи билан айтганда, машина пахтани нобуд қилади.. Газетадан.*

ҲУРКОНҒИЧ шв. Хурковуч. *Тоғ кийигидек хурконғич бу қизни бир-икки кўрганда ҳам.. орқасидан қараб қолган эди. С. Кароматов, Олтин қум.*

ҲУРЛИК Хур, эркин ҳолат; шундай ҳолатга эгалик. *Тинчлигим — хурлигим. «Қанотли сўзлар». Қулликни сезмаган хурлик қадрига ета олурму?! Ҳамза. Сўқ билан қараса, ҳеч ажаб эмас, Чунки сен хурликнинг ёрқин тимсоли. Зулфия. На зулмат, на бўрон, на офат, на ўт Тўсолмас ҳақиқат, хурлик йўлини. Уйғун.*

ҲУРЛИҚО [а. حورلقاء — хур кўринишли, хурчехра, хур юзли] Хур каби гўзал; хур (гўзал) юзли. *Майнагинамнинг қайси хурлиқодан камлиги бор. Болагинамни кийим ғариб қилиб турибди, холос. Ш. Тошматов, Эрк қуши. ..унинг бор умиди, фикри-ёди шу хурлиқо севғилиси билан чамбарчас боғланган. У. Исмоилов, Сайланма.*

ҲУРМАТ [а. حرمت — ман қилинган нарса, муқаддас нарса; муқаддаслик, дахлсизлик; иззат, эҳтиром; сийлов] 1 Кимса ёки нарсага бўлган қадрлаш, улуғлаш туйғуси; шундай туйғули муносабат. *Ота-онага ҳурмат. Кексаларга ҳурмат. Устозларга ҳурмат. Ўз касбига ҳурмат. ■ Бу оилада ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, обрў-эътибор.. мужжассамлашган. Газетадан. Ҳурмат инсонга меҳнат орқали, камтарлик, ҳалоллик орқали келади. «Ёшлик». Меҳнатга ҳурмат ахлоқнинг энг юксак дастурларидан биридир.. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Қозонилган, орттирилган ҳурмат; обрў, эътибор. *Элда ҳурмати зур. ■ Мен ўз*

меҳнатим билан жамоада танилдим, ҳур-
мат қозондим. Газетадан. Эшитишимча, Ах-
сида ҳазрати олийни, ҳурматларига яраша
маърака ўтказиб, қабрга қўйишганлар.. П.
Қодиров, Юлдазли тунлар. Оҳ, она тупро-
ғим, ўсган жойларим, Кўнглимда сақланар
ҳурматинг, қадринг. Миртемир.

Ҳурмат қилмоқ 1) ҳурмат билан муно-
сабатда бўлмоқ. Камтарлик — инсон ўзлиги-
ни билишни, ўзгаларни ҳурмат қилишни,
одамийликнинг: самимийлик, меҳрибонлик..
ростгўйлик каби нодир фазилатларини ўзи-
да мужассам этади. Газетадан. Меҳнатни
ҳурмат қилиш.. самарали ва сифатли иш-
лашга интилиш ҳар бир йигит ва қизнинг
бурчи ва вазифасидир. Газетадан; 2) айн.
ҳурматини қилмоқ Бошқаси бўлса, қамчин
билан солар эдим, лекин соқолинг оқини ҳур-
мат қилдим.. Ойбек, Танланган асарлар.
Ҳурматини қилмоқ Ҳурмат(и) юзасидан иш
тутмоқ. Отангнинг ҳурматини қилиб, сени
зовутимдан ҳайдамадим.. К. Яшин, Ҳамза.

3) Ҳурмат (эркаклар ва хотин-қизлар
исми).

Ҳурмат тахтаси Ишлаб чиқариш илғор-
ларининг номлари ва суратлари намоиш
қилинадиган махсус тахта. Гаражимиздаги
«Ҳурмат тахтаси»га менинг ҳам суратим-
ни қўйишмоқчи экан. С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲУРМАТАН [a. حرمتا — ҳурмат юзаси-
дан] кам қўлл. Ҳурмат юзасидан; ҳурматлаб.

ҲУРМАТЛАМОҚ айн. **ҳурмат қилмоқ**
қ. **ҳурмат**. Созандаларни, устозларингизни
қадрланг, ҳурматланг. Т. Обидов, Юсуф-
жон қизиқ. Салом бувиш яна кулди, ўзидан
катталиги учун уни ҳурматлаб индамади.
Ҳ. Шамс, Душман.

ҲУРМАТЛАШ Ҳурматламоқ фл. ҳар. н.
-Сен билан бизни дунёга келтирган аёллар-
ни ҳурматлаш ўрнига, пулга, қалинга со-
тиш нима деган сўз? Ваҳшийлик. Бошқа ҳеч
нарсасиз эмас! — деди Элмурод зарда билан. П.
Турсун, Ўқитувчи.

ҲУРМАТЛИ Ҳурматга лойиқ, ҳурмат-
этибор қозонган; иззат-обрўга эга. Бек-
темир генералларни урушнинг бутун ҳик-
матларини биладиган бағоят ҳурматли,
азиз одамлар деб биларди. Ойбек, Қуёш
қораймас. Асқар ота бу ҳурматли жувон
бошқа хотинлардан рафтори билан ажра-
либ турар, деган бир уйда эди, бироқ Со-
бирахон ёру дўстлари орасида шуларнинг

бири бўлиб қолганини кўриб, ажабланди. А.
Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Мурожаатда ҳурмат, тақаллуфни ифо-
далайди. У костюмининг чўнтагидан бук-
логлик қогоз олиб, яна Ёдгорга қараб қўйди:
«Ҳурматли институт раҳбарлари, домла-
лар..». Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.
Асрорқул хатни товуш чиқариб ўқиди: -Ҳур-
матли Асрорқул ота!.. Эртага кечқурун
меҳмонлар билан бирликда хизматингизда
бўламиз.. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҲУРМАТСИЗ 1 Ҳурмат-этибор қозона
олмаган, эл ичида обрўни, этибори йўқ.
Ҳурматсиз одам.

2 Бирор кимса ёки нарсани ҳурмат
қилмайдиган, қадрига етмайдиган, қадр-
ламайдиган. Ўзига бино қўйган, ўз ман-
фаатини кўзлаб, кишилар меҳнатига ҳур-
матсиз бўлган одам ҳақиқий раҳбар бўла
олмайди. Ж. Абдуллахонова, Тўфон.

ҲУРМАТСИЗЛАНМОҚ Ўз ҳурматини,
обрў-этиборини ёки ўз қадрини йўқот-
моқ; обрўсизланмоқ. Савдий айтибдирки,
«бир мамлакатда хароб бўлсанг, ҳурмат-
сизлансанг, сафарни ихтиёр қил», деб. Ф. Фу-
лом, Шум бола.

ҲУРМАТСИЗЛИК 1 Ҳурмат-этибор-
сиз қараш, шундай муносабатда бўлиш. Бу
эҳтиётсизлик Мирвали акага бир ҳурмат-
сизлик ёки ҳақорат юзасидан эмас. А. Қо-
дирий, Обид кетмон. Маҳкам уларнинг учо-
вини ҳам ўзидан юқори кўяр ва ҳурмат
қиларди, аини вақтда, ҳозир юз берган
ҳурматсизликни кўнглига сиғдирмасди. П.
Қодиров, Уч илдиз.

2 Ҳурмат, этибор ёки обрў қозонма-
ганлик ёки ўз қадр-қимматини, обрў-э-
тиборини йўқотиб қўйганлик; обрўсизлик.

ҲУРМАТТАЛАБ [a. حرمت طلب] Ўзини
иззат ва ҳурмат этишни истовчи. Ёзувчилар
ҳурматталаб халқ, аммо кўплари бунинг
энг сунғи даражадаги эҳтиёж ҳисоблайдилар.
А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲУРМОҚ «Вов-вов», «ак-ак» каби то-
вуш чиқармоқ; вовилламоқ, акилламоқ. Ит
хурар — карвон ўтар. Мақол. ■ Қоронғи,
узоқ-яқинда итлар хурар эди. А. Қаҳҳор,
Анор. У ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, якка-
дукка итлар хургани эшитиларди. М. Ис-
моилий, Фарғона т. о.

ҲУРПАЙМОҚ 1 Тиккайган, тўзгиган
ҳолат олмақ (соч, жун, пат кабилар ҳақи-

да). *Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари хурпайган бир йигит ҳам ўтирди. Ойбек, Нур қидириб. Бўғот лабида бир-бирига қараб хурпайиб турган икки мушукнинг бири пишиллаб, кейин чақалоқнинг йиғисидек миёвлаб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм. ..қиз қараса, икки мусича хурпайиб олиб, бир-бири билан уришяпти. Ю. Шомансур, Қора марварид.*

2 кўчма Авзойи бузук, ёқимсиз қиёфага кирмоқ. *— Оғир ҳақорат билан тепамга хурпайиб келган Қоплонбеков, кучли қўллари билан юзимга бир туширди, — деди Пулат. Ғайратий, Менинг ёшлигим. Амно Зайнаб.. хурпайиб, ҳеч ким билан сўзлашмай қўяр эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Лобар, жангга ҳозирланган хўроздай хурпайиб, панжаларини кенг ёйиб, Гулнознинг устига бостириб келди. Х. Ғулом, Тошкентликлар. Қишлоқлар хурпайган, сукунатга чўмган. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Хурпайган булут осилиб тураверди-ю, ёмғир ёғмади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ХУРПАЙТИРМОҚ Хурпаймоқ фл. орг. н. *Ана, кўрққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб, қирқилган жунларини хурпайтириб, селкиллаб, таққа тўхтади. С. Анорбоев, Оқсой.*

ХУРПАК кам қўлл. Хурпайган ҳолатли. *Қизлар хурпак сочларин силаб, Чолнинг атрофини аста қуршашди. Ойбек.*

ХУРРИЯТ [а. *حرّيت* — озодлик, эркинлик, ҳурлик] **1** Сиёсий, иқтисодий ва б. зулм, тазйиқдан халослик; эркинлик, озодлик. *1917 йил февраль инқилоби туфайли эълон қилинган хуррият ишчи-деҳқон тилагини том маънода рўёбга чиқазмаганди. Н. Сафаров, Оловли излар. Бу муқаддас қасам — минг-минглаб муҳтарам оналар олдиди, эркимиз, хурриятимиз олдиди ичилган қасам. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Бир ойдан бери зиндонларда ғалати гаплар эшитила бошлади: Хуррият бўлармиш! С. Айний, Дохунда.*

2 Хуррият (хотин-қизлар исми).

ХУРРИЯТПАРВАР [а. + ф. *حرّيت پرور* — хуррият тарафдори хурриятни ёқловчи] Хурриятни, озодликни севувчи, хуррият тарафдори.

ХУРРИЯТЧИ Хуррият учун, озодлик, эркинлик учун курашувчи. *Норозилик ғалаёнлари тобора кўпаймоқда. Хурриятчилар*

Когонга етишди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ХУСАЙНИ [ф. < а. *حسین* — Ҳазрати Алининг иккинчи ўғли Ҳусайн номидан] Узумнинг ҳасайнидан кўра нозикроқ, чўзинчоқроқ ўртапишар хўраки бир тури; шундай ҳосил берувчи ток. *Дилдор дала шийпонида бир бош ҳусайни узумни олдига кўйиб, эринибгина ғужумлаб еб ўтирарди. С. Аҳмад, Уфқ. Токнинг тоифи, нимранг, ҳусайни, қирмиска.. каби навларини ўстириш мақсадга мувофиқ. Газетадан.*

ХУСН [а. *حسن* — кўрк, чирой; гўзаллик, латофат; яхши сифат, хислат] **1** Ёқимли, ўзига тортувчи тус, кўриниш; чирой, кўрк (инсон юз тузилиши, ифодаси, ранги ва ш.к. га нисбатан). *Ҳусн тўйда керак, ақл кунда керак. — Гулшанбону Худоёр хонлигининг иккинчи даврида ўз ҳусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотига сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Содиқжон одобли, ақлли, қомату ҳуснда ҳам кўзи тушган қизларни қоқилтирадиган йигит эди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ташвиш қиз боланинг ҳусни оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 кўчма Ёқимли кўриниш; чирой. *Биз, этагимиздаги ямоқ кўрпадай, қишлоғимиз ҳуснини бузиб турган чўл парчасига сўнги марта ҳужум қиламиз. «Ўзбекистон кўриқлари». Кечаги чанғбосди ёмғир табиатга ҳусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилсини очиб юборди. Н. Фозилов, Дийдор.*

3 кўчма Чирой бўлувчи нарса, чирой тимсоли; чирой. *Фарғона — Ўзбекистоннинг ҳусни, холи. Шухрат, Шинелли йиллар. Яхши йигитлар — армиянинг ҳусни! Шухрат, Шинелли йиллар. Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркамки.. металлургия шахарчасига ҳусн бўлиб тушган эди. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

Ҳусни ахлоқ эск. кт. Яхши хулқ, гўзаллик ва бу ҳақдаги таълимот. *Имом, мактаб домласи ва бир мударрис ҳам, бу муносабат билан, болаларга ҳусни ахлоқни таълим [бериш] хусусида бир оз даҳанаки жанг қилишди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳусни мутлақ эск. кт. Яратувчи, худо. Уч кунлик ҳаётнинг неъматларидан қўл қоқиб, ҳусни*

мутлакнинг муҳаббати билан яшамоқ қадар улуг. бахт борми?. Табиатнинг ўзи ҳусни мутлакнинг бепоен жилвалар кўрсатган улуг кўзгусидир. Ойбек, Навоий. **Ҳусни қабул эск. кт.** Иззат-икром билан, яхши кутиб олиш. Биз бориб, онҳазратга жанобингизнинг дуонгизни эшиттирамиз; ҳусни қабулингизни, ижобатингизни уқтирамиз. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ҲУСНБУЗАР 1 Ёғ безлари функциясининг бузилиши туфайли терига турли хил тошмалар тошиши (кўпинча балоғатга етиш даврида йигит-қизларнинг юз, кўкрак, энса терисига пайдо бўлади). *..лейтенант борку.. анови-чи, юзларига ҳуснбузар тошиб кетган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. Умид кун ора эрта билан соқол қиришга тутинарди. Баъзан кўлик остидаги ҳуснбузарларини кесиб, қонатиб юбарарди. Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Манзарани хунуклаштирадиган, қиёфани ёмонлаштирадиган хунук нарса. *Гўзал биноларнинг айримлари деворларига ёпиштирилган ҳуснбузар эълонларга кўзингиз тушса, таъбингиз хира бўлади.* Газетадан.

ҲУСНДОР {а. + ф. *حسن دار* — ҳуснли, гўзал, чиройли} *айн. ҳуснли.* **Ҳусндор** *йигит.* ■ *Уйдан Урмонжоннинг хотини — тўлагина, хийла ҳусндор жувон чиқиб, Сидиқжон билан кўришди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ҲУСНИХАТ {а. *حسن خط* — чиройли ёзув, каллиграфия} **1** Қондага мувофиқ чиройли қилиб ёзиш; каллиграфия. *..институт ҳузурдаги бошланғич таълим кабинетида ўқувчиларга ҳуснихат ўргатиш бўйича бир ойлик семинар ўтказилди.* Газетадан.

2 Чиройли ёзув, чиройли ёзилган хат. [Пўлат] *Конверт устидаги адресга, таниш ва қадрли ҳуснихатга тикилганча, хаёлга чўмди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Нафис гулли лаганларнинг ўртасига ҳуснихат билан байтлар битилган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲУСНИЯ {а. *حسنيه* — энг яхши, энг гўзал нарса; эзгу иш(лар)} **1:** **ахлоқи ҳусния** *айн. ҳусни ахлоқ қ. ҳусн.* Ахлоқи ҳуснияни айниқса ёш авлодларимизга ўргатмоқ бизга фарз ҳам вожиб. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ҳусния (хотин-қизлар исми).

ҲУСНЛИ Яхши ҳуснга эга. *Бош яланг, яланг оёқ, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб шундай чанг солган эдики, йигитлар уни Мишанинг онаси, кечаги кўркем, ҳуснли*

аёл эканини базўр фарқ қилдилар. Ойбек, Кўёш қораймас.

ҲУСНСИЗ Ҳусни, чиройи йўқ; хунук.

ҲУТ {а. *حوت* — катта, наҳанг балиқ; кит} **1** (**Х** — катта) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Далв ва Ҳамал буржлари ўртасида жойлашган (қ. **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи (22 февраль — 21 март даврига тўғри келади). *Ҳут ойи. Ҳут чиқиб, ҳамал кирди.*

ҲУТ-ЮТ с. т. Қиш охири, қишки озик-овқат захириси тугаган, ерда ҳайвонлар учун ўт-хашак топилмайдиган бир давр. *—Қишдан қиттай бор. Ҳут-ют, сариқ сумалак, аямажиз.. қаторлашиб турибди, — кулумсиради Раъно.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҲУШ {ф. *هوش* — онг, шуур; ақл, идрок; эс, фаҳм; хотира; эсда тутиш қобилияти} Кишининг бирор нарса-ҳодисани сезиш, идрок этиш, англаш қобилияти, шундай сезги, идрокка эга ҳолат. *Кумуш.. сесканиб ўзига келди. Ҳушдан ажралаётган бечоралар [қутидор, Офтоб ойим] бу ҳолдан бир оз жонлангандек бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг гапи Сидиқжоннинг қулоғига кирмас эди. Сидиқжон то ҳушини ўнглагунча, Болтабой бостирмага кириб келди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Ҳуши (бошидан) учмоқ 1 ҳушини, ўзини йўқотмоқ. *«Дараксиз» деган сўзни эшитди-ю, онанинг ҳуши бошидан учди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Улимни биринчи марта кўрганим учунми, ҳушим учиб, қотиб қолдим.* О. Ёқубов, Излайман; **2)** ҳангу манг, ҳайрон ҳолатга тушмоқ. *Бирдан босди орқадан Туполон, милтиқ товуши. Шу чоқ йўловчиларнинг Учди бошидан ҳуши.* Файратий. *Ловуллаётган юзини кафти билан силаганча юриб кетди, ҳуши учганча, автобусга ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ҳуши кетмоқ** Бирор нарсага маҳлиё бўлмоқ; етишишни орзу қилмоқ. *«Боло-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди: беҳига ҳуши кетди», деб ўйлади қорабайирдаги кекса киши.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Ҳушига келмоқ** Эс-ҳуши, идроки ўз ҳолига келмоқ. *Ҳамма унинг бўзарган юзига тикилиб, ҳушига келишини сабрсизлик билан кутмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ота ҳушига келиб, кўзини очди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. **Ҳушидан кетмоқ** Эс-ҳу-

шини йўқотмоқ; ўзидан кетмоқ. *Топди, жигарбандини топди, Хосият хола муздек мрамар тошни кучоқлаб, хушидан кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Яраланган Абдуллаев қимир этмай хушидан кетди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Хушини йиғмоқ** Эс-хушини меъерий ҳолга келтирмоқ. *Искандаров бир сесканиб, яна хушини йиғиб олди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Меъмор ниҳоят хушини йиғиб олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Хушини олмоқ** Эс-хушидан айирмоқ; эс-хушини ўзига тортмоқ, маҳлиё қилмоқ. *Бахт Фуломжоннинг хушини олиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоронғи кечада вавағ ва битбилдиқлари билан киши хушини олгувчи беданалар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХУШЁР [ф. *هوشار* — ақлли, идрокли, фаросатли, эс-хушли; зеҳни ўткир, зийрак; сергак, сезгир; маст эмас] 1 Шароит, ҳолатни, нарса-ҳодисанинг моҳиятини тез англаш қобилиятига эга; шундай қобилият, идрок билан иш тутадиган; зийрак. *Ҳакимбойваччадек хушёр йигит қайда?.. Бойларимизнинг бари хушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *У сув тўлдириб қўйилган қумғон тагига олов ёқди. Хушёр шогирдлари ҳатто тутантириқ ҳам тайёрлаб қўйишган экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Теварак-атрофга, ён-веридаги ҳодисаларга сезгирлик билан кўз-қулоқ бўлиб турувчи; сергак. *Чегарада хушёр туради посбон, Бегона бирор хас учиб ўтолмас.* Р. Бобожон. *Хушёр туриб, адашмай, Ҳар шарпани сезаман.* Уйғун.

3 Эс-хуши жойида, хушини йўқотмаган (асосан, ичкилик, кайф таъсирида эмасликни билдиради). *Алимардон қанча май ичганининг.. ҳисобига етмади.. Хушёр пайтларида у ўзининг аҳволини уйлаб кўрар, назарида, даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Абдишукурнинг кайфи баланд бўлса-да, хуши ҳали ўзида, мумкин қадар ўзини хушёр тутушига тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Хушёр тортмоқ Эс-хушини йиғиб олмоқ, эс-хуши жойига келмоқ; сергакланмоқ (**хушёр** — ҳар учала маъносига). *Муҳаммадиев хушёр тортди-да, тавба-тазарруга ўтди.* И. Раҳим, Қадриабд одамлар. *Шу-*

ракайф ўтирган йигит милиция ходимини кўриб, хушёр тортди. Газетадан. *Тўнғич ботир хушёр тортиб, яроғларини тайёр қилибди.* «Чалпак ёққан кун».

ХУШЁРЛАНМОҚ кам қўлл. Эс-хушини йиғмоқ, хушёр тортмоқ, хушига келмоқ.

ХУШЁРЛИК Хушёр ҳолат, хушёр (сезгир, сергак) бўлиш. *Бизни ҳамма вақт хушёрликка даъват этиб турувчи бир нарса бор.* Газетадан. *Улуғ ишларни бажармоқ учун куч-қувват, соғломлик, бардамлик ва хушёрлик зарур бўлади.* Газетадан.

ХУШЁРХОНА [хушёр + хона] Маст кишиларни хушига келтириш учун милиция назорати остида ташкил қилинган санитария-тиббийет муассасаси. *Хушёрхона заб жойи экан, Совуқ сувга солди мени.* «Муштум». *Дадабойнинг тунар ери хушёрхона, Хишлолатдан ерга боқар ота-она!* «Муштум».

ХУШЛИ Хуши бор, хуши жойида; идрок этиш қобилияти яхши. *Лекин барака топкур хўп ақлли, хушли қиз бўптимми?! Уйғун, Сайланма.* *Ўзиям нақ кўрсангиз, ақлли, хушли, топиш-тутишли.* Ойдин, Ҳикоялар.

ХУШСИЗ 1 Хушидан кетган, хушини йўқотган; беҳуш. *Эртасига Раҳматиллани қўли синган, боши ёрилган ва хушсиз ҳолатда мактаб ёнидаги бир чуқурликдан топиб, касалхонага жўнатишди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Тун бўйи хушсиз ётди.* Тонгага яқин аранг кўзини очди. Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Эс-хуши жойида эмас, хаёли паришон; беҳуш, паришонхотир. *Анвар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибо қилмай, гўё хушсиз каби, бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Муҳаммад Жамол маҳбубасидан айрилиб, телбалардай эсиз, хушсиз қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

ХУШСИЗЛАНМОҚ 1 Хушдан кетмоқ, ўзини билмай қолмоқ. *Бир вақт хушимга келдим: оғзим бўғиқ, қалин нарсага ўралганман. Извошда кетаётганимни пайқадим. Яна хушсизландим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Гангиб қолмоқ, эсанкирамоқ; паришон бўлмоқ. [Отабек] *Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, хушсизланган кўйи қотиб тургач.. бирдан юриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУШСИЗЛАРЧА *рвш.* Хушсиз ҳолда, хушсиз кишилар каби. *Эрта биландан бошланган бу ҳолат Ҳасаналининг кейинги сўзи билан тамом бир даҳшат касб этди ва [Отабек] хушсизларча ўтириб қолди.* А. Қодирий, *Утган кунлар.*

ХУШСИЗЛИК 1 Хушсиз ҳолат; беҳушлик. *Бозор ҳали унинг юзини кўролгани йўқ, қоронғи. Шунинг ҳаммаси тунми ёки хушсизликмикан?* А. Мухтор, *Чинор.*

2 *тиб.* Миянинг қон билан таъминланиши бузилиши натижасида қисқа муддат рўй берадиган ҳолат; ҳушдан кетиш.

ХУШТ *унд. с. 1* Майда жониворларни ва қушларни ҳайдашни билдиради; кишт, хўйт, ҳайт. *Кампир хушт деб, чумчуқларни ҳайдади.* ■ *Ман хўжайинларнинг буйинтуруғига калламни тиқай, ишлай, улар обдан мойимни шилсин, кейин мани «хушт!» деб ҳайдасин.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

2 Йўқ қилиш, қўлга олиш қабилар ҳақида сигнални билдиради; фишт. *Эсинг жойидами ўзи? Хушт, деса, қаматиб юборди-я, жинни! С. Сиёев. Отлиқ аёл.*

ХУШТАК 1 Ҳавони пуфлаб чиқариш йўли билан чалинадиган асбоб, мослама. *Сопол хуштак. Милиционер хуштаги.* ■ *Йўлчи уни [болани] овутиш учун, толдан бир новда кесиб олиб, кичкина хуштак ясади.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

2 Ана шундай асбоб, мослама ёрдамида ёки лаб ва тишлар орасидан ҳаво чиқариб ҳосил қилинган товуш. *Кўча қоровули хуштагини эшитиб тўхтади.* ■ *Одамлар норозилик билан қарсак чалишар, залнинг чекка-чеккаларидан хуштак овозлари эшитилиб қоларди.* Ў. Ҳошимов, *Қалбинга қулоқ сол. Турсунбой икки бармоғини оғзига тиқиб, хуштак чалди.* С. Аҳмад, *Уфқ.*

3 Бирор таъсир, табиий ҳодиса туфайли ҳосил бўладиган, хуштакка ўхшаш товуш. *Тўсатдан девордаги радиоканрай хуштак чалиб, кейин хириллай бошлади.* «Муштум». *Қалдирғочнинг ташландиқ уясидан.. ингичка хуштак овози чиқарди: изғирин беркиниб олиб, шўхлик қилаётганга ўхшайди.* Чўлпон, *Кеча ва кундуз. Кучли шамол дарахт шохларини бир-бирига қасир-қусур уриб, хуштак чалди.* Й. Муқимов, *Матонатли кишилар.*

ХУШТАКБОЗ Хуштак чалишни яхши кўрадиган, доим хуштак чалиб юрадиган.

ХУҚНА [*а. حقه* — укол билан дори юбориш, қўйиш; шундай йўл билан юборилган дори; клизма] *тиб.* Даво мақсадида тўғри ичакка орқа чиқарув тешиги орқали махсус асбоб ёрдамида суюқлик (кўпинча сув) юбориш; клизма. *Врачлар ошқозонни ювишди. Болада ўзгартиш сезилмайди.* -Клизма қилинелар.. -*Ҳа, тезда хуқна қилинсин, — деб тасдиқлади врач Фаттоев.* Газетадан.

ХУҚУҚ [*а. حقوق* — «ҳақ(қ)» с. нинг кўпл.] **1** *хўқ.* Давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва кўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини ва б. ни тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрлар мажмун. *Фуқаролик хуқуқи.* ■ *Тинчлик, озодлик, аёллар хуқуқи, маърифат ҳақида сўзлайди, тушунтиради, тинчлик учун имзо тўглайди.* Ойбек, *Нур қидириб. Хуқуқ бузилишига қарши малакали кураш олиб бориш милициянинг хизмат бурчидир.* Газетадан.

2 Кимсага бирор иш-ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр. *Сайлов хуқуқи. Пенсия олиш хуқуқи. Дам олиш хуқуқи. Меҳнат қилиш хуқуқи.* ■ *Инсон хуқуқи нима? Озод яшаш, кўнгулга ёққан уқув, қобилият, қолаверса, талант тақозо этган ишни бажариб яшашми?* «Ўзбекистон кўриқлари». *Мен раислик хуқуқим билан янги ер очишни ҳам, посёлка қурилишини ҳам тўхтатиб, барча одамларни гўза парваршишга ташлайман.* Ш. Рашидов, *Бўрондан кучли. Бу кишини ишлаш хуқуқидан маҳрум қилишга ҳаддим сиғмайди.* А. Қаҳҳор, *Йиллар.*

3 с. т. айн. хуқуқшунослик. ..кашандаликни тугатиш дастурини ишлаб чиқиб, унда тиббиёт, хуқуқ, ташкилотчилик ва тарбиявий тадбирларнинг кенг комплекси кўзда тутилсин. Газетадан.

4 *кўчма кам қўлл.* Бирор нарсага хос мақом, ўрин. *Шунинг учун ҳам ўз даврида нуристик ҳаракатнинг қурбони бўлган бу муаллим ва муаллима сўзларини ўз хуқуқларида қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.* «ЎТА».

ХУҚУҚБУЗАР Мавжуд қонун-қоидалар, хуқуқий меъёрларга амал қилмайдиган, уларни бузувчи; жиноятчи. *Суднинг ҳукмига асосан, хуқуқбузар тегишли жазосини олди.* Газетадан.

ХУҚУҚБУЗАРЛИК Мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик, уларни бузиш; шу йўлдаги хатти-ҳаракат; шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш; жиноят. ■ *Мактабларда ёшлар ўртасида майда безорилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар уюштираман.* Газетадан. *Шунингдек, ноқонуний нақд пул айланмалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.* Газетадан.

ХУҚУҚИЙ [а. *حقوقى* – ҳуқуққа, одиллик ва адолатга оид; ҳуқуққа асосланган] юр. Ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид, ҳуқуқ юзасидан бўладиган. Ҳуқуқий муносабатлар. Ҳуқуқий тартиб. Ҳуқуқий билимлар. ■ *Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳодисалари, ижтимоий воқеликлар каби турли-тумандир.* «ЎЗМЭ».

ХУҚУҚЛИ Ҳуқуққа эга. *Тенг ҳуқуқли.* Тула ҳуқуқли.

ХУҚУҚСИЗ Ҳуқуқи йўқ, ҳуқуққа эга эмас. *Муртазиннинг озодлик ҳақида гапирган гапларидан сўнг эркисиз, ҳуқуқсиз одамлар қайта тирилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ХУҚУҚСИЗЛИК Ҳуқуқсиз ҳолат, ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлик. *Ҳуқуқсизлик, миллий тенгсизлик фақат шулар билан чекланмасди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Жабр, зулмга қарши, ҳуқуқсизликка қарши курашмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб.

ХУҚУҚШУНОС [а. + ф. *حقوق شناس* – ҳуқуқни ўрганувчи, ҳуқуқ билимдони] Ҳуқуқшунослик мутахассиси. *Алишер машҳур ҳуқуқшунос Ҳўжа Фазлулло Абуллайсдан мутасил даре олар экан.* Ойбек, Навоий.

ХУҚУҚШУНОСЛИК Ҳуқуққа оид фанлар (мажмуи). *Қиёсий ҳуқуқшунослик.* ■ *Ҳуқуқшунослик илми кўп вақтлардан бери жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади.* Газетадан. *Мухтор молия-иқтисод институтига, Тожиддин эса ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирган эди.* М. Ҳайруллаев, Тилла маржон.

ХУҚҚА [а. *حَقًّا* – қутича, яшикча] эск. кам қўла. Майда нарсалар солиб қўйиладиган, тўғарақ ёки тўртбурчак шаклидаги қутича. *Афанди бир кунни ўзига зеб бериб.. бир қўлига ҳуққа, тасбеҳини ушлади.. «Муштум».*

ХУҚҚАБОЗ [а. + ф. *حقباز* – найранг-боз, фирибгар, товламачи; фокусчи] эск. 1 *Кутичалар ичидан чаққонлик билан ҳар хил нарсалар чиқариб, ўйинлар, фокуслар кўрсатувчи киши; кўзбоғловчи. Хитой кийимида, кўзини хитойчасига бўяган, сочини орқасига ўраган иккита ҳуққабоз талинка [тарелка]ларни чўлларда ўйнатиб чиқади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 *кўчма Ҳийлагар, фирибгар, найранг-боз. -Мустамлакачиликнигина эмас, агрессия блокларни ҳам.. ҳимоя қилиш бу – кўзбоғловчи ҳуққабозларнинггина қўлидан келиши мумкин, – деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ХУҚҚАБОЗЛИК Ҳуққабоз ўйини. *Қизикчи ҳуққабозлик қила туриб, оёғини бошига уриб олади ва аразлаб, майдондан чиқиб кетади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ХУҚҚИ Муз қатламида тешиб очилган раҳна, муз тешиги, музнинг ўйиқ жойи. *Қўққисдан муз устидаги тешикка – ҳуққи-га бир бола тушиб кетади.* Ойбек, Болалик.

ХУҲ I унд. с. Пўписа учун ишлатилади. *-Хуҳ, сени!.. Мунчоқни суиистеъмол қилсин деб, сенга ким айтди? – деди Меҳмононов қизчасига.* С. Абдулла, Обрўйим тўкилади.

ХУҲ II тақл. с. Ўпкадаги ҳавони, нафасни оғиздан зарб билан чиқаришда юзага келадиган товушни билдиради. *Қосимжон ёнини ковлаётганида, милиционернинг қошлари чимирилиб кетди: - Шошманг, шошманг, битта хуҳ, деб юборинг-чи.* С. Аҳмад, Кайтайса.

ХУҲЛАМОҚ «Хуҳ» деб нафас чиқармоқ; «хуҳ» демоқ. *Бунни кўриб, «Тўймас» уйга кирадиган бўлди, деб севинди; у ҳам қўлини оғзига тутиб, ҳуҳлаганича, эшик томонга келаверди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

ХУ-ХУ тақл. с. Мусича, кумри каби қушлар сайраганда чиқадиган товушни билдиради.

Ху-ху тортмоқ Ҳуҳулаб сайрамоқ. *Мусичалар ху-ху тортиб, булбуллар кўниб, зоғлар учиб, кўрганларнинг баҳрини очибди.* «Равшан».

ХУҲУЛАМОҚ «Ху-ху» деб сайрамоқ (кумри, мусичалар ҳақида). *Кумрилар мунгли-мунгли ҳуҳулар.* Ойбек, Навоий. *Мусичалар хуҳулайди, дарахтларда, деворлар устида бир-бирини қувлашади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ХҲ *кўрс. олим.* 1 Узоқдаги нарсани кўрсатишни, унга ишорани билдиради. - Бригадир қаерда? - *Ху, анави пайкалда.* ■ Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? *Ху, анави, ўртадаги қора камзулик!* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Илгари бўлиб ўтган иш-ҳаракат, ҳодиса ва ш.к. га ишорани билдиради. *...ху, бурноғи йди серёғ, серғушт паловхонни Бабуддан осонгина ундирган эди.* «Муштум».

3 Мурожаатда диққатни жалб этиш учун ишлатилади. - *Ху, ишёқмас, манглайи қора, - деди Мадрайим навкар ўшқириб унга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Ундов сўз олдидан маънони кучайтириш учун қўлланади. *Э, э, иигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи! Ху, баракалла, мулла Суяр! Отасини суярми, онасини суярми, а? Ё иккаларини ҳам суярми?* А. Қаҳҳор, Ҳжар.

ХҲВ *айн. ху* 1.

ХҲЙ *айн. ҳой.* Фахриддин кирганда, Меҳри энди уйқудан турган экан. - *Э, хуӣ.* Яхшимисан.. *хуӣ!* - деди Фахриддин. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ХҲКИЗ 1 Икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қора мол. У ердан сув чиқади деб ўйлаш - *хўкиз сут беради, деб ўйлашдай гап.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. У колхознинг қўш хўкизи билан ўз ерини ҳайдамоқда эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма сўк.* Шу молга нисбатли ҳақоратни билдиради. - *Анави хўкизни қаранг-у, манави парини!* - деди Заврак анча нарида ўз чодирни ёнида турган Ҳудододбекни яна *кўрсатиб.. - бийрон ва шаддод қиз ўшанинг қўлига тушяпти.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХҲККИ *шв.* Букур. *Эгам сени хўкки қилиб яратиб қўйибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХҲЛ 1 Сувга ивиған, сувланган. *Хўл кийим. Қўлим хўл. Ёмғирда костюмим хўл бўлди.* ■ *Аҳмад бригадир қўлларини қо- зикдаги хўл сочиққа тортинмай артди.* С. Нуров, Нарвон. *...бир қанча гул япроқлари Чароснинг хўл сочларига, юзига ёпишиб қолди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ҳзида бўлган суви, нами, шираси қочмаган. *Хўл мева. Хўл новда. Тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ тавар ёнар.* Мақол. ■ [Йўлчи] *Ёрмат боиб берган бир эски кўрпачани қуруқ ерга ёйиб, бошини бир боғ хўл бедага қўйиб, уйқуга кетди.* Ойбек,

Танланган асарлар. У *болалари олдида айбдордек, хўл ўтин вишиллаб сасиётган ўчоққа қаради.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

ХҲЛЛАМОҚ *Хўл қилмоқ, сув тегизмоқ, нам бермоқ. Рўмолчани хўлламоқ. Латта хўллаб, пол ювмоқ. Сочини хўлламоқ. Бармоғини хўлламоқ.* ■ *Қизини бағрига босиб, пешонасидан ўнганда, кўз ёшлари Жумагулнинг юз-кўзини хўллади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳўли бўлса чойга нон хўллаб емоқда эди.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар. *Чол лаблари билан бир парча эски чармни хўллаб туриб деди..* Ойбек, Танланган асарлар.

Томоқни хўлламоқ Бир оз ичмоқ. *Юринглар, томоқни хўллаб оламиз, ҳам чайласини кўраимиз.* С. Нуров, Нарвон. *Ёшликнинг охири, қарликнинг боши, дегандай озроқ томоқни хўллаб олсак бўларди.* «Муштум».

ХҲНГИЛЛАМОҚ *шв. айн. хўнграмоқ.* У *дик ўрnidан туриб, хўнгиллаб йиғлаганча, ташқарига чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Фельлан кучсизлик.

ХҲНГИР-ХҲНГИР *тақл. с. қ. хўнг-хўнг.* *Устига тоғ ағдарилган маҳдум бошини яна қуйироққа солиб, хўнгир-хўнгир йиғлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қўй, юлдузим, қизим, ўксима, Кўз намлама, қўй хўнгир-хўнгирингни.* С. Жўра.

ХҲНГРАМОҚ «Хўнгир-хўнгир», «хўнг-хўнг» товуш чиқармоқ, шундай товуш чиқариб йиғламоқ. [Канизак] *Бирдан лаби пирпираб, хўнграб юборди-да, дуррасининг учи билан юзини бекитиб, тескари ўгирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *...дарахтлар орқасидан хўнграб йиғлаган товуш эшитилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Армон бари бир дош беролмади, хўнграганча, уйга отилди.* «Ёшлик». *Сорахон ўзини диванга кўтариб уриб, бир товуши билан хўнграб йиғлади.* А. Қаҳҳор.

ХҲНГ-ХҲНГ *тақл. с.* Эзилиб, куюниб йиғлашдаги қаттиқ товушни билдиради. *Мунира кичкинагина курсида мункайиб ўтириб, хўнг-хўнг йиғларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Пошша хола хўнг-хўнг йиғлаб, қуруқ хўл билан уйга қайтди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Фор ичида Лаблининг юракни эзадиган хўнг-хўнг йиғиси эшитиларди.* Ҳ. Фулом. Машғал.

ХҲП *унд. с.* Сакраш, ҳатлаш пайтида айтиладиган нидо.

ХЎПЛАМ Бир хўплаб, оғизга олинган суюқлик миқдори. *Бир хўплам сув.* ■ [Ибн Сино] *Уйқуси келиб, кўзига қум тиқилганда, аллақандай бир ўтти қайнатиб тайёрланган доридан бир хўплам ичар, кўзи яна очилиб, зеҳни равшанлашарди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Икки чимдим ош еди-ю, бир хўплам чой ичди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ХЎПЛАМОҚ 1 Бир хўплам. хўплам-хўплам оғизга олмоқ. *Норбой ярим коса шўрвани остонада тик турганча хўплаб ичди.* «Ёшлик». *Сидиқжоннинг ёнида ўтирган киши хўплаган чойни пуркаб юборди.* А. Қаҳҳор. *Қушчинор чироқлари. . . уградан бир қошиқ хўплаган эди, қалқиб кетиб, қаттиқ ўқчиди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 кўчма Ўзига олиб (ютиб) йўқ қилмоқ. *Пахтанинг фойдасини Хўлаб турар фермамиз, Чорванинг кам-кўстини Бозордан сотволамиз.* «Муштум». *Ҳафта ўтди, кун ўтди, Қаторлашиб анча ой. Жўш уриб, қирғоғини Хўлар эди телба сой. Ғайратий. Ўртоқ Рустамов, айш-ишрат анча пулни хўласа керак?»* «Муштум».

ХЎППАК 1 Икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан уриш.

Хўппак олмоқ 1) икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан урмоқ; 2) кўчма ўч олмоқ; зарда қилмоқ, аччиқланмоқ; қаслашмоқ. *Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Қумуш билан онасидан хўппак олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХЎППАК П с. т. Пахтаси етилиб, яхши очилган кўсак. *Хўппак пахта.*

ХЎППОЗ Ёнма-ён жойлашган бир неча соч халтачаси ва тери безларининг ҳамда шу соҳадаги тери ва тери ости ёғ қатламининг ўткир йирингли яллиғланиши; карбункул, кўк яра. *Сизлоғич, чипқон, хўппоз. . . ва бошқа касалликлар келиб чиқиши мумкин.* Газетадан.

ХЎШШАЙМОҚ шв. *Ўшшаймоқ. Хўшшаймай ўл!.. Қачонгача мен сенинг эрингни пойлайман?! А. Қаҳҳор, Сароб.*

ХЎ-ХЎ-Ў унд. с. Кучли таажжуб, ҳайрат маъноларини билдиради. *Элмурод хаёлида ҳисоблаб кўриб: - Тахминан икки минг йиллардан кўпроқ бўлсам. . . - деди. - Хў-хў-ў. . . - деди Мели полвон. П. Турсун, Ўқитувчи.*

СЎЗ ЯСОВЧИ ВА ШАКЛ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ-ИЛЛЮСТРАТИВ КЎРСАТКИЧИ

Ушбу кўрсаткични тузишда З. Маъруфовнинг «Словообразовательные и словоизменительные аффиксы узбекского языка» (Узбекско-русский словарь, М. 1959, 716-727-бетлар), А. Фуломов, А.Н. Тихонов ва Р. Қўнғуровларнинг «Ўзбек тили морфем луғати» (1977), А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тили сўз ясалиши» (1989), «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (2007) асарларидан, мавжуд ўзбек тили грамматикаларининг сўз ясалиши қисмларидан унумли фойдаланилди. Кўрсаткичда асосий сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар келтирилиб, баъзи вариант аффикслар, форсча ва арабча сўзлар таркибидаги айрим аффиксоидлар ўз аксини топмаган. Шу нуқтаи назардан тузувчилар кўрсаткични тўлиқ, мукамал, деган даъводан йироқдирлар.

Тузувчилар: **Н. Маҳкамов, А. Маддалиев.**

-я I сўз ясовчи: 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл ясайди: *ошамоқ, тунамоқ, қонамоқ*. Бунда баъзи ясалмаларнинг асослари фонетик ўзгаришга учрайди: *ўйнамоқ < ўйин + а; яшамоқ < ёш + а; санамоқ < сон + а* каби; 2) сифатлардан асос англаган ҳолатга ўтиш маъносини билдирувчи феъллар ясайди: *қийнамоқ, бўшамоқ*; 3) тақлидий сўзларга қўшилиб, ўша овоз билан характерланадиган ҳаракатни англатувчи феъл ясайди: *жилдирамоқ, шилдирамоқ, қалтирамоқ*; 4) феъллардан сифатлар ясайди: *кўтара* (савдо), *қўша-қўша* (уйлар); 5) якка ёки такрорланган тақлидий сўзлардан от ясайди: *жизза, дўмбира; қаҳқаҳа, шаршара*; 6) тақлид сўзлардан равиш ҳосил қилади: *гулла-гулла, таппа-таппа, таққа* (тўхтади), *шартта*.

-а II шакл ясовчи: 1) феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши, интенсивлик каби маъноларни ифодалайди: *бурамоқ, ур(и)намоқ* каби; 2) такрор ёки жуфт феъл асосларига қўшилиб, ҳаракатнинг белгисини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *кута-кута, чопа-чопа, шоша-пиша, юра-юра*; 3) феълларга қўшилиб, равишдошнинг давомийлик маъносини ифодаловчи шаклини ҳосил қилади ва мустақил феълларни кўмакчи феълларга боғловчи восита ҳисобланади: *ёза тур, кела қол*.

-ажак ундош билан тугаган феъл асосларидан келаси замон сифатдоши шаклини ясайди: *боражак, бўлажак*. Бундай сўзларнинг баъзилари отлашган ҳолатда ҳам бўлади: *келажак*.

-ай I сифат ва равишлардан асос билдирган белги, ҳолатга ўтиш маъносини ифо-

даловчи феъл ҳосил қилади: *кўпаймоқ, ожаймоқ, пасаймоқ, тораймоқ*.

-ай II ундош билан тутаган феъллардан феълнинг истак майл шаклини ҳосил қилади: *ёзай, терай, турай, қолай*.

-ак I) отдан кичрайтиш ва ўхшатиш маъносини ифодаловчи от ясайди: *баргак, ичак, йўлак*; 2) отлардан ўхшатиш, ҳолат, тур билдирувчи сифатлар ясайди: *мурғак* (бола), *қирмизак* (олма), *ғалвирак* (ёнғоқ); 3) якка ёки такрорланган тақлидий сўзлардан от ясайди: *варрак, гулдурак, қарсак, ғуррак; бизбизак, дардарак*.

-акам от ва сифатлардан модаллик маъносига равиш ва сифат ҳосил қилади: *ёлғон(д)акам, ростакам, чинакам, ҳазилакам* каби.

-аки I) отдан сифат ясайди: *оғзаки, юзаки, қалбаки*; 2) отдан равиш ясайди: *бурунаки*; 3) сифатдан сифат ясайди: *пучаки, хомаки, шўраки*; 4) тақлидий сўзлардан характер-хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *жиртаки, шартаки, ғирғираки*.

-ала I баъзи сонларга қўшилиб, биргалик маъносини англатувчи жамловчи сон шаклини ясайди: *бешала, иккала, тўртала, учала*.

-ала II (-а + -ла) феълларга қўшилиб, интензивлик маъносини ифодалайди: *қайталамоқ, қуваламоқ*.

-алак сифатдан кичрайтириш маъносини билдирувчи от ясайди: *дўнғалак*.

алла- I) сўроқ олмошлари олдидан қўшилиб, предмет, белги, пайт, ўрин ёки ҳодиса ҳақида ноаниқликни англатувчи гумон олмошини ҳосил қилади: *аллаким, алланечук, алланима, аллақаер, аллақачон*; 2) *вақт, маҳал* сўзлари олдидан келиб, пайт равишини ҳосил қилади: *аллавақт, алламаҳал*.

-ан араб тилидан ўзлашган, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдирган равишлар таркибида гўё ясовчи каби ажралади, аслида у ўзбек тили материаллари асосида сўз ясамайди: *мажбуран, руҳан, тамоман*.

-ар I I) айрим сифатларга қўшилиб, асос англатган ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар ясайди: *кўкармоқ, оқармоқ*; 2) от + феъл компонентли сўзлардан қўшма отлар ясайди: *бешиктерватар, бўйўсар, изкувар, отчопар, қўйбоқар, хуснбузар*; 3) от +

феъл компонентли сўзлардан хусусият билдирувчи қўшма сифатлар ясайди: *ишбузар, меҳнатсевар, тинчликсевар*.

-ар II ундош билан тутаган феъллардан келаси замон сифатдоши шаклини ясайди: *борар, ёзар, келар*.

-аро аслида аффикслаша бошлаган мустақил *ора* сўзи бўлиб, отларга қўшилиб келади, бундай сўзлар кўпинча сифат вазифасида қўлланади: *базмаро, туманлараро, халқаро, ўзаро, ҳужайралараро, ҳукуматлараро* каби.

-аси (-а + -си) феъл негизидан унинг сифатдош шаклини ясайди: *келаси* (йил), *ўласи* (мол).

-ат I феъл асосларидан от (*ўлат, кўчат*), шунингдек, отдан от (*элат*) ясайди.

-ат II араб тилидан ўзлашган баъзи сўзлар таркибида учрайди ва гўё қўшимча тарзида ажралади; аслида у ўзбек тилида сўз ясамайди: *зарурат, камолат, охират* (яна қ. -ият).

-ақай *чап, ўнг* каби айрим сўзлардан сифат ясайди: *чапақай, ўн(г)ақай*.

-ағон феъл асосларидан англашилган маънонинг ортиқлигини, мукамаллигини ифодаловчи хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *бшағон, кулағон, сузағон, тепағон, топағон, чопағон, қопағон*.

-б феъл негизларидан ўтган замон равишдоши шаклини ҳосил қилади: *сўзлаб, тараб, ўйнаб, қариб* каби. Бундай равишдошларнинг айримлари кўмакчига кўчган: Қишлоққа *қараб* (томон) кетди.

ба-[ф. *با* — биргалик, бирор нарсага эгалик маъноларидаги олд қўшимча] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчаларга эгалик ёки ортиқлик маъноларини билдирувчи сифат ясайди: *бадавлат, баҳаво, баҳайбат, бақувват* (яна қ. бо-).

бад-[ф. *بد* — ёмон, ярамас] отдан салбий маъно, яъни «ёмон» маъносига сифатлар ясайди: *бадбахт, бадбашара, баджаҳл, баднафс, бадном, бадхулқ*.

бар-[ф. *بر* — га, томонга, устида, олдида, учун маъноларидаги олд қўшимча] отларга қўшилиб, шу от ифодалаган маънога эгаликни, унга эришганликни билдирувчи сифат ёки равиш ҳосил қилади: *барвақт, баркамол, барқарор, барҳаёт, барҳақ*.

-бахш [ф. *بخش* — берувчи, бағишловчи; а. *بخشیدن* — «бермоқ, бағишламоқ, совға

қилмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани бериш, бағишлаш, шу нарса билан таъминлаш хусусиятига эга деган мазмундаги сифатлар ясади: *илҳомбахш, оромбахш, роҳатбахш, ҳаётбахш*.

бе- |ф. *بی* — инкорни, йўқликни ифодаловчи олд қўшимча] от асосларидан олдин қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эга эмасликни, муайян белги-хусусиятнинг йўқлигини англатади: 1) шахсга оид характер-хусусият, ҳолатнинг мавжуд эмаслигини билдирувчи сифатлар ясади: *беармон, беодоб, бераҳм, бесабр, беҳафсала*; 2) асосдан англашилган шакл-кўриниш, хусусият, ҳолатнинг мавжуд эмаслигини билдирувчи сифатлар ясади: *бевақт, бежанжал, беўхшов*. **бе-** қўшимчаси орқали ясалган баъзи сифатлар яхлит ҳолга келиб, қисмларга ажралмайди: *бежирим, безовта, бекор, бесўнақай*. Баъзан қўшма сўзларга қўшилиб, сифат ясади: *бекам-кўст, беном-нишон* каби. Баъзан тожик тилидаги **но-** олд қўшимчаси, баъзан эса ўзбекча **-сиз** аффикси билан функционал алмашиши мумкин: *беайб — айбсиз, беандаза — андазасиз, беармон — армонсиз, бебахт — бахтсиз, беваж — важсиз, бевосита — воситасиз, бедаво — давосиз*. **Бе-** билан **-сиз** ёки **но-** аффиксларини алмаштириш мумкин бўлмайдиган ўринлар (семантик фарқладиган ўринлар) ҳам бор: *бебош — нобош* қўлланмайди ёки *бебош* (шўх) — *бошсиз* (бошқа маънода); *нотинч* сўзи ҳам айни маънода *бетинч, тинчсиз* тарзида қўллана олмайди.

бо- |ф. *با* — бирор-бир сифатга, белгига эгаликни билдирувчи олд қўшимча] *айн. ба-*: *боадаб, боақл, бообрў, бохабар*.

-боз |ф. *باز* — ўйновчи; *باختن* — «ўйнамоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса ёки ҳодиса билан фаол шуғулланадиган, унга қизиқадиган, жуда берилган (шахс) каби маъноларни берувчи сифатлар ясади: *ари-забоз, каптарбоз, сафсатабоз, қиморбоз* каби. Баъзан у оғзаки нутқда **-воз** шаклида ҳам ишлатилади (б→в): *беданавоз, майнавоз, масхаравоз, найзавоз*.

-бон |ф. *بان* — қўриқловчи, сақловчи, асровчи] бирор нарсага қараб турувчи, уни сақловчи, қўриқловчи шахс маъносига от ясади: *богбон, дарвозабон, саройбон*. **-бон**

морфемаси баъзан **-вон** шаклида ҳам учрайди (б→в): *соявон, тарозивон* каби.

-в унли билан тугаган феъл асосидан ҳаракат номи, жараёни билдирувчи отлар ясади: *айблов, бағишлов, безиллов, мақтов, сайлов, синов, сўзлов, тергов, ундов, қишлов, ҳайдов*; бундай вақтда **в** олдидаги **а** товуши **о** га ўтади (а→о). Ушбу қўшимча, шунингдек, конкрет предмет номини кўрсатувчи от ҳам ясади: *буров, яйлов, қишлов*. Ўрнига қараб, **-(и)ш, -(у)в, -моқ** аффикслари билан функционал алмашиши мумкин. Мас.: *айблов // айблаш // айбламоқ; кутлов // кутлаш // кутламоқ*.

-ванд отларга қўшилиб, асосдан англашилган маънога эга эканликни билдирувчи (шахсга хос) сифат ясади: *касалванд, нашаванд* (яна қ. *манд*).

-вачча |ф. *بچه* — бола, гўдак] 1) бирор қариндошнинг, умуман, бирор кишининг боласи (ўғли, қизи) маъносига отлар ясади: *акавачча, амакивачча, бойвачча, жиянвачча, холавачча, қозивачча*; 2) жониворларга нисбатан ишлатилганда ҳам, «айни жониворнинг боласи» маъносини билдиради: *итвачча, кучуквачча, мушуквачча*. *Итвачча, қулвачча* типидagi қўлланишларда услубий бўёқдорлик кузатилади.

-вер бермоқ ёрдаси феълнинг интервокал ҳолатдаги асоси бўлиб, аффиксга айланиш жараёнидадир (б→в). **-а** ёки **-й** шаклидаги равишдошдан давомлилик, такрорланганликни билдирувчи феъл ясади: *ёзаверди, сўзлайверди, ўқийверди* каби. Баъзан «бошлайвер», «тортинма» каби тўсиқсизликни билдириш маъносига ҳам эга бўлади: Нега жимсан, *гапиривер*.

-вий |а. *وی* — унли билан тугаган отлардан сифат ясовчи қўшимча] одатда, араб ва эроний тиллардан кирган сўзларда — нисбий сифатлар таркибида учрайди: *афсонавий, замонавий, оилавий, қабилавий* каби (қ. **-ий**).

-вор от, сифат туркумига оид сўзлардан хослик, характер-хусусият, шакл, ҳолат каби белги маъноларини англатувчи сифат ва равиш ясади: *афсонавор, доривор, мардонавор, улуғвор, умидвор*.

-га | жўналиш келишигининг асосий шакли бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг луғавий маъносига кўра ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини, объект, ўрин, пайт каби маъ-

ноларни ифодалайди: *далага, мактабга, менга, уйга*; баъзан келишдик аффикси ўзи бириккан асос билан қотган ҳолда равишга ўтади: *бекорга, бирга, гўрга* («майли» маъносига), *индинга, текинга, эртага*. **-га** аффикси *бекорга, беҳудага, жўрттага, қайтага* каби равишлар таркибида ҳам учрайди. Шунингдек, III шахс эгалик аффикси билан қўшилган ҳолда, сифат, равиш, баъзан отдан равиш ясайди: *айлана-насига, очикчасига, тиккасига, чапнасига, яллисига, қаторасига*.

-га II айрим феълларда интенсивликни кўрсатиш учун хизмат қилади: *сургамоқ*.

-газ феъл асосига қўшилиб, феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи аффикс; асоснинг тугалланма товуши тақозоси билан унинг **-каз, -қаз, -ғаз** вариантлари ҳам қўлланиши мумкин: *етказ, кўргаз, ўтказ; етқаз, тутқаз; тургаз*. Бу аффикснинг **-кар** тарзидаги варианты ҳам мавжуд: *ўтказ // ўткар*. **-ғаз** нинг турли хил шакллари ўрни билан орттирма даража ясовчи бошқа шакллар билан вазифадош бўла олади: *кўргаз // кўрсат, битказ // битир, тўйғаз // тўйдир* каби.

-ган феъл асосига қўшилиб, айни феълнинг ўтган замон сифатдоши шаклини ҳосил қилади: *борган, келган, турган, ўқиган* каби.

-гани (-кани, -қани) феъл негизларидан мақсад равишдоши шаклини ясайди: *ёзгани, кўргани, таққани, эккани* каби. Шеъриятда **-гани** аффиксининг **-гали (-қали, -қали)** каби архаик шакли ҳам учраб қолади. Ҳозир ушбу архаик шакл қўлланишдан чиққан. **-гани (-кани, -қани)** ҳозирги ўзбек тилида *учун* кўмакчиси билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин: *кўргани // кўриш учун*.

-ганча (-ганича) ҳолат, пайт билдирувчи равишдош шаклини ясайди: *ётганча, кетганча* (шу *кетганча* қайтиб келмади), *югурганча, ўтирганча*. Баъзи ҳолатларда **-гунча (-кунча, -қунча)** аффикслари **-ганча** аффиксининг грамматик синоними ҳисобланади.

-гар {ф. *گار < كار* — иш, фаолият; қилмиш, хатти-ҳаракат} отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан шуғулланувчи, уни бажарувчи маъноларини билдирадиган, шахсга хос белги сўзларини ҳо-

сил қилади. Улар бугунги кунда шахс оти сифатида қўлланади: *жодугар, иғвогар, сеҳргар, ситамгар, фирибгар*. Шунингдек, **-чи** билан биргаликда ҳам келади: *савдогарчи*. Бу плеонастик аффикслардир. Бунда улардан бири семантик жиҳатдан кучсизланиб, сўз ясовчидан шакл ясовчига ўтади.

-гарчилик (-гар + -чи + -лик) қўшма аффикс: 1) от асосларидан хусусият, ҳолат, баъзан касб номини англлатувчи мавҳум отлар ясайди: *ёгингарчилик, исрофгарчилик, лойгарчилик, овозгарчилик, совунгарчилик* каби; 2) ясама сифатларга қўшилиб, хусусият номини англлатувчи от ясайди: *бемазагарчилик, бемаънигарчилик, се-робгарчилик* каби.

-гач феълларга қўшилиб, пайт ва сабаб маъносини англлатувчи равишдош шаклини ясайди: *битиргач, ёзгач, кўргач, юргач*. Унинг пайт ва сабаб маънолари, одатда, умумий матнда аниқлашади (мас., у *айтгач..*), лекин инкор шакли билан келганда, кўпинча, сабаб билдиради: *У бормагач, мен бордим* (яна қ. **-қач, -қач**).

-гача (-га + -ча) қўшма аффикс. От, сифат, равиш, олмошдан пайт-чегара маъносини билдирувчи равиш ясайди: *кечгача, кузгача, мактабгача, уйгача* каби (яна қ. **-қача, -қача**).

-ги I 1) феъл асосларидан нарса-объект ва қурол отларини ясайди: *сузги, супурги*; 2) феъл асосларига қўшилиб, мавҳум от ясайди: *кулги, сезги*.

-ги II унли ёки жарангли ундош билан тугаган от, равишларга қўшилиб, пайтга муносабат, хослик билдирувчи, кўпинча нисбий сифат ҳосил қилади: *аввалги, бурунги, кечаги, кузги, кундузги, тонгги, тунги, эндиги, қадимги* каби.

-ги III эгалик аффикслари билан бирликда **келмоқ** феъли билан қўшилганда, хоҳиш маъносини англлатиш учун хизмат қилади: *кўргги + м келди, ўқигги + м келди* каби. Худди шу маъно **-гитм** аффиксли сўзларни **бор** ва **йўқ** сўзлари бошқарганда ҳам юз беради: *сўраги + м бор, ухлагги + м йўқ* каби.

-ғиз феъл асосларига қўшилиб, феълнинг орттирма даражаси шаклини ҳосил қилади: **-ғиз** қўшимчаси аксар ҳолларда ўтимсиз феълга қўшилиб, уни ўтимли

фeълга айлантиради: *боргиз, егиз, кийгиз, юргиз*.

-**гин** фeълдан англашилган маънони алоҳида таъкидлаш, кучайтириш билан ифодалайдиган, фeълнинг II шахс бирлик сондаги буйруқ майлини ҳосил қилади: *боргин, ёзгин, келгин, олгин, ўтиргин* (қ. -**кин** I, -**қин** II).

-**гина** I модал муносабат ёки субъектив баҳо шаклини ҳосил қилади: 1) отнинг эр-калатиш-кичрайтириш шаклини ҳосил қилади: *болагина, жонгина(м), қизгина* каби; 2) сифатнинг субъектив баҳо шаклини ҳосил қилиб, предметга, шахсга бўлган ижобий муносабат маъноларини англатади: *енгилгина, жаҳжжигина каттагина, кичкинагина, соддагина, ширингина, яхшигина, қаригина*; 3) равишга қўшилиб, модал маъно ҳосил қилади: *анчагина, астагина, кўпгина, озгина, эндигина, ҳалигина*.

-**гина** II урғусиз ҳолатда айирув-чегаралов юклагаси вазифасини бажариб, ажратиб кўрсатиш, алоҳидалик маъноларини ҳосил қилади: *бизларгина, сенгина, сўзларнигина, фақатгина* каби.

-**гир** I фeълларнинг буйруқ шаклига, яъни асосига қўшилиб, бирор ҳаракат ёки хусусиятнинг ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *билгир, сезгир, тезгир* каби.

-**гир** II [ф. *گیر* – тутувчи, ушловчи; буйсундирувчи; *گرفتن* – «олмоқ, тутмоқ, ушламоқ; босиб, эгаллаб олмоқ, буйсундиarmoқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асос англаган нарсани тутиб, ушлаб олувчи, ўзига буйсундирувчи маъносигаги шахс отини ясайди: *жаҳонгир, оламгир, фазогир*.

-**гич** фeълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи курул, асбоб отини ясайди: *бириктиргич, ковлагич, кўтаргич, майдалагич, пуркагич, сузгич, ўтказгич, қистиргич, (қозон)ювгич* каби.

-**гоҳ** [ф. *هگ* – вақт, пайт; қўшма сўзнинг ўрин билдирувчи иккинчи қисми] асосдан англашилган воқеа-ҳодиса билан боғланган ўринни билдирувчи от ясайди: *жанггоҳ, оромгоҳ, сайшлгоҳ, қароргоҳ* каби.

-**гудек** фeълларга қўшилиб, равиш ясайди: *еб қўйгудек, мақтаса мақтагудек, ўлгудек* каби.

-**гувчи** фeълга қўшилиб, типик ҳаракат маъносини ифодаловчи сифатдош шаклини ҳосил қилади (бирмунча архаиклашган): *интилгувчи, қолгувчи* (У ҳамма вақт ерга қараб *юргувчи* эди).

-**гулик** қўшма аффикс, фeълларга қўшилиб, фeълнинг сифатдош шаклини ҳосил қилади: *айтгулик, егулик* (овқат), *етгулик* (ситам).

-**гун** -*дай*, -*дек* аффикслари билан биргаликда келиб, фeъл асосларидан ишга ярадли, мос келувчи, арзийдиган, шунингдек, ўхшашлик маъноларигаги (қ. -*дай*, -*дек*) равиш ясайди: *арзигундай, айтгундай, ўлгундек* каби.

-**гунча** фeъллардан пайт маъноси билан алоқадор равишдош шаклини ясайди: *боргунча, ёзгунча, пишгунча, узгунча, юргунча* каби. Бунда давомлилик маъноси (Шаҳарга *етгунча* суҳбатлашиб келди) ҳамда ишнинг мўлжалланган иккинчи ишдан кейин бажарилиши маъноси (Овқат *пишгунча*, болаларни ювинтирди) ифодаланади.

-**гур** фeълга қўшилиб, (ижобий ёки салбий) истақ маъносини ифодалайди; одатда, сифатдош ва сифатларга тўғри келади: Боласи *тушмагур* ёш-да. Умринг узоқ *бўлгур*. *Ўлмагур* отам бермайди севганимга. Ёр-ёр; *Ўлгур! Кўр бўлгур! Яш(ш)амагур!*

-**гуси** фeълнинг келаси замонини кўрсатувчи тарихий шакл. Ҳозир ўзбек тилида фақат шеърятда услубий мақсадларда ишлатилади: Ҳосилингиз мўл *бўлгуси*, Душман куйиб кул *бўлгуси* (қ. -**гуси**).

-**гўй** [ф. *گوی* – айтувчи, сўзловчи; *گفتن* – «айтмоқ, сўзламоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган иш-ҳаракат, ҳодисани доим бажариб (айтиб) турадиган шахс отини ясайди: *ваъдагўй, дуоғўй, насиҳатгўй, ҳақиқатгўй*.

-**да** I пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб келганда, маъноси ўрин равишига тўғри келади: *ёзда, кузда, тезда, яқинда*.

-**да** II фeъл ясовчи архаик қўшимча: *алдамоқ, индамоқ, ундамоқ, ҳайдамоқ*. Ҳозирги -**ла** ясовчисининг алломорфидир.

-**да** III ўрин-пайт келишигининг шакли бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш нуқтасини, ўрин, пайт, объект маъноларини ифодалайди: *далада, дарсда, менда, сойда* каби.

-да IV таъкид, тўсиқсизлик юкламаси вазифасини бажаради: *битса-да, бўлса-да, келса-да, сен-да*.

-да V боғловчи, бундай вақтда у ва. ҳам боғловчилари билан синонимик муносабатда бўлади (лекин маъновий жиҳатдан фарқланади): *келди-да кетди // келди ва кетди; келса-да ишламади // келса ҳам ишламади*.

-даги қўшма аффикс (ўрин келишиги кўрсаткичи **-да+(-ги)**); от, сифат, равиш ва олмошдан сифат ясайди: *биздаги, боғдаги, бундаги, галдаги, мендаги, навбатдаги, режадаги, сендаги, сиздаги, узоқдаги, уйдаги, яқиндаги, қуйдаги* каби.

-дай // -дек от, сифат, олмош туркумидаги сўзлардан қиёслаш, ўхшатиш йўли билан предмет ва иш-ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сифат ва равиш ясайди: *аввалгидай (-дек), бургутдай (-дек), гулдай (-дек), кафтдай (-дек), муздай (-дек), ойдай (-дек), сиздай (-дек), тоғдай (-дек), чамандай (-дек), ўқдай (-дек), қадимгидай (-дек), қилчидай (-дек), қушдай (-дек)*. -дай // -дек орқали ясалган баъзи сифатлар ажралмас ҳолга келиб қолган: *жиндай, жўжабирдай* (жон), *қитдай* (туз).

-дак I феъл асосидан от ясовчи каммаҳсул қўшимча: *кекирдак, югурдак* каби.

-дак II -дай ёки -дек элементининг сўзлашув нутқидаги фонетик кўриниши (қ. -дай // -дек).

-дан I от, сифат, равиш ва сонлардан парадигмадан ажралиб – қотиб, бошқа туркумга кўчиш йўли билан равиш ясайди: *атайдан, афтидан, бехосдан, бирдан, ростдан, тездан, тубдан, тўсатдан // тўсундан, чиндан, янгитдан, қайтадан, қасддан, қўқисдан, ҳалитдан* каби.

-дан II чиқиш келишигининг шаклини ҳосил қилиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракатнинг чиқиш нуқтаси, объект, ўрин, пайт, сабаб каби маъноларни англатади: *китобдан, мактабдан, ундан, шаҳардан* каби. -дан аффикси **билан, сабабли** кўмакчилари ҳамда тўдалан ажратилганлик маъносини билдириганда, қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** билан синонимик муносабатда бўлади. Такрор сўзларнинг биринчи қисми таркибида келиб, кучайтириш маъносини билдиришга хизмат

қилади: *кундан-кун, кўндан-кўп, узундан-узоқ, янгидан-янги* каби.

-дан III дона сонларга қўшилиб, бўлиш, тақсимлаш маъносини англатувчи тақсим сон шаклини ҳосил қилади: *бештадан, учтадан, ўнтадан* каби.

дар- [ф. در – да, ичида, давомида; бўйлаб] форс тилидан тайёр ҳолда ўзлашган *даргумон, дарғазаб, дарҳақиқат, дарҳал* каби сўзлар таркибида ажратилади; ўзи қўшилган асос англатган тушунчага эгалик, шу нарса қуршовида бўлиш маъноларини билдиради: **-ли, -да** қўшимчаларининг маъносига тўғри келади. Қиёс.: *даргумон // гумонли // гумонда; дарҳақиқат // ҳақиқатда*.

-дек // -дай қ. -дай // -дек.

-ди ҳаракатнинг ҳозирги-келаси, келаси ёки ўтган замонда бажарилганлиги ёки бажарилажагини кўрсатадиган тусловчи аффикс: *ишлайди, ўқийди; ёзади, теради; ёзди, келди, ўқиди* каби. Бу қўшимча **-ар** аффикси воситасида ясалган сифатдошларга қўшилиб, давомлилик, такрорланиш каби маъно англатувчи шакл ҳосил қилади: *борарди, келарди, кўрарди, сузарди, ташларди* каби.

-диган равишдош шаклидан келаси замон сифатдоши шаклини ҳосил қилади: *ёзадиган, келадиган, ўқийдиган* каби.

-дик шеъриятда, сўзлашув нутқида баъзан эдик феъли (I шахс кўплик) **-ар** аффикси воситасида ясалган сифатдошлардан сўнг **-дик** шаклида ишлатилади ва давомийлик, такрорланганлик маъносини билдиради: *ёзардик, келардик, турардик, ўқирдик*.

-дин ҳозирги **-дан** шаклининг архаик кўриниши.

-дир I III шахс бирликдаги кесимлик аффикси; феълдан бошқа сўз туркумларига қўшилиб, айна вазифани бажаради: акам *инженердир*, синглим *учувчидир*, укам *ўқувчидир* каби.

-дир II сўзларга қўшилиб, гумон, таҳмин, ишонмаслик маъноларини ҳосил қилади: *бажаргандир, боргандир* (борган бўлса керак), *келгандир, студентдир* (студент бўлса керак), *тургандир, ўқигандир* каби.

-дир III сўроқ олмошларига қўшилиб, ноаниқ шахс, предмет, белги маъноларини англатувчи гумон олмоши шаклини ясайди: *кимдандир, кимдир, нимадир, қаердандир, қаердир, қандайдир* каби.

-дир IV феъл асосларига қўшилиб, унинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *ёздир, кулдир, кўндир, олдир, толдир, тўлдир*. Жарангсиз ундошдан сўнг -тир шаклида айтилади ва ёзилади (қ. -тир). Лекин н, л товушлари билан битган кўп бўғинли сўзларда -дир эмас, -тир қўлланади: *чўмилтир, қувонтир*.

-диқ айрим феъллардангина от ясайди: *ташландиқ, топилдиқ, қолдиқ, қоқиндиқ, қувондиқ* (асли сифатдош), *ҳордиқ*.

-дон I [ф. دان – бирор нарса сақланадиган идиш маъносидаги қўшимча] отларга қўшилиб, бирор предметни сақлаш учун хосланган нарса, идиш оти ясайди: *гулдон, кулдон, сиёҳдон, сувдон, сурмадон, туздон, ўқдон, қаламдон* каби.

-дон II [ф. دان – билувчи: دانستن – «билмоқ, хабардор бўлмоқ; ўрганмоқ; билиб олмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, «билувчи» маъносидаги, шахснинг характерини, хусусияти, белгисини кўрсатувчи сифат ясайди: *билимдон, гапдон, қадрдон, ҳисобдон*.

-дор [ф. دار – эга бўлувчи; сақловчи, кўриқловчи; داشتن – «бирор нарсага эга бўлмоқ, эгалламоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосан от туркумидаги сўзлардан куйидаги маъноли сифатлар ясайди: 1) отларга қўшилиб, шу сўз орқали ифодаланган предметга эгаликни, ўша маънодаги нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини англатади: *айбдор* (киши), *байроқдор, диндор* (одам), *нишондор, рангдор* (чит), *қарздор* (одам), *ҳомиладор* (аёл); 2) сўз асосидан англашилган тушунчанинг (предмет, хусусиятнинг) ортиқлигини, катталигини билдирувчи сифатлар ясайди: *гўштдор, донгдор, жаҳлдор, пулдор, ширадор, ҳосилдор, ҳусндор* каби.

-дош отлардан биргалик, шериклик, умумийлик каби маъно англаувчи от (шахс оти) ясайди: *ватандош, замондош, йўлдош, курсдош, синфдош, фикрдош, қариндош, қуролдош*.

-доқ I буйруқ феъли шаклидан нарса оти ясайди: *қовурдоқ, кўндоқ*.

-доқ II у, бу, шу кўрсатиш олмошларидан *ундоқ, бундоқ, шундоқ* каби сифатлар ясайди (кўпроқ сўзлашув нутқида учрайди).

-дўз [ф. دوز – тикувчи; دوختن – «тикмоқ, тикиб қўймоқ, чатмоқ, чокламоқ»

фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосдан англашилган предметни тикувчи ҳунарманд маъносидаги от ясайди: *дўппидўз, зардўз, каштадўз, мўйнадўз, чопондўз, этикдўз*.

-ётган унли билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлигини билдирувчи сифатдошнинг ҳозирги замон шаклини ҳосил қилади: *бораётган, келаётган, сўзлаётган, чиқаётган, ўқиётган* каби.

-ёттир равишдош шаклига қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлигини англаувчи феълнинг ҳозирги замон шаклини ҳосил қилади: *бораёттирман, бораёттирсан, бораёттир* каби.

-жон I аффиксоид, асосан, атоқли отлар, қавм-қариндонлик терминларига қўшилиб, эркалиштиш, ўрни билан кесатиш маъносини билдиради: *дадажон, онажон, тоғажон, укажон; Набижон, Қосимжон* каби; *бақлажон, маймунжон, патинжон* каби отлардаги -жон бошқа функциядаги омоним аффиксдир.

-жон II [ф. جان – қалб. дил; руҳ] турли сўз туркумларига оид бирликлардан сифат ясайди (бундай сўзларнинг баъзилари форсча изофалардан иборат): *жонажон, нимжон, оромжон, раҳатижон, қақажон*.

-зор [ф. زار – бирор нарса кўп бўлган жой маъносини ифодаловчи қўшимча] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг кўп тўпланган ёки мўл бўлган ўрнини билдирадиган отлар ясайди: *бодомзор, гулзор, илонзор, олмазор, пахтазор, узумзор, чакалакзор, қамишзор*.

-и I айрим сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатнинг амалга ошишини билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *бойимоқ, тинчимоқ, чангимоқ*.

-и II [ф. ى – ёйи нисбат, яъни айрим нисбий сўзлар ясовчи қўшимча] бошқа тиллардан кирган сўзларда учрайди, одатда, ўрин-жойга муносабатни билдирувчи сифат ясайди: *кашмири, қобили, самарқанди, хитойи* каби.

-и III ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг III шахс бирлик ёки кўпликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *ватани, дўсти, китоби, қалби* каби. Уларда асосан кўплик маъноси ўзи-

дан олдин келган **-лар** орқали ифодаланади: *дўстлари, китоблари, қаламлари* каби.

-иб ундош билан тугаган асослардан феълнинг хосланган шаклини ҳосил қилади: ҳаракатни бошқа бирор ҳаракатдан олдин бажарилганлигини ёки у билан бир пайтда бажарилганлигини билдиради: *бориб* (олди), *ёзиб* (олдим), *келиб* (турди), *эшитиб* (келди), *қўзғалиб* (ўтирди) каби.

-из феъл асосидан унинг ортирма нисбат шаклини ҳосил қилади. Лекин маълум фонетик шароитдагина қўлланади: *оқиз, тегиз, томиз, эмиз*.

-ий [ф. ç – нисбий сифат ясовчи қўшимча] 1) ундош товуш билан тугаган отлардан хослик, тааллуқлилиқ маъносини англатувчи нисбий сифат ясади: *амалий, марказий, одамий, танқидий, тақлидий, шаклий* каби. Бу аффикс баъзи сўзлар таркибида ажратилади, баъзиларида эса мустақил морфема сифатида ажратилмайди: *маданий, самимий, сиёсий, ҳаққоний*; 2) топонимик номлардан ёки бошқа баъзи бир отлардан ёки сифатлардан атоқли отлар (лақаблар) ясади: *Хоразмий, Навоий, Муқимий, Чустий* каби. Бу аффикс билан ясалган сўзлар пассив бўлиб, шоир, олим ва ёзувчиларнинг фамилиясини ҳам кўрсатади: *Амин Умарий (Умаров), Душан Файзий (Файзиев), Жалол Икромий (Икромов), Раҳмат Файзий (Файзиев), Юнус Ражабий (Ражабов)*.

-ик I ундош билан тугалланувчи феъл асосларига қўшилиб, от ва сифатлар ясади: *кесик, кўрик, тешик, ўлик*.

-ик II турли сўз туркумларидан феъл ясади: *бирикмоқ, ичикмоқ, кечикмоқ, кўзикмоқ* каби.

-ил ундош билан тугаган сўзлардан феълнинг мажҳул нисбат шаклини, баъзан эса ўзлик нисбат шаклини ҳосил қилади: *айтилди, борилди, етилди, отилди, сурилди*; **-ил** аффиксининг ўзлик нисбатда ёки мажҳул нисбатда эканлиги кўп ҳолларда умумий маънада билинади (қ. **-ин**, **-л**, **-н**).

-илдоқ тақлидий сўзлардан от ва сифат ясади: *бижилдоқ, бизилдоқ, жикилдоқ, ликилдоқ, пирилдоқ, пирсилдоқ, пўрсилдоқ, сўлқилдоқ, хирилдоқ, шақилдоқ, шилтилдоқ, ҳиқилдоқ* каби.

-илла тақлидий сўзлар асосидан англашилган маъно билан боғлиқ ҳаракатнинг

амалга оширишни билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *ақилламоқ, визилламоқ, ғизилламоқ, диркилламоқ, лопилламоқ, серкилламоқ, чирқилламоқ, шивилламоқ, қарсилламоқ* каби. *Увилламоқ, шувилламоқ, ҳувилламоқ* каби ясалмалар имлоси ҳануз тўлиқ меъёрлаштирилмаган: *ловулламоқ // ловилламоқ, шувулламоқ // шувилламоқ*.

-им I ундош билан тугаган феъл асосларидан жараён, ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган фаолият отларини ясади: *билим, босим, бўлим, кесим, кийим, кирим, кўчим, терим, тилим, тиним, чиқим, ўлим, ўрим, қочирим, қўним*.

-им II сифатлар ва даража-миқдор равишлари ясади: *айрим, сиқим, чеким, қисим* каби.

-им III ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг I шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *боғим, ватаним китобим, кўзим, уйим, фикрим, шахрим*.

-имиз (**-им** + **-из**) ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг I шахс кўпликака нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *китобимиз, мактабимиз, юртимиз* каби.

-имтил қ. **-имтир**.

-имтир ранг-тус билдирувчи сифатларга қўшилиб, белгининг кучсизлигини, камлигини билдирувчи сифат шаклини ясади: *кўкимтир, оқимтир, сарғимтир, қизғимтир*. Бу аффикс баъзан **-имтил** шаклида ҳам келади: *кўкимтир // кўкимтил* каби.

-ин I феъл асосли сўзлардан, асосдан англашилган иш-ҳаракатни амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган отлар ясади: *ёгин, йиғин, тиқин, экин, қўшин* каби.

-ин II от асосли сўзлардан ҳолат билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *оташин* (нутқ), *эркин* (қуш), *ғиштин* (уй) каби.

-ин III буйруқ феълларидан характерхусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясади: *соғин* (сигир), *тўкин* (дастурхон), *тўлин* (ой), *яширин* (гап).

-ин IV ҳолат, пайтга муносабат билдирувчи жуфт равишлар ясади: *бирин-кетин, ёзин-қишин, очин-тўқин, эртан-кечин*.

-ин V феълнинг ўзлик нисбатини, баъзан мажҳул нисбатини ҳосил қилади: *бе-*

кинмоқ, ёпинмоқ, шлинмоқ, кийинмоқ, олинмоқ, тақинмоқ, чекинмоқ, ювинмоқ, қилинмоқ каби (қ. -л, -н, -ил).

-ин VI борайин, ёзайин, ўқийин типидagi қўшилмаларда маънони кучайтирувчи элемент сифатида қўлланади.

-инг I ундош билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимча: *мактабинг, уйинг, фикринг, юртинг, қаламинг, қошинг*.

-инг II қаратқич келишиги қўшимчаси; *мен, сен* олмошларидан сўнг **-инг** шаклида (*менинг, сенинг*) бўлади, яъни бир **-н** товуши тушиб қолади.

-инг III ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, II шахс ҳурмати, баъзан эса ўша шахснинг кўплиги маъносини ифода қилади: *боринг, ёзинг, ишлатинг, келинг, кулдилинг, олинг, топинг* каби. Бу аффикснинг эгалик шакли ва тусловчи аффикс ҳолатлари (*кўзинг — кўринг*) тарихий жиҳатдан алоқадор: булар бир манбага эга.

-ингиз I (**-инг + -из**) иккинчи шахс эгалик аффиксининг кўплиги. Ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб, асосдан англашилувчи II шахс кўпликка нисбат берилаётганини ифодалайди: *ватанингиз, дустингиз, китобингиз, сўзингиз, уйингиз* каби.

-ингиз II ундош билан тугаган феъл асосларидан буйруқ майлининг II шахс кўplik шаклини ҳосил қилади: *айтингиз, ёзингиз, келингиз, чалингиз, утирингиз*. Бунда ўрни билан ҳурмат маъноси ҳам бўлиши мумкин. Нутқда кўпинча **-инглар** шакли қўлланади: *айтинглар, келинглар*.

-инди феъл асосларига қўшилиб, айни феъл билдирган ҳаракат натижасида лайдо бўлган предметни билдиради, натижа оти ясайди: *йиғинди, куйинди, оқинди, супуринди, чиқинди, чўқинди, ювинди, қиринди* каби (қ. **-нди**).

-инчи ундош билан тугаган санок сонларга қўшилиб, кетма-кетлик маъносини англатувчи тартиб сон шаклини ҳосил қилади: *бешинчи, биринчи, учинчи, юзинчи, ўнинчи, қирқинчи* каби (қ. **-нчи**).

-ир I от ва тақлидий сўзлардан феъл ясайди, сўз асосидан англашилган маъно

билан боғлиқ бўлган ҳаракатни бажаришни билдиради: *гапир, тунир, шонир* каби.

-ир II 1) тақлидий сўзларга қўшилиб, унинг кенгайган шаклини ҳосил қилади: *тақ-тақ — тақир-тақир* каби; 2) феълларга қўшилиб, орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *битирмоқ, ичирмоқ, кўчирмоқ, очирмоқ, оширмоқ, пиширмоқ, ўчирмоқ, қочирмоқ*.

-ира ундош билан тугаган баъзи тақлид сўзлардан ўша товуш ёки ҳолат билан характерланадиган ишни бажариш маъносидаги феъл ясайди: *гурқира, милтира, шарқира, ярқира*.

-истон [ф. *ستان* — «эгалловчи» маъносини билдирувчи қўшимча] 1) халқ, миллат номига қўшилиб, у яшайдиган жойни англатувчи ўрин оти ясайди: *Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Фарангистон* каби; 2) отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг мўллагини, маконини ифодаловчи ўрин оти ясайди: *гулистон, қабристон* каби.

-иш I ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, ҳаракат номини ҳосил қилади: *бориш, ёзиш, келиш, кулиш, олиш, чиқиш, экиш, юриш, ўтиш* каби.

-иш II феълларга қўшилиб, бирдан ортиқ бажарувчи томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи биргалик нисбатини ҳосил қилади: *ёзишди, жўнатишди, кўришди, кўтаришди, текширишди, тикишди, чиқишди, экишди, ярашишди, қозишди*.

-иш III ранг-тус билдирувчи сифатларга қўшилиб, белгининг меъерий даражага етмаганлигини, камлигини ифодаловчи сифат шакллари ясайди: *кўкиш, оқкиш, сарғиш*.

-ият (**-ий + -(й)ат**) [а. *يَات* — нисбий сифатлардан от ясовчи қўшимча] араб тилидан ўзлашган мавҳум отларда гўё сўз ясовчи сифатида ажралади, лекин у ўзбек тилида сўз ясамайди: *зарурият, имконият, инсоният, мажбурият, масъулият, мағлубият, қобилият* ва бошқалар.

-иқ I ундош билан тугаган феъллардан турли маънодаги отлар ясайди: *ёриқ, солиқ, тортиқ, тутантириқ, чизиқ, чопиқ, қилиқ* каби.

-иқ II ундош билан тугаган феъллардан ҳолат, шакл, хусусият ифодаловчи сифатлар ясайди: *бурушиқ, синиқ, сиқиқ, тиниқ, чўзиқ, қисиқ*.

-иқ III отларга қўшилиб, бирор предметга, ҳолатга муносабат билдирувчи феъл ясайди: *йўлиқ, чиниқ* каби.

-иқ IV феълнинг буйруқ майли шаклига қўшилиб, кучайтириш, интензивлик маъноларини шаклантиради: *толиқмоқ, қониқмоқ*.

-й I сифатларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган ҳолатга ўтмоқ, шунга эга бўлмоқ каби маънони ифодаловчи феъл ясайди: *қорай*.

-й II унли билан тугаган феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг белгисини билдириш вазифасида асосан такрорий равишдошлар шаклини ҳосил қилади: *йиғлай-йиғлай, сўрай-сўрай* каби.

-й III феълларга қўшилиб, сўзловчининг ҳаракатни бажаришга бўлган истак майлининг I шахс бирлик шаклини ҳосил қилади: ундошлардан кейин қўшилганда -а боғловчиси билан келади: *бошлай, ташлай, ўқий; бор(а)й, кел(а)й*.

-йин (-айин) феълларга қўшилиб, сўзловчининг ҳаракатни бажариш истагини ифодаловчи буйруқ-истак майли шаклини ҳосил қилади: *борайин, кўзлайин, сўзлайин* каби.

-к I унли билан тугаган феъл асосларидан нарсас-курол, натижа ёки ҳолат оти ясайди: *безак, истак, курак, тилак, тўшак, элак*.

-к II тақлидий сўзлардан ясалган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни бажарувчи предметлар номини ясайди: *бизбизак, гулдурак, пирпирак*.

-к III ўтган замон III шахс бирлигига қўшилиб, ўтган замон феълнинг I шахс ўплиги шаклини ҳосил қилади: *бордик, ёздик, келдик, ўқидик* каби.

-ка I айрим отлардан феъл ясайди: *иска* (искабтопар).

-ка II отлар таркибида келиб, кичрайтиш маъносини билдиради: *йўлка*.

-ка III феълнинг кучайтирувчи аффикси бўлиб келади: *суркамоқ*.

-ка IV к, г товушлари билан тугаган сўзларга қўшиладиган жўналиш келишиги қўшимчаси бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра йўналиш, объект, ўрин,

пайт каби маъно оттенкаларини ифода-лайди: *илгакка, малакка, чангакка, эркакка, эшакка, ўрдакка, ҳандалакка; баркка*.

-каз жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилиб, феълнинг бошқа шахс ёки нарсас томонидан бажарилган ҳаракат маъносини ифодаловчи орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *етказ, кетказ, ўтказ* каби.

-кали к, г ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилиб, мақсад равишдоши шаклини ҳосил қилади: *теккали, чўккали, эккали* (қ. -гали, -қали).

-қан I феълнинг ҳаракат ёки ҳолат ифодаловчи сифатдош шаклини ҳосил қилади: *буккан, теккан, тўккан, чеккан, эккан* каби (қ. -ган, -қан).

-қан II оғзаки нутқда экан тўлиқсиз феълнинг қисқарган шаклида намоён бўлади ва у бажарган вазифани бажаради: *бораркан* (қиёс.: *борар экан*), *келаркан* (қиёс.: *келар экан*).

-кани к, г билан тугаган феъл асосларидан мақсад билдирувчи равишдош шаклини ясайди: *буккани, чеккани, эккани*.

-канча феъл асосларига қўшилиб, бирор ҳаракатнинг юзага келишига қадар иккинчи ҳаракатнинг бажарилишини кўрсатишга хизмат қилувчи пайт равишдоши шаклини ҳосил қилади: *текканча, тўкканча, экканча*.

-кар жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб, касб-ҳунар билан боғлиқ шахс отлари ясайди: *мискара* каби (қ. -гар, -кор).

-кач феълнинг пайт маъносини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилиб, ҳаракатнинг ўзи билдирган ҳаракатдан кейин бажарилишини англатади: *теккач, тўккач, эккач* каби.

-кача г, к товушлари билан тугаган сўзларга қўшилиб, пайт-чегара маъносини билдирувчи равиш ҳосил қилади: *барккача, зираккача, тоқкача, узуккача* каби (қ. -гача, -қача).

-каш I |ф. *كاش* – от ясовчи қўшимча; *كاشيدن* – «тортмоқ, чекмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли| 1) отларга қўшилиб, касб-ҳунар эгаси бўлган шахс оти ясайди: *аравакаш, киракаш, пахсакаш, чизмакаш, чилдирмакаш, қаламкаш* (қ. -чи); 2) бирор нарсас чекувчи, бирор воқеа-ҳодисани боши-

дан ўтказган, ўтказаетган киши маъноларидagi отлар ясайди: *носкаш, чилимкаш; болокаш, заҳматкаш*.

-каш II от туркумидаги сўзлардан инсонга хос турли хусусият, ҳолат каби белгиларни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *дилкаш, жафокаш, насткаш, сусткаш*.

-ки I феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракат натижасида вужудга келувчи жараён отларини ясайди: *кучки, тепки, туртки* каби.

-ки II от, сифат ва равиш туркумидаги сўзларга қўшилиб, пайт ва ўринга муносабатни билдирувчи сифат ҳосил қилади: *ички, кечки, остки, настки, сояки, устки, юзаки, қишки*.

-ки III кучайтириш, таъкид маъноларини англатиш учун қўлланивчи грамматик шакл: *афсуски, демакки, жамики, наҳотки, нимаики, хайриятки, ҳаттоки, ҳолбуки* каби.

-киз жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосига қўшилиб, бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракатни англатувчи орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *еткиз, кеткиз, ўткиз* каби (қ. **-газ, -ғиз, -қаз, -қиз, -ғаз, -ғиз**).

-ким қ. -ки.

-кин I буйруқ феълдан ҳолат маъносини англатувчи сифат ясайди: *кескин* (қ. **-гин, -қин, -ғин**).

-кин II *г, к* товуши билан тугаган II шахс феълларига қўшилиб, таъкид, кучайтириш каби маъноларни беради: *теккин, тўккин, экин* каби (қ. **-гин, -қин II, -ғин I**).

-кин III оғзаки нутқда **экан** тўлиқсиз феъли вазифасида ишлатилди: *борармикин // борар эканми, ёзармикин // ёзар эканми* каби.

-кина I *г, к* товуши билан тугаган от ва бошқа сўзларга қўшилиб, кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодалайди: *билаккина, гўдаккина, эркаккина* каби (қ. **-ғина, -қина**). Бу аффикс урғули бўлиб, урғусиз ҳолатда чегаралаш, таъкидлаш, ажратиш каби вазифаларда келувчи юкламадир.

-кина II сифатларга қўшилиб, субъектнинг шахсий модал муносабатини ифодалайди: *кичиккина, нозиккина, пастаккина, сергаккина*.

-кир феълларнинг буйруқ шаклига қўшилиб, асосдан англашилган иш-ҳаракат

ёки хусусиятда ориқлик маъносини англатувчи сифат ясайди: *кескир, ўткир*.

-кич жарангсиз ундош товуш билан тугаган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи нарсақуроол оти ясайди: *кескич, куқунлаткич, кўрсаткич, сепкич, совуткич, тепкич* каби (қ. **-ғич, -қич, -ғич**).

-кор I [ф. *كار* — иш; меҳнат, фаолият, қилмиш, хатти-ҳаракат] касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди: *бинокор, халоскор, хизматкор* каби (қ. **-гар, -кар**).

-кор II от туркумидаги сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эғалик, у тушунчанинг ориқлигини ёки унга хослик, ўхшашлик, хусусият, ҳолат маъноларини ифодаловчи сифатлар ясайди: *нақшинкор, риёкор, фусункор, шиддаткор, ҳаваскор* каби.

-кор III [ф. *كاريدن, كاشتن* — «экмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани экувчи шахс оти ҳосил қилади: *пахтакор, шоликор, ғаллаккор*.

-ку таъкидлаш ва кучайтиришни билдирадиган юклама: *бординг-ку, инсон-ку, она-ку, олдинг-ку, сен-ку, ўқидинг-ку* каби.

-кунча *к, г* ундошлари билан тугаган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *тўккунча, чеккунча, эккунча*.

-л унли билан тугаган феълларга қўшилиб, мажҳул нисбат, баъзан эса ўзлик нисбат шаклини ҳосил қилади: *суралди, чайқалди, ўралди, қийналди, қўзғалди* каби.

-ла I 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса билан боғлиқ ишни юзага келтириш, амалга ошириш маъноларини билдирувчи феъл ясайди: *аррала, ишла, кўзла, мойла, қишла*; 2) сифат ва равишларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳолатга, тусга эга бўлиш маъноларини ифодаловчи феъллар ясайди: *ёмонла, секинла, тезла, текисла, тикла*; 3) ундов ва тақлидий сўзларга қўшилиб, уларга хос ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, мурожаат, товуш ёки бирор ҳолат кабиларни амалга ошириш, бажариш маъноларини билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *додла, уфла, чухла, ҳиҳила; гумбурла, шитирла, ялтилла* каби. **-ла** қўшимчаси энг маҳсулдор

бўлиб, феълдан таниқари деярли барча туркумлардан феъл ясайди.

-ла II феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг такрорланиши, кучайиши, узоқ давом этиши каби маъноларни ифодаловчи шакл ҳосил қилади: *савала, қаш(и)ла, қувла* каби.

-ла III шеърятда билан кўмакчиси қисқартирилиб, -ла шаклида ишлатилади, алоҳида морфема сифатида ажратилади: *Қўла* созлаб бўлмайдиган яратган ҳайкалимни (А.С.Пушкин «Ҳайкал»). Бу элемент феъл ясовчи -ла аффиксидан урғусизлиги билан ҳам фарқланиб туради. Қиёс.: *кўзла* (феъл: мўлжалламоқ) – *кўз-ла* (кўз билан: от + кўмакчи).

-лаб I турли хил сўз туркумларидан равиш ясайди, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдиради: *атайлаб, йиллаб, кунлаб, кўплаб, оилаб, саҳарлаб, тепалаб, яхшилаб*. Лекин -ла + -б шаклида бўлганда, икки аффикс саналади, бунда -б аффикси феълнинг равишдош шаклини ҳосил қилади: *майдалаб*.

-лаб II асосан йирик миқдор ифодаловчи санок сонларга қўшилиб, предметнинг ноаниқ миқдорини, тахминий ҳисобини билдирувчи чама сонлар шаклини ҳосил қилади: *ўнлаб, юзлаб, минглаб* каби.

-лай сўзларга қўшилиб, ҳаракат белгисини ифодаловчи равиш ясайди: *бутунлай, тириклай* каби. Баъзан кучайтирувчи -ин аффикси билан кенгайди: *бутунлайин, тириклайин*.

-лан I) отларга қўшилиб, асосдан англашилган маъно билан боғлиқ ҳаракатни амалга ошириш, бажаришни ифодаловчи феъллар ясайди: *афсуслан, завқлан, овқатлан, қаноатлан*; 2) сифат ва равишлардан белги, ҳолатни ифодаловчи ҳаракатларни (феълларни) ҳосил қилади: *асабийланмоқ, сергакланмоқ, хавотирланмоқ*. -лан кўшимчиси сон туркумида фақат икки сўздан феъл ясайди: *иккиланмоқ*.

-лар I отларга қўшилиб, предметнинг бирдан ортиқлигини, яъни ноаниқ кўпликни кўрсатади. -лар кўпликнинг морфологик кўрсаткичи бўлиб, у шакл ясовчидир: *гуллар, китоблар, одамлар, уйлар, қушлар*. -лар морфемаси кўпликдан ташқари ҳурмат, кесатиш, муболаға каби маъноларни ҳам билдиради.

-лар II 1) атоқли отларга қўшилиб, кўплик + ўхшашлик, алоқадорлик, қуршов оттенкали отлар ясайди: *Алишерлар, Фарҳодлар*; 2) жой номларини англатувчи атоқли отларга қўшилиб, шу жой қуршовида бўлган каттароқ ҳудудни билдиради: *Самарқандлар, Янгийўллар*; 3) саналмайдиган нарсани англатувчи отларга қўшилиб, «кучайтирув», «мўл-кўл» каби маъноларни ифодалайди: *баданларим, бошларим, юракларим; музлар, қумлар*; 4) баъзи сон, равиш туркумига оид сўзларга қўшилиб, чама-тахмин маъносини ифодалашга хизмат қилади: *бешталар, илгарилар, яқинларда, ўнларда* каби; 5) сифатларга қўшилиб, отлашиш вужудга келтиради: *катталар, кичиклар, яхшилар*.

-лар III бу аффикс кесимнинг эга билан сонда мослашувини кўрсатганда, синтактик вазифа бажаради ва сўз ўзгартувчи саналади: *Болалар йиғилдилар*.

-лари I) отларга қўшилиб, III шахс кўплигининг нейтрал шаклини ҳосил қилади; 2) отларга қўшилиб, III шахс бирлигининг сизлаш шаклини ҳосил қилади. Қиёс.: *Алишернинг укалари* (кўплик ёки сизлаш).

-ларча (-лар + -ча) сўзларга қўшилиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши, ҳаракат ва белгининг ўхшашлиги каби маъноларни англатувчи равишлар ҳосил қилади: *болаларча, ваҳшийларча, дўстларча, мардларча, оталарча, телбаларча, ўртоқларча, қадрдонларча* каби.

-лаш I) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатни бажариш маъносига феъллар ясайди: *галлашмоқ, дўстлашмоқ, савдолашмоқ, суҳбатлашмоқ*; 2) сифат ва равишлардан феъллар ясайди: *асабийлашмоқ, йириклашмоқ, осонлашмоқ, тезлашмоқ, яқинлашмоқ* каби.

-лаштириш (-ла + -ш + -тир + -иш) тўрт морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлган кўшма аффикс; рус тили орқали ўзлашган сўзлар таркибидаги -изация, -фикация каби аффиксларни калькалаштириш натижасида келиб чиққан: *автоматлаштириш, газлаштириш, радиолаштириш, экранлаштириш, электрлаштириш* каби.

-ли отларга қўшилиб, сўз ўзагидан англашилган маънога эга эканликни ёки ўша маъноли нарса, ҳодисанинг мавжудлигини, ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *ақлли, виждонли, кучли, мазали, мевали, тузли,*

шакарли каби. Бу қўшимча жуфт сўзларга, қўшма сўзларга ва ибораларга қўшилиб, сифатлар ясайди: *ақли-хушли, қўли-оёқли; тўла қонли, тўрт бурчакли*. **-(а)р** билан ясалган сифатдошларга қўшилиб, «шу ҳолатга эгалик, шунга мос, арзийдиган» деган маънони ифодалайди: *айтарли, етарли, тушунарли, қониқарли*.

-лик I турли хил сўз туркумларига қўшилиб, мавҳум маъноли от ясайди (белги оти): *болалик, ботирлик, дўстлик, ёлғизлик, заргарлик, оналик, талабалик, тезлик, эскилик, янгилик, яхшилик*. Баъзан аниқ предмет отини ясайди: *дарслик, кундалик, ичимлик, ширинлик*. Географик номларга қўшилганда, шахснинг ўша ерга тегишли эканлиги, у ерлик эканлиги англашилади: *андижонлик, тошкентлик, қишлоқлик* каби.

-лик II шахс отларига қўшилиб, алоқадорлик, мансубликни билдирувчи сифатлар ясайди: *атторлик* (касби), *темирчилик* (устахонаси). Айрим турдош отларга қўшилиб, характер-хусусият билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *болалик* (чоғлар), *кўйлаклик* (чит).

-лик III ҳаракат номларига қўшилганда, маънони бир оз кучайтиради, таъкид билдиради: *айтишлик, бормоқлик, демаклик, ёзмақлик*. Бундай ҳолларда у маъно ва вазифасига кўра шакл ясовчи аффиксга тўғри келади.

-лик I турли хил сўз туркумларидан мавҳум маъноли от ясайди: *айрилик, борлик, бошлиқ, бўшлиқ, йўқлик, отлик, оқлик* каби.

-лик II отларга қўшилиб, ўша отдан англашилган предметнинг ўрни, жойи, шунингдек, идиш маъносини билдиради: *Бўстонлик, Олмалик, тузлик* (тузлуқ) каби.

-лик III **-иқ, -иғ** аффикслари ҳамда **-ган** морфемаси воситасида ясалган сўзлар (*осиғ // осилган, ёпиқ // ёпилган*) англаган маънода келиб, предмет ҳолатини кўрсатувчи сифат ҳосил қилади: *ёпиқлик* (қозон), *осиғлик* (қозон), *солиғлик*.

-лоқ I отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг ўрнини, баъзан шу ўринда (жойда) ўша предметнинг мўллиги маъносини англади: *сувлқ, тошлқ, ўтлқ, қумлқ*.

-лоқ II от, сифат туркумидаги сўзлардан ҳолат, хусусият каби маъноларни ифодаловчи сифат ясайди: *бақалоқ* (одам), *овлоқ*

(жой), *қатқалоқ* (йўл) каби. **-лоқ** билан ясалган сифатлар от вазифасида ҳам қўлланади.

-лоқ III отларга қўшилиб, модаллик шаклини ҳосил қилади; кичрайтириш ва эркалаш маъносини билдиради: *бўталоқ, тойлоқ, чақалоқ, қизалоқ*.

-луқ: *тузлуқ* (қ. **-лик**).

-м I унли товуш билан тугаган феъл асосларидан: 1) ҳолат оти (*алдам, чидам*); 2) ҳаракат натижаси оти (*тўллам, тўғрам*); 3) миқдор англаувчи отлар (*дамлам, тишлам, ҳўллам*) ясайди.

-м II унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг I шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик аффикси: *болам, кўрпам, онам, отам, тоғам*.

-м III феълдан ифодаланган ҳаракат ва ҳолатни бажарувчи шахсни билдирувчи, I шахсга оид шахс-сон аффикси: *ёздим, келдим кўрдим, олдим, севдим, ўқидим* каби.

-ма I феълдан от ва сифат ҳосил қилувчи урғули морфема: *бостирма, газлама, димлама, йўқлама, сузма, терлама, тугма, юклама, қотирма, қўлёзма*.

-ма II 1) феълларга қўшилиб, иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган белгини билдирувчи сифатлар ясайди: *осма, сочма, тизма, улама, эзма, ясама, қовурма*; 2) ўтимсиз феълларга қўшилиб, хусусият, хосса, ҳолат, шакл, усул билдирувчи сифатлар ясайди: *айланма, қотма, ҳовлиқма*; 3) тақлийдий сўзлардан **-илла** билан ясалган феълларга қўшилиб, хусусият билдирувчи сифат ҳосил қилади: *ланғиллама* (чўғ), *қирчиллама* (совуқ), *ғирчиллама* (қор).

-ма III такрор шаклдаги равишларнинг биринчи қисми таркибида келиб, ҳолат, ҳаракатнинг белгисини билдириш учун хизмат қилади: *бирма-бир, ёнма-ён, йилма-йил, кетма-кет, устма-уст, қўлма-қўл* каби. Ушбу аффикс форсча «ба» қўшимчаси таъсирида пайдо бўлган. Қиёс.: *даража-бадаража // даражама-даража* ва ш.к.

-ма IV феълнинг бўлишсиз шакли кўрсаткичи сифатида ажратиладиган урғусиз аффиксдир. Инкор, тақиклаш, огоҳлантириш, тахмин каби маъноларни англади: *бормади, ёзмади, кўрмади, ўқимади; тегма, яқинлашма; (олов ўчиб қолган) бўлмасин* каби.

-ман кесимларда I шахс бирлигини кўрсатадиган шакл ясовчи аффикс: 1) феълларда: *бажараман, бораман, ишлайман, кўзлайман, сузаман* каби; 2) бошқа сўзларда: *биттаман, деҳқонман, ишчиман, каттаман, яхшиман*. Биринчи ҳолатдаги -ман урғули бўлиб, кейингиси урғусиздир.

-манд отларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган предмет маъносига эга эканлик, ортиқлик, давомийлик маъноларини ва хусусият, ҳолат каби белгиларни ифодаловчи, шахсга хос сифатлар ясайди: *аёлманд, давлатманд, дардманд, иштиёқманд* каби. Бу қўшимча ва унинг -ванд шакли орқали ясалган сифатларнинг баъзилари от туркумига оид сўзлар вазифасида қўлланади: *нашаванд, хунарманд* каби. Бу қўшимча билан ясалган баъзи сўзлар отлар олдида келганда, сифат каби қўлланади, лекин кўпинча шахс оти бўлиб қўлланади: *давлатманд, ихлосманд*.

-мас (-ма + -с) I (-а)р аффикси воситасида ясалган сифатдошининг бўлишсиз шаклини ҳосил қилади: *билмас, кўрмас, сезмас, топмас, тўймас, ўзгармас, қўрқмас*. Бу морфема сифатдош таркибида келиб, айрим ажратилади. Редупликация йўли билан ясалган равишларда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин: *айтар-айтмас, билар-билмас* (гапиради), *эшитар-эшитмас* каби.

-мас II баъзи сўзларда -ган шакли сифатдошдан кейин эмас тўлиқсиз феълнинг қисқарган шакли сифатида ажратилади. Бу, одатда, оғзаки нутқда, шеърятда учрайди. Қиёс: *ёзганмас//ёзган эмас, келганмас//келган эмас, ёмонмас, одаммас, сузганмас//сузган эмас; юрганмас//юрган эмас, яхшимас* каби оғзаки нутққа хос қўлланишларда айни ҳолат кузатилади.

-масдан -(и)б шакли равишдошларнинг бўлишсиз шаклини ясайди: *билмасдан, кўрмасдан, қўрқмасдан*.

-маслик (-ма + -с + -лик) феълга қўшилиб, ҳаракат, ҳолат номи ясайди: мавҳум маъноли сўз ҳосил қилади: *ишламаслик, кўрсатмаслик, қўрқмаслик* каби.

-миз I унли билан тугаган отлардан кейин қўшилувчи I шахс эгалик аффиксининг кўплик шакли: *акамиз, онамиз, отамиз, тоғамиз*.

-миз II феълдан ифодаланган ҳаракат ва ҳолатни бажарувчи I шахснинг кўплигини

кўрсатувчи тусловчи аффикс: *борамиз, ёзамиз, кўрамиз, сузамиз, топамиз, юрамиз*; худди шу вазифада феъл бўлмаган сўзларга ҳам қўшилиб келади. Лекин бунда урғусизлиги билан ҳам фарқланади: *ишчимиз, педагогимиз, талабамиз* каби.

-миш I эски ўзбек тилида ўтган замон сифатдошининг кўрсаткичи бўлган бу шакл ясовчи аффикс ҳозирда сўзлар таркибида ажралмайди: *ўтмиш* (йил), *қилмиш-қидирмиш*.

-миш II *эмиш* тўлиқсиз феълнинг қисқарган шакли бўлиб, сифатдошларга қўшилганда, гумон, ишончсизлик маъноларини ифодалайди: *борганмиш, ёзганмиш*.

-мон -ар шакли феълларга қўшилиб, асосдан англашилган маънонинг ортиқлигини ифодалаб, характер-хусусият билдирувчи ва айни пайтда кесатиқ, киноя каби маъноларни ҳам ифодаловчи сифатларни ҳосил қилади: *билармон, ишбузармон, устабузармон, ўлармон*.

-моқ I феълларга қўшилиб, нарсалар предмет оти ясайди: *илмоқ, тўқмоқ, чақмоқ, қуймоқ* каби.

-моқ II феъллардан ҳаракат номи шаклини ҳосил қилади: *бошламоқ, ёшламоқ, ишламоқ, ташламоқ, яшамоқ*.

-моқда (-моқ + -да) феъл асосларига қўшилиб, ҳозирги замон давом феъли шаклини ҳосил қилади: *бошламоқда, ёзмоқда, ишламоқда, яшамоқда, ўқимоқда*.

-моқлик (-моқ + -лик) (қ. -моқ, -лик III): *ўқимоқлик*.

-моқчи феълларга қўшилиб, келаси замон мақсад маъносини ифодаловчи феъл шаклини ҳосил қилади: *бормоқчи, кетмоқчи, ўқимоқчи* каби.

-мтир (-имтир) ранг-тус билдирувчи сифатларга, яъни унли билан тугаган сифатларга -мтир, ундош билан тугаган сифатларга -имтир шаклида қўшилиб, белгининг меъёрий даражага етмаганлигини, пастлигини билдирувчи сифат шаклларини ҳосил қилади: *кўкимтир, оқимтир, сарғимтир, қизғимтир, қорамтир*.

-н I феълнинг ўзлик, баъзан эса мажҳул нисбат шаклини ҳосил қилади: *кавшанди, мақтанди, сўзланди, тайёрланди, таранди, ўқланди* (қ. -ин, -ил, -л).

-н II шеърый асарларда баъзан III шахс эгалик аффиксидан сўнг қўшилган тушум

(-ни) ва қаратқич (-нинг) келишиги кўрсаткичи сифатида қўлланади: Чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё ювар *кокилин* (кокилини). (Х. Олимжон). Ҳар оила *ўчоғин* (ўчоғининг) ўз қутлуғ тарихи бор (Х. Фулом).

-навис [ф. *نویس* — ёзувчи; *نوشتن* — «ёзмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани ёзиш билан шуғулланувчи шахс отини ясаydi: *масалнавис, романнавис, қасидана-вис, қиссанавис, ҳикоянавис*.

-намо [ф. *نما* — ташқи кўриниш, қиёфа; кўрсатувчи, намоён қилувчи] от, сифат ва сифатдошларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодиса, ҳолат тушунчасига «ўхшаш» деган маънони берувчи сифатлар ясаydi: *аёлнамо, жиннинамо, кулганнамо, мажнуннамо, олимнамо, ҳазилнамо* каби.

-нг I унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс бирикка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси ҳисобланади: *боланг, ошланг, отанг* каби.

-нг II унли билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, II шахс кўпликдаги буйруқ майли шаклини ҳосил қилувчи тусловчи қўшимча: *бошланг, ишланг, яшанг, ўқинг*.

-нгиз (-нг + -из) I унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс кўпликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси ҳисобланади: *болангиз, мартабангиз, опангиз, орзунгиз, тоғангиз*.

-нгиз II феълларда II шахс кўплик шаклини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *бошлангиз, ташлангиз, узмангиз* (қ. -**ингиз**).

-ни тушум келишиги кўрсаткичи бўлиб, ўзи қўшилган асосдан англашилган предметнинг ҳаракатни ўзига тўла олишини ифодалайди: *китобни* (ўқиди), *Салимани* (кўрди).

-ники от ёки олмошларга қўшилиб, қарашлилик маъносини англатадиган шакл ясовчи аффикс: *бизники, мактабники, меники, сизники, укамники, ўзимники* каби.

-ним [ф. *نیم* — ярим, яримта] асосан отлар олдидан қўшилиб, асосдан англашилган тушунчанинг, белгининг кучсизлигини, одатдагидан камлиги, кичиклигини билдиради: *нимжон, нимкоса, нимранг, ним-*

пушти; баъзи ўлчов бириклари таркибида учраб, айна бирикнинг ярми маъносини ифодалайди: *нимчорак*.

-нинг қаратқич келишиги кўрсаткичи. Бирор предмет ёки ҳодисанинг бошқа бирор предмет ёки шахсга тегишли эканлигини билдиради: *кўзнинг қораси, Навоийнинг мероси, оиланинг авзоси, Салиманинг куйлаши, сўзнинг кучи, қаламнинг учи* каби.

но- I [ф. *نا* — инкор маъноли сўз ясовчи олд қўшимча] 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчаларга эга эмаслик, йўқликни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *ношлож, ноумид, ношукур, ноўрин, ноҳақ*; 2) сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган белги, хусусият, ҳолатга эга эмаслик маъносини билдирувчи сифатлар ясаydi: *нотекис, нотинч, нотўғри* каби. **но-** олд қўшимчаси билан ясалган баъзи сўзларда ясаиш учун асос бўлган сўз ўзбек тилида мустақил қўлланмайди, шу сабабли улар ажралмас ҳолга келган: *нодон, ноёб, нокас, нотагон*.

-нома [ф. *نامه* — ёзув, хат, ҳужжат] асосан турдош отлардан ёзма ҳужжат, расмий иш қоғозлари номини билдирувчи отлар ясаydi: *айбнома, арзнома, ваколатнома, гувоҳнома, жангнома, йилнома, табрикнома, таклифнома, талабнома, шартнома*.

-нчи унли билан тугаган санок сонларга қўшилиб, кетма-кетлик маъносини англатувчи тартиб сон шаклини ҳосил қилади: *еттинчи, иккинчи, йигирманчи, олтинчи* каби (қ. -**инчи**).

-ов айрим санок сонларга қўшилиб, биргалик, жамлик, тўда, йигинди маъноларидаги сон ҳосил қилади: *бешов, еттов, икков, олтов, тўртов, учов*.

-овлон (-ов + -лон) санок сонларга қўшилиб, биргалик маъносини англатувчи жамловчи сонлар шаклини ҳосил қилади: *олтовлон, тўртовлон* (қ. -**ов**).

-ой аёллар исмларига қўшилиб, эркалатиш маъносини билдиради: *Барчиной, Салимаой, Туйғуной* каби.

-омуз [ф. *أمیر* — қўшувчи, аралаштирувчи; аралаш, таркибида бирор нарса бўлган] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага «ўхшаш», «аралаш» деган маъноларни берувчи, хусусият билдирувчи сифатлар ясаydi: *маслаҳатомуз, масхара-омуз, насихатомуз, ҳазиломуз* каби.

-он I феъллардан натижавий жараён оти ясайди: *тўзон, қўзғолон*.

-он II -б (-иб) билан ҳосил қилинган равишдошларга қўшилиб, кучайтириш, зудлик билан амалга оширилган ҳаракат пайтини ифодаловчи феъл шаклини ясайди: *битирибон, келибон, кўндирибон* каби.

-она от ва сифатлардан тақлид ва ўхшатиш маъносидаги ҳолат билдирувчи равишлар ясайдиган унумсиз аффикс: *айёро-на, жоҳилона, мардона, разилона, шоирона, қаҳрамонона*.

-онғич феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатнинг кучли белгисини билдирувчи сифат ясайди: *сузонғич, тепонғич, чопонғич, қопонғич*.

-ос тақлидий сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган хусусиятга эга бўлган маъносидаги сифат ясайди: *гулдурос, чуввос, шаррос, ғуввос*.

-от [а. ات — арабча муаннас кўплик қўшимчаси] араб тилидан кирган сўзларнинг таркибида келиб, шу сўзларнинг кўплигини билдиради; ўзбек тилида сўз яшаш хусусиятига эга эмас: *ажойибот, ахборот, баёнот, машғулот, маҳсулот, маълумот, тартибот, ҳисобот* каби.

-оқ 1) феълларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган маъно билан боғлиқ ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *бақироқ ўтироқ, қолоқ, қочоқ, қўрқоқ*, каби; 2) феълдан от ясайди: *ётоқ, ўроқ, қўноқ, қўшоқ* каби.

-паз [ф. پز — пиширувчи; پختن — «пиширмоқ; пишмоқ; куйдирмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосан, овқат, таом номларига қўшилиб, уни пишириш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахсни — касб эгасини билдиради: *кабобпаз, мантипаз, ошпаз, сомсапаз, ҳолвапаз*.

-параст [ф. پرست — бир нарсанинг мухлиси, унга қаттиқ берилган, уни қаттиқ севувчи] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодисага жуда берилган, одатланган, мойиллик каби маънолардаги, шахсга хос сифатлар ясайди: *амалпараст, мансабпараст, молпараст, хаёлпараст*.

-парвар [ф. پرور — тарбияловчи, ғам-хўрлик қилувчи; эркаловчи] отларга қўшилиб, тарбиялаш, яхши муносабат, севиш маъноларини англаувчи сифат ясайди:

ватанпарвар, инсонпарвар, сояпарвар, та-раққийпарвар.

пеш- [ф. پيش — олд, олд томон; аввалги; олдиндаги] отларга қўшилиб, асос англашган тушунча (нарса, предмет)нинг олди ёки олдида маъносидаги от ва сифатлар ҳосил қилади: *пешайвон, пештахта, пешқадам* каби.

-р I айрим сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар ясайди: *эскирмоқ, ўзгармоқ, қисқармоқ* каби.

-р II унли товуш билан тугаган феъллардан сифатдош шаклини ясайди: *бўзлар, бошлар, ишлар, қайнар* каби (қ. -ар).

-ри феъллардан ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *бугри // букри, эгри*.

-роқ 1) сифатларга қўшилиб, белги маъносининг меъёрий даражата етмаганлигини, бир оз камлигини, айни пайтда чоғиштиришни, қиёслашни билдирувчи шакл ясовчи қўшимча: *оқроқ, совуқроқ, қалинроқ, қоронғироқ*; 2) равишларга қўшилиб, ҳаракат белгисининг у ёки бу даражасини ҳосил қилади: *тезроқ, этароқ*.

-с бўлишсизлик шаклидаги буйруқ феълларига қўшилиб, хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *арзимас* (баҳона), *индамас* (одам), *толмас* (курашчи), *ўтмас* (пичоқ). Бундай сифатлар таркибидаги -ма + -с қўшимчаси ҳозирги пайтда бўлинмас қўшимча сифатида қаралиб, сифатдош ҳосил қилувчи қўшимча деб ҳисобланмоқда (қ. -мас).

-са I отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни хоҳлаш, ишташ маъносидаги феъллар ясайди: *сувсамоқ* каби.

-са II феълларда шарт майли, III шахс бирлигининг кўрсаткичи: *борса, бошласа, ёзса, ишласа, кўрса, ташласа* каби.

-сан I 1) II шахс бирлигини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *борасан, ёзасан, ишлайсан, кетасан* каби; 2) феъл таркибида кесимлик кўрсатувчи морфема сифатида ажратилади: *деҳқонсан, ёшсан, каттасан, одамсан, ўқитувчисан* каби.

сер- [ф. سير — тўқ, тўйган; тўйинган; кўп, мўл; хуюқ, тўқ (ранг)] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг мўллигини, шунга эга бўлишда ортиқликни англаувчи сифатлар ясовчи олд қўшимча: *сергўшт, серпул, серсув, серунум, сершовқин*,

серҳосил. Баъзи сўзлар таркибида *сер-* қўшимчаси асос билан бирикиб, ажралмас қолга келиб қолган: *сероб*.

-**си** II унли товуш билан тугаган сўзларга қўшилувчи эгалик аффиксининг III шахс бирлиги кўрсаткичи: *бобоси, онаси, орзуси, отаси, танаси, укаси*. Баъзан эгалик аффиксидан сўнг қўшилиб, аффиксал плеоназм яратади: *бириси, ярмиси, синглиси* каби.

-**сиз** I отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодиса, ҳолатнинг йўқлиги ёки камлигини билдирувчи сифатлар ясади: *ақлсиз, билимсиз, ёғсиз, жонсиз, илмсиз, мазасиз, онгсиз, режасиз, сабабсиз, сўзсиз, тажрибасиз, тузсиз, ҳаракатсиз*.

-**сиз** II 1) II шахс кўплик шаклини ҳосил қилувчи тусловчи аффикс: *борасиз, ёзасиз* каби; 2) феълдан бошқа сўз туркумларида кесимлик аффикси саналади ва тусловчи қўшимча ҳисобланади: *каттасиз, одамсиз, яхшисиз, ўқитувчисиз* каби (қ. -*ман, -сан*). Юқоридаги икки хил -**сиз** аффикси урғу орқали фарқланади. Масалан, *одамсиз* (хона) – *одамсиз* (сиз яхши одамсиз). Баъзан отдан бошқа сўзларга ҳам қўшилади: *тенгсиз* (тенги йўқ).

-**симон** асосан отларга қўшилиб, «шу асосга ўхшаш» маъносидаги, хусусият, шакл билдирувчи сифатлар ясади: *газсимон, ёйсимон, кумушсимон, одамсимон, тухумсимон, қалқонсимон, ҳалқасимон* каби.

-**син** феълларда буйруқ майлининг III шахс бирлиги кўрсаткичи бўлиб, II шахс орқали буюриш, огоҳлантириш, истак, илтимос ва бошқа маъноларни ифодалайди: *борсин, ишласин, келсин, ўқисин* каби.

-**сира** I отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсага эҳтиёж, шуни ишташ, шунга мойиллик каби маъноларни англадиган феъл ясовчи унумсиз аффикс: *сувсира, тузсира, уйқусира, қонсира*.

-**сира** II баъзи кишилик олмошларига қўшилиб, **сен** ёки **сиз** деб гапиришни ифодаловчи феъллар ҳосил қилади: *сенсира, сизсира* каби.

-**соз** [ф. ساز – қурувчи; ساختن – «яратмоқ, ишлаб чиқармоқ; қурмоқ, таъмирламоқ, гузатмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани қурадиган, ясайдиган, тузатадиган шахс отлари ясади: *аравасоз, асбобсоз, кemasоз, машинасоз, самолётсоз, станоксоз*.

-**т** унли товуш билан тугаган сўзларга, шунингдек, **р, й** ундошлари билан тугаган кўп бўғинли сўзларга қўшилиб, феълнинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *бошлатмоқ, ишлатмоқ, сўзлатмоқ, тўхтатмоқ; камайтмоқ, кенгайтмоқ, кичрайтмоқ, пасайтмоқ, сусайтмоқ, узайтмоқ, улғайтмоқ, қорайтмоқ; ёшартмоқ, кўкартмоқ, ўзгартмоқ, қабартмоқ* каби.

-**та** саноқ сонларга қўшилиб, предметларни доналаб кўрсатиш учун хизмат қилади; «дона», «нафар» маъносини беради: *бешта, иккита, ўнта* каби.

-**тадан** саноқ сонларга қўшилиб, нарсаларнинг миқдорини тақсимлаб кўрсатиш маъносидаги тақсим сон шаклини ҳосил қилади: *бештадан, олтиадан, ўнтадан*.

-**тарош** [ф. تراش – қирувчи, қиртишловчи; ўйиб, йўниб, нақш солувчи] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни ясаш, қуриш, унга ишлов бериш билан шуғулланувчи шахс отини ясади: *тоштарош, қаламтарош, ҳайкалтарош* каби.

-**тача** саноқ сонларга қўшилиб, нарсанинг миқдорини тахминлаб кўрсатувчи чамасон шаклини ҳосил қилади: *мингтача, юзтача, ўнтача*.

-**тир** феълларга қўшилиб, феълнинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *келтир, чоптир*.

-**(у)в** феълнинг ҳаракат номи шаклини ҳосил қилади: *борув, ёзув, кўрув, тортишув, ўқув*. Бундай ҳаракат номлари отларга хос хусусиятларга эга бўлади.

-**ум** феълга қўшилиб, ҳаракат натижасида ҳосил бўлган предметнинг отини, жараён номини ҳосил қилади: *тушум, унум, ютум* каби.

-**уқ** таркибида **у** ёки **ю** товуши бўлган феъллардан натижа оти ёки ҳаракат натижасида тугилган белгини билдирувчи от ва сифат ҳосил қилади: *бузуқ, буйруқ, узук, учук, юлук, ютуқ*.

-**фуруш** [ф. فروش – сотувчи; فروختن – «сотмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни сотиш билан шуғулланадиган шахсни билдирувчи от ясади: *гулфуруш, дўппифуруш, китобфуруш, мевафуруш, олмафуруш, читфуруш, шойифуруш, ҳолафуруш* каби.

-**хон** I [ф. خوان – ўқувчи; куйловчи; خواندن – «ўқимоқ, ёддан айтмоқ, куйла-

моқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани ўқийдиган, ўқиётган шахсни кўрсатувчи от ясайди: *газетхон, журналхон, китобхон, намозхон, шеърхон* каби.

-хон II асосан, хотин-қизлар исмига қўшилиб, эркалаш ёки кесатиш каби маъноларни англади: *Барнохон, Лолахон, Раисахон, Салимахон, Ҳабибахон* каби.

-хона [ф. *خانه* — уй, бино, иморат; тураржой] отларга қўшилиб, асосдан англашилган иш бажариладиган ёки бирор нарса сақланадиган бино маъносини англади: *босмахона, ғримхона, касалхона, ошхона, пилахона, тўйхона, чойхона* каби.

хуш- [ф. *خوش* — яхши, ёқимли; қувноқ] I) асосан, отлар олдидан келиб, «яхши», «ёқимли» маъносидаги сифат ҳосил қилади: *хушахлоқ, хушбичим, хушманзара, хушмуомала, хушовоз, хуштабиат, хуштаъм* каби; 2) баъзи ҳолларда айни маънода отдан от ясайди: *хушхабар*.

-хўр [ф. *خور* — еювчи, ичувчи; очкўз; *خوردن* — «емоқ, овқатланмоқ, ичмоқ, ютмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни ейдиган, ичадиган ёки кўп ейдиган, кўп ичадиган шахсни билдирувчи, хусусият ҳолат сифатларини ясайди: *ароқхўр, гўжа-хўр гўштхўр, нонхўр, паловхўр, чойхўр, шафтолихўр, қимизхўр*. Бундай сифатлар баъзан от вазифасида ҳам қўлланади.

-ч I) феълнинг ўзлик нисбати шаклидан маяҳум от ва сифатлар ясайди: *ишонч, севинч, суюнч, ўтинч, қувонч, қўрқинч*; 2) н товуши билан тугаган сўзларга қўшилиб, сифат ясайди: *жирқанч, тинч* каби.

-ча I I) тил ёки миллат номини англаувчи сўзларга қўшилиб, тур, хил билдирувчи сифатлар ясайди: *арабча* (ўйин), *афғонча* (рубоб) *ўзбекча* (одат) каби; 2) сўзларга қўшилиб, ҳажм-миқдор билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *заррача* (фойда), *зигирча* (туз), *тариқча* (ақл).

-ча II от, олмош ва сифатларга қўшилиб, ўхшатиш, тарз каби маънолар билан боғланган равишлар ҳосил қилади: *болаларча, европача, янгича, ўзгача, қушча* (урғуси биринчи бўғинда) ва бошқалар; сон туркумига оид сўзларга кўллик ёки -та қўшимчасидан сўнг қўшилиб, чама, тахмин, ортиқлик маъноларини билди-

ради: *мингларча, юзларча, ўнларча; элликтача, юзтача*.

-ча III отларга қўшилиб, кичрайтириш ва эркалатиш маъносини ҳосил қилади: *аравача, йигитча, китобча, лампача, хўрозча, юлдузча, қизча, қушча*; бу қўшимча айрим ҳолларда бир қўшилманинг ўзида икки хил вазифани бажаради: сифатга қўшилиб, кичрайтиш маъносини сақлаган ҳолда, уни отга айлантиради: масалан, *қизилча* (лавлагининг бир тури, шунингдек, касаллик номи), *кўкча* (қовуннинг тури). Бундай ҳолларда -ча морфемаси сўз ясовчи саналади.

-чак I феълнинг ўзлик нисбати шаклига қўшилиб, шу хусусият билан характерланувчи шахснинг белгисини англаувчи сифат ясайди: *ийманчак, куйинчак, эринчак* каби (қ. -чоқ).

-чак II *келинчак, тугунчак* каби отлар таркибида -ча аффикси англаган кичрайтиш маъносини билдиради (қ. -ча III).

-чан I отларга, ҳаракат номларига қўшилиб, характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифат ясайди ва асосдан англашилган нарса, ҳодиса, тушунчаларга ортиқлик, фаоллик каби белги маъноларини қўшади: *ишчан, талабчан, уятчан, ўзгарувчан*.

-чан II отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди: *кўйлакчан, майкачан, маҳсичан, яктакчан* ва б. Баъзи ҳолларда -чан билан параллел ҳолда -чанг қўшимчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

-чанг қ. -чан.

-часига (-ча + -сига) от ва сифатларга қўшилиб, ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бу жиҳатдан асосдан англашилган предметга ўхшатиш маъносини билдирувчи равишлар ясайди: *аскарчасига, деҳқончасига, йигитчасига, мардчасига, очиқчасига, қаҳрамончасига, ҳарбийчасига*.

-чи I I) сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган белги билан характерланувчи шахс отларини ясайди: *қизиқчи, бекорчи* каби. Бунда асли сифатга кўчиш воқе бўлади; 2) сонларга қўшилиб, шахс оти ясайди: *бешмингчи* (асли: беш минг килограммчи), *иккичи* (икки олувчи); 3) отлардан шахс оти ясайди: *ёрдамчи, ашулачи, асаларичи*; 4) ҳаракат номидан шахс оти ясайди: *бошқарувчи, айбловчи*.

-чи II 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган маънога эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди: *ёлғончи* (бола), *ўйинчи* (қиз), *ҳасадчи* (одам). Бундай сифатлар асосан от туркумига оид сўз сифатида қўлланади; 2) турли сўз туркумларидан хусусият билдирувчи сифат ясайди: *айирмачи* (киши), *бекорчи* (гап), *дангалчи* (хотин), *қизиқчи* (одам).

-чи III сўроқ. кучайтирув, таажжуб маъноларини англаувчи юклама: *Карим-чи*, *келсанг-чи*, *отсанг-чи*, *сен-чи* каби.

-чил I отларга қўшилиб, сифат ясайди, бирор хусусиятга эга эканлик ва бундаги ортиқликни англатади: *дардчил*, *изчил*, *халқчил*, *эпчил*.

-чил II сифат ва равишларга қўшилиб, уларнинг озайтириш-кучсизлик маъносидаги шаклини ҳосил қилади; бунда -роқ, баъзан -иш, -имтир аффикслари англаган маънога яқин мазмун ифодаланади: *камчил // камроқ; кўкчил // кўкроқ // кўкиш; оқчил // оқроқ // оқиш // оқимтир*.

-чилик (-чи + -лик) қўшма аффикс; от ёки сифатлардан касб-ҳунар, фаолият-жараён, ҳолат билдирувчи от ясайди: *ошачилик*, *ошначилик*, *хурсандчилик*, *қассобчилик*, *қудачилик*, *ғаллачилик* каби.

-чиқ I от ва сифатларга бирикиб, кичрайтириш маъносидаги англаувчи отлар ясайди: *қопчиқ*, *қорачиқ*.

-чиқ II феълнинг буйруқ шаклидан характер-хусусият билдирувчи сифат ясайди: *сирпанчиқ*, *қизғанчиқ* каби.

-чоқ I феълнинг буйруқ шаклларига қўшилиб, хусусият, ҳолат, шакл каби маъноларни билдирувчи сифатлар ясайди: *тортинчоқ*, *чўзинчоқ*, *эринчоқ*.

-чоқ II отларга қўшилиб, кичрайтириш ва эркалаш маъносидаги от шаклини ҳосил қилади: *тойчоқ*, *қўйчоқ*.

-ш I феълдан ҳаракат номи ясайди: *ёзиш*, *фикрлаш*, *яшаш*, *ўқиш*.

-ш II феълларга қўшилиб, ҳаракат бирдан ортиқ бажарувчи томонидан биргаликда амалга оширилганлигини ифодаловчи биргалик нисбатини ҳосил қилади: *айблашди*, *ишлашди*, *қарашди*, *қучоқлашди* каби.

-шунос [ф. *شناس* — билувчи, билимдон; *شناختن* — «билмоқ, таниш бўлмоқ; танимоқ, тушунмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, касб-ҳунар, мутахассислик,

машгуллик оти ясайди: *адабиётшунос*, *тилшунос*, *товаришунос*, *тупроқшунос*, *шарқшунос*, *ҳуқуқшунос* каби.

-яп -а, -й билан ясалган равишдошлардан феълнинг ҳозирги замон давом шаклини ҳосил қилади: *бошлаяпман*, *ишлаяпман*, *кел(а)япман* каби.

-қ I унли билан тугаган феъллардан нарса, қурол ва жараён билдирувчи отлар, шу ҳаракат билан боғлиқ турлича белгини англаувчи сифатлар ва отлар ясайди: *иссиқ*, *совуқ*; *сувоқ*, *ямоқ*, *ўтоқ*. Бу қўшимча билан ясалган баъзи сўзлар ҳам от, ҳам сифат вазифасида қўллана олади.

-қ II унли билан тугаган феъллардан ҳаракат ва ҳолат натижасида юзага келган белгини билдирувчи сифатлар ясайди: *порлоқ*, *тарқоқ*, *титроқ*, *хириллоқ*, *чанқоқ*, *шилдироқ* каби (қ. -к, -ак, -ик, иқ, -оқ, -уқ).

-қа I баъзи феъл ва отлардан ҳам, хусусият билдирувчи сифат ясовчи кемаҳсул аффикс: *лойқа*, *қисқа*.

-қа II қ, ғ товушлари билан тугаган сўзлардан кейин қўшиладиган жўналиш келишиги қўшимчаси бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракат йўналишини, ўрин, пайт каби маъноларни ифодалайди: *боққа*, *ўтоққа*, *қирғоққа* каби.

-қаз жарангсиз ундош товушдан сўнг қўшилиб, феълнинг орттирма нисбатини кўрсатади: *тутқазмоқ*, *ютқазмоқ*, *ўтқазмоқ*, *қутқазмоқ* (қ. -ғаз, -ғиз, -каз, -қиз, -ғаз, -ғиз).

-қали феълларга қўшилиб, мақсад билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *йиққали*, *туққали*, *уққали*, *чиққали* (қ. -ғали, -гани).

-қан феъллардан ҳаракат белгисини ифодаловчи сифатдош шаклини ясайди: *таққан*, *уққан*, *чиққан*.

-қани феъллардан мақсад равишдоши шаклини ясайди: *боққани*, *туққани*, *чиққани* (қ. -қали).

-қач феъллардан пайт маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ясайди: *боққач*, *таққач*, *туққач*, *чиққач*, *қизиққач* (қ. -ғач, -қач).

-қача феъллардан ўрин, чегара маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *тоққача*, *қирққача*, *қишлоққача* (қ. -ғача, -қача).

-қи I жарангсиз ундош товуш билан тугаган феъл асосларига қушилиб, нарса, қурол, объект оти ясайди: *ачитқи, ивитқи, сачратқи, сочқи, чопқи, қичитқи* (қ. -ғи, -ки).

-қи II сўзларга қушилиб, асосдан англашилган ҳаракат билан боғлиқ белги, ўрин, вақтга алоқадорликни билдирувчи сифат ясайди: *вайсақи, сиртқи, ташқи, қабаринқи*.

-қиз феъллардан орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *ютқизмоқ, ўтқизмоқ* (қ. -ғиз, -киз).

-қин I феълга қушилиб, иш-ҳаракат натижасида юзага келган жараён, ҳолат номини ҳосил қилади: *босқин, тошқин, тўсқин, учқун*.

-қин II буйруқ феълларидан хослик, хусусият, ҳолат маъноларини англлатувчи сифат ясайди: *ёрқин, жўшқин, сотқин*.

-қин III қ, ғ, ундошлари билан тугалланган буйруқ майлидаги феъл асосларидан II шахс бирлик шаклини ҳосил қилади: *боққин, таққин* (қ. -гин, -кин).

-қина отларга қушилиб, асосдан англашилган предметни эркалаш маъносини ифодалайди: *бўталоққина(м), дўндиққина(м), қароққина(м), қизалоққина(м)* каби (қ. -гина, -кина).

-қир феълларнинг буйруқ шаклига қушилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *топқир, уққир, чопқир*.

-қич жарангсиз ундош товушлар билан тугаган феълларга қушилиб, қурол-асбоб отини ясайди: *ёритқич, қисқич* каби.

-қоқ I феълдан жой оти ясайди: *ботқоқ* (қ. -гақ, -кақ, -ғоқ).

-қоқ II феъллардан характер-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди: *бурушқоқ, ёпишқоқ, тиришқоқ, урушқоқ, уюшқоқ, қайишқоқ, қочқоқ* каби.

-қу эск. қ. -қи I: *чопқу*.

-қун феъллардан нарса оти ва ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *тутқун, учқун* (қ. -гин, -қин, -ғин).

-қунча феъл асосларидан пайт маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ҳосил қилади. *ёққунча, туққунча, чиққунча* (қ. -гунча, -қунча).

-қур феъл асосларидан ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *учқур*.

-ғаз феъл асосларига қушилиб, орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *турғаз, тўлғаз* каби.

ғайри- [a. غير – бошқа, ўзга; ёт, бегона] одатда арабча сўзларга (сифатларга) қушилиб, асосдан англашилган белгига зид, қарама-қарши маъноли сифатлар ҳосил қилади: *ғайриадабий, ғайрихлоқий, ғайришамий, ғайритабиий, ғайриқонуний*.

-ғиз феъл асосларига қушилиб, орттирма нисбат шаклини ясайди: *тўйғизмоқ, тўлғизмоқ, ўтирғизмоқ* каби (қ. -газ, -каз, -қаз; -ғиз, -киз, -қиз).

-ғин I буйруқ шаклидаги феъл асосларидан иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган жараён оти ясайди: *ёнғин, қирғин, қувғин* каби.

-ғин II феъл асосларидан хослик, хусусият, ҳолат маъноларини англлатувчи сифат ясайди: *озғин, сўлғин, қизғин*.

-ғир буйруқ шаклидаги феъл асосларига қушилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *олғир, ўзғир*.

-ғич I феъл асосларига қушилиб, ундан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи нарса-қурол отини ясайди: *елиғич, савғич, сўрғич, томизғич, тўзғич, чизғич, қашлағич, қирғич* (қ. -ғич, -кич, -қич).

-ғич II феъл асосларига қушилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *бошланғич, юлғич* каби (қ. -ғич, -кич).

-ғоқ I феъл асосларига қушилиб, ҳаракат-ҳолат номини билдирувчи от ясайди: *тўлғоқ*.

-ғоқ II феъл асосларига қушилиб, характер-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифат ясайди: *тойғоқ, тўзғоқ, қурғоқ*.

-ғу феъл асосларига қушилиб, натижа оти ясайди: *урғу, туйғу, чолғу* (қ. -ғу, -қу).

-ғун феъл асосларига қушилиб, «шу хусусиятга эга бўлиш» мазмунидаги сифат ясайди: *бузғун, туйғун, уйғун* (қ. -гин, -ғин).

ҳам- [ф. هم – бирга, бир-бири билан; бирга бажарувчи, тенг, бир хил] отларга қушилиб, асосдан англашилган тушунчага алоқадорлик, уни биргаликда бажариш каби маъноларни ифодаловчи отлар ясайди: *ҳамкасб, ҳамсуҳбат, ҳамфикр* каби. Кўп ҳолларда бу қўшимча -дош қўшимчаси билан синоним бўла олади (қ. -дош).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. В. Шукрона-Ҳ/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.-592 б.

ББК 81.2Ўзб-4

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

V жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

Факс: (371) 244-24-91

E-mail: ume2@yandex.ru

Нашриёт сайти: www.ensiklopediya.uz

ISBN 978-9943-07-051-6



9 789943 070516

2008 й. 27 майда босишга рухсат этилди.
Қўғоз бичими 70 x 100 $\frac{1}{16}$. Офсет қўғозда-босилди.
64,82 нашриёт-ҳисоб табағи. 48,1 шартли босма табоқ.
Адади 3000. Баҳоси шартнома асосида. 08-707-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг ишлаб чиқариш,
харитаграфия ва безак бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).